R 481 1965/1
1-6/1965
ЗАЛ ПЕРИОДИКИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

1-6
2

1965 1

Эк. № 2

ФАН
НАУКА

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМ. А. С. ПУШКИНА

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Восьмой год издания

1

ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «НАУКА» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ—1965

R 481/1965

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Экз. № 2

Саккизинчи йил чиқиши

1

ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛЬ

ГБ УзССР
24460
1

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 1965

Редколлегия:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. ОЙБЕК *(бош муҳаррир)*, ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари В. И. ЗОҲИДОВ, Ю. СУЛТОНОВ, филология фанлари докторлари Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ, В. В. РЕШЕТОВ, И. О. СУЛТОНОВ, А. П. ҚАЮМОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, филология фанлари кандидатлари Б. Ж. ЖЎРАЕВ *(масъул секретарь)*, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, З. М. МАЪРУФОВ, Ё. У. УСМОНОВ, Ҳ. У. ҚУРБОНОВА.

М. ҚУШЖОНОВ

Филология фанлари кандидати

ПОЭМАДАН РОМАНГА[1]

Ёзувчига қаҳрамонлар шу хилдаги сюжетларда ўзини тўлароқ намоён қиладигандек кўринади, «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмасининг ёзилиш сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Ойбек ижоди устида кўпгина қимматли илмий-текшириш ишлари олиб борган таниқли адабиётшуносларимиздан Ҳ. Ёқубов бу поэма ҳақида гапириб, уни «Уч»га нисбатан олға ташланган қадам бўлди»[2], деб баҳолайди. Бу фикрга қўшилиш қийин. «Уч»да қаҳрамонларнинг ҳар иккаласи ҳам характер сифатида ўзларининг жозибадорлиги, маълум бир хислатларининг бўрттириб тасвирланиши билан китобхонни ўзига тортиб олиш қувватига эга. Бу фикрни «Бахтигул ва Соғиндиқ» поэмасига нисбатан айтиб бўлармикин.

Аввало, Бахтигул «Уч»даги жасур Лаълига нисбатан анча пассив, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш учун интилмайди, ниҳоят, у фақат азоб тортиш билан чекланади.

Асарда Бахтигулга, Лаъли характерига берилгандек, кенгроқ тафсилот берилмайди. Сўнгра, унда иш берадиган потенциал мантиқ яратилмайди. Фақат унинг «саҳро гўзали, саҳро гули» экани бир-икки жойда қайд қилинади, холос. Кейинги тафсилотлар кўпроқ Бахтигул тортган азоб тасвирига тегишлидир.

Ўша тафсилотлардан характерлиларни келтирамиз:

Ўксиз Бахтигул (исми шундай-ди)
Ёлғиз йиғларди қўшни ўтовда,
Ўйи, ҳислари қора тундай-ди,
Эрк йўқ, севги йўқ — бари оловда.

Бошқа бир ўринда шундай дейилади:

Тун-кун Бахтигул қамоқда қолди,
Эркин қанотлар тош бойлаб олди,
Руҳ кишан кийди, янграр юрак жим,
На элдан хабар бор, на қуёш, на ой.
Қани қирларнинг майин шамоли?
Қани селларга ётоқ бўлган сой?...

Бахтигул Отабой қўлида анча вақт бўлади, сўнгра Тошкентга келтирилиб, катта бекага чўри сифатида топширилади. Азоб устига яна азоб:

Хизматкорларнинг баридан у хор,
Бошида таёқ синар ҳар куни,
Унинг-чун ҳар чоқ минг юмуш тайёр.
Қўллари косов, сочлари супурги,

---

[1] Давоми, боши мазкур журналнинг 1964 йил, 5-сонида.
[2] Ҳ. Ёқубов, Ойбек, Ўздавадабнашр, Тошкент, 1959.

Тунда чўзилар қора каттакда,
Кўрпа ва тўшак — намат чуруги,
Жулдур кўйлакнинг енги билакда.

Ёзувчи асарнинг кейинги саҳифаларида Бахтигулнинг азоб оҳангини яна ҳам баландроқ кўтаради:

Бахтигул учун бу уй — «ичкари»
Ҳарвақт дахшатли, қора қабрдай.
Мудом бош букук, очилмас лаби,
Кунлар суякка ботар занжирдай...

Ойбек ижодига хос бўлган романтика — Дилбардаги («Дилбар — давр қизи») тақдир жиловини ўз қўлига олиш, Лаълидаги («Ўч») ҳар қандай оғир шароитда ҳам таслим бўлмаслик каби етакчи ва асосий белгилар Бахтигул образида нега кўринмай қолган. Ҳа, Бахтигул образининг тасвирида шу романтика етишмайди.

Гап фақат романтиканинг етишмовчилигида эмас. Ҳаёт ҳақиқати ва социалистик реализм эса, Бахтигулга ўхшаган бошига оғир кулфатлар тушган кишилар онгида аста-секин, баъзан ҳатто сезилиши қийин бўлган, лекин санъаткорлар кўра биладиган психологик ўзгаришлар рўй беришини кўрсатишни тақозо қилади. Ойбек шу рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар билан қизиқмайди. Биз Бахтигул революционер бўлиши керак эди демоқчи эмасмиз, албатта. Агар шундай десак, ёзувчидан жонли образ эмас, балки схематик шакл талаб қилган бўлар эдик. Бу ерда гап, тасвирланаётган шароитда, қаҳрамон ирода йўналишида маълум бир силжиш имкониятининг борлиги ҳақида кетаётир. Бошқача қилиб айтганда, гап тасвирланаётган шароит билан танланган характер ораларидаги зиддият ҳақида боради.

Афсуски, Соғиндиқ образини ҳам тўла тасаввур қила олмаймиз. Асарда биринчи марта номи тилга олинган вақтда, ёзувчи ниҳоятда камгаплик билан қаҳрамон ҳақида икки нарсани билдиради: бири — йигитнинг номи Соғиндиқ эканлиги, иккинчиси эса унинг «гўзал бахши» лиги. Унда на аниқроқ портрет тасвири бор, на поэма сюжетида иш берадиган конкрет мантиқ бор. Шу сабабдан поэманинг бир жойида Соғиндиқнинг ўз ўртоғлари билан, Отабой карвонига ҳужум қилиб, Бахтигулни озод қилмоқчи бўлиб урингани жуда ҳам ишонарли эмас.

Поэманинг ечими муваффақиятли чиққан. Соғиндиқ ўзи сингари қароллар билан бирга бой уйига ўт қўяди. Улар «Қайда золим бўлса ур!» шиорига амал қилиб, Бахтигулни озод этадилар. «Ўч»даги чапаниларча индивидуал террор йўли билан тугуннинг ечилишига нисбатан «Бахтигул ва Соғиндиқ»да бир хил ҳаёт шароитидаги кишиларнинг бир мақсадда ҳаракат қилишлари (гарчи, бу ҳаракат маъноси битта-иккита индивуд мақсадига бўйсундирилган бўлса-да) ёзувчи ижодида маълум даражада олға силжиш эди.

«Бахтигул ва Соғиндиқ»да энг яхши ишланган, шу туфайли эсда қоладиган образ Отабойдир. Отабой образини яратар экан, Ойбек аввал, поэмаларидаги, хусусан «Ўч» поэмасидаги ижодий принципларига амал қилган. Ёузвчи асар бошларида поэманинг асосий образларидан бўлган бу шахснинг ёрқин портретини яратади. Бу портрет белгиларига қараб рассом типик қозоқ бойининг портретини бемалол чиза олади ва биз уни юзлаб портретлар орасидан адашмасдан топиб олган бўлар эдик.

Отабой портрети ўзининг зиддиятлилиги билан ёзувчи яратган аввалги салбий тип Ҳошимбойвачча портретидан фарқ қилади. Ҳошимбойваччанинг ташқи қиёфаси унинг ички дунёсига ҳамоҳанг қилиб тасвирланган эди. Бу поэмадаги қозоқ бойининг портретида эса қандайдир дисгармония борлигини сезамиз. У «барзанги қомат, йўғон калладор»,

«тўнкадай оғир», ҳатто этигининг нағали ҳам ўзига ўхшаган — отнинг тақасидай вазмин. Худди шу белгилари билан у тўнканинг ўзгинаси. Ташқи қиёфасига мос баъзи бир хусусиятлари ҳам бор: у иштаҳада машҳур «семиз қўзидан қолдирмас қулоқ. Қорни қимизга мешдай серкўлам. Кекиради у ашаб «беш бармоқ».

Лекин унинг баъзи бир хусусиятлари борки, уларга қараб, бу шахсни «тўнка» дея олмайсиз. У мудроқ, лекин айёр, у қўпол, бироқ ишига пишиқ, унга «мактабдан насиб бўлмаган «алиф», лекин «минг қўйни санар бир кўз югуртса, ҳисоб жўнида лол қолар мирзо».

Шу хил портрет дисгармонияси Отабой образини ҳам умумлаштиради, ҳам яхши эсда қоладиган даражада индивидуаллаштиради. Кейинчалик Ойбек шу хилдаги дисгармоник портрет тасвиридан ўзининг машҳур асари «Қутлуғ қон» романидаги Мирзакаримбой образини яратишда унумли фойдаланди.

Отабой образи Ойбек яратган аввалги салбий типларга нисбатан ўз характеридаги етакчи хусусиятининг ёрқинлиги билан ҳам ажралиб туради. У ўзини молдан бойиган деб ҳисоблайди.

Номозда ҳам эс туёқ сонида,
Бахт берибди дер қўй қумалоғи!
Зарини тўкар оч ҳамёнига
Қозоқ даласи, қирғизлар тоғи...

У мол орқасидан бойишни ота-бобосидан қолган мерос деб билади. «Суякларимиз хўб заҳмат чеккан!» дея, у атрофдагиларга уқтиради. Бутун бойлик — сурув-сурув қўйлар, ҳамён тўла пуллар, ейиш ва ичиш — айш-ишратлар — булар меҳнаткашлар, қароллар меҳнатининг натижаси эканини кўнглига ҳам келтирмайди. Қароллар, умуман, меҳнаткашларга ўтказаётган зулмини ҳаётнинг табиий қонуни деб билади. Унинг бу хатти-ҳаракатлари — чўри сифатида Бахтигулни сотиб олиши, Ҳошимбойвачча сингари икки ёшнинг муҳаббатига чангал уриши, қарол ва хизматчиларга бераҳим ва бешафқат бўлиши мана шу мантиққа асосланган.

Ойбек ўтмиш ҳаёт контрастини яхши ҳис қиладиган ёзувчи. Шу сабабдан бўлса керак, ўтмиш темасида ёзилган унинг ҳар бир асарида ҳаётнинг контраст картинаси энг ёрқин бўёқлар билан чизилади. Одатда ҳаётнинг ҳар икки — ёруғ ва қоронғи томонлари бир планда, бир полотнода, ягона бир бадиий мақсадга бўйсундирилган ҳолда тасвирланади.

«Уч»да шу хилдаги картина икки йўл маъносида, яъни Лаъли тобутининг қабристонга йўл олиши, Ҳошимбойваччанинг эса, ов қилиш, кўнгил ёзиш учун далага жўнаши ва кўчада бу икки йўловчининг тўқнашуви планида берилган эди. «Бахтигул ва Соғиндиқ»да ҳаёт контрасти бошқа планда берилади. Бунда шароит ва ҳолатлар навбатма-навбат алмашиб туради.

Бир томон:

Мана «Қарқара». Шамол, чанг, шовқин,
Ясанган миқти қозоқ бойлари,
От жабдуқлари кумушдан бутун,
Чорвадор бойлар — гердайган бари,
Ҳар бирида бор туганмас пода.

Иккинчи томон:

Куну тун ҳайдар исқирт қароллар,
Бари увада, тўзиқ ва содда,
Чанга белланган аёллар, чоллар...

Бир томон:

Минг-минг қўй, юз-юз йилқини нуқул
Савдонинг қорни ютмоқда бутун,

Чўққайиб чўлда даста-даста пул
Санайди бойлар жиддий ва мамнун.

Иккинчи томон:

Қаролларида на пул, на туёқ,
Умр улар-чун азоб, машаққат....
Ҳаққин сўраган олади таёқ,
Бой ювиндиси насиба фақат.

Бу ҳар иккала поэмада ҳам ишлатилган конкрет ҳали бироз ибтилоий эди. Ёзувчи ҳар иккала асарида ҳам бу приёмга мурожаат қилган бўлса ҳам, бу бадиий приём имкониятларидан тўла фойдалана олмади. Контраст асосан бирор ҳолатнинг жиддийлигини билдириш учун ёки тасвирланаётган салбий шахсларнинг маълум бир хусусиятини кучлироқ бўрттириб кўрсатиш учун ишлатилади. Кейинчалик ёзувчи ўзининг «Қутлуғ қон» романида, «Навоий» поэмасида бу приёмдан фойдаланишни камолат даражасига кўтарди. «Қутлуғ қон»да бу приём романнинг ғоявий нагрузкасини ўз зиммасига олган Иўлчи характерининг шаклланиш тарихини кўрсатишда, унинг тадрижий эволюциясини ишонарли қилиб беришда бадиий омиллардан бўлди.

Ойбек революцион ўзгаришлар даврининг ёзувчиси. У ўзининг ёшлик пайтларидаёқ улуғ инқилоб тўлқинларининг шарпасини эшитди, эски ҳаёт қонунларининг емирилиши, янги ҳаёт қоидаларининг тикланиш процессларини шахсан кузатди. Романтик руҳдаги чапани Холхўжа, ғалати қиз Лаъли образларини, эртаксимон сюжет асосида Бахтигул ва Соғиндиқ образларини ёки Ҳошимбойвачча, Отабой сингари эски ҳаёт вакилларининг образларини яратар экан, ёзувчи ўзини ўша революцион ўзгаришлар ҳақиқатини бадиий ифодалаш йўлида иш қилаётган ҳисоблади. У шундай ҳисоблашда ҳақли эди. Ойбек социалистик реализм қонуниятларини эгаллаш йўлида баъзан мақсадга яқинлашиб боради, баъзан ундан бироз узоқлашиб кетади, лекин узоқлашганда ҳам, яқинлашганда ҳам, у доимо ўша революцион ҳақиқатга маҳлиё эди.

Ойбек «Темирчи Жўра» поэмасида ўша ҳақиқатга аввалги асарларидагига нисбатан янада яқинроқ келди. Ёзувчи ҳаётнинг ҳақиқий қаҳрамони оддий меҳнаткаш инсон ва бу инсон ҳақиқий реалистик қаҳрамон эканлигини тўла тушуниб етди. У бундай инсонни асар қаҳрамони қилиш учун, унинг характеридан бошқалардан кескин ажралиб турадиган «ғалати» хусусиятларни ахтариб ўтиришнинг ҳожати йўқ эканлигини ҳам англай олди. Социалистик реализм талаб қиладиган романтик руҳ ҳам, жиддий реализмнинг ўзи ҳам оддий меҳнат кишисининг ўзида мавжуд. Шу маънода «Темирчи Жўра» ёзувчининг эстетик дунёқарашида ва унинг ижодий изланишлари йўлида бурилиш нуқтаси бўлди.

«Темирчи Жўра»да Ойбек биринчи бор меҳнатни поэтиклаштирди. Унинг аввалги яратган асарларидан фарқи шундаки, бу ерда ёзувчи оддий темирчи меҳнатида қандайдир кўтаринкиликни — романтикани кўрди, қаҳрамоннинг ўз меҳнатидан оладиган шавқ ва завқини улуғлади, ўзи ҳам ундан завқланди:

Ишлар эди терга ботиб,
Темирчимиз — Жўра кофир.
Болғасини гурсиллатиб
Урса баргдай бўлар темир.
. . . . . .
Ҳо қиш бўлсин, ҳо саратон,
Темирчининг қўли ишда.
Маҳаллада ҳар вақт сурон —
Болғалар ўт чақнатишда...

Ойбек ижодида меҳнатни поэтиклаштириш «Темирчи Жўра»дан кейин ҳам катта ўрин ола бошлади. Унинг «Қизлар» поэмасида, «Олтин водийдан шабадалар» романида бу приём замондошларимиз характерини тасвирлашда асосий услублардан бири бўлиб қолади.

«Темирчи Жўра»да Ойбек поэтик меҳнат руҳини асарнинг барча бадиий компонентларига сингдирган ҳолда тасвирлайди. Бу хусусият хусусан темирчининг портрети тасвирида ҳам кўринади. Мазкур асарнинг аввалги поэмалардан фарқларидан бири ҳам шунда сезилади. «Гурсиллатиб болға урадиган» темирчининг ташқи қиёфаси унинг ҳаракатига мос: унинг «елкаси кенг, қулочи зўр». Унинг портретидаги доимий белгилар ҳам ҳаракатларига мос тушади:

Тўнж рангли юз, куюнди қош,
Ажинлари чуқур-кескин.

Ойбек меҳнатда чиниққан, ўз ҳунарини яхши кўрган, бошқача қилиб айтганда, «ҳунаридан барака топган» шахснинг одамийликка хос олижаноб хусусиятларини бадиий ифодалайди. Темирчида ўзига хос ғурур, бор. «Қора кунлар, қайғу-ҳасрат буколмайди унинг қаддин». У камбағал, бироқ катта оиланинг ташвишини ўз елкасига ортган бир киши. Лекин камбағаллик унинг ғурурини бука олмайди. Шоир сўзи билан айтганда, унинг «қалбида мунг қурмаган ин...»

Юз ямалган қуроқ чопон
Қийса-да, у, ғурур баланд
Бойларни у қилмас писанд.

Ғурурли бўлишга у ҳақли — бу меҳнат аҳлига хос хусусият. Бундан ташқари, у ақлда ҳам заиф эмас. «Ўқимаган «абжад»ни-да, бироқ унинг ақли ўткир». Бугина эмас. Унда қандайдир потенциал бир куч ҳам бор. «Ўй ўйларди ўз ичида». Нималар биландир унинг хаёли банд, дилида қандайдир нафрат ҳиси ҳам яширинган бўлади. У ғазабини темир каби ялқинланган ўтга суқарди».

Шу хилда Ойбек ўз қаҳрамонининг хусусиятларини уйғун ҳолда тасвирлай бошлайди: ташқи қиёфаси билан у кучли, қудратли, қалби ғурур билан тўла, дилида қандайдир нафрат, ғазаб... Ўзининг шу сифатлари билан темирчи Жўра, ёзувчининг «Уч» поэмасидаги Холхўжага нисбатан ишлатилган эпитетлар билан айтганда, «бургут» эди.

Бироқ бургутнинг парвозига ҳали нималардир етишмасди. Ёзувчи масаланинг бу томонларини ҳам очиқ қолдирмади. Юқорида зикр этилган белгилар қаҳрамон характеридаги ички потенциал, кўпроқ субъектив маънодаги кучлар эди. Унинг парвози учун ташқи кучлар, ҳаёт оқимидан келиб чиқадиган кучлар таъсирини кўрсатиш зарур эди. Шу мақсадда асарга ишчи Турсун образи киритилган.

Одатда бир образнинг иккинчи образга таъсирини кўрсатиш учун, таъсир кўрсатувчи шахснинг характеридаги асосий йўналиш билан китобхонни ишонадиган даражада таърифлаш зарур бўлади. Акс ҳолда ҳар иккала образ ҳам бадиий қувватга эга бўлмай қолади.

Ёзувчи Турсун образини тасвирлар экан, унинг характерини белгилайдиган хусусиятларни ихчамлик билан беради.

Турсун асарга шундай таъриф билан кириб келади:

Қўркам мўйлаб, юзи тириш,
Ҳар вақт пулсиз, эгни юпун.

Яна бир ўринда:

Хўжайинни сўкар, қарғар —
Пул ундириш мушкул ундан...

Бошқа бир жойда:

Приступга салом бермай,
Турсун ейди гоҳ шапалоқ.
Тўраларни писанд қилмай —
Баъзан насиб бўлар қамоқ.

Иккинчи бир жойда:

Ҳар кеч ишдан қайтиб Турсун,
Дўст қошига келар ҳориб
Махоркани ўраб узун,
Сўзлашади қониб-қониб.
Баъзан ичиб келади у:
— «Бир копийка бою имом,
Бари жулик, муттаҳам, қув...»
Гоҳ келар у жиддий тамом:
— «Тегизмаймиз ишга қўлни,
Забастовка қилдик бугун...
Рус ишчиси билар йўлни!»
Деб мўйлабдан қўяр тутун.

Темирчи Жўра ҳам, Турсун ҳам оддий меҳнаткаш. Бироқ улар бир-биридан фарқ қилади. Турсун илғор рус ишчилари орасида ишлайди. Муҳит унга таъсир қилган, рус ишчилари орасидаги революцион уйғониш унга ўтган, натижада унинг онгида маълум бир ўзгаришлар рўй берган. Рус ишчилари унга индивидуал психологик жиҳатдан ҳам ўз таъсирини ўтказганлар. У рус ишчилари сингари, «махорка ўраб чекади», баъзан ичиб келиб, дилидаги бор гапларни айтиб, дўсти билан дардлашади, махоркасини тортиб, «мўйлабидан тутун қўяди». Бу психологик белгилар рус ишчиларидан таъсирланган ўзбек йигити образини анча индивидуаллаштиради, ёзувчини шаблондан халос қилади.

Турсун онгидаги революцион ўзгаришлар билан темирчи Жўрага таъсир қила бошлайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Ижтимоий ҳаётнинг бир хил ҳолати ва шароитидаги кишилар орасида уларни қизиқтирадиган ғоялар тез тарқалади.

Шундай қилиб, темирчи Жўра онгидаги ўзгаришлар ҳам ички томондан, ҳам ташқи томондан тўла далилланади. Кучли, ғурурли, зийрак Жўра дўсти Турсун орқали рус ишчилар орасида тарқалган революцион ғоялардан таъсирланади. Шу билан темирчи Жўра образида бутунлик, тугал гармония ҳосил бўлади.

«Темирчи Жўра»— меҳнаткаш онгининг уйғонишини тасвирлашда ички потенциал куч билан ташқи муҳит таъсирининг бирлигидан фойдаланиш — Ойбек ижодида биринчи тажриба бўлди. Кейинчалик Ойбек бу бирликдан «Қутлуғ қон» романида Иўлчи образини яратишда унумли фойдаланди. Поэмада Ойбек рус ишлари революцион ғояларининг маҳаллий меҳнаткашларга таъсирини билвосита — Турсун образи орқали тасвирлайди, «Қутлуғ қон»да эса, бевосита тасвирлайди, яъни рус ишчиси образига асардан ўрин ажратади.

Ойбек ҳали ҳам изланишлар даврида эди. У борган сари бадиий маҳорат сирларини эгаллади. Бу ишда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан бирга, баъзан бу позициядан бироз чекинишлар ҳам бўлди.

Темирчи Жўрадаги уйғонишни Ойбек поэма жанрига хос равишда ихчам, аммо ишонарли қилиб тасвирлай олди. Бу билан у келажакда катта полотноларнинг автори бўлишини, ўзининг характер яратиш санъатини намойиш қилди. Бироқ, асарга киритилган бош характер ривожини тасвирлашда қўлга киритган ютуқларини тутиб тура олмади, тўғрироғи, бироз чекинди.

Темирчи Жўра характерининг ривожида янги-янги этаплар тасвир-

ланмайди. Тўғри, у бир неча воқеалар ичидан олиб ўтилади (революцион ҳаракатга фаол қатнашади, бойларнинг мулкларини мусодара қилади, мажлис ва митингларда иштирок этади ва ҳоказолар). Булар темирчи Жўра ирода йўналишига бирор янгилик қўшмайдилар, бизга маълум бўлмаган бирор томонини намоён қилмайдилар. Улар воқеа нуқтан назаридан асарга шунчаки киритилади, тўғрироғи, санаб ўтилади.

Умуман, бу поэмада Ойбек воқеаларни кенг планда олишга уринади-да, характерларни эса тор планда тасвирлайди. Воқеалар билан бош характер орасидаги зиддиятга йўл қўймаслик учун, ёзувчи икки йўлдан бирини танлаши керак эди: бири — темирчи Жўра характерида рўй берадиган революцион ўзгаришни диққат марказида тутиб, ҳаёт ва воқеа тафсилотини шунга бўйсундириш. Бу ҳолда поэманинг биричи қисми анча кенгайтирилган бўларди-да, унинг иккинчи қисми эса анча ихчамлаштиларди. Танланган воқеалар бош характер образини тўлароқ очишга хизмат қилдириларди. Иккинчиси — поэманинг биринчи қисмидаги мантиқ ва тафсилотни сақлаган ҳолда, кейинги воқеалар батафсилроқ тасирланиб, темирчи Жўра характеридаги уйғонишнинг мантиқий давоми бўладиган янги-янги ўзгаришлар кўрсатилиши мумкин эди. «Қутлуғ қон» романида Ойбек биринчи йўлга астойдил амал қилганидан зўрбадиий қувватга эга бўлган асар яратди.

Поэмалар Ойбек учун катта ижод дарёсини бошлаб берувчи жилғалар бўлди. Улар ҳаётнинг поэтик ғояларини сезиб олиш, бадиий сюжет яратишда ўз тафаккурини синаб кўриш, типик ва жонли характерлар яратиш, характерларга эстетик нагрузка бера билиш соҳасида бебаҳо машқ бўлди.

«Темирчи Жўра» поэмасидан кейин Ойбек сюжетлар устида ишлашни бироз тўхтатди. У гўё икки-уч йил поэмалар устида жадал билан ишлаб сюжет яратишда чарчаб, танаффус қилгандек кўринарди. Бироқ, унинг ижодий фабрикаси тинмасдан ишларди, сюжетлар кетидан сюжетлар, характерлар кетидан характерлар келиб, ёзувчи ижодий лабораториясининг ҳамма механизмларини ишга солиб юборганди, санъаткор учун уйқусиз кечалар, тинимсиз кунлар бошланган эди. Шуларнинг натижаси ўлароқ, унинг машҳур асари — «Қутлуғ қон» майдонга келди.

А. РАСУЛОВ

ЁШ ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Адабиёт янги қаҳрамон типини яратиш орқали жамият тараққиётининг муайян даври ҳаёти ҳақида ҳукм чиқаради, унинг «қалбини» ёритади, мураккабликларини, интилишларини кўрсатади. Адабиётдаги новаторлик ҳозирги даврнинг тўлақонли характерини яратишдагина эмас, унинг келажагини кўрсата билишда, ҳаёт оқимидан келажакнинг контурини аниқлашда ҳам сезилади.

Ёзувчининг инсон ва жамият орасидаги боғлиқликни, давр руҳини қай даражада тушуниши, ҳис этиши у яратган қаҳрамон характерида англашиниб туради. Моҳир ёзувчи ҳаётдаги янгиликлар, келажак белгилари сезиларли, ёрқин акс этган, шу куннинг руҳи тўла камраб олинган характерларга мурожаат қилади. Давр талабини, ҳаётдаги бош йўналишларни чуқур англаган ёзувчи характернинг моҳиятига кириб боради, ундаги янги белгиларга, уларнинг ривожланишига алоҳида аҳамият беради. Қисқаси, ёзувчи характер моҳиятини қанчалик кенг ва чуқур таҳлил қилса, давр руҳини шунчалик мукаммал кўрсата олади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаққоний, ҳаётий характер, қаҳрамон шундай юксакликка кўтариладики, унинг кўз ўнгида ҳаётнинг ҳамма томонлари, ривожланишнинг асосий йўналишлари ёрқин намоён бўлади. Қаҳрамон давр, ҳаёт ҳақида муҳим хулоса чиқаради. Ўзининг жамиятдаги ўрнини, давр, кишилар олдидаги бурчини чуқур ҳис қилади.

Кейинги даврда айрим ёзувчилар ижодида «оддийликка» интилиш, баландпарвозликдан қочиш сезила бошлади. Улар муҳим фикрни, ҳаёт тўғрисидаги мушоҳидаларни «оддийлик»нинг қурбони қилдилар. Уларнинг қаҳрамонлари «оддийлик» натижасида саёз, ҳаётдан узоқ, давр талабидан паст бўлиб қолди.

Адабиёт, санъат оддийликни инкор қилмайди. Ёзувчи ҳаётни қанчалик чуқур, атрофлича билса, фикрини оддий, тушунарли ифода қилади. Бундай соддалик, оддийлик соз! Лекин «оддийлик» учун курашган айрим ёзувчиларда мана шу ҳаётни таг-томири билан тушуниш, ривожланишнинг бош йўлини ҳис қилиш етарлича бўлмади. Натижада, уларнинг «соддаликлари», «оддийликлари» саёзлик, юзакилик билан алмашди. Сиртдан қараганда, Саиданинг: «Мен ҳеч кимга суянмайман, йиқилиб кетаётганим йўқ. Суянчиқ зарур бўлиб қолса, Совет ҳокимиятига суянаман»[1],— дейиши ёки ёш ишчи Искандарнинг: «Менинг қадрим мол-дунё ва ўткинчи бир довруқ билан ўлчанмайди; одамларимиздан кўрган яхшилигим, жамиятимизга келтирган нафим ва коммунизм қурувчилари сафидан олган ўрним билан ўлчанади. Менимча, ҳаётда энг муҳими — одампарвар бўлиш-у, кишиларимизга яхшилик қилиш, инсон-

[1] А. Қаҳҳор, Синчалак (повесть), Ўзадабийнашр, Т., 1959, 81-бет.

нинг қадр-қиммати учун курашиш»[2],— каби мулоҳазалари баландпарвоз, «оддий эмас»дай туюлади. Лекин Саида ҳам, Искандар ҳам қалбидаги гапларни бундан содда қилиб айтиши мумкин эмас эди. Қаҳрамонларнинг гаплари уларнинг характерларига мос. Улар ҳаётга жиддий муносабатда бўладилар, кишилар ҳақида жиддий фикр юритадилар. Демак, қаҳрамонларнинг гаплари ҳам жиддий, мулоҳазали бўлиши табиий. Саида ҳам, Искандар ҳам бошқа-бошқа муҳитда тарбиялланган, индивидуал хусусиятларга эга бўлган қаҳрамонлардир. Лекин уларнинг ҳаётга, кишиларга, жамият тараққиётига муносабати бир-бириникига яқин. Ёзувчилар қаҳрамоннинг онглилигини, характерини турли йўлдан бориб кўрсатадилар. «Синчалак»да қаҳрамоннинг курашини кўрсатиш, яъни шаклланган характерни кураш жараёнида қайта намойиш қилиш мақсад қилиб қўйилган. Саидада мақсад бор, у борар йўлини, қилаётган ишини чуқур англайди. У кишиларни активликка ундайди, юксак онглилик даражасига олиб чиқишга интилади. Шу процессда унинг характери очилиб, бойиб боради. Ҳа, Саида характери қайта намоён бўлибгина қолмай, бойиб, чиниқиб, тобланиб боради. Характер доим такомилланиб, кенгайиб боради. Буни фақат Саида эмас, С. Давидов (М. Шолохов, «Очилган қўриқ»), М. Бессмертний (М. Стельман, «Тўғри ва эгри»), Н. Бабушкин (А. Рекемчук, «Ёшу ғўр»), Ойқиз (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли») каби қаҳрамонлар характерида ҳам кузатиш мумкин. «Бўстон»даги фаолияти, хусусан, Қаландаров билан бўлган курашлар Саидани кўп нарсага ўргатди, онгини, тушунчасини бойитди, характерини тоблади. «Қадрим» қиссасида қаҳрамоннинг маънавий улғайиши, коммунистик онглилик даражасига кўтарилиши, характерининг шаклланиши процесси кўрсатилади. Искандарнинг пастдан юқорига интилаётганлиги, тор доирадан кенг масштабга чиқаётганлиги сезилиб туради. Ҳар бир янги воқеа, кишиларарО янги муносабатлар Искандарнинг кўзини очиб, онгини ёритиб боради. Қисса қаҳрамоннинг давр талаби даражасига кўтарилганлигини, курашчи бўлганлигини, Саидалар сафидан жой олганлигини кўрсатиш билан тугайди.

Ёзувчилар «ижтимоий ва ахлоқий онги ҳар хил савияда бўлган одамларни тасвирлаш»да «воқелигимиздаги асосий етакчи нарсани тўғри таъкидлаб кўрсатган»[3] ликлари туфайли муваффақиятга эришдилар. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчилар давр руҳини, ҳаёт талабини кенг англаган ҳолда қаҳрамонга мурожаат қиладилар. А. Қаҳҳор даврнинг пешқадам кишисининг курашини тасвирлаш, П. Қодиров савияси паст шахснинг ўсишини, тараққиётини кўрсатиш орқали давр руҳини, совет халқи ривожланишининг ҳозирги босқичдаги муҳим хусусиятларини очиб бердилар. Саида, Искандар характерларида ёзувчиларнинг ҳаётга муносабати, келажак ҳақидаги фикрлари ўз аксини топган.

Коммунистик партия, янги программа коммунизм кишисини тарбиялаш вазифасини қўяр экан, «меҳнаткашлар жаҳон тараққиётининг жараёни ва перспективаларини чуқур тушинишларига, мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги воқеаларни тўғри тушуна билишларига, ҳаётни онгли суратда коммунистик тарзда қуришларига ҳаракат қилади. Коммунистик идеялар ҳар бир кишининг хулқ-атворида, ҳар бир коллектив ва ҳар бир ташкилотнинг фаолиятида коммунистик ишлар билан узвий боғлаб олиб борилиши лозим»[4]лигини таъкидлайди.

---

[2] П. Қодиров, Қадрим (повесть), Ўзадабийнашр, Т., 1962, 131-бет.

[3] Л. Ф. Ильичев, Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари, «Шарқ юлдузи», 1963, № 4.

[4] КПСС XXII съезди материаллари, Ўзадабийнашр, Т., 1962, 450-бет.

Қўринадики, партия янги кишининг шу куннинг вазифаларинигина, мамлакат ичидаги ишларнигина эмас, умуман кишиликнинг тараққиётини кенг ва чуқур англашини талаб қилади. Коммунизм қурувчиси жуда кенг масштабда фикрлаши, тараққиётининг барча томонларини кузатиб бориш лозим. «У (давримиз кишиси — А. Р.), аввалам бор, юксак маданият эгаси бўлмоғи, ўзининг ҳаётдаги ўрнини бир район, завод ёки область масштабида эмас, умуминсоният тараққиётида тушунмоғи лозим»[5]. Бу — бизнинг давр шароити учун жуда мураккаб вазифа. Ҳаёт тараққиёти, даврнинг ўсиши кучли темпда давом этяпти. Халқимиз меҳнат, ижод соҳасида катта ютуқларга эришмоқда, мўъжизалар яратмоқда. Шундай ўзгариш, ривожланиш умуминсонинг тарихида ҳам рўй бермоқда. Миллион-миллион кишилар онгсизликдан онглилик даражасига кўтарилмоқдалар, ўзларининг инсоний бурчларини чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Дунё кишилари онгида рўй бераётган катта ўзгаришларда совет кишисининг роли катта. У ўз фаолияти, кураши билан ҳаётни ўзгартирди, бахт, фаровонликни ўз қўли билан бунёд этди. Коммунизм қурувчи шахс дунёдаги прогрессив кишилар учун йўлчи юлдуз, машъал бўлиб қолди. У юксак онглилик жиҳатидан бошқаларга ўрнак бўлишга арзийди. Лекин бизда ҳам ҳозирги кун талаби даражасига кўтарилмаган, эскилик сарқитларидан тўла қутила олмаган, қандайдир сабабларга кўра ривожланишдан орқада қолиб кетган, юксак идеал, аниқ мақсадга эга бўлмаган кишилар топилади. Бундай кишилар жуда оз, давримиз моҳиятини белгиламайди. Иккинчидан, даврдан орқада қолган кишиларда олға интилиш, кўпчилик билан бирга одим ташлаш ҳисси устун. Улар қандай қилиб бўлмасин давр ривожланиши даражасига етишга, у билан бирга боришга ҳаракат қиладилар. Масалан, Ҳалима опа (О. Ёқубов, «Бир фельетон қиссаси») даврдан орқада қолганидан, кишилараро янгича муносабатларга ўз вақтида тушуниб ололмаётганидан афсусланади. Қаландаров («Синчалак», А. Қаҳҳор) Саиданинг ҳақ эканлигини, халқ уни қўллаб-қувватлашини қалби билан ҳис қилади. Саида билан ўзи орасида муҳим фарқ борлигини тушунади. У, гарчи буни очиқ-ойдин тан олмаса ҳам, Саидага ҳавас билан қарайди.

Искандар (П. Қодиров, «Қадрим») «фидокор, меҳнаткаш, камтар...» йигит. У, бу жиҳатидан ҳаммага маъқул, давр билан ҳамдам. Лекин Искандар характерида бошқа салбий хусусият борки, у қаҳрамондаги ижобий белгиларга раҳна солади, хиралаштиради: Искандар «мустақил одам эмас», «бир жонсиз вагонга ўхшайди». Шундай қилиб, Искандар ҳам фидокор, ҳам меҳнатсевар, ҳам итоаткор одам.

Ёзувчи қаҳрамон характеридаги хусусиятларнинг пайдо бўлиш сабабларини яхши кўрсатади. Айни вақтда у қаҳрамондаги нуқсонга эмас, ундаги ижобий томонга диққатини қаратади. У қаҳрамон характеридаги ижобий белгиларнинг моҳиятига кириб боради. Ёзувчининг ўткир зеҳни, сезгирлиги Искандар характерида қаҳрамонлик туғдирувчи куч яширинганлигини аниқлайди. У бутун диққатини қаҳрамон характеридаги мана шу потенциал кучни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади.

П. Қодировнинг характерга бундай муносабати мақтовга арзийди, чунки кўпчилик ёш ёзувчилар асарларидаги камчилик қаҳрамонга муносабатда сезилади. Айрим ёзувчилар, биричидан, қаҳрамон характеридаги салбий томонга, унинг йўқолиб боришига диққатни жалб қиладилар. Иккинчидан, улар қаҳрамондаги ижобий хусусиятларга етарли аҳамият бермайдилар ёки уларнинг моҳиятини очмайдилар. Бунинг

---

[5] Л. Леонов, Герои наших дней (книга очерков), Выпущена к XXII съезду КПСС.

асосий сабаби характерга юзаки муносабатда бўлишидир. Маълумки, характернинг асосий ўзаги жуда чуқур бўлиб, нуқсонлар, енгил-елпи белгилар юзасида бўлади, қалқиб туради. Ёзувчи характеридаги юзаки томонларга бефарқ қарамайди, албатта. Бундай белгиларга характер моҳиятидан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Искандар характерини баҳолашда ёзувчи мана шу ўлчовдан келиб чиқади.

Искандар ёшлигиданоқ меҳнатсевар, ақлли, зийрак бўлган. У ўз ёшига номуносиб ҳолда жиддий, мураккаб масалалар билан эрта қизиқа бошлайди. Чунончи, у кишилараро муносабатларга, яхши нима-ю ёмон нима, одамлар кимларни хушлайди-ю кимларни ёқтирмайди каби масалаларга жавоб ахтаради. Табиийки, унинг мурғак ақли бундай масалаларни кенг ижтимоий доирада ҳал қилишга қодир эмас эди. Узини қизиқтирган саволларга у тор доирадан, ўзи яшаб турган шароитдан, яқин кишиларидан жавоб топишга интилади. Отаси унга энг яхши, нуқсонсиз одам бўлиб туюлади. У отасига ўхшашга — кишилар хушлайдиган одам бўлишга ҳаракат қилади. Унинг отаси «ҳеч ким билан санманга бормаган, кетмон чопишми, ўроқ ўришми, мол боқишми, юк ташишми, нима иш бўлса қилиб кетаверадиган заҳматкаш одам эди» (3-бет). Қаҳрамоннинг отасига берилган характеристикадан икки нарсани аниқлаш мумкин. Биринчидан, у — пассив, итоаткор одам. Бутун бир умрни (айниқса, у яшаган даврни ҳисобга олсак) «ҳеч ким билан сан-манга бормай, ким нима буюрса бажараверишни» шундай хулосага олиб келади. Иккинчидан, Искандарнинг отаси меҳнаткаш одам, лекин унинг меҳнати асосида тирикчилик ўтказишдан бошқа мақсад йўқ. Бизнинг жамиятимиз, ҳозирги давр учун меҳнатни бундай тушуниш етарли эмас. Меҳнат — тарбия мактаби. Меҳнат — инсон онглилигининг, коллективистлигининг ўлчови. Н. Г. Чернишевский «киши фаолияти юксак гоя билан суғорилмаган бўлса, у ўз маънисини йўқотади»,— дейди. Бизнинг кунларимизда меҳнат маънавий гўзаллик, онглилик, виждонлилик каби хусусиятлар билан ҳар қачонгидан кўра мустаҳкам чатишиб, бирлашиб кетган.

Искандар меҳнатсевар, лекин ундаги бу ижобий хусусият юксак онглилик руҳи билан суғорилмаган. Қаҳрамон гап қайтармайди, ким нима буюрса бажараверади. Қисқаси, қаҳрамоннинг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, фидокорлиги, маълум йўналишда, аниқ мақсад билан давом этмайди: Искандар ўзини ўраб турган шароитдан четга чиқмайди. Воқеа-ҳодисаларга чуқур қарашга онги етмайди. У ҳақиқатан ҳам «майда» одам. Адабиётда «майда» ва «улкан» одамлар деган термин қўлланади. Бу нарса тасодифий эмас, албатта. Қишилар борки, ўз онги, интеллекти билан бутун ҳаётни қамраб олади. Унинг фикри жуда муҳим масалалар билан банд. Бундай кишилар сахий қалблари, мустаҳкам иродалари, тобланган характерлари билан диққатни жалб қиладилар, бошқаларни орқаларидан эргаштирадилар. Улкан кишилардаги муҳим хусусиятлардан яна бири шундаки, улар инсонни, ҳаётни бошқаларга нисбатан кўпроқ севадилар. Улар халқ бахтидан қувонадилар, унинг ютуқларидан ҳузур қиладилар. Улкан киши раҳбар, амалдор бўлиши шарт эмас. Улканлик инсоннинг жамиятда тутган мавқеига қараб эмас, унинг қалбига, характерига нисбатан белгиланади. Масалан, Султонов («Бўрондан кучли», Ш. Рашидов) катта одам (амали жиҳатдан), лекин ҳаётга, кишиларга муносабатига кўра ундан майда одам йўқ. Қишининг майда ё улканлиги ижтимоий ва шахсий манфаатга муносабатига кўра аниқланади. Айрим кишилар ўз манфаатларидан бошқа нарсани ўйламайдилар. Улар ижтимоий ҳаётда актив қатнашсалар ҳам, шахсий манфаатларини кўзда тутадилар. Яна шундай кишилар борки, улар маълум шароитда ўтмаслашиб, ҳаётдан ажралиб қолган-

лар. Гарчи улар кўпчилик ҳақида ўйласалар ҳам «улканлар» даражасига кўтарила олмайдилар. Бундай кишиларни тарбиялаш, ҳаётнинг катта оқимига тушириб юбориш мумкин, чунки манфаатпарастлик, чекланганлик уларнинг табиатига чуқур сингиб кетган эмас. Масалан, Қаландаров (А. Қаҳҳор «Синчалак») бутун кучини, билимини кўпчилик манфаати учун сарфлаган. Аммо у маълум шароит туфайли бир колхоз масштабида чегараланиб қолган. Унда «майда» кишиларга хос белгилар пайдо бўла бошлаган. Қаландаров кишиларни қалбига қараб эмас, амалига кўра баҳолашга одатланиб қолган.

Искандар ғўр, содда бўлса-да, унда Қаландаровда учрайдиган айрим томонлар сезилади. Чунончи, Искандарда соф, мустаҳкам асос бор. Уни яхши таниган, билган кишилар (Зулайхо ҳам) характеридаги мана шу белгиларни юксак қадрлайдилар. Иккинчидан, Искандар характерида ўзи яшаб турган шароитдан четга чиқишга ботинмаслик, «мўмин — қобиллик» мавжуд. У ўз тенгдошларидан ажралиб, ҳаётдан орқада қолаётганини сезса ҳам, кескин ҳаракат қилишга ботина олмайди. Қаландаров Носировни «энг катта» одам деб билса, Искандар колхоз раисини «хўжайин», бошлиқ деб тушунади. Раиснинг гапини икки қилмайди, «ҳурмат юзасидан» ўз тақдирини, келажагини раиснинг қўлига ишониб топширади. Лекин, айтиб ўтилганидек, Искандарнинг бу қилмишларида қаттиқ ишонч йўқ. Уни кенгроқ доирага олиб чиқиш, характерда ўзгариш яратиш мумкин. Ёзувчи қаҳрамонни янги шароитга олиб чиқишга интила бошлайди. Бу йўлда у муҳаббат линиясидан унумли фойдаланади. Зулайхо севгилисини агитация қилиш, ишонтириш орқали янги йўлга бошлаши мумкин эди. Лекин ёзувчи қаҳрамонни «ўқитиб» ўтиришдан кўра ҳаётнинг қайноқ жойига олиб келишни мақсадга мувофиқ деб билади.

Адабиёт инсон касбини эмас, унинг қалбини, характерини ёритади деган тушунча шундай аксиомага айланиб қолганки, қаҳрамоннинг касби ҳақида гап борса, кўпчилик сергакланиб туради. Қаҳрамоннинг касби ҳақида гапирган кишига шубҳаланиб (адабиётни тушунармикан?!) қаралади. Адабиётнинг предметини, характер масаласини ҳал қилишда касбнинг ролига етарли эътибор бермоқ керак. Тўғри, адабиётда фалон-фалон касб эгалари образи яратилмаган дейиш, санъаткор олдига у ёки бу касб кишилари ҳақида асар яратиш талабини қўйиш тўғри эмас. Лекин қаҳрамон характерининг тўлалиги касбига муносабатида ҳам англашилишини унутмаслик лозим. Қаҳрамон ўз касбининг аҳамиятини, вазифаларини, унинг ижобий ва салбий томонларини чуқур англаб етмоғи талаб қилинади. Адабиётимизда ўз касбининг «профессорлари» бўлган қаҳрамонлар озми? Уларнинг ўз касблари ҳақидаги мулоҳазалари ёки ўз касбларини бажаришлари кимни қойил қолдирмайди дейсиз? Луқмонча, Ҳилола, Турсуной («Узоқни кўзлаган қиз», Н. Сафаров) каби қаҳрамонларнинг ўз касбига нисбатан муҳаббати англашилиб туради. Искандар ҳам ўз касби ҳақида мароқ билан гапиради: «Энди, газнинг хуружи енгилгандан кейин, унинг нафлари ҳақида ўйлаш чиндан ҳам жуда ёқимли эди. Утин-чўп ва кўмир ташвишлари қайсимизнинг бошимизга тушмаган? Ҳўл ўтинни пуфлаб, тутунларидан бўғилиб қайсимиз азоб чекмаганмиз?... Мана энди беш-ўн киши эмас, минглаб, юз минглаб кишилар бир варакайига шу ташвишдан қутилади. Шаҳарлар ҳам тутундан, қурумдан, кўмир чангидан тозаланади» (126-бет).

«Қадрим» автори қаҳрамон характерида муҳим куч яшириганлигини сезади ва бу кучни рўёбга чиқаришга интилади. Искандар янги шароитга келиши билан унинг характерида жиддий ўзгариш рўй бера бошлади. У «улкан» кишилар, улкан механизмлар орасига тушиб қол-

ганлигини, бу шароитда ўзи жуда ҳам «майда», кучсиз эканлигини ҳис қилади. Унда шароитга мослашиш, газчилар коллективидан муносиб ўрин олиш иштиёқи туғилди. Лекин ундаги орзу осонликча амалга ошмади. У ўқиш, ривожланиш, ҳаётдаги муҳим бурилиш даврида кўп қийинчиликларга дуч келди. Айниқса, ундаги кишиларга нисбатан ишончсизлик, улардан узоқлашиш ҳисси кўп зарарли оқибатларга олиб келди. Искандар шу даврда янглишди, нотўғри мулоҳазаларга борди, иккиланди, энг ёмони, ўзидан ўзи нафратланди. Искандар шундай аҳволга тушиб қолишига нима сабаб бўлганини билмоқчи бўлади. Лекин у бирон марта ҳам, четдан туриб, дўстларининг кўзи билан ўзига назар солмади, маънавий тушкунлигининг бош сабабчиси ўзи эканини хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, коллективга ўзини қарши қўя бошлади, ҳар бир гапдан қинғир мазмун ахтариб, оддий ҳазилни душманликнинг кўриниши деб билди, кишилар, ҳаёт тўғрисида хато хулосалар чиқарди: «Дунёда пул ўғриси бор, мол ўғриси бор, лекин қадр ўғриси йўқми? Бировларнинг қадрини ерга уриш йўли билан ўз қадрини оширадиган одам қадр ўғриси эмасми? Мана мен шундай ўй билан Ашурга ғазабланиб юрар эдим, гап қотса, жавоб бермас эдим» (63-бет). Ҳақиқатан ҳам, Ашур ва Искандар конфликти асарнинг муҳим томонидай туюлади. Бу конфликтнинг моҳияти нимада? Ашур қандай одам? Бир қарашда Ашур онгли ҳаракат қиладиган, пихини ёрган одамни эслатади. Аслида бундай эмас. Ҳар қандай образнинг моҳияти у танийдиган ғоя билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан Ашур образига ёндашсак, унинг енгилтак, бачкана, мустақил фикрга эга бўлмаган шахс эканлиги маълум бўлади. Унинг Искандарга нисбатан «душманлиги», унга қарши кураши қум устига қурилган ўйинчоқ бинога ўхшайди. Ашур Ражаб ака, Давронлар фикри билан иш қиладиган, саёз фикрли одам. У бировга онгли равишда ёмонлик қилишга қодир эмас. Ашурдаги итоаткорлик, мақсадсизлик Искандарнинг «мўмин — қобиллигидан» фарқ қилиб, манманлик, мақтанчоқлик ниқобига яширинган. У Искандардан «Хўп, ака, сен мендан зўрсан» деган иқрорнигина кутади. Шу «мақсад»га эришиш учун шилқимлик, қўполликка кенг йўл очади. Асарда Ашур образи бош қаҳрамонда рўй бераётган ички ўзгаришларни акс эттирувчи кўзгу вазифасини ўтайди: Искандар руҳий кризисни бошидан кечираётганида Ашур унга энг маккор, ҳийлакор, ёвуз одам бўлиб туюлади. Искандарнинг кишиларга, ўзига ишончи орта борган сайин Ашур ҳам унга бошқача — содда, лақма, қўпол ҳазилни севадиган одам бўлиб кўринади. Енгинга қарши кураш эпизодида Ашурнинг қўрқоқлиги ошкор бўлади. Искандар «рақиби»нинг полвон гавдаси аянчли, нимжон қалбни яшириб юрганлигини пайқайди.

Искандар коллектив орасида тарбияланди. Унда кишиларга ишонч, оловкорлик касбига муҳаббат пайдо бўлди. Энг муҳими, Искандар бошқалардан кам эмаслигини англайди, ўзини ўзи танийди.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи П. Қодиров давримиз кишисининг ажойиб хусусиятларини ўзида мужассамлантирган замондошимиз характерини яратди. Ёзувчи мураккаб табиатли Искандарда қаҳрамонлик нишонасини кўра олди. Бутун диққатни қаҳрамон характеридаги ажойиб хусусиятни юзага чиқаришга қаратди. Қаҳрамон ҳаётдаги ўрнини топиб олгунича узоқ йўлни босиб ўтди. Бу йўлда у ички қийинчиликларни енгиб борди, характеридаги салбий хусусиятлардан қутилди. Қаҳрамон босиб ўтган йўлни коммунистик онглиликни эгаллаб бориш, давр руҳини ҳис қилиш йўли деб тушуниш мумкин. Коммунизм қурилишини юксак онгли кишиларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Кишилар қанчалик онгли бўлсалар, «коммунизм қурилиши вазифалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади».

ОСИМ БОҚИЕВ

УЙҒУР ХАЛҚ БАЙТЛАРИ ҲАҚИДА

Байт уйғур халқ поэтик ижодининг кенг тарқалган, оммалашган муҳим жанрларидан бири ҳисобланади. Ҳаётийлик ва жўшқинликка тўлган, мустаҳкам тарихий замини бор бу жанр халқнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш-тирикчилиги, урф-одатлари, психологияси, руҳий кайфиятига маҳкам боғланган ҳолда кўп аср илгари вужудга келган.

Кишиларнинг завқи-руҳига, дид-талабларига, орзу-истакларига, умумий ҳиссиётларига мос тушган бу жанр инсоннинг идроки, ақли, тафаккури, ҳозиржавоблик қобилияти, сўз бойлиги ва адабий маҳоратини ўстиришда, шодлик ва қувончини, дард ва аламини, умид ва орзуларини куй ва қўшиқ билан изҳор этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Байтларга жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий ва ҳуқуқий масалалари, халқнинг эстетик, этик идеаллари чуқур сингдирилганлиги туфайли, кишилар онгига жуда тез, қалбигача бориб етади, унда маҳкам ўрнашиб қолади, тез ва кенг тарқалади.

Тарихий даврларнинг қонли ўтмиши, кўп асарлар давом этган зулм-ситамлар байтларнинг тараққиёт йўлини, ижобий традициясини тўхтата олмади, балки уйғур халқи ўртасида асрлардан асрларга ўтиб, ранг-баранг темалар билан бойиди. Жамият тараққиётига эргашиб ғоявий юксак, бадиий пухта, тарбиявий соғлом бўла бошлади. Байтлардаги қолоқ тушунчалар аста-секин йўқолиб, ҳақиқий бахтиёр турмуш идеаллари, меҳнаткашлар ғоявий кайфиятларининг ифодаси кучайди.

Лекин узоқ тарихий тараққиёт йўлларини босиб ўтган ва муҳим эътиборга молик бўлган бу жанрнинг тарихи ҳанузгача илмий текшириш объекти сифатида ўрганилган эмас.

Уйғур халқи ичида байт айтишнинг ўзига хос хусусиятлари, тутган ўрни, тараққиёт йўли ва ўтаган хизмати диққатни жалб этади. Халқ қўшиқчилари қўшиқ айтишиш мақсадида бир шаҳардан иккинчи бир шаҳарга ёки қишлоққа борар экан, у ердаги мусобақадошига айтадиган салом-омонлик ўрнига, даставвал, байт айтиб, ўзининг нима учун келганлигини баён қилади. Бу ҳол профессионал қўшиқчилар ўртасидагина эмас, узоқ айрилиқдан кейин учрашиб қолган дўст-ёрлар учун ҳам характерлидир. Бундай ҳолларда ёронлар байт айтишиб, бир-бирларини бағриларига босадилар, кейинги юз йилларда байт айтишиш уйғурларнинг майлис[1] (игра) ва машраб[2] ўйинларига кўчиб яна ҳам кенг умумлашиб кетган. 1873 йили Шарқий Туркистоннинг Или районига борган

---

[1] Майлис — уйғурларнинг миллий ўйини, 30—40 қиз-йигит тўпланиб, ҳар жума куни ўтказадиган лирика кечаси.

[2] Машраб — шу ўйиннинг Или районида умумлашган бир тури.

рус олими Н. Н. Пантусов ёшлар ўртасидаги майлис ўйинида (қизйигитлар пўта ўйинида) бошдан-охир байт айтилганлигини алоҳида таъкидлайди[3].

Байт айтишиш қўшиқчилар ўртасида бўлсин, дўст-ёрлар ўртасида бўлсин, майлис, машрабларда бўлсин, ҳаммаси бир-бирининг сўз маҳоратини синаб кўрадиган, шу йўл билан ниҳоят қизиқ ва қизғин вазият пайдо қиладиган миллий одатга айлангандир. Демак, шахсларнинг бадиий диди, сўз маҳорати, ижодий қобилиятини билиб, текшириш ва ўстиришда байт айтишиш муҳим ижодий метод бўлган.

Байтлар ўз мазмуни ва формаси жиҳатидан халқ қўшиқларига яқин турсалар-да, диалог шаклида айтилиши билан фарқланади. Умуман, икки томондан бир-бирига монанд байтлар айтилиши билан характерланади. Байт — йигит қизга ёки қиз йигитга гул тутганда, чой узатганида, олма ёки бирор мева берганида, умуман, бир нарсани чин кўнгилдан ҳадя этганида (эр-аёл, ёш-қари бўлишидан қатъи назар) орзуистакларининг баёни сифатида айтилади. Байт айтишиш кўча майдонларида, кўл атрофларида, боғ-бўстонларда (баҳор ва ёз ойлари), тўймаросимларда, ҳар хил байрам ва тантаналарда, майлис, машрабларда (ҳамма вақт) давом этар эдики, бу традиция ҳозир ҳам ўз ўрнини йўқотгани йўқ.

Тарихда уйғур халқ байтларини биринчи бўлиб тўплаган ва уларни қадрлаб босиб чиқарган Россия археология жамиятининг аъзоси Н. Н. Пантусов, шарқшунос олим профессор Н. Ф. Катанов ва бошқаларнинг маълумотларига асосланиб[4], уйғур халқ байтларини шартли равишда уч асосий темага бўлиш мумкин:

1. Диний байтлар
2. Топишмоқ байтлар.
3. Ишқ-муҳаббат байтлари (Салом хат байтлари ҳам бунга киради).

Биз бу мақоламизда ишқ-муҳаббат байтлари ҳақида ўз мулоҳазаларимизни ўртага қўймоқчимиз.

Қишилар байтлар орқали ижтимоий масалаларни, савол, хитоб, мурожаат, таклиф, маслаҳат ва фикрларини ўртага қўйиб, унинг руёбга чиқиши учун курашиб келганлар. Қийинчилик, жафо-машаққат, ҳижронни енгиш, саботли, матонатли ва вафодор бўлишга даъват, инсоннинг инсонга дўст бўлиши, бир-бирини ҳурмат, иззат қилиш, жудолик солувчиларга нафрат ва кескин кураш байтларнинг асосий мотивлари бўлиб келди. Байтлар икки, тўрт, олти, саккиз, ўн ва ундан ортиқ мисраларда яратилган бўлса ҳам, сўз ва маъно жиҳатдан равшан, тузилиши содда, оҳангдор, табиий ва юракка яқин бўлиб, йиғинга руҳ, кишига эстетик завқ бағишлайди. Масалан:

Чина-чина[5] сув ичарман, юрагимни куйди деб,
Бу байтни сизга айтдим ҳаммадан чечани деб,
Сочингиз узун сунбул, тиканга илдирманг ёрим,
Иккимиз ошиқ бўлайлик, душманга билдирманг, ёрим...[6]

Байтлар халқ поэзиясидаги диалог йўли билан боради. Байтларнинг ўзига хос хусусияти ҳамма вақт ўртага ташланган масалага ҳозиржавобликни, тўғри ва аниқ жавоб беришни талаб этади. Байт айтувчи ахлоқий соғломлик, гўзал хулқ, миллий урф-одат ва ўзига хос услуб

---

[3] Н. Н. Пантусов, Материалы к изучению наречия таранчей. Казань, 1907, стр. 3—5.
[4] Н. Н. Пантусов, Уша асарга ёзган сўз бошига қаранг.
[5] Чина — пиёла.
[6] «تاریم» журнали, Урумчи, 1957, № 9, 86-бет.

билан шахс ҳуқуқини ҳимоя қилади. Шунинг учун у кишига тез таъсир этади ва эсда қолади. Масалан:

Йигит:

Хоним-хоним, жонон хоним,
Байт айтай, тингланг, хоним,
Ўттиз ўғил гувоҳ, хоним
Ошиғингман хумор хоним...
Жамолингни ёпма, хоним,
Шамол бўлиб қочма, хоним,
Шамол бўлиб қочсанг, хоним
Кўксим билан тўсай, хоним...
Дарё бўлиб оқсанг, хоним,
Балиқ бўлиб ўйнай, хоним.
Чироқ бўлиб ёнсанг, хоним
Пилик бўлиб ёнай, хоним
Олтин бўлиб турсанг, хоним
Заргар бўлиб севай, хоним...
Дардим тўла, билгин, хоним
Хуш кетди чой, олгин, хоним[7].

Байтлар фикрий ўткирликни, ҳозиржавобликни талаб этиш билан қизғин ҳарорат, самимий қалб кучига тўлган ҳолда ниҳоят қизиқ ва қизғин давом этади. Йигит қизга чой тутиб, байт айтар экан, чойни олган қиз дарҳол йигит қандай услубда байт айтган бўлса, шу услубда жавоб бериши талаб этилади. Масалан:

Қиз:

Йигит, йигит, жонон йигит,
Байт айтай тингланг, йигит,
Халқи олам гувоҳ, йигит,
Мен ҳам куйган, хумор йигит,
Жонга жонон, даво йигит...
Мана чина... таъзим, йигит[8].

Ишқ-муҳаббат байтларида фақат интим севгигина эмас, балки дўстлик, вафо, ҳурмат, ишонч, ғамхўрлик, одамгарчилик каби яхши сифатлар етакчи ўринни эгаллайди. Ишқ-муҳаббат байтларида икки ёшнинг бир умр орзуси, бахтиёр келажак ҳақидаги тилаклари куйланади. Бахтсизлик сабаблари, феодал муносабатлар қораланади.

Юрак сирларини баён этиш, жабр-жафоларни, қайғу-хасратларни ёки шодлигини билдириш, ер, сув, тоғ, осмон ва бошқаларнинг номларини бирма-бир айтиб, уларни инсоний муҳаббатга бўйсундириш севги-муҳаббат байтларининг асосий хусусиятидир.

Ишқ-муҳаббат байтларининг энг дастлабки намуналарини ижодий маҳоратга эга бўлган қиз-йигитлар яна шу халқнинг ижодий традицияси заминида ижод этган ва шулар орқали кенг тарқалган, коллективнинг ижодий ҳамкорлигида коллектив ижодга айланган. Байт айтишга ҳаваси бўлган қиз-йигитлар байтларни ёдлаб олиб, уларга ўз ижодий ҳиссаларини қўшиб, тўй маросимларида, майлис ва машрабларда, умуман қиз-йигитлар тўпланган ерларда айтиб келганлар. Байтларни ҳамма ерда, ҳамма вақт қиз-йигитлар бошлаб, шулар давом эттириб келганлиги учун халқ унга «ишқ-муҳаббат байтлари» деб ном берган.

Қиз-йигитлар ўртасидаги айтишишлар одатда дил тортган икки ёшнинг ҳол-аҳвол сўрашидан бошланиб, охирида ўз қалб сўзлари — орзу-армонлари изҳор этилади. Қиз-йигит айтишишлари жуда қисқа, лекин мазмундор бўлади. Шодлик, хушфеъллик, ростлик, самимият, ваъда, ишонч, вафо масалалари бадиий ифода этилади. Айримларида ҳазил, хушчақчақ, кулгили воқеалар ва ҳажвий лавҳалар баён этилади.

[7] «شىنجاڭ ئەدەبىياتى ـ سەنئىتى» журнали, Урумчи, 1957, № 4, 81-бет.

[8] Ўша журнал, 82-бет.

Ишқ-муҳаббат байтларида мунг ва зор, аччиқ қисматдан нолиш учраса ҳам, тарки дунё қилиш каби инсон учун зарарли идея ва кайфиятлар ҳукмрон бўла олмаган.

Байтларнинг мазмуни, ғоявий йўналишида йигитнинг жасорати, қизнинг назокати, одоб-ахлоқ катта ўрин тутади.

Уйғур халқи ўртасидан профессионал байтчилар етишган бўлсаларда, улар ҳақида ва уларнинг ижодий асарларидан бизгача ҳеч нарса етиб келмаган. Фақат XIX аср ўрталарида яшаган айрим профессионал ижрочилардан Абдулла Мавлон, Тўхти қизиқ, Қўрбон боши ва бошқаларнинг исмларини билганимиз билан, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳеч нарса дея олмаймиз. Биз суҳбатлашган қариялар уларнинг ишқ-муҳаббат темасида байтлар тўқиб, айтиб келганликлари ҳақида гувоҳлик берадилар, аммо улар яратган пайтларнинг текстларини эслай олмайдилар.

Қиз-йигит байт айтишар экан, ҳаммада ҳаяжон қўзғолади, диққат маркази байтга ва ижрочиларга қаратилади, руҳий шодлик ёки ачиниш ҳоллари юз беради. Шундай лирик туйғулар қўзғайдики, унда маъшуқасининг меҳнатсеварлиги, гўзаллиги, ошиқи беқарорлиги, ҳижрон азоби, унинг ширин тилидан шакар сўз эшитишга интизорлиги моҳирона тасвирланади. Айрим байтларда бу ҳақда маслаҳатлар берилиб, амалий тажрибалар орқали хулосалар чиқарилади:

Сени дейман, сени дейман, бошқани ёр демайман,
Бирси мани ёр дегин деб, асал берса емайман,
Мен ишқингда ошиқ-ғариб, кимга айтарман бориб,
Юрак-бағрим пора-пора, қўргин кўксимни ёриб
Сени дейман, сени дейман, қолгунчаки томчи қон,
Сени десам, қорним тўқдир емасам ҳам парча нон[9].

Табиат манзараси, турмуш буюмларини тасвирлаш билан бошланадиган байтлар ҳам борки, уларда маъшуқанинг қоши қаламга, кўзи бодомга, лаблари чилонга, сочлари сунбулга, жамоли ойга, Чўлпон юлдузига ўхшатилади. Ўзининг кўз ёши дарёга, тўхтамай ёғаётган ёмғирга, ғам-қайғуси қоронғи тунга таққосланади.

Қиз-йигитлар ўртасидаги диалогларда қиз ёки йигит ўз севгилисига мурожаат қилиб, иккаласининг ўхшашлиги, меҳнатсеварлиги, бирга ўсиб, бирга катта бўлганлиги баён этилиши билан, орзу-истакларининг руёбга чиқиши учун бирга кураш масаласи кўтарилади.

Оққина кўйлак кийибсиз, оқ тиканлар илмасин,
Кўккина кўйлак кийибсиз, кўк тиканлар илмасин,
Иккимиз ошиқ бўлайлик, уйдагилар билмасин,
Уйдагилар билса-билсин, халқи олам билмасин,
Халқи олам билсалар-да ваъда ёлғон бўлмасин,
Ваъдасида турмаган ҳаргиз инсон бўлмасин[10].

Ишқ-муҳаббат байтларида бир услуб борки, унда бирор предмет (гул, пиёла, кўйлак, каптар ва бошқалар) олинади-да, аввало, шу предметнинг айрим хусусиятлари таърифланиб, шунинг оқимида ундаги алоҳидаликлар байт айтаётган кишининг ҳаёти билан боғланади. Шу орқали умумий ғоя — мақсад айтилади ва охирида хулоса чиқарилади.

...Гул бўлмаса, сочиларни ҳар томонга хуш фироқ[11],
Ёр келмаса, босиларни юракдаги ўт-фироқ,

---

[9] Қаранг: «تارىم» журнали, Урумчи, 1957, № 9, 89-бет.

[10] Н. Н. Пантусов, Материалы к изучению наречия таранчей, Казань, 1907, стр. 11. Янги вариант билан солиштирилди.

[11] Хуш фироқ — хуш ис.

Олмали боғнинг ичинда, сарғайипти бир путоқ,
Ўнг ёнимда ўт куядур, чап ёнимда иштиёқ[12].

Ишқ-муҳаббат байтлари яхши сифат, ахлоқ билан ёмон иллат ва бузиқчиликларни қарама-қарши қўйиб тасвирлаш орқали ёшларни тўғри йўлга, меҳнатни севишга, оилавий муҳаббатга, инсонийликка чақиради.

Дили дилни ихтиёр этган ёшларнинг бахтига диний жаҳолат, эски урф-одатлар тўсиқ бўлганлиги, бу тўсиқларни фақат кураш йўли билан, чин сўз ва ёшлик жасорати билан енгиш мумкинлиги севги-муҳаббат байтларида ўз ифодасини топган.

Ишқ-муҳаббат байтларида ҳажвий мотивлар ҳам учрайди. Икки ёшнинг орзусига ета олмаганлиги, жудолик ва шу жудоликнинг сабаблари бўлган ижтимоий шароит ва ёвузлар танқид остига олинади, ўз ҳақиқатига қатъий ишонч, душманларидан интиқом олиш, умуман, шахс эркинлиги ҳаққоний акс этади. Демак, байтлар халқ ҳаётининг ҳаққоний манзараларини чизиш билан чекланган эмас, унда меҳнаткаш омманинг кураши ҳам ўз ифодасини топгандир. Ҳажвий байтларда кўпинча эски урф-одатлар, дин аҳлларининг мутаассибликлари нафрат билан қораланади. Шариат фатволарига, бек ва хўжаларнинг шаҳвоний нафсига қарши ҳужум қилинади:

Гулни гулга бермадингиз, гулни тиканга бердингиз,
Гул хилини топмасдан, қари чолга бердингиз.
Қари чол қандай киши, оғзида йўқдир тиши,
Қорним оч қолди деса чайнаб берар жувон киши[13].

Бундай байтларда эски кучлар ёш кучлар олдида мағлуб бўлиши, чин севги кучининг ғолиб келиши, ёшлик қалби ўти ўчмаслиги зўр маҳорат билан тасвирланади.

Байтлар севги ва садоқатни, висол иштиёқи ва ҳижрон аламини куйлайди, чин инсоний фазилатларни улуғлайди, ор-номус, одамгарчилик, одоб, мардлик, жасоратга ўхшаш улуғ хислатлар тараннум этилади.

Халқ этикасига қаттиқ боғланган ҳолда яратилган ва маърифий-эстетик қимматга эга бўлган халқ байтларининг бугунги кунда ҳам тарбиявий роли катта.

---

[12] «تاریم» журнали, 1957, № 6, 90-бет.

[13] «تاریم» журнали, Ургумчи, 1957, № 12, 76-бет.

А. ҲАЙИТМЕТОВ

Филология фанлари кандидати

НАВОИЙНИНГ ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА

Навоий ўз фаолиятида XV аср маданий ҳаётининг жуда кўп муҳим томонларини акс эттирган эди. Навоий фаолиятидаги муҳим томонлардан бири унинг ўз давридаги котиблар билан ишлаши, ўз замонидаги ва ўзидан бурунги маданий меросни, хусусан адабий меросни асл ҳолида сақлаб қолишга, уларнинг софлигига, оригиналлигига путур етказмасликка ҳаракат қилиши, уларни мумкин қадар бузилмаган ҳолда келажак авлодларга етказишга интилиши эди. Навоий фаолиятининг бу томони ҳам фақат ўзбек халқи маданияти тарихида эмас, умуман, Шарқ халқлари маданияти тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки шу йўл билан у ўз салафлари, ўз замондошлари асарларининг жуда кўп нодир қўлёзма нусхаларини вужудга келтирган, бу эса маданият тараққиёти тарихида, ҳеч шубҳасиз, катта ижобий роль ўйнаган.

Навоий фаолиятининг бу томони ҳақида шоирнинг «Ҳайратул-аброр», «Ғаройибус-сиғар», «Хамсатул-мутаҳайирин», «Маҳбубул-қулуб», «Муҳокаматул-луғатайн» каби асарлари, Навоий замондошларидан Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ», Бобирнинг «Бобирнома» каби асарлари қимматли маълумотлар беради.

Навоий «Мажолисун-нафоис» ва бошқа асарларида Султон Али Машҳадий, Мавлоно Номий, Мавлоно Ҳавоий, Мавлоно Абдулваҳҳоб, Мавлоно Абдусамат, Мавлоно Абдулвосеъ, Юсуфшоҳ котиб, Ҳофиз Жалолиддин Маҳмуд, Шайхзодан Пуроний, Паҳлавон котиб каби ўнларча хаттотларнинг номини тилга олади. Уларнинг орасида ўзининг асосий касби билан бирга хаттотликни ҳам яхши эгаллаган тарихчи Мирхонд, шоир Биноий кабилар бор. Буларга Навоий зикр этмаса ҳам ўша даврда таниқли котиб бўлиб, Навоий «Хамса»сини кўчириш билан тарихда номи қолган Абдулжамил котиб кабиларни ҳам қўшсак, бу табақанинг ўша давр маданий ҳаётида катта гуруҳни ташкил этганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг ўн иккинчи мақолатида ва «Маҳбубул-қулуб»нинг ўн еттинчи фаслида котибларга ва уларнинг ишига алоҳида тўхтайди. Чунки XV асрнинг иккинчи ярмида, хусусан Хуросонда нисбатан тинчлик юз бериб, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг бир қадар жонланиши ва ривожланишига имкон туғилган эди. Котиблар эса, ҳали китоб нашр этиш юзага келмаган бир шароитда, жамиятнинг китоб ва маърифатга бўлган талабини қондиришлари керак эди.

Навоий котибларни айниқса шоирларга энг яқин ва зарур кишилар деб билади ва «Маҳбубул-қулуб»да: «Котиб шуаро сўзининг варақ нигоридур ва сўз махзанининг хазинадори»[1], деб ёзади. Ў, умуман, ко-

---

[1] محبوب القلوب. علیشیر نوائی. Изд-во АН СССР, М.–Л., 1948, стр. 30.

тибларни иккига — яхши котиблар ва ёмон котиблар гуруҳига ажратади. Яхши котиблар чиройли ва хатосиз кўчиради, ёмон котиблар эса, ҳам хунук, ҳам хато кўчиради. Навоий «Маҳбубул-қулуб»да яхши котибларнинг хати ҳақида: «Яхши хат ва нуқтадан сафҳаға жамол, андоқки, яхши юз сафҳасиға хаттухол. Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчиға ва кўзлагувчиға осойиш еткурур»[2], дейди.

«Хайратул-аброр»да эса яхши безатилган китоб ва яхши котибларнинг хати ҳақида:

Қилки қаро риштаға гавҳар чекиб,
Балки кечаториға ахтар чекиб,
Ой киби юз сафҳаву хат анда хат,
Хол анга ҳар сори мушкин нуқат.
Сафҳалари ҳар бири гулзордек,
Жадвали атрофида девордек.
Кўр нечук ўлгай бу чаман ичра вард.
Дойи чу бор олтун ила ложувард.
Сатрлар анда гулу сарву суман,
Ҳар икки сатр ўртаси дилкаш чаман..[3]

Хуросон котиблари орасида энг атоқлиси, шубҳасиз, Султон Али Машҳадий эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобир бу ҳақда: «Хушнавислардан агарчи хили киши бор эди, вале борининг саромади настаълиқда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо (яни Султон Ҳусайн) учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди»,— дейди. Навоий ҳам қайси ўринда бўлмасин Султон Али Машҳадий ҳақида юксак фахр билан гапиради ва бир қитъасида уни «Қиблатул-куттоб» деб атаб, унинг қаламини тақдир, қазо қалами каби хатосиз ва тўғри ёзувчи деб таърифлайди.

Султон Али Машҳадий каби санъаткор котибларнинг куч ва ғайратлари билан ўша даврда юзлаб китоблар кўп нусхаларда кўчирилди. Уларнинг бир қанча нусхалари жаҳон кутубхоналарида ҳозиргача қимматбаҳо маданий мерос сифатида сақланиб келмоқда. Навоий каби улуғ маданият хомийларининг бу соҳага ҳам бош қўшиб, котибларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришлари бу санъат тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Навоийнинг котибларга хомийлиги асосан 1469 йилдан, яъни у давлат арбоби вазифасига кўтарилиб, котибларга хомийлик қилиш учун моддий имкониятга эга бўлиши биланоқ бошланган. У ўз қўл остида катта кутубхона ташкил этиб, бу кутубхонани янги кўчирилган қўлёзмалар билан муттасил тўлдириб турган. Бунинг учун у ўз атрофига жуда кўп котибларни тўплаган ва уларга кўчириладиган асарларнинг яхши, ўзгаришларга учрамаган ёки кам учраган, ишончли нусхаларини ҳам ўзи танлаб, кўпроқ эса ўзи тайёрлаб берган. Навоий бунга ўхшаш ишлар билан илгари ҳам шуғулланган. Лекин 1469 йилдан кейин, яъни Навоий жамиятда катта мавқега эга бўлгач, бу хил масалалар унинг фаолиятида алоҳида аҳамият касб эта бошлаган. Яна характерли томони шундаки, бундай ишлар билан у маълум шароит ёки маълум бир вақтларда эмас, балки системали равишда ҳар куни, ҳар вақт шуғулланган. Бу тўғрида Навоийнинг кичик замондоши ва унинг барча фаолиятидан яқиндан хабардор бўлган Хондамир Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус «Макоримул-ахлоқ» асарида қуйидаги қимматли маълумотларни беради:

---

[2] Ўша китоб, 30-бет.

[3] Алишер Навоий, Хамса, УзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1960, 100-бет.

..و بعد از انتقال سلطان سعید از این منزل پر ملالچو صاحب قران پسندیده خصال در دار السلطنه هراة علم سلطنت و اقبال بر افراشت و آن نقطهٔ دایره فضل و کمال بدان بلدهٔ فاخره تشریف قدوم ارزانی داشت باوجود و صول اسباب جاه و حشمت و حصول نیابت پادشاه ذو شوکت و تکفّل مهام طبقات انام و تعهد مرام خواص و عوام و تنسیق امور ملك و ملّت و تنظیم احوالدین و دولت بدستور معهود همگی روزگار فرخنده آثاررا بتصحیع الفاظ و تحقیق معانی و ترتیب دلائل و تنقیح مسائل و استکشاف اسرار علوم نقلی و استخراج نکات فنون عقلی صرف نمود[4]

«Султони Саид (Абу Саид — А. Ҳ.) бу серташвиш манзилдан кечгандан кейин Ҳирот пойтахтига ёқимли хислатлар эгаси Соҳибқирон (Султон Ҳусайн Бойқаро — А. Ҳ.) салтанат ва иқбол байроғини тиккач, у фазл ва камол доирасининг маркази (Навоий — А. Ҳ.) ўша фахрли шаҳар (Ҳирот — А. Ҳ.)га шарофатли қадамини босишни лойиқ кўрди. Мартаба ва дабдаба учун маблағлар пайдо бўлиб, шавкатли подшоҳ ноиблигига эришиб, халқ орасидаги (турли) табақаларга оид вазифаларни бажаришга кафил бўлиши, оддий ва имтиёзли кишиларнинг арзу-додларини ҳал қилиб беришни ўз уҳдасига олиши, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солиб туриши, дин ва давлат аҳволини низомга келтириши билан банд бўлишига қарамасдан, (Навоий) *доимий одатига кўра ўзининг бутун қутлуқ кунларини (китоблардаги) сўзларни тузатиш ва маъноларни текшириш, далилларни* тартибга келтириш ва масалаларни** аниқлаш, нақлий илм*** сирларини очиш ва ақлий фанларнинг**** нозик нуқталарини топишга сарф этди».* (Курсив бизники — А. Ҳ).

Маълумки, Навоий ўз даврининг адабиёт соҳасида энг билимдон олими бўлган. Буни унинг замондошларидан Жомий ва Хондамир кабилар ҳам тўла тасдиқлайдилар. Адабиётнинг қийин ва чалкаш масалалари бўйича унга жуда кўп кишилар мурожаат этишар ва уларнинг ҳаммаси ундан қониқарли жавоб олиб, хурсанд бўлиб кетишар эди. Унинг адабиёт соҳасидаги бундай ҳакамлиги қарийб қирқ йилга яқин давом этган. Масалан, ўз салафларидан Анварий, Салмон Савожий, Мир Шоҳий, Котибий, Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарларини ўқиб, улар устида бир-бири билан қаттиқ баҳслашиб қолган адабиёт аҳллари

[4] Британия музейи қўлёзмаси, add: 4669, P. 30141. Варақ 132 (биз бу қўлёзманинг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Адабиёт музейидаги фотокопиясидан фойдаландик).

* Хондамир бунда ҳар хил соҳаларга оид справочник характеридаги турли луғат ва терминологик луғатларни ҳамда кўрсаткичларни кўзда тутаётган бўлса керак.

** Бунда муаллиф фиқҳ масалалари, айниқса фалсафий категорияларни назарда тутаётган бўлса эҳтимол. Чунки Хондамир бундан қуйироқда Навоий ҳақида:

Мушкили ҳикмат аз каломи ту ҳал.
Мантиқи ту баёни ҳар мужмал.
Роҳи машшоиён зи ту возиҳ;
Нури ишроқиён зи ту лойиҳ.

(Мазмуни: Ҳикматнинг мушкиллари сенинг сўзларинг билан ҳал бўлди. Сенинг гапларинг туфайли ҳар қандай мужмал фикрлар аниқланди. Машшоин (перепатетик)ларнинг йўли очиқ бўлиши сендан; Ишроқийин (ботиний риёзат чекиш билан ўзидан нур сочиб, абсолют ҳақиқатга эришишни тарғиб қилувчи идеалист философлар—(А. Ҳ.)лар нурларининг барқ уруши ҳам сендан) деб ёзар экан, маълум бўладики, Навоий фалсафий масалалар билан, улардаги чигалликларни ечиш билан ҳам жиддий шуғулланган. «Ҳикмат» эса «фалсафа» демакдир.

*** Бунда турли ривоятлар кўзда тутилади.

**** Бунда эса аниқ фанлар кўзда тутилади.

тортишувни бартараф қилиш учун одатда унинг олдига келганлари ҳақида Навоийнинг ўзи «Муҳокаматул-луғатайн»да ёзади:

«Ва басо маоний ва аҳли хурдадонлар ва дақойиқ хайли дақиқ баёнларки, Анварий ва Салмон шеърида ҳар бири бирининг жонибин тутуб, баҳслар қилиб, сўзлари бир-биридан ўтмагандин сўнгра бу фақир олдиға муҳокама учун келтуруб турурлар ва ҳар не ҳукм топиб дурурлар — мусаллам тутуб, муноқашалари бартараф бўлубтур. Ва ғазалда Мир Шоҳий ва Мавлоно Қотибий ва алар ғайри тарафидин доғи бу йўсунлуғ ва маснавийда Ҳазрат Шайх Низомий ва Мир Хусрав Деҳлавий жонибидин доғи бу дастурлуғ кўп воқеъ бўлубтур»[5].

Навоий ўзбек шоирлари асарлари билан бир қаторда форс-тожик шоирларининг ижодини ҳам жуда чуқур ва атрофлича билар эди. «Муҳокаматул-луғатайн»да у: «Ўқуриға давовиндин бу фақир мутолаасиға кўп машғул бўлмаган девон оз эркин»,— дейди. У форс-тожик адабиёти билан бир қаторда, форсий тил бойлигини, унинг энг нозик қонунқоидаларини, унга хос ибораларни ҳам ўз даврида мукаммал эгаллаган бир киши эди. Бу ҳақда яна ўша «Муҳокаматул-луғатайн» асарида Навоий: «...форсий алфоз истийфосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпроқ қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркин...»[6], деб ёзган эди.

Бу кўрсатилган факторларнинг ҳаммаси Навоийга котиблар кўчириши учун бадиий асарларнинг яхши ва тўғри нусхаларини тайёрлаб беришда мустаҳкам асос бўлган эди. Айни вақтда Навоийнинг текстлар устида олиб борган ишлари унинг фалсафа, тарих, санъатшунослик, аниқ фанлардан астрономия, математика, ҳандаса, медицина ва ҳоказолар соҳасидаги бой ва чуқур билимларига ҳам асосланар эди[7]. Навоийнинг котибларга нусха тайёрлаб бериш жараёнидаги бу хил ишларини эса, ҳозирги тушунчада, текстологик характерга эга бўлган ишлар эди, деб ҳисоблаймиз. Бундан яна шу нарса маълум бўладики, Навоий кўчиришга тайёрлаб берган ва кўчиртирган китоблар орасида форс-тожик тилидаги асарлар катта салмоқни ташкил этган.

Навоий ўз текстологик тадқиқотларида қандай принципларга амал қилар эди? Бу саволга тўлароқ ва қониқарлироқ жавоб бериш қийин. Чунки у даврда олиб борилган текстологик тадқиқотларга оид материаллар бизгача жуда кам етиб келган. Шуниси аниқки, текстология у

---

[5] Алишер Навоий, Танланган асарлар, 3-т., Ўздавнашр, Тошкент, 1948, 201—202-бетлар.

[6] Ўша китоб, 194-бет. Бу ўриндаги «форсий алфоз иттифосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин» деган жумлани навоийшунос П. Шамсиев «Муҳамматул-луғатайн»нинг 1948 йил нашрида «Форси сўзларни ва ибораларни ҳечким менчалик кўпроқ ўзлаштирмайди ва қўлга олмайди» деб соддалаштириб берганлар ва бу жумланинг мазмуни чиндан ҳам шунга яқин. Аммо бундаги «салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркин...» деган иборани «яхши ва ёмонини ҳечким мендан кўра яхшироқ билмайди» деб бериш автор кузатган маъноии бермайди. Бундаги «салоҳ ва фасод» сўзларини эстетик маънода «яхши ва ёмон» деб эмас, балки текстологик маънода «тузғлик ва бузиқлик» деб олиш тўғрироқ бўлар эди, деб ўйлаймиз. Чунки Навоий бу ерда шеърнинг яхши ёки ёмонлиги ҳақида эмас, балки кўпроқ текстологик жиҳатдан тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида, бузиқ ёки бузиқ эмаслиги ҳақида сўзламоқда.

[7] Масалан, Хондамир Навоийнинг риёзий (математик) илмдан яхши хабардорлиги ҳақида «Макоримул-ахлоқ»да шундай дейди:

Фикри ту зад сўйи риёзий рой;
Шуд риёзий риёзи хулд орой.

(Мазмуни: Сенинг фикринг риёзий илм томонга майл қилди; Риёзий илми эса сенинг вужудинг билан гулзор бўлди).

вақтларда мустақил фан сифатида ривожланмаган, унинг аниқ, ҳаммага дастур илмий принциплари ишланмаган эди. Шу сабабларга кўра, биз Навоий томонидан тайёрланган текстлар ҳам танқидий текстлар даражасига кўтарилган деб ишонч билан айта олмаймиз. Умуман эса Навоийнинг бу соҳадаги фаолиятида ялт этиб кўзга ташланадиган муҳим нарса бир асарни кўчираётганда унинг оригиналлигини сақлашга, ғоявий ва бадиий мазмунига путур етказмасликка ундашидир. У «Ҳайратул-аброр»да яхши котибнинг хатини мақтар экан, сўзларнинг ёзилиш шаклларини оқ гулларга, у сўзларнинг маъноларини эса, ширин меваларга ўхшатади:

Лафзлар анда гули насрин бўлуб,
Маъни анга меваи ширин бўлуб...[8]

Навоийдан олдинги ва Навоий давридаги котибларнинг асарларни янги нусхага кўчиришдаги асосий камчилиги икки хил эди: бири саводсизлик туфайли, сўз ва ибораларни нотўғри, ноаниқ ва хато кўчириш; иккинчиси, ҳар қайси котиб ўз диди ва тушунчасига қараб асардаги сўз ва ибораларни аслдан бошқача қилиб, ўзгартириб, ўз дидига мослаб кўчириши. Бу иккаласи ҳам Навоийни бир хил даражада ғазаблантирар эди. Навоий айниқса, сўзнинг, текстнинг маъносини бузиб кўчиришга тоқат қила олмас эди. У хат агар маҳбубдан келган бўлса ҳам, лекин хати гўзал бўлиши билан бирга «мазмуни ҳам хўб» бўлишини талаб қилар эди. У «Маҳбубул-қулуб»да хати чиройли, лекин сўзларни мазмун жиҳатидан бузиб ёзувчи котиблар ҳақида шундай дейди: «Хушнавис ҳамки, саҳви кўп бўлғай ва илги қулунж иллатига жўб бўлғай. Улки, бежо нуқта била ҳабиб (حبيب)ни (яъни «дўст» сўзини — А. Ҳ.) ҳабис (حبيث) (яъни «ярамас», «ифлос», «ёмон одам» — А. Ҳ.) қилғай ва «муҳаббат» (محبت)ни меҳнат (محنت), онингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат»[9].

Навоий ўз таъсири етган жойда текст тайёрлашдаги ва кўчиришдаги бу кўрсатиб ўтилган икки хил камчиликка қарши баробар кураш олиб борган. Навоий «Хамсатул-мутаҳайирин» асарида характерли бир воқеани ҳикоя қилади:

«Бир кеча улуғ киши мажлисида жамоати азизлар хизматида тиштум. Музаҳҳар Удийким, хушнавозликда Зуҳранинг отаси ва хушхонликда онинг фарзанди руҳафзоси бўла олур эрди, «Таганний» мақомида Хўжа Ҳасан Деҳлавийнинг бу шеърин ўқийдур эрдиким:

«Зиҳи дарунаи дилро замон-замон ба ту майле...» то бу байтга етиштиким:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд,
Чунин осор диҳад оре тулуи чун ту Суҳайле.

(Мазмуни: Менинг ёмғур томчиларига ўхшаш кўз ёшларимга сенинг кўринишинг чиндан ҳам Суҳайл юлдузидек таъсир қилиб, уларнинг ҳаммаси дурга айланди).

Мажлис аҳли мутааййин ва хуштабъ эл эрдилар ва соҳиби мири мажлис ҳам хуштабъ ва подшоҳ нишон. Муғаннийга эътироз юзидин ва баъзи таъбия юзидин дедиларким: «Сиришки ман ҳама дур шуд» ўрнига «ҳама хун шуд» ўқики, «дур шуд»нинг маъноси йўқтур. Мири мажлис доғи аҳли мажлисга муттафиқ эрди. Бу фақир (яъни Навоий — А. Ҳ.) ҳеч нима демадим. Мажлис ҳуззори фақирга доғи машғуллуқ қилди-

---

[8] Алишер Навоий, Хамса, 100-бет.
[9] محبوب القلوب, علیشیر نوائی

ларким: — «Сен дағи нечук бу сўзда асҳобға мувофиқ эмассан?» деб. Фақир дедимким: «— Қойил адо қилди, яъни «Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд» ростдур, балки мундоғ керак.

Барча ҳужум қилиб, фақирға ғулу қилдилар. Фақир айттимким, чун сиз барча бир жониб бўлдингиз, мен сизга муддаомни собит қила олмон. Бир кишини ҳакамлиқға мусаллам тутсангиз, гаров боғларман»[10].

Шундан сўнг улар ҳакамликка, яъни судьяликка Жомийни танлайдилар ва баҳснинг мазмунини бир одам орқали унга маълум қиладилар. Борган одам Жомийдан Навоий фойдасига қуйидаги жавобни олиб келади:

«Сухан дур аст, тааллуқ ба гўши шаҳ дорад»

Мазмуни: Дур сўзи бу ўринда маъқул бўлиб, шоҳнинг қулоғини безашга алоқадордир.

Кўрамизки, Навоий бу ўринда шоир Ҳасан Деҳлавий шеъридаги асл текстни ўзбошимчалик билан ўзгартмаслик учун қатъият билан кураш олиб боради. Бунда Жомий ҳам унга ёрдамга келади. Натижада бу байтдаги «дур» сўзи ўзгармай қолади. Бу принцип Навоий билан Жомийнинг текстологик тадқиқотларида ҳам асосий принциплардан бири бўлган деб айта оламиз. Ҳасан Деҳлавийнинг 1486 йилда, яъни тахминан, Навоий билан унинг замондошлари ўртасида унинг юқоридаги байти устида баҳс юз берган йилларда Ҳиротнинг ўзида Миньамиддин Авҳадий исмли котиб томонидан кўчирилган ва ҳозир Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 1919 инвентарда сақланаётган ҳамда XVII асрда бошқа котиб томонидан кўчирилган ва шу институтда 997 инвентарда сақланаётган қўлёзма девонлари бор. Бу девонларнинг иккаласида ҳам бу байтни ўз ичига олган ғазал мавжуд бўлиб, икки нусхада ҳам «дур» сўзи сақланган. Ҳасан Деҳлавий ғазалидаги бу иборанинг ўзгариб кетмаслигида Навоий билан Жомийнинг роли катта бўлган деб айтишга ҳаққимиз бор[11]. Текстологик тадқиқот принциплари бўйича ўз даврининг пешқадам қалам эгалари — Навоий билан Жомийнинг тутган умумий позициялари бир-бирига жуда яқин ва прогрессив характерда бўлганлигига «Хамсатул-мутаҳайирин»дан яна бир машҳур мисолни келтириш мумкин. Кунларнинг бирида Навоий ўз кутубхонаси учун Жомийнинг илк девонларидан бирини ўз замонининг хушнавис котибларидан бири Мавлоно Абдуссамадга кўчиришга топширади. Девонни кўчириш тугаллангандан кейин Навоий уни автор кўзидан ўтказиб келиш учун Жомий олдига олиб боради. Жомий машҳур котибнинг хатини кўриб хурсанд бўлади-ю, лекин синчиклаб кўриб чиқиш учун бир кечага ўзида олиб қолади. Эртасига Навоий Жомийнинг олдига яна борганда Жомий жиғибийрони чиқиб шундай дейди:

---

[10] Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 693, 21—22-бетлар.

[11] Лекин Ҳасан Деҳлавийнинг мунозарага сабабчи бўлган ғазалидаги бу байт эслатилган 1919 номерли қўлёзмада:

بسان قطرهٔ باران سرشك من همه‌در شه
همین اثدهدالحق طلوع چون توسهیلی

шаклида (варақ 267б), 997 номерли қўлёзмада эса:

بسان قطرهٔ باران سرشك ماهمه‌در شد
چنین دهد اثرالحق طلوع چون تو سهیلی

шаклида (варақ 253б) келади.

«Бу китобни ғариб навъ битибдур, анга ўхшарким, илтизом қилмиш бўлғайким, ғалатсиз мисраъ битмагай, баъзи ерда бирор-иккирор, балки ортуқ абъёт ҳам тарк қилибтур, ўзи-ўқ мунда бўлса, чун хушнавис кишидур, кўп эҳтиёжот жиҳатидан шояд хили рўзгори зоеъ бўлгай»[12].

Икки улуғ зот бу тўғрида узоқ бош қотиришади. Охири Навоий Жомийга: «Агар сизнинг муборак қаламингиз била ислоҳ топса, мужиби мубоҳот ва зебу зийнат бўлур»— дейди. Натижада шу қарорга келишадики, Жомий ўзининг унча чиройли бўлмаган хати билан девонни бошидан охиригача тузата бошлайди. Хатоларнинг сон-саноғи йўқ бўлиб, айрим жойлар тузатилса, айрим жойлар ўчирилади. Абдусамаднинг чиройли хатига таниб бўлмайдиган даражада ўзгаришлар киритилади ва охирига Жомий қуйидаги ҳазломиз, лекин ғоят мазмунли қитъани ёзиб қўяди:

Хушнависе чу орази хўбон,
Суханамро бахатти хўб орост.
Лек ҳар чо дар ў зи саҳви қалам —
Гоҳ чизе фузуд, гоҳе кост.
Кардам ислоҳи он ба хати хеш,
Гарчи н-омад чунончи дил мехост,
Ҳар чи у карда буд бо суханам,
Ба хати у қусур кардам рост[13].

(Мазмуни: Чиройли хат битувчи котиб сўзларимни яхши хат билан гўзаллар юзидай безади. Лекин унинг ҳар ерида қалам хатоси билан гоҳ бир нарса кўпайиб кетган, гоҳ камайиб. Гарчи, кўнгил истагандек ҳолга келмаса ҳам, мен ўз хатим билан уни тузатиб чиқдим. У менинг сўзларимни қанча бузган бўлса, мен ҳам унинг хатини шунча буздим).

Бу мисолдан яна бир бор шу нарса аниқ бўладики, Навоий ва Жомий адабий ижоддаги сингари, текстология масаласида ҳам, биринчи навбатда, мазмунга аҳамият берганлар, ҳеч қачон форма учун, чиройли хат ёки чизиқ учун мазмунни қурбон қилмаганлар.

Масаланинг фожиали томони шундаки, Навоий ва Жомийнинг атрофини қуршаган котиблар Навоий ва Жомийдек улуғ билимдон кишилар томонидан пухта қилиб тайёрлаб берилган нусхаларни ҳам тез-тез бузиб, кўп хатолар билан кўчирар эдилар. Масалан, Навоийнинг Ленинградда Салтиков — Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида Дорн 560 номерда сақланаётган ва машҳур Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган, Мавлоно Ёрий Музаҳҳиб томонидан безатилган «Хамса» қўлёзмасида Навоий достонларидан кўпларининг номлари Низомий достонлари номи билан кўчирилган. «Ҳайратул-аброр» «Махзанул-асрор» деб, «Садди Искандарий» китоби «Искандарнома» деб. «Сабъаи сайёр» эса «Китоби «Ҳафт пайкар» деб аталган. Чунки уларнинг дунёқараши, билим савияси одатда тор ва саёз бўлар эди. Улар традицион руҳда иш кўрар, схоластик тарзда муҳокама юритар, кўп вақт кўчираётган асарининг асл мазмунини тушиниб етмас эдилар. Бу ишни уларнинг кўплари ҳамма вақт ҳам шон-шуҳрат учун эмас, балки тирикчилик ўтказиш учун бажарар, шунинг учун гоҳо ишда шошиб, меъёрдан ҳам ортиқ хатоларга йўл қўяр эдилар. Ана шу сабабларга кўра, кўп котибларнинг ишлари Навоийнинг юксак талабига жавоб бермас эди. «Ғаройибус-сиғар»даги «Ғалат битир котиб бобида қалам сурмак ва қаросининг ғалатин юзига келтурмак» деган сарлавҳали қитъасида Навоий бундай котиблар ҳақида янада қаттиқ хафа бўлиб ёзади:

[12] Ўзбек адабиёти, 2-т. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 557-бет.

[13] Ўша китоб, 557—558-бетлар.

Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин они қўпормоқ керак,
Юзин номасидек қаро айлабон,
Қаламдек бошин доғи ёрмоқ керак.
Қародин қарога берибон улоқ,
Қаламравдин они чиқармоқ керак[14].

Бунда Навоийнинг хаттотлардан фақат хафа бўлишинигина эмас, айни вақтда уларнинг ишига куйинаётганини, бу соҳадаги камчиликларга жони ачиётганини, уларга ўзи яқин турган ҳолда жонкуярлик кўрсатаётганини ҳам сезиш қийин эмас. Лекин бу ўринда Навоий бу камчиликларнинг туб социал сабабларини очиб ташлай олмаётир. Навоий давридаги котиблар жамиятнинг асосан камбағал, ҳукмрон синфларга қарам табақасини ташкил этган бўлиб, уларнинг хаттотликда йўл қўйган хатоларига фақат уларниг ўзларигина эмас, биринчи навбатда уларнинг яхши ва атрофлича билим олувига, сўнгра эса қунт билан ҳар бир асарни кўчириш устида нормал ишлаш шароитига эга бўлувига имкон бермаган, уларнинг ҳаёти ва фаолиятида ҳисобсиз моддий ва маънавий қийинчиликлар туғдирган замон ҳам айбдор ва жавобгар эди.

Шунга қарамай, Навоий ва уни қуршаган котиблар умуман ҳисобсиз фойдали ишларни бажардилар. XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда кўчирилган Шарқ муаллифларининг қўлёзма асарлари фан учун ҳозиргача энг мўътабар нусхалар деб ҳисобланади. Текстологик тадқиқотлар етарли қадрланмаган ва феодал тартибсизликлар туфайли, бу соҳада бутун умри давомида Навоий бажарган жуда катта ишларнинг кўпи изсиз йўқолиб кетган бўлишига қарамай, биз юқорида келтирилган далиллар асосида буюк шоиримиз ва мутафаккиримиз, олим ва санъаткор, давлат арбоби ва маданият ҳомийси Алишер Навоий ўз даврида хаттотлик ва текстологик тадқиқотлар тараққиётига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва бунда ҳам у прогрессив позицияда турган деб айта оламиз. Демак, текстология фани узоқ тарихга эга бўлиб, совет текстология фани Навоий каби олимларнинг бу соҳадаги илғор қарашларини қабул қилади ва ривожлантиради.

---

[14] Алишер Навоий. Асарлар, 1-т., ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1963, 483-бет.

Ш. ШОАБДУРАҲМАНОВ

Филология фанлари доктори

ЕТАКЧИ ЎЗБЕК ШАҲАР ШЕВАЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ МАСАЛАСИ

Ўзбек халқ шевалари Е. Д. Поливанов[1], Ғози Олим[2], А. К. Боровков[3], В. В. Решетов[4] каби диалектолог — олимлар томонидан группалаштирилган — классификация қилинган. Бу классификацияларни такомиллаштиришда маълум бир территория шеваларини ҳам классификация қилиш аҳамиятлидир. Бу жиҳатдан проф. В. В. Решетовнинг Курама шевалари[5], Ф. А. Абдуллаевнинг Хоразм шевалари[6] классификацияси диққатга сазовордир. Бундай классификациялар ўзбек шеваларининг умумий классификациясини тўлдириш, аниқлаш ва мукаммаллаштиришга катта ёрдам беради.

Маълумки, туркий тиллар ўзига хос мураккаб тарихий даврни босиб ўтган, шу жуда мураккаб шароитларда шаклланган, таркиб топган ва маълум даражада ўзгаришларга учраган. „Бунга ўзбек тили диалектларининг шаклланиш тарихи яққол далилдир. Фақат ўзбек тилигина эмас, балки Ўрта Осиёдаги бошқа туркий тиллар ҳам маълум тарихий даврларда ўзгаришга учраган, чунки мазкур тилларнинг шаклланишида тарихан ягона йирик қабила бўлакларига тааллуқли бўлган, кейинчалик эса ажралиб кетган, ҳар хил туркий уруғ-қабила группалари иштирок қилган“[7]. Мана шу тарихий-этнографик категория — уруғ-қабила уюшмалари маълум тил бирликларини ташкил қилган. Бу тил бирликлари (масалан, қарлуқ, ўғуз, қипчоқ ва бошқалар)нинг ўзига хос характерли хусусиятлари қардош тилларда, шунингдек, ўзбек тили шеваларида ҳалигача сақланиб келмоқда. Шунга кўра ҳозирги туркий тилларнинг диалектлари, шунингдек ўзбек тили шевалари қадимий уруғ-қабила тил бирликларининг қолдиғидир[8]. Буни шева материаллари ва қадимий туркий қабила-уруғ уюшмалари тил хусусиятларини ўзида акс эттирган ёзув ёдгорликлари („Девону луғотит турк“ ва бошқалар) ҳам тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлигининг асосий қисмини ташкил қилувчи ўзбек шаҳар шеваларининг вужудга келиши ва

---

[1] Қаранг: Узбекская диалектология и узбекский литературный язык, Ташкент, 1933.

[2] Қаранг: Ozbek lahçalarini tasnifda bir taçriba, Taşkent, 1936.

[3] Қаранг: Вопросы классификации узбекских говоров, „Известия АН УзССР“, 5, 1953.

[4] Қаранг: проф. В. В. Решетов, Узбекский язык, I, 1959.

[5] Қаранг: В. В. Решетов, Классификация узбекских говоров Ангренской долины, „Бюллетень АН УзССР“, 5, 1945.

[6] Қаранг: Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961; Шу автор, Хоразм шеваларининг таснифи масаласи, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II Тошкент, 1960.

[7] В. В. Решетов, Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари“, 5, 1960, 34-бет.

[8] Қаранг: Шу асар, шу бет.

уларнинг шаклланишида айрим қабила-уруғларнинг тутган ўрни; бу шеваларнинг қардош этник группалар билан ўзаро ва шунингдек қардош бўлмаган этник группалар билан муносабати масалалари проф. В. В. Решетовнинг диалектологик асарларида тўла ифодасини топгани учун бу масалаларни яна такрорлашни лозим топмадик[9].

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига курувчи (Тошкент, Фарғона, Самарқанд — Бухоро тип) шевалар тарихий жиҳатдан бир диалект комплексини ташкил қилса-да, кейинчалик бу шеваларнинг ҳар бири бошқа-бошқа тарихий шароитларда тараққий этган ва ўзига хос тил хусусиятларига эга бўлиб қолган. Бу шеваларни бирлаштирувчи умумий ўхшаш хусусиятлар бўлганидек, уларни бир-биридан фарқловчи хусусий хусусиятлар ҳам мавжуд. Бу хусусиятлар биз ўрганаётган шаҳар шеваларини умумий характерда бўлса ҳам уларни группалаштириш — классификация қилиш имкониятини беради[10].

ТОШКЕНТ ТИП ШЕВАЛАР

Тошкент тип шеваларга Тошкент[11] шаҳар шеваси ва унга ёндош бўлган аҳоли яшайдиган пунктларнинг шевалари киради (Паркент[12], Пискент, Ниёзбоши[13], Қорахитой ва бошқалар).

Бу тип шеваларнинг ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари бор. Улар қуйидагича:

1. Ҳар қандай ҳолатда орқа қатор [а] товуши ўрнида олдинги қатор [ə] ишлатилади (контраст жуфти йўқ): кəм, хəт (‖ *ад. орф.* хат), ғəш (‖ ад. орф. ғаш) ,тəқ (‖ *ад. орф.* тақ).

2. [У] товушининг ҳам контраст жуфти йўқ. Биргина [У] оралиқ товуши олд қатор [ү] ва орқа қатор [у] товушлари ўрнида келади: (гул ~ *Анд.* гүл), кум (~ *Анд.* қум).

3. [ў] товушининг ҳам контраст жуфти йўқ. Биргина [ў] оралиқ товуш олд қатор [ө] ва орқа қатор [о] товушлари ўрнида келади: кўз (~ *Анд., Фарғ.* көз), қўл (~ *Анд., Фарғ.* қол).

4. [ъ] товушининг ҳам контраст жуфти йўқ. Биргина [ъ] оралиқ товуши олд қатор [и] ва орқа қатор [ы], шунингдек оралиқ [ъ] ва [ь] товушлари ўрнида келади: към, чъқ (~ *Анд.*чьқ).

5. [е] товуши [ъ] га ўтади [е > ъ]: мъҳ'нəт (< мехнət), бъҳ'ъ (< беҳъ), дъдъ (< дедъ).

---

[9] Қаранг: проф. В. В. Решетов, Ўзбекский язык, I Тошкент, 1959, 28—49, 68—69-бетлар; Шу автор. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 5, 1960, 34—43-бетлар.

[10] Ўзбек шеваларининг классификацияларида турлича группаларга киритилган, масалан, Е. Д. Поливанов „Шимолий ўзбек шевалари"га киритган Туркистон, Чимкент, Манкент, Қорамурт шевалари; Ғози Олим Юнусов „Турк-барлос лаҳжасига" киритган Сайрам, Чимкент шеваси; А. К. Боровков „Келиб чиқиши жиҳатидан турлича бўлган айрим шевалар"га киритган Қорабулоқ, Иқон, Манкент шеваси; В. В. Решетов „Шимолий ўзбек группаси"га киритган Иқон, Қорабулоқ, Қорамурт, Туркистон, Чимкент, Сайрам шевалари бизнинг классификациямизда ҳисобга олинмади. Чунки бу шевалар ўз хусусиятларига (ўғуз ва қипчоқ элементларининг устунлигига) кўра қўшимча ўрганишни талаб қилади. Бундан ташқари, бу шеваларнинг биз ўрганаётган шаҳар шевалари билан бевосита алоқаси ҳам йўқдир.

[11] Қаранг: St. Wurm, The Uzbek Dialect of Qizil Qujaš, Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Volume XII, Part 1, 1947; Ш. Шоабдурахмонов, Тошкент шевасининг фонетик хусусиятларидан, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 6, 1960; Я. Г. Гулямов, Из наблюдений над морфологией ташкентского говора, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, 1957.

[12] Қаранг: Ш. Афзалов, Ўзбек тилининг Паркент шеваси, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, 1957.

[13] Қаранг: Н. С. Ғафурова, Ўзбек тилининг Ниёзбоши шеваси, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, 1960.

6. [к] товуши бирдан ортиқ бўғинли сўзлар охирда [ə], [ъ]дан кейин доимо [й]га ўтади [к > й]: терəй (< терəк), бълəй (< бълəк), къчъй (< къчък); [у] дан кейин эса [в]га ўтади [к > в]: мушув (< мушук), кучув (< кучук).

7. [қ] товуши бирдан ортиқ бўғинли сўзлар охирида тушиб, ўзидан олдинги унлида иккинчи даражали чўзиқлик ҳосил қилади ёки [ғ′]га айланади [қ >: (ғ′)]: қəту: ‖ қəтуғ′ (< қатуқ), чърə: ‖ чърəғ′ (< чърақ).

8. [ғ] товуши тушиб, ўзидан олдинги унлида иккинчи даражали чўзиқлик ҳосил қилади ёки [ғ′]га айланади [ғ > :(ғ′)]: ə:зъ ‖ əғ′зъ (< əғзъ), тə: ‖ тəғ′ (< тəғ).

9. [х] ва [ҳ] товушлари, асосан, фарқланмайди.

10. Немисча ich сўзида учрайдиган ch товуши каби талаффуз қилинадиган [ҳ′] товуши бор: Мъҳ′ръ, ҳ′ъл-ҳ′ъл ‖ *ад. орф.* Меҳри, ҳил-ҳил.

11. [г] қўшиб талаффуз қилинадиган [нг], яъни [нг] товуши бор: тəнг, йенгг ъл ‖ *ад. орф.* тонг, енгил.

12. [н] товуши билан бошланадиган аффикс ўзак-негизга қўшилганда, ундаги [н] товуши ўзак-негиз охиридаги [т (< д), дж (< ж), з, к (< г), л, м, п (< б, ф), р, с, х′ (< х), ч, ш, қ, ғ] товушлари таъсирида тўлиқ ассимиляцияга учрайди: эттъ (< этнъ), туззъ (< тузнъ), нəккъ (< нəкнъ), қўллъ (< қўлнъ), тəммъ (< тəмнъ)... Бу тип шеваларда ассимиляция натижасида тушум-қаратқич келишиклари аффиксининг, шунингдек, абстракт эгаликни кўрсатувчи *ад. орф.* ники аффиксининг 19 хил варианти мавжуд. Қиёс қилинг *Фарғ.* [н > д ~ т].

13. Ўтган замон аниқлик феълининг ва эгалик аффиксининг биринчи шахс кўплик формаси [-(у)вуз ‖ -(у) вузə ‖ -уз ‖ -узə]: ўйу = вуз ‖ ўйувзə (‖ *ад. орф.* уйимиз), келдувуз ‖ келдувузə ‖ келдузə (‖ *ад. орф.*, келдик).

14. Кўплик аффикси [-лə] (бундан кейин аффикслар келмаганда): тəшлə (‖ *ад. орф.* тошлар). Шунингдек, кўпликни ифодаловчи [-луг + ъ] аффикси мавжуд: қўйлугъ (‖ *ад. орф.* қўйлари).

15. Конкрет ҳозирги замон феълининг аффикси [-вəт]: бəрвəт = мəн > бəрвəммəн (‖ *ад. орф.* боряпман), бəрвəттъ (‖ *ад. орф.* боряпти).

16. Чегара маъносини билдирувчи равиш ясовчи аффикс [-гəчə ‖ -кəчə ‖ -қəчə]: ертəгəчə, кечкəчə, ъккъгəчə, қърққəчə, кўчəгəчə.

Фарғона тип шеваларда бу маъно аффикслашган кўмакчи -чəвур ‖ -чавур (< давр) билан ифодаланади. Қиёс қилинг: ертəгəчəвур.

17. Тартиб сон ясовчи [-(ъ)нчъ]: бърънчъ, ъккънчъ (‖ *ад. орф.* биринчи, иккинчи). Қиёс қилинг: *Фарғ.* бърънджъ, ўчўнджъ.

18. *Кўк* сифатининг орттирма даражаси *кўм-кўк* ‖ *кўмкув*. Қиёс қилинг: *Фарғ.* кəкмək.

19. Шунингдек, Тошкент тип шевалар лексик жиҳатдан чəқəлə: ‖ чəқəлəғ′ (~ *Фарғ.* бўвək), ъшкəм (~ *Фарғ.* вəлъш ‖ *Самарқ.-Бух.* вöйъш), сўтə (~ *Фарғ.* мəрдək), дəвуччəə (~ *Фарғ.* ғора), ўғър (~ *Фарғ.* келъ), дух′обə (~ *Фарғ.* барқът ~ *Самарқ. Бух.* бахмал), зəғъзғəн (*Фарғ.*, ҳəккə ‖ əлəккə ~ *Самарқ. -Бух.* алəшақ-шаққа), нънəчъ (~ *Фарғ.* сəзəнək), чəчвəн (~ *Фарғ.* чъммəт), тəнчə (~ *Фарғ.* сəндəл), нəрвəн (~ *Фарғ.* шатъ) каби ўзига хос сўзлари билан характерланади.

ФАРҒОНА ТИП ШЕВАЛАР

Фарғона тип шеваларга Фарғона[14], Марғилон[15], Қўқон[16], Андижон[17], Наманган[18], Ўш[19] шаҳар шевалари ва бу шеваларга яқин аҳоли яшайдиган пунктларнинг шевалари киради (Водил[20], Уйчи[21], Чортоқ ва бошқалар).

Бу тип шеваларнинг ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари бор. Улар қуйидагилар:

1. Орқа қатор [а] фонема сифатида мавжуд: б а ш қ а, қ ы ш л а қ (‖ *ад. орф.* бошқа, қишлоқ).

2. [ъ ~ ь], [у ~ ү], [ө ~ о] каби контраст жуфт унлилар мавжуд[22]: уч ~ үч, с ъ р ~ с ь р, б о л ~ бөл.

3. Сўз охирида [к (> г)] сақланади: т е р ə к (> т е р ə г), к ə л т ə к, к ə м ə л ə к (> к ə м ə л ə г).

4. Сўз охирида [қ (> ғ)] сақланади: б у л а қ (> булағ), қ у л а қ (> қулағ), о р а қ (> ораг).

5. [н > д ~ т]: ъ ш т ъ (< ъшнъ), б ъ р ə в д ъ (< бърəвнъ), қ о ш т ъ (< қошнъ), ч ə й д ъ (< чəйнъ).

6. Ўтган замон аниқлик феълининг биринчи шахс кўплик аффикси [-дък]: к е л д ъ к (‖ *ад. орф.* келдик), б ə р д ъ к ‖ *ад. орф.* бордик, т е р д ъ к (‖ *ад. орф.* тердик).

7. Кўплик аффикси [-лар ~ -лəр], баъзан [-нар ~ -нəр]: б у л а р, ө з л ə р ъ (‖ *ад. орф.* ўзлари), м е в ə л ə р ‖ *ад. орф.* мевалар, б ə ғ л а р (‖ *ад. орф.* боғлар).

8. Конкрет ҳозирги замон феълининг аффикси [-йап]: к е л й а п п ə н (‖ *ад. орф.* келяпман), к е л й а п п ъ з (‖ *ад. орф.* келяпмиз), б ə р й а п п ə н (‖ *ад. орф.* боряпман), б ə р й а п п ъ з (‖ *ад. орф.* боряпмиз).

9. Чегара маъноси билдирувчи, равиш ясовчи аффикслашган кўмакчи [-чавур ‖ -чəвур]: к е ч к ə ч ə в у р (‖ *ад. орф.* кечгача), ө н г ə ч ə в у р с ə н ə (‖ *ад. орф.* ўнгача сана), м е н г ə ч ə в у р (‖ *ад. орф.* менгача).

10. Тартиб сон ясовчи аффикс [-(ъ)нджъ]: бърън-джъ ‖ *ад. орф.* биринчи, т ө р ъ н д ж ъ ‖ *ад. орф.* тўртинчи.

11. *Кўк* сифатининг орттирма даражаси к ө к м ə к. Қиёс қилинг: *Тошк.* кўм-кўк ‖ кўм-кўв.

---

[14] Қаранг: K. M e n g e s, Drei özbekische Texte. Der Jslam, band XXI, Heft 2/3, Berlin, Okt., 1933.

[15] Қаранг: В. В. Р е ш е т о в, Маргеланский говор узбекского языка, „Известия УзФАН", 3, Ташкент, 1941; Ш у а в т о р, Некоторые замечания к консонантизму и морфологии маргеланского говора, „Известия УзФАН", 4, 1941.

[16] Қаранг: Ш. Ш о а б д у р а ҳ м о н о в, Қўқон шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари ҳақида, Ўзбек диалектологиясидан материаллар I, 1957.

[17] Қаранг: St. W u r m, Der özbekische Dialekt von Andidschan, Brün-München-Wiln, 1945.

[18] Қаранг: В. В. Р е ш е т о в, О наманганском говоре узбекского языка, акад. В. А. Гордлевскому, Москва, 1953.

[19] Қаранг: И. Ф а р м о н о в, Ўш шевасининг фонетик ва лексик хусусиятлари, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, 1960.

[20] Қаранг: К. К. Ю д а х и н, Водил қишлоғининг лаҳжаси ҳақида бир неча сўз, Тил масалалари, САГУ нашриёти, Тошкент, 1957; Ҳ. У з о қ о в, Водил шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, 1960; шу автор. Водил шевасида феълларнинг тусланиши, Тилшунослик масалалари, Тошкент, 1960.

[21] Қаранг: А. Ю. А л и е в, Уйчи шеваси. Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, 1960.

[22] [ъ ‖ ь] унлилари Қўқон ва Фарғона шеваларида конвергенцияга учраётгани кўринади.

Шунингдек, Фарғона тип шевалар лексик жиҳатдан бўвәк (~ *Тошк.* чәқәлə: ‖ чәқәлəғ), вәлъш (~ *Тошк.* ъшкəм), мәрдәк (~ *Тошк.* сўтә), ғора (~ *Тошк.* дəвуччә), келъ (~ *Тошк.* ўғър), джъ̆нқарчә (~ *Тошк.* чъттәй), чъмълдъқ (~ *Тошк.* гўшәнггә), барқът (~ *Тошк.* дух'əбə ~ *Самарқ. -Бух.* бахмал). ҳәккә ‖ әлəккә (~ *Тошк.* зəгъғзəн ~ *Самарқ. -Бух.* алəшақшақа), сөзәнәк (~ *Тошк.* нънəчъ), чъммәт (~ *Тошк.* чəчвəн), сәндəл (~ *Тошк.* тəнчə), шатъ (~ *Тошк.* нəрвəн), қалəмпър (~ *Тошк.* гəръмдəръ), чъкəлдəк (~ *Тошк.* қəлəмчə), эвруз (~ *Тошк.* х'əнъй), вəссə (~ *Тошк.* тəқъ), қайрақъ (~ *Тошк.* əймəқъ), ертəк (~ *Тошк.* чўпчəй) каби ўзига хос сўзлари билан характерланади.

САМАРҚАНД-БУХОРО ТИП ШЕВАЛАР

Самарқанд-Бухоро тип шеваларга Самарқанд[23], Бухоро[24] ва улар атрофидаги қишлоқ шевалари, Ленинобод (Хўжанд), Чуст, Косон, Ўратепа шевалари киради.

Бу тип шеванинг шаҳарларда ва айрим қишлоқларда яшовчи вакиллари икки тилли бўлиб, ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида сўзлашадилар. Самарқанд, Бухоро шаҳри аҳолиси эса, асосан тожик тилида сўзлашади. Самарқанд-Бухоро тип шеваларга тааллуқли бўлган бир тилли қишлоқ шеваларида ҳам тожик элементи кучли[25].

Бу тип шеваларнинг ҳам ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари бор. Уларнинг асосийлари қуйидагича:

1. [ə̊] товуши сал лабланган бўлиб, [о]га мойил талаффуз қилинади: ə̊ғъз, бə̊ғ ‖ *ад. орф.* оғиз, боғ. Бу унли сўзнинг охирида ҳам кела олади: ə̊шнə̊, Абдуллə̊ ‖ *ад. орф.* ошна, Абдулла. Шунингдек, бу унлининг шевалараро тарқалишида ҳам фарқ бор. Қиёс қилинг:

Самарқ. -Бух.	*Тошк.*	*Фарг.*
қазə̊н	қəзəн	қəзан
йамə̊н	йəмəн	йəман
қап-қарə̊	қəп-қəрə	қəп-қара

2. Сўзларининг иккинчи бўғинида [ъ > у]: хə̊тун, дə̊ру, келсун ‖ *ад. орф.* хотин, дори, келсин.

3. [й] ва [ҳ] товушларидан олдин [у > ў]: ўйқъ, сўҳбат, гурўҳ (‖ *ад. орф.* уйқу, суҳбат, гуруҳ).

4. [с], [г] ва [ғ] товушларидан олдин [ў > у]: ўсма, бўғма угай ‖ *ад. орф.* ўсма, бўғма, ўгай.

5. [ъ > е]: мех, теғ, умед ‖ *ад. орф.* мих, тиг, умид.

6. [х] ва [ҳ] фарқланади.

7. [ф[товуши бор [баъзи шевалардагина (масалан, Шофрикон, Ғиждувон [ф > п] ҳодисаси учрайди].

---

[23] Қаранг: Е. Д. Поливанов, Вокализм говора города Самарканда, „Доклады АН СССР", 14, 1928.

[24] Қаранг: М. Мирзаев, Ўзбек тили Бухоро шевасининг хусусиятларига доир, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1, 1959.

[25] Қаранг: М. Мирзаев, Ўзбек тили Бухоро шевасининг хусусиятларига доир, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1, 1959, 31—3-бетлар; Шу автор, Бухоро ўзбек ва тожик шеваларининг ўзаро муносабати тўғрисида, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, Тошкент, 1960, 162—177-бетлар.

8. Ўрин-пайт [-да] ва жўналиш келишик [-га] аффикслари аралаш (бир-бирининг ўрнида) қўлланилади: мактабда ўқўйду (‖ *ад. орф.* мактабда ўқийди), магазъндаöъръб кел (‖ *ад. орф.* магазинга бориб кел).

9. Конкрет ҳозирги замон феъли аффикси [-öп]: келöпман, келöпсан, келöпту ‖ *ад. орф.* келяпман, келяпсан, келяпти.

10. Тарихий ўтган замон феъллари тусланмайди. Шунинг учун ўзи тобе бўлган сўз билан шахс ва сонда мослашмайди:

ман	келган ‖ *ад. орф.*	мен келганман
сан		сен келгансан
у		у келган
бъз		биз келганмиз
съз		сиз келгансиз
улар		улар келганлар.

11. *Ад. орф.* -(а)р (~-мас) аффиксли сифатдош ва тўлиқсиз феъл-дан шаклланган қўшма феъл-ларда сифатдош аффикси [-(а)й(~-май)]: келайъдъм (‖ *ад. орф.* келар эдим), келмайъдъм (‖ *ад. орф.* келмас эдим), келайъкан (‖ *ад. орф.* келар экан), келмайъкан (‖ *ад. орф.* келмас экан), келайъмуш (‖ *ад. орф.* келар эмиш), келмайъмуш (‖ *ад. орф.* келмас эмиш).

12. [лд] комплекси доимо [лл]дир [лд > лл]: бўллъ (< бўлдъ), аллап (< алдаб).

13. Шунингдек, Самарқанд-Бухоро тип шевалар лексик жиҳатдан парпеч (~ *Тошк.* йўргэй), каллапўш (~ *Тошк.* тўппъ), гўсала (~ *Тошк.* бъзэ: ‖ бъзэғ'), бачча (~ *Тошк.* бола), сарджувöръ (~ *Тошк.* қўқэнджўх'эръ ~ *Фарғ.* эхджўгэръ), ънэк (~ *Тошк.* съгър), бахмал (~ *Тошк.* ~ дух'эбэ ~ *Фарғ.* барқът), тартанак (~ *Тошк.* ўргумчэй ~ *Фарғ.* өрмэнчък), ташнав (~ *Тошк.* х'энъй ~ *Фарғ.* эвруз), ö°стънча (~ *Тошк.* йелъй ~ *Фарғ.* йенгчэ), матал (~ *Тошк.* чўпчэй ~ *Фарғ.* ертэк), мўрча (~ *Тошк.* чумэлъ ~ *Фарғ.* чўмэлък) каби ўзига хос сўзлари билан характерланади.

Биз юқорида Тошкент, Фарғона ва Самарқанд-Бухоро тип шевалар-нинг асосий хусусиятлари билан танишдик. Ҳар бир типга кирувчи айрим шевалар-нинг ҳам, ўша типга кирувчи бошқа шевалардан фарқловчи специфик хусусиятлари бор. Масалан, Фарғонача тип шевалар-га кирувчи Наманган шеваси ўзида умлаут [атъ ‖ єтъ (‖ *ад. орф.* оти)] ва ўзига хос аффикслар (-нэ: йўддунэмъ (‖ *ад. орф.* ювдинг-ларми); -ут: келуттъ (‖ *ад. орф.* келяпти), шунингдек, [лд], [рд] комплекслари]дд]: бöддъ (‖ *ад. орф.* борди), кеддъ (‖ *ад. орф.* келди) бўлиши билан характерланади ва Фарғона, Қўқон, Марғилон ва бошқа шевалардан фарқланади.

Булардан ташқари, ўзларининг тил хусусиятларига кўра Тошкент ва Фарғона тип шевалар билан, шунингдек, Фарғона ва Самарқанд-Бухоро тип шевалар билан бирлашадиган аралаш шевалар ҳам бор. Масалан, Жиззах[26] ва Қарши[27] шевалари каби.

---

[26] Қаранг: Ҳ. Ғуломов, Ўзбек тилининг Жиззах шеваси, Ўзбек диалектология-сидан материаллар, I, 1957.

[27] А. Шерматов, Каршинский говор узбекского языка, автореферат, 1960; Шу автор, Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, 1960.

Булардан Жиззах шеваси ўзининг бир қатор хусусиятлари билан, масалан:

1) [ъ], [у], [ɣ] унлиларининг контраст жуфти йўқлиги; 2) кўплик аффикси [-лə]; 3) [к>й]: чушəй, курəй (‖ *ад. орф.* тушак, курак); 4) [-гəчə]: йɔзгəчə (‖ *ад. орф.* ёзгача каби) Тошкент тип шеваларга яқин турса; бир қатор хусусиятлари билан, масалан, 1) [н>д~т]: бъздъ, гəптъ ‖ *ад. орф.* бизни(нг), гапни(нг); 2) [-йəп]: əйтəйəппəн (‖ *ад. орф.* айтаяпман каби) Фарғона тип шеваларга яқин туради.

Шунингдек, Жиззах шевасининг ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари ҳам бор.[28] Бу хусусиятлар уни алоҳида шева қилиб ажратишга имкон беради.

Қарши шеваси эса, ўз хусусиятлари билан (масалан, конкрет ҳозирги замон феъли аффикси [-ɔп]; [-(а)р(~мас)>=(а)й (~май)]; [лд>лл]; -йа (<га) аффиксининг жўналиш ҳамда ўрин-пайт келишиклари вазифасида қўлланилиши каби) Самарқанд-Бухоро тип шеваларга яқин турса, [рд, дд], [н>д~т] каби бир қатор хусусиятлари билан Фарғона тип шеваларга (айниқса, Наманган шевасига) яқинлашади. Шунингдек, бу шеванинг ҳам бошқа шевалардан фарқловчи ўзига хос лингвистик хусусиятлари бордир.[29]

Юқорида келтирилган шеваларнинг ҳаммаси ўзларининг бир қатор ўхшаш хусусиятлари билан бир лаҳжа (қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси)га бирлашадилар ва бу билан ўзбек тилининг бошқа лаҳжалари (ўғуз, қипчоқ)дан фарқланадилар. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд-Бухоро тип шеваларининг умумий ўхшаш хусусиятларининг асосийлари қуйидагилардир: 1. [т~ч]: тъш~чъш (‖ *ад. орф.* тиш), туш~чуш (‖ *ад. орф.* туш). Қиёс қилинг: *ўғуз.* диш, душ.

2. Сўз охирида [қ(>ғ:)], к (>й). ғ(>:) ундошлари сақланади: чърақ (>чъраг>чърɔ:), терək (>терəй), тɔғ (>тɔ:), аччъқ (>əччуғ>əччу:), къчък (>къчъй); қиёс қилинг: *қипч.* аччы, киччи, тав; *ўғуз.* а:джы.

3. [ɔ] унлиси фонема сифатида мавжуд.

4. Тушум ва қаратқич келишиклари (аффикси бир бўлиб) фарқланмайди ва ш. к.

Демак, ўзбек шаҳар шевалари диалектал хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилганлари каби, ўзларининг бир қатор ўхшаш хусусиятлари билан бир тил бирлиги (қарлуқ-чигил-уйғур) теварагига уюшадилар.

---

[28] Жиззах шевасининг ўзига хос хусусиятлари Ҳ. Ғуломовнинг шу шевага бағишланган ишида тўла ёритилган. Қаранг: Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, 1957, 59—118-бетлар.

[29] Бу ҳақда А. Шерматов тўлиқ маълумот берган. Қаранг: Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, 1960, 178—218-бетлар.

С. УСМОНОВ

Филология фанлари кандидати

СЎЗНИНГ МОРФЕМАТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ АНАЛИЗИ ҲАҚИДА

Сўзнинг морфологик анализи масаласи ҳақида сўз бошлашдан илгари **сўз** терминининг грамматикада қўлланишига изоҳ бериб ўтиш керак.

Биз, одатда, **сўз** термини билан гапдан ташқарида олинган, бинобарин, бирон грамматик маъно билан мураккаблашмаган лексик маъно ифодаловчи битта ёки бир неча нутқ товушларининг комплексини ҳам, гапда (нутқда) қўлланган, бинобарин, грамматик маънолар билан мураккаблашган лексик маъно ифодаловчи товуш ёки товушлар комплексини ҳам атай берамиз. Аслида, гапда иштирок этган сўз **сўз формаси (сўзнинг грамматик формаси)** ёки **глоссема** деб аталади ва илмий асарларда шундай ажратилиши ҳам лозим. Чунки нутқдан ташқаридаги сўз билан нутқдаги сўз семантик ва грамматик хусусиятлар жиҳатидан бир хил эмас. Сўз реал нутқда ўзининг грамматик формаларидан бири ҳолатида қўлланади ва унинг фақат битта семантик-грамматик хусусияти намоён бўлади.

Сўзнинг морфематик ва функционал анализи ҳақида гап борар экан, аслида, алоҳида олинган сўз ҳам, сўз формаси ҳам кўзда тутилади.

Сўз нутқда, нутқдан ташқаридаги ҳолатда ҳам, структура жиҳатидан икки хил бўлиши мумкин: бир хил сўзлар ҳеч қандай кичик маъноли қисмларга (морфемаларга)[1] бўлинмайди ва шундай маъноли қисмлардан тузилмайди, бир хил сўзлар эса айрим морфемаларга бўлинади ва кичик маъноли қисмларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Айрим маъноли қисмлардан ташкил топган сўзнинг таркибий қисмларини ажратиш — сўзнинг морфологик структураси қандай эканлигини аниқлаш учун зарур. Морфологик анализ янги сўзни, нутқда қўлланадиган янги сўз формасини қандай қилиб ясаш мумкинлигини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, мавжуд сўз, сўз формасини морфологик жиҳатдан анализ қилиш хотирамизда сақланадиган маъноли қисмларни қандай қилиб синтезлаш йўлини аниқлашга ёрдам беради. Синтезлашнинг тил учун аҳамияти жуда катта. Сўз тузилиши учун хизмат қиладиган грамматик қоидалар мана шу синтезлаш «санъати»дан иборатдир. Масалан, **дафтарчамни** формаси **дафтар-, ча, -м, ни** қисмларига бўлинади. Шу қисмлар иштирокида биз бошқа сўз формаларини ясашимиз ҳам мумкин. Чунончи, **дафтарчани, дафтарча, тугмачам, тугмачамни, ариқча, ариқчани** ва б.

---

[1] Морфемани, аслида, „сўзнинг ҳозирги даврда тушунарли бўлган, шунинг учун хотирада тил элементи сифатида сақланадиган энг кичик маъноли қисмларидир" деб таърифлаш тўғри бўлади. (Қаранг: С. Усмонов, Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши, ТошДПИ „Илмий асарлар"и, 42-том, 1-китоб, 1963, 110-бет).

Мисоллардан кўринадики, сўз ёки сўз формаси айрим маъноли қисмларга бўлиниш билан бирга, ўша маъноли қисмлар бошқа сўз ёки сўз формаларини ясаш учун ҳам хизмат қилади. Биз улардан тайёр қурилиш материали сифатида фойдаланамиз.

Юзаки қараганда, сўз ёки сўз формаларини айрим маъноли қисмларга ажратиш уларни синтезлаш билан қарама-қарши йўналишдаги психо-физиологик акт бўлиб, бунда ажратиладиган бирликлар қўшиладиган бирликларга мос келади. Ҳақиқатан ҳам, **дафтар -ча -м -ни** (ажратиш) билан **дафтар + ча + м + ни** (қўшиш) бир-бирига тенг қисмларга асосланган. Бу ўринда анализ маҳсули бўлган элементлар синтезда иштирок этган элементларга тенг. Бошқача айтганда, сўз ёки сўз формаси нечта морфемага ажралса, ўшанча морфемадан ҳам ясалади. Сўз тузилишида бундай тенглик ҳамма вақт бўла бермайди. Масалан, **одамгарчилик, иккилан, иккиланмоқда, бормоқчи, тездан** каби сўз ва сўз формалари гарчи **одам-гар-чи-лик, икки-ла-н, икки-ла-н-моқ-да, бор-моқ-чи, тез-дан** каби морфемаларга бўлинса ҳам, ўша морфемаларни кетма-кет бириктириб кўрсатилган сўз ёки сўз формаларини ясаб бўлмайди. Масалан, **одамгарчилик** сўзи **одамгарчи + лик** ёки **одам-гар + чи + лик** тарзида, **иккилан** формаси **иккила + н, иккиланмоқда** формаси **иккиланмоқ + да** тарзида, шунингдек, **бормоқчи — бормоқ + чи** тарзида, яъни **-лик, -чилик, -н, -да, -чи** қўшиб ясалмаган.

Бундай дейишимизга сабаб шуки, **одамгарчилик** сўзидаги **-гар, -чи, -лик** морфемалари бир бўлиб **одам-** негизига қўшилади ва янги сўз ясайди, **иккилан** сўзидаги **-ла** ва **-н** морфемалари биргаликдагина **икки-** негизига қўшилади ва янги сўз ҳамда ўша янги сўзнинг (феъл нинг) нисбат формасини ясайди. **Иккиланмоқда, бормоқчи** формаларидаги **-моқ, -да, -моқ, -чи** морфемалари ҳам худди юқоридаги морфемалар сингари **-моқда, -моқчи** каби бирикканларидагина феълнинг ҳозирги замон давом, келаси замон мақсад формаларини ясайди.

Тездан сўзига келганда, унинг шу ҳолда хотирамизда сақланиб туриши, янги форма тарзида ясалмаслиги маълум. Бу ўринда, умуман, жонли ясалиш йўқ.

Демак, **одамгарчилик** сўзи тўртта, **иккилан** сўзи учта, **иккиланмоқда** — бешта, **бормоқда** — учта, **тездан** — иккита морфемага бўлинса ҳам, аммо шу сўз (сўз формалари) ни ясашда **одамгарчилик** сўзида иккита, **иккилан** сўзида иккита, **иккиланмоқда** сўзида учта, **бормоқчи** сўзида иккита бутунлик иштирок этади. Кўринадики, бутунликлар сони камаяди. Чунки икки, баъзан уч аффикс қўшилиб кетиб, битта аффикс вазифасини бажаради. Бу каби ҳодиса В. В. Радлов ва бошқа олимлар томонидан илгари ҳам қайд қилинган эди. Масалан, В. В. Радлов қирим татарлари тилидаги **-ы** ва **-ты** (юмшоқ вариантлари **-і** ва **-ті**) аффиксларининг **алыты** («олувчи»), **кәліті»**, («келувчи») каби сўзларда «бир аффиксга қўшилиб кетиши» ҳақида ёзган эди[2].

Морфемани биз сўзнинг энг кичик маъноли қисми деб ҳисоблар эканмиз, энди юқоридаги мураккаб (қўшма) қисмларни морфема дейиш мумкин эмас. Бу қисмлар сўз ёки сўз формасини ясаш пайтидагина вужудга келадиган бутунликлар бўлиб, хотирада шу тарзда (қўшма ҳолда) сақланмайди. Улар нутқдагина ҳосил бўлиб, нутқ мавжуд бўлмаса, айрим морфемаларга бўлиниб кетади ва хотирада ўша айрим морфемалар сифатида сақланади.

Бизнинг бу кўриб ўтганларимиз аффиксал морфемалардангина иборат. Ўзак морфемаси бу жиҳатдан қандай хусусиятга эга, деган савол туғилади.

[2] W. W. Radloff, Einleitende Gedanken zur Darstellurig der Morphologie der Türksprehen, СПб, 1906.

Юқорида келтирилган сўзлардаги **одам-, икки-, бор-** ўзаклари янги морфологик синтез учун хизмат қиладиган негиз вазифасини бажаради. Чунки сўз ясовчи **-гарчилик, -лан,** форма ясовчи **-моқчи** аффикслари ўша қисмларга қўшилган. Аммо **иккиланмоқда** формасига келганда, унинг ўзак морфемаси **икки-** фақат **иккилан** қисмига нисбатангина негиз вазифасини бажариб, **-лан** аффикси билан қўшилиб **иккиланмоқда** формасига негиз бўла олади. Демак, **иккиланмоқда** формасини ясашда **-моқда** қисми қўшиладиган уч морфемадан ташкил топган **иккилан-** қисми мавжуддир. Бу қисм ҳам маълум функция — ниманингдир ясалишига негиз бўлиш функциясини бажарадиган бутунликдир.

Шундай қилиб, морфемалар нутқда маълум мақсад учун хизмат қиладиган функционал қисмлар тусига киради.

Сўз ёки сўз формасини морфологик структура жиҳатидан анализ қилиш ана шу икки хил структура элементларини — морфемаларни ва функционал қисмларни ажратиш асосида олиб борилиши керак. Шу асосда **морфематик** ва **функционал анализлар** ҳақида гапириш мумкин.

Сўз ёки сўз формаларини морфемаларга ажратиш **морфематик анализдир,** уларни сўз тузилишидаги маълум грамматик вазифа бажараётган морфема ёки морфемалардан иборат бўлган функционал қисмларга ажратиш **функционал анализдир.**

Морфематик ва функционал анализ ўзаро боғланган, аммо бирбиридан фарқ қиладиган ўзига хос ҳодисалар бўлиб, уларнинг ўзига хос томонлари тубандагилардир:

1. Морфематик анализ сўзнинг морфологик структурасини аниқлашда биринчи босқич бўлса, функционал анализ иккинчи босқичдир.

2. Функционал қисм битта морфемадан ҳам, бир неча морфемадан ҳам (бирдан ортиқ аффикслардан, ўзак ва аффиксларнинг бирикмасидан) иборат бўлиши мумкин.

3. Морфема тил бирлиги бўлиб, у хотирада доимий равишда сақланади[3], функционал қисм эса нутқ бирлигидир, у нутқдагина вужудга келади. (Фақат ясама сўзларнинг турмушда кўп учрайдиган нарса ва тушунчаларни англатадиган талай қисми дастлаб нутқ бирлиги бўлгани ҳолда, кейинчалик тил бирлигига айланиши мумкин).

4. Сўз ёки сўз формаси морфемаларга бўлингани ҳолда функционал қисмларга бўлинмаслиги мумкин. Бу — морфемалар функционал қисм ролини бажармай қўйганда юз беради. Масалан **тездан, тезда, бирдан, яраша** каби мисоллардаги **-да, -дан** морфемалари келишик маъносини йўқотиб қўйган, **-а** морфемаси эса равишдош ясаш хусусиятини йўқотиб қўйган, шунинг учун **яраша** сўзи ёрдамчи сўзга айланган.

5. Морфематик анализ этимологик анализни эслатади. Аммо бундай «этимология» сўзнинг ўтмишдаги тарихий таркиби ва кўринишини тиклаш, аниқлаш мақсади учун хизмат қилмайди, балки ҳозирги пайтдаги статик (турғун) ҳолатни аниқлаш учун хизмат қилади. Функционал анализ эса динамик ҳолатни кўрсатади.

6. Морфемаларни аниқлаш, асосан, анализ учун хизмат қилса, функционал қисмларни аниқлаш, асосан, синтезлаш (ясаш) учун хизмат қилади.

Сўзларни маъноли қисмларга («бирламчи элементлар»га) бўлиш қадимги ҳинд грамматикачиларига маълум эди[4]. Аммо **морфема** терми-

---

[3] Бу ҳақда қаранг: С. Усмонов, Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши (Тил ва нутқ. Сўз — тил бирлиги ва нутқ бирлиги сифатида), кўрсатилган „Илмий асарлар", 75—111-бетлар.

[4] Бросс, Рассуждение о механическом составе языков и физических началах этимологии, часть II, СПб, 1822, 312—315-бетлар.

ни тилшуносликка дастлаб машҳур рус ва поляк тилшуноси И. А. Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилди[5].

Шуни айтиш керакки, Бодуэн сўздаги морфемаларнинг функционал қисмлар сифатида қўлланишини ҳисобга олган эмас эди. Шунинг учун у негизни ҳам морфема ҳисоблай берган. Сўнгги йилларда сўзни икки хил анализ қилиш кераклиги бирмунча ойдинлаша бошлади. Биз ўзимизнинг бир ишимизда, гарчи **морфематик анализ** ва **функцонал анализ** терминларини қўлламаган бўлсак ҳам, сўзнинг статик ва динамик қисмлари ва икки босқичли морфологик анализ ҳақида ёзган ва конкрет мисолларни анализ қилиб кўрсатган эдик[6]. Ундан кейин ёзган дарслигимизда ҳам бунга амал қилинган эди[7]. Кейинчалик В. П. Старинин функционал анализ ва умумий («свободный») анализ ҳақида ёзди[8]. М. Д. Степанова эса сўзларнинг морфематик анализини «бевосита тузувчи» қисмлар («непосредственно составляющие» части) анализидан ажратади ва «кўп ҳолларда морфематик анализ натижалари билан бевосита тузувчиларга кўра бўлган анализ натижалари тенг келмайди»[9], дейди.

Шундай қилиб, аффикси мавжуд бўлган сўз ёки сўз формалари, биринчидан, морфематик анализ, иккинчидан, функционал анализ қилиниши керак. Масалан:

одам	гар	чи	лик
Ўзак	Аф.	Аф.	Аффикс
Негиз	Сўз ясовчи аф.		

икки	ла	н
Ўзак	Аф.	Аф.
Негиз	Сўз. яс. аф.	

тез	дан
Ўзак	Аффикс
Ўзгармайдиган форма	

икки	ла	н	моқ	да
Ўзак	Аф.	А	Аф.	Аф.
Негиз	Сўз яс. аф.		Форма ясовчи аффикс	
Негиз				

бор	моқ	чи
Ўзак	Аф.	Аф.
Негиз	Форма ясовчи аффикс	

---

[5] Қаранг: J. Baudoin de Courtenay, Einige Fälle der Werkund der analogie in der polnischen declination („Beitrage zur vergleichen den Sprachforschung" журнали, VI, 1868, 19—88-бетлар); ўша автор, Лингвистические заметки и афоризмы.. (Журнал Министерства народного просвещения, часть CCCXXXXVII, 1903, № 5, отд. 2, 12-бет).

[6] С., Усмонов Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида, Тошкент, 1957.

[7] С. Усмонов, Морфология (М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962).

[8] В. П. Старинин, Структура семитского слова, М., 1963, 80—89-бетлар.

[9] М. Д. Степанова, Структура слова и анализ по непосредственно составляющим.. (Сб. „Проблемы морфологического строя германских языков", М., 1963, 18-бет)

дафтар	ча	м	ни
Ўзак	Аф.	Аф.	Аф.
Негиз	Фор. яс. аф.	Сўз ўз. аф.	Сўз ўзгартувчи аф.
Негиз			
Негиз			

Функционал қисмларнинг турлари ҳақида бу ўринда тўхтамаймиз. Чунки негиз ва аффиксларнинг уч функционал тури ҳақида бундан илгари эълон қилинган ишларимизда ёзган эдик[10]. Ўша ишларимизда лексик негиз, морфологик негиз, синтактик негиз, шунингдек, ўша негиз турларига мос равишда, уларга қўшиладиган сўз ясовчи, форма ясовчи (тўғрироғи, модал форма ясовчи) ва сўз ўзгартувчи аффиксларажратилиши кўрсатилган эди.

---

[10] Юқорида кўрсатилган дарслик, брошюра ва мақолаларимизга қаранг.

ДЎСТМУРОД АБДУРАҲМОНОВ

ДИАЛЕКТАЛ ЛЕКСИКАГА ЭКСКУРС

Ўзбек халқ шева ва диалектлари ўзбек адабий тили билан ҳам диахроник, ҳам синхроник планда жуда узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзбек миллий тилининг тармоқларидир[1]. Шундай бўлгач, адабий тил билан шевалар ўртасидаги муносабат масаласи ўзбек тилшунослигида ҳам ҳамиша актуал саналади[2].

Маълумки, фонетик ва морфологик жиҳатдан Тошкент ва Фарғона диалектлари ҳамда шу типдаги ўзбек шевалари асосида ташкил топган ўзбек адабий тилининг лексик нормасини қатъий белгилаш жуда муҳим бир масала бўлиб, ҳам назарий, ҳам практик жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Бу, ўз-ўзидан, ўзбек шеваларининг бой лексик составини атрофлича ва мукаммал ўрганишни тақозо қилади. Баъзан адабий тилдаги бир сўзнинг шевалараро бир қанча вариантлари учраса, баъзида эса, шеваларимизда мавжуд бўлган у ёки бу сўз адабий тилда учрамайди ёки шу сўз англатган маъно (тушунча) адабий тилда сўзлар бирикмалари ёрдамида ифодаланади.

Агар ўзбек шеваларидан йиғилган лексик материал етарлик бўлса, у ҳолда, ўзбек адабий тилига зарур бўлган сўзларни киритиш имконияти туғилади.

Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда адабий тилимиз умумхалқ тили (тўғрироғи, миллий тил) характерини касб этмоқда. Зотан, адабий тилимизнинг ўзи умумхалқ тилининг ишланган, пардозланган, такомил топган формасидир. Шунинг учун адабий тилни умумхалқ тилига қарши қўйиш мумкин эмас. Аксинча, адабий тил умумхалқ тилининг энг олий маҳсулидир[3].

Ўзбек адабий тили шева ва диалектларга баракали таъсир этмоқда. Шу билан бирга, адабий тилимизнинг янада бойишида, силлиқланишида, ривожланишида ўзбек шева ва диалектлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Тил қурилишининг фонетика, грамматика соҳаларида бўлганидек, лексика соҳасида ҳам хилма-хил ўзбек шевалари умумхалқ характеридаги адабий тилимизга ўзларининг самарали улушларини қўшадилар.

---

[1] Миллий тилларнинг тараққиёти ҳақида қаранг: Ғанижон Абдураҳмонов, Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи, Тошкент, 1962; К. Х. Ханазаров. Сближение наций и национальные языки в СССР, Ташкент, 1963.

[2] Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари (докторлик диссертацияси), Тошкент, 1963; Б. Жўраев, Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари, Тошкент, 1963; Яна қаранг: Р. И. Аванесов и В. Г. Орлова, Вопросы изучение диалектов языков народов СССР, «Вопросы языкознания», № 5, 1963, стр. 30—47.

[3] А. И. Ефимов, Некоторые вопросы развития русского литературного языка XIX начала XX вв. ж. «Вопросы языкознания», 1953, № 4, стр. 22.

Тўғри, шевалар лексикасидаги барча сўзлар тўғридан-тўғри адабий тилга қабул қилина бермайди. Адабий тилга сўз танлашда ҳам маълум принципларга амал қилинади: бирор шевадан олинаётган сўзнинг қўлланиш доираси, қандай тушунчани ифодалаши, шевалараро унинг вариантлари ва бу вариантларга муносабати, унинг сўз ясашдаги хусусияти каби қатор томонлари ҳам кўзда тутилади. Бироқ ифодаси ўзбек шеваларида мустақил сўз тарзида учрамайдиган тушунчалар бўлса, у бошқа масаладир. Бу хил тушунчалар тилимизга кўпинча ўз ифодаси (сўзи) билан келиб киради. ёки бу хил тушунчаларни ифодалашда калька йўлидан фойдаланилади, сўз бирикмалари қўлланилади ва ҳоказо.

Фикримизча, адабий тилнинг традицион қатлами лексик нормасини қатъий белгилашда ҳам, уни бойитишда ҳам, иложи борича, ички имкониятлардан — биринчи навбатда, ўзбек шеваларининг сўз бойлигидан унумли равишда фойдаланмоқ керак.

Тўпланган материалларнинг етарли бўлмаганлиги, ўзбек шевалари лексикаси батафсил ўрганилмаганлиги каби қатор сабабларга кўра шеваларда актив қўлланилаётган ва ҳаётий зарур тушунчаларнинг ифодалари бўлган бир қатор сўзлар адабий тилимизда ўз аксини топмай қолган. Бундай сўзлар англатган маъно (тушунча)лар адабий тилда ва шу тилга доир луғатларда бир неча сўзлар, сўзлар бирикмалари, калька йўли билан қилинган таржималар воситаси орқали ифодаланиб келмоқда. Чунончи; Хоразмдаги ўғуз ва қипчоқ шеваларида мавжуд бўлган ҳеккъ ∽ укъ (ҳўкки — сув олиш ёки балиқ тутиш учун музнинг тешиб қўйилган жойи, русча «проруб»)[4], вакиллари чорвачилик билан шуғулланувчи ўзбек шевалари, шунингдек, буларга территориал ёндош бўлган шевалар (тожик шевалар, икки тилли шевалар)да ҳам қўлланмоқда бўлган *бағана ∽ бәғәнә* («қоракўл тери» маъносида), *өрмәк* (тўқимачилик станоги)[5], Хоразм ва Қорақалпоғистон территорияларидаги ўзбек (ўғуз ва қипчоқ) шеваларида ҳамда Бухоро областидаги баъзи шеваларда учрайдиган *парраш∼пәррәш∼пәрәш∼пәррәш* (кўча, ҳовли ва уй-идрораларни супурадиган киши[6]. (*Паррош*<тож. *фаррош* «подметальшик улиц», подметальшик дворов»)[7], Хоразм ва Қорақалпоғистон территориясидаги ўзбек шеваларида учрайдиган *салдав* (дарё ва денгиз қирғоғида кема ва сол тортиш, *салдовчи* — «бурлак»)[8] каби бир кўп сўзлар борки, булар юқорида айтилган фикримизга далил бўла олади. Қуйида биз ўзбек адабий тилига кирмай қолган ана шундай сўзлардан бири ҳақида батафсилроқ фикр юритамиз.

Ҳаммага маълумки, ҳар йили март ойидан бошлаб республикамизнинг чорва районларида қўйлар қўзилай бошлайди. Шу муносабат билан маҳаллий ва республика матуботида, радио-телевидение эшиттиришлари-

---

[4] Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек шеваларининг лексик составини ўрганиш масалалари ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, Тошкент, 1958, № 2, 30-бет; Ф. А. Абдуллаев, Ўзбек тилининг Хоразм шевалари, I—II, Тошкент, 1961, 91, 94-бетлар.

[5] Д. Абдураҳмонов, Ўрмак ва қоракул [тери] сўзлари ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти» жур., Тошкент, 1963, № 1, 67—70-бетлар.

[6] Ўзбек тилига доир икки тилли луғатларда ҳеч учрамагани ҳолда, филология фанлари кандидатлари Ф. Камолов ва З. Маъруфов таҳрири остида нашр этилган «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати» (Тошкент, 1962) да *Паррош* тарзидаги сўз берилган (148-бет).

[7] Краткий таджикско-русский словарь, составил Я. И. Калонтаров, М., 1955, 398-бет.

[8] Қайд қилиш керакки, Р. Абдураҳмонов таҳририда чиққан русча-ўзбекча луғат (М., 1954) да *бурлак* сўзи ўзбекчага *бурлоқ* (эски вақтларда сол, кема тортувчи, 59-бет) тарзида «таржима» қилинади. Ўзбекча-русча луғатларда бу сўз учрамайди. Юқорида кўрсатилган имло луғатда эса, *бурлоқ* (40-бет) тарзидаги сўз берилади.

да *«Республикамизда қўзилатиш кампанияси бошланди», «Фалон район қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли тугатди»* каби жуда кўп гапларда **«кўзилатиш кампанияси»** бирикмаси тез-тез учраб туради. Фикримизча, бу бирикма рус тилидаги **«окотная кампания»** бирикмасининг ўзбек тилига калька усули билан қилинган таржимасидир. Бироқ вакиллари чорвачилик билан шуғулланувчи шеваларда, шунингдек буларга қўшни бўлган шеваларда бу бирикмали термин актив қўлланмайди. Бунинг сабаби, халқ тилида — шеваларимизда ана шу терминнинг жуда ихчам ва қулай, бир сўздан иборат атамаси (варианти) бор, бу **төл** (тўл) сўзидир[9].

Мазкур сўз Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областларида жойлашган ўзбек шеваларида (баъзи тожик ва икки тилли шеваларда ҳам) худди шу **«қўзилатиш кампанияси»** маъносида қўлланилади. Бир ёки ики қўйнинг туғишига нисбатан **төл** сўзи қўлланилмайди. Умуман, қўйларнинг туғиши — қўзилаши ва бу процесс билан боғлиқ, бўлган даврга нисбатан ишлатилади.

Қўзилатиш ўтказиладиган махсус жойларни *төлджэй~төлджэй* (*ад. орф. тўлжой*<тўл+жой) деб юритилади[10].

Қайд қилинган *төл* сўзи проф. В. М. Насиловнинг кўрсатишича, қадимги уйғур тилида (ва бу тилга доир обидаларда—V, X асрлар) *төл* „потомство“, „поколение“ маъносида қўлланган[11]. М. Кошғарий توُل сўзи ўғузча бўлиб, „болалаш вақти“, „бола“ маъноларда қўлланишини кўрсатади[12]. Шунингдек, tөл Турфон текстларида „насл“, „авлод“, „уруғ“ („потомство“), „Ўғузнома“ асарида эса „пушт“, „бошланғич“, „куртак“, „ҳар нарсанинг эндигина пайдо бўлган вақти“ („зародыш“) маъноларида қўлланган[13]. Акад. В. В. Радлов ҳам бу сўзнинг *олтой, соғай, телеут, лебедин, качин, чулим, кайбол, қозоқ* каби бир кўп туркий лаҳжалар ва тилларда „серпуштлик“, „кўп бола туғиш“, „серҳосиллик“ („плодовитость — олтой тилида), „насл;“ „авлод“, „уруғ“, „болалар“ („потомство“, „дети“ — соғай тилида) каби маъноларни ифодалашини қайд қилган[14].

А. Будагов эса, ўз луғатида „тул хотин“ („вдова“), „молларнинг туғиш процессида қийналиши“ маъносидаги чағатойча توُل (у) сўзини келтириб, „эҳтимол, олтой тилларидаги توُلتامق ўтган замони توُلدودی (ð) („кўп бола туғмоқ“, кўпаймоқ“ „оплодотворять“, „размножать“) сўзлари; уруғ, „авлод“ („родь“, „поколение“) маъноларини билдирадиган توُلفو сўзи, توُلمق феълининг ўзаги, шунингдек اقتوُل

---

[9] Д. Абдураҳмонов, Бешкент район шевалари лексикасидан материаллар, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II Тошкент, 1960, 224-бет; Проф. А. К. Боровковнинг бош муҳаррирлигида нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат» (Москва, 1959) да бу сўз ҳақида шундай ёзилади: *«Тўл обл. окот (овец)»*, 463-бет. Кўринадики, «областной» деган белги остида берилган ва ҳеч қандай изоҳ, мисол келтирилмаган.

[10] *ад. орф.* **тўла, тўлов, Тўлатбой, Тўлаган, Тўланбой** (киши отлари) сўзлари ҳам шу сўздан ясалган.

[11] В. М. Насилов, Древнеуйгурский язык, ИВЛ, М., 1963, 13-бет; Проф. С. Е. Малов, Қадимги туркий обидаларда „халқ“, „қадимги туркий қабила“ маъносини билдирган *Tölis, Töл(i)c, Töлöc* тарзидаги сўзлар бўлганлигини қайд қилади (қ.: Памятники древнетюркской письменности, М.,—Л., 1951, 433-бет: Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.—Л., 1959, 104-бет), эҳтимолки, бу сўзлар биз текшираётган *Төл* сўзи билан ўзакдошдир.

[12] М. Кошғарий, Девону луғотит турк, уч томлик, III том, таржимон ва нашрга тайёрловчи фил. фанлари. кан. С. М. Муталлибов, Тошкент, 1963, 147-бет.

[13] А. М. Щербак, Огуз-наме, Муҳаббат-наме, Памятники древнетюркской и староузбекской письменности, М., 1959, 71-бет.

[14] В. В. Радлов, Опыт словарь тюркских наречий, том III, вып., 4; 1963, 1260, бет.

(„беловатый“), سريختول („желтоватый“) сўзларидаги ранг оттенкасини ифодаловчи қўшимчалар ҳам шу сўздандир“, деб тахмин қилади[15].

Кўриниб турибдики, Лазарь Будагов икки хил ёзилган, икки хил талаффуз этилган ва икки хил маънони англатган *тул* ва *төл* сўзларини бир сўздир, деб (гарчи у ўз луғатида бу сўзларни икки хил — [у] ва [ö], билан ёзиб кўрсатган бўлса-да), хатога йўл қўйган. Фикримизча, „заиф“, „етишмовчилик“ каби маъноларни ифодаловчи *тул* сўзининг биз текшираётган *төл* сўзига алоқаси йўқдир, бу сўзлар бошқа-бошқа ва мустақил сўзлардир[16]. Худди шунингдек, *төл* сўзи, Л. Будагов кўрсатган, *тўлмоқ* феълининг ўзаги *тўл* — сўзига ҳам алоқадор эмас. Булар бошқа-бошқа сўзлар бўлиб, ҳар қайсисининг ўз маъноси, хусусияти ва қўлланиш доираси бор.

Текширилаётган сўз ҳозирги замон турк тилларида ҳам мавжуд: **уйғур тилида** *төл* „насл“, „болалаш“ (приплод) маъноларида: *төллумәк* „болалаш“, „насл бериш“ („приносить приплод“)[17]; **қозоқ тилида** *төл* „қўзилаш“ „улоқлаш“ („окот“)[18]; **қирғиз тилида** *төл* „насл“, „болалаш“ („приплод“)[19]; **тува тилида** *төл* „бола“, „чақалоқ“ („дитя“); **туркман тилида** *дөл* „насл“ „қўзилаш“, „чақа“ (бола), „ўғул“ маъноларида[20], **турк тилида** *дөл* ва ўзбек тилининг Хоразм шеваларида *дөл* „насл“, „болалаш“ („приплод“) маъноларида қўлланилади[21]. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Филология фанлари доктори Э. В. Севортян озарбайжон тилидаги ва бошқа баъзи туркий тиллардаги *төрән*, *төрә* („пайдо бўлмоқ“, „туғилмоқ“, „яратилмоқ“) сўзининг ўзаги **төр* морфемаси русча „зародыш“ маъносидаги *төл* сўзи билан бир, яъни ўзакдош эмасмикан, деган тахминни қўяди[22]. Ҳақиқатан ҳам „туғилмоқ“, „тарқалмоқ“ маъноларини билдирадиган *төремәк* (тўрамоқ) сўзи, бошқа баъзи туркий (хакас, озарбайжон, қирғиз каби) тилларда бўлганидек, ўзбек тилининг баъзи шеваларида ҳам бор, актив қўлланилиб келмоқда; чунончи: Бешкент шевасида: *бу бәлә бъздән төрәгән* ‖ *ад. орф.* бу бола биздан тўраган (туғилган); *ахмағдән төрәгән* ‖ *ад. орф.* ахмоқдан тўраган (туғилган, тарқалган) каби[23]. Кўринадики, **төр* (<төрәмәк) сўзи билан текширилаётган *төл* сўзи ўртасида ҳақиқатан ҳам маъно айнияти бор. Лекин Бешкент шевасида *төрәмәк* якка тушунчани ифодалайди, яъни бир предмет (одам, ҳайвон)дан туғилиш, тарқалиш маъносидагина қўлла-

---

[15] Л. З. Будагов, Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, т. 1 СПб.,1869,. 403-бет (Мазкур луғатнинг 1963 йилдаги янги нашри).

[16] „Абушқа“ луғатида *тул* сўзи туркча бўлиб, араб тилидаги *аввот* сўзининг маъносини ифодалайди, деб кўрсатилади (қ.: „Абушқа“, 220-бет). *Аврот* сўзи эса араб тилида „слабость“, „недостаток“, „слабое незашещенное место“, „полевые органы“ маъноларини билдиради (қ.: проф. Х. К. Баранов, Арабско-русский словарь, М., 1957, 703-бет).

[17] Уйгурско-русский словарь, Под редакцией Ш. Кибирова и Ю. Цунвазо, Алма-Ата, 1961, 195-бет.

[18] Русско-казахский словарь, Под общей редакцией доктора филологических наук проф. Н. Т. Сауранбаева, М., 1954, 451-бет.

[19] Проф. К. К. Юдахин, Киргизско-русский словарь, М., 1940, 513-бет.

[20] Туркмен дилиниң сөзлүги, Ашгабат, 1962, 268-бет.

[21] Мазкур сўзнинг бу тиллардаги қўлланиши ва маънолари филология фанлари доктори Ф. А. Абдуллаевнинг „Хоразм шеваларининг лексикаси“ номли монографияси (машинка ёзуви)дан олинди. Яна қ.: Ф. А. Абдуллаев, Ўзбек тилининг Хоразм шевалари, I—II, Тошкент, 1961, 39-бет.

[22] Э. В. Севортян, Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке, опыт сравнительного исследования, М., 1962, 473-бет.

[23] Д. Абдураҳмонов, Бешкент район шевалари лексикасидан материаллар. . . . 224-бет.

нади, *төл* сўзи эса юқорида айтганимиздек, жамловчи тушунчани ифодалайди (бир предметга нисбатан қўлланмайди).

Эҳтимол, мазкур сўзларнинг маъноларидаги „силжиш“ (сўзларнинг маъно ифодалаши ва қўлланишга кўра „мутахассислаши“) шевада кейинроқ юз берган процессдир. Шунга қарамай, гарчи бир хил маъноларни ифодаласалар ҳам **төр* ва *төл* сўзлари, фикримизча, этимологик жиҳатдан икки хил манбага мансуб: *төл* сўзи туркий бўлса, **төр* ўзаги эса, кўпроқ мўғул тилларида қўлланади ва шу тилларга мансубдир (қиёс қилинг: *мўг. Törö* „туғмоқ“, „туғиш“ — „родить“)[24].

Демак, бу сўз фақат бир тилга хос сўз бўлмай худди *бош*, *кўз*, *қулоқ*, *ота*, *ол-*, *бер-*, *қора*, *қизил* сўзлари каби, туркий тиллар учун муштарак бўлган умумтуркий лексик қатламга мансуб бўлган сўзлардандир.

Унинг туркий тилларарo ифодалаган маъноларида ҳам умумийлик-ўзаро боғлиқлик, тўғрироғи, „ягона тушунчани ифодалашлик“ мавжуддир.

Вакиллари чорвачилик билан шуғулланувчи бугунги ўзбек шевалари (уларга қўшни бўлган тожик ва икки тилли шеваларда ҳам) да *төл* сўзи **„қўзилатиш кампанияси“** маъноси ва функциясида қўлланилаётган жуда ихчам ва қулай бир терминдир. Шунга кўра, *ад. орф. боғана*, *хўкки*, *ўрмак*, *паррош*, *солдов*, *солдовчи*, *тўрамоқ* каби қатор сўзлар билан бирга, *тўлжой*, *тўл (төл)* сўзларини ҳам ўзбек адабий тилига қабул қилмоқ керак ва бундай сўзлар эса ўзбек тилига доир барча луғатларда, албатта, берилмоғи лозим. Бу хусусда республикамизнинг лексикограф олимлари олдида масъулиятли вазифа туради: улар ўзбек диалектологиясига доир илмий ишларни, биринчи навбатда, ўзбек шеваларининг лексикасига доир ишларни қунт билан ўрганишлари, булардан керакли ва лозим бўлган сўзларни — лексик материални танлашлари ва тўплашлари зарур. Чунки, „Адабий тилда бўлмай, шеваларда учрайдиган бир қатор сўзларни ҳеч иккиланмай адабий тилга киритиш керак“[25].

---

[24] Солиштиринг: С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М.,— Л., 1951, 433-бет.

[25] Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек шеваларининг лексик составини ўрганиш масалалари ҳақида..., 30-бет.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

НАВОИЙ — МЕҲНАТ ҚУЙЧИСИ

(«Ҳайратул аброр» достони бўйича)

Алишер Навоийнинг «Хамса»си жаҳон адабиёти хазинасининг қимматли бойликларидан биридир.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул аброр» (1483) Навоийнинг турли темадаги фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий фикр-мулоҳазаларини бадиий мужассамлаштирган асардир. Достоннинг асосини 20 мақолат ташкил этади. Навоий ўз фикрларини далиллаш учун ҳар бир мақолатда қисқа ҳикоя ёки масаллар келтиради.

Асар айрим-айрим мақолатлардан ташкил топган бўлса ҳам, бу мақолатлар айни замонда ўзаро ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Бирида олға сурилган ғоя иккинчисида давом эттирилади.

«Ҳайратул аброр» мақолатларининг ўзаро шундай боғланган бўлиши билан бирга, достонда олға сурилган фалсафий ва назарий қарашлар, юксак ғоялар, олижаноб фикр-мулоҳазалар «Хамса»нинг бошқа достонларида тўлдирилади ва ривожлантирилади.

Шундай қилиб, «Ҳайратул аброр»ни «Хамса»нинг назарий программаси деб аташ мумкин.

Достонда қўйилган энг муҳим масалалардан бири ҳалол меҳнат ва саҳийлик масаласидир.

Навоий умр бўйи халқ учун, халқ манфаатлари йўлида ижод этди. У ҳалол меҳнат қилишни кишининг олижаноб фазилатларидан бири деб билиб, кишиларни меҳнат қилишга, меҳнатни пухта ва ўз вақтида бажаришга ундади:

Айлар ишингга чу бўлур раст рос
Вақтидин ўтказма они бир нафас[1].

Навоий қилинган меҳнатнинг унумли, фойдали бўлишида касб-ҳунарнинг ролига катта аҳамият берди:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопак чиқмоқ[2].

Шоир кишилик ҳаётида меҳнатнинг ролига юқори баҳо бериб «юк чекмоқ ила кишига зеболик эрур» дейди. Бу билан у, меҳнат кишини камолатга етказади, безайди, деган фикрни баён этади.

Меҳнатни мана шундай юқори баҳолаган шоир ҳалол меҳнат билан машғул бўлувчиларни ҳимоя қилди. Меҳнат қилмай, меҳнаткаш халқ ҳисобига яшовчи текинхўр табақаларни кескин қоралади, золим шоҳ, сотқин шайх-эшон, порахўр қози, бекларни ва шуларга ўхшаш паразитларни аямай фош қилди. Масалан, достонда золим шоҳларнинг ҳашаматли саройлари, бу саройларда бўлаётган айш-ишрат, кайфу сафолар мамлакатни, меҳнаткаш халқни хонавайрон қилиш ҳисобига бўлаётганлигини қуйидагича реал бўёқларда очиб ташлайди.

Эйки, қавий айлади давлат қўлинг,
Зулм сори тушти ва лекин йўлинг.
Зулминг эмас эрди халойиққа кам,
Ким қиладурсен ани ўзингга ҳам.
Зулм ўзингга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани, бўлса санга хуш ёр.
Чунки фараҳ базмиға азм айладинг,
Айшу тараб азмиға базм айладинг.
Қасрки, базм анда муҳайё бўлиб,
Зийнати фирдавси муаало бўлиб,
Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин,
Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор.
Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошини эл марҳадидин еткуруб.
Анда тузуб маснади шоҳаншаҳи,
Айшу тараб жоми учун муштаҳи[3].

Навоий золим шоҳларнигина фош этиб қолмади, балки шоҳ атрофини ўраб олган мунофиқ шахсларни ҳам кескин қоралади.

Навоий жоҳил, майхўр, порахўр ва бадхулқ қозиларни танқид қилиб «омий қозики май ичкай, ўлтургулукдир ва дўзах ўтиға етмасдин бурун куйдургулукдир»[4] дейди. Худди шунингдек, у «бир дирам учун юз ноҳақни ҳақ этувчи ва оз карам учун кўп «ло» (йўқ)ни «наъм(ҳа) биткувчи; бир са-

[1] Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960, 138-бет.

[2] Алишер Навоий, 15 томлик, Т., 1963, I том, 479—480-бетлар.

[3] А. Навоий, Хамса, Т., 1960, 60-бет.

[4] А. Навоий, Ўзбек адабиёти, Т., 1959, 2-том, 526-бет.

бат узум учун бир боғни қуйдирмакдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдай учун бир хирмонни (совурмоқдин) алами йўқ»[5] муфтиларни «ҳийла била фатво тузувчи», «қалам нухи билан шариат юзини бузувчи», «динни дунёга сотувчи» кишилар деб айблайди ва ўз фойдасига қараб фатвода «ҳа» ё «йўқ» битгувчи кишининг қўлини кесиб ташламоқ керак деб ҳукм чиқаради.

Навоий олиб сотарлар ҳақида ҳам тамомила салбий фикрда бўлган, чунки улар арзон нарсани қиммат сотиб халқни талаганлар. Хуллас, Навоий халқ ҳисобига яшаб, бойлик тўпловчи ҳукмрон табақаларни қоралади.

Алишер Навоий меҳнат ва меҳнат қилувчилар қадрсизланган, меҳнатга нафрат билан қараган жамиятда яшади. Шунинг учун ҳам у ўзи яшаган давр ҳақида мана нималар дейди:

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир бўлса пайдо хушлуқ,
Омададир ёнида юз нохушлуқ[6].

Навоий текинхўр ҳукмрон табақаларни фош қилиб, ўзи яшаган даврни инкор этди. Меҳнат ва меҳнат аҳлини қадрловчи жамият бўлишини орзу қилди.

Лекин Навоий халқ турмушини яхшилаш, ажойиб меҳнат мўъжизаларини яратиш учун феодал жамият тузумини емириш лозимлигини тушунмади, тушуна олмас ҳам эди.

Шунинг учун ҳам Навоий асарларида ажойиб меҳнатсевар қаҳрамонлар образини, халқ меҳнатини қадрловчи, адолатли шоҳ ва шаҳзодалар образини яратди. Ҳукмрон табақаларни ҳалол меҳнат қилувчи меҳнаткаш халқнинг қадрига етишга, уларнинг меҳнатини тақдирлашга чақирди. Бунинг учун энг аввал, мана шу юқори табақа вакилларининг ўзлари зулм, зўрликдан қайтиши, адолат билан иш кўриши, ҳалол меҳнат қилувчи халққа ёрдам берувчи кишилар бўлиши керак, деб тушунди. Шунга кўра, Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг марказий масалаларидан бири қилиб, меҳнат ва ижодкорлик масаласини қўйди, меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатиб, донг чиқарган шаҳзода Фарҳод образини яратди. Фарҳод меҳнатсевар ва ижодкор комил инсон образидир. У оғир меҳнат билан машғул бўлаётганларга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билади. Навоий у билан ўша даврдаги тахт-тожпараст, илм-ҳунардан хабари йўқ, ўзбошимча, меҳнат қилишни ўзига ор билувчи шаҳзодаларга танбеҳ беради. Уларни Фарҳоддан ўрнак олишга ундайди. Навоийнинг Фарҳод образини шаҳзода қилиб беришдан кузатган мақсади ҳам шу эди. Унингча, меҳнат бахтли ҳаёт манбаидир. Жамиятнинг бойлиги ҳам меҳнатдандир.

Меҳнатни ва меҳнат аҳлларини самимият билан қадрлаган Навоий деҳқонларга жамиятнинг асосий моддий бойликларини яратувчи куч деб қарайди. Навоий деҳқонларни, ўз меҳнати билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда етказувчи табақа сифатида таърифлайди. Уларнинг меҳнатсевралигини, ҳалоллиги ва тўғрилигини мақтайди.

Навоий «Маҳбубул қулуб» нинг «Деҳқонлар зикрида» бобида улар ҳақида мана нималар дейди.

«Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлин очар. Агар ростлиқ ва салоҳи бирдур, уйи Солиҳ ноқасидин номудордур. ... Олам маъмурлиги алардин, алам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут етур, ҳам баракат ... Гадо андин тўқ, қадхудо тўқлиғи ҳам андин ўқ. Мусофирга андин таом мужоварга андин ком. Этмакчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи андин вофий, ғурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин хузури тоат, обидга андин лофи қаноат. Соил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ хазинасида андин баҳру кон матои»[7]. Навоий яшаган даврда бутун жамиятни боқувчи деҳқонлар оммасининг ўзи очликда, азоб-укубатда, вайрона кулбаларда ниҳоятда оғир ҳаёт кечирар эди. Бунинг устига ҳар хил баҳоналар билан солинаётган солиқлар уларни ҳонавайрон қилар эди.

Буюк халқпарвар шоир мана шу меҳнаткаш халқ меҳнатининг тақдирланиши ва қадрланишини истади, шуни орзу қилди. Лекин у меҳнаткаш халқ аҳволини яхшилашни юқори табақа вакилларининг фаолиятига боғлиқ деб билди, шунинг учун ҳам Навоий шоҳ ва унинг амир-амалдорларини адолатли бўлишга чақирди. Бу жиҳатдан қуйидаги ҳикоя аҳамиятлидир:

Жўна деган жуда одил ва инсофли шоҳ бўлган. Бу шоҳ саҳийлиги билан ном чиқарган. Бир куни деҳқон шоҳга бир сават нок туҳфа қилади. Совға эвазига шоҳ деҳқонга ҳеч нарса бермайди. Бирнеча кундан кейин шоҳнинг ёдига қилган хатоси келади ва у ўзини ноқулай сезади. Шоҳ ўша деҳқонни чақиртириб келиб, нокнинг эвазига нима бериши лозимлигини айтади. Деҳқон шоҳдан бир болта ва бир арра талаб этади. Шоҳ деҳқоннинг ундан ранжиганини ва ўша нок дарахтини кесиб ташлаш ниятида эканлигини фаҳмлайди. Шоҳ вазирига нок келтирилган саватда тўлатиб деҳқонга олтин беришни буюради. Вазирлар шундай катта маблағни деҳқонга бериб юборишни эп кўрмайдилар. Буни фаҳмлаган шоҳ деҳқонга олтинни икки баробар ортиқ беришга буюради.

Ҳикояда меҳнаткаш халқ меҳнати қадрланиши ва тақдирланиши керак, деган ғоя олга сурилади. Бунда адолатли, олийҳиммат, саҳий шоҳгина меҳнатнинг қадрига етиши мумкин, деган фикр ифодаланади. Навоий саҳийлик, ҳиммат лиликни кишининг олижаноб фазилатларидан бири деб билади.

[5] Маҳбубул қулуб, Т., 1959, 27-бет.
[6] А. Навоий, 15 томлик, I том, 1963, 491-бет.
[7] Ўзбек адабиёти, Т., 1959, 2 т., 531—532-бетлар.

Шоҳ Жўна каби сахий бўлишни тарғиб қилади. У «Ҳайратул аброр» нинг бутун бир мақолатини сахийликни улуғлашга бағишлайди. Навоий сахийликни бахилликка қарама-қарши қўйиш орқали сахийликнинг афзалликларини очиб беради, сахийлик кишининг олижаноб фазилати эканлигини кўрсатади. Сахийликнинг меёри ҳақида тўхталади. Оч бўлмаган кишиларга овқат, кийими бутун кишиларга кийим бериш сахийлик эмас, ирофгарчилик, хушомадгўйлик эканини таъкидлайди.

У одамларни куч ва маблағни фойдали ва ўринли ерларга сарф этишга тарғиб қилиб, бундай дейди:

Бошинг уза жону соҳо афсари,
Афсаринг устида карам гавҳари...
Гарчи саҳоват сенга ойин эрур,
Бошинга бу дур била тазйин эрур.
Бу дури серобни хор айлама!
Бухл ҳисобида шумор айлама[8].

Сахийликни кишининг олижаноб фазилатларидан бири деб билган Навоий ҳалол меҳнат қилиб, ўз қўл кучи билан кун кўришни ҳар қандай сахийликдан устун қўяди.

Навоийнинг меҳнатга ва меҳнат аҳлига бўлган муносабати шу мақолатнинг охирида келтирилган «Хотам Тоий» ҳикоясида янда равшан намоён бўлади.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Хотам деган бир сахий киши бўлган. Хотамдан ўзидан ҳам сахий, ҳимматли одамни кўрган-кўрмаганлиги ҳақида сўраганларида, у қуйидаги воқеани ҳикоя қилади. Хотам ҳар доим камбағалларга кўплаб нарсалар инъом қилар, уларни йиғиб, зиёфатлар берар эди. Шундай зиёфатларнинг бирида Хотам Тоий даштга чиқади. У ерда бир қучоқ тиканни орқалаб кетаётган мўйсафидни кўриб қолади. Мўйсафид хаддан ташқари ҳолдан тойган, юкнинг оғирлигидан хассага суяниб, ҳар дамда тўхтар, оғир-оғир нафас олар, сўнг яна машаққат билан бир-икки одим ташлар эди. Бу ҳолни кўрган Хотамнинг мўсафидга жуда раҳми келади ва унга шундай дейди: — Эй, меҳнатда азобланган заҳматкаш, нима учун ўзингга шунчалар азоб берасан? Хотам Тоийнинг бугун зиёфат бераётганидан хабаринг йўқми? Тиканни ташла, машаққат чекма, сен ҳам Хотамнинг уйига бориб, нози-неъматлардан бахраманд бўл.— дейди.

Шунда мўйсафид бош кўтариб, унга истеҳзо аралаш кулиб қарайди-да, шундай жавоб қайтаради: Сен ҳали меҳнатнинг лаззатини тотиб кўрмаган экансан, сен ҳам меҳнат қил, ўз қўл кучинг билан кун кечир, Хотам Тоий миннатини тортма. Тер тўкиб топилган бир танга биров берган хазинадан афзалдир.

Мўйсафиднинг жавобидан Хотам изза бўлганлиги, чолнинг ҳимматини ўз ҳимматидан юқори эканлигини баён этади. Шундай қилиб, ҳикояда ҳалол меҳнатни улуғлаш, ҳалол меҳнат қилувчи инсонни ёқлаш, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилган.

Навоий меҳнатни, яратувчиликни, ҳарқандай сахийлик ва олий ҳимматлиликдан устун қўяди. У меҳнатсеварликни кишининг олижаноб фазилатларидан бири сифатида талқин этади.

Хотам сахийлик билан ном чиқарган, ўз бойлигини муҳтожларга аямай сарф қилувчи раҳмдил шахс. Шунинг билан бирга, муҳтожларга анча ёрдам бериши билан мағрур одам. У золим эмас. Навоий Хотамни олиҳиммат, сахий образ қилиб беришдан маълум мақсадни кўзда тутади. У, бир томондан, ўз давридаги зиқна, шафқатсиз боёнларни Хотамдан ўрнак олишга ундаса, иккинчи томондан, меҳнатни, яратувчиликни ҳар қандай сахийликдан устун эканлигини уқтирмоқчи бўлади.

Ҳикоядаги марказий, белгиловчи образ — меҳнаткаш чолдир. Ҳикоянинг асосий ғояси— меҳнатни улуғлаш шу чол образи орқали ифодаланган. Ҳикоя ҳажм жиҳатдан жуда кичик — 22 байтдан иборат. Унда биргина воқеа баён этилади. У юксак бадиий маҳорат билан яратилган, ундаги ҳар бир сўз, ҳар бир детал асосий мақсадга, ғояни чуқурроқ ифодалашга, образни жонли қилишга, воқеани тўлароқ тасвирлашга қаратилган.

Автор чол образини индивидуал ҳислатлари билан гавдалантиради. Чолнинг маънавий ҳаёти ва ташқи қиёфасини усталик билан тасвирлайди. Бу тасвир образнинг маънавий қиёфасини ҳам кўрсатиб туради. Масалан, чолнинг портрети қўйидагича қуюқ бўёқларда берилади:

Сайрда кўрдум бир асири миҳан,
Бир қучоқ орқасига юклаб тикан.
Жисми уйин айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асодин сутун.
Ҳар қадам олғунча етиб муддате,
Ҳар нафас урғунча ўтиб фурсате[9].

Мана шу қисқа сатрларда меҳнат қилаётган одамнинг қарилиги, меҳнат шароитининг оғирлиги, даштнинг жазирама офтоб эканлиги, бунинг устига ўтиннинг тиканлиги, лекин шунга қарамай боришга мажоли қолмаган кексанинг ҳаракат қилиши моҳир рассом каби реал бўёқларда чизиб берилган. Бунга Навоий ажойиб бадиий тасвир воситаларини яратиш билан эришган.

Юқоридаги:

Жисми уйин айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асодин сутун,—

байтида Навоий ташбих санъатини ишлатган. Бу ташбих реалистик характерга эга. Қарилик ва оғир меҳнат оқибатида букчайган чолнинг гавдаси хароба бўлган уйга, чол гавдасини кўтариб турган унинг қўлидаги хасса эса вайрон бўлаётган хароба уйни йиқилиб кетмасликдан сақлаб турган устунга ўхшатиладики, жуда яхши берилган. Яна, Навоий ёш одамни олмай, қари чолни тасвирлайди. Чол кўтариб кетаётган ўтин ҳам оддий ўтин эмас, тиканли ва

[8] А. Навоий, Хамса, Тошкент, 1960, 67-бет.

[9] А. Навоий, Хамса, Т., 1960, 70-бет.

бошқалар. Навоий бундай ажойиб бадиий воситалар орқали оғир шароитдаги оғир меҳнатнинг ниҳоятда машаққатли эканини қайд қилади. Шунинг билан бирга, меҳнатга муҳаббат, иштиёқ ҳамма қийинчиликларни енгади. Меҳнат шавқ-завқи ҳар нарсадан устун келади. Бу айниқса меҳнаткаш чолнинг Хотамга берган самимий чуқур дил сўзлари ифодаланган жавобида кўзга ташланади:

К-эй, солибон хирс аёнгга банд!
Озу тамаъ бўйнунга боғлаб каманд!

Водийи ғайратга қадам урмаган!
Қунгури ҳимматга алам урмаган!

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ ондинки, биров берса ганж[10]

Бу бир шахснинг хулосасигина эмас. Бу сўзлар замон ҳокимларига, текинхўр боёнларига қарши қаратилган, замон устидан чиқарилган айбнома ҳамдир.

Навоий, бутун ижодида бўлгани каби, ҳикояларида ҳам меҳнат аҳлини улуғлади. Навоий ўз даврида юқори доираларнинг меҳнатга нафрат билан қарашларини меҳнатнинг ва меҳнат қилувчиларнинг қадрсизланишини кўрди. Лекин, шу меҳнаткаш халқ аҳволини яхшилашнинг реал йўл ва воситаларини билмади. У меҳнаткаш халқ ҳисобига паразитик ҳаёт кечириб, халқнинг меҳнати самарасини ўзлаштираётган ҳукмрон табақани қаттиқ фош этди. Лекин мана шу текинхўр табақаларга қарши меҳнаткаш халқнинг фаол курашини кўрсатмади. Навоий феодал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизларини сақлаган ҳолда бу жамиятни тузатиш, унинг иллатларини йўқотиш мумкин деб ўйлади. Бунга у кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш ва адолатли подшоҳ бошлиқ марказлашган давлат вужудга келтириш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

Навоийнинг феодал ўрта аср шароитида, меҳнатни ва меҳнат аҳлларини улуғлаши катта ижобий аҳамиятга эга эди. Шоирнинг меҳнат ҳақидаги илғор ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Меҳнат қилиш шон-шараф ишига айланган бизнинг жамиятимиздагина меҳнат ва меҳнат аҳли юксак қадр-қимматга эга бўлди, ҳурматга сазовор бўлди.

Кишиларни меҳнатда чиниқтириш, уларда меҳнатга муҳаббат қўйиш туйғуларини тарбиялаш — коммунистик тарбия соҳасидаги ишнинг асосий мазмуни ташкил этади.

Каримова Назира

ҲАКИМХОН МАЪСУМХОН УҒЛИ

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганидан кейин маҳаллий халқларнинг илғор фарзандлари улуғ рус халқининг бой маданиятидан, фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлдилар. Рус халқининг ҳаёти, маданияти, сиёсий-иқтисодий ривожланиши билан яқиндан танишиши туфайли, маҳаллий меҳнаткаш халқнинг савияси, сиёсий онги ва дунёқараши ўсди. Меҳнаткашлар орасида миллий озодлик ҳаракати кучайди.

Ўзбек халқининг Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдуғаффоров, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби маърифатпарвар намоёндалари рус маданияти билан танишиб, рус тилини ўрганиш билан бирга, ўз ватандошларини ҳам шу илғор рус маданияти ва рус тили билан танишишга тарғиб қилдилар.

Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, рус маданияти ва рус тилини ўрганиш XIX асрнинг ўттизинчи йилларидаёқ бошланган. Бунинг ёрқин мисолини ўз замонининг истеъдодли тарихчиси, адиби ва олими Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаббут-таворих» («Танланган тарих») асарида кўра оламиз. Ўзбек ва тожик тилида ёзилган бу асарда Ўзбекистон тарихининг XIX аср ўрталаридан бошлаб Россияга қўшилгунча бўлган даври ёритилади.

Ҳакимхон тўранинг бу асаридаги саргузаштлар боби бадиий асар сифатида характерлидир. Ундаги мушоҳадалар, шеърий ва прозаик парчалар дунёнинг аччиқчучугини тотган, хорлик ва дарбадарликда юрган, золимларнинг жабру зулмларини тортган инсонни кўз ўнгимизда гавдалантиради. Бу асар адибнинг таржимаи ҳолини, унинг ҳаётий кузатишларини ўз ичига олган.

Ҳакимхон форс ва араб тилларини билиши билан бирга, рус тилини ҳам яхши ўрганган ва рус тилида ҳам эркин сўзлай олган, ҳатто ўзбекча ва форсча шеърларни рус тилига таржима қилган кишидир. Бу ҳол Ҳакимхон тўра Маъсумхон тўра ўғлининг XIX асрнинг биринчи ярмида етишган ўзбек олимлари орасида рус тилини ўрганган ва рус маданияти билан танишган энг биринчи кишилардан эканлигини исбот этади.

Ҳакимхон тўра Маъсумхон тўра ўғли ҳижрий 1221 йилнинг савр (1806 йилнинг май) ойида Қўқон шаҳрида туғилди. Унинг отаси Фарғона хонлари — Олимхон ва Умархон ҳукмронлиги замонида саройда хизмат қилган амалдорлардан бўлиб, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида актив роль ўйнаган кишилардан эди.

Ҳакимхон ёшлигини Қўқон хонлиги саройида ўтказди. У Умархоннинг ўғли Муҳаммадалихон билан бирга тарбияланди, Ҳакимхоннинг тарбияланишида шоира Нодиранинг роли ҳам катта бўлган. Моҳлар ойим унга онасидан ҳам зиёда меҳрибон эди. Бу ҳақда Ҳакимхоннинг ўзи шундай деб ёзади: «Фақир ва Муҳаммадалихон қоидага мувофиқ... ҳарамдаги аёлларнинг ҳаммасидан муҳтарам ва улуғ бўлган

[10] А. Навоий, Хамса, Т., 1960, 70-бет.

Моҳлар ойимнинг ҳузурига ҳар куни уч-тўрт мартаба кириб турар эдик. У, бу фақирга ўз онамдан ҳам шафқатли ва яхшироқ эди. Кириб салом берар эдик ва соатларча унинг ёнида чой ичиб, суҳбатлашиб ўлтирар эдик»[1].

Ҳакимхон ёшлигида қаерда ва кимда ўқиганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Бизнингча, ўша вақтдаги тартиб-қоидага мувофиқ, Ҳакимхон мактабда ўқиб тарбияланган ва сўнгроқ мадрасада форс, араб тилларини ўқиш билан бирга фиқх, тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа билимларни қунт билан ўрганган. Шу билан бирга, мутолаадан ташқари вақтларда ўз отасидан ва Нодиралардан ҳам таълим олган бўлса керак.

1822 йилда Қўқон хони Умархон вафот этгандан сўнг тахтга унинг ўғли Муҳаммадалихон ўлтиради. Мамлакатда нотинчлик, ўзаро низолар кучайиб кетади. Муҳаммадалихоннинг разилона қилмишлари халқ ҳаётининг оғирлашувига, норозиликнинг ўсувига сабаб бўлади. Муҳаммадалихон Ҳакимхон тўрани Тўрақўрғонга ҳоким қилиб тайинлайди. У Тўрақўрғонда ишлар экан, вилоят ободонлиги учун бир қанча тадбирларни кўрди. Лекин унинг бу ҳаракати кўпга бормади.

Муҳаммадалихон ўз ҳукмронлиги даврида феодал интригаси орасида ўралишиб қолди. Шу туфайли илгаридан саройда ишлаб келган амалдорлардан баъзиларини тез-тез қатл этар ва айримларини ишдан четлаштирар эди. Шунинг натижасида давлатни бошқаришда узоқ йиллардан бери ишлаб келган Маъсумхон тўра ҳам ишдан четлаштирилди. Ҳакимхон эса, ҳокимлик мансабидан бўшатилди. Ҳакимхон тарафдорлари унинг ишдан четлатилишига ўз норозиликларини билдириб, Муҳаммадалихонга қарши урушмоқчи бўлдилар. Лекин Ҳакимхон: «Мен кишига бадхоҳлик қилмасмен, рост йўлдан чиқмасмен, халойиқ орасида бадном бўлмағаймен»[2] деб урушга розилик бермайди. Ҳакимхон Муҳаммадалихон буйруғига биноан Қўқондаги ўз ҳовлисида бир неча ой қамоқда сақланади.

Муҳаммадалихон Маъсумхон тўрани ҳажга кетишга рухсат этиш баҳонаси билан мамлакатдан сургун қилган бўлса, Ҳакимхон тўрани Россия территориясига чиқартириб юборишга фармон беради. Ҳакимхон соқчилар назорати остида Тошкентга юборилди. Юз нафар соқчи Ҳакимхонни Қозоғистоннинг Чув дарёсигача кузатиб боради. Ҳакимхон Қозоғистон чўлларидан ўтиб, Россиянинг Семипалатинск, Омск, Оренбург, Астрахань каби обод шаҳарларида бўлади.

Феодализм қолоқлиги шароитида яшаган, ўлкани маданий жиҳатдан орқада қолганлигини ўз кўзи билан кўрган Ҳакимхон тўра Россиянинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан Ўрта Осиёга нисбатан бир неча марта юқори турганлигини ҳаяжон билан ҳикоя қилади. У Россия шаҳарларининг Ўрта Осиё шаҳарларига қараганда ниҳоят обод, тартибли эканлигини ва тараққий этганлигини ҳавас билан сўзлайди.

Тарихчи Оренбург шаҳридаги маорифоқартув, соғлиқни сақлаш ишларини, шифохоналарини, ундаги тартиб ва қоидаларини бирма-бир кўздан кечириб боради ва «беморхоналарки, анда ҳозиқ табиблар беморларга муолажа қилурлар эди», деб ёзиб, ундаги даволаш усулларига ғоятда хайрихоҳлик билдиради. Шунингдек кўчада қолган ота-онасиз болалар учун уйлар ташкил қилиниб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берилганлигини қайд этади.

Шу билан бирга, Ҳакимхон Россия шаҳарларидаги чоризм зулмини ва қамоқхоналарда азоб-уқубат чекиб ётган кишиларнинг аҳволини ҳам тасвирлашни унутмайди.

Тарихчи ҳақиқатан «чор Россияси халқлар турмаси» эканлигини ва унда меҳнаткаш халқлар азоб-уқубатда яшаганлигини кўрсатади. Ёзувчининг бу борада юргизган мулоҳазаларида чоризмнинг зулмига нафрат билан қараганлиги аниқ кўриниб турибди.

Россияда икки йилча умр кечирган Ҳакимхон у ерда рус хотин-қизларининг ўзбек хотин-қизларига нисбатан эркинроқ эканлигини қайд этади.

Ҳакимхон Кавказ ва Қораденгиз орқали Миср ва Арабистонга сафар қилиш учун тайёрланади. Лекин у чегарадаги Душенька деган шаҳарда қамоққа олинади.

Бу ҳол чор ҳукумати Ҳакимхонни Россиядан чиқариб юбормаслик ҳақида топшириқ берган ва уни амалга ошириш учун Ҳакимхонга қарши атайлаб иғво уюштирган бўлса керак, деган фикр юритишга асос бўла олади.

Ҳакимхон Астраханда яшаган пайтида чоризм ҳарбийларига асир тушган шаҳзода Малик Қосим деган киши (Черкас вилоятининг хонзодаларидан бири) билан дўстлашиб қолган ва уни ўз ватанига чиқиб кетишига хайрихоҳлик кўрсатган эди. Ҳакимхон қамоққа тушгач Малик Қосимга хат ёзиб, ўзини қутқаришга ёрдам беришини ундан илтимос қилди. Дўстининг оғир қийноққа тушиб қолганидан хабардор бўлган Малик Қосим қуролли кучлар билан дафъатан бостириб келади ва дўсти Ҳакимхонни қамоқдан халос этиб, унинг Россия территориясидан чиқиб кетишига ёрдам берди.

Ҳакимхон Қораденгиз орқали Истамбулга борди. У Сийноб, Анатоли орқали Шомга, Мисрга сафар қилди. Ҳакимхон Арабстоннинг бир қанча шаҳарларида, жумладан Макка ва Мадинада бўлиб, яна Мисрга қайтади ва у ерда бир йил яшайди. Бу вақтда араб тилини яхши ўрганиб олди ва ҳатто хатти сулси машқ қилди.

Ҳакимхон денгизда оғир машаққатлар-

[1] Мунтахаббут-таворих (тожикчаси) инв. 592, 482-варақ (таржимасини бердик).

[2] Мунтахаббут-таворих (ўзбекчаси), инв. 594, 309а бет.

ни, ғарқ бўлиш ҳавфини бошидан кечиради, қуруқликда эса, очлик, сувсизлик, ташналик азоб-уқубатларини чекади. Чўлларда қароқчилар ҳужуми ваҳмида сарсон ва саргардон бўлиб юради. У Россияда ҳам, Арабистонда ҳам турли оғир касалларга дучор бўлади. Арабистонда вабо касалидан қаттиқ азоб чекади. Мусофирлик ғам-ғуссалари, ватанга бўлган иштиёқ аламларини тортади. У ўз асарларида ҳаётнинг бутун ташвишларини бошдан кечирган дарбадар ватангадо бўлган кишининг ички кечинмаларини моҳир санъаткор ва ҳассос адиб сифатида чизиб беради.

Адибнинг Мисрда, Эронда шоҳ саройларида бўлгани, ундаги дабдаба, шоншавкатларни кўргани, шаҳар кўчаларида кезганида оч-ялангочларнинг кўз ёшларини ҳис қилгани кўз ўнгимизда яққол гавдаланади.

Ёзувчи етти йил оламни кезиб, дарбадарликнинг оғир машаққатларини бошдан кечириб, 1830—31-йилларда Эрон орқали Бухорога қайтиб келади. Уни Қўқон хонининг собиқ амалдорларидан Бухоро шайхулисломи Султонхон тўра Адо кутиб олади. Бухоро амири Насрулло уни ўз ҳузурига таклиф этади. Ҳакимхон давлатни бошқариш ишларига аралашмасликни афзал кўргани учун Насрулло билан учрашишни истамайди. Лекин Султонхон тўранинг бир неча бор қисташи туфайли, у амир Насрулло ҳузурига боради ва тезда отаси Маъсумхонни олиб келиш баҳонаси билан Бухородан Ўратепага кетади.

Тарихчи, адиб дунё сафаридан қайтгач, давлат ишларидан четлашиб, ҳеч қандай уруш-талашлар, низоларга қатнашмай, ўз илмий, ижодий иши билан шуғулланади ва умрининг охиригача Шаҳрисабзда яшаб, Ўзбекистон тарихининг энг қоронғи йилларини ёритиб берувчи «Мунтаҳаббут-таворих» асарини ёзишни давом эттиради. Лекин унинг қачон ва қаерда вафот этгани ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Муҳаммадалихоннинг зулми, хотин-қизларни зўрлаб саройга олиб келиниши каби номуссизлик, ҳаёсизликнинг авж олдирилиши, эксплуатациянинг зўрайиши халқнинг ғазаб туғёнини қўзғотиб юборади. Хонларнинг шафқатсиз зулми, қонуний, қонунсиз солиқларнинг муттасил ўсиб бориши, амалдорларнинг ўзбошимчалиги, амирларнинг разилона қилмишлари эзилган халқнинг оммавий қўзғолонлар кўтаришига олиб келади.

Бундай халқ қўзғолонлари 1840—41-йилларда авж олиб кетади. Бунинг устига амир Насруллонинг Қўқон хонлигига қарши бошлаган юриши Муҳаммадалихонни эсанкиратиб қўяди.

Эзилган меҳнаткаш халқ хоннинг адолатсизлигига ҳамда Бухоро амирлигининг босқинчилигига қарши курашга отланди ва ғалаёнлар кўтарди. Мисгар Ҳожи Қаландар Муҳаммадалихон зулмига қарши олиб борилган қўзғолонга бошчилик қилади[3]. Ҳожи Қаландар бир вақтлар Ҳакимхон тўранинг хизматида ҳам бўлган эди. У Арабистонга саёҳат қилган, бир қанча мамлакатларни кезган, мамлакатдаги иқтимоий ва иқтисодий ҳаётни бир мунча тушунган киши эди.

Ҳакимхоннинг ёзишича, Ҳожи Қаландар бошчилиги остидаги қўзғолон шу қадар кенгайиб кетдики, ўша вақтдаги бу халқ йиғинига, ҳатто хайит куналарида ҳам бундай кўпчилик йиғилмаган эди. Қўзғолончилар Муҳаммадалихон амалдорларидан 18 кишининг мол-мулкини талон-торож қилиб, ҳовли-жойларига ўт қўйиб юборадилар ва қўлга тушган баъзи амалдорларни ўлдирадилар[4]. Бухоро элчисини ҳам турган жойидан олиб чиқиб, қатл этадилар. Лекин Муҳаммадалихоннинг амалдорлари Ҳожи Қаландарни ҳийла билан қўлга тушириб, саройга олиб келадилар ва ўлимга ҳукм этадилар. Шунга қарамай, бундай халқ қўзғолонлари вақти-вақти билан тез-тез давом этиб турар эди.

Қўқон фуқароси фақат хон ва унинг амалдорларига қарши кураш билангина чекланиб қолмади. У Фарғона аҳолисига ўлим ва очлик-ялангочлик олиб келган Бухоро амири Насруллонинг юришларига, халққа қилган чексиз жабру зулмларига қарши ғалаённи давом эттиради. 1841 йилда Насруллоға Хўжанд топширилганидан норози бўлган халқ яна хон ўрдасига йиғилади. Шунда хон бу ғалаённинг сабабини сўраганда халқ хонга шундай жавоб беради:

— Бир неча йил мобайнида бошимиздан кечирган жабр, зулм, зўрликни бирорта давлатда ҳам ҳеч қайси халқ ўз бошидан кечирган эмас. Бу — кундан ҳам равшан! Хоннинг ана шундай жабр-зулми ва қора қилмишлари учун Бухоро амири бизни ҳам динсизликда айбламоқда... Биз эса, сиз учун бекорга ўлишни истамаймиз»[5].

Ҳакимхон ўз асарида мана шундай фактларни келтирса ҳам, воқеликларга ҳаққоний баҳо берса ҳам, лекин бу қўзғолонларнинг синфий моҳиятини, ижтимоий-иқтисодий сабабларини очиб беролмайди. Чунки тарихчи ўз синфи нуқтаи назаридан нарига ўта олмас эди.

* * *

Ҳакимхон тўра Ўзбекистон маданияти тарихида ўзининг «Мунтаҳаббут-таворих» номли асари билан машҳурдир. Бу асарнинг турли вақтларда кўчирилган беш нусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Бируний номли Шарқшунослик институти

---

[3] Р. Н. Набиев, 1840—1842-йилларда Қўқонда бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали», 1961, 7-сон, 37—50-бетлар).

[4] Мунтаҳаббут-таворих, 398*а*.

[5] Мунтаҳаббут-таворих (тожикчаси), инв. 592, 660 *аб*.

фондида сақланади («Мунтахаббут-таворих»нинг ўзбек тилидаги нусхалари: инв. № 594, 1560 ва тожик тилидаги нусхалари: инв. № 592, 593, 595/5, 96/1). Буларнинг ичида энг мукаммал нусхалари иккита бўлиб, бири 677 варақдан иборат тожик тилидаги 592 номерли асарлардир. Бу қўлёзма 1943 йили Китоб шаҳрида Муҳаммадамин деган котиб томонидан кўчириб тугалланган. Иккинчиси эса 408 варақли ўзбек тилида ёзилган 594 номерли асар бўлиб, 1877—1878-йилларда кўчирилган, котиби номаълум.

«Мунтахаббут-таворих» қуйидаги тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Асарнинг бошланишида традиция бўйича пайғамбар ва анбиёларнинг афсонавий тарихи, Эрон мамлакатининг тарихи ва подшоҳларининг сулоласи, Хитой ва Европа мамлакатлари, жумладан Россия, Франция, Испания, Америка ва бошқа мамлакатларнинг дунё тарихида ўзига алоҳида ўрин тутганлиги, ислом халифалиги, халифа Аббосдан бошлаб, кейинги вақтда бўлган ҳукмдорлар санаб ўтилади. Сўнгра Исмоил бинни Аҳмад Сомонийдан бошлаб, Хисравшоҳгача бўлган ҳукмдорлар, салжуқийлар давлати ва унинг ҳукмдорлари, Хоразм шоҳлари, мўғуллар ҳукмронлиги, темурийлар давлати ва ҳукмдорлари ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар берилади. У темурийлар ҳукмронлиги, уларнинг ўзаро олиб борган курашлари ҳақида гапирар экан, айниқса Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун олиб борган курашларини тўлароқ тасвирлайди.

Ўзбек хони Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга ҳужуми, Мирзо Бобирга қарши кураши, Бобирнинг Мовароуннаҳрдан чиқиб, Қобулга боргани ва Ҳиндистонни забт этганлиги тўғрисида сўз юритади ва уларга тарихий жиҳатдан бир мунча тўғри баҳо беради.

Ёзувчи айниқса Бухоро ва Қўқон хонликларининг XVII—XVIII асарлардаги, XIX асрнинг биринчи ярми тарихини атрофлича муфассал баён этади ва ҳар бир воқеанинг бўлган йили ва сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилади.

«Мунтахаббат-таворих»нинг кейинги кўпгина саҳифалари XVIII аср ва XIX арснинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида бўлиб ўтган турли-туман воқеаларни атрофлича ёритиб беради. Бунда феодализм шароитидаги айрим тарихий воқеалар тасвирланар экан, кичик-кичик штрихлар орқали кенг меҳнаткашлар оммасининг ниҳоятда оғир аҳволда яшаганлигини, қашшоқлик, очликяланғочликда кун кечирганлигини, маърифат нурларидан йироқ, жаҳолатда сақланганлигини, жабру жафоларга маҳкум этилганлигини кўрамиз.

Асарда мамлакат ҳаётида устун бўлган, бутун бойликни ўз қўлида тўплаган юқори табақалар: феодаллар, руҳонийлар, бойлар, амалдорларнинг, умуман бир гуруҳ эксплуататорларнинг ўзаро уруш-талашлар билан мамлакатни харобаликка олиб келганлиги ёрқин сатрларда ўткир сўзлар орқали тасвирланади.

Ҳакимхон халқ ҳаётини атрофлича кенг ёрита олмади, у кўпинча хонларнинг сулоласи ва уларнинг ўзаро урушлари, тахт талашлари тўғрисидаги маълумотлар билан чекланиб қолади.

Ҳакимхоннинг ўз даврида бўлиб ўтган ижтимоий воқеалар, халқ ҳаётига оид айрим ҳодисалар, ўтмишдаги кўзга кўринган давлат арбоблари, машҳур олимлар, адиблар, шоир ва шоиралар, ёзувчилар ҳақида, уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида берған маълумотлари адабиётимиз учун анча қимматли материаллардир.

Ҳакимхон тўра ўз асарида XV аср маданияти ва адабиётининг йирик силмолари Жомий, Навоий каби шоирларнинг ҳаётидаги энг характерли моментларни ҳикоя қилади ва уларнинг ижодидаги муҳим фикрларни талқин этади.

Масалан, Алишер Навоий ва Абдурраҳмон Жомийнинг бир-бирига бўлган муносабатлари, дўстлиқ ва ҳамкорликлари тўғрисида сўзлаб, қизиқ-қизиқ фактларни келтиради.

Ҳакимхон тўра астроном олим Улуғбекни муҳаббат ва ҳурмат билан тилга олади. Шунингдек, XVII аср поэзиясининг намояндаларидан лирик шоира Зебуннисо ва унинг опаси шоира Фахриннисо ҳақида ҳам анча биографик маълумотлар беради.

Ҳакимхон тарихий воқеаларни баён этар экан, оташин шоир Машрабнинг Балхда қандай ўлдирилганлиги ҳақида сўзлайди.

Ҳакимхон тўра ўзбек классик адабиётида ўзига обида қўйган, маърифатпарвар лирик шоира Нодиранинг ҳаёти, номи, ижтимоий фаолияти, яхшилик ва адолат учун кураш олиб борганлиги, кишиларда энг олижаноб фазилатларни уйғотиш учун курашганлиги тўғрисида ишонарли маълумотлар беради ва уларни далиллар билан исботлайди.

Ҳакимхон ва Нодираларнинг замондоши шоир Ҳозиқ ҳақгўй, адолат учун курашувчи, халқпарвар шоир сифатида ажойиб асарлар яратди. У ҳатто ҳукмрон синфлардан қўрқмай, тортинмай халқ манфаатини ҳимоя қилди. Мазлумларнинг кўз ёшларини оқизмаслиқни, уларга шафқат қилишни юқори табақадан талаб этди. Шунинг учун ҳам уни амирлар, беклар, эксплуататорлар кўралмас эдилар. Шоирнинг бу олижаноб фазилатларини ўз кўзи билан кўрган ва уни яқиндан билган Ҳакимхон тўра унга зўр ҳурмат билан қараб, шоирнинг ҳаётида рўй берган айрим эпизодлар, воқеаларни, фожиона ҳодисаларни объектив равишда аниқ ҳикоя қилиб беради. Ҳатто чет элларда юрганида ҳам адабиёт аҳллари ва муҳиблари билан бўлган суҳбатларида уларга Ҳозиқ шеърларидан парчалар ўқиб беради, уни хотирлайди. Эшитувчилар Ҳозиқнинг ҳақиқий камолотга эришган санъаткор шоир эканлигига қойил қоладилар. Ҳакимхон тўра чет элларда юриб қайтгач, биринчи марта Бухорода Султонхон тўра Адонинг уйида Ҳозиқ билан уч-

рашади. Бу эса тарихчи билан шоирнинг мустаҳкам дўст эканлигини билдиради. Ҳакимхон тўра Ҳозиқнинг Қўқон адабий муҳитида ўсиб, юксалиб борганлигини ва камолотга эришганлигини, истеъдодли бир шоир сифатида танилганлигини ўз асарининг ҳар ерида уқтириб ўтади.

Ҳакимхон тўра ўша даврда яшаб, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида хоҳ катта, хоҳ кичик роль ўйнаган, маданиятнинг ривожланишига маълум даражада ҳисса қўшган кишилар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этади. Бу мулоҳазаларда осмонга чиқариб мақташни ҳам, ерга уриб қоралашни ҳам кўрмаймиз. Бунда одилона кўз билан қараган, ҳар бир нарсани зийраклик билан кузатиб, нозик мушоҳадалар юритган зийрак, хассос бир тадқиқотчи, тарихчини кўрамиз.

Ҳакимхон тўра фақат тарихчи олим сифатидагина эмас, у ғўзал мемуар асарлар ёзувчи, адиб, ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан бақувват шеърий парчалар ижод этувчи шоир ҳамдир.

Ёзувчи бу асарида табиат манзаралари, шаҳарлар, дарёлар, турли мамлакатлардаги муҳим жойларни тасвирлайди ва китобхонда аниқ тасаввур яратишга интилади.

Ёзувчи ўз асарида турли географик маълумотлар ҳам беради, вилоятларнинг ҳавоси, табиати ҳақида ёзади.

Ҳакимхон бу китобда ўз саргузаштини ёзиш билан бирга, учрашган кишиларининг образларини, қиёфасини, ҳаракатини, феъли-атворини мукаммал чизишга интилади ва уларни моҳирона ифодалайди.

Ёзувчи халқларнинг урф-одати ва этнографиясини, турмуш шароитини муфассал сўзлаб беришга интилади.

Ҳакимхон аёллар тўғрисида ва уларнинг ақли, идроки, билими ҳақида юксак фикрда эканлигини ва уларнинг ўзига муносиб кишилар билан ҳаёт кечириши зарурлигини уктириб ўтади.

Ёзувчи Арабистон чўлларида яшовчи кампбаҒал халқнинг ҳаётини, турмуш шароитининг жуда оғирлигини шундай баён этади: «Бир нон арпа уларнинг олдида фалакда доира эрди ва бир эски кўйлак аларнинг қошида биҳишт ҳулларидек жилва қилур эрди».

У бирор воқеа ва ҳодиса ҳақида сўзлар экан, ўша ҳолга муносиб шеърий парчалар келтиради, ифодаланаётган ҳодиса тўғрисида мукаммал тушунча беришга интилади. Ҳакимхон Мисрга борганда қаландархонага тушади. Қаландархона фақир, дарбадар кезиб юрган мусофирлар учун бошпана ва кўнгил очадиган жой эканлигини сўзлайди. Унга бағишлаб бир рубоий ёзади:

Нақшбанди даргаҳидур бу мақоми дил-кушо,
Хоҳи қил хаққа ибодат, хоҳи қил кайфу сафо.
Нони қоқу хирқан пашминая қойил эсанг,
Иста майдони муҳаббат, кел, азизим. марҳабо[6],—

деб дарбадар бўлиб, оч-наҳор юрган кишини ўзи каби камбағаллар билан суҳбатлашишга, фикр алмашишга, халқ ичида яшашга чақиради. Шу билан бирга, меҳнаткаш халқни меҳр-муҳаббат билан яшашга ва бу йўлда қийинчиликларга бардош беришга ундайди.

Ёзувчининг тили ўз замонида ишлатиладиган адабий тилнинг содда, равон услубига ёгадир. У фақат ҳикоя қилинаётган воқеаларнигина эмас, ҳатто тарихий воқеаларни ҳам бадиий образлар, ўхшатиш, истиора ва тасвирлаш воситалари орқали ифодалаб, китобхон тасаввурида аниқ ва равшан тушунча ҳосил қилади.

Ҳакимхон ўз замонининг фарзанди, тарихчи олими, маданиятпарвар прогрессив кишиси сифатида Қўқон хонлигида XIX асрнинг биринчи ярмидаги тарихий воқеаларни ва умуман Бухоро, Хоразм каби хонликларнинг тарихини қисқартирилган ҳолда ёритади. Лекин тарихчининг бу асари айрим хато ва камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. У баъзан айрим тарихий фактларни, хронологик воқеаларни изоҳлашда чалкашликларга йўл қўяди. Ҳакимхон ўзи юқори табақадан бўлганлиги, жамият тарихий тараққиётини тушуна олмаганлиги туфайли, ижтимоий воқеаларга ўз синфи нуқтаи назаридан қарайди. У баъзан айрим воқеа ва ҳодисаларга афсонавий тус беради. Аммо бу камчиликлардан қатъи назар, тарихчи кўп масалаларга объектив ёндашади.

Ҳакимхон Маъсумхон тўра ўғли феодализмнинг энг қоронғи мудҳиш замонида қора булут орасидан чақнаб кетган нур зарраларидан биридир. У XIX асрнинг биринчи ярмидаги маданиятимиз тарихига муносиб ҳисса қўшган тарихчи олимлардандир.

[6] Ўша асар, 350-варақ.

Холид Расулов,
Маҳбуба Қодирова.
Филология фанлари кандидатлари

„ҚИСАСУЛ АНБИЁ“ ТИЛИДА СОН

Сон категорияси, умуман туркий тилларда, хусусан ўзбек тилида, тарихий жиҳатдан кам ўрганилган соҳалардан бири ҳисобланади.

Туркшунос олимларнинг сон категориясини тарихий жиҳатдан ўрганишга бағишланган қатор ишлари мавжуд бўлишига қарамасдан[1] бу соҳа ҳануз чуқур илмий

[1] Қаранг: А. М. Щербак. Грамматика староузбекского языка. М., Л. 1962, стр. 137; С. Муталлибов. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. Тош-

текшириш ишлари олиб боришни тақозо қилади. Чунки ҳар бир мавжуд ёдгорлик тилидаги сон категорияси ҳали алоҳида-алоҳида текширилган эмас. Шундай асарлар қаторида „Қисасул анбиё“ ни ҳам кўрсатиш мумкинки, бу йирик ёдгорлик тилида сон категориясига оид умумий ҳолатлар билан бир қаторда шу асар тили учун хос бўлган қатор хусусиятлар ҳам мавжуд.

„Қисасул анбиё“ дан олинган материаллар асосида асар тилида сонларнинг қуйидаги турлари кенг истеъмолда бўлганлигини кўрсатиш мумкин.

1. Саноқ сон. Бу сон аниқ ва ноаниқ сонларга бўлиниб, унинг морфологик белгиси, яъни ўзига хос аффикси йўқ. Саноқ сон, соннинг бошқа турлари учун ўзак вазифасини бажаради ва у қуйидагича: *ік(к)і, ўч, тӧрт, бэш, алтї, јэт(т)і, сэк(к)із; тоқ(к)уз, он, јігірмі, от(т)уз, қірік, эШік, алтміш, јэтміш, сэксән, тоқсан, јўз, мін.*

Баъзи сонлардаги ундошлар такрорланиб келади.[2]

Саноқ сон предметнинг миқдорини кўрсатади:

Намруднуң он іккі мін анбарі бар эрді. (Қ. А[3]. 12 б.)

Маълумки, сон асосан предмет от билан бирга қўлланади. Лекин асарда бунинг акси, яъни отсиз, соннинг ўзи ишлатилган. Бундай ҳолларда сон отлашган бўлади:

Біргā іккі бэрді. (Қ. А. 414 б.).

Ҳозирги замон ўзбек ва бошқа туркий тилларда саноқ сон миқдорни кўрсатиб турганлигидан саналувчи предмет *-лар* кўплик аффиксини олмаслиги керак эди. Асарда саналувчи предмет *-лар* аффикси билан қўлланишини кўп ерда учратдик:

јақуб бу алтї хатунлар білā. (Қ. А. 206б). *Ушмах јігітлāрінің іккі сајјідларі.* (Қ. А. 729 б).

Бу ҳол тарихий ёдгорликлар тилига хос хусусият бўлиб, саноқ сон кўплик аффикси билан учрайди[4].

Саноқ сон—*бир*, бошқа сонлардан ўзига хос маънолари билан фарқ қилади:

1. Равишдошга боғланган ҳолда, ҳеч қандай қўшимчасиз такрорланиб келиб, иш-ҳаракатнинг кетма-кет такрорланишини билдиради:

Јсмаіл атасіға ајтті кім бір бір кэліб мāнгаā ташвіш бэрāтурур дэді.. (Қ. А. 154 бет).

2. *Бир* сони ноаниқ артикль функциясида ҳам ишлатилади[5].

Бізгā бір малік кэрāк. (Қ. А. 88 б.)

3. Бир сони ҳечқандай қўшимчасиз келиб, тартиб сон маъносини билдиради:

Хурдэк көрк дунја ічіндā ікāвгā бэрдім бір анаңіз хаваға іккінчі јусуфқа. (Қ. А. 207 б.).

4. Муайян сўзлар билан келганда умумий ўхшашлик, бир хиллик маъносини билдиради:

Қамугі бір суратлігі. (Қ. А. 75 б.)
Нэ ўчўн бір тўрлўк јаратмаідн (Қ. А. 25 б)

5. *Бир* сони айирувчи сон аффикси-*ар* билан келиб, ҳозирги ўзбек тилидагидек аниқсизликни эмас, аниқлик маъносида ҳам келади ва предметнинг саногини билдиради:

Ҳāр німарсадін бірар жуфт аліб. (Қ. А. 65 б.)

Мисолдаги *бирор жуфт* бирикмаси, бир жуфтдан маъносида келган. *Бир* сони юқоридаги аффикс билан келганда *баъзи* сўзининг маъносида ҳам қўлланади:

Біріріні ҳамраҳ қілді бірāр јарамағаніні јандурді. (Қ. А. 437 б.)

6. *Бир* сонига жамловчи сон аффикси-*āгу* қўшилганда: а) тахмин, гумон маъносини билдирувчи кимдир олмоши ўрнида қўлланади:

Бірāгў ўл тāмнің тўбіндін кэчāрдā. Қ. А. 318 (б.)

б) ёлғиз, битта маъносида ишлатилади:

Бірāгў эрді энді јāнā āлті хатун āнгā јāр болділар (Қ. А. 280 б.)

Бірāгў ҳар иккала мисолда ҳам отлашиб келган.

7. *Бир* сони-*āв* аффиксини олиб, отлашган ҳолда: а) тўдадан бирини ажратиб кўрсатади[4]:

Бінні Јсраіл оғланларіндан бірāв өтўб барурда. (Қ. А. 392.)

б) инкор маъносини англатади ва *ҳечким* олмоши ўрнида келади.

дэгўчі бірāв қалмадї. (Қ. А. 98 б.)

8. *Бир* сони ноаниқ сон—*анча* билан келиб, ўзлари изоҳлаб келган сўзларнинг характерига қараб; а) вақт, пайт, фурсат маъносида қўлланади:

Бір анча өзгā јэргā өлтурғіл. (Қ. А. 426 б.)

б) саноқ сон миқдор, ҳажмга нисбатан номаълум саноқни билдиради ва гуруҳ, тўда, бирқанча маъносида ишлатилади:

кент, 1959; С. В. Малов, Памятники древнетюркской письменности, М., Л., 1951; В. М. Насилов, Древне-уйгурский язык, М., 1963, стр. 45. Якши орхоно-енисейских памятников, ИВЛ, М., 1960, Э. Фазылов Қадимги ёдгорликларда сон категорияси, „Ўзбек тили ва адабиёти“ журнали, 1963, 1-сон.

[2] Девон, III т. 271-бет.

[3] Рабғузий, Қисасул анбиё, инв. № 1834. ЎзФА. ШИ.

[4] С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности. М., Л. 1951 стр. 50; В. И. Насилов, Древные-уйгурский язык. М., 1963, стр. 46.

[5] Қаранг: А. М. Щербак, Грамматика староузбекского языка. Изд. АН СССР, М. Л. 1962, стр. 138; И. А. Батманов, Современная и древняя енисейка. Фрузе, 1962 г. стр. 130; А. Рустамов, Алишер Навоийнинг „Маҳбубул-қулуб“ асаридаги баъзи морфологик элементлар. „Ученые записки“, Выпуск VII, Ташкент, 1963. 219-бет.

[6] Қиёсланг: С. Е. Малов, Памятники древне-тюркской письменности, М., 1069, стр. 371.

Бір анчасї қобтїлар . . . (Қ. А. 105 б.)

9. *Бир* сони ноаниқ сон—*қач* сўзи билан келиб, миқдор, бўлак, ҳажмни билдиради ва равиш ўрнида келади:

Бір қач оларнї эмгәтәјін. (Қ. А. 306 б.)

10. „тагма" сўзи билан бирга келганда, пайт равиши вазифасини бажаради ва номаълум бир вақт, муддатни билдиради:

Бір тәгмә вақтта барїб јусуфнї анда көргәјміз. (Қ. А. 279 б.)

Юқорида қайд қилинган мисоллардан кўринадики, *бир* сони „Қисасул анбиё" асар тилида кенг маънода истеъмолда бўлган.

Ноаниқ сон: бу сон сўз ясовчи қўшимчалар олмайди ва ноаниқ ёки тахминий саноқни билдиради:

өкўш, қач, көп, аз, тәлім, анча, бәсі, бїсјар. Ол аз чірік өкўш чірікнї бастїлар. (Қ. А. 438 б.)

Тәлім јіллар болдї. (Қ. А. 375 б.)

Көплар ајтсунлар. (Қ. А. 526 б.)

Басї сөзләділар. (Қ. А. 492 б.)

Мің анчанї қојдїлар ҳам артуқ кәлді. (Қ. А. 636 б.)

Бір қач оларнї эмгәтәјін. (Қ. А. 306 б.)

2. Тартиб сон. Бу соннинг ўзига хос морфологик белгилари қуйидагича: *-нчі, -нчї, -нч, -інч, -їнч, -інчі, -їнчї, -унч, -ўнч, -лә́нчі, -ўнчі, -унчї.*

Умуман, туркий тилларда, тартиб сон қўшимчаси-*інчї* бўлиб, ҳар хил фонетик вариантларда қўлланади[7], предметнинг тартибини билдиради:

Сәккіз оғлан арасїнда Сансабәк іккілә́нчісі. (Қ. А. 164 б.)

Тартиб сонлар отлашганда: 1) эга вазифасида ишлатилади:

Он бірінчі јусуф әрді. (Қ. А. 205 б.)

2) аниқловчи ўрнида келади:

Бірінің әвігә кірді ікінчігә бардї. (Қ. А. 75 б.)

3) тўлдирувчи вазифасида қўлланади:

Ўчўнчідін барїб сордї төртінчігә бардї. (Қ. А. 75 б.)

Биз асарда тартиб соннинг *сәкінч, тоқінч* (Қ. А. 229 б.) формасини учратдик ва бу ҳақда шундай фикрга келдик. Яъни: 1) *сәкінч, тоқїнч* таркибидан з ундоши тушиб қолиб, автор бошқа сонларга аналогия қилган бўлиши мумкин. Чунки інч қўшимчаси билан келган тартиб сонлар мисолда кетма-кет келган. 2) узак сак, тоқ бўлиб, иккови учун бир хил бўлган з белгиси бошқа бир нарса бўлиши мумкин. Лекин бу тўғрида аниқ бир фикр айта олмаймиз.

3. Айирувчи сон қуйидаги аффиксларни саноқ сонларга қўшиш билан келади: *-ар, -әр, -шар, -рар, -рәр, -їн, -ін, -ун, -ўн.* Бу сон айирув сон маъносида қўлланади:

іккі тон бәрді міңар алтун баҳалїг. (Қ. А. 251) б

тәгмә бірі іккәр оғулға јўклўк болдїлар. (Қ. А. 245 б.)

Сақ солїнда алтїрар јўз әрді. (Қ. А. 230 б.)

А. Шчербак *-їн, -ін* аффикси *бир, икки* сонларига қўшилиб келувчи, қадимги айирувчи сон қўшимчаси эканлигини айтган[8].

„Қисасул анбиё" да бу қўшимча иккидан юқори бўлган сонларда ҳам ишлатилган:

Кәлді јўз міңәр қамугї бәшін, онун, оттузун. (Қ. А. 531).

Баъзан, айирувчи сон аффикси *-ар* чама, тахмин маъносида ишлатилади:

Қірқар қарїјәрда сув әгрілді от көкарді. (Қ. А. 317 б.)

Айирувчи сон, худди шундай маънода, „Насабнома" да ҳам учрагани тўғрисида айтилган[9].

Айирув маъноси, саноқ соннинг такрорланиши орқали ифодаланади:

Ҳар бірі бір бір јалғузун бір әл алдїлар. (Қ. А. 343 б.)

4. Жамловчи сон. Соннинг бу тури бирдан ўнгача саноқ сонларга *-(а) ла, -(ә) лә́, -авлан, -әвлә́н, -ав, -әв, -ағу, -әгү* аффиксларининг қўшилиши билан ясалади.

Қадимги ёзма ёдгорликларда бу аффиксларнинг *-ағу, -әгу* формаларигина учрайди[10].

Жамловчи сон аффикси *-(ә) лә́*, эгалик аффикси билан қўлланган ҳолда, саналмиш тушиб қолади:

іккәләсіндә көрк бар. (Қ. А. 256 б.)

Баъзї улама ајтмїш іккілә́сі турур. (Қ. А. 150 б.)

Жамловчи сон аффиксларининг бошқа турлари эгалик аффикси билан ишлатилмай, бундай ҳолларда ҳам саналмиш тушиб қолади:

Бу төртәвлә́н јәтміш іккі тіл бірлә өкўлміш. (Қ. А. 737 б.)

Сіз онав бір атанїң оғланларїсїз. (Қ. А. 269 б.)

ікәгү хїлватда олтурдї. (Қ. А. 351 б.)

Біз онағу јақуб јалавач оғланларі турурміз. (Қ. А. 229 б.)

Юқорида кўрсатилган жамловчи сон қўшимчалари бирдан ўнгача саноқ сонларга қўшилиб келиб, бир қўшимча ҳар хил сонларда қўлланиши мумкин:

ікәв, ікәгү, ікәвлә́н каби. Жамловчи сон аффикси *-ағу* баъзи ўринларда жамликни эмас, саноқни билдиради:

Олар јәтәгү мән јалғуз. (Қ. А. 280 б.)

5. Чама сон предметнинг миқдорини, чамасини, тахминини ифодалайди ва шу

---

[7] И. А. Батманов, Язык енсейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959, стр. 82.

[8] А. Щербак, Грамматика староузбекского языка. М., Л. 1962. стр. 140.

[9] Т. Ҳ. Салимов, „Насабнома" ва унинг баъзибир тил хусусиятлари тўғрисида. „Ученые записки". Выпуск VII. Ташкент, 1963. 212-бет.

[10] И. А. Батманов, Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959, стр. 78; С. Е. Малов, Памятники древнетюркской письменности, Из-во АН СССР, М.,—Л. 1951. стр. 440.

[11] В. М. Насилов, Язык орхоно-енисейских памятников. М., 1960.

маъно *-ча* аффикси орқали ифодаланиб, бу аффикс сондан кейин келувчи нумератив сўзларга қўшилиб келади. Бу ўринда шу сўз равишга яқин бўлиб қолади:
іккі кіјімчā тон іккі батман анбар бэрді. (Қ. А. 197 б.)

6. Доналик сон аффикси *-та* орхон-енисей ёдноналарида учрамаганидек[11], биз кузатаётган асарда ҳам учрамайди. Лекин саноқ сон қўшимчасиз ишлатилиб, доналик сон маъносида қўлланади[12]:
Тоқуз оғлан туғдї қамугїн олтїрді. (Қ. А. 101 б.)

7. Каср сон. Бу сонларда махраж билан сурат ўртасида нумератив келиб, махражга тааллуқли чиқиш келишиги қўшимчаси шу нумеративга қўшилиб келади:
Тўннўң ўч ўлўшдін бірі кэчміш эрді. (Қ. А. 186 б.)

Нумератив сўзларнинг қуйидаги турлари учрайди:

1) *јіғач* — узунлик, масофа, чақирим маъносида ишлатилади:
іккі јїғачлїғ јэргā кэліб қондїлар. (Қ. А. 203 б.)

2) *қарї* — қўл узунлигидаги ўлчовни англатади:
іккі јўз қарї баландлігі јўз қарї эні (Қ. А. 89 б.)

М. Кошғарийнинг „Девону луғотит турк" асарида ҳам бу сўз қўл узунлиги ва газ ўлчови маъноларида берилган[13].

3) *кэсāк*[14] сўзи узунлик, масофа, парча, бўлак маъноларида учрайди:
Бір кэсāккā Сулајманнї хаммаллїққа туттїлаг. (Қ. А. 481 б.)

4) *пајмана, софра* сўзлари ҳажм, мидорқ *јўз пајмана мајда ун харж болур эрді.* (Қ. А. 462 б.)
Деҳқон бір софра этмāк... Сулајманға бэрді (Қ. А. 493 б.)
Ҳаф кўндā јэтті јўз пајмана қуруг ун ўч

5) *гўруҳ* — қисм маъносида ишлатилади)
Умматїмдā ўч гўруҳ нуфузрақ турурлар. (Қ. А. 733 б.:

6) *булāк, парча*—бу сўзлар бўлак, парча маъносини англатади:
Ўч булāк булут јїбардї (Қ. А. 82 б.)
...бір парча булут кэлāгā қїлур эрді (Қ. А. 195 б.)

7) *батман, ратл*—оғирлик ўлчови маъносида қўлланган:
Он батман їпар он батман анбар он батман кафур кэлтїрўб... (Қ. А. 197 б.)
јусуфнўң баҳосїн тўрт јўз ратл алтун... моқаррар болдї. (Қ. А. 239 б.)

8) *Ўлўш*—қисм, бўлак маъносини англатади:
Қўннўң іккі ўлўші барді бір ўлўші қалдї. (Қ. А. 35 б.)

9) *баш*—сўзи маъносида ишлатилади:
Ол кўн сэксāн баш адамїлар эрді. (Қ. А. 73 б.)

10) *сўрўк*—тўда маъносини билдиради:
Бір сўрўк қўј (Қ. А. 25 б.)

Асар тилида юқоридагилардан ташқари, *даста, баг, јўл, қатла, навбат, каррат, қат, саф* каби нумеративларни ҳам учратиш мумкинки, улар ҳар хил маъноларда қўлланилади.

Нумератив ларнинг такрорланиши, сон ҳамда кўмакчилар воситаси билан бутун бир бирикмалар ҳосил қилиниб, бу бирикмалар воситасида карра маъноси ифодаланади:
Он аршун ічіндā он аршун јашїл абгіна эрді (Қ. А. 507)

Кузатишлар шуни кўрсатадики, „Қисасул анбиё" тилида соннинг деярли ҳамма турлари мавжуд бўлиб, улар турлича маъно ифодалаган ва турли вазифаларда ишлатилган.

Ў. Мирзакаримова

---

[12] Қиёсланг: С. М. Муталлибов, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. Тошкент, 1959, 64-бет.

[13] Қаранг: Девон, III том, 242-бет.

[14] Қиёсланг: А. К. Боровков, Лексика среднеазиатского тефсира XII—XIII вв. М., 1963 г. стр. 175; М. Кошғарий, Девон, I т., ЎзССР ФА, Тошкент, 1960, 372-бет.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА «ЮЗ» СЎЗИНИНГ ИШЛАТИЛИШИГА ДОИР

(«Наводирун-ниҳоя» девони материаллари асосида)

Маълумки, тилнинг луғат составида жуда кўп сўзлар борки, улар ўзларича бирор стилистик оттенкага эга эмаслар. Лекин шуни унутмаслик керакки, сўзларнинг стилистик функцияси контекстда кўрилади. Классик сўз усталари, жумладан, буюк Алишер Навоий ўз асарларида мана шундай ўзича стилистик оттенкаларга эга бўлмаган сўзлардан ҳам алоҳида маҳорат билан фойдаланган. Биз бу мақолада «юз» сўзининг Алишер Навоий томонидан ишлатилишини кўрсатиб, А. Рустамовнинг буюк санъаткор асарларини ўрганишда бирор ҳарфини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак[1], деган фикрига тўла қўшилишимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Алишер Навоий ҳар бир сўзнинг ҳамма томонларини, бошқа сўзларга нисбатан англатадиган маъно оттенкаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ишлатишга ҳаракат этади ва бу соҳада ўзининг тенгсиз маҳоратга эга эканини намойиш қилади. У «Наводирун-ниҳоя» девонидаги шеърларда ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, сўзнинг энг нозик маъноларига, эмоционал кучига қараб турли ўринларда усталик билан тур-

---

[1] Алибек, Навоий асарлари муқаддимаси тилининг бир хусусияти ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», Тошкент, 1961, № 4, 55-бет.

лича фойдаланади. Бу жиҳатдан, девонда «юз» сўзининг ишлатилиши алоҳида диққатга сазовордир. Маълумки, бу сўз киши бошининг олд қисми, олд томони маъносини англатади. Синонимларни текширишга бағишланган илмий ишларда[2] бу сўзнинг маълум ёзувчи томонидан қандай қўлланилгани алоҳида ўрганилган эмас. «Юз» сўзи жуда қадим тарихга эга бўлиб, бу сўзни энг эски ёзма ёдгорликларда ҳам, дастлабки луғатларда ҳам учратамиз[3]. Қузатишлар «юз» сўзи бу сўзнинг бошқа синонимларига нисбатан «Наводирун-ниҳояя» да ҳам кўп қўлланилганини кўрсатади.

«Ҳар бир ёзувчининг ижоди истасин-истамасин ўз замонаси адабиётининг тараққиётига маълум ҳисса қўшади, даврнинг ҳаётий, адабий йўналишлари билан ҳар тарафлама алоқада бўлади. Ундан ташқари, у мавжуд традиция билан белгиланади ва ундан озиқланади», деб ёзади В. В. Виноградов[4].

Шоирнинг лирик асарларида сўзлардан фойдаланишини текширар эканмиз, юқоридаги фикрнинг «юз» сўзининг автор тилида ишлатилишига тўла тааллуқли эканини кўрамиз. Маълумки, XV аср лирика жанри техникасининг жуда мураккаб турлари ҳам вужудга келганлиги билан машҳур, бу техникадан тўғри фойдалана билиш шоирдан катта маҳорат талаб қилади. Ана шундай санъатлардан бири и й х о м д и р. Ийхом — мураккаб сўз ўйини бўлиб, сўзларнинг шаклдошлигига асосланади. «Ю з» график шакли б е т маъносини билдириш билан бирга, 100 (сон) маъносини ҳам ифодалайди. Шоир қуйидаги байтда ю з график шаклида шу икки маънони бирлаштириб, ийхом санъатини яратади:

Чун ўлармен ёрни истанг, бошимга келмаса
Бош ёланг айлаб қўюб туфроқ уза **юз** ёлборинг[5].

Бу байтда шоир чеҳра, афт, маъносидаги «юз» билан сон маъносидаги «юз» (100) ни бирлаштиради ва шу йўл билан ҳам фикр ихчамлигига, ҳам сўз ўйини ишлатишга мумуваффақ бўлади.

Демак, шоир тупроққа юз қўйиб, юз марта ёборинг фикрини кейинги мисрада бердикки, бу санъат автордан юксак маҳорат талаб қилади. Бу мураккаб санъатни, Е. Э. Бертельснинг хабар беришича, XV аср шоирлари жуда севганлар[6].

Бу усуллан Лутфий ҳам усталик билан фойдаланган:

Ул зулфни солма юзунг узра,
Қим юз била минг бало қилурсен[7].

Бу байтнинг иккинчи мисрасида **ю з** асосан чеҳра маъносида ишлатилган, лекин бу сўз минг сони билан ёнма-ён тургани учун уни беихтиёр сон, яъни 100 деб ҳам хаёл қилинади, фақат чуқурроқ ўйлаб кўрилсагина, шоир «юзунг билан бало қилурсен» демоқчи экани аниқланади. Шоир «юз»нинг омонимик хусусиятидан фойдаланиб, чеҳра ва 100 сўзларини бир мисрада **ю з** график шакли билан бериш орқали шеърда оҳангдорликка эришади:

Кўргаӯ ул юзни бошимға урди юз тийғи бало,
Кўрки, чиққур кўз бошимға не балолар келтирур[8].

Яна шоир байтда биринчи мисрани юз (чеҳра) билан тугатиб, иккинчи мисрани юз (100) сони билан бошлайди. Бу санъат т а с д и р деб аталади.

Мисол:

Эй Навоий, мўътақидсен қайда кўрсанг пок **ю з**,
Ю з кишида йўқ экан бир сен киби пок эътиқод.[9]

Бу байтда шаклдош сўзлар байтнинг икки мисрасида бир-биридан тамом бошқа бўлган маъноларда ишлатилган.

Яна:

Ваҳки, то бир кўрди ул юзни Навоий, эй рафиқ,
Сабри ю з д и н бирга келди, шавқи бўлди бирга **ю з**.[10].

Тилда мавжуд сўзларнинг кенг миқёсда қўлланиши ёки чегараланганлиги ўша сўз маъносининг кенг истеъмол натижасида кенгайиши, яъни кўп маъноли сўзга айланиши, шу сўз билан турғун бирикмаларнинг ҳосил бўлиши каби хусусиятлар билан ҳам белгиланади. Бу жиҳатдан қараганимизда, **ю з** сўзи девонда ўзининг асл маъ-

---

[2] Д о л и м о в С., Муҳаммад Ризо Огаҳий поэзиясида омоним ва синоним сўзлар, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1957, 26 июнь; И. Қ ў ч қ о р т о е в, Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари, Тилшунослик масалалари тўплами, I китоб, Тошкент, ЎзССР ФА. Нашр. 1960, 3 — 8-бетлар.

[3] М а ҳ м у д Қ о ш ғ а р и й, Девону луғотит турк, том III, ЎзССР ФА нашри, Тошкент, 1963, 156-бет; С. Е. М а л о в, Памятники древнетюркской письменности, Изд. АН СССР, М—Л., 1951, стр. 391; Х о р а з м и, «Мухаббатнома», Изд. вост. лит-ры, Москва, 1961, 215-бет.

[4] В. В. В и н о г р а д о в, Наука о языке художественной литературы и ее задачи, Доклады IV междунар, съезд славистов, М., Изд. АН СССР, 1958, стр. 10.

[5] Қ ў л ё з м а 1995, 118а варақ.

[6] Е. Э. Бертельс, Навои, М.—Л., Изд. АН СССР, 1948, стр. 62.

[7] Лутфий, Танланган асарлар, Тошкент, ЎзССР Давлат адбиёт нашриёти, 1960, 91-бет.

[8] Қ ў л ё з м а 1995, 66б варақ.

[9] Ў ш а қ ў л ё з м а, 38а варақ.

[10] Ў ш а қ ў л ё з м а, 136б варақ.

[11] Ў ш а қ ў л ё з м а, 56б варақ.

носидан ташқари, кўчган маъноларга ҳам эга бўлганини кўрамиз, жумладан, ер юзи, қуёш юзи каби бирикмаларда ер ва қуёшнинг уст қисми маъносини билдиради:

Юзунг ғамидин эрур абр навбаҳор кўзум,
Не айб, ер юзини қилса лолазор кўзум[11].

Қуёш юзинда хатинг сабзасиға маскандур,
Бу важдиндур агар ранги сабз равшандур[12].

Юз қочирмоқ бирикмасида тескари қарамоқ тушунилса, юз ўгирмоқ бирикмасида тонмоқ маъноси англашилади:

Тиргузурда нафасинг юзни қочирмоқ не эди,
Майл қилмас худ ўлик кимсадин олмоққа мучак[13].

Чу мендин юз уюрдинг, тонг эмас бошингга эврулсам,
Бу саргардонлиғимга гардиши ахтар эрур боис[14].

Кейинги байтда юз уюрмоқ бирикмасининг ишлатилиши алоҳида диққатга сазовор: шоир ёрининг ўзидан юз ўгирганидан қайғуриб, бошингга ўгирилсам ажаб эмас, дейди, ва иккинчи мисрада ўзининг саргардонлигига айланувчи фалак сабаб эканини кўрсатади. Демак, «юз ўгирмоқ»ни эврулиш, фалак айланиши каби сўзлар билан маъно жиҳатидан умумлаштиради.

«Юз» сўзи айниқса «юз қўймоқ» бирикмасида кўп ишлатилади. Бу бирикма юзни ерга қўймоқ маъносидан ташқари йўлланмоқ, бормоқ маъносида ҳам қўлланилади:

Ғаразим ул санамга саждадурур,
Ер ўпай деб қошида қўйсам юз[15]

Даме харам нафаси дайр қасд айлармен,
Не ерда юз қўяр ўлсам юзунг дурур мақсуд[16].

Келтирилган биринчи байтда шоир ерга юз қўйишдан мақсади севгилисига сажда қилмоқ эканини айтади. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, мусулмон дини қонунига кўра бу диндаги кишилар дин маркази, муқаддас жой ҳисобланмиш Маккага қараб сажда қиладилар. Ошиқ шоир эса ўша муқаддас жой—Маккага эмас, севгилисига сажда қилишни афзал кўради, яъни маҳбубасини улуғлайди (бунда юз қўймоқ асл маъносида — ерга юз қўйишдир). Иккинчи мисолимиздаги «юз қўймоқ» ва юзунг сўзларини ўринли ишлатиб, юз сўзини уйғунлаштиради: қаергаки борар эканман, мақсадим юзингни кўришдир, яъни сени учратишдир (юз қўймоқ кўчма маънода, бориш маъносидадир). Баъзан юз урмоқ бирикмасини учратиш мумкин:

Чун Навоийдек, ҳавоий бўлдум ул ой ҳажридин,
Не ажаб, елдек **юз урсам**, тортиб афғон ҳар тараф[17].

Юз урмоқ бирикмасида ёр ҳажрида ҳавоий бўлган ошиқ афғон билан ўзини елдек ҳар томонга ташлашини айтади. «Юз» сўзи «қора» сўзи билан биргаликда «юзи қора» фразеологик бирикмасини ҳосил қилади. Бу турғун бирикма девонда тез-тез учраб туради:

Кўнгул итти кўзни доғи истарман ашк этса кўр,
Қим тилармен ҳаргиз ул **юзи қарони** кўрмасам[18].

Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимға юз бало,
Кўр нелар келтурди бу **юзи қаролар** бошима[19].

Чархдин кўп бўлди оҳим дудиға боис рақиб,
Юзи онинг рўзғоримдек қаро бўлса, не тонг[20].

Шуни ҳам айтиш керакки, кўп маънога эга бўлиш, турғун бирикмалар таркибида иштирок этиш шу синонимик уядаги бошқа сўзларга хос эмас. «Юз» сўзи ўзининг бошқа синонимларидан мана шу хусусияти билан ҳам ажралиб туради. Статистик кузатишлар «юз» сўзининг девонда шу сўзнинг бошқа синонимларига нисбатан кўп (202) марта ишлатилганини кўрсатади. Бу факт Навоий туркий сўзларни кўпроқ ишлатишга эътибор берган деган хулосага келишга имкон беради.

М. Раҳматуллаева

ЎЗЛИК ОЛМОШИ ҲАҚИДА

Ўзлук олмоши **(ўзим, ўзинг, ўзи,...)** конкрет шахс ёки нарса-предметни ажратиб белгилайди.

Ўзбек тилига оид адабиётларнинг айримларида ўзлик олмошининг фақат бир сўз-

[12] Ўша қўлёзма, 112б варақ.
[13] Ўша қўлёзма, 29а варақ.
[14] Ўша қўлёзма, 69а варақ.
[15] Ўша қўлёзма, 40б варақ.
[16] Ўша қўлёзма, 73а варақ.
[17] Ўша қўлёзма, 69а варақ.
[18] Ўша қўлёзма, 144б варақ.
[19] Ўша қўлёзма, 164а варақ.
[20] Ўша қўлёзма, 116б варақ.

дан («ўз» сўзидан) иборат эканлиги[1] ва бу олмошнинг кўпинча эгалик аффикси билан қўлланиши[2] айтилади. Бу фикр кўп жиҳатдан ҳақиқатга мос келса ҳам, лекин унга маълум изоҳ ва аниқликлар киритиш талаб этилади.

Ўзлик олмошининг фақат бир сўздан иборат эканлиги тўғри. Лекин шуниси борки, «ўз»нинг ўзи, ҳеч қандай эгалик аффиксисиз, сўз (олмош) бўла олмайди. Ўзлик олмоши ташқи кўринишда эгалик аффиксисиз қўлланган ҳолларда ҳам, бари бир, уч шахсдан бирига мансуб ҳолда бўлади, яъни у «белгисиз эгалик» формасида бўлади. Бунинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, ўзлик олмоши ташқи кўринишдан эгалик аффиксисиз қўлланган ҳолларда унга боғланиб келган сўз, албатта, эгалик формасида бўлади: **ўз китобим, ўз китобинг, ўз китоби** каби. Ўз сўзига боғланиб келган сўзнинг ҳамма вақт эгалик формасида бўлиши **ўз** сўзининг қаратқич келишигида эканлигини кўрсатади. **Ўз** сўзи келишик (қаратқич келишиги) формасида экан, албатта, у бирор эгалик формасида ҳам бўлади[3], яъни **ўз китобим — ўзимнинг китобим, ўз китобинг — ўзингнинг китобинг...** бўлади.

Кўринадики, **ўз китобим, ўз уканг, ўз боласи** каби ҳолларда ўзлик олмоши белгисиз эгалик ва белгисиз қаратқич формасида бўлади.

Демак, эгалик формасисиз ўзлик олмоши ҳақида гапириш мумкин эмас. **«Ўз»** фақат бирор эгалик формасидагина ўзлик олмоши бўла олади. Шунинг учун ҳам проф. А. Н. Кононовнинг «ўзлик олмоши ўз сўзига эгалик аффиксларини қўшиш орқали ясалади[4], деган фикри ҳақиқатга жуда тўғри келади.

Эгалик аффикслари ёрдамида ясалувчи ўзлик олмоши шахсни ва унинг сонини кўрсатиши билан шахс олмошларига ўхшайди. Шунинг учун ҳам бирор шахс ва унинг сонини кўрсатувчи эгалик формасидаги ўзлик олмоши ўрнида шу шахс ва сонни кўрсатувчи шахс олмошини қўллаш мумкин бўлади: **ўзим — мен, ўзинг — сен, ўзи — у; ўзимиз — биз, ўзингиз — сиз, ўзлари — улар.** Лекин бундан шахс олмошлари ҳар жиҳатдан ўзлик олмошини қоплайди, ўзлик олмоши ўрнида шахс олмошини қўллаш ҳамма вақт мумкин деган хулоса чиқмайди. Ўзлик олмоши шахс олмошларидан фарқланувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам кўпгина ҳолларда ўзлик олмоши ўрнида шахс олмошини қўллаш мумкин бўлмайди.

Гап таркибида ўзлик олмоши билан бирга шу олмош ифодалаган шахс ва сонни билдирувчи шахс олмоши ҳам қатнашган бўлса, бундай ҳолларда ўзлик олмошини шахс олмоши билан алмаштириб бўлмайди. Масалан, **мен ўзимга ишонаман** гапидаги ўзлик олмоши ўрнида шу олмош билдирган шахс ва сонни ифодаловчи **мен** олмошини қўллаб бўлмайди. **(Мен менга ишонаман** дейилмайди). Чунки айнан бир шахсни ифодалаш учун шу шахсни билдирувчи сўзни икки марта (кетма-кет) қўллашга эҳтиёж ҳам бўлмайди ва буни стиль ҳам кўтармайди. Бундай ҳолларда шахс олмоши билан бирга худди шу олмош ифодалаган шахс ва сонни билдирувчи ўзлик олмошининг қўлланиши эса маълум талаб-эҳтиёж билан бўлади, яъни ўзлик олмоши таъкидни кучайтириш, кучли даражада ажратиш учун қўлланади **(Мен ўзим, сен ўзинг...** каби).

Шуни айтиш керакки, ўзлик олмошида ажратиш, таъкидлаш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда ўзлик олмошини қўллаш билан асосий диққат белгиланаётган шахсни ўзгаларда ажратишга (уни ўзгалардан холи қилишга) қаратилган бўлади. Масалан, **ўзим кетавераман** гапида умуман ҳаракатнинг сўзловчи томонидан бажарилиши эмас, балки ҳаракатни ўзга шахслар ҳам бажариши шарт эмаслиги, бунинг аҳамияти йўқлиги каби маънолар ҳам ифодаланади. **Ўзи келган ёр, ўзи кетган ёр** (сўзлашувдан) гапида ҳам ўзгаларнинг бу ҳаракатга даҳли йўқлиги алоҳида таъкидланади. Ана шундай ҳолларда ҳам ўзлик олмоши ўрнида шахс олмошини қўллаб бўлмайди. Масалан, **ўзи келган ёр, ўзи кетган ёр** гапидаги учинчи шахс бирликни билдирувчи ўзлик олмоши (ўзи) ўрнида шу шахс ва сонни билдирувчи **у** шахс олмошини қўллаб бўлмайди. **(«у келган ёр, у кетган ёр»** дейилмайди).

Ўзлик олмошининг ажратиш, холи қилиш хусусияти фақат шахслар доирасида чегараланмайди. Ўзлик олмошининг белгиланаётган шахсни бошқа нарсалардан ажратиш, холи қилиш учун ҳам қўлланиши ҳозирги замон ўзбек тилида кўп учрайди. Масалан, **ўзим келдим** гапидан икки хил маъно англашилиши мумкин: 1) келувчи шахс фақат сўзловчининг ўзи эканлиги (бошқа шахснинг бу ҳаракатда иштироки йўқлиги); 2) сўзловчининг бирор иш — юмуш билан эмас, шунчаки келганлиги. Демак, бунда бажарувчи шахс ўзга шахслардан эмас, балки ўзга нарсалардан ажратилади, холи қилинади. Ана шундай ҳолларда ҳам ўзлик олмоши ўрнида шахс олмошини қўллаб бўлмайди.

Ўзлик олмошида шахс ва унинг сони бевосита шу олмош таркибидаги эгалик аффикслари орқали ифодаланади. Белгиланаётган шахсни ажратиш, ўзлардан холи қилиш эса шу олмошнинг «ўз» қисмига (ўзагига) хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам

---

[1] Қаранг: Ҳозирги замон ўзбек тили, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1957, 375-бет; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ҳозирги замон ўзбек тили, морфология, Самарқанд, 1960, 82-бет.

[2] Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 127-бет.

[3] Ҳозирги замон ўзбек тили, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1957, 375-бет.

[4] А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 179.

ўзлик олмошида маълум бир шахс ва унинг сони ифодаланиши билан бирга шу шахс ҳамма вақт, ўзга шахс ёки нарсалардан ажратилади, холи қилинади.

Хулоса:

1. Ўзлик олмоши ҳамма вақт бирор эгалик формасида бўлади. Эгалик формасидан холи ҳолда «ўз»нинг ўзи ўзлик олмоши бўла олмайди.

2. Маълум шахс ва унинг сонини кўрсатиши билан ўзлик олмоши шахс олмошларига ўхшайди. Лекин у ўзига хос хусусиятлари билан шахс олмошларидан фарқланади.

3. Ўзлик олмоши маълум шахс ва унинг сонини билдириши билан бирга ҳамма вақт шу шахсни ўзга шахс ёки нарсалардан холи қилади, ажратади.

И. Суяров

МЕТАФОРАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМА ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Метафоралар мажозга боғлиқ бўлган стилистик категориялардан бири бўлиб, улар жуда кенг ва ҳар томонлама ўрганилиши лозим. Ушбу кичик мақолада эса, метафоралар ва уларнинг таржима қилиниш йўллари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар айтилади, холос.

Бадиий асарнинг образлилигини, эстетиклигини оширишда метафораларнинг роли ниҳоятда каттадир. Метафораларсиз бадиий асарнинг бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Метафоралар ўзларининг бу қадар муҳимликларига қарамасдан, улар умумтилшуносликда кам ўрганилган стилистик категориялардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда саноқли мақолалар ва баъзи бир асарларда улар ҳақида фикр юритилади.

Ю. Л. Лясотанинг «Метафоризация луғат составининг ривожланишида асосий қонунлардан бири сифатида» мақоласида метафораларнинг тилимизни бойитишдаги роли, метафора термини, унинг синтактик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади[1].

У мақоладан ташқари, ленинградлик Б. Мейлах ҳам ўзининг «Метафора бадиий системанинг элементи сифатида» номли унча катта бўлмаган мақоласида метафоралар сўзларнинг кўчма маъноларига асосланиши, уларнинг бадиий адабиёт ва поэзиядаги аҳамияти ҳақида гапиради ва поэзиядан мисоллар келтириб ўтади[2].

Қисқаси, бу мақолаларда метафоралар ҳақида чуқур, пухта ва атрофлича фикрлар юритилмайди. Бу мақолаларда ҳам уларни ўрганиш зарурлиги алоҳида қайд қилинади.

Юқоридаги мақолалар ёзилганидан сўнг, 1961 йилга келиб, проф. А. И. Ефимовнинг «Бадиий нутқ стилистикаси»[3] номли асари босилиб чиқди. Бу асарда қатор стилистик категориялар билан биргаликда, метафоралар категорияси ҳақида ҳам анча кенг фикр юритади. Асарда метафораларнинг келиб чиқиш жиҳатидан турли грамматик предметларнинг номларига асосланиши дуруст кўрсатиб берилган. Лекин А. И. Ефимовнинг асарида ҳам метафоралар конкрет бўлакларга бўлиб классификация қилинмайди. Албатта, уларнинг шу пайтгача классификация қилинмай келинаётганлиги ҳам метафораларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганилишига тўсқинлик қилади.

Рус филологиясида энди ўрганилаётган метафоралар ўзбек тилшунослигида ҳам кам текширилган янги соҳалардан бўлиб қолмоқда. Уларни ҳар томонлама текшириш: методлари, чегараларини аниқлаш ва конкрет бир томонлама классификация қилиш умумсовет тилшунослигимизнинг, жумладан, ўзбек тилшунослигининг ҳам галдаги вазифаларидан бири саналади.

Метафоралар асосан воқеа, ҳодисаларни, грамматик предметларни атамайди, балки уларни маълум бир томондан характерлайди, шунинг учун ҳам улар асосан хусусиятни билдириб келади. Метафорик сўзларнинг асл ва кўчма маънолари тилда параллел равишда қўллана беради. Масалан, «**тулки**» сўзи, биринчидан, ҳайвон номи, иккинчидан эса, «айёр одам» маъносида тилда параллел равишда ишлатилади. Агар шу сўз бирор кишига нисбатан «туликилик қилди» деб қўлланилса, унинг кўчма «айёрлик» маъносида қўлланилганлиги тезда тушинилади ёки бунга яна шундай мисоллар келтириш мумкин: **чаён, айиқ, шер, фил, туя.** Бу каби сўзларнинг ҳам, иккинчи кўчма маъноси бўлиб, улар ҳам луғат составини рангбаранг қилиш ва хусусан, стилистик мақсадлар учун хизмат қилади.

Метафоралар умумхалқники бўлиш билан бирга, индивидуал авторники ҳам бўлиши мумкин. Албатта, умумхалқ метафоралари халқ оғзаки нутқида кенг қўлланадиган ва кўпчилик халқ оммасига яхши тушуниладиган метафоралардир, яъни шу сўзларнинг кўчма маъноларидир. Бунга шундай метафораларни келтириш мумкин: **айиқ, тулки, ит, илон** кабилар. Индивидуал автор метафоралари эса, контекстда тушунарли бўлади, лекин улар ҳам умумхалқ тилининг воситалари орқали ифодаланади. Масалан, С. — Шчедрин *«тарсаки туширишни»* «*қарсаклар»* деб атайди. А. Толстой ўз асарининг номини *«Булутли тонг»* деб атаса, И. С. Тургенев *«Дворянлар уяси»* деб номлайди. Бу ердаги кўчма метафорик маъноларни китобхон асарни ўқимасдан бирданинга тушиниши қийин. Чунки улар

[1] Ученые записки Дальневосточного госуниверситета, выпуск 1, 1957.

[2] Сб. ст: «Вопросы литературы и эстетики», «Советский писатель», Ленинград, 1958.

[3] А. И. Ефимов, Стилистика художественной речи, Москва, 1961.

ўша ёзувчининг ижоди каби индивидуал характерга эга бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, метафораларнинг ўзлари қали энди ўрганилаётган бир пайтда, уларнинг таржима қилинишига доир бирор материалнинг бўлмаслиги табиийдир.

Гарчи, метафораларнинг таржима қилинишига доир назарий материаллар бўлмасада, лекин уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш ишлари амалда мавжуддир. Ана шу амалий ишлар таржимачиликда назарий жиҳатдан умумлаштирилмаган ва метафораларнинг таржима қилиниш йўллари аниқланмагани учун таржимонларимиз ҳар хил қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Натижада таржима практикасида чалкашликларга, камчиликларга йўл қўйилмоқда, бу эса, бадиий таржима ишимизнинг сифатини пасайтиришга сабабчи бўлади. Ана шу юқоридаги сабабларга кўра ҳам, биз уларнинг таржима қилиниш йўллари ҳақида фикр юритамиз.

Метафораларнинг бевосита таржима қилиниши масаласига ўтишдан олдин, умуман, метафорларга хос бўлган қизиқ бир хусусиятни ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Бир хилдаги ҳайвон номига асосланувчи метафоралар турли миллатда турлича ижобий ёки салбий маъноларда қўлланиши мумкин. Бу асосан метафора асосланган ҳайвоннинг турли миллатларда турлича маънога эгалигига боғлиқдир. Яъни бир ҳайвон русларда ижобий маънода қўлланса, ўзбекларда салбий маънода қўлланиши мумкин. Масалан, туя, қўй русларда салбий маънода қўлланса, ўзбекларда ижобий маънода ҳам қўлланади. Лекин ҳар иккала миллат (рус ва ўзбек) да ҳам бир хил маънога эга бўлган, яъни иккала миллат учун ҳам бир хилда ижобий ёки салбий маънони англатувчи умумий метафоралар ҳам тилда тез-тез учраб туради. Масоллар, илон, чаён, ит (салабий маънода), шер, гул (ижобий маънода). Метафораларнинг ана шу ўзига хос нозик хусусияти таржимоналаримизнинг доимо диққат марказларида туриши зарур. Акс ҳолда жиддий хатоларга йўл қўйилиши мумкин.

Метафораларнинг таржима қилиниши ишига киришиш пайтида М. Қ. Морен ва Н. Н. Теревниковаларнинг «Ҳозирги замон француз тили стилистикаси»[4] асаридаги классификациядан, бироз ўзгартирган ҳолда, қуйидаги формада фойдаландик: 1) оддий метафоралар (бунда якка сўзли метафоралар ҳақида гап боради) ва 2) қиёсий метафоралар (бунда иккита грамматик предметлар санаб қиёсланади).

Метафорлар устида олиб борилган кузатишлар натижасида рус тилидаги қиёсий метафораларни ишлатишда иштирок этадиган **«в роде», «в виде», «как», «точно»** деган 4 та аниқланган лингвистик воситалардан ташқари, яна қуйидаги қўшимча равишдаги, ҳали аниқланмаган лингвистик воситалар борлиги маълум бўлди: **«будто», «словно», «как будто», «казаться»** ва биргалик келишиги (творительный падеж) формаси.

Қиёсий лингво-стилистик анализлар натижасида метафоларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишда қуйидагича йўллар борлиги аниқланди: 1) рус тилидаги метафора ўзбек тилига метафора билан таржима қилинади. Бу асосан қуйидаги 2 йўл билан амалга ошади.

а) абсолют метафора[5]. Бунда рус тилидаги метафора ўзбек тилига худди ўшандай метафорага мос қилиб берилади. Масалан, **тулки — тулки, қўй — қўй, ит — ит** кабилар.

Революция хоини Сорокин Деникинга сотилади ва Деникиннинг унга (Сорокинга) қарата айтган сўзларини эслайди: *«Я думал передо мной* **лев,** *но* **лев** *оказался* **трусливой собакой,** *наряженой в львиную шкуру»* (Мисоллар А. Толстойнинг «Сарсонлик-саргардонликда» трилогияси асаридан олинган, 2-китоб, 628-бет, О. Раҳимий). Таржимаси: *«Мен қаршимда турганни* **шер** *деб ўйлаган эдим, аммо у* **шер** *эмас экан, балки шер терисини ёпинган* **кўрқоқ ит** *экан»* (2-китоб, 375-бет). б) рус тилидаги метафора ўзбек тилига **эквивалент метафора** орқали таржима қилиниши мумкин. Бундай ҳолда рус тиладаги метафора унга маъно жиҳатидан мос келадиган ўзбек тилиги хос бўлган метафора билан алмаштирилиши лозим. Масалан, автор Дашанинг йиғлашини тасвирлаб шундай дейди: *«У Даши катились крупные,* **как горох слезы».** Таржимаси: *«Дашанинг кўзларидан* **дуллай-дуллай ёш** *оқарди».* Мисолдан кўринаяптики, «Дашанинг кўз ёшлари рус тилида **«нўхот»** билан қиёсланса, ўзбек тилига таржима қилинганда ўзбек тилининг ўзига хос бўлган **«дўл»** метафораси билан бериляпти.

2) рус тилидаги метафора ўзбек тилида унга мос келадиган (оз бўлсада) **фразеологизм билан** ҳам берилиниши мумкин. Лекин биз буни трилогияда учратмадик. Гарчи, учратмаган бўлсак ҳам, оригинал образлилигини беришда яхши йўллардан бири бўлиши мумкин деб ўйлаймиз. Масалан: автор Петербургнинг революция арафасидаги оғир аҳволи ҳақида: **«Чихали** *здесь на питерскую власть»* (2-китоб, 330-бет) дейди. Таржимон *«чихали»* метафораси текстни: *«Бу ерларда Питер ҳукуматини ҳеч ким писанд қилмайди»* деб жўнгина таржима қилиб қўя қолган. *«Ҳеч ким писанд қилмайди»* бирикмаси, умуман, маънони тўғри бераётган бўлса ҳам, оригиналдаги образлиликни очиб бера олмаган. Образлиликни таъминалаш учун юқоридаги бирикмага мос келадиган, *«сарқ чақага олмаслик», «бир пулга олмаслик», «бир тийинга олмаслик»* каби синонимик фразеологизмлардан бирортасини қўллаш яхши натижа беради.

---

[4] М. К. Морен, Н. Н. Тетеревникова, Стилистика современного французского языка. Москва, 1960, Изд. «Литература по иностранных языках».

[5] Бу термин шартли равишда шундай деб олинди.

3) рус тилидаги метафора ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинади. Масалан, Дашанинг ҳамроҳи Кузьма Нефедов Даша билан бўлган суҳбатда унга дейди: «Яблоко *вы румяное, сладкое, но недозрелое»* (3-китоб, 8-бет). Таржимон буни: «*Қипқизил, ширингина* олмасиз-у, *аммо ҳали ғўрсиз»* (3-китоб, 4-бет) тарзида таржима қилиб қўя қолган. Ҳолбуки, текстдаги «олма» метафорасини ўзбек тилининг ўз миллий метафорасн орқали: *Қипкизил ширингина* мевасиз-у, *аммо ҳали ғўрсиз»* деб ҳам бериш мумкин эди. Сўзма-сўз таржима қилиш йўлининг камчилиги шундаки, гарчи, у таржимонлар томонидан кўп қўлланилсада, таржимада миллий калоритга доир восталардан фойдаланиш имкониятини бутунлай чеклаб қўяди.

4) рус тилидаги метафоралар ўзбек тилига тавсифий йўл билан ҳам таржима, қилинади. Масалан, Қизил армия командири Сапожков солдатларнинг революцияга қарши баъзи бир саволларига жавобан: «*Думаете, я такой дурак и мамкин сын — не понимаю из-за чего вы* гавкаете» (2-китоб, 361-бет) дейди. Метафорали текст: «*Ҳаманг мени аҳмоқ, ҳафтафаҳм деб ўйлайсанлар,— нимига* жанжал кўтарганларингни *билмайди деб ўйлайсанлар»* (2-китоб, 62-бет) деб таржима қилинар экан, «гавкать» метафораси «жанжал кўтариш» бирикмаси орқали тушинтириш йўли билан берилади. Ҳолбуки, унинг ўзбек тилида «аккилламоқ» деган ажойиб варианти ҳам бор. Гарчи, практикада бу йўл қўлланса ҳам, лекин унинг камчилиги шундаки, у оригиналдаги жонлилик, образлиликни таржимада бера олмайди.

Метафораларни таржима қилишнинг юқорида санаб ўтилган йўлларидан энг муваффақиятлилари 1 ва 2-йўллардир. Таржимонлар метафораларни таржима қилишда илож топа олмай қолганларидагина сўзма-сўз ёки тавсиф йўлидан фойдаланишлари лозим. Бошқа пайтларда улардан, айниқса, тавсиф йўлидан ҳеч фойдаланмасликлари керак. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, 4-йўл асарнинг бадиийлигини пучга чиқарадиган йўлдир.

Хуллас, метафоралар ҳақида гап борганида, ўзбек тилининг метафоралари устида ҳам алоҳида иш олиб бориш зарурдир.

Л. Абдуллаева

ШОИР УЗЛАТНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ОИД ЯНГИ МАНБАЛАР

Биз шоир Узлатнинг девони ҳақидаги ахоборотда[1] мазкур шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир материалларни қидириш вақтида наманганлик Мусалламхон Бобохоновда сақланган бир қўлёзма тўплам билан танишганлигимиз, натижада Узлат девонидан йиртилиб йўқолган айрим саҳифаларни тиклаш имкониятга эга бўлганлигимиз, мазкур тўпламдан Узлат девонига киритилмаган янги шеърлар топилганлиги ҳақида қисқача хабар бериб ўтган эдик.

Қуйида биз Узлатнинг юқорида айтиб ўтилган қўлёзма таркибидаги нотўлиқ девони[2] билан шоирнинг мукаммал қўлёзма девони ўртасидаги баъзи тафовутлар ва шоирнинг шахсига оид янгиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни қисқа айтиб ўтамиз.

Аниқланишича, Узлат девонининг Наманган нусхасига шоирнинг 99 байтдан иборат ўзбекча маснавийси, Маҳжур тахаллуси билан ёзган 22 та ўзбекча, 22 та форсча-тожикча ғазали, асли 29 банддан иборат бўлган ўланининг 15 банди, Узлат тахаллусидаги 1 та форсча-тожикча таркиббанди, 1 та форсча-тожикча рубоийси, Нодир тахаллусидаги 110 та ўзбекча ғазали киритилган.

Маҳжуд тахаллусидаги ғазаллар қаторида берилган 2 та форсча-тожикча ғазал тахаллуссиз.

Маълумки, шоир Узлатнинг мукаммал девони ва шу девоннинг Наманган нусхаси топилгунга қадар Нодирни алоҳида шоир деб ҳисоблаб келинган эди[3]. Узлат девонларининг юқоридаги нусхаларининг топилиши шоир Узлат шахсини аниқлашга — Узлат (Узлатий), Маҳжур, Нодир (Нодирий), Шариф (Шарифий) тахаллуслари билан ўзбек ва форс-тожик тилларида баракали ижод этган талантли шоирнинг бир киши эканлигини белгилашга имкон туғдирди.

Юқорида қайд этилган илмий ахборотда[4] биз мазкур шоирнинг Узлат (Узлатий) ва Маҳжур тахаллусларида ижод этганлигини айтиб, Узлат тахаллусида битилган шеърлар девондан асосий ўринни олганлигини кўрсатиб ўтган эдик. Бироқ Узлат девонидаги 1 та Нодир тахаллуси билан ёзилган ғазал ҳақида маълумот беришни кейинги планга қолдирган эдик, Узлатнинг Нодир тахаллуси билан ҳам ижод этганлигини кўрсатувчи янги материалларни яхшироқ ўрганганданг кейин бу ҳақда фикр юритишни лозим топган эдик.

Узлат девонининг Наманган нусхаси ва «Ҳафт гулшан» достонини мазкур шоирнинг ЎзФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Қўқон адабиёт музей фондида сақланаётган (инв. № 693) мукаммал девонига таққослаб текшириш натижасида қуйидаги фактлар маълум бўлди:

1. Шоир Узлат девонининг Наманган нусхасига Маҳжур тахаллуси билан киритил-

[1] «Ўзбек тили ва адабиёти», 1963 йил 3-сон, 62 — 63-бетлар.

[2] Бундан кейин юқоридаги қўлёзма таркибига кирган Узлат девонини девоннинг Наманган нусхаси деб юритамиз.

[4] «Ўзбек тили ва адабиёти», 1963 й. 3-сон, 62-бет.

ган шеърларидан қуйидагиларни: 14 та ўзбекча, 5 та форсча-тожикча ғазали ва ўланини мукаммал девонига Узлат тахаллуси билан, 1 та ўзбекча ғазалини Маҳжур тахаллуси билан киритган. Нодир тахаллусидаги 33 та ғазалини Нодир тахаллуси билан киритган. Шоирнинг маснавийси ҳам девонга киритилган. Қолган 104 та шеър (102 та ғазал, 1 та таркиббанд, 1 та рубоий) шоир томонидан девонга киритилмаган.

2. Узлат Нодир тахаллусидаги 5 та ғазалини мукаммал девонига ҳеч қандай таҳрирсиз; фақат Нодир тахаллусини Узлат тахаллусига алмаштириб киритган.

3. Наманган нусхасида Маҳжур ва Нодир тахаллусларида берилган шеърларнинг 50 таси шоир томонидан таҳрир қилиниб, мукаммал девонга киритилган. Наманган нусхасидаги шеърларнинг 192 мисраи Узлат томонидан қайта таҳрир қилинган.

4. Наманган нусхасида Нодир (Нодирий) тахаллуси билан берилиб, мукаммал девонга Узлат (Узлатий) тахаллуси билан киритилган шеърларнинг 21 таси ҳар иккала нусхада ҳам айнан бир хил тартибда жойлаштирилган. (Мукаммал девондаги мазкур 21 та ғазалдан 20 таси Узлат (Узлатий) тахаллусида, биттаси Нодир тахаллусидадир).

5. Девоннинг Наманган нусхасида Узлатнинг Нодир тахаллусидаги шеърлари билан Маҳжур тахаллусидаги шеърлари орасига ҳеч қандай чегара қўйилмаган (бир саҳифада ҳар икки тахаллусдаги ғазаллари берилган).

6. Маълумки, шоир Узлатнинг иккинчи тахаллуси Маҳжурдир. Шоирнинг жуда кўп шеърларида Узлат тахаллусидан кейин, баъзан ундан олдин «маҳжур» сўзи келади.

Нағмаи ушшоқни соз айлабон булбул каби,
Узлат маҳжур фарёдини гулноримға айт[5].

Шоирнинг Нодир тахаллусидаги шеърларида ҳам айнан юқоридаги ҳолни кўрамиз.

Наводин холи эрмас воизосо Нодири маҳжур,
Улусқа ибрат учун сўзламоқға бўлди минбар хат[6].

Текширишлар натижасида «Ҳафт гулшан» достони мукаддимасида мазкур достон автори ҳисобланган Нодирнинг шоир Узлат эканлигини тасдиқловчи муҳим бир маълумот аниқланди. Достон муаллифи ажз тариқидаги ҳикоятидан кейин шоира Моҳлар ойимга қуйидагича мурожаат қилади:

...Илоҳи айла бу номамни мақбул,
Мабодо бўлмағай мардуду маъзул.
Анга ширин баён айла сўзини.
Қизил этгил бу номамнинг юзини,
Ки ҳомил анда иззат бирла ёнсун,
Бу Узлат қуллуқи ичра қувонсун...[7].

Биз охирги мисрадаги «Узлат» сўзини шоирнинг тахаллуси деган фикрдамиз. Мазкур сўзнинг байтдаги ўрни ҳам шундан далолат бериб турибди. Узлат девонидаги 29 та ғазал мақтаида «Бу Узлат» бирикмасининг қўлланилганлиги ҳам юқоридаги фикрни қувватлайди.

Илтифотингни бу Узлат кўнглидин тутма дариғ,
Ҳажр даштида жунундин шунча расволанмасун[8].

Биз юқорида девоннинг Наманган нусхасига киритилган асарларининг бир қисми Узлат томонидан мукаммал девонга қайта таҳрир қилиниб киритилганлигини айтиб эдик. Қуйида ана шунга бир неча мисоллар келтирамиз.

Шоир девоннинг Наманган нусхасидаги:

Васлини ёди бирла ҳар дам кетар ўзидин,
Ҳижрон ўтиға солма **Маҳжурни** илоҳи[9],

байтини девонга таҳрир қилиб киритган:

Васлини ёди бирла ҳар дам кетар ўзидин,
Узлатни ҳажр ўтиға куйдурмагил илоҳи[10].

Девоннинг ҳар иккала нусхасига ҳам Нодир тахаллуси билан киритилган ғазалнинг:

Боғ ичра хиром этти, чаман сарву гулидин,
Қам билди магар туҳфаларин, тортти хижолат[11],

байтини Узлат девонга:

Боғ ичра хиром этти, чаман сарву гулидин,
Қам билди анга туҳфаларин, тортти хижолат[12],

тарзида таҳрир қилиб киритган.

Ишқдурким, сенга кўрсатгай тариқи мустақим,
Варна **зуҳд аҳли қатида** умрлар турмоқ абас[13],

---

[5] Қўқон адабиёт музейин қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. № 693, в. 26а.

[6] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в 101 б.

[7] Нодир, Ҳафт гулшан, Тошкент, 1961, 23-бет. (Достон текстида «Узлат» сўзи тахаллус ҳисобланмай, кичик ҳарф билан берилган).

[8] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. № 693, в. 72б.

[9] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в. 154б.

[10] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв, № 693, в. 89а.

[11] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в. 165а.

[12] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. 693, в. 25б.

[13] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в. 165б.

байти шоир томонидан:

Ишқдурким, сенга кўрсатгай тариқи мустақим,
Варна **зоҳид масжид ичра** умрлар турмоқ абас[14],

шаклида тузатилган.

Девоннинг Наманган нусхасидаги:

Ишқ даштида манга тушти жунунлуқ офати,
Дийдалардин ул кун бўлди пари янглиғ ниҳон[15],

байти девонга:

Ишқ даштида манга тушти жунунлуқ офати,
Кўзларимдин ул куни бўлди пари янглиғ ниҳон[16],

шаклида киритилган.

Бир қатор таҳрирлар байтларда такрорланиб қолган сўзларни бартараф қилишга қаратилган. Масалан, Наманган нусхасида:

Қачон хусни қуёш **янглиғ** кўнгулда айламиш жавлон,
Қи ҳар тун субҳ **янглиғ** чекмагай оҳи саҳар ҳаргиз[17].

Юқоридаги байтда такрорланиб қолган «янглиғ» сўзини бартараф қилиш учун шоир кейинги мисрани шундай таҳрир қилган:

Қачон ҳусни қуёш **янглиғ** кўнгулда айламиш жавлон,
Қи ҳар тун субҳосо чекмагай оҳи саҳар ҳаргиз[18].

Наманган нусхасидан мукаммал девонга таҳрир қилиб киритилган байт, мисра, сўзларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Биз шоир Узлатнинг мукаммал девони ҳақидаги дастлабки хабаримизда мазкур девон айрим мисраларининг девон кўчирилган қаламда ислоҳ қилинганлиги ва бошқа бир қатор аломатларига кўра шоирнинг ўз қаламига мансуб бўлиши мумкин, деган фикрни айтган эдик. Узлат девони билан чуқурроқ танишиб чиқиш, ундаги ислоҳ қилинган айрим мисраларнинг палеографиясини синчиклаб ўрганиш, мазкур девонни унинг Наманган нусхасига таққослаб текшириш натижасида девоннинг шоирнинг ўз қўли билан кўчирлган нусха эканлигига — автографлигига шак-шубҳасиз ишонч ҳосил қилдик.

Узлат девонининг автограф нусха эканлигини унинг қуйидаги хусусиятлари тасдиқлайди:

1. Девон битта қаламда, бир хил ёзув билан кўчирилган.

2. Девоннинг 140 саҳифасида ҳошияга 185 та ўзбекча ва форсча-тожикча ғазаллар битилган. Мазкур ғазаллар алфавит тартибига қатъий риоя қилинган ҳолда асосий текстларга мутаносиб қилиб жойлаштирилган.

3. Узлат девони кўчириб бўлгандан кейин девондаги шеърларнинг 22 мисраини ўз қаламида яна қайта таҳрир қилган, ҳошиядаги айрим ғазаллар ҳам шоир томонидан таҳрир қилинган.

Қуйида автор томонидан қилинган тузатишларга мисоллар кўрсатиб ўтамиз.

Шоир бир ғазалнинг аввал мана бу матлаъ билан бошлаган:

Бўлуб Мажнунни кўнгли дашт сориға жунун қуллоб,
Ким ул Фарҳоддек **бўйниға** кўҳи Бесутун қуллоб[19].

Сўнг уни қуйидаги ислоҳ қилган:

Тааллуқ баҳридин Мажнун олмоқға жунун қуллоб,
Ким ул Фарҳоддек **жониға** кўҳи Бесутун қуллоб[20].

Ҳайрати-ла орази, зоҳид, бу дам пандингни кўй,
Аймағай ҳеч ким сўзини сурати деворға[21],

байти қуйидагича таҳрир қилинган:

Ҳайрати-ла орази, зоҳид, бу дам пандингни кўй,
Сўзлаган бирла бўлурму сурати деворга![22]

Шоир томонидан айрим ғазалларни мақтаълари ҳам қайта тузатилган.

Девон ҳошиясидаги:

Ин қадар, Узлат, зи чи бесабри чун ангуштҳо?
Дод ҳижрон аз фалак дарди фаровон дар кафам[23].

байтидаги «Ин қадар, Узлат, зи чи» ибораси устидан чизилиб, мазкур мисра қуйидагича ислоҳ қилинган:

Карда Узлат ин қадар бесабри чун ангуштҳо,
Дод ҳижрон аз фалак дарди фаровон дар кафам[24].

Девондаги шоир томонидан қилинган

---

[14] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. 693, в. 27а.

[15] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в. 159а.

[16] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. 693 в. 70б.

[17] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в. 95а.

[18] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. № 693, в. 44а.

[19] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. № 693, в. 23а.

[20] Ўша девон, в. 23а.

[21] Ўша девон, в. 82а.

[22] Ўша девон, в. 82а.

[23] Ўша девон, в. 61а.

[24] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. № 693, в. 61а.

ислоҳларнинг бир қисми айрим байтларнинг бадиийлиги ва оҳангдорлигига путур етказувчи камчиликларни бартараф қилишга қаратилган:

Қуйди кўнглимнинг ўтидин, бўлди кул **ичра** ниҳон,
Қилди парвона магар ишқ **ичра** даъволиқ манга[25].

Юқоридаги байтда «ичра» сўзи такрорланиб қолганлиги учун шоир уни:

Куйди кўнглумнинг ўтидин, кул **аро** бўлди ниҳон,
Қилди парвона магар ишқ **ичра** даъволиқ манга[26],

деб ўзгартирган. Кейинги вариантдаги «аро» сўзи аввалги вариантдаги «ичра»га қараганда алоҳида оҳангдорлик кашф этган.

Узлат девонининг охирроғига ўзининг 1241 йил ҳижрийда (1825—1826-йиллар) 74 ёшида ёзган тарих — ғазалини (хронограмма) киритган. Бизнинг тахминимизча, шоир девони авторнинг ўзи томонидан XIX асрнинг 20-йилларида кўчирилиб тартибга солинган.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Узлат девонининг Наманган нусхаси котиблар томонидан анча эътиборсизлик билан кўчирилган, натижада мукаммал девондаги 4 байт тушиб қолган, айрим байтларнинг ўрни алмашган, бир қатор орфографик ва стилистик хатоларга йўл қўйилган.

Шоир томонидан қайта таҳрир қилиниб девонга киритилган:

Қуёшдек кўк либоси ичра жавлон қилмағай эрди,
Ки ғамдин ишқ силлиси юзумни нилуфар этмас,—[27]

байти Наманган нусхасида қуйидагича бузиб кўчирилган:

Қуёшдек кўк либоси узра жавлон қилмағай ҳаргиз,
Ки ишқдин ғамингга силлиси юзумни нилуфар этмас[28].

Бунга ўхшаш хатоларга кўплаб мисол келтириш мумкин.

Биз Узлатнинг ҳаёти ва ижодига доир материалларни ўрганиш давомида мазкур шоирнинг Узлат (Узлатий), Маҳжур, Нодир (Нодирий) тахаллусларидан ташқари, яна Шариф (Шарифий) тахаллуси билан ҳам ижод этганлигини кўрсатувчи янги маълумотлар билан танишдик.

Фазлий «Мажмуаи шоиран» тазкирасида мазкур шоирнинг шеъридан намуна берган ўринда Узлат ҳақида қуйидагича маълумот беради:

Шарифест аз шоирони замон,
Ба даврони шаҳаншаҳи комрон.
Ба Қосон бувад маскани жойи ӯ,
Дар он сарзамин аст маъвои ӯ.
Ба кунжаст мастур он пурҳунар,
Зи эҳсони шоҳий нашуд баҳравар.
Ҳамон як ғазал санъати он бувад,
Ба табиияти шеъри султон бувад[29].

Шундан кейин «Ғазали Шарифий» сарлавҳаси остида Узлатнинг автограф девонига киритилган «ичра» радифли ғазали келтирилади.

Мазкур тазкиранинг охирроғида ҳам «Дар фазли Шарифий» сарлавҳаси билан Узлат биографиясига оид 8 байт маълумот берилган[30].

Ўзлат асарларини қидириш вақтида унинг Шарифий тахаллуси билан ёзган 1 та ўзбекча мухаммаси топилди. Мазкур мухаммас қўқонлик адабиётшунос Пўлатжон Қаюмовнинг «Қўқон тарихи ва адабиёти» номли асарида бўлиб, мухаммасдан олдин унинг автори ҳақида қуйидаги справка берилган:

«Шоир Шарифий. Бу шоир косонлидур.
Номи Муҳаммад Шариф.
Девон сарой котиб эди. Хўқандда нашъу намо этмишдур»[31].

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг 1-ярмида яшаб, Узлат (Узлатий), Маҳжур, Нодир (Нодирий), Шариф (Шарифий) тахаллусларида ижод этган шоирнинг асосий тахаллуси Узлатдир. Мазкур шоирнинг мукаммал девонидаги 600 дан ортиқ Узлат тахаллусидаги шеърлар шундай дейишга асос бўла олади. Фазлий ҳам «Мажмуаи шоирон» тазкирасида мазкур шоирнинг Узлат тахаллуси билан ёзган ғазалидан намуна берган. Зарра, Қамий каби шоирлар ҳам шоирнинг Узлат тахаллуси билан ёзган ғазалларига мухаммас боғлаганлар.

2. Узлат ўз асарлари устида бир умр тинмай ишлаган, асарларини қайта-қайта таҳрир қилиши натижасида шоир асарларининг турли вариантлари вужудга келган. Узлат лирикасидаги вариантларни ўрганиш мазкур шоир ижодининг эволюциясини аниқлашга имкон беради.

Ўзбек ва тожик адабиётига муносиб ҳисса қўшган, ўз асарларида прогрессив ғояларни илгари сурган шоир Ўзлатнинг биографиясини чуқурроқ ўрганиш, унинг ҳали топилмаган асарларини ахтариб топиш навбатдаги вазифалардан бири бўлиб қолади.

А. Мадаминов

---

[25] Ўша девон, в. 6а.

[26] Ўша девон, в. 6а.

[27] Қўқон адабиёт музейи қўлёзма фонди, Узлат девони, инв. № 693, в. 45а.

[28] Қўқон адабиёт музейи, Узлат девони Наманган нусхасининг фотокопияси, в. 98б.

[29] Фазлий, Мажмуаи шоирон, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 7535, в. 337.

[30] Фазлий, Мажмуаи шоирон, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 5735, в. 405аб.

[31] Пўлатжон Қаюмов, Қўқон тарихи ва адабиёти (қўлёзма), в. 59.

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

ТИЛШУНОСЛИККА ОИД ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ТЕМАЛАРИ

Фаннинг барча тармоқлари КПСС Программаси асосида кун сайин зўр ютуқларни қўлга киритмоқда, порлоқ истиқбол сари олға бормоқда. ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг ўзида филология фанларининг жуда муҳим, замон тақозо этган соҳаларини илмий тадқиқ этиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Республикамизда филология фанларини координациялашнинг ягона маркази бўлган Тил ва адабиёт институти илмий ходимларининг 1965 йилдан 1970 йилгача бўлган давр ичида олиб борадиган илмий-тадқиқот ишлари—докторлик ва кандидатлик диссертацияларининг тематикаси, бу ишларнинг мақсад ва вазифалари шу институт қошидаги «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида ёритиб бориш лозим топилди. Бу ҳол параллелизмнинг олдини олишга ва илмий ходимлар томонидан ишланаётган темаларнинг филологларга олдиндан маълум қилишга ёрдам беради.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек тилшунослиги соҳаси янада ривожланди, чигал, проблематик масалалар докторлик диссертациялари асосида ўрганилади. Бундай илмий тадқиқотлардан бири — таниқли олим, филология фанлари кандидати Солиҳ Муталлибовнинг «Девону луғотит турк»нинг нашри ва XI аср ўзбек тилига оид тадқиқотлар» номли асаридир. Докторлик диссертацияси сифатида 1965 йилда ҳимоя қилиниши лозим бўлган бу ишда XI асрнинг машҳур лингвисти Маҳмуд Кошғарийнинг уч томли «Девону луғотит турк» луғатининг қадим туркий тилдан ўзбек тилига қилинган таржимаси, тўртинчи том сифатида берилаётган мазкур асарнинг индекси ва «Қутадғу билиг» асарининг грамматик хусусиятлари кенг лингвистик планда текширилади. Бу тадқиқотда XI аср ёдгорликларининг характерли грамматик хусусиятлари кенг илмий анализ қилинади, қатор илмий хулосалар чиқарилади.

Филология фанлари кандидати Содиқ Фердоуснинг 1965 йилда докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиши лозим бўлган «Туркий тилларда феълнинг асосий грамматик категориялари» номли иши ҳам диққатга сазовордир.

Бу ишда феълнинг замон, майл, тарз ва даража боблари ҳар томонлама чуқур илмий анализ қилинади, тегишли илмий-назарий хулосалар чиқарилади. Илмий фикрлар қозоқ, татар, қирғиз, туркман, озарбайжон ва бошқа туркий тиллар фактлари билан таққосланади.

Ўзбек диалектологияси соҳасида ҳам кейинги йилларда докторлик ишлари анча кўпаяди. 1967 йилда бу соҳа бўйича яна бир фан доктори етишиб чиқиши—филология фанлари кандидати Болтабой Жўраев «Юқори Қашқадарё область ўзбек шевалари» номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши керак. Бу ишда Қашқадарё группа шеваларига мансуб бўлган—Китоб, Чироқчи, Яккабоғ, Қамаши, Кўкбулоқ, Мироқи ва Шаҳрисабз ўзбекларининг тил хусусиятлари кенг анализ қилинади, мазкур шеваларнинг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари кўпгина ўзбек шевалари, ўзбек адабий тили ва қатор туркий тиллар фактларига қиёс қилинади, текшириш объекти учун характерли бўлган типик лингвистик элементлар, хусусиятлар кўрсатилади. Ишнинг ҳар бир бобида илмий-назарий хулосалар чиқарилади. Ишга диалектологик карта илови қилинади.

Филология фанлари кандидати Ф. Қамолов «Совет даврида ўзбек тили лексикаси тараққиёти» номли темадаги докторлик диссертациясини 1966 йилда ҳимоя қилиши керак.

Иш икки қисмдан иборат. «Ўзбек лексикасининг назарий асослари» деб номланган биринчи қисмда лексика, семасилогия, сўзларнинг лексик-семантик группалари кенг ёритилади.

«Совет даврида ўзбек тили лексикасининг ривожланиши» деб аталган иккинчи қисмда ўзбек лексикасининг бойиш йўллари, сўз маъноларининг ўзгариши, сўз шаклларининг стабиллашувига оид фикрлар баён этилади. Назарий масалалардан ташқари, ишга махсус луғатлар илова қилинади.

Филология фанлари кандидати Ҳ. Ғозиев «Ўзбек пунктуациясининг назарий асослари» номли диссертациясини 1966—1967-йилларда ҳимоя қилишни планлаштирган. Бу ишда ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёт йўли икки даврга бўлиб анализ қилинади.

«Ўзбек пунктуациясининг назарий жиҳатдан ишланиши» бўлимида дарслик ва қўлланмалардаги қоидалар ҳақида фикр юритилади ва уларнинг асослари ҳақида умумий изоҳ берилади.

«Ўзбек пунктуациясининг принциплари» бўлимида шу ҳақдаги мавжуд фикрлар ва автор мулоҳазалари, шунингдек ҳозирги ўзбек пунктуациясининг шакллари ва уларни қўллаш қоидалари баён этилади.

Филология фанлари кандидати Ш. Шукуров «Ўзбек тилида майл ва замон категорияси тараққиёти» номли ишини 1967 йилда ёзиб тугатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишда ўзбек тилидаги майл ва замон маъносини ифодаловчи формаларнинг тарихий тараққиёти ва уларнинг фонетик структурасида, семантикасида, қўлланишида асрлар давомида юз берган ўзгаришлар ёритилади. Тадқиқот ўзбек тилининг тарихий-адабий ёдгорликлари материалларини ҳозирги ўзбек тили материалларига қиёслаш планида олиб борилади. Шунингдек, кузатилаётган формаларнинг тарихини тўла ва атрофлича ёритиш учун қадимги туркий ёдгорликлар тили материаллари ва ҳозирги туркий тиллар материалларидан фойдаланилади.

Филология фанлари кандидати Эргаш Фозилов ҳам ўзбек тили тарихи бўйича докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Унинг «XII—XIV асрлар тили» номли иши 1965 йилда ҳимоя учун топширилиши керак. Бу иш XII—XIV асрлар ёдгорликлари тилининг фонетикаси морфологияси ва лексикасини кенг текширишга бағишланади.

Филология фанлари кандидати А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тилида кўмакчи феъллар» номли асари 1966 йилда докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиниши лозим бўлган ишлардан биридир.

Бу докторлик ишида ўзбек тилидаги йигирма еттита кўмакчи феъл ҳақида фикр юритилади. Уларнинг семантик ва морфологик хусусиятлари кўрсатиб ўтилади. Кўмакчи феълларнинг таркибли феъллардан ҳосил қилинишига алоҳида аҳамият берилади.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан тадқиқ этилаётган темаларнинг монографиялар шаклида майдонга чиқиши, уларнинг докторлик ишлари сифатида ҳимоя этилиши республикамизда ўзбек тилшунослиги гуллаб-яшнаётганидан далолат беради.

Ҳайдарали Узоқов.

МУНДАРИЖА

М. Қўшжонов Поэмадан романга 5
А. Расулов. Ёш қаҳрамон характерининг шаклланиши 12
О. Боқиев. Уйғур халқ байтлари ҳақида 18
А. Ҳайитметов. Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида 23
Ш. Шоабдураҳмонов. Етакчи ўзбек шаҳар шеваларининг классификацияси масаласи 31
С. Усмонов. Сўзнинг морфематик ва функционал анализи ҳақида . . . 38
Д. Абдураҳмонов. Диалектал лексикага экскурс 43

Илмий ахборот

Н. Қаримова. Навоий — меҳнат куйчиси 48
Х. Расулов, М. Қодирова. Ҳакимхон Маъсумхон ўғли 51
У. Мирзакаримова. «Қисасул анбиё» тилида сон 55
М. Раҳматуллаева. А. Навоий лирикасида «юз» сўзининг ишлатилиши . 58
И. Суяров. Ўзлик олмоши ҳақида 60
Л. Абдуллаева. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида баъзи мулоҳазалар 62
А. Мадаминов. Шоир Узлатнинг ҳаёти ва ижодига оид янги манбалар . 64
Ҳ. Узоқов. Тилшуносликка оид илмий-тадқиқот темалари 68

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

№ 1

1965

Муҳаррир *М. Қосимов*
Тех. муҳаррир *Ҳ. Қорабоева*

Р05408 Теришга берилди 8/XII-1964 й. Босишга рухсат этилди 13/I-1965 й. Формати 70×108¹/₁₆=2,25 қоғоз л.—6,165 босма л. Ҳисоб-нашриет л. 6,2 Нашриет № 1361 Тиражи 8495. Баҳоси 30 т.

ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, 2-чи Високовольт кўчаси, 21. Заказ 1389. Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396

R 481
1965/2
ЗАЛ ПЕРИОДИКИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Экз
№ 2

1965 2

ФАН
НАУКА

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Восьмой год издания

2

МАРТ—АПРЕЛЬ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «НАУКА» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ—1965

К 481

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ В А АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Саккизинчи йил чиқиши

2

МАРТ—АПРЕЛЬ

ГБ УзССР
24460
2

Экз
№ 2

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 1965

Редколлегия:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. ОЙБЕК (*бош муҳаррир*), ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари В. И. ЗОҲИДОВ, Ю. СУЛТОНОВ, филология фанлари докторлари Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ, В. В. РЕШЕТОВ, И. О. СУЛТОНОВ, А. П. ҚАЮМОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), филология фанлари кандидатлари Б. Ж. ЖУРАЕВ (*масъул секретарь*), Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, З. М. МАЪРУФОВ, О. У. УСМОНОВ, Ҳ. У. ҚУРБОНОВА.

Б. ИМОМОВ

Филология фанлари кандидати

ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ[1]

Республикамизда санъатнинг бошқа турлари билан бирга музикали театрлар яшаб келмоқда. Бизда бундай театрлар якка-ягона эмас. Шу сабабли музикали драма асарлари сон томонидан анча солмоққа эга ва улар ҳам драматургиямизни бойитмоқда. Партиямизнинг XX съездидан кейинги йилларда фақат Тошкентдаги Муқимий номли драма ва комедия театрининг ўзида атоқли санъаткорларимиздан тортиб, ёш драматургларимизгача талай асарларни саҳналаштирдилар. Ҳатто шундай драматургларимиз ҳам борки, улар музикали драмани «ўз жанрлари» деб атайдилар, асосан, шу соҳада ижод этадилар. Марҳум Аҳмад Бобожон ана шундай драматургларимиздан эди. Унинг совет воқелиги ва халқимизнинг турли тарихий даврлардаги курашларини акс эттирган «Хоразм эртаси», «Ошиқ Ғариб», «Армуғон», «Ғазал фожиаси» каби асарлари музикали драмалардир.

Кейинги йилларда яратилган музикали драмалар орасида Зиннат Фатхуллин ва Шукур Саъдулланинг тарихий темадаги «Ватан ишқи» асари ажралиб туради. Бу асар биринчи галда мураккаб инсоний тақдир ва оригинал характерларни чуқур социал ҳаётий кураш жараёнида ўткир драматик конфликтларда таъсирли тасвирлаш жиҳатидан диққатга сазовордир. Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, тарихий темаларда яратилган аксар пьесаларда характерлар аниқ, пухта ва бир-бирига ўхшамайди, уларнинг интилишлари, бу йўлдаги кураш шароитлари реал ва ўзига хос. Шунинг учун ҳам бундай асарларда чинакам ҳаётий тўқнашувлар, кучли конфликтлар, чуқур коллизияли инсоний драмалар гуворҳи бўламиз. «Ватан ишқи»га ҳам худди шундай фазилатлар хосдир.

Драма авторлари асардаги образларни, айниқса бош қаҳрамон Субҳонқул характерини уларнинг қалбида юз берган ўсиш-ўзгаришларни чуқур инсоний кечинмаларда ифодалайдилар. Субҳонқул характерига хос сифатлар, у тушиб қолган шароит реал ва ҳаётийлиги, мураккаб ва кескинлиги билан драмадаги асосий персонажларни қамраб олади. Шунга кўра асар марказида Субҳонқул характери, унинг тақдири туради.

Субҳонқул янглишиб, боши айланиб, совет ҳокимиятининг душмани — босмачилар томонига ўтиб қолади. Унинг характеридаги бўшанглик, қўрқоқлик азиз оиласидан, она қишлоғидан ажралиб, руҳий азоб чекишига, қийиналишига сабабчи бўлади. Унинг характеридаги ўзгаришни кўрсатиш учун авторлар ҳаётий драматик ситуациялар яратадилар: босмачиларнинг разведкачиси сифатида келган Субҳонқул янги, совет ҳаётини, ёри Нарзи, фарзанди Зулфи, она қишлоқ ва қадрдон та-

[1] Мазкур иккинчи мақолада, асосан, музикали драма ва комедиялар тўғрисида фикр юритилади.

ниш-билишларини кўриб, ғоят таъсирланади, қалби ўртанади, босмачиларга берган қасами билан қадрдон жой ва кишиларга бўлган муҳаббати исканжасида қолиб, руҳан эзилади. Субҳонқул чуқур ҳаётий кечинмалардан кейин хатоларига тушунади, айбига иқрор бўлади, тўғри йўлга ўтади ва она Ватанга бўлган ишқида содиқ қолади. Авторлар гражданлар уруши йилларида босмачилар таъсирида қолган, социалистик революция моҳиятини тездан тушуниб етмаган, аслида софдил деҳқонларнинг типик вакилини мураккаб ва оригинал характер эгаси Субҳонқул тимсолида типиклаштирганлар.

Драмадаги ижобий образлар орасида Нарзи янги даврнинг озод ва курашчан аёлларига хос хусусиятларни ўзида мужассам этган. У ўз даврининг типик фарзанди, халқ орасидан чиққан ватанпарвар, қўрқмас, бардошли ва чинакам инсоний аёл сифатида эсда қолади. Нарзи сиймосида республикамизда советлар ҳокимиятининг дастлабки йилларида жонбозлик кўрсатган қишлоқ советларининг мардонавор раҳбарларини кўрамиз.

Авторлар драма конфликтининг салбий қутбида турган Давронбек, Азимбой, Едгорбек каби душман вакилларини ҳам индивидуаллашга, ўз социал гуруҳларининг типик кишилари бўлишига эришганлар.

Пьесадаги айрим образлар, масалан, чегарачи қўшинлар отряди бошлиғи Кузьмин етарли индивидуаллашмай, схематик характерда бўлиб қолган. Шунингдек, пьеса асосида яратилган ва ҳозирда ҳам саҳнада қўйилаётган спектаклда драматик ҳаракатни бўғувчи, воқеалар оқимига мантиқан боғланмовчи ўйин-кулгилар, ашулалар, баъзан ишонтирмовчи, сохта психологизмлар учрайди. Бундай нуқсонлар асарнинг эмоционал кучини бўғади. Лекин энг муҳими шундаки, авторлар тарихий воқеликни инсоний характерлар орқали ҳаққоний ва эстетик таъсир кўрсатадиган даражада ифодалаганлар. Шу сабабли бу асар театр саҳналарида узоқ яшаб турибди.

Аксар музикали драмаларда замондошларимиз ўй-фикрларини ифодалаш, уларнинг жамиятда тутган ўзгартувчилик ўрнини кўрсатиш асосий ўринни эгаллайди. Исмоил Акромнинг шойи тўқув фабрикаси меҳнаткашлари ҳаётига бағишланган «Фароғат» (1957), Душан Файзийнинг жисмоний меҳнатни енгиллаштириш ва пахтачиликда механизацияни кенг жорий этиш учун курашаётган колхозчилар ҳаёти акс этган «Зарафшон қизи» (1961), Назир Сафаровнинг халқларимиз дўстлиги ва илғор совет кишиларининг поклиги ифодаланган «Қимга тўй, кимга аза» (1963) каби музикали драмалари ва қатор комедиялар шундай асарлардандир.

Замонавий темадаги музикали драмаларнинг сон кўрсатгичлари ҳали кўнгилдагидек сифат кўрсатгичларига олиб келганича йўқ. Уларнинг кўпчилиги адабиёт ва санъатимиз тараққиётида сезиларли из қоллирмаётир. Бунинг бош сабаби пухта ва қўл урилмаган ҳаётий муҳим масалаларни кўтариб чиқувчи, кучли ва оригинал инсоний характерларни жиддий ҳаётий тўқнашувларда гавдалантирувчи бақувват пьесаларнинг йўқлигидадир. Мавжуд асарларда ижтимоий проблемалар персонажлар шахсий ҳаётининг ажралмас қисми даражасида ёрқин ифодаланмаётир. Оддий кишиларимизнинг ҳозирги ҳаётда тутган муҳим ўзгартувчилик роли ва ўрнини тўла тушиниб етиш процесслари чуқур ҳаётийлик билан очиб берилмаётир. Драматик асарнинг асосини ташкил этувчи конфликти — илғорлик билан қолоқлик, янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш янги-янги ҳаётий мазмун ва оригинал характерлар фаолиятида ўз ифодасини топмаётир. Замонамизнинг илғор қаҳрамони беозор, ювош ва кўнгили бўш шахс эмас. Унинг, биринчи навбатда, ғолибкор, муросасиз ва принципиал инсон эканлиги баъзан унитилаётир.

Гарчи, бундай илғор замондошларимиз «Ҳуррият», «Имон», қисман «Шубҳа» каби соф драматик пьесаларда мавжуд бўлса-да, катта салмоққа эга бўлган музикали драмаларимиз бу жиҳатдан жуда оқсамоқда. Энг муҳими, драматургларимиз саҳна асарларининг стиль, услуб ва форма томонидан ҳар хил бўлиши соҳасида изланиш, новаторлик сифатларини кўрсатмаётирлар. Сохталиклар, бир-бирини такрорлашлар устун бўлиб қолмоқда.

Замонавий темадаги мавжуд музикали драма ва комедияларимиз орасида Назир Сафаровнинг «Қимга тўй, кимга аза» асари яхшигина фазилатлари билан ажралиб туради. Аммо унда конфликт ва қаҳрамонлар характерини очишда, темани ёритишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Унинг асосидаги масалалар билан «Имон» даги масалада принципиал фарқ деярли йўқ. Иззат Султон илм-фан соҳасидаги плагиаторларга илғор кишиларимизни қарши қўйса, Назир Сафаров ишчилар синфи орасидаги ўғри ва плагиатор интеллигентларни очади, виждонлиликни улуғлайди. Пахта териш машинасининг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан Ҳасан яратган ихтиро проектининг Қамолов томонидан ўзлаштириб олиниши ва унинг фош қилиниши бу пьесанинг сюжети асосида ётади. Автор асарда айрим ҳаётий образлар яратишга эришган, албатта. Бундай образлардан бири Қазаковдир.

Қазаков заводдаги кўп йиллик ҳалол меҳнати туфайли пенсияга чиққан. У, жамият ва халқ манфаати билан яшайди, ёшларни, қўниқўшниларни ҳалоллик ва фидокорликда қўллаб-қўлтиқлайди. Ёшлар ижоди ва ташаббусига раҳна солувчи Қамолов сингари мунофиқ ва плагиаторларни аёвсиз фош қилади. У табиатан камтар, очиқ кўнгил, одамшаванда, самимий, ғамхўр ва принципли шахс. Бундай сифатлар қаҳрамоннинг индивидуал томонларини очади, эсда қолдиради. Рус кишисига хос юз хотир қилмай, кишилар камчилигини дангал айтиш Қазаков характерига янада ҳаётий руҳ бахш этган, унинг эстетик таъсир кучини оширган.

Драматургнинг ниятича, Ҳасан бош қаҳрамон бўлиши лозим эди. Автор мазкур образда ҳаётийликка, баъзан таъсирчанликка эришсада, уни қиёмига етказа олмаган. У ўз мақсади йўлида, Камоловнинг ўғрилигини очиш борасида етарли изчил ва қатъий эмас. Севиклиси Зуҳранинг даъвот этишига қарамай, Ҳасан иккиланади, унга қарши чиқишда зарур журъат ва дадиллик кўрсатолмайди. Унда илғор ёшларимизга хос ҳужумкорлик ва курашчанлик сифатлари сусайтирилади. Тўғри, Қамолов билан Ҳасан ўртасидаги айрим тўқнашувлар (Ҳасаннинг «даъвойим йўқ» деган мазмундаги аризага қўл қўйдирмоқчи бўлиб келганидаги учрашув) ҳаётий, кучли ва таъсир қолдиради, характер драматизмини кучайтиришга, уни эсда сақлаб қолишга хизмат қилади. Бироқ бундай мазмунли тўқнашувлар оз, улар саҳнадан ташқарида бўлади. Зуҳра фаолиятида ҳам шундай пассивлик бор. Асарнинг бош қисмида илғор ёшларимизнинг типик хусусиятларини ўзида гавдалантирган, қатъий, дадил ва ҳужумкор қиз сифатида танила бошлаган Зуҳра кейинчалик, ишдан ноҳақ ҳайдалгач, воқеалардан четлашиб қолади. Ваҳоланки, унинг бошига тушган бу туҳмат Зуҳра ва бошқа персонажларнинг ички дунёсини очишда, унинг курашчан руҳини кўрсатишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бунинг ўрнига у ишдан ҳайдалганини Қазаковга зорланиб айтади ва кўз ёш тўкади, унинг асар бошидаги дадиллигига кейинги кайфиятлари монанд келмайди. Асардаги кураш марказида турмаганидан бу образ ҳам етарли очилмай қолган.

Персонажларнинг хатти-ҳаракатида, айрим деталь ва ситуацияларда реализм, яъни ҳаққонийлик етишмайди. Буни биринчи галда Ҳасан

яратган ихтиро чертёжининг Қамолов қўлида қолиб кетиши фактида кўрсак, иккинчидан, ихтиро копиясининг уйдан топилиши каби фактларда кўрамиз. Қамолов тоифасидаги кимсалар ҳаётда ғоят айёр ва тулки. Шунга кўра Қамолов ўзгаларнинг ижодини ўзлаштириш учун, табиийки, зарур ва ишончли асосга суяниши керак эди.

Автор эса бундай муҳим томонларни эътиборсиз қолдиради. Ахир, Ҳасан берган проектни Қамолов қандай қилиб ўзлаштириб олди? У, Ҳасанда проектнинг копияси бор ёки йўқлигини ўйлаб кўрмадими? Қамолов ўз характерига биноан бу каби қатор ҳаётий ва қонуний саволлар устида бош қотирган, уларга зарур тадбирлар кўрган. Реализм, ҳаётий талаб шуни тақозо қилади. Бунинг устига қалб ҳарорати ва бутун вужуди билан яратилган ихтиро копиясига Ҳасаннинг асардагидек бепарво ва лоқайд қараши (копиясини уйида эҳтиёт қилмайди, Қамоловдагисини қайтиб олмайди) сохта ва ҳаққоний эмас. Проект копиясининг Онахоннинг бисот қутисидан топилиши ҳам тасодифий ва сунъийдир. Шу жиҳатдан Иззат Султоннинг «Имон»идаги Орифи характери чуқур ҳаётий мантиқ асосига қурилган. Ориф марҳум Юсуповнинг асл қўлёзмасини қўлга туширганидан кейингина уни «ўзиники» қилиб олганди. Шунинг учун ҳам биз бу фактнинг ҳаққонийлигига, реализм кучига шак келтира олмаймиз ва тўла ишонамиз. «Кимга тўй, кимга аза»да проект копияси топилиши билан масала ҳал бўлади, ундан кейинги воқеалар эса конфликт ечимининг изоҳи, холос. Конфликт ечимидан кейинги изоҳ драматик тур учун ортиқча юкдир.

* * *

Драматургиямизнинг кейинги йиллардаги тараққиётига разм солсак, замонавий темаларга бағишланган сатирик асарларнинг сон жиҳатидан анча солмоққа эга эканлигини кўрамиз. Ҳаётимизда, кишилар онгида, уларнинг турли-туман характерларидаги камчилик ва иллатлар сатирамизга материал бераётир. Иккинчи томондан эса, коммунистик жамият қуришни жадал суръатлар билан олиб бораётган халқимизда вақтичоғлиқ руҳининг, юмор ҳиссининг ортиб бориши, «ўзининг ўтмиши билан кулиб ажрашиш»[2] кайфиятининг тобора кучайиши сатирик жанрларнинг жонланишини тақозо қилмоқда. Партия XX съездидан кейинги йилларда ҳаётимиздаги камчиликларга муросасиз бўлиш, танқидий руҳнинг ўсиши сатирик жанрларнинг жонланишига олиб келди. Буни кейинги яқин йиллар орасида юзага келган Ҳамид Ғуломнинг «Фарғона ҳикояси» (1959), Босит Ҳалилнинг «Раис уйланармиш» (1960), Шукур Саъдулланинг «Икки билагузук» (1962), Ҳамза Умаровнинг «Ишқинг билан» (1963) ва бошқа қатор музикали ҳамда соф драматик комедиялар фактида кўрамиз.

Мазкур комедиялар ғоявий-бадиий томондан бир даражада эмас, албатта. Уларда айрим ҳаётий образ ва қизиқарли ситуациялар мавжуд. Бироқ музикали драмалардаги аксарият нуқсонлар, айниқса бир-бирини такрорлаш уларга ҳам хос. «Фарғона ҳикояси» билан «Раис уйланармиш»даги ижтимоий масала ва конфликтларда принципиал фарқ, ўзига хослик йўқ. Пахтани экиш ва теришда янги усулни қўллаш, машинадан кенг фойдаланиш шу икки асар асосидаги проблемадир. Бу масала драматургиямизнинг ўзидагина жуда кўп тилга олиндики, натижада қаҳрамонлар характери ва тақдирида, воқеалар ривожида бирор жиддий фарқни сезиш қийин бўлиб қолди. Конфликт бу комедияларда ҳам эски, қолоқ раис билан янги, илғор раис ўртасида, қолоқ жоҳил ота билан қизи ёки онаси ўртасида келиб чиқадиган зиддиятлар асосида бў-

[2] К. Маркс и Ф. Энгельс об искусстве, т. I, Москва 1957, стр. 54.

лади. Пьесаларнинг тугалланишида ҳам жиддий фарқ сезилмайди — ҳаммаси ўз мақсадига эришади, англашилмовчиликлар осонгина барҳам топади.

Тематика жиҳатидан бир мунча фарқ қилувчи «Икки билагузук», «Ишқинг билан» комедияларида ҳам такрор образ ва ситуацияларни, ишончсиз ва жўн зиддиятларни кўрамиз. Олий ўқув юртини тугатган ёш мутахассиснинг қишлоққа бориб ишлаши ёки ишламаслиги, қолоқ фикрли отанинг ўз қизини севмаган кимсага беришга уриниши («Икки билагузук»), айрим шахсларнинг колхозда ҳалол меҳнат қилмай, чайқовчилик билан машғул бўлиши, қайнона билан келин орасидаги машмашалар («Ишқинг билан») адабиётимизда кўп такрорланган. Тўғри, бу асарлардаги ҳодисалар ҳаётда учраб туради. Лекин авторлар мавжуд ҳаётий кураш ва фактлар асосида яхлит инсоний типик характерлар яратиш ўрнига уларни мисоллар билан кўрсатадилар, иллюстрация қиладилар, образларнинг маънавий дунёсини очиш ўрнига енгил-елпи, ишончсиз ва бачкана ситуацияларни биринчи планга чиқарадилар.

Муқимий номли театрда кейинги вақтда қўйилаётган аксар комедиялар асосида чинакам ҳаётий комик ситуация ва конфликт ётмайди. Шу сабабли уларда тасодифий ва юзаки англашилмовчиликларга қурилган, актёрларнинг масхарабозчиликларига орқа қилиб ёзилган, томошабиннинг талаб ва савияси эътиборга олинмаган ғайри табиий узуқ-юлуқ можараларни кўрамиз.

Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» (1962) музикали драмаси ҳам қайд этилган нуқсонлардан ҳоли эмас. Бу асар баъзи ҳаётий характерлари, «мамлакатимиз ичидаги илмий дунёқарашнинг асосий душманларидан»[3] бири бўлган диний иллатларга қарши қаратилганлиги билан маълум эстетик аҳамиятга эгадир. Асарда асосий воқеа Тошболтанинг уйида махфий мачит очилиши атрофида боради. Диннинг бойлик орттириш учун дастак қилиб олган Муҳаммадсолиҳ Тошболтанинг динга бўлган эътиқоди сўниб битмаганлиги, соддалиги, Рисолатга унинг ошиқлиги каби фактларга асосланиб, ҳийлакорлик билан махфий мачит очишга муваффақ бўлади, назр-ниёз йиғади. Бироқ ижобий кучлар таъсирида тез орада мачит ёпилади, ошиқ-маъшуқлар топишади.

Асарда, аввало, мачитнинг Тошболтаникида очилиши етарли ишонтирмайди. Чунки унинг ўғли коммунистик меҳнат бригадасида ишловчи илғор ёшлардан. Комедияда диннинг вакиллари олиб бораётган зарарли оқибатлардан кулиш, характерларни асосли очиш муҳим эди. Чунки диннинг кишилар онгидаги, психологиясидаги таъсирини йўқотиш учун кураш партиямиз олиб бораётган сиёсатнинг ҳал қилувчи томонларидандир. Шу сабабли комедиянинг фош этиш пафоси заиф ва таъсирли эмас.

Автор ҳақиқий дин пешвосини фош этиш ўрнига илгари магазинда сотувчи бўлиб, халқ ва давлат мулкига хиёнат қилгач, қамалиб чиққан муттаҳам Муҳаммадсолиҳни нишонга олади. Демак, диннинг ҳақиқий пешволарига хос хусусият бу шахсда типиклаштирилмаган. Шундай бўлса ҳам, у мачитда Атифахолани — «куф-суф» қилиб «тузатади» (?). Бунинг эвазига Атифа ош худойи қилади. Хўш, бу ерда аслида дин пешвоси бўлмаган Муҳаммадсолиҳга шунчалик ихлос орттирилса, ҳақиқий дин пешволарига нисбатан онги қолоқ кишиларда эътиқод туғилмасмикан? Ахир, дин намояндалари ва «пирлар»нинг аксарияти Муҳаммадсолиҳ ва Қори («Тобутдан товуш») сингари сохта ва растратачи эмас-ку? Бу фактлар ёзувчининг воқеаларга юзаки қараганини, тамомила реакцион идеологиянинг зарарли ва чиркин томонларини чуқур очиб ташлашни эътибордан четда қолдирганини кўрсатади.

---

[3] Л. Ф. Ильичевнинг КПСС Марказий Комитетининг 1963 йил, 18 июнь Пленумидаги докладидан. «Қизил Ўзбекистон», 1963 йил, 19 июнь сони.

Комедиянинг бош қаҳрамони Тошболтада ҳаётийлик, индивидуаллик мавжуд. У ҳаётни севувчи, хушчақчақ, содда, дўлвар, қалбан пок киши. Тошболта дин кетидан қувмаса ҳам, унга ишонади. Лекин асарда у деярлик ўзгармайди, диннинг иллатларидан жирканмайди. Тошболтанинг азон айтиш, намоз ўқиш пайтларида ўзини тутиши диндан қайтмаган қаҳрамон характерига, ахлоқига, ҳақиқатга тамомила зид ва бачкана қилиқлардир. Буларнинг ҳаммаси томошабинни чуқур социал мазмунли кулгидан маҳрум бўлган эрмак характеридаги саёз кулгига тортиш ва масхарабозликка майдон яратиш учун қилинган, холос. Ахир, томошабин театрга фақат кулиш учун келмайди, балки ўз тушунчасини бойитиш ва янги нарсаларни ўрганишни ҳам истайди.

Комедияда танқидий пафосинг тўғри партиявий позицияда эмаслиги сохта «пир»нинг асарда на жисмоний ва на маънавий фош бўлмай қолишида ҳам кўринади. «Тошболта ошиқ» ғоявий позицияси ва сатирик тиғининг ўтмаслигига кўра адабиётимизнинг илгариги даврларида яратилган «Майсаранинг иши» (Ҳ. Ҳ. Ниёзий), «Гулсара», «Нурхон» (Яшин), «Ҳийлаи шаърий», «Шум бола» (Ғафур Ғулом), «Майиз емаган хотин», «Қабрдан товуш», «Бемор» (А. Қаҳҳор), «Довдираш», «Тепалик мозор», «Ҳалала» (Ғайратий) сингари атеистик руҳи кучли асарлар сафини бойита олмади.

Бу даврда соф драматик характердаги комедиялар ҳам пайдо бўлди. «Тоға-жиянлар», «Тобутдан товуш» шундай асарлардандир.

Рамз Бобожоннинг қалдирғоч саҳна асари — «Тоға-жиянлар» бинокор қурувчилар ҳаётига бағишланди. Мазкур комедия фақат замонавий муҳим тематикаси билангина эмас, балки характерларни юмористик планда ёритиш, уларнинг ички дунёсини очиш томонидан ҳам фазилатларга эга. Рамз Бобожон қурувчилар сафидаги масъулиятсиз ва қолоқ кишилар устидан ҳукм юритишда музикали комедияларимизда учровчи зўраки, бачкана, эрмак тарзидаги кулгидан, штамп ва схемалардан қочиб, қаҳрамонлар ҳаётига, руҳига дадил ва эркин кириб боради, уларни ҳаётий, реал ситуацияларда кўрсатади. Комедиянинг муҳим фазилати ундаги кулгининг томомила ҳаётий ҳақиқатга, реализмга асосланганлиги ва самимийлигидадир.

Қурилиш бошлиғи Меҳмонхўжаев ўз хизматлари билан обрў ва эътибор орттирган, оқибатда тўралашиб, оммадан четлашиб қолган. Унинг индивидуал сифатларига хос иллатларнинг муҳими, Меҳмонхўжаев хушомадгўйликни хуш кўради ва иш соҳасида сифат кетидан эмас, аксинча, сон кетидан қувади, унинг учун пландаги кўрсатгичга эришиш идеалдир. Сиртдан қараганда, Меҳмонхўжаев характерига юмор ҳисси, сатирик образга хос сифатлар ётдай сезилади: у камчиликларга эга бўлган, хато ва янглишларга йўл қўйган киши. Бундай кишилар адабиётимизда анчагина акс этди. Аммо автор унинг иш услубини, характерини очишда шундай оригинал ҳаётий комик ситуациялар яратадики, кишида ўз-ўзидан жамиятимиз тараққиётига тўғаноқ бўлувчи, иллатларни танқид этувчи мазмунли ва самимий кулги уйғотади. Бунга эришишда автор, аввало, драматик ҳаракатни белгиловчи кучлар нисбатини тўғри жойлаштиради.

Меҳмонхўжаев ва унинг пинжига кириб олиб, қурилиш материалларини зимдан талон-торож қилувчи Бўрибой каби шахслар қаршисида инженер Дилбархон, парторг Жўра Содиқович, пенсионер Фозил ота каби илғор кишилар туради. Мана шу ижобий кучлар томонидан бамаслаҳат Фозил ота кўчиб ўтган янги уйда уюштирилган зиёфатда Меҳмонхўжаев иш услубининг хунук ва зарарли оқибатлари қаттиқ кулги остига олинади, асар драматизми кучайиб, конфликт кескинлашади: янги уйнинг поллари қийшиқ-қинғир, бўёқлар пала-партиш чапланган. Меҳ-

монхўжаев буларни кўриб ичдан зил кетади. Секретарь қиз туфлиси пошнасининг пол ёриқларига кириб қисилиб қолиши, Бўрибой костюмига деворнинг оқи ёпишиб, тегирмонга кирган кишидек бўлиши, печка қоракуясининг Меҳмонхўжаев афтига чапланиши томошабин ва китобхонда чуқур кулги уйғотади. Бу кулги қаршисида унинг айбдорлари ўзларини «худди боғланган қуёндек ҳис қилади»[4]лар.

Меҳмонхўжаев ҳаётий ва кулгили ситуацияларга тушиб, ўзига хулоса чиқара бошлайди. Унинг характерида ўзгариш пайдо бўлади. У кишиларни англашга, уларнинг сўзига эътибор беришга, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳамда у ишнинг сифати тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур бўлади. Шулар асарнинг комедиялилигини таъминлайдиган бош омилдир.

Драматург бошқа образлардан ҳам асар комизмини кучайтиришда, Меҳмонхўжаев характерини очишда усталик билан фойдаланади. Соқижон билан Боқижон шундай ҳаётий ва комик характерлардандир. Пароним шаклидаги бу сўз — исмларнинг қофиядошлиги уларни юмор ҳисси билан суғорган. Бунда автор фольклорга хос юмористик элементлардан фойдаланган. Бу образларнинг хатти-ҳаракати, воқеаларга аралашишлари, чуқур ҳаётий ва чинакам комик руҳга эгаки, улар эстетик завқ бағишлайди, асардаги характерларнинг очилишига ёрдам беради.

«Тоға-жиянлар» комедиясининг муҳим нуқсони Меҳмонхўжаев характерининг ўзгариб тузалишида ва асар финалидадир. Комедиядаги конфликт Фозил ота уйидаги меҳмондорчилик воқеасида ўзининг юқори босқичига кўтарилади. Шундан бошлаб характерлар ва воқеалар финални талаб қилади. Аммо автор Меҳмонхўжаевни ҳавозадан йиқитиб касал қилиш, унинг Бўрибойдан тамомила юз ўгиришни кўрсатиш мақсадида асарни бефойда чўзади.

Рамз Бобожоннинг бу асари ижодий муваффақиятни ҳаётийлик, реализм таъминлашини яна бир бор кўрсатди. У адабий тилимизни бинокорлик касбу корига хос сўзлар, образли ифодалар, янги ва реал комик ситуациялар билан бойитди.

Айрим танқидчилар «Тоға-жиянлар» комедия эмас, деган даъво билан чиқишди. Жумладан, Турсун Собиров «Замонавийлик ва ўзбек совет драматургияси»[5] деган мақоласида шундай янглиш фикрни олға сурди. Авторнинг бундай фикри асоссиз ва бадиий ижод тажрибаларидан узоқдир. Чунки комедия адабий ижод формаси сифатида қотиб қолган ва ўзгармас категория эмас, унинг ниҳоятда турли кўринишларда бўлиши табиийдир. «Тоға-жиянлар»да кулги асарнинг ҳарл қилувчи хусусияти эканлиги уни комедия жанрига мансуб этган. А. Толстой бу жанр намуналарининг ҳар хил бўлиши мумкинлигини таъкидлаган ва ёқлаган, ўз асарлари мисолида исботлаган эди. «Комедия,— деб ёзади атоқли санъаткор,— трагедия, драма, мелодрама сингари қатъий тушунчага эга эмас. Майнабозликдан иборат водевиллан тортиб, «Ревизор» каби трагикомедиягача комедиядир. Унинг умумий белгиси кулгидир... комедия аралаш типда бўлиши, яъни у сатирани ҳам, лирикани ҳам, ҳаётнинг қусурларини беғараз тасвирлаш ҳамда унинг яхши томонларини тасдиқлашни ҳам ўзида мужассам этган ҳолда келиши мумкин... Санъат доимий қилиб қўйилган доирани тан олмайди. У узлуксиз давом этади, ўзгаради, ҳар бир ҳодиса муносабати билан янги-янги шаклларни келтириб чиқаради. Унга темир қолип тарзида ёндошувчи, санъат намуналарини шу қолипга сиғдиришга уринувчи, сиғса, демак, яхши деючи, сиғмаса, уни йўққа чиқарувчи танқидчи ноҳақдир»[6]. Ажойиб адибнинг бу сўзлари ибратли ва эътиборга лойиқдир.

---

[4] Н. В. Гоголь, О литературе, Госполитиздат, М., 1952, стр. 86.
[5] «Шарқ юлдузи», 1963, йил 9-сон, 151-бет.
[6] А. Толстой, О литературе, Москва, 1956, стр. 96—97.

Т. МИРЗАЕВ

«АЛПОМИШ» НАШРИНИНГ ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛАРИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, ўзбек халқ эпоси ўзининг илғор ва барқарор анъаналари асосида устоздан шогирдга ўтиб, оғзаки традиция ҳозиргача давом этиб келмоқда. Илмий адабиётда жуда тўғри қайд қилинганидек, бўлажак бахши — шогирд ўз устозидан унинг репертуаридаги барча достонларни бир неча йил давомида эшитиш орқали ўрганади. Эпик асарни устоз ижросида эшитиш орқали ўрганиш асосий ва ҳал қилувчи усул ҳисобланган, чунки ўзбек достончиларининг ўз шогирдларига профессионал таълим беришлари ана шундай ўргатиш билан белгиланган[1]. Бундан ташқари, турли характердаги китоблардан ўқиб ёки ўқитиб ўрганиш ҳодисаси ҳам қисман бўлган. Масалан, Фозил отанинг тасдиқлашича, «Санобар», «Бўтакўз» каби асарлар халқ китоби сифатида тарқалгандан кейингина, Булунғур достончилари репертуарига кирган[2]. Аммо китобдан ўрганиш процесси жонли оғзаки традицияда типик ҳодиса бўлмай, жуда ҳам оз учрайдиган ҳолатдир.

Социалистик ижтимоий тузум шароитида халқимиз маданий ҳаётидаги буюк ўзгаришлар — ёппасига саводхонлик, радио ва телевидениенинг ривожланганлиги, кўплаб газета, журнал ва китобларнинг нашр этилиши, халқ театрлари ва маданият университетлари ролининг кучайиши, меҳнаткашлар маданий савиясининг ўсиши жонли оғзаки традицияга маълум даражада таъсир кўрсатмоқда. Ана шундай бир шароитда фольклорда давом этаётган процесслар тўғрисида ўйлашга тўғри келади. Хусусан, традицион текст — репертуар устоздан ташқари яна қайси йўллар билан шогирдга — давомчига ўтаётганлигини аниқлаш жуда ҳам зарур. Ҳозирча ҳаёт бахшиларимизнинг маълум бир қисмининг саводли эканлигини ва махсус устоздан ўтмаганлигини ҳисобга олганда, бу масала янада аҳамият касб этади.

Бизнинг давримизда шундай шароит вужудга келдики, халқ ижодчиси у ёки бу фольклор асарини устозидан эшитиш билан бир қаторда, унинг нашридан ўзи ўқиб олиш имкониятига ҳам эга бўлди. Достончининг ўзи ўқий олиш даражасига етишган даврда унинг репертуаридаги эволюция ва интерпретацияларни ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга. Буни нашр этилган фольклор асарларининг жонли оғзаки традицияга қай даражада таъсир этаётганлигини текшириш орқали ҳал қилиш мумкин.

Қитобдан, шу жумладан, бевосита нашр этилган фольклор асарларидан ўрганиш процессини кўпчилик халқлар оғзаки поэтик ижодида кузатиш мумкин. Масалан, қозоқ фольклористларининг тасдиқлашича,

---

[1] В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 35—38.

[2] Ўша асар, 286—293-бетлар.

1899 йилда Қозонда Юсуфбекхўжа Шайхулислом ўғли томонидан бостириб чиқарилган ва ундан кейин яна бир неча марта нашр этилган «Қиссаи Алфомиш» қиссахонлар, оқинлар ўртасида жуда кенг тарқалган. «Алпамыс» достонининг А. Нисонов, Роҳат вариантлари «Қиссаи Алфомиш»дан ижодий ўрганишнинг маҳсули ҳисобланади. «Қисса» таъсирида «Алпамыс» булар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган[3]. Ёки, А. Диваев томонидан 1901 йилда бостириб чиқарилган «Алпамыс»нинг қорақалпоқча Жиемурот Бекмуҳаметов варианти 1922 йилги нашрида қозоқ достончилари ўртасида кенг тарқалган. Буни номаълум қозоқ қўлёзмасидан фольклорист А. Конротбоев томонидан кўчириб олинган вариант тасдиқлайди[4].

Бундай бир ҳол, яъни нашр этилган фольклор асарларидан ўрганиш процесси маълум даражада ўзбек фольклорида ҳам давом этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достони нашрининг ўзбек достончиларига таъсири ҳақида баъзи фактлар ва мулоҳазаларни айтиш фойдадан холи эмас.

Маълумки, бу достон биринчи марта анчагина тўлиқ шаклда 1939 йилда нашр этилган эди[5]. Шундан кейин яна бир неча марта босилиб чиқди. Бу достон халқимиз маданий ҳаётига чуқур кириб борди ва катта шуҳрат қозонди, китобхонларимизнинг севимли асарларидан бирига айланди. Барча китобхонлар қатори саводли бахшиларнинг ҳам «Алпомиш» достонини ўқиганликлари шубҳасиздир. Бундан илгарироқ, 1935 йилда «Алпомиш» достони Берди бахши вариантининг ҳам анчагина қисми нашр этилган эди[6]. Бахшилар репертуарини ўрганиш шуни кўрсатдики, Берди бахши варианти нашрининг достончиларга таъсири бўлмаган, бу нашр достончилар ўртасида тарқалмаган. Кейинги йилларда ўзбек халқ достончилари оғзидан ёзиб олинган «Алпомиш» вариантларини кузатганда, айрим бахшилар репертуарига Фозил шоир варианти нашри жуда кучли таъсир этганлиги сезилади. Бунинг фактларини 1962 йилда ёзиб олганимиз Тожикистон ССР, Данғара район, Қўшқия қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Соибназар ўғли вариантида ва 1964 йилда М. Муродов ёзиб олган Янгиқўрғон район, Ораріқ қишлоғида яшовчи Раззоқ Қозоқ ўғли вариантида яққол кўрамиз[7].

Ўзбек фольклористларининг достончилар репертуарларини кузатишлари, у ёки бу вариантни қиёсий ўрганишлари шуни кўрсатдики, бир неча бахшиларнинг, ҳатто айни бир мактабга мансуб ижодчиларнинг репертуарларидаги достонлар бир-бирига ўхшаса-да, уларнинг текстларида муҳим фарқ бўлади. Ҳ. Т. Зарифовнинг кўрсатишича, бу ҳар бир бахшининг маҳорати ва достончиликдаги даражаси билан белгиланади[8]. Шунинг учун ҳам «Алпомиш достони вариантлари композицион қурилиши, ғоявий-тематик хусусиятлари ва сюжет состави жиҳатидан бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлса-да, уларнинг текстлари бошқа-бошқадир, текстуал мослик йўқ даражададир. Бошқача қилиб айтганда,

---

[3] Н. Смирнова, Т. Сыдыков, О казахских версиях «Алпамыса». В кн. «Алпамыс-батыр», под редакцией М. О. Ауэзова и Н. С. Смирновой, Алма-Ата, Изд-во АН КазССР, 1961, стр. 455—257.

[4] Т. Сыдыков, Сведения о версиях «Алпамыса», Указ. кн., стр. 499—500.

[5] Fazil Joldaş oqli, Alpamiş. Ишлаб босмага тайёрлагани Ҳамид Олимжон, Т., Ўздавнашр, 1939. Бундан кейин нашрига қараб, «Алпомиш», 1939 ёки «Алпомиш», 1957,—деб кўрсатамиз.

[6] M. Bizrik Salihov, Oktabrgaca bolgan ozbek oqizaki adabijati (Folklor) Т., Ўздавнашр, 1935, 86—145-бетлар.

[7] Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архиви, қўлёзма, инв. № 1532, 1577. Бундан кейин шу манбалардан олинган мисолларнинг бети саҳифада текст орасида кўрсатилади.

[8] В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 42.

достоннинг бир вариантидаги бадиий текстни иккинчисида ёки учинчисида сира ҳам учратмаймиз. Қонкрет олганда, Фозил Йўлдош ўғли вариантидаги бадиий текст кўпчилик вариантларда мавжуд эмас. Аммо Аҳмаджон Соибназар ўғли ва Раззоқ Қозоқ ўғли вариантларида эса, акс ҳол кўзга ташланади, яъни уларнинг вариантларидан Фозил шоирнинг бадиий жиҳатдан юксак текстларини истаганча топса бўлади. Бу нарса «Алпомиш» достонининг Аҳмаджон ва Раззоқ Қозоқ ўғли репертуарига киришига ва мустаҳкам ўрнашиб қолишига достоннинг нашр этилиши, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатганлиги билан изоҳланади.

Бу ерда адабий таъсир масаласи ёзма адабиётдагидек қўйилмоқчи эмас, балки «Алпомиш» нашридан ўрганилганлигини тасдиқлаш учун айрим текстуал муносабатлар қайд қилинади, холос. Бунда таъсир ҳақида гапирилганда, аввало, «Алпомиш» нашридан ўрганилганлиги, яна тўғрироғи, ундан ёдланганлиги кўзда тутилади. Зотан, традицион текст устоздан шогирдга биринчи навбатда эшитиш ва ёдлаш орқали ўтади.

Аҳмаджон вариантида «Алпомиш» нашрига нисбатан текстуал ўхшашликлар фақатгина умумий ўринлар — эпик клишелар, доимий стилистик формулалардагина эмас, балки монолог, диалог ва айрим тасвирий ўринларда ҳам мавжуд. Буни қуйидаги мисоллар тасдиқлайди:

Фозил Йўлдош ўғли вариантида ўн олти уруғ Бойсин-Қўнғирот элида ўтган Алпомиш авлоди шажараси бир неча мисраларда бадиий юксак равишда шундай ифодаланади:

Ўнолтуруғ Бойсин-Қўнғирот элида,
Илгарида пайдо бўлди Довонбий,
Довонбийдан пайдо бўлган Олпинбий,
Олпинбийнинг ўғли эди Бойбўриман Бойсари,
Бойбўрининг ўғли Ҳаким қайсари
Бек Алпомиш эди Қўнғирот беклари
(«Алпомиш», 1939, 291-бет).

Бундай сатрларни бошқа бирор вариантда учратмаймиз. Буни Аҳмаджон соқида баъзи бир кичик ўзгаришлар билан қуйидагича ўқиймиз:

Илгарида пайдо бўлган Довонбий,
Довонбийдан пайдо бўлган Олпинбий,
Олпинбийнинг ўғли эди Бойбўриман Бойсари,
Энди чиқди Ҳакимбекдай қайсари (қўлёзма, 16-бет).

«Алпомиш» достони вариантларида Бойсарининг Қалмоқ элига кўчиши сабаблари ҳар хил талқин этилади. Фозил шоирда эса, бу закот (солиқ) масаласидан келиб чиқади ва Алпомишнинг савод чиқариб, китоб ўқиши билан боғланади:

Қурсин Ҳакимбеги мулла бўлибди,
Безакот молларни ҳаром билибди,
Қўнғирот элдан молга закот келибди...
Ўз акамга ўзим закот бергунча,
Бошқа юртда жузя бериб юрайин.... (28-бет).

Аҳмаджон Фозил Йўлдош ўғлидаги мана шу эпизодни олиб, ундаги айни сатрларни ҳам ёдлаган:

Бойбўрининг Ҳакими мулла бўлибди,
Безакот молларни ҳаром билибди,
Ўн арзачи йиғилишиб келибди...
Ҳакимбекка закот бериб юргунча,
Бошқа элга жузя берсак бўлмайми (23—24-бетлар).

Бу ерда ўзгариш асосан тўртинчи мисрададир: «Ўз акамга ўзим закот бергунча» мисраи «Ҳакимбекка закот бериб юргунча» тарзида ўзгартирилади. Бу ўринда закот масаласининг Ҳакимбекнинг савод чиқариб, китоб ўқиши билан боғланиши, шунингдек, бошқа айрим вариантларда

(Берди бахши, Абдулла шоир, Ҳамро Эргаш ўғли) закот (солиқ)ни солувчи ва тўплаб олувчи Ҳакимбек,— деб талқин қилиниши эсланса, юқоридаги ўзгариш тасодифий эмаслигига, балки асар руҳига мос эканлигига қаноат ҳосил қилинади. Иккинчидан, бу ижронинг оғзакийлиги ва импровизация билан боғлиқдир.

Фозил Йўлдош ўғлининг «Алпомиш» достонидаги Барчинни излаб қалмоқ элига борган Ҳакимбекнинг Мурод тепада Қоражон билан биринчи марта учрашуви эпизоди ва ундаги диалоглар қаҳрамонлик эпоси учун жуда характерли ўринлардан биридир (119—120-бетлар). Бунда Алпомиш ўзини «нор», «лочин», ёри Барчинни эса «моя», «суқсур» деб атайди. Қоражон ҳам худди шундай кўчма маънодаги иборалар билан жавоб беради. Булар, биринчидан, халқ поэзиясида жуда кенг қўлланадиган ижобий маънодаги поэтик образлар бўлса, иккинчидан, кўчманчи — чорвадор халқнинг турмуш шароитидан келиб чиққандир. Аҳмад соқи бу ўринда ҳам Фозил шоирдан ўрганган:

— Мени билсанг Қўнғиротларнинг оғаси.
Бошимда бор етти сардор жиғаси,
Ез бўлса яйловим Аму ёқаси,
Белимга ярашган ҳақнинг тўқаси,
Мен бўларман Қўнғирот элнинг тўраси.
Бойлигимдан бедов отлар бойлаган,
Тангқа тайлаб Олатовни ёйлаган,
Қамбағалим қирқ минг гала ҳайдаган,
Шу галадан бир мояни қочирдим
Моянинг йўқчиси, нори бўларман...
—...Нар-моянг юрибди Чилбир даштида,
Бир минг беш юз тиллали овсар бошида,
Шу кунлар нар-моянг довруқ устида,
Тўқсон қалмоқнинг той-талошида.
Учирган суқсуринг ойкўл қўнибди,
Ул гирдини тўқсон ғажир олибди... (110—112-бетлар).

Фозил Йўлдош ўғли қаҳрамоннинг руҳий ҳолатларини, ички кечинмаларини тасвирлашда ниҳоятда уста халқ санъаткоридир. Бу нарса унинг «Алпомиш» достонида ҳам акс этган. Алпомиш етти йиллик тутқинликдан кейин жонажон диёри — Қўнғиротга томон йўлга тушар экан, унинг бутун қалбини Ватан меҳри, қадрдон уруғ аъзолари ва қариндошлари соғинчи чулғаб олади. Унинг қалбидан ягона истак — элни кўриш истаги жой олган. Бу истак уни турли кечинмаларга олиб келади:

Тоғлар азиз бўлар, туман бўлмаса,
Йўллар азиз бўлар, карвон юрмаса,
Боғлар азиз бўлар, боғбон бўлмаса,
Мулки хароб бўлар, халқи бўлмаса,
Менда қарор қолмас элни кўрмаса,
Сўрагани ҳеч бир одам бўлмаса... (288-бет).

Талантли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли изидан борган Аҳмад соқида бу мисралар қуйидагича вариация беради:

Йўллар азиз бўлар, карвон юрмаса,
Боғлар азиз бўлар, боғбон бўлмаса,
Мулки хароб, сўрарга халқи бўлмаса,
Тоғлар азиз, чалар туман турмаса,
Мен келганим элу халқим билмаса,
Бу чўлларда биров мени кўрмаса... (қўлёзма, 265-бет).

Аҳмаджон Фозил Йўлдош ўғлининг «Алпомиш» достонининг ўзи билган вариантдан устунлигини сеза билган ва бу классик намунадан кенг фойдаланиб, кўп сатрларни ёдлаб, ўз репертуарини бойитишга ҳаракат қилган. Унинг вариантида айрим сатрларнинг тушиб қолиши, баъзи сўзларнинг ўзгариши, бир қанча ҳолатларнинг бошқачароқ тал-

қин қилиниши, янги мисраларнинг қўшилиши кўпроқ механик ҳодисадек кўринади. Бундай ҳолатлар ижронинг оғзакийлиги ва Фозил шоир вариантини тўлиқ ўзлаштириб олмаганлиги билан ҳам изоҳланади. Масалан, Фозил шоирдаги:

Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга,
Ажалли касратки тегар илонга;
Индан чиқиб, пишак билан ҳазиллар
Магар ажал қамсаб келса сичқонга,—

каби мисралар (119—120-бетлар) Аҳмад соқида:

Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга,
Ажалли касратлар текса илонга,
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар.

сингари бир сатр туширилиб, «тегар» сўзи ўринсиз «текса» формасида берилади (111-бет). Натижада мисралар узвийлиги ва алоқадорлигига халал етказилади, нарса ва предметлар ўртасидаги мутаносиб (мушук ва сичқон; илон ва мушук) бузилади. Бу ҳолат Аҳмаджон вариантида «Алпомиш» нашридан ўрганиш процесси батамом ишланиб етмаганлигини кўрсатади.

Аҳмаджон «Алпомиш» нашридан ўрганиш билан бир қаторда, ўзининг репертуарини бутунлай ташлаб, Фозил шоир вариантини бошданоёқ ёдлаб ҳам олган эмас, балки ўз устозидан эшитган, ўзи билган вариантдаги эпизод ва мотивларнинг баъзиларини тўлиқ ёки чала ҳолда сақлаган ҳамдир. Мана шундай ўринлардан бири Алпомишнинг ўз хотини тўйи устига созанда бўлиб келиши эпизодидир: бунда Қултой қиёфасида хотини тўйи устига келган Алпомиш ўзидан қолган дўмбира билан бошидан ўтган воқеаларни «Қултойники» қилиб куйлайди. Барчиш унинг дўмбира чертишидан Алпомиш эканлигини билади.

Фозил Йўлдош ўғли варианти достоннинг жуда қадимий хусусиятларини кўп сақлаган бўлишига қарамай, унда қаҳрамоннинг ўз хотини тўйига созанда қиёфасида келиши мотиви сақланмаган. Достоннинг юзага келишига асос бўлган ва бизгача етиб келмаган қадимий заминида ана шундай мотивнинг борлигини «Алпомиш» билан генетик боғлиқ бўлган «Бомси — Байрак» достони тасдиқлайди. Бомси ҳам, худди Аҳмаджон вариантидаги Алпомишдек, ўз хотини Бонучечак тўйи устига ўз қиёфасини яшириб созанда (қўбизда куйловчи ўзон) сифатида келади ва унинг ким эканлиги қўшиғидан маълум бўлади[9].

Юқоридагиларга асосланиб, «Алпомиш» достони Аҳмаджон репертуарига икки йўл билан: а) достон нашридан ўрганиш, б) ўз устози ва бошқалардан эшитиш орқали кирган,— деб ҳисоблаймиз. Аммо бунда «Алпомиш» нашридан ўрганиш асосий ва етакчи ҳисобланади.

«Алпомиш» достони нашридан ўрганиш Аҳмаджон Соибназар ўғли вариантини кейинги йилларда ёзиб олинган айрим вариантлардан ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан маълум даражада юқори савияда туришига имкон берган. Аммо Аҳмаджон Соибназар ўғли «Алпомиш» нашридаги барча афзалликларни ўзлаштириб ола билмаган. Зотан, бу оз фурсатда мумкин ҳам эмас. Унинг вариантида Фозил шоирдаги лаконизм ва ифодадаги аниқлик, мисраларнинг ўзаро алоқадорлиги ва узвийлиги, шеърдаги афоризмлилик, тасвирдаги пухталик, кенглик ва бадиий пишиқлик унча кўринмайди.

---

[9] В. Бартольд, Китаби-Коркудь, IV, Зап. Вост. отд. имп. русск. арх. о-ва, т. XV, С.—П., 1903, стр. 11—16. Бу бироз қисқартирилиб «Ўзбек фольклори» хрестоматиясида босилган. Қаранг: Hadi Zarif, Özbek folklori, Т., Ўқувпеддавнашр, 1939, 23—25-бетлар.

Раззоқ Қозоқ ўғли вариантида ҳам, худди Аҳмаджонда бўлганидек, «Алпомиш» нашридаги бадиий текстлар анчагинадир. Фикрнинг исботи учун мисолларга мурожаат этайлик:

Фозил Йўлдош ўғлининг «Алпомиш» достонида Барчин ёри Ҳакимбек ҳақида фахрланиб гапиради. Зеро, унинг симпатияси қаҳрамонликни ўзида мужассамлантирган Алпомишдадир:

Эр Алпомиш ёрим бордир,
Элда зўраборим бордир,
Қатордаги норим бордир,
Шундай қайсарим бордир («Алпомиш», 1957, 65-бет).

Бу сатрлар Раззоқ Қозоқ ўғлида шундай кўриниш беради:

Алпомишбек ёрим бордир,
Қатордаги норим бордир,
Юртда эътиборим бордир,
Унда менинг шунқорим бордир (47-бет).

Фозил шоир тасвирида Барчин халқимизнинг «олп қиз» ҳақидаги қадимий идеалларини ўзида мужассамлантирган, Алпомиш билан ҳақли равишда фахрлана оладиган, куч-қудратда у билан тенг турувчи аёлдир. У қалмоқ олпларига қарата:

Эркак либосини ўзим киярман,
Бор кучимни билагимга йиғарман,
Қирқ мингингни бир деб санаб қирарман (56-бет),—

дер экан, бунда ҳеч қандай муболаға йўқ. Раззоқ Қозоқ ўғли бу ўринда ҳам Фозил шоир изидан борган:

Эркаклар либосин бунда киярман,
Бор кучимни билагимга йиғарман,
Нор кесар олмосим белга чаларман,
Бир мингингни бир деб санаб қирарман (49-бет).

Фозил шоир вариантидаги Алпомиш тилидан айтилган:

Душман кўрсам, кесиб бағрин тузлайман,
Аслим шерман, ўзим йўлбарс излайман (168-бет).

каби мисралар қаҳрамонлик эпоси руҳига, халқимизнинг ботирлик анъаналарига тамомила мосдир. Бундай бадиий юксак сатрлар бошқа бирор вариантда ҳам учрамайди. Фақат «Алпомиш» достонининг нашри туфайлигина бу мисралар Раззоқ Қозоқ ўғли репертуарига кирган:

Қалмоқ кўрсам, кесиб бағрин тузлайман,
Аслим шерман, ўзим йўлбарс излайман (98-бет).

Фозил шоир вариантида Алпомиш қалмоқлар юртида зиндондалигида уни излаб келган Қоражонни Тойчихон қўйган жосус, деб ўйлайди ва унга ғурур билан шундай дейди:

Мен Алпомиш назаркарда ботирман,
Ботирликдан бу зиндонда ётирман,
Омон-эсон ўлмай чиқсам зиндондан
Тойчихон юртини изиллатарман,
Жосус бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга (191-бет).

Раззоқ Қозоқ ўғли вариантида ҳам айни сатрлар мавжуддир:

Мен Алпомиш назаркарда ботирман,
Ботирликдан шу зиндонда ётирман,
Жосус бўлсанг, айтиб боргин шоҳингга
Ўлмай, бахтим шу зиндондан қутқазса,
Қалмоқлар юртини изиллатарман (195-бет).

Бу хилдаги текстуал ўхшашликларни яна анча келтириш мумкин. Аммо шуларнинг ўзиёқ Раззоқ Қозоқ ўғли репертуарининг бойишида «Алпомиш» нашри муҳим роль ўйнаганлигини тўла тасдиқлайди.

Умуман, адабиёт ва санъатда бўлганидек, ўзбек достончилигида ҳам бадиий маҳоратни юксалтиришга, ижронинг профессионал даражасини оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу борада достончиларнинг ўзаро учрашиб туришлари, бу учрашувларда бир-бирларидан ўрганишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Утмишда бундай учрашувларга алоҳида диққат қилинган. Достончиларнинг ижодий учрашувлари ўзига хос маҳорат мактаби ролини ўйнаганки, бундай учрашувларнинг қатнашчилари у ёки бу талантли айтувчининг муваффақиятли чиққан вариантини ўзлаштириб олганлар ва шу йўл билан ўз репертуарларидаги асарларнинг бадиий савиясини юксалтирганлар[10]. Ривоятлар баъзи достонларнинг энг яхши вариантларини, бир қатор эпизодлар тасвирини айрим талантли импровизатор-шоирлар номи билан боғлайдики, бундай шоирларнинг «ижодкорлик шахси», муваффақиятли янгилиги ва ижодий импровизацияси бадиий ва профессионал маҳоратни юксалтиришда муҳим намуна, ижобий ўрнак бўлиб хизмат қилган.

Халқ оғзаки поэтик ижоди намуналари кенг кўламда нашр этилаётган бизнинг замонамизда бундай ижодий ўрганишнинг горизонтлари янада кенгайди. Энди бахшилар учун у ёки бу достоннинг нашр этилган энг яхши вариантини ўзи ўқиб ёки ўқитиб эшитиш орқали кенг танишиш имконияти туғилди. Улар бу имконият туфайли (ўтмишда бундай имконият доираси жуда тор эди) айтувчини шахсан кўрган ва билган бўлмасалар-да, унинг энг яхши варианти билан ўз репертуарларини бойитиб бормоқдалар, бадиий маҳоратларини юксалтирмоқдалар. Халқ оғзаки поэтик ижодининг нашр этилаётган намуналаридан ўрганиш процессининг аҳамияти ҳам ана шулар билан белгиланади.

Юқорида ана шундай процесс, яъни халқ оғзаки поэтик ижодининг босилиб чиққан намуналаридан ўрганиш процесси ўзбек фольклорида ҳам давом этаётганлигини қайд қилиш учун «Алпомиш» достони нашридан Аҳмаджон Соибназар ўғли ва Раззоқ Қозоқ ўғлининг ўрганганлигини тасдиқловчи баъзи бир мисоллар келтирдик, холос. Зотан, бу процессни ҳар жиҳатдан ёритиш махсус текширишни талаб қилади. Фольклорнинг нашр этилган намуналарининг жонли оғзаки традицияга қай даражада таъсир этаётганлигини кўп фактлар асосида атрофлича ўрганиш бу масалани янада ойдинлаштиради.

---

[10] В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос, М., ГИХЛ, 1947, стр. 38—42.

МУҲАММАДЖОН ҲАКИМОВ

МАҚОЛ ТЕРМИНЛАРИ ҲАҚИДА

Фольклорнинг бирор жанрини ўрганишда, аввало, шу жанрнинг терминлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш лозим. Ўзбек фольклорини ўрганишда қўшиқ терминлари ҳақида Музайяна Алавия, топишмоқ терминлари ҳақида Зубайда Ҳусаинова ва эртак жанри терминлари ҳақида М. Афзаловнинг ишлари мавжуд[1].

Мақол фольклорнинг энг қадимий, энг ихчам, энг фалсафий жанридир. Дунёда бир неча миллион кишини ташкил қилган халқлардан тортиб бир неча минг кишини ташкил қилган халқларгача ўз мақолига эга. Дунёда тиллар борки, у тилларда мақол мавжуд.

Мақол терминлари бир қанча халқларда *айтмоқ, сўзламоқ* феълларидан ясалган сўзлардан иборат. Масалан: русларда **пословица, поговорка;** араб, форс, тожик тилларида **мақол, масал, зарбулмасал;** афғон (пушту) тилида **матал:** курд тилида **масала** каби терминлар қўлланади[2]. Ўзбек тилида бу жанрни кўрсатувчи бир неча терминлар ва сўз бириқмалари мавжуд: **мақол, масал, матал, нақл, мисол, зарбулмасал, ҳикмат, ҳикматли сўз, танбеҳ, машойиҳлар сўзи, ҳикматли мақол, ҳикматли гап, ҳақ сўз, донишмандлар сўзи, ҳакимлар сўзи, оқинлар сўзи, оталар сўзи, қадим (қадимгилар)** сўзи. Бу терминларнинг бир нечасини айнан ёки бирор фонетик ўзгаришлар билан туркий тилларнинг кўпчилигида учратиш мумкин.

Биз мақол терминлари устида фикр юритиб, уларнинг назарий жиҳатдан айрим фарқлари ва қўлланиш доиралари ҳақида гапирамиз.

Мақол مقال (арабча قول айтмоқ ўзагидан). Ўзбек тилида мақол сўзи икки маънони англатади.

1. Умуман сўз, калима, нутқ маъносида. Масалан:

Кремлдан келди севинч ҳам ширин **мақол,**
Саодатлик соат экан эл бўлди масрур[3].

2. Биз текшираётган жанрнинг номи сифатида. **Мақол** сўзи ўзбек тилида жуда қадимдан мавжуд, чунки бу сўз ўтмиш адабий ёдномаларда кўп учрайди. Бу ёдномаларда **мақол** сўзи юқорида айтилган биринчи маънода келади. XIX асрнинг охирларига келиб **мақол** сўзи фольклорда шу жанрнинг номи сифатида ишлатила бошлади. Жумладан, XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Туркистон ўлкасида нашр қилинган турли мактаб дарсликлари

---

[1] Музайяна Алавия, Ўзбек халқ қўшиқлари, Т., ЎзФА нашр, 1959; Зубайда Ҳусаинова, Топишмоқ терминлари, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1960, № 3; М. Афзалов, Эртак жанри, Уша журнал, 1961, № 4.

[2] Немис тилида sprihwort, инглиз тилида proverb, француз тилида provezbe терминлари қўлланади.

[3] Ҳабибий, Танланган асарлар, Т., Ўзадабийнашр, 1960, 286-бет.

ва хрестоматияларида мақоллардан намуналар берилса مقال сарлавҳаси остида берилар эди[4]. Лекин асримизнинг 20-йилларигача **мақол** термини умумлашмади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шеърий асарларида ҳам деярлик учрамади[5]. 20-йиллардан бошлаб Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий ва Садриддин Айнийларнинг асарларида ишлатила бошлади. Ниҳоят ҳозирги пайтда проза, поэзия ва драма асарларида энг кўп истеъмол қилинади. Масалан:

Эй мен ичикиб суйган ёрим, бу қандайин бадбахтлик бўлдики, мен сенинг кўнгилдагидек чоғ-чоғида кийинтириш кунида ёруғ дунёнинг бошқа-бошқа ширин неъматлари билан яшатмоққа бечораликдан қўлим қисқадир. Етимнинг оғзи ошга етишса, бурни қонар, деган бурунгилар мақоли бари меним учун айтилган туюлур[6].

Кундузни тун деб ўйлаб сархадга келди ўғри,
Кўршапалак охири оташга келди тўғри.
Тушар доим эсимга — ўзбек **мақолидир** *бу:*
Ким аввал мушт кўтарса, албатта, кўрқоқ келди[7].

Ота-боболардан қолган **мақол** *айтади бироқ;*
Машаққатсиз ёрнинг васлига етиб бўлмас[8].

Мақол термини бир неча туркий тилларда: бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, татар, уйғур тилларида учрайди. Тожик тилида ҳам бу термин бор. Тожик фольклоршунос олимлари **мақол** термини тожик тилида русча «пословица» маъносини эмас, балки русча «поговорка» терминининг муқобили бўла олади, деб кўрсатадилар[9]. **Мақол** сўзи форс тилида ҳам тожик тилидаги каби маънога эга.

Мақол сўзининг иштирок этиши билан ҳам мақоллар яратилган. Масалан:

Сўз кўрки — **мақол**, *эр кўрки — соқол*[10].

Бу мақол татар тилида[11] ва қозоқ тилида[12] ҳам мавжуддир.

Мақол термини шу жанрни кўрсатувчи бошқа терминлардан, айниқса **матал, ҳикматли сўзлардан** назарий жиҳатдан тубдан фарқ қилади. Мақол ва маталларни бир-биридан айира билишда атоқли рус фольклористи В. И. Дальнинг кўрсатмаларига қўшилиш лозим. Акс ҳолда мақол ва маталларни бир-биридан айириш қийин бўлади. В. И. Дальнинг кўрсатишича, мақоллар маталлардан шу жиҳатдан ажраладики, уларда маъно, муҳокама ва хулосанинг тўлиқлиги характеридир[13]. М. А. Рибниковнинг рус халқ мақоллари ҳақида айтган қуйидаги таърифи мақолнинг мазмун ва формасини яна ойдинлаштириб беради: «Мақол жонли тилга киритилиб, унда равшанлиги, бадиий образда жамланган фикри, қулайлиги ва хушоҳанглиги билан ажратиб туради. Мақол — бу маъноси ва шаклининг қимматига кўра бадиий асардир. Мақол тако-

---

[4] Мақоллардан намуналар берилган мактаб дарсликларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: В. П. Наливкин, Терма китоб, Тошкент, 1896; Али Асқар Қалинин. Муаллимус-соний. Тошкент, 1903; Саидрасул Саидазизов, Устоди аввал, Тошкент, 1900, 1903.

[5] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шеърий асарларида масал термини қўлланган.

[6] Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Танланган асарлар, Ўздавнашр, Т., 1949, 162-бет.

[7] Ҳамид Олимжон, Танланган асарлар, 1-том, 245-бет.

[8] Ғафур Ғулом, Танланган асарлар, 2-том, 42-бет

[9] Зарбулмасал ва мақолҳой тожикй. Душанба, 1960, 13-бет.

[10] Бу мақолнинг халқда «Йигит кўрки — соқ(қ)ол, бозор кўрки — боққол» варианти ҳам бор (А. П. Остроумов, Пословицы туземного населения Туркестанского края, Ташкент, 1888).

[11] Ноқий Исанбат, Татар халқ мақоллари, 1-том, Қозон, 1959, 10-бет.

[12] Ғ. Саломов, Мақол ва идеомалар таржимаси, Тошкент, 1961, 102-бет.

[13] В. И. Даль, Пословицы русского народа, Москва, 1957, 18—20-бетлар.

миллашган муҳокама, тугалланган фикрдир»[14]. М. А. Рибниковaнинг бу таърифини ўзбек халқ мақолларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Мақоллар аксарият икки қисмдан иборат бўлиб, унинг иккинчи қисми хулосадан иборат бўлади. Масалан:

Еридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.
Эл бошига тушган иш — эр бошига тушгани,
Юрт қўрисанг ўзарсан, қўримасанг тўзарсан[15].

Мақолларнинг иккинчи қисмидаги тугал фикр — хулоса маталларда кўринмайди. Масалан: *«Тегирмон навбати билан», «Токни қирқмасанг Қашқарга етади», «Шўрали ерда ўт битмас», «Эски кийимнинг иссиғи йўқ»*[16] ва ҳоказо. Маталлар кўпинча дарак характерида бўлиб, фикр ва муҳокаманинг элементларидан иборатдир. «Матал,—деб ёзади М. А. Рибникова,— бу тилда луғат билан ёнма-ён турадиган сўз оборотларидир. Бу — тилда сони жуда катта бўлган бўлинмас сўз бирикмасидир»[17].

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ўзбек халқ мақолларини ва маталларини фикрнинг бадиий ифодаси ва формаси жиҳатидан уларни бир-биридан ажратиш баъзан мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолатда мажозий маънолар катта роль ўйнайди. Масалан: *«Тикилган қозон қайнамас», «Шакарнинг ози ширин», «Эгилган бошни қилич кесмас», «Қарс икки қўлдан чиқади»*[18]. Бундай ҳолатларда маталлар ҳам мақол сингари таълимий-тарбиявий фикрлар, панду насиҳат, маслаҳат каби турли-туман маъноларни англатади.

Мақол ва маталлар назарий жиҳатдан бир-биридан фарқ этилсада, умуман практикада, бадиий асарларда ажратилмайди. В. И. Дальнинг «Пословицы русского народа» номли китобининг сўзбошисида мақол ва маталларнинг бир-биридан айирмасини кўрсатишга тиришганлигини юқорида айтган эдик. Лекин В. И. Дальнинг ўзи ҳам амалда рус халқ мақоллари, маталлари, ҳикматли сўзлари; ҳатто, топишмоқ, тез айтиш ва бошқа жанрларни тўплаб, «Рус халқ мақоллари» («Пословицы русского народа») деган битта ном билан атаган ва нашр этган.

Совет даврида ўзбек совет адабиётида яратилган жуда кўп асарларни кўздан кечириш ҳам мақол ва маталларнинг амалда фарқ қилмаслигини кўрсатади. Мақол ва маталлар бадиий асарларда бир неча терминлар билан алмашиб кела беради.

Мақол ва ҳикматли сўзларнинг айирмаси ҳақида. Мақол ва маталларнинг ўзи ҳикматдан иборат. Аммо ҳикматли сўз ёки афоризм[19] деганда мақол даражасида кенг маънони тушунмаймиз. Кўпинча ҳикматли сўз ёки афоризм деганда бирор шоир ё адибнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак даражада турувчи панду ҳикматомуз маҳсулотларини тушунамиз. Навоийга мурожаат қилайлик.

Навоий «Хамса», «Хазойинул-маоний», «Маҳбубул-қулуб», «Лисонут-тайр» каби асарларида маъноси мақол даражасига кўтариладиган афоризмлар ижод қилди. Биз уларнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри Навоий мақоллари деб атай олмаймиз, балки Навоий афоризмлари деб айтсак тўғрироқ бўлади. Чунки том маъноси билан мақол бўлиши учун Навоийнинг афоризмлари турмушга — халқ орасига кириб кетган бўлиши керак.

---

[14] М. А. Рыбникова, Русские пословицы и поговорки, Москва, Изд. АН СССР, 1961, 14—17-бетлар.
[15] Ўзбек халқ мақоллари, 1960, 19, 20, 22-бетлар.
[16] Ўша тўплам, 149—152-бетлар.
[17] М. А. Рыбникова, Ўша асар, 16-бет.
[18] Ўзбек халқ мақоллари, 132—137-бетлар.
[19] Афоризм сўзи юнонча aphorismos дан бўлиб, ҳикматли сўз демакдир.

Навоийнинг халқ орасига кенг тарқалиб, том маъноси билан мақолга айланган афоризмлари ҳам бор. Масалан:

Тилга эҳтиёрсиз, элга эътиборсиз,
Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.
Билмаганни сўраб ўрганган олим ва
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшил,
Эрнинг қилиғи — сутнинг илиғи[20].

Ўзбек совет ёзувчиларининг асарларида ҳам кўплаб афористик ибора ва парчалар учрайди.

Рус адабиётида И. А. Крилов, А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, А. Н. Островский, М. Е. Салтиков-Шчедрин, А. Н. Тольстой, А. М. Горький, В. В Маяковский ва бошқалар ўз ижодий фаолиятларида афоризмларни кўплаб ишлатганлар. Уларнинг кўпи рус халқ ҳаётига сингиб, мақол ва маталларга айланиб кетган.

Масал مثل (арабча ўхшамоқ демакдир). Масал сўзи ҳозирги ўзбек тилида икки маънони англатади.

1. Бирор мақсадни изоҳлаш учун келтириладиган қисса, ҳикояча (русча «басня» ўрнида ишлатилади).

2. Мақол термини сифатида.

Мақол термини сифатида **масал** араб, форс, тожик ва озарбайжон тилларида ҳам мавжуд. Ўзбек ва озарбайжон тилларидан бошқа туркий тилларда бу терминни мақол билан бир қаторда қўлланишини учратмадик.

Ёзма адабиёт манбаларига суяниб **масални** термин сифатида энг қадимий деб биринчи ўринга қўйиш мумкин. Ўзбек адабиётининг кўп асрли адабий ёдномаларидаги кўпчилик мақоллар **масал** термини билан берилган. Юсуф хос Хожиб, Аҳмад Югнакий, Дурбек, Лутфий, Навоий, Бобир, Турди, Гулханийларнинг адабий меросида масал тез-тез учраб туради. Бир неча мисол келтирайлик:

Навоийдан:

Асру машҳурдур бу сўзда бали,
«Ит урар — корвон кечар» **масали**[21]

Бобирдан: «**Масал** борким: Душман не демас, тушга не кирмас»[22].

Масал терминининг классик адабиётда машҳур эканлигини илмий асарлардан ҳам билиш мумкин. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» номли асарида мақол ишлатган шоирлар ҳақида гапирар экан Мавлоно Тусийни — **масалгўй** ва ғазалгўй эрди, шеъри басе омфириб эрди; Мирзо Хожи Суғдийни — **масални** яхшиғина боғлағон; Мавлоно Сайфийни— **масал** тариқин баҳоят яхши айтти[23] деб алоҳида таъкидлайди.

Масал термини Октябрь революциясидан кейин кам ишлатила бошлади (мақол термини етакчи ўринга ўтгандан кейин). Ҳозирги адабиётимизда проза ва драма асарларида **масал** деярли учрамайди. Поэзияда эса баъзан учрайди. Масалан:

Билурмиз халқ орасида **масал** *бор:*
Бўлур минг ишчига бир бошчи даркор[24].
Тинглар эдим у ўлмас Ҳофиз садосин,
Офарин деб санъатда мангу софликка,

---

[20] Алишер Навоий, Маҳбубул-қулуб, Ўзбек адабиёти, 2-том, Тошкент, 1959, 538, 540, 543-бетлар.

[21] Алишер Навоий, Хамса, ЎзФА нашр, Т., 1960, 613-бет.

[22] Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Бобирнома, ЎзФА нашр, Т., 1960, 204-бет.

[23] Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, ЎзФА нашр, Т., 1961, 22, 76, 86-бет.лар.

[24] Ҳабибий, Танланган асарлар, 275-бет.

Ким эшитса Тўйчининг хушбахт нидосин,
Аттанг,дейди ўтмишда ноинсофликка.
Шундай қилиб тўқилган элларда **масал:**
Умр темир бўлса ҳам эрур бир маҳал,
Абадий тирик лекин қўшиқ ва ғазал[25].

Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида **масал** иштироки билан «Ёлғон **масал** турмас» деган мақол ҳам бор[26].

Зарбулмасал ضرب المثل (арабча масал урмоқ демакдир).

Зарбулмасал форс, тожик тилларида мақол учун асосий термин ҳисобланади. Буни тожик мақолларининг текстида ҳам кўриш мумкин: *«Зарбулмасал — дар гап асал»* (Зарбулмасал — гапда асал), *«Зарбулмасал — зарби асал»* (Зарбулмасал — асалнинг кучи), *«Зарбулмасал — дар суханат зарби асал»* (Зарбулмасал — сўзингда асалнинг кучи), *«Зарбулмасал — кафшири сухан»*[27] (Зарбулмасал — сўзнинг кавшари). Зарбулмасал терминини ўзбек тилидан бошқа туркий тилларда учратмадик.

Зарбулмасал классик адабиётда ҳам учрайди. Ҳозирги замон адабиёти асарларида кам учрайди.

Классик адабиётда **зарбулмасал** деганда баъзан битта мақол эмас, балки бир қанча мақоллар, хатто мақоллар йиғиндиси ҳам тушинилган (Гулханий ўз асарида кўплаб мақоллар келтиргани учун ҳам уни «Зарбулмасал» деб аташидан ҳам шу маънони тушуниш мумкин).

Матал مثل . Бу терминнинг топишмоқ маънолари ҳақида З. Ҳусаинова фикр юритиб, этимологияси тўғрисида ёзади: «Матал билан масал ўртасида лингвистик бирлик борми, яъни бу иккала сўздаги *т* билан *с* товушлари ўртасида фонетик ҳодиса рўй бериб, *с т* га қўчганми-йўқми, бу ҳақда биз қатъий бир фикр айта олмаймиз»[28]. Матал сўзини масалдаги *с* (س)нинг *т* (ت) га ўтиши натижасида келиб чиққан деб айтиш мумкин. Араб тилидан бошқа тилларга ўтган баъзи сўзларда товуш алмашинишнинг юқоридаги ҳодисасини кўриш мумкин: Жумладан, ҳозирги замон ўзбек тилидаги хизмат сўзи арабча хидмат (خدمت) сўзидаги *д* нинг *з* га ўтишидан; маҳсум сўзи арабча маҳдум (محدوم) сўзидаги *д* нинг *с* га ўтишидан ҳосил бўлган.

Шундай қилиб, **матал** масалдан ўзгариб, мустақил сўз ҳолига келиб бир неча тилларга кириб кетган. **Матал** афғон (пушту) тилида мақол учун етакчи термин ҳисобланади. Матал кўпчилик туркий тилларда учратилмади. Қозоқ тилида «поговорка»нинг эквивалентини билдиради. Матал ҳақидаги назарий мулоҳазаларни юқорида айтиб ўтдик.

Матал ўзбек классик адабиётда учрамади. Совет давридаги ўзбек ёзувчиларининг асарларида кам кўринади. Жумладан, Шариф Ризонинг «Қор ёғди, излар босилди» повестида икки марта ва Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романида уч марта термин сифатида келтирилган.

Матал термини, юқорида айтиб ўтилганидек, практикада мақолнинг бошқа терминлари билан аралаш ишлатилаверади[29].

---

[25] Шайхзода, Чорак аср девони, Т., 1958, 221-бет.
[26] Гулханий, Зарбулмасал ва ғазаллар, Т., 1960, 20-бет.
[27] Зарбулмасал ва мақолоҳи тожикй. Душанба, 1960, 6-бет.
[28] Зубайда Ҳусаинова, Топишмоқ терминлари, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 3, 32-бет.
[29] Масал ва матал терминларининг топишмоқ маънолари ҳақида Зубайда Ҳусаинованинг юқоридаги мақоласига қаралсин. Матал термини ўзбек тилининг Сурхондарё, Самарқанд ва Фарғона областидаги баъзи шеваларида эртак маъносини ҳам беради (М. И. Афзалов, Эртак жанри, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», журнали, 1961, № 4).

Нақл (نقل) арабча кўчирмоқ, ўтказмоқ демакдир. Ўзбек тилида икки маънони англатади.

1. Баён қилмоқ, ҳикоя қилмоқ, ривоят қилмоқ.

Масалан:

Нақл қилиб бу афсонадан
Сўйлар яна йигит шонадан.

. . . . . .

Қўп узайди чигитнинг **нақли,**
(Қўпни кўрган ... Балки у ҳақли.)

. . . . . .

Ҳайр дедим чигит **нақлига**
Ва сўз бердим терим аҳлига[30].

2. Мақол терминларига эквивалент.

Ўзбек тилида нақл сўзи билан «Яхши нақл — томири ақл»[31] деган мақол ҳам бор. **Нақл** термини қорақалпоқ тилида ҳам бор. Ў қорақалпоқ мақоли текстларига ҳам кириб кетган. Ёзувчи Асқад Мухтор «Қорақалпоқ қиссаси» номли асарида нақл сўзи текстда иштирок қилган «**Нақлни** бир айтмаса ақлсиз айтмайди, ақлли одам ҳангомасини **нақл**сиз айтмайди»[32] деган қорақалпоқ мақолини келтиради. **Нақл** термини адабий асарларда жуда кам учрайди. Бу термин ўзбек адабий тилида умумлашмаган.

Бадиий асарларда мақоллар келтирилганда айтиб ўтилган **мақол, масал, матал, зарбулмасал, нақл** терминларидан ташқари, қуйидаги ибора ва сўзлар билан бирга ҳам қўлланади: **ҳикмат, ҳикматли сўз, ҳикматли мақол, ҳикматли гап, ҳақ сўз, эл сўзи, қадим сўзи, қадимгилар сўзи, оқинлар сўзи, оталар сўзи, ҳакимлар сўзи, машойихлар сўзи, донишмандлар сўзи, эл дейди, деган гап, дейди, деган, дебди, демиш, дерлар, деганлар.** Бу хил ибора ва сўзлар мақолдан олдин ёки кейин келиши мумкин. Баъзан шеърий асарларда мақол текстининг орасида ҳам келади. Юқоридаги сўзларни мақол билан бирга қўллаш келтирилган гап халқ мақоли эканлигини тўғридан-тўғри кўрсатиш, тасдиқлаш, алоҳида уқтириш учун хизмат қилади.

Масалан:

Жойинг жаннат бўлгур қайнатам
Айтардики, изғирин агар
Тилсиз ёвдай босса илк куклам
Тутун туттат — ўтади хатар,
Қадим сўзи *эмас беҳикмат.*

Ота — азиз, юртчи, ундан ҳам
Шундай деган қадим боболар[33].

Қўпчилик кўл, унуми мўл, **деган каби**
Кўкан хурсанд, ип қочирган гўё лаби[34]

Шу нарсани қайд қилиш керакки, ўзбек тилида мақол учун ва бадиий асарда мақол келтириш учун ишлатиладиган термин ва сўзлар жуда кўп. Лекин буларнинг ичида практикада кўп ишлатиладигани **мақол** терминидир. Диалектларда мақол терминларининг эквивалентларини аниқлаш, тўплаш ва ўрганиш навбатдаги масаладир.

---

[30] Шайхзода Чорак аср девони, 252-бет.
[31] Ўзбек халқ мақоллари, 84-бет.
[32] Асқад Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси, Т., Ўзадабийнашр, 1958, 108-бет.
[33] Ойбек, Танланган асарлар, 1-том, Т., 1957, 299, 303-бетлар.
[34] Ғ. Ғулом, Танланган асарлар, 1-том, Т., 1956, 224-бет.

Ш. ШУКУРОВ

-ДУҚ ФОРМАСИ ТАРИХИДАН

Туркий тилларда, айниқса тарихан, сифатдош формалари синтактик функциялари кенг ривожланган грамматик категория эканлиги маълум. *-дуқ* ҳам ана шулардан биридир. Бу форма феъл негизига қўшилиб ўтган замон сифатдошини ясайди.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, *-дуқ* формасининг қўлланишида ва грамматик маъноларида тарихан сезиларли ўзгаришлар бўлган. Аниқроғи, ўрхун-енисей текстларида, қадимги уйғур тилига доир манбаларда ва XI аср қорахонийлар даври адабий тили ёдгорлиги бўлмиш „Қутадғу билиг"да *-дуқ* кенг қўлланган бўлиб, синтактик функциялари ривожланган (қуйида бу манбаларни ихчамлик учун шартли равишда „қадимги ёдгорликлар" деган умумий ном билан атаймиз). Кейинги даврларга оид ёдгорликларда эса бу форманинг қўлланиши бошқа формалар ҳисобига торайган, шунингдек, унинг синтактик функциялари анча чегараланган.

В. В. Радлов, С. Е. Малов, П. М. Мелиоранский, И. А. Батманов, А. Габен каби туркологларнинг қадимги ёдгорликлар тилини ўрганишга бағишланган ишларида *-дуқ* ҳақида айрим маълумотлар берилган. Лекин бу ишларнинг кўпчилиги ўрхун-енисей текстларига бағишланган бўлиб, уларда текширилаётган ёдгорликлар тилида *-дуқ* формасининг мавжудлиги ҳақида қисқача маълумот бериш билан чегараланилади. Бу ишларнинг характери мана шунигина талаб қилади.

Проф. В. Н. Насиловнинг „Язык орхоно-енисейских памятников" (М., 1960, стр. 52—54) номли ишида бошқа грамматик категориялар қатори *-дуқ* формасига ҳам анча кенг ўрин берилган. Шунингдек, В. Г. Кондратьевнинг „Материалы к характеристике деепричастий и формы на -дуқ в языке памятников тюркской рунической письменности" („Ученые записки ЛГУ", серия востоковедческих наук, 305. 1961, стр. 133—136) номли мақоласида айрим ўрхун текстлари тилида *-дуқ* формасиннг синтактик функциялари анализ қилинган.

Ушбу мақолада *-дуқ* формасининг қадимги ёдгорликлар тилидаги фонетик кўринишлари ва грамматик маънолари ҳақида мулоҳаза юритиб, кейинги даврларга оид ёдгорликлар бўйича қисқача экскурс қилиш билан чегараланамиз.

Қадимги ёдгорликларда бу форма жарангли [*-дуқ/-дүк*] ва жарангсиз [*-туқ/түк*] вариантларида келади. Унли билан тугаган феъларга асосан жарангли варианти қўшилади: *қағанла-дуқ*, *иллə-дүк*, *қышла-дуқ*, *көрмə-дүк* каби.

Ундош билан тугаган феъларга жарангли ёки жарангсиз вариантда қўшилишида қадимги ёдгорликлар ўртасида принципиал фарқлар бор. Чунончи: ўрхун текстларида **л**, **н**, **р** сонорлари ва жарангли ундош билан тугаган феъларга жарангсиз варианти қўшилади: *бол-*

туқ, *бил-түк*, *қон-туқ*, *өтүн-түқ*, *олур-туқ*, *бәр-түк*, *удуз-туқ* каби (лекин *бар*-ва *тәг*- феъларига систематик равишда жарангли варианти қўшилади: *бар-дуқ*, *тәг-дүк*); жарангсиз ундош билан тугаган феъларга эса жарангли варианти қўшилади: *уч-дуқ*, *санч-дуқ*, *сүүгүс-дүк*, *ичик-дүк* каби. „Қутадғу билиг"да аксинча. Қиёсланг: **дуқ**/**-дүк**—*бол-дуқ*, *кәл-дүк*, *қур-дуқ*, *көр-дүк*, *аг-дуқ*, *йум-дуқ*, *ай-дуқ*, *тәг-дүк;* **-туқ**/**-түк**—*қач-туқ*, *ич-түк* каби. Қадимги уйғур тили ёдгорликларида эса бу форманинг ундош билан тугаган феъларга жарангли ёки жарангсиз вариантда қўшилишида изчиллик кўринмайди. Солиштиринг: *тирил-түк*, *ай-туқ*, *көр-түк—көр-дүк*, *йитүр-дүк*, *тәг-дүк*, *қықыр-дуқ каби.*

Демак, *-дуқ* формасининг жарангли ёки жарангсиз вариантда келиши, бир томондан, шу формани қабул қилган феълнинг характерига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, қадимги ёдгорликлар тилининг ўзига хос фонетик хусусиятларига боғлиқдир.

Қадимги ёдгорликларда *-дуқ* қуйидаги синтактик функцияларда қўлланади:

1. Аниқловчи вазифасида келади. Бунда *-дуқ* гапнинг тўлдирувчи, ҳол, эга бўлакларини аниқлаб келади: *Түрк будун илләдүк илин ычғыну ыдмыс*, *қағанладуқ қағанын йитирү ыдмыс* (КТБ, 29_6) 'Турк халқи ўзи ташкил этган элини тушкунликка олиб келибди, ўзи кўтарган ҳоқонини ўлимга олиб келибди'. *Йаңдуқ йолта әмә өлти күк* (Тон, 61_{16}) 'Таъқиб остига олинган йўлда яна анчаси ўлди шекилли'. *Бу қут булмадуқ әр қалы булса қут...* (ҚБ, 206-а) 'Бундай бахтга эришмаган одам агар бахт топса...'.

Мисолларнинг биринчисида *-дуқ* воситасиз тўлдирувчининг *(илләдүк илин*, *қағанладуқ қағанын)*, иккинчисида—ўрин ҳолининг (*йаңдуқ йолта)*, учинчисида—эганинг *(қут булмадуқ әр)* аниқловчси вазифасида келган.

-дуқ аниқловчи вазифасида келганда морфологик белгилар қабул қилмайди. „Қутадғу билиг"да бир ўринда 3-шахс эгалик аффикси билан келишини учратдик: *Маңа бәрдүки сувны ичдим алиб* (ҚБ-217-а) 'Менга берган сувни олиб ичдим'. Лекин жумла мазмунидан англашилишича, бу ўринда *-дуқ* формасига қўшилган 3-шахс эгалик аффикси *(бәрдүки)* аниқланмишга тааллуқлидир. Яъни *бәрдүки сувны* бирикмаси „у бергани сувни" эмас, балки „унинг берган сувини" маъносидадир.

-дуқ формаси билан ифодаланган аниқловчи гапнинг оддий аниқловчисидан фарқ қилади. Яъни *-дуқ* формали феъл аниқловчи вазифасида келганда ҳам унинг ҳаракат маъноси (феъллик хусусияти) ва замон маъноси (ўтган замон) сақланиб, бу ҳаракатнинг субъекти (бажарувчиси) мавжуд бўлади. Аниқловчи вазифасидаги *-дуқ* формали феълдан англашилган ҳаракатнинг субъекти турли йўлар билан ифодаланади. Масалан: *Көзин көрмәдүк қулҳақын әсидмәдүк будунымын илгәрү күн тоғы (сықыңа)...* (Мог, 19_{11}) '(Бундай нарсаларни кўзи билан кўрмаган, қулоғи билан эшитмаган, халқимни (мен) олдинга, кун чиқиш томонга... '*Қағаным бән өзүм, билгә Тоңуқуқ, өтүнтүк өтүнчүмин әсиду бәрти* (Тон, 62_{15}) 'Мен ўзим, доно Тонюқуқ, қилган илтимосимни ҳоқоним тинглади'. *Илгәрү барығма бардыг, қурығару барығма бардыг, бардуқ йирдә әдгүг ол әринч...* (КТб, 30-31_{23-24}) 'Сен олдинга (шарқ томонга) бординг, орқага (ғарб томонга) бординг. Сен борган ерларда сен учун мана шундай эзгулар бўлди...'.

Аниқловчи вазифасидаги *-дуқ* формали феълдан англашилган ҳаракат субъекти биринчи мисолда аниқланмишдаги эгалик аффикси ор-

қали *(көрмәдүк, әсидмәдүк будунымын)*, иккинчисида—бош келишикдаги олмош ва от ҳамда аниқланмишдаги эгалик аффикси *(бән өзүм, билгә Тоңуқуқ, , өтүнтүк өтүнчимин)* орқали ифодаланган, учинчисида эса контекстдан маълум (*бардуқ йирдә*—2-шахс бирлик).

Шунингдек, *-дуқ* формали феъл тўлдирувчи, эга ва ҳол вазифаларида келганида ҳам унинг ҳаракат ва замон маънолари сақланиб, бу ҳаракатнинг субъекти (бажарувчиси) мавжуд бўлади.

2. *-дуқ* эгалик аффиксини қабул қилиб, эга вазифасида келади: *Бән йәг әрдүкүм ол эринч* (ЕТ, 44_5) 'Менинг яхши эканлигим, балки шудир,' *Тирилтүкүм бу әрүр* (Олт., йор, 157_{16}) 'Менинг тирилганим мана шу бўлади'. *Йалавуч түдүкүм бу тылчы турур* (ҚБ, 188-б) 'Элчи деганим, бу—хабарчидир (воситачидир)'.

3. *-дуқ* эгалик ва тушум келишиги аффиксларини қабул қилиб, воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади: *Тәгдүкин, түрк бәгләр, қоп билүрсиз* (КТб, 31_{34}) 'Унинг (қандай) жанг қилганини, сиз, турк беклари, яхши биласиз'. *Билтүкүмин, өдүкимин бунча битиг битидим* (ҚЧур, 28_{28}) 'Мен билганим, уққанимни шундай ёздим'. *Тапладуқымын тутар-мән, сәвдүкимин йийүр-мән* (ИБ, 80_{4-5}) 'Мен истаганимни тутаман, кўнглим тилаганини ейман'. *Билур-сә бу күн мен киши болдуқум* (ҚБ, 127-б) 'Бугун сен (кимнинг ёрдами билан) одам бўлганимни бил сан'.

4. *-дуқ* пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Бунда қуйидаги грамматик воситалар иштирок этади.

а) *-дуқ*+эгалик аффикси+ўрин-пайт келишиги аффикси: *Өчим қаған или қамашығ болтуқынта изгил будун бирлә сүңүшдимиз* (КТб, 32_{43})' Тоғам-ҳоқон эли исён кўтарганда, биз изгил халқи билан уруш қилдик'. *Қаңым түрк билгә қаған олуртуқынта түрк әмти бәгләр...* (Мог, 18_{13})' Отам турк билга ҳоқон тахтга ўтирганида, эндиги беклар...'.

Сақышқа усанса қайу ишчиләр,
Сақыш бәрдүкиндә өлир башчылар (ҚБ, 103-б)

'Агар хизматчилар ҳисобда ғофил бўлсалар, бошлиқлар ҳисоб берганда оғир аҳволда қоладилар.'

Бундай ҳолларда кўпинча эгалик аффикси бўлмайди. Мисолларни қиёсланг: *Қаңым қаған учдуқда, иним Күл тигин йити йашда қалты* (КТб, 31_{30}) 'Отам-ҳоқон ўлганда, укам Култегин етти ёшда қолди'. *Мән игләтүкдә аң башлайу төрт йәкләр йақын кәлти* (Олт. йор, 154_5) 'Мен касал бўлганимда, даставвал тўрт арвоҳ (менга) яқин келди.' *Сәвинчлик тәдуктә сақынч кәлтурур* (ҚБ, 21-а) 'Хурсандчилик деганда (тилаганда) ғамгинлик келтиради'.

Келтирилган мисоларда *-дуқ* формали конструкция пайт эргаш гапни ташкил этган. Агар бундай ўринларда бош ва эргаш гапларнинг эгаси бир субъектга тўғри келса, *-дуқ* формали конструкция эргаш гапни ташкил этмайди, балки гапнинг кенгайтирилган ҳол бўлаги бўлади. Масалан: *Қаңым қаған әчим қаған олуртуқынта төрт булуңдақы будуныг бунча итмиш* (Мог, 19_{8-9}) 'Отам-ҳоқон ва тоғам-ҳоқон тахтга ўтирганларида тўрт томондаги халқларни бирлаштириб шунча кўпайтирибдилар. '*Қачан йиркә тәгдүктә бодиств йана ынча тип сақынти* (Олт. йор, 176_{616}) 'Бадиства ерга текканида яна шундай деб ўйлади.'

б) *-дуқ* (+ўрин-пайт келишиги аффикси) *кисрә-кәсрә* (сўнг, кейин) кўмакчиси билан бошқарилиб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келди: *Ол қаң йоқ болтуқда кәсрә әл йитмис ычғынмыс қачынмыш* (Онг, 8_1) 'У хон йўқ бўлгандан кейин (ўлгандан кейин) эл

инқирозга тушибди, тарқаб кетибди'. *Йағру қонтуқда кисрə аңыг билиг анта өйүр ərмис* (КТм, 28_5) 'Яқин бўлиб олганидан кейин бемаъни билимларни ўзлаштириб олар эканлар'.

в) *-дуқ* формасига жўналиш келишиги аффикси қўшилиб, пайт эргаш гапнинг кесими ифодаланади: *Тəңри йарылқадуқын учүн өзим олуртуқыма төрт булуңдақы будуныг итдим йаратдым* (Мон, 19_9) 'Тангри илтифот қилгани учун ўзим хон бўлганимдан кейин тўрт томондаги халқни тўпладим, тартибга солдим'. *Мəн өзим қаған олуртуқыма (йир : сайу) бармыш будун йана кəлти* (КТб, 31_{27-28}) 'Мен ўзим ҳоқон бўлганимдан кейин ҳар тарафга тарқалиб кетган халқ яна қайтиб келди'.

5. *-дуқ* (+эгалик аффикси) *үчүн* кўмакчиси билан бошқарилиб, сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Мəн өзим қаған олуртуқым үчүн түрк будуныг... (*Мог, 17_{36}) 'Мен ўзим хоқон бўлганим учун турк халқини... '*Тəңри йарлықадуқын үчүн өзим қутым бар үчүн қаған олуртым* (КТм, 28_9) 'Тангри илтифот қилгани туфайли, ўзимнинг бахтим борлиги учун ҳоқон бўлдим'. *Қазғантуқын үчүн өзүм қазғантуқым үчүн ил йəмə ил болты* (Тон, 65_{65}) '(Ҳоқон) ғайрат қилгани учун, ундан кейин ўзим ғайрат қилганим учун эл (ҳақиқий) эл бўлди'. *Билиглик, уқушлиг тəдуқүң үчүн аны арзуладым...* (КБ, 117-а) 'Билимли ва ақлли деганинг учун мен уни орзу қилдим'.

-дуқ формасн *үчүн* кўмакчиси билан бошқарилиб, сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, унинг таркибидан эгалик аффикси кўпинча тушириб қолдирилади. Мисоларни солиштиринг: *Тəңри күч бəртүк үчүн қаңым қаған сүси бөри-тəг ərмис, йағысы қоң-тəг ərмис* (КТб, 29_{12}) 'Тангри куч-қувват бергани учун отам-ҳоқоннинг аскари бўридек (кучли) экан, душмани қўйдек (кучсиз) экан'. *Ол йəркə бəн, билгə Тоңуқуқ, тəгүртүк үчүн сарыг алтун... кəлүрти* (Тон, 64_{47-48}) 'Мен, доно Тонюқуқ, (аскар билан) у ерга борганим учун (у халқ) бизга олтин келтирди'. *Тəңри йарлықадуқ үчүн, мəн қазғантуқ үчүн будун қазғанмыш ərинч* (Мог, 17_{33}) 'Тангри илтифот қилгани туфайли ва мен ғайрат кўрсатганим учун турк халқи (ҳам) ғайрат қилди'.

6. *-дуқ* формасига *-тəг* аффикси қўшилиб, ўхшатиш равиши ясалади ва гапда равиш ҳоли вазифасида келади. Бу ҳолат қадимги ёдгорликлардан „Қутадғу билиг" дагина бир неча марта учрайди: *Туғуб көрмəдүк-тəг йыратғай өзин* (ҚБ, 152-а) 'Умрида сени кўрмагандек сендан ўзини қочиради.' Яна қаранг ҚБ—*туғмадуқ-тəг* (60-а), *көрмəдүк-тəг* (ҚБ, 21-а, 31-б).

7, Ниҳоят, *-дуқ* предикатив функцияда келади. Бунда у қуйидаги икки маънони ифодалайди.

а) иш-ҳараканинг бажарилганлигини (ёки бажарилмаганлигини) сўзловчи ўз кўзи билан кўрган ёки бунда ўзи иштирок этганлигини билдиради. *-дуқ* бу маъноси жиҳатдан ўтган замон аниқлик феълининг *-ды* формасига ўхшайди. Масалан. *Бүкəгүккə йəтидим. Кичə йаруқ батыр ərикли сүңүсдим... Бүкəгүкдə сəкиз оғуз тоқуз татар қалмадуқ* (МЧур, 35_{13}) '(Уларни) Букагукда (қувиб) етдим. Кечқурун, кун ботар пайтда, жанг бошладим. Букагукда саккиз ўғуз ва тўққиз татардан (бирортаси ҳам) қолмади.' *Қаңыңа ис (иңе) ər кəлти, қарлуқ исиңə кəлмəдүк, тиди* (МЧур, 36_{24-25}) 'Ҳоқони ҳузурига ва уннг иттифоқига одамлар келишди, (лекин) унинг иттифоқига қарлуқлар келмади,—деди'.

Озуқ тилəмəдуқ бəру кəлмəкиң
Маңар тушмақың ҳəм йүзүм көрмəкиң (ҚБ, 141-б)

'Бу ёққа келишингни, менга рўпара бўлишингни ва юзимни кўришингни сенинг ўзинг тиламадинг?'.

б) сўзловчи иш-ҳаракатнинг бажарилганлигини (ёки бажарилмаганлигини) ўз кўзи билан кўрмаган бўлиб, бу ҳақда бошқалардан эшитган маълумоти бўйича хабар беради. *-дуқ* бу жиҳатдан ўтган замон ҳикоя феълининг *-мыш* формасига ўхшайди. *-дуқ* формасининг бу маъноси асосан унинг *-мыш* формаси билан ёнма-ён қўлланганида кўринади. Масалан. *Йағы болып итинў йаратуну умадўқ, йана ичикмис* (КТб, 29_{10}) 'Тўрк халқи Табғачга) душман бўлиб (ўз мустақиллиги учун) ҳеч нарса қила олмабди, яна унга бўйин сунибди: *Улуғ əб өртəнмиш, қатыңа тəги қалмадуқ, бөкиңə тəги қодмадуқ,—тир* (ИБ, 84_{14}) 'Катта уй куйибди, тагигача қолмабди, деворигача қолмабди,—дейди'.

-дуқ ёдгорликларда асосан 3-шахс бирлик маъносида қўлланган. „Онгин" ёдномасида 1-шахс маъносида ишлатилиши учрайди: ...*инимə оғлыма анча өтгəдим: қалйуруп əлтəрəс қағанта адырылмадуқ йаңылмадуқ, тəңри билгə қағанта адырылмалым азмалым, тийин анча өтлəдим* (Онг$_9$ 9_3) 'Иниларимга ва ўғилларимга шундай насиҳат қилдим: жаҳлланиб (ҳам) Элтарас ҳоқондан ажралмадик, (демак) янглишмадик. (Энди) тангридек улуғ Билга ҳоқондан (ҳам) ажрамайлик, йўлдан озмайлик,—шундай насиҳат қилдим'. *Əбкə тəгдүкүм уруш қилиб* (Онг, 9_2) 'Уруш қилиб, уйга келдим'.

Биринчи мисолда *адырылмадуқ* (ажралмадик), *йаңылмадуқ* (янглишмадик) феъллари ҳечқандай қўшимчасиз 1-шахс кўплик маъносида қўлланган. Бу феъларнинг 1-шахс кўплик маъносида келганлиги контекст мазмунидан аниқланади. Иккинчи мисолда эса *тəгдүкүм* (келдим, етдим) феъли 1-шахс бирлик маъносида келган бўлиб, шах-сон маъноси эгалик аффикси ёрдамида ифодаланган.

М. Кошғарийнинг „Девону луғотит турк"ида *-дуқ* формаси ҳақида айрим маълумотлар берилган. М. Кошғарийнинг ёзишича, яғма, тухси, чигил, арғу, уйғур, то Чингача бўлган ҳамма қабилалар ўтган замон феълини *-ды/ди* қўшиб ясашда иттифоқ бўлиб (*бар-ды* каби), ўғузлар ва қипчоқларнинг баъзилари—суворинлар **-қ**, **-ғ** ли сўзларда ва умуман қаттиқ таалффузли сўзларда *-ды* ўрнига *-дуқ*, **-г(-к)** ли ва умуман юмшоқ талаффузли сўзларда *-ди* ўрнига *-дүк* қўшадилар. Буларда бирлик ва кўплик (шахслар ҳам) бир хилда фарқсиз келади: *йа қурдуқ*—у ёй қурди, *мəн йа қурдуқ*—мен ёй қурдим, *биз йа қурдуқ*—биз ёй қурдик,—*ол сүт сағдуқ*—у сут соғди, *олар тағқа ағдуқ*—улар тоққа чиқдилар, *биз ағдуқ*—биз юқори чиқдик, *ол аны урдуқ*—у уни урди, *мəн мунда турдуқ*—мен бунда, бу ерда турдим, *ол кəлдүк*—у келди, *биз кəлдүк*—биз келдик, *олар əвгə кирдук*—улар уйга кирдилар, *мəн аңар тавар бəрдүк*—мен унга мол бердим, *мəн йармақ тəрдүк*—мен танга тўпладим каби. Кўпчилик ўғузлар феълнинг ўтган замон сўзловчи шакли *бардим* феълидаги **-м** ўрнидагина (кўпликда ҳам) **-қ** ёки **-к** қўллайдилар. Қолган формаларда турклар билан бирлашадилар, яъни *барды* ўрнида *бардуқ*, *кəлди* ўрнида *кəлдүк* қўллаб бузмайдилар (Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, Тошкент, 1961, 64-65 бетлар).

Демак, М. Кошғарий, биринчидан, *-дуқ* формасини ўтган замон феъли сифатидагина изоҳлаган. („Девону луғотит турк"даги текстларда ҳам асосан шу маънода учрайди. „Девон"даги текстларда *-дуқ* умуман кам учрайди). Шу давр адабий тили ёдгорлиги „Қутадғу билиг"да эса бундан ташқари аниқловчи, эга, ҳол функцияларида қўл-

ланади, пайт ва сабаб эргаш гапларнинг кесими вазифасида келади. Иккинчидан, М. Кошғарий *-дуқ* формасини ўтган замон аниқлик феълининг *-ды* формасига тенглаштиради. „Девону луғотит турк"даги текстларда эса *-дуқ* нинг ўтган замон ҳикоя феълининг *-мыш* формаси маъносида келиши ҳам учрайди. Масалан: *Отағқа өбкәләб, сүгә сөзләмәдүк* (МК II, 226) 'Чодирдаги ҳамроҳларидан хафа бўлиб, аскарлар билан сўзлашмади'. *Қазаш тәмиш қаймадуқ, қазын тәмиш қаймыш* (МК III, 263) 'Биродар деса, яқин деса, меҳрибонлик қилмабди, қайин дегандагина меҳрибонлик қилибди'. Мисолларнинг биринчисида *-дуқ (сөзләмәдүк) -ды* формаси маъносида, иккинчисида эса (*қаймадуқ) -мыш* формаси маъносида қўлланган. Учинчидан, М. Кошғарий *-дуқ* формасининг жарангли *(-дуқ/дүк)* вариантинигина кўрсатган. Шу давр адабий тили ёдгорлиги „Қутадғу билиг"да жарангсиз вариантда ишлатилиши ҳам учрайди: *ичтүк* (ҚБ, 216-б). Тўртинчидан, М. Кошғарий *-дуқ* формасининг бирлик ва кўплик ҳамда шахслар учун ҳечқандай қўшимчасиз бир хилда қўлланиш хусусиятини кўрсатади. Келтирилган мисоллардан маълум бўлишича, шахссон маънолари эга вазифасида келган олмошлар орқали аниқланади (*мән турдуқ*—мен турдим, *биз турдуқ*—биз турдик, *сән турдуқ*-сен турдинг, ол турдуқ — у турди каби). Бешинчидан, М. Кошғарий *-дүқ* формасининг қўлланишини ўғузлар ва баъзи қипчоқлар (суворинлар) тили билан чегаралайди. Бундан *-дуқ* диалектал хусусиятга эга экан, деган хулоса чиқаришга тўғри келади. Лекин *-дуқ* формасининг қадимги ёдгорликларнинг деярли барчасида (ўрхун-енисей текстларида, қадимги уйғур тилига оид манбаларда ва „Қутадғу билиг"да) мавжудлиги бундай хулоса чиқаришга шубҳалантиради. Фикримизча, *-дуқ* туркий тилларнинг қадимги даврларида кенг қўлланувчи, грамматик маънолари ривожланган форма бўлиб, кейинчалик унинг маҳсулдорлиги айрим тиллардагина сақланиб қолган. Унинг ҳозирги ўғуз тилларида ва уларнинг тарихий ёдгорликларида кенг қўлланиши бу фикрни тасдиқлаши мумкин.

Кўринадики, М. Кошғарий *-дуқ* формасининг айрим характерли хусусиятларигагина тўхтаб ўтган.

Қадимги ёдгорликлар тилида *-дуқ* мана шундай кенг қўлланган сифатдош формаси бўлиб, эгалик ва келишик аффиксларини қабул қилган, *кисрә-кәсрә* ва *үчүн* кўмакчилари билан бошқарилган, гапнинг эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ва кесим бўлаклари функциясида ишлатилган, пайт ва сабаб эргаш гапларнинг кесими вазифасида келган.

Кейинги даврларга оид ёдгорликларда *-дуқ* формасининг қўлланиши анча торайган, синтактик функциялари бир мунча чегаралланган. Масалан, „Ҳибатул ҳақойиқ"' „Тафсир" (Қарши нусхаси), „Ўғузнома", „Қиссаи Рабғузий" каби XII—XIV асрларга оид ёдгорликларда *-дуқ* кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол фунукцияларида келади (Қаранг: А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, III, „Ученые записки Института востоковедения", том XVI, 1958, стр. 206—206) Мисоллар: *Ишләмәдүк нәрсәни сөзләсә* (Тафсир) 'қилмаган нарса ҳақида гапирса,' *Буйурдуқум ишләгил* (Тафсир) 'буюрганимни қилгин'. *Салыҳны әрдүкин билмәди* (Рабғулий) 'Солиҳ эканини билмади'. *Тавар бирлә әрсә улуғсындуғуң, улуғлуғ табару әлик сундуғуң* (Ҳиб. ҳақойиқ) 'Ўзингни улуғ тутганинг, мартабага интилганинг мол билан бўлса'. *Ажал йәтмәдүк болса* (Тафсир) 'Ажал етмаган бўлса'. *Таң әртә болдуқта Оғуз қаған көрдиким... (Ўғузнома)* 'Тонг отганда Ўғуз хон кўрдиким'. *Оғуз қаған аны көрдуктә өзи кәтти (Ўғузнома)* 'Ўғуз хон уни кўрганда хушидан кетди'.

„Ҳибатул ҳақойиқ“, „Тафсир“, „Ўғузнома“, „Қиссаи Рабғузий“ каби XII—XIV асрларга оид ёдгорликларда *-дуқ* формасининг функцияларини кўпинча ўтган замон сифатдошининг *-гән* формаси бажарган. *-гән* ўрхун-енисей текстларида ва қадимги уйғур тилига оид манбаларда учрамайди. Бу форма XI асрдан („Қутадғу билиг“, „Девону луғотит турк“) кўрина бошлайди. Кейинги ёдгорликларда ўтган замон сифатдошининг *-дуқ*, *-мыш* каби қадимги формалари ҳисобига *-гән* формасининг қўлланиши ва функциялари кенгая борган.

XIV асрдан кейинги ўзбек тили ёдгорликларида *-дуқ* формасининг ишлатилиши кўринмайди, унинг барча функциялари ана шу *-гән* формасига юклатилган. Шунингдек, ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида ҳам *-дуқ* формасининг функцияларини *-гән* формаси бажаради. Бу тилларда *-дуқ* аффикси *қолдиқ*, *ташландиқ*, *ҳордиқ* каби айрим сўзлардагина сақланган бўлиб, бу сўзлар ҳаракат натижасини ифодаловчи от ҳисобланади.

-дуқ формасининг қўлланиши ўғуз тиллари ёдгорликларида давом этган бўлиб, бу тилларда у ҳозир ҳам маҳсулдор формадир (қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956, стр. 437-454; Т. Дж. Дашчян, Глагольные имена на -дыг, -ажаг, -маг и -ма в современном азербайджанском языке (авт. канд. дисс.), Баку, 1962, стр. 8-10).

Айрим туркологик адабиётларда ҳозирги ёқут тилидаги ўтган замон феълининг тахмин, гумон маъносини ифодаловчи *-тах*, *-таг* (*-дах*) формаси ана шу *-дуқ* формасининг фонетик варианти деб кўрсатилади (Р. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание, М., 1957, стр. 139). *утуй-дах-тара*—эҳтимол, улар ўлгандирлар (мисол Л. Н. Харитоновнинг „Современный якутский язык“ (Якутск, 1957, стр. 213) китобидан олинди—„предположительное наклонение“).

Ҳозирги тува, хакас тилларидаги ўтган замон феълининг *-чык*, *-чых* формаси (*алчык [чон]* —у олди-ку! *көржүк бе?*—у кўрдими?) ҳам *-дуқ* формасидан ривожланган бўлса керак. (Бу форма ҳақида қаранг: Ф. Г. Исҳаков, А. А. Пальмбах, Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 375-379—„прошедшее риторическое время на -чык“).

-дуқ формасининг таркиби, этимологияси ҳақида айрим фикрлар айтилган. (Бу масалага доир адабиётлар рўйхати проф. А. Н. Кононовнинг „Грамматика современного узбекского литературного языка“ (М.—Л., 1960, стр. 124) китобида келтирилган). Масалан, Г. И. Рамстедтнинг кўрсатишича, *-дуқ* формаси **-д-**, **-т-** билан ясалган феълларга **-қ** қўшилиши натижасида ҳосил бўлган (Г. И. Рамстедт, кўрсатилган асар, 139-бет). Проф. А. Н. Кононов *-дуқ ва -гән* формаларининг функционал ўхшашлигини ҳисобга олиб, *-дуқ* формасини *турган* (*тур+ган*) сўзидан ривожланган деган тахминни айтади ва бу процесс жуда қадимги даврларда тугалланган деб кўрсатади (А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956, стр. 437-438). Проф. А. Н. Кононовнинг тахмини анча ишонарли ва ҳақиқатга яқин кўринади. Лекин *-гән* ва *-турган* қадимги ёдгорликларда (урхун-енисей текстларида ҳам, қадимги уйғур тилига оид ёдгорликларда ҳам) учрамайди. Бу ҳақда проф. А. Н. Кононовнинг ўзи ҳам уқтириб ўтган. *-гән* XI асрдан („Қутадғу билиг“ ва „Девону луғотит турк“) кўрина бошлайди, *-турган* эса яна ҳам кейинроқ даврлардан кўрина бошлайди. Бу ҳолат масалани яна ўйлаб кўришга мажбур этади.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

ЕТ—Енисей текстлари.
ИБ—Ирқ битиг (Гадательная книжка).
КТб—Култегин ёдномаси (большая надпись).
КТм—Култегин ёдномаси (малая надпись).
Мог—Могилян ёдномаси.
МЧур—Мўюн-чур ёдномаси.
Онг—Онгин ёдномаси.
Олт. йор—Олтин йоруқ (Золотой блеск).
Тон—Тонюқуқ ёдномаси.
ҚБ—Қутадғу билиг.
ҚЧур—Қулу-чур ёдномаси.

Ўрхун-енисей текстлари ва қадимги уйғур тили ёдгорликлари проф. С. Е. Малов нашрларидан фойдаланилди (Памятники древнетюркской письменности, М.-Л., 1951; Енисейская письменность тюрков, М.-Л., 1952; Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.-Л., 1959). „Қутадғу билиг"—ЎзССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Наманган нусхасидан (инв. № 1809) фойдаланилди.

М. МИРЗАЕВ

Филология фанлари кандидати

БУХОРО ДИАЛЕКТИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР (2-мақола)[1]

ФЕЪЛ. Феъллар ҳаракат ва ҳолатни билдирувчи сўз туркуми сифатида тил ва маҳаллий диалектларнинг луғат составида салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳаракат билдирувчи феъллар борлиқдаги энг муҳим процессларни ифода этади, тилда фикрий ва грамматик муносабатларни кўрсатишга хизмат қилади. Туркий тиллардаги феъллар хилма-хил маъно оттенкаларига бой сўз туркумидир[2].

Феъл категорияси туркий тилларда гап ичида қўлланар экан, у функцонал-грамматик формаларда келади[3].

Феълнинг хилма-хил грамматик форма ва категориялари маҳаллий диалект ва шеваларда турли фонетик-морфологик шаклларда талаффуз этилади. Феъл категорияси, феъларнинг ўзгариши тилнинг, шу жумладан диалект ва шеваларнинг муҳим хусусиятларини очиб беришга хизмат қилади[4].

Бухоро диалектининг характерли феъл формаларидан бири—ҳозирги замон феълининг *-йэп* ‖ *эп* аффикси билан шаклланишидир (унли товуш билан битган феъл негизларига, одатда, *-йэп*, ундош товуш билан битган негизларга эса *-эп* аффикси қўшилиб келади).

Масалан: *ъшлайэпман*, *келайэпман*; *бэрэпман*, *келэпман* (адабий-орфографик формаси: *ишлаяпман*, *келяпман*, *боряпман*).

Замон кўрсаткичи *-йэп* ‖ *эп* аффикси (шунингдек бошқа замон формалари) одатдагидек, феъл негизи билан шахс-сон тусловчилари орасида келади. Мисолар:

Бирлик	Кўплик
1-шахс: *ўйла-йэп-ман. йэз-эп-ман;*	*ўйла-йэп-мъз*, *йэз-эп-мъз*,
2-шахс; *ўйла-йэп-сан*, *йэз-эп-сан;*	*ўйла-йэп-съз*, *йэз-эп-съз*,
3-шахс; *ўйла-йэп-тъ*, *йоз-эп-тъ;*	*ўйла-йэп-тълар*, *йэз-эп-тълар.*

Ҳозиргн замон феълининг „Бухоро-Самарқанд группа шевалари“ учун хос бўлган *-йэп* ‖ *-эп* формаси, бизнингча, „ётибдир“ феълининг тобора қисқариб, ихчамлаша бориши, аффикс ҳолига келиб қолганлиги натижасида пайдо бўлган: *кела йэтъбдър — кела йэтъбдъ — кела йэтъптъ—келэптъ келайэптъ* (‖ келэпту).

---

[1] Биринчи мақола „Ўзбек тили ва адабиёти“ журналининг ўтган йилги 2-сонида чиққан.

[2] Э. Р. Тенишев. Глаголы движения в тюркских языках (Сб. „Историческое развитие лексики тюркских языков“, Москва, 1961, 232-бет.)

[3] Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, часть II, фонетика и морфология, Москва; 1952: 162-бет.

[4] Г. И. Рамстедт, Введение в алтайское языкознание. Морфология, Москва, 1957, 31-бет.

Бухоро диалектининг *-йэп* ‖ *-эп* аффикси маъно ва функция жиҳатдан Тошкент шевасининг *-вэт*, Фарғона шевасининг *-йап* аффиксларига мос келади. Чоғиштиринг: Бух. *сўзлайэпть, ешътэпть* ‖ Тошк. *сўзлəвэттъ, ешътъвэттъ* ‖ Фарғ. *сўзлəйэптъ, ешътйэптъ* ‖ (ад.-орф. *сўзлаяпти, эшитяпти*).

Ҳозирги замон давом феъли диалектда равишдош билан „турмоқ" феълининг тусланган формасидан тузилган қўшма феъл билан ифодаланади. Масалан:

1-ш. *келъп туръб-ман; келъп туръб-мъз,*
2-ш. *келъп туръп-сан: келъп туръп-съз,*
3-ш. *келъп туръп-тъ; келъп туръп-тълар.*

Ҳозирги-келаси замон феъли буйруқ формасига ундош товушдан кейии *-а*, унли товушдан кейнн *-й* аффиксининг қўшилиши билан шаклланади.

1-ш. *кўр-а-ман, қара-й-ман;*	*кўр-а-мъз, қара-й-мъз,*
2-ш. *кўр-а-сан, қара-й-сан;*	*кўр-а-съз, қара-й-съз,*
3-ш. *кўр-а-дъ, қара-й-дъ;*	*кўр-а-дълар, қара-й-дълар*

(Чоғиштиринг: Бух. *қарайман, қарайсан, қарайдъ, қараймьз, қарайсъз, қарайдълар.* Тошк. *қэръймэн, қэръйсэн, қэръйдъ, қэръймъз, қэръйсъз, қаръдъле(р).*

Ўтган замон феълининг қуйидаги вариантлари диалектда мавжуддир:

А. Ўтган замон аниқ феъли. Бу замон аниқлик майлининг диққатга сазовор формаси бўлиб, туркий ёзма ёдгорликларда *-дї, -ді, -дў, -ду (-тї, -ті, -тў, ту)* аффикслари ёрдами билан ясалган[5].

Бухоро диалектида аниқ ўтган замон феъли *-дъ* ‖ *лъ* аффикси билан ясалади: *баджар-дъ-м, баджар-дъ-нг, баджар-дъ; баджар-дъ-к, баджар-дъ-нгъз, баджар-дълар, келдъ* ‖ *келлъ, элдъ* ‖ *эллъ* каби.

Узоқ ўтган замон феълининг 1-варианти сифатдош+шахс аффикси билан ясалади: *элган-ман, элган-сан, элган-мъз, элган-съз, элган-дърлар* ‖ *элган-лар;* 2-варианти равишдош+„эди" тўлиқисз феъли билан ясалади: *элъб еди-м, элъб еди-нг, элъб еди-лар...*

Узоқ ўтган замон феълининг шахс-сон формасини тушириб айтиш ҳоллари ҳам учрайди, шахс маъноси эга ролида келган олмошдан англашилади; масалан: *ман келган, сен келган* (ад-орф. *мен келганман, сен келгансан*).

Ўтган замон давом феъли буйруқ формасига *-ар* ‖ *-р+эди (едь)* тўлиқсиз феълининг қўшилиши билан ясалади (тўлиқсиз феъл еткачн феъл билан қўшлиб. бир урғу билан талаффуз этилади: *бъларедъм, бъларедьнг бъларедъ, бъларедък, бъларедънгъз, бъларедьлар.*

Ўтган замон мақсад феъли буйруқ формасига-моқчи+эди (-мэқчъ едъ) қўшилиши билан шаклланади: *бэрмэқчъ едъм, бэрмэқчъ едьнг, бэрмэқчъ едъ, бэрмэқчь едък, бэрмэқчь едънгъз, бэрмэқчъ едьла(р).*

Ўтган замон „эшитилганлик феъли" ўтган замон сифатдоши ва равишдошига *екан* ‖ *акан* тўлиқсиз феълининг қўшилиши билан ясалиб келади: *бэрган екан* ‖ *бэрган акан, ешъткан екан* ‖ *ешъткан акан; бэръб акан, ешьтъб акан* (ад.-орф. *борган экан, эшитган экан).*

Келаси замон феълининг аниқ, мақсад ва гумон маъно оттенкаларини билдирувчи формалари мавжуд. Аниқ форма ҳозирги-келаси замон формасига тенг келади; буларнинг маъноси контекстда конкрет-

[5] А. М. Щербак. Грамматический очерк языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана, Москва—Ленинград, 1961; 148-бет.

лашади: *ўқуйман*, *тураман*, *ўқуйдь*, *турадъ* ‖ *ўқуйду*, *тураду*. Масалан: *Ман кечкъ мактапка ўқуйман*, *йэтэқхонага тураман* (ҳозирги замон); *Бу кътэпнъ шу кеча ўқйуман; ертага навбатчълькка тураман* (келаси замон).

Келаси замон истак феъли -моқчи /-мэқчъ/ аффикси орқали ясалади: *қур-мэқчъ-ман*, *қурмэқчъ-сан*, *қурмэқчъ(дър)*; *қур-мэқчъ-мъз*, *қур-мэқчъ-съз*, *қур-мэқчъ-лар*.

Келаси замон гумон феъли -ар ‖ -р формалари орқали шаклланиб келади: *Каръм ерта-ъндън келъп қэлар; сан ҳам унъ кўруп хурсан(д) бўларсан*.

Бу феълнинг шахс-сонларда тусланиши қуйидагича: *келъп қэлар-ман*, *ўйна-р-ман*, *келъп қэл-ар-сан*, *ўйна-р-сан*, *келъп қэл-ар*, *ўйна-р*; *келъп қэл-ар-мьз*, *ўйна-р-мъз*, *келъп қэл-ар-съз*, *ўйна-р-съз*, *келъп қэларла(р)*, *ўйна-р-ла(р)*.

Келаси замон гумон феъли *-ар* ‖ *-р* формасидан бошқа, яна шартистак+керак (баъзан е:тъмэл ‖ эҳтимол) бирикмаси орқали ифодаланади: *келъп қэлса керак* (‖ *келъп қэлса е:тъмэл* ‖ *е:тъмэлкъ келъп қэлса*), *ўйнаса керак* (‖ *е:тъмэлкъ ўйнаса*).

Юқорида кўриб ўтганимиз -ар ‖ -р аффикси феълнинг икки категориясини ясашга хизмат қилади: а) келаси замон гумон феълини (масалан: *бу ъш ҳам бътъб кетар*), б) келаси замон сифатдошини (мас.: *келар ҳафта; бўлар ъш бўллъ*).[6]

Диалектда феълларнинг шахс-сонда ўзгариши (тусланиш) кўп ҳолларда адабий тилга мос келади: *эламан*, *бераман*, *эласан*, *берасан*, *эладъ*, *берадъ*, *эламъз*, *берамъз* каби. Лекин айрим вақтларда (хусусан қариялар нутқида) 1-шахс кўплик аффиксининг *-бъз* шаклида, 3-шахс бирлик аффиксининг *-ду* шаклида талларффуз этилишини кўрамиз: *бэрарабъз*, *келабъз*; *авқотнъ қазэнга пъшърабъз*; *чэй ъчабъз*. *Нэсър келаду*, *нерса-перса кетъраду* (‖ *нарса-парса кетураду*) каби. Икки тилли аҳоли нутқида *келаду*, *ўтураду* типидаги тусланиш (яъни: *ди*>*ду* ўзгариши) тез-тез учраб туради.

Буйруқ майли. Бу форма моҳият эътибори билан 2-ва 3-шахсларга қаратилгандир; 2-шахс буйруқ феъл диалектда қўшимчасиз ва қўшимчалар билан қўлланади: *кел—келгън* ‖ *келгънак* (‖ *ке:гън* ‖ *ке:гънак*)—бирлик сонда; *келънг* (ҳурмат оттенкасида), *келънгъз—келънглар* (‖ *келънгла*)-*келънгъзлар*—кўплик сонда. Демак, шевага хос бўлган буйруқ формаси *(келгънак)* кўплик сонда келмайди. Бу типдаги буйруқ феълига қўшиладиган *-гън+ак* белгиси буйруққа юмшоқ тон ва маслаҳат оттенкасини беради, баъзи ҳолларда эса қиташ оттенкасини билдиради. Масалан: *Сан ҳам бър кънэга бэргъна̀к*, *тамэшэ қългъна̀к; бър муннай келъп ўтургъна̀к, чэй ъчкъна̀к*. (с. Шфр.).

3-шахс буйруқ феъли *-сън* ‖ *-сун* белгиси билан 2-шахс буйруқ формасидан ажралиб туради: *келсун* ‖ *келсън* (‖ *кесун*, *кесън*); *ҳамма келсун майлъсга; бър пас тъндӂе ўтърсън—келсун*, *ўтурсън*—бирлик сонда; *Айтънг, бачала(р) мактапка* ***бэрсънлар***, ***ўқусунлар*** (‖ *ўқъсънла-р*)—*кўплик сонда*.

Шарт майли. 2-шахс бирлик (қўшимчасиз) буйруқ феълига *-са* аффиксининг қўшилиши билан ясалади: *келса*, *қурса*, *гулласа* ва б. Мисоллар: *Баҳэр* ***келса***, *аввал бэдэм гуллайдъ. Дарах(т)* ***қурсанг*** *эбэдэнлък бўладъ. Пахта* ***гулласа***, *ҳэсълга кърадъ*.

Истак майлининг ифодаланиши қуйидагича: 1) *бэрай*, *элай; бэрайън*, *элайън; бэргай*, *элгай*. Масалан: *Ман* ***бэрай***, *эйлъгъмнъ* ***элай***; *бър паркка* ***кърайън*** *девудъм*. ***Бэраймъ***, ***бэрмагаймъ***?

---

[6] Н. К. Дмитриев, Грамматика кумыкского языка, Москва, 1941, 100-бет.

2) шарт феълининг аффикси *-са* орқали истак маъноси ифода этилади: *Ман ҳам бир курэртка* ***бэрсам, давэлансам;*** *Джўраджэн, бир* ***келсанг,*** *бир муннай ашўла* ***қелъп берсанг,*** *қаннэй йахшъ бўлайдъ-йа.* ***Хэ:ласанг*** *ҳэзр кел,* ***ҳэҳласанг*** *ерта кеча кел, эпчъ ўзънг бъласан* (Рмт.)

Истак майлининг ҳар икки формаси истак оттенкасини бўрттиришга хизмат қилувчи *-чъ* юкламасини қабул қилиши мумкин: *бэрай-чъ, кўръп келайчъ; сан бэрсанг-чъ, ўзънг хабар элъб турсанг-чъ, Бэрсанггъз бэрънг-чъ, қанъ нъма бўладъ.*

Истакни билдирувчи шарт феълининг маъноси „эди", „экан" тўлиқсиз феллари ёрдамида бўрттирилади: *Бир мундай* ***келса едъ,*** *аҳвэлъмнъ* ***сўраса едъ.***

Феъл нисбатлари. Иш-ҳаракатнинг субъекти билан объекти орасидаги муносабатни ифодаловчи феъл нисбатлари—аниқ нисбат, ўзлик, мажҳул, биргалик ва орттирма нисбатлари—текширилаётган диалектда ҳам мавжуд: *Ман қўл-бетъмнъ* ***йувдум*** (аниқ нисбат), *ман* ***йувундъм*** (ўзлик н.) *кърлар* ***йувулдъ тэзаландъ*** (мажҳул), *Айэллар кир* ***йувуштъ*** (биргалик н.), *пэлларнъ* ***йувдърдък,*** *ўйнъ* ***шамэллаттък*** (орттирма н.).

Лекин бу ўринда шу нарсани таъкидлаш керакки, кўрсатилган феъл нисбатлари диалектда бир зайлда (баробор) қўлланилмайди. Аниқ нисбатнинг қўлланиш даражаси кенг миқёсда, аксинча, биргалик, мажҳул нисбатларнинг истеъмол доираси анча тор, хусусан икки тилда сўзловчи аҳоли нутқида бу нисбатлар жуда бўш ривожланган (кам тарқалган, аниқроғи, етарли барқарор норма шаклини олган эмас). Шунинг учун ҳам биргалик, мажҳул нисбатлари ўрнида кўпинча аниқ нисбат феъли қўлланилади ;чунончи: *меҳмонлар келишди, уйга киришди, ҳамма йиғилишди* каби жумлалар диалектда *ме:энлар келдълар, ўйга кърдълар, ҳамма йъғълдъ (* || *йъғълдълар)* деб талаффуз этилади. Лекин: *улар салэмлашъп кўръштълар, ўзарэ келъштълар* типидаги гапларда бъргалик нисбат феъли семантик талабга мувофиқ қўлланаверади.

Ҳаракат номи. Феълнинг тусланмайдиган бу формаси диалектда кенг меъёрда ишлатилади. Бу хулоса *-ыш* || *-ш* билан ясалган ҳаракат номига тааллуқлир: *ъшлаш, баджръш, чэпъш, йугуръш, ўқуш* || *ўқъш, тўқуш* || *тўқъш* ва ш. к.; *-ув* || *-в* билан ясалувчи ҳаракат номи диалектга хос эмас *(бэрув, келув* типидаги ҳаракат номлари *бэръш, келъш* шаклида ишлатилади).Ноаниқ форма—инфинитивнинг асосий аффикси *-мэк: баджармэк, кутмэк, кечърмэк* ва ш. к. Лекин умуман олганда, феълнинг ноаниқ формаси диалектда камдан-кам ишлатилади (асосан *-ъш* || *-ш* билан ясалган ҳаракат номи қўлланилади). Маҳаллий ўғуз шеваларида, аксинча, *-мэк* || *-мэк* билан ясалган форма кенг миқёсда талаффуз этилади. Масалан: *Дэйъ* ***ъшламэға*** *гелди* || Бух. *Амакъ* ***ъшлашга*** *келдъ.*

Сифатдош. Кенг меъёрда қўлланадиган ўтган замон сифатдоши *-ган, -кан, -қан (-йан)* аффикслари билан ясалади: *келган* || *кеган, теккан, тушкан, чъққан, туққан; бўлган* || *бўйан.* Кейинги форма *-йан* аффикси билан ясалган сифатдош фақат айрим қишлоқларда (чунончи, Ғжд., Районобод қ. советидаги с. „Москва" колхози территориясида қайд қилинди); *-ган* аффикси билан ясалган сифатдош икки тилда сўзловчи аҳоли нутқида асосий форма сифатида қўлланади *(бэрган, чъқган, туғган;* ад.-орф. *борган, чиққан, туққан).*

Ҳозирги замон сифатдоши-*йэткан* (ад.-орф. *-ётган*) аффикси билан ясалади: ***келайэткан*** *мэшън; пахта* ***терайэткан*** *калхўсчълар;* ***қурайэткан*** *ъмэратлар.*

Келаси замон сифатдоши *-дъган* ‖ *-й-тъкэн, -ар* ‖ *-р* аффикслари ёрдамида шаклланади ва от олдидан аниқловчи ролида келади: *келадъган* ‖ *келайтъкэн* ‖ *йэзайтъкэн; бўлар ъш, келар йъл, кўрар кўъз, бэрар джэй, йэнар тэғ* ва ш. к.

Равишдош. Бухоро диалектида равишдошнинг ҳолат ва пайтини билдирувчи турлари мавжуд (***ўйлап*** *гапърдъ*, ***йэза-йэза*** *бътърдъ*, ***келмасдан*** *кетъп қэллъ*; ***келгач*** *бэраман*, ***гелгунча*** *қарап тураман* каби). Мақсад равишдоши эса диалектда ишлатилмайди, бу равишдошнинг маъноси ҳаркат номи+*учун* кўмакчиси (ёки жўналиш келишигидаги ҳаракат номи) орқали ифода этилади: *ъшлаш учун келдък* ‖ *ъшлашга келдък; ўқуш учун кътэп эллъ* ‖ *ўқушга кътэп эллъ.*

Феълларнинг ясалиши ва феъл ясовчи аффикслар. Феъллар аффиксация йўли билан от, сифат ва бошқа сўзлардан ясалиб келади. Энг кўп қўлланувчи феъл ясовчи аффикслари кўрсатиб ўтамиз.

-ла: *ъшла, ўқла* (мълтъқнъ ***ўқладъ***), *бэшла, сўзла, қайчъла, тузла* (отдан феъл ясалган); *йахшъла, йамэнлама, эқла (девэлнъ эқлаймъз* ‖ *эқартърамъз, ўзънъ эқладъ), сэзла, қараласа* (сифатдан феъл ясалган); *тезлат, секънлат* (равишдан ясалган);

-лаш: *гаплаш, сў:батлаш (гаплашъп, су:батлашъп ўтърдък), фъкрлаш,* ‖ *пъкърлаш, мусэбақалашамъз* (отдан феъл), *қуйуқлаш, йамэнлаштъ, эсэнлаштъ, қъ:нлаштъ* (сифатдан феъл) *бърлаштъ, бърлашамъз* (сондан феъл), *тезлаштъ, секънлаштъ* (равишдан феъл).

-ай- *кучайдъ, зўрайдъ, кўпайамъз, камайдъ* (от, сифат, равишлардан феъл).

-ар ‖ **-р:** *кўкардъ, қъсқардъ, ескърдъ, бўзарадъ* (сифатдан феъл)

-ър ‖ **-ур**: *гапърдъ* ‖ *гапурдъ; тупурдъ.*

-ък, -ък: *йўлъқтъ, бъръктъ, кечъктъ.*

Композиция (синтактик) йўл бълан ясалган (қўшма) феъл-ларнинг кўпчилик қисми икки компонентдан тузилган, озчилик бир группаси эса уч компонентдан тузилган қўшма феъллардир. Икки компонентли қўшма феъллар составига кўра, феъл+феъл, от+феъл, сифат+феъл. сон+феъл ва равиш+феъл тарзида ясалгандир: *элъб бэрдъ, сэтъб элдъ, элъб келлъ, келъп қэллъ; қўл қўйдъ, фъкр қъллъ, йэз бўллъ, йахшъ бўллъ, ҳавэ ъссъқ бўллъ; сэат саккъз бўлль, кўзларъм, тўрт бўллъ; кеч бўладъ, тез бўладъ.* Уч компонентли қўшма феъллар составига кўра, қуйидагичадир: а) от+равишдон+тусланган феъл: *У агранўм бўлъп қэлдъ, мен ўқъту:чъ бўлъп қэлдъм.* б) равишдош+сифатдош+тўлиқсиз феъл: *У келъп қэлган екан. Мен бу палтэнь ўткан йъллъ сэтъб элган эдъм.*

Равиш. Диалектда равишнинг маънога кўра қуйидаги турлари мавжуд: 1) ҳолат равишлари: *тез* ‖ *ълдэм, эста* ‖ *аста, секън, бърдан* ‖ *бърданъга* ‖ *нэхэс,* ‖ *банэхэс, даррав* ‖ *дарҳэл, ескъча, янгъча, джудэ*(ад. орф. *жуда*); 2) пайт равишлари: *ҳэзър, букун, ерта (га), ъндэн (га), тунэгун, кеча* ‖ *ўткан кун, сўғун* (ад. орф. *сўнг, сўнгра*), *шу пълла (шу пайт);* 3) ўрин равишлари: *бера, шера, ўра* (ад. орф. *бу ерда, бу ерга, шу ерда, шу ерга, у ерда, у ерга*), *ълдай* ‖ *ъллай* ‖ *элдак* (ад. орф. *олдин*), *элдакка (олдинга, олдинда): мэшьнга чъгъп элдакка ўтурдъм;* 4) миқдор-даража равишлари: *кўп* ‖ *мўл* ‖ *кэн: кўп гапурдъ* ‖ *кэн гапуръп ўтърдъ; эз* ‖ *кам, анча* ‖ *анча-мунча, пъчъ* ‖ *бъчъ* (ад. орф. *пича);* 5) сабаб-мақсад равишлари: *нэлэдж* ‖ *нэлэджданатайън* ‖ *атайлаб, қас(т)тан, джўртага.*

Модал сўзлар. Фикрнинг борлиққа бўлган муносабатини ифода этувчи модал сўзлардан қуйидагилар диалектда сероб қўлланади: 1) гапда

ифода этилган фикр, иш-ҳаракатга сўзловчининг ишончини билдирувчи модал сўзлар: *албатта* ‖ *алватта*, *бешубҳа* ‖ *шубҳасъз*, *сўзсъз*; 2) айтилган фикрга нисбатан тахминий-мўлжаллаш маъносини билдирган модал сўзлар: *еҳтъмэл* ‖ *е:тъмэл* ‖ *е:тъмэлкъ*, *бэрдъйу (бэрдъ-йу кемаса-чъ.)*, *мабэдэ*, *авалам* ‖ *чэқъ* ‖ *чэқъдан* (ад. орф. *шекилли*), *афътъдан* ‖ *аптъдан*, *мўджъбът* (<рус. может быть).

Мисолар: *Йэғмур (* ‖ *йэмър) йэғадъ* ***чэқъдан. Мўджъбът*** *йэғмур (* ‖ *йэмър) йэғса. Иэғъшъ ҳэлъ (* ‖ *ҳалъ)* ***гумэн****....е:****тъмэл*** *йэғмаса, чўлга* ***албатта (*** ‖ *алватта) йэғадъ.*

* * *

Биз ўзбек тилининг Бухоро диалекти морфологиясига хос хусусиятларни мустақил маъноли сўзлар обзори билан тугалладик. Хулоса тариқасида шуни айтиш керакки, текширилган диалектда специфик хусусиятлар билан бир қаторда адабий тилга мос келадиган формалар ҳам анча мавжуд. Бу мослик диалектал хусусиятларнинг тобора қисқариши ҳисобига адабий тилнинг самарали таъсири билан орта боради.

СОЙИБЖОН ТУЛЯКОВ

НАМАНГАН ШАҲАР ШЕВАСИДА ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШИ

Наманган шаҳар шеваси ўзининг айрим лексик, фонетик ва морфологик хусусиятлари билан бошқа ўзбек шеваларидан фарқ қилади. Унинг характерли морфологик хусусиятлари кўпроқ феъларда учрайди. Айниқса, феъл замонлари, майл, даража, ҳаракат номи, шунингдек, сифатдош ва равишдошларда кўринади.

Мазкур шева ўзининг фонетик структураси эътибори билан ҳам бошқа ўзбек шеваларидан анчагина фарқ қилади[1]. Бу фарқ ёлғиз товуш миқдорининг ўзгачароқ бўлишидагина эмас, албатта, балки шеванинг лексик тузилишида, айниқса морфологик структурасида шу товушларнинг ғоят ўзгарувчанлигида, турли фонетик позицияларда хилма-хил товушлар комбинациясининг мавжудлигида ҳамдир. Ўзбек тилининг Наманган шаҳар шевасида, айниқса феъларнинг тусланишида, бу специфик хусусият жуда яққол сезилади.

Дастлаб айрим парадигмаларни кўриб чиқайлик.

Ўтган замон феъл формалари.

а. Ўтган замон аниқлик феъли. *Феъл ўзак-негизи+дъм* ‖ *дүм* ‖ *тъм* ‖ *түм, -дъҥ* ‖ *дүҥ* ‖ *тъҥ* ‖ *түҥ,-дъ* ‖ *дү* ‖ *тъ* ‖ *тү; -дък* ‖ *дүк* ‖ *тък* ‖ *түк* ‖ *дү:* ‖ *тү:, -дъҥгъз* ‖ *дӣ:нə* ‖ *дӯ:нə* ‖ *дүҥгъз* ‖ *тъҥгъз* ‖ *түҥгъз* ‖ *тӣ:нə* ‖ *тӯ:-нə, -дълə* ‖ *дүлə* ‖ *тълə* ‖ *түлə* ‖ *ъштъ* ‖ *үштъ* ‖ *лə.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. қълдъм, йүддүм, иштъм, үштүм	қълдък ‖ қълдүқ, йүддү: ‖ йүддүк, иштү: ‖ иштүк, үштү: ‖ үштүк
2. қълдън, йүддүн, иштън, үштүҥ	қълдъ ‖ үҥгъз ‖ қълдӣ:нə ‖ дӯ:нə йүддүҥгъз ‖ йүддӯ:нə, иштъ ‖ үҥгъз ‖ иштӣ: ‖ ӯ:нə, үштүҥгъз ‖ үштӣ:нə.
3. қълдъ, йүддү, иштъ, үштү	қълдълə ‖ қълъштъ, йүддүлə ‖ йүрүштү, иштүлə ‖ ичиштъ, үштүлə ‖ үчүштү ‖ лə[2].

[1] В. В. Решетов, О наманганском говоре узбекского языка, Сб. Академику В. А. Гордлевскому..., М., 1953, 218-бет; А. К. Боровков, Узбекские говоры Наманганской области. Научные труды ТашГУ, вып. 211. Языкознание, Ташкент, 1963, 4—5-бетлар; С. Атамирзаева, Звуковой состав наманганского говора узбекского языка (экспериментальное исследование), Кандидатская диссертация, Ленинград,1963, 4—5-бетлар.

[2] Шевадаги феъллар кўпликнинг II, III шахсларида қўлланган вақтда икки хил вариантда ишлатилади. Булар ҳам кўплик, ҳам ҳурмат маъноси билан боғланган. Лекин бу вариантларнинг *сълə көддӣ:нə* ‖ *көддӯ:нə, үлə көрүштъ* типида қўлланиши шевага характерли. Шунинг учун ҳам биз бундан кейинги ўринларда иккинчи вариантларни келтириш билан чегараланамиз.

Бўлишсиз

бирлик	кўплик
1. йўрмєдъм, үчмєдъм	йўрмєдү: ‖ йўрмєдўк, үчмєду: ‖ үчмєдўк ‖ дък.
2. йўрмєдъң, үчмєдъң	йўрмєдъңгъз ‖ дӯ:нә, үчмєдъңгъз ‖ дӯ:нә
3. йўрмєдъ, үчмєдъ	йўрмєдълә ‖ йўрүшмєдъ, үчмєдълә ‖ үчүшмєдъ(лә).

б. Тарихий ўтган замон феъли. Феълнинг бу шакли структураси жиҳатдан адабий тилдаги, шунингдек, кўпчилик ўзбек шеваларидаги формадан, асосан, фарқ қилмайди. Масалан, *къгәммӯ:, къгӯ:сә:, къгӯ:; къгәммъс, къгӯ:сълә, кълъшкӯ:; къмәгәммӯ: къмегӯ:сә:, къмәгӯ:; къмәгәммъс, къмәгӯ:сълә, кълъшмәгӯ:* (адаб.-орфографик қилганман) каби.

в. Узоқ ўтган замон феъли. *Феъл ўзак-негизи+ган+тўлиқсиз феъл+шахс=сон қўшимчаси.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. кегєндъм ‖ кегєнъдъм	кегєндўк ‖ кегєнъдүк
2. кегєндъң ‖ кегєнъдъң	кегєн ‖ ъдӣ:нә ‖ кегєнъдӯ:нә
3. кегєндъ ‖ кегєнъдъ	кълъшкєнъдълә.

Бу феълнинг бўлишсиз шакли *-мә* аффикси орқали ҳосил бўлади: *кемәгєнъдм, кемәгєнъдүк* сингари. Узоқ ўтган замон феъли тўлиқсиз феълнинг бошқа турлари ёрдами билан ҳосил қилинганда ҳам *көргәнәкәммӯ:; көрмәгәнәкӯ:сълә; көргәммүшмӯ:* ‖ *көргєнъмүшмӯ:, көрмәгәммүшмӯ:* ‖ *кермәгєнъмүшмӯ:* сингари шаклларга киради.

г. Ўтган замон ҳикоя феъли. *Феъл ўзак-негизи+в* | *ъ* ‖ *үв* ‖ *ү* : <*-б (иб)+тўлиқсиз феъл+шахс-сон қўшимчаси.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. әтү:дум, ишлєвъдъм, йөзү:дүм	әтү:дүк, ишлєвъдък, йөзү:дўк
2. әтү:дўң, ишлєвъдъң, йөзү:дүң	әтү:дӣ:нә ‖ дӯ:нә, ишлєвъдӣ:нә, йөзү:дӣ:нә ‖ дӯ:нә.
3. әтү:дү, ишлєвъдъ, йөзү:дү	ә:йтъшүдү, ишлєшъвъдъ, йөзүшүдү.

Бўлишсиз

бирлик	кўплик
1. әтмү:дүм	әтмү:дүк
2. әтмү:дўң	әтмү:дӣ:нә ‖ дӯ:нә
3. әтмү:дү	ә:йтъшмү:дү (лә)

(әтмү:дүм<айт+ма+б+әдим).

д. Ўтган замон эшитилганлик феъли. *Феъл ўзак-негизи+-п(ъп)* <*-б(иб)+тусловчи қўшимчаларнинг тўла формаси.*

Бўлишли		Бўлишсиз	
бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
1. ичъпмән ‖ ичъммән	ичъммъс	йемәпмән ‖ йемәммән	йемәпмъс ‖ йемәммъс
2. ичъпсән	ичъпсълә	йемәпсән	йемәпсълә
3. ичъптъ ‖ ү	ичъшъптъ ‖ ү	йемәптъ ‖ ү	йъйъшмәптъ ‖ ү

е. Тугалланмаган ўтган замон феъли. *Феъл ўзак-негизи+-р(әр)+тўлиқсиз феъл+шахс-сон қўшимчаси.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. йөзеддъм	йөзеддък ‖ дүк
2. йөзеддъҥ	йөзедди̃:нә ‖ йөзеддү̃:нә
3. йөзеддъ	йөзүшеддъ

Бу феълнинг бўлишсиз шакли *йөзместъм* ‖ *йөзмәсъдъм, йөзмәстүк* ‖ *йөсмесъдүк* каби ҳосил қилинади.

2. Ҳозирги замон феъл формалари.

а. Ҳозирги-келаси замон феъли. *Феъл ўзак-негизи+-ә ёки „-й“ аффикси+шахс-сон кўрсаткичи.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. келәмән, ишлә::ймән	келемъз, ишлә::ймъз
2. келәсән, ишлә::йсән	келесълә, ишлә::йсълә
3. келедъ, ишлә::йдъ	къльшедъ, ишләшедъ

Бўлишсиз

бирлик	кўплик
1. кемә::мә̃:, ишлә̃мә::мә̃:	кемә::ймъз, ишлә̃мә::ймъз
2. кемә::йсә̃:, ишлә̃мә::йсә̃:	кемә::йсълә, ишлә̃шмә::йсълә
3. кемә::йдъ, ишлә̃мә::йдъ	къльшмә::йдъ, ишлә̃шмә::йдъ

б. Конкрет ҳозирги замон феъли. *Феъл ўзак-негизи+-үттъ ‖ тү аффикси+шахс-сон қўшимчаси.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. күлүттъмә̃:, йөзүттъмә̃:	күлүттъмъз, йөзүттъмъз
2. күлүссә̃:, йөзүссә̃:	күлүссълә, йөзүссълә
3. күлүттъ ‖ ү, йөзүттъ ‖ ү	күлүшүттү, йөзүшүттү.

Бу феълнинг бўлишсиз шакли *күлмүттъмә̃:*, күлмүттъмъз сингари ҳосил қилинади.

3. Келаси замон феъл формалари.

а. Келаси замон давом феъли. *Феъл ўзак-негизи+ә ёки -й аффикси+-дъгән+шахс-сон кўрсаткичи.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. көрєдъгэммə̃:	көрєдъгэммъс
2. көрєдъгэ:сə:	көрєдъгэ:сълə
3. көрєдъгə̃:	көрүшєдъгэ̃:

Бўлишсиз

1. көрмə::йдъгэммə̃:	көрмə::йдъгэммъс
2. көрмə::йдъгэ̃: сə̃:	көрмə::йдъгə̃:сълə
3. көрмə::йдъгэ̃:	көрүшмə::йдъгэ̃:

б. Келаси замон гумон феъли. *Феъл ўзак-негизъ+-р(әр) аффикси+шахс-сон кўрсаткичи.*

Бўлишли

бирлик	кўплик
1. кетəрмə̃:, бөшləрмə̃:	кетəрмъз, бөшləрмъз
2. кетəссə̃:, бөшləссə̃:	кетəссълə, бөшləссълə
3. кетəр, бөшləр	кетъшəр, бөшləшəр.

в. Келаси замон мақсад феъли. *Феъл ўзак-негизи+-мəхчъ (<-моқ+чи) аффикси + шахс-сон кўрсаткичи:* кетмəхчъмə̃:, кетмəхчъсə̃:, кетмəхчъ; кетмəхчъмъс, кетмəхчъсълə, кетъшмəхчъ. Бу замон формасининг бўлишсиз шакли *-мəс (<э+ма+с)* орқали ясалади: *кетмəхчъмəсмə̃:, кетмəхчъмəсмъз* сингари.

Келаси замон феъл формаларининг тусланишидан кўринадики, ундаги шу процессда содир бўлаётган фонетик ўзгаришлар ё юқорида келтирилган парадигмалардаги хусусиятларни такрорлайди, ёки бу ўзгаришлар бошқаларига нисбатан унча характерли бўлмаган фонетик ҳодисалардир.

Энди юқорида келтирилган феъл формаларида содир бўлган фонетик ўзгаришларга қисқача изоҳ бериб ўтайлик.

Парадигмаларда келтирилган айрим формаларнинг фонетик тузилиши диққатни жалб этади.

1. Қўшимча составидаги товушларнинг сифати кўп жиҳатдан унли товушларнинг сифатига боғлиқ бўлар экан, айниқса, бу ҳодиса тор унлиларда кўпроқ сезилади: *йүддүм, үштүм, йүддүң, үштүң, йүддү, үшү* кабилар. Мисолларда ўзакдаги ўрта кенгликдаги ёки тор унлининг таъсирида қўшимча составидаги унли ҳам ўз сифатини ҳатто очиқ бўғинда ҳам ўзгартиради *(йүддү)*. Демак, шевада лаб гармонияси қонуни анча турғундир, ҳар ҳолда унинг кучи иккинчи бўғингача очиқ сезилади. Бу хусусият отларда уларнинг энгалик қўшимчалари билан ўзгаришида, ўзлик олмошида ҳам сезилади: *қүлүм, қүлүң, қүлү; қөвүнүм, қөвүнүң, қөвүнү; үзүм, үзүң, үзү.*

2. Парадигмалардаги мисолардан кўринадики, кўпликнинг биринчи шахсида *-дү:* ‖ *дүк* аффикси ҳам учрайди. Бу форма ёзув ёдгорликлари тилида ҳам, ҳозирги жонли шеваларнинг айримларида ҳам

мавжудки, аффикс составидаги унлининг сифати (тор [ɣ] тарзида бўлиши) кўп жиҳатдан ўзакдаги унлининг сифатига боғлик эмас ва, фикримизча, мазкур тор унли шу аффикснинг негизини ташкил қилган лексик ядронинг ўзида мавжуд бўлган ҳамда қадимги замонлардан бери сақланиб келаётир.

3. Феълнинг III шахс кўплигида қайд қилинган *бөрүштъ, йөзүштъ, сөлүштъ* каби *(бэр, сэл, йэз)* феъл ўзакларида содир бўлган фонетик ўзгариш диққатга сазавордир. Бу ўзгариш шевада мавжуд бўлган умлаут ҳодисаси билан боғлик эканлиги шубҳасиз. Лекин нима сабабдан одатдаги ўзгариш, яъни *э>є* тарзида бўлмай, балки *э>ө* тарзида юз берган? Қандай бўлмасин, позицион характердаси бу фонетик ўзгариш ҳам шевада мавжудки, бу—шева фонетикасининг муҳим белгиларидандир. Кузатиш шуни кўрсатдики, феъл туркумидаги сўз ўзакларида *э>ө* типидаги ўзгариш кучлироққа ўхшайди ва шу хусусияти жиҳатидан Наманган шаҳар шевасидаги умлаут ҳодисаси Уйчи, Чортоқ шеваларидаги шу ҳодисадан фарқланади: *сэл—сөлүштъ, йэз—йөзүшүттү, бэр—бөрүссъла* сингари. Лекин *олиб кел—єпке, олиб чиқ—єпчъқ* сингари ўзгариш шу сўзлардагина юз бериши қайд қилинди.

4. II шахс кўпликда, қайд қилинганидек, *-дй:нэ* ‖ *дү̆:нэ* қўшимчалари ҳам ишлатилади. Бу форманинг составида иккита аффикс мавжудлиги равшан: *-дй:+нэ (<динг+лар).* Биринчи аффикс охиридаги [ц] товушининг тушуви натижасида чўзиқлик ҳосил бўлган *(бөд+дү̆:+нэ)*, лекин аффикс составидаги унли нима учун [ɣ] тарзида талаффуз қилинади? Нима учун одатдагидек *-дй:нэ* кўрсаткичи билан параллел қўлланилади? Ўйлашимизча, бу ўзгариш биринчи шахс кўпликка аналогия тарзида юзага келган ёки аслида бу икки формант (яъни I ва II шахс кўплик) келиб чиқиши жиҳатидан бир элементдан ҳосил бўлгандир.

5. Мазкур шевадаги феъл формаларининг бўлишсиз турида шу шаклни ясовчи *-мэ* ‖ *мє* ‖ *м* элементининг позицион ўзгариши ҳам қайд қилишга арзийдиган ҳодисадир. Умлаут ҳодисаси, мутахассислар таърифича, регрессив ассимиляция натижасида, яъни аффикс составидаги тор унлининг таъсири билан ўзак составидаги [а] ёки [э] унлиси уларга нисбатан анча тор бўлган тил олди [є] унлисига ўтади. Лекин бўлишсиз формада *-мэ* ‖ *мэ* ‖ *м* аффикси составидаги унли феълнинг шахс аффикси охиридаги тор [ъ] таъсирида ўзгараётир: *көрмєдъ, йүрмєдъ, бөрүшмєдъ* каби. Кўринадики, баъзан бир сўз формасининг ўзида умлаутнинг таъсири билан ҳам ўзак составидаги унли, ҳам аффикс составидаги унли ўзарган: биринчисида *бэр—бөръш* ‖ *бөрүш*, иккинчисида *бөрүш—бөрүшмєдъ*. Бўлишсизлик ҳосил қилувчи қўшимчанинг *-м* варианти конкрет ҳозирги замон феълида (шунингдек, ҳозирги замон сифатдошида ҳам) учрайди. Шундай экан, замоннинг бу тури учун шевада *-үт* аффикси қўшилиши керак. Агар, масалан, *келмоқ* феълининг бўлишсиз шакли *келма* феълига *-үт* қўшилса, *келмэ+үттъ* бўлиши керак эди. Ўзбек тилида икки унли қатор келиши мумкин бўлмагани учун *-мэ* аффиксидан [э] тушади, натижада бўлишсиз формани ҳосил қилувчи қўшимчадан *-м* қолади: *кеч-м(э)+үттъ, бөр-м(э)+үттъ, йөз-м(э)+үссъла* каби.

6. Тусланишнинг турли формаларида ўзак охиридаги товуш билан аффикснинг биринчи товуши, шунингдек, бир аффикс охиридаги товуш билан бошқа бир қўшимча бошидаги товушнинг бир-бирига кўрсатган таъсири натижасида ҳар хил комбинациядаги фонетик ўзгаришлар юз беради: **а) ассимиляция:**

р>д: *беддъ* (берди), *йүддү* (юрди), *къддъ* (кирди);
р>с: *кетәссълә* (кетарсизлар), *келәссълә* (келарсизлар);
д>т: *әттъм* (айтдим), *иштъм* (ичдим), *чъхтүк* (чиқдик);

т>с: *бөрүссә:* (боряпсан), *қълүссълә* (қиляпсизлар);
ч>с: *иссәк* (ичсак), *үссә* (учса);
ч>ш: *үштүм*(учдим), *қөштүк* (қочдик);
ш>с: *бөрүссә* (боришса), *көрүссә* (кўришса);

н>м: *къгәммә:* (қилганман), *кечкәммъз* (кечганмиз) в. б.

б) товуш ва товуш комплексининг қўлланмаслиги: *күрү:дүм* (кўриб эдим), *өлү:дүм* (олиб эдим), *бългәммүшмә* (билган эмишман), *көргәнәкәммә* (кўрган эканман), *берәмә:* (бераман), *әтмү:дүм* (айт+ма+б+эдим) каби.

7. *бълмә::мә:* (билмайман), *йөзмә::мә* (ёзмайман), *әтмә::мә:* (айтмайман) типидаги формаларда бўлишсизлик аффиксининг чўзилиш ҳодисаси диққатга сазавор. Бу тўғрида шундай мулоҳазани айтиш мумкин: аслида бу форманинг тўлиқ варианти *бормайдурман* бўлган ва *-дур* элементининг тушиши ҳисобига *-ма* аффиксидаги унли чўзилган, сўнг равишдош ясовчи *-й* тушуви натижасида ортиқ чўзиқлик келиб чиққан. Лекин *қєшлә::ймә* (қашлайман), *ишлә::йсълә* (ишлайсизлар) сингари ҳолатларда ҳам шу ҳодисани учратамизки, бу хусусият ҳозирги-келаси замон формасига махсусланган чўзиқликдир[3].

8. II шахс кўплик формаси шевада асосан феъл ўзагига *-ди:нә* ‖ *дү:нә* аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлади, лекин шевада бу форманинг *-дъңгъз* варианти ҳам бор бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳурматни ифодалашдир[4]. Адабий тилда етакчи ҳисобланган бу форманинг айрим шеваларда *-дъйъз*, *-дъз*, *-дүвүз* ‖ *дүз* каби фонетик вариантлари учрайди[5]. Наманган шаҳар шевасида *-диңгъз* аффикси жуда аниқ талаффуз қилинади. Бу форманинг тарихий эволюцияси ҳақида қуйидаги мулоҳазани баён этиш мумкин: аслида бу икки элементдан ташкил топган бўлиб, қадимда *-дин+сиз* тарзида бўлганмикин, сўнгги тараққиёт даврларда *-сиз* элементидан [с] тушиб қолиб, *-из* товуш бирикмасининг ўзи қолган; биринчи элемент составидаги (*-дъңгъз* составидаги) [г] товуши эса орттирилган бўлиб, формант охиридаги [ц] товушидан урчиб чиққан бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас[6].

9. Конкрет ҳозирги замон формаси ҳақида. Феълнинг бу тури ҳозирги ўзбек адабий тилида *-яп*, *-ётир* қўшимчалари орқали ҳосил қилинади. Наманган шаҳар шевасида эса иккала форма ўрнида ҳам *-үт* аффикси ишлатилади. Бу форма унинг жуда характерли морфологик хусусиятларидандир. Бу аффикс феъл ўзак-негизларига қўшилади ва ундан сўнг шахс-сон кўрсаткичлари келтирилади.

Конкрет ҳозирги замон феълининг кўрсаткичи ўзбек шевалариаро

---

[3] В. Решетов, Ш. Шоабдурахмонов, Ўзбек диалектологияси (Дарслик), Тошкент, 1962, 96-бет.

[4] *-дик* ‖ *дүк* аффиксининг этимологияси ҳақида қаранг: А. Н. Кононов. Происхождение прошедшего категорического времени в тюркских языках, „Тюркологический сборник", 1, М.—Л., 1951, 112-бет.

[5] Я. Г. Гулямов. Из наблюдений над морфологией Ташкентского говора. „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", 1, Тошкент, 1957, 170-бет; А. Ю. Алиев, Уйчи шеваси. „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", 2, Тошкент, 1961, 366-бет; А. Шерматов, Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", 2, 195—199-бетлар.

[6] Ф. Абдуллаев, Туркий тилларда [н] товушининг урчиши ҳақида. „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари" журнали, 1961, 2, 62—69-бетлар.

қуйидаги вариатларга эга: Андижон, Марғилон, Қўқон, Фарғона шеваларида *-йэп*, Тошкент ва Паркент шеваларида *-вэт*, Самарқанд, Қарши шеваларида эса *-эп*, Уйчи шевасида *-вєт* каби кўринишларга эга[7]. Бу аффикс Наманган районининг Тошбулоқ қишлоқ совети ва Янгиқўрғон районининг Заркент қишлоғида *-йэт* шаклида ишлатилади: *бэрйэттъ, кетйэттъ, қэчйэттъ* сингари. Қиёс қилинг: Қорабулоқ шевасида: *келйэтмэ, кэлйэтсэ* ‖ *келйэссэ, кэлйэтти*[8].

Конкрет ҳозирги замон феълининг III шахс бирликдан бошлаб тусланиши характерлидир.

Бирлик	Кўплик
1. көрүттъ—мӘ:	көрүттъ—мъс
2. көрүссӘ:	көрүссълэ
3. көрүттъ ‖ ү	көръ ‖ үшүттъ ‖ ү

Бу ўринда қуйидагиларни қайд қилиш лозим бўлади: а) иккинчи шахс бирликда шахс-сон қўшимчаси *-сүн* бошидаги [с] таъсири билан *-үт* охиридаги [т] товуши [с] га ўтади *йүрүссӘ:, ишлүссӘ:* (юряпсан, ишлаяпсан) сингари. б) учинчи шахс бирликда *-үттъ* ‖ *үттү* шаклида талаффуз этилиши бу шеванинг уйғур тили (Қашғар диалекти) билан генетик жиҳатдан яқинлигини кўрсатувчи хусусиятлнардан биридир. Қиёс қилинг:

Наманган шаҳар шевасида		Уйғур тилида	
бирлик	кўплик		
1. қълүттъмӘ:	қълүттъмъс	қъливатимэн	қъливатимъз
2. қълүссӘ:	қълүссълэ	қъливатисэн	қъливатисъз с/ъ/лэ/р/ қъливатисла
3. қълүттъ ‖ қълүттү	қълъшүттъ ‖ қълүшүттъ ‖ ү	қъливатиду	қъливатиду[9]

Конкрет ҳозирги замон феълини ясовчи аффикснинг юқорида қайд қилинган шевалараро вариантлари генетик жиҳатдан бир манбага мансубдир, албатта. Тошкент ва Наманган формалари *қъливатиман* формасининг кейинги фонетик ривожи эканлиги, буни Тошкент ва Наманган шеваларида учрайдиган оралиқ вариантлар исботлай олиши ҳамда мазкур аффикснинг Наманган формаси *-үт* аслида *-ват га* бориб тақалиши ўз вақтида проф. В. Решетов томонидан кўрсатилган[10]. Шундай қилиб, шевада конкрет ҳозирги замон феъли ясовчи *-үт* нинг

---

[7] Қаранг: В. В. Решетов, О категории настоящего времени в узбекском языке. Доклады АН УзССР, Ташкент, 1948, 5, 33-бет; Ш Афзалов, Ўзбек тилининг Паркент шевати. „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", 1, 154-бет; Ҳ. Ғуломов. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси..., 93-бет; А. Шерметов, Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари..., 204-бет; А. Ю. Алиев, Уйчинский говор узбекского языка, Автореферат кандидатской диссертации, Ташкент, 1960, 12-бет.

[8] К. К. Юдахиа, Некоторые особенности Карабулакского говора, „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", 1, 36-бет.

[9] Проф. В. М. Насилов, Грамматика уйгурского языка, М., 1940, 123-бет.

[10] В. Решетов, О категории настоящего времени в узбекском языке..., 33—37-бетлар; В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек диалектологияси, 82-бет.

эволюциясини қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:-*γт(тъ)*[11]<-*эт*[12]<-*вєт* <*вэт*<-*ват*<-*йэт*<-*йэт*<-*йэтъп*[13]. Шевада *демоқ* (гапирмоқ, айтмоқ феълининг синоними) феълининг бу замонда тусланиши қизиқ: *дγттъмə̃:, дγссə̃:, дγттъ; дγттъмъз, дъссълə, дъйъшγтть*. Бунинг бўлишсиз шакли *демγттъмə̃:, демγссə̃:, дъйъшмγттъ* каби. Қиёс қилинг: *дъвэммэн* || *дъвэтмэн, дъвэссэн, дъйъшвэттъ* (Тошкент шевасида). Мисоллардан кўринишича, бу феъл ўзагидан фақат [д[товуши қолади. Сабаби, *феъл ўзагининг унли товуш билан тугаши ва -γт қўшимчасининг унли билан бошланишидир*. З- шахс кўпликда эса ўзакдаги унли тикланяпти: *дъ*<*де*. Шу формага яқин ўзгаришни *ювмоқ, емоқ* феъллари тусланишида ҳам кўрамиз: *йγ::ттъмə̃:, йγ::ссə̃:; йγ::ссълə, йγйγшγттγ* (ювяпман сингари), *йвттъмə̃:* (еяпман). Бу феъл III шахсда *ювмоқ* феълидан фарқли ўлароқ *йъйъшγттъ* формасида қўлланадики, бу хил ўзгариш семантик талаб билан келиб чиққандир. *Ювмоқ* феълининг *йунди* шаклида ишлатилиши эски ўзбек тилида ҳам учрайди[14].

Хуллас, шевадаги феъллларнинг замон қўшимчалари билан тусланишида айрим ўзига хосликлар мавжуд бўлиб, булар нутқ процессида ҳар хил талаффуз этилиши, турли фонетик вариантларга эга бўлиши ва қўлланишидаги баъзи хусусиятларда кўринадики, шева шу жиҳатдан ҳам бошқа ўзбек шевалари ичида ажралиб туради.

---

[11] *-тъ*<*-ди* бўлиб ўтган замон аниқлик феълининг 3-шахс бирлигини ҳосил қилувчи қўшимча.

[12] Бу шакл Ҳаққулободда ишлатилади: *келэтмэн, келэссэн*. А. К. Боровков, Узбекские говоры Наманганской области... 21-бет.

[13] Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: **В. Решетов**, О категории..., 31—37-бетлар: А. Ҳожиев, Аниқ ҳозирги замон феъл формасининг келиб чиқиши ҳақида. „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", 2, 442—450-бетлар.

[14] А. Г. Гулямов, О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке, Труды ТашГУ, вып. 211, 54-бет.

ЖУМАНИЕЗ ШАРИПОВ

Филология фанлари кандидати

ҚУТБ ХОРАЗМИЙ ВА САЙФ САРОЙИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА

Таржима тарихимизда Қутб Хоразмий ва Сайф Саройилар алоҳида ўринни ишғол қиладилар, уларнинг таржималари ҳали-ҳали ўз қимматларини йўқотганларича йўқ.

Хоразмлик шоир **Қутб** 1340 йилда Низомий-Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Қутбнинг бу таржима асари X асрдан то XIV асргача бўлган бадиий таржима асарлари ичида энг фундаментал ва энг юксак бадиий маҳорат билан таржима қилинган бирдан-бир асардир. Бу бадиий таржима ўз замонасида жуда катта ижобий роль ўйнади ва ўзбек халқининг бадиий таржима соҳасидаги дурдона асари сифатида машҳур бўлди. Таржима тарихи ёзилар экан, Қутб Хоразмий номи алоҳида тилга олиниб, зўр фахр билан эсланади. Ў улуғ шоир Низомий-Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини ўзбек тилига таржима этар экан, ўзбек тилининг куч-қудратини кўрсата билди.

Қутб Хоразмий ўз замонасининг илғор ва кучли шоири, ўзбек классик адабиётининг атоқли намояндаларидан биридир. Унинг бошқа таржималари ҳақида замонамизгача бирон маълумот етиб келмаган.

«Хисрав ва Ширин» таржимасининг қўлёзмаси Парижда «Национал бибилиотека» да сақланади. Бу асарнинг фотокопиясини Навоий комитети ташаббуси билан Париждан олдирилган эди, 1940 йилда уни Навоий комитетининг ходими, таниқли адабиётшунос олим Ҳоди Зарифов нашрга тайёрлаган ва ушбу сатрларни ёзувчи таҳрир қилган эди, аммо бу асар уруш бошланиши билан чиқамй қолди. Ҳозир нашрга таъёрланган нусха Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида сақланмоқда. «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг 1 томида бу асардан айрим парчалар босилган.

Қутбнинг таржимаи ҳоли ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Қутб Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли даврида яшаган. Ўзбекхон 1312—1340-йилларда хонлик қилади. Унинг Тинибек деган ўғли бўлиб, шоир — таржимон Қутб ўз асарини унга ва унинг хотини Маликага бағишлаган. Шоир «Хисрав ва Ширин» ни маснавий тарзида арузнинг «ҳазаж мусаддас мақсур» вазнида таржима этар экан, оригиналнинг маъноси, сюжети, образларини сақлайди.

Октябрь революциясига қадар Низомий-Ганжавийнинг уч достони ўзбек тилига таржима этилган: «Хисрав ва Ширин» (Қутб Хоразмий таржимаси), «Маҳзанул-асрор» (Ҳайдар Хоразмий таржимаси) ва «Ҳафт пайкар» (Огаҳий таржимаси). Учала шоир-таржимон ҳам Хоразмдан чиққан. Уларнинг ҳар бири ўзбек халқига озарбайжон халқининг адабий ёдгорлигини туҳфа қилиб қолдирди ва бу билан буюк ёзувчига бўлган самимий ҳурматини изҳор қилди.

Учала шоир — таржимон ҳам Низомий-Ганжавий асарларини ўзбек тилига ўгирар эканлар, ҳар қайсиси достонга ўзидан кириш сўзи ёзади. Унда гениал шоирга бўлган муҳаббат-ҳурматларини, орзу-умидларини баён қиладилар ва айни достонни нима учун таржима қилаётганларининг сабабини айтадилар.

Қутб Хоразмий «Хисрав ва Ширин» ни таржима этар экан, ундаги асосий образлар: Ширин, Хисрав, Фарҳод, Маҳинбону, Шопур, Шеруяларнинг характер, хусусиятларини ўзбек тилида оригиналнинг айнан ўзидай беришга, воқеа ва сюжет линиясини тўлалиги билан сақлашга ҳаракат қилади.

Ширин тасвиридан бир парча:

...Садаф ичра тизилмиш тишлари дур,
Тишининг шуъласи дурга берур нур.
Ажойиброқ ики лаъли бадахшон,
Кўрарман бўлмиш ул дур узра ғалтон.
Қараки жодуси кўрганни ўртар,
Ёмон кўзлук кўзин кун бирла ўртар...
Тилин тебратса ул, эл кўнглин овлар,
Сўзи афсун менгиз тилларни боғлар...

Бу мисраларни таржима деб ўйлаш қийин, гўё Низомий-Ганжавийнинг ўзи ўзбек тилида ёзгандай! Бадиий юксак савияда яратилган тасвир! Таржимон кўз олдингизга гўзал, адолатпарвар Ширинни жонли қилиб гавдалантириб бериш учун ранго-ранг бўёқларни ишлатди, ўзидаги бор саъат кучини сарф этади, ўзбек тили бойликларидан эркин фойдаланади. Бундай ҳолни биз мураккаб образ Хисрав тасвирида, ишчан, меҳнатсевар, Ширинга мафтун бўлиб, шу йўлда қурбон бўлган Фарҳод образини гавдалантиришда, адолатли, меҳрибон Маҳинбону ифодасида ҳам кўрамиз. Мана, Ширин суратига қарата Фарҳоднинг айтган сўзлари:

Сенинг ишқинг мени бу ишга илди,
Кетурди, ушбу тош кесмакка солди.
Бу янглиғ ранжим ортди, иш узоди,
Қарорим қолмади, сабрим йироди,
Сан онда бир оғир гавҳар менгизлик,
Турурсан тошлар аросинда гезлик.
Уш ондин ўтру мен бу тош кесарман,
Гуҳар илкимга киргай теб кусарман[1].

Таржиманинг тили тўғрисида шуни айтиш мумкинки, унда тушуниш қийин бўлган арабча, форсча сўзлар кам, бўлганлари ҳам халқ тилига сингиб кетган сўзлардир. Таржимада шундай иборалар, ифодалар борки, гўё улар ҳозирги замонимизда, шу кеча-кундузда, бу куннинг адабий тилида ёзилганга ўхшаб кетади. Масалан:

Қилиб кўргазди ул тош узра санъат,
Талим эмганди, қилди кўркли сурат.

. . . . . .

Кўруб Шириннинг ой янглиғ юзини,
Мунаввар қилди ул юздин кўзини.

. . . . . .

Қаю соатда мени ёд қилдинг,
Қачон кўнглумни сендин шод қилдинг,

. . . . . .

---

[1] حسرو و شيرين, фотокопия, 131-бет.

Қачон боғ япроқиким бўлса кучсиз,
Хазон ондин уруб, очлур анга куз.[2]

Бу сатрлар бундан 600 йил илгари ёзилган бўлса ҳам, содда ва жонли сўзлари сиқиқ, маъноси кенг бўлган қуйма сатрлардир.

Қутб Низомий достонидаги сарлавҳаларни ҳам аниқ, равшан ва қисқа қилиб таржима этади. Масалан, «Хисрав Фарҳод бирла мунозара қилиб, Фарҳод тоғ қазмоқлиқи сўзи» (127-бет), «Фарҳод тоғни қазарда Ширин суратига қаршу зори қилгони» (131-бет) ва «Ширин Бестун тоғига Фарҳодни кўрмакка боргани» (137-бет) ва ҳоказо.

Таржиманинг вазнида сохталикларни учратмаймиз, қофиялар тўлиқ ва ихчам, улар бир-бирларини такрорламайдилар. Таржимон-шоир Низомий диалогларига хос оригинал ибораларни ишлатади ва унинг маъноларини тўла беришга интилади.

Қутб Хоразмий Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини қайси қўлёзмадан таржима қилганини ёзмайди. Маълумки, Низомий «Хисрав ва Ширин» асарини 1180 йилда ёзган, Қутб эса 1340 йилда таржима этган. Демак, у 160 йилдан кейин Низомий асарини таржима эта бошлаган. Бу йиллар ичида Низомийнинг асарини бир қанча котиблар кўчирган, ҳар қайси қўлёзмага маълум ўзгаришлар киритилган.

Бундай ҳол оригинал билан таржима асарини солиштиришда қийинчилик туғдиради. Биз мисолни Озарбайжон Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Низомий номидаги Тил ва адабиёт институти 1960 йилда чиқарган «Хисрав ва Ширин» нинг илмий-танқидий текстидан оламиз. Бу китобни марҳум Л. А. Хетагуров нашрга тайёрлаган ва марҳум Е. Э. Бертельс редактор бўлган. Нашрга тайёрловчи ўнта қўлёзмадан, шу жумладан Париж, Лондон, Ленинград, Бокудаги қўлёзмалардан фойдаланган. Биз ҳар қайси қўлёзмадаги ўзгаришларни кўрсатмадик.

Қутб Хоразмий таржимасининг нақадар аниқ ва тўғрилиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун достоннинг «Мунозараи Хисрав бо Фарҳод» бобидан бир парча олиб, қоғиштирамиз.

Низомий-Ганжавийда:

Нахустин бор гуфташ: кй аз куҷой?
Бигуфт: аз дори мулки ошной.

Бигуфт: онҷо ба санъат дар чи кўшанд?
Бигуфт: андуҳ харанду ҷон фурўшанд..

Бигуфт: ҷон фурўшй дар адаб нест,
Бигуфт: аз ишқбозон ин ачаб нест.

Бигуфт: аз дил шуди ошиқ бад инсон?
Бигуфт: аз дил ту мегуй ман аз ҷон.

Бигуфто: ишқи Ширин бор ту чун аст?
Бигуфт: аз ҷони ширинам фузун аст.

Бигуфто ҳар шабаш бини чу маҳтоб?
Бигуфт оре чу хоб ояд кучо хоб.

Қутб Хоразмий таржимаси:

Бурун сўрди: не ерликсан тию сан.
Айиттиким: ошиқлар шаҳридин ман.

Айитти: анда не санъат қилурлар?
Айити: жен сотиб, қазғу олурлар.

[2] حسرو و شرين, фотокопия, 131, 136, 167, 213-бетлар.

Айитти: жонни сотмоқлиқ хато ул,
Айитти: ишқ йўлинда ҳам раво ул.

Айитти: кертиму ошиқ эрурсан.
Айитти: бор кўзунг охир кўрурсан.

Айитти: не қадар севдунг сан они?
Айитти: сўзга сиғмас ҳеч баёни.

Айитти: кўрдунгму (ул) кунтек жамолин?
Айиттиким: бали кўрдум хаёлин...[3]

Юксак бадиий эҳтирос билан ёзилган диалог ўзбек тилида ҳам форс тилидаги каби жаранглайди.

Бу ерда ишлатилган «айитти», «айиттиким» сўзлари кетма-кет такрор қилинса ҳам, китобхонни ва тингловчини зериктирмайди, аксинча, уни ҳаяжонга солади. Булар форсчадаги «бигуфт», «бигуфто» сўзларининг айнан таржимаси бўлибгина қолмасдан, шеърга кўтаринки руҳ беришда муҳим стилистик функцияни бажаради.

Қутб таржимада хоразм шевасида ишлатиладиган сўзлардан ҳам фойдаланган. Масалан, «том» ўрнида «учак», «тўрт» ўрнида «дўрт», қўл ўрнида «ал», «гилам» ўрнида «ғоли» («Ўзбек адабиёти»да бу сўз «қоли» шаклида нотўғри ёзилган») ва ҳоказо.

Таржимон — шоир Қутб Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини бутун тўлалиги билан, унинг сюжети, композицияси ва мазмунини тамом сақлаган ҳолда таржима қилган. Тўғри, оригинал 102 бобни ташкил қилади. Таржимада эса бу 91 бобга келтирилган, демак,11 боб қисқариб кетган. Хўш, қисқартишнинг характери қандай бўлган.

Қутб таржима қилганда воқеа ва сюжетни қисқартирмайди, балки бобларни бир-бирига қўшган, аниқроғи, бобларнинг номларини ўзгартирган, холос.

Бундан ташқари, таржимон «Хисрав ва Ширин» достони сюжетига алоқаси бўлмаган бобларни қисқартган. Бундай ҳоллар асарнинг бошида ва охирида учрайди. Масалан, асар охирида сюжет, воқеа тамом бўлгач, автор яна саккиз бобни беради. Қутб шуларнинг тўрт бобини таржима этган, қолган тўрт боби — «Чиҳл қисса аз «Калила ва Димна» («Калила ва Димна» дан қирқ қисса»), «Натижаи афсонаи «Хисрав ва Ширин» («Хисрав ва Ширин» афсонасининг натижаси»), «Меърожи Муҳаммад» («Муҳаммаднинг кўкка чиқиши»), «Дар насиҳат фарзанди худ Муҳаммад («Ўз фарзандим Муҳаммадга насиҳат баёнида») бобларини таржима қилмай қолдирган. Шу каби қисқартишлар натижасида бобларнинг сони камайган, лекин юқорида айтганимиздай, бу қисқартиш достоннинг на мазмуни, на сюжети ва на композициясига халақит берган.

«Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг биринчи томида Қутбнинг таржимаси ҳақида ноаниқлик кетган. У ерда шундай деб ёзилган:

«Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» номли биргина достони сақланиб қолган. Бу асар асосан Низомий-Ганжавийнинг худди шу номли достонининг ўзбекчага эркин таржимасидан иборат бўлиб, асл оригиналидан анчагина фарқ ҳам қилади»[4].

Бу жумладан гўё «Хисрав ва Ширин» Қутбники, у Низомийдан фойдаланиб бошқа бир оригинал асар яратган деган маъно чиқади. Ҳолбуки, Қутб Хоразмийнинг ўзи Низомий-Ганжавийга катта ҳурмат

---

[3] نظمی گنجوی خسرو و شیریی, Боку, 1960, 412-бет.

[4] خسرو و شیرین, фото копия.

билан қараб, унинг асарини таржима этганини («Ушбу форси тилини чевурдим», «Низомий болидин ҳалво пишурдум») очиқ-ойдин қайд этган.

Биз Қутб Хоразмийнинг «Хисрав ва Ширин» таржимасини XIV аср таржимачилигининг нодир намунаси деб биламиз. У Низомийнинг асарини ўзбек халқига танитди. Асарнинг таржимаси мураффақиятли чиққан, бу таржима қадим ёдгорликлардан бири бўлгани ҳолда, ўзбек адабиётининг олтин фондини бойитди.

Қутб Хоразмий таржима қилган «Хисрав ва Ширин» текстини Польша Фанлар академиясининг ходими ҳурматли олим А. Зайончковский 1958 йилда бостириб чиқарди ва бу билан шарқшуносларга яхши бир туҳфа қилди.

Қутб Хоразмий таржима этган Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини ажойиб адабий ёдгорлик намунаси сифатида Ўзбекистонда ҳам нашр қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сайф Саройи. У Саъдийнинг «Гулистон» достонини биринчи марта ўзбек тилига ўгирган истеъдодли таржимон, кучли шоир эди. Унинг ватани Хоразм бўлиб, илк ижодини шу она юртида бошлади. Ижодининг йирик намунаси бўлмиш «Гулистон» таржимасининг бирдан-бир қўлёзмаси Голландияда сақланмоқда, Ундан фотокопия олиниб, Туркияда босилди. Бизда бу асарни нашрга тайёрлаш устида СССР Фанлар академияси Осиё, Африка халқлари институти илмий ходими Амир Нажиб катта иш олиб борди. У ўзининг узоқ йиллик илмий иши якунлари ҳақида, 1963 йил 9 февралда Навоийга бағишланган традицион йиғилишда ахборот берди.

Сайф Саройининг ҳаёти ҳақида етарли маълумот йўқ. Унинг қачон туғилиб, қачон вафот этгани ҳам маълум эмас. Лекин «Гулистон» нинг таржима қилинган йили аниқ (792/1391—92). Таржиманинг тили содда ва ширали бўлиб, кишини ўзига жалб этади. Бу таржима ҳам адабиётчиларимиз ва ҳам лингвист олимларимиз учун қимматли материал беради.

Сайф Саройи «Гулистон» каби дунёга машҳур бўлган асарни таржима қилишга қўл урар экан, бунинг нақадар масъулиятли иш эканини сезиб, жуда эҳтиётлик билан иш бошлайди ва унинг ҳар бир сатрини қунт билан таржима қилади. Натижада у катта ғалабага эришиб, ўзбек тилида дурдона бир асарни авлодларга туҳфа қилиб қолдирди.

Сайф Саройи жуда камтар таржимон. У ўзини «Жаҳон орифларининг хоки пойиман» деб атайди.

Атоқли таржимон Сайф Саройи классик форс шоири Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарини тўла таржима этди. Бу асар 8 бобдан иборатдир. Биринчи боб — «Подшоҳларнинг хислати» («Дар сифати подшоҳон»); иккинчи боб — «Дарвешларнинг ахлоқи» («Дар ахлоқи дарвешон»); учинчи боб — «Қаноатнинг яхшилиги» («Дар фазилати қаноат»); тўртинчи боб — «Хомушликнинг фойдаси» («Дар фавоили хомуши»); бешинчи боб — «Ишқ ва ёшлик» («Дар ишқ ва чавони»); олтинчи боб — «Нотавонлик ва қарилик» («Дар заъф ва пири»); еттинчи боб — «Тарбиянинг таъсири» («Дар таъсири тарбият»); саккизинчи боб — «Суҳбат одоби» («Дар одоби суҳбат»). Бу боблар неча кичик-кичик ҳикояларга бўлинади, ҳикоялар ўз ичига шеър ёки ҳикматли сўзларни олади. Саъдий булар орқали тарбиявий, дидактик фикрларни бадиий йўсинда беради. Таржимон Сайф Саройи ҳам ҳамма бобларни ва деярли барча ҳикоят, шеърларни ағдарган. Лекин у таржимада боблар номини кўрсатмайди. Баъзан таржимон ҳикоятларни қисқартиб ёки оригиналнинг тўла тушунарли бўлиши учун айрим сўз ва ибораларни қўшади. Таржимон оригиналдаги «ҳикоят» терминини ўзича қолдирган; текстда

шеър келса, уни катта ҳарфлар билан алоҳида уқтириб кўрсатган; бундан ташқари, таржимон «ҳикмат» терминини ҳам киритганки, бу «қиссадан ҳисса» мазмунини англатади.

1954 йилда Анқарада „Sevfi Serak, Gulistan terciimesi“ асари босилиб, у сўз бошилан ташқари 373 бетни ташкил қилади. Сўз бошини проф. Fridun Nafir ёзган, Анқарада чиққан бу китобда Сайф Саройи таржимасининг қўлёзмаси ҳақида бир қанча маълумот берилади, лекин улар етарли эмас.

Сайф Саройи таржима қилган «Гулистон» достонининг қўлёзмаси Голландиядаги Лайден кутубхонасида сақланмоқда. Ўша қўлёзмадан олинган фото нусха Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида мавжуд (биз ўша фотонусхадан фойдаландик). Фото нусханинг сифати яхши эмас, унинг кўп бетлари ёйилиб кетган, хира, чалкаш ва аниқ эмас, ўқиш учун катта қийинчилик туғдиради.

«Биз «Гулистон» нинг Сайф Саройи томонидан бажарилган таржимасини СССР Фанлар академияси, Шарқшунослик институти томонидан 1959 йилда нашр қилинган گلستان سعدی («Гулистон Саъдий», Р. М. Алиев томонидан тайёрланган танқидий текст)га солиштириб чиқдик; таржиманинг ҳамма боблари деярли оригиналга монанддир. Фикримизнинг далили учун бир нечта мисол келтирамиз:

«ҲИКОЯТ (27). Яке дар санъати гўшти герафтан сар омада буд, сесаду шаст банди фоҳер бидонастӣ ва ҳар рўз ба навъи гуштӣ гирифтӣ магар гўшаи хотираш бо чамоли яке аз шогирдон майле дошт, сесаду панҷоҳу нуҳ бандаш дар омӯхт, магар як банд ки дар таълими он дафъ андохтӣ ва тахир карди. Филчумла писар дар қувват ва санъат бар сар омад ва касеро дар он замон бо ӯ имкони мўқовамат набуд; то баҳидеки пеши малеки он рўзгор гуфта буд: «Устодро фазилатеки бар ман аст, аз рўй бузругист ва ҳаққи тарбият. Ва гарна ба қувват аз ӯ камтар нестам ва ба санъат бо ӯ баробарам». Маликро ин сухан душвор омад, бифармунд то мусораат кунанд. Мақоми муттасеъ тартиб карданд ва аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва зўр оварони он иқлим ҳозир шуданд. Писар чун фили маст андар омад. Ба садматеки, агар кўҳи оҳанин буди аз чой барканди. Устод донист ки, чавон ва қувват аз ӯ бар тар аст, бадон банди гариб ки аз ӯ ниҳон дошта буд, бо вай дар овехт. Писар дафъи он надонист, устод баду даст аз заминаш болой сар бурд ва фурў кўфт, ғерив аз халқ бархост. Малик фармуд, устодро хилъат ва неъмат додан ва писарро зачр ва маломат кард ки: «Бо парварандаи хеш даъвои мўқовамат карди ва басар набурди». Гуфт: «Эй малик, ба зўр овари бар ман даст наёфт, балки маро аз илми гўшти дақиқаи монда буд, ки аз ман дариғ ҳамедошт. Имруз бадон дақиқа бар ман ғолиб омад». Устод гуфт: «Аз баҳри чинин рўзў нигаҳ медоштам. Ҳукамо гуфтаанд: дўстро чандон қувват мадиҳ ки агар душмани кунад, тавонад. Нашунида, ки чигуфт он ки аз парвардаи хеш жафо дид».

Бу келтирилган ҳикояни Сайф Саройи тубандагича таржима этган:

«ҲИКОЯТ. Бир курашчи паҳлавон уч юз олтмиш турли кураш илмини билур эрди, текма бир кун бир турли илм билан курашур эди. Шогирдларидан бир соҳиб жамол ўғлон билан хотири мутталлоқ бўлиб, уч юз элли тўққуз турли кураш илмин онга угратди. Ўғлон ул ғоятқа еттиким, бу вилоятда не қадар курашчи бор эди, барчасин бости. Бир кун султон хизматина келиб, ер ўпиб айтти: «Устодимнинг меним уза тарбиат ҳақи бор, йўқса қувватда ва санъатда ман андон ортуқман». Бу сўз султонга хуш келмади. Буюрдиким, курашсунлар. Мақом тартиб қилдилар, аркон давлат ва аъёни ҳазрат умаро ва вузаро ҳозир бўлдилар. Ўғлон усрук фил каби майдонга кириб, тасвир этти ким, темурдан тоғ бўлса еридан қўпорғайман. Устоди доғи билдиким, ўзиндан ортуқ

турар. Ул бир илмниким мундан гезлаб[5] эди, они амалга кетурди — ўғлон дафъ эта билмади, ўғлонни кўтариб ҳаводан ерга урди. Халқдан ғирив кўпди. Султон буюрди, устодина хилъат ва неъмат бердилар; дағи ўғлонни маломат қилдиларким: «Сен ўз устодинг билан даъви қилдинг, даъвинг ботил бўлди». Ўғлон айтти: «Ул меним ўза қувват била ғолиб бўлмади, балки кураш таълиминдан бир дақиқани гезламиш, анинг билан ғолиб бўлди». Устоди айтти: «Бали, у дақиқани бу кун учун гезлаб эдим». Оқиллар мисоли турур: дўстқа ул қадар ёри қилғилким, душман бўлса санга зафар топмағай.[6]

Кўриниб турибдики, айрим жузъий камчиликлардан ташқари, Сайф Саройи бу ҳикоятни жуда тўғри таржима этган.

Мана, яна бир мисол:

«Луқмонро гуфтанд: «Адаб аз ки омухти?» Гуфт: «Аз беадабон, ки ҳар чи аз эшон дар назарам но писанд омад, аз феъли он парҳез кардам» (154-бет).

Мана бунинг таржимаси:

«Луқмон ҳакимдан сўрдилар: «Адабни кимдан ўргандинг?» Айтти: Адабсизлардан. Баним оларнинг... қайси ҳаракатлари менга хуш келмади, ондан ихтироз қилдим! (154-бет).

Сайф Саройи ўз ватанидан жудо бўлиб, узоқда — Мисрда мусофир каби яшаса ҳам, ўз халқини унутмади. Бадиий таржима тарихида Сайф Саройининг роли ниҳоят каттадир.

Сайф Саройи «Гулистон» асарини таржима қилган давр Амир Темур бир қанча ўлкаларни босиб олиб, кучли империя ташкил қилган давр эди. Сайф Саройининг Мисрга бориб қолишига сабаб нима? Унинг ўз ватанидан кетиб қолиши Амир Темурнинг босқинчилик курашлари билан боғлиқ бўлса керак. Темурнинг зулмидан қўрқиб, қанча одамлар ўз ватанидан қочиб кетганлар. Шоир — таржимон Сайф Саройи ҳам ўз ватани Саройдан қочиб, охири Мисрга бориб қолган бўлиши мумкин, Сайф Саройининг «Гулистон таржимаси» китобининг охирида Мисрга кетган ва у ерда яшаган 12 ўзбек шоирининг ғазалларидан намуналар бор.

Шу вақтга қадар на Қутбнинг таржимаси «Хисрав ва Ширин» ва на Сайф Саройининг таржимаси «Гулистон» босилиб чиқмади, гарчанд бу асарларнинг устида бир қанча олимлар (Ҳоди Зариф, Амир Нажиб, Эргаш Фозилов ва Насрулло Давронлар) иш олиб борсалар ҳам уларни нашр қилдирганларича йўқ, «Хисрав ва Ширин», «Гулистон» асарларининг таржималари адабиёт тарихимизда катта роль ўйнайди, улар XIV аср бадиий таржима ёдгорликларининг ажойиб намуналаридир.

---

[5] «Яширган» маъносида.
[6] (Фото нусха), 74—76-бетлар.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ШОИР НИЁЗИЙ

XIX аср Хоразмда Аҳмад Табибий томонидан тузилган «Мажмуатуш шуаро» асаридаги қатор шоирлар орасида Отаниёз — Ниёзий номини ҳам учратиш мумкин. Бу асарда шоирнинг ўша давр ижодкорлари орасида тутган ўрни, ижоди ва ҳаётига оид айрим маълумотлар келтирилган ва унинг ғазалларидан намуналар берилган[1].

Ниёзий ҳаётига оид баъзи фактлар Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида ҳам бор[2].

Ниёзий ғазаллари Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги адабиёт музейида сақланмоқда бўлган қўлёзмада ҳам учрайди[3].

Отаниёз охун — Ниёзийнинг ҳаётига оид тўлароқ маълумотларни унинг қариндоши Камтар — Ҳалимберган Матмурод ўғли ва унинг яқин замондоши Ходим — Бобожон Тароҳ бизга хабар қилдилар[4]. Хўжаниёз ўғли — Ниёзий Хоразм область Шовот район Бўйрачи қишлоғида (Бобожон Тароҳнинг айтишича, Ниёзий Ўрганчнинг Чоткўпир қишлоғида туғилган) 1844 йилда камбағал деҳқон оилясида туғилган. Мактаб ёшига етгач, Отаниёз, ўз қишлоғидаги эски мактабда бошланғич билим ола бошлайди. У 12 ёшида хизмат қилиш эвазига билим олиш учун Хива шаҳридаги билимдон оилага келади[5].

Ёш Отаниёздаги илм-маърифатга бўлган интилиш тобора орта боради. Буни сезган, шоир яшаётган оиланинг бошлиги Ниёзийга Хива мадрасасига кириб таҳсил олишни маслаҳат беради ва бу масалада ўзи унга ёрдам қилади. Шоир мадрасада 18 йил истиқомат қилиб таҳсил олади. Бу давр ичида у араб, форс тилларини, шунингдек, математика, астрономия фанларини ўрганади. Айниқса, бўлгуси шоир Шарқ классик адабиёти билан машғул бўлади, уни чуқур ўрганишга ҳаракат қилади. Отаниёз ўз замондошлари Огаҳий, Комил Хоразмий, Мирзо ва Табибий асарларини муттасил ўқир, айрим вақтларда улар суҳбатидан баҳраманд бўлар эди. Ана шулар таъсири натижасиз қолмайди. Отаниёз оз-оз шеър ёзишни машқ қилади. Дастлабки даврларда Ниёзий ўзбек классик адабиётида машҳур устоз шоирлар асарлари ва ўз замонидаги илғор шоирлар асарларига айрим ўхшатмалар ёзади. Кейинчалик эса, ҳаётдаги воқеалар унга ўз таъсирини кўрсата боргани сари шоир мустақил равишда оригинал шеърлар ёза бошлайди. Халқ орасида «Ниёзий» тахаллуси билан ном чиқаради. Юқоридаги манбаларда айтилишича, Ниёзий уста каллиграф ҳам бўлган. Унинг бу хусусидаги истедодидан хабардор бўлган хон (Муҳаммад Раҳимхон II) шоирга ўша даврда тузилган «Мажмуатуш шуаро» тазкирасини кўчириб ёзишни буюради. Кейинчалик эса девонхонлик вазифасини топширади:

«...Ниёзий Отаниёз қора охун лақаби билан оммага машҳур бўлганидин Муҳаммад Раҳимхон Отаниёзнинг шундоғ хушхатлиғ билан қалам рахшин жавлон қилдирганини эшитиб, ўзи имтиҳон қилгандин кейин Ниёзийни Хива давлат девонхонасига тайин қилиб, биринчи девон-

---

[1] Аҳмад Табибий, «Мажмуатуш шуаро», ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, лит. босма. инв. № 29.

[2] Лаффасий, Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари, ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9494, 60-бет.

[3] Бу асар анталогия тарзида тузилган. Уни муҳтарам адабиётшунос, филология фанлари кандидати Ҳ. Т. Зарифов 1949 йилда Хоразмдан келтирган.

[4] Бу маълумотни адабиёт муҳлиси Б. Давлатов 16/VII—1962 йилда ёзиб олган. Ушбу манба шахсий кутубхонамизда сақланмоқда. Иккинчи манбани эса Ходимнинг ўзи билан бўлган суҳбатда (19/VI—1964 й.) ёзиб олдик.

[5] Қамтар — Ҳалимберганнинг айтишича, бу оила бошлиғининг фамилияси Маратов (охун) бўлган. Лаффасий тазкираси (ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9494) да Ниёзий ўз қишлоғидан тўғри Хива мадрасасига кетганлиги таъкидланади.

лиғ вазифасин топширадир. Ниёзий доғи хон фармони билан мажбурий хизматлар қилиб яқинлиг ҳосил қилса-да, Ниёзийнинг ҳеч бир ризолиғи бўлмай, ҳамиша хон, бек, вазирлардин норози бўлғанидин аларни шикоятлар қилиб додланиб юрар эрди»[6].

Аҳмад Табибий тузган «Мажмуатуш шуаро» асарида ҳам Ниёзийнинг хушхатлигини эътироф этувчи айрим маснавийлар бор:

Ниёзийки мунши эрур хуб хат.
Рақам чекмаги сафҳа узра нақт.
Гаҳи назмга сарф этар фикратин,
Бу ашъор аро кўргузур санъатин[7].

Шунингдек, юқоридаги тазкирада шоирнинг девон (мирзо)лигига ишора қилувчи маснавийлар ҳам бор. Аммо ҳозирги кунда ҳаёт (85 ёшда) бўлган ва Ниёзийни яхши билган шоир Ходим — Бобожон Тароҳ (Азизов)нинг айтишича, Ниёзий Муҳаммад Раҳимхон II саройига мутлақо алоқадор бўлмаган. Хоразм Россия протекторатига ўтгач Ниёзий рус маҳкамаларидан бирида оддий секретарлик вазифасида оз вақт ишлаган.

Ходимнинг айтишича, Ниёзий ўткир бастакор бўлган. У музиқа асбоблари учун бир қанча ўзбек куйлари яратган. Комил Хоразмий олти мақомли нотасини ёзганда Ниёзий унга яқиндан ёрдам берган. Ходим Ниёзийнинг музиқа санъатидаги моҳирлигини тилга олиб шеър ҳам ёзган, бу шеър шоирнинг ўзида сақланади[8].

Ниёзий биографиясига оид айрим манбаларда шоирнинг асосий касби мударрислик бўлгани айтилади[9]. Аҳмад Табибий ҳам ўз антологиясида Ниёзийнинг оқил, доно, фозил кишилардан бўлганлиги, шунингдек мударрислик билан маърифат тарқатганлигига ишора қилади:

Ниёзийки охуну девондурур,
Анга фаҳму дониш фаровон дурур.
Деди бу ғазални ҳам ул хушманд,
Ки фазл аҳлига келди хотирписанд[10]

Яна:

Ниёзийки охуну мулло эрур,
Ғазал дегали ҳам музайно эрур.
Мударрислик айлаб ҳамиша шиор,
Гаҳи хат учун кўргузур иқтидор[11]

Кўринадики, Ниёзий ўз замонасининг донолари қаторидан ўрин олган, кўзга кўринган кишиларидан бўлган.

Ниёзий ҳаётига оид манбаларда шоир умрининг охирига қадар ўз ота касбини севгани, унга доим интилгани қайд этилади:

«...Ниёзийнинг асли мақсади бу тариқа хон ва подшоҳлиқ хизматларига мағрурнафас бўлмай, ҳамиша орзуси ота касби бўлган деҳқончилик билан машғул бўлув орқасида бир парча нонга қаноат қилмоқлик эрди...»[12]

Ниёзий 1928 йилда 84 ёшида Хоразмда вафот этган. Шоирнинг икки фарзанди бўлиб, улардан бири Фозилжон — Совет давримизда ўқитувчи бўлиб хизмат қилган. У 1952 йилда вафот этган. Иккинчи ўғли Комилжон Отаниёзов эса, ҳозир давримизнинг таниқли хушхон санъаткорларидан биридир.

Ниёзийнинг бир мукаммал девони бизгача етиб келган бўлиб, бу асар икки нусхада кўчирилган. Шоирнинг ана шу мукаммал девони унинг ўғли — Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзовда сақланади[13]. Фикримизча, девон муаллиф томонидан тузилган биринчи нусха бўлса керак[14]. Унда турли жанрдаги асарлар аралаш жойлаштирилган. Айрим саҳифалар бўш қолдирилган. Тушунилиши қийин бўлган баъзи сўз ва ибораларга изоҳлар берилган ва баъзи мисралар ўчирилиб, ўрнига тузатиш мисралари ёзилган. Девон жуда чиройли настаълик хати билан ёзилган. Асар 159 варақ (318 саҳифа) бўлиб, унда ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳар хил воқеаларга бағишлаб ёзилган тарих — шеърлар бор. Асарда ҳаммаси бўлиб 6126 мисра шеър бор. Китоб жилди анча урунган бўлса-да, варақлари тоза ва яхши сақланган. Формати 23×19. Қолган икки нусха девон Ўзбекистон Фанлар академияси Бируний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7093 ва 902 номерли инвентарда сақланади. Шоирнинг тарих-шеърлари ва анчагина ғазаллари бу нусхалардан тушиб қолган.

* * *

Ниёзий поэзиясининг темаси ҳам у яратган асарлар жанрлари каби хилма-хилдир.

Ниёзий меҳнаткаш халқ орасидан чиққан шоир эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳаёти тўкис ва текис бўлган эмас. Шоир ана шу халқ билан бирга меҳнат қилар, у

---

[6] Лаффасий, Хива шоир ва адабиётчиларининг таржиман ҳоллари. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9494, 60—61-бетлар.

[7] Аҳмад Табибий. Мажмуатуш шуаро, ЎзФА ШИ, қўлёзмалар фонди, инв. № 29, 150-бет.

[8] Ниёзий тўғрисида маълумот берувчи биз кўрган бошқа манбаларда унинг музикашунослигидан хабар топилмади.

[9] Ниёзий Хивадаги арабхон мадрасасида 26 йил мударрислик қилганини шоир Камтар — Халимберган эътироф этади.

[10] Аҳмад Табибий. Мажмуатуш шуаро, ЎзФА ШИ, қўлёзмалар фонди, инв. № 29, 809-бет.

[11] Ўша асар 556-бет.

[12] Лаффасий таэрикаси, инв. № 9494, 61-бет.

[13] Бу асар Ўзбекистон Фанлар академияси Бируний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди томонидан фотолаштирилди. Бу фотокопия 493 номерли инвентарда сақланмоқда.

[14] Комилжон Отаниёзов ҳам бу фикрга қўшилди.

билан бирдек нафас олар ва ҳамдард бўлар эди. Ниёзий феодализмнинг мудҳиш офатларини халқ билан биргалашиб баҳам кўрар эди. Шунинг учун шоир ижодида асосан маҳзунлик, аччиқ ва аламли фарёд чекиш ҳислари кўринади:

Эй фалак, комимга юрмай, зоҳир этдинг эъвижож,
Етмади сендин замирим ичра бир дам ибтиҳож.

Макр ила дунё арусига мени домод этиб,
Гарчи йўқдур хоҳишим ўртога солдинг издивож.

...Эй Ниёзий, шиква қилма чарх дундин ким қазо,
Дард ғамга айламиш жисмнинг хамирин имтизож[15].

Зўрлик ва золимлик тобора авж олиб бораётган бир шароитда қолган шоир халқ бошига тушаётган кулфатларга ўз «мен»и орқали қаттиқ нафрат билдиради. Буларнинг ҳаммасига ўша золим фалак айбли деб тушунади. Бу ғазалдан Ниёзий чин юрак сўзлари орқали ана шундай замонга лаънат ўқийди. Бу ғазалда ўхшатиш, муболаға ва истиоралар орқали реал ҳаёт тасвири — аччиқ ҳақиқат маъноси ифодаланади.

Ниёзий ўзи яшаган замонани кузатар экан, унинг икки қарама-қарши гуруҳга бўлинганини, улардан бир гуруҳнинг мақсадича ҳаёт кечираётгани; иккинчиси эса, оғир меҳнат машаққатларидан тинимсиз азоб чекаётганини кўра билди. Бу эса маълум даражада шоирнинг дунёқарашини белгилади. Яъни у феодализмнинг жирканч қилмишларини англади ва унга нисбатан, «фалак»ка нидо қилиш орқали ўз нафратини билдирди:

Фалак оини умронларни вайрон айламак эрмиш,
Доғи вайронларни ерга яксон айламак эрмиш.

Замона аҳлидин баъзисининг комин раво айлаб,
Неча кунлар масаррат ичра хандон айламак эрмиш.

Мазаллат хокига пайваст этиб баъзиларин ҳар дам,
Мушавваш хотирин, чашмини гирён айламак эрмиш...

Ниёзий ўзининг «ёлғиз» радифли ғазалида ҳам ўзи ва ўзи каби қашшоқ, ҳомийсиз ва чорасиз кимсалар тилидан шундай дейди:

Муҳаббат даштиға раҳбарсиз урғандек қадам ёлғуз
Кўрарман даҳр дундин дам-бадам зулму ситам ёлғуз.

Тараб ишратгаҳида бўлмоқимни орзу айлаб,
Дами йўқ кўрмаган мен зорға ранжу алам ёлғуз.

Шоир ана шундай қора кунларни бирма-бир баён этар экан, инсон учун берилган кичик бир умрда бировга ёмонлик сиғинадиган кишилардан нафратланади. Имкон борича одамга яхшилик қилиш ва яхши ном қолдиришга чақиради:

Бўлмайин десанг агар олам аро хору залил
Қил ўзингга доимо яхшилиғ атвор, эй рафиқ.

Ёки:

То бордур имкон халқнинг хайриятин андиша қил,
Бу ҳислатинг шуҳрат топиб, бўлгай улусга ёдлиғ.

Инсоннинг қандай кулфатларга дучор бўлаётганини бирма-бир кўрсатиб, шоир шундай дейди:

Қилмоқ уммиди масарратдур абас даҳр ичра ким,
Чарх кимнинг комича кўргузди даврон, эй рафиқ.

Кимсага ногаҳ замон ўтса хиёнат кўрмайин,
Қолдиму бўлмай фалак андин пушаймон, эй рафиқ.

Қил тафаҳус ким ҳама имсол ақронингга ҳол.
Даҳрдун авқотида ютмоқ эрур қон, эй рафиқ.

Кимни гардун этди амнинг шароби бирла маст,
Қилмади ул кимни ер остида пинҳон, эй рафиқ.

Қилмагил дунё арусига Ниёзидек назар,
Бўлмайин десанг анинг хуснига хайрон, эй рафиқ.

Аммо шоир яшаб турган жамиятнинг характери унинг истакларига зид эди. Шунинг учун ҳам Ниёзий инсон учун хос бўлган афзал фазилат — яхшилик, хайрли иш қилишга чақирган нидоси жавобсиз қолган эди. Бу ҳолатдан қаттиқ ранжиган, иложсиз шоир оғир вазиятда қолади. Яна аччиқ ҳақиқатларни баён этади, фалакдан норози бўлади:

Фалак нетдим, сени комимча даврон қилмадинг ҳаргиз,
Дами йўқким юрак-багрим тўла қон қилмадинг ҳаргиз.

---

[15] Келтирилган мисоллар Ниёзий автографининг фотокопияси ва ЎзФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 7093 номерли инвентарлардан олинди.

...Неким мақсудим эрди айлабон андин
мени маҳрум,
Замони бормидур чашмимни гирён
қилмадинг ҳаргиз.

Замона аҳлидин ўтлуғ ситам ҳар дам-
да еткурдинг,
Топилмас муддати бағримни бирён
қилмадинг ҳаргиз.

Феодализмнинг туб моҳиятидан хабарсиз бўлган шоир ундаги чиркинликларни қанчалик фош этмасин, ундан норози бўлмасин, замон ўз ишини қилар, ҳаёт қонунияти ўзича ҳаракат этар эди. Бундай ҳолатдан қаттиқ чарчаган нафис қалб эгаси шу қисматдан безор бўлади, ундан илож борича тезроқ кўз юмиш ва абадий йўқликка интилади:

Ниёзий ложарм дашти адамни илти-
зом этди,
Нединким йўқ каси ер бирла яксон
қилмадинг ҳаргиз.

Ниёзийнинг ўз аҳволини баён этиши билан замонаси картинасини чизиб бериши, ўша ҳаётни реал кўрсата олиши ва бундай разолатга нафрат билан қараши XIX аср тузумида характерли ҳол эди. Шоир хон ҳукмронлиги даврида яшади, ўша муҳит, ўша ижтимоий ҳаёт масалаларига бефарқ қарамади. Воқе бўлган жуда кўп масалаларга ўз муносабатини билдиришга ҳаракат этди. Ниёзийнинг айрим ижтимоий масалаларга ўз муносабатини билдириши, ҳаётга бўлган талаби, чуқур мазмунли ва бадиий юксак ижоди унинг кўп ҳолларда Алишер Навоийга эргашганини кўрсатади. Айниқса шоирнинг шайх ва зоҳидлар шаънига айтган жуда кўп мисраларида навоиёна руҳ айнан сезилади:

Хонақаҳ ичра кириб, ҳар кеча ғавго
қилди шайх,
Содадил бечораларни асру расво қил-
ди шайх.

Чину ёлғонин каромат англаган элни
мурид,
Айлабон сўфи деб ахлоқиға шайдо
қилди шайх.

Ёки:

Майи майхонадин мен нотовонни манъ
этар зоҳид,
Магар файзи илоҳий бориға бу икки-
да жоҳид.

Вараъ ахлиға жаннат ичра бўлсун ҳур
ила кавсар,
Менга даҳр ичра саҳбоси эрур тутғай
ани шоҳид.

Ўз замонаси ахлоқи нормаларига оид мисралари, бадиий талабчанлик тўғрисидаги ғазаллари, дидактик-тарбиявий характердаги шеърлари Ниёзий поэзиясини ранг-баранг этган. Аммо шоирнинг бутун ижоди ана шундай характерга эга эмас. Ниёзий ғазаллари орасида баъзан шоирнинг маҳдудлигидан дарак берувчилари ҳам учраб қоладики, бу Ниёзий ҳаёти ва умуман ўша муҳит ҳаёти билан алоқадор ҳолатдир. Бутун орзулари яксон этилган шоир умидсизлиги уни маҳдудликка олиб борган:

Топмағунг, эй дил, жаҳон айвонида
ҳаргиз нашот,
Не фароғат, не фараҳ манзилгаҳидур
бу работ.

Аҳлидин асло тамаъ қилма мурувват
жавҳарин,
Йўқ аларға раҳмдин андозан раъсул
ҳиёт.

Бундай характердаги ғазаллар Ниёзий ижодининг асосини ташкил этмайди. Аксинча, ҳаётий масалаларга оид ғазаллар, инсонга хос бўлган самимий, покиза муҳаббат темасидаги ғазаллар шоир ижодининг мазмунини ташкил этади.

Инсон ҳаёти ва қалбига илҳом бағишловчи муҳаббат туйғулари Ниёзий ғазаллари да кучли эҳтирос касб этган. Шоирнинг лирик қаҳрамони оташин севги ҳаёжони билан яшайди. Унинг азоблари қанчалик кўп ва қаттиқ бўлмасин, ошиқ учун бу лаззат бахш этади. Ниёзий муҳаббат лирикасининг асосий образлари лирик қаҳрамон — ошиқ ва вафодор маъшуқа. Бундан ташқари, рақиб, бевафо ва бедардлар каби персонажлар ҳам бор.

Лирик қаҳрамон ўз покиза ва самимий муҳаббатини изҳор этмоқчи бўлар экан, шеъриятда янги-янги сўз ва иборалар қидиради. Ниёзий ўз лирик қаҳрамонининг севимли ёрига интилишида оргинал қофия, радифлар ишлатишга ҳаракат қилади:

Утуфинг соясини излаган беҳонумо-
нингман,
Муҳаббат даштида овора бўлгон
нотовонингман.
Бало ҳайли сафини мунҳазим қилган
шакибидин,
Вафо майдониға ишқингда кирган
қаҳрамонингман.

Ниёзий муҳаббат лирикасида инсон ҳаётига, унинг ҳис-туйғусига мос бўлган реал воқеалар баёни асосий ўринни эгаллаган:

Қилғанимдин ул пари ишқини аввал
иртиқоб,
Ақлу ҳушим фурқати даштида топди
интиқоб,
Гар эмас ҳуси ичра якто не учун
кўнглум ани,
Айламишдур хубрулар зумрасидин
интиҳоб.

Ниёзий лирик қаҳрамони кўчиб юрувчи муҳаббатни қоралайди. Унинг фикрича,

самимий ва асл маънодаги муҳаббат инсон ҳаётида биргина бўлади. Шоир бундай барқарор муҳаббатни улуғлайди, уни мадҳ этди:

Дил аҳли дилбаридин ўзга ҳикоят этмас,
Ҳар неча зулм теккач, андин шикоят этмас.
Ўз маҳвашидин айру маҳвашлар илтифотин,
Гар кўрса ҳаддин афзун ҳаргиз сароят этмас.

Чин ошиқ ул эрур ким, маъшуқидин етушса,
Ранжу алам ададсиз, шовқун ниҳоят этмас...

Аммо ошиқ ўз содиқ севгисига ёрдан мустаҳкам вафо талаб қилади. Агар маҳбуба ошиқнинг мусаффо муҳаббатига арзимас экан, унинг тенгсиз гўзаллиги ифлос ва боқарор қалби каби нуқсонлидир:

Бевафолар ишқида ўзни ҳалоқ этмак абас,
Фурқати шамширидин кўксини чок этмак абас.

Васлини айлаб таманно, кўйида масканн тутуб,
Жисми афгорини шу куй ичро хок этмак абас.

...Эй Ниёзий, бевафо маҳбубларнинг ҳажридин,
Тан уйин хушу хираддин инфикок этмак абас.

Бундай бўлҳавасликдан қочишга чақириб лирик қаҳрамон шундай дейди:

Бўлмагил ҳаргиз вафосиз ёрга ёр, эй кўнгул,
Баста бўлма зулфи қуллобига зинҳор, эй кўнгул.

Даҳр шўҳидин вафо кўз тутмаким айёрдур,
Бўлмоқинг келди абас васли учун зор, эй кўнгул...

Ниёзий лирикасидаги ҳаётийлик, инсон муҳаббатига муносабат хислари ана шундай кучли эди. Бундай масалалар шоирнинг хоҳ ижтимоий темадаги, хоҳ муҳаббат темасидаги, хоҳ дидактик ва хоҳ ахлоқ темасидаги ғазалларида бўлмасин, юксак шоирона дид ва нафосат билан ҳал қилинган.

Ниёзий поэзияси муҳаммас, мусаддас, тарих-шеър, маснавий, рубоий каби шеърий формаларга ҳам бой. Буларда ҳам шоир мумкин қадар кўпроқ ҳаётий масалаларни жиддий равишда намоён этади.

Юқорида айтганимиздек, Ниёзий ижодкор олдига катта талаб қўяди ва ўзи ана шу талабга бақадри имкон жавоб беришга ҳаракат қилади.

Шоир Ниёзий ижоди айрим маҳдудликларга эга. Унинг ижтимоий мазмундаги ғазалларида асосан замона ва ижтимоий муҳитга субъектив муносабат мавжуд. Уларда катта социал умумлашмалар кам учрайди. Давр ҳаётига оид қарама-қаршиликларнинг моҳиятини очишга унинг салоҳияти етмаган. Бу жиҳатдан Ниёзий Мунис, Огаҳий, Авазлар даражасига кўтарила олмайди.

Эксплуататор синфларнинг вакилларига нисбатан конкрет муносабат Ниёзий ижодида кўринмайди. Лекин умумий тенгсизлик ва зулмдан норозилик шоир социал лирикасининг мазмунини ташкил этади. Биз учун муҳими ҳам шудир.

Муҳаббат лирикасининг чуқурлиги, бадиийлигинг ўткир ва ранг-баранглиги Ниёзийнинг шеърий ижодига хос хусусиятдир. Ана шу жиҳатлардан у ўз даврининг пешқадам шоирлари қаторидан ўрин олади.

Эътибор Иброҳимова
Филология фанлари кандидати

РОҚИМНИНГ ДЕВОНИ

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган хоразмлик шоир Роқимнинг номи ўзбек адабиётида кўпдан маълум. Аммо бу ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига оид масалалар ҳали етарли даражада ёритилган эмас.

Роқимнинг 50 мисра муҳаммаси адабиётшунос О. Шарафиддинов томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг II томига киритилган эди[1].

XVII—XVIII асрлар ўзбек адабиёти устида махсус текширишлар олиб борган В. А. Абдуллаев ўз асарида[2] хоразмлик прогрессив шоирларнинг ижодлари тўғрисида муфассал тўхтаб ўтади. Улар орасида биз ўрганишга киришган Роқим ҳам кўрсатиб ўтилган.

Адабиётшунос олим Р. Мажидий хоразмлик машҳур шоир, тарихчи ва уста таржимон Огаҳийнинг лирикасига оид махсус илмий ишида[3] ва Огаҳийнинг «Таъвизул ошиқин» девонига ёзган сўз бошисида[4] Роқим ҳақиқатан прогрессив

---

[1] О. Шарафиддинов, Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, Тошкент, 1945, 2-том, 157-саҳифа (муҳаммаснинг 35 мисраи Роқим девонининг 16 саҳифасида мавжуд).

[2] В. А. Абдуллаев, Узбекская литература XVII—XVIII веков в Хорезме (автореферат). Самарканд—Баку, 1958.

[3] Р. Мажидий, Огаҳий лирикаси, 1963, 10-бет.

[4] «Таъвизул ошиқин» асарига. Р. Мажидий ёзган сўз боши, 1960, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 8—9-саҳифалар.

адабиёт вакили эканини таъкидлаб ўтади.

Ҳозиргача Роқим ижоди билан қизиққан барча олимлар шоирнинг турли баёзларда учраган мухаммас ва ғазалларини ўрганиш асосида ўз илмий-тадқиқот ишларини ёзган эдилар.

Роқим девони мавжуд эканлиги биринчи марта Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Мирзаабдулла Насриддинов (Бокий) томонидан хабар берилган бўлса ҳам, сўнгги вақтларгача унинг қаерда экани маълум эмас эди[5]. Роқим ижоди юзасидан материаллар қидириш процессида унинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Бируний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7576 инвентарь номери билан сақланаётган қўлёзма девонига дуч келдик.

Девоннинг ким томонидан ва қачон кўчирилгани номаълум. Аммо унга киритилган турли мухаммас, ғазал, тарихлардаги маълумотлар бу қўлёзма девон Роқим ҳаёт вақтида тузилган деб таҳмин қилишга имкон беради. Девон 95 варақдан (190 саҳифа) иборат, формати 24 × 15 см, муқова тўқ қизил рангда, настаълиқ хати билан ёзилган. Девонда қисқача ёзилган 2 та сўз боши бор. Уларнинг бири ўзбек тилида ва бири форс тилида ёзилган.

Девон анча уринган, бош ва ўрталарида ёзилмай қолган бетлар бор. Девон ягона нусха бўлиб, унда Роқимнинг 30 ғазали, 61 мухаммаси, 7 марсияси, 10 фарди, 12 рубоиёти, 14 тарихи, 2 саломномаси, 3 мувашшаҳи, 2 муножоти, 1 зами, 1 мадҳи мавжуд бўлиб, ҳаммаси 6470 мисрани ташкил этади. Бу қўлёзмада девонлар тузилишидаги традицияга амал қилинмаган. Умуман, барча жанрдаги шеърлар аралаш ҳолда кўчирилган. Бу қўлёзма авторнинг машқ қилиб юрган дафтари бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, бу девонга Роқимнинг тўла ижоди тўпланган эмас, чунки текшириш ва солиштириш натижасида турли вақтда турли кишилар томонидан ёзилган баёзларда Роқимнинг мазкур девонга кирмаган 25 та мухаммаси, 6 та ғазали топилди. Топилган ғазал ва мухаммасларнинг жами 998 мисрадан иборат.

Роқимнинг бу қўлёзма девони унинг биографияси ва ижодига оид ҳозиргача бўлган маълумотларни тўлдиришга имкон беради. Маълум бўлишича, шоир уста хаттот ҳам бўлган. Фикримизча, тахаллусини Роқим (хат ёзувчи) деб қўйиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Ҳозиргача шоирнинг ва отасининг исмини аниқлаш имконияти бўлмади. Роқим 1742 йилда туғилган, бу нарса унинг 1814-йилларда 75 ёшида бир асарни таржима қилганлигини тасвирлаб ёзган шеъридан аниқланди.

Асар 1814 йилда таржима қилинган.

Етмишу беш ўлуб эди ёшим,
Йўқ эди менда қуввати аъзо.
Ҳар неча ким заиф ҳол эрдим,
Кўрмадим йўқ демакин анго раво...
Бор эди бошим узра юз савдо,
Мунча машғуллиқ аросида.
Ёзибон қирқ кунда қилдим адо,
Бўлса эрди йигитлик айёми.
Ҳафтада ёзгай эрдим, эй барно[6].

Шоир Роқимнинг девонидаги бир ғазалида унинг 2 ўғли — Юсуф ва Саид Мурод Бухорога бориб тахсил олганлиги айтилади.

Роқим ғазал ва мухаммаслардан ташқари, ўз фарзандларининг вафотига бағишлаб марсиялар ҳам ёзган.

...Сендин, эй нури кўзум, юз войким айрилғоли,
Ашқ ўрниға оқар икки кўзимдин қон, болам,
Меҳнату дарду балоу хайли ғам айлаб ҳужум,
Қилдилар бошимни охир ер била яксон, болам.
Оҳ, билмасмен бу дардимға не чора айлайин,
Хонимонимни фироқинг айлади вайрон, болам...,—

каби мисраларда шоир фарзанд доғидан куйиб алангаланади, фарёд чекади.

Қўлёзмадаги баъзи маълумотларга қараганда, Роқим дастлаб қозихонада ишлаган ва эски мактабда дарс берган. Ушбу девонда ва баёзларда келтирилган материаллар Роқимнинг ўз замонасининг етук шоири эканлигини кўрсатади. Роқим асарларининг тили анча содда ва халққа яқин.

Роқим ўзбек адабиётида Навоий ижоди билан боғланган ва прогрессив шоирлар томонидан давом эттирилган прогрессив оқимдаги адабий ҳаракатчиликнинг Хоразмдаги талантли вакилларидан биридир. У, ҳозирча бизга маълум бўлган 86 мухаммасдан 29 тасини Навоий ғазалларига боғлаган. Бу ҳол Роқимнинг гениал шоир Навоийга бўлган чуқур муҳаббатини билдиради ва уни Навоий ижодида қуйланган улуғ мақсадларнинг ташвиқотчиси сифатида гавдалантиради. Роқим қолган мухаммасларини буюк озарбайжон шоири Фузулий, Бедил, Мунис, Зийрак ғазалларига боғлаган.

Роқим Лутфийни ҳам Навоий, Фузулий каби ўзига устоз деб билиб, унинг ғазалларига мухаммаслар боғлар экан, Лутфий услубида сўз юритишга ҳаракат қилади.

Роқимнинг Навоий ғазалига боғланган мухаммасидан намуна келтирамиз:

---

[5] М. Насриддинов, АН УзССР, Архив, фонд 4, оп. 2, дело № 253, оп. 2, дело № 288.

[6] Девони Роқим, 37б-саҳифа.

Қилур мажруҳ Роқим ҳажр бағримға уруб ханжар,
Фиғонким, васлидин марҳам анга еткурмади дилбар,
Ениб парвонадек шавқ, ўтиға ҳар лаҳза болу пар,
Навоий шамъдек йиғлаб, куюб ҳолини шарҳ айлар,
Ул ой базмида бир тун рост ошиқларға бор ўлғоч[7].

Фузулийга боғланган мухаммас ҳам шоирнинг бадиий маҳоратини кўрсатади:

Роқимо, комими талх этгали ул ширин лаб,
Меҳр фош айламайин қилди ғазаб узра ғазаб,
Гар онинг майли сенга бўлмаса не суд талаб,
Ёр ҳам суҳбатим ўлмазса, Фузулий, на ажаб,
Ўзина суҳбатими ор билибдур, билурам[8].

Роқимнинг мухаммаслари чуқур мазмунга эга бўлиб, давр илғор кишиларининг ҳаётдан, жамиятда ҳукм сурган ҳақсизликлардан норозилик туйғуларини ифодалайди:

Йўқтурур ҳолим сўрарға бир кишим,
воҳасрато,
Елқитур элнинг қулоғин нолишим,
воҳасрато,
Йиғламоқ бирла ўтар ёзу қишим,
воҳасрато,
Бўлди онсиз кечау кундуз ишим,
воҳасрато,
Кўзларимдин ашк ўрниға қон оқар,
водариғ.
Деманг, эй аҳбоб, нечук оразинг
ранги сўлар,
Бизни бу ҳолатға солди жонға етгон
қайғулар,
Менча бўлғон ҳар кишиға бўлса,
албатта, ўлар,
Кўрса аҳволимни доно йиғлару
нодон кулар,
Ибрат олур мендин эмди ахли давр
рон, водариғ[9].

Шоирнинг дунёқараши, жамиятдаги турли ижтимоий табақаларга муносабати, ўз замонасидан норозилиги ва келажакка умид билан қараши қуйидаги ғазалида аниқ сезилиб турибди:

Қилиб зулм элга, йиғнаб мол, мағрур ўлма, эй золим,
Фалак тортар ниҳодингдин дамор
оҳиста-оҳиста.
Анинг бедоду зулмидин залилу зор
бўлғайсен,
Кетиб илгингдин иззу эътибор оҳиста-оҳиста
Тамаъни тарк қилмай, иззат истар
халқдин ҳар ким,
Бўлур бу феълидин, албатта, хор
оҳиста-оҳиста[10].

Роқим фақат лирик мазмундаги ғазаллар, мухаммаслар ёзиш билан чекланиб қолмай, балки ўз даврининг маърифатпарвар киши сифатида қалам тебратди. Унинг баъзи ғазалларида келтирилган маълумотлар илм-фанга бўлган эътиқодидан ва маърифатпарварлигидан дарак беради.

Қаноат қилинг топсангиз нону қоқ,
Билиб дарсингиз айлаб азбар ўқунг,
Ўқунглар, ўқунглар, ўқунглар, ўқунг,
Ҳавоу ҳавасларни айлаб раҳо.

Масалдур сабоқ бир агар бўлса ҳарф,
Ўқумоқ керак они ҳар кунда алф,
Қилинг борҳо саъй бирла жадал,
Ғанимат маҳалдур, ғанимат маҳал,
Ўтар кўз юмуб очғунча ойу йил[11].

Роқим лирикасида муҳаббат темаси асосий ўринни эгаллайди. Унинг бу темага оид ғазал ва мухаммасларида инсоннинг севги, висол, жафо, соғиниш, рашк ва ҳокозолар тарзидаги реал туйғулари ифодаланади.

Роқим лирикасида ҳам ошиқларнинг ўз севгилисига ета олмаслан қилган ҳасратлари афсус ва надоматлари, етишув орзу-умидлари куйланган.

Фарёдки, аҳёр ила жонон кулар,
ўйнар,
Рашк ўтига айлаб мени бирён кулар,
ўйнар,
Ашкимни қилиб ҳар сори ғалтон кулар,
ўйнар,
Чун йиғласам ул ғунчаи хандон кулар,
ўйнар[12].

Гоҳ солиб бўйнингга қўл, гоҳ лаъли хандонинг ўпуб,
Гоҳ бўлуб садқанг, гаҳи себи занаҳдонинг ўпуб,
Кокилинг эслаб гаҳи, зулфи паришонинг ўпуб,
Гоҳ аёғингга тушуб, гоҳ зайли домонинг ўпуб,
Қўйсак элнинг сийнасида доғи ҳирмон иккимиз[13].

Роқим ғоят мўқтадир бадиий маҳоратни эгаллаган ҳассос шоир. У ғазал жанрининг тарсеъ формаси санъатидан (шеърда биринчи мисра сўзлари билан иккинчи мисра сўзларини бир-бирга оҳанг-

[7] Ўша девон, 23-а саҳифа.
[8] Ўша девон, 23[а]-саҳифа.
[9] Ўша девон, 47[а]-саҳифа.
[10] Девони Роқим, 33[а]-саҳифа.
[11] Ўша девон, 55[а] саҳифа.
[12] Ўша девон, 41[а]-саҳифа.
[13] Ўша девон, 28[б]-саҳифа.

дош, вазндош ва қофиядош қилиб келтириш) усталик билан фойдаланилган.

Ким кўрди андоқ дилбари,
Билмон малакдур ё пари,
Мажнун анга эл ҳар сари,
Чун етти гардун манзари,
Саргаштаси ой-кун бари,
Кўз сурмаси хоки дари,
Хусн аҳлининг тожи сари,
Рухсори меҳри ҳовари,
Ноз ила фаттон кўзлари,
Горатгари ислом эрур[14].

Роқим мураккаб социал тариҳий шароитда яшади ва ижод этди. У ўзбек адабий тилининг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди.

Шоир ўз ижодида мавжуд тузумнинг кўпгина иллатларига очиқдан-очиқ қарши чиқди, ўз ижодий идеалини уларга қарама-қарши қўя олди.

Шубҳасиз, ўз даврининг фарзанди сифатида, шоир қарашларида тариҳий чекланганлик ва зиддият ҳам мавжуддир. Шунга қарамасдан Роқим зулмга қарши халқ манфаатларини куйлаган шоир бўлиб қолди.

Роқимнинг ҳаёти ва ижодини тўлароқ ўрганиш иши XVIII асрнинг иккинчи ярми—XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабий ҳаракатчилигини чуқурроқ билишга ёрдам бериши шубҳасиздир. Келгусида Роқимнинг қўлёзма девонига кирган асарларига оид ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз.

О. Қосимхўжаева

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИГА ДОИР

Феъл энг мураккаб, маъноси ва грамматик вазифаси жуда кенг сўз категорияси бўлиб, гап қурилишида катта роль ўйнайди.[1] Фикр ифодасида мана шундай муҳим ўринни эгаллаган феъл каби грамматик категориянинг махсус ўрганилмаган ҳар бир томонини тўла ёритиш тилшунослигимизнинг биринчи вазифаларидандир. Жумладан, феълнинг майл категорияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида грамматиканинг турли масалаларига оид кўпгина қизиқ кузатишлар, монографик ишлар майдонга чиқмоқда. Шундай бўлишига қарамай, айрим проблематик масалалар эътибордан четда қолмоқда. Бундай грамматик категориялардан бири феълнинг майл категориясидир.

Майл категорияси феъллдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат билан субъект орасидаги алоқанинг ҳақиқий, реал воқеликка муносабатини кўрсатади. Бу грамматик категория ҳам, бошқа категориялар сингари, феъл тузилишида турли грамматик формалар орқали ифодаланади. Масалан: **ўқи** феълини (феълнинг асосий бошлангич формаси бўлиб, ўзакдир) олайлик. Бундан сўзловчининг тингловчига, суҳбатдошига нисбатан буйруғи англашилади. Бу ўз навбатида турли маъно оттенкаларига эга бўлиши мумкин, яъни **буйруқ, илтимос, насиҳат, маслаҳат, истак, чақириқ, дўқ, панд-насиҳат** каби. Шунингдек **-са** форманти билан ясалган феъл **(ўқиса)** бирор ишнинг бажарилиши бошқа бир ишнинг бажарилиш-бажарилмаслиги, юзага чиқиш-чиқмаслиги учун шарт эканлигини англатади. **Ўқиди, ўқимади, ўқийди, ўқимайди, ўқиганман, ўқимаганман, ўқирман, ўқимасман, ўқияжакман, ўқимаяжакман, ўқилган эди, ўқиб эди, ўқимаб эди** каби феъл формалари шу феълнинг ўзагидан англашилган ишнинг аниқ бажарилган ёки бажарилмаганлигини билдиради.

Келтирилган фактлар иккинчи шахс бирлигини кўрсатувчи **ўқи** феълининг турли йўл билан шу феъллдан англашилган ҳаракатнинг лексик маъносига сўзловчининг турлича муносабатда эканлигини кўрсатади. Масалан, **ўқиди, ўқиганман, ўқимаганман, ўқиган эди, ўқимаган эди, ўқиб эди, ўқимаб эди** феъл формалари орқали сўзловчи шу ишнинг ҳақиқатда бажарилган-бажарилмаганини ифодаласа, қолган феъл формалари орқали ҳаракатнинг ҳали бажарилмаганлигини, унинг бажарилиши билан боғланган турли ҳолатларни билдиради. Табиий, бу муносабат, яъни ҳаракат билан субъект орасидаги муносабат замон билан алоқадор, у билан узвий боғлиқ бириккан тил ҳодисасидир.

А. Ғ. Ғуломов, шунингдек, В. В. Решетовлар ўзбек тилидаги феъллларда уч майл: **аниқлик, буйруқ** ва **шарт** майли мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтадилар[2].

А. Н. Қононов, У. Турсунов ҳамда Ж. Мухторовлар эса феъл майлларининг бу классификациясига айрим тўлдиришлар киритиб, феъл майлларини тўртга бўлиб ўрганадилар[3]. Чунончи, **аниқлик, буйруқ, шарт, истак** майллари.

Ф. Абдуллаев ҳамда С. Усмоновлар эса феъл майлларини учга бўлиб текширадилар: **аниқлик, буйруқ-истак** ҳамда **шарт** майллари[4].

[14] Ўша девон, 79[а]-саҳифа.

[1] В. В. Виноградов, Русский язык, 1947, 422-бет.

[2] А. Ғ. Ғуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 44-бетлар; В. В. Решетов, Основа фонетики и грамматики узб. языка, Ташкент, 1961, 158-б.

[3] А. Н. Қононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М. Л. 1960, 202-бет; У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ҳозирги замон ўзбек тили, Самарқанд, 1960, 116-бет.

[4] Ф. Абдуллаев, Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961, 160-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 141-бет.

Т. Хўжаев ҳам феъл майллари устида махсус иш олиб бориб, тубандаги фикрларни айтади: «...умуман илмий-назарий кузатиш натижасида ўзбек тилида майлнинг турлари қуйидагича деган хулосага келишни лозим топдик: 1. **Аниқлик майли (айтди)**, 2. **Буйруқ майли (айт)**, 3.**Истак майли (айтай)**, 4. **Шарт майли (айтса)**, 5. **Тўсиқсиз майли (айтса ҳам)**, 6. **Вазифа майли (айтиши керак)**»[5].

А. F. Ғуломов ўз текширишларида феъл майлларини учга бўлади. Буйруқ майли устида фикр юритар экан, унинг иккинчи ва учинчи шахс формаларигагина эгалиги ва биринчи шахси йўқлиги[6], биринчи шахснинг эса истак[7] маъносини англатишини кўрсатиб ўтади. Шундай экан, ёки майлни тўртга бўлиб, **истак майлини** алоҳида кўрсатиш ёки феъл майлларини учга бўлиб, **буйруқ-истак** майли деб номланиши зарур.

А. Н. Кононов, У. Турсунов ҳамда Ж. Мухторовларнинг классификациясига назар солсак, унда ўзбек тилидаги феълнинг тўрт майли мавжуд эканлиги кўрсатилади. Бунда **аниқлик** майли, **шарт** майллари ҳақида батафсил фикр юритилади. Сўнгра яна икки майл устида гапирилади, яъни **буйрук** майли-феъл ўзаги + **-инг, -инг-чи** // **инглар-чи; -гил-гил, -кил, -қил, -гин: -қин, -кин, -гир-гур, -қир, -қур, -гур; -(и)нгиз, -(и)нглар, -син, синлар** аффикси ёрдами билан ҳосил қилинган феъл-лларга, шунингдек **истак** майли **-ай, -айин, -айлик, -айинлик** аффикси ёрдами билан ҳосил қилинган феъл-ларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилади.

Кўринадики, бу таснифда буйруқ майл категорияси 1-шахсга, истак майл категорияси 2--3-шахсга эга эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, феъл майллари Т. Хўжаев айтганидек олтита ҳам эмас. Чунки Т. Хўжаевнинг феъл майллари миқдорини олтига етказиши синтактик ҳодиса билан морфологик ҳодисани қориштириб юбориши натижасида юз берган.

Майл категорияси бевосита морфологиянинг текшириш объектидир. **Айтса, ҳам, айтса-да, (тўсиқсиз** майли Т. Х.) **айтиши керак, лозим, зарур (вазифа** майли Т. Х.) конструкциялари эса, қўшма феъл бўлмай, улар айрим сўзларнинг бирикувидан ташкил топгандирлар.

Ҳақиқатан ҳам **айтса ҳам, айтса-да** конструкцияларида тўсиқсизлик (айтишига қарамай воқеа содир бўлаверади); **айтиши керак, лозим, зарур** конструкцияларида эса бирор иш-ҳаракатни бажариш кераклиги, яъни вазифа маънолари мавжуд, лекин бу маънолар кўрсатилган сўзларнинг мустақил ҳолида ёки бирор грамматик белги воситаси билан англашилмай, балки мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг бирикуви натижасида англашилмоқда. Шунинг учун ҳам **айтса ҳам, айтса-да, айтиши керак, лозим, зарур** каби формалар морфологиянинг эмас, синтаксиснинг текшириш объектидир.

Т. Хўжаев **боришим керак, боришнинг зарур** формаларида келаси замон маъноси борлигига қўшилади, шунингдек бу формаларни вазифа майлига киритади.

Тўғри, **бориши керак, лозим, зарур** конструкцияларида (аммо феъл-ларида эмас) келаси замон маъноси мавжуд[8]. Лекин бу ўринда грамматик замон эмас, аксинча, логик замон назарда тутилади. Шунинг учун ҳам бу формалар бирор майл парадигмасига кирмайди. Чунки бу формалар морфологик категория эмас.

Феълнинг **борса ҳам, борса-да** формаларидаги тўсиқсиз маъносининг англашилиши **мустақил** ва **ёрдамчи сўзлар**нинг бирикуви, шунингдек **ҳаракат номи** билан **керак, лозим, зарур** каби айрим **модал сўзлар**нинг бирикуви натижасида вазифа маъноси ифодаланади.

Демак, мазкур конструкциялар синтаксиса алоқадор саналадилар.

Майл морфологик категориядир, бинобарин, майл категориясини вужудга келтириш учун махсус морфологик белги зарур бўлади. Бундай белги йўқ экан, морфологик категория ҳам бўлмайди.

Қузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги замон ўзбек тилида феъл майллари, Ф. Абдуллаев ва С. Усмоновлар кўрсатганидек, учта: **аниқлик, буйруқ-истак** ва **шарт** майлларидир.

Фикримизга, бирор сўз грамматик категория бўлмоғи учун шу категориянинг талабларига тўлиқ жавоб бериши керак. Масалан, феълнинг бирор категорияси бўлиш учун, унда ҳам сон, ҳам шахс, ҳам бўлишли-бўлишсизлик, даража, замон, майл каби феълга оид категорияларнинг морфологик белгиси мужассамланган бўлиши зарур.

Шундай экан, буйруқ майлининг биринчи шахси, истак майлининг иккинчи, учинчи шахси бўлмаган ҳолда буйруқ майл категорияси ҳамда истак майл категорияси сифатида юритилиши қанчалик тўғри бўлар экан. Чунончи, бир феълни туслаб, биринчи шахси бир майлга алоқадор, иккинчи ва учинчи шахси иккинчи бир майлга алоқадор қилиб кўрсатиш ҳеч қандай талабга жавоб бермайди.

Масаланинг бу томонини ечиш учун юқоридаги **-ай, -айлик, -инг, -инглар, -инглар, -нгиз, -ингиз, -синлар** аффикслари ёрда-

---

[5] Т. Хўжаев, Ўзбек тилида феъл ва майл, замон ва майл масалалари, Труды Самаркандского государственного университета им. А. Навои, Самарканд, 1963, выпуск № 124, 103-бет.

[6] А. F. Ғуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 45-бет.

[7] А. F. Ғуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 48-бет.

[8] Ж. Муҳитдинова (Ж. Жўраева), Келаси замон маъносининг ифодаланиши, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1959, № 3, 58—62-бетлар.

ми билан ҳосил қилинган феъл формаларини **истак майли**, **буйруқ майли** деб юргизилмай, **буйруқ-истак** майли деб юргизилса,

Бирлик

1. **бор-ай, ишла-й**
2. **бор, ишла**
(ҳурмат формаси
бор-инг, ишла-нг)
3. **бор-син, ишла-син**

яъни икки майл эмас, бир майл тарзида ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Буйруқ-истак майлининг тусланиши

Кўплик

1. **бор-айлик, ишла-йлик**
2. **бор-инглар, ишла-нглар**
бор-ингиз, ишла-нгиз
бор-инг, ишла-нг.
3. **бор-син(лар), ишла-син(лар)**

Яна шуни ҳам айтиш керакки, **буйруқ майли** ва **истак майлига**[9] оид феъл формаларини юқорида кўрсатилган парадигма бўйича туслаб, шу феъларга хос хусуснятларни **буйруқ-истак** майли билан аталган майл остида ўрганиш зарур.

Буйруқ-истак майлидаги феъллар қўлланишига кўра асосан қуйидаги маъно оттенкаларига эга:

1. Биринчи шахс формасидаги буйруқ-истак феъллари контекстда айрим ҳолларда истакни, айрим ҳолларда эса буйруқни англатади. Масалан: 1. *Янгича тўйлар, тамошолар қилайлик энди* (Ойбек). 2. *Шу бугун бир кинога* ***борай*** (жонли сўзлашувдан). 3. *Ҳозир бизга ўрда ичига кириш мумкин бўлмагани учун, қўрғоннинг ташқари теграсида* ***турайлик*** (А. Қодрий). 4. *Жим* ***ўтирайлик*** *янги дарс бошлаймиз, деди ўқитувчи* (жонли сўзлашувдан).

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчиси истак маъносида, учинчи ва тўртинчиси буйруқ маъносида қўлланган.

2. Аксинча, иккинчи, учинчи шахсни кўрсатувчи феъл формалари фақат буйруқни эмас, балки истак маъносини ҳам англатиши мумкин.

Масалан: 1. *Хаёлламай дарров бундан* ***боринглар***
Бошин кесиб, уни дорга ***илинглар***
(Фольклордан)

2. *Султонга айт, томдан тушсин* (Ҳ. Ғулом). 3. *Латифжон, келдингизми? Катта зиёфатга* ***ҳозирлик кўринг*** (Ҳ. Ҳ. Ниёзий). 4. *Ой бориб* ***омон келинг*** (жонли сўзлашувдан). 5. *Анастас Иванович Микоян космонавтларни чин кўнгилдан табриклади ва уларга ерга муваффақиятли кўнинглар, деб истак билдирди* (Газета). 6. *Сафарингиз* ***бахтли бўлсин*** *деб билдирган истагингиз учун раҳмат. 7. Сизларнинг аҳволингиз* ***яхши бўлсин,*** *ҳамма нарсангиз* ***жойида бўлсин*** (газета).

Келтирилган мисолларни биринчи, иккинчи ва учинчиси буйруқ маъносида, қолганлари эса истак маъносида қўлланган

3. Буйруқ-истак майлидаги феъларда интонациянинг роли катта, яъни интонация ёрдами билан истак маъноси буйруқ маъносига, буйруқ маъноси истак маъносига ўтиши мумкин.

Буйруқ- истак майлининг кўрсатилган асосий хусусиятларидан ташқари қатор оттенкалари борки (чунончи, чақириқ, тилак, хоҳиш, дўқ каби), улар ҳақида махсус текшириш ишларда фикр юритиш мумкин. Мазкур иш майл классификациясига оид бўлганлиги учун мақолани шу ҳолида тугатамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки:

1 Феъл майллари учта бўлиб, улар аниқлик, буйруқ-истак ва шарт майлларидан иборатдир.

2 Бирор морфологик категория бўлмоғи учун, унда шу категорияга оид формал белгилар бўлиши шарт.

3. Биринчи шахс формаси фақат истакни эмас, буйруқ маъносини ҳам англата олади

4. Иккинчи ва учинчи шахс формалари эса фақат буйруқни эмас, балки истак маъносини ҳам ифодалайди.

Демак, бу далиллар **буйрук майли** ва **истак майли** деб эмас, балки **буйруқ-истак майли** деб аташга асос бўлади.

Ж. Жўраева.
Филология фанлари
кандидати

[9] У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ҳозирги замон ўзбек тили, Самарқанд, 1960, 116-бет; Т. Ҳўжаев, Ўзбек тилида феъл ва майл, замон ва майл масалалари, Труды Самаркандского государственного университета им. А. Навои, Самарканд, 1963, выпуск № 124, 103-бет.

АНТРОПОЛЕКСЕМАЛАР ҲАҚИДА

Атоқли отлар тилдаги турдош от ва бошқа сўз туркумларига оид сўзлар базасида ясалади. Шу сабабли баъзи тилшунос олимлар атоқли ва турдош отлар ўртасида ҳеч қандай чегара ва фарқ мавжуд эмас, улар бир хил сўзлар деб қарайдилар. Атоқли отлар, жумладан киши номларига бундай баҳо бериш тилшуносларидан Ж. Вандриэс, О. Есперсен ҳамда совет тилшуносларидан Л. Успенский, проф. Е. М. Галкина-Федорук ҳамда А. В. Суперанскаянинг илмий текшириш ишларида баён қилинган[1].

[1] Ж. Вандриэс, Язык. М., 1937, стр. 179; О. Есперсен, Философия грамматики, М., 1959, стр. 77; Л. Успенский. Ты и твоё имя, Лениздат,

Атоқли отларни турдош отлар билан айнан бир нарса деб қабул қилиш, киши номларининг ўзига хос маънога эга эканлигини инкор этишга олиб келди. Масалан, чет эл тилшуносларидан А. Гардинер фикрича, атоқли отларнинг маъноси бор, аммо бу маъно ўша сўз учун асос бўлган турдош отнинг маъносидан иборатдир[2].

Биринчи қарашда А. Гардинер фикри ҳақиқатга ўхшайди. Чунки битта сўз ҳам турдош от, ҳам киши номи бўлиб келиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида **Гўзал** ва **Арслон** исмлари бор. Бундай номлар **гўзал** (сифат) — **Гўзал** (исм, атоқли от) тарзида ясалгандир. Худди шу каби **арслон** турдош от сифатида ҳайвоннинг номи бўлса, ўша сўз киши исми — атоқли от вазифасида ҳам қўлланади. Демак, киши номлари материал жиҳатдан, яъни исм учун асос бўлган сўзга кўра турдош от билан шакллош бўлиши мумкин. Агар биз турдош от ёки бошқа хил сўзларнинг ўз туркуми доирасидаги функциясини шартли равишда C_1 билан, унинг атоқли отга кўчган ҳолатини C_2 билан белгиласак, **арслон** турдош оти билан **Арслон** исми ўртасидаги ўхшашлик:

C_1—C_2 бўлган бўлар эди.

Тилдаги бир қатор содда исмлар мана шу шаклга эгадир: **адолат — Адолат, азим — Азим, арслон — Арслон, бўри — Бўри, жасур — Жасур, лола — Лола, лазиз — Лазиз** каби. Атоқли отларни турдош отлар билан айнан бир нарса деб тушуниш киши номларини фақат C_1—C_2 шаклида тасаввур қилишнинг натижаси бўлса керак. Аммо бу шакл исмларда ҳам исм учун асос бўлган сўзлардан фарқланувчи лексик-семантик ҳамда грамматик томонларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Шуниси характерлики, атоқли отлар генетик жиҳатдан турдош от ва бошқа туркумга хос сўзларга таянган ҳолда ясалган бўлсада, C_1—C_2 шакли ономастика лексиконини характерловчи белги бўла олмайди. Тилдаги турдош от ва бошқа хил сўзлар атоқли от вазифасига ўтгач, турли-туман шаклий ҳамда функционал ўзгаришларга учрайди. Масалан, Азизжон, Азизбиби ва Бўтабек, Бўтаёр, Бўтабой, Бўтақул исмларини ҳам семантик, ҳам шаклий жиҳатдан азиз ва бўта сўзларига тенг деб бўладими? Исм вазифасида қўлланувчи сўз ономастика ихтиёрида турли қўшимчалар, ёрдамчи шакллар, қўшма элементларни қабул қилади. Сўзнинг исм сифатида функционал имкониятлари ҳам кенгайди, битта исм кўп сонли қўшма исмларнинг юзага келишида универсал вазифани бажариб келиши мумкин. Масалан, **бўри** сўзини олиб кўрайлик. Бу сўз турдош от сифатида йиртқич, ёввойи ҳайвонлардан бирини англатади. Шу билан бирга ўзбек тилида **Бўри, Бўрибой** исмлари ҳам бор. Ономастикада **бўри** сўзининг функционал, номинатив имкониятлари анча кенгаяди, у бир қанча қўшма исмларнинг пайдо бўлишида актив иштирок этади. Масалан: **Бўрибой, Бўригул, Бўринисо, Бўрихол, Бўрихон, Бўриқул, Бойбўри, Ойбўри** каби. Кўрсатилган исмларни тилдаги турдош от **бўри** сўзининг айнан ўзи деб бўлмайди. Исм сифатида қўлланувчи **бўри** сўзи аслида турдош от бўлган **бўри** (волк) дан юзага келган бўлса ҳам, у энди атоқли от сифатида ўзига хос семантик, номинатив ва функционал белгиларга эгадир. Худди шунингдек, **Бободўст, Бобонор, Бозоргул, Бувзилол, Давлатназар, Жумамурод, Жумақилич, Мадали, Мадумар, Муродали** сингари қўшма исмлар ҳам антропонимика доирасида ясалган ва атоқли отларга хос лексемалардандир.

Бундан ташқари, бир вақтлар тилда ҳам оддий сўз ва ҳам атоқли от сифатида қўлланган сўзлар давр ўтиши билан фақат атоқли отлар составидагина учраши ва исм сифатидагина қўлланишини кўрамиз. Масалан, ўзбек тилидаги **Уроз, Аббос, Абдал, Восе, Восид, Воҳид, Динор, Жамила, Жалил** отлари учун асос бўлган сўзлар ҳозирги замон тилида турдош ёки сифат вазифасида умуман қўлланмайди. Демак, эндиликда бу сўзлар фақат антропонимика учунгина хос лексик бирликдир. Шу каби киши номлари сўзларнинг айрим семантик хусусиятларини сақлаган бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида **Кўки, Кўкимбек, Кўкиш** исмлари мавжуд. Ҳозирги ўзбек тилида **кўк** сўзи, асосан, ранг (кўк ранг) ва осмон маъносида қўлланади. Маҳмуд Қошғарий асарида ҳамда «Тафсир»да **кўк** сўзи улуғлик, шарафлилик, асл томир

1961, стр. 382; Е. М. Галкина-Федорук, Слово и понятие, Учпедгиз, 1956, стр. 53; А. В. Суперанская, Лингвистические основы практической транскрипции имен собственных, Автореферат канд. дисс., М., 1958, стр. 7.

[2] Қаранг: Gardiner A., Whe theory of proper names, London, 1940.

Атоқли отларнинг тилдаги бошқа хил сўзларга муносабати ва номлар семантикасига доир совет ва четэл тилшуносларининг томонидан баён қилинган мулоҳазалар шундай асарларда учрайди: К. А. Аллендроф, Проблема имена собственного на материале топонимических наименований Франции, Ученые записки 1-го Московского Государственного Педагогического института иностранных языков, том V, 1953, стр 125—134; Л. В Шетинин, Переход собственных имен в нарицательные как способ расширения словарного состава языка, Автореф. канд. дисс., Москва, 1962, ҳамда К. А. Левковская, Теория слова, принципы ее построения и аспекты изучения лексического материала, «Высшая школа», М., 1962.

маъноларида ҳам учрайди[3]. Ўзбек тарихий ономастикасида **Кўкхон** исми бор. Демак, қайд қилинган исмлар **кўк** сўзининг улуғлик, шарафлилик, асл-насаблик деган маънолари билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, атоқли от вазифасига кўчган сўзнинг ономастика лексиконидаги функционал ва номинатив имкониятлари ўзгаради, ортади ва кучаяди. Битта сўз исмларнинг кўпсонли ва хилма-хил структурал-типологик моделларини юзага келтириш учун хизмат қилиши мумкин. Қўшма исмлар ясалиши ўзига хос типик моделларга эга бўлиши ва бу процесс киши номлари лексик составида ҳар хил шаклдаги атоқли отларнинг юзага келишига олиб келади. Шу сабабли ҳам Э. В. Севортян туркий тиллардаги **абду-(абди-), абул** элементлари қўшилган исмларни (**Абдибоқи, Абдисамад, Абдисалом, Абдулқосим** ва б.) араб тилидан ўша ҳолатда ўзлаштирилган, фақат ономастиканинг ўзигагина хос фонетик шакллар, деб кўрсатади[4].

Б. А. Серебренников «О методах изучения топонимических названий» номли мақоласида топонимиканинг муҳим томонларидан бири, топонимика, ўз сўз ясаш моделларига кўра, тамоман янги ва оддий тилда учрамовчи сўз ва сўз бирикмаларини вужудга келтира олишини айтади ва топонимика лексикони учунгина хос бўлган бундай атоқли от шаклларини *тополексемалар* деб атайди[5]. Шунга кўра, биз юқорида қайд этган киши номлари лексикони учунгина хос исм шаклларини *антрополексемалар* деб атаймиз[6]. Антрополексемалар ёки исм-сўзларга ҳозирда тилда фақат атоқли от сифатида учровчи алоҳида содда исмлар (**Али, Сулаймон, Зулайҳо, Заҳро, Ҳасан, Усмон** ва б.) ва шу каби ономастик сўз ясаш асосида пайдо бўлувчи қўшма номларнинг хилма-хил структурал моделларини киритиш мумкин бўлади.

Антрополексема ёки *исм-сўзлар* ономастиканинг турдош от ва бошқа хил сўзлардан ўз лексик ҳамда сўз ясаш моделларига кўра ҳам фарқланиб туришини кўрсатувчи муҳим белгилардан биридир. Тўғри, исмлар генетик жиҳатдан, этимологик нуқтаи назардан аслда турдош от ва бошқа хил сўз туркумларига оид лексик бирликларга бориб тақалади. Лекин, шу билан бирга, улар юқорида кўриб ўтганимиздек фарқланади ҳам.

Антрополексемаларнинг ўзига хос ясалиш хусусиятлари ҳамда семантик белгиларини мавжуд бўлиб, бу масала алоҳида ва батафсил изоҳини талаб қилади.

Шундай қилиб, атоқли отлар аслида турдош от ва бошқа хил сўзлар негизида ясалса ҳам, у ўзи учун асос бўлган сўздан лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари билан ажралиб турувчи лексик бирликларидир. Шу сабабли ҳам совет тилшуносларидан Қ. А. Левковская ва А. А. Уфимцевалар атоқли отларни тил луғат составидаги алоҳида группа сўзлар[7] ёки тил лексик системасининг ажралмас бўлаги[8] деб таъкидлайдилар.

Э. Бегматов.

---

[3] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, II том, 294, 328-бетлар; А. К. Боровков, Лексика Среднеазиатского тефсира, стр. 182.

[4] Э. В. Севортян, Соотношение грамматики и лексики в тюркских языках, «Вопросы теории и истории языка...», Изд. АН СССР, М., 1952, стр. 319.

[5] Журнал «Вопросы языкознания», 6, 1959, стр. 37.

[6] Ономастик текширишларда киши атоқли отлари: антропоним, антропонома, антропономат; ономастиканинг киши номларини ўрганиш билан шуғулланувчи бўлимини: антропонимастика, антропонимика, антропонимия деб юритилмоқда, биз қабул қилган термин ҳам мана шу мавжуд терминларга таянади.

[7] Қ. А. Левковская, Теория слова принципы ее построения и аспекты изучения лексического материала, Госиздат «Высшая школа», М., 1962, стр. 183.

[8] А. А. Уфимцева, Опыт изучения лексики как системы, Москва, 1962, стр. 70.

ҲАМЗА БИЛАН УЧРАШГАНДА

Мен Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан кўп учрашганман. Лекин шу учрашувлардан учтаси айниқса эсимда қолган.

1919 йилнинг куз фасли. Тошкент халқи кулфат ва мусибатларни бошидан кечираётган пайт. Очлик таъсири, Осипов воқеаси, мухториятчилар таҳликалари халқнинг юрагидан ҳали бутунлай кетмаган. Кузнинг изғирин шамоли кишиларнинг юзларини ялар, совуқ сарпойчанлар оёқларини аямасдан жизиллатарди. Тошкент аҳолиси қаддини ростлаб, Шўролар ўзиники эканлигига ишонч ҳосил қилганлиги кишилар чеҳраларида акс этарди.

Ўша пайтларда Сибирда Колчак, Оренбургда Дутов, Закаспийда инглизлар, оқлар, Фарғонада босмачилар халққа, Советларга қарши жанг олиб борардилар. Мен 16 ёшда эдим. Муаллимлар курсида ўқирдим. Эскижўвадаги Беглар беги мадрасасига жойлашган ётоқхонада яшардим. Ўқувчилар орасида «Фарғонадан театр труппаси келипти, у театр-томошалар кўрсатармиш», деган хабар тарқалди. Курс ўқувчилари ҳаракатга тушиб қолишди. Бозор—расталар дарвозаси ҳисобланган Эскижўва Тошкентнинг маркази бўлгани учун кишилар билан лиқ тўла. Бир пайт чорраҳа ўртасига одамлар тўпланди. Қий-чув. Кишилар чумоли каби ҳар томондан ясов тортардилар.

Гоҳ баланд, гоҳ паст гуруллаган халқ овози бўрон пайтидаги денгиз тўлқинини эслатарди. Бирдан барча сукунтга чўмди. Қишилар ҳалқа қилиб атрофни ўраб олишди. Ҳалқа ўртасида барчанинг диққатини ўзига жалб этган бир киши турарди. Бу киши қирра бурун, юзи сал узунроқ, ранги оқ, калта қора мўйловли, соч қўйган, кўзойнакли, қора чарм тужуркали, новча, қотма, оёғига паст пошнали қора этик кийган эди. Бу киши гоҳ қўлини кўтариб, гоҳ тушириб «Ака-укалар, ёру биродарлар, опа-сингиллар» деган жумла билан халққа мурожаат қилди. Унинг ҳарбир сўзи юрагининг чуқур еридан чиқаётганга ўхшарди. Жарангли товуши олисдаги кишиларни ўзига тортди. Қишилар унинг сўзини зўр иштиёқ билан тинглардилар. Фарғонадан келган театр труппасининг бошлиғи Ҳамза Фарғонадаги очарчилик, босмачи ва миллатчи дошноқларнинг меҳнаткаш халққа қилаётган зулми ҳақида гапирди. Тошкент халқини жафокаш Фарғона халқига моддий томондан ёрдам беришга чақирарди. Ҳамза нутқи кишилар кўнглида шафқат, марҳамат ҳисларини кучайтирди. Барча унинг сўзини гулдирос қарсаклар билан қарши олди.

Ҳамза ўз нутқини: Мухториятчи жадидлар юртимизга очлик, қаҳатчилик, босмачилик, ички уруш олиб келдилар. Болани онадан, онани боладан айирдилар. Ариқларда сув ўрнига қон оқиздилар. Мана шуларнинг ҳаммасига сабаб бойлар, эшонлар, уламолар ва жадидлар. Мана шу одамхўр, олчоқ, қонхўрларга қарши Шўролар ҳукумати меҳнаткашларни курашга чақиради. Эркин ҳаёт қуриш учун халқдан кўмак истади. Ватан хоинлари, босмачи, жадид ва уламоларга лаънат. Яшасин иштирокиюн фирқаси! деб тамом қилди.

Шу куни кечқурун Ҳамза бошлиқ театр труппаси Карл Маркс труппасининг театр биноси — «Турон»да (ҳозирги полиграфия «ФЗУ»си жойлашган) Ҳамза асари «Фарғона фожиаси» пьесасининг II бўлимини саҳнада кўрсатди. Шу пьесада асосий ролни Ҳамзанинг ўзи ижро этди. Унинг мимика, ҳаракатлари табиий эди. Мен жуда берилиб томоша қилдим. Унинг бурро-бурро сўзлари, салбий типга оид ҳаракатлари томошабинлар диққатини ўзига тортиб олди. Томошабинлар томошадан мамнун бўлиб, ҳузур қилганликларидан «яшасин» деб қичқиришарди. Узлуксиз чавакбозлик. Қишилар унинг артистлик истеъдодига тасанно айтишарди.

Ҳамза иккинчи кўринишда елкасига чўкич кўтариб, ишчилар олдида «Ҳой-ҳой, отамиз, тошни кесар болтамиз» ашуласини музика садоси остида айтар экан, залда ўлтирганлар ҳаяжонланиб унга жўр бўлишарди. 3-кўринишда «Биз ишчимиз, меҳнатчимиз, биз ҳам инсон ўғлимиз» ашуласини Ҳамза дирижёрлиги остида 20 тача киши жўр бўлиб айтгани ҳали ҳам ёдимда.

Томошабин юрагини эгаллаш, унга бориб етиш санъати осон иш эмас. Ҳар бир санъаткор ҳам бунга муяссар бўла олмайди. Ҳамзанинг ўзи кўп ижод этганлиги, унинг бастакорлиги, ҳақиқий санъаткор эканлигини кўрсатади. Кўринишлар охирида Муҳиддин Қори Ёқубов «Яша Шуро» ашуласини зўр маҳорат билан ижро қилгани, халқ қайта-қайта гулдирос қарсаклар билан чорлаб тургани ҳали-ҳали эсимда. Шуниси ажойибки, томоша тугагандан кейин, тарқалиб кетаётган ёшу қари кўчаларда Қори Ёқубов ашуласини хиргойи қилиб борардилар.

Ҳамзанинг шоир ва ашула яратувчилиги, бастакорлиги, ролларни силлиқ ва бекамкўст ижро этиши, халқ руҳини ўзига қаратиши, санъаткорлиги менинг ёш қалбимда унга улуғ эҳтиром уйғотарди. Биринчи марта менинг юрак туйғуларимда шеърият, нафосат, адабиётга ҳавас уйғотди. Шўролар дунёси билан бирга яратилган дастлабки шеър ва ашулалари ёш авлодга намуна бўлди. Унинг традицияси ёш шоирларни шўро руҳида ёзишга ундади. Уша давр ёзувчиларига йўлланма бўлди. Тарбия йўлини кўрсатди. Ўзбек совет поэзиясининг пойдевори шу шеър ва ашулалардан бошланди. Мана шу шеърларда мазмун билан форма бирлиги ва мазмуннинг етакчилиги бор. Мен шу асарлардан илҳомланиб, шу руҳда шеър машқ қила бошладим. Менинг ижодим Ҳамза кўрсатган йўлдан борганлиги ўша давр асарларимдан маълумдир.

1927—1928 йилларда Ҳамзани Самарқандда яна учратдим. Бу даврда мен ўзбек совет адабиётида «Олтой» тахаллуси билан маълум эдим. Эски танишим, ўз устозимдек у киши билан қўл бериб кўришдим. Менга: «Укам Олтойхон, Сизни ғойибона танийман», дедилар.

Ҳамза менинг асарларимни хайрихоҳлик билан қабул қилди. Ҳамзанинг: «Агар шеър ўз формаси, бадиийлиги билан кишилар юрагига бориб етса, ундай шеърни олқишлаш керак, ўзбек совет адабиётини янги форма ва жанрлар билан бойитиш, ривожлантириш ёшларимизнинг вазифасидир» деган гаплари ҳали ҳам қулоғим остида жаранглайди.

«Маориф ва ўқитғувчи» журнали редакциясида бўлиб ўтган суҳбатни унута олмайман. Ҳамза ўз асарларини журналда нашр эттириш учун кирган эди. У ўша давардаги адабиёт камчиликларини танқид қилиб, мактаб девори газеталарида Чўлпон руҳи тарқалганлигидан шикоят қилди. Бу суҳбат Ҳамза рояль олиш учун ҳаракат қилиб юрган вақтларда бўлиб ўтган эди.

Олтой

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИДА ҚУШМА СЎЗЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ МАСАЛАСИ

Бирдан ортиқ ўзак-негизларнинг бирикувидан янги сўз (қўшма сўз) ясалиши ҳодисаси деярли барча туркий тилларда учрайди. Демак, қўшма сўзлар туркий тиллар лексикасида маълум қатламни ташкил этади. Лекин қўшма сўзлар масаласи кўпчилик туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида назарий жиҳатдан тўла ўрганилмаган. Бу нарса туркий тиллар луғатларида (икки тилли ва изоҳли луғатларда) қўшма сўзларнинг берилиши масаласида баъзи чалкашликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Биз бу мақолада қўшма сўзларнинг назарий томонлари ҳақида эмас, фақат қўшма сўзларнинг изоҳли луғатларда берилиши масаласи ҳақида ўз мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз.

Туркий тиллар изоҳли луғатини тузишда, биринчи навбатда, рус тили изоҳли луғатини тузишдаги практикага, шунингдек ҳар бир туркий тилларда икки тилли луғатларни тузишдаги практикага асосланилмоқда. Лексикография бўйича ана шундай ишларнинг мавжудлиги, албатта туркий тиллар изоҳли луғатини яратиш ишини анча енгиллаштиради. Лекин туркий тиллар изоҳли луғатини тузишда ҳали етарли ишланмаган қатор проблематик ва чалкаш масалалар мавжуд. Бундай проблемалар туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Ҳозирга қадар нашр этилган икки тилли луғатлар ва энди тузилаётган изоҳли луғатлар шуни кўрсатадики, туркий тиллар луғатларида қўшма сўзларни бериш масаласида маълум чалкашликлар бор.

Туркий тиллар изоҳли луғатларида қўшма сўзларнинг берилиши масаласидаги чалкашликнинг асоси нимада? Бунинг асоси шундаки, биринчидан, бу тилларнинг кўпчилигида, қўшма сўзлар назарий жиҳатдан тўла ишланмаганлигидан, қўшма сўзнинг чегараси (қўшма сўзнинг сўз бирикмасидан ва содда сўздан фарқи) аниқ белгилаб олинмаган. Иккинчидан, туркий тиллар орфографиясида шу вақтга қадар тўла ҳал этилмаган масалалардан бири қўшма сўзлар имлоси масаласидир.

Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида, қўшма сўзлар сўз бирикмаларидан фарқланувчи формал кўрсаткичга эга эмас. Бу нарса қўшма сўзларни сўз бирикмасидан фарқлашни ва қўшма сўзлар имлосини белгилашни анча қийинлаштиради.

Қўшма сўзларни сўз бирикмаларидан фарқлашда семантик, грамматик ва фонетик белгилар асосга олинади. Имлода эса, практик нуқтан назардан, қўшма сўзларнинг айримларини қўшиб ёзиш, айримларини ажратиб ёзиш тавсия этилади. Бошқа тилларда эса бундай эмас. Масалан, рус тилида қўшма сўзларнинг деярли барча тури қўшиб ёзилади. Демак, қўшма сўзларнинг айримларини қўшиб, айримларини ажратиб ёзишни тавсия этиш шу тилларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқадиган ҳодиса.

Лекин шуниси борки, қўшма сўз қўшиб ёзиладими, ажратиб ёзиладими, бари бир, бир сўз ҳисобланади. Шунга кўра, қўшма сўзлар ҳам, ажратиб ёки қўшиб ёзилишидан қатъи назар, луғатларда (шунингдек изоҳли луғатда) бош сўз сифатида берилиши ва уларнинг ҳар бири учун мустақил луғат мақоласи тузилиши керак. Лекин худди шу масалада шу вақтга қадар нашр этилган икки тилли луғатларда ва энди тузилаётган изоҳли луғатларда бир хиллик йўқ.

Масалан, шу вақтгача нашр этилган ўзбекча-русча луғатларнинг кўпчилигида ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар бош сўз сифатида берилмай, у, шу қўшма сўз компонентларининг бири учун тузилган луғат мақоласи ичида берилган. Ҳозир тузилаётган изоҳли луғатда ҳам ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни бош сўз сифатида бермаслик, уни шу қўшма сўз компонентларининг бири учун тузилган луғат мақоласи ичида бериш тавсия этилмоқда. Масалан, **иш ёқмас** қўшма сўзи ҳозирги ўзбек имлосида ажратиб ёзилиши сабабли, уни изоҳли луғатда бош сўз сифатида бермай, компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласида бериш тавсия этилади[1]. Бошқа туркий тилларда, масалан, қирғиз тили изоҳли луғатида ҳам ажратиб ёзила-

[1] Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма, Тошкент, 1964, 25-бет.

диган қўшма сўзларни изоҳли луғатда беришда шу принцип қўлланмоқда[2].

Қўшма сўзларни изоҳли луғатда бош сўз сифатида бермаслик масаласини уларнинг ажратиб ёки қўшиб ёзилишига қараб белгилаш тўғри бўлмайди. Чунки қўшма сўзларнинг айримларини қўшиб, айримларини ажратиб ёзишни тавсия этиш фақат практик нуқтаи назардан бўлади (яъни у субъектив ҳодиса). Шунинг учун ҳам қўшма сўзларни ажратиб ёки қўшиб ёзиш уларнинг сўзлик хусусиятига таъсир этмайди. Бошқача қилиб айтганда, қўшма сўз компонентларини ажратиб ёзган билан қўшма сўз сўзлик хусусиятини йўқотиб, сўз бирикмасига айланмайди. Шунга кўра изоҳли луғатда ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар ҳам, қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар каби, бош сўз сифатида берилиши ва улар учун алоҳида луғат мақоласи тузилиши лозим бўлади.

Нима учун луғатларда, жумладан изоҳли луғатларда, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни бош сўз сифатида эмас, балки унинг компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласи ичида бериш тавсия этилади. Бизнингча, бу нарса туркий тилларда қўшма сўзларни сўз бирикмасидан фарқлашдаги қийинчиликдан келиб чиқади. Шунингдек қўшма сўзларнинг айрим типларини ажратиб ёзишни тавсия этиш ҳам қўшма сўзларнинг сўз бирикмасидан фарқлаб олишнинг қийинлигидан келиб чиқади, яъни қўшма сўзларнинг фақат сўз бирикмасидан фарқланиши қийин бўлган типларинигина ажратиб ёзиш тавсия этилади. Сўз бирикмасидан осон фарқланиб турувчи қўшма сўз типлари ҳамма вақт қўшиб ёзилади.

Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни шу сўзнинг компонентларидан бири учун тузиладиган луғат мақоласи ичида беришни тавсия этиш қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлашнинг қийинлигидан келиб чиқишини Дж. Мураталиеванинг юқоридаги мақоласида айтилган фикрлар ва келтирилган мисоллар ҳам тасдиқлайди. Дж. Мураталиева бу мақоласида қўшма сўзлар ва уларнинг изоҳли луғатда берилиши ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қўшма сўзларнинг бирикуви турғун ва эркин бўлиши мумкин. Масалан, **«ак мыя— горчак», «кызыл мыя— солодка» мыя** сўзининг уясида берилади. Бунда **«ак мыя» «кызыл мыя»**нинг бирикуви эркин бўлиб, айнан бир ўтнинг турли ранги кўрсатилади» (таржима бизники — А. Ҳ.).

Қўшма сўзларни, сўз бирикмалари каби, эркин ва турғун бирикувга ажратиш мутлақо нотўғри. Чунки қўшма сўзларнинг компонентлари сўз эмас, сўзнинг элементи ҳисобланади. Қўшма сўз, неча компонентдан ташкил топишидан қатъи назар, бир сўз ҳисобланади. Шунга кўра, қўшма сўз компонентлари ўртасида грамматик алоқа бўлмайди. Агар **ак мыя, кызыл мыя** бирикувларида **ак** ва **кызыл мия** сўзининг аниқловчиси бўлса, у ҳолда, **«ак мыя», «кызыл мыя»**—қўшма сўз эмас, балки сўз бирикмасидир. Сўз бирикмаси бўлгач, ўз-ўзидан, бош сўз қилиб чиқарилмайди. **Ат кулак, коз айнек** (ўзбек тилида **отқулоқ, кўзойнак**) турғун бирикма эмас, балки қўшма сўздир. Чунки унинг компонентлари ўртасида грамматик алоқа йўқ ва бир маъно билдиради. Масалан, **ат қулақ** сўзига нисбатан «қандай қулоқ» сўроғини қўйиб бўлмайди.

Кўринадики, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни шу сўзнинг компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласи ичида беришни тавсия этилиши бундай сўзларнинг сўз бирикмасидан фарқлаб олишнинг қийинлигидан келиб чиқади. Луғатда ажратиб ёзилувчи қўшма сўзни шу сўзнинг компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласида беришни тавсия этиш тузувчини луғатда қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлаб бериш вазифасидан озод қилади. Чунки бошқа сўзнинг луғат мақоласи ичида берилган қўшма сўзнинг бирикма эмас, балки сўз эканлиги кўрсатилмайди. Демак, ажратиб ёзилувчи қўшма сўзларни шу сўзнинг компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласи ичида беришни тавсия этиш тузувчини маълум қийинчиликдан (қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлаб бериш қийинчилигидан) озод қилиш нуқтаи назаридангина бўлади, яъни бу иш фақат тузувчининг манфаати юзасидангина қилинади. Тузувчининг манфаати нуқтаи назаридан қарамаганда, ажратиб ёзилувчи қўшма сўзларни шу сўзларнинг компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласи ичида берилиши ҳеч қандай ижобий аҳамиятга эга эмас, аксинча, у салбий ҳодиса ҳисобланади. Бу принципнинг нотўғрилиги ва салбий ҳодиса эканлигининг исботи сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин.

1. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни бош сўз сифатида бермай, компонентларидан бири учун тузилган луғат мақоласи ичида берилиши, яъни бошқа сўзнинг ўрисида берилиши луғатдан фойдаланишни маълум даражада қийинлаштиради. Чунки бунда луғатдан фойдаланувчи, аввало, ажратиб ёзилувчи қўшма сўз компонентларидан қайси бирининг уясида берилишини билиши керак, билмаса, қидириб топиши керак.

Иккинчидан, бу қўшма сўзнинг уяда қайси ўринда берилганлигини ҳам қидириб топиши керак бўлади. Агар қўшма сўзнинг компонентлари кўп маъноли сўзлардан бўлса, луғатдан фойдаланиш яна ҳам қийинлашади. Масалан, **бош** сўзи ўзбек тилида жуда кўп маънога эга. Шунингдек бу сўз анчагина қўшма сўзларнинг компоненти бўлиб келади: **иш боши, карвон боши, минг боши, лашкар боши...**

Бундан ташқари, **бош** сўзи маълум жуфт

[2] См. Дж. Мураталиева, О выделении омонимов и сложных слов в толковом словаре киргизского языка. Тезисы докладов на координационном совещании по вопросам составления национальных толковых словарей, Изд-во Киргизской ССР, Фрунзе, 1960, стр. 14.

сўзларнинг ҳам компоненти бўлиб келади: **бош-оёқ, кийим-бош, уст-бош** каби. Шунингдек **бош** сўзи бир неча турғун бирикмалар таркибида ҳам қатнашади. Демак, **бош** сўзи учун тузилган луғат мақоласида **бош** сўзининг қатнашуви билан ясалган жуфт сўз, қўшма сўз ва турғун бирикмалар ҳам бўлади. Натижада **бош** сўзининг луғат мақоласи жуда ҳам катта бўлиб кетади. Луғатдан фойдаланувчи **бош** сўзининг қатнашуви билан ясалган **иш боши, юз бошн** каби қўшма сўзларни бош сўзининг уясидан қидириб топиши керак бўлади. Бу нарса луғатдан фойдаланувчи учун маълум даражада қийинчилик туғдиради.

2. Қўшма сўз ажратиб ёзиладими, қўшиб ёзиладими, бари бир у сўз ҳисобланади (бирикма эмас). Шунга кўра луғатда қўшиб ёзиладиган ва ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларнинг берилишида фарқ бўлиши мумкин эмас, яъни луғатда қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар бош сўз сифатида берилар экан, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар ҳам бош сўз сифатида берилиши керак. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни бош сўз сифатида бермаслик уларнинг сўз эканлигини инкор этишга олиб келади, яъни улар бу билан сўз бирикмалари қаторига киритилади. Норматив изоҳли луғатда бундай бўлишига асло йўл қўймаслик керак. Аксинча, норматив луғатда қўшма сўзнинг сўз эканлиги ўз ифодасини топиши керак. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни луғатда бош сўз сифатида бериш уларнинг сўз эканлигини кўрсатишдир.

3. Бир вақтда қўшиб ёзилиши қонунлаштирилган қўшма сўзларни кейинчалик (маълум практик нуқтаи назардан) ажратиб ёзилиши қонунлаштирилиши мумкин ва, аксинча, бир вақтлар ажратиб ёзилган қўшма сўзларни кейинчалик қўшиб ёзиш тавсия этилиши мумкин. Натижада турли даврларда яратилган луғатларда (икки тилли ёки изоҳли луғатларда) қўшма сўзларнинг берилиши турлича бўлиб кетади, яъни бир вақтлар қўшиб ёзилгани учун луғатларда бош сўз сифатида берилган бирор қўшма сўз кейинги вақтда ажратиб ёзилиши қонунлаштирилгани сабабли, шу вақтда яратилган луғатларда бош сўз сифатида берилмай қолади. Масалан, 1956 йилда нашр этилган «Ўзбек адабий тилининг имло луғатида» **чойчақа, қалампирмунчоқ** қўшма сўзлари қўшиб, **чўрт кесар** эса ажратиб ёзилган. 1960 йилда нашр этилган имло луғатида эса, аксинча, **чойчақа, қалампирмунчоқ** ажратиб **(чой чақа, қалампир мунчоқ), чўрткесар** қўшиб ёзилган. Демак, қўшма сўзларни луғатда бош сўз қилиб бериш ёки бош сўз қилиб бермаслик масаласида уларнинг қўшиб ёки ажратиб ёзилишига асосланиладиган бўлса, у вақтда 1960 йилгача нашр этилган луғатларда **чойчақа, қалампирмунчоқ** қўшма сўзлари бош сўз сифатида берилиб, 1960 йилдан кейинги луғатларда бош сўз сифатида берилмаслиги керак эди. Шунингдек, **чўрткесар** қўшма сўзи 1960 йилгача нашр этилган луғатларда бош сўз сифатида берилмай, 1960 йилдан сўнгги луғатларда бош сўз сифатида берилиши керак бўлади. Демак, қўшма сўзларнинг берилишида уларнинг қўшиб ёки ажратиб ёзилишига асосланиладиган бўлса, турли даврларда нашр этилган луғатларда қўшма сўзларнинг берилиши турлича бўлиб қолиши мумкин. Бу, албатта, ижобий ҳодиса ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, шу вақтгача нашр этилган имло луғатларида қўшма сўзларни сўз бирикмалари билан аралаштириб юбориш ҳолатлари бор. Имло луғатларида, ҳатто, баъзи сўз бирикмалари ҳам қўшма сўзлар қаторига киритилиб, уларни қўшиб ёзиш тавсия этилади. Лекин бундай бирикмалар имло луғатида қўшма сўзлар қаторига киритилиб, қўшиб ёзилиши тавсия этилган бўлса-да, улар изоҳли луғатда (шунингдек, икки тилли луғатларда) бош сўз сифатида берилмаслиги керак. Чунки у сўз эмас. Бу нарса ҳам қўшма сўзларнинг луғатда берилишида уларнинг имлосига асосланиб иш кўриш тўғри эмаслигини кўрсатади.

4. Қўшма сўзларнинг имлоси барча туркий тилларда бир хил эмас. Айрим туркий тилларда қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар бошқасида ажратиб ёзилиши ва, аксинча, бирида ажратиб ёзилгани бошқасида қўшиб ёзилиши мумкин. Агар қўшма сўзларни луғатда беришда уларнинг ажратиб ёки қўшиб ёзилишига қараб иш кўриладиган бўлса, бирор туркий тилнинг изоҳли луғатида бош сўз сифатида берилган қўшма сўз бошқа туркий тилнинг изоҳли луғатида бош сўз сифатида берилмаслиги мумкин. Натижада туркий тиллар изоҳли луғатларида қўшма сўзларнинг берилишида ҳар хиллик келиб чиқади. Бу нарса туркий тиллар изоҳли луғатларидан фойдаланиш ишини маълум даражада қийинлаштиради. Масалан, ўзбек тилида **кўзойнак** қўшма сўзи қўшиб ёзилади. Шунга кўра у изоҳли луғатда бош сўз сифатида берилади. Қирғиз тилида эса бу сўз ажратиб ёзилади ва у қирғиз тилининг изоҳли луғатида турғун бирикма сифатида **кўз** сўзининг луғат мақоласида берилади[3]. Шунингдек, **отқулоқ** сўзи ўзбек ва қозоқ тили изоҳли луғатларида бош сўз сифатида берилади. Қирғиз тили изоҳли луғатида эса турғун сўз бирикмаси сифатида от ёки **қулоқ** сўзининг уясида берилади. Ваҳоланки, **отқулоқ, кўзойнак** қўшма сўзлари ясалиши, маноси ва бошқа белгилари жиҳатдан ўзбек, қозоқ ва қирғиз тилларида бир хил, яъни бу учала тилда ҳам **кўзойнак, отқулоқ** сўзлари икки компонентдан тузилган бир сўз (қўшма сўз) ҳисобланади. Шунга кўра, бу сўзлар ўзбек, қозоқ ва қирғиз тилларининг изоҳли луғатларида бир хилда берилиши — бош сўз сифатида берилиши керак.

5. Шундай ҳолатлар борки, бир сўз бир неча қўшма сўзнинг компоненти бўлиб келади. Масалан, ўзбек тилида **бир мунча,**

---

[3] Кыргыздын адабий тилинин тушундурмому создугу, бир томдук, макет, Фрунзе, 1960, 4-бет.

бир неча, бир қанча, бир оз, бир талай, биратўла, бирпас, бир йўла, бир хил, бир нарса... қўшма сўзларининг ҳаммасида бир сўзи уларнинг биринчи компоненти бўлиб келади. Буларнинг ҳаммаси бир сўзидан бутунлай фарқланувчи мустақил маъноли мустақил сўзлардир. Лекин бу қўшма сўзларнинг айримлари ажратиб, айримлари қўшиб ёзилади. Агар бу қўшма сўзларни изоҳли луғатда беришда уларнинг имлосига асосланадиган бўлсак, **бирмунча, бирпас, биратўла** сўзлари бош сўз сифатида берилиши керак (чунки қўшиб ёзилади). Қолганлари эса бир сўзи уясида берилиши керак (чунки ажратиб ёзилади). Айнан бир сўзнинг қатнашуви билан ясалган қўшма сўзларнинг баъзисини (қўшиб ёзиладиганини) луғатда бош сўз сифатида бериб, айримларини (ажратиб ёзиладиганларини) бош сўз сифатида бермаслик кулгили ҳодисадир.

6. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни бош сўз сифатида бермай, шу сўзнинг бирор компоненти учун тузилган луғат мақоласи ичида бериш луғатда маълум даражада «гнездовой способ»ни қўллаш деган сўздир. Чунки бу «гнездовой способ»нинг бир кўринишидир. Масалан, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар унинг бирор компоненти учун тузилган луғат мақоласи ичида берладиган бўлса, у ҳолда, **ҳар бир, ҳар хил, ҳар қандай, ҳар қалай...** қўшма сўзлари ҳар сўзи учун тузилган луғат мақоласида берилади. Бу ҳодиса «гнездовой способ»нинг бир кўринишидир. «Гнездовой способ» эса лексикографияда қораланган усулдир.

Ана шу айтиб ўтилганларнинг ўзиёқ ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни луғатда бош сўз сифатида бермаслик салбий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Қўшма сўзлар ажратиб ёзиладими, қўшиб ёзиладими, бари бир, улар изоҳли луғатда бош сўз сифатида берилиши керак.

А. Ҳожиев
Филология фанлари кандидати

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

АДАБИЁТШУНОСЛИККА ОИД ТАДҚИҚОТ ТЕМАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида филология фанларининг адабиётшунослик соҳаси бўйича ҳам докторлик ишлари олиб борилмоқда.

Институтда биргина ўзбек адабиётшунослигининг замонавий, актуал проблемаларини монографик ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларидан ташқари, рус ва қорақалпоқ адабиётшунослигининг баъзи проблематик масалаларига доир муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқот ишлари ҳам кенг йўлга қўйилади. Бу ҳол, ўз навбатида, адабиётшуносликнинг СССР Фанлар академияси томонидан тасдиқланган «Ҳозирги даврда жаҳон адабиётининг тараққиёт қонуниятлари» номли комплекс проблеманинг илмий асосда ҳал этилишига ёрдам беради.

Филология фанлари кандидати, доцент Ҳомил Исломович Еқубовнинг кўп йиллардан буён олиб бораётган текширишларининг натижаси — «Ойбекнинг ижодий йўли» темаси 1965 йилда докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиниши керак.

Олим ўз текширишларида академик ёзувчи Ойбек ижодининг характерли хусусиятлари — бадиий маҳорат, социалистик реализм методи, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимизнинг бир қисми бўлган адабиётимизнинг замонавий проблемалари, адабий традиция ва новаторлик, характерда индивидуаллик ва типиклик каби масалаларни ҳар томонлама ва кенг анализ қилиб беради ва қатор илмий хулосалар чиқаради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Юсуф Султонович Султонов атоқли драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодининг таҳлилчиларидан биридир. У 1965 йилда ҳимоя тавсия этилиши лозим бўлган «Ҳамза драматургияси» номли илмий-тадқиқот ишида ўзбек драматургиясининг проблематик масалаларини илмий асосда кенг анализ қилади ва драматург Ҳамзанинг ўзбек совет драмаси жанрининг асосчиси эканлигини фактик далиллар, илмий хулосалар билан исботлаб беради, классик адабиёт традицияларини ривожлантиришда, кўп миллатли совет адабиёти ва шунингдек ўзбек совет адабиёти ривожида Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг тутган ўрнини илмий фикрлар билан изоҳлайди.

Шу йили таниқли олим, филология фанлари кандидати Порсо Шамсиев «Алишер Навоий «Хамса»сининг танқидий-текстологик тадқиқотлари» номли докторлик ишини ҳимоя этиши керак. Олим Навоий «Хамса»сининг илмий-танқидий текстини чуқур изланишлар асосида тайёрлайди ва бу қийин соҳа бўйича қатор илмий фикрлар баён этади.

«Навоий ижодий методи» номли йирик тадқиқот ўзбек классик адабиётида текширилиши ва ўрганилиши ниҳоят зарур бўлган масалалардан биридир. Филология фанлари кандидати Абдуқодир Ҳайитметов бу масала бўйича кўп йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

1965 йилда тугалланиши ва ҳимояга тавсия этилиши лозим бўлган мазкур ишда улуғ шоир Алишер Навоий ижодий методи, ва адиб ижодининг ўзига хос ички ва ташқи дунёси, специфик хусусиятлари атрофлича ёритилади.

Филология фанлари кандидати, танқидчи Матёқуб Қўшжонов ўзбек совет адабиётида ечилиши зарур ва муҳим бўлган проблема устида илмий-текшириш иши олиб бориб, «Ўзбек романларида бадиий маҳорат масалалари» номли капитал асар яратди. 1965 йилда ҳимоя этилиши керак бўлган мазкур тадқиқот ўзбек совет адабиёти романчилигининг усталари — А. Қодирий, Ойбек ва А. Қаҳҳорларнинг бадиий маҳоратларини кенг ёритишга бағишланган. Асарда характерлар тасвирида услуб ва методлар, бадиий тасвир воситалари, композиция ва сюжет, конфликт каби муҳим масалалар кенг ёритилади.

Олим Наби Раҳимов «Садриддин Айний ва ўзбек адабиёти» деган докторлик темаси устида ишлаяпти. Монографияда ўзбек ва тожик ёзувчиси атоқли адиб С. Айнийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти кенг планда ёритилади, ёзувчининг прозаик асарлари ҳар томонлама анализ қилинади, унинг ўзбек ва тожик совет адабиёти тараққиётида тутган ўрнига оид назарий фикрлар билдирилади. Тадқиқот 1965 йилда ҳимояга тавсия этилади.

Таниқли ёзувчи, филология фанлари кан-

дидати Раҳмат Мажидий ўзбек классик адабиётида поэтик ижоди билан донг таратган шоир Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодиётига оид илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. «Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодиёти» деб аталган бу иш 1966 йилда докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинади.

Коммунистик партиянинг миллий адабиётларни ривожлантиришдаги доно сиёсати ва унинг ролини кенг ёритиб бериш кундалик сиёсатимизнинг муҳим томонларидан биридир. Адабиётнинг мазкур соҳалари кўп миллатли совет адабиётида кенг текшириш объекти бўлган эмас. Филология фанлари кандидати Солиҳ Қосимов «Миллий адабиётларни ривожлантиришда Коммунистик партиянинг роли» деган докторлик диссертациясини ўзбек адабиёти материаллари асосида ўрганди. Автор томонидан ўрганилаётган мазкур тема Ўзбекистонда адабий ҳаракатчилик, миллий адабиётларда социалистик реализм методларини тан олмовчи кишиларга зарба бериш ва ўзбек ёзувчиларининг партия сиёсати асосида коммунистик жамият қуриш учун курашларини кенг ва ҳар томонлама чуқур анализ этишга қаратилгандир. Монография шу йили ҳимояга топширилиши керак.

1965—1966-йиллар давомида Тил ва адабиёт институтида ўзбек адабиётшунослигининг кўпгина соҳалари бўйича яна 13 та докторлик диссертацияси ёзиб тугалланади ва ҳимояга тавсия этилади.

Олим ва ёзувчи Қалли Аимбетов «Қорақалпоқ халқ жирчилари» номли тадқиқот ишини ёзиб тугатди. Яқин кунларда ҳимоя қилиниши лозим бўлган мазкур ишда қорақалпоқ совет адабиётидаги барча оқин ва жирчиларнинг ижодий фаолияти, ҳаёт йўли анализ қилинади.

Шунингдек, атоқли олим Ҳоди Зарифов нашр этилган ўз тадқиқотлари учун докторлик диссертацияси ҳимоя қилди.

Филология фанлари кандидати, шоира Музайяна Алавия «Ўзбек халқ тўй ва маросим қўшиқлари» деб аталувчи тема бўйича илмий-текшириш иши олиб бормоқда. Ишда совет даврида яратилган тўй ва маросим қўшиқларининг специфик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Адабиёт назарияси бўйича ҳам қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Филология фанлари кандидати Ҳафиз Абдусаматов ўзбек сатирасининг назарий масалалари: сатирик образ, сатирада типиклик, характер, сатирик воситалар, традиция ва новаторлик каби ўрганилиши зарур бўлган проблемалар бўйича кўп йиллар давомида текшириш ишлари олиб бормоқда. Унинг бу тадқиқот темаси «Ўзбек совет адабиётида сатира проблемалари» деб номланади.

Филология фанлари кандидати Муҳаммадали Юнусов «Традиция ва новаторлик масалалари» номли монографик ишида ўзбек совет адабиётининг намоёндалари — С. Айний, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғун, Ҳ. Олимжон, Ғайратийларнинг ижодларида адабий традиция ва новаторликнинг назарий масалаларини чуқур илмий анализ қилиб беради.

«Ўзбек классик адабиётида эпик поэзиянинг ривожланиши (XVIII—XIX асрлар поэмалари аспектида)» номли тадқиқот ишини филология фанлари кандидати Ҳолид Расулов, «XV аср ўзбек адабиётини бошқа шарқий адабиётлар билан қиёсий ўрганиш» (туркий ва форс-тожик адабиётлари асосида)» деган темани филология фанлари кандидати Эргаш Рустамов, «Ўзбек совет адабиётида повесть жанрининг шаклланиши ва ўсиши» номли илмий-текшириш ишини фан кандидати Ахбор Абороров, «Ўзбек совет драматургиясининг ривожланиш йўллари» темасини доцент Турсун Собиров, «Ўзбекистонда таржима тарихидан (Улуғ Октябрь революциясига қадар)» темасини ёзувчи ва олим Жуманиёз Шариповлар тадқиқ этмоқдалар.

Филология фанлари кандидати Салоҳиддин Мамажонов «Ғафур Ғуломнинг ижодий йўли» номли монографик тадқиқотида шоир ижодида ғоявийлик, партиявийлик, халқчиллик, ижодий индивидуаллик, бадиий система, сюжет, композиция хусусиятлари каби қатор масалаларни чуқур текширади ва назарий хулосалар чиқаради.

Адабиётшунос олим Абдурашид Абдуғафуровнинг «Революциягача бўлган ўзбек адабиётида сатира» деб аталувчи илмий-тадқиқотида революциягача бўлган ўзбек адабиётида сатира жанрининг асосий хусусиятлари ва этаплари, йирик шоирлар сатирик асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, сатирик йўналишнинг ўсуви каби проблематик масалалар кенг ёритилади ва булар хусусида илмий-назарий хулосалар чиқарилади. Олим Наврўз Жапақов томонидан ишланаётган «Қорақалпоқ совет адабиётида социалистик реализм проблемалари» номли докторлик ишида революциягача бўлган қорақалпоқ адабиётида реалистик тенденция ва традиция проблемаси текширилади ва шу асосда қорақалпоқ совет адабиётида социалистик реализмнинг шаклланиши ва ривожланишининг назарий масалалари ҳар томонлама кенг ёритилади.

Филология фанлари кандидати Собир Мирвалиев «Ўзбек романларининг ривожланиш йўллари» деган монографик тадқиқотида ўзбек адабиётида романчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши масалаларини илмий жиҳатдан пухта анализ қилади ва бу хусусда қатор назарий фикрлар айтади.

Рус совет адабиёти бўйича фан кандидати А. З. Вулис «Совет сатирик романларида бадиий ҳар хиллик» деган темада докторлик диссертацияси тайёрламоқда. Бунда совет сатирик романларининг специфик хусусиятлари кенг планда текширилади.

Ўзбек адабиёти тарихи бобидан текширилиши ниҳоят зарур бўлган тема — А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ва унинг шарқ адабиёти ривожига таъсири масаласи» темаси 1967 йилда филология фанлари кандидати Содир Эркинов томонидан

тадқиқ этилиб докторлик иши сифатида ҳимоя қилинади.

1967 йилда филология фанлари кандидатлари Машкура Султонова «Абдулла Қаҳҳор услуби», Нинел Владимирова «Ўзбек ҳикояларида миллий характер масалалари» деган темаларда докторлик диссерттациялари ёқлайдилар. Бу тадқиқот темаларининг докторлик диссертациялари сифатида ҳимоя қилиниши республикамизда ўзбек адабиётшунослиги назарий масалаларининг ривожини кўрсатувчи фактор бўлади.

Ҳайдарали Узоқов,
А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

БИРЛАШГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишлаб бирлашган илмий сессия ўтказди.

Ташкилий комитетнинг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов қисқача кириш нутқи сўзлаб сессияни очди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти У. О. Орифов «Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллик тараққиёти ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли йўли» деган темада доклад қилди.

Шундан кейин сессия қатнашчилари турли фанлар бўйича секцияларга бўлинди.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти қошида Тилшунослик секциясининг йиғилиши бўлди.

Секция мажлисида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг, шунингдек Рус тили ва адабиёти педагогика институти ҳамда Тошкент Давлат педагогика институтининг тилшунос олимлари қатнашдилар.

Мажлисда филология фанлари кандидати Ф. Қ. Камолов «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилини ўрганиш масалалари», филология фанлари докторлари: Ш. Шоабдурраҳмонов «Ўзбекистонда диалектология фанининг тараққиёти», С. Иброҳимов «Ўзбек тилининг нутқ маданияти масалалари», филология фанлари кандидатлари: З. Маъруфов «Ўзбек совет лексикографияси 40 йил ичида», С. Отамирзаева «Ўзбек тили экспериментал фонетикасининг аҳамияти ва вазифалари» ва Н. Муродов «Ўзбек тилида терминология масалалари» деган темаларда доклад қилдилар.

Таниқли тилшунос олим С. Иброҳимов ўзбек тили нутқ маданиятига оид докладида ўзбек тили нутқ маданияти юзасидан планли иш олиб бориш ва нутқ маданияти билан боғлиқ бўлган илмий проблемаларни, чунончи ўзбек тили нутқ маданиятининг шаклланиши ва ҳозирги аҳволини ўрганиш лозимлигини уқтириб ўтди. Айни вақтда докладчи ўзбек тили нутқ маданияти масалалари жуда кенг ва мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, институт қошида махсус сектор ташкил қилиш кераклигини таъкидлади.

Филология фанлари кандидати З. Маъруфов ўз докладини ўзбек лексикографиясининг 40 йил ичида босиб ўтган йўли ҳамда унинг назарий масалаларига бағишлади.

Докладлар тинглангандан сўнг қизғин музокаралар бошланди. Бунда филология фанлари кандидатлари Б. Жўраев, С. Фердаус, Ҳ. Ғозиев, Н. Маматов, илмий ходим Р. Дониёров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, докладлар юзасидан ўз мулоҳаза ва истакларини билдирдилар.

Секция ишини унинг раҳбари, филология фанлари доктори Ш. Абдурраҳмонов ўзбек тилшунослигининг баъзи назарий масалалари ҳақида гапириб, Ўзбекистон тилшуносларидан олдида турган муҳим вазифаларни таъкидлаб ўтди.

Адабиётшунослик секцияси мажлиси ҳам жуда қизиқарли ўтди. Бунда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспонденг аъзоси В. Зоҳидов «Ўзбекистонда адабиётшунослик 40 йил ичида», филология фанлари доктори Ҳ. Сулаймонов «Ўзбек адабиёти ёзма ёдгорликларини илмий тавсифлашнинг баъзи якунлари», филология фанлари кандидатлари: Ж. Шарипов «Ўзбекистонда бадиий таржима тарихидан», Ҳ. Ёқубов «Ўзбек совет адабиётини ўрганиш тарихи», Ж. Қобулниёзов «В. И. Ленин ва Коммунистик партия идеяларининг ўзбек халқ оғзаки ижодиётида қўйланиши», Х. Расулевнинг «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Адабиёт музейи ва унинг илмий фонди ҳақида» деган темаларда доклад қилдилар.

Филология фанлари кандидати Ш. Жарипов ўз докладида халқлар ўртасидаги алоқани кучайтиришда, маданият ва адабиётни бойитишда, социалистик миллатларнинг ўзаро яқинлашувида бадиий таржиманинг муҳим роль ўйнаётганини айтиб, Ўзбекистонда таржима фанининг совет ҳокимияти даврида вужудга келганлигини, бу фан билан шуғулланувчилар сони йил сайин ортиб борганлигини фактик материаллар асосида кўрсатди ва Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган таржима тарихи масаласига оид баъзи илмий мулоҳазаларни қисқача баён қилиб ўтди.

Профессор В. Зоҳидов, филология фанлари доктори Ҳ. Сулаймонов ва филология фанлари кандидати Ҳ. Ёқубовларнинг докладлари юксак илмий савияда ёзилганлиги билан тингловчиларда кучли таассурот қолдирди.

Музокараларда сўзга чиққан филология фанлари кандидатлари Ҳ. Зарифов, Р. Мажидий, С. Қосимов, Н. Раҳимов ва бошқалар докладларнинг актуаллигини ва илмий қимматини алоҳида қайд қилиб ўтдилар.

Ҳар иккала секция мажлислари юксак илмий савияда ўтди.

М. Мирзаева

МУНДАРИЖА

Б. Имомов. Партия XX съездидан кейинги йиллар ўзбек драматургияси . . 5
Т. Мирзаев. «Алпомиш» нашрининг ўзбек достончиларига таъсири . . . 12
М. Ҳакимов. Мақол терминлари ҳақида 19
Ш. Шукуров. -дук формаси тарихидан 25
М. Мирзаев. Бухоро диалектининг морфологик хусусиятларига доир (Иккинчи мақола) 33
С. Туляков. Наманган шаҳар шевасида феъларнинг тусланиши . . . 39
Ж. Шарипов. Қутб Хоразмий ва Сайф Саройининг таржималари ҳақида . 47

Илмий ахборот

Э. Ибраҳимова. Шоир Ниёзий 54
О. Қосимхўжаева. Роқимнинг девони 58
Ж. Жўраева. Феъл майлари классификациясига доир 61
Э. Бегматов. Антрополексемалар ҳақида 63
Олтой. Ҳамза билан учрашганда 65

Муҳокама ва мунозара

А. Ҳожиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзларнинг берилиши масаласи 67

Илмий ҳаёт ва хроника

Ҳ. Узоқов. Адабиётшуносликка оид тадқиқот темалари 71
М. Мирзаева. Бирлашган илмий сессия 73

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

№ 2

1965 г.

Муҳаррир *М. Қосимов*
Техмуҳаррир *Ҳ. Қорабоева*

Р05552. Теришга берилди 2/II-65 й. Босишга рухсат этилди 20/III-65 й. Формати 70×108 1/16 = 2,38
Қоғоз листи — 6,51 Босма листи Ҳисоб-нашриёт листи 6,6
Нашриёт № 1446. Тиражи 8821. Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан" нашриётининг босмахонаси, 2-Високовольт кўчаси, 21. Заказ 277.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

ЯНГИ КИТОБ

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти яқинда **Қ. Х. Хоназаровнинг** «КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВА МИЛЛИЙ ТИЛЛАР» китобини нашр этди. (Тиражи 1000, баҳоси 1 с. 68 т).

Китобда социалистик миллатларнинг яқинлашиш процесси ва улар тил ҳаётининг ривожланиш проблемаси СССРнинг тарихий тажрибаси асосида ёритилади.

Китобда социалистик миллатлар яқинлашувининг умумий қонуниятлари текширилади, миллатлараро рус тилининг ажралиб чиқиш ва кенг ёйилиш процесси, унинг совет миллатлари яқинлашувининг муҳим фактори сифатидаги аҳамияти очиб берилади.

Монография философлар, филологлар, тарихчилар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлар, студентлар ҳамда СССР халқлари тил ҳаётининг ривожланиши ва миллий муносабатлар масаласи билан қизиқувчиларнинг барчасига мўлжалланган.

Бахфеи 20 т.

Индекс
75396

R 481.
1965/3

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Экз. №2

1965 3

ФАН
НАУКА

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Восьмой год издания

3

МАЙ — ИЮНЬ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «НАУКА» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ — 1965

R 48

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ В А АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Саккизинчи йил чиқиши

3

МАЙ — ИЮНЬ

2

24460
3

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 1965

Редколлегия

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. ОЙБЕК *(бош муҳаррир)*, ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари В. И. ЗОҲИДОВ, Ю. СУЛТОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, филология фанлари докторлари Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ, Ф. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, В. В. РЕШЕТОВ, И. О. СУЛТОНОВ, А. П. ҚАЮМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари кандидатлари Д. АШУРОВА, Б. Ж. ЖУРАЕВ, О. У. УСМОНОВ, С. ҚОСИМОВ *(масъул секретарь)*.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

Шонли етти йилликнинг сўнгги йилига қадам қўйдик. Совет халқи ленинчи Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини муваффақият билан амалга оширмоқда. Сўнгги йиллар ичида ўзбек филологияси ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигининг тараққиётидаги бу кўтарилиш «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларида ҳам ўз аксини топди. Мазкур журналда эълон қилинган материалларда ўзбек филологиясининг кўпгина назарий масалалари ёритилди. Журнал адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг янги ишларини журналхонларга етказиш билан республикада филология соҳасидаги илмий текшириш ишларини координация қилишга маълум ҳисса қўшди. Журналда босилаётган материалларнинг илмий-назарий савияси йилдан йилга кўтарилиб бораётгани ўзбек филологияси тобора ривожланаётганлигининг ёрқин далилидир.

Бироқ «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали ҳали халқимизнинг талабларига етарли жавоб бера олмаётир. Ўзбек филологиясининг энг муҳим, актуал проблемаларини ёритишда систематик равишда, илгаридан пухта ўйланган план бўйича иш олиб бормаётгани айниқса яққол кўзга ташланади. Сўнгги йиллар ичида журналда республикамиз ва Иттифоқимизнинг йирик олимларининг мақолалари жуда кам босилди. Журнал ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигининг муҳим масалаларига бағишланган дискуссион мақолаларни эълон қилиб, улар бўйича илмий фикр олмашишни уюштирмади. Натижада журнал ўзбек филологиясининг актуал масалаларини ҳал қилишда, муҳим илмий проблемалар бўйича янги хулосалар чиқаришга етарли ёрдам бермай келди. Бунинг устига илмий-назарий савияси паст бўлган ва ҳозирги куннинг талабларини қондирмайдиган айрим материалларга ҳам журналдан ўрин берилди.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали фаолиятидаги бу ва шу каби бошқа камчиликлар шу йилнинг бошида Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтган журналхонлар конференцияларида ҳаққоний ва принципиал танқид қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бюроси шу йилнинг февраль ойида «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали фаолиятини атрофлича муҳокама қилди ва унинг ишини тубдан яхшилаш чораларини белгилаб чиқди.

Ҳозирги кунда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг редколлегияси журнал фаолиятини тубдан яхшилаш тадбирларни белгилаб, уларни амалга оширишга киришди. Ўзбек филологиясининг асосий назарий масалаларини систематик ёритишни журнал ўзининг энг муҳим

вазифаси ҳисоблайди. Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигининг кам ёритилган масалалари бўйича илмий мунозаралар ўтказиш йўли билан бу проблемаларни кўплашиб ҳал этишга ёрдам бериш журналнинг диққат марказида туради. Жумладан, журналнинг бу сонида ҳозирги замон ўзбек адабий тили тараққиётининг қонуниятлари ҳақида илмий мунозарани бошловчи мақола босилди. Бу масалалар бўйича илмий мунозара журналнинг кейинги сонларида ҳам давом этади. Шу билан бирга, журнал ўзбек филологиясининг бошқа муҳим назарий масалалари бўйича ҳам илмий мунозаралар очишни планлаштирмоқда. Бундан ташқари, ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослиги бўйича илмий, ижодий фикр олишувга кенг йўл очиш мақсадида журналда босилган бошқа материаллар ҳақидаги илмий жамоатчиликнинг мулоҳазаларига ҳам журналдан кенг ўрин берилади.

Ўзбек филологиясига оид илмий адабиётга ёзилган тақризларни журналда систематик равишда босиб бориш мўлжалланади. Журнал республикамиздаги илмий текшириш муассасалари ва олий ўқув юртларида ўзбек филологияси бўйича олиб борилаётган ишлар билан ўз ўқувчиларини систематик таништириб боради.

Ўз фаолиятини тубдан яхшилашда «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, шубҳасиз, кенг илмий жамоатчиликнинг кўмаги ва маслаҳатларига муҳтож. Шу сабабли журналнинг редколлегияси республикамиз ва Иттифоқимизнинг адабиётшунос ва тилшунос олимларидан ўзларининг ўзбек филологиясининг муҳим масалаларини ёритувчи мақолалари билан журнал саҳифаларида актив қатнашишларини илтимос қилади.

Ўзбек тили ва адабиётининг тарихи ҳамда ҳозирги кундаги тараққиёти масалаларига бағишланган илмий текширишлар фақат назарий аҳамиятга эга бўлмай, ўзбек халқининг тил маданиятини янада юксалтиришда, ўзбек совет адабиётини янги чўққиларга кўтаришда зўр амалий аҳамиятга ҳам эга. Шу сабабдан совет филологиясининг актуал проблемаларини ишлашда актив иштирок этиш ҳар бир адабиётшунос ва тилшунос олимнинг муқаддас бурчидир.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг редколлегияси журнални ўзбек филологиясининг янги кўтарилишига ёрдам берувчи жанговар органга айлантиришда кенг илмий жамоатчиликнинг кўмагига умид боғлайди.

ТЎХТА БОБОЕВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ПРОЗАСИДА ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ОБРАЗЛАРИ

Умумсовет адабиётининг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек совет адабиётининг, жумладан, прозамизнинг коммунизм сари ташлаётган қадами дадил, мақсади юксак. Кейинги бир-икки йил ичида яратилган ўнлаб роман ва повестлар, ҳикоя ва очерклар тўпламлари мана шундан гувоҳлик беради. Тематик диапазони кенгайиб, ғоявий-бадиий сифати ошиб бораётган ҳозирги прозаик асарларимиз орасида Ойбекнинг Октябрь революцияси арафасидаги халқимиз ҳаёти маҳорат билан тасвирланган «Болалик» повести, Ш. Рашидовнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқ қаҳрамонлиги улуғланган «Қудратли тўлқин», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» номли романлари, И. Раҳимнинг ҳозирги замон мавзуидаги «Тақдир», Ҳ. Ғуломнинг «Сенга интиламан», Мирмуҳсиннинг «Чиниқиш», Ж. Абдуллахоновнинг «Йўл» романлари, О. Ёқубовнинг «Бир фельетон қиссаси», «Ларза», Ў. Умарбековнинг «Севгим, севгилим», «Одамда ташвиш бўлгани яхши», Ҳ. Назирнинг «Сув гадоси — оқпадар денгизни бошлаб қайтди», Ш. Ҳолмирзаевнинг «Тўлқинлар», Ў. Ҳошимовнинг «Чўл ҳавоси» каби қиссалари, П. Қодировнинг «Қалбдаги қуёш» ҳикояси, Саид Аҳмаднинг «Хазина», Й. Муқимовнинг «Мирзачўл қўшиғи» номли ҳикоя ва очерклар тўпламлари, С. Абдуқаҳҳор, Р. Бекниёз, Ҳ. Нурий, А. Раҳмат, И. Шамшаров, Б. Бойқобилов кабиларнинг очерклари мавжуд. Тўғри, бу асарларнинг ғоявий-бадиий ва эстетик-тарбиявий қиймати бир хилда деб бўлмайди, албатта. Бинобарин, уларда ижобий қаҳрамон воситаси билан даврнинг етакчи тенденцияларини бадиий ифодалаш даражаси ҳам турли-тумандир.

Шароф Рашидовнинг ўтган йили китобхонларга тақдим этилган «Қудратли тўлқин» ва Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романлари ўз мавзуи, тасвир объекти бўлган даври, олға сурилган ғоявий мотивлари жиҳатидан бир-бирига яқин туради. Агар «Қудратли тўлқин»да уруш йиллари Фарҳод ГЭСи қурилишида халқимизнинг кўрсатган қаҳрамонлиги бадиий ифодаланса, «Уфқ»да шу даврда Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришга киришган деҳқонларимизнинг жасорат ва матонати қаламга олинади. Авторлар ҳар иккала асарда ҳар қандай қийин ва мураккаб шароитларда ҳам ижодкор халқ ғалаба қозонишга қодир деган ғояни олға сурадилар, совет кишиларини фашизм устидан ғалаба қилишга олиб келган ички омилларни кўрсатиб берадилар.

Ёзувчи Саид Аҳмад «Уфқ»да Икромжон, Низомжон, Раймберди тоға, Жаннат хола, Тўланбой, Зебихон, Асрора каби ижобий қаҳрамон образлари воситаси билан муайян даврнинг фазилатларини — совет кишиларининг мардлиги ва қаҳрамонлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Булар орасида, хусусан, Икромжон образи китобхонда яхши

таассурот қолдиради. Чунки, Икромжон — мустаҳкам, кучли, янги характер. Бу образ — инсон ақл-заковати, иродаси нималарга қодир эканлигини, халққа ва Ватанга бўлган чексиз муҳаббатнинг қудратини ёрқин намойиш қилади. Китобхон Икромжоннинг оппоқ тонгда кела туриб қочоқ ёлғиз ўғли Турсунбойни ўлимга ҳукм қилишидан хоин ўғли Андрийни отиб ташлаган Тарас Бульбадаги шафқатсизликни, чўп оёқ билан чўл қуварликни касб қилиб олишидан иккала оёқлари ампутация қилинган лочин Алексей Мересьевнинг қирувчи самолёт штурвалида ўтириб, босқинчи ёвларга ажал уруғи сепишидек мислсиз қаҳрамонликни, энг оғир дамларда ҳам руҳан тетик ва иродасининг мустаҳкамлигидан Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» повестидаги нуроний рус чолидек мардонаворликни кўради ва у билан фахрланади. Умуман, автор уруш даврининг етакчи тенденциялари — жанговарлик ва ватанпарварлик руҳини Икромжон образига чуқур сингдириб юбора олганки, бу унинг катта хизмати.

«Қудратли тўлқин» романидаги курашчан Пўлат, беғубор Баҳор, ўз билими, куч-қувватини келажак ижодкорлари — ёшларга бағишлаган коммунист ўқитувчи Хайри, соддадил ва меҳнаткаш темирчи Халил ота, меҳнатда донг таратган Никитин, пурҳикмат ва моҳир бетончи Баҳодир ота, ишда азимкор ва ҳамиша қувноқ Рустам, ташкилотчи ва агитатор Анвар, тажанг, ўзига бино қўйганроқ, аммо ишчан, тиришқоқ Холмат кабилар ўзларининг жозибадорлиги, жонлилиги, ҳаққонийлиги ва даврпешалиги билан китобхон қалбидан чуқур жой олади. Аммо ўта айёр, тулкисифат Акрамхон Тўрахонов, «шуурида ҳам, фикрида ҳам қоп-қора тун ҳукмрон», «ҳар бир сўзи тошдек қаттиқ, муздек совуқ» мулла Тўрахон ва унинг жоҳилликда ўзидан қолишмайдиган хотини, кўринишда мушукдек юмшоғу, аслда каламушсифат, Акрамхоннинг лайчаси Махсумчанинг хатти-ҳаракатлари, ифлос башараси кишида чексиз нафрат ва ғазаб уйғотса, «мулойимгина, меҳнатсевар», «уятчан, итоаткор, тортинчоқ» Зебининг Акрамхонлар хонадонида хўрланишидан ачиниш ҳислари қўзғалади. Муаллифнинг хизмати шундаки, у ана шундай турли типдаги кишилар образларини чизиб, уларни ўз даврининг қудратли тўлқинлари билан тўқнаштиради: агар Пўлат ва Баҳор типидаги қаҳрамонлар ҳаёт тўлқинлари оқимига тушиб, чиниққан ва «нуроний йўлга, зўр истиқбол йўлига» чиқиб олган бўлса, Акрамхон хилидаги юзи оқу, ичи қоралар давр гурзуси — замон тўқмоғининг қақшатқич зарбига дуч келиб, барча қора ниятлари ва интилишлари чилпарчин бўлади. Ёзувчи Пўлатлар типидаги кишиларнинг яшовчанлиги ва келажаги порлоқлигини кўрсатса, Акрамхон типидаги кишиларнинг, албатта, замонанинг қудратли тўлқинларига бардош бера олмаслигини ҳаққоний ва ишонарли қилиб тасвирлаганки, бу унинг ўз асарига замон нафасини чуқур сингдира олганлигидан далолат беради.

Иброҳим Раҳимнинг ҳозирги замон мавзуидаги «Тақдир» романида замонамиз прометейлари — Бухоро газчиларининг дунёда энг арзон ва энг сифатли саноат гази учун олиб борган курашлари, меҳнатга, умуман, ҳаётга янгича қарашлари Бардош Дадашев, Ягона Дадашева, Ҳусанжон, Авлиёқул, Ҳиёл, Бобомирза, Дониёрбеков каби ижобий қаҳрамонларнинг Ҳалим эшон, Ҳазратқулов, Нодиров кабиларга қарши олиб борган курашлари фонида кўрсатишга уринилган бўлса, Ҳамид Ғулом «Сенга интиламан» романида Мирзачўлни жиловлаётган баҳодирларимиз ҳаётини, уларнинг олижанобликлари, мардлик ва жасоратларини Феруза, Норқўзи, Шерали, Чўлбобо, Иван Мудров, Ҳанифа, Ашурали, Турсунхон кабилар билан догматик, маиший бузуқ Мирҳо-

сил, колхоз мулкини талон-торож қилувчи Зулукхон, югурдак ва ифлос Илҳомча кабилар орасидаги курашда очишга интилган.

Ёзувчи Мирмуҳсин эса «Чиниқиш» романида ёшлигида очкўз ва диндор Бўрихўжа «тарбияси»да бўлган Алижоннинг ишёқмас, бетайин, маънавий ногирон, даґаллик каби иллатлардан фақат коллектив меҳнат қучоґидагина қутулишини, унинг қайта туґилиши — ҳаётда ўз йўлини топа олишини акс эттиради. Романда илґор ишчилар Валижон, Андрей Андреевич, Шамси кабиларнинг Алижонни ҳаётга қайтариш учун эскиликка муккасидан кетган Бўрихўжага қарши олиб борган курашлари анча жонли ва ишонарли қилиб талқин этилган. Бу билан ёзувчи замонамизнинг муҳим бир хислати — инсон учун кураш масаласини кўтариб чиққан.

Улуґ рус танқидчиси В. Г. Белинский драматик асар таҳлилидан келиб чиқиб, «драманинг бутун қизиқлиги асосий шахсда, тақдирида драманинг асосий фикри ифодаланадиган шахсда тўпланиши керак»[1], деган хулосага келган эди. Бу фикр, асосан кўп планли бўлмаган бадиий асарларга тааллуқли бўлса-да, у умуман бадиий адабиётда бош қаҳрамон (ґоя кўпгина қаҳрамонлар фаолияти орқали очиладиган асарларда эса асосий қаҳрамонлар) ижобий қаҳрамон проблемасини конкрет ҳал этишда етакчи звено бўлиши лозимлигини кўрсатади. Зотан, бош (асосий) қаҳрамон масаласи — бадиий адабиётнинг жиддий ва актуал масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам кўпинча бадиий асарнинг муваффақиятли бўлиб чиқиши ёки чиқмаслиги унда бош қаҳрамоннинг талқин этилишига боґлиқ бўлиб қолади. Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, китобхон у ёки бу асарни мутолаа қилар экан, у, албатта, бош қаҳрамон фаолиятини синчиклаб кузатиб боради — ундан ниманидир ўрганишга, тўґрироґи, ўз ҳаётида унга тақлид қилишга ҳаракат қилади. Бас шундай экан, санъаткор ҳаёт ҳақида китобхонга айтмоқчи бўлган янги гапини, замон садосини, даврнинг етакчи тенденцияларини, асосан, бош қаҳрамон сиймосида ифодалаши керак. Шу жиҳатдан ҳозирги йирик прозаик асарларимизга назар ташлаш ҳам фойдаликдир. Масалан, «Қудратли тўлқин» романининг бош қаҳрамонлари — Пўлат ва Баҳорлар сиймосида биз уруш даврининг жанговарлик руҳини, замонанинг етакчи тенденциялари — ватанпарварлик, инсонсеварлик, меҳнатга ихлосмандлик, курашчанлик, жанговарлик, шиддаткорлик, чин дўстлик ва ҳақиқий муҳаббатнинг ёркин ифодасини кўрамиз. Ёзувчи Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» романида эса Аҳмаджон ва Сўнагул образлари орқали муайян даврнинг инсонга ва инсоннинг ўз даврига бўлган актив муносабати бадиий ифодалаб берилган.

Одатда йирик сўз усталарининг кўп планли бўлмаган роман ва повестларида бош қаҳрамон билан бошқа персонажлар ўртасида маълум меъёр сақланади. Масалан, М. Горькийнинг «Она» романидаги Павел Власов ва унинг онаси Пелагея Ниловна образлари доимо авторнинг диққат марказида турганлиги, муайян даврнинг етакчи тенденцияси — революцион кучнинг қудратини намойиш этишлари, эстетик идеални ёркин ифодалашлари жиҳатидан Наташа, Николай Весовшиков, Фёдор, Сашенька каби эпизодик персонажлардан ажралиб туради. Романдаги маълум даражада ўз идеяларига эга бўлган бундай эпизодик персонажлар, биринчидан, бош қаҳрамонлар характерларининг у ёки бу қирраларини очишга кўмаклашса, иккинчидан, асарда олґа сурилаётган ґояни юзага чиқаришга ёрдам берадилар. Ёки,

[1] В. Г. Белинский, Мақолалар, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 105-бет.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги бош қаҳрамонлар — Йўлчи ва Гулнорлар билан Шокир ота, Шоқосим, Жўра, Петров, Ўроз, Унсин, Ермат каби персонажлар орасида ҳам худди шундай меъёр сақланган. Юқорида биз тўхталиб ўтган асарларда ҳам худди шу ҳол кўзга ташланиб туради. Афсуски, айрим асарларда адабиётнинг бундай қонуниятига етарли эътибор бермаслик ҳоллари ҳам учрамоқда: уларда бош қаҳрамонга нисбатан бошқа персонажлар ёрқинроқ, тўлақонлироқ бўлиб чиқмоқда. «Уфқ»даги Низомжонга нисбатан Икромжон, Райимберди тоға, Йўлдош Охунбобоев, «Сув гадоси — оқпадар денгизни бошлаб қайтди» повестидаги Холиққа нисбатан Фарҳод, Қуралай каби персонажлар ёрқинроқ, тўлароқ бўлиб чиқанлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бизнингча, буни айрим адибларимизнинг кўп планли бўлмаган катта ҳажмли асарларида бош қаҳрамон билан бошқа персонажлар ўртасидаги меъёрни сақлаш масаласига жиддий эътибор бермаслиги ва бош қаҳрамонга керагича ғоявий-бадиий нагрузка юклай олмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бу билан биз бадиий асарда бош қаҳрамон тўлақонли бўлсину, бошқа персонажлар хирароқ қилиб берилса ҳам бўла беради демоқчи эмасмиз. Балки асардаги ҳар бир образнинг ўз мавқе доирасида ёрқин ва тўлақонли бўлиши, айниқса бош қаҳрамон характерининг атрофлича кашф этилиши тарафдоримиз. Бадиий асарда ёрқин чизилган эпизодик персонаж ҳам катта аҳамиятга эга. Борис Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» повестидаги комиссар Воробьев образи кичик бир персонаж. Аммо унинг учувчи Алексей Мересьевга ўтказган таъсири шу қадар кучлики, буни китобхон сира хотирасидан чиқара олмайди. Ҳатто, баъзан киши автор назарда тутган чин инсон Мересьевми ёки Воробьевми деб ўйлаб ҳам қолади ва китобхон буларнинг, ҳар иккаласи ҳам чин инсон — букилмас иродали илғор совет кишилари эканлигини англайди. Бироқ китобхон муаллифнинг диққати ҳам, даврнинг бош тенденцияси ҳам Алексей Мересьев образида эканлигини очиқ сезиб туради. Асарда бош қаҳрамон билан бошқа персонажлар ўртасида мана шундай меъёр сақланса, у ғоявий-бадиий жиҳатдан ютади. Тажрибали ёзувчи Саид Аҳмаднинг шу жиҳатдан умуман дуруст ёзилган «Уфқ» романига бир назар ташлаш кифоя.

Бош қаҳрамон Низомжон «Уфқ» романининг марказида туради. Аммо асарнинг ғоявий йўналишида ҳам, образлар системасида ҳам бош қаҳрамоннинг етакчилик роли сезилмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Низомжоннинг баъзи ҳаракатлари табиий бўлиб, у қаҳрамоннинг самимийлиги, чин инсонийлигидан нишона бериб туради. Бу, Низомжоннинг Дилдорнинг бевафолигидан чеккан руҳий кечирмаларидан, отаси Иноят оқсоқол томонидан ноҳақ оқ қилиниб, кўчага ҳайдаб юборилишидан тортган захматларидан, Икромжонлар оиласи бошига тушган кулфатга ҳамдардлик қилишидан сезилиб туради. Мана шундай ўринлардагина муаллиф қаҳрамоннинг интеллектуал оламига яқинлашиб боради — унинг характерини ички коллезиялар фонида очиб беришга интилади. Бироқ ёзувчи бу принципга ҳамма вақт ҳам амал қила олмаган. Асарда бош қаҳрамон фаолиятини ягона юксак мақсад томон йўналтириб турувчи идеянинг заифлиги, қаҳрамоннинг ирода йўналишининг яққол кўзга ташланиб турмаслиги ана шундан дарак беради. Шу важдан қаҳрамон кўпинча ғайри табиий ҳаракатлар қилади. Масалан, 20 ёшлардаги дуппа-дуруст йигит Низомжон Асроранинг «анави боғдан шафтоли ўғирлаб келсанг, почча қиламиз» деб мазах қилишига тушунмай, худди ёш боладек қизишиб кетади ва шафтоли ўғирлаш учун колхоз боғига кириб, шарманда бўлади; «бир қўли мўлоқ» бўлишига қарамай Най-

ман тўқайзорини очишда суяги меҳнатда қотган Тўланбой кабилардан икки баробар кўп ер ағдаради... Айниқса, кишини ранжитадиган томон шундаки, автор Низомжонни севги-муҳаббат бобида пассив ва қолоқ позицияда турувчи киши сифатида талқин этади: Дилдорни севганида ҳам, Зебихонни севганида ҳам пассив ҳаракат қилади ва ўз севгилиларига, асосан, ақл ва эҳтирос билан эмас, балки ҳирс билан қарагандек туюлади. Масалан, автор Низомжоннинг Дилдорга бўлган севгиси ҳақида тўхталиб, «Низомжон унинг тўзғиган қопқора сочларини, мармардек оппоқ билакларини хаёлидан кеткиза олмасди» деб ёзса, унинг Зебихонга бўлган муҳаббати хусусида гапириб, «унинг қуйиб қўйгандек хушбичим қоматига маҳлиё бўлиб қолди...» дейди. Мана шу каби нуқсон ва ғайри табиийликка йўл қўйилганлиги сабабли, бош қаҳрамон Низомжон образи тўлақонли, мукаммал тип даражасига кўтарила олмай қолди. Умуман айтганда, Низомжон тимсолида Улуғ Ватан уруши даврида халқимизнинг меҳнат майдонидаги мислсиз қаҳрамонликлари, замонанинг етакчи аломатлари ўз мукаммал бадиий ифодасини топа олмаган.

Ҳаким Назирнинг «Сув гадоси — оқпадар денгизни бошлаб қайтди» повестининг бош қаҳрамони Холиқ ва Жонрид Абдуллахоновнинг «Йўл» романининг бош қаҳрамони Қудрат образлари ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин.

«Агар ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ижтимоий табиатига қарши бориб, уларни бировнинг тили билан гапиртирса, ўзига хос бўлмаган ишларни қилдирса, материалнн хайф қилади. Тасвирланаётган ҳар бир одам рудага ўхшайди. Унинг шаклланиши ва қайта шаклланиши учун шунга мос мафкуравий ҳарорат топиш керак»[2], деган эди А. М. Горький. Бу кўргазма санъаткорларимизнинг диққат марказида туриши керак. Афтидан, Низомжон, Холиқ, Қудрат каби тип даражасига кўтарилмаган бош қаҳрамонлар образларини яратган ҳурматли адибларимиз А. М. Горькийнинг ана шундай кўргазмаларига етарли амал қилмаганга ўхшайдилар.

Ўтган йилги бадиий прозамизга А. М. Горькийнинг юқоридаги талаби нуқтаи назаридан ёндошсак, айрим образларга «ўзига хос бўлмаган ишларни қилдириш», бир қатор қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари етарли даражада мотивировка қилинмаслиги каби нуқсонларга ҳам йўл қўйилганлигини кўрамиз.

«Уфқ»даги Асроранинг селга қарши кураш пайтидаги хатти-ҳаракатини кўз олдимизга келтирайлик. Мана шу эпизод: Асрора «моторга ўт қўйиб, машинани тикка тошқин сойга солди... (?!)

Машина ғилдираги орқасига сув пуркаб секин-секин кузовигача ботди. Сув кабинага чиқди. У худди баҳайбат балиқдек сувни икки томонга ёриб, шитоб билан илгарига сузиб кетаяпти...»[3]

Бу эпизод, аввало, ўзнинг сохталиги билан китобхоннинг энсасини қотиради: ахир, юк машинаси пароход ёки вездеход эмаски, у тошқин сойни «баҳайбат балиқдек» ёриб, «шитоб билан илгари сузиб», кета олса! Иккинчидан, Асроранинг бу ҳаракати, автор талқин этганидек, қаҳрамонлик ҳам эмас, балки унга зўрма-зўраки қилдирилган ғайри табиий ҳаракатдир. Саид Аҳмад Дилдорнинг ўз хаётини қайта қуриши ва Азизхоннинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлиши ҳақида фикр юритар экан, уларнинг бундай ҳаракат ва жасоратларини характер мантиқи билан асосламаганга ўхшайди. Шу учун ҳам қаҳрамонларнинг

---

[2] М. Горький, О литературе, М., «Советский писатель», 1953, стр. 419.
[3] «Шарқ юлдузи» журнали, 1964 йил, № 12, 74-бет.

бундай хатти-ҳаракатлари китобхонни ишонтира олмайди. Ёзувчи Иброҳим Раҳим «Тақдир» романида, умуман анча дуруст ишланган Хиёл ва Авлиёқул кабиларга шундай ҳаракат ҳам қилдирадики, бунга ҳеч ақл бавор қилмайди. Масалан, Бурганқоқда юз берган газ авария-си пайтида Хиёл Нодировнинг сал пўписаси биланоқ жанговар постини ташлаб, чўлга бош олиб кетадики, унинг бу ҳаракати характер мантиқидан келиб чиқмаганлигини очиқ сезилиб туради. Ёки кап-катта Авлиёқулнинг ўн-ўн беш чақиримлик масофадан Ҳалим эшон қарорго-ҳи — «оловли мозор»га нажот истаб эмаклаб келиши ҳам мантиққа тўғри келмайди. Ҳамид Ғуломнинг «Сенга интиламан» романида бош қаҳрамон Ферузанинг ўз оиласидан аразлаб, Чўлбоболар оиласига келиб туриши, унинг агрономликдан колхоз раислиги вазифасига сакраши, колхоз партия ташкилотининг секретари Ашуралининг бошқарма парткомига секретарь бўлиб кетиши, Шералининг Асалхонни севиб қолиши, Россиядан боғбонлик ҳунари билан келган Иван Мудровнинг Мирзачўлда Республикада хизмат кўрсатган ирригатор бўлиб қолиши кабиларда мотивировка етишмайди. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракат-ларида худди шу каби мотивировка қилинмаслик ҳоллари яна бошқа айрим асарларда ҳам учраб турадики, бу ҳам ўз навбатида даврпеша қаҳрамонларимиз сиймосининг китобхон кўзи ўнгида яққол гавдаланишига, образларнинг жонлилиги, ҳаётийлиги, яхлитлигига халақит беради, бадиийликка зарар қилади, Чунки қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини далилламаслик китобхонда шубҳа туғдиради. Ҳолбуки, санъаткор ўз қаҳрамонининг ҳар бир ҳаракатига китобхонни мутлақо ишонтириши, унда шубҳа туғдирмаслиги зарур. Бу — бадиийликнинг энг муҳим шартларидандир.

Асарнинг ғоявий-бадиий қийматини оширишда, давр руҳини беришда, қаҳрамон характерининг қирраларини очишда муҳим роль ўйновчи воситалардан бири — бадиий деталдир. Ф. Энгельснинг деталь масаласига алоҳида эътибор қилишининг ва санъаткордан асардаги ҳар бир деталнинг ҳаққоний бўлишини талаб этиши[4]нинг боиси ҳам ана шундадир.

«Болалик»даги Тошмуҳаммад аканинг бор-йўқ бисотидан айрилиб Хумсондан Тошкентга — ўз оиласига қайтиб келган пайтдаги эпизодни эслайлик. Худди шу пайтни хотирлаб, Ойбек шундай деб ёзади: «Бобомнинг фиғони палакка чиқиб кетди», бувимнинг «фиғони тўғони бузилган дарёдай кўпирди», «Онам аста, товушсиз йиғлайди».

Бу ўриндаги психологик деталлар бениҳоя табиийлиги билан китобхон қалбини ҳаяжонга солади. Оилага риски-рўз ўрнига хунук хабар олиб келиш кишини қандай аҳволга солмайди, дейсиз?! Китобхон Дадақўзи бобо «фиғонининг палакка чиқиб кетиши»дан ҳам, бувиси «фиғонининг тўғони бузилган дарёдай кўпириши»дан ҳам, онаси — Шаҳодат опанинг «аста, товушсиз йиғлаши»дан ҳам ғоят таъсирланади. Гўё ота-оналар кўзидан оқаётган бундай қонли ёшлар гўдак Мусавойлар «юрагидан сирқиб» чиқаётгандек киши қалбини тирнаб юборади. Бундай бахтсизликдан чуқур ғамга ботган Дадақўзи бобо «елкасига ғам юки чўккандай, ғавдасини базўр кўтариб ва ҳар кунгидан букчайганроқ ҳолда аста юриб», уйдан чиқиб кетади[5]. Ёзувчининг санъаткорлиги шундаки, у Дадақўзи бобонинг ғам чекишини кенг шархлаб ўтирмайди, балки унинг ўз уйидан чиқиб кетиш пайтидаги портретига доир бир-икки деталн чизиш биланоқ ғоятда чуқур маз-

---

[4] Қаранг: К. Маркс и Ф. Энгельс, Об искусстве, т. I, М., 1957, стр. 11.
[5] Ойбек, Болалик, Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти, 1963, 19-бет.

мунни (қаҳрамоннинг ниҳоят даражада чуқур руҳий азоб чекаётганини) лўнда қилиб чизиб берган. Қуруқ баён ва узундан-узоқ шархлар эмас, балки худди шундай усталик билан топилган конкрет деталь, лўнда ва образли тасвиргина китобхонда чуқур таассурот қолдиради. Бу деталлар, юқорида айтганимиздек, қаҳрамонларнинг ички дунёси — руҳий оламини очишдан ташқари муайян давр руҳини — революциягача бўлган меҳнаткаш халқ оммасининг машаққатли, захматли ҳаётини — улар бошига кутилмаганда не-не кулфатлар тушиб турганлигини ҳам кўз олдимизга келтиради.

Ёки, «Уфқ»дан характерли бир мисол келтирайлик: «Турсунбойнинг қочоқлиги — хоинлиги ҳақидаги шум хабарни эшитар экан, «бирпасда Икромжоннинг қадди букилди-қолди», гўё «у бир кечадаёқ қариб қолганга ўхшарди». Мана шундай чуқур руҳий азобда қолган Икромжоннинг ўз ҳовлисидаги хатти-ҳаракатларини муаллиф ғоятда табиий қилиб чизади: «Унинг кўзлари ҳовли юзини маъносиз кезарди. Бирдан ошхона деворига тикилганича тўхтаб қолди.

Унда **Турсунбойнинг** лой чаплагандаги **беш панжасининг** изи қолган эди. Жаннат хола кунига неча марта бу бармоқ изларини табаррук нарсадек қўллари билан сийпаб кўзларига, юзларига суртарди.

Икромжон шахт ўрнидан туриб ўша ерга борди. **Бармоқ изларига узоқ тикилиб турди.** Кейин бурилиб тандир тагида ётган кетмонни олди-ю, **деворни гурсиллатиб чопа бошлади.** Жаннат хола ўқдек отилиб келиб унинг қўлларига ёпишди:

— Нима қиляпсиз, нима қиляпсиз?..

— Тегма менга, тегма менга! Бу уйда унинг изига ҳам ўрин йўқ. Изларини қириб ташлайман!...»[6].

Бу эпизоддаги кашфият — ёрқин детал — Турсунбойнинг ошхона деворидаги беш панжасининг изи. Бу деталь худди шу вазиятда қаҳрамонларнинг маънавий гўзалликларини ўлчовчи мезон ролини ўйнаган: Жаннат холанинг ўқдек отилиб келиб, Турсунбойнинг панжа излари босилган деворни чопаётган эри Икромжоннинг қўлларига ёпишишидан биз унинг қалбида чексиз оналик меҳри жўш уриб турганлигини сезамиз. Турсунбойнинг девордаги панжа изларига Икромжоннинг бўлган муносабати орқали эса автор ўз қаҳрамонининг қалбида икки қудратли куч курашаётганлигини ифодалаган: унинг девордаги «бармоқ изларига узоқ тикилиб туриши» — шахсий туйғу — бебаҳо оталик муҳаббатини кўрсатса, «деворни гурсиллатиб чопа бошлаши» — ижтимоий туйғу — ўз ўғлининг хоинлигидан беҳад ғазабланганлиги, чексиз нафратланганлигини билдиради. Автор худди шу ўриндаёқ Икромжон қалбидаги ижтимоий бурчни чуқур ҳис қилиш туйғуси унинг шахсий ҳислари устидан ғолиб чиққанлигини ғоятда табиий, ишонарли қилиб талқин этган. Ана шунга кўра ҳам у, юқорида айтганимиздек, замонанинг ҳақиқий қаҳрамони, даврнинг етакчи тенденцияларини ифодаловчи образ даражасига кўтарилган. Сезиларлики, санъаткор шу биргина оддий деталь орқали ўз қаҳрамонларининг ички дунёсига кириб борган ва уларнинг интеллектуал дунёсини китобхон кўзи ўнгида тўла гавдалантиришга муваффақ бўлган.

Мана шундай топқирлик — ёрқин деталлар асарнинг эмоционал қийматини оширади, китобхоннинг эстетик дидини ўстиришга ёрдам беради. Бизни хурсанд қиладиган нарса шуки, мана шундай бадиий кашфиётлар, ёрқин деталлар ҳозирги прозамизда тез-тез учраяпти. «Давр менинг тақдиримда», «Қудратли тўлқин» каби асарларни безаб турган фазилатлардан бири ҳам мана шунда. Бироқ адибларимизнинг

---

[6] «Шарқ юлдузи» журнали, 1964 йил, № 11, 63-бет.

баъзан бундай муҳим масалага керагича диққат қилмаётганликларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, «Сенга интиламан»даги Чўлбобонинг ҳозирги пайтда ҳа деб толқонхўрлик қила бериши, аксарият ҳолларда нуқул зоғора нон ейиши, ҳатто Ферузанинг ҳам Тошкентдаги онасига толқондан посилка жўнатиши ёки, аксинча, «Қудратли тўлқин»даги Халил отанинг уруш йиллари озиқ-овқат танқислиги ҳукм сурган бир пайтда нуқул паловхўрлик қила беришларида замон руҳи тўла ҳисобга олинмаганга ўхшайди. Бу мисолларимиз ҳам шуни кўрсатадики, бадиий асардаги ҳар бир нарса — деталь, пейзаж, портрет, обстановка, ташбиҳлар, предметлар ва ҳайвонот дунёси ҳам конкрет ғоявий функцияни бажаради. Шунинг учун ҳам буларга санъаткор бефарқ қарай олмайди.

Даврнинг етакчи тенденцияларини ифодаловчи замонамиз қаҳрамонларининг монументал образларини маҳорат билан яратиш мана шундай машаққатли, аммо жуда катта эстетик-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган шарафли ишдир. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бундан буён ҳам «ҳозирги воқеликда янгилик куртакларини кўра билишни, ҳозирги кун қаҳрамони — меҳнат кишисининг барча маънавий бойликларини талантли суратда очиб беришни, жамиятимиз тараққиётининг асосий тенденцияларини жонли, ишонарли образларда баён қилиб беришни халқимиз совет ёзувчиларидан кутмоқда»[7].

---

[7] «Правда», 17 января 1965 года.

М. ҲАКИМОВ

СОВЕТ ДАВРИ ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИ

Халқнинг умид ва орзуларини, инсоний фазилатларини акс эттирувчи, узоқ асрлардан буён яшаб келаётган мақоллар ва маталлар бизнинг социалистик замонамизда ҳам ўз кучини ва аҳамиятини сақлаб қолмоқда ва бундан кейин ҳам сақлаб қолади. Шу билан бирга, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўтган муддат ичида совет воқелигининг бевосита таъсири натижасида жуда кўплаб янги ҳикматли сўзлар, мақоллар, маталлар яратилди. Булар эса ўзбек халқ донишмандлигининг олтин фондини бойитишда жуда катта аҳамиятга эга.

Мавжуд (традицион) ўзбек халқ мақоллари ва маталлари бизнинг давримизда ҳам яшамоқда. Бундай мақол ва маталлар тематик жиҳатдан асосан қуйидагилардан иборат:

1. Халқнинг умид ва орзуларини акс эттирувчи мақоллар;

2. Табиат ва жамият воқеа-ҳодисаларини чуқур мушоҳада қилиб яратилган мақоллар;

3. Кишиларнинг энг олийжаноб хусусиятларини (тўғрилик, мардлик, донолик, яхшилик, ўзаро ҳурмат ва шунинг кабиларни) улуғловчи мақоллар;

4. Кишиларнинг салбий хусусиятларини (қўрқоқлик, бахиллик, мунофиқлик, текинхўрлик, манманлик, душманлик, ноинсофлик ва шунинг кабиларни) қаттиқ қораловчи мақоллар;

5. Ўзбек халқининг Октябрь революциясигача бўлган ҳаётини акс эттирувчи ҳамда эксплуататорларга ва уларнинг идеологиясига қарши яратилган мақоллар.

Ўтмиш жамиятни, феодал-буржуа ахлоқни талқин қилувчи, социалистик жамиятимизнинг қонунлари, ахлоқ ва одатларига зид бўлган айрим мақол ва маталлар халқ истеъмолидан чиқмоқда ва унутилмоқда.

Совет фольклористика фанида совет даврида пайдо бўлган рус халқ мақол, матал ва афоризмлари юзасидан маълум даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Халқ оғзаки ижодиёти назариясининг марксча-ленинча асослари билан кўп йиллардан бери шуғулланаётган таниқли совет олими Н. Ф. Бабушкин совет ва чет эл халқларининг оғзаки ижодидаги афористик жанрларнинг тараққиёти ҳақида бундай деб ёзади:

«Умуман, бутун дунёда эски халқ паремиологияси[1] янгича маъно касб этиб, турли синфларда турли хил талқин ва психологик бўёқларга эга бўлмоқда, шунинг билан бирга оғзаки ижодда янги афористик

[1] Паремиология — халқ оғзаки ижодиётининг афористик жанрлари (мақол, матал, афоризм, топишмоқ).

жанрлар пайдо бўлмоқдаки, буларда ҳозирги замоннинг кўпгина ижтимоий проблемалари акс этмоқда»[2].

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва социалистик жамиятнинг ўрнатилиши Ўзбекистонда янги мақол, матал ва афоризмларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Афористик жанрларнинг янги даврда, янги шароитда вужудга келишини текширган фольклорист олимлар сиёсий-ижтимоий шиорларнинг фольклорга, хусусан афористик жанрларга катта таъсир кўрсатаётганлигини қайд қилмоқдалар[3].

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда жуда кўп шиорлар оғзаки нутққа ўтиб, мақолларга айланиб кетмоқда. Масалан, «Ишламаган — тишламас», «Халқ соғлиги — юрт бойлиги», «Тажриба — ҳаёт мактаби», «Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори», «Техника — деҳқоннинг дўсти», «Меҳнат шон-шараф иши» — булар айни бир вақтда ҳам шиор, ҳам мақолдир.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқи яратган кўплаб мақоллар социалистик жамиятимизнинг турли босқичларини тематик жиҳатдан ўз ичига қамраб олади. Афсуски, совет даврида яратилган ўзбек мақоллари ҳозиргача эълон қилинган тўпламларда жуда кам сонни ташкил қилади. Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедициялари совет даврида ўзбек халқининг ижтимоий, иқтисодий ҳаёт кўринишларининг инъикоси бўлган мақол ва маталларни бир қадар ёзиб олган бўлса-да, тўпланган материаллар қўлёзма ҳолида сақланмоқда.

Совет даври ўзбек фольклорининг мақоллар жанрини бойитишда ўзбек совет бадиий адабиётининг материллари ҳам алоҳида роль ўйнамоқда.

Айрим традицион мақоллар янги социалистик давр шароитида (гарчи ўзларининг эски шаклларини сақлаб қолган бўлса ҳам) янгича мазмун ва маънога эга бўлмоқда. Масалан, ўзбек ва тожик тилларида муштарак «Ихлосу халос» деган мақол бор. Бу мақол ўтмишда дин арбоблари ва эксплуататорларнинг халқ оммасини талаш, талон-торож қилиш учун ишлатилар эди. Унинг заминида бирор киши бетоб бўлса ёки унинг бошига бирор мушкул иш тушса, шу дарддан халос бўлиш учун бир нарсани назр қилиши керак деган диний тушунча ётар эди. Бизнинг замонамизда «Ихлосу халос» мақоли тамом бошқа маънога эга бўлди. Ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг «Ихлос» романида мазкур мақол халқларнинг ўтмишнинг оғир зулмидан озод бўлиши Коммунистик партиянинг ва В. И. Ленининг кўрсатмаларига амал қилишидан, бошқача айтганда, ихлос қилишидан деб янгича талқин қилинади. «Ихлос» романининг қаҳрамонларидан бири илғор колхозчи Эрназар Москвада В. И. Ленин мақбарасини зиёрат қилар экан, бу мақбарага томон оқиб келаётган одамларни кўриб шундай ўйлайди: «Кеча ҳам шундай эди, эртага ҳам шундай бўлади. Ихлосманд кишиларда, «Ихлосдан халос» дейдилар. Ленинга ихлос туфайли кишандан халос бўлганмиз»[4].

Янги шароитда баъзи мавжуд мақолларнинг таркибидаги айрим сўзлар янги сўзларга алмашиб, маъно яна кенгаймоқда. Масалан, «Қўшнинг тинч — сен тинч» мақолининг таркибидаги сўзлар ўзгариб «Давлат тинч — халқ тинч», «Юрт тинч — сен тинч», «Юрт бетинч — сен

---

[2] Н. Ф. Бабушкин, О марксистко-ленинских основах теории народно-поэтического творчества, Томск, Изд-во Томского университета, 1963, стр. 110.

[3] Н. Ф. Бабушкин, ўша асар, 110-бет. Н. Ф. Бабушкин асарининг худди шу бетида афористик жанрларнинг пайдо бўлишида шиорларнинг таъсири ҳақида румин олими Михай Попнинг фикри ҳам келтирилади.

[4] Иброҳим Раҳим, Ихлос, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1958, 260-бет.

бетинч» шаклидаги янги вариантлар пайдо бўлди. Эски вариантдаги «қўшни» ва «сен» сўзлари жуда тор доирани — фақат икки оиланинг тинчлиги ва осойишталигини ифодалар эди. Кейинги вариантларда эса руслар, украинлар, ўзбеклар, тожиклар, татарлар, грузинлар ва бошқа халқлардан иборат ягона ва мустаҳкам бутун совет оиласининг, партия ва халқнинг бирлигидан ташкил топган қудратли совет давлатининг тинчлиги талқин қилинади.

Эски мақолларнинг янги вариантини яратишда яна бир характерли ҳодиса шуки, айрим эски мақоллар таркибидаги диний сўзлар ўрнини бошқа сўзлар олмоқда. Жумладан, «Ота рози — худо рози», «Она рози — худо рози», «Бекордан худо безор» мақоллари «Ота рози — Ватан рози», «Ота рози — халқ рози», «Ота-она рози — эл-юрт рози», «Бекордан ҳамма безор» деган янги вариантларга эга бўлди.

Икки компонентга эга бўлган традицион мақол ва маталларнинг кейинги компоненти тушириб қолдирилиб, янги компонентлар ўрин олмоқда. Бунда мақолнинг биринчи ва иккинчи (янги пайдо бўлган) компонентлари бир-бири билан мантиқан мустаҳкам боғланган бўлади:

Эски вариант	*Янги вариант*
Одам одам билан,	Одам одам билан,
Писта бодам билан.	Ер сув билан.
Тома-тома кўл бўлур,	Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса, чўл бўлур.	Бирин-бирин мўл бўлур.
	Тома-тома кўл бўлур,
	Тийинлардан сўм бўлур.
Ваъдага вафо марднинг иши,	Ваъдага вафо марднинг иши,
Ваъдасиз субутсиз киши.	Сўздан қайтар номард киши.
Олтин ўтда,	Олтин ўтда,
Дўст қийинчиликда билинади.	Кўнгил муҳаббатда синалади.

Эски мақолларга янги мазмун киритишда уларнинг асрлар давомида қўлланиб келган шакл ва маъноларига қарама-қарши маъно ифодаланиши ҳам кўринмоқда. Масалан, «Осмон узоқ, ер қаттиқ» матали ўзининг кўчма маъносида кишининг жуда оғир аҳволда, ҳеч бир иложсиз қолганлигини билдиради.

Маълумки, жамиятда синфий тенгсизлик ва қашшоқлик ҳукм сурган бир шароитда меҳнаткаш омма учун осмоннинг йироқлиги, ернинг қаттиқлиги табиий эди. Бизнинг социалистик жамиятимизда инсон эҳтиёжлари тобора яхшироқ қондирилаётган бир вақтда, улкан техника билан қуролланган олимлар ер бағрини ёриб, яшириниб ётган бойликларни ер юзига чиқариб, инсонлар учун хизмат қилдираётган, қаҳрамон лочинлар фазога учирилиб, ўзга сайёраларни забт этиш арафасида турилган бир вақтда совет халқи учун ер қаттиқ ва осмон йироқ эмас.

Демак, «Осмон йироқ, ер қаттиқ» матали давр эҳтиёжларига кўра жамият тараққиётининг имкониятлари асосида ўтмишдаги асл — тўғри маъносини ҳам, кўчма маъносини ҳам ўзгартирмоқда.

Шу сабабли Абдулла Қаҳҳор «Қўшчинор чироғлари» романида мазкур матални «Осмон яқин, ер юмшоқ» шаклида қўллайди.

Худди шундай мисолни Ғафур Ғуломнинг «Икки васиқа» баллада-сида ҳам кўрамиз. Бу асарда шоир революциядан аввал барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлган, шафқатсиз эксплуатация қилиниб хўрланган ва совет ҳокимияти даврида озод ва бахтиёр ҳаётга эришган колхозчи пахтакор Ҳайдар чўққи образини беради.

Шоир асарда деҳқонларнинг ўтмишдаги ва ҳозирдаги ҳаётини Ҳайдар чўққи тилидан ҳикоя қилар экан, ўзбек деҳқонларининг ўт-

мишдаги мазлум ҳаётини, умуман инсон қадр-қимматини «Киши боши — сой тоши»[5] деб ифодалайди:

Дунё экан: киши боши — сой тоши,
Сойлар оқди суғормай ёнбошимда,
Ҳар булутки кўлка солса бошимда —
Сўнгги селдай бўлди менга кўз ёши[6].

Асарнинг иккинчи қисмида совет ҳокимиятининг колхозчиларга умрбод фойдаланиш учун ер бериши, деҳқонларни коллектив ҳаётга олиб келган Коммунистик партиянинг йўли тўғрилиги, ҳозирги бахтиёр ҳаётда «киши боши — кўп азиз» деб ҳаққоний равишда бадиий акс эттирилади:

Дунё экан: киши боши — кўп азиз,
Сойлар оқар шарқираб ёнбошимда,
Бахт булути кўлка солур бошимда —
Шу водийга тамоман биз эгамиз[7].

Ғафур Ғуломнинг «Киши боши — сой тоши» мақолига қарама-қарши яратган «Киши боши — кўп азиз» янги мақоли ҳозирги бахтиёр ҳаётимизнинг инъикосидир.

Тарихий тараққиётнинг ўзгариши билан эски мақолларнинг ҳаётий аҳамияти ва қўлланиш даражаси яна ҳам ошди. Масалан, мардлик, ватанпарварлик ҳақидаги традицион мақоллар: «Булбул гулни, одам Ватанини севар», «Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас», «Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар», «Эл фарзанди ўлимдан ҳеч ғам емас», «Ботирдан ўлим ҳам қочади», «Жангдан номард қочади», «Мард майдонда синалади» ва шунинг кабиларнинг аввалги мазмун ва маъно даражаси, таъсир кучи Улуғ Ватан уруши даврида яна ҳам активлашди.

* *
*

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Ўзбекистонда социалистик тузумнинг ўрнатилиши ўзбек халқи томонидан янги мақол, матал ва афоризмларнинг яратилишига замин ҳозирлади.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, гражданлар уруши, босмачиларга қарши кураш даврларини акс эттирувчи афористик материалларга биз етарли даражада эга эмасмиз. Шу сабабли Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида яратилган афористик жанр материаллари устида кенг ва батафсил фикр юритиш ҳозирча қийинроқ.

Бироқ шуни айтиш керакки, СССРдаги бошқа қардош халқлар оғзаки ижодида бўлгани каби, ўзбек халқининг оғзаки ижодида ҳам янгича афоризмлар яратила бошлади.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ва 20-йилларда яратилган халқ ҳикматларида, асосан меҳнаткашларнинг эксплуататорларга қарши олиб борган кураши ва совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш ғояси ётади. Масалан, чет эл империалистларининг малайлари бўлган босмачиларга қарши кураш йилларида «Остида оти бўлмаган одам — қанотсиз қуш», «Отсиз сафар — хатар» деган мақоллар яратилган эди. Бу мақоллар меҳнаткашларнинг тинч

[5] Ўтмишда эксплуататор синфлар «Қизнинг боши — палаҳмон тоши», «Аёл кишининг боши — ўй ичининг оғир тоши», «Банданинг боши — оллонинг тоши» деган реакцион мақолларни яратганлар. Шоир Ғафур Ғулом шу мақоллар асосида «Киши боши — сой тоши» деб қўллайди.

[6] Ғафур Ғулом, Танланган асарлар, 1-том, 248-бет.

[7] Ғафур Ғулом, Танланган асарлар, 1-том, 252-бет.

ҳаётини бузган, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилган босмачиларга нисбатан халқни хушёрликка чақириб айтилган эди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш — колхозлар курилиши даврида яратилган халқ афоризмларининг ғоявий мазмуни жуда бойдир. Масалан, «Колхоз — барака дарёси», «Колхозчилик — кенгчилик, мўлчилик», «Колхоз — улуғ хўжалик» каби афоризмлар коллектив хўжаликнинг якка хўжаликдан ҳар жиҳатдан устун эканлигини талқин қилади. Шу билан бирга, жуда кўп мақолларда биз колхоз ҳаёти ва колхозчиларга берилган характеристикани кўрамиз: «Замон кимнинг замони? Колхозчининг замони!», «Колхоз моли кимники? Ким ишласа, шуники!», «Колхоз ишлаганга тишлатади», «Боғли колхоз — ёғли колхоз», «Молли колхоз — мойли колхоз», «Ишнинг зўри колхозда» ва бошқалар.

Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори. Шу сабабли пахта ҳақида яратилган кўплаб мақоллар пахтанинг қадр-қимматини, пахтакорнинг меҳнатини улуғлайди: «Бўлсанг яхши пахтакор, эл-юрт сендан миннатдор», «Пахта давлат иши, колхознинг суянган тоғи», «Пахта тилладан қиммат», «Пахта тинчлик хазинаси», «Қадр-қимматимизнинг мезони пахта» ва бошқалар.

Жуда кўп мақолларда меҳнат бизнинг замонамизда шон-шараф ишига айланганлиги айтилади: социалистик жамиятнинг асосий принципи — «Ишламаган тишламас» жанговар мақолга айланиб кетган. Социализм тузумида инсонларнинг бахту саодат манбаи меҳнатдир: «Меҳнат бахт келтирар, меҳнат шуҳрат келтирар», «Меҳнатдан келса бойлик, турмушинг ҳам чиройлик». Кишининг қадр-қиммати қилган меҳнатига қараб баҳоланади: «Меҳнатда синалган элда азиз», «Одамнинг ҳусни меҳнатда», «Одамнинг қиммати қилган иши билан белгиланади».

Совет даврида бир қанча сатирик мақол ва афоризмлар ҳам яратилган. Бундай мақолларда социализмнинг ахлоқ ва одатларига зид бўлган хусусиятлар: текинхўрлик, манманлик, исрофгарчилик, сўзбозлик, мунофиқлик каби одатлар қаттиқ қораланади: «Кўкка боқма, ерга боқ», «Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан», «Плансиз иш — қолипсиз ғишт», «Иш кучини елга берма, ерга бер, жамғармани селга берма, элга бер», «Пиён улфат — зиён улфат», «Текинхўрлик офат», «Ёмонни танқид қилади, яхшига тақлид қилади».

Шундай қилиб, ҳозирги даврда ҳам ўзбек мақол ва маталларининг пайдо бўлиши давом этмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, янгидан туғилаётган айрим мақол ва маталлар бадиий жиҳатдан ҳали жуда силлиқланмаган, пардозланмаган бўлиши мумкин. Бундай афоризм ва мақоллар маълум даврни босиб ўтгандан сўнг умумхалқ томонидан ишланиб пардозланади.

Ҳозирги замон ўзбек мақол ва маталларининг юзага келишида асосий ва биринчи манба социалистик воқелигимиздир.

Янги афоризм ва мақолларни рус фольклоридан ўзлаштириш ҳам совет даври ўзбек мақоллар фондини бойитишда асосий манбалардан биридир: ҳозирги вақтда ўзбек тилида жуда кўп мақоллар мавжудки, ҳатто уларни рус тилидан ўтганлигини билиб ҳам бўлмайди: «Бўридан қўрққан ўрмонга бормас» («Волков бояться в лес не ходить»), «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» («Будет и на нашей улице праздник»), «Большевиклар ололмайдиган қўрғон йўқ» («Нет таких крепостей, которые не взяли бы большевики») ва бошқалар.

Социалистик жамиятимизнинг айрим шиорлари, чақириқлари ҳам ўзбек мақолларига айланиб кетди: «Ишламаган тишламас» («Кто не работает, тот не есть»), «Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади» («Кад-

ры решают все»), «Ленин ўлган бўлса ҳам, унинг иши тирикдир» («Ленин умер, но дело его живет»).

Рус ёзувчиларининг айрим афоризмлари ҳам ўзбек тилида мақолларга айланиб бормоқда. Масалан, А. М. Горькийнинг «Агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар» («Если враг не сдается, его уничтожают») деган машҳур афоризми ўзбек тилида кенг қўлланмоқда.

Совет даврида яратилган ўзбек бадиий адабиётининг материаллари ҳам мақоллар фондини бойитишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Уйғун ва бошқа сўз усталари томонидан яратилган чуқур фалсафий, бадиий ва образли турғун сўз бирикмалари — афоризмлар худди мақоллар сингари маъно ва мазмун кашф қилиб, халқимизнинг оғзаки нутқига ўтиб бормоқда.

Ҳозирги даврда яратилаётган ўзбек халқ мақол ва маталлари Ўзбекистонда социалистик воқеъликнинг бадиий инъикосидир. Улар асрлардан бери яшаб келаётган халқ ҳикматлари сингари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Т. МИРЗАЕВ

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ ҒОЯВИЙ ЙЎНАЛИШИ ҲАҚИДА

Эзгуликнинг тантанаси учун кураш, ҳақиқат ва адолат ғалабасига интилиш, бахтиёр ва фаровон ҳаёт орзуси, элу юртга самимий муҳаббат, душманга шафқатсиз ғазаб ва нафрат, мардлик ва фидокорлик, вафо ва садоқат, дўстлик ва қардошлик, инсон ҳуқуқи ва номусини улуғлаш — халқимизнинг асрий идеаллари ва интилишларини ўзида мужассамлантирган қаҳрамонлик эпосининг ғоявий асосини ташкил қилади. Бундай олижаноб ғоялар қаҳрамонлик ва ватанпарварлик мотивлари билан узвий боғланган бўлиб, бу, халқ қаҳрамонининг қиёфасида, унинг курашида ифодаланади. «Алпомиш» достони қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракати ва инсоний фазилатларини ҳам ана шундай прогрессив ғоялар белгилайди.

Маълумки, эпосда халқ идеяси у ёки бу даврнинг идеалини акс эттиради[1]. Шунга кўра, «Алпомиш» эпоси ғоявий йўналишини белгилаганда ҳам, у яратилган давр ижтимоий муносабатларидан келиб чиқиш керак бўлади. «Алпомиш» эпосида қабилада патриархал-уруғчилик муносабатлари емирила бошлаган бир давр акс этади[2]. Демак, бу достоннинг дастлабки даврида алоҳида оила учун кураш жамият ижтимоий муносабатларида асосий ўрин тутар эди. Тараққиётнинг бу босқичида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши патриархал оиланинг емирилиши ва моногам оиланинг ташкил топишига олиб келган. Моногам оиланинг вужудга келиши прогрессив ҳодиса бўлиб, патриархал-уруғчилик жамияти асосларини бўшаштирган. Ана шу прогрессив воқелик — илғор тарихий кучларнинг интилиши, кураши «Алпомиш» достонининг ғоявий йўналишини белгилайди.

Жамият тараққиётининг «Алпомиш» достонида тасвирланган босқичида оила учун кураш фақат якка шахснинг ўз тақдири учун кураши бўлиб қолмай, балки ижтимоий характер касб этган кураш ҳисобланади. Шунга кўра, эпосда Алпомишнинг Барчиной учун — «ўз уйи» учун кураши ва бу йўлда тўсқинлик қилувчи кучларни енгиши ижтимоий мазмунга эга. Достонда Алпомиш фаолияти талашда қолган Барчинойни қутқариш эканлиги қайта-қайта уқтирилади: «Қалмоқ элдан ёрим олиб келайин», «То ўлгунча Барчинойни излайман» каби мисралар деярли барча вариантларда изчиллик билан таъкидланади.

«Алпомиш»нинг нашр этилган Фозил шоир вариантига суяниб фикр юритган баъзи олимлар унда чет эл босқинчиларига қарши кураш, XVI—XVIII асрлар қалмоқ-ўзбек муносабатлари, икки халқ ҳарбий аристократияси ўртасидаги келишмовчиликдан иборат тарихий воқе-

---

[1] В. Я. Пропп, Русский героический эпос, М., ГИХЛ, 1958, стр. 25.

[2] Х. Т. Зарифов, Основные мотивы эпоса «Алпамыш», Сб. эпосе «Алпамыш», Т., Изд-во АН УзССР, 1959, стр. 6—14.

лик акс этган, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, Фозил шоир вариантининг ўзида ҳам бу ҳол кўринмайди. Достондаги қалмоқлар қаҳрамоннинг оила қуришига қаршилик қилган эпик душманлардир. Достоннинг кейинги йилларда қашқадарёлик Умир Сафар ва Зоҳир Қўчқор ўғлидан ёзиб олинган нусхаларида қалмоқларнинг Бойсари бойлигини тортиб олувчи ўта босқинчи сифатида тасвирланишини учратамиз. Унга қадар ёзиб олинган ўзбек вариантларининг бирортасида учрамаган бу «янгилик», яъни қалмоқларнинг босқинчилик ниятларининг ифодаланиши достонга кейинчалик кириб қолган бўлиб, «Алпомиш» ҳақида фикр юритган баъзи ўртоқларнинг айрим асоссиз мулоҳазалари таъсири остида юзага келгандек сезилади ва бу, умуман эпосга нисбатан асосий ҳисобланмайди.

Тўғри, эпоснинг барча вариантларида қалмоқ ҳукмронларига қарши салбий муносабат бор. Бу салбий муносабат Тойчихон ва унинг тўқсон олпи томонидан Барчин ва Алпомиш таъқиб остига олингач, янада кучаяди. Аммо бу эпосга хос бўлган ҳодиса бўлиб, қаҳрамоннинг эпик душманига муносабат доирасидан четга чиқмайди. «Алпамыс» эпосининг айрим қозоқ вариантларида қалмоқларнинг чопқинлари акс этганлиги мавжуд бўлиб, буни достонни текширган Ҳ. Т. Зарифов кейинги даврларнинг таъсири деб жуда тўғри баҳолаган[3].

«Алпомиш» достонининг ғоявий асосини ташкил қилган оила учун кураш масаласи асарда қаҳрамонликда ифодаланади. Зеро, оила учун қаҳрамонона кураш қаҳрамонликнинг қадимий талқинидир. Достонда халқимизнинг қаҳрамонлик ҳақидаги идеаллари, мардлик туйғуси ўзининг ёрқин ифодасини топган: унда оила қуриш учун қаҳрамон бўлиш, мард бўлиш ва душманга қарши курашиш керак, деган ғоя бўртиб туради:

Алпомиш бўлганим надир жаҳонда
Душманлар қўлидан ёрим олмасам[4].

Қаҳрамонликни улуғлаш, иш кўрсатиб, ёрга эришишни тараннум этиш ҳамма вариантларда изчил берилган. Халқ достончиси ўз қаҳрамонининг туғилганиданоқ мардлик-шижоатини намойиш қила боради. Ислом шоир Алпомиш ҳақидаги ўз мадҳиясини бошлар экан: «Бойбўрининг хотини ўғил туғди: бешикка сиғмади; мақтаса, қўшиққа сиғмади»,— дейди. Фозил Йўлдош ўғли унинг етти ёшида биринчи марта мардлик кўрсатишини мароқ билан тасвирлайди. Достончилар тасвирида Алпомишнинг энг яқин кишилари — синглиси Қалдирғоч, қадрдони ва тарбиячиси Қултойлар унга мардликни ўргатадилар. Жумладан, йилқибоқар Қултой қаҳрамоннинг куч-қудратига қаноат ҳосил қилгандан кейингина унга жанговар йўлдош сифатида Бойчиборни беради ва дўстга хор, душманга зор бўлмасликни, номардга сир бермасликни насиҳат қилади. Мард Алпомишнинг баҳодир Қоражон билан дўстлашуви, унинг рақиблар билан олишишда куч-қудратда улардан устун келиб, Барчиннинг баҳодирлик шартларини ғолибона бажариши, узоқ муддатли тутқинликдан кейин ватанига қайтиши ва хотинига қайта эришиши эпизодларида қаҳрамонлик барала куйланади.

Демак, Барчинойга эришиш учун кураш, бу йўлдаги эпик душманлар ва рақибларга қарши ғазаб ҳам нафрат «Алпомиш» достонида куйланган мардликнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Достонда қаҳрамонлик, жасурликни улуғлаш, мардлик туйғулари ватанпарварлик идеяси билан узвий боғланган ҳолда тасвирланади.

---

[3] Ҳ. Зарифов, «Алпомиш» эпосининг асосий мотивлари. «Шарқ юлдузи» журнали, 1957, № 1, 128-бет.

[4] Алпомиш. Айтувчи Бекмурод Жўрабой ўғли, УзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архиви, инв. № 191, 14-бет.

Достон қаҳрамонлари қўнғирот эли, Бойсин — Қўнғирот диёри билан маҳкам боғлангандирлар. Улар қаерда бўлмасинлар, шу эл, шу диёр ғам-ҳасратига шерик бўладилар; шу эл, шу диёр соғинчи билан яшайдилар. Достон қаҳрамонларининг ўз қабиласи, халқи ва юртига бўлган ватанпарварлик ҳислари, хусусан, достоннинг иккинчи қисмида ўқувчини тўлқинлантирарли даражада ифодаланган. Бу ҳиссиёт қаҳрамоннинг тутқинлик даврида ғоз орқали ватанига салом йўллашида, Барчин, Қалдирғоч, Ёдгорларнинг ҳижрон алами тасвирида, қаҳрамоннинг йўлдаги учрашувлари мисолида янада ёрқин жаранглайди. Туғилиб ўсган элини, халқини умр бўйи севган Алпомишдаги бу ҳиссиёт етти йиллик асирликдан кейин она тупроққа қадам қўйганда юқори нуқтага кўтарилади; ватани ҳақида турли хаёлларга боради:

Асқар тоғи туманмикан?
Мен билмайман бу йўлларда,
Ота-энам омонмикан?
Қўрганим йўқ Қўнғирот эли
Қадимгидай замонмикан?..
Тоққа чиқиб шундай қараб турибди,
Ейлаб ётган Бойсин юртин кўрибди.
Элатини кўриб кўнгли бузилди,
Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди[5].

Демак, «Алпомиш» достони асосига солинган оила учун кураш масаласи қаҳрамонлик ва мардлик, инсонпарварлик ва ҳурлик, ватанга ва халққа муҳаббат, турли халқлар ва қабилаларнинг инсоний ҳуқуқ учун курашда дўстлиги ва ҳамкорлиги ғоялари билан боғлиқ равишда тасвирланади.

«Алпомиш» эпоси жуда ҳам мураккаб асар. У ўзининг умри давомида ижтимоий ҳаётдаги ўзгариш, халқ ғояларининг тараққиёти ва ижодий тажрибасининг ўсиши билан боғлиқ равишда ҳар хил ўзгаришларни ўз бошидан кечирган, асрлар давомида куйланиш ва яшаш шароитларида турли характердаги ғоявий таъсирларга ҳам учраган. Давр ва замон тақозоси, синфий зиддиятлар билан унинг айрим вариантларига реакцион ислом динининг, феодал идеологиясининг маълум даражада таъсири ҳам бўлган. Шундай ҳодисалар сифатида қаҳрамонлик, яккама-якка кураш заминида юзага келадиган ботирлар дўстлигини ўз динидан кечиб, ислом динига кириш билан изоҳлаш, авлиёлар мададисиз қаҳрамоннинг баъзи бир муваффақиятларни қозона олмаслиги, Алпомишнинг қалмоқ шоҳининг қизи Товка ойимга уйланиши каби халқ қаҳрамонлик эпосига ёт талқинларни эслатиш кифоядир.

Юқорида айтилганидек, «Алпомиш» эпосининг асосини моногам оила қуриш учун кураш ташкил қилган. Аммо достон яратилган давр учун муҳим бўлган бу ҳолат жамият тараққиётида синфий муносабатларнинг кучайиши билан конфликтга кира бошлайди. Ҳукмрон синф идеологияси тариқасида кўп хотинлик вужудга кела бошлайди. Пўлкан, Эгамберди бахши, Берди бахши, Умир Сафар ўғли, Мамадрайим бахши кабиларнинг вариантларида Алпомишнинг Барчин устига иккинчи хотин сифатида Товка ойимга уйланиши акс этганки, бу ана шундай таъсир натижасида достонга кейинчалик кириб қолгандир. Кўпчилик вариантларда Алпомишнинг Барчинга содиқ қолиши ҳам бу фикрни қувватлайди.

Бир эпизод тасвиридаги бундай қарама-қаршиликни, яъни унга икки хил баҳо бериш ва талқин қилишни достончиларнинг ўзлари ҳам

[5] Алпомиш. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, иккинчи нашри, Т., 1957, 229—230-бетлар.

сезганлар. Уни ўзларича тушунтиришга, ўз вариантларининг тўғрилигини ўзларича исботлашга ҳаракат қилиб, турли ривоятлар ҳам тўқиганлар. Масалан, Эгамберди бахшининг нақл қилишича, аслида «Алпомиш» достонида Товка ойимга Қайқубод уйланар эмиш. Бир куни бир бекнинг уйида бўлган йиғилишда Жолмон бахши «Алпомиш» достонини айтган эмиш. Бекнинг хотини томда туйнукдан достонни тинглаб турган эмиш. Шунда у: «Э, инсонфсиз шоир, шундай гўзал қизни бир калга олиб бердинг»,— деганмиш. Буни эшитган достончи тезда воқеалар боришини ўзгартириб, Товкага Алпомишни уйланган қилиб куйлаган эмиш. Шундан бери бахшилар ўртасида Товкани ҳам Алпомишга олиб бериш расм бўлган эмиш. Гарчи бу ривоят қаҳрамонлик эпосига хос бўлган ғоят халқчил ҳолатнинг ўзгарганлик сабабини изоҳлай олмаса ҳам, вариантлардаги ҳар хилликка, айрим ҳолларда қарама-қаршиликларга айтувчининг муносабатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Демак, айтувчилар ўз вариантларидаги ўзгаришларга бефарқ қарамаганлар, балки уларга ўзларича маъно берганлар.

Ўтмишда халқ оммаси дунёқарашининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлган бундай ҳолат ва қарашларнинг эпосга кириб қолиши ҳукмрон социал гуруҳларнинг ўз таъсирларини асарга киритишга уринганликлари натижаси ҳисобланади. Бу достон руҳига зарар етказса ҳам, ҳал қилувчи роль ўйнай олмаган. Шунинг учун ҳам булар эпоснинг асосий йўналишини белгиламайди. «Алпомиш»га кейинчалик кириб қолган ўзгариш ва қўшимчалар достоннинг халқчил асосини ўзгартира олмаган. Унинг асосини прогрессив ғоялар, умумбашарий қарашлар ташкил қилади.

И. АБДУЛЛАЕВ

Филология фанлари кандидати

X АСР БУХОРОДА ЁЗИЛГАН ВАСФИЙ ШЕЪРЛАР ҲАҚИДА

Васф وصف арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «тасвирлаш», «сифатлаш», «ифодалаш» каби маъноларни англатади. Поэзияда бирор воқеа-ҳодисани ёки нарсани оригинал усулда кутилмаган ўхшатишлар, мажозлар қўллаб, бадиий тасвирлаб берадиган шеърий асарлар васф деб аталади.

Васфий шеърлар ҳам ғазал, ҳажвия, марсия каби қасидадан ажралиб чиққан[1]. Исломгача ва исломнинг аввалги йилларида васф бадавий шоирлар яратган қасидаларнинг бир қисмини ташкил этиб, уларда шоирларнинг ўз туялари, отлари, ваҳший ҳайвонлар ёки турли табиат ҳодисалари тасвирланган. Кейинчалик жамият тараққиёти ва шоирларнинг ижтимоий аҳволи ўзгариши билан қасидалар тузилиши ҳам ўзгариб борди. Унинг қабилачилик тузумига мўлжалланган традицион плани энди талабга жавоб бермайдиган бўлиб қолди. Шаҳарларда, халифа саройларида ривож топаётган ва асосан аристократлар учун хизмат қилаётган адабиёт вакиллари поэзиянинг кичик усул ва жанрларидан фойдалана бошладилар. Бундай кичик шеърий асарлар исломгача ҳам қисман мавжуд эди. Лекин бу даврга келиб у жуда ривожланди ва бутунлай янги тараққиёт йўлидан борди. Саҳро, қабилачилик ҳаёти ўрнига шаҳар ва аристократлар ҳаёти куйлана бошлади. Севги-муҳаббат, ўйин-кулги, айшу ишрат поэзиянинг асосий темасига айланди. Шулар қатори сарой ва аристократлар ҳаёти, уларнинг базмларини безайдиган турли зебу зийнатлар, уй ашъёлари, лазиз таомлар, ширин мевалар ва сабзавотлар ҳам шоирлар учун тема бўлиб хизмат қилди. Мана шу нарсаларни тасвишлаш поэзиянинг қисқа ва янги жанри — васфнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Васфнинг аниқ бир темаси бўлган эмас, деярли ҳамма нарса, ҳатто мочалка ва сочиқ ҳам васф қилинган. Васфда шоирдан ҳечкимнинг хаёлига келмаган, кутилмаган ва ажойиб сифатларни топиш талаб этилади. Масалан, халифа Ҳорун ар-Рашид бирор буюмни уйнинг ўртасига қўйиб, шоирлардан жуда оригинал йўл билан уни сифатлашни талаб қилган ва энг муваффақиятли чиққан шеърлар учун катта пул мукофоти берган[2].

Васфда шоирлар қасида тараққиётидаги тажрибалардан фойдаланганлар. Лекин қасидада асосан бирор одам ёки ҳайвон васф қилинган бўлса, бу ерда турли буюмларнинг сифати тасвирланади. Шундай қилиб, араб поэзияси ўз тараққиёти давомида умумқабила манфаатларини ҳимоя қилишдан тор шахсий манфаатларни ҳимоя қилишга, бойлик ва зебу зийнатдан баҳраманд бўлишга чақиришга кўча бошла-

---

[1] Қасида ҳақида мазкур журналнинг 1962 йил 6-сонидаги «X аср Бухорода ёзилган қасидалар ҳақида» номли мақоламизга қаралсин.

[2] Е. Э. Бертельс, Избр. труды, История персидско-таджикской литературы, М., 1960, стр. 104 (бундан кейин: Бертельс, Избр. труды, т. I, деб кўрсатилади).

ди. Е. Э Бертельснинг кўрсатишича, араб поэзиясида васфнинг тараққиёти, тахминан, янги форс тилидаги поэзиянинг пайдо бўлиш даврига, яъни IX асрларга тўғри келади[3].

Форс-тожик поэзиясида қасиданинг тараққиёти жараёнида унда ҳам турли васфий шеърлар пайдо бўлган. Аммо форс-тожик шоирлари туя, ваҳший ҳайвон кабиларни васф қилмаганлар. Улар шоҳнинг зотли оти, сарой ҳашаматлари, тахт, жом ва бошқа жиҳоз-буюмларини тасвирлаганлар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, «ҳатто Авестада ҳам баъзи васфларни учратиш мумкин (Анахита, Митра кабиларни тасвирлаш). Демак, васфнинг келиб чиқишини фақат бадавий поэзиясига боғлаш ярамайди. Бунинг устига васфнинг дарий тилидаги роли ҳам бутунлай бошқачадир»[4].

Шундай қилиб, васф араб ва форс-тожик поэзиясида мадҳия ва ҳажвияга нисбатан анча ёш жанрдир. Васф кейинчалик турк, ўзбек, афғон, озарбайжон ва Шарқнинг бошқа халқлари поэзиясида ҳам ўз ривожини топди. Ўзбек классик адабиёти намоёндаларидан Навоий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат ва бошқалар ҳам васфий шеърлар ёзганлар. Масалан, Увайсий ва Муқимийнинг анор ҳақидаги васфлари. Биз васфнинг кейинги тараққиёти устида тўхтаб ўтирмай, унинг X аср Бухорода ёзилган араб тилидаги поэзияда қанчалик муҳим роль ўйнагани ҳақида муфассалроқ маълумот бериш билан кифояланамиз.

X аср форс-тожик адабиёти анча мукаммал ўрганилган бўлса ҳам, бу даврда кўпгина шоирлар ўз асарларини араб тилида ёзган бўлишларига қарамай, араб тилидаги поэзия деярли ўрганилган эмас. Ўрта асрнинг атоқли филологи ва тарихчи олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961—1038) «Йатимат ад-даҳр» («Замонасининг ягона дурдонаси»)[5] номли тазкирасининг тўртинчи қисмида Бухорода араб тилида ёзилган поэзия намуналари сақланиб қолган. Бу асарларнинг учдан бир қисмини васфий шеърлар ташкил этади. Қасидаларнинг васф қисмида учрайдиган шеърлар бундан мустаснодир. Нима учун бу жанрнинг бунчалик кўп қўлланилганини айтиш қийин. Лекин бу ерда шоир Абу Толиб Абдуссалом ал-Маъмунийнинг хизмати катта эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки араб тилида ёзилган васфий шеърларнинг тўртдан уч қисми шу шоирнинг асарларидир.

Ўша давр форс-тожик шоирларининг асарларида васфий шеърлар одатда қасиданинг васф қисмидагина берилади, алоҳида жанр сифатида кам учрайди. Қисоий деган бир тожик шоири бўлиб, «У шубҳасиз, нафис васфий шеърларнинг зўр ижодчиси бўлган»[6]. Унинг айрим васфлари бизгача етиб келган.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, X асрда Бухорода араб тилида ёзилган поэзияда васф алоҳида жанр сифатида такомиллашди. Лекин шунга қарамай, Е. Э. Бертельснинг «Персидская поэзия в Бухаре X в» («X асрда Бухорода форс тилида ёзилган поэзия») номли асарида васф ва унинг тараққиёти ҳақидаги айрим фикрларини ҳисобга олмаганда, ўша давр араб ва форс-тожик адабиёти ва у ёки бу шоирнинг ижодига бағишланган илмий асарларда васф ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Ўзбек классик адабиётида бу жанрнинг қўлланиши ва ўйнаган роли ҳақида ҳам ҳозиргача бирор илмий асар ёзилганича йўқ.

---

[3] Е. Э. Бертельс, Персидская поэзия в Бухаре X в., М., 1935, стр. 9—10.

[4] Е. Э. Бертельс, Избр. труды, т. I, стр. 105.

[5] «Йатимат ад-даҳр» ҳақида мазкур журналнинг 1961 йил 5-сонида босилган «Ўрта Осиёнинг X аср адабий ҳаётига оид муҳим манба» номли мақоламизга қаралсин.

[6] Е. Э. Бертельс, Избр. труды, т. I, стр. 161.

Араб тилида ижод этган шоирларнинг айримлари васфий шеърлар ёзган бўлсалар ҳам, Абу Толиб ал-Маъмуний уларнинг ичида ўзининг нафис васфлари билан энг машҳуридир. Бу жанрда унга тенг келадиган замондош шоирлари на араб, на форс-тожик шоирлари ичида учрамайди.

Ал-Маъмуний араб халифаси ал-Маъмун (813—833) авлодидан бўлиб, ўзаро тахт учун кураш даврида бахтсизликка учрайди ва ёшлик чоғидаёқ Бағдодни ташлаб, аввал Рай шаҳрига, ундан Нишопур ва кейин тахминан 980 йилларда Бухорога келади. Бу ерда сомоний вазирлари томонидан яхши кутиб олиниб, унга хазинадан алоҳида нафақа белгиланади. Шоир умрининг охиригача Бухорода яшаб, 383/994 йили шу ерда вафот этади. Ас-Саолибий унга «Йатимат ад-даҳр»дан бутун бир боб ажратган[7]. Ўз ҳаётини меҳнатсиз ўтказган ал-Маъмуний бутун ижодини вазир ва бошқа давлат арбобларини мақтаб мадҳиялар ва васфий шеърлар ёзишга бағишлайди. Бизгача унинг 100 дан ортиқ васфий шеърлари етиб келган бўлиб, улар ниҳоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу шеърлар ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган (2 байтдан 13 байтгача) парчалардан иборат асарлардир.

Васфий шеърларнинг темаси турли-туман бўлиб, улардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Йил фасллари ва табиат ҳодисалари: қиш, қор, ёмғир, дўл, муз, сув кабилар.

Уй жиҳозлари: курси, шам, шамдон, челак, кажава, кўза, шиша, қадаҳ, гулоб идиши, елпуғич, тароқ, пичоқ, қайчи, оташкурак, қафас кабилар. Бунга қоғоз, снёҳдон, қаламдон, қалам каби ёзув қуролларини ҳам киритиш мумкин.

Турли-туман лазиз таомлар, ширин ичимликлар, мевалар, сабзавотлар ва гуллар: шарбат, сирка, асал, туз, нон ва унинг турли навлари, пишлоқ, қовурма, қовурилган балиқ, қуймоқ, ҳариса (гўшт ва буғдойдан тайёрланган овқат), хабиса (ширин овқат), музаввара (касал учун тайёрланган шўрва), лимон, тоғ ёнғоғи, узум, майиз, уноб, ловия, тарвуз, олма, беҳи, нок, анор, ноготкалар (сариқ гуллар), хантал (гарчица) кабилар.

Ҳашаротлардан бурга васф қилинади.

Булардан ташқари, уй, минора, турли либослар ҳақида ҳам анчагина васфий шеърлар мавжуддир.

Шоир бирор нарсани сифатлар экан, кўпинча уни ўз номи билан атамай, уни бошқа нарсаларга ўхшатиб, мажозий йўллар билан васф қилади. Шунинг учун васфий шеърлар маъносини ҳар вақт ҳам осонлик билан англаб бўлмайди, улар шеърий топишмоққа айланиб кетади.

Васфий шеърлар ҳақида тўлароқ маълумот бериш учун баъзи васфлардан айрим мисоллар келтирамиз.

Шоир Абул Қосим ад-Динаварийдан бир дўсти китоб сўраб оладида ўз вақтида қайтариб бермайди. Шунда шоир китобни қайтариб беришни илтимос қилиб дўстига васфий шеър ёзади:

انا اشكو اليك فقد نديم * قد فقدت السرور منذ تولّى

كان لى مؤنسا يُسَلى همومى * بأحاديث من مُنى النفسى أُحلى

عن ابى حاتم عن ابى قُرَيب * و اليزيدى كل ما كان اُملى

---

[7] يتيمة الدهر فى محاسن اهل العصر ج ٤ مصر ١٣٧٧ ص. ١٦١—١٩٣

وهو رهن لديك يشكو و يبكى * و يغنى: قد آن لى أن أحلّى

فتفضّل به علىّ فانى * لست الّا بمثله أتسلّى[8]

«Суҳбатдошимдан [китобдан] жудо қилганинг учун сенга арз қиламан, чунки у кетгандан буён мен хурсандчиликдан маҳрум бўлдим.

У менинг сирдошим эди, кўнглим истаган саргузаштларни сўзлаб, қайғумни ёзарди.

Абу Ҳотам[9], Ибн Курайб[10] ва ал-Йазидийлар[11] ҳақида ҳикоя қилиб илтимосимни қондирарди.

У сенинг қўлингда бандда шикоят қилиб, кўз ёши тўкиб, «Мени қутқариш вақти етди» деб фарёд чекмоқда.

Марҳамат қилиб, уни қайтариб бер, чунки ундан бошқа менинг кўнгил ёзадиган кишим йўқ».

Ал-Маъмуний васфларидан мисоллар. Юмшоқ курси ҳақида:

ومقعدٍ لى وطيءٍ * يقوم عند قعودى

يُزهى بصدر فسيح * رحب وبأسى شديد

له رواق اديم * على سوارى حديد

اذا جلست عليه * خلت الانام عبيدى[12]

«Менинг ўтирадиган пастаккина жойим бор, мен ўтирсам, у туради.

У [ўзининг] кенг кўкраги ва куч-қудрати билан фахрланади.

Темир оёқлари устида чармдан ясалган ўриндиғи бор.

Мен унга ўтирганимда, ҳамма одамларни ўзимнинг қулим деб фараз қиламан».

Шамдон ҳақидаги васф янада диққатга сазовордир:

وحديقةٍ تهتزُّ فيها دوحة * لم يُنمها ترب ولا امطارُ

فصعيدها صُفر ونامى عضنها * شمع و ما قداثمرته نارُ[13]

«Мана боғча, унинг ичида катта дарахт [шам] қимирлаб турибди. Буни тупроқ ҳам, ёмғир ҳам ўстирмаган.

Боғнинг юзи-тилла бўлиб, яшнаб турган дарахти — шамдир. Бу дарахт ҳатто оловда ҳам ҳосил бермайди».

Ал-Маъмуний ёғлиқ нон ҳақидаги васфида жуда чиройли ўхшатишлар қўллайди.

عندى للأكلل اذا * ما قمت للتّسحر

---

[8] «Йатимат ад-даҳр», 138-139-бетлар.

[9] Абу Ҳотам Муҳаммад Тамимий (956 йилда ўлган), машҳур олим — қонуншунос, бир неча китоблар муаллифи.

[10] Абу Саид Абдумалик ибн Қурайб (740—825 ёки 831), машҳур араб филологи.

[11] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Йазидий (922 йилда ўлган), адабиётшунос ва шоир.

[12] «Йатимат ад-даҳр», 172-бет.

[13] Ўша китоб, 173-бет.

مللوتة بسمنها * وسمسم مقشّر

مثل البلور الطالعا * ت فی صدور الأشهر

او أوجُه الترك إذا * أثّر فيها الجدری[14]

«Тонг отганда уйғониб, овқатланмоқчи бўлганимда ейиш учун олдимда сариёғ ва пўсти тозаланган кунжут билан қорилган,

Нур сочиб турган ўн беш кунлик ой каби,

Ёки юзларида чечак из қолдирган турк қизи каби [нарса тайёр туради]».

Баъзан васфий шеърларда қишлоқ хўжалигига оид нарсалар ҳам тасвирланади. Шоир Абу Наср ал-Хузайли ўзи деҳқончилик қилиб турган бир парча ерни васф қилиб шеър ёзади. Шоир бунда ернинг киши ҳаёти учун зарурлигини жуда тўғри ва ҳаққоний тасвирлаб беради. Бу парчанинг таржимасини келтирамиз:

«Қичик далам мени одамларни мақтаб [шеър ёзишдан] ва қашшоқ бўлиб жаҳонни кезиб юришдан сақлайди.

У менинг бош паноҳим, хизматкорим ва тарбияловчимдир. Оилам ва мулкимдир.

Бошқалар ўз ишончини қаерда хоҳласа, шу ерда қолдирсин, аммо менинг далам ҳар вақт менинг ишончимни оқлайди.

Ер-сув одамнинг энг яқин дўстидир, ахир шунчалик саҳий ва садоқатли дўст бўлиши мумкинми?

Сен биродар бўлиб юрган кишининг сенга хиёнат қилади, аммо ер-сувинг ҳеч вақт хиёнат қилмайди»[15].

Биз Х аср сомонийлар даврида Бухорода араб тилида ёзилган васфий шеърлардан жуда оз намуналар келтирдик.

Васфлар жуда муҳим тарихий-этнографик аҳамиятга эгадир. Уларни синчиклаб ўрганиш орқали ўша давр халқларининг кундалик ҳаётига оид муҳим фактларни ўрганиш мумкин. Улар бизга жуда кўп таом ва ичимликларни тайёрлаш ҳақида аниқ маълумотлар беради. Буларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам Ўрта Осиё халқларининг севимли овқатларидир. Васфларда ўша даврдаги қишлоқ хўжалиги, экилган турли мева ва сабзавот навлари ҳақида қимматли материаллар бор. Бу мева ва сабзавотларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам мавжуддир. Ал-Маъмунийнинг лимондан тайёрланган мураббо ҳақидаги васфи[16] ўша вақтда Бухоро атрофида лимон ҳам етиштирилган бўлиши мумкин деган фикрни туғдиради. Ёки уни савдогарлар бошқа томонлардан олиб келган бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Васфларда илм-фан масалалари ҳам олдинга сурилади. Турли ёзув қуроллари, китоб, хат кабиларни тасвирлаш орқали шоирлар фаннинг жамият тараққиётида тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Биз васф ҳақидаги бу кичик мақолада бу жанрнинг баъзибир хусусиятларинигина кўрсатдик. Васфнинг поэзиядаги мавқеи, унинг адабиёт, тарих, этнография ва қишлоқ хўжалиги учун керакли томонларини ўрганиш алоҳида ва мукаммал илмий ишни талаб этади. Васфнинг ўзбек классик адабиётида қўлланиши масаласини ёритиб бериш ҳам адабиётшуносларимиз олдидаги вазифалардан биридир.

---

[14] Ўша китоб, 184—185-бетлар.
[15] Ўша китоб, 132-бет.
[16] Ўша китоб, 186-бет.

Т. АЛИҚУЛОВ

СИНЕКДОХА ЙЎЛИ БИЛАН ПОЛИСЕМИЯЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ҲАҚИДА

Маълумки, синекдоха[1] предмет ёки нарсаларнинг бирор қисмини гапирганда шу бутун предметнинг ўзини ёки, аксинча, бутун предметни гапирганда унинг бирор қисмини назарда тутиш ҳодисасидир.

Синекдоха тилшунослик фанида кўчма маъноларни вужудга келтирувчи воситалар — метафора, метонимия, функциядошлик ҳодисалари билан бир қаторда туради. Демак, синекдоха ҳам полисемантик сўзларнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди.

Синекдоха кўпгина манбаларда метонимия ҳодисаси билан бирга, яъни метонимия ҳодисасининг бир тури сифатида қаралади[2]. Бу, бежиз эмас, албатта, чунки метонимия билан синекдоха ҳодисалари ўртасида маълум даражада яқинлиқ бор. Метонимияда предмет ва ҳодисаларнинг макон ёки замондаги ўзаро яқинлиқ, алоқадорлик ва боғлиликларига кўра бирининг номи билан иккинчиси юритилса, синекдохада ҳам бу яқинлик, алоқадорлик ва боғлилик маълум даражада мавжуд бўлади. Аммо метонимия билан синекдохани бир-биридан ажратиб турган асосий белги, профессор А. А. Реформатский кўрсатиб ўтганидек, синекдохада миқдор муносабатининг мавжудлигидир[3]. Шунинг учун ҳам синекдохани метонимия ҳодисасидан ажратган ҳолда олиб текшириш, кўп жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиб чиқади.

Синекдоха ҳақида озми-кўпми маълумот берадиган кўпгина манбаларда, бу ҳодисага таъриф ва бир икки мисол бериш билан чекланилади. Ўзбек тилшунослигига оид манбалар ичида фақат С. Усмонов синекдоха ҳодисасини нисбатан кенгроқ ёритишга ҳаракат қилган. У синекдохани метонимия ҳодисасидан ажратган ҳолда текшириб, унинг қандай муносабатларга кўра қўлланиш ўринларини қуйидагича кўрсатади: қисм номи билан бутунни (оқсоқол, оқсоч), кийим номи билан «шахс — одам» ёки бошқа бирор тирик мавжудотни (қизилиштон), қурол номи билан «шахс» — «жангчини» (найза, қилич, тиғ; кетмон — колхозчи маъносида), ҳайвонларнинг бирор аъзоси номи билан ўша ҳайвонни аташ (бош, туёқ), мева номини шу мевани берадиган дарахтни ифодалаш учун қўллаш (ёнғоқ, олма, нок) каби[4]. Синекдоха

---

[1] Қаранг: Синекдоха (synekdochē) — юнонча сўз бўлиб, «биргаликда англамоқ», «қўшиб фаҳмламоқ» (соподразумевание) маъносини билдиради.
Қаранг: Л. А. Булаховский, Введение в языкознание, часть II, М., 1954, стр. 64; И. В. Арнольд, Лексикология современного английского языка, М., 1959, стр. 76; N. N. Lopatnikova, N. A. Movchovitch, Précis de lexicologie du français moderna.

[3] Қаранг: А. А. Реформатский, Введение в языкознание, М., 1960, стр. 60.

[4] Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Т., 1962, 25-бет.

ҳодисаси ва унинг қандай муносабатларга кўра вужудга келиши мумкинлиги профессор А. А. Реформатский томонидан анча муфассал ёритилган дейиш мумкин. Проф. А. А. Реформатский синекдоханинг асосан уч муносабатини кўрсатиб ўтади:[5]

1. Бутун предмет ўрнида унинг бирор қисми қўлланади. Масалан, **юз бош сигир, эллик бош қўй** каби.

2. Умумий тушунча билдирувчи сўз алоҳида бир тушунча билдирувчи сўз ўрнида келади.

3. Маълум тушунчалар группасини билдирувчи сўз унинг бир тури ўрнида келади.

Юқорида келтирилган синекдоха ҳақидаги икки олим классификациясида ҳам сўз маъноларининг синекдоха йўли билан кўчиши кўрсатилган. Аммо бу классификацияларда келтирилган синекдоха йўли билан кўчган маъноларнинг кўпгинаси предмет ёки ҳодисалар учун тўғридан-тўғри ном саналиб, янги, мустақил маъно англатиш ва маълум тушунчани ифодалаши билан ажралиб турса-да, айримлари янги тушунча англатмайди, балки мазкур маъно бир гап ёки жумла ичида фақат таъсирчанликни ошириш, таъкидлаш ёки предметларда бирор характерли белги мавжудлиги туфайли, шу белги «номи» билан мазкур предметни вақтинча аташ, лақаб бериш каби бадиий восита сифатида қўлланади, холос. Шунинг учун ҳам бундай «вақтинча» кўчган маъноларнинг кўплари мазкур предметлар учун доимий, барқарор ном бўлиш даражасига кўтарилмаган бўлади. Масалан, **мўйловни бу ёққа чақир** гапидаги **мўйлов** сўзи синекдоха йўли билан кўчган маънодир. Мисолдаги **мўйлов** товуш комплекси билан ифодаланган одам, ҳақиқатан ҳам сермўйлов (мўйлов қўйган) бўлиши мумкин. Мана шу хусусиятга кўра сўзловчи шахс мазкур кишида бўлган сезиларли белги туфайли «мўйлов» деб унга лақаб беради. Лекин бу лақаб у киши учун доимий эмас. Масалан, бошқа бирорта киши юқоридаги сермўйлов кишини, унинг мўйловига қараб эмас, балки устки кийимидаги бошқа бирор характерли белги, айтайлик, бошидаги қизил рангли шапкасини кўриб, унга «қизил шапка» деб лақаб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам «вақтинча» берилган бундай лақаб, «номлар» мустақил тушунча англатмайди, улар, предметлар учун ном эмас, балки образли қилиб аташ, лақаб беришдир»[6]. Шунга кўра бадиий ифода воситаси ҳисобланган бундай кўчма маъноларни мустақил тушунча ифодаловчи маънолардан ажратиш керак бўлади.

Полисемияларнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнайдиган метафора ва метонимия ҳодисаларини асосан икки турга, яъни метафора ва метонимия йўли билан кўчган маъноларни маълум тушунча англатиши, предмет ва ҳодисалар учун тўғридан-тўғри ном саналиши, мустақил маънога эгалиги ёки, аксинча, уларни алоҳида тушунча англатмай, фақат маълум контекст ёки ситуация учунгина хизмат қиладиган, ўзгарувчан бўлишларига кўра поэтик ва лингвистик турларга ажратиб текширадилар[7].

Юқорида айтиб ўтилганидек, синекдоха йўли билан кўчган маъноларни ҳам маълум тушунча англатиш билан бирга, мустақил маъно сифатида қаралиши мумкин бўлганлари ҳамда мустақил маъно сифатида қўлланмай, маълум контекст ёки ситуациягагина хизмат қиладиган, «вақтинча қўлланган маъноларини» бир-биридан ажратиш лозим.

---

[5] Қаранг: А. А. Реформатский, ўша асар, ўша бет.

[6] Қаранг: А. А. Реформатский, ўша асар, 53-бет.

[7] Қаранг: Т. Алиқулов, Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида, ж. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1963, № 6, 63-бет; С. Усмонов, Метафора, ж. «Ўзбек тили ва адабиёти»; 1964, № 4, 35-бет ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам синекдоха ҳодисасини метафора ёки метонимия сингари поэтик ва лингвистик синекдохаларга ажратиш мумкин.

Поэтик синекдоха қаторига қуйидаги «вақтинча» маъно кўчиш ҳодисаларини кўрсатиш мумкин.

1. Қиши тана аъзоларининг бирор номи шахс ўрнида қўлланади. Масалан, **бурун, қулоқ, калла** каби сўзлар ўзларининг лексик маъноларига эга бўлиши билан бирга, кишиларга нисбатан ҳам қўлланади. Бунда киши бурнининг узунлиги, қулоқ ёки калланинг кенглиги, катталиги каби белгилар назарда тутилади.

2. Қийим ёки унинг бирор характерли белгиси шахсни ифодалайди: **Оқ салла, узун чопон** каби.

3. Қиши соч-соқоли ёки мўйловидаги бирор кўзга ташланадиган белги ҳам (айтайлик, соч-соқолнинг оқлиги, мўйловнинг узунлиги, оққоралиги, қалинлиги) поэтик синекдоханинг бир тури сифатида қаралиши мумкин. **Оқсоқол, оқсоч, мўйлов** каби сўзларнинг одамларга нисбатан қўлланиши фикримиз далили бўла олади.

Айрим қишлоқ, шаҳар ва шу каби жой номларини мазкур жойда яшовчи кишилар ўрнида қўлланишини ҳам, умуман, синекдоха қаторига киритадилар[8]. **Бутун шаҳар қўзғолди. Қишлоқ оёққа турди** каби.

Юқоридаги тилшунослар фикрига қўшиладиган бўлсак, бу ҳодисани ҳам поэтик синекдоханинг бир тури сифатида қараш мумкин бўларди. Аммо мисоллардан предмет номларининг бутундан бўлакка (қисмга) ёки (қисмдан) бўлакдан бутунга ўтиш ҳодисаси сезилмайди, шунингдек миқдор муносабати ҳам мавжуд эмас, балки жой билан у ердаги кишилар ўртасида қандайдир алоқадорлик, яқинлик, умуман қандайдир муносабат мавжудлиги аниқроқдир. Шунинг учун бу ҳодисани поэтик метонимия деб қараш тўғрироқ кўринади.

Лингвистик синекдохаларда эса маъно мустақил бўлиб, маълум тушунча англатади ва бирор предмет ёки ҳодиса учун доимий ном, атама ҳисобланади. Бундан кўринадики, лингвистик синекдоха полисемантик сўзларнинг вужудга келишида муҳим воситалардан саналади. Лингвистик синекдохалар қуйидаги муносабатларга кўра вужудга келиши мумкин:

1. Предмат ёки ҳодисаларнинг бирор қисми, бўлаги номи билан бутун предмет ёки нарса аталади. Бунда киши тана органининг бирор номи билан киши ёки инсонни аташ кўпроқ учрайди. Масалан, **бош** сўзи одам маъносида, **тирноқ, туёқ** сўзлари эса фарзанд маъносида келади. Мисоллар: ***Ҳақ иш учун тушсам агар ўртага, Юз бош учун бир бош кетсин — мана бош!*** (С. Абдулла, Алпомиш). —***Қизим, неварагинам! Собиримдан қолган тирноқ... Сокинабуви Маргаритани бағрига босди.*** („Тошкент ҳақиқати"). ***Бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёқимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир деб ёзди Юсуфбек ҳожи қутидорга*** (А. Қодирий, „Ўтган кунлар"). **Жон** сўзи ҳам ўзининг дастлабки, бош маъносидан синекдоха йўли билан кўчиб, одам маъносида кенг суратда қўлланади: ***Бир ўзимга беш жон қарайди.***

2. Бутун предмет номи мазкур предметнинг бирор қисми ёки бўлагини ифодалаш учун қўлланади: Масалан: **қўл** сўзи биринчи, бош маънода — инсон елкасидан бошланиб, бармоқ ёки беш панжа билан тугалланган органдир. Шу бутун предметнинг бир қисмини ташкил этадиган беш хил бармоқ ҳам қўл деб юритилади. Мисоллар: **Беш**

---

[8] Қаранг: Р. О. Щор, Н. С. Чемоданов, Введение в языковедение, М., 1945, стр. 77; Э. Б. Агаян, Введение в языкознание, Ереван, 1960, стр. 220 ва бошқалар.

қўл ***баравар эмас, — деди Ҳакимбойвачча, — биров олим, фозил бўлади, биров мардикор, ҳаммол бўлади.*** (Ойбек, „Қутлуғ қон“). ***Қурилиш участкасида иш тўхтаб, ишчилар кўп вақт*** ўрта **қўл** ***топар ўйнаб ўтиришади*** („Муштум“).

Мозор сўзи биринчи, номинатив маънода — ўликлар кўмиладиган махсус жойни ифодалайди. Аммо шу мозорнинг маълум қисмини ташкил этувчи бирор гўрни ҳам жонли тилда кўпинча **мозор** деб юритилади. Мисоллар: ***У бирдан Йўлчини, онасининг*** **мозорини** ***қучиш учун совуқда қор кечиб кетаётган етим, мотамли Йўлчини эслади*** (Ойбек, „Қутлуғ қон“).

Олам сўзининг бош маъноси — ер юзи, дунё, жаҳон демакдир. Мисоллар: ***Пахтамизнинг шуҳрати, Бутун*** **оламга** ***машҳур. Бахт йўлига бошлаган Доҳиларга ташаккур. Олим бўлсанг,*** **олам** ***сеники*** (Мақол). ***Мавлоно Лутфий каби, — деб сўзга аралашди Султонмурод, — овозаси*** оламни ***тутган кекса шоир ҳали гўдак Навоийнинг ўз тилидаги бир байти учун ўзининг... жамики ғазалларидан воз кечишга тайёр эканини билдирган экан*** (Ойбек, „Навоий“).

Ҳаёт ёки ҳодисаларнинг бирор соҳаси оламнинг маълум қисмини ташкил этиши мумкинлиги учун ҳам, бундай соҳа **олам** деб юритилади. Мисоллар: ***Бойларимиз... мактабларнинг ҳолидан огоҳ бўлиб турсалар, биз Туркистон мусулмонлари тез кунда маданият*** оламига ***ўзимизни танитган бўлар эдик, — деди Абдишукур*** (Ойбек, „Қутлуғ қон“). ***Ўсимлик ва ҳайвонот*** **оламида** ***турлар доимий бир ҳолатда ўзгармасдан қолмайди...*** „Диалектик материализм асослари“).

Предметларнинг маълум бир қисми ёки бўлаги бирор бошқа предметнинг миқдорини, сонини ифодалаш учун ёки ҳисоблаш бирлиги сифатида қўлланади. Масалан, **бош** сўзи одатда ҳайвонларни ҳисоблаш бирлиги сифатида ишлатилади: ***Колхоз чорвасига бир юз ўн тўққиз*** **бош** ***мол қўшилди*** (А. Қаҳҳор, „Қўшчинор чироғлари“). ***Ишни мана мендан ўрган. Март ва апрель ойларида туғилган минг*** **бош** ***бузоқ ва эчки болаларини рўйхатга тиркатмадим... Биров билмайди*** („Муштум“). **Туёқ** сўзи биринчи, бош маънода сутэмизувчи ҳайвонлар оёғининг ерга тегиб турадиган, қаттиқ қисмдан иборат тугаш жойи маъносида қўлланиши билан бирга, яна синекдоха йўли билан кўчиб ҳайвонларнинг сонини, миқдорини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Мисоллар: ***Чорва*** **туёғи** ***кўпайди, молларнинг наслини яхшилаш, қишловга пухта тайёргарлик кўриш масаласида ҳам анчагина ишлар қилинди*** (А. Раҳмат, „Эллик бир баҳодир“). ***Туркманистон партия ташкилоти... чорва моллари*** **туёғини** ***кўпайтириш... юзасидан ҳамма ишларни намунали ўтказиш учун бутун кучини сарфламоқда*** („Қизил Ўзбекистон“).

4. Умумий тушунча ифодалайдиган айрим сўз маъноларининг конкрет предметни ифодалаш учун қўлланиши ҳам лингвистик синекдоханинг бир тури сифатида қаралиши мумкин. Масалан, **йилқи** сўзи «Девону луғотит турк» асаридаги маълумотларга қараганда, тўрт оёқли ҳайвонларнинг барчасини ифодалаш учун қўлланган. Кейинчалик эса бу сўзнинг маъноси конкретлашиб, тўрт оёқли ҳайвонларнинг фақат бир тури ҳисобланган отни ифодалашда сақланиб қолган. XI асрда **юнг** товуш комплекси орқали ҳозирги вақтда биз тушунадиган **юнг** тушунчаси ифодаланиши билан бирга (туя ёки қўйнинг юнги),

пахта маъноси ҳам англашилган[9]. Давр ўтиши билан мазкур сўзнинг маъноси маълум даражада конкретлашиб, унинг **пахта** маъноси умуман тушиб қолиши билан бирга, девондаги «туя ёки қўй юнги» маъносининг ўзи кейинчалик алоҳида-алоҳида тушунча ифодаловчи бошқа-бошқа предметларга нисбатан ҳам қуйидаги маъноларда қўлланган: 1. Бадан ёки терида ўсадиган ва уни иссиқ сақлаш учун хизмат қиладиган органик тола. 2. Одатда ҳайвонлар (қўй, эчки, туя каби) терисидан қирқиб олиниб, мата тўқиш учун ишлатиладиган толалар. Ҳозирги лексикамизда **юнг** товуш комплекси асосан шу икки маънода ишлатилади.

Умумий тушунча ифодалайдиган сўзларнинг конкрет предметни ифодалаш учун қўлланиш ҳодисасига ҳазирги замон ўзбек тили фактларидан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Масалан, **ер** сўзи жуда кенг ва умумий тушунчага эга. Аммо у синекдоха йўли билан кўчиб, маълум бир конкрет предмет ёки нарсани ҳам ифодалаши мумкин. Мисоллар, *Насиба* (*зўр ташвиш билан*): ***Марасул акам мана бу еримга... йўқ, мана бу еримга қулоқ солиб*** (*бош чайқайди*), ***мундай-мундай қилдилар*** (А. Қаҳҳор, „Оғриқ тишлар“).

Ўрин сўзи ҳам аслида умумий тушунчани ифодалаши билан бирга, конкрет ҳолда, бирор нарсанинг айрим қисми, парчаси маъносида ҳам қўлланади. Мисоллар, „***Кумушбиби хатнинг бу ўрнига етганда*** қизариб, бироз ўқишдан тўхтаб олди ва давом этди (А. Қодирий, „Ўтган кунлар“).

5. Лингвистик синекдоха усулида маъно кўчишининг бешинчи ҳодисаси сифатида турли мевали дарахтлар, ғалла ўсимликлари ва резавор ўсимликлар меваси ёки ҳосилининг номи шу дарахт ёки ўсимликларнинг ўзига кўчишини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, ўзбек тилида, ҳатто қатор туркий тилларда ҳам мевали дарахт ҳамда турли хил ғалла ва резавор ўсимликлар ва уларнинг меваси ёки ҳосилини ифодалаш учун бир хил товуш комплекси, яъни бир хил ном қўлланади. Масалан, **шафтоли** — товуш комплекси билан, ҳам унинг меваси ҳамда унинг дарахти тушунилади. **Буғдой** сўзидан ўсимлик ва унинг ҳосили тушунилади. Дарахт ва ўсимликлар билан унинг ҳосилини ифодаловчи сўзлар синекдоха усули билан кўчиб, бирининг номи иккинчисига кўчган бўлишига қарамай, бу икки нарса ўртасида муносабат жуда зич. Шунинг учун бўлса керак, кўпгина луғатларда бутунлай бошқа-бошқа тушунчани ифодаловчи бу икки сўз гоҳ икки мустақил маъно сифатида тавсия этилса, гоҳ бир маъно ичида берилади. Дарахт ва ўсимликлар билан уларнинг ҳосили ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам, тушунча ифодалаши жиҳатидан ҳам бошқа-бошқа ҳодиса бўлгани учун уларни мустақил маъно сифатида ажратиш лозим.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш лозимки, мевали дарахт ва турли хил ўсимликлар билан уларнинг ҳосилини бир хил ном билан юритилишини айрим тилшунослар метонимия қоидасига киритсалар[10], бошқалари синекдоха ҳодисасига киритадилар[11].

Бизнингча, бу ҳодисани лингвистик синекдоха деб қараш анча мақсадга мувофиқдир. Чунки метонимияда бутунлай бошқа-бошқа икки предметнинг макон ёки замонда бир-бири билан боғлиқ, алоқа-

[9] Қаранг: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, III том, таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С. Муталлибов, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1963, 41, 373-бетлар.

[10] Қаранг: А. А. Бурячак, К вопросу о размежевании значений слова и их оттенков в Толковом словаре, «Проблема толкования слов в филологических словарях». Рига, 1963, стр. 33.

[11] Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, ўша асар, ўша бет.

дор, яқин бўлишига кўра дастлаб вужудга келган предмет номи кейинги предметга кўчса, синекдохада бутун предмет номи шу предметнинг бирор бўлагини ифодалаш учун ёки, аксинча, бирор қисм-бўлакни ифодалаш учун қўлланадиган бошқа сўз бутун, яхлит предмет-нарсаларга нисбатан қўлланади. Мевали дарахт ва ўсимликлар билан уларнинг ҳосили ўртасида маълум даражада боғланиш бўлса-да, уларни синекдоха ҳодисасига киритиш афзалроқдир. Чунки буларда мева ёки ҳосилнинг номи дарахт ёки ўсимликларга кўчган, яъни қисмдан бутунга ўтгандир. Масалан, **помидор** товуш комплекси шу номли ўсимликни ифодалаш билан бирга, мазкур ўсимликдан олинадиган ҳосилга нисбатан ҳам қўлланади.

Пахта сўзининг — ғўза ўсимлигидан олинадиган ҳосил маъноси шу сўзнинг бош маъноси ҳисобланиши билан бирга, у жуда кенг суратда қўлланади: ***Хирмонда алоҳида-алоҳида тўкилган*** **пахталар** ***деваланиб ётар эди*** (М. Исмоилий, „Фарғона тонг отгунча“).

Аммо ғўза ўсимлигининг ўзи ҳам **пахта** товуш комплекси билан юритилади: ***У*** **пахталарнинг** ***қийғос очилиб турганини кўриб ажабланди*** (М. Исмоилий, „Фарғона тонг отгунча“).

Келтирилган мисолларда **пахта** сўзи — ғўза ўсимлигидан олинадиган ҳосил ва шу ўсимликнинг ўзини ифодалаш учун қўлланган. Шубҳасиз, **пахта** сўзи дастлаб ғўзанинг ҳосилига нисбатан қўлланган бўлиб, кейинчалик мазкур ўсимликка кўчгандир.

Хуллас, бизнинг фикримизча, турли мевали дарахтлар номлари улар ҳосили номидан олинган.

Хулоса қилиб айтганда, синекдоха тилдаги қизиқ ҳодисалардан бири бўлиб, сўз маънолари кўчишининг маълум бир усули ҳисобланади. Поэтик синекдоха яхлит тушунча англатмай, контекст ёки оғзаки нутқ процессида таъсирчанликни ошириш воситаси ҳисобланади, холос. Лингвистик синекдоха йўли билан кўчган маънолар эса мустақил маъно бўлиб, предмет ёки ҳодисалар учун доимий ном (атама) ҳисобланиб, яхлит тушунча ифодалайди.

НЕЪМАТ АҲМЕДОВ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ШЕВА ХУСУСИЯТЛАРИ
(Андижон шеваси материаллари асосида)

Адабий тил асос эътибори билан „сўз санъаткорлари" томонидан ишланган, ижодий бойитилган халқ тилининг ўзидир. Шунинг учун ҳам уни умумхалқ тилига қарама-қарши қўймасдан, балки унга халқ нутқ маданиятининг олий ютуғи деб қараш керак. Адабий тил ўзининг ёзувга асосланиши ва миллат учун умумийлиги ҳамда нормативлиги билан жонли сўзлашув тилидан—шева ва диалектлардан фарқ қилади. Мавжуд нормативликни стабиллаштириш, табиий равишда, бирор етакчи шевага таянишни тақозо қилади.

Адабий тилнинг шаклланиши ва тараққиётига асос бўлган диалектларнинг тил хусусиятларини аниқлаш уларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатини белгилаш, халқ экономикаси ва маданиятининг юксалиши билан адабий тилнинг тобора тараққий этиб, шева хусусиятларининг аста-секин камайиб бораётганлигини изоҳлаш диалектология фани олдида турган энг муҳим масалалардан биридир.

Ўзбек тилининг шаҳар шеваларига асосланган ҳозирги замон адабий тилининг шаклланши ва тараққиётида Андижон шаҳар шеваси, таянч шева сифатида, ўзининг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари билан муносиб ўрин эгаллайди.

Андижон шаҳар шевасининг барча лингвистик хусусиятлари билан адабий тилга яқинлиги баъзи мўътабар тарихий манбалар орқали қайд қилинганлиги бир қанча асарларда[1] эътироф этиладики, фактлар ҳам буни тасдиқлайди.

Андижон шаҳар шеваси, проф. В. В. Решетов классификациясига кўра, ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур диалектига кирувчи Фарғона группа шеваларига мансуб бўлиб, унинг лингвистик хусусиятлари махсус монографик текшириш объекти сифатида ўрганилиб, илмий жиҳатдан тўла ёритилмаган[2].

Ҳозирга қадар яратилган диалектологик адабиётларда Андижон шаҳар шеваси фонетик жиҳатдан *о*-ловчи группа шевалар қаторига қўшиб келинмоқда[3]. Бироқ фактлар шуни кўрсатадики, шевада *о*-лашга нисбатан *а*-лаш ҳодисаси кучлидир; *а*-ланиш ҳодисаси сўз ўзакларида ҳам, қўшимчаларда ҳам учрайди:

---

[1] В. В. Бартольд, Мир-Алишир и политическая жизнь, сб. „Мир-Алишир". Л., 1928, стр. 106; В. В. Решетов, Узбекский язык, ч. I. Ташкент, 1959, стр. 22—23.

[2] Stefan Wurm, Der Ozbekischen Dialekt von Andidschan, Brum — München — Wien, 1945; А. Маматов, келишик қўшимчаларининг Андижон шевасида қўлланиши, Уч. зап. ТГПИ, вып. VII, Ташкент, 1963,

[3] А. К. Боровков, Вопросы классификации узбекских говоров, „Известия АН УзССР", № 5, 1953.

Андижон шевасида: *шэтъ, шэлъ, йэш, шэх, кэсэ, нэк, кэкил, жэй; кънъ (к) рак, копрак, қозъчак; бэзэр, қэзэн, бэшэк;* адабий тилда: *шоти, шоли, ёш, шох, коса, нок, кокил, жой, кичикроқ, кўпроқ, қўзичоқ, бозор, қозон, бошоқ.*

Андижон шаҳар шевасида *о*-лашишнинг пайдо бўлиши Тошкент тип шеваларга нисбатан, анча кейинги ҳодиса бўлиб, адабий тилнинг бевосита таъсири натижасида тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда[4].

Андижон шаҳар шевасининг вокализми статик-нормал фонемаларининг кўплиги билан адабий тилдан фарқ қилади. Мазкур шевада мустақил унли фонемаларнинг сони 9 тадир: олдинги қатор: *ъ, у, е, ө, э,* орқа қатор: ь, у, о, э.

Айрим диалектологлар шевада *а* фонемаси мустақил деб қарайдилар. Фактлар эса бу товушнинг фонемалик хусусиятини йўқотиб, фақат айрим ҳоллардагина чуқур тил орқа қ, ғ ундошлари билан ёндош келган вақтда комбинатор вариант сифатида қўлланишлигини кўрсатади. Бунда ҳам кўп вақт *э//а* ҳолати учрайди. Адабий-орфографик *о* ва *а* фонемаларининг функциясини шевада *э* ва *э* товушлари бажаради.

Шевада адабий-орфографик *у* ва *ў* фонемаларининг сифат жиҳатдан фарқланувчи *у, ө* конкрет жуфтларининг маъно ажратишдаги функцияси жуда чегараланган бўлиб, саноқли сўзлардагина учрайди, холос. Қиёсланг: *туз* (буйруқ феъли), *туз* (от); *уч* (рақам—з), *уч* (қалам учи); *ун* (овоз. унъ оштъ), *ун* (русча мука); *тур* (хил), *тур* (буйруқ феъли); *бөл* (элмэнъ ъккъгэ бөл) бол (бўлмоқ феъли); *өт* (феъл), *от* (ўсимлик, олов); *төлэ* (тўламоқ), *толэ* (русча полний).

Шевада *у, о* фонемаларининг қўлланишида қуйидаги каби диалектал хусусиятлар мавжуд: а) *у > ө ҳөжирэ* (ҳужра), *төҳмэт* (туҳмат). б) *ө* фонемаси бошқа унлилар ўрнида ишлатилади; *отук* (этик), *бөзэк* (бузоқ), *көпэлэк* (капалак) каби. Ү ва *ө* фонемаларининг маъно фарқлашдаги позицияси юқоридаги каби фақат биринчи бўғинлардагина учраётганлигининг ўзи ҳам уларнинг функцияси нақадар чегараланиб қолганлигидан бир далилдир.

Андижон шевасида, баъзи ўзбек шеваларида бўлганидек, маъно фарқловчи биринчи даражали чўзиқ унлилар йўқ бўлиб, айрим ундошларнинг талаффузда тушиши натижасида содир бўладиган иккинчи даражали чўзиқ унлилар мавжуддир. Унинг бу хусусияти ўзи мансуб бўлган группа шеваларга ўхшашлигини кўрсатади. Қуйидаги ундошлар тушиши натижасида унли чўзилади:

(г) *ту:мэ, те:мэ* (ад.-орф. *тугма, тегма*);

(л) *ке:мэдъ, бо:мэдъ, э:мэдъ, къ:мэдъ* (ад.-орф. *келмади, бўлмади, олмади, қилмади*);

(ғ) *о:ль, э:зъ, бо:зъ* (ад.-орф. *ўғли, оғзъ бўғзи*);

(ҳ) *ньк э:, гунэ:, съйэ:* (ад.-орф. *никоҳ, гуноҳ, сиёҳ*).

Арабча айн ва ҳамза тушиши натижасида унли чўзилади: *мэ:нэ, тэ:нэ, бэ:зъ, мэ:лъм, тэ:зъм, тэ:ръп, тэ:сър, тэ:мън* (ад.-орф. *маъно, таъна, баъзи, маълум, таъзим, таъриф, таъсир, таъмин*).

Унлилардаги бундай чўзиқлик, гарчи ундош тушса ҳам, sandhi ҳолатда учрамайди. Чунки бунда икки ён интонация жиҳатидан бирикиб, бир сўздай талаффуз қилинади: *ъшлэболдъ* (*ишлаб бўлди*), *мэл бэқъйурьптъ* (*мол боқиб юрибди*).

Андижон шаҳар шевасида юқоридаги каби маъно фарқлаш функ-

---

[4] В. В. Решетов, Узбекский язык, ч 1, Ташкент, 1959, стр. 118-119.

циясига эга бўлмаган унлиларнинг чўзилиш доираси Тошкент ва Наманган шеваларига нисбатан анча чегаралангандир[5].

Шеванинг ундошлар системасида ҳам деярлик, адабий тилга яқин томонлар мавжуд бўлса-да, бироқ айрим товушларнинг қўлланишида баъзи тафовутлар бордир.

Адабий-орфографик *ф* товуши, позициясидан қатъий назар, барча ҳолларда, кўпчилик ўзбек шеваларида бўлганидек, *п* билан алмашинади: *пəврькə//пəбръкə, пəтъпəн, ънсəн.*

Бироқ адабий тил нормаларини эгаллаган интеллигенция нутқида *фронт, факт, форма, буфет, конфликт, офицер* каби совет-интернационал сўзларда *ф* нинг аста-секинлик билан шева талаффуз доирасига кириб бораётганлиги кўринади.

Шева вакиллари нутқида *ц* товуши *с* ёки *тс* каби талаффуз қилинади: *сех, сърк, сентър, редəксъйə; прəтсес, ревəлутсъйə, кəнсълтəтсъйə.*

Сирғалувчи *ж* жарангли ундоши тор доирадаги баъзи бир қабул қилинган сўзлардагина учрайди: жуннəл//журнал, гьждə, грəждан, эждəҳ.

Айрим диалектал-фонетик хусусиятни ҳисобга олмаганда, шевада *х, ҳ* ундошлари фарқланиб талаффуз этилади.

Шеванинг морфологик хусусиятларида, адабий тилга ўхшаш томонлар бўлиши билан бирга, тубандаги каби баъзи фарқлар ҳам мавжуд.

Кўплик қўшимчаси *-лəр, -нəр, -нə, -лə* формаларида қўлланади: *ədəмлəр, кътəплəр, дəптəрлəр;-нг,-инг* аффикслари билан турланган ёки тусланган сўзларга-*лəр* қўшилганда, айтилишда-*нг,-инг* тушади ёки *й* билан алмашади, кўплик қўшимчаси эса-*нəр* формасида ишлатилади: *доппънəрдъ элънəр, ўзумънəр пъштъмъ, этənрдъ элдъгə бəрънəр.*

Шевада *-нəр* вариантининг қўлланиши маъно томондан ж-ловчи шеваларга ўхшаса-да, позицияси жиҳатдан улардан фарқ қилади[6] *-нг, -инг* қўшимчасини олган сўзлар кўплик билан турлангандан кейин, *-ми* сўроқ юкламасини қўшиб талаффуз қилинса, *лəр* эмас, *нə* қўлланади.

г) *Сиз* кишилик олмошига ва тусловчи шахс-сон қўшимчаси—*сизни* олган сўзларга кўплик қўшимчасидан кейин *-ми* юкламаси қўшилганда, бу форма *-лə* тарзида айтилади. Бунда *з* товуши редукцияга учрайди: *бəрəсъləмъ, йурəсъləмъ, сълъ бəрънəр сълəкччə || сълəкə кетйəппъс.*

Истисно тариқасида шуни айтиш керакки, шевада *-лəр* қўшимчаси бошқа шеваларга (мас. Тошкент, Марғилон, Наманган) нисбатан тор доирада бўлса-да, ҳурмат маъносида ҳам қўлланади: *кесъллəр, тəқсър, озлəръ бəрəп келəқəсънлəр, отəрсънлəр || отəрсъллəр.* Баъзан кесатиш, пичинг маънолари англатилиши ҳам мумкин.

Андижон шаҳар шевасининг адабий тилга бўлган яқинлиги, айрим ассимилятив ҳолатларни эътиборга олмаганда, келишик ва эгалик қўшимчаларини қўллашда ҳам кўринади. Агар фактлар Тошкент ва Наманган шевалари билан қиёсланса, бу нарса янада аниқроқ сезилади. Айниқса, қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари ўзининг барча вариантлари билан Андижон шевасида *-нъ, -əъ, -тъ, -ъ* бўлгани ҳолда, Тошкент ва Наманган шеваларида ўзак-негизнинг қандай товуш

---

[5] В. В. Решетов, ўша асар, 156—158-бетлар; Ш. Шоабдураҳмонов, Тошкент шевасининг фонетик хусусиятлари. „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари“ журнали. 1960, № 6, 45—51-бетлар.

[6] В. В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек диалектологияси, Тошкент, 223 — 224-бетлар.

билан тугашига қараб, миқдор жиҳатдан бир неча ассимилятив формага эга бўлганлигининг ўзи ҳам мазкур шеванинг бошқа шеваларга нисбатан адабий тилга анча яқинлигини кўрсатади.

Андижон шаҳар шевасида келишик аффикслари сўзнинг ўзакнегизи қандай товуш билан тугашига қараб, турли вариантларда қўлланади. Айрим ҳолларни истисно қилиб, умумий ҳолатни ҳисобга олганда, қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари охири унли товуш билан тугаган ўзак-негизларга *-нъ*, жарангли товуш билан тугаган сўзларга *-дъ*, жарангсиз товуш билан тугаган сўзларга *-тъ* ва *мен, сен, биз, сиз* кишилик олмошлари ҳамда I шахс эгалик қўшимчаси билан турланган ўзлик олмоши, от ва отлашган сўзлар, белгилаш олмошлари бошқа бир от, отлашган сўз ёки феъл билан алоқага кирганда, *-ъ* тарзида қўлланади.

Мисоллар: *элмэнъ гулъ, тэлэъ нэвдэсъ, йэгэчтъ куртъ, экэмъ къзъ, менъ кътэпъм, өзъмъ пулъм, ҳэмэмъзъ ъшъмъз; тэлдъ кестъ, элмэнъ йедъ, экэмъ йувардъ, бъзъ чэкърдъ каби.*

Тушум ва қаратқич келишиги шаклан бир хил бўлса-да, маъно ва грамматик хусусиятини сақлайди.

Шева вакиллари нутқида жўналиш келишиги қўшимчаси, деярлик, адабий тилдаги формага яқин бўлиб, унли ва жарангли товуш билан тугаган сўзларга *-гэ*, жарангсиз ва талаффузда жарангсизлашган жарангли ундошлардан кейин *-кэ, кэ* || *ка* формаларида қўлланади. Баъзан эса сўз ўзаги охиридаги ундошнинг тушиши ёки ўзакдаги охирги унлининг талаффузда бироз чузилиши натижасида жўналиш келишиги қўшимчаси *-э* шаклида айтилади: *эткэ мъндъ, бэккэ кърдъ; тэлэ: кеттъ, бэзэ: чъхтъм, гузэ: кеттъ.*

Шевада ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари қўшимчаси унли ва жарангли товушлардан кейин *-дэ, -дэн*, жарангсиз ва талаффузда жарангсизлашган жаранглилардан кейин *-тэ, -тэн* формада қўлланади: *мэшънэдэ йурдъ, мэҳтэптэ оқъйдъ, эвэрэдэн туштък, ъштэн.*

Мазкур шевада бош келишикда келган сўз ўзининг вазифаси ва функцияси жиҳатидан адабий тилга тўла мос келади.

Адабий-орфографик I шахс эгалик қўшимчасининг кўплиги, Тошкент шевасидан фарқли ҳолда, Андижон шевасида *-мъз, -ъмъз* шаклида қўлланади. Бу ҳолат Тошкент шевасида бир неча формалар орқали ифодаланади.

Андижон шаҳар шевасида, бошқа кўпчилик ўзбек шевалардан фарқли равишда, ҳозирги замон феъл қўшимчаси барча ҳолларда *-йэп* шаклида қўлланади ва маъно жиҳатдан иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда бўлаётганлигини билдиради. Бу хил феъллларда биргалик даража қўшимчаси *-ш, -ъш* орқали ифодаланади: *оқъшйэптъ, йэзъшйэптъ* каби.

Шевада ҳозирги замон маъноси адабий тилдан фарқли ҳолда *-йэт* қўшимчаси орқали ҳам ифодаланади[7].

	Бирлик	Кўплик
I	*оқъйэтсэм*	*оқъйэтсэк*
II	*оқъйэтоэҥ*	*оқъйэтсэҥъз*
III	*оқъйэтсэ*	*оқъйэтсэ* || *оқъшйэтсэ*

Юқоридаги мисолларда *-сэ* қўшимчаси шарт маъносини эмас, пайтини билдиради ва эргаш гапнинг кесими бўлиб келади.

---

[7] *-йэт* формаси бошқа шеваларда ҳам мавжуд. Қаранг: К. К. Юдахин, Некоторые особенности карабулакского говора, Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, 1957, 36-бет.

Адабий тилда ҳозирги замон маъносини ифодаловчи *-ётир* қўшимчаси шевада қўлланмайди, унинг функциясини *-йэп*, *-йэт* аффикслари бажаради.

Адабий-орфографик *мен, сен* кишилик олмошлари Андижон шевасида худди адабий типдагидек қўлланадики, бу нарса шу шева мансуб бўлган қорлуқ-чигил-уйғур диалектига кирувчи бирорта шевада учрамайди.

Адабий тилнинг маҳаллий шеваларга, шу жумладан Андижон шевасига бўлган таъсири юқоридаги каби фақат фонетик ўзгаришларда эмас, балки морфология ва лексикада ҳам кўринади. Совет-интернационал сўз ва терминларнинг ҳамда турли қисқартма отларнинг адабий тил орқали жонли сўзлашув нутқига, айрим фонетик ўзгаришлар билан бўлса-да, кириб барқарор лексик қатламни ташкил қилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбек тилининг луғат составига қўшилган янги лексик бойлик муносабати билан адабий тилга кириб ўзлашиб кетган *-ист*, *-изм*, *-изация*, *-тор* каби морфологик формаларнинг шева вакиллари нутқида *(методист, ленинизм, механизация, механизатор)* айнан қўлланаётганлиги адабий тилнинг шевага бўлган ва бўлаётган таъсиридан бир намунадир.

Ҳозирги вақтда, адабий тилнинг шеваларга бўлган таъсир доираси тоборо кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган бир пайтда, Андижон шаҳар шеваси ўзбек адабий тилининг таянч шеваларидан бири сифатида хизмат қилади, ундаги айрим тор диалектал хусусиятлар эса аста-секин ўз аҳамиятини йўқотиб, истеъмолдан чиқади.

А. АҲМЕДОВ

МАХСУС ИНТОНАЦИЯЛИ СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ

Ҳозирги замон ўзбек тилида сўроқни ифодаловчи гаплар, лексик-грамматик ва интонацион белгиларига кўра, қуйидаги уч турга бўлинади: 1. Олмошли сўроқ гаплар. Бундай сўроқ гапларда сўроқ олмошлари иштирок этган бўлади. 2. Юкламали сўроқ гаплар. Бундай сўроқ гаплар сўроқ юкламаларига эга бўлади. 3. Махсус интонацияли сўроқ гаплар. Бундай сўроқ гапларда юқорида кўрсатилган лексик-грамматик воситалар бўлмайди. Гап алоҳида интонация ёрдамида сўроқ тусини олади.

Сўроқ гапларнинг бу хусусиятлари кўпгина олимлар томонидан қайд этилган бўлса ҳам[1], бироқ уларнинг барча ўзига хос белгилари, қўлланиш ўринлари, структураси ҳозиргача тўла ҳолда махсус ўрганилган эмас.

Ушбу мақолада биз фақат кейинги тур — махсус интонацияли сўроқ гаплар ҳақида фикр юритамиз.

Ўзбек тилида сўроқ гаплар ёлғиз интонациянинг ўзи билан тузила оладими, деган саволга 30-йилларгача нашр этилган асарларда бирор жавоб топиш қийин. Ўзбек тилида сўроқнинг махсус интонацияли сўроқ гаплар ёрдамида ҳам ифодаланиши ҳақидаги фикрни, дастлаб, Н. Саид ва А. Йўлдошевнинг ўрта мактаб учун чиқарилган „Грамматика“ дарслигида учратамиз[2]. Бу дарслик аслида рус тилининг мактаб грамматикаси асосида тузилган эди. Шунинг учун ўзбек тилида сўроқ гапларнинг ёлғиз интонация ёрдамида ҳам тузилиши ҳақидаги фикр, афтидан, рус тили грамматикаси таъсирида туғилган бўлиши керак.

Рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганишга бағишланган кўпгина ишларда икки тилда ҳам сўроқ гапларнинг ёлғиз интонация ёрдамида ҳам тузилиши айтилади ва бунда кўпинча улар бир-бирларига тенгдек қилиб қўйилади.

Ўзбек тилида сўроқ гапларнинг фақат интонация ёрдамида тузилишини рус тилидаги сўроқ гапларнинг бундай усул билан тузилишига қиёслаш, уларни бир-бирига тенглаштириш мумкин эмас. Масалан, рус тилидаги *Вчера ты приходил* гапини олайлик. Бу гап сўроқ интонацияси олиб, фикр материалини ҳеч ўзгартирмаган ҳолда, одатдаги сўроқ гап бўлиши мумкин: *Вчера ты приходил?* каби.

---

[1] А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1960, стр. 346; А. Ғ. Ғуломов, Содда гап, ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1955, 15—17-бетлар; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулев, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 173-бет; А. Сулаймонов, Ифода мақсадига кўра гап турлари, „Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат университетининг асарлари“, Янги серия, № 91, Филология факультети, Ўзбек тили кафедраси, Самарқанд, 1959, 46-бет ва бошқалар.

[2] Н. Саид ва А. Йўлдошев, Грамматика, II қисм, Нахв, Тошкент Ўздавнашр, 1936, 8-бет (латин шрифтида).

Рус тилидаги бундай сўроқ гаплар составида *ли*, *разве*, *неужели* каби сўроқ юкламалари ҳам иштирок этиши мумкин. Лекин бу юкламалар сўроқ гап тузиш учун эмас, балки бошқа вазифаларни бажариш учун қўлланади: *ли* юкламаси сўроқ объекти қаратилган бўлакни ажратиб кўрсатиш учун, *неужели*, *разве* юкламалари эса сўроқ гапдаги турли модал оттенкаларни ифодалаш учун хизмат қилади[3]. Демак, рус тилидаги *Вчера ты приходил?* сўроқ гапи ҳам, *Вчера ты ли приходил?* сўроқ гапи ҳам, *Разве вчера ты приходил?* сўроқ гапи ҳам умуман сўроқни ифода этиш жиҳатидан жиддий фарқ қилмайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам сўроқ интонациясининг ўзи билангина тузилган. Юқоридаги мисолларда *ли* юкламаси сўроқ гапдаги сўроқ кучи тушган сўз — *ты* олмошини ажратиб кўрсатиш учун (бу вазифани логик урғунинг ўзи ҳам бажариши мумкин эди), *разве* юкламаси эса сўроқ гапга таажжуб оттенкаси қўшиш учун хизмат қилган.

Рус тилидаги *Вчера ты приходил?* ёки *Вчера ты лы приходил?* сўроқ гаплари ўзбек тилига *Кеча сен келдингми?* тарзида бир хил таржима қилинади. Бундай гапларни ўзбек тилига, худди рус тилидагидек, *Кеча сен келдинг?* тарзида таржима қилиб бўлмайди. Тўғри, ўзбек тилида ҳам баъзан бундай сўроқ гаплар учраб қолади. Лекин уларнинг рус тилидан фарқ қиладиган ўзига хос томонлари бор.

Биринчидан, рус тилидаги *Вчера ты приходил?* сингари сўроқ гаплар одатдаги оддий сўроқни билдиради. Ўзбек тилидаги *Кеча сен келдинг?* сингари сўроқ гаплар эса кучли эмоция ва экспрессия билан айтилади ва кутилмаганлик, таажжуб, шубҳа каби оттенкаларни ифодалайди.

Иккинчидан, рус тилидаги *Вчера ты приходил?* сингари сўроқ гаплар ёзув тили учун ҳам, жонли сўзлашув тили учун ҳам нормал ҳол ҳисобланади. Ўзбек тилидаги *Кеча сен келдинг?* сингари сўроқ гаплар эса ёзув тили учун асосий критерия бўла олмайди. Бу типдаги сўроқ гаплар кўпроқ жонли сўзлашув тилига хосдир.

Демак, ўзбек тилида фақат интонациянинг ўзи билан тузилган сўроқ гапларнинг қўлланиш доираси, рус тилига нисбатан, анча тор.

Шундай қилиб, ўзбек тилида сўроқ гапларни ёлғиз интонациянинг ўзи билан ҳосил қилишнинг, бундай сўроқ гапларни қўллашнинг ўз махсус ўринлари бор.

Ўзбек тилида махсус интонацияли сўроқ гаплар асосан қуйидаги ҳолларда рўй беради:

1. Гапда сўроқ маъносини англатадиган лексик-грамматик воситаларнинг тушиб қолиши натижасида рўй беради.

2. Гапда тахмин, гумон маъноларини англатадиган элементларнинг ишлатилиши натижасида рўй беради.

Биринчи турни қуйидаги бўлакларга ажратиш мумкин:

а) *дейсанми*, *деяпсанми* каби феъларнинг айтилмай қолиши натижасида ҳосил бўлган махсус интонацияли сўроқ гаплар. Масалан:

Холнисо. — ***Менинг соатим тўхтаб қолибди.***

Ҳамробуви. — ***Соатим тўхтаб қолибди?*** (А. Қаҳҳор, „Шоҳи сўзана“).

Ҳозирги замон ўзбек тилининг синтактик қурилишига бағишланган айрим илмий грамматик дарслик-қўлланмаларда сўроқ гапларнинг бу тури бирор кутилмаган хабарни англатадиган дарак гапни алоҳида

---

[3] И. П. Распопов, Вопросительные предложения, „Русский язык в школе“, 1958, № 1; А. Чистякова, О специфике вопросительного предложения, „Русский язык в национальной школе“, 1962, № 1.

интонация билан такрорлаш орқали ҳосил бўлади[4], деб кўрсатилади. Фактлар кўрсатадики, бундай сўроқ гаплар фақат кутилмаган хабарни билдирадиган дарак гапни такрорлаш билан ҳосил бўлмасдан, балки ҳар қандай кутилмаган фикрни ифодаловчи гаплар (дарак, буйруқ, сўроқ гаплар)ни ёки шу гаплардаги айрим сўзларни такрорлаш билан ҳосил бўлади. Масалан:

Хотин ўрнидан туриб чироғини ёқди.

— Бас энди, ука, ичманг! — деди.

*— **Ичманг?** Сиз ҳам ичасиз* (А. Қаҳҳор, „Қайғулар").

Рустам. — Бу юрган одамларнинг гуноҳи сенинг гуноҳингдан кам эмас, синглим!

*Қиммат. — **Синглим?*** (У. Исмоилов, „Рустам").

Кўринадики, биринчи мисолда буйруқ гапни (*Ичманг!*), иккинчи мисолда гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўз — ундалмани (*синглим*) алоҳида интонация билан такрорлаш орқали улардан сўроқ гап ҳосил қилинган.

Буларда кутилмаган фикрни ифодаловчи гаплар баъзан тўла такрорланиб сўроқ гап бўлса, баъзан уларнинг айрим бўлаклари такрорланиб сўроқ гап бўлади. Лекин кўпинча айрим сўз сўз бирикмаси такрорланади ва шунинг ўзи алоҳида интонация билан айтилиб, сўроқ гап тусига киради. Бунда сўзловчини қизиқтирган, унга шубҳали бўлган, унинг учун кутилмаган нарса-ҳодисани билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси такрорланади. Масалан:

Торозибон. — Бор, сен ҳам мажлисга кир, у ерда қизил карвон тўғрисида сўзлашяпти.

*Мўмин. — **Қизил карвон?*** (У. Исмоилов, „Пахта шунғиялари").

Кедров. — Устингиздан шикоят тушди.

*Раҳимов. — **Шикоят?*** (Яшин, „Генерал Раҳимов").

Бундай сўроқ гаплар одатда таажжуб оттенкасига эга бўлади. Махсус интонацияли сўроқ гапларнинг бу тури кўпроқ автор гаписиз ишлатилган кўчирма гапга ўхшайди. Бунда сўзловчи ўз суҳбатдошининг фикр материалидан фойдаланиб, унга янги тон, янги мазмун беради. Масалан:

Мўмин. — Омон ака, пахтага ўт қўйган девона Пўлат ўғри қўлга тушди.

*Омон. — Нима?! **Қўлга тушди?*** (У. Исмоилов, „Зафар").

Бу мисолдаги *Қўлга тушди?* сўроқ гапи аслида *„Қўлга тушди" дейсанми?* тарзида бўлиши керак эди. Бироқ бунда *дейсанми* сўзи айтилмай қолган[5]. Интонация ана шу тушиб қолган сўзнинг ўрнини босган. Бундай тушиб қолишлик одатда эмоционаллик ва экспрессивлик натижасида рўй беради.

б) ***-ми*** юкламасининг айтилмай қолиши натижасида ҳосил бўлган махсус интонацияли сўроқ гаплар. Бундай сўроқ гаплар асосан жонли сўзлашув тилига хос бўлиб, ёзма адабий тилда жуда сийрак учрайди. Бунда интонация сўроқ юкламасининг ўрини босади. Масалан:

— Сиз неча пулга олдингиз?

— Бир юз йигирма сўм.

*— **Пулини ҳам бердингиз?*** (А. Қаҳҳор, „Қанотсиз читтак").

Бундай сўроқ гаплар сўроқ билан бирга шубҳа, тусмол оттенкаларини ҳам билдиради.

---

[4] А. Ғ. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, Синтаксис, Тошкент, 1961, 50-бет.

[5] Шунга ўхшаш фикрни қозоқ тили фактлари асосида М. Б. Балакаев ҳам айтган. Қаранг: М. Б. Балакаев, Современный казахский язык, Синтаксис, Алма-Ата, 1959, стр. 112.

в) сўроқ олмошларининг айтилмай қолиши натижасида ҳосил бўлган махсус интонацияли сўроқ гаплар. Бундай сўроқ гапларда интонация тушиб қолган сўроқ олмошларининг ўрнини босади. Тушиб қолган сўроқ олмошлари нутқ сўзланаётган вазиятдан ва контекстдан билиниб туради. Бундай тушиб қолишлик одатда стилистик талаб билан рўй беради.

Буларда ҳар қандай сўроқ олмоши тушиб қолавермайди, балки кўпинча кесим вазифасидаги *ким*, *нима*, *неча*, *нечанчи*, *қандай*, *қалай* каби сўроқ олмошлари тушиб қолади. Мисоллар:

—*Исминг нима?—деди Горкунов, унинг бетидаги ҳар кунгидан кўра ўзгачароқ нурланишни кўриб.*

—*Турдиев.*

—*Йўқ,* ***исминг?***

—*Мамажон* (Шуҳрат, „Шинелли йиллар“).

—*Айтчи, Хомидвой, муттаҳамлар кимлар эди?*

—*Биттаси тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек!*

Ҳа, ҳа! Ҳали Юсуфбек ҳожининг ўғли дегин! Бизнинг Марғилонни ҳам қонга ботирмоқчи эканлар, муттаҳамлар, ***иккинчиси?***

—*Шу кунларда Отабекка қизини берган марғилонлик Мирзакарим.*

—*Пес песни қоронғида топган экан,* ***учинчиси?***

—*Отабекнинг қули Ҳасанали.*

—***Тўртинчиси?***

Хомид бир оз ўйлаб жавоб берди:

—*Билмадим...Ҳозир Марғилондами, йўқми, андижонлик Акром ҳожи!* (А. Қодирий, „Ўтган кунлар“).

Аҳволлар қалай? ***Соғлиқлар? Ўқишлар? Ота-оналар?*** *(Жонли сўзлашувдан).*

Раис ёза бошлади:

—*Йигитали Полвонов...****„Туғилган йилингиз?“***

Йигитали ер остидан қараб жавоб берди:—1922... (Ҳ. Ғулом, „Олмос қизи“).

Юқоридаги барча ҳолларда махсус интонацияли сўроқ гаплар эллиптик гап шаклида бўлади.

Гапда тахмин, гумон маъносини англатувчи элементларнинг ишлатилиши натижасида рўй берадиган махсус интонацияли сўроқ гаплар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) *шекилли*, *чоғи* модал сўзлари иштирок этган махсус интонацияли сўроқ гаплар. *Хўш, масалани ҳал қилдик шекилли?* (Ойбек, „Олтин водидан шабадалар“). *Тўйгача қўлимни ҳам ушлатмайман дейсиз чоғи?* (Уйғун, „Олтинкўл“).

б) *-са керак* формаси иштирок этган махсус интонацияли сўроқ гаплар: *„Тамомланмаган қисса“ кинофильмига бирга кирганимиз эсингда бўлса керак?* („Муштум“ журнали). *Сафаров Мирхомидўжадан: — Бу иморат отангиздан қолган бўлса керак?—деб сўради* (А. Қаҳҳор, „Қўшчинор чироғлари“).

в) *-дир* юкламасини олган кесим иштирок этган махсус интонацияли сўроқ гаплар: *Бўлмаса, улоқни томоша қилгандирсиз?* (Н. Ёқубов, „Тоғлик йигит“).

—*Бўлар-бўлмасга йиғлаган вақтингиз ҳам бўлгандир?*

—*Бўлган эмас,—деди қиз* (П. Қодиров, „Уч илдиз“).

г) ***-(а)р, -(ма)с*** аффикслари билан ясалган феъл кесим иштирок этган махсус интонацияли сўроқ гаплар: *Бунақада кечгача анча иш қилиб қўярсиз? Кечгача яна уч баравар бўлар?* (А. Қаҳҳор, „Қўшчинор чироғлари“). *Ахир ҳар борганингизда, поччангиз қуруқ қўймас?* (А. Қаҳҳор, „Сароб“).

д) *чиқар* кўмакчи феъли иштирок этган махсус интонацияли сўроқ гаплар. Бундай сўроқ гаплар ҳозирги тилимизда деярли учрамайди. Эҳтимол, булар умуман ўзбек тили учун ётдир: *Масала яна хат устига ўтиб, Отабек қушбегидан сўради:— Қўлингиздаги мактуб билан эҳтимол биз оқланган чиқармиз?* (А. Қодирий, „Ўтган кунлар[6]").

Юқоридаги сўроқ гапларнинг ҳаммаси сўроқ билан бирга тахмин, гумон оттенкаларини ҳам англатади. Бундай гапларда баъзан *балки, эҳтимол* каби модал сўзлар ҳам қўлланиши мумкин. Лекин улар сўроқ гап ҳосил этувчи алоҳида восита саналмайди. Бундай сўзлар тахмин, гумон маъноларини янада бўрттириш, кучайтириш учун хизмат қилади, холос.

Англашиладики, ҳозирги замон ўзбек тилида тахмин, гумон маъносини билдирувчи элементлар иштирок этган гаплар махсус интонация ёрдамида сўроқ гапга айланади. Айрим текширувчилар бундай элементларни сўроқ гап ҳосил этувчи асосий восита сифатида қарайдилар[6]. Бизнингча, бунда сўроқ гап тузиш учун махсус интонация асосий ўринда туради. Тахмин, гумон оттенкасини билдирадиган элементлар эса махсус интонация ёрдамида сўроқ гап тузиш учун замин яратади. Чунки тахмин, гумон оттенкасини англатадиган элементлар иштирок этган гаплар доим сўроқ гап бўлавермайди. Улар дарак гап ҳам бўлиши мумкин. Бундай элементлар иштирок этган гаплар сўроқ мазмунини англатиши учун у гапларда бирор номаълум нарса кўрсатилиши, сўзловчининг шу номаълум нарсани аниқлашга бўлган истаги ифода қилиниши ва тингловчини шу номаълум нарса ҳақида маълумот беришга даъват этилиши керак. Бу функция интонация ёрдамида амалга оширилади. Қуйидаги мисолга эътибор берайлик:

Сўзловчи:— У эртага етиб келса керак?

Тингловчи:— Ҳа, етиб келса керак (Жонли сўзлашувдан).

Демак, гумон, тахмин маъносини билдирадиган элементлар иштирок этган гаплар интонация ёрдамида сўроқ гапга ўтади. Бу табиий ҳолдир: гумон, тахмин маъноси одатда ўзида сўроқ маъносининг элементини сақлаган бўлади.

Биз махсус интонацияли сўроқ гапларнинг асосий типлари ва уларнинг умумий хусусиятларини санаб кўрсатдик (уларнинг бошқа кўринишлари ҳам бор). Шунинг ўзи ҳам кўрсатадики, ҳозирги замон ўзбек тилида сўроқ гапларнинг ёлғиз интонациянинг ўзи ёрдамида тузилиши учун алоҳида шарт-шароитлар керак.

---

[6] З. Х. Тагызаде, Синтаксис современного азербайджанского языка, Баку, 1960, стр. 109 (озарбайжон тилида).

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

Ф. АБДУЛЛАЕВ

Филология фанлари доктори

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек миллий адабий тили ғоят мураккаб ривожланиш ва янгиланиш йўлини босиб ўтди. Адабий тилимизда содир бўлган барча ўзгаришлар совет жамияти тарихий тараққиёти жараёни билан — мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларининг мисли кўрилмаган даражада ўсиши, экономика, фан ва техника, умуман социалистик маданиятимизнинг гуллаб-яшнаши жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Шу давр ичида ўзбек адабий тили социалистик маданиятимизнинг ўткир қуролига, ўзбек тилида сўзлашувчи барча аҳолининг илм-фан, техникани эгаллаш қуролига айланди. Ўзбек миллий адабий тили коммунистик жамият қурилиши даврида ҳам СССР да яшовчи халқларнинг адабий тиллари билан, биринчи навбатда, улуғ рус ҳалқининг миллий адабий тили билан мустаҳкам алоқада бўлади ва бир-бирларини бойитиш асосида тараққий этади. «СССР халқларининг миллий тиллари,— дейилади КПСС Программасида,— халқларнинг биродарона дўстлиги ва ўзаро ишонч шароитида,... тенгҳуқуқлилик ва бир-бирини бойитиш асосида ривожланаверади».

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ғоят ривожланган грамматик формалари ва жуда бой луғат состави билан характерланади. Ўзбек адабий тили ўз ривожланишида иккита асосий манбага суянади.

1. Ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари: жонли тилда мавжуд бўлган барча бойликлардан кенг миқёсда фойдаланиш;

2. Ташқи имконият: айниқса сўнгги 40 — 50 йил ичида улуғ рус тилининг баракали таъсирини сингдириш асосида ривожланиш.

Мазкур иккита асосий манбадан фойдаланиш тилнинг барча яруслари — фонетикада, морфологияда, синтаксисда, айниқса лексика ва фразиологияда очиқ кўринади. Ана шу икки йирик фактор асосида юзага келган ривожланиш тенденцияси ғоят хилма-хил ва мураккабдир. Айрим соҳалар бўйича содир бўлаётган ўзгаришларни очиқ сезиш мумкин (масалан, лексика бўйича), тилнинг бошқа аспектларида юз берган ўзгаришлар дарров сезилавермайди, махсус кузатиш орқалигина уни уқиб олиш мумкин (масалан, морфология ва синтаксис бўйича). Лекин қандай бўлмасин, мазкур ўзгаришларнинг асл манбаини, сабабиятларини чуқур идрок қилиш ва тегишли хулосаларни чиқариш учун мавжуд фактларни атрофлича ўрганиш, синчиклаб текшириш керак.

Ўзбек адабий тилининг фонетикасига алоқадор бўлган масалалар ғоят мураккаб ва оддий кузатиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган тил ҳодисаларидир. Ўз тилимизнинг фонетик структурасидаги ўзгаришлар — унли ва ундошлар системаси, товушларнинг тарихий эволюцияси, сингармонизмнинг функцион чекланиши ва йўқ бўлиб кетиши, чет тилларнинг ўзбек тили фонетик структурасига кўрсатган таъсири натижасида юз берган ўзгаришлар ҳақида кичик бир мақолада сўзлаб бериш имконияти йўқ, албатта. Шунингдек, Совет ҳокимияти йилларида рус тилининг бевосита таъсири билан содир бўлган фонетик ўзгаришлар — рус тилининг специфик товушларини ўзлашаборaётганлиги, шу таъсир натижасида ўзбек тилининг урғу системасининг ривожланиши ва бошқа кўпгина масалалар адабиётда озми-кўпми ёритилган бўлишига қарамай, ҳали кўпгина нарса ноаниқ ҳолича қолаётир, бир қатор назарий масалаларни экспериментал лаборатория методи ёрдамида текшириш талаб қилинади.

* *
*

Ўзбек адабий тилининг морфологик структурасида содир бўлган барча ўзгаришларни юқорида қайд қилинган иккита асосий тенденция бўйича батафсил баён этиш навбатдаги муҳим вазифадир, албатта. Биз бу мақолада мазкур теманинг муҳим моментларини тавсифлаб ўтамиз.

Ўзбек адабий тилининг айниқса сўнгги тараққиёт даврида кўпликни билдирувчи -«лар» аффиксининг функцияси ҳам анча кенгайди. Бу аффикс ўзининг одатдаги функциясидан ташқари (кўплик, умумийлик, чағиштириш каби маъноларн), бошқачароқ вазифаларни ҳам адо эта бошлади.

1. «-лар» аффикси сифатнинг ўзига хос формасини ясайди: *ишчилар шаҳарчаси, болалар боғчаси, пионерлар саройи* каби, лекин «-лар» аффиксини олган биринчи компонентда кўплик идеяси сақланади (қиёс

қилинг: *коммунистлар партияси—коммунистик партия*). Бир турга кирган предметларнинг жамини билдириш ҳам, бирор предметнинг сорти, хилини англатиш функцияси ҳам ҳозирги тилимизда анча кенгайган: *Газеталар ўқиб турибсизми? Магазиндан китоблар, қаламлар олдим.*

Ўзбек тилидаги келишикларнинг кўп функцияли эканлиги кўпдан маълум нарса. Бу фикр айниқса қаратқич, жўналиш ва чиқиш келишикларига нисбатан тўғридир. Ўзбек адабий тилининг сўнгги ривожланиш даврида келишиклар функциясининг кенгайиши билан бир қаторда қизиқ бир ҳодиса рўй бермоқда: илгари маълум бир функцияда қўлланиб келган келишик аффикси ўрнига худди шу вазифани ўташ учун бошқа келишик аффикси ёки кўмакчили конструкцияни қўллаш ҳодисаси тез-тез учрамоқда, бу эса ўз қаторида параллел грамматик формаларни кўпайтирмоқда, тилнинг функционал имкониятлари чегараси кенгаймоқда. Бир-иккита мисол келтирамиз: **ўйламоқ** феъли одатда тушум келишигини бошқаради: *Шуни бир* **ўйлаб кўр**, *отангни* **ўйламадингми?** каби. Шу билан бир қаторда, *бу ҳақда (тўғрида) ўйламоқ, бунинг устида ўйламоқ* каби кўмакчили конструкциялар ҳам ғоят кенг қўлланади. Сўнгги иккала конструкция (кўмакчи билан ишлатилган конструкция), фикримизча, рус тилининг бевосита таъсири билан ривожланган.

Воситали тўлдирувчи + воситасиз тўлдирувчи типидаги конструкциялар **тиламоқ, истамоқ, орзу қилмоқ** каби феъллар билан бирикиб келганда одатдаги жўналиш келишиги ўрнига ўрин-пайт келишиги формасини қўллаш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради: **Ишингизга — ишингизда** *муваффақият тилайман, оилавий* **ҳаётингизда** *бардамлик тилайман* каби, лекин **сизга соғлиқ** *тилайман*. Бу мисолларда ҳам рус (*желаю успехов в вашей личной жизни*) конструкциясининг таъсири борлиги сезилиб турибди.

Қулмоқ феъли одатда жўналиш келишигини талаб қилади (**Бировга** *кулмагин зинҳор*, **сенга** *ҳам кулгучилар бор*). Сўнги 20—30 йил ичида-дан **кулмоқ, устидан кулмоқ** типидаги конструкциялар ҳам ривожланди. Бу типдаги бошқарувда ҳам рус тилининг таъсири кўринади: **смеяться над кем, чем; кимнинг, нимани устидан кулмоқ.**

Яна қиёс қилинг: **устида ўйламоқ, устида ишламоқ, устида бош қотирмоқ, китоб устида ўтирмоқ** (русчаси: **думать над чем, ломать голову над чем, сидеть над книгой**). Шундай ўйлаб кўрганда **китоб устида ўтирмоқ** ибораси ҳеч мантиққа тўғри келмагандек бўлиб сезилади, лекин оғзаки ва ёзма нутқимизда ҳар кун, ҳар соат мазкур конструкцияларни ўзимиз ишлатамиз. Бу типдаги бирикмалар аста-секин ихчам ибора тусини олиб, қўлланиш доираси борган сари кенгаймоқда Русча инфинитивли бирикманинг ўзбек тилида жўналиш келишиги билан берилишида ҳам қандайдир боғланиш борга ўхшайди: **Ухлашга қўймайди — не даёт спать, боришга қўймайди — не даёт идти** каби мисоллар шунга далолат қилади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида яна шундай бошқарув типлари учрайдики, бошқарилувчи рус тилидан олинган сўз, бошқарувчи эса ўзбек сўзи (асосан феъл) бўлади. Бирор предметни англатувчи бундай сўзлар янги тушунчани ифода этганлиги учун бўлса керак, маълум феъл билан бириккан сўзнинг бошқарилув формаси ҳар хил бўлади (турли келишик аффиксларини олади ёки кўмакчили конструкция ясайди), бошқарувчи сўз ҳам баъзан ҳар хил бўлади. Бундай бирикмаларга нисбатан бирор қоида бериш ҳам қийин: **телефонда гапиришмоқ, телефондан гапиришмоқ, телефон орқали гапиришмоқ, телефон билан гапиришмоқ; телефон қилмоқ, телефон қоқмоқ** (қиёс қилинг: **звонить қилмоқ**); **телеграмм қоқмоқ, телеграмм бермоқ, телеграмм қилмоқ** каби.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида феъл категорияларидаги айрим форма ясовчи аффиксларнинг функцияси ҳам кенгаймоқда, бир қатор аффиксларнинг функциясида қайта бўлиниш ҳодисаси, яъни бир аффикс бажариб келган вазифанинг иккинчисига ўтиш ҳоллари қайд қилинмоқда.

«-Ялти» аффиксининг адабий тилга кириш тарихи 50—60 йилдан нарига ўтмайди. Дастлаб **«-ялти»** аффикси ва унинг айрим фонетик вариантлари айни ҳозирги замон маъносини ифодалар эди. Унинг мазкур функцияда қўлланиш доираси ҳатто 1920-йилларда ҳам жуда чекланган эди. (Масалан, Абдулла Қодирийнинг тарихий романларида бу форманинг деярли барча вазифаларини ҳозирги-келаси замон феъл формаси бажаради — **келяпти** ўрнига **келадур**). Ҳозирги тилимизда **«-ялти»** ўз функциясини анча кенгайтирди.

1929 йилда қонунлаштирилган **«-ётир»** формаси асосан Хоразм шеваларидан олинган бўлиб, ҳозирча адабий тилнинг ёзма тури учун — асосан юқори услубда ёзилган шеърий нутқда, вақтли матбуот тилида феълнинг умумий замонини билдирувчи форма сифатида ишлатилади ва бадиий адабиётда унинг ишлатилиш доираси анча чекланган.

Хоразм шеваларига хос бўлган **«-жак»** формаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин (бу аффикс аниқ келаси замон феълини ясайди). Шеърий нутқда бу форманинг ишлатилиш доираси анча кенг:

Енгажак *мутлақо ленинча ғоя,*
Бизнинг кўчада ҳам байрам **бўлажак**
(Ғафур Ғулом).

Лекин марказий шаҳар шеваларининг вакиллари тилида **«-жак»** формаси айрим бирикмалардагина учрайди: **келажак** *йил,* **бўлажак** *тўйимиз,* лекин **ёзажак** *хат* тарзида учрамайди.

Фъел формаларидан **«-гунча»** ва **«-ганча»** аффиксларининг маъноларидаги фарқланиш ҳам диққатга сазовордир. Ҳозирги тилда **«-гунча»** пайт равишдоши формасини ясайди, **«-ганча»** эса қиёслаш, чоғиштириш маъноларини ифодалайди. Келиб чиқиши эътибори билан бу икки аффикснинг негизи бир

эканлиги кўпдан маълум. *У* **келгунча** *қараб тур; иш сен* **ўйлаганча** *бўлиб чиқмади* каби.

От категориясидаги баъзи сўз ясовчи аффикларнинг функционал ривожи ҳам адабий тилимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг жуда муҳим бир қисмини ташкил қилади: **-чи, -ли, -лик, -ча, -ма, -лаш, -дош** ва ш. к.: **учувчи**, ботирларча **таъминотчи, замондош, издош, кандидатлик, орденли, сульфатли** (кислота) каби.

Шу муносабат билан «-чилик» аффиксининг жуда хилма-хил ва мураккаб функциялари ҳақида гапириш ўринлидир. Эски адабий тилимизда (XIV—XVI аср ёдгорликлари тилида) **«-чилик»** аффикси камҳосил қўшимчалардан ҳисобланиб, маълум касбни, машғулотни билдирар эди: («Тафсир»—XIV аср ёдгорлиги); **офтобачилик, ғунчачилик**—канизаклик, «Бобирнома»—XVI аср ёдгорлиги). Ҳатто 1905—1917 йилларда ҳам бу аффикснинг қўлланиш доираси жуда ҳам тор бўлган[1].

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида **«-чилик»** аффиксининг қўлланиш доираси роят кенг, англатган маъноларн эса хилма-хилдир. Бу аффикс бирор касб, машғулот оти, бирор нарсага, идеяга мойиллик, интилиш каби маъноларни билдирувчи от ясайди: **деҳқончилик, далачилик, кустарчилик, қўйчилик, чеварчилик, чизмачилик, сўлчилик, оғмачилик, султоналиевчилик, троцкийчилик** каби. «-чилик» аффикси ёрдамида ясалган отларнинг маъно турлари шуни кўрсатадики, бу аффикс жуда кўп ҳолларда «-лик» аффикси ўтаган вазифани бажаради. Ҳозирги тилимизда бу иккала аффиксни параллел қўллаш фактлари процесс ҳали тугамаганлидан дарак беради: **кулоллик — кулолчилик, камбағаллик — кабағалчилик, тириклик — тирикчилик** каби. Бу мисолларнинг айримларида маъно фарқи очиқ сезилади: **чеварлик** — шу касб билан шуғулланувчи шахснинг маҳорати маъноси бор, **чеварчилик** сўзида эса умуман касб англашилади. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг биридa бу иккн аффикс қўшилиб келган сўзлар ўртасидаги нозик маъновий фарқ яхши очилган: — *Менга текканингда,* **камбағаллигимни** *билмасмидинг?*

Камбағалчилик *ўлсин!* (**камбағалчилик** — камбағал одамларнинг яшаш равиши, ҳаёт кечириши).

Бу мураккаб аффикс қўшилиб келган сўзларнинг англатган маъноларн борган сари кенгайди ва «-лик», «-чилик» ли сўзлар маъносида баъзан кескин фарқ юзага келди: **озлик—озчилик, камлик—камчилик, кўплик—кўпчилик** (русча сўзларнинг маъносини қиёс қилинг: **малость—недостаток, множество—большинство**); **бошлиқ—бошчилик** (русчаси: **главарь—глава—руководство**), **отлиқ, отчилик** ва ш. к.

Бу аффикси қўллаш доирасининг ниҳоят даражада кенгайиб кетиши, шубҳасиз, совет даврида меҳнатни тақсимлаш процессининг ривожланиши билан маҳкам боғлангандир.

Ҳозирги адабий тилимизда рус тилининг таъсири билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим ҳодисани қайд қилиб ўтмоқ зарур. Сифатот ясовчи айрим аффикслар тилимизга рус ва интернационал сўзлар билан бирга кирган, кейинчалик грамматик асарларда уларни алоҳида категориядаги сўзларни ясовчи элемент сифатида қайд қила бошладилар: **-изм, -ист, -ер, -ка** (**комсомолка, артистка** каби), **-ал, -ив, -ик, -он, -ческий** каби. Совет-интернационал сўзлар миқдори оша борган сари бу хилдаги аффиксларни қўллаш доираси ҳам кенгайди. Мазкур элементлардан айримларнинг манбаи равшан, масалан, **-ческий, -ка** каби аффикслар бевосита рус тилидан кирган ва улар фақат рус тилидан олинган сўзлар билан ишлатилади. Лекин интернационал сўзларга қўшилиб ишлатиладиган, **-ер, -он, -ик** каби элементларнинг қайси тилдан ва қандай йўллар билан кириб келганлиги унча аниқланганича йўқ. **Марксистик** сўзини морфологик қисмларга ажратиш мумкин, лекин **актуал, пассив** каби сўзларнинг морфологик состави изоҳлашни талаб этади. Бу сўзларда нимага асосланиб **-ал** ва **-ив** элементларини ажратамиз?

Мазкур аффикслардан **-ик -он, ал**нинг кириб келиш манбаи ҳақида икки хил мулоҳаза баён қилиш мумкин. Бу аффикслар 1905—1917 йилларда чиққан вақтли матбуот тилида интернационал сўзлар составида учрайди: **электрик лампа, социал-революционер** каби (лекин **революционный матросларр**). **-Он** аффикси русча вариантнинг охиридаги **«-ный»** суффиксини қисқартиш йўли билан ҳосил бўлган, деб фараз қилиш мумкин, **социал-демократ** типидаги форма эса, аналогия бўйича **социал, коммунал** каби ясалишни юзага келтирган. Аста-секин сўз охиридаги **«-ный»** суффиксини олиб ташлаш системага кириб, бошқа сўзлар ҳам шу тарзда ясалаверган.

Мазкур аффикслларнинг келиб кириши ҳақидаги иккинчи мулоҳаза шундан иборатки, шу хилдаги қўшимча олган айрим сўзлар ўз вақтида усмонли турк ва озарбайжон тилларидан, бу тилларга эса ўз қаторида француз тилидан ўтгандир (француз тилида: **revolution**—революция; **revolutionnaire**—революион, революционер; **economie**—экономика; **economique**—экономик; **morphologie** — морфология; **morphologique**—морфологик). Дастлаб бундай аффикс олган сўзлар сони жуда оз бўлган, кейинчалик аналогия йўли билан бошқа сўзларга ҳам қўшилаверган. Акс ҳолда бундай аффикс олган сўзларни бевосита француз тилидан ўзбек адабий тилига кириб келиши эҳтимолдан жуда узоқдир. Қандай бўлмасин, бу хилдаги аффиклар бошқа туркий тилларга нисбатан бизда кўпроқ ишлатилади. Чоғиштиринг: қозоқ тилида—**фонетикалық, морфологиялық; ленинші л, марксыл**; озарбайжон тилида—**морфоложи, социализм йарышы** (социалистик мусобақа).

[1] А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, Советское Востоковедение, VII, 1949, стр. 32; А. К. Боровков, Узбекский литературный язык в период 1905—1917 г., Ташкент, 1941.

Ўзбек адабий тилида композиция йўли билан сўз ясаш доираси ҳам сезиларли равишда кенгайди; қўшма сўзларни ясашда асл ўзбек сўзлари билан бир қаторда бошқа тиллардан кирган сўз ва терминлар ҳам тенг ҳуқуқли компонент сифатида иштироқ қилади: **кўпмингчи, эрксевар, байрамолди, октябролди, ультраҳизил, бешқиррали, сўзбоши, тинчликсевар каби.** Қисқартиш йўли билан қўшма сўз ясаш илгари ўзбек тилида учрамас эди. Бу усул бевосита рус тилидан кирган қисқартма сўзлар таъсири билан юзага келган бўлиши шубҳасиздир: **БМТ** (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), **Ўздавнашр, Ўзкитоб** каби. Сўзлашув тилида баъзан **тўм** (тўлиқсиз ўрта мактаб) каби қисқартишлар учрайди.

Эски ўзбек адабий тилида жуфтлаш йўли билан сўз ясашнинг айрим турларигина онда-сонда қўлланар эди. Айниқса совет ҳокимияти йилларида бу усулнинг жуда кўп турлари ривожланди (текширувчилар жуфтлашувнинг қирққа яқин турини қайд қилганлар). **Озиқ-овқат, йўл-йўриқ** типидаги жуфт сўзлар ҳақида гап бораётгани йўқ, албатта. Синонимик такрорнинг бундай турлари, шунингдек, айнан бир ўзакни такрорлаш турлари эски тилимизда ҳам учрайди. Жуфтлашувнинг шундай турлари борки (масалан, **от-пот, пала-партиш, апил-тапил, қора-қура, патир-сатир** каби), уларнинг асосий кўпчилиги классик тилимизда учрамайди ва янги даврда жонли тилдан ҳозирги адабий тилимизга киргандир.

Ниҳоят, ҳозирги адабий тилимизда ҳам, барча жонли шеваларимизда ҳам фамилия, отанинг исмини ясовчи **«-ов» «-ев», «-овна» — «-евна», «-ович», «-евич»** каби рус суффикслари кенг миқёсда ишлатилмоқда. Илгари **қизи, ўғли, зода, -ий** (ён нисбий) воситаси билан юзага келадиган ясалишлар деярли учрамайди: **Хосият Икромовна Ибраҳимова, Карим Иўлдошевич Қурбанов** каби.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг синтаксисида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларни эски конструкциялар функцияларининг кенгайишида ҳам, янги типдаги синтактик боғланишларда ҳам очиқ кўриш мумкин. Шу ўзгаришлардан айримларини қайд қилиб ўтамиз.

Ҳозирги замон ўзбек тилида, кўпроқ жонли сўзлашув тилида бирор бўлакни ажратиб кўрсатиш, таъкидлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда гапдаги сўз тартибида озми-кўпми ўзгариш содир бўлмоқда.

Дикторлар ва конферансье нутқида: **Ашулани ижро этади Клара Жалилова; Шеърни ўқийди авторнинг ўзи** каби. Бу мисолларда ги эга ва кесимнинг гапдаги тартиби рус тилидаги тартибга мос келади. **(Песню исполняет;.. Стихи читает..**). Нотиқнинг тантанали нутқида: **Ижозат берасиз...табриклашга;** Абдулла Қаҳҳорнинг бир фельетонида нотиқ ўз хотинига шундай мурожаат қилади: **Ўртоқ рафиқам, ижозат берасиз, ...сизни бевосита табрик қилишга!** («Нутқ»).

Ўзбек тилининг тарихий ёдгорликларида, оғзаки халқ ижодида от бошқарувнинг айрим фактлари учрайди. Ҳозирги тилимизда бу типдаги бошқарувни қўллаш жуда кенг тус олди. Мақолларда: меҳнатда—**роҳат, яхшиликка—яхшилик, ҳаракатда—баракат каби;** вақтли матбуот тилида: **пахтадан мўл ҳосил! Мактабдан ишга! Ҳамма пахта теримига! Жаҳонга тинчлик! Энг яхши нарса—болаларга!** Бу типдаги мисоллар кўпроқ шиорларда, газета ва журналларнинг сарлавҳаларида учрайди. Бу хилдаги бошқарув турлари рус тилининг бевосита таъсири билан, биринчи навбатда айнан таржима қилиш йўли билан яна ҳам ривожланган бўлиши мумкин[2].

Бундан ташқари, адабий тилимизда турли типдаги кириш сўз, ибора ва кириш гаплар ҳам ривожланди; шунингдек, ажратилган бўлаклар аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ҳар хил ажратилган изоҳловчиларни қўллаш турли даражада кенгайди ва ривож топди. **Фурсатинг борми, қайнатангдан, Зуннунхўжадан, сўраб келдингми?** (А .Қаҳҳор) ва ш. к.

Ҳозирги адабий тилимизда номинатив (атов) гап тузишнинг ҳар хил турлари ҳам жуда ривожланган. Текширувчиларнинг қайд этишига кўра, ёзув ёдгорликларидан то XIX асрнинг охирларига қадар номинатив гап типлари учрамайди[3]. Бу нарса, турли типдаги номинатив гап конструкциялари (**албатта, бадиий асарлар тилида,** айниқса шеърият тилида) рус тилининг таъсирида юзага келган, деган фикрни баён этишга ҳуқуқ беради. Қиёс қилинг: **Навбаҳор. Очилди гуллар, сабза бўлди боғлар...** (Муқимий).

Бадиий адабиёт тилида боғловчили конструкция билан параллел равишда равишдошли оборот ҳам кенг қўлланилади, расмий ҳужжатларда вақтли матбуот тилида, аксинча, ҳоҳ содда гапда, ҳоҳ қўшма гапли конструкцияда, равишдошли оборот анча кам ишлатилади. Жонли сўзлашув тилида: **Бошим оғриб, ишга чиқа олмадим;** шеърий нутқда: **Бошимизга ғам тушиб, шодликни унутганмиз** (Ҳ. Олимжон); **Узоқ вақт танқид кўрмай, жуда нозик бўлиб кетибсиз** (А. Қаҳҳор). Бу типдаги равишдошли оборотларни эркин суратда боғловчили конструкция билан алмаштириш мумкин (**Узоқ вақт танқид кўрмаганлигингиз учун, нозик бўлиб кетибсиз; Бошим оғриганлиги сабабли ишга чиқалмадим** каби). Шуни айтиш керакки, бундай гап тузишнинг боғловчили тури кўпроқ матбуот тилига, расмий ҳужжатлар тилига хосдир.

Турли типдаги сифатдош оборотлари билан параллел равишда боғловчили конструкцияларни ишлатишда ҳам шу ҳолни кўрамиз, фақат фарқ шундаки, бадиий ада-

---

[2] А. Г. Гулямов, Развитие узбекского литературного языка в советский период, «Известия АН УзССР», 5, Ташкент, 1948, 15—23-betlar.

[3] Х. Гафуров, Номинативные предложения в современном узбекском языке, Ташкент, 1962 (Автореферат кандидатской диссертации).

бнёт тилида, айниқса аниқловчи эргаш гапли қўшима гапларда, боғловчили конструкция кўпроқ учрайди; **Қандай ёмон иш эканки, бошқа йўл тополмайсиз!** (А. Қаҳҳор); **Раҳмат райкомгаки, ҳар ишда йўл-йўриқ кўрсатди, гамхўрлик қилди** (Ойбек); вақтли матбуот тилида бу типдаги қўшма гаплар сифатдош оборoти билан берилади.

Сабаб эргаш гапли қўшма гапларда ҳам шу ҳолни кўрамиз: **Уқиш билан шунча овора бўлиб кетдики, бу ҳақда ўйлашга фурсат ҳам бўлмади** (Ш. Рашидов). Сўзлашув тилида, бадиий адабиётнинг турли жанрлари бўйича «**деб**» боғловчисининг иштироки билан тўлдирувчи эргаш гап тузиш анча ривожланган, лекин «**-ки**» боғловчисининг иштирокида тузилган конструкция камроқ учрайди; газета тилида: **Лекин ҳозирдаёқ айтиш мумкинки, космик радиация уларга ҳеч қандай зарарли таъсир ўтказгани йўқ.** Оддий сўзлашув тилида бу гап «**деб**» боғловчиси ёрдамида тузилган конструкция билан ҳам берилиши мумкин. Жонли сўзлашув тилида, вақтли матбуот ва сатира—юмор асарлари тилида русча **который, когда,** где боғловчилари иштирокида тузилган конструкцияларни эслатувчи эргаш гапли қўшма гаплар тез-тез учраб туради: **Биз мукофот бердик, қайсики, яхши ишлаганларга; Мен бу сирни сизга айтаман, қачонки, ўз ваъдангизни бажарсангиз.** Бадиий адабиётда: **Киши қай вақт турмуш қуради? Шу вақт турмуш қуради, қачонки,...** (А. Қаҳҳор). Бадиий адабиётда **-ки** боғловчиси иштирок қилган турли типдаги эргаш гапли қўшма гаплар кенг қўламда қўлланилади: **Ленинга минг-минг раҳматки, ўзи азоб чекиб, бизларни озодлиқ қутқарди** (А. Қаҳҳор); **Дунё яралмишки, бу офтоб бор** (F.Ғулом).

Республикамизда бадиий адабиёт, публицистик, илмий-оммабоп асарларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш иши ғоят кенгайди. Шу муносабат билан жуда мураккаб турдаги қўшма гаплар, қўчирма гапли конструкциялар ривожланди. Кўчирма гапларнинг АҚАҚ, КАКА ва камроқ АҚАКА типидаги кўринишлари, шубҳасиз, рус тилининг бевосита таъсири натижасида ривожланди. Турли типдаги эргаш гапларни ўз ичига олган мураккаб конструкцияларнинг ривожи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигининг ғоят ўсиши, фан ва техниканинг мислсиз ривожланиши, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятимизнинг гуллаши, умуман ўзбек халқининг ижодий ва руҳий ҳаётида содир бўлган революцион ўзгаришлар, табиий, биринчи навбатда тилимизнинг луғат составида ўз аксини топмоғи керак эди. Шу муносабат билан айниқса ўттизинчи йилларнинг бошида луғат составини тобора тўлдириш, турли-туман соҳалар бўйича пайдо бўлаётган янгидан-янги тушунчаларини ифода этиш зарурияти, биринчи навбатда, илмий-техника терминологияси яратишга бўлган эҳтиёж ниҳоят зўр эди[4]. Бу эҳтиёжни қоплашнинг биринчи ва асосий мабаи ўзбек тилининг жонли шевалари бўлди. Территориал диалектлардан адабий тилга кўплаб сўз ва терминлар олинди ва зарурият туғилар экан, сўз олиш бундай кейин ҳам давом этади. Бу хилдаги терминлар ҳаётнинг турли соҳаларида—саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳамда унинг хилма-хил тармоқлари, фан, техника, умуман маданий қурилишнинг барча соҳаларида ишлатилмоқда. Айрим хўжалик тармоқлари ривожланган йирик иқтисодий районлар (пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик, боғдорчилик, балиқчилик, овчилик ва ҳоказо ривожланган районлар) территориясида тарқалган жонли шевалар адабий тилимиз лексикасининг ривожлнишида асосий манба вазифасини ўтаб келмоқдалар[5].

Ўзбек адабий тилини ривожлантиришда қолиши ўзбек совет ёзувчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг қилган хизматлари каттадир. Улар яратган бадиий асарлар тили лексикаси ўзбек адабий тили луғат составининг асосини ташкил этади.

Бир қатор тарихий сабабларга кўра совет давридаги ўзбек тили тарихи айниқса лексика соҳасида шу даврдаги рус тили тарихи билан чамбарчас боғланиб кетади. Лексикада содир бўлган ва бўлаётган барча ўзгаришларни объектив баҳолаш, унинг ривожланиш йўлларини чуқур ўрганиб, даврлаштириш (периодезация қилиш) ўзбек адабий тилига бирор сўз қайси тилдан ва қай вақтда кириб келганлигини аниқлашнигина эмас, балки шу билан бир қаторда биринчи навбатда у ёки бу сўз ва терминнинг умуман ўзбек тилида яратилиши ёки пайдо бўлиши тарихини аниқлашни талаб қилади. Бирор сўз калька йўли билан юзага келдими, эски сўз янги маънода ишлатила бошладими, барибир, ҳар иккала ҳолат ҳам тилимиз тарихи учун ғоят муҳимдир.

Масалан, рус тилидан калькалаш йўли билан кирган шанбалик **(субботник)** сўзи ўзбек адабий тилида 1920 йилдан илгари пайдо бўлиши мумкин эмас эди, чунки бу сўз рус тилининг ўзида 1919 йилда яратилган (аниқроғи, 1919 йил 10 май); **ударник** сўзи рус тилида 1929 йилда юзага келди, **беш йиллик** 1929 йилда (март — апрель), **колхоз** — 1920 йилларнинг охирида, **стахановец** — 1935 йилда (август), **радио** — 1920 йиллар ўртасида, **целинник** — 1954 — 1955 йилларда пайдо бўлди.

Рус адабий тили лексикасида пайдо бўлган янгиликларнинг тарихий датасига асосланиб туриб, ўзбек тилида калькалаш йўли билан юзага келган янги сўзларнинг хронологиясини ҳам аниқ белгилаш мумкин.

---

[4] Ф. Қ. Қамоловнинг «Ўзбек тилининг лексикаси» номли ишида маълумот кенгроқ берилган (Тошкент, 1952).

[5] Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари,.. 205-бет.

Тахминан 1932 йилнинг биринчи яримларида вақтли матбуот тилида янги бир сўз — **ишчил** (ва **ишчиллик**) сўзининг ишлатила бошлаганлиги қайд қилинган эди. У вақтларда бу сўз русча **последовательный** ва **последовательность**) сўзининг калькаси (айнан таржимаси) эканлиги, шунинг сингари пайдо бўлган жуда кўп сўз ва терминлар кузатилмаган эди: **последовательный — ишчил; последовательность — ишчиллик** каби. Турли соҳалар бўйича пайдо бўлган юзлаб янги сўзлар борки (геометрияда: **учбурчак, тўғри чизиқ, тенглама** каби, химияда: **иссиқсиғим, аралашма, қотишма, кўшилма** каби; тилшуносликда: **келишик, қаратқич, эргаш гап, эга, кесим** каби), уларнинг тилимизда қўлланиш тарихи ҳозиргача аниқланганги йўқ.

Бу соҳада олиб бориладиган ишимиз ўз вақтида эълон қилинган терминологик ва бошқа турдаги луғатларгагина суяниб қолмасдан (у ёки бу сўз луғат нашр қилинмасдан анча илгари амалда қўлланган бўлиши мумкин), ундан ҳам мўътабарроқ манбаларни, биринчи навбатда, ҳар қандай янгиликнинг жарчиси бўлган вақтли матбуот ва унинг хилма-хил турларини, программа ва дарсликларни, ижтимоий-сиёсий техника адабиётларни синчиклаб ўрганиб чиқишни талаб этади. Янги сўз ва терминларнинг яратилиш тарихи билан қизиқар эканмиз, биринчи навбатда асосий диққат улуғвор бешйилликлар даврига, ўттизинчи йилларга ва коммунизм қурилиши авж олдирилган ҳозирги даврга қаратилиши керак, чунки бу даврларда мамлакатимиз тарихида, халқимиз тарихида совет кишиларининг ҳаётида жуда катта ўзгаришлар, революцион силжиш ва ажойиб янгиликлар юзага келди.

Ўзбек адабий тили лексикасининг семантик ривожи масаласи ҳам ғоят мураккаб ва қизиқдир, шу билан бир қаторда, деярли ўрганилмаган соҳадир. Лексиканинг бу томондан ривожланиши эски сўзларни социал бўёқ бериш йўли билан янги маънода қўллаш ҳам, сўзларни кўчма маънода ишлатиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, жамиятимизнинг ижтимоий структураси билан, совет кишисининг янги ҳаётий муносабатлари, янги ахлоқ нормалари, янги урф-одатлари билан маҳкам боғлиқдир.

Баъзи мисолларни келтирамиз: **ишчи** сўзи ажойиб шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзоданинг революцион поэзияси туфайлигина тилимизда кенг миқёсда қўллана бошлади. Бугина эмас, Ҳамза ўзининг «Ишчилар, уйғон» каби шеърларида **ишчи** сўзининг ўтмишдаги ҳақиқий социал маъносини ҳам усталик билан очиб берди. («Бир парча қора куйган нон учун ёшлик чоғингдан ўз кучининг сотиб...») Эски ёзув ёдгорликларида бу сўз жуда кам қўлланган бўлиб, у дастлаб «хизматкор, малай; лойчи» каби маъноларда қўлланган[6]. Ўзбек адабий тилининг кейинги тараққиёт даврларида ҳам бу сўз ўз маъносини ўзгартирмаган эди. 1905—1917-йиллардаги ўзбек адабий тилида, асосан вақтли матбуот тилида, **ишчи** сўзи ўрнига маъноси унча ҳам аниқ бўлмаган арабча **амала** сўзи ишлатилар эди. Баъзан русча **рабочий** сўзини қўллаш ҳам учрарди.

Худди шунингдек, **меҳнат** сўзининг маъносида ҳам жуда катта ўзгариш юз берди. У шон-шараф ишига айланди. Бу сўз эски тилимизда «оғир, машаққатли меҳнат маъносида ишлатилар ва бадиий адабиётда ғам, қайғу сўзларига синоним бўлиб келар эди:

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,
Жонимға бало-у дард ўқин урди фироқ.
(Алишер Навоий).

Рус тилидан олинган **самовар** сўзи ўзбек ва тожик тиллари заминида ўз маъносини кенгайтирди, сув қайнатадиган асбоб билан бир қаторда қўшимча равишда **чойхона** маъносида ҳам ишлатилади («самоворда ош қилиб едик» жумласини қиёс қилинг!). Шунинг қизиқки, руслар ўзбек ва тожик тилларида ишлатиладиган **чойхона** сўзини олиб, унга ўз суффиксларини (-щик) қўшиб, **чайханщик** формасида ишлатадилар, ўзбеклар эса, **самовар** сўзига **-чи** аффиксини қўшиб **самоварчи** шаклида қўллайдилар.

Ўчоқ сўзи рус тилига аслида туркий тиллардан кирган бўлиб, рус тили заминида ўз маъносини кенгайтирган: **очаг** — печь каби асл маъносидан ташқари, манба, бирор нарсанинг тарқалиш манбаи; бирор ташкилот; уй, хонадон, оила каби маъолар касб этган. Қиёс қилинг: очаг культуры, очаг землетрясения, детские очаги ва бошқалар[7]. Бу сўз рус тилидаги янги маъолари билан ўзбек тилига қайтиб кирди: **билим ўчоғи, тарбия ўчоғи. Ташкил** сўзи аслида араб тилидан кирган бўлиб, тарқоқ қисмларни бир жойга тўплаш демакдир, ҳозирги тилимизда уюштириш, тўплаш, бириктириш маъноларига эгадир: **дарсни, лекцияни ташкил қилмоқ; докладни ташкил қилмоқ; чой ичишни, далада иссиқ овқатни ташкил қилмоқ** каби (русчасини қиёс қилинг: **организовать урок, организовать горячий обед на полевом стане**).

Рус тилининг ўзбек тилига қўрсатган таъсири анча чуқур ва органикдир. Узоқ йиллар давомида икки халқ ўртасидаги дўстона муносабат, сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мавжудлиги бу таъсирнинг икки ёқлама, яъни ҳам оғзаки, ҳам ёзма йўл билан ўтишига кенг йўл очиб берди. Бу таъсирнинг кучи тилнинг барча ярусларида — фонетикада, морфологияда, синтаксисда, айниқса лексикада жуда очиқ сезиладики, баъзи аспектлар бўйича биз юқорида қисқа гапириб ўтдик.

Рус тилининг ўзбек тилига бевосита таъсири натижасида калькалаш (айнан тажри-

---

[6] А. К. Боровков, Очерки истории узбекского языка, II, 32-бет.

[7] Рус тилининг тўрт томлик изоҳли луғатига қаралсин, II том, 1030-бет (Н. Д. Ушаков таҳрири остида).

ма) йўли билан ўзбек тилида жуда кўп янги сўз ва терминлар юзага келди, ихчам иборалар, барқарор ва ярим барқарор бирикмалар (фразеологик бирикмалар) пайдо бўлди: **темир йўл (железная дорога), бешйиллик (пятилетка), тўгарак (кружок), учбурчак (треугольник), бешқиррали (пятиконечный, туғруқхона (родильный дом), музёрар (ледокол), изчиллик (последовательность), ўнг оғмачилик (правый уклон), тенглама (уравнение)** ва бошқа сўзлар. Бу йўл янги сўз ясашнинг энг серҳосил усулларидан бири бўлиб, ҳаётимизнинг барча соҳаларида турли-туман тушунчаларни ифода этиш зарурияти билан ривожланмоқда.

Янгидан-янги ихчам иборалар, фразеологик бирикмалар, мақолларни айнан таржима қилиб ишлатиш ҳам борган сари кенгайиб, ривожланмоқда. Айрим мисолларни келтирамиз: **Боши берк кўчага кирмоқ (зайти в тупик), бир ҳовуч арестократлар (горсть арестократов), на тангрига чироқ, на шайтонга косов (ни богу свеча, ни черт кочерга), ҳечдан кеч яхши (лучше поздно, чем никогда), биринчи қалдирғочлар (первые ласточки), зангори кема (голубой корабль), машъалларимиз (наши маяки), дала маликаси (королева полей)** ва ш. к.

Баъзан айрим калькалар таржимоннинг хатоси ёки бошқа сабаблар билан адабий тилга, айниқса вақтли матбуот тилига, тасадифий кириб қолиши ҳам мумкин. Масалан: **калишга ўтирмоқ, ичаги ингичкалик қилади, олдинги число билан, бирор тарихга кириб қолмоқ** ва ш. к. Лекин умуман олганда, келтирилган мисолларнинг кўпчилиги ҳозирги адабий тилимизнинг оғзаки ва ёзма турида ҳам кенг миқёсда қўлланилади ва, бинобарин, улар аста-секин адабий тилимизнинг нормасига айланиб бормоқда[8].

Ниҳоят шуни айтиш керакки, ҳозирги замон ўзбек тилида рўй берган барча ўзгаришларни илмий ўрганиш ўзбек тилшунослигининг энг муҳим проблемаларидан бири бўлиб, бу соҳада қилинган ҳар бир ишнинг натижалари ўзбек адабий тилининг бойиш ва ривожланиш йўлларини — қонуниятларини белгилаб боришга ёрдамлашуви шубҳасиздир.

---

[8] Келтирилган мисолларнинг асосий кўпчилиги вақтли матбуотдан («Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи» газеталари, «Муштум» журнали), илмий мақолалардан олинди.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ОНОМАСТИК СЎЗ ЯСАШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Умумтуркологияда, шунингдек ўзбек тилшунослигида қўшма сўзлар юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида атоқли от материалларига муносабат турличадир. Айрим тадқиқотчилар ўз ишларида атоқли отларга кам мурожаат этсалар[1], баъзи тилшунослар қўшма сўзларга оид проблемалар доирасидан ономастика ва топонимика материалларига чиқариб ташлайлар[2] ёки четлаб ўтадлар[3]. Шу сабабли қўшма сўзлар масаласи тилда киши атоқли отлари ҳамда топонимлар берувчи кўпқиррали бой материаллар негизида илмий текшириш ишлари олиб боришни талаб этади.

Ўзбек тилидаги қўшма исмларнинг ясалиши бошқа хил қўшма сўзлардан фарқланувчи ўзига хос томонларга ҳам эгадир. Бу айниқса қўшма исмлар учун асос бўлувчи сўзларнинг состави, исм компонентлари ўртасидаги семантик ҳамда синтактик муносабатларда, қўшма антропонимлар тузилишининг типик структурал моделларга эгалигида яққол кўринади.

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги қўшма исмлар хилма-хил сўз туркумларининг бирикувидан ташкил топгандир. Материал жиҳатдан ўзбекча қўшма исмлар тубандагича типларга эгалигини қайд этиш мумкин. **от+от:** *Давлатмурод, Гуласал, Зебинисо;* **от + сифат:** *Бахтиазим, Йўляхши, Бойқора, Хонсулув;* **от + феъл:** *Евқочди, Раҳимберди, Избости;* **от + сифатдош** *Тангриберган, Избосар, Уринбосар;* **от+равиш:** *Жонузоқ, Эломон;* **от+модал сўз:** *Оллошукур, Худойшукур;*

Сифат+сифат: *Жаманқора, Эркасари;* **сифат+от:** *Яхшимурод, Ортиқали, Неккадам, Оқбўта, Оққиз,* **сифат+феъл:** *Азизберди, Оқберди;* **сифат+равиш:** *Нурлиғоят, Саидафзал;* **сифат+сифатдош** *Оқтурғон* (ган); **сон+от:** *Мингназар, Юзбош, Бешбой;* **сон+сифат:** *Мингдона;* **сон+феъл:** *Мингкес;* **сон+сифатдош:** *Мингяшар;* **олмош + от:** *Кимсанназар, Кимсанқул;* **феъл + от:** *Турсоат, Тўхтамурод, Унсунбиби;* **равиш+от:** *Омонбобо, Эсанбобо;* **равиш+феъл:** *Хушкелди, Эсонкелди;* **равишдош + феъл:** *Топиболди, Сотиболди;* ҳаракат номи+от: *Тиловмурод;* **ҳаракат номи + феъл:** *Тиловберди;* **ундов + от:** *Оқйигит;* **модал (ёрдамчи) сўз + феъл:** *Бурбўлсин* ва б.

Ўзбекча қўшма исмларни ташкил этган компонентлар учун асос бўлган сўзларнинг морфологик таркиби ҳам хилма-хилдир. Қўшма сўзларнинг морфологик таркиби ҳамда тузилишини белгилаш учун айрим тилшунослар «ўзак», «ясама негиз»[4], «элементи қўшимчали», «элементи қўшимчасиз»[5] деган терминлардан фойдаланганлар. Ономастикада турли грамматик шакллар асосан сўз ўзагига қўшилиб келади .Шу сабабли биз қўшма исм компонентларининг морфологик таркибини белгилашда **ўзак, қўшимчали ўзак** ва **қўшимчасиз ўзак** терминидан фойдаланганимиз ҳолда ўзбекча қўшма исмларнинг шундай шаклларига эгалигини қайд этамиз: 1) **ўзак+ўзак типи:** *Ойнур, Тоштемир, Оқтош;* 2) **ўзак+қўшимчали ўзак типи:** *Бахти+ёр, Келди+бек, Йўлдош+мирза;* 3) **қўшимчали ўзак+қўшимчали ўзак** типи: *Сотиб+олди, Лутфи+хоним* сингари.

Тилдаги қўшма сўзлар, одатда турли типдаги сўз бирикмаларидан ўсиб чиққан бўлади[6]. Сўз бирикмаси қўшма сўзга айлан-

---

[1] Б. Мадалиев, Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар, «Илмий ишлар тўплами», Фарғона, 1958, 3, 10, 15 ва б. бетлар; С. Н. Муратов, Устойчивые словосочетания в тюркских языках, ИВЛ, Москва, 1961, стр. 58 — 59, 94 — 95 и др.

[2] Адиль Ермаков, Семантика слитных слов в қазахской лексике, автореферат, Алма-Ата, 1950; М. И. Адилов, Сложные слова в современном азербайджанском языке, автореферат, Баку, 1958 и др.

[3] Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳожиев, Қўшма сўзларнинг имло қоидалари ва луғати, «Ўрта ва олий мактаб», Тошкент, 1961, 11-бет, А. Ҳожиев, Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Тошкент, 1963 ва б.

[4] С. Н. Муратов, Устойчивые словосочетания в тюркских языках, ИВЛ, Москва, 1961, стр. 46.

[5] Б. Мадалиев, Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар, 16 — 15-бетлар.

[6] А. Ҳожиев, Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар, Ўз ФА нашриёти, Тошкент, 1963, 8-бет.

ганда, сўзлар орасидаги синтактик алоқа йўқолади, улар фонетик жиҳатдан ҳам бирикади ва бир бош урғуга эга бўлади[7]. Қўшма сўзлар табиати учун хос бўлган кўрсатилган грамматик хусусиятлар ўзбек тилидаги қўшма исмлар учун ҳам тегишлидир. Лекин ономастик сўз ясаш қўшма сўзлар ясалишидаги баъзи бир ўзига хос томонлар билан фарқланади. Қўшма исмлар тилдаги тайёр қўшма сўзлардан (*атиргул — Атиргул, оқгул — Оқгул*) ёки атоқли от сифатида вужудга келган қўшма сўзлардан (*Мелихол, Холшакар*) ясалган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда қўшма исм ўз бошидан уч хил шакланиш процессини кечиради бўлади: 1) *қизил гул* — сўз бирикмаси; 2) *қизилгул* — қўшма сўз; 3) *Қизилгул* — киши исми. Кўрсатилган грамматик белгиларга кўра ўзбек қўшма исмларига асос бўлган лексемаларни икки группага ажратамиз: I) киши исми сифатида юзага келган қўшма сўзлар; 2) қўшма сўз сифатида аввалдан мавжуд бўлиб, кейинчалик исмга кўчган сўзлар. Биринчи группа қўшма сўзлар ономастик сўз ясаш хусусиятларини характерловчи муҳим фактордир.

Ўзбек тилидаги қўшма исмларни исм компонентлари ўртасида аслида мавжуд бўлган семантик ҳамда синтактик муносабатларга кўра уч группага ажратиш мумкин:

I. Компонентлари тобе бирикувга асосланган қўшма исмлар.

II. Компонентлари тенг бирикувга асосланган қўшма исмлар;

III Туташиш орқали юзага келган қўшма исмлар ёки туташган номлар.

Компонентлари тобе бирикувга асосланган қўшма исмларда исм компонентлари бириккинчисини аниқлаш, изоҳлаш, тўлдириш маъно муносабатларига эга бўлади. Шунга кўра грамматик жиҳатдан исм компонентларидан бири ҳоким, иккинчиси эса унга тобе бўлади. Атоқли от сифатида қўшма исмнинг ҳар иккала компоненти бирликда битта сўзга тенгдир. Қўшма исм компонентлари ўртасидаги семантик ҳамда грамматик муносабатлари ўрганиш қўшма номнинг пайдо бўлиши учун асос белган синтактик қонуниятлар ва исмнинг генетик белгиларини очиш учун хизмат қилади.

Компонентлари тобе бирикувга асосланган қўшма исмларга ўзбек ономастикасидаги тубандагы тип киши номлари киради: 1) аниқловчи+аниқланмиш типидаги қўшма исмлар: *Соҳибжамол, Улуғмурод.* Бу тип икки хил: а) сифатловчи+сифатланмиш хусусиятига: *Атиргул, Оқбўта* ва б) қаратқич+қаралмиш хусусиятига: *Ойнур, Тўйқиз* эгадир. 2) қўшма кесим типидаги қўшма исмлар: *Улбўсин* (*Ўғил бўлсин*) — (У) ўғил бўлсин, *Эшбўлсин* — (У) эш бўлсин; 3) эга+кесим типидаги қўшма исмлар: *Эгамберди, Хонкелди;* 4) тўлдирувчи+кесим типидаги қўшма исмлар: *Юлдузқоқ*—(сен) юлдузни қоқ, *Избости* — (У) изни босди (ёки босади), *Оллошукур*—оллоҳга шукур. Бу типга иккинчи компоненти -р, -ар қўшимчали сифатдош формаларидан иборат номлар ҳам киради: **Ўринбосар** — (У) ўрнини босар, *Товошар* — тоғни ошар каби; 5) ҳол+кесим типидаги қўшма исмлар: *Тоштурғун* — тош (дек) турғун, *Омонтурди* — омон турди ёки туради, *Бектурди* -бер (к) турди ёки туради, *Хушкелди;* 6) изофа воситасида бириккан қўшма исмлар. Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида уч хил изофа қўлланилгандир: туркий, форсий ва арабча изофалар. С. С. Майзель изофани кенг маънода тушунади[8] А. К. Боровков эса туркий тилнинг ўз ички изофа воситаларини кўрсатиб беради[9]. Ўзбек тили тарихида эса изофаларнинг ҳар учала хили ҳам қўлланилган[10]. Ўзбек тилидаги арабча ҳамда форсча изофалар воситасида бириккан қўшма исмлар шаклий хусусиятларига кўра икки хилдир: а) изофали қўшма исмлар; б) аслида изофали бўлган қўшма исмлар.

Изофали қўшма исмларда исм компонентларини боғловчи изофа қўшимчаси мавжуд бўлади. Масалан, *Ҳуснижамол, Моҳинисо, Меҳринисо* исмларнинг компонентлари форсча изофа **-и** қўшимчаси билан, *Абд+ул+қодир, Низом+уд+дин* исмлари арабча изофа **-ул, -уд** қўшимчалари ёрдамида боғланган дир. Арабча изофа **-ал** қўшма исм компонентларининг характери ҳамда араб графикаси хусусиятларига қараб **-ул, -ат, -ад, -ан, -уд, -ин, -ид** шаклларига эга бўлгандир. Бу изофа шакллари ҳозирги замон ўзбек тили ономастикаси қўшма исмлари таркибида, исм рус графикасида ёзилганда, асосан, тўрт шаклда учрайди: **-ул** (-ил) *-Абдулла, Абдилла,* **-уд (-ид)** *-Сайфуддин, Сайфиддин* каби.

Аслида изофали бўлган қўшма исмларда изофа қўшимчаси яширинган, тушиб қолган бўлади. Аммо номнинг аслида изофали конструкция эканлиги англашилиб туради. Масалан, «соҳибжамол сўзи «Сажараи-тарокима» асарида **саҳиб** — і **джамал** тарзида учрайди[11]. Ўзбекча исмлар орасидаги **Соҳибжамол, Соҳибкамол, Хўжакалон, Мирзакалон** номлари аслида изофали конструкциялардир: *Соҳиб+и+жамол, Соҳиб+и+камол, Хўжа+и+калон, Мирза+и+калон* сингари. Бундай номлар ўзбек тилига тожик тили ономастикасидан ўзлаштирилган исмлардир. Қўшма исм таркибидаги изофа қўшимчасининг тушиб қолиши ҳодисаси форсча ҳамда арабча қўшма ном конструкциялари-

---

[7] А. Ғулом, Ўзбек тили морфологиясига кириш, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1953, 15 — 16-бетлар.

[8] С. С. Майзель, Изафет в турецком языке, Изд-во АН СССР, 1957.

[9] А. К. Боровков, Природа «турецкого изафета», Сб. «Академику Н. Я. Марру», XIV, 1935, стр. 165 — 177.

[10] А. М. Щербак, Грамматика старо-узбекского языка, Изд-во АН СССР, М. — Л., 1952, стр. 101.

[11] А. Н. Кононов, Родословная туркмен, сочинение Абу-л-Гази хана Хивинского, Изд-во АН СССР, М. — Л., 1958, стр. 161.

ни ўзбек тилига мослашга, мувофиқлаштиришга интилиш натижасидир.

Мавжуд лингвистик адабиётларда турғун сўз бирикмаларининг бир группаси русча олганда «слитные слова» деб юритилмоқда[12]. Тилшунос С. Н. Муратовнинг ёзишича, бу группа қўшма сўзлар учун хос муҳим семантик ҳамда грамматик хусусият — қўшма сўз иккинчи компонентининг маъно жиҳатдан хиралашуви ва фонетик ўзгаришга учраган ҳолда биринчи компонентнинг ажралмас қисмига айланиб қолишидир[13]. «Слитные слова» термини ўзбек тилида «туташган сўзлар» деб аталиши мумкин. Демак, мана шу усулда ясалган киши номлари «туташган исмлар», «туташиш орқали юзага келган қўшма исмлар» деб юритилиши мақсадга мувофиқдир.

Туташиш орқали юзага келган қўшма исмлар компонентлари орасидаги муносабат жуда зич бўлади. Натижада кўп ҳолда исмнинг иккинчи компоненти бўлган сўз ўз асл маъносини йўқотади ва биринчи компонентнинг формал элементига айланади. Исмнинг иккинчи компоненти олиб ташланса, қолган қисми атоқли отликдан чиқади. Масалан, **Матжон, Муллажон, Нуржон, Холжон, Онажон, Улжон, Эшжон** исмларидан «**жон**», **Элхон, Энахон, Ойхон, Онахон** исмлардан «**хон**», **Эшбой, Унгбой, Ҳурбой** исмлардан «**бой**» компонентини олиб ташланса, қолган **ой, эна, она, эл, мат** сўзлари исмликдан чиқади. Келтирилган исмлар таркибидаги **жон, хон, бой** сўзлари, ўз асл лексик маъносидан узилгандир. Шу сабабли ҳам А. Н. Кононов уларни қўшимча (аффиксальные) элементлар деб атайди[14]. Туташган қўшма исм компонентлари ўртасидаги зич алоқа исм иккинчи компоненти **«бой»** нинг **-вой, «жон»** нинг **-чон** шаклида фонетик ўзгаришга учрашида ҳам ёрқин кўринади. Таркибида **жон, бой, хон** сўзлари келган барча атоқли отлар туташган исмлар саналавермайди, албатта. Масалан, *Тешабой, Йўлдошбой* ва *Ойжон, Нуржон* исмларини шаклланиш хусусиятларига кўра тенглаштириб бўлмайди. *Тешабой, Йўлдошбой*, шунингдек *Қаримжон, Аҳмаджон* сингари қўшма исмлардаги **бой, жон** элементлари мавжуд бўлиши ёки тушиб қолиши ҳам мумкин. Аммо *Ойжон, Нуржон* исмларидаги **«жон»** ўша номларнинг ажралмас қисми, уларнинг атоқли от сифатида шаклланишида муҳим роль ўйновчи компонентдир.

Туташган исм компонентлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа маълум исмнинг тилда узоқ давр ўша шаклда қўлланиши натижада икки сўзнинг шаклан турғун ва ажралмас ҳолатга келиб қолиши орқали юзага келади. Демак, туташган исмлар ономастиканинг миллий тил қонун-қоидалари асосида шаклланган, узоқ давр маълум формада такрор-такрор қўлланиш натижасида турғунлашган маҳсулотидир.

Компонентлари тенг бирикувга асосланган қўшма исмлар ўзининг бир қатор семантик ҳамда синтактик хусусиятлари жиҳатдан юқорида кўрсатилган группа номлардан бутунлай фарқ қилади ва ономастик сўз ясаш усулларининг специфик белгиларини характерлаб беради. Ўзбек тилида бу группа оид атоқли отлар ҳақида алоҳида бир ишда батафсил гапириш ўринлидир.

Э. Бегматов

---

[12] С. Н. Муратов, Устойчивые словосочетания в тюрских языках, ИВЛ, Москва, 1961, стр. 44; А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 165.

[13] С. Н. Муратов, ўша иш, 79-бет.

[14] А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, стр. 132.

НАВОИЙ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОНИНИНГ СЮЖЕТИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Буюк пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький сюжетни «Одамларнинг алоқалари, зиддиятлари, симпатия ва антипатиялари, умуман, кишиларнинг муносабатидир, яъни у ёки бу характернинг, типнинг ўсиши ва шаклланиши тарихидир», деган эди. Биз бу ишда Горький таърифига амал қилиб, «Лайли ва Мажнун» сюжети тўқимасидаги баъзи моментлар ҳақида айтилган айрим чалкаш фикрларга ўз муносабатимизни билдирмоқчимиз.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони унинг салафлари томонидан яратилган шу номли асарлар билан, шубҳасиз, яқин алоқададир. Бироқ шоирнинг мазкур асари унинг устозлари достонига айрим ўхшашликларга эга бўлишидан қатъи назар, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ғоят оригинал достон эканлигини йирик шарқшунос, хусусан Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий ижодларини чуқур ва мукаммал билган марҳум проф. Е. Э. Бертельс ҳам ўз асарларида такрор-такрор таъкидлаб кўрсатган эди. Буни достоннинг сюжет тўқимасидаги баъзи бир моментлар билан танишиб чиққанимизда ҳам кўришимиз мумкин.

Достоннинг асосий қисми Низомийнинг асаридек бошланади: Бани Омир қабиласининг бошлиғи ўғил кўради ва унга Қайс деб ном беради. Қайс мактаб ёшига етгач, уни Ҳай қабиласидаги мактабга берадилар. Бу мактабни қабила бошлиғи ўз қизи — Лайли учун очган эди. Қайс мактабга қатнай бошлаган вақтларда Лайли касал бўлиб ётарди.

Навоий бу моментни, Е. Э. Бертельс айтганидек, «фабула конструкцияси учун муҳим деб ҳисоблаган»[1]. Бироқ бошлов-

---

[1] Е. Э. Бертельс, Лайли ва Мажнун (Сўзбоши). А. Навоий, «Лайли ва Мажнун», Т., 1941, 18-бет.

нинг шу қисмида Низомийда учрамайдиган характерли деталлар, Қайсни Лайли учун очилган мактабга берилиши, Лайлининг касаллиги мавжуд.

Шоир Лайлини вақтинча иккинчи планга ташлаб, диққатни Қайсга жалб этиш мақсадида бу деталларни киритган.

Қайс қисқа вақт ичида кенг шуҳрат қозониб, Навоий таъбири билан айтганда, «бари илмлар аро ягона» бўлади. Шундан кейин Лайли билан Қайс ўртасида самимий муҳаббатнинг пайдо бўлиши саҳнаси берилади. Навоийнинг достонида Қайс биринчи марта Лайлини мактабда кўрганлиги ҳикоя қилинади. Ундан сўнг воқеа ривожлантириладиа, боғдаги учрашув эпизоди берилади. Аммо Е. Э. Бертельсда бу момент қуйидагича талқин этилган:

«Сўнгра Навоий Мажнуннинг ўқишини тасвирлайди. Лекин Мажнун Лайли билан бирга ўқимайди..., балки уни ўқитувчининг ўз қизи соғайиши муносабати билан уюштирган кичик базмида тасодифан кўриб қолади»[2].

Достонда бундай эмас. Шоир Лайлини мактабда биринчи кўришдаёқ севиб қолган Қайс тўғрисида мана бундай дейди:

Чун зўр кетурди ишқи бебок,
Аввал қадаҳ олди ҳушини пок.
Бал май иси бирла маст бўлди,
Ғам хайлиға зери даст бўлди[3]

Қайсни ўнгайсиз бир аҳволда кўрган Лайли ўзини унга билдиради ва ўзи ҳам Қайсга нисбатан қалбида аллақандай нарсани сеза бошлайди:

Кўргач ҳам они нигори зебо,
Ўз кўнглини толди ношикебо.
Нозуклук ила чу қилди мафҳум,
Ким эркании этти яхши маълум.
Қолмади ҳавосида қарори,
Шавқ ўтиға тушди жони зори.
Онинг доғи билди изтиробин,
Ишқи ўтидин ичида тобин[4].

Бу эпизодда мактаб саҳнаси маълум даражада Низомий асаридагига ўхшаш бўлишига қарамай, унда на Низомий ва на Деҳлавийда учрамайдиган боғ манзараси бор. Бундан ташқари, мактаб ва боғ эпизодлари ўзларининг реалистик тасвирлари билан ҳам характерлидир.

Қайс Лайли билан Ҳайда учрашиб, ўзидан кетиб қолгач, уни қабилага олиб келганларидан сўнг кишилар унга турли хил таъналар қиладилар. Биров «қулоғига панд керак» деса, яна биров «оёғига банд керак» дейди. Қайс қилмишига хижолат бўлади, аммо Лайли қабиласига боришни тарк этмайди. Оқибатда, одамлар уни «Мажнун» (телба, жинни) деб атай бошлайдилар. Шундан кейин у кишилар ўртасида Мажнун лақаби билан шуҳрат қозонади.

Қайсни «Мажнун» деб аталишига бўлган сабабни кўрсатишда Навоий Низомийга эргашган. Бироқ бунда ҳам Низомий тасвиридан фарқ қилувчи, воқеаларнинг келгуси ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, асарнинг эмоционал таъсирини оширувчи Лайлининг энагаси ва из эпизодлари мавжуд.

Достоннинг сюжети тўғрисида фикр юритганда, унинг айрим деталлари баъзи бир адабиётшунослар томонидан чалкаштириб кўрсатилганлигини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Ана шундай деталлардан бири, бизнингча, Е. Э. Бертельс ва Е. М. Мелетинскийларнинг «Мажнун ҳаждан келгандан кейин шоир бўлди» деган фикрларидир. Масалан, Е. Э. Бертельс: «Навоийда Мажнун фақат ҳаждан кейин шоир бўлади»[5] деса, шунга яқин фикрни Е. М. Мелетинский ҳам такрорлайди[6].

Аслида эса бундай эмас. Қайс ўқиб юрган вақтларидаёқ шеърлар айтиб юрган. Ҳаттоки, унинг шеърлари кишиларни (айни вақтда рақибларини) ҳайратда қолдирганини, улар унн тан олганларини шоир фитначи тилидан қуйидагича баён этади:

Табъи хушу назми ҳам равондур,
Андоқки санга дағи аёндур.
Назмида бари бир исм мазкур,
Ким эрмас зикри бизга мақдур[7].

Келтирилган мисолимиздан Қайсни ҳажга боришидан олдин танилган шоир бўлганлиги ойнадек кўриниб турибди. Тўғри, Мажнуннинг таланти, ҳаждан келгандан кейин, юқори даражага кўтарилади. Бироқ, бу Қайс Каъбадан келиб шоир бўлди деган гап эмас, албатта. Навоий Қайсни ниҳоятда қобиляитли ва туғма талантга эга бўлган шоир сифатида гавдалантиради ва улуғлайди.

Достонда шундан кейин Мажнуннинг қўл-оёғига кишан солинганлиги ҳикоя қилинганки, бу деталь ҳам Навоий салафларининг асарларида учрамайди.

Алишер Навоий достонида Навфал билан боғлиқ эпизодда ҳам муҳим, аниқроғи, характерли деталлар мавжуд. Масалан, агар Низомий достонида Лайли отасининг қўшини енгилгач, Лайлининг отаси Навфал олдига келиб «агар сен Лайлини Мажнунга зўрлик билан олиб берадиган бўлсанг, мен ҳозир қайтиб уни ўлдираман» деганини эшитган Навфал зўрлик билан бу ишни амалга ошириш ниятида эмаслигини билдириб, сўнгра қайтиб кетганлиги

[2] Е. Э. Бертельс, Избранные труды, Низами и Фузули, М., 1962, стр. 301.

[3] А. Навоий, Хамса, ЎзССР ФА нашриёти, Т., 1960, 365-бет. Барча шеърий парчалар «Хамса»нинг шу нашридан келтирилади.

[4] А. Навоий, Хамса, 365-бет.

[5] Е. Э. Бертельс, Навои, М., 1948, стр. 178.

[6] Е. М. Мелетинский, Жизнь и творчество Алишера Навои, На рубеже, 1948, № 5, стр. 60.

[7] А. Навоий, Хамса, 379-бет.

ҳикоя қилинган бўлса, Навойда ундай эмас. Навойда урушнинг тўхтатилиши ва Мажнуннинг мақсадга эришолмай қайтиб кетишига асосий сабаб, Лайлини Мажнун тушига кириб, отасининг режасини айтишидир. Бундан ташқари, яна шу эпизодда характерли бир нуқта — Навфал чекинишини ҳарбий ҳийла деб тушиниб, Лайли қабиласининг бошқа ерга кўчиши мавжуд. Булар гарчи катта ўзгариш бўлмаса-да, воқеаларнинг ривожланишига самарали таъсир этувчи моментлардир.

«Лайли ва Мажнун»да тасвирланишича, Мажнун отаси билан уйга қайтиб келгач, кўплар қатори уни Навфал ҳам келиб кўради. Навфал кетгандан кейин Мажнуннинг отаси қариндошлари билан кенгашиб, Навфал қизини келин қилиш мақсадида унинг уйига боради.

Достондаги ана шу момент, бизнинг фикримизча, марҳум проф. Е. Э. Бертельсда бошқачароқ талқин қилинганга ўхшайди. У ёзади: «Навфал Мажнун чеккан изтиробларни унутолмайди. Навфал Мажнуннинг уйига келади ва Мажнунни ўз қизига уйлантириш масаласини келишиб олиш учун унинг она-отасини меҳмонга чақиради»[8].

Асарда тасвирланишича, Навфал Мажнун билан биринчи учрашганида, Лайлини олиб бериш мумкин бўлмай қолса, ўзига фарзанд қилиб олиши ҳам мумкинлиги айтилган. Бироқ у Мажнунни кўришга келганида бу тўғрида сўз очган эмас. Халқимизнинг урф-одатларини яхши билган Навоий, Навфални, Е. Э. Бертельс айтганидек, (қизини Мажнунга бериш учун атайлаб келиши) тасвирлаши мумкин эмас эди. Лекин Мажнуннинг отаси қуда бўлиш нияти билан борганда, Навфал уни хурсандчилик билан қабул қилади. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»идаги характерли эпизодлардан яна бири чўпон ёрдами билан Мажнуннинг (кўйларга кўшилиб тери ёпинган ҳолда) Лайлини кўришга муяссар бўлишидир. Бу эпизод Навоийгача «Лайли ва Мажнун» достони яратганларнинг бирортасида ҳам учрамайди. Достонда берилган тўй эпизоди ўзининг мазмуни жиҳатидан Хусрав Деҳлавий асаридагига яқин туради. Бироқ унда ҳам Деҳлавий достондагидан ажралиб турадиган қатор муҳим фарқлар борлигини Е. Э. Бертельс эътироф этиб дейди: «Биринчидан, Амир Хусрав поэмасида Лайли боши очуқлигича қолади, ваҳоланки, бунда унинг тўйи бўлади. Иккинчидан, Навоий поэмасига кўра, Навфал қизининг ўз севган ёри бор бўлиб, у махфий равишда шу уйда бекиниб туради ва ҳар икки ёшни ўлдиришни мўлжаллайди. Шу равишча, Мажнун ўзининг бепарволиги (лоқайдлиги) туфайлигина уйланишдан бош тортмайди, балки у бировга яхшилик ҳам қилмоқчи бўлади. Қаллиғини рад қилиб, у шу иши билан икки ёш навқиронни бахтиёр қилади»[9]. Мажнун қизга бахт тилаб, ака-сингил тутанади-да, чиқиб кетади.

Худди шу кеча Лайли билан Ибн Саломнинг ҳам никоҳи бўлган эди. Достоннинг ана шу ўрнига тегишли бўлган Е. Э. Бертельснинг мана бу фикри ҳам ноаниқроққа ўхшайди:

«Лайли Ибн Саломнинг ўлимидан бехабар ҳолда уни кутади. Кутавериб сабри тугаб, тунда чиқиб кетади ва тасодифан Мажнун билан учрашади»[10].

Бу парчада, бизнингча, достондаги тасвирга зид тушадиган икки фикр бор. Биринчидан, «Ибн Саломи кутаётган Лайли унинг ўлимидан бехабар эди»— дейилишидир. Ваҳоланки, Ибн Салом ўлган эмас, кўп ичанлиги натижасида унинг «хафақон» касаллиги тутган бўлади. Иккинчидан, «кута-кута сабри тугагач, у (Лайли А. Т.) кечаси уйдан чиқиб кетади...» дейилганки, бу ҳам достонда тасвирланган ҳақиқатдан узоқ. Биринчидан, Лайли Ибн Саломни кутган эмас, иккинчидан, унинг кўз ўнгида ичкиликка муккасидан кетган Ибн Салом ағанаб тушганлиги ҳикоя қилинган.

Филология фанлари кандидати Е. М. Мелетинский «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти» номли мақоласида «Лайли ва Мажнун» тўғрисида мулоҳаза юритар экан, Лайли билан Мажнуннинг никоҳ кечаси учрашганларини шарҳлаб бундай дейди:

«Лайлини Ибн Саломга берадилар, бироқ куёв тўй кечаси ўлим тўшагига ётади. Севишганлар, Лайли билан Мажнун фақат бир марта учрашиб, бир-бирларига севги изҳор этадилар»[11].

Бу цитатанинг кейинги қисмидаги фикрга қўшилиш мумкин эмас. Чунки у шоир томонидан яратилган Лайли ва Мажнун характеридаги активликни хиралаштириб, аниқроғи, пассивлаштириб кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Е. М. Мелетинскийнинг бу фикри достондаги воқеалар тасвирига хилоф ҳамдир. Унингча, Лайли билан Мажнун фақатгина никоҳ кечаси учрашганлар, холос. Улар ўз севгиларини ҳам ана шу учрашувда бир-бирларига изҳор этган эмишлар! Демак, никоҳгача бўлган давр ичида Лайли билан Мажнун учрашмаган ва ўз севгиларини изҳор этмаган бўлсалар, улар нега ишқ оташида ёниб фарёд чекканлар?! Наҳотки, Е. М. Мелетинский Лайли билан Мажнунни, биринчидан, мактабда, иккинчидан, боғда сайр вақтида, учинчидан, тунда Лайли қабиласида, тўртинчидан, қўйларга қўшилиб (те-

---

[8] Е. Э. Бертельс, Низами и Фузули, стр. 301.

[9] Е. Э. Бертельс, Лайли ва Мажнун (сўзбоши), Навоий «Лайли ва Мажнун», Т., 1941, 20-бет.

[10] Е. Э. Бертельс, Низами и Фузули, М., 1963, стр. 302.

[11] Е. М. Мелетинский, Жизнь и творчество Алишера Навои, На рубеже, № 5, 1948, стр. 60.

ри ёпинган ҳолда) борган вақтидаги учрашувларини учрашув деб ҳисобламаса!

Достонда тасвирланган Лайли билан Мажнуннинг никоҳ кечаси учрашганлари Деҳлавий асарида ҳикоя қилинган учрашувдан фарқ қилади. Агар Хусравнинг асарида тасвирланган Лайли тушида Мажнунни кўриб, эртасига туяга миниб уни излашга чиқиши ва топиб, суҳбат қуриши айтилган бўлса, Навоийда «ўз заҳри билан заҳарланган» аждаҳо панжасидан қутилган Лайли (у ҳар эҳтимолга қарши заҳарли ханжар ҳам тайёрлаб қўйган эди) уйдан чиқиб кетиб, тасодифан келинни ташлаб чиққан куёв — Мажнун билан учрашади. Навоий ва Деҳлавий асарларидаги бу учрашувнинг умумий ва яқинлиги ҳам йўқ эмас. Бу яқинлик шундан иборатки, мазкур саҳна гўзал ва санъаткорона тасвирланган.

Шундан кейин Ибн Саломнинг ўз қабиласига қайтиб кетиши, Навфалнинг касал бўлиб қолганлиги, Мажнун ота-онасининг дунёдан ўтганлари; Мажнун кунларини қабристонда ўтказа бошлаши; Лайли касалининг тобора оғирлашиб борганлиги ҳикоя қилинади.

Навоий асарининг хотима қисми ҳам ўзгаришга эга. Масалан, Низомийда Мажнун Лайли қабри устида (бир неча вақтдан сўнг) ўлганлиги, Деҳлавийда Лайли жанозасига етиб келган Мажнун қабристонгача кишиларга эргашиб, Лайлини қабрга қўйиш вақтида отилиб кириб, уни (Лайлини) қучганича оламдан ўтиши тасвирланган бўлса, Навоий тасвирида Мажнун Лайлини ўз онасига васият қилаётган пайтида уйга ўқдек отилиб кириши берилган. Улар энг сўнгги марта бир-бирларига қарайдилар-да, биргаликда жон узадилар. Лайлининг онаси фарёд чекади. Сўнгра қариндош-уруғлари кириб Лайли ва Мажнунни ўлган ҳолатда кўрадилар. Йиғилганлар самимий муҳаббат эгаси бўлган бу икки ёшга қаттиқ ачинадилар. Улар «ишқ шоҳи» билан «ҳусн моҳи»ни зўр ҳурмат қилиб бирга кўмадилар.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш зарурки, Навоий достонининг финал қисмида берилган бош қаҳрамонларнинг учрашувлари айрим адабиётшунослар томонидан бир мунча бошқачароқ талқин этилган. Масалан, адабиётшунос Е. М. Мелетинский «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти» мақоласида:

«Ҳозиргина ўлган Лайлини, унинг ўлимига сабаб бўлган қариндошлари қуршаб олган пайтда Мажнун пайдо бўлади»[12], деб ёзган бўлса, проф. Е. Э. Бертельс «Низомий ва Фузулий»сининг 302-бетида мана бундай дейилган:

«Ҳозиргина Лайли оламдан кўз юмади; Шарқ урф-одатига кўра, унинг жасадини аччиқ-аччиқ йиғлай бошлаган қариндошлари ўраб олишади. Лекин шу пайт оломон қўрқиб чекинади ва Мажнунга йўл очиб беради», деб ёзган эди. Бу гаплар, бизнингча, аниқлик киритишни талаб қилади.

Кўриниб турибдики, Е. М. Мелетинский ва Е. Э. Бертельсларнинг айтишича, Лайли Мажнуннинг кириб келишидан олдин ўлган бўлиб, унинг атрофида қариндош уруғлари йиғлаётган эмиш. Фикримизни асослаш учун достонга мурожаат қиламиз:

Лайли қилибон сафарға ният,
Айларда оносиға васият.
Ҳар нуктаки айлабон гузориш,
Мажнунни қилур эди супориш,
Қим кирди уй ичра ёри жони,
Йўқ, йўққи рафиқи жовидони,
Бир-бирга назар кушод топти,
Ҳам бу ҳам ул мурод топти...[13]

Характерли томони шундаки, шоир таърифи билан айтганда, «Ишқ элининг шоҳи» ва «Ҳусн авжининг моҳи» биргаликда ҳаёт билан видолашадилар. Лайлининг бошқа қариндошлари эса, Мажнундан кейин уйга кирганлари асарда аниқ ва батафсил тасвирланган.

Навоийнинг Лайли ва Мажнуннинг бирга жон узганларини ҳикоя қилишдан мақсади, уларнинг бир-бирларига бўлган самимий, пок садоқатларини янада бўрттириб кўрсатишдан иборатдир. Шунинг учун бу моментга алоҳида эътибор бериш лозим.

Достон тўғрисида мулоҳаза юритилар экан, ундаги ҳар бир эпизодга алоҳида эътибор бериб, буюк Навоийнинг асарларидаги ҳар бир детални тўғри талқин этиш керак бўлади. Акс ҳолда бу Навоий достонининг ғоявий-бадиий моҳиятини маълум даражада бузишга олиб келади. Галдаги вазифа «Лайли ва Мажнун»нинг бутун эпизод ва деталларини, умуман, бу шеърий романни чуқур синчиклаб ўрганишдан иборатдир. Чунки Алишер Навоий томонидан «Лайли ва Мажнун»нинг сюжети тўқимасига киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар, мазкур сюжетни яна ҳам бойитган ва унинг келгуси тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатган.

Тошпўлат Аҳмедов

---

[12] Е. М. Мелетинский, ўша мақола ва ўша журнал, 60-бет.

[13] А. Навоий, Хамса, 446-бет.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

«НАВОДИРУЛ ВАҚОЕ» ЎЗБЕК ТИЛИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти маърифатпарвар машҳур ёзувчи ва турли билимлар эгаси Аҳмад Донишнинг (1827—1897) «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») асарини[1] ўзбек китобхонларига тақдим этиб, жуда яхши иш қилди.

«Наводирул вақое» XIX асрда Бухорода яшаган тожик маърифатпарварларининг раҳбари Аҳмад Донишнинг энг йирик асарларидан ҳисобланиб, унда муаллифнинг мавжуд ижтимоий тузумга муносабати, ижтимоий-сиёсий, эстетик ва ахлоқий қарашлари, шунингдек, реформистик ақидалари атрофлича баён қилинган. Мазкур асар 22 бобдан иборат бўлиб, 1875—1882-йиллар давомида ёзилган.

Автор «Наводирул вақое»ни ёзишда Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеул вақое» эсдалик асарига ўхшатиб, кўпгина ижтимоий-сиёсий масалалар, халқ тақдири ва турмуш шароитини яхшилаш устида бахс қилади ҳамда ўз асарини Фирдавсий, Ҳайём, Саъдий, Восифий, Бедил шеърий парчалари, насрий намуналари билан музайян этади.

«Наводирул вақое»нинг Ўрта Осиё халқлари ижтимоий тафаккури тарихида тутган муҳим ўрнини шу билан ҳам исботлаш мумкинки, асар XIX аср иккинчи ярмидаги Бухоро тожик прогрессив адабиёти вакилларини тарбиялашда, уларда мавжуд тузумга, манғитлар сулоласига нисбатан аёвсиз муносабатда бўлиш ва нафрат уйғотишда муҳим роль ўйнади. Шунинг учун ҳам С. Айний «Наводирул вақое» қўлёзмасини ўқиб чиққанидан кейин ўзида кескин фикрий ўзгариш сезганини эътироф этган эди.

Китоб академик И. М. Мўминовнинг «Аҳмад Дониш ва унинг «Наводирул вақое» асари ҳақида» номли сермазмун мақоласи билан бошланади. Унда автор Аҳмад Дониш ижодига бағишлаб ёзилган асарларни муносиб тақдирлайди ҳамда «Наводирул вақое»ни йирик бадиий-фалсафий, публицистик асар сифатида характерлаб, унинг тожик ва ўзбек адабиётининг тараққиётига кўрсатган баракали таъсирини кўрсатади.

«Наводирул вақое»ни Али Шокиров ва доцент Абдураҳмон Ҳамроев республика Шарқшунослик институтида сақланаётган (инв. № 4266) нусхасидан таржима қилар эканлар, А. Дониш автографидан ҳам фойдаланганлар (автограф СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг Ленинград бўлимида В—716 сонли инвентарь билан сақланади).

А. Дониш асарлари билан озми-кўпми таниш бўлган ҳар бир киши улуғ мутафаккирнинг нисбатан мураккаб тилда ижод этганини, асрлар давомида ишлаб келинган классик проза анъаналарига риоя қилиб, замонасининг билим савияси ва тақозосига кўра арабизмларни қўллаганини пайқай олади. Агар Дониш асарларининг араб ҳарфи билан кўчирилганлиги, уларда абзац ва тиниш белгиларининг йўқлиги ҳисобга олинса, тиржимон зиммасига анча масъулиятли вазифа юклатилганлиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади. Шуниси қувончлики, «Наводирул вақое»нинг янги ўзбекча нашрини мутолаа қила туриб, таржимонларнинг ана шундай қийин, сермашаққат ишни асосан эплай олганликларига комил ишонч ҳосил қиламиз.

«Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола «Наводирул вақое»нинг муҳим бўлимларидан биридир. Бунда А. Дониш ўлкани обод этиш ва фуқаро хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир неча шартни зарур ҳисоблаб, суғориш системасига жиддий аҳамият беради, «дарёлар, ариқлар, чашмалар» сувидан деҳқончилик манфаати йўлида фойдаланишни таъкидлаб ўтади.

«Наводирул вақое» автори ўрта асрда ижод этган барча мутафаккирлар каби ўлкани подшоҳсиз тасаввур қилолмайди ва шунинг учун ҳам у мамлакатда маърифатли, адолатли шоҳ бўлиши кераклигини

---

[1] Аҳмад Дониш, Наводирул вақое, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов таҳрири остида, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964.

таъкидлайди. Шунингдек, у давлатни мумкин қадар демократлаштириш, қарияларга, ишга яроқсиз кишиларга нафақа тайинлаш тарафдори ҳамдир.

Аҳмад Дониш фақатгина амирлик тузумини, ундаги фаҳш ва разолатни танқид қилиш билан чекланмади, шунингдек, давлат таянчларини, дину шариат ҳомийларини ҳам қоралади: «Қозилик ва раислик мансабларидан тушган... даромаднинг кўпчилик қисмини султон хазинасига топширадилар. Бу ақчани қўлга киритгунча мусулмонларнинг ҳақлари устида қанча зулм ва хиёнатлар содир бўлиб, ундан чиққан натижа ҳазрати қозининг, эшон раснинг тўлмас халталарига тушади» (361-бет).

Ушлигидаёқ схоластик таълим усулини ёқтирмаган Дониш кўнглида ғарази бор мударрислар ҳақида мана бундай деб ёзади: «Мударрисларнинг дарс беришлабосмачилик қилиш учун одам қўлига қилич ясаб беришга ўхшайди. Шунинг учун мен дарс ўқишдан ва дарс беришдан четлашдим» (360-бет).

Аҳмад Донишнинг ахлоққа доир фикрлари «Фарзандларга васият. Қасб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида» (323—400-бетлар) бобида яққол ифодаланган. Масалан, у ўғилларига қарата ёзади: «(Ўғилларим) сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар... Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин» (325—326-бетлар). «Халқ билан яхши муомалада бўлинглар, ҳеч кимга озор беруврчи бўлманглар... (353-бет)».

Аҳмад Дониш ёш авлоднинг ижобий ахлоқий нормаларини шаклланишида донишманд кишилар ролига катта баҳо беради. Шунинг учун ҳам у ўз сўзида давом этиб, «агар бирон билан суҳбат қурмоқчи бўлсанглар, ўз сифати билан халққа яқин бўлган, ақлли, хушёр кишилар билан дўстлик алоқасини боғланглар, чунки оқил одамлар ҳеч кимга ёмонликни хоҳламайдилар» деб уқтиради.

Агар биз айрим моментларни истисно қилсак, «Наводирул вақое»нинг ижтимоий-сиёсий қиммати, маърифий-тарбиявий аҳамияти жуда каттадир. Рус илғор маданиятини пропаганда қилиш, рус халқи билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва бунинг натижасида Бухоро амирлигида ҳукм суриб келаётган асрий феодал қолоқликни тугатишга даъват этиш «Наводирул вақое»нинг диққатга сазовор жойларидандир.

Аҳмад Дониш тожик классик прозаси тарихида биринчи бўлиб ижобий қаҳрамонлар образини яратишга, ўз персонажларини меҳнаткаш халқ ичидан, мадраса толиби илмлари орасидан танлашга жиддий аҳамият берган ёзувчи ҳамдир. Бунга Мулло Холмуҳаммад, Шукурбек образлари ва буларга алоқадор ҳикоя-новеллалар ёрқин далилдир.

Албатта, Аҳмад Дониш асарини ўзбек тилига таржима қилиш биринчи қадам ва дастлабки ташаббус бўлгани учун ҳам унда айрим камчиликларнинг юз бериши табиий бир ҳолдир.

Биринчидан, «Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола» «Наводирул вақое»да алоҳида ўрин тутгани ва унда А. Донишнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда маърифатпарварлик қараш-лари атрофлича баён қилинганлиги сабабли, уни мумкин қадар қисқартмай бериш мақсадга мувофиқ эди.

Иккинчидан, асарда Шарқ классиклари ижодидан келтирилган намуналар, шунингдек А. Донишнинг шеърий асарлари аксар дуруст таржима қилингани ҳолда, тожикча шеърий парчалар изофасиз, айрим сўзлар туширилган, олд ва сўнг кўмакчиларнинг ёзилиш тартибига риоя қилинмай, ўзгартирилган шаклда берилади ва бу эса маънога путур етказади. Вазн ноқисликлари, узун ва қисқа бўғинларнинг ошиб кетиш ҳоллари рўй беради (50, 70, 90, 133, 231, 239—240, 368—399-бетлар). Чунончи, асарнинг 177-бетида Шайх Саъдийдан келтирилган парчани:

То ба дўкону хона дар гарави,
Ҳаргиз эй хом, одам нашави.
Бирав андар жаҳон тафарруж кун,
Пеш аз он рўз к-аз жаҳон бирави.

239 ва 240-бетларда А. Донишнинг парижлик Потти созандага бағишлаган шеъринининг учинчи байтини:

Лаҳну овози вай он сон, ки ба гўши ушшоқ,
Гаҳ ҳуши саъва гаҳе чаҳчаҳи булбул мерехт,—

тарзида бериш керак эди.

Таржимонлар А. Донишнинг адабий-танқидий қарашларига оид фикрини ўзбек тилига таржима қилишда тожикча текст моҳиятини бир томонлама тушунганлари натижасида, 365-бетда берилган Мирзо Бедил шеърини «сарвари олам»га, яъни худога нодуруст нисбат берадилар (умуман, Бедилнинг бу ва бошқа шеърлари ҳам бир мунча ўзгартирилган тарзда берилган).

Асарда айрим тожикча сўз ва сўз бирикмаларини нодуруст таржима қилиш, тарихий, мифологик ва афсонавий шахслар номини ўзгартириб бериш ҳамда изоҳ талаб айрим сўзлар ҳам бор.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам Аҳмад Донишнинг замондошлари тасвирига мос келмайдиган портретлари мавжуд. Агар икки республика рассомлари ижодий ҳамкорликда Аҳмад Донишнинг ҳақиқатга, ўз қиёфасига мос келадиган суратини юзага келтирсалар, жуда яхши бўларди.

Умуман, «Наводирул вақое»нинг ўзбек китобхонларига манзур қилиниши республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеадир.

М. Ҳақбердиев

Фалсафа фанлари кандидати

Ш. Шукуров

Филология фанлари кандидати

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

НАВОИЙ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Шу йилнинг 9—10 февралида улуғ шоир Алишер Навоий ижодига бағишланган традицион илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Навоий комитетининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Воҳид Зоҳидов қисқа кириш сўзи билан очди.

Воҳид Зоҳидов ўз нутқида Навоий асарларининг асрлар оша яшаб келаётганлигини ва бу асарларида тараннум этилган дўстлик, биродарлик, чин муҳаббат, ватанпарварлик, тинчлик ҳақидаги фикрларнинг ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Навоийнинг ўтган йилги илмий конференциядан то бу йилги конференциягача бўлган даврда нашр этилган асарлари ва навоийшуносларнинг илмий асарлари билан таништирди.

Ўрток Воҳид Зоҳидовнинг кириш нутқидан сўнг докладчиларга сўз берилади: икки кун давом этган конференцияда 16 темадаги доклад тингланди.

Конференцияда сўзга чиққан филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон Навоийнинг ҳозиргача чуқур ўрганилмаган «Девони Фоний» сидаги ғазалларнинг ижтимоий ва сиёсий мотивлари ҳақида тўхталиб, форс тилида ёзилган шеърларидан намуналар ўқиб, таҳлил қилиб берди.

Филология фанлари доктори, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор Абдулғани Мирзоев «Девони Фоний»нинг ғоявий ва бадиий хусусиятлари тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиргандан сўнг, ўзбек олимларини тожик олимлари билан ҳамжиҳат бўлиб иш олиб боришга чақирди.

«Тошкент» бадиий адабиёт нашриётининг старший редактори Рустам Комилов сўзга чиқиб, нашриёт коллективи улуғ шоирнинг 15 томлик танланган асарлари нашр этилаётганлигини хабар қилди ва ҳозиргача босмадан чиққан I—VI томларини профессор А. Мирзоевга тақдим этди.

Конференцияда филология фанлари кандидати Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Навоий достонларидаги реалистик хусусиятлар» («Фарҳод ва Ширин» ва «Садди Искандарий» достонлари асосида) деган темада қилган доклади эшитувчиларда катта таассурот қолдирди.

Филология фанлари доктори А. Қаюмов ўз докладини Навоий дидактикасининг тарихий илдизларини ўрганишга бағишлади. Ҳозиргача кам ўрганилган Навоий асарларидан бири «Ҳолоти Саийд Ҳасан Ардашер»дир, Навоийнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган бу асар тўғрисида филология фанлари кандидати С. Ғаниева мароқли доклад қилди.

Ҳамза Ҳакимзода номидаги санъатшунослик институтининг старший илмий ходими М. С. Булатов эса Навоий даври мусиқорчилигининг баъзи назарий масалалари устида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ССР ФА корреспондент аъзоси, филология фанлари доктори проф. В. Абдуллаев ва филология фанлари кандидати, доцент Б. Валихўжаевлар докладида Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарининг Мутрибий «Тазкиратуш-шуаро»сига кўрсатган ижобий таъсири ва Мутрибий фаолиятининг баъзи бир томонлари ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг адабиёт ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳомидий «Жомий ва ўзбек адабиёти», Ленинобод Давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси Э. Шодиев «Навоий ва Осафий» деган темалардаги докладларида XV аср ўзбек ва тожик халқлари ўртасида бўлган дўстона адабий алоқалар масаласига тўхталиб ўтдилар.

Ленинград Давлат университетининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати, доцент С. М. Иванов Навоий лирикасининг рус тилига қилинган янги таржималари тўғрисида қизиқарли доклад қилди ва Навоий туюқларининг русча таржималаридан ўқиб берди.

Тожикистон ССР ФА Рудакий номли Тил ва адабиёт институти илмий ходими Султонмурод Воҳидов Алишер Навоийнинг «Ҳамсатул мутаҳаййирин» асари тўғрисида сўзлади.

Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати А. Рустамов «Навоий тилида келишик категорияси» деган темада

доклад қилиб, баъзи бир тилшунос олимларнинг «Навоий тилида 7 та келишик» бор, деган асоссиз даъволарини рад этди ва «Навоий тилида» 6 та келишик мавжуд эканлигини исботлаб берди.

Самарқанд Давлат университетининг ўқитувчиси, филология фанлари кандидати, доцент Шавкат Шукуров «Саъдий ва Навоий ижодида Ҳоҳам тойи ҳикоясининг моҳияти ва тутган ўрни», филология фанлари кандидати Ё. Исоқов «Навоий ижодида рангларнинг рамзий қўлланиши», илмий ходим Т. Аҳмедов «Лайли ва Мажнун» достони сюжетидаги баъзи моментлар» ҳақида доклад қилдилар.

Музокарада сўзга чиққан Ҳ. Сулаймон, филология фанлари кандидати М. Юнусов, Ҳ. Зариф, А. Ҳайитметовлар конференция юксак савияда ўтганлигини ва ҳар бир докладчи Навоий ижодини ўрганишга янги фикрлари билан маълум ҳисса қўшганлигини таъкидлаш билан бирга, Навоий ижодини ўрганишда ҳали қатор муҳим проблемалар, жумладан шоирнинг поэтик маҳоратини очиш масаласи турганлигини уқтириб ўтдилар.

Н. Даврон

ҲАМЗАШУНОСЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шу йил 6 мартда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида жамоат арбоби биринчи ўзбек халқ шоири, драматург, композитор ва педагог Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган III традицион илмий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Ҳамза комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, филология фанлари кандидати Юсуф Султонов қисқача кириш нутқи билан очди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий адабиётимиз тарихидан ўзига муносиб ўрин олди, унинг ҳамиша барҳаёт намоёндаларидан бири бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номини абадийлаштиришга алоҳида аҳамият берди. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Министирлар Советининг қарори билан адабиёт ва санъат соҳасида Ҳамза Ҳакимзода номидаги республика мукофоти таъсис этилди. Ёзувчи Ойбек, санъаткор Ш. Бурҳонов, кинорежиссёр М. Қаюмов, ҳайкалтарошлар Д. Б. Рябичев, Н. Н. Милобидов ва С. С. Ожиговлар бу олий мукофотни биринчи бўлиб олишга сазовор бўлдилар.

Ҳамза Ҳакимзода ижодини ўрганиш бобида адабиётшуносликда янги тармоқ — ҳамзашунослик соҳаси вужудга келди. Бу соҳа кундан-кунга янги талантли ҳамзашунос тадқиқотчилар билан бойиб бормоқда. Ҳамза ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича алоҳида комитет тузилди. Бу комитет ҳар йили илмий докладлар билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунни нишонлайди, деб таъкидлади нотиқ.

Сўнг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди ҳақидаги докладлар тингланди. Ҳамзашунос Юсуф Султонов «Ҳамза Ҳакимзода традицияларн шу кунги адабиётда (ёзувчи Ойбек асарлари мисолида)» деган темада доклад қилди.

Нотиқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўзбек ёзувчи ва шоирларининг камолотидаги роли, Ҳамза традицияларн ва ғояларининг улар томонидан ривожлантирилиши масаласи ҳақида гапириб, айниқса Ҳамза ва Ойбек ижодий муносабатларига кенг тўхталди.

Докладчи Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Лашмон фожиалари» Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Улуғ йўл» каби асарларидаги образларни бир-бирига қиёслаб кўрсатди.

Юсуф Султонов Ҳамза поэтик асарларининг бадиий хусусиятларига оид айрим мулоҳазаларини ҳам айтди. Ҳамза томонидан ўзбек совет поэзиясига олиб кирилган бармоқ вазнининг пешқадам шоирлар ижодида янада такомилга эришганини характерли мисоллар билан кўрсатиб берди.

Конференцияда СССР Халқ артистраси, Давлат мукофотининг лауреати Тамарахоним улуғ санъаткор билан биринчи мартаба учрашуви ҳақидаги ўзининг ажойиб хотираларини сўзлаб берди. Ҳамзанинг ўзбек санъаткорларига ибрат бўлганлигини, унинг даврга ва янги ҳаётга садоқат билан хизмат қилганлигини, Ҳамза ҳақида яратилган саҳна асарларида ва кинофильмда Ҳамза образи тўла ифодасини топмаганини айтди.

Филология фанлари кандидати Ғаффор Мўминовнинг «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий замондошлари хотираларида» темасида қилган доклади ҳам қизиқиш билан тингланди. Докладчи Ҳамза ҳақида Хоразм областидан тўпланган хотиралар билан таништирди.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 75 мактаб адабиёт ўқитувчиси С. Аскаров «Майсаранинг иши» комедиясининг халқ манбалари» деган мавзуда доклад қилди. Ҳамза поэзиясида, драматургиясида халқ асарлари услубида ва таъсирида ёзилган ажойиб намуналар талайгина. Хусусан, «Майсаранинг иши» комедияси ўзининг сюжет қурилиши ва ёзилиш услуби билан фольклор асарларига, халқ эртакларига жуда яқин туради.

Конференция охирида Ҳамза комитетининг раиси Юсуф Султонов якунловчи нутқ сўзлади. У конференциянинг юксак савияда ўтганлигини, бироқ ҳали Ҳамза ижодининг чуқур ўрганилиши лозим бўлган томонлари кўплигини, Ҳамза ҳақидаги хотираларни тўплаб нашр этиш пайти етганлигини, Иттифоқимизнинг шоир ижодини ўрганиш билан шуғулланаётган бошқа илм-фан марказларидаги тадқиқотчи олимлар билан алоқани кучайтириш кераклигини айтди.

Конференция ҳар йилдагидек мароқли ўтди.

Ҳ. Шамсиева

АТОҚЛИ ТУРКОЛОГ ОЛИМ

Филология фанлари доктори профессор Николай Александрович Баскаков фақат Совет Иттифоқидагина эмас, балки жаҳонга номи кетган ажойиб турколог олим сифатида машҳурдир. Бундай бўлиши табиий, чунки проф. Н. А. Баскаков бажарган илмий тадқиқот ишларининг диапозони жуда ҳам кенг. У конкрет туркий тилларни ўрганишга доир масалалар билан бир қаторда умумтурколог сифатида оид проблемалар бўйича ҳам, шунингдек ҳар хил системадаги тилларни аниқ педагогик мақсадларда қиёсий ўрганиш масалалари бўйича ҳам йирик тадқиқотларнинг авторидир.

Проф. Н. А. Баскаков Москва университетини тугатгач, қорақалпоқ тили ва унинг диалектларини ўрганиш юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борди, бу соҳага оид кўпгина назарий ва практик масалаларни илмий жиҳатдан ҳал этишда актив иштирок қилди.

Маълумки, ўша пайтларда Туркий тиллар янги алфавитини тузиш комитети миллий ёзувларни лотинлаштириш ҳаракатини кенг авж олдириб юборган эди. Мазкур масалалар, хусусан, қорақалпоқ алфавити ҳамда қоракалпоқ адабий тилининг орфографияси, фонетикаси ва грамматик қурилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бевосита проф. Н. А. Баскаковнинг иштирокида ҳал этилдики, бунга унинг қорақалпоқ тили бўйича ёзган «Қорақалпоғистонда лотинлаштириш» (1930), «Қорақалпоқ орфографияси ҳақида қайдлар» (1933), «Қорақалпоқ орфографияси проектига оид қайдлар» (1933), «Қорақалпоқ тили орфографиясининг янги қоидалари» (1934) каби асарлари яққол далилдир.

Проф. Н. А. Баскаков қорақалпоқ тилининг фонетикаси ва грамматик қурилишини ўрганиш бўйича жуда катта ишларни бажарди. Қорақалпоқ тилининг биринчи грамматикаси (1931) проф. Н. А. Баскаков қаламига мансубдир. Унинг «Қорақалпоқ тили» (1951—1952) асари конкрет туркий тиллардан бирини ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб тадқиқ қилиш бўйича тилшуносларимизга кундалик қўлланма бўлиб қолди[1].

Проф. Н. А. Баскаковнинг қорақалпоқ тилини ўрганиш соҳасидаги илмий фаолиятига тўлароқ характеристика бериш мақсадида унинг яна баъзи асарларини кўрсатиб ўтиш лозим: «Қорақалпоқ тилида феъл даражалари (1951), «Қорақалпоқ тилида кишилик ва эгалик олмошлари» (1957), «Қорақалпоқ тилида қўшма феъллар» (1952), «Қорақалпоқ тилидаги сўз бирикмаларининг аниқловчили типлари» (1956), «Қорақалпоқча-русча луғат» (1958).

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети проф. Н. А. Баскаковнинг илмий ва маданий соҳадаги актив фаолиятини эътиборга олиб, уни бирнеча марта фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади, ҚҚАССР да хизмат кўрсатган фан арбоби деган фахрий унвон берди. Проф. Н. А. Баскаков қорақалпоқ тилидан ташқари ҳар хил таснифий системаларга тааллуқли бўлган бошқа туркий тиллар бўйича ҳам кенг кўламда илмий текшириш ишлари олиб борди. Катта Совет Энциклопедиясининг турли томларида нашр этилган „Эски ўзбек тили“, „Уйғур тили“, „Қозоқ тили“, „Қипчоқ тили“, „Нўғой тили“, „Татар тили“, „Турк тили“, Туркман тили», «Туркий тиллар» каби қисқа, мазмундор мақолалар проф. Н. А. Баскаков илмий фаолиятининг нақадар кенг эканлигидан далолат беради.

Юқорида қайд қилинган тилларнинг айримлари бўйича проф. Н. А. Баскаков катта-катта мақолалар, йирик монографиялар, грамматик очерклар ёзди, луғатлар тузди, масалан: «Нўғой тили ва унинг диалектлари» (1940), «Олтой тилининг диалектлари» (1956); «Хакас тилини ўрганиш тарихи» (1954); «Уйрут тили грамматикасидан очерклар» (1947); «Уйғур тили грамматикасидан очерклар» (1939); «Уйғур вокализми» (1955); «Хакас тили ва диалектларининг фонетик хусусиятлари» (1954); «Хакас тили (1953) ва бошқалар.

Туркман тилини ўрганиш ва бу соҳа бўйича миллий кадрлар тайёрлашдаги бениҳоя катта хизматлари учун проф. Н. А. Баскаков «Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон олишга сазовор бўлди.

Айрим туркий тиллар бўйича жуда кўп материаллар тўплаш проф. Н. А. Баскаковга кенг турколог ва тарихий-лингви-

[1] Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: В. В. Решетов, Ценный вклад в советскую тюркологию, «Известия АН УзССР, Ташкент, 1953.

стик планда тадқиқот ишлари олиб бориш учун имкон берди.

Туркий тиллар грамматикасига оид айрим масалалар бўйича проф. Н. А. Баскаков ёзган «Туркий тилларда -са/-се шарт формасининг келиб чиқишига доир» (1953); «Туркий тилларда сўз туркумлари ва сўзларнинг морфологик структураси» (1957); «Туркий тиллардаги кишилик ва кўрсатиш олмошларининг маъно жиҳатдан ўзаро муносабатлари ҳақида» (1952); «Туркий тилларда -ды/-ты қўшимчали сифатдошлар» (1954); «Туркий тиллар группасида тусланиш системаси ёки сўзларнинг шахсга кўра ўзгариши» (1956), «Туркий тилларда содда гапларнинг тузилиши» (1956); «Туркий тилларда сўз тузилиши» (1955) каби илмий ишлар туркий тилларни қиёсий-тарихий планда ўрганиш соҳасида намуна бўлиб қолмоқда. Туркий тиллар фонетика ва грамматикасининг айрим масалаларини қиёсий-тарихий планда ўрганишдан ташқари, проф. Н. А. Баскаков «Туркий тиллар грамматикаларининг илмий асослари» (1941); «Туркий тилларни тасниф қилиш масаласига доир» (1951, 1952); «Туркий тилларнинг тарихий тараққиёти ва шаклланишига кўра таснифи» (1952); «Туркий тиллар» (1960); «СССР халқлари тиллари ва ёзувларининг тараққиёти» (1952) каби тилшуносликдаги айрим масалаларни умумлаштирувчи асарлар ҳам ёзди.

Кенг лингвистик профилда тадқиқотчи бўлган проф. Н. А. Баскаков фақат туркологик традициялар рамкасидагина чегараланиб қолган олим эмас, балки у ўз илмий фаолиятини миллий республикалардаги тилшуносликнинг амалий масалалари билан чамбарчас боғлаган улкан олимдир.

Миллий республикалардаги мактабларда она тилини ўқитишга оид бўлган ишлари ҳамда миллий тилларни қиёсий планда ўрганишга доир «Туркий тиллар структурасини рус тили структурасига нисбатан қиёсий ўрганиш» (1956) каби асарлари проф. Н. А. Баскаковнинг кўп қиррали илмий-практик фаолиятини яққол кўрсатади.

Октябрь революциясидан кейинги туркий тилларнинг тараққиёти фақат миллий тилларнинг асос диалектларини аниқлаш ва ёзув формаларини белгилашнигина эмас, балки юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашни ҳам талаб қилар эди. Бу соҳада ҳам проф. Н. А. Баскаков жуда кагта ишларни бажарди. Муболағасиз айтиш мумкинки, миллий тиллар бўйича проф. Н. А. Баскаков тайёрлаган мутахассислар Совет Иттифоқи территориясидаги туркий тилда сўзлашувчи республикаларнинг барчасида бор.

Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Николай Александрович Баскаковнинг олтмиш ёшга кирган кунида унга сиҳат-саломатлик, узоқ-узоқ умр тилаймиз, кўп миллатли Ватанимиздаги миллий тилларни ўрганиш соҳасида Николай Александровичнинг ҳормай-толмай яна ҳам самарали хизматлар қилишига ишонамиз.

В. В. Решетов

РСФСР педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

ТИЛШУНОСЛИККА ОИД КАНДИДАТЛИК ТЕМАЛАРИ

ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида СССР Фанлар академияси томонидан тасдиқланган «Социалистик миллат ва миллий тилларнинг тараққиёти қонуниятлари» номли комплекс проблема доирасида ўзбек тилшунослигининг давр тақозо этган проблематик масалалари бўйича кандидатлик темалари ишланмоқда.

Ўзбек тили диалектологияси соҳаси бўйича қатор илмий ходим ва аспирантлар ўрганилиши мутлақо зарур бўлган темалар юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бу тадқиқот темалари 1965—1966 йилларда кандидатлик диссертациялари сифатида ҳимояга тавсия этилади.

Илмий ходим Шукур Носиров проф. В. В. Решетов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Қўқон шеваси» бўйича тадқиқот иши олиб бормоқда.

Аспирант Исмат Шамсиддинов доцент Ҳ. Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Қоракўл шеваси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёзди.

Илмий ходим Дўстмурод Абдураҳмонов филология фанлари доктори Ш. Абдураҳмонов раҳбарлигида «Ўзбек тили Бешкент шевасининг лексикаси» деган темада илмий-текшириш иши олиб бормоқда.

Илмий ходим Ҳайдарали Ўзоқов проф. В. В. Решетов раҳбарлигида «Жанубий Фарғона шевалари» деган мавзуда тадқиқот иши олиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослигининг лексикография соҳасида ҳам қатор текширишлар олиб борилмоқда.

Илмий ходим Саидфозил Акобиров «Ўзбек тили изоҳли луғати тузилишининг баъзи масалалари» деган темада кандидатлик диссертацияси ёзаётир.

Илмий ходим Нусрат Икромова «Ўзбек тилида таом номлари» деган темада, илмий ходим Лия Решетова «Ўзбек тилида лингвистик терминлар» темаси бўйича тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ўзбек тили тарихи, турк тилларни қиёсий ўрганиш соҳалари бўйича текширилиши зарур бўлган баъзи проблематик масалалар юзасидан ҳам илмий текшириш ишлари сони кўпаймоқда.

А. Каримов А. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг лексикаси», А. Матгэ-

зиев «Эргаштирувчи боғловчиларнинг тарихий тараққиёти», Т. Акрамов «Ўзбек тилида от кесим», илмий ходимлар Ўлмас Мирзакаримова «Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асарининг морфологик хусусиятлари» (раҳбари филология фанлари доктори Ғ. Абдураҳмонов), Маҳфуза Туробова «Шайбонийнома» тили, Клара Турсунқулова «Туркий тилларда келишик категорияси ва уларнинг рус тилида берилиш йўллари», А. Ҳамитова «Туркий тилларда сифат», М. Ҳамраева «Туркий тилларда равишдош», аспирант М. Аъламова «Туркий тилларда буйруқ ва истак майллари» темалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқдалар.

Тилшунослик назарияси соҳаси бўйича ҳам монографик текширишлар олиб борилмоқда. Л. Каримованинг «Қўшма гап компонентлари орасида грамматик боғланиш воситалари», аспирант М. Ботироваинг «Ўзбек ва рус тилларида истак ва буйруқ майллари», катта илмий ходим Н. Альҳамованинг «Бобирнома» лексикаси» номли темалар устида ёзаётган кандидатлик диссертациялари фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги замон ўзбек тили соҳаси бўйича ҳам актуал масалалар устида текширишлар олиб борилмоқда. Илмий ходим А. Аҳмедов «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўроқ гаплар», Э. Бегматов «Ўзбек тили омонастикаси» темалари устида илмий текширишлар олиб бормоқдалар.

Институтда рус тилшунослигининг баъзи актуал масалалари бўйича ҳам монографик текширишлар олиб борилмоқда. Илмий ходим В. М. Попов ёзаётган «Рус адабий тили фонетикаси» ана шундай тадқиқотлардан биридир.

Аспирант Ю. Абдувалиев «Тошкент область қозоқ шевалари» бўйича, илмий ходим О. Рамазонов «Ўзбекча математика терминлари» бўйича диссертация ёзишяпти.

Институтда герман ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш бўйича илмий иш олиб борилмоқда. Аспирантлардан М. Исматуллаеванинг «Инглиз тилида олд қўшимчалар ва уларнинг ўзбек тилида берилиши», Ю. Саидовнинг «Инглиз тилида ҳаракат номлари ва уларнинг ўзбек тилида берилиши», А. Саидбоевнинг «Немис ва ўзбек тилларида келишик системаси» темалари фикримизнинг далилидир.

Ҳ. Узоқов

МУНДАРИЖА

Янги режалар 5
Т. Бобоев. Ҳозирги ўзбек прозасида замондошларимиз образлари . . . 7
М. Ҳакимов. Совет даври ўзбек мақоллари 15
Т. Мирзаев. «Алпомиш» достонининг ғоявий йўналиши ҳақида . . . 21
И. Абдуллаев. Х аср Бухорода ёзилган васфий шеърлар ҳақида . . . 25
Т. Алиқулов. Синекдоха йўли билан полисемияларнинг вужудга келиши ҳақида 30
Н. Аҳмедов. Ўзбек адабий тили ва шева хусусиятлари 36
А. Аҳмедов. Махсус интонацияли сўроқ гапларнинг структураси . . . 41

Муҳокама ва мунозара

Ф. Абдуллаев. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида 46

Илмий ахборот

Э. Бегматов. Ономастик сўз ясаш масалаларига доир 53
Т. Аҳмедов. Навоий «Лайли ва Мажнун» достонининг сюжети масаласига доир 55

Танқид ва библиография

М. Ҳақбердиев, Ш. Шукуров. «Наводирул вақое» ўзбек тилида . . 59

Илмий ҳаёт ва хроника

Н. Даврон. Навоий ижодига бағишланган илмий конференция 61
Ҳ. Шамсиева. Ҳамзашунослар конференцияси 62
В. В. Решетов. Атоқли турколог олим 63
Ҳ. Узоқов. Тилшуносликка оид кандидатлик темалари 64

Ўзбекистон ССР „Фан“ нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқаради:

1. М. Юнусов

ТРАДИЦИЯ ВА НОВАТОРЛИК

Нашриёт листи 13. Тиражи 1000. Баҳоси 1 с. 10 т.

Монографияда атоқли ўзбек шоирлари ва адиблари Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Ғайратий, Ҳамид Олимжон ижодидаги традиция ва новаторлик батафсил анализ қилинган. Рус совет поэзияси, биринчи навбатда, Маяковский ижодининг ўзбек шоирларига кўрсатган ижобий таъсири баён этилган. Шунингдек, китобда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўзбек совет поэзиясининг вужудга келиши, ўсиши ҳақида ҳам маълумот берилган.

Монография адабиётшуносларга, филология факультетлари студентларига ва аспирантларга ҳамда ўзбек совет поэзияси тарихи ва тараққиёти билан қизиқувчи кишиларга мўлжалланган.

2. Ё. Жўраев

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИДА ДИНГА ҚАРШИ МОТИВЛАР

Нашриёт листи 9,5. Тиражи 1000. Баҳоси 88 т.

Китобчада дин пешволарининг чиркин қиёфасини, қуръон ва шариат таълимотининг сохта ва асоссизлигини фош этувчи ўзбек халқ ижоди асарлари таҳлил қилинади. Унда келтирилган факт ва мисоллар меҳнаткаш халқнинг динга муносабатини ёрқин акс эттиради. Китоб адабиётшунослар, пропагандист-атеистлар, олий ва ўрта мактаб ўқитувчилари, шунингдек, атеизм масалалари билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

3. Қ. Х. Хоназаров

РУС ТИЛИ—СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ОНА ТИЛИ

Нашриёт листи 2,1. Тиражи 3000. Баҳоси 8 т.

Бу брошюрада улуғ рус тилининг СССР халқлари иккинчи она тилига айланиши, унинг социалистик миллатлар фан ва маданиятини тараққий эттиришдаги, СССР халқларини илғор рус ва дунё маданияти билан таништиришдаги роли ва аҳамияти баён этилган. Брошюра барча китобхонларга мўлжалланган.

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

№ 3

1965 г.

Нашриёт муҳаррирлари *М. Қосимов* ва *С. Абдукаримов*
Техмуҳаррир *Р. Х. Рузиева*

Р09338. Теришга берилди 3/IV-65 й. Босишга рухсат этилди 17/V-65 й. Формати 70×108 1/16=2,12 қоғоз листи. 4,25 босма листи. Ҳисоб-нашриёт листи 5,42
Нашриёт № 1512/65 Тиражи 8935. Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан" нашриётининг босмахонаси, 2-Високовольт кўчаси, 21. Заказ 547.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

2

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396

R 481
1965/4

ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

ЗАЛ ПЕРИОДИКИ

Экз. №2

1965 4

ФАН
НАУКА

181

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Восьмой год издания

4

ИЮЛЬ—АВГУСТ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «НАУКА» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ—1965

R 481

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Саккизинчи йил чиқиши

ГБ УзССР
Ж 24460
4

4

Экз
№2

ИЮЛЬ—АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 1965

Редколлегия:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. ОЙБЕК *(бош муҳаррир)*, ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари В. И. ЗОҲИДОВ, Ю. СУЛТОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, филология фанлари докторлари Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ, Ф. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, В. В. РЕШЕТОВ, И. О. СУЛТОНОВ, А. П. ҚАЮМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари кандидатлари Д. АШУРОВА, Б. Ж. ЖУРАЕВ, О. У. УСМОНОВ, С. ҚОСИМОВ *(масъул секретарь)*.

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

№ 4

1965 г.

Нашриёт муҳаррирлари: *М. Қосимов ва С. Абдукаримов*
Техмуҳаррир *Р. Рузиева*

Р10026. Теришга берилди 4/VI-65 й. Босишга рухсат этилди 19/VII-65 й. Формати 70×108¹/₁₆—2,5 қоғоз л. 6,85 босма л. Уч. нашриёт л. 6,53 Нашр. № 1547/65. Тиражи 8800 Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан" нашриётининг босмахонаси, 2-Високовольт кўчаси, 21. Заказ 830.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

МУҲСИН АЛИЕВ

ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИДАН КЕЙИНГИ ДРАМАТИК АСАРЛАР МАҲСУЛИ

Партия XX съездидан кейинги даврда мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Кейинги йилларда адабиётимизда, жумладан, ўзбек совет драматургиясида давр руҳига мос келадиган қаҳрамонларни тарғиб қилувчи янги-янги асарлар майдонга келди. Драматургия майдонида бунёдга келган қаҳрамонлар китобхон-томошабинларни мушоҳида юритишга ундамоқда, уларнинг фикру зикрини шу куннинг ҳаётий проблемалари сари тортмоқда. Драматургнинг фикри-ёди эса замон талабларига жавоб бериш, эстетик диди ўсиб бораётган китобхон-томошабинни бадиий қондиришдир.

Драматургиямиз ўз ичига қамраб олаётган тематика кун сайин ортиб бормоқда. Ҳаётимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг кичик-кичик деталлари ҳам улкан маънолари билан драматургларимизни ўзига жалб қилмоқда. Давримизнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий психологик кўринишлари улар ижод этган асарларда намоён бўлмоқда.

Бу асарларнинг асосий хусусияти шундаки, уларда совет воқелиги бадиий бўёқларда чуқур умумлаштирилган бадиий образлар орқали акс эттирилмоқда. Иззат Султоннинг «Имон» ва «Номаълум киши», М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», С. Азимовнинг «Қонли сароб» ва «Юлдузлар жамоли», Уйғуннинг «Ҳуррият» ва «Шубҳа», А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» ва «Сўнгги нусхалар», Зиннат Фатхуллин ва Шукур Саъдуллаларнинг «Ватан ишқи», Р. Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» сингари асарлари фикримизнинг далилидир.

Лекин мазкур мақола ҳажм эътиборига кўра Партия XX съездидан кейинги драматургия соҳасида яратилган асарларнинг барчаси ҳақида фикр юритишга имкон бермайди. Шу сабабли, асосан, кейинги йилларда яратилган соф драма асарларининг тематика жиҳатидан бойиши, уларда ижобий қаҳрамон яратиш ва типиклаштириш масалаларига тўхталишни лозим топдик.

XX съезддан кейинги йилларда яратилган драматик асарларимизнинг жанри янги-янги темалар билан бойинди. Буларда илм аҳлининг кечинмалари (И. Султон «Имон», О. Ёқубов, «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим», Шукрулло «Хатарли йўл»), муҳожирлар ҳаёти (С. Азимов «Қонли сароб»), шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари (Уйғун «Шубҳа», С. Азимов «Юлдузлар жамоли») ўз аксини топди. Драматурглар ўз фикрларини талқин этишда замонага хос янги усул, янгича услуб излаб ижобий натижаларга эришдилар. Драматургияда автор фикрини баён қиладиган персонаж пайдо бўлди (А. Қаҳҳор «Сўнгги нусхалар»), қаҳрамонлар ўз кечмишларини ўзлари ҳикоя қиладиган бўлдилар (С. Азимов «Қонли сароб»).

Шу билан бир қаторда, коммунизм қурувчисининг ахлоқ нормаларини ўзида мужассамлантирган қаҳрамон образини яратиш совет халқини коммунизм сари олға бошлаб бораётган Партия ишига, умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш экани драматургларимизнинг диққат марказида бўлиб келди. Шу сабабли, кейинги йилларда драматургиямизда ўз хизматлари билан бошқаларга ўрнак бўларли, соф виждонли, совет кишиларини ғалабалар сари етаклайдиган қатор қаҳрамонлар майдонга келди. Пахтазор қўйнида жавлон уриб ҳалол меҳнати билан коллектив олқишига сазовор бўлган Ҳуррият, ўз билимлари билан илм-фанимиз равнақига улкан ҳисса қўшган, совет мамлакати, меҳрибон халқининг хизмати йўлида фидокорлик кўрсатган, ўзида интернационаллик элементларини мужассамлаштирган олим Комилов, сезгир, уддабурон, Партия сиёсатини оғишмай амалга оширадиган, жонкуяр Полвон Султонов сингари қаҳрамонлар пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги замон темасида ёзилган драма асарларида қаҳрамоннинг ички ҳаяжони, унинг муҳит билан кураши масаласи талқин қилинмоқда. Унинг маънавий ва ахлоқий томонлари намойиш қилинаётир. Бу ҳол драматургларни ҳозирги замон кишисининг психологияси ва ички дунёсини очишга ундамоқда. С. Азимовнинг «Қонли сароб», И. Султоннинг «Имон» пьесалари замирида саҳналаштирилган спектакллар фикримизнинг далили бўла олади.

Ёзувчининг турмуш тажрибалари, дунёқараши, дунёни эстетик жиҳатдан қандай қабул қилиши ва уни ўз мухлисларига қай даражада етказиб бера олиши унинг идеали орқали майдонга келади, яъни бадиий адабиёт адибнинг идеалини ўзида мужассамлантиради. Илғор ёзувчининг эстетик идеали умумжамият идеалининг санъат орқали намойиш қилиниши ҳисобланади.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги кунларда адабиётимизнинг, жумладан, драматургия жанрининг асосий мавзуи коммунистик меҳнатни улуғлаш, янгиликлар кашф этиш, мардонаворликка чорлаш, коммунизм кишисининг онгини шакллантириш, ахлоқий-маънавий қиёфаси, зафар учун кураш масалаларини акс эттиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу — замона илғор ёзувчиларининг идеали умумсовет идеали билан доим алоқада бўлади, демакдир.

Биз икки хил формада намойиш қилинган автор идеали ҳақида фикр юритмоқчимиз. Булардан бири — ижобий қаҳрамон орқали талқин этишдир. Бунда ижобий қаҳрамон ахлоқий жиҳатдан камол топган бўлиб, жамият ишига виждонан қарайди, ҳаётда янглиш йўл тутган кишиларга ўз таъсирини ўтказишга астойдил ҳаракат қилади. Бу борада кейинги йилларда ўзбек совет драматургиясида пайдо бўлган олим Комилов, унинг келини Азиза, Полвон Султонов ва Ҳуррият образлари диққатни жалб этади.

Ҳаётда илғорлар тажрибасига тўғоноқ бўлиш, янгиликка қарши чиқиш, ишёқмаслик, танбаллик, бировларнинг ҳисобига яшаш сингари салбий қаҳрамонларнинг ҳеч нарсага арзимайдиган, кучсиз бўлиб қолишининг ҳам сабаби шунда. «Имон» пьесасидаги Санжаров асарнинг ижобий қаҳрамони Комилов қаршисида «сувга тушган мушукдек шумшук» бўлиб қолар экан, бу ажабланарли ҳол эмас. Бу Санжаров-

ларнинг умри тугаётганидан, бундай текинхўрлар, кўзбўямачилар эндиликда интернационаллик элементларини, коммунизм ахлоқ кодексларини ўзида мужассамлантирган Комиловдек бақувват, гармоник ривожланган, турмуш сабоқларидан ўзига яраша хулоса чиқариб олган қаҳрамонларга бас келолмаслигидан дарак беради.

Комиловда совет кишисининг туб фазилати ўз аксини топган. Автор ўз қаҳрамони орқали «меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат», «ишламаган тишламайди» деган тезисларни олға суради.

Пьесадаги Азиза образи ўз характер эътибори билан замонамизга ҳамоҳанг илғор хотин-қизлар образидир. У эрининг эгри йўл тутаётганини кўра-била туриб, индамай кетолмайди. Чунки унинг Ватан, халқ қаршисидаги бурчи бу ишни бекитиб кетишга йўл қўймайди. Коммунистик ахлоқ нормаларини ўзига сингирган виждони эса уни қийноққа солади, оиладаги вазифасини тўғри ўташга ундайди, севимли турмуш йўлдошини бу йўлдан қайтаришга чорлайди. Ички ҳаяжон, виждон қаршисидаги бурчни ўташ сингари олижаноб хусусиятлар Азиза образида ўз аксини топди.

«Юлдузлар жамоли» пьесасидаги Полвон Султонов жасур, сезгир, ҳақиқат талаб принципиал курашчидир. У раҳбари Турсуновнинг буйруғи заминидаги адолатсизликни сезгирлик билан пайқаб, бу буйруқни бажариш шарт қилиб қўйилса ҳам бажармай рад этади. Султоновдаги бу хусусият, бу одат унда аллақачонлар шаклланган одат ва хусусиятларнинг давоми, янги шароитидаги янгича кўриниши сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатдан унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолиятига қилинган экскурсия характерлидир.

Командир Турсунов оз қурбон бериб эгаллаш мумкин бўлган истеҳкомни муддатидан бир кун аввал эгаллаб, ўз шуҳратини ошириш учун кўп қурбон бериш йўлидан боради. Полвон унинг бу қилмишини юзига дангал айтиб, қоралайди. Қоралабгина қолмай, ўзининг бажараётган вазифасидан бошқа вазифага ўтказишларини талаб қилади. Талаби қондирилишига қатъият билан курашиб, ўз мақсадига эришади ҳам.

«Ҳуррият» колхоз темасига бағишланган. Бу асар хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда улкан куч эканини таннум этади. Мазкур пьесанинг хусусияти шундаки, драмада ташланган тугун ўз-ўзидан барча персонажларни ишга солади. Уларнинг характерларини тадрижий ўсишда-ўзгаришда кўрсатади. Бу ҳолни дастлаб асар қаҳрамони Ҳуррият образида кўрамиз. Асар давомида Ҳуррият не-не кулфатларни бошидан кечиради. Аввал бошлаб у Эшон ака, Қосим акалардан дакки эшитади; эри уни ташлаб кетади; Пўлатжон, Асқар, Холвой, Сойиб сингари танбаликка ўрганиб қолган шахслар унга бўйинсунмайдилар. Ёлғизлик унинг юрак-бағрини тирнайди. Хуллас, у машаққат, азоб-уқубатлар гирдобида қолади, оғир синовларда чиниқади, бу синовлар унинг характерининг чиниқишига катта ёрдам беради.

Асар давомида Ҳурриятнинг характери ўсиб, ривож топиб, шаклланиб боради. Пьеса охирида кўз ўнгимизда бутунлай бошқа, қўрқмас, жасур, чарчамас Ҳуррият образи гавдаланади-ю, лекин шу билан бир қаторда у баъзи асар қаҳрамонларига ўхшаб ўз қобиғини ўзгартирмайди. Автор ўз қаҳрамонидаги қандайдир муайянлик-аниқликни сақлашнинг уддасидан чиққан. Ҳурриятнинг ички ўзгаришлари сезилиб туради, аммо биз уни асарнинг биринчи пардасида қай аҳволда тасаввур қилган ёки кўрган бўлсак, охирги кўринишида ҳам шу алфозда кўрамиз. Бироқ у энди маънавий тетиклашган, ўзининг ким экани, ким учун қандай хизмат ўтаётганини тушунган, Ватан, халқ манфаати йўлида жон фидо қилишга тайёр, ўзининг заиф томонларини мутлақо тушуниб етган ҳолатда намоён бўлади.

Драматург ўз мақсадига осонликча эриша қолмасдан, мушкул, аммо шарафли йўлдан борган. Унинг қаҳрамони рашк, ифво-фасод, бўҳтонларга чидаш сингари оғир синовларни матонат билан ўтайди. Қаҳрамоннинг ички дунёси Эшон ака, Қосим акалар билан тўқнашувда, улар орасидаги муносабатларнинг кескинлашувида, воқеа-ҳодисаларнинг таъсирида аста-секин очилиб, асар тугуни шу йўл билан ечила боради.

Автор ўз идеалини фақат ижобий қаҳрамон орқалигина эмас, балки жамиятимизга доғ бўлиб турган айрим шахсларнинг бемаъни хатти-ҳаракатлари, шунингдек социализм душманларининг кирдикорларини очиш, уларнинг аянч башараларини кўрсатиш, ярамас хулқ-атворларини намойиш қилиш орқали ҳам ифодалайди. Бу билан у она-Ватанга бўлган садоқати, меҳрибон халқига бўлган муҳаббатини изҳор этади. Драматургия майдонига ўзининг «Қонли сароб» асари билан кириб келган С. Азимов ўз идеалини худди шу йўсинда талқин этади.

«Қонли сароб» ҳали ўзбек адабиётида қўл урилмаган мавзу—бойлик орттириш, тўраларча ҳаёт кечиришни истаб ўз халқидан кечиб кетган, она-Ватанини сотмоқчи бўлган ватанфурушлар ҳақида ҳикоя қилади. Пьеса автори тема танлаш, драмани бошлаш ва унинг экспозициясини талқин этиш масалаларида янгилик излаган ва бу борада ютуққа эришганини эътироф этиш керак.

Асарда ижобий қаҳрамон йўқ, зотан бу асарга ижобий қаҳрамон киритиш ҳам пьесанинг ғоявий йўналишига путур етказар, мазмунига ҳам, шаклига ҳам мос тушмас эди.

Мазкур пьесадаги зиддият қаҳрамонларнинг мураккаб шароит билан жиддий тўқнашуви ва ўз-ўзи билан кескин олишуви заминида ривожланиб боради. Улар қаршисида бундай шароитни, улар онгида бундай олишувни эса, ўзи кўринмасада, музаффар руҳи бутун воқеа давомида аниқ сезилиб турадиган Совет Иттифоқи халқларининг салобатли қудрати, буюк ғалабалари содир қилади. Бундай шароитга, бундай курашга улар индивидуал хусусиятлари, қилмиш-қидирмишлари туфайли дуч келадилар. Чунончи, улардан бири (Аслзода Саидхон) ўжарлиги, ичи қоралиги, муғомбирлиги орқасида, иккинчиси (Юртолбек) калтабинлиги, тошкўнгиллиги, жоҳиллиги натижасида, учинчиси (Фиғоний) соддалиги, ишонувчанлиги, ҳийла-найрангларга учиб лақиллаши, яна бири (Шайх Абдулфотиҳ) хом хаёллар гирдобига ғарқ бўлиб, дин ақидалари «куч-қудрати»га ишониши оқибатида тарих ғилдирагини орқага бурмоқчи бўлиб, табиий равишда боши берк кўчага кириб қоладилар. Улар ўз индивидуал характерларидан келиб чиқиб, турлича тақдирга эга бўладилар.

Капиталистик мамлакат жосуслари — Жеймс Тэйлор ва Номаълум киши ёвуз ниятларга ватанфурушлар воситасида етмоқчи бўладилар. Улардан бири — Тэйлор Мир Алихонни ўзига тамоман оғдириб олади, иккинчиси эса (Номаълум) сотқин муҳожирларни ўз кетидан эргаштириш учун Элейн орқали Мир Алихон кирдикорларини фош қилади. Шу муносабат билан қаҳрамонларда юз берадиган зўр психологик ҳолатлар Совет Иттифоқининг Муяссар нутқида акс этган афзалликлари воситасида ички курашни кульминацион нуқтага олиб чиқади ва уни илғор кучлар фойдасига ҳал қилади. Шунинг натижасида кўзи мошдек очилган гумроҳлардан бири (Фиғоний) келажагига умид боғлаб нур сари интилади. Иккинчиси (Юртолбек) эса ўзини ўзи отиб ўлдиради. Бу ҳол уларнинг табиатига тамомила мувофиқдир. Коллизиялар ниҳоясида Шайх Абдулфотиҳнинг осийлигини, гуноҳкорлигини тан олиши, лекин қўрқоқлик, журъатсизлик қилиб узлатга чекинишини ҳам, Аслзода Саидхоннинг жар ёқасидаги шерикларидан воз кечиб янги мухлис, янги

пушти паноҳ излаб кетиши ҳам, Мир Алихоннинг зир югуриб, имонини сотиш баробарига тўплаган дунёсидан айрилиб қолмаслик учун мухлислари фожиасини писанд қилмай, жонини қуруққа олиб қочиши ҳам характерлар мантиқига мос келади.

Бундан кўринадики, драма автори ўз олдига ватангадолар фожиасини намойиш қилиш билан совет кишиларида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, совет гуманизмининг қадрига етиш, Партия ва халқ манфаатини ҳимоя қилиш, социалистик жамият афзалликларини киши кўз ўнгида гавдалантириш вазифасини қўяди. С. Азимов бу шарафли ва масъулиятли вазифани муваффақият билан ҳал қилган.

КПСС XX съездидан кейинги давр ўзбек совет драматургиясининг ривожида тарихий асарларнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Бу даврда «Йўлчи юлдуз», «Мирзо Улуғбек», «Номаълум киши» сингари пьесалар яратилди. Мазкур асарлар турли давр тарихини бадиий бўёқларда акс эттириб, турли услуб ва тарихга турлича ёндашиш натижасида майдонга келгани билан уларни бир нуқтага бирлаштириб турувчи белгиси ҳам йўқ эмас. Бу ҳол пьеса авторларининг турли давр тарихига замонавийлик нуқтаи назаридан қарашларида, ўз пьесаларини замонга хизмат эттиришларида кўзга ташланади. Бу ҳол пьеса авторларининг мақсадлари бир эканлигида, ўз халқларига хизмат қилишни, Партия ва Ҳукумат қаршисидаги бурчаларини сидқидиллик блан бажаришни, яъни чинакам халқчил асар яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганларида кўринади.

Аввало шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу даврда драматургия майдонига буюк доҳий В. И. Ленин образи кириб келди. Ўрта Осиё республикаларининг ёзувчилари орасида бу ишга дастлаб қўл урган киши Комил Яшин бўлди.

В. И. Ленин тимсолининг ҳар бир хусусияти биз учун бебаҳо, айнан ҳаётга ўхшаб Ленин ҳам кўп қиррали. Унда ташкилотчилик ва публицистлик, файласуф ва давлат арбобининг буюк заковатлари ўз аксини топган.

Комил Яшин «Йўлчи юлдуз» пьесасида улуғ Ленин образини гавдалантирар экан, бу нуроний сиймонинг гражданлар уруши йилларидаги жонбозликлари, Шарқни халқ душманларидан озод этиб, Туркистон меҳнаткашларини нурафшон дунёга олиб чиқиш ҳақидаги фикрларини биринчи планга сурди.

Пьесада халқ бошига тушган оғир кулфатларнинг, мушкулотларнинг ечилиши бевосита Лениннинг аралашуви билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда берилади. Унинг Фрунзе ва Дзержинскийлар билан суҳбатида, Ўрта Осиё делегациялари билан муомиласида, ҳар бир ҳаракатида ва мулоҳазаларида бу инсоннинг буюклиги ва шу билан бирга камтарлиги, ўз халқига меҳрибонлиги ва душманга нисбатан бераҳмлиги намоён бўлади.

Пьесадаги Фрунзе, Дзержинский, Полтарацкий, Вотинцев сингари тарихий шахслар билан бир қаторда Темир, Ғуласал, Жоқип, Аваз сингари тўқима образлар ҳам доҳий Ленин образининг айрим қирраларини очишга ёрдам беради.

М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий фожиаси киши кўз ўнгида узоқ ўтмишни (XV аср) яққол намоён қилади. Бу пьеса романтик бўёғининг ўткирлиги, фалсафасининг кучлилиги билан бошқа пьесалардан ажралиб туради. Автор тарихий ҳақиқатни романтика билан боғлаб очишга муяссар бўлган.

Бу муваффақиятнинг замири нимада? Бизнингча, авторнинг ҳаётни бутун қирралари билан яхши билиши, ўтмиш тарихимиздан замон эҳтиёжларига хос, жамият тараққиёти учун мадад берадиган материал

танлаб олиши, асарда ёритилаётган замон қарама-қаршиликларини ҳис этиши, материалга замон кўзи билан қараб, бугунги кунимиз талаби нуқтаи назаридан ёрита билиши, тарих билан бадиятни бир-бирига чамбарчас боғлай олишидадир. Бу хислатлар аввало асар қаҳрамони Улуғбек сиймосида кўзга яққол ташланади.

Улуғбек образи ўзининг ҳаётийлиги, инсонийлиги, илм-маърифатни тарғиб этиши, зеҳнининг ўткирлиги, адолатпарварлиги, миллат ва ирқни фарқ қилмаслиги билан замонамизга ҳамоҳангдир. Автор Улуғбекдаги бу фазилатларни юзага чиқаришда бадиий бўрттириш воситасидан унумли фойдаланган. Ҳақиқатни ички ва ташқи моҳиятлари билан борлиғича очишга ёрдам берадиган бадиий бўрттирма эса типиклаштиришнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Драматург бадиий бўрттириш воситалари орқали тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларни типиклаштиришга эриша олган. У бу вазифани кузатган материалларидан диққатга сазовор, бир-бири билан боғланадиган ерларини топиб, бир нуқтага тўплай билган. Адиб воқеликдаги ҳақиқатни ўз қаҳрамонининг ички дунёсини, маънавий қиёфасини очиш орқали акс эттирган. Қаҳрамоннинг ички дунёсига кириб бориш, ўз навбатида, бадиий жиҳатдан тўлақонли ва ҳаётий асар яратишни таъминлаган.

«Пьеса қаҳрамонларини атайлаб ақлли қилиб кўрсатиш ярамайди,— деган эди бир вақтлар буюк олим Д. Дидро,— уларни шундай шароитга тушириб қўйиш керакки, бунда улар ўз-ўзларидан ақл ишлатишга мажбур бўлсинлар».

Улуғбекни биз худди шу шароитда кўрамиз. Давлатни бошқариш, илм-маърифат тарқатиш, босқинчилик урушларига, бидъатчиларга қарши кураш, саройдаги фисқу фасодларга оқиллик билан бардош бериш — буларнинг ҳаммаси севимли қаҳрамонимизни тадбир-чоралар топишга, ақл-идроқ ишлатишга ундайди.

Авторнинг мақсади ҳаммадан аввал Улуғбекни илм-маърифат кишиси, юлдузлар сирини очишга бутун қалби билан берилган олим сифатида кўрсатиш эди. Шуниси характерлики, автор ижобий қаҳрамондаги илм-маърифатга бўлган интилиш, ирқ ажратмаслик, адолатпарварлик ва гуманизм хислатларини намойиш қилиш мақсадида уни доим фаол ҳаракатда кўрсатади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати эса яна бир янги фазилатини очишга ёрдам беради.

Тарихий қиссани бадиият майдонида жонлантиришга бел боғлаган адиб тарихий вазият, давр, муҳит ва социал тузумни киши кўз ўнгида яққол гавдалантириш мақсадида бадиий тўқима образлар яратган. Бу образлар асар қаҳрамонининг одамларга муносабатини белгилашда (Бердиёр, Отамурод), унинг инсоний хусусиятларини очишда (Феруза), қайси синфга мансублигини белгилашда (Пири Зиндоний), давр руҳини акс эттиришда (Бобо Қайфий) катта роль ўйнайди.

Иззат Султон «Номаълум киши» пьесасини яратар экан, халқ оғзаки ижодига мурожаат қилди. Халқ ижоди ранг-баранг, ўлмас ва бой. У кўплаб ёзувчиларнинг ижодий лабораториясини бойитиб, фантазиясини ўстириб келди. И. Султон ҳам халқ дурдоналарини ўз ижодий лабораториясида қайта ишлаш ва унга ижодий хаёл маҳсулини қўшиш билан замонага ҳамнафас пьеса яратди. Драматургни бу ишга халқ орасида Номоз номи билан шуҳрат топган шахсларнинг адолатпарварлиги, халқпарварлиги, қаҳрамонлик хусусиятлари ундади. И. Султон ўз асарида Номозларнинг шижоати, довюраклиги, халқ манфаати йўлида жон фидо қилишларини ёрқин бўёқларда тасвирлашга муваффақ бўлди.

Реалистик эстетика фантазия, ижодий хаёл, шартлилик деган гапларни мутлақо инкор қилган эмас. Шу сабабли драматург Номозлар қиссасини буюк воқеа ҳисобланган 1905 йил рус революциясига боғлади.

Бу асарда автор фантазияси билан реал ҳаёт бирлашиб, бир бутунликни ташкил этади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалар мазкур асарлар мутлақо бенуқсон, деган маъно касб этмайди. Бу пьесалардан бирида қаҳрамонлар психологияси етарли даражада очилмаган бўлса («Номаълум киши»), иккинчисида тил индивидуаллиги мавжуд эмас («Қонли сароб»); учинчисининг композиция тузилишида ортиқча юклар бўлса («Юлдузлар жамоли»), яна бирида айрим қаҳрамонлар бошқаларни такрорловчи бўлиб қолган («Имон»даги Карим Собиров). Лекин бу жузъий нуқсонлар мазкур асарлар қийматини туширишга қодир эмас.

Булардан кўринадики, партия XX съездидан кейин драматургия соҳасида маълум ютуқлар қўлга киритилган. Аммо етакчи драматургларимиз — Қ. Яшин, Собир Абдулла, Н. Сафаровлар бу ишда ғайрат-шижоат кўрсатганларида ўзбек совет драматургияси тағин ҳам бойиган, янада юқори поғонага кўтарилган бўлур эди.

РЎЗИ ҚОДИРИЙ

ЎЗБЕК СОВЕТ ПОЭЗИЯСИДА УЙҒУР ХАЛҚИ ҲАЁТИНИНГ АКС ЭТИШИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин барча совет халқлари қаторида ўзбек халқининг ҳам озод овози барала жаранглай бошлади. Ленин ғоялари билан қуролланган ўзбек халқи шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг равнақи учун олиб борилаётган курашлар жараёнида тобора улғайди. Ўзбек адабиётининг қиёфасини белгилай бошлади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айнийлар изидан оғишмай борган Ғайратий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Собир Абдулла, Мамарасул Бобоев, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор сингари шоирлар ва адибларнинг ижоди ўзбек совет адабиётининг хазинасини янада бойитди.

Мазкур сўз санъаткорлари партиямизнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги кўрсатмаларини бажонидил амалга ошириш йўлида қалам тебратар эканлар, аввало совет ватанпарварлигини жуда жўшқин, жуда революцион руҳ билан куйладилар. Совет тузумининг маънавий қудратини ажойиб бадиий лавҳалар билан акс эттира бошладилар. Совет кишисининг дунёни қайта қуриш ва яратувчилик қобилиятини, иродасини тобора яхлитроқ, ёрқинроқ ифодалаб, жаҳон китобхонларининг диққатини жалб этдилар. Пролетариат интернационализми руҳида суғорилган, ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта, пишиқ асарлар яратдилар ва яратмоқдалар. Бу асарларда СССР халқларининг, жумладан, Совет шарқидаги халқларининг эркин, бахтиёр, қувноқ ҳаёти, жўшқин ижоди, меҳнати, қаҳрамонлиги, яратувчанлиги тараннум этилганидек, 50-йилларгача империалистларнинг қуллик асоратида ва феодализм занжирида бўғилган, иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан қолоқ бўлган хитой ва уйғур халқларининг кулфатли турмуши ҳам кенг, ҳаққоний ёритилди. Шунингдек, уларда Синьцзянда уйғур халқининг озодлик, тенглик учун, бахтли турмуш учун олиб борган курашлари, орзу-умидлари, совет кишиларининг, жумладан, совет ёзувчисининг бирдан-бир идеали — ленинча ғояси, эстетик қарашлари ҳам ўз ифодасини топди. Тасвирланувчи қардош халқларнинг бахт йўлида олиб бораётган курашига совет одамлари томонидан бўлган хайрихоҳлик, маънавий мададкорлик жўшқин поэтик лавҳаларда кўрсатилди.

Хитойда четдан келган ва маҳаллий мустабидларнинг зулмига, эксплуатациясига қарши олиб борилаётган инқилобий ҳаракатларнинг зафар қозонишини олдиндан кўра олган Ҳамза 1927 йилдаёқ «Шанхай» шеърини ёзди. Шундан сўнг С. Айний («Шарқ масаласи», «Шарқ халқларига мурожаат»), Шокир Сулаймон («Қонли девор», «Ли Чу»), Миртемир («Хитой ўғли»), Султон Жўра («Шанхай элчисига»)лар ҳам бу темада бир қатор асарлар яратдилар. Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғу-

лом ўзбек совет адабиётининг 30-йиллардаги яхши ютуқларидан ҳисобланган «Хитойдан лавҳалар» поэмасини ёзди. Бу поэмада хитой халқ инқилобининг қозонажак ғалабаси жуда ишонч ва кўтаринки руҳ билан тасвирланади. Унга бўлган хайрихоҳлик шоир қалбининг ҳарорати билан баён этилади.

Ўзбек совет поэзияси билан янада чуқурроқ танишар эканмиз, уларда уйғур халқининг тарихий ўтмишини, фожиали турмушини ва асрий орзу-армонларини изҳор айлайдиган ҳасратларига, мунгларига ўзбек халқи ўзини шерик деб ҳис этганлигини англаймиз. Жафокаш уйғурларнинг озодлик, тенглик йўлидаги барча тилакларига ўзбек халқининг тилакдошлигини очиқ-ойдин сезамиз. Унинг мағзида, боисида совет одамларининг, жумладан, шоирнинг интернационаллик бурчини шараф билан бажаришга интилганлигини, қуллик азобида бағри қонга тўлган бечора уйғурларга нисбатан маънавий мададкорлигини кўра оламиз. Ўзбек совет адабиёти тематикасининг миллий чегарадан чиқиб, уйғур ҳаётини қамраб олиши унинг халқлар дўстлигини, қардошлигини кенг ёрита бошлаганлигидан, шунингдек, жаҳон саҳнасига кўтарилганлигидан далолат берарди. Айни чоқларда тематика томондан улғайиб, бойиб бораётганлигини кўрсатарди. Ана шундай юксак ва муҳим вазифани устига олган совет шоири Ленин ғояларини эзилган халқларнинг қалбига етказиш, уларнинг ўз эрки, ўз бахти учун олиб бораётган кураши йўлига ленинизмнинг нурини Ленин ватанидан сочиш аҳдини тўлиқ оқлашга киришди. Бу улкан ният замирида М. Бобоевнинг «Дўстлик мактуби», «Майли», «Аҳд этган», Зулфиянинг «Дўстимга», С. Абдулланинг «Дилбарим», «Ойхон» ва Зафар Диёрнинг «Дўстлик» каби асарлари бунёд этилдики, булар бизнинг юқоридаги фикримизни тўла тасдиқлайди.

Драматург ва шоир Собир Абдулланинг уйғур халқининг ўзбек халқи билан дўстлиги ва қардошлиги, азалдан бир-бирига кўмакдошлигини гавдалантирувчи «Ойхон» номли саҳна асаридаги тасвирланган воқеалар ҳам Қашқарда рўй беради.

М. Бобоев «Дўстлик мактуби»да уйғур, ўзбек меҳнаткашлари ҳаёт йўлининг, орзу-армонларининг азалдан бир эканлигини чуқур ҳаяжонли мисраларда куйлаб, ўқувчилар қалбида кучли ҳисларни уйғотади:

Сувга чўкдик, ўтда куйдик, шу улуғ ватан
Қучоғида кулди яна армон — она юртимда.
Соғинганим Или[1] тўлиб ўйнаб оқмоқда,
Элда тинчлик, мен солдатдек меҳнат постимда[2].

Ўзбек совет адабиётининг дастлабки вакилларидан бири, кекса шоир Ғайратийнинг ижодига назар ташласак, унда дўстлик, қардошлик ва инсонпарварлик мотивларини улуғлаган асарлар салмоқли эканини кўрамиз. Бу асарлар орасида шоирнинг уйғур ҳаётини ёритган шеър ва поэмалари катта ўринни олган. «Онамга хат», «Жиназа» ва «Қадрдон Фурқат» каби поэмалари фикримизнинг гувоҳидир.

Энг қадимги даврлардан буён Шарқ билан Ғарб савдогарларининг бозорига, ўтиш кўпригига, мол алмаштириш саройига айланиб қолган Қашқарнинг тарихий ўтмишини жуда тўғри чизган шоир Ғайратий унинг кўп фалокатларга дучор бўлишининг боисини тўғри тушунади. Бунинг сабаблари нимада эканлигини англайди. Унга берган ажойиб хаққоний ва тийран таъбирини «Онамга хат» поэмасида шундай содда сатрларда ифодалайди:

Қашқар, кўп савдолар-ла
Қайнаган диёр.

---

[1] Или — Шимолий Синьцзяндаги дарё ва водий номи.
[2] «Шарқ ҳақиқати» журнали, Тошкент, 1948, 4-сон, 10-бет.

Қашқар, ҳар бир фасодли
Ҳолга бўлдинг ёр!..
Бу диёрнинг баҳрида
Ўйнаган кимлар?
Эркин нафас ололмай
Йиғлаган кимлар?
Кимларнинг орқасида
Қамчи излари!..
Ҳали ҳам долғаланар
Қон денгизлари!..[3]

Ғайратий инглиз, швед, немис капиталистлари ва миссионерларининг асорати остида, Туркия, Эрон савдогарларининг талон-торожида, шунингдек Хитой феодал-бойларининг ваҳшатида қолган, миллий сотқинларнинг дастидан қон ютган Қашқар меҳнаткашларининг дардига ҳамдард бўлади. Барча бисотидан, инсоний ҳуқуқидан батамом маҳрум бўлган бечора уйғурларнинг дод-фарёдига, оҳ-зорига юраги эзилиб чидолмаган шоир унинг дардига малҳам йўллайди. Қалбидаги ҳасратни тинглашга қулоғини тутади. Дардлашиш, ҳасратлашиш олдида шундай хитоб ва мурожаат қилади:

Зулм, ваҳшат-ла тўлиб
Оққан бу шаҳар,
Кечди ва кечирмоқда
Бошидан налар!
Бу шаҳарнинг қалбига
Қулоғинг тутсанг,
Ҳали ҳам тингланадир
Зор, йиғи — оҳанг!
Эй, Қашқарнинг дардидек
Чўзилган Туман,[4]
Сирли излар саҳифасин
Кел, оч, менга сен![5]

Шоир Ниёзбойваччага ўхшаган бадният, зулмкор шахсларнинг тутқунлигидан қочиб Советлар юртига ўтган, бу ерда ҳақиқий инсонлик ҳуқуқига эга бўлган, ўқиш, ўрганиш туфайли бир ихтисос эгаси бўлиб етишган Тўхташларнинг қиёфасини хилма-хил бадиий лавҳаларда беради. Бинобарин, Совет ўлкасида орзу-умидлари ушалган Тўхташнинг Қашқардаги онасига ёзган мактуби орқали социалистик тузумнинг бошқа ҳар қандай тузумдан афзаллиги, устунлиги, коллектив меҳнатнинг улуғворлиги кўрсатилади. Шу билан бирга, туғилган ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат жуда юқори қўйилади. Шунингдек, киши ўз бахтини топганда ҳам онасини, бу она тимсолидаги жонажон юртини унутмасдан доим эслашга ундайди. Шунинг учун Тўхташларнинг бу ердаги турмуши қанчалик эркин ва бахтли бўлмасин, юрагида она юрт соғинчи алангаланади.

Шоирнинг «Жиназа» поэмаси ҳам уйғур ҳаётидан олиб ёзилган. Поэманинг бош қаҳрамони Жиназа исмли қиз бўлиб, у худди «Онамга хат»даги Тўхташ каби бир парча нонга зор бўлган уйғур фарзандидир.

Уйғур халқи хаётида 1920 ва 1930 йилларда рўй берган воқеаларнинг «Онамга хат»да келтирилмаган баъзи деталлари «Жиназа»да берилганлиги аниқ сезилади. Ёпчон қишлоғининг гўзал тасвири орқали кўз олдимизда Қашқар қишлоқлари манзарасигина эмас, ундаги табақалар ҳам гавдаланади. Шоир қишлоқдаги оддий деҳқонларнинг меҳнати ҳисобига яшаётган бек, юз боши, заминдор ва сармоядорларнинг кошоналарда кечирган фаҳш ҳаёти ва зулм картинасини чизиб, «Шу кошона

[3] Ғайратий, Танланган асарлар, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1962, 207-бет.
[4] Қашқардаги дарё номи.
[5] Ғайратий, Ўша асар, 189-бет.

сири бўлди кўп сирга ўртоқ, талай номус топталиб, сўлди кўп ғунча яп-роқ!» дер экан, номуси ўғирланган минг-минг йўқсул деҳқон қизларининг аламли қиёфаси кўз ўнгимиздан ўтади. Авжига чиққан турли-туман жарималарни тўлашга қурблари етмай, ўз жигар пораларини ҳам сотишга мажбур бўлган деҳқонларнинг ачинарли оғир ҳаётини Темирохун образида яққол кўрамиз.

Бу поэманинг яна бир характерли хусусияти шундаки, унда қишлоқнинг асосан бир-бирига тубдан зид икки синфдан холи эмаслиги, улар ўртасида қарама-қарши курашларнинг кун сайин ўсиб, кескинлашиб бораётганлиги кўринади. Ўзини олий табақа ҳисобловчи помешчик вакили Қодир меҳнаткаш деҳқон Темирохунга нисбатан жирканса-да, қизи Жинастанинг гўзаллиги туфайли буни яширишга ҳаракат қилади. У ўзининг ғаразли ниятида Темирохуннинг солиқ қарзи учун юз боши Қосимчўнгга пул тўлаганлигини баён қилади:

Гарчи паст Темирохун
Қизи бўлса-да севдим.
Қандай қилай шу учун
Ихтиёримни бердим.
Ихтиёрсиз ёнидан
Узатди уч-тўрт олтин.
Буни кўргач Қосимчўнг
Олди секин роҳат-тин[6].

Шоир бу поэмасидаги бош ғоя орқали ўзининг дўстлик, қардошлик, инсонпарварлик идеалини, совет шоирининг эзилган элларга хайрихоҳлигини, инсоний эркини, ҳуқуқини ҳимоя қилишда у билан бирга курашажагини янада очиқроқ акс эттиради.

Ғайратийнинг «Қадрдон Фурқат» поэмасидаги «Фурқат Ёрканддa» қисмида ҳам уйғур меҳнаткашлари ҳаёти тасвирланади. Унда шоирнинг эзгу ниятлари, истаклари, ленинча дўстлик, қардошлик ва инсонпарварлик ғоялари янгича планда кўрсатилади.

Шоир бу поэмани тугаллар экан, унда икки эл дўстлиги ва қардошлигининг жуда аниқ намунасини кўрсатади:

Кенг Ёрканддa ҳаёти тамом —
Бўлди охир, дўстлар субҳи-шом.
Куйладилар ғамгин куй — достон,
Мозорига: «Фурқат қадрдон»—
Деб ёздилар бир лавҳа мангу
Изҳор этиб муҳаббат, туйғу.
Бу муҳаббат яшар умрбод,
Номи мангу этилади ёд![7]

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўзбек совет шоирлари, шу жумладан Ғайратий ижодида уйғур меҳнаткашларининг ҳаёти, уларнинг совет халқларига бўлган чуқур муҳаббат ва туйғулари ўз ифодасини топди.

---

[6] Ғайратий, ўша асар, 279-бет.
[7] Ғайратий, ўша асар, 370-бет.

Г. Б. ОКУНЬ

Филология фанлари кандидати

ЧЕТ ЭЛ ЁЗУВЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

ЭГОН КИШНИНГ «УНУТИЛГАН» КИТОБИ[1]

Прогрессив немис ёзувчиси Эгон Киш нинг «Осиё тубдан ўзгарди» деган асари «унутилган» деб аталган китоблар қаторига киради. 1932 йилда Берлинда нашр этилган бу китоб ҳозиргача илмий жиҳатдан махсус текширилган эмас.

Эгон Киш нинг (1885—1948) ҳаёт йўли диққатга сазовордир. 1906 йиллардаёқ Европа матбуотида унинг муҳим темада ёзилган мақола ва очеркларини учратиш мумкин эди. Киш ҳамма вақт кишиларни тўлқинлантирадиган воқеалар ичида бўлар, ижтимоий ҳаётга актив иштирок этар эди.

Киш китоблари икки қитъа халқлари ҳаётининг қомусидир. Немис очеркчиси ва ёзувчиси ўз асарларида синфий қарама-қаршиликка асосланган тузумнинг бутун иллатларини фош этиб ташлар эди. Адабий ижодда Киш бир вақтлар «фақат, ҳақиқатни, ҳеч нарса қўшмай фақат ҳақиқатни акс эттириш лозим» деган шиорни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бироқ биринчи халқаро ёзувчилар Конгрессида (1935) «Маданиятни ҳимоя қилиш» деб аталган нутқида Киш ўз адабий фаолиятининг янги принципларини бундай ифодалаган эди: «Асар бадиий хусусиятидан маҳрум бўлмаслиги учун ёзувчи тасвирий воситаларни қатъий равишда танлаб олиши, келажак нуқтаи назаридан ҳаққоний баён қилиши ва бадиий қораловчи ҳужжат сифатида тақдим этиши лозим...»[2]

Эгон Эрвин социализм мамлакати ҳақида «Шоҳлар, поплар ва большевиклар» (1926) ва «Осиё тубдан ўзгарди» (1932) деб аталган иккита асар ёзди. «Шоҳлар, поплар ва большевиклар» деб аталган биринчи асарида Э. Киш «ҳаётни лоқайд оддий кузатувчи сифатида акс эттириш керак», деган машъум назариясига бирмунча амал қилган бўлса, «Осиё тубдан ўзгарди» деган асарида фактларга эътибор қилиши бадиий тасвир билан бирга қўшилади. Ёзувчининг бу тасвирий услуби ҳаётни партиявий нуқтаи назардан идрок этиш, коммунистик ғоявийлик ва социализм мамлакатига бўлган қизғин муҳаббати билан суғорилган эди. Худди шунинг учун ҳам китоб кескин конфликтлар ва драматик ситуацияларга бойдир. Ўзбекистоннинг босиб ўтган йўли ва республика ҳаётида 30-йиллардаги муҳим воқеалар ҳақида фикр юритганда Киш уларни тарихий перспектив тарзда талқин этади, ижтимоий тараққиётнинг бош тенденцияларини аниқ кўра олади.

«Осиё тубдан ўзгарди» асари талант билан ёзилган ҳаққоний китобдир. Киш ҳаётни кенг тасвирлаш ва миниатюралар чизиш орқали энди-

---

[1] Эгон Киш Совет Иттифоқида икки марта бўлди — 1922—1925 ва 1930—1931 йиллар. 1925 йили Киш Ўзбекистоннинг меҳмони эди.

[2] Эгон Эрвин Киш, Репортажи, МГУ, М., 1964, стр. 225.

гина туғилган социалистик жамият кишисининг маънавий жиҳатдан шаклланиш жараёнини кўрсатади.

Янги Осиё ҳақидаги бу китоб бадиий воситаларининг ранг-баранглиги билан қизиқарлидир: унда психологик кичик лавҳалар (эподлар), мажлислар ҳақидаги протокол тарзидаги ёзувлар билан тўла мустақил новеллалар контраст параллелизм ва психологик жиҳатдан қизил ва кулранг бўёқлар билан ёзилган парчалар билан қўшилиб кетади.

Баёндаги новеллалар, очерклар, этюд ва репортажлар китобнинг ўзига хос бадиий қимматини оширади.

Эгон Киш кашф этган ўзгараётган Осиёни кўздан кечирайлик. Ёзувчи самолётдан кўрганларини ёзиб боради. Кишнинг Оренбург устидан учиб ўтаётганда «Осиё — Европа» деган ёзувлари бўлган чегара кўрсаткичини қидириши беҳуда эди. Бироқ унинг кўзи ҳарбий истеҳкомга эга бўлган аллақандай қалъага тушади. «Учувчи ёнида ўлтирган бортмеханик бизга бир қоғоз узатди. Ўнда «Бу «Алмашувчи сарой» деб ёзилган эди. Бу «Алмашувчи сарой» Европа билан Осиё ўртасидаги чинакам чегара тоши эди». Ғарб билан Шарқ бошқа-бошқа олам бўлиб, бир-бири билан ҳеч қачон қўшилиши мумкин эмас. Кишнинг тушунишича, мустамлакачиларнинг «башорати» ана шундай эди[3].

Аммо Эгон Киш Европа билан Осиё ўртасидаги совет чегарасини кесиб ўтгач кашфиёт қилади: «Бироқ Шарқни Ғарбдан ажратиб турадиган чегара йўқ. Эндиликда «Алмашувчи сарой» ҳам йўқ. Узоқларга чўзилиб кетган йўл, янги вокзал бинолари, силос миноралари кўзга ташланади. Буларнинг қайси бири Европа-ю, қай бири Осиё? Улар ўртасидаги тафовутни пайқаш қийин».

Асарнинг бу қисми экспозициядир.

30-йиллар бошларидаги Тошкент ҳаётини тасвирлаганда автор муҳим ижтимоий хусусиятларга алоҳида эътибор қилади.

Контраст параллелизм тасвирлаш услубидан фойдаланиб, ёзувчи Тошкентни икки хил бўёқда акс эттиради: «Кулранг бўёқ: классик ёзувчи Сальтиков-Шчедрин романида «Жаноб тошкентликлар» деб аталган подшо мустамлакачилари томонидан Тошкент шаҳри европаликлар ва маҳаллий аҳоли яшайдиган икки қисмга бўлиб қўйилгандир. Шаҳарнинг Европа қисмида ҳоким одатда отставкага чиққан генерал... яшар эди. Жаноби олийлари турган бу қисмда маънавий қариндошлик жиҳатдан унга яқин бўлган муқаддас синод, банк, граждан ҳокимияти ва пахтачилик фирмаларининг вакиллари ҳукмронлик қилар эдилар.

Ўзбеклар макони ҳисобланган эски шаҳар эса, икки километр масофада бўлиб, ташландиқ бир ҳолатда эди».

«Қизил бўёқ: тез суръатлар билан тараққий қилаётган пойтахтга зарур бўлган қарийб ҳамма бинолар: фабрика, ишчилар учун турар-жойлар, истеъмол жамияти корхоналари, мактаб ва клублар орадаги тафовутни йўқотиш мақсадида эски шаҳарда қуриляпти»[4].

Ҳаётий фактлардан асарда турлича йўсинда фойдаланиш мумкин: жамият тарихидаги реал воқеаларни тасвирлашда ҳаққоний ҳужжатлардан фойдаланиш ҳам, фактларни қуруқ қайд этиш ҳам мумкин.

Киш тасвирий воситаларининг кўлами худди ана шундай кенгдир. Тошкент ҳақидаги ҳикояни икки планда давом эттириш билан бирга, ёзувчи яна икки ранг тасвир услубини ҳам қўллайди.

«Кулранг бўёқ: бу ўзгаришлардан қатъи назар эски шаҳарнинг

---

[3] Egon Erwin Kisch Berichtet, Asien gründlich Verändert, Moskau, 1933, стр. 112. Бу ва бундан кейинги ўринларда келтирилган цитаталар немис тилидан бизнинг таржимамизда берилди — *Г. О.*

[4] Уша асар, 12-бет.

километрларга чўзилиб кетган кўчалари Шимолий Саҳройи Қабирнинг хабашлар яшайдиган маҳаллаларидан, Тунисинг ифлос ташқи кварталларидан ҳеч бир фарқ қилмайди... Архитектуранинг барча безаклари мачитлар қурилишига сарф этилган, оддий қурилишларга ҳеч қандай безак, битта ҳам ғишт ишлатилмаган».

«Қизил бўёқ: ғишт деворларнинг бир хил кўринишлари орасида янги уйлар қад кўтармоқда. Трамвай парки ва хотин-қизлар клуби, улкан босмахона, кооператив техникуми, Москва марказий Меҳнат институтининг филиали, ҳамширалар, нянка ва акушеркалар тайёрлайдиган медицина техникуми бинолари қурилган. Шайхантовур мачити «Красная звезда» киностудиясининг суратга оладиган студиясига айлантирилган. Бош мачит боғида ўзбек болалари теннис ўйнайдилар, ҳовуз бўйида қизил чойхона. Ўзбек миллий театри шоир ва композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номига қўйилгандир. Эркинлик куйчиси Ҳамза дин пешволари томонидан ўлдирилган эди»[5].

Ёзувчи кулранг бўёқда подшо мустамлакачилиги қолдиғини кўради. Революция ранги бўлган қизил бўёқ социалистик меҳнатнинг алангаси, ҳаётга янги сифат ўзгаришларининг кириб келиши тимсолидир. Икки рангни ёнма-ён тасвирлашдан иборат бўлган бадиий приём икки қарама-қарши томонларнинг курашини, янги воқеликнинг феодал урф-одатларига қарши курашини ифодалайди.

Икки бўёқнинг ёнма-ён келиши, фикрни контраст ифодалаш услуби «Икки рангли Тошкент» деган махсус бобнинг эмас, балки «Осиё тубдан ўзгарди» китобининг бутун ғоявий-бадиий мазмунини ташкил этади.

Образлар мантиқига зарар келтирадиган факт ва тушунчаларга меъёрдан ортиқ даражада маҳлиё бўлиш адабий асарнинг бадиий мукаммаллигига путур етказиши мумкин. Бироқ Эгон Киш асарида фактлар мақсадга мувофиқ бўлиши билан бирга, образлар мантиқи даражасига табиий ўсиб чиқади. Бу фақат Кишнинг талантига хос хусусиятдир.

Бу услубнинг хусусиятларини кўздан кечирайлик. Автор бундай деб ёзади: «Кулранг бўёқ: Ҳамза театрида юзларига от думидан тўқилган чачвон тутган кўпгина паранжили аёллар ўтиришибди». Бу ўринда факт мантиқи ғоят ихчам ва оддий ифодаланган. Аммо шундан кейинги юқоридаги фикрни давом эттирувчи жумла бадиий ситуация яратади: «Қизил бўёқ: бу аёллар саҳнада ўз тилларида сўзловчи, улар айтган қўшиқларни куйловчи очиқ юз аёлларни кўрадилар. Паранжилик аёллар паранжисиз аёлларга қарсак чаладилар»[6].

Фикрни контраст услубда ифодалаш, кулранг ва қизил бўёқларнинг бирга қўшилиши орқали образлилик, янги сифат ўзгариши вужудга келади. Бу хусусиятни янги киши онгининг туғилиши, деб аташни истар эдик («Паранжилик аёллар паранжисиз аёлларга қарсак чаладилар»).

«Осиё тубдан ўзгарди» китобининг тасвирий воситалари ранг-барангдир. Бу воситаларнинг ҳаммаси бир мақсадга — Осиёда Октябрь социалистик революциясидан кейин 30-йилларда давом этаётган туб ижтимоий ўзгаришларни кўрсатишдан иборат мақсадга хизмат қилади.

Киш ҳақиқатни чегаралаш, уни ўзи хоҳлаган шаклга солишни истамайди. Кулранг воқеликка дуч келганда Киш уни маълум бирор формада тугал тасвирлаш санъатидан воз кечади, унинг ташқи юзаки белгиларини чизиш билангина кифояланади. Китобда бундай этюдлар анчагина. Шу билан бирга, асарда бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш даврида яшаётган кишининг «қалб диалектикаси»ни ифодали акс эттирувчи этюдлар ҳам бор. Булар психологик этюдлардир.

---

[5] Ўша асар, 16-бет.
[6] Ўша асар, 19-бет.

«Қуюқ бўёқлар: Қиз юзидан чачвонини кўтарганича уйга киради. «Ёшинг нечада?» «Ўн тўртда». «Хўш, нима истайсан?» «Мен... мен бундан тўққиз ҳафта бурун турмушга чиқдим. Мен шундай қилиб, эр уйидан кетмоқчи бўлдим». «Ким сени эрга берди?» «Онам. У жуда камбағал, у мен учун катта қалин олди». «Куёв қанча қалин тўлади?» «Ўн олтита қўй». «Нечага кирган?» «Бунисини билолмадим. Унинг мендан катта набиралари ҳам бор». «Демак, унинг сендан бошқа хотини ҳам бор эканда?» «Йўқ. Уч хотини бор эди, ҳаммаси қазо қилишган». «У ким бўлиб ишлайди?» «Савдогар. Ҳуқуқдан маҳрум этилган». «Нега уникидан кетишни истайсан?» «Мен бир йил ўқишга қатнадим, яна ўқимоқчи, ҳеч бўлмаса, ёзув-чизувни ўрганмоқчи эдим. У бунга рухсат этмади. Бир куни китоб ўқиб турганимни кўриб, қўлимдан китобни олиб ёндириб ташлади, ўзимни эса ўлгудай дўппослади. Бир куни мен паранжини ирғитиб, очиқ юрмоқчи бўлдим. У мени «яна шунга ўхшаш ғайри шаръий гапларни айтсанг, ўлдираман» дея қўрқитди. У мени тўрт девор ичидан ташқарига чиқишимга рухсат бермайди. Мен бўлсам уззу кун уйда марваридларга кўмилиб ўтиришни истамадим. Мана бугун қочиб келдим»[7].

Этюднинг диалог формаси қиз ва унинг золим эри образларининг нафис ифодаланишини кучайтиради. Бироқ савол-жавоб асосида қурилган сўзлашув диалог формасининг бошқа томони бор. Ремаркадан маҳрум бўлгач, у статик бўлиб қолади. Қиш бу схеманинг тор рамкасини кенгайтира боради. Кенг маъно берадиган сўзларни ўринли қўллаб, ички монологга олиб борадиган ўткир, драматик ҳаракат ва картина яратади.

Қаршилик ҳиссининг ўсиш динамикаси, унинг қўрқа-писа ҳайратга тушишдан очиқ ғазабланишгача бўлган доираси нозик ифодаланган. Тўғри, ёш қаҳрамондаги изчил қаршилик кўрсатишнинг табиий намоён бўлишида Совет социалистик республикаларидан бирига айланган Ўзбекистон ҳаётининг янги тартиби, янги типик ҳолатлари ёрдам берган. Қишга таниш Ўзбекистон ва Тожикистон ижтимоий ҳаётининг кенг картинаси ёзувчи томонидан ниҳоятда аниқ тасвирий бўёқларда берилади. Бироқ одатдаги тасвирдан фарқлироқ, «турли рангдаги ҳаёт парчаси» фақат контекстдагина маънога эга бўлган оддий саҳро қўринишигина эмас, шу билан у ёрдамчи ва мустақил маъно касб этувчи гўзал миниатюрадир.

«Қуюқ бўёқлар: Бурунги Туркистон губерниясидаги, — дейилади китобда,— мусулмон аёлларнинг ҳаммаси савдосиз бўлган.

Ёркин бўёқлар: Қизлар клубида саводсизликни тугатиш бўйича кундузги ва кечки курслар ишлаб туради. Клуб аъзолари деярли ўзбек, тожик ёки қирғиз аёллари; спорт, музика ўрганиш ва граждан мудофаси тўгараклари ташкил қилинган. Атеистлар тўгараги «Табииёт курси» аталиб, унда имкон борича худо номи тилга олинмасдан, биология, халқлар тўғрисида маълумотлар ўрганилади»[8].

Кўҳна Бухоро ва Самарқанднинг мусулмон аёллари тўғрисидаги билганларимизни ёркин бўёқларда тасвирланган Қишнинг қуйидаги сўзлари билан таққослаб кўрайлик: «Клуб биносида Давлат омонат кассасининг филиали ишлайди, бу ерга очиқ хотинлар келиб ўз номларида пул жамғарма қўйишлари — қулликдан озод бўлишда катта қадам эди. (Германияда бирорта ҳам эрлик хотин эрининг ризолигисиз банкда счёт очолмайди.)»[9].

«Мен — Хосият Миркалон» новелласи Қиш баёни билан органик

---

[7] Ўша асар, 22-бет.
[8] Ўша асар, 24-бет.
[9] Ўша асар, ўша бет.

бирикиб кетади. Бунда Совет Шарқи аёлларининг руҳи ва ақлидаги буюк ўзгаришлар чизилади. «Осиё тубдан ўзгарди» китобининг дастлаб битта боби сифатида пайдо бўлган бу новелла ўзининг жонлилиги билан диққатни жалб этиб келмоқда.

Ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилади. Хосият Миркалон ҳаёт ҳақида, гражданлар уруши йиллари ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, хотин-қизлар озодлиги («Ҳужум»), жаҳолат ва диний фанатизмдан халос бўлиш тўғрисида бугунги юксак ўсиш чўққисидан туриб ҳикоя қилади.

Бу асарни новелла-автобиография жанрига киритиш мумкин. Бу автобиография-мулоҳаза, лекин телбаларча панд-насиҳатларга тўлдирилган одатдаги шундай пландаги асарларга ўхшамайди. Баённинг табиийлиги беллетристик жилва билан, форма ёрқинлиги чуқур тўлқинли мазмун билан қўшилиб кетади. Бу сифатларнинг қуймалиги, яхлитлиги бутунисича китоб учун характерли бўлган алоҳида бадиий-тасвирий синкретизмни туғдиради.

Қиш жанрнинг тор рамкасида воқеликнинг бир эпизоди асосида озодликка чиққан аёллар онгининг уйғониш процессини воқеалар билан ғоят жонли ва бадиий ишончли тасвирлашга муваффақ бўлди. Новеллада Хосият Миркалоннинг тўлақонли, қабариқ, қуйма образи яратилган.

Эгон Киш кўп ўринларда автор изоҳидан чекинади. Воқеликдан фактларни саралаб олиш ва уларни тасвирлаш учун маълум композицион йўл топиш подтекстдаги холи жойни тездан тўлдираётганга ўхшайди. Подтекст турлича характер касб этиши мумкин. Ў, масалан, Афғонистон чегарасида жойлашган ўзбек қишлоқларидаги коллективлаштириш картиналарини чизган эпизодларга ўхшаш ҳаётнинг сиёсий, тарихий, социал ҳодисалари билан муносабатга киришуви мумкин.

«Бизга Афғонистондан делегация юборишмоқчи,— ҳикоя қилади колхозга кирган ўзбек деҳқони Холмурод Имомберди,— улар бизнинг ўзлари томонда колхоз тузишимизни, ҳеч бўлмаганда, трактор юборишимизни сўрашди. Биз уларга бундай бўлиши мумкин эмаслигини тушунтирдик. Хўш, нима қилдилар? Ўз бойи — Мазор шарифдан у ерда ҳам совет тартибини киритишни илтимос қилишди»[10].

Қиш подтекстлари социологик, символик, лирик ва ниҳоят истеҳзоли маънога эга бўлиши ҳам мумкин. Мана истеҳзоли подтекстни келтириб чиқарадиган штрихларда чизилган кичик образ.

30-йиллардаги Тошкентни тасвирлаб, ёзувчи ёзади: Бўёқ ёрқинми ёки қуюқ? «Ёшлар каналда эски шаҳарнинг «тиш»ларини тозаламоқдалар, «томоқлари»ни чайқамоқдалар, шу билан бирга уларнинг қўшнилари агитация таъсирида гигиена нуқтаи назаридан каналда оёқларини ювмоқда...»[11].

Эгон Киш ҳикоя қилишнинг синтетик формасини топганки, бунда бир йўла ва бир вақтда ҳам ҳикоя қилувчи, ҳам персонаж овози эшитилади. Шу маънода ҳам публицист, ҳам хроникачи, ҳам репортер, ҳам тасвирланаётган воқеа иштирокчиси бўлган автор образи қизиқарлидир. Автор тадқиқоти ҳамма нарсага бориб тақалади. Унга ташқи кузатувчилик ҳолати хос эмас. Ҳақиқий ижодкор кекса донишманд-ку, ахир: у оддий кишилар кўргандан яхшироқ кўради»[12].

Эгон Киш оддий кишилар кўргандан яхшироқ кўради. Бу нарса унинг илгарилаб кетишига имкон беради. Қиш китобларидан бирининг

---

[10] Ўша асар, 131-бет.
[11] Ўша асар, 26-бет.
[12] А. П. Чехов, О литературе, М., 1955, стр. 299.

муқовасида авторнинг бир кўзи билан телескопга, иккинчи кўзи билан микроскопга қараб турган портрети чизилган. Бу аломат, биз кўрсатганимиздек, Киш ўз ижодида кенг манзараларни чизиш маҳорати билан кичик миниатюра яратишни бирга қўшиб олиб борганидагина эмас, шу билан ёзувчининг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган деталларда янгилик куртагини топа билишида, шунингдек, воқеа ва ҳодисаларнинг кенг кўринишидан деталлар излашидадир. Кенг планлиликни тўғри ҳис қила билиш Кишнинг ажойиб қобилиятидир. Бу унга тарихий истиқболни кўра билишга ёрдам берди.

АКРОМ ИБРОҲИМОВ

ХОЖА ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ БИР МУЛОҲАЗАЛАР

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ўзбек адабиёти тарихи ўрганилмаган бўлиб, чуқур илмий текширишларга муҳтож эди. Ўзбек адабиёти тарихини чинакам илмий асосда ўрганиш Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг вужудга келди, ривожланди ва тараққиётининг ҳозирги босқичига кўтарилди.

Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтмиш адабий меросни ўрганишда ҳам турли-туман оқимларга — вульгар социологизмга, нигилизмга, ўтмишни идеаллаштиришга ва шунга ўхшаш бошқа оқимларга қарши курашишга тўғри келди. Маълумки, бу антимарксистик оқимларнинг зарарли фикрлари ўз вақтида Партия томонидан шафқатсиз равишда фош қилинди ва унга қақшатқич зарба берилди.

Ўзбек адабиётшунослиги тарихан қисқа муддатда катта муваффақиятларга эришди. Фақат Улуғ Октябргача бўлган ўзбек адабиёти тарихи бўйича ўнлаб кандидатлик ва докторлик диссертациялари ёқландики, бунинг натижасида олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик яратиш имкони туғилди.

Ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида классиклар асарларини нашр этиш, хусусан, илмий-танқидий текстларни тузиш илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳада ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди.

Бироқ нашр этилган бу асарларда (бундан илмий-танқидий текстлар мустасно), хусусан, қисқартириб нашр этилган адабий парчаларда баъзи бир хато ва камчиликлар учрайдики, бунинг натижасида адабиётшунослигимизда айрим чалкашликлар содир бўлмоқда. Бу чалкашликлар ҳаёти ва ижоди етарли даражада ўрганилмаган ва асарлари тўлиқ нашр этилмаган, аммо ўзбек адабиёти тарихи программасидан ўзига муносиб ўрин олган ёзувчи ва шоирлар ижодида кўпроқ учрайдики, ана шундайлардан бири Хожадир.

Ҳозирги мавжуд адабиётларда Хожа ҳаёти ва ижоди ҳақида берилган маълумотлар оздир. Унинг туғилган ва вафот этган йили ҳам яхши аниқланмаган.

Маълумки, Хожа ўзининг «Гулзор»ини ҳижрий билан 945 йилда ёзиб тугатган вақтида 60 ёшда бўлган. Демак, у ҳижрий билан 945—60—885 йилда, милод билан 1480 йилда туғилган экан.

Бундан ташқари, ҳозирги мавжуд адабиётларда Хожанинг номи ҳам турлича ёзилмоқда. Масалан, «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»[1]нинг II томи ва «Ўзбек адабиёти»[2] нинг III томида Пошохожа,

---

[1] «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», II том, Тошкент, Ўздавнашр, 1945, 89-бет.

[2] «Ўзбек адабиёти», III том, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1959, 229-бет.

«Ўзбек адабиёти тарихидан»[3] номли китобда Пошшохўжа, «Ўзбек адабиёти тарихи»[4] дарслигида Пошохўжа, деб ёзилган. Бу хилма-хиллик чалкашликларга сабаб бўлади ва булардан қайси бири тўғри, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун эса Хожа Ҳасан Нисорийнинг «Муззакирул-аҳбоб»ида Ҳофиз Мираҳмад Хатиб тилидан келтирилган қуйидаги сатрларга мурожаат қилиш керак:

«...Дар замонеки волиди фақир Саййид Подшоҳхожаро дар Балх шайхул ислом карданд, ин қитъаро гуфта фиристода буд ва некаст:

Шайхул ислом чун шуди Хожа,
Аҳли исломро паноҳ туйи.
Подшоҳ сохт шайхул исломат,
Шайхул ислом, Подшоҳ, туйи»[5].

Ёки:

(Шайхул исломи подшоҳ тўйи).

Мазмуни: «...Вақтеки, фақирнинг отаси Саййид Подшоҳхожани Балхга шайхул ислом қилдилар, бу қитъани айтиб юборган эди ва яхшидир:

Шайхул ислом бўлдинг, эй Хожа,
Ислом аҳлига паноҳ сенсан.
Сени шайхул ислом этди подшоҳ,
Шайхул ислом, Подшоҳ, сенсан».

Ёки:

(Шайхул исломи подшоҳ сенсан).

Бу қитъанинг сўнгги мисраида сўз ўйини бўлиб, унинг биринчиси: «Сен Подшоҳ(хожа), шайхул исломсан», деган маъно англашилса, иккинчисидан: «Сен подшоҳнинг шайхул исломисан» деган маъно англашилади.

Агар биз бу ўринда атоқли от бўлган Подшоҳхожани Пошохожа ёки Пошшохўжа, ёхуд Пошохўжа ёзсак, у ҳолда, биринчидан, қофия бузилади, чунки «паноҳ» сўзидаги «оҳ» билан «Подшоҳ» (ёки «подшоҳ») сўзидаги «оҳ» қофия қилинган; иккинчидан, вазн бузилади, чунки «Подшоҳ» сўзи уч бўғин — бир узун, бир қисқа ва бир узун (-у-) бўғиндан иборат бўлиб, «Пошо» ёки «Пошшо» икки узун (— —) бўғиндан иборатдир, учинчидан, қитъанинг сўнгги мисраидаги сўз ўйини йўқолади.

Шунинг учун ҳам Подшоҳхожанинг номини «Пошшо» ёки «Пошшоҳ» эмас, балки «Подшоҳ» ёзиш тўғри бўлади. Шунингдек, «Подшоҳ» сўзига қўшилиб келган «хожа» сўзини ҳам «хўжа» шаклида эмас, балки «хожа» шаклида ёзиш керак. Чунки шоирнинг тахаллусини «Хожа» ёзиб, номига қўшилиб келган «хожа»ни «хўжа» ёзиш мантиқан тўғри бўлмайди.

Хожа ижодида аниқланиши лозим бўлган масалалардан яна бири унинг «Мақсадул-анвор»[6]» достони масаласидир. Бу ҳақда «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг II томида: «Хожа... «Мақсадул-анвор»ни Навоийнинг «Ҳайратул-аброр»ига ўхшатма қилиб ёзган»[7] дейилса, «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида ҳам худди шу фикр такрорланади: «Хожа Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонига ўхшатма тарзида «Мақсадул-анвор» деган достон яратган, деган маълумот бўлса ҳам, лекин ҳали бу достон топилган эмас»[8].

Ҳолбуки, қўлёзма манбаларда Хожанинг «Мақсадул-анвор»и А. На-

---

[3] В. И. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1961, 100-бет.

[4] Н. М. Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, ЎзССР «Ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти», 1963, 718-бет.

[5] «Музаккирул-аҳбоб» Ш. К. И. инв. № 1433, саҳифа 212.

[6] Кўп манбаларда «Мақсади-атвор» тарзида ёзилган.

[7] «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», II том, 89-бет.

[8] Н. М. Маллаев, ўша асар, 719-бет.

воийнинг «Ҳайратул-аброр»ига ўхшатма қилиб эмас, Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор» достонига татаббуъ қилингани айтилади. Бу ҳақда «Музаккирул-аҳбоб»да қуйидагилар ёзилган: «...ва татаббуи «Махзанул-асрор» «Мақсади-атвор» ном китобе тасниф кардаанд ва ин байт азон китобист...» Мазмуни: «Махзанул-асрор»га татаббуъ қилиб, «Мақсади-атвор» номли китоб тасниф қилибдирлар ва бу байт ўша китобдандир...».

Бундан ташқари, Хожанинг Низомий «Махзанул-асрор»ига татаббуъ қилиб ёзган асарининг номини ҳам аниқлашга тўғри келади. Чунки Тошкент Шарқшунослик институтидаги «Музаккирул-аҳбоб»нинг 5 та қўлёзма нусхасидан фақат биттасидагина «Мақсади-анвор» (مقصد انوار) ёзилган бўлиб, қолган тўрт қўлёзмада, шу жумладан, «Музаккирул-аҳбоб» ёзилгандан атиги 22 йил кейин — 996 (1588) йилда кўчирилган 4282 рақамли мўътабар нусхада ҳам «Мақсади-атвор» (مقصد اطوار) ёзилган.

Модомики, 5 қўлёзмадан тўрттасида «Мақсади-атвор» ёзилиб, фақат биттасидагина «Мақсади-анвор» ёзилган экан, демак, Хожанинг Низомий «Мақсади-асрор»ига татаббуъ қилиб ёзган асари, ҳозиргача ёзилиб келинаётганидек, «Мақсадул-анвор» эмас, балки «Мақсади-атвор» бўлиши лозим.

Маълумки, адабиётшунослигимизда сўнгги вақтларгача, яъни проф. В. Зоҳидовнинг «Ўзбек адабиёти тарихидан»[9] асари нашр этилгунига қадар, Хожанинг адабий мероси сифатида фақат унинг «Гулзор»и тилга олиниб, «Мифтоҳул-адл» XIV аср адабий ёдгорлигига киритилар эди. В. Зоҳидов ўзининг тадқиқотида «Мифтоҳул-адл»ни ҳам Хожанинг асари эканини ишонарли далиллар билан исботлаб, бу ҳақдаги мавжуд чалкашликларга барҳам берган эди.

Бироқ нима учундир «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида: «Мифтоҳул-адл»га доир масалалар, хусусан, унинг автори масаласи ҳали узилкесил ҳал этилмаган бўлса-да, «Мифтоҳул-адл» билан «Гулзор» ўртасидаги яқинликни кўзда тутиб, бу икки асарнинг ҳикояларини бирга ўрганамиз»[10] деб, «Мифтоҳул-адл» ва унинг автори ҳақидаги ҳал этилган масалалар шубҳа остига олинади.

Ҳолбуки, В. Зоҳидовнинг келтирган далиллари мантиқан изчил ва асослидир. «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг I томини тузган ўртоқлар, эҳтимол, XVI асрда Муҳаммад Темур Султон ўтганлигини билсалар ҳам, лекин уни шаҳзода Темур, деб ҳам аталишини билмагандирлар. Чунки ўша давр традицияси бўйича, темурийларни «мирзолар» деб юритилгани каби, шайбонийларни «султонлар» деб атар эдилар. Бинобарин, Муҳаммад Шайбонийнинг ўғлини ҳам традиция бўйича «Шаҳзода Темур» эмас, Муҳаммад Темур Султон деб юритилган ва тарихий манбаларда ҳам шундай ёзилган.

«Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»ни тузган ўртоқлар бунга эътибор бермай: «Мифтоҳул-адл» қачон, ким томонидан ёзилганлиги маълум эмас. Бу номаълум ёзувчи китобнинг муқаддимасида ўз асарининг «Шаҳзода Темурга» бағишланганини... сўзлайди. Бироқ бу «Шаҳзода Темур»нинг кимлиги ҳақида... ҳеч ишорат йўқ[11]...» деб таажжубланиш билан кифояланганлар. Бунинг натижасида «Мифтоҳул-адл»ни XIV аср ўзбек адабий ёдгорлигига киритиб юборилган. Бу эса адабиётшунослигимизда англашилмовчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

---

[9] В. Зоҳидов, ўша асар.
[10] «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги, 721-бет.
[11] «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», I том, Тошкент, Ўздавнашр, 1941, 55-бет.

Бундан ташқари, «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг I томида яна бир катта тушунмовчиликка йўл қўйилганки, у ҳам бўлса, «Мифтоҳул-адл»дан (парчалар) деб берилган ҳикояларнинг «Мифтоҳул-адл»дан эмас, балки «Гулзор»даги ҳикоялар эканлигидир.

1941 йилда нашр этилган хрестоматияда еттита ҳикоя берилган бўлиб, бу ҳикоялардан бештаси — биринчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи ҳикоялар 1959 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти»нинг III томига киритилган «Гулзор»даги биринчи, учинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн учинчи ҳикояларнинг айнан ўзидир.

Демак, бу беш ҳикоя ҳар икки асарда ҳам учраган экан, у ҳолда бу беш ҳикоя қайси асарга — «Мифтоҳул-адл» гами ёки «Гулзор»га таллуқлими, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун ҳеч кимнинг диққатини ўзига жалб этмаган, аммо илмий текшириш ишларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кичик бир деталга эътибор берилса, масала анча ойдинлашади.

«Ўзбек адабиёти»нинг III томига киритилган «Мифтоҳул-адл»даги ҳикояларнинг деярли ҳаммаси: «Кунлардан бир кун», деб бошланса, «Гулзор»даги ҳикояларнинг ҳаммаси: «Айтурларким», деб бошланади. Аммо 1941 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг I томига «Мифтоҳул-адл»дан парчалар деб киритилган ҳикояларнинг барчаси «Кунлардан бир кун», деб эмас, балки «Айтурларким», деб бошланади. Демак, «Мифтоҳул-адл»дан деб берилган бу ҳикоялар ҳақиқатан «Мифтоҳул-адл»дан бўлмай, балки «Гулзор»дан экан.

«Мифтоҳул-адл» билан «Гулзор»ни бир-биридан фарқ қила олмасликнинг сабаби, проф. В. Зоҳидов айтганидек, бу икки китобнинг битта муқовада бўлиши, уларнинг тили, услуби ва ғоявий мазмуни жиҳатдан бир-бирига ғоят яқин бўлишининг натижасидир. Бу эса, В. Зоҳидовнинг ҳар икки китобнинг ҳам («Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор») автори бир киши — Хожа деган фикрини яна бир карра тасдиқлайди.

Демак, «Мифтоҳул-адл» ва унинг автори масаласи «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида айтилганидек, мунозарали ва тўла ҳал этилмаган масала бўлмай, балки ишонарли далиллар билан исботланиб, узил-кесил ҳал қилинган масала экан.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1963 йил 4-сонида М. Мирзааҳмедованинг «Хожа ҳаёти ва адабий фаолияти» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Мақола анча қизиқарли бўлса-да, унда айрим камчилик ва ноаниқликларга йўл қўйилган. Шу ҳақда баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтишни лозим топамиз.

1. Мақола автори гарчи Подшоҳхожа номини, бошқалардан фарқли ўлароқ, Подшохожа ёзган бўлса-да, лекин у ҳам «Подшоҳ»нинг сўнгги ҳарфи — «ҳ»ни тушириб қолдирганки, бу юқорида кўриб ўтганимиздек, қофияга зарар етказади.

2. Гарчи М. Мирзааҳмедова Хожанинг туғилган йилини аниқлашга биринчи бўлиб уринган бўлса ҳам, лекин «Гулзор»нинг ёзилган йили 945 ни аввал милодга айлантириб (1538—39 йил), кейин Хожанинг ёши — 60 ни олиб ташлагани учун, кичик хатога — ноаниқликка йўл қўйган. Чунки Хожа, хусусан шажарага эга бўлган шайхул ислом — Хожа, ўз ёшини милод билан эмас, ҳижрий билан ҳисоблаганига шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки шажараларда туғилган, ўлган йиллар ҳижрий билан ёзилади. Борди-ю, мучал билан ҳисобланганда ҳам, биринчи мучалга она қорнидаги чоғни ҳам қўшиб 13 йил ҳисобланишини, шунингдек, эски йилнинг охириги кунида туғилган бўлса ҳам, туғилган йилни ўшандан бошланишини назарда тутилса, мучал ҳисобида ҳам 1—2 йилга адашиш ҳеч гап эмас. Бинобарин, Хожанинг туғилган йилини аниқлаш учун, аввало, «Гулзор»нинг ёзилган йили — 945 дан унинг ёши — 60 ни

олиб ташлаб, ундан қолган ҳижрий йилини милодий йилига айлантириш керак. У вақтда Хожанинг туғилган йили ўртоқ Мирзааҳмедова айтганидек 1478—79 эмас, балки 1480 йил бўлади.

3. М. Мирзааҳмедова ўзининг мақоласида «Музаккирул-аҳбоб» автори Хожа Ҳасан Нисорийни Подшоҳхожанинг ўғли эканини исботлашга уринган бўлса ҳам, унинг бу тўғрида келтирган далиллари етарли эмас.

Мана, унинг келтирган далиллари:

«а) Подшохожа ва унинг оға-ини, ўғиллари ҳақидаги маълумот тазкиранинг хотима қисмида, яъни автор ўз ота-боболари, авлод-аждодлари, ака-укалари ҳақида ёзилган қисмда берилган»[12]. Бу тўғри, лекин шу қисмнинг бошидан охиригача ўқиб чиқилганда ҳам, Хожа Ҳасан Нисорийнинг Подшоҳхожа ўғли эканини кўрсатадиган бирорта жумла ёки бирорта сўз учрамайди, ҳатто Подшоҳхожанинг Абдуссалом, Бобохожа ва Шоҳимхожа бинни Подшоҳхожа каби ўғиллари қаторида ҳам унинг номи кўринмайди.

Модомики, тазкиранинг бу қисмида Хожа Ҳасан Нисорийнинг Подшоҳхожа ўғли эканини кўрсатадиган бирорта сўз йўқ экан, ҳатто Подшоҳхожанинг бошқа ўғиллари қаторида ҳам Нисорийнинг номи учрамаган экан, демак, келтирилган бу далил ишонарли эмас.

«б) Тазкиранинг Подшохожа ҳақида гап бошланадиган ерига (151 б) номаълум автор томонидан тожик тилида: «Туҳфатус-сурур» китоби авторининг берган маълумотига кўра, мазкур Подшохожа мана шу китоб (тазкира) муаллифининг отасидир» дейилган. Лекин «Туҳфатус-сурур» китобини топиб кўра олмадик»[13].

Демак, тазкира ҳошиясига ёзилган бу маълумотни мақола автори исбот қилиши керак эди. Чунончи, мақола автори Хожа Ҳасан Нисорийнинг тазкирасини бошидан охиригача диққат билан ўқиб чиқса, ундан ўз фикрини исботлаш учун мисоллар топиши мумкин эди.

Масалан, Нисорий қуйидагиларни ёзган:

«... والد فقیر این کمینه‌را بنیاز مندی پیش ایشان آورده و ایشان فقیر را بهاء الدین حسن نام‌کرده‌اند و این قطعه‌را بید شریف خود نویشته اند و آن خط در دست فقیر بود قطعه:
خواجه حسن نقد دل پادشاه خواجه بهاءالدین کنمش نام‌من...»[35]

Мазмуни: «Менинг отам бу каминани ниёзмандлик билан уларнинг олдиларига олиб келибдирлар. Ва улар менга Баҳоуддин Ҳасан ном қўйибдирлар. Ва бу қитъани ўзларининг муборак қўллари билан ёзган эканлар. Ва у хат менинг қўлимда эди. Қитъа: «Подшоҳхожанинг нақди дили, мен (унга) Хожа Ҳасан Баҳоуддин ном қўяман...».

4282 рақамли қўлёзманинг 13*б* саҳифасида, Убайдуллохонга бағишланган бобда, қуйидаги жумлани ўқиймиз:

---

[12] «Ўзбек тили ва адабиёти», 1963, 4-сон, 62—63-бетлар.
[13] Шу журнал, ўша сон, 63-бет.
[14] Қўлёзма № 4282, саҳифа 47*б*.

«والد فقیر... سید پادشاه بحکم والی عالی بقلعه در آمده...»

Мазмуни: „...Фақирнинг отаси Саййид Подшоҳ олий (даражали) волининг ҳукми билан қалъага кириб...“

Яна шу қўлёзманинг 89-варағида, Ҳофиз Мираҳмад Хатибга бағишланган бобда, қуйидагилар ёзилган:

«...در زمانی که والد فقیر سید پادشاه خواجه را در بلخ شیخ اسلام کردند این قطعه‌را گفته فرستاده بود...»

Мазмуни: „...Менинг отам — Саййид Подшоҳхожани Балхда шайхул ислом қилганлари замонларда бу қитъани айтиб юборган эдилар...“

Булардан ташқари, Хожа Ҳасан Нисорийнинг Подшоҳхожа ўғли эканини тасдиқлайдиган далилни унинг замондоши, мухлиси ва шогирди Мутрибийнинг „Тазкиратуш-шуаро“ сидан ҳам топиш мумкин:

«...حضرت خواجه حسن نثاری... ولد پادشاه خواجه...»

Мазмуни: „...Бухоролик ҳазрат Хожа Ҳасан Нисорий... Подшоҳхожанинг ўғли...“ дир.

Хожа Ҳасан Нисорий Подшоҳхожанинг ўғли эканини исботлаш учун юқорида келтирилган сатрлардан ҳам тўғрироқ, ишончлироқ, мўътабарроқ далил бўлмаса керак.

Ж. ШАРИПОВ

Филология фанлари кандидати

ТАРЖИМА ТАРИХИНИНГ БАЪЗИ БИР НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

ТАРЖИМА САНЪАТИДА АЙРИМ УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ ҲОЛАТЛАР ҲАҚИДА

Таржима санъатида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилина бошлаган даврдан то ҳозиргача икки тенденция ҳукм суриб, уларнинг тарафдорлари ўртасида мунозара давом этади.

Биринчи тенденция — эркин таржима.

Иккинчиси — аниқ ва тўғри таржима.

Эркин таржимада таржимон таржима қилаётган асарни ўз истаги билан ўзгартади, баъзан унга ҳатто янги боблар қўшади, сюжетни қисқартиради ёки кенгайтиради. Бунда таржимонлар баъзан асарнинг номини ҳам ўзгартирганлар.

Таржима тарихида эркин таржима тез-тез учраб туради. Бизнингча, «эркин» ва «ижодий» таржима тушунчаларини бир-биридан фарқламоқ керак.

Ижодий таржима илмий аниқ ва бадиий муқобил таржима демакдир, яъни асарнинг руҳини, маъносини, образларини тўла бериш демакдир. Эркин таржима этиш тенденцияси ҳеч қачон устун бўлган эмас. Қадимги таржимонлар оригинал асарга ва уни ижод қилган авторга катта ҳурмат билан қараганлар, оригинал асарнинг маъноси ва структурасини, сюжет ва композициясини, характер ва образларини бузмасдан таржима этишга тиришганлар. Бадиий жиҳатдан юқори даражада таржима этилган асарлар ўз қимматларини тўла сақлаган ҳолда давр ва асрлар оша бизга етиб келди.

Октябрь революциясигача бўлган таржималарнинг умумий хусусиятларидан бири шуки, таржимонларнинг кўпчилиги шоир ва адиблар бўлиб, улар бадиий, тарихий-фалсафий асарларни ҳам таржима этганлар. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, оригинал тарихий асарлар муаллифларининг ўзлари ҳам кўпинча шоир ёки адиб бўлганлар. Ўша даврларда таржимонлар, ҳозиргидай, махсус соҳа ёки айрим жанрлар бўйича мутахассислашмаганлар. Ҳикояни таржима этган адиб тарихий асарни, фалсафий китобларни ҳам таржима қилган.

Октябрь революциясига қадар Ўзбекистон территориясида бирон нашриёт ва ёки бирон ташкилот таржима асарларини халқнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида планлаштириб нашр қилмаган. Кўпинча таржимонларнинг ўзлари асар танлаб, ўзлари ташаббус кўрсатганлар, баъзан китоблар айрим ҳукмдорлар, беклар ёки руҳонийлар талаби билан таржима қилинган. Таржима асарлари қўлёзма ҳолида тарқатилган, котиблар уларни кўчирганда баъзи бир ўзгартишлар киритганлар. Шунинг учун таржима асарларининг қўлёзма нусхаларида ҳар хиллик бор.

Эски таржималарда баъзи бир илмий, тиббий, фалсафий асарлар, ҳатто луғатлар ҳам шеърда берилган. Биз бундай ҳолни тарихий асарларнинг таржимасида кўплаб учратамиз.

Октябрь революциясига қадар таржима назариясига оид асарлар бўлмагани учун таржима қилиш тажрибаларини умумлаштириш, нуқсонларни бартараф қилишга уриниш ҳам бўлмаган. Таржимонлар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдириш у ёқда турсин, ҳатто баъзи бир асарларда уларнинг номлари кўрсатилмаган. Булар таржима тарихини яратишда ва таржимонларнинг ижодий фаолиятини кўрсатишда бир қанча қийинчиликлар туғдиради.

Таржимонларнинг кўплари оғир аҳволда, ўзларининг таъбири билан айтганда, «фақир-ҳақир бўлиб» яшаганлар. Кўпчилик таржимонлар меҳнаткашлар гуруҳига мансуб кишилардир. Уларнинг пешона тери тўкиб, юрак қони билан таржима қилган асарларини ва оғир меҳнатларини тақдирловчи, қўллаб-қўлтиқловчилар топилмаган. Меҳнатсевар таржимонлар доим халқ учун, халқ маданияти учун, бирор ёдгорлик қолдириш мақсадида астойдил хизмат қилганлар. Баъзи бир «ҳомийлар» ўзларининг реакцион мақсадларини амалга ошириш йўлида таржимонларга диний-афсонавий асарларни таржима қилишни топширганлар. Кўпчилик таржимонлар халқ билан яшаб, унинг маънавий ҳаётини мазмундор қилиш учун ўзларининг бутун куч ва талантларини сарф этганлар.

Агар биз Октябргача бўлган бадиий таржимани замонавий таржималар билан солиштирсак, жуда катта фарқ борлигини кўрамиз. Бу фарқ, биринчидан, услуб ва усул жиҳатидан кўзга ташланиб туради, иккинчидан, Октябрь революциясидан кейин ўзбек адабий тилида рўй берган ўзгаришлар таржима санъатига ҳам таъсир қилди. Янги-янги сўз, термин ва иборалар билан бойиган ўзбек тили ҳар қандай илмий жиҳатдан чуқур ва бадиий мукаммал асарларни ҳам таржима қилиш имконини туғдирди.

Октябргача бўлган таржима практикасида икки турли йўналиш мавжуд эди. Биринчи йўналиш — асарларни мураккаб йўл билан, яъни узундан-узоқ тузилган жумлалар, халқ тушуниши қийин бўлган арабча-форсча сўзлар, дабдабали иборалар билан таржима қилиш бўлса, иккинчиси — қисқа ва аниқ жумлалар билан халқ жонли тилида содда услубда таржима қилишдир.

Одатда, таржима қилинган шеърий асарларда вазн, қофия системаси асл нусхада қандай бўлса, айнан шундай сақланган.

Ўзбек таржимачилиги тарихининг асосий хусусиятларидан бири шуки, араб ва форс тилларидан кўплаб йирик ва фундаментал асарлар тўла-тўкис, аниқ ва тўғри таржима қилинган. Ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилган захматкаш таржимонларимиз дунё адабиёти хазинасига кирган асарлар билан ўзбек халқини таништирдилар ва халқлар ўртасидаги маданий, адабий алоқани кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Октябрь революциясигача бўлган таржималарнинг айрим хусусий томонлари ҳам бор эди. Маълумки, эски вақтда китобларнинг номлари арабча ёзилар эди. Бу ҳол мусулмон халқлари ичида традиция бўлиб қолган эди. Масалан, форс-тожик шоири Носир Хисравнинг (1004—1088/89) фалсафий, ахлоқий асарлари «Жоме-ул ҳикматайн» («Икки ҳикматнинг жами»), «Важҳи дин» («Диний далиллар») деб аталган. Улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг (1121—1203) машҳур асарлари «Хамса» («Бешлик»), «Маҳзанул-асрор» («Сирлар хазинаси») деб номланган. Улуғ шоиримиз Навоийнинг адабий, тарихий, илмий асарлари номлари ҳам арабчадир. Масалан: «Хамса» («Бешлик»), «Ҳайратул аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»), «Мезонул-авзон» («Вазнлар ўлчови»), «Маҳбубул-қулуб» («Қўнгилларнинг севгани»), «Хазоинул маоний» («Маънилар хазинаси»), «Сабъаи-сайёра»

(«Етти сайёра» ёки «Етти кезувчи») ва бошқалар. XIX асрда ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Масалан, Огаҳий ҳам баъзи бир асарларига арабча ном қўйган: «Таъвизул ошиқин» («Ошиқларнинг тумори»), «Фирдавсул иқбол» («Иқбол боғи») каби.

Узбек тилига таржимада ҳам китобларнинг номлари ағдарилмай, ўзининг асли арабча шаклида айнан сақланган. Масалан, тарихий, фалсафий китоблар: «Равзатус-сафо», «Тазкиратул-авлиё» ва ҳоказолар. Бундан ташқари, асарларнинг номлари ё тожикча изофа конструкцияси билан, ёки аниқловчи-аниқланмиш шаклида берилган. Масалан, «Таржимаи «Тарихи комил», «Таржимаи «Салоти масъудий», «Таржимаи тарихи «Шамсул маориф», «Таржимаи «Нафаҳотул унс» ёки «Тарихи сайфул-ахбор» таржимаси», «Ажойибул-осор» таржимаси», «Миротулкоинот» таржимаси»; бадиий асарлар: «Маҳзанул-асрор» таржимаси» (Низомий асари), «Маҳбубул-қулуб» таржимаси» (Мумтоз асари), «Таржимаи бадойе ул-вақоеи Восифий», «Алиф лайла ва лайла» таржимаси» ва ҳоказо.

Номи форсча бўлган асарлар ҳам баъзан айнан ўзича қолдирилган. Масалан, «Ҳафт пайкар» таржимаси» (Низомий асари, Огаҳий таржимаси), «Ҳафт кишвар» таржимаси» (Амир Хусрав асари, мулла Бобожон Саноий таржимаси), «Чил ҳадис» таржимаси» ва ш. к.

Таржима китобларининг номлари баъзан тамом ўзгартирилиб, уларга янги ном қўйилиш ҳолларини айтган эдик. Масалан, Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асарини Навоий таржима қилиб, унга янги боблар қўшиб, номини «Насойимул-муҳаббат» деб қўйган.

Ҳар бир таржима этилган асарга таржимон кўпинча сўз боши ёзган, бунда традицион ҳамду сано ёзилиб (одатда, уларда Қуръондан оятлар келтирилган бўлади), сўнгра таржима қилинаётган асарнинг номи, автори, асар нима учун ва кимнинг топшириғи ёки ташаббуси билан таржима қилинаётгани баён этилади. Кўпинча таржимон ўз китобини устозига бағишлайди, сўнгра авторнинг «кириш сўзи»ни ҳам баъзан қисқартиб таржима қилиб беради. Баъзан таржимонлар кириш сўзини, асарнинг жанрига қараб, ё насрда ва ёки назмда берадилар. «Масалан, Навоий «Чил ҳадис»ни таржима қилганда «сўз бошини» назм билан ёзган. Мунис ҳам Мирхонднинг «Равзатус сафо» асарини таржима этар экан, сўз боши ёзиб, унинг бир қисмини назм билан, бир қисмини наср билан битган. Баъзан таржимон шу асарга сўз боши ёзмаса, китобнинг охирида «хотима» битади, унда ўзининг оти, котибнинг номи ва ёзилган йиллари ҳақида қисқача маълумот беради. «Сўз боши»да таржимоннинг таржимаи ҳолига оид баъзи муҳим фактларни топиш мумкин. Таржимонлар кириш сўзида ўзларининг оғир қисматларидан шикоят қиладилар.

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қайси жанрдаги асарни таржима қилишнинг ўзига хос хусусияти, йўли, услуби ва усуллари мавжуд. Чунончи, шеър билан таржима қилиш прозаик асарлар таржимасидан тамомила фарқ қилади.

Насрий асарларни таржима қилиш қийин, лекин шеърий асарларни таржима қилиш ундан ҳам мушкулроқдир. Шеърий асар таржимони албатта шоир бўлиши керак. Унда шоирлик таланти билан бирга, таржимонлик истеъдоди ҳам мужассам бўлиши зарур. Ҳар қандай шоир ҳам шеърий асарларни таржима эта олмайди, айниқса классик адабиёт намуналарини таржима қилиш жуда ҳам мураккаб иш. Таржимон-шоир шеърий асарнинг мазмуни, услуби, образларини тўғри акс эттириш

билан бирга, ундаги вазн, қофияларни ҳам аниқ бера билиши керак. Бу шеърий асар таржимасининг асосий шартлардан биридир.

Маълумки, шеър ўзининг вазни, ритми, қофияси билан прозадан ажралиб туради. Шеърнинг чекланган рамкаси таржимон-шоирни ҳар томонлама қийнаб қўяди. Агар таржимон шеърнинг мазмунини таржима этиб, вазнини бера олмаса, бу мукаммал таржима ҳисобланмайди, башарти, вазн, қофияни бераман деб мазмунни қурбон қилса, бу формализмга олиб боради. Таржимон ҳам мазмун, ҳам вазнни бера билиши керак.

Ўзбек шеъриятида уч турли вазн бор: бармоқ вазни, аруз вазни, эркин вазн. Аруз билан бармоқ вазни адабиётимизда қадимдан мавжуд, эркин вазн эса кейинчалик кириб келди. Маълумки, араб ва форс классик адабиётида аруз вазни асосий вазн ҳисобланади. Бинобарин, бу тиллардан таржима қилинган асарларда аруз вазни тўлалиги билан сақланди.

Ҳар иккала вазн — аруз вазни ва бармоқ вазни ҳам шеърдаги гап — сўзларни ўлчайди, ўлчаш учун эса ҳижо асос қилиб олинади. Аммо бу икки вазнни бир-биридан ажратадиган хусусиятлар бор. Бармоқ вазни кўпинча халқ достонлари, лапар, қўшиқларда ҳамда ўзбек совет адабиёти шеъриятида асосий вазн сифатида қўлланади. Бу вазн ўзига хос, ажойиб ўйноқи, ранг-баранг ритмларига эга. Аруз вазни эса кўпинча классик адабиётимизда асосий ўринни ишғол қилади ва бутун шеърий асарлар шу вазнда ёзилган. (Ўзбек совет адабиётида ҳам аруз вазнида ёзилган шеърларни учратамиз, лекин бу кўп эмас.)

Ҳар икки вазн ҳам шеър сатрларида ҳижонинг бир текисда, бир ўлчовда мунтазам такрорланишини талаб қилади. Ҳижоларнинг кўп ёки камлигига қараб шеърда вазн, мусиқий оҳанг ўзгаради. Аруз вазнида эса бу айтганларимиздан ташқари, ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалиги ҳам назар-эътиборга олинади ва аруз шунга асосланади. Араб адабиётшуносларидан Халил ибн Аҳмад (ҳижрий 731 йил) арузнинг маъносини ўз илмий асарларида мукаммал тушунтириб берган. Проф. Фитрат ёзади:

«Халилнинг фикрига кўра, икки мисрадан иборат байтгагина «шеър» дейиш мумкин. «Байт»нинг луғат маъноси «уй»дир. «Байт»нинг асосий ҳижо дасталарига (стопаларга) уйнинг қаноти (девори) маъносига келган «рукн» исми бериладир. Кўчманчи араб уйи чодирдир: чодирда тўрт қанотнинг таянч нуқтаси бўлган ўртадаги тирак «оруз»дир. Байт рукнларнинг ҳам таянч нуқтаси саналган бир рукнга аруз исми берилган. Чодирни тикмак учун арқон (сабаб), мих (ватад) ва чодир этакларини очиқ сақлашга ёрдам қилувчи таёқлар (фасилалар) керак. «Байт» рукнларнинг майда бўлакларига ҳам «сабаб», «ватад» ҳам «фасила» исмлари берилган»[1].

Аруз вазнини ўлчаш ва рукнларни аниқлаш учун ҳижоларнинг чўзиқ ва қисқалигига мослаб «фоулун», «мафоилун», «фоилотун», «мустафилун», «фоилот» каби бир қанча сўзлар қабул қилинган. Шу сўзларнинг бир қанча марта такрорланишидан байт ҳосил бўлиб, байтлар эса ана шулар орқали ўлчанади.

Арузнинг ҳар бир вазнига маълум бир исм берилган. Аруз вазнларининг хиллари жуда кўп. Проф. Фитрат ўз китобида 63 та вазнни мисоллар билан кўрсатиб берган. Баъзи олимларнинг ёзишларига қараганда, аруз вазнининг сони 63 та эмас, ундан ҳам кўпдир. Бизнинг улуғ шоиримиз Навоий шу вазнларнинг кўпларида шеър, ғазаллар ёзган, ўзи янги вазнлар ижод этган.

---

[1] Praf. R. R. Fitrat, Aruz haqida, Өzbekiston SSR Fanlar Komiteti naşrijati, 1936 jil.

Араб, форс классик шоирлари аруз «сир»ларини яхши билганлари учун гоҳ мунгли, гоҳ ўйноқи вазнларни усталик билан қўллаганлар. Аруз вазни бой вазндир, у билан ёзилган шеърларни таржима қилиш жуда қийин бўлган. Лекин шунга қарамай, таржимонлар оригиналдаги вазнларни ўзбекчада ҳам айнан сақлай олганлар. Масалан, Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонидан бир мисол келтирайлик.

Низомий ёзган:

Бигуфто: чон фуруш дар адаб нест,
Бигуфт: аз ишқбозон ин ачаб нест.

Қутб таржимаси:

Айитти: жонни сотмоқлиқ хато ул,
Айитти: ишқ йўлинда ҳам раво ул.

Байтнинг маъноси айнан таржима этилган бўлишига қарамай, Низомийнинг вазни ҳам тўла сақланган. Бу байтни ҳижоларга бўлиб кўрсатсак, тубандагича бўлади*:

Би-гуфт-то чон /фу-ру-ш-дар/ а-даб нест
◡ — — — / ◡ — — — /◡ — —
Би-гуф-аз ишқ /и бо-зон ин/ а-даб нест
◡ — — — /◡ — — — /◡ — —
А-йит-ти жон /ни сот-моқ-лиқ/ ха-то ул
◡ — — — / ◡ — — — / ◡ — —
А-йит-ти ишқ (йў-лин-да ҳам) ра-во ул
◡ — — — / ◡ — — — / ◡ — —

Ҳар иккаласининг таржимаси:

◡ — — — / ◡ — — — /◡ — —
◡ — — — / ◡ — — — /◡ — —

Яъни:

Мафоилун-мафоилун-фаулун
Мафоилун-мафоилун-фаулун

тарзида бўлади. Бундан кўринадики, таржимон оригиналнинг рукн — турағини тўла берган. Таржимада вази сохталигини кўрмаймиз, достоннинг бошдан то охиригача шу вази бир йўсинда кетади ва Низомий шеъридаги бутун руҳ ва интонация тўла сақланганки, бу ҳол таржимон-шоир Қутбнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Низомий «Хисрав ва Ширин» достонини маснавийда ёзган ва 104 бобга бўлган бўлса, таржимон достонни тўлалигича ўз вазнида таржима этган.

Вазн туғдирувчи омиллардан бири қофиядир. Таржимон оригиналнинг қофиялар системасини ҳам бера олган.

Оригиналда қофиялар системаси:

«аа бб вв гг» ва ҳоказо, яъни жуфт қофиялар бўлиб, таржимада ҳам шу система айнан сақланган.

Нахустин бор гуфташ: к-аз *куҷои?*
Бигуфт: аз дори мулки *ошноӣ.*

Таржимаси:

Бурун сўрди: не ерликсан тию *сан?*
Айиттиким: ошиқлар шаҳридин *ман.*

Баъзан таржимон автор асаридаги қофияларни айнан такрорлайди:

Бигуфто: дил зи меҳраш кайкани *пок,*
Бигуфт: онгоҳ ки бошам мурда дар *ҳок.*

---

* « ◡ » белгиси қисқа; « — » белгиси эса чўзиқ ҳижо учун қабул қилинади.

Таржимаси:

Айитти: меҳридин бўлғаймусан *пок*,
Айиттиким: магар бўлсам ўлуб *ҳок*.

Шеърий асарлар таржимасига доир кузатишлар бу проблемани келгусида мукаммал равишда махсус текшириш лозимлигини кўрсатади.

АРАБ, ФОРС-ТОЖИК ТИЛЛАРИДАН ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАР ОРҚАЛИ ЎЗБЕК ТИЛИГА КИРГАН СЎЗ ВА ТЕРМИНЛАР ҲАҚИДА

VII асрда Ўрта Осиёни забт қилган араб истилочилари ўз дини, ўз маданияти ва тилини ерли халқларга зўрлаб қабул қилдиришга уриндилар. Ислом дини — ҳукмрон дин, «Қуръон» — худо осмондан ташлаган китоб, араб тили эса муқаддас тил деб даъват қилинди. Кўп асрларгача араб тили Ўрта Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон территориясида ҳам маҳкама тили, ҳам адабий тил бўлиб қолди. Маҳаллий олимлар, шоирлар ва адиблар ўз асарларини шу тилда ёздилар. Мазкур китоблар, расмий ёзишмалар, араб халқи билан бўлган жонли алоқа-муносабатлар ва таржима асарлари орқали араб тилининг кўп сўзлари ўзбек тили луғат составига кириб борди. Арабча сўзлар ўзбек тили грамматика нормаларига биноан маълум бир ўзгаришлар орқали қабул қилинди. Атоқли отлар, жуғрофий номлар, илмий термин ва айрим фразеологик иборалар араб тилидан ўзбек тилига кириб, унга сингиб кетди.

Қадим замонлардан бери ўзбек халқи қўшни халқлар, айниқса форслар ва тожиклар билан ўзаро муносабатларда бўлиб келди. Уларнинг жуда кўп сўзлари ўзбек тилига кириб келди. Бунинг устига, IX—X асрларда Ўрта Осиёнинг араб ҳалифатлигидан чиқиши ва сомонийлар даврида форс тилининг адабий тил бўлиб қолиши бу жараённи тезлаштирди.

Араб ва форс сўзларининг ўзбек тилига кириб келишида таржимонлар ҳам катта ҳисса қўшдилар. Бундан олти аср илгари Қутб Хоразмий таржима қилган «Хисрав ва Ширин» достонида арабча, форсча сўзлар жуда кўп ишлатилганки, уларнинг аксарияти ҳозир ўз сўзларимиз бўлиб кетган. Масалан, «назм», «асар», «китоб», «фармон», «жаҳон», «ҳуррам», «ишқ», «достон», «санъат», «таълим», «мунаввар», «жамол», «ҳақ», «хушнуд», «мақсуд», «дил» ва бошқалар. Хоразмий юксак бадиий нафосат ва мусиқий лавҳалар яратишда бу сўзларни ўз ўрнида, усталик билан ишлатган.

Қутб Хоразмий, Сайф Саройи, Ҳайдар Хоразмийлар ўз таржималарида араб, форс сўзларини маълум бир меъёрда, кўп ҳолларда айни сўзнинг эквиваленти ўзбек тилида бўлмаган тақдирда, халққа қанчалик тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда ишлатганлар.

Масалан, Ҳайдар Хоразмий ўз таржимасида ишлатган арабча, форсча сўзларнинг ҳозирги замонимизда ҳам айнан ўша маънода қўлланаётганини кўрамиз. Масалан, «оқил», «гавҳар», «ганж», «ранж», «мерос», «аёл», «писанд», «маъни» ва бошқалар.

Алишер Навоий араб тилига жуда катта баҳо бериб, шундай деб ёзган эди:

«Барчасидан араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазъйини била муъжиза тироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур[1]. («Бу тилларнинг барчасидан араб тили нафислик би-

[1] Əlişer Navaij, Muhakamatul-lugatajn, Taşkent 1940, 16-bet. Миссолларни „Муҳокаматул-луғатайн"нинг Порсо Шамсиев томонидан соддалаштирилган текстидан олдик.

лан ажралган ва бадиийлик безаги билан мўъжиза кўрсатувчандирки, бунда ҳеч бир тил аҳлларининг даъвоси йўқ».)

Навоий форс-тожик халқи билан ўзбек халқининг бир-бирига иноқ, азалдан дўст-биродар эканини, ўзбеклар форс тилини яхши кўргани ва у тилда сўзлашганини ёзади:

«Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидан баҳраманддурлар. Андоқким, ўз хурд аҳволиға кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар»[2]. («Аммо туркнинг каттадан кичигигача, хизматкоридан бегигача сарт тилидан баҳраманддирлар. Шундайки, ўз тирикчиликларига оид аҳволлар устида сўзлаша олурлар, балки баъзилари адабий равишда сўзлаша олурлар. Ҳаттоки, турк шоирлари форси тилида рангдор шеърлар ва ширин ҳикоялар юзага чиқара олурлар».)

Навоий ўзининг прозаик асарларида арабча, форсча айрим сўзларнигина эмас, балки ибораларни ҳам кенг қўллайди.

Таржимонларнинг ўзлари ёзган сўз бошида араб, форс, тожик сўзлари ҳаддан ташқари кўп учрайди, чунки бу сўз бошилар эски адабиётга хос кўтаринки, дабдабали услубда ёзилган бўлиб, «улуғ» зотлар, пири-устозларининг номлари тилга олинади, таржима ана шуларга бағишланади, ёки ҳукмдорга мадҳ ёзилади.

Масалан, таржимон мулла Муҳаммад Темурнинг (XVII аср) «Қалила ва Димна» асарига сўз боши ёзаркан:

«Замон умаролари», «муқтадо», «комкор», «пешво», «мураббий», «соҳиби камол», «тавфиқ», «иститоат», «салоҳат», «баҳра», «шаруъ», «туъма» ва бошқа бир қанча араб, форс сўзларини ишлатади. Лекин шу таржимон «Қалила ва Димна» даги ҳикояларни таржима қилганда кўпинча жонли тилга хос содда, асл ўзбекча сўзларни кўп қўллайди.

Бу каби ҳолни XIX аср охири XX аср бошларида ижод қилган Мунис, Огаҳий, Сайқалий, Хиромий, Баёний, Рожий, Сидқий Хандайлиқий, Алмаий ва бошқа таржимонларнинг асарларида ҳам учратамиз. Масалан, Огаҳий «Шоҳ ва гадо» асарига ёзган «Бу қисса таржимасининг бойси» деган сўз бошисида «хирадманд», «овар», «маҳзун», «моҳи», «лутф қарам», «сидқи ихлос», «фаррух», «жовидон», «кўшиш», «бистари заиф», «саршор», «афшон», «мужда», «истеҳжол» каби арабча, форсча сўзларни кўп ишлатган бўлса, асл текстни анча содда ва жонли тил билан таржима қилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, араб, форс сўзларининг оз ёки кўп ишлатилиши ўша асарнинг характерига ва жанрига ҳам боғлиқ бўлган.

Пантуркистлар араб, форс, рус ва бошқа тиллардан кирган сўзларни тилимиз составидан чиқариш, фақат турк тилига мансуб лексиканигина қолдириш ва шу билан тил «соф»лигини сақлаш каби зарарли пуристик ғояни тарғиб қилдилар.

Албатта, ҳар бир тилнинг ўзига хос нормалари бор. Араб, форс сўзларини ишлатишни суиистеъмол қилиш тилни чигаллаштиришга олиб боради. Доҳиймиз В. И. Ленин «За чистоту русского языка» номли мақоласида зарурат бўлмаган тақдирда чет сўзларни ҳаддан ташқари кўп ва ўринсиз ишлатиш чалкашлик туғдиришини қайд этган эди. Унинг бу кўрсатмаси таржимонлар учун ҳам даструламал бўлиши керак.

---

[2] Ўша асар, 17-бет.

Таржимада синоним сўзларнинг ўрни ва ишлатилиш ҳоллари

Синонимларни ўз ўрнида ишлатиш ёзувчининг куч-қуввати ва истеъдодидан дарак беради, ҳамда ҳар бир шоир, ҳар бир адибнинг билим доираси, турмушни англаши ва, айниқса, халқ жонли тилини қанчалиқ билишини кўрсатади. Улуғ ёзувчиларнинг асарларини текшириб кўрганда, уларда ранг-баранг синоним сўзларнинг кенг ва ўринли ишлатилганлигининг шоҳиди бўламиз.

Синонимлар тилнинг турли нозик маъно оттенкаларини ифодалайди. Улар фикрни аниқроқ, чуқурроқ ва мукаммалроқ ифодалашга ёрдам беради.

Синоним грекча Synönymos сўзидан олинган бўлиб, «номдош», «отдош» деган маънони беради. Шундай қилиб, шакл жиҳатидан ҳар хил, лекин маънолари бир хил ёки уйғун бўлган сўзлар синонимлардир.

Синоним сўзларни ишлатиш тарихи қадим даврларга бориб тақалади. XI аср ёзма ёдгорлиги «Девону луғотит турк»да ҳам синоним сўзларнинг кенг қўламда қўлланилгани маълум.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» номли асарида ўзбек тилининг синонимларга ниҳоятда бой эканлигини илмий далиллар билан исботлаб берди. Масалан, у ўзбек тилида «от» маъносида жуда кўп сўзлар ишлатилишини қуйидагича кўрсатган эди.

«Яна от анвоидаги, тубучоқ ва арғумоқ ва яка ва ёбу ва тоту йўсунлиқ — барини туркча — ўқ айтурлар. Ва отнинг ёшин дағи кўпракин туркча айтурлар. Бир қулунни «курра» дерлар. Ўзга: той ва ғўнан ва дўнан ва тулан ва чирға ва ланға дегунча фасихроқлари туркча дерлар[3].

Ўзбек классик шоирларининг кўплари ҳам икки тилда (ўзбек ва тожик тилларида) сўзлашиб, ўша тилларда шеърлар ёзганлар. Шу йўл билан ўзбек тилига тожик тилидан ўтган бир қанча сўзлар синонимик шаклга кириб қолган. Масалан, «олтин — тилла», «яёв — пиёда», «булоқ — чашма», «ўрнак — намуна», «манглай — пешона», «кулги—хандон», «кийик — оҳу», «улуғвор — бузруквор», «юз — чеҳра», «билим — дониш», «кўнгил — дил», «сўз — сухан» ва ҳоказо.

Арабчадан кирган сўзлар эвазига ҳам синонимлар кўпайган. Масалан, «ер юзи — олам — жаҳон — дунё», «пайт — вақт — замон», «гўзал—чиройли—бадиий», «дарё—баҳра», «майда—жузъий», «кунлар—айём», «боғ—фирдавс—жаннат», «айрилиқ—фироқ—ҳижрон», «ягона—нодир—камёб», «севги—ишқ—муҳаббат» ва ҳоказо. Араб, форс-тожик тилидан кириб келган сўзлар ўзбек тилидаги бошқа сўзлар билан синонимларни ҳосил қилади. Бундай синоним сўзлар ўзбек тилига бошқа тиллардан—турк, ҳинд мўғул тилларидан ҳам кириб келган.

Бундан бир неча асрлар илгари таржима этилган асарларни ўқиб чиқар эканмиз, талантли ва тажрибали таржимонларимиз синоним сўзлардан усталик билан фойдаланганларини аниқлаймиз. Бундан икки-ю чорак аср илгари Фирдавсийнинг Хомуший таржима қилган ва сўнгра тошбосмада бир неча мартаба қайта нашр этилган «Шоҳнома» достонида турли-туман синоним сўзлар усталик билан ишлатилган. Араб, форс тилларини ўз она тилидай билган Хомуший сўзларнинг нозик маънолари ва оттенкаларини яхши англаб, ҳар бир иборани ўз ўрнида ишлатиб, синонимлардан жуда ўринли фойдаланган.

Хомуший бир ерда «фарзанд», иккинчи бир ерда «ўғил», учинчи ерда «писар» сўзларини ишлатар экан, шу маънода «навжувон», «шер-

---

[3] Ўша асар, 25-бет.

бачча», «шердил», «жувонмард» сўзларини ҳам контекстга мувофиқ ҳолда жуда ўринли қўллаган.

Ўғил:

Бу *ўғулга* уч энага тайин қилдилар ва ҳар кунлукиға уч ботмон қанду шакар берур эдилар:

Писар, шери нар:

Бериб ҳақ таоло мунга бир *писар,*
Не дейким писар — гўё *шери нар.*

Фарзанд:

Онаси айди: — Эй *фарзанди* фархунда, сани гавҳаринг Рустами Забулидиндур.

Навжувон:

Бас Суҳроби *навжувон* айдиким: — Эй она, манга ким раҳнамолиқ қилур?

Шербачча:

«Шоҳ қараб сўрдиким: — Эй *шербачча,* нима ихтиёр қилурсан? — деб.

Хомуший «Шоҳнома» асарининг барча бадиий хусусиятларини тўла сақлашга ва бу машҳур асарнинг ўзбек тилида ҳам фирдавсиёна жаранглашиға эришиш учун ўзининг бутун кучи ва санъатини ишлатган.

«Шоҳнома» достони таржимасида «қаҳрамон» маъносини билдирган қуйидаги сўзлар ишлатилган:

Паҳлавон:

Жаҳон *паҳлавони* Суҳроби навжувон.

Мардони мард:

Десун офарин барча *мардони мард,*
Қўпорай алар жисмидин тира гард.

Диловар, забардаст:

Яъни шоҳ Самангонни ўғли Суҳроби навжувон отлиғ *диловар* ва *забардастким,* рўзғор аноси бу қисм ўғлини туғмағон, кўзи кўрмағон бўлғай. Мундоғ *диловар* Қайковус бу жаҳон жониға борур эрмиш деб.

Паҳлавони сафшикан[4].

Эй *паҳлавони сафшикан,* саломат ватанингга ёниб борғил. Ўзингни бекор ранж қилма.

Шери нар:

Чекиб наъра айлаб хуруши жигар.
Дарафтод ўлуб гўё *шери нар.*

Булардан ташқари, «паҳлавони сафдар», «паҳлавони пур» бириқмалари ҳам ишлатилган.

«Чор дарвеш» асарини таржима қилган Сидқий ҳам «паҳлавон», «ботир» маъноларида «шери ғаррон», «шери мард» ва бошқа ибораларни ишлатади.

Сўзларнинг нозик маъноларига қараб уларни жой-жойида ишлата олиш Огаҳийнинг таржимада ёрқин маҳоратини намойиш қилувчи фазилатларидан биридир. Огаҳий Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржима этар экан, «бигуяд» сўзини бир ерда «деди», яна бир ерда «айтди» ва бошқа бир жумлада «изҳор этди» шаклида беради, ҳар бир сўзни контекстдаги маъноларига қараб, ўз ўрнида қўллайди.

Форсча текстнинг энг охирида келган «бегуяд» сўзини Огаҳий «деди», «айтди» шаклида таржима этмасдан, «изҳор этди» деб жуда

---

[4] *Сафшикан* — саф бузувчи ботир.

А. МАҲМУДОВ

Филология фанлари кандидати

ЎЗБЕҚ АДАБИЙ ТИЛИ ЎНЛИЛАРИНИНГ СПЕКТРАЛ АНАЛИЗИ

1. Ҳозир нутқни текширишнинг натижаси уни бирор фан нуқтаи назаридан тор рамкада қараш етарли бўлмай қолганини кўрсатади. Турли фан соҳалари: физика, физиология, психология, математика, лингвистика, таржима машиналари, лингвистиканинг нутқни биргаликда комплекс ўрганиши табиий бир ҳолдир. Нутқни текширувчи тилшунос аниқ фан методларини ўрганиши ва уни тилшуносликда жорий қилиши зарурлиги масаланинг мураккаблигини кўрсатади. Математика, физика ва тилшуносликда қўлланаётган нутқ товушларининг спектрал структурасини анализ қилиш экспрементал фонетикада мавжуд усулларнинг бири ҳисобланади.

Нутқ товушларини спектрал метод орқали текшириш икки хил (семантик ҳам прагматик) кўринишга эга. Семантик текширишларда нутқ товушларини спектрал анализ қилиш бирор тилнинг энг майда бўлаги (сўзларнинг маъно ва грамматик формаларини фарқлаш учун хизмат қилаётган бўлаги) фонемалар системасини аниқлаб беришдан иборатдир. Бундай текширишлар фонемаларнинг фонематик белгиларини аниқлаш, системасини тузиш билан уларнинг синтезлаштириш имконига эга бўлишга қаратилади. Нутқ товушларини бундай усул билан текширишда экспериментатор спектрни ташкил этувчиларнинг борлигини ҳисобга олишга ҳаракат қилиб, унинг математик ифодасини беради. Прагматик текширишларда нутқ товушларини спектрал анализ қилиш техника алоқаларидаги амалий масалаларни ҳал этишга қаратилади. Кейинги йилларда бундай текширишлар катта иқтисодий қимматга эга бўлган табиий ҳамда синтезлашган овозни машиналар орқали бошқаришлар билан боғлаб олиб борилади.

Ўз навбатида текширувчилар спектрнинг составидан иқтисодий арзон, нутқ сигналларини синтезлашда қулай ва унинг қабул қилиниши ишончли акустик белгилар топишга ҳаракат қиладилар. Кўринадики, семантик ҳамда прагматик текширишларда нутқ товушларини спектрал анализ қилиш бир хилда олиб борилмайди. Ҳақиқатан, тилшунос бирор тилда орфоэпик тўғри гапирувчи бир ёки икки вакилнинг нутқини текшириш орқали ўша тилнинг фонемалар составининг қонуниятларини аниқлайди; лекин булар статистик характерга эга бўлмайди[1]. Алоқа инженерларининг прагматик текширишлари эса статистик характерда бўлиб, унда маълум тил вакиллари талаффузининг турли-туман кўринишлари ҳисобга олинади, уларнинг натижаси алоқа техникасининг сифатини яхшилашга олиб келади. Шунга кўра алоқа инженерларининг дикторлари группасига орфоэпик тўғри гапирувчи дикторлар билан бир қатор-

[1] Бу тўғрида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Вопросы статистики речи, Издательство Ленинградского ун-та, 1958.

да, унинг турли оммавий вакиллари ҳам киритила беради. Алоқа инженерларининг спектрал анализларида фақат ишончли ва тез хабар ташувчилар (яъни нутқ спектрининг маълум акустик элементлари) қидирилади ва уни топиш билан чегараланилади. Хуллас, нутқ товушларини спектрал анализ қилиш:

а) фонеманинг акустик спектри билан фонологик белгилари ўртасидаги муносабатни аниқлаш;

б) нутқнинг акустик характеристикаси ва унинг талаффузидаги кўринишларни белгилаш;

в) нутқнинг физик хусусиятлари билан қабул қилиниш сифатларининг фарқлари каби масалаларни ўз ичига олади;

г) спектрал белгиларнинг жами математик ифода топади.

Ҳозирги замон экспрементал фонетикасида нутқ товушларини спектрал анализ қилиш текширувчидан аппаратларни билишни, спектрал анализга тайёргарликни, нутқ товушларини спектрографга ёзишни, спектрограммани ўқишни, нутқ товушларининг структурасини анализ қила билишни талаб этади.



1- расм. х[и]х

Ўзбек адабий тили Тошкент шеваси унлиларини спектрал анализ қилиш 1956 йилдан бошланган бўлиб, унинг баъзи илк маълумотлари матбуотда эълон қилинди[2].

Бу мақоламизда ўзбек адабий тили [и] унлисининг спектрал анализи баён қилинади[3].

2. Спектрограмма маълумотларига кўра, ўзбек тили [и] унлисининг чўзиқлиги х [и] х товуш бирикмасида (асосий тоннинг частотаси—160 гц/145 миллисекунддан иборат. Бундан [и] товушининг экскурсияси 60 мсек, ўрта (шаклланган) қисми 65 мсек, ресурсияси 20 мсекдан ташкил топган (схема № 1).

[и] унлисининг асосий қисми тез намоён бўлмайди ва унли акустик спектрининг стуктураси тубандаги резонанс частоталаридан тузилган: 192 гц, 300 гц, 415 гц, 294 гц, 5187 гц. Формантларнинг бўлишни частота тебранишнинг максимал паст (192—415 гц), ўрта ва баланд (2942 гц ва 3937—5189 гц) соҳаларига тўғри келади. Спектрограммада паст ва баланд частотали тебранишлар бир-биридан кескин ажралиб туради.

Энг паст резонанс частота 192 гцга тенг бўлиб, энг баланд резонанс частота — 5187 гц. Паст частота интенсивли (амплитуда интенсивлиги — 13 мм), баланд частота интенсивсиз (амплитуда интенсивлиги — 1 мм) дир. Қолган резонанс частоталар ўрта амплитуда интенсивликда. Унлининг резонанс частотасининг энг юксалиши 192—415 гц соҳага тўғри келади. Спектрограммада резонанс частотанинг амплитуда интенсивлиги 300 гц дан то 5187 гцгача кучсизлана боради.

3. Электрокилограмма маълумотлари [и] унлисининг чўзиқлиги 150 мсекга тенглигини кўрсатади. Унлининг экскурсияси 16 мсек, ўрта (шаклланган) қисми 110 мсек, ресурсияси 24 мсекдан иборатдир.

Спектрограмма ва электрокилограмма маълумотларига қараганда, ўзбек тили [и] унлисининг акустик спектрида уч формант соҳа мавжуд.

---

[2] А. Махмудов, Сообщение о данных экспериментально-фонетического анализа качественного компонента словесного ударения в узбекском языке, Известия АН УзССР, серия общественных наук, 1958, № 3, стр. 59.

[3] Ўзбек адабий тили ундошларини спектрал анализ қилиш уларнинг унлилардан жиддий фарқ қилишини кўрсатди. Шунинг учун ундошларни спектрал анализ қилиш мавжуд бошқачароқ конструкцияли спектрографда олиб бориш заруриятини келтириб чиқарди.

Булардан биттаси максимал паст соҳага ва иккитаси частота тебранишнинг максимал баланд соҳасига тўғри келади. Демак, ўзбек адабий тили [и] унлисининг спектрал анализи бу унлининг акустик структурасида учта формант соҳа мавжуд деган хулосага олиб келади. Дикторнинг талаффузида (унинг асосий тонининг частотаси 160 гц) паст формант соҳа 192—415 гц атрофида, ўрта ва баланд формант соҳалар 2942 гц ва 3937 гц да жойлашгандир. Спектрограммада резонанс частоталар умумий бўлиниши ва формант соҳаларнинг бир-бирларидан узоқлиги максимал кенг ҳолатдадир.

4. Рентгенограмма маълумотларига кўра, ўзбек тили [и] унлисининг талаффузида тилнинг массаси олдинга ва баландга тортилади[4].

Тил учи қуйи курак тишларига яқин бўлиб, унинг ўрта қисми қаттиқ танглайнинг ўрта қисмига кўтарилади ва натижада тил билан танглай ўртасида жуда тор (5 мм кенгликда) йўл ҳосил бўлади. Тилнинг олди пастга ёйсимон тушиб туради. Тилнинг энг кўтарилган чўққиси қаттиқ танглайнинг олд қисмида бўлиб, у юқори курак тишларидан 39 мм масофадаги узоқликда.

Тил гумбазсимон формада бўлиб, эллипсни эслатади. [и] унлисининг талаффузида кичик оғиз олди резонатори ва оғиз орқа ҳамда ҳалқум-бўғиз резонаторлари ҳосил бўлади. Оғиз олди резонатори оғиз орқа резонаторидан икки марта кичик ва ҳалқум-бўғиз резонаторининг ҳажми умумий оғиз резонаторининг ҳажмидан икки марта кенгдир.

Тилнинг туби олдинга қаттиқ тортилган бўлиб, ҳалқум орқа деворидан максимал даражадаги (32—33 мм) узоқликда. Бўғиз қопқоғи кўтарилган, у тилнинг туби билан параллел; у ҳалқум орқа деворига (20—22 мм) қараганда тилнинг тубига яқин (11—12 мм) жойлашган. Юмшоқ танглай кўтарилган ва унинг орқа девори ҳалқум орқа деворига тегиб туради. Тил ости суяги кўтарилгандир. Бизнинг ўзбек адабий тили унлилари тўғрисида олиб борган рентгенографик текширишларимиз тилнинг олдинга томон ҳаракати билан тил ости суяги (бўғиз қопқоғи, бўғиз), яъни тил олди унлиларини талаффуз қилганда уларнинг бироз юқори кўтарилишини, тилнинг орқа томон ҳаракатида бироз пастга тушишини кўрсатади ва бу бошқа тиллар бўйича олиб борилган кузатишларни тасдиқлади[5]. [и] унлисининг талаффузида оғизнинг очилиши катта эмас, икки ён томонга бироз тортилган. Демак, ўзбек тили [и] унлисини талаффуз қилишда тилнинг массаси олдинга томон тортилади ва бу тил олдининг юқори кўтарилиши билан бирга воқе бўлади. Лаблар бўлса, думолоқ шаклга келмайди (схема № 2).

5. Ўзбек тили [и] унлиси ўзининг турли позициядаги талаффузига кўра олд ҳам орқа вариантларга эга. Бизнинг тажрибаларимизда [и] унлисининг вариантлари «к[и] йик», «қ[и]лиқ» сўзларида ва алоҳида талаффуз қилинди. Булар ўртасида бироз фарқ борлиги тасдиқланди[6].

6. Рус тили[7] [и] унлисининг талаффузи ўзбек [и] унлисининг талаффузига қараганда бироз бошқачароқ бўлади (схема № 3). Ўзбек тили

---

[4] Рентген ва кинога олиш методлари билан маълумот олишни Маҳмудова Феруза билан бирга бажардик (—*А. М.*).

[5] Қаранг: а) Л. В. Щерба, Фонетика французского языка, Изд-во литературы на иностранных языках, М., 1953, стр. 31; б) В. М. Шварцман, Система гласных французского языка в свете современных экспериментально-фонетических данных, Ученые записки Алма-Атинского педагогического института иностранных языков, т. 2, вып. II, Алма-Ата, 1957, стр. 37; в) Л. К. Саламатина, Сравнительный анализ ударных гласных испанского и русского языков, экспрементальная фонетика и психологии речи, уч. зап. 1-го МГПИИЯ, том. XX, изд. МГУ, 1960.

[6] Қаранг: А. Махмудов, Гласные узбекского языка, часть 1, Ташкент, 1962, ИЯЛ АН УзССР (рукопись), стр. 20—21.

[и] унлисининг талаффузида тил учи курак тишларига яқин бўлса, рус тили [и] унлисининг талаффузида тил учи курак тишларининг тубига жипслашиб туради. Рус тили [и] унлисида тил массасининг жойланиши ўзбек тили [и] унлисидан кўра бироз олдинга тортилган; бунинг натижасида оғиз олди резонатори кичраяди ва тилнинг туби билан ҳалқум орқа деворининг ўртасидаги масофа кенгаяди. Рус тили [и] унлисини талафузига нисбатан ўзбек тили [и] унлисининг талаффузида тилнинг энг кўтарилган чўққиси курак тишларидан бироз нари ва тилнинг олди пастроқда туради. Бу нарса оғиз олди резонаторининг ҳажмини кенгайтиради. Демак, ўзбек тили [и] унлисини талаффузида тилнинг массаси орқа томонга тортилганроқ бўлади, шунинг учун тилнинг туби билан ҳалқум орқа девори ўртасидаги масофа бироз қисқаради. Умуман олганда, тилнинг массаси оғиз бўшлиғида катта ўрин олиб, унинг ҳажмини кичрайтириб юборади. Рус тили [и] унлисининг талаффузида тил массасининг олдинга



2-расм. [и]

3-расм. [и]



4-расм. [и]

тортилиброқ туриши тилнинг туби билан ҳалқум орқа девори ўртасидаги масофани кенгайтиради. Тилнинг массаси оғиз бўшлиғида озроқ ўрин олиб, унинг резонаторини катталаштиради.

Рус тилидаги [и] унлисидан ўзбек тили [и] унлисининг фарқи тилнинг кўтарилган ўрни ва даражасидагина бўлмай, балки тилнинг ҳара-

[7] Ўзбек тилида рус тилининг фонемалари ҳақида экспериментал маълумотларнинг йўқлигини ҳисобга олиб, ўзбек ва рус тили [и] унлисини рентгенографик методга асосан солиштирдик.

катида вужудга келаётган оғиз резонаторининг формаси ва унинг ҳажмида ҳам кўринади[8].

7. Ўзбек тили [и] унлисини талаффуз этишда лабнинг табиий артикуляцион ҳолатини кинога олиш ва унинг натижаси рентгенографик маълумотларни кенгайтиради ва уларни тасдиқлайди (схема № 4).

8. Ўзбек адабий тилининг [и] унлиси тўғрисида олиб борилган спектрал анализ бу унлининг юқорида кўриб ўтилган артикуляцион белгиларига ҳам мос келади. Рентгенографик маълумотларга кўра, [и] унлисининг талаффузида тилнинг учи пастки курак тишларга яқинлашади. Тил ва тил ости суяги олд томонга тортилган. Тилнинг ўрта ва олд қисми қаттиқ танглайнинг олд томонига максимал даражада яқин кўтарилади.

Шунинг учун оғиз бўшлиғидаги олд резанатор максимал тор формага эга бўлиб, кичик ҳажмда ва унинг орқа резонатори катта ва чўзиқ формага эга бўлиб, катта ҳажмдадир.

Талаффуз органларининг бундай ҳаракати оғиз бўшлиғида кичик ҳажмдаги резонаторни ва унинг орқа томонида катта ҳажмдаги резонаторни юзага келтиради ва унинг натижасида бўғиздан чиқаётган мураккаб тонлардан учта формант соҳа юксалади. Афтидан, интенсивлиги кучли бўлган паст формант соҳа орқа оғиз резонаторининг орқа қисмида, ўрта ва баланд формант соҳалар унинг олд томонида мавжуд бўлса керак.

9. Ўзбек адабий тили [и] унлисининг урғули ҳам урғусиз бўғинлардаги миқдори турлича бўлиб, бу унлига ундошларнинг таъсири ҳам кучли бўлишини кўрсатади[9].

10. Бизнинг экспрементал маълумотимиз статистик ишларда тасдиқланишини эътироф қилиш керак[10].

---

[8] Рус диктори тўғрисида қаранг: А. Маҳмудов, Ўзбек адабий тилининг [а] унлиси, Труды Андижанского государственного педагогического института, том X, Андижан, 1964, стр. 251.

[9] А. Маҳмудов, Ўзбек тилида сўз урғусининг табиати ва унинг рус тили урғуси билан қиёси, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журн., 1958, № 1, 61—66-бетлар.

[10] Унлилар спектрал анализи Мориз Торез номидаги I-Москва Давлат чет тиллар институтининг экспериментал фонетика лабораториясида олиб борилди. Қаранг: В. А. Артемов, Экспериментально-фонетическое изучение звукового состава и интонации языка, фонетический сборник, I, Тбилиси, Изд-во Тбилисского Госуниверситета, 1959, стр. 8.

М. Б. ФИНКЕЛЬШТЕЙН

ҚАРАТҚИЧЛИ БИРИКМАЛАР — РУСЧА АТРИБУТИВ БИРИКМАЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА ИФОДА УСУЛИ СИФАТИДА

Ҳозирги вақтда СССР даги миллий республикаларда рус ва миллий тилларни қиёсий-типологик ўрганиш кенг тус олди[1]. Бу ҳол мутлақо қонунийдир. Чунки Партиямиз Программасида кўрсатилганидек, рус тили амалда Совет Иттифоқи халқларининг миллатлараро алоқа воситаси бўлиб қолди.

Маълумки, рус бўлмаган ўқувчиларга рус тилини ўқитиш юзасидан методик қўлланма яратишда қиёсий характердаги лингвистик базагина асос бўлиши мумкин[2]. Рус ва миллий тилларнинг чоғиштирма грамматикаси ўқитувчи-практиклар учун ҳам, методистлар учун ҳам энг зарурий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Қиёсий-типологик текширишлар рус тилидан миллий тилга таржима қилувчилар учун ҳам катта ёрдам беради.

Русча асарнинг бадиий хусусиятларини, унинг эмоционал туслари-ни, миллий колоритини миллий тил воситалари орқали акс эттириш жуда қийин бир ишдир. Адабиётшунослик нуқтаи назаридан таржима назариясига бағишланган асарларнинг камлиги ва таржима соҳасида лингвистика нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқотларнинг қарийб мутлақо йўқлиги[3] таржималар муваффақиятсиз чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Рус тилидан кўп миллатли Ватанимиздаги халқлар тилларига қилинган таржималар ўқувчига рус ижтимоий-сиёсий, бадиий ва махсус адабиётлар хазиналари билан ўз она тилларида танишиш имконини беради, бунда таржималар жуда катта аҳамиятга эга эканини исботлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Ниҳоят, қиёсий характердаги тадқиқотлар, шубҳасиз, муайян назарий аҳамиятга эгадир[4].

Равшанки, бу ўринда биз тил фактлари механик равишда текширилган юзаки ишларни эмас, балки муайян тилнинг лексик-грамматик хусусиятлари шу тил системасининг элементлари сифатида текширилган жиддий асарларни кўзда тутамиз[5].

---

[1] Қаранг: С. Г. Бархударов, Основные проблемы методики преподавания русского языка в национальных группах вузов, «Русский язык в национальной школе», 1964, № 2, стр. 15.

[2] Программа по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков, автор В. В. Решетов, Ташкент, 1960, стр. 4.

[3] Т.: М. М. Мухамедова, К вопросу о сравнительном изучении русского и узбекского языков (на материале родительного падежа), «Известия АН УзССР», 1950, № 1.

[4] Қаранг: А. Н. Баскаков, Структура тюркских языков сравнительно со структурой русского языка, Стенографический отчет Межреспубликанской научной конференции по вопросам улучшения преподавания русского языка в национальной школе, Учпедгиз, Ташкент, 1958, стр. 16.

[5] Қаранг: С. Г. Бархударов, кўрсатилган асар, 17-бет.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси рус ва ўзбек тилларини қиёслашга баб-баравар тааллуқлидир.

Мақолада фактик материаллар асосида (мисоллар бадиий адабиётдан ва вақтли матбуотдан олинган) ўзбек тилида (шунингдек, бошқа туркий тилларда ҳам) жуда кенг тарқалган бир синтактик конструкция — қаратқичли бирикмалар[6] рус тилининг аниқловчили бирикмалари билан қиёсан тасвирланади ва таҳлил қилинади. Бунда ўзбек тилининг қаратқичли бирикмалари рус тилининг предлогсиз родительний падежда келган аниқловчи вазифасидаги отли бирикмалари билан чоғиштирилади.

Турли оилаларга мансуб қардош бўлмаган тилларнинг лексикаси қиёсий ўрганишнинг алоҳида методини талаб қилишини ҳисобга олиб, биз аниқловчили бирикмаларни фақат синтактик категория сифатида эмас, балки лексик-грамматик планда ҳам таҳлил қилдик[7].

* * *

Предлогсиз родительний падеждаги от билан ифодаланган мослашмаган аниқловчилар отли бирикмаларда тобе сўз вазифасида келиб, аниқланаётган предметнинг қарашлилик жиҳатидан бўлган турли белгиларини, шунингдек сифат жиҳатдан бўлган характеристикасини ифодалайди[8].

Аниқловчили бирикмаларни ва уларнинг ўзбек тилидаги эквивалентларини[9] кўриб ўтайлик.

1. Отли бирикмалар бутун билан бўлак муносабатларини ифодалайди. Тобе сўз ҳоким сўздан англашилган предметнинг қисмини билдиради. Масалан: *порог дома — уй остонаси, окна домов — уйларнинг деразалари, спинка скамейки — скамейканинг суянчиғи, ручки кресла — кресло банди, клавиши рояля — рояль тишлари, ступеньки крыльца — зинапоянинг поғонаси* каби.

Около самых **ворот склада,** *видит он, стоит выщипанный человек в растегнутой жилетке и, подняв вверх правую руку, показывает толпе окровавленный палец* (Чехов, Хамелеон, т. II, стр. 372). **Утинхона дарвозаси** *олдида, юқорида тасвир қилинган жилеткасининг тугмалари ечилган киши ўнг қўлини юқорига кўтариб, қонга бўялган бармоғини одамларга кўрсатиб туради.*

Кўринадики, *ворота склада* аниқловчили бирикмасини таржимон II тип қаратқичли бирикма орқали, яъни бошқарув усулида алоқага киришган от-аниқловчи + от-аниқланмиш тарзида акс эттирган. Бу ўринда русча текстдаги *ворот* сўзига мослашиб келган аниқловчи *самых* сўзининг борлиги ҳисобга олинмаган. *Около самых ворот склада* ибораси III тип қаратқичли бирикма (аниқловчи + аниқланмиш-мослашув)[10] орқали таржима қилиниши мумкин, чунки от-

---

[6] Қаранг: С. С. Майзель, Изафет в турецком языке, Изд-во АН СССР, М.,— Л., 1957, Яна қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1960, стр. 353.

[7] Мисолларда биз бутун аниқловчили группани ажратиб кўрсатамиз (мослашган аниқловчининг ажратиб кўрсатилиши таржиманинг характерига боғлиқ). Оригиналда бўлмаган сўзлар қавсга олинди.

[8] Қаранг: А. Г. Руднев, Синтаксис простого предложения, М., 1960, стр. 146; см. также. Н. С. Валгина и др., Современный русский язык, Изд-во „Высшая школа", М., 1961, стр. 316.

[9] Қаранг: Аюб Гулям, Определение в узбекском языке, Известия Узбекистанского филиала АН СССР, Ташкент, 1948, стр. 3.

[10] Подробно о согласовании и упрвлении см. А. А. Коклянова, Способы синтаксической связи слов в современном узбекском языке, автореферат канд. дисс., М., 1958.

аниқловчи олдидан аниқлов маъносидаги *худди* сўзи[11] қўлланади: *Худди ўтинхона дарвозаси олдида...*

Агар мослашмаган аниқловчи конкрет предметни, аниқланмиш эса шу предметнинг қисмини билдирса, аниқловчили бирикма ўзбек тилига одатда III тип қаратқичли бирикма орқали таржима қилинади:

...Он... засунув руки в ***карманы штанов,*** *шел медленно, отпуская направо и налево колкие смешки и шутки* (М. Горький, Челкаш, т. I, стр. 362). *...У... қўлини* ***шимининг чўнтагига*** *солгани ҳолда, икки ёнига ўткир-ўткир пичинглар ва ҳазиллар ташлаб, битта-битта олдинга босарди.*

2. Отли бирикма қарашлилик муносабатини ифода этади. Тобе сўз ҳоким сўздан англашилган конкрет предмет қарашли бўлган шахсни билдиради. Масалан: *записка Аси — Асянинг хати, кабинет моего отца — отамнинг кабинети, книга моего брата — акамнинг китоби* каби. Бундай мослашмаган аниқловчилар, ҳозирги замон рус тилида кам қўлланадиган эгалик сифатлари билан ифодаланган мосланган аниқловчиларга нисбатан, кучли ифодалиликни билдириши билан фарқ қилади. Масалан: *отцово пальто* (қиёсланг: *пальто моего престарелого отца*). Конкрет предметни ёки шахсни билдирган юқоридаги аниқловчилар ўзбек тилига одатда III тип қаратқичли бирикмалар орқали таржима қилинади[12].

Иду я однажды мимо ***трактира Кухтина*** (Чехов, Экзамен на чин, т. II, стр. 363). *Бир куни* ***Кухтиннинг майхонаси*** *ёнидан ўтиб кетаётиб эдим.*

Тобе сўзи жонли нарсага қарашлиликни кўрсатувчи, ҳоким сўзи эса жонли нарса танасининг қисмини англатувчи бирикмалар алоҳида группани ташкил этади. Масалан: *лица студентов — студентларнинг чеҳраси, глаза девушки — қизнинг кўзлари* каби. Бундай сўз бирикмаларида мослашмаган аниқловчи мослашган аниқловчи билан алмаштирилиши мумкин (қиёсланг: *студентческие лица, девичьи глаза).*

— Не прикажете ли вас домой проводить, Егор Нилыч? — спросил Белебухин, нагнувшись к ***уху миллионера*** (Чехов, Маска, т. II, стр. 410). *— Уйингизга элтиб қўяйми, Егор Нилич? — деди Белебухин энгашиб,* ***миллионернинг қулоғига.***

3. Отли бирикмалар бир предмет ёки шахснинг бошқа бир предмет ёки шахсга тегишлилик, хослик муносабатларини ифодалайди. Тобе сўз ҳоким сўздан англашилган предмет ёки шахсга тегишли, хос бўлган шахс ёки предметни билдиради. Бундай аниқловчилар бир неча хил бўлади. Улардан энг муҳимларини кўриб ўтамиз:

а) тобе сўз ҳоким сўздан англашилган жисмлик ёки конкрет предметлик хусусиятига эга бўлмаган нарсага қарашли бўлган шахс ёки предметни билдиради. Масалан: *рассказы Чехова — Чеховнинг ҳикоялари, образ девушки — қизнинг қиёфаси, образец мужчины — эркаклар намунаси, цепи рабства — қуллик занжири, струны сердца — юракнинг торлари, дочь моего отца — отамнинг қизи, остатки белых* (тобе сўз — отлашган сифат) — *оқларнинг қолган-қутганлари* ва бошқалар.

Агар бундай аниқловчили бирикмаларда мослашмаган аниқловчи атоқли от билан ёки аниқ маъноли турдош от билан ифодаланган

---

[11] Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1960, стр. 353; см. также: В. В. Решетов, Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1961, стр. 79.

[12] Е. Д. Поливанов, Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком, Ташкент, 1934, стр. 78—79.

бўлса, ўзбек тилига таржима қилишда III тип қаратқичли бирикмалардан фойдаланилади:

Думы и планы партии *нашли одобрение и поддержку всего советского народа* („Правда Востока", 1 янв., 1964). ***Партиянинг режалари ва планларини*** *бутун халқимиз маъқуллади ва қўллаб-қувватлади* („Қизил Ўзбекистон", 1 янв., 1964).

Это силы небесные подтвердили **речь мудрого** (М. Горький, Старуха Изергиль, т. I, стр. 341). *Бу самовий қувват* ***донишмандннинг сўзини*** *тасдиқлар эди.*

Бу мисолда отлашган сифат тобе сўз вазифасида келган.

Тобе сўзи одамни билдирадиган бирикмалар ҳам III тип қаратқичли бирикмалар орқали таржима қилинади:

Кричали все интеллигенты, но голоса всех их покрывал низкий, густой ***бас мужчины*** *в маске* (Чехов, Маска, т. II, стр. 409). *Ҳамма интеллигентлар қичқиради, аммо ҳаммасининг товушини ниқобли* ***кишининг йўғон товуши*** *босиб кетарди.*

Бу мисолда қаратқичли группанинг биринчи қисми олдида *ниқобли* сифатининг қўлланганини айтиб ўтиш керак. Аниқланмиш *бас* сўзининг ўзбек тили лексикасида аниқ эквиваленти йўқ. *У йўғон товуш (грубый голос)* аниқловчили бирикмаси орқали, яъни синтактик тарзда ифодаланган.

б) тобе сўз аниқланаётган предметнинг касб, коллектив, муассаса, мамлакат ва ҳоказоларга бўлган муносабатини кўрсатади. Масалан: *артист труппы — труппа артисти,* ***гражданин Советского Союза — Совет Иттифоқи граждани*** каби. Бундай ҳолларда аниқловчили бирикмалар ўзбек тилига II тип қаратқичли бирикмалар орқали таржима қилинади. Мисоллар келтирамиз:

Директор банка*, проваливай подобру-поздорову!* (Чехов, Маска, т. II., стр. 408). *Ҳой* ***банк директори,*** *яхшиликча чиқиб кет!*

Народы нашей Родины *вышли на новые рубежи коммунистического наступления* („Правда Востока", 1 янв., 1964). ***Ватанимиз халқлари*** *коммунизм учун курашнинг янги марраларига чиқиб олдилар* („Қизил Ўзбекистон", 1 янв., 1964).

Рус тилидаги мослашмаган аниқловчиси турғун сўз бирикмасидан иборат бўлган *министерство путей сообщения (темир йўл министрлиги), учитель русского языка* типидаги аниқловчили бирикмалар ўзбек тилига II тип қаратқичли бирикмалар орқали таржима қилинади.

Рус тилининг бундай турғун аниқловчили бирикмалари баъзан таржимада II тип қаратқичли бирикмаларда от олдидан келган битишув муносабатидаги аниқловчи функциясида келган қаратқичли бирикма орқали ифодаланади.

Агар қаратқичли группанинг биринчи бўлаги сифат, олмош, сон билан аниқланган бўлса, шунингдек агар қўшимча аниқловчи қаратқичли группанинг иккала бўлаги ўртасидаги бевосита алоқани ажратиб юборса („раздвижной изафет"[13]), аниқловчи қаратқич келишиги аффикси билан шаклланади (III тип қаратқичли бирикма):

Хозяин *станционного* ***буфета****... мельком взглянул на стоявшего в стороне Павку* (Н. Островский, Как закалялась сталь, стр. 8) *Станция* ***буфетининг... хўжайини*** *бир четда турган Павкани нурсиз кўзлари билан тезгина назардан кечириб чиқди...*

Инспектор *народных* **училиш** *Ахахов громко поздоровался...* (Чехов, Экзамен на чин, т. II, стр. 364). *Халқ* ***мактабларининг инспектори*** *Ахахов улар билан шанғиллаб саломлашгач...*

---

[13] Қаранг: С. С. Майзель, кўрсатилган асар, 129-бет.

в) тобе сўз ҳоким сўздан англашилган предметнинг пайдо бўлиши билан боғланган ўрин, манба жиҳатдан аниқланаётган предметнинг хусусиятини кўрсатади. Бундай мослашмаган аниқловчилар кўпинча бошқа сўз туркумларига мувофиқ келмайди. Масалан: *луч прожектора — прожекторнинг нури, запах сена — пичан ҳиди, огоньки свечей — шам шуъалари.*

Бундай бирикмаларда аниқловчи формал жиҳатдан *от* предлогли родительний падеждаги аниқловчи — атрибутга мос келади (қиёсланг: *запах сена — запах от сена, следы ног — следы от ног, огонёк свечи — огонёк от свечи).* Бироқ улар маъно жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади: юқоридаги предлогсиз аниқловчили бирикмаларда эгалик — аниқловчилик белгиси биринчи планда турса, *от* предлогли аниқловчили бирикмаларда келиб чиқиш жиҳатидан бўлган белги биринчи планда туради.

Предлогсиз аниқловчили бирикмаларнинг ўзбек тилида ифодалашнинг типик усули II ва III тип қаратқичли бирикмалардир[14]. Бундай ҳолларда III тип қаратқичли бирикмани ишлатиш синтактик конструкциянинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади (бу ҳақда қуйида сўзлаймиз).

Мисолларга мурожаат қилайлик:

В глазах у неё дробились, лучились ***огоньки свечей...*** (А. Толстой Сестры, т. V, стр. 175). ***Шам шуъалари*** *унинг кўз қорачиғларида майда-майда бўлиб кўринарди...*

Махсус синтактик конструкциядан иборат бўлган III тип қаратқичли бирикмалар ёрдамида ифода этилган атрибутив аниқловчиларни кўриб ўтамиз.

Қуйидаги ҳолларда русча аниқловчили бирикмалар III тип қаратқичли бирикмалар орқали таржима қилинади: агар қаратқичли бирикманинг компонентлари битишув усулида алоқага киришган аниқловчи (сифат ёки от) билан ажратилган бўлса; агар аниқловчининг ўзи қаратқичли бирикмани ташкил қилган бўлса (бу ҳол ўзбек тилининг синтактик хусусиятлари билан эмас, балки лексик хусусиятлари билан боғлиқ); агар ўзбек тили лексикасида тобе сўзнинг эквиваленти йўқ бўлса ва у бошқа тиллардан кирган сўз билан ифода этилган бўлса; агар тобе сўз бошқа бир қаратқичли бирикмада аниқланмиш вазифасида келган бўлса (бу вақтда эгалик аффиксидан кейин *-нинг* аффикси келади); агар тобе сўз атоқли от бўлса[15], русча аниқловчили бирикмалар III тип қаратқичли бирикмалар орқали ифода этилади. Ўзбек тилининг юқорида кўрсатилган икки хил хусусиятлари қаратқичли бирикмаларда *-нинг* аффиксининг қўлланишини шарт қилиб қўяди.

Разнообразнейшие чувства, легкие, быстрые, как ***тени облаков*** *в солнечный день, перебегали то и дело по ее глазам и губам* (Тургенев, Первая любовь, т. VI, стр. 300). *Унинг кўз ва лабларида ҳам ғоят хилма-хил туйғулар, шамол эсиб турган қуёшли кун* ***булутларининг соялари*** *дек енгил ва тез туйғулар ўйнарди.*

...Все, что я видел, ощутил, слышал в эти три дня, — все: тонкий ***запах смолы*** *по лесам...* (Тургенев, Ася, т. VI, стр. 243). *Шу уч кун ичида кўрган-сезган ва эшитганларим ҳаммаси: дарахтзордаги* ***смоланинг*** *нозик* ***ҳиди...***

---

[14] Қаранг: А. Ғ. Ғуломов, Содда гап, Ташкент, 1955, стр. 71—81.

[15] Қаранг: М. Г. Незифи, Некоторые вопросы сопоставительной грамматики русского и туркменского языков, Ашхабад, 1961, стр. 207—210; Н. К. Дмитриев, Башкирский язык, М., 1948, стр. 223—227.

Кўриб ўтилган сўз бирикмаларини ўзбек тилига қаратқичли конструкцияларсиз таржима қилинганда, одатда уларнинг стилистик хусусиятлари ва маънолари бузилади.

Пылали в окнах ***осколки стекол*** (А. Толстой, Восемнадцатый год, т. V, стр. 384). *Деразаларнинг* ***синиқ ойналари*** *қип-қизил чўғдай ёнарди.*

Қайта қилинган таржимадан *(разбитые стекла окон...)* русча аниқловчили бирикманинг стилистик хусусияти бузилгани кўринади. Аниқ таржима қилинганда қаратқичли конструкция сақланган бўларди: *деразанинг ойна синиқлари...*

Вот по улице в ***тени акаций...****прошли два офицера...* (Чехов, Учитель словесности, т. VII, стр. 381). ***Акация соя солиб турган*** *кўчадан... икки офицер ўтиб кетди...*

Қайта қилинган таржимани кўриб ўтайлик: *По улице, где* ***акации отбрасывали тень,*** *прошли два офицера.* Ўзбек тилидаги *акация соя солиб турган* сифатдош обороти рус тилидаги аниқловчи эргаш гапга тўғри келади. Бу ўринда ҳам услубий бузилиш рўй берган. *Акация солиб турган соясида* қаратқичли бирикмаси составидаги *-ган* формаси рус тилидаги *от* предлогини олган аниқловчига яқин туради: *тень от акаций*[16]. *Тень акации* бирикмасининг энг аниқ эквиваленти, бизнинг фикримизча, ўзбекча икки отнинг бирикишидан ҳосил бўлган аниқловчили бирикма бўлиши керак: *акация (дарахтининг) соясн.*

Айтилган фикрлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкин:

Русча аниқловчи вазифасида келган предлогсиз родительний падеждаги от қатнашган атрибутив бирикмалар ўзбек тилида кўпинча икки отнинг бирикишидан ҳосил бўлган аниқловчили бирикмалар—қаратқичли конструкпияларга мувофиқ келади.

Бироқ кенг семантик-синтактик вазифага эга бўлган қаратқичли бирикмалар юқорида кўрсатилган русча атрибутив бирикмаларнинг кўпгина маънолари ва оттенкаларини ифодалай олишига қарамасдан, ҳар бир конкрет ҳолда ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини, унинг лексик имкониятларини ҳисобга олиш лозим.

---

[16] *-ган* формасининг аниқловчи вазифасида қўлланиши ҳақида қаранг: С. Н. Иванов, Очерки по синтаксису узбекского языка (форма на *-ган* и ее производные), Изд-во Ленинградского университета, 1959, стр. 41.

И. ҚЎЧҚОРТОЕВ

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ УМУМТИЛ ФРАЗЕОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЯНГИ ИБОРАЛАР ЯРАТИШИГА ДОИР

Мавжуд фразеологик бирликлар асосида янги иборалар яратиш умумтилда, айниқса бадиий адабиёт тилида кўп учрайдиган ҳодисадир. Ёзувчининг фразеологик новаторлиги, фразеологик ижодкорлиги энг ёрқин намоён бўладиган соҳа ҳам мана шу умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратиш соҳасидир. Ёзувчи тилини, унинг фразеологиясини ўрганишга бағишланган ишларнинг деярли барчасида янги иборалар ижод қилиш алоҳида қайд этилади. Бундай фикрларни Абдулла Қаҳҳор асарларининг тилига бағишланган ишларда ҳам учратамиз: „Абдулла Қаҳҳор... баъзан афоризм ва халқ иборалари даражасига кўтарилган чуқур мазмунли, ўткир киноялі иборалар тўқийди. Бу ибораларни кўп ҳолларда халқ ибораларидан ажратиш қийиндир“[1]. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида ёзувчиларнинг фразеологик иборалар яратиши, умуман тилда фразеологик ибораларнинг вужудга келиши масаласи махсус ўрганилмай келади. Ваҳоланки, ёзувчининг ибора яратиш йўлларини, ибора яратиш техникасини ва бу янги ибораларнинг семантик-стилистик хусусиятларини таҳлил қилмай туриб, ёзувчи фразеологиясининг ўзига хос хусусиятларини тўла очиб бериш мумкин эмас[2].

Мана шу муносабат билан неологизм терминининг маъно доираси кенгаяётганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Ҳозир неологизм термини янги ҳодисаларни билдирадиган, янги маънода қўлланадиган сўзларга[3] нисбатангина эмас, балки янгидан вужудга келаётган фразеологик бирликларга нисбатан ҳам ишлатилади[4]. Бадиий адабиёт тилидаги фразеологик неологизмлар маълум ёзувчилар томонидан ижод қилинганлиги ва бу иборалар дастлабки пайтларда фақат шу ёзувчилар услубигагина хос бўлганлиги учун, бундай ибораларни индивидуал фразеологик неологизмлар деб аташ мумкин[5].

Бу мақолада Абдулла Қаҳҳор томонидан халқ фразеологияси замиридаги образлар асосида ижод қилинган индивидуал фразеологик неологизмлардан намуналар келтирилади.

Фразеологик бирликларнинг муҳим белгиларидан бири шундан иборатки, улар замирида маълум образ, конкрет ҳодиса, ҳаракат ё

---

[1] Дониёров, С. Мирзаев, „Қўшчинор чироғлари“ романининг тили ва стилига доир баъзи мулоҳазалар, „Сўз санъати“, Тошкент, 1962, 207-бет.

[2] В. Ф. Рудов, Фразеология произведений М. Горького, Уч. зап. Таганрогск. пед. ин-та, т. 2, 1957, стр. 95; Фразеология произведений А. П. Чехова, Труды Пржевальск. пед. ин-та, вып. 6, 1958, стр. 98.

[3] М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 45-бет.

[4] Н. М. Шанский, Фразеология современного русского языка, М., 1963 стр. 82.

[5] Индивидуал неологизмлар тўғрисида қаранг: Р. А. Будагов, Введение в науку о языке, М., 1959, стр. 33—38.

предмет тасаввури ётади[6]. Масалан, **„қувонмоқ“** маъносини ифодалайдиган *оғзи қулоғига етди* иборасида кулиш, мамнун бўлиш орқасида оғизнинг қулоққача етиши тасаввури, образи бор. Ибора замиридаги мана шу образ **„қувонмоқ“** маъносини билдириш учун хизмат қилади. Ибора замиридаги бундай образни бошқа нуқтаи назардан изоҳлаш, уни бошқача талқин этиш тилда янги фразеологик ибораниг туғилишига олиб келади. Бу усул билан яратилган фразеологик неологизмда умумтил иборасига мансуб бўлган образ ё бу образнинг бирор хусусияти сақланади. Лекин маъно тамомила ўзгариб кетади. Умумтил иборасига мансуб бўлган образнинг янгича талқин этилиши тилда бутунлай бошқа, янги маънони ифодалаш учун хизмат қилади.

Абдулла Қаҳҳор бу йўл билан янги иборалар яратишда умумтил ибораларидан ҳам, мажозий маъноли мақоллардан ҳам фойдаланади.

Умумтил ибораси замиридаги образ асосида янги ибора яратиш усулининг кўринишлари турличадир. Шулардан бири умумтил ибораси замиридаги образни янгича талқин этишдир. Бунда умумтил иборасига мансуб бўлган образ тўлиқ сақланади. Фақат бу образнинг талқини, изоҳланиши янгича бўлади, холос.

„Қўшчинор чироғлари“ романида тасвирланган эпизодлардан бирида Қурбон ота Капсанчилар қишлоғининг эллик йилдан кейин қандай бўлишини билишга қизиқади. Қишлоқнинг эллик йилдан кейин қандай бўлишини билиш қийин, сабаби бу энди туғиладиган болаларнинг дид-орзусига боғлиқ, уларнинг дид-орзуси қандай бўлишини биз ҳозир билолмаймиз деб жавоб беради колхоз партия ташкилотчиси Ўрмонжон. Абдулла Қаҳҳор Ўрмонжоннинг мана шу фикрини — келгуси авлоднинг дид-орзусини билишдан биз ожизмиз деганини — образли қилиб ёрқин ифодалаш учун рус тилидан ўзлашган ***ўз гази билан ўлчамоқ*** ибораси асосида янги ибора яратади[7]. Адабий тилда **ўз гази билан ўлчамоқ** ибораси „ўзича тушунмоқ“, „ўз нуқтаи назаридан қарамоқ“ маъносини ифодалайди. Абдулла Қаҳҳор бу ибора замиридаги образни Ўрмонжоннинг фикрига мувофиқлаштириш учун унинг талқинига „ўлчагани гази ярамай қолмоқ, эскилик қилмоқ“ тарзида янгича йўналиш, янгича тус беради. Натижада тушунишга ожизлик қилмоқ деган маънони ифодалайдиган индивидуал фразеологик неологизм вужудга келади: ***ўлчагани гази эскилик қилмоқ.*** Бу янги ибора Ўрмонжоннинг фикрини образли қилиб ёрқин ифодалаш имконини беради:

— *Бу ерлар ўн йилдан кейин, йигирма, ўттиз йилдан кейин қандоқ бўлса экан? А, ўғлим, эллик йилдан кейин қандоқ бўлади?*

Ўрмонжон кулди.

— *Ўн, йигирма йилдан кейин қандоқ бўлишини биламиз, бу ўзимизга, бизнинг дидимизга, орзумизга боғлиқ. Лекин эллик йилдан кейин қандоқ бўлишини билмаймиз, чунки бу мана шу уйларда туғиладиган, шу қишлоқда ўсадиган болаларнинг дидига, орзусига боғлиқ. Буларнинг дидини, орзусини* ***ўлчагани*** *бизнинг* ***газимиз эскилик қилади*** (Танланган асарлар, III т., 1956, 160-бет).

Умумтил ибораси замиридаги образ асосида фразеологик неологизм яратиш усулининг кўринишларидан яна бири образ талқинига контраст йўналиш, контраст тус беришдир. Бундай қўллашда ҳам умумтил иборасига мансуб бўлган образ сақланади. Лекин бу образнинг талқи-

---

[6] А. И. Смирницкий, Лексикология английского языка, М., 1956, стр. 209.

[7] Бу ибора рус тилидаги **мерить на свой аршин** иборасининг калькасидир. Қаранг: Ш. Раҳматуллаев, Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштирма фразеологик бирликлар ҳақида, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети илмий асарлари, Ўзбек тили масалалари, Т., 1957, 31-бет.

ни, изоҳланиши тамомила зид, контраст тусда бўлади. Шунинг учун умумтил ибораси билан унинг замиридаги образ асосида яратилган бундай фразеологик неологизмлар кўпинча ўзаро антонимик муносабатда бўлади. Бундай ҳодиса тилда кўп учрайди. Ҳозирги ўзбек тилида ***нони бутун*** ибораси бор. Бу ибора ўзига тўқ, турмуши яхши деган маънони ифодалайди[8]. Мана шу ибора замиридаги „нони бутун" („бутун нон") тасаввури, образи асосида ***нони яримта*** (бўлмоқ) ибораси вужудга келган. Бу ибора нони бутун иборасининг маъносига зид маънони, яъни „бойлиги камайди", „таноби тортилди" маъносини бўрттириб ифодалаш учун хизмат қилади:

— Бунақа гап трактор келса зиён қиладиган одамдан чиқади, — деди Аҳмедов давом этиб, — трактор келса, ким зиён қилади?.. Қишлоқда шунақа одамлар борми?

Ҳар томондан товушлар эшитилди:

— Топилади!

— Бор.

— Ҳа, баракалла, — деди Аҳмедов, — товуш гўристондан эмас, мана шулардан чиқаётипти. Булар ***нонимиз яримта*** *бўлади деб ҳалитдан, ҳали трактор келмасдан бурун ириллаётипти* (Танланган асарлар, III т., 1956, 43-бет).

Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги, халқ фразеологиясига, халқнинг мақол ва маталларига ижодий ёндошиши шунда намоён бўладики, у мазкур ибора ва мақолларни келтириб чиқарган шароит ҳамда фалсафий-ахлоқий умумлашмаларнинг моҳиятини синчиклаб ўрганади. Турмушнинг ва фалсафий-ахлоқий тушунчаларнинг ўзгариши тилдаги сўз ва иборалар маъносига ҳам таъсир этмай қолмайди[9]. Абдулла Қаҳҳор мана шундай ўзгариш ва силжишлар асосида ҳам янги, оригинал иборалар яратади. Бунга ***осмон узоқ, ер қаттиқ*** ибораси замиридаги образни контраст изоҳлаш, контраст талқин этиш йўли билан яратилган ***осмон яқин, ер юмшоқ*** ибораси мисол бўла олади. Бундай контраст қўллаш ҳозирги шароитда одамларнинг асрий ожизликдан, иложсизликдан қутулишга муяссар бўлганини жуда яхши ифода қилади[10].

Бу индивидуал фразеологик неологизм „Қўшчинор чироғлари" романида шундай қўлланади:

Сидиқжон... сўради:

— Камбағаллик жонга тегмаган вақт, жонига тегмаган одам бўлганмикин?

Маллавой ака чориғини бир чеккага қўйиб Болтабойнинг ёнига ўтирди.

— Бўлган эмас! Камбағаллик ҳамма вақт, ҳамма одамнинг жонига теккан нарса. Лекин, одамзод жонига теккан нарсадан қутулиш йўлини билмаса, осмон йироқ, ер қаттиқ бўлади, унга кўникади, шунчалик кўникадики, бу нарса жонига тегканини ҳам пайқамай қўяди. Энди биз камбағалликдан қутулиш йўлини биламиз, кўриб турибмиз. Бизни уста қиладиган ҳам, ударник қиладиган ҳам, бизга ***осмонни яқин, ерни юмшоқ*** *қиладиган ҳам мана шу* (Танланган асарлар, III т., 1956, 115-бет).

Бу индивидуал фразеологик неологизм романнинг дастлабки („Қўшчинор" деб аталган) вариантида бир бобнинг сарлавҳаси сифатида ҳам қўлланган[11].

---

[8] Ўзбекча-русча луғат, М., 1956, 290-бет.

[9] Р. А. Будагов, Введение в науку о языке. М., 1958, стр. 122.

[10] Ғ. Саломов, Мақол ва идиомалар таржимаси, Ташкент, 1961, 142—143-бетла.

[11] Қаранг: Абдулла Қаҳҳор, Қўшчинор, 1947, 78-бет.

Умумтил ибораси замиридаги образ асосида фразеологик неологизм яратиш усулининг кўринишларидан яна бири шу образга ўхшаш янги образ, мажоз ижод қилишдир. Бу йўл билан яратилган фразеологизм ўзига асос бўлган умумтил ибораси маъно томондан жуда яқин бўлади. Лекин бу фразеологик неологизмнинг образли асоси бошқача бўлгани учун, унинг маъно оттенкаси ҳам бошқача бўлади. Бундай фразеологик неологизмлар кўпинча ўзига асос бўлган умумтил ибораларининг контекстуал синонимлари бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги ***сичқоннинг ини минг танга*** ибораси кучли қўрқувни кўрсатишда ишлатиладиган ёрқин стилистик восита ҳисобланади. Бу ибора мазмунан ***қочгани жой тополмаслик*** ибораси тўғри келади[12]. Мана шу иборалар замиридаги „ин", „қочадиган жой" тасаввурлари асосида ***бекингани тешик ҳам тополмаслик ибораси*** вужудга келган. Бу ибора сичқоннинг ини минг танга ва қочгани жой тополмаслик ибораларининг ўзига хос синоними бўлиб хизмат қилади.

Бу ибора „Сароб" романида шундай қўлланади:

Саидий... „ташкил қилиш" тўғрисида ўйлаганида, назарида, сон-саноқсиз кишилар бир оғиз сўзни кутиб тургандай эди. Аммо ҳозир, бўйнинга маълум бир вазифа тушгандан кейин шундай одамларни хаёлида излар экан, биронта ҳам тополмас эди. Бундан бир-икки соат бурун қулоғига эшитилиб турган дод овозлари қушиққа айланди; Маҳмуджон афандилар билан тўлган олам Кенжалар, Тешаларга тўлди. Булар орасида Саидий юргани йўл эмас, қочиб ***беркингани тешик ҳам тополмас эди***. (Танланган асарлар, II т., 1957, 159-бет).

Бу иборанинг киргани кавак тополмаслик варианти ҳам бор.

Сойликда кутилмаган манзарани кўрди: сойликдан кетаётган немис мотоциклчиларини кимдир пулемётга тутар, мотоциклчиларнинг кўпи йиқилган, қолгани мотоцикларини ташлаб, ***киргани кавак тополмай,*** *ўзини ҳар ёнга урар эди* (Танланган асарлар, I т., 1957, 179-бет).

Абдулла Қаҳҳор бу иборани ***бекингани кавак изламоқ*** шаклида ҳам қўллайди. Бундай қўллаш ҳам „қочгани жой тополмаслик" маъносини ифодалаш учун хизмат қилади:

Раҳматилла Обидий ҳайрон эди: „Нима бўлди, нега мухторият палағда тухумдай оқиб кетди; бирон тасодиф, англашилмовчилик рўй бердими? Йўқ, тасодиф ҳам эмас, англашилмовчилик ҳам эмас, революция бўрони унинг бутун умид ва ишончини куз хазонидай учириб аланга бағрига урган эди. Раҳматилла, қути ўчиб, ***бекингани кавак излаб қолди*** (Танланган асарлар, III т., 1656, 174-бет).

Эски турмуш анъаналарига содиқ бўлган Раҳимжон Саидий совет тузуми таъсирида турмушга янгича қарай бошлаган одамларни бузилган, мияси айниган деб ҳисоблайди. Абдулла Қаҳҳор Саидийнинг мана шу фикрини, қарашини ёрқин ифодалаш учун ***бир нуқоти кам (бир винти кам)*** ибораси асосида янги ибора тўқийди. Адабий тилда бир нуқоти кам (бир винти кам) ибораси „ақли камроқ", „нормал одамга қараганда нуқсонлироқ" маъносини ифодалайди[13]. Абдулла Қаҳҳор мана шу ибора замиридаги „бир винти кам, бир винти етишмайди"

---

[12] Ш. Раҳматуллаев, Фразеология, „Ҳозирги замон ўзбек тили", Ташкент, 1957, 155-бет.

[13] Ш. Шомақсудов, С. Долимов, Кенг уйнинг келинчаги, Ташкент, 1964, 37—40-бетлар.

тасаввури асосида янги образ, мажоз яратади: ***мия механизмидан бир винти тушиб қолган.*** Бу образ ақли кам маъносини эмас, балки ақли камайган, мияси айниган маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Ибора маъносининг бундай янгича тус, оттенка олиши аксил инқилобчи Саидийнинг реакцион фикрига жуда мувофиқ келади. Абдулла Қаҳҳор бу иборани Саидийнинг нутқида ишлатиш билан унинг аксилинқилобчи руҳини очиб беради:

Бурун Ёқубжондан ҳам камгап бўлган Саидий, гап мавзуи одамнинг бузуқлиги бўлар экан, Маҳмуджон афандидан ҳам сергап бўлар эди... У сўзлайди, ишонтиришга тиришади, фикрига қўшилмаган одамни ***мия механизмидан бирон винти тушиб қолган*** *гумон қилади* (Танланган асарлар, II т., 1957, 132-бет).

Абдулла Қаҳҳор Саидийнинг мавқеини, унинг сиёсий позициясини янада бўрттириб кўрсатиш учун ***мия механизмидан бир винти тушиб қолган*** иборасининг қуйидагича вариантларини ижод қилади:

Ўз доирасидаги кишиларнинг ҳаммасини Саидий ақлли, ҳаммасининг ***мия механизмини бут*** *ҳисоблар, буларни „тушунган одамлар деб атарди... Унинг учун* ***мия механизми бутун*** *одамлардан бири — Илҳом... У... Кенжа, Теша сингари кишиларни эса* ***мия механизмидан бир винти эмас, бутун бошлик бир парраги тушиб қолган*** *ҳисобларди* (Танланган асарлар, II т., 1957, 132-бет).

Янги иборалар яратишда Абдулла Қаҳҳор мажозий мақоллар замиридаги образлардан ҳам фойдаланади.

Маълумки, халқ мақоллари тилда фразеологиянинг бойиш манбаларидан бири ҳисобланади[14]. Б. А. Ларин ўзининг „Фразеологиядан очерклар“ деган асарида айрим мақолларнинг турли ўзгаришларга учраб, қисқариб, аста-секин фразеологик бирликларга айланиб кетиши тўғрисида ёзади[15]. Бундай ҳодиса ўзбек тилида ҳам учрайди. Ҳозирги тилдаги ***бўйнидан бойлаган ит овга ярамас*** мақоли „беҳуда зўрлаш, мажбур қилиш кутилган натижани бермайди“ деган фикрни англатади. Бу мақол замиридаги образнинг „бўйнидан бойламоқ“ тасаввури асосида тилда ***бўйнига арқон солмоқ*** ибораси вужудга келган. Бу ибора мажбур қилмоқ, зўрламоқ деган маънони образли қилиб ифодалаш учун хизмат қилади.

Бу ибора Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор чироғлари“ романида шундай ишлатилади:

Зуннунхўжа кампирнинг гапини гап ҳисобламаганини, бунга эътибор қилмаганини кўрсатиш ва шу билан Сидиқжоннинг тафтини босиш учун ёлғондан эснади.

— Колхоз деса юрагинг ёрилади-я! Колхоз шундай нарсаки, хоҳлаган одам киради, хоҳламаган одам тўпписини яримта қилиб юра беради. Шундоқми, Сидиқжон?

— Албатта, менинг ***бўйнимга биров арқон солаётгани йўқ.*** *Тушунган одам киради, тушунмаганлар кирмайди* (Танланган асарлар, III т., 1956, 10-бет).

Абдулла Қаҳҳор ибора яратишнинг бу усулидан ҳам моҳирлик билан фойдаланади.

Ҳозирги ўзбек тилидаги ***тома-тома кўл бўлур*** мақоли одатда бирон ҳаракат, иш ё процесснинг натижасига нисбатан ишлатилади. Абдулла Қаҳҳор мана шу мақол замиридаги „томчилардан кўл ҳосил

---

[14] В. П. Фелицына, О пословицах и поговорках как материале для фразеологического словаря, „Проблемы фразеологии“, М., 1964, стр. 200—234.

[15] Б. А. Ларин, Очерки по фразеологии, Учен. зап. ЛГУ, № 198, 1956, стр. 217.

бўлади“ образи, тасаввури асосида янги образ, мажоз яратади: ***томчилардан оқим вужудга келади.*** Абдулла Қаҳҳор бу ибора маъносини онгли равишда бошқариладиган ҳаракатга мувофиқлаштириш учун уни орттирма даражада қўллайди: ***томчилардан оқим вужудга келтирмоқ.*** Ибора таркибидаги феъл даражасини бундай ўзгартиш йўли билан бутун ибораниг грамматик қурилишини ўзгартиш ўзбек тилида кўп учрайдиган ҳодисадир[16]. Иборани бундай қўллаш „Қўшчинор чироғлари“ романида одамларнинг колхозга уюшиш туфайли турмушга, илмга янгича қарай бошлаганидан улуғ бир коллектив ҳаракат, оқим яратиш мумкин деган фикрни образли қилиб ифодалаш имконини беради:

— *Учинчи: одамларда пайдо бўлаётган кўз... Яхши, жуда яхши таъбир! Бу кўз янги шароитда, колхоз шароитида юзага чиқаётган улуғ бир кучнинг нишонаси. Ғунча! Сенинг учинчи ва энг муҳим вазифанг, ҳаммамизнинг ҳам вазифамиз мана шу ғунчанинг баррида ажойиб бир гул, ажойиб бир мева ҳаёти борлигини ҳар бир колхозчининг кўзига кўрсатиш,* ***томчилардан*** *кучли бир* ***оқим вужудга келтиришдир!*** (Танланган асарлар, III т., 1956, 241-бет).

Ҳозирги ўзбек тилида ***айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер***[17]***; тўдадан айрилганни бўри ер***[18] мақоллари бор. Мана шу мақоллар замиридаги „тўдадан ажралмоқ“, „тўдадан айрилмоқ“ тасаввури, образи асосида фразеологик ибора вужудга келган: ***тўпидан айрилмоқ.*** Бу ибора „Қўшчинор чироғлари“ романида ўз ижтимоий табақасидан айрилмоқ, ўз синфидан айрилмоқ маъносида ишлатилади:

Бу гапни ҳазилга йўйиш учун Сидиқжон ҳам кулди. Бироқ унинг кулиши Ўрмонжоннинг рўйи-рост ғашини келтирди: „Нега кулясан... Ҳеч ўйлайсанми: қишлоқда, қишлоқларда шунча воқеалар бўлиб ўтди, бойлар, муштумзўрлар — бир томон, камбағаллар, батраклар — бир томон... Нега сен ўз ***тўпингдан айрилиб қолдинг? Айрилганни бўри ер эди-ку!*** (Танланган асарлар, III т., 1956, 8-бет).

Бу ибора романнинг иккинчи бир ерида яна шундай қўлланади:

Сидиқжоннинг бу важоҳати Зуннунхўжанинг ўйини пучга чиқарди...

— *Ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади.*

— *Ғалча бўлмасам* ***тўпимдан айрилармидим.*** *Айрилганни бўри ер дейдилар* (Шу асар, 14-бет).

Бу ибора ва унга асос бўлган мақол (айрилганни бўри ер) романнинг ғоявий мазмунини очишда катта роль ўйнайди. Шунинг учун романнинг биринчи нашрида бу мақол умумий сарлавҳа сифатида ҳам ишлатилган[19]. Абдулла Қаҳҳор ***тўпидан айрилмоқ*** ибораси асосида романнинг умумий ғоявий мазмунига мос келадиган янги ибора тўқийди. Бунда у ибора замиридаги образни контраст изоҳлаш усулидан фойдаланади. Натижада тўпидан айрилмоқ ибораснинг ўзига хос фразеологик антоними вужудга келади: (ўз) ***тўпига қўшилмоқ.*** Бу ибора адашиб, ўз ижтимоий табақасидан ажралиб қолган камбағал ва батракларнинг колхозлаштириш туфайли ўз синфига қўшилишга интилиши ва қўшилишини ёрқин ифодалайди:

---

[16] Ш. Раҳматуллаев, Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в совр. узб. языке, Труды СамГУ им. Алишер Навои, Вопросы фразеологии, вып. 106, 1961, стр. 86.

[17] „Ўзбек халқ мақоллари“, Ташкент, 1960, 35-бет.

[18] „Ўзбекча-русча луғат“, М., 1959, 97-бет.

[19] Пиримкул Кадыров, Послевоенное творчество Абдуллы Каххара, сб. „Вопросы узб. лит-ры“ Ташкент. 1959, стр. 47.

Сидиқжоннинг нияти шу кетишда ҳеч қаерда тўхтамасдан тонг отгунча юриб бўлса ҳам Капсанчиларга бориш, тақдиридан шикоят қилиб Ўрмонжонга зор-зор йиғлаш, ўшанинг қаноти остида ўз ***тўпига*** *яна* ***қўшилиш*** *учун тинмай, ишдан ишни фарқ қилмай жон-дили билан меҳнат қилиш эди* (Танланган асарлар, III т., 1956, 23-бет).

Келтирилган мисоллар Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратиши тўғрисида маълум хулосалар чиқаришга имкон беради. Бу мисоллар шуни кўрсатадики, Абдулла Қаҳҳор янги иборалар яратишда баъзан умумтил фразеологияси замиридаги образлардан фойдаланади. Бунда у умумтил ибораси замиридаги образни янгича талқин этиш, уни контраст изоҳлаш ва бу образга ўхшаш янги образ, мажоз яратиш каби усуллардан фойдаланади. Фразеологик неологизмнинг бундай умумтил ибораси замиридаги образга асосланиши унинг тушунилишини осонлаштиради. Абдулла Қаҳҳор баъзан мажозий мақоллар замиридаги образлар асосида ҳам янги иборалар яратади.

Абдулла Қаҳҳор томонидан яратилган бу янги ибораларни синчиклаб ўрганиш, уларнинг семантик-стилистик функцияларини текшириш Абдулла Қаҳҳор услубининг ўзига хос хусусиятларини очиш, унинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган ва қўшаётган ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

Ш. ШУКУРОВ

Филология фанлари кандидати

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ўзбек адабий тили бой ёзма традицияга эга бўлиб, асрлардан бери ривожланиб келган бўлса ҳам Октябрь революциясигача традицион адабий тил формасидан ташқари чиқа олмади, умумхалқ тили ривожланишидан орқада қолди. Октябрь революциясидан кейин СССРдаги бошқа миллатлар тили қатори ўзбек адабий тили ривожланишининг янги даври бошланди.

Революциянинг биринчи куналаридаёқ маданиятнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда, миллий тилларнинг ривожланиши масаласига катта аҳамият берилди. Бунда алфавит масаласи биринчи ўринда турди. Араб ёзувидаги алфавит ислоҳ қилиниши (1922), араб ёзувидан лотин алифбесига ўтилиши (1929), рус графикаси асосида тузилган янги алфавитга кўчирилиши (1940) адабий тилнинг шаклланиши ва унинг ривожланишида (орфография нормаларини белгилашда, грамматик формаларнинг стабиллашувида, терминология масаласини ҳал қилишда в. ҳ.) муҳим роль ўйнади.

Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ниҳоятда оғир шароитда, катта қийинчиликларни енгиш натижасида амалга ошди. Биринчидан, традицион адабий тил талабга жавоб бера олмас эди. Иккинчидан, умумхалқ ўзбек тилининг ниҳоятда мураккаблиги, ундаги диалект ва шеваларнинг хилма-хиллиги ягона адабий тил нормаларини белгилашда қийинчилик туғдирар эди. Бундан ташқари „Чиғатой гурунги", пантюркизм каби реакцион оқимлар қаршилигини енгишга тўғри келди. Ўзбек миллий адабий тили мана шундай мураккаб тарихий шароитда шаклланди ва ривожланди. Ўзбек миллий адабий тилининг ривожланишида рус тилининг самарали таъсир кўрсатгани шубҳасиздир.

Ўтган давр ичида адабий тилимизнинг барча ярусларида—фонетикада, грамматикада, лексикада—жуда катта ўзгаришлар, янгиликлар бўлдики, буларни ўрганиш ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини яратиш учун, унинг бундан кейинги равожланиш йўлларини белгилаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу мақоламизда ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиши йилларида юз берган айрим грамматик ҳодисаларга қисқача тўхталиб ўтамиз (асосан форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффикслар бўйича фикр юритилади),

I. Бу даврда адабий тилнинг грамматик қурилиши янги формалар билан бойиб борди. Масалан, ҳозирги замон феълининг **-яп** ва **-ётир** аффикслари билан ясалган формаларини эски ўзбек адабий тили билмас эди. Бу формалар ўзбек тилининг турли шеваларига хос бўлиб, адабий тилда Октябрь революциясидан кейинги йиллардагина гражданлик ҳуқуқини олдилар.

-ётир аффикси билан ясалган ***ишлаётирман*** типидаги ҳозирги замон феъли Хоразм шевалари учун характерли бўлиб, бу форма адабий тилда йигирманчи йилларнинг охирларидан кенг қўллана бошлади. Мисоллар: *Бутун ер юзинда ҳозирги вақтда сайлов* ***кетаётир*** (Кишилар, 41). *Қизғин иш олиб* ***бораётирлар*** (Колхоз, 29). *Шаҳардан* **келаётирман** (Юруш, 28); *Ер ислоҳати мураффақиятли* ***бораётир*** (Совет адабиёти, 4).

Фарғона группа шевалари учун характерли бўлган **-яп** аффикси билан ясалувчи ***ишлаяпман*** типидаги конкрет ҳозирги замон феълининг адабий тилда қўлланиши ўттизинчи йиллардангина бошлаб кузатилади: *Ҳой Ўрунжон! Тонг* ***ёришаяпти, турсанг*** (Совет адаабиёти, 4). Проф. Е. Д. Поливановнинг 1926 йилда ёзилган „Краткая грамматика узбекского языка (часть II, Ташкент) номли китобида ҳам бу форманинг ҳали шева характерига эга эканлиги қайд қилинган эди.

Эски ўзбек адабий тилида ҳозирга замон маъносини ифодалаш вазифасини асосан ***оламан (<оладурман)*** типидаги форма, қисман **-(а, у) р (-мас)** аффикси билан ясалган ***кўрарман, билурман (кўрмасман, билмасман)*** типидаги форма бажарар эди.

-ётган аффикси билан ясалган ***ишлаётган (одам)*** типидаги ҳозирги замон сифатдоши ҳам эски ўзбек адабий тили учун характерли эмас эди. Адабий тилда бу формага ҳам Совет ҳокимияти йилларидагина ўрин берилди ва йигирманчи йилларнинг охирларидан кенг қўллана бошлади.

Мисоллар: ***Кетаётган ишлар*** (Кишилар, 63). ***Келаётган қизлар*** (МЎ, 1925, № 1, 142). ***Бўлаётган ҳаракат*** (МЎ, 1927, № 6, 4). ***Талаб қилинаётган*** *енгил материаллар* (МЎ, 1929. № 1, 25). *Буюк ишлар* ***бораётган*** *бир даврда* (МЎ, 1930, № 2—3, 48). *Галма-гал* ***тушаётганини*** *кўрдик* (Колхоз, 33). *Дарс* ***тайёрлаётган*** *ўртоғи* (Вожатий, 34). *Увиб* ***келаётган*** *фикрар* (Совет адабиёти, 19).

Эски ўзбек адабий тилида ҳозирги замон сифатдоши маъносида, яъни **-ётган** аффикси билан ясалган форма ўрнида **-дурған** ‖ **-дурган (<-турған)** аффикси билан ясалган ***борадурған, биладурган*** типидаги ҳозирги-келаси замон сифатдоши қўлланиб келган.

Эгалик маъносини ифодаловчи **-ники** аффикси билан ясалган ***бизники, ўқувчиники*** типидаги форма ҳам эски ўзбек адабий тилида ишлатилмаган бўлиб, бу маъно *бизнинг қишлоқ, ўқувчининг китобиди* каби синтактик йўл билан берилар эди. Предикатив функцияда келганда эса ***бизнингдур, ўқувчинингдур*** каби қаратқич келишигидан кейин **-дур** аффиксини орттириш йўли билан берилар эди.

Адабий тилда **-ники** аффикси билан ясалган бу форманинг ишлатилиши йигирманчи йилларда ҳам унча характерли бўлмай, ўттизинчи йиллардан кенг тус олди, Мисоллар: *Маймунлар танларининг ташқи кўриниши ҳам* ***одамникига*** *ўхшар* (Кишилар, 73). *Аҳмаднинг товуғи қишда ҳам тухум қилди. Аммо* ***бошқаларники*** *бу чоқда ҳеч бир тухум қилмади* (Колхоз, 67). *Менинг ишим* ***сеникидан*** *ҳам қистовроқ* (Совет адабиёти, 26).

II. Эски ўзбек адабий тилида жуда ҳам ишлатиладиган айрим формаларнинг қўлланиши кенг тус олди.

-моқда аффикси билан ясалган ***ишламоқдаман*** типидаги ҳозирги замон феъли эски ўзбек адабий тилига оид ёзма манбаларнинг айримларида бир неча мартагина учрайди. Октябрдан кейинги дастлабки йилларданоқ адабий тилда бу форма ҳозирги замон маъносини ифодаловчи асосий форма сифатида кенг қўллана бошлади. Мисоллар: *Биз шулардан* ***фойдаланмоқдамиз*** (Армуғон, 23). *Фуқоро оғирлиқ* ***кўрмакдадир*** (Пахта, 2). *Сафарга* ***тайёрланмоқдаман*** (МЎ, 1925, № 1, 137). *Кашшофлар ҳаракати* ***кучаймоқда*** (Я. йўл, 9). *Назарий ёқдан* ***юксалмоқдамиз*** (МЎ, 1927, № 6, 60). *Ёш кучларимиз кундан-кунга* ***ўсмакда*** (МЎ, 1929, № 1, 6). *Синфий кураш маданий жабҳада ҳам* ***кучаймакдадир*** (МЎ, 1930, № 2—3, 62). *Тағин янгилари* ***солинмоқдадир*** (Колхоз, 63). *Ёшлар тамошага* ***ҳозирланмоқдалар*** (Юруш, 47).

Бу форма йигирманчи ва ўттизинчи йиллар давомида ёзма адабиётнинг барча жанрларида кенг қўлланиб келди. Ўттизинчи йилларнинг охирларидан бошлаб адабий тилда **-яп** аффикси билан ясалган ***ишлаяпман*** типидаги конкрет ҳозирги замон феълининг ишлатилиши кенгая бошлагач, мазкур форманинг қўлланиш доираси анча торайди, функцияси бирмунча чегараланди. Маълумки, ҳозир **-моқда** аффикси билан ясалган форма кундалик матбуот тили учун характерли бўлиб, асосан ҳозирги замон давом маъносини ифодалайди.

-(й) ажак аффикси билан ясалган ***ишлаяжакман*** типидаги қатъий келаси замон маъносини ифодаловчи форма ҳам эски ўзбек адабий тили учун характерли эмас эди. Бу формани Мунис, Огаҳий каби XIX аср Хоразм адиблари асарлари тилидагина учратиш мумкин. Мазкур форма Хоразм шеваларига хос бўлиб, адабий тилга 1929 йил Самарқандда бўлиб ўтган тил ислоҳ конференцияси томонидан қабул қилинди ва ўттизинчи йиллар давомида адабиётнинг барча жанрларида кенг қўлланиб келди. Мисоллар: *Оғир вазифаларни юз фойиз* ***бажаражакмиз*** (МЎ, 1930) № 2—3, 63). *Яхша тушундик ва тушунажакмиз* (Колхоз, 52). *Улар қўрқувдан йўлни* ***бўшатажаклар*** (Юруш, 26). *Катта ютуқларга* ***эришажакмиз*** (Вожатий, 17). *Фирқа бунга катта зарба* ***беражак*** (Совет адабиёти, 19).

Кейинги йилларда келаси замон маъносини ифодалаш учун асосан ***оламан*** типидаги ҳозирги-келаси замон феъли ишлатилиб, **-(й) ажак** аффикси билан ясалган форма анча кам қўлланадиган бўлиб қолди.

III. Адабий тилга янги формаларнинг кириб келиши натижасида эски ўзбек адабий тили учун характерли бўлган айрим формаларнинг қўлланиш доираси торайди, баъзилари эса маъно жиҳатдан дифференциялашди ва функцияси бирмунча чегараланди. **-ғу** аффикси билан ясалган ***боргум (дир)*** типидаги қатъий келаси замон маъносини билдирувчи форма эски ўзбек адабий тилида кенг қўлланиб келган бўлиб, ҳозирги адабий тил учун архаиклашиб қолган. Лекин бу форманинг йигирманчи йилларнинг охирларигача ҳам кенг қўлланганлиги кўринади. Мисоллар: *Бу оқум... ҳар бир нарсани босиб йўқотиб* ***боргусидур*** (Армуғон, 2). *Шунга ҳам мажбур* ***бўлғусидир*** (Пахта, 14). *Уларнинг болалари ҳам шундай* ***бўлғусидир*** (Кишилар-89). *У, албатта, яқин қунларда ёруқ дунёга* ***чиққусидир*** (МЎ, 1925, № 1, 99). *Биринчи сентябргача давом* ***қилғусидир*** (Я. йўл, 22). *Сўнғи томчи қонгача* ***курашғусидирлар*** (Коммунист, 28). *Мақсадга етиш анча қийин* ***бўлғусидир*** (МЎ, 1929, № 1, 7).

Адабий тилга **(-й) ажак** аффикси билан ясалган келаси замон феъли расмий равишда қабул қилингандан кейин **-ғу** аффикси билан ясалган форма жуда ҳам қўлланадиган бўлиб қолди. Ҳозир эса бу форманинг ишлатилиши эски услубда ёзилган шеърий асарлар ва тарихий темада ёзилган проза асарлари тилида учрайди.

-ги (<-ғу) аффиксига ***бор-*** ёрдамчи феълини қўшиш билан ҳосил бўлган ***боргим келди, боргим келади, боргим келяпти, боргим келса*** типидаги истак

маъносини ифодаловчи форма эски ўзбек адабий тилида кам учрайдиган ҳодиса эди. Ҳозирги адабий тилда бу форманинг қўлланиши кенг тус олди.

Эски ўзбек адабий тилида кенг қўлланиб келган ва турли маъноларни ифодалашда иштирок этган **-гай** аффикси билан ясалувчи ***олгайман*** типидаги форма йигирманчи йиллардаёқ архаиклашиб қолди. Ҳозир бу форма ҳам эски услубда ёзилган шеърий асарлар ва тарихий темада ёзилган проза асарлари тилида учрайди.

Оламан (<***оладурман***) типидаги форма эски ўзбек адабий тилида „умумзамон", келаси замон каби маъноларда қўлланиши билан бирга ҳозирги замон маъносини ифодалашда ҳам асосий форма вазифасини бажарган. Адабий тилда **-яп** ва **-ётир** аффикслари билан ясалган формаларнинг пайдо бўлиши ва **-моқда** аффикси билан ясалган форманинг кенг қўллана бошлаши натижасида ***оламан*** типидаги форманинг функцияси бирмунча ўзгарди. Ҳозир бу форма ҳозирги замон маъносида кам ишлатилиб, асосан „умумзамон" ва келаси замон маъноларида қўлланади ва ҳозирги-келаси замон феъли деб номланади.

-диган (<**-дирган**<**-дурган**<**-турган**) аффикси билан ясалган ***ишлайдиган*** (одам) типидаги форма эски ўзбек адабий тилида ҳам келаси замон, ҳам ҳозирги замон сифатдоши вазифасини бажарар эди. Адабий тилда **-ётган** аффикси билан ясалган ***ишлаётган (одам)*** типидаги ҳозирги замон сифатдоши пайдо бўлгандан кейин бу форманинг функцияси чегараланиб, ҳозирги-келаси замон сифатдоши сифатида шакланди.

-(а)р (**-мас**) аффикси билан ясалган ***билярман (билмасман)*** типидаги форма эски ўзбек адабий тилида „умумзамон", келаси замон, қисман ҳозирги замон маъносида қўлланар эди. Адабий тил ривожланишининг янги босқичида бу форма келаси замон гумон феъли сифатида шакланди. Шу билан бирга, маълум давргача „умумзамон", келаси замон маъноларида ҳам анча кенг қўлланиб келди. М а с а л а н: *Вой онам. Энди қаердан* ***топарман***, *онам* (Толиб, 56). *Катта ўзгаришлар кичик ўзгаришлардан* ***ясалурлар*** (Кишлар, 14). *Бу нарса... ҳаво билан аралаш бўлғанлиқдан унинг борлиғин* ***сеза олмассиз*** (Ўсимликлар, 66). *Биринчи галда қишлоқ ва ишчи районларида мактаблар ремонт қилинур ҳам янги бинолар* ***солинур*** (МЎ, 1927, № 6, 62). *Кўп ҳужайралар ишдан чиқиб ўз вазифасини* ***ado эта олмас***, *баъзилари ўла бошлайдир* (МЎ, 1930, № 2—3, 59).

-дир (<**-дур**) аффикси эски ўзбек адабий тилида кесимлик аффикси вазифасинигина бажарар эди. Ҳозирги замон ўзбек тилида бу аффиксга қўшимча вазифа ҳам юкланди. Яъни у, асосан, **-ган** аффикси билан ясалган сифатдош формасига қўшилиб келганда, тахмин, гумон, тусмол, шубҳа каби маъноларни ҳам англатади. Унинг бу маънода қўлланиши Октябрдан кейинги дастлабки йилларданоқ кўринади. М и с о л л а р: *Балки... аллақачонлар ўзлариники қилиб* ***олғандирлар*** (Армуғон, 8). *Ихтимол, шундай бўлиб* ***чиққандир*** *ҳам* (Вожатий, 48). *Балки, ўқувчиларим буларни мендан яхшироқ* ***биладиргандир*** (Армуғон, 6). *Иккинчи пленумнинг чиқарган қарорларини, албатта,* ***ўқуғандирсиз*** (МЎ, 1929, № 1, 6), *Ихтимол, биз бекордан-бекорга* ***ташвишланаётгандирмиз*** (Юруш, 35). *Негадир, бемор Норбиби шу ерда* ***беркитилгандир*** *деган ўйга келдим* (Совет адабиёти, 25).

IV. Параллель равишда қўлланиб келган функциядош формалар вазифаси жиҳатдан дифференциялашди, тартибга тушди. Масалан, **-моқ, -(и)ш, -(у)в** аффикслари билан ясалган ҳаракат номи формалари ўртасида мана шундай ҳодиса юз берди.

Эски ўзбек адабий тилида ҳаракат номи формасини ясашда **-моқ** (**-мак**) аффиксидан кенг фойдаланилган бўлиб **-(и)ш** аффикси кам қўлланган, **-(у)в** аффиксининг ишлатилиши эса айрим ёдгорликлардагина учрайди.

-моқ аффикси билан ясалган ***ўқимоқ, билмак*** типидаги форма йигирманчи йилларнинг охиларигача ҳам актив қўлланиб келди. Шу билан бирга бу даврда **-(и)ш** аффикси билан ясалган ***ўқиш, билиш*** типидаги форманинг қўлланиши ҳам кенгайди. Ўттизинчи йиллар давомида эса **-(у)в** аффикси билан ясалган ***ўқув, билув*** типидаги форманинг ишлатилиши жуда кенг тус олди. Бунинг натижасида **-моқ** аффикси билан ясалган форманинг қўлланиши анча чегараланди.

Кейинги йилларда бу формалар ўртасида вазифаси ва функцияси жиҳатдан дифференцияланиш бошланди. Натижада ҳозирги адабий тилда ҳаракат номи ясаш вазифасини асосан **-(и)ш** аффикси бажарадиган бўлди. **-моқ** аффикси билан ясалган форма асосан инфинитив вазифасини бажаради. **-(у)в** билан ясалган форма эса от туркумига яқинлашиб бормоқда.

Маълумки, ҳозирги адабий тилда **-лик** ва **-ли** аффикслари функцияси жиҳатдан дифференциялашган мустақил аффикслардир. **-лик** аффикси ***болалик, косиблик, эскилик*** каби абстракт маънодаги отлар ва ***тошкентлик, қўқонлик*** каби ўринга нисбат берувчи сифатлар ясайди. **-ли** аффикси эса предмет, белги, ҳаракатга нисбат берувчи, эгаликни билдирувчи сифатлар ясайди ***(билимли, тушунарли, ейишли*** каби).

Бу аффикслар тарихан бир-бирига боғлиқ бўлиб, ***-ли*** аффикси ***-лик*** аффиксидан ривожланган ***(-луқ*** ‖ ***-лук*** > ***-лиқ*** ‖ ***-лик [-луғ*** ‖ ***-луг*** > ***-лиғ*** ‖ ***-лиг]*** > ***-лик*** > ***-ли).*** Шунинг учун ҳам эски ўзбек адабий тилида бу аффикслар ўртасида функцияси жиҳатдан дифференция кучсиз бўлган. Аниқроғи, кўпинча ***-ли*** ўрнида ҳам ***-лик*** ишлатила берган, яъни ***ақлли, тушунарли, ейишли*** каби сифатлар кўпинча ***ақллик, тушунарлик, ейишлик*** тарзида ёзилган.

Бу ҳолат Октябрдан кейинги йилларда ҳам давом этиб келди. М и с о л л а р: ***ғайратлик йигитлар*** (Қишлоқ, 42), ***етар-***

лик нарса (Кишилар, 6), ***айтарлик даражада*** (МЎ,1925, № 1, 21), ***ғайратлик хотинлар*** (Я. йўл, 25), ***кучлик тажаввуз*** (Коммунист, 18). ***унумлик иш*** (МЎ, 1929, № 1, 18), ***бош айланарлик даражада*** (МЎ, 1930, № 2—3, 20), ***чиройлиқ машина*** (Колхоз, 65), ***етарлик даражада*** (Вожатий, 39).

Мисолларни кўплаб келтириш мумкин эди, лекин шуни айтиш билангина чегаралаганамизки, бу хилдаги сифатларни ясашда **-ли** ўрнида **-лик** ишлатиш айниқса йигирманчи йиллар учун характерли бўлган. Кейинги йилларда **-ли** аффиксининг қўлланиши активлаша борди ва **-лик,** -ли аффиксларининг функцияси жиҳатдан ҳозирги адабий тилдаги норма вужудга келди.

V. Айрим аффикслар шаклан ўзгарди ва такомиллашди.

Ҳозирги-келаси замон сифатдошини ясовчи **-диган** ***(борадиган)*** аффикси эски ўзбек адабий тилида **турған>-дурған ‖ -дурган** формасига эга бўлиб, ҳозирги **-диган** ҳолига келгунча маълум фонетик ўзгаришларга учради **(-турған>-дурған ‖ -дурган>-дирган ‖ -дирган> -диған ‖ -диган>-диган).**

Адабий тилда Октябрдан кейинги йилларда ҳам маълум давргача бу аффикснинг барча вариантлари параллел қўлланиб келди. Мисоллар: **-турған;** ***суғарилатурған ерлар*** (Қишлоқ, 29), ***тўлайтурған баҳоси*** (Ким, 14), ***яшайтурған ҳайвонлар*** (Кишилар, 21). ***кўрғазатурған аппарат*** (МЎ, 1927, № 6, 52), ***берилатурған билимлар*** (МЎ, 1930, № 2—3, 34), ***пахта тозалайтурған машина*** (Колхоз, 24), ***кўрулатурған масала*** (Совет адабиёти, 7). **-дурған ‖ -дурган:** ***кўпчилигимизни кўрсатадурған хотин-қизлар*** (Армуғон, 4), ***экадурған ер*** (Пахта, 3), ***ўқуйдурған бола*** (Толиб, 7), ***бирлаштирадурган сиёсий ташкилот*** (Коммунист, 64); **-дирған ‖ -дирган:** ***буғ кучи билан ишлайдирган фабрикалар*** (Ким, 17), ***тирилтадирган иссиқ*** (Ўсимликлар, 61), ***биладирган бўлибдир*** (Я. йўл, 13), ***болаларни қизиқтирадирған талаблар*** (Вожатий, 21), **-диған ‖ -диган:** ***бирлаштирадиган йусунда*** (МЎ, 1927, № 6, 9), ***яшайдиған насллар*** (МЎ, 1929, № 1, 15), ***қўйиладиган масала*** (МЎ, 1927, № 6, 4), ***текшириладиган материал*** (МЎ, 1930, № 2—3, 42), ***энг оғриқ жойларга бориб тегадиган сўзлар*** (Совет адабиёти, 7).

Бу ҳол ўттизинчи йилларнинг охиларигача давом этиб келди. Кейинги йилларда бу аффикс **-диган** формасида шаклланиб, унинг бошқа вариантлари адабий тил нормасидан чиқиб қолди.

Оламон типидаги ҳозирги-келаси замон феъли ***оладурман*** типидаги форма таркибидан **-дур(<тур<-турур)** аффиксининг тушиб қолиши натижасида пайдо бўлган бўлиб, эски ўзбек адабий тилида бу формаларнинг ҳар иккаласи параллел қўлланиб келди. Октябрдан кейинги дастлабки йилларданоқ бу форманинг I ва II шахсларида **-дур** аффикси бутунлай тушиб қолиб, ***оламан, оласан, оламиз, оласиз*** таржидагина қўлланадиган бўлди. III шахсда эса дастлаб **-дир,** сўнг **-ди** формасига айланди ***(оладур>оладир>олади: оладурлар>олдирлар>оладилар).*** Ўттизинчи йилларнинг охирларигача бу аффикс **-дир** ва **-ди** формаларида параллел қўлланиб келди. Ҳозирги адабий тилда эса **-ди** формасида ишлатилиб, **-дир** формасида келиши айрим қўлланишларга учрайди.

Олибман типидаги ўтган замон феълининг тарихи ҳам мана шундай: ***(олиб турурман>олиб турман >) олибдурман >олибдирман>олибман; (олиб турур>олиб тур >) олибдур > олибдир > олибди*** каби.

Шахс ости ясовчи **-(у/вчи** (***ўқитувчи, ишловчи***) аффикси эски ўзбек адабий тилида **-ғучи ‖ -гучи (-қучи ‖ -кучи)** ***(ўқитғучи, ишлагучи, чиққучи, эккучи)*** формасида ишлатилган. Бу аффикснинг **-(у)вчи** формасида қўлланиши XX асрнинг биринчи чорагидан бошланган бўлса ҳам, ўттизинчи йилларгача асосан **-ғучи ‖ -гучи (-қучи ‖ -кучи)** формасида ишлатилиб келди. Мисоллар: ***жамиятда қолғучилар ва ундан чиққучилар*** (Қишлоқ, 14), ***уларнинг манфаатлари учун ишлагучи*** (1 май, 3), ***ҳайвон асрағучи*** (Кишилар, 16), ***ўқуғучилар ва тарбияланғучилар*** (МЎ, 1925, № 1, 18), ***ўқитғучи ва мураббиялар*** (Я. йўл, 29), ***болалар боғчаларида ишлагучилар*** (МЎ, 1927, № 6, 63), ***оқартғучи муаллимлар*** (МЎ, 1927, № 1, 4), ***узоқни кўргучи*** (МЎ, 1930, № 2—3, 2).

VI. Ўзбек адабий тили ўзининг янги ривожланиш босқичида, бир томондан, мукаммаллашиб, тартибга тушиб борган бўлса, иккинчи томондан, вақтинча яшаб турган ўткинчи ҳодисаларни ҳам ўзида акс эттирди. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Йигирманчи йиллар давомида ***керак, зарур, лозим, мумкин*** каби модал сўзлар билан бир қаторда ***тегиш*** сўзи ҳам кенг қўлланиб келди. Мисоллар; ***Махсус дафтарга ёзилиши тегишдир*** (Қишлоқ, 7). ***Ўргана бошламоғи тегишдир*** (МЎ, 1925, № 1, 38). ***Ташаббусларини кўтаришлари тегишлидир*** (Я. йўл, 4), ***Мустаҳкам негиз бўлишга тегишдир*** (МЎ, 1925, № 1, 28). ***Хоразмнинг ойнаси бўлишга тегишдир*** (МЎ, 1927, № 6, 43). ***Чизувдан фойдалануни ўргану тегиш*** (МЎ, 1930, № 2—3, 39).

Шунингдек, бу йиллар адабиётида **ҳам** боғловчиси ўрнида **-да** юкламасини ишлатиш кенг тус олган. Мисоллар: ***Биз ёшлар учун да... керакли бўлган нарса*** (Армуғон, 2), ***Ортиқ кучимиз-да қолмади*** (МЎ, 1925, № 1, 138). ***Ёзишнинг фойдаси-да йўқ, зарари-да йўқ*** (МЎ, 1927, № 6, 43). ***Бир шарт бор, у-да бўлса*** (МЎ, 1925, № 1, 4). ***Фойдасиз деючилар-да бор*** (МЎ, 1929, № 1, 5), ***Биз билан гаплашувни-да истамайди*** (Юруш, 18).

Тегиш модал сўзи ҳам, боғловчи вазифасида **-да** юкламасини ишлатиш ҳам татор тили учун характерли бўлиб, ўзбек тилига

айрим шахслар томонидан олиб кирилган. Булар эски ўзбек тили учун ҳам мутлақо ёт ҳодисалардир.

Бундан ташқари, йигирманчи йилларда шевачиликка ва жонли тил таъсирига ортиқча ўрин бериш ҳоллари ҳам бўлиб турган. Масалан: ***Маниям обориб қўйинг*** (Толиб, 51). *Бор* ***санам озот!*** *Силаям* ***озот*** (Толиб, 21). ***Жудаям*** *эски замонлардан бери* (Кишилар, 10). ***Янаям*** *тезроқ ортарлар* (Кишилар, 44). ***Жудаям*** *оз ёзилғандир,* ***жудаям*** *фойдалидир* (МЎ, 1925, № 1, 57, 59). ***Жудаям*** *кўп,* ***жудаям*** *шубҳаликдир* (Я. йўл, 19). *У нима* ***девотди*** (Толиб, 20). ***Қарасамиз*** *жуда шўх бўлуб* ***кетвотганга*** *ўхшайди* (Толиб, 6). ***Гапурвотган эдим*** (Толиб, 7). *Ўзимизни ширинликдан* ***тийсамиз*** (Юруш, 46). ***Бизани*** *озот қўйдуруб* ***кетсинла*** (Толиб, 20). *Ҳой* ***болала!*** ***Ўқийла!*** (Толиб, 5).

-(и)ш + мумкин формаси ўрнида ***-са + мумкин*** формасини ишлатиш ҳам шунга ўхшаш ҳодисалардандир. Масалан: *Шу романнинг биринчисини таваккал қилиб ўзим* ***ёзиб юборсам мумкин*** (Толиб, 3). *Кечқурун тўқ бўлур* ***дейилса мумкин*** (Ўсимликлар, 76). *Ўз меҳнатлари билан яшайлар* ***деса мумкин эди*** (Ким, 5). *Ақил ишчисининг учинчи хил дам олуви — иш системаларини навбатлаш деб* ***таъбир қилинса мумкин*** (МЎ, 1930, № 2—3, 4). *Ўт бўлмаган вақтларда молларга бу нарсаларни* ***берилса мумкиндир*** (Колхоз, 59).

Юқорида ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиши йилларида юз берган грамматик ҳодисаларнинг айримлари ҳақидагина гапириб ўтдик. Бу соҳада яна жуда кўп ўзгаришлар бўлдики, улар тўғрисида ҳам фикр юритишни давом эттиришга мақоламиз ҳажминнинг чегаралганлиги имконият бермайди.

Кузатишларимизда маълум бўлдики, ўзбек адабий тилининг грамматик қурилишида юз берган муҳим ўзгаришлар асосан йигирманчи ва ўттизинчи йиллар давомида бўлди. Грамматик формаларнинг ривожланишида, шаклланишида ва стабиллашувида алфавитнинг рус графикасига асосланган янги алфавитга кўчирилиши катта роль ўйнади.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Армуғон — Армуғон (тўплам), Тошкент, 1922.

Вожатий — Вожатий (журнал), Тошкент, 1933, № 4.

Ким — С. Дельштейн, Ким нима билан яшайдир, М., 1924.

Кишилар — Н. Рубакин, Ер юзинда кишилар қачон ҳам қандай пайдо бўлдилар, Тошкент, 1924.

Колхоз — Коллектив, Колхоз болалари, III ўқув йили учун дарслик китоби (қишлоқ варианти), Тошкент, 1931.

Коммунист — Коммунист (журнал), Тошкент, 1927, № 12.

1 май — Биринчи май — ишчи ва деҳқонларнинг савод байрамидир, Тошкент, 1923.

МЎ — Маориф ва ўқитғучи (журнал), 1925 № 1, 1927, № 6, 1929 № 1, 1930, № 2—3.

Пахта — Даромадни кўп олиш учун пахтани қандай экиш керак, М., 1923.

Совет адабиёти — Совет адабиёти (журнал), Тошкент, 1935, № 3.

Ўсимликлар — Проф. И. Вагнер, Ўсимликларнинг тузилиши ва яшашлари тўғрисида ҳикоялар, Тошкент, 1924.

Юруш — А. Иркутов, Юруш (повесть), Тошкент, 1932.

Қишлоқ — Янги қишлоқ (журнал), Тошкент, 1922, № 1.

Я. йўл — Янги йўл (журнал), Тошкент, 1926, № 7—8.

Толиб — М. Муҳаммаджонов, Эски мактаб турмуши ёки Толиб, Тошкент, 1923.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ЮҚОРИ ҚАШҚАДАРЁ ЎЗБЕҚ ШЕВАЛАРИ

(Диалектологик экспедиция материалларидан)

Шу йилнинг февраль—мартларида ўтказилган бир ойлик диалектологик экспедиция даврида Қашқадарё областининг Китоб ва Чироқчи районлари территориясидаги қишлоқ аҳолисининг тил хусусиятлари устида кузатишлар олиб борилди ва зарур диалектографик материаллар тўпланди. Бу давр ичида олтмишга яқин аҳоли пунктлари ва қишлоқларда бўлиб, ерли халқ билан бевосита суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказилди, уларнинг нутқларидан намуна сифатида магнит пленкасига ёзиб олинди ва шахсий кузатишлар натижасида муҳим лингвистик хусусиятлар қайд этилди.

Бу хусусиятлар устида қисқача тўхталишдан олдин шуни айтиш керакки, мазкур территория аҳолиси ўзининг турли қабилаларуғлар вакилларидан ташкил топган ҳозирги мураккаб этник состави билан ҳам ажралиб туради. Шуниси муҳимки, қабилаларуччиликни фарқлаш фақат қариялар учунгина хос бўлган хусусий ҳол эмас, балки ёш-қарилар ўртасида бирдай тарқалган умумий ҳодисадир, уларнинг ҳар бири қайси қабила-уруққа мансублигини бемалол ажрата олади. Улар берган маълумотга қараганда, бу территорияда сарой, чуют, қутчи, уз (ўғиз бўлса керак), қиян[н]и, қовчин, қўнғирот, минжир, чилжигит (баъзан чилжугут), барлос сингари кўплаб қабила-уруғларга мансуб кишилар яшайди. Улардан энг каттаси сарой, чуют, қутчи, уз, чилжигит‖чилжугут кабилар бўлиб, ҳар бири бир неча қишлоқдан иборат. Саройлар эса, Чироқчи район территориясининг қарийб ярмига тарқалган. Маълумот берувчиларнинг айтишича, сарой икки катта бўлакка бўлинади: қипчоқ сарой ва оз сарой. Булардан биринчиси ўн бир даҳа (уруғ)дан ташкил топган: 1) қазыйғалы, 2) қулчан, 3) мирзатоп, 4) қарғайақ, 5) қырқайақ, 6) қанжығалы, 7) найман сарой, 8) шәгәрәк, 9) абахлы, 10) чәркәсә, 11) ғочқарбулақ. Буларнинг айримлари, масалан, қазыйғалы ўз навбатида яна оталарга бўлинади: 1) постын[ны], 2) тәшкәнти, 3) то:ры, кейингилардан баъзилари эса яна ўзаро кичик бўлаклардан иборат. Чунончи, тәшкәнтининг хана деган ва то:рынинг бўлса, рәдә, жәшә, қыртмыш деган бўлимлари ҳам бор.

Қайд этилган қабила-уруғларнинг ҳар бирига мансуб бир неча вакиллар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, фонетик, грамматик, лексик-фразеологик хусусиятлар бўйича қимматли материаллар тўпланди.

Бу экспедиция давомида ва ҳозирга қадар Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари бўйича тўпланган материалларнинг дастлабки анализи шуни кўрсатадики, бир-биридан фарқланувчи лингвистик хусусиятлари жиҳатдан бу территориядаги ўзбек шеваларини уч катта группага бўлиб қараш мумкин:

I. Шаҳар типидаги шевалар (1. Бир тилли ўзбек шевалар, 2. Икки тилли (тожик-ўзбек) ўзбек шевалар), II. Қипчоқ диалектига хос шевалар, III. Оралиқ шевалар.

Шаҳар типидаги шеваларнинг биринчи қисмига Шаҳрисабз шаҳрида ва унинг яқин атрофидаги қишлоқларда, Китоб посёлкасининг марказида ва унинг яқин атрофидаги қишлоқларда, Яккабоғ районининг собиқ ва қисман ҳозирги марказида, татар қишлоғида ҳамда Қамаши районининг айрим пунктларида яшовчи ва уруғчиликни деярли фарқламовчи аҳолининг ҳамда қисман тоғ этакларида жойлашган барлосларнинг тил хусусиятлари киритилади. Шунингдек, Чироқчи ва Қамаши районлари марказларида ҳам бу шева вакилларидан айримларини учратиш мумкин. Бу группанинг иккинчи қисмига қарашли шева вакиллари Шаҳрисабзнинг марказида (Бухоро яҳудийлари), Яккабоғ ва собиқ Китоб, Чироқчи районларининг тоғли қишлоқларида яшайди.

Иккинчи группа шевалар вакиллари қарийб бутунасига Чироқчи ва Қамаши районларида, Яккабоғ ҳамда ҳозирги Шаҳрисабз районларининг қишлоқларида жойлашган.

Оралиқ шевалар, бир томондан, юқоридаги ҳар иккала группа шеваларга хос бўлган айрим тил хусусиятларининг борлиги ва, иккинчи томондан, уларнинг биринда бўлиб, иккинчисида учрамайдиган ўзига хос лингвистик хусусиятларнинг мавжудлиги билан биринчи ва иккинчи группа шевалардан фарқ қилади. Бу хил шевалар вакиллари Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши рай-

он марказларида, Шаҳрисабз атрофларида ва Китоб посёлкасининг шимоли ғарбидаги ж-ловчи шева вакиллари эса қишлоқлар билан чегарадош бўлган марказга яқин аҳоли пунктларида ва унинг шимоли шарқидаги ҳамда жанубидаги кўпчилик қишлоқларда туради.

Бу группага кирувчи шевалар, дастлабки кузатишларга кўра, ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан бир текисда бўлмасдан, айримлари биринчи группа шеваларга, баъзилари иккинчи группа шеваларга яқин турадиган ва қолганлари эса, шулар ўртасида ўзига тегишли ўринни эгаллайдиган муайян бир градация ҳолидаги шевалар комплексидан иборат.

Экспедиция даврида ж-ловчи ва оралиқ (иккинчи ва учинчи группадаги) шевалар[1] бўйича материаллар тўпланди. Бу материаллар асосида иккинчи группа шеваларнинг тил хусусиятлари ҳақида шуни айтиш керакки, уларда бутун қипчоқ диалекти учун характерли бўлган (ж-ланиш, дифтонглашиш, **қ//ғ, к//г, п//б, п//в** товушларининг алмашиниш, **қ, к** ундошларининг сўз охирида тушиш ва **ғ>в** га, **ғ>й** га ўтиш ҳодисалари, унлиларда (**а, э, ы, и, о,** ө, **у,** ү) контраст жуфтликнинг ва сингармонизмнинг мавжудлиги, бўлишсиз феъл аффикснинг-**ма//-мэ, -па//-пэ** ва қаратқич келишиги қўшимчасининг-**ныҥ//ниҥ,-дыҥ//диҥ,-тыҥ//-тиҥ** тарзида қўлланиши каби) умумий лингвистик хусусиятларнинг мавжудлиги билан бир қаторда ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлар ҳам анчагина учрайди. Шулардан энг муҳим фонетик ҳусусиятлар:

1. Унлилар системаси 9—10 фонемадан иборат. 2. Аксарият ҳолларда [у] ўрнида [ы], [и] унлилари ишлатилиб, танглай оҳангдорлиги лаб оҳангдорлигидан устун туради. Масалан: *гырыҥ* (гурунг—суҳбат), *хыдды* (худди), *қыччы* (қутчи—уруғ номи), *ыйда* (уйда), *шивиртки* (супурги) каби. 3. Сўз бошида [х] нинг [ҚҚ] тарзида (қатыш—хотин сингари) талаффуз этиш ва унли билан (кўпинча [а] билан) бошланган сўзлар олдидан **ҳ** товушининг (ҳарра—арры каби) қўшилиш ҳодисалари учрамайди. 4. Шунингдек, айрим унлиларнинг (айниқса [е] нинг) тор-райиши (м^{и}ен<мен, б^{и}еш<беш, келди, теҥнэ<танга, кесөв<косов каби), сўз ўртасида унлиларнинг кучли редукцияга учраши (қад^{ы}рып<қодиров, депутэт—депутат) ҳамда бир ёки бир неча товушларнинг тушиб қолиши натижасида сўзларнинг кескин қисқариши, унлиларнинг чўзилиши, ундошларнинг кучли ва турли хил ассимиляция, диссимиляцияга учраши, харатерли метатеза ҳодисалари ва бир ундош ўрнида иккинчисининг ишлатилиши каби ҳоллар кўплаб қайд этилди. Мисоллар: *борсаҥма*: (<борсанг бўлмайдими), *жыға:ти:п қойса* (<жиғига тегиб қўйса), *таппаған* (<топмаган), *иччэ* (<ичса), *ирфлэ* (хўпла). *кэдэм* (<қадам), *кэри* (<қари) *нэйис* (<раис), *нэсим* (<расим), *қарныҥ ақчады* (<қорним оч қолди), *ахмана* (обхона), *ывга қылады* (<иғво қилади) ва ҳоказо.

Морфологик хусусиятлар.

1. Ҳозирги-келаси замон феълида, айниқса, III шахс ва сон қўшимчаларидан олдинги бўғиннинг унлиси чўзиброқ талаффуз этилади: *бара:ды, келэ:диләр*.

2. Конкрет ҳозирги замон феъли аксарият ўринларда-**йап//-йэп** билан ясалади: *барайапты, келэйэпти*. Қисман-**йатыр//-йэтир** орқали вужудга келган феълнинг қўлланиш ҳоллари ҳам учрайди.

3. Сингармонизм қонунияти ҳукм сурганлиги учун ҳам бўғиндаги унлининг талабига кўра ундошларда ўзгариш юз бериб, аффикслар бир неча вариантда ишлатилади: *қалайаптыйқан* (қолаяпти экан), *келэйэптийкэн, барсақ, келсэк, бардық, келдик, барған, келгэн* ва ҳоказо.

4. От ясовчи суффикслардан энг маҳсулдори сифатида- **ғыч//гич,-қыч//кич** кўзга ташланиб туради: *қолжувғыч* (дашша), *кийгич* (кампирларнинг бош кийими), *кийим илгич* (вешалка) ва бошқалар.

Ўзининг лексик хусусиятлари билан бу группа шевалар алоҳида диққатга сазовордир. Шуниси қизиқки, қишлоқлараро бир предметнинг бир неча хил номланиш ҳоллари учрайди. Масалан, Шаҳрисабзда *кулэтэ* деб атаувчи кампирларнинг бош кийими *кийгич, култэпөшэк, култэпшэк, доппы, топпы* деб, жимжилоқ билан ўрта қўл орасидаги бармоқ *чынақайдыҥ//чинэчэхтиҥ энэси, чынақайдыҥ//чинэчэхтиҥ эпэси* деб, кўрсаткич бармоқ *соққол, суқ-қол, сыпқол* деб, палов сузиладиган идиш *лэ:ли, табақ//тавақ* деб юритилади. Қариндош-уруғчилик терминларидан *жэззэ//жизэ-зэ//жэздэ//пэччэ, чечэ//иәҥнэ, эгачи-сыҥныл, бөлэ* (эгачи-сингилнинг болалари), *мэма* (буви), *экэ* (амаки—мурожаатда), *қаймука* (қайбиқа), *энэ//и^{е}нэ, ата* кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бу группа шеваларнинг лексик хусусиятларини характерловчи мисоллардан яна қуйидагиларни келтириш мумкин: *кели* (каттаси), *келичэк//оғырча* (кичиги), *сутмөлэ//ситмөлэ* (сут сақланадиган сўри), *маглай* (пешона), *пишэк* (мушук), *чық* (шудринг), *жэйдақ миниш* (отни эгар-узангисиз миниш), *чыв//чув* (сигирнинг эши), *куҥ//кын* (қуёш), *ҳава жэвды* (ёмғир ёғди), *эшикти қошыр* (эшикни ёп), *өтрик* (ёлғон), *чөт// тешэ, ғазалай* (тўғрай), *кэчи* (серёг атала), *туфанна* (турларга ажратиб санамоқ), *жүк жыйғыч* (тахмон), *жигдэ//жи:дэ* (яктак), *ра:ҥот* (заранг ерда кўкарган ўт), *чақа* (молнинг шиллиқ (жунсиз) чала ташланган боласи), *ырпф* (куёвникига бораётган қизнинг сепи), липчик (чўпнинг учида қилинадиган машъалча), *жылқырс//жулқүрс// жулхурс//жүлхус* (қўлда жундан тўқиладиган патли гилам), *күртэ* (болалар учун

[1] Биринчи группадаги бир тилли шеваларнинг фонетик ва морфологик хусусиятлари ҳақида қаранг: Б. Джураев, Шаҳрисабзский говор узбекского языка, Ташкент, изд-во АН УзССР, 1964.

пахтали куйлак), *ҳе||ийе||иййе||ҳийе||ҳикик* (ҳа—тасдиқ юкламаси) ва бошқалар.

Биз учинчи группага ажратиб қараётган шевалар шу территориядаги биринчи ва иккинчи группа шеваларнинг бир-бири билан маълум даврдан буён узлуксиз алоқаси, бир-бирига таъсири, тараққиёт процесслари ва ривожланиш йўлларини бир қадар ўзида акс эттиргانлиги билан ўзбек тилшунослиги учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Юқорида эслатганимиздек, бу группадаги айрим шеваларнинг биринчи группага ва баъзиларининг иккинчи группага яқин туриши унда мураккаб лингвистик хусусиятлар борлигидан далолат беради. Биз ушбу қисқача ахборотда уни характерловчи айрим фактлар, мисоллар келтириш билан чекланамиз. Фонетик хусусиятлари ичида бир томондан: 1) униларда сингармонизм ҳукмрон эмас, айрим ҳоллардагина учрайди, холос; 2) унлилар системасида 6-7 фонема мавжуд; 3) аксарият ҳолларда ж-лашиш ўрнида й-лашиш кўринади; 4) шаҳар типидаги шеваларга хос э унлиси бор; иккинчи томондан: 1) ə-лашиш кучли (**əллъгə бэрдъм, дəйрə-дарё, кəсə-коса, сəддə-содда, йə мен, йə сен-ё мен, ё сен, шəшмə-шошма** ва бошқалар); 2) ж-ланиш, дифтонгланиш: **қ||ғ, к||г, п||б, п||в** ундошларининг алмашиниши, [**қ**], [**к**] товушларининг сўз охирида тушиб қолиши [**ғ**] нинг [**в**] га ва [**й**] га ўтиши айрим жойларда кўпроқ, айримларида жуда кам бўлса ҳам учрайди. Дифтонгланиш барлос шевасида қипчоқ шеваларидагидан кам эмас (в у о *ғ-лəғ-улоқ*, в у о *т-ўт*, ъᵉ*ғ-энг*, у о *ллтър-ъптъ-ўтирипти* каби) ва шунга ўхшашлар.

Морфологик хусусиятлари бўйича, бир томондан: 1. Китоб-Шаҳрисабз шеваларидаги сингари асосан тўрт келишик ишлатилади; 2. аффиксларнинг сингармонизмли вариантлари йўқ, иккинчи томондан: 1) конкрет ҳозирги замон феъли қўшимчаси-**йəп** (китоб - Шаҳрисабзда-**йэп**); 2) I, II шахс, бирлик кишилик олмошлари *мен, сен;* I шахс кўплик *эса бъзэр||бъзлə||бъзə* (кам); 3) бўлишсизлик феълининг аффикси-**мə||-пə||-мъ||-пъ** шакларида келади; 4) шунингдек, *қчъқъзэр||келъ: нэр, бэрағай||бэрэгэ||бэрқэ, ҳəмрəй боқ озъмъзмəн гəвлəштъ, улəмжудə устə* типидаги сўз формалари учрайди.

Худди шунингдек лексик жиҳатдан ҳам юқоридаги ҳар иккала группа шеваларнинг ҳар қайсиси учун характерли бўлган сўз ва терминлардан кўпчилигининг ишлатилиш ҳолларини кўрамиз.

Қуйидаги мисолларни қиёсланг:

I группа	II группа	III группа
тухум	*мəйəк*	*мəйəк||тухум*
инəк	*сийир*	*сийир||инəк*
пэччə	*жəззə||жəздə*	*йəззə||пэччə*
энə||онə	*энə*	*энə*
йəңңə	*чечə*	*чечə||йəңңə*
кəттə	*мəмə*	*мəмə||кəттə энə*

ва шунга ўхшашлар.

Булардан ташқари, ҳар қайси группадаги шеваларнинг ўзига хос лексик хусусиятлари ҳам анчагина бор. Шу билан бирга, бошқа ўзбек шеваларидан ва ўзбек адабий тилидан фарқланувчи ҳар учала группа учун умумий бўлган лексик хусусиятлар ҳам кўплаб учрайди. Чунончи, *қалпəқ* (дўппи), *пишəк* (мушук), *шэғал||шэғэл||шэхэл* (чиябўри), *əлəшəхшəқ[қа]* (зағизгон), *зэм[м]ыр||зэммур* (ари), *кəди||кэдъ* (қовоқ), *гəштəк* (гап), *кистə||къссə* (чўнтак), *сурхəк||сурхақ* (чиллаки) кабилар.

Шундай қилиб, Юқори Қашқадарёнинг ўзбек шевалари ўзининг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари била умумўзбек миллий тилининг тараққиётида ўзига хос алоҳида ўринни эгаллайди.

Б. Жўраев,
филология фанлари кандидати.

ҲАСАН НИСОРИЙ ВА УНИНГ «МУЗАККИРУЛ-АҲБОБ» ТАЗКИРАСИ

XVI аср адабий муҳитида Ҳасан Нисорий ва унинг «Музаккирул-аҳбоб» тазкираси алоҳида ўринни эгаллайди. Бироқ шоирнинг ҳаёти ва адабий фаолияти, шу жумладан мазкур тазкираси ҳақида мукаммал тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Адабиётшуносликда Ҳасан Нисорийнинг қачон туғилган ва вафот этгани ҳам номаълум бўлиб, унинг «Музаккирул-аҳбоб» асари ҳақидаги мавжуд ишлар фақат тазкира қўлёзмалари шарҳидан иборат, холос.

«Музаккирул-аҳбоб» тазкирасининг бир қўлёзмаси ҳақидаги дастлабки маълумот Вильгелм Пертчнинг 1888 йилда нашр этилган каталогида учрайди[1]. Унда Берлин кутубхонасида сақланаётган тазкиранинг бир қўлёзмаси шарҳ этилади.

Садриддин Айнийнинг 1926 йилда нашр этилган „Намунаи адабиёт точик"[2] асарида Ҳасан Нисорийнинг كردم روان بكويتو اشك دونلرم! мисраи билан бошланадиган бир ғазали келтирилади. Китобда Айний шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида тўхталмасдан, фақат تاعصر يازدهم هجرى زنده بودنش معلوم است

[1] „Yerzeichniss der persischen Handschriften von Wilhelm Pertsch", Berlin, 1888.

[2] С. Айни, نمونهٔ ادبيات تاجيك Центральное издательство народов СССР, М., 1926, стр. 151.

(ҳижрий ўн биринчи асргача яшагани маълум) деб қайд этади.

Совет шарқшунос олимларидан А. Н. Болдирев СССР Фанлар академияси қошидаги Осиё ва Африка халқлари институти фондида сақланаётган «Музаккирул-аҳбоб» нинг тўлиқ бўлмаган бир нусхаси «Тазкираи Бухоро» номи билан аталиб келаётган (В-2493 I дафтар ва В-4020 II дафтар инвентарь рақамли) қўлёзма ҳақида ёзиб, муаллифи ўша вақтгача номаълум бўлган «Тазкираи Бухоро»ни ўша институт қўлёзмалар фондида сақланаётган «Бадое-тарих» асари билан солиштириши натижасида текширилаётган асар Ҳасан Нисорийнинг «Мvзаккирул-аҳбоб» тазкираси эканлигини аниқлайди ва тазкира аҳамиятини кўрсатади[3].

Тожик адабиётшуноси Абдулғани Мирзоев ўзининг «Адабиёт» дарслигига Нисорийнинг Садриддин Айний асарида келтирилган бир газалини ва «Музаккирул-аҳбоб» тазкирасининг Зайниддин Восифийга бағишланган қисмини киритади ва тазкиранависнинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмаслигини таъкидлайди[4].

«Ўзбекистон ССР тарихи»[5], «Тожик халқи тарихи»[6], А. Н. Болдиревнинг «Зайниддин Восифий»[7], Камол Айнийнинг «Бадриддин Ҳилолий»[8] монографияларида Нисорий тазкирасига XVI аср Ўрта Осиё маданияти тарихини ўрганишда бой материал берадиган манба сифатида қаралади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган «Музаккирул-аҳбоб» тазкирасининг бешта қўлёзма нусхаси Камол Айний томонидан шарҳ этилади ва тазкира мундарижаси берилади[9].

Ҳасан Нисорий ва унинг тазкираси ҳақида фикр юритилган асарлардан энг сўнггиси Б. Аҳмедов ва Қ. Мунировларнинг «Ҳофиз Таниш Бухорий» китобчасидир[10]. Унда Нисорийнинг кичик замондоши Ҳофиз Таниш Бухорий ҳақида гапирилиб, шоир номи ва у ҳақдаги маълумотлар зикр этилган «Музаккирул-аҳбоб» тазкирасига ҳам тўхталинади ва тазкира авторининг отабоболари, қариндошлари ҳақида асарда кўрсатилган маълумотларини келтирилади.

Кўриб ўтганимиздек, Ҳасан Нисорий ва унинг тазкираси ҳақида ёзилган мавжуд ишлар, умуман, тазкирага баҳо бериш, унинг ролини таъкидлаш, тазкира қўлёзмалари шарҳидангина иборат бўлгани ҳолда, асар авторининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳозиргача ўрганилмай келмоқда.

Яқинда XVII аср бошида «Музаккирул-аҳбоб» тазкираси давоми сифатида, ундан руҳланиб битилган ва ўзини мазкур тазкира авторининг шогирди ҳисоблаган Мvтрибий Бухорийнинг «Тазкиратуш-шуаро» тазкираси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжудлиги аниқланди[11]. Тазкирада Ҳасан Нисорий ҳақида ҳам бирмунча маълумотлар бор бўлиб, улар Нисорийнинг «Музаккирул-аҳбоб» асарида ўзи ҳақида учрайдиган маълумотлар билан биргаликда шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида бирмунча тўғри фикр юритиш мумкинлигига олиб келади.

Сўнгги вақтларгача Ҳасан Нисорийнинг туғилган ва вафот этган йиллари номаълум эди, лекин Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёт тоҷик» асарида Ҳасан Нисорий «ҳижрий йил ҳисоби билан ўн биринчи асргача яшагани маълум» дейилган. Яна «Музаккирул-аҳбоб»нинг титул варағида номаълум автор томонидан Нисорий вафотига тарих битилган бўлиб, бу тарих نثاری مرد (Нисорий мурд) бирикмасидан ташкил топган. Бу бирикмадаги ҳарфлар рақами йиғиндиси эса 1005 бўлади. Демак, бу Нисорий вафот этган йил бўлиб, милодий 1597—98 йилларга тўғри келади.

Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро» асарида Ҳасан Нисорий 80 ёшдан ортиқ умр кўрганлиги ёзилган[12]. Агар Нисорий 81—84 ёшларида вафот этган бўлса, у ҳолда 1513—1516 йилларда туғилган бўлиб чиқади.

Нисорий туғилган вақтида отаси ном қўйдириш учун уни Бухорода энг ҳурматли кишилардан ҳисобланган Рузбехон Исфаҳоний қошига олиб боради. Ў киши Нисорийга Баҳоуддин Ҳасан деган исм қўя-

---

[3] А. Н. Болдырев, Тазкире Хасана Нисари, как новый источник для изучения культурной жизни Средней Азии XVI век. ТОВЭ, т. III, Л., 1940.

[4] А. Мирзоев, Адабиёт ёрй барои дарси адабиёти асрхои XVI—XIX и тоҷик, нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1948, саҳ. 35—36.

[5] «Ўзбекистон ССР тарихи», I т., I-китоб, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1956, 494-бет.

[6] Б. Г. Гафуров, История таджикского народа, Гослитиздат,М., 1952, стр. 343.

[7] А. Н. Болдырев, Зайнаддин Васифи, Таджгосиздат, 1957, стр. 17.

[8] К. Айни, Бадриддин Хилоли, Таджгосиздат, 1957, стр. 34.

[9] К. Айни, Тазкираи Ҳасан Нисори ва нусхаҳои он, «Известие отделения обществ. наук. АНТаджССР», № 9, 1956, стр. 37.

[10] Б. Аҳмедов, Қ. Мунировв, Ҳофиз Таниш Бухорий, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1963, 41-бет.

[11] ШИ, қўлёзма № 2253; А. А. Семенов, СВР, т. I, стр. 130, № 314.

[12] Солиштиринг: سن شریف ایشان از هشتاد متجاوز شده بودکه طوطی روح پر فتوح ایشان ترك شکرستان معانی نموده در قفس خاك خاموشی احتیار نموده ШИ, қўлёзма № 2253, 162б-бет.

ди[13]. Нисорий эса, шоирнинг адабий тахаллусидир. Айрим манбаларда шоирнинг туғилган ёки яшаган жойига нисбат бериб бўлса керак, Бухорий ёки Ҳисорий деб ҳам атайдилар.

«Музаккирул-аҳбоб» тазкирасининг хотима қисмида автор ўз ота-боболари, акаукалари ҳақида маълумот беради.

Нисорийнинг отаси Подшохожа бинни Абдулваҳобхожа бўлиб, у ўз даврининг етук шоири ва ҳикоянависи бўлган[14]. Шоирнинг ака-укалари—Абдусалом, Шоҳимхожа, Бобохожалар ҳам ўз замонасининг кўзга кўринган шоирларидан бўлганлар. Тазкирада уларнинг асарларидан ҳам айрим парчалар келтирилади.

Сўнгги вақтларгача Ҳасан Нисорий фақат «Музаккирул-аҳбоб» тазкирасининг автори сифатида танилар эди, лекин текширишлар шуни кўрсатадики, у астрономия, география ва ҳандаса илмларидан ҳам хабардор олим киши бўлган. Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»сида Нисорий томонидан тузилган табиий ва географик харита берилган ва Нисорий шеъриятда Навоий ва дунёвий илмларда Улуғбек шогирди бўлганлиги баён этилган.

Мутрибийнинг хабар беришича, Нисорий қатор лирик шеърлар автори ҳамдир, лекин уларни жамлаб, девон ҳолига олиб келганлиги маълум эмас.

Адабиётшуносликда Нисорийнинг фақат «Музаккирул-аҳбоб» тазкираси[15] ва бир форс тилидаги ғазали маълум бўлган бўлса, Мутрибий тазкирасида унинг яна ўн иккита мувашшаҳи ва уч ғазали келтирилади. Бу ғазал ва мувашшаҳларни ўқиб ўрганиш натижасида Нисорийнинг яхшигина тазкира тузувчи деб билиш билан бирга, ўз даврининг забардаст шоири ҳам эканлиги аниқланади.

Мана унинг ўхшатмаларга бой бир ғазали:

چشم گل‌را درچمن چون سرخ زهم
خار ساخت

گل برای چشم زهمش غنچه را طومار
ساخت

هر غباری کزرهش اورد در گلشن
صبا

نرگس ان را سرمهٔ چشم اولول انصار
ساخت

کر ندارد چشم پر سش از تو
نرگس در چمن

خویش را بهرچه عمرای پری بیمار
ساخت

اندلیب خوش نوا بهر طرب در بزم
گل

بال قانون کردو مظراب وی از
منقار ساخت

حسرت دندان و زوق لعل حندان تو
بود

چشم پرخون نثاری راکه گوهر
بار ساخت[16]

(Тикан захми чамандаги гул кўзини қизартирган,
Гул бу захмни кўзига ғунчадан тумор қилиб тақди.
Шамол эсиб, гулшанга учириб келган ҳарқандай ғуборни
Наргиз ўз тийрак кўзларига сурма қилиб тортди.
Агар чаманда наргис кўзлари билан тикилмаётган бўлса,
Эй пари, нега у ўзини бир умрга беморликка дучор қилди.
Хушнаво булбул гул базмида айшу тараб қилмоқ учун
Ўз қанотини қонун қилдию, тумшуғидан унга ноҳин ясади.
Сенинг тишларинг ҳасратию, хандон лабларинг завқи
Нисорийнинг қон тўла кўзларидан ёш тўкди.)

«Музаккирул-аҳбоб»нинг таснифи этилган йили ҳақида автор ёзади:

چون این تذکره ازهر باب مذکر
احباب بود. نام و تاریخش مزکر
احباب کردید[17]

(Бу тазкиранинг ҳар бобида дўстлар зикр этилиб, асарнинг номи ва ёзилган йили — тарихи — «Музаккир-аҳбоб» бўлди.)

«Музаккир-аҳбоб» бирикмасидаги ҳарфларни абжад ҳисоби билан қиммати қўйилганда, ҳижрий 974 йил, милодий 1566—67 йилларга тўғри келади ва натижада тазкиранинг ёзилган йили аниқланади.

Асар машҳур Шайбоний ҳукмдорларидан Искандар Баҳодирхонга бағишланган.

Тазкиранинг таснифи қисмидан сўнг мундарижаси берилади: дастлабки икки рукн

---

[13] ШИ, қўлёзма № 4282, 48 б -бет.

[14] М. Мирзаахмедова, Подшохожа ҳаёти ва ижодий фаолияти, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», № 4, 1963.

[15] Тазкирада ҳам муаллифнинг айрим шеърий парчалари ўрни-ўрни билан келтирилади.

[16] ШИ, қўлёзма, № 2253, 163-бет.

[17] ШИ, қўлёзма № 4282, 6 а -бет.

шайбонийлар ва темурийлар хонадонидаги султонлар аҳволи баёнига бағишланган ва шайбонийлардан Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдулазизхон, Дўстмуҳаммад Султон ва бошқалар, темурийлардан эса Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Ҳумоюн подшо, Қомрон подшо, Ҳиндол подшо кабиларнинг иштимоий ва адабий фаолиятлари ёритилган.

Тазкиранинг биринчи боби Бухорода ва унинг атрофидаги бошқа шаҳар ва қишлоқларида дафн этилган (қариганида ва ёшроқ вақтида вафот этган) адабий ижод билан шуғулланувчиларга бағишланган. Бу бобдан 83 ёзувчи ва шоир ўрин олган.

Асарнинг иккинчи бобида автор билан таниш бўлган ва Бухорода ҳамда Бухородан ташқарида дафн этилган ёзувчи ва шоирлар ҳақида сўзланади ва 64 киши ҳақида фикр юритилади.

Учинчи бобда номлари зикр этилган 55 автор тазкира муаллифи билан яқиндан таниш бўлган Нисорий замондошларидир.

Тазкиранинг тўртинчи боби асар ёзилаётган даврда ҳаёт бўлган, лекин муллифга шахсан таниш бўлмаган 32 та шеър мухлисига аталади. Асар сўнггида, юқорида айтганимиздек, хотима қисми берилади ва бунда автор ўз даврида шоир ва ёзувчи сифатида танилган ота-боболари, ака-укалари ҳақида маълумот келтиради.

XVI аср адабий ҳаётини ўрганишда муҳим манба сифатида аҳамиятли бўлган бу асар Ўрта Осиё маданий ҳаёти тарихида нисбатан энг кам ўрганилган давр ҳақида маълум даражада фикр юритишга имкон беради.

Нисорий тазкирасида айрим вақтларда фактлар ҳисобига қуруқ риторика кўпайиб кетган бўлсада, биз учун муҳим қимматли маълумотлар ҳам мавжуддир.

Унда шайбонийлар ҳукмронлиги даври маданий ҳаётида катта роль ўйнаган ва бошқа манбаларда номлари зикр этилмаган жуда кўп фан арбоблари, шеър мухлислари, санъат ходимлари ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳофиз Авбаҳи, Муҳаммад Солиҳ, Зайниддин Восифий, Мажлисий, Рузбехон Исфахоний, Подшохожа ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Шуни ҳам айтиш керакки, тазкира муаллифи катта, йирик асарлар ҳақида ҳеч нарса демайди, ҳатто, у ёки бу ёзувчининг шундай асари мавжудлигини қайд ҳам этмайди. Кўпчиликка маълум ва машҳур асарлар — Зайниддин Восифийнинг «Бадоеул-вақое», Рузбехон Исфахонийнинг «Меҳмонноман Бухоро», «Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг «Бобирнома», Мажлисийнинг «Қиссан Сайфулмулук», Подшохожанинг «Гулзор» ва «Мифтоҳул-адл», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асарларига шундай муносабатда бўлинган. Биз нингча, муаллифнинг бундай қилишидан мақсади юқорида номлари зикр этилган авторлар ижодининг кўпчиликка маълум бўлмаган томонларига кўпроқ аҳамият бериб, уларни кенгроқ ёритишга ўрин ажратиши сабаб бўлиши мумкин.

«Музаккирул-аҳбоб» XVI аср адабий ҳаётининг ойинасидир. Бу тазкира ўз давридаги адабий ҳаётни маълум даражада ёритиб бериш билан бирга, адабиёт аҳллари ва китобхонларни 250 дан ортиқ шоир ва ёзувчининг ижодий фаолияти билан таништиради.

Қисқаси, Хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаккирул-аҳбоб» тазкираси XVI аср адабиётининг қиммати бир ёдгорлиги бўлиб, тазкирачилик тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатди ва ўтмиш адабий муҳитини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Марғуба Мирзаахмедова,
А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

ОЛИМЛАР

ОЛИМ ШАРАФУДДИНОВ
(1905—1943)

Ўзбек адабиётининг шаклланиши ва тараққиётида адабий танқид ҳамда адабиётшуносликнинг роли катта бўлди. Революциядан илгари ўзбек адабиётшунослигининг доираси жуда тор бўлиб, бу соҳадаги ишлар тазкиралар яратиш, адабий ёдгорликлар тилининг луғатини тузиш, вазн ва сўз санъати ҳақидаги текширишлардан нарига ўтмас эди. Натижада, бадиий адабиётнинг муҳим назарий масалалари ишланмай қола берди, айрим ёзувчилар ижодини характерлайдиган катта асарлар яратилмади.

Совет даврида ўзбек адабиётшунослиги ҳақиқий фан даражасига кўтарилди. У адабиёт тарихи ва совет адабиёти тараққиётининг барча муҳим масалаларини қамраб олди, бир қатор назарий чалкашликларни бартараф қилиш билан ўзбек адабиётининг социалистик реализм методи асосида ривожланишига ва янада гуллаб-яшнашига ёрдам берди.

Ўзбек адабиётшунослигининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган олимлардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, Сталинград бўсағаларидаги жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Олим Шарафуддиновдир.

Олим Шарафуддинов 1905 йилда Тошкентда туғилди. Эски типдаги мактабда хат-саводини чиқаргач, рус-тузем мактабида ўқийди. Революциядан сўнг эса, ўзбек таълим-тарбия билим юртида ўқишини давом эттиради. Ўқувчилик йилларидаёқ О. Шарафуддинов адабий асарларни севиб мутолаа қилади, ўзбек ва бошқа халқлар адабиёти классиклари ижодини қизиқиб ўрганади. 1921 йилда эса Озарбайжон педагогика институтига ўқишга кетади. Бу йилларда Бокуда бир қатор йирик шарқшунослар ишлар эди. Олим Шарафуддинов ана шу олимлардан таълим олади ва вояга ета боради. 1925 йилда институтни муваффақиятли тугатгач, Ўзбекистонга қайтиб келади ва педагогик ҳамда адабий фаолиятини бошлаб юборади.

О. Шарафуддинов Тошкент педагогика билим юртида, сўнгра эса Тошкент педагогика институтида ўзбек адабиётидан дарс беради, ҳатто, узоқ йиллар давомида ўзбек адабиёти кафедрасини бошқаради.

О. Шарафуддиновнинг ижодий фаолияти 20-йилларнинг ўрталаридан бошланган. У ўзининг мақолаларида ўзбек совет адабиётининг юксак ғоявийлиги, коммунистик партиявийлигини ҳимоя қилди ва буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин ўт очди. Жумладан, Чўлпон ижодини анализ қилар экан, буржуа миллатчилигининг реакцион моҳиятини фош қилади ва коммунистик партиявийлик принципини ташвиқ этади. Унинг «Бир реакцион назария тўғрисида», деган мақоласида ҳам идеологик ёт қарашлар кескин фош қилиниши билан бирга, социалистик реализм принципининг асосий моментлари ифоланган ва ҳимоя қилинган.

Назарий чалкашликларга барҳам бериш билан бирга, ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётини марксистик талқин этиш зарур эди. Бу соҳада ҳам Олим Шарафуддинов самарали меҳнат қилди. Адабиёт тарихи яратилмаган, айрим ёзувчилар ижоди таҳлил этилмаган шароитда ўрта мактабларнинг адабиёт дарсликларини тузиш ишига киришар экан, О. Шарафуддинов кўпгина ёзувчилар ижодига биринчи бўлиб баҳо берди.

Ўзбек адабиёти тарихига вульгар-социологик ва нигилистик нуқтаи назардан қараш натижасида кўпгина классик ёзувчиларнинг ижоди бузиб талқин этилган эди. Коммунистик партиянинг маданий меросга ленинча муносабатидан руҳланган ўзбек олимлари ўзбек адабиёти тарихини қалбакилаштиришга қарши кескин кураш очдилар ва адабиёт тарихини марксистик методология асосида ёритувчи асарлар яратдилар. О. Шарафуддиновнинг «Ўзбек адабиёти 15 йил ичида» деган тўпламдаги сўз бошиси, шунингдек «Алишер Навоий» номли монографияси, «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг II томида ёзувчилар ижодига берган характеристикалари шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Олим Шарафуддинов 1939 йилда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. 1943 йилда у Ўзбекистон ССР Фанлар

академиясининг корреспондент аъзолари қаторидан жой олади.

Душман ўқи йирк олим, моҳир педагог, ажойиб инсон Олим Шарафуддиновнинг ҳаёт риштасини у айни ижодий кучга тўлиб турган пайтда бевақт узди. Аммо Олим Шарафуддинов ўзининг илмий асарлари, адабиётимизнинг ривожига қўшган ҳиссаси билан ҳозир ҳам сафимизда, унинг номи доимо бизнинг дилимизда ва тилимизда.

С. Қосимов.

АЙЮБ ҒУЛОМОВ
(1914)

Айюб Ғуломов 1914 йилда Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. Отаси Ғулом ака саррож эди. Айюб ўн ёшида отадан етим қолди.

1932 йилдан бошлаб мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйди: кундузи етти йиллик мактабда тил ва адабиётдан дарс берса, кечқурун педрабфакда ўқиди. Кейинчалик Тошкентдаги кечки педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди.

1940 йил апрель ойи. Айюб Ғуломнинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди: у Самарқанд Давлат университетининг илмий советида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Кандидатлик диссертацияси ўша йили «Ўзбек тилида аниқловчилар»номи билан СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Бу иш ўзбек тили илмий грамматикасини яратиш йўлидаги дастлабки қадам эди. Автор ўзбек тилидаги аниқловчиларни ёритиш учун илмий-методологик асос қилиб бой рус тилшунослиги фанини, рус тукология фанини олди. Академик А. А. Шахматов, А. М. Пешковский, В. А. Богородицкий, П. М. Мелиоранский, Н. И. Ашмарин, С. В. Ястремский, Н. К. Дмитриев, И. А. Батманов, Н. А. Баскаков, А. К. Боровков каби профессорларнинг илмий ишлари юқоридаги темани ёритиш учун илмий пойдевор бўлди. Ўзбек совет тилшунослиги фани Улуғ Октябрь революциясининг меваси сифатида майдонга келди.

Айюб Ғулом «Аниқловчилар» асаридан аввал турли мақолалар (масалан, профессор В. И. Зоҳидов билан биргаликда бадиий асарнинг тили ҳақида мақола, қаранг: «Ўзбек адабиёти» журнали, № 1, 1940), рецензиялар ёзди, ўрта мактаб, техникум ва олий мактаблар учун тил бўйича программалар тузди.

1941 йилда Айюб Ғуломнинг «Ўзбек тилида келишиклар» иши босилиб чиқди («СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари», филология, Тошкент, 1941, 3—85-бетлар).

1944 йилда Айюб Ғуломнинг «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (Тошкент, 1944, 1—56-бетлар) асари босилиб чиқди. Бу ишда логик кўплик билан грамматик кўпликнинг фарқи, ўзбек тилида кўплик маъносининг ифодаланиш йўллари кенг ва тўлиқ анализ қилинди.

Бу орада унинг ўзбек совет тилшунослиги юзасидан бир қанча мақолалари босилиб чиқди: «Феъл ясовчи аффикслар ҳақида», «О послеложной конструкции», «О законах узбекского ударения», «Об аффиксе -қа», «Ўзбек тилида сўз тартиби», «Об аффиксе -ла в узбекском языке», «Развитие узбекского языка в советский период» ва бошқалар.

Айюб Ғуломнинг «Развитие узбекского языка в советский период» ишида ўзбек тилининг Улуғ Октябрь революциясидан кейин гуллаш-тараққиёт йўлига ўтганлиги, ўзбек тилининг тараққиётида «Улуғ ва қудратли рус тили» (В. И. Ленин) ўйнаган ва ўйнаётган катта роль фактик материаллар асосида кўрсатилган.

Айюб Ғуломнинг «Словообразование путём внутренних изменений слова в узбекском языке» ва «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида» номли иккита асарининг айрим ўринлари тилшунослик масалалари юзасидан 1950 йилда бўлган дискуссия муносабати билан танқид қилинди. Бу ҳақда авторнинг ўзи ҳам матбуотда ўз мулоҳазаларини билдирди.

Юқоридаги «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида» сарлавҳали ишда Айюб аканинг докторлик диссертациясининг асосий тезислари қисқа формада баён қилинган эди. Автор 1942 йилдан ўзбек тилида сўз ясалиши проблемаси юзасидан докторлик диссертациясини ёза бошлаган эди. Турли вақтларда бу ишнинг қисмлари айрим-айрим мақолалар тарзида босилиб чиқди. Иш процессида авторга машҳур олимлар: СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари Д. Н. Ушаков, Н. К. Дмитриев, В. М. Жирмунский, А. К. Боровков, А. Н. Кононов, К. К. Юдахин каби турикологлар қимматли маслаҳатлар бердилар. Ишнинг илмий консультанти СССР ФА корреспондент аъзоси Н. К. Дмитриев эди. 1955 йилда автореферат — «Проблемы исторического словообразования узбекского языка» (ч. 1) босилиб чиқди ва кейинчалик СССР ФА Тилшунослик институтининг илмий советида муваффақият билан ҳимоя қилинди.

Автор 1936 йилдан бери дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш устида ҳам ишлаб келади: «Ўзбек тили дарслиги» китоблари (I ва II қисмлар) СССР ва ЎзССР ФА корреспондент аъзоси, профессор А. К. Боровков раҳбарлигида авторлар коллективи томонидан тузилган бўлиб, 1950 йилгача 8 марта қайта нашр қилиниб, 1951 йилда тил соҳасидаги дискуссиядан кейин қайта тузилди. «Диктантлар тўплами» (доцент Ф. К. Камолов билан ҳамкорликда ёзилган, ўқитувчилар учун қўлланма) ҳам бир неча марта босилди, Айюб ака педагогика билим юртлари учун «Ўзбек тили синтаксиси» дарслиги ёзди (1940) ва

бошқалар; мактабда тил ўқитиш методикасига доир ва орфографияга доир (газета, журнал ва турли илмий тўпламларда мақола тарзида, айрим брошюралар тарзида) ишлар ёзди. Масалан, «О правописании сложных слов» («Учёные записки» ТГПИ, 1954).

Айюб Ғуломов олий мактабларнинг филология факультетлари учун филология фанлари доктори М. А. Асқарова билан биргаликда «Ўзбек тили синтаксиси» дарслигини ёзди (Тошкент, 1961). Айюб аканинг ҳозиргача 70 дан ортиқ илмий иши босилиб чиқди.

Айюб ака 1930 йилдан буён педагогик фаолиятини севимли иши — илмий текшириш фаолияти билан боғлаб олиб бормоқда.

Моҳир педагог Айюб ака Ш. У. Раҳматуллаев, С. Ф. Фузаилов, Ш. А. Афзалов, А. М. Маъруфов, Ю. Ж. Жуманазаров, А. М. Маҳмудов, Э. А. Азларов каби кўплаб фан кандидатлари етиштирди.

Ҳозир Айюб ака бошчилигидаги Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси коллективи «Опыт сравнительной грамматики узбекских народных говоров» темасида катта умумлаштирувчи монографик ишни тугалламоқда.

Айюб ака ҳар бир жамоат ишига ҳам вақт топади: у бешта илмий советнинг аъзоси, филфак студентлари илмий жамиятининг раҳбари.

Ўзбек тилшунослигининг ҳамма кадрлари ва бу фаннинг ўзи бой рус тилшунослиги фани асосида етишиб чиқди.

Биз атоқли олим, моҳир педагог Айюб Ғуломовга янада зўр ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

А. Исмоилов.

РЕЖАЛАР

ЛУҒАТ СЕКТОРИДА

Халқнинг маданий ҳаётида изоҳли луғатларнинг роли беиҳоя каттадир. «Миллий тилларнинг изоҳли луғатлари,— деб ёзади акад. В. В. Виноградов,— нутқ маданиятининг қудратли қуроли бўлиши билан бирга, шу маданиятнинг маҳсули ҳамдир».

Аммо ўзбек халқи ўз миллий тили бойлигини намойиш қиладиган шундай изоҳли луғатга шу давргача эга эмас эди.

Мен бошчилик қилаётган Луғат сектори коллективи ҳозирги замон ўзбек тили изоҳли луғатини яратиш ишига биринчи бўлиб киришди.

«Ўзбек тили изоҳли луғати» икки томдан иборат бўлиб, у тахминан 60 минг сўзни ўз ичига олади. Луғат, асосан, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан то шу кунгача бўлган ўзбек адабий тили актив лексикасини акс эттиради.

Унда ўзбек тилидаги мавжуд сўзларнинг маънолари, шунингдек ўзбек лексикасининг бойиши, сўз маъноларининг ўзгариши кўрсатилади, маъно нозикликлари очилади, ўзбек тилининг бой фразеологияси, мақолматаллари кенг намойиш қилинади.

Ҳар бир луғат мақоласи охирида бош сўзнинг этимологияси берилади.

Ҳозир мазкур луғатнинг 1-томи (А—Р) таҳрир қилинмоқда.

Биз, Институт лексикографлари, «Ўзбек тили изоҳли луғати»нинг 1-томини Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига, 2-томини эса В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига совға қилмоқчимиз.

З. Маъруфов,

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Луғат секторининг мудири.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИГАЧА БЎЛГАН ЎЗБЕК АДАБИЁТИ СЕКТОРИ ИШЛАРИ

Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти сектори ҳозирга қадар адабиёт тарихини яратиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борди. Сўнгги вақтларда ўзбек адабиёти ёдгорликлари ва шоирлари ижодини ўрганиш борасида кўпгина ишлар қилинди. 4 томлик «Ўзбек адабиёти» намуналари, 15 томлик Навоий асарлари, Навоийнинг «Хамса»си, Огаҳий девони ва бошқалар шулар жумласидандир.

Айни замонда Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Мажолисун нафоис» асарларининг танқидий нашри босмадан чиқарилди. Навоийнинг «Лисонут тайр» асарининг илмий танқидий нусхаси нашрга топширилган. Бундан ташқари, Октябргача бўлган ўзбек адабиётининг йирик намояндаларининг ҳаёти ва ижодига ва шу даврнинг муҳим назарий масалаларига бағишланган монографиялар нашр этилди. А. Ҳайитметовнинг Навоийнинг лирикаси ва ижодий методига бағишланган асарлари, Э. Иброҳимовнинг «Увайсий» асари, Р. Мажидийнинг «Огаҳий лирикаси» ана шулар жумласидандир.

Сектор шу йилдан бошлаб 4 томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»ни яратиш устида бевосита иш олиб бормоқда. Бу адабиёт тарихида қадим замондан бошлаб, то Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти тарихи ёритилиши керак. Бу ишни беш-ўн йиллар ичида тугаллаш кўзда тутилади. Ҳозирги кунда бунга Москва, Ленинград ва бошқа қардош республикаларнинг адабиётшунос олимларини жалб қилиш йўллари ўрганилиб, тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Секторнинг асосий вазифаларидан яна бири кадрлар тайёрлашдир. Шу йилнинг ўзида секторнинг катта илмий ходимларидан А. Ҳайитметовнинг «Навоийнинг ижодий методи» ва Э. Рустамовнинг «XV аср ўзбек адабиётининг бошқа шарқ адабиёти билан қиёсий анализи» деган темадаги докторлик ишлари ҳимояга тақдим этилиши керак. Булардан ташқари, тўртта аспирант ва тўртта кичик илмий ходимнинг диссертациясини кандидатлик илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилишга тақдим этиш мўлжалланилади.

Раҳмат Мажидий,

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти секторининг мудири.

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

УСТОД САДРИДДИН АЙНИЙ

(Йиллик традицион илмий сессия залидан)

Тожикистон ССР Фанлар академияси А. Рўдакий номидаги Тил ва адабиёт институти Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети билан биргаликда Самарқандда 16—17 апрелда тожик совет адабиётининг асосчиси, ўзбек совет адабиётининг сардафтарларидан бири Садриддин Айний ижодига бағишланган қўшма илмий сессия ўтказди. Илмий сессия ҳар йили Душанбада ўтказиларди. Унинг бугал Самарқандда ўтказилганлиги бежиз эмас, албатта.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд С. Айнийнинг иккинчи она шаҳри ҳисобланади. Унинг Улуғ Октябрь революциясидан кейинги салмоқли ижодини бу шаҳарсиз тасаввур этиш қийин. С. Айний «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Дохунда», «Қуллар», «Судхўрнинг ўлими», «Эсдаликлар» каби бадиий полотноларини, кўпгина илмий асарларини шу ерда яратган. Ана шу шаҳарда Ҳамид Олимжон, Ойдин Собирова, Абдусалом Деҳотий, Ҳабиб Аҳрорий, Шокир Сулаймон, Жалол Икромий, Сотим Улуғзода ва бошқа шоир, ёзувчи, таржимонлар унинг ижодий мактабидан ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлганлар.

Садриддин Айнийнинг ижоди кўп қиррали, бой, энциклопедик характерга эгадир. Унинг адабий меросини ўрганиш ва нашр эттириш соҳасида кўп ишлар қилинган бўлсада, текширилиши лозим бўлган масалалар ҳали ҳам оз эмас. Ҳар йили ўтказиладиган традицион илмий сессиялар С. Айний ҳаёти ва ижодини ўрганиш доирасини борган сари кенгайтирмоқда.

Навбатдаги қўшма илмий сессияда турли характердаги темаларда 20 дан ортиқ докладлар муҳокама қилинди. Тожикистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, филология фанлари доктори, профессор И. Брагинский «Садриддин Айний ижодида инсон концепцияси» мавзуида доклад қилди.

Машҳур ёзувчи ва олим, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Сотим Улуғзода сессия қатнашчиларига Садриддин Айний ҳақидаги эсдаликларини ҳикоя қилиб берди.

С. Оржоникидзе номидаги Ленинобод Давлат педагогика институтининг доценти А. Дун Садриддин Айний асарларининг 20-йиллардаёқ украин тилига таржима қилиниш тарихи, унинг сифати, айрим камчиликлари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритди.

Самарқанд Давлат университетининг доценти С. Мирзаев Садриддин Айнийнинг ўзбек совет прозасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, повесть, роман сингари жанрларнинг шаклланиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнаганлиги ҳақида сўз юритди.

СамДУ доценти А. Ғаниев сессия қатнашчилари диққатини С. Айний ижодидаги таълим-тарбиявий масалаларга тортди. Нотиқнинг кўрсатишича, ёзувчи педагогик фаолиятининг илк давридаёқ таълим-тарбиянинг практикага боғлаб олиб борилишини, унинг системали бўлишини, қизлар ва ўғил болаларнинг бир жойда ўқишларини орзу қилган, табиий фанларни ўқитишнинг тарафдори бўлган. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг шу идеалларни амалга ошириш учун ҳормай-толмай курашган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиет институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Н. Раҳимов Садриддин Айнийнинг ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири эканлигини, унинг ҳаёти ва ижодининг республикада атрофлича ўрганилаётганлигини ўз докладида кўрсатиб ўтиш билан бирга, ёзувчи прозаси стилининг баъзи масалалари ҳақида ҳам батафсил тўхталди.

Тожикистон ССР Фанлар академияси классик мерос ва қўлёзмалар бўлимининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Р. Ҳодизода С. Айний тузган «Тожик адабиёти намуналари» антологиясининг муҳим тарихий-адабий манба ҳисоблангани ҳақида гапирди. Тожик адабиётини даврлаштириш, унинг айрим вакиллари ижодини баҳолашда С. Айний янги методологик позицияга амал қилган эди. Бу антология тожик адабиёти тарихини ўрганишда ҳамон муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўп йиллар давомида Садриддин Айнийнинг шахсий котиби сифатида ишлаган етук таржимон, Тожикистон ССР Фанлар

академияси Рўдакий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Раҳим Ҳошим «Озодлик марши» қўшиғининг ёзилиш тарихи, унинг халқни янги революцион руҳда тарбиялашдаги роли ҳақида ҳикоя қилди. Тошкентлик М. Ҳасанов 40-йиллардаги Садриддин Айний публицистикасининг характерли томонларини изоҳлашга мувафақ бўлди.

Садриддин Айний етук прозаик бўлиши билан бирга, талантли шоир ҳам эди. Ўтмиш адиблар каби унинг ижодида ҳам ғазал жанри асосий ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан СамДУ доценти Ш. Шукуровнинг С. Айний ғазаллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги доклади ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати А. Ҳаитметовнинг яқинда шоир Ғафур Ғулом ташаббуси билан топган С. Айнийнинг 1918 йилга тааллуқли икки шеъри, уларнинг анализи сессия қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Самарқанд Давлат университетининг ўқитувчиси М. Отаев ва шу университет доцентларидан Р. Муқимов, Ю. Авсалиани, Б. Валихўжаев, Т. Абдужабборов, С. Аслидинов, А. Геворкянларнинг Садриддин Айний ҳаёти ва ижодининг у ёки бу масалаларига бағишланган докладлари ҳам сессия қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Бундан ташқари, Тожикистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори, Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Н. Маъсумий ва шу институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Р. Ғаффоровлар ҳам улуғ адиб фаолиятининг турли томонларини кўрсатиб бердилар.

Сессияда кекса педагог, пенсионер, шоир Абдуқодир Азизов (Жомеъ) Садриддин Айний ҳақидаги эсдаликларини эълон қилди.

А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, филология фанлари доктори, профессор В. Абдуллаевнинг ҳақли равишда таъкидлашича, икки республика ташаббуси билан ўтказилган бу қўшма илмий сессия юқори савияда ўтди, у Душанба, Самарқанд, Тошкент, Москва айнийшуносларининг Садриддин Айний ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасида самарали меҳнат қилаётганликларини намойиш этди.

Ҳамма сессия қатнашчилари бундан сўнг улуғ адиблар ҳаёти ва ижодига бағишланиб ўтказиладиган йиллик илмий сессияларнинг қўшма ва сайёр характер касб қилишини маъқул деб билдилар.

Талъат Абдужабборов,
СамДУ доценти.

ЯНГИ ШОИР

Яқинда Фольклор секторининг Октябргача бўлган ўзбек классик адабиёти сектори билан биргаликда кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда филология фанлари кандидати Малик Муродовнинг янги топилган шоир ва ҳофиз «Мухторхон Аҳмад ўғли» ҳақидаги ахбороти тингланди.

М. Муродов Андижон областининг жуда кўп қишлоқларида бўлиб, короскоклик Мухторхоннинг ҳаёти ва ижодига оид бир қанча материалларни топишга муваффақ бўлди. Ахборотдан англашилишича, Мухторхон ўз даврининг етук ва талантли шоири, хушовоз ҳофизи бўлган. У 1894 йилда туғилиб, 1920 йилда босмачилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган. Мухторхон бир қатор асарлар, айниқса, сатирик-юмористик шеърлар яратган. Бироқ улар шу кунга қадар ўрганилмаган.

М. Муродов шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга астойдил киришиб, унинг «Келмас Коросконнинг суви» («Сувнома») асари ва бир қанча ғазалларини қўлга киритган. Шоирнинг ҳаёт йўлига оид жуда кўп материаллар ёзиб олган.

Мухторхон «Келмас Коросконнинг суви» достонида инқилобдан олдинги ўзбек қишлоқларининг сувсизликдан харобага айланаётганлигининг типик картинасини чизади. Бой, амалдор, мироббоши ва мирабларнинг бадфеълликлари, ярамасликлари, порахўрликларини фош этади.

Шуни айтиш керакки, достон ўзининг йўналиши, вазнининг ўйноқилиги ва таъсир кучи билан кўп жиҳатдан ўзбек демократ шоири Муқимийнинг «Саёҳатнома»сига ўхшаб кетади.

Йиғилишда ахборот юзасидан филология фанлари доктори Қ. Аимбетов, филология фанлари кандидатлари М. Афзалов, М. Алавия, М. Саидов, О. Собиров, Ж. Қобулниёзов, Ё. Жўраев, шунингдек, Октябргача бўлган классик адабиёт секторининг ходими Н. Давронлар сўзладилар. Улар Мухторхон ҳақида топилган янги материаллар адабиётимиз тарихи учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Бу шоир ҳақида ёшлигимда Шариф Ризодан эшитган эдим,— дейди Насрулло Даврон. У, Мухторхон исмли талантли шоир ва ҳофиз ўтган, унинг халқчил асарлари, айниқса, сув ҳақидаги поэмаси Фарғона водийсида жуда оммалашиб кетган, деган эди.

Сектор йиғилиши Мухторхон ҳақидаги қўлга киритилган материалларни нашр этиш, шоирнинг ҳаёти ва ижодини тинмай ўрганиш керак, деб алоҳида кўрсатиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам Мухторхон адабиёт тарихида чуқур ўрганилиши ва ўз ўрнини топиши лозим.

Суръат Абдукаримов.

МУНДАРИЖА

М. Алиев. Партия XX съездидан кейинги драматик асарлар маҳсули . . 5
Р. Қодирий. Ўзбек совет поэзиясида уйғур халқи ҳаётининг акс этиши . 12
Г. Б. Окунь. Чет эл ёзувчилари Ўзбекистон ҳақида 16
А. Иброҳимов. Хожа ҳаёти ва ижоди ҳақида баъзи бир маълумотлар . 22
Ж. Шарипов. Таржима тарихининг бгъзи бир назарий масалалари . . 28
Ж. Амонтурдиев. Кесимнинг структурасига кўра классификацияси . . 38
А. Маҳмудов. Ўзбек адабий тили унлиларининг спектрал анализи . . . 45
М. Б. Финкельштейн. Қаратқичли бирикмалар — русча атрибутив бирикмаларнинг ўзбекча ифода усули сифатида 50
И. Қўчқортоев. Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратишига доир 56

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

Ш. Шукуров. Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир . . 63

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Б. Жўраев. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари 68
М. Мирзааҳмедова. Ҳасан Нисорий ва унинг «Музаккирул-аҳбоб» тазкираси 70

ОЛИМЛАР

С. Қосимов. Олим Шарафуддинов 74
А. Исмоилов. Айюб Ғулом 75

РЕЖАЛАР

З. Маъруфов. Луғат секторида 77
Р. Мажидий. Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти сектори ишлари 77

ИЛМИЙ ҲАЕТ ВА ХРОНИКА

Т. Абдужабборов. Устод Садриддин Айний 78
С. Абдукаримов. Янги шоир 79

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396

ЗАЛ ПЕРИОДИКИ
R 481
1965/5

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

1965

5

Экз №2

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Восьмой год издания

5

СЕНТЯБРЬ—ОКТЯБРЬ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «НАУКА» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ—1965

К 481

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Саккизинчи йил чиқиши

5

СЕНТЯБРЬ—ОКТЯБРЬ

ГБ УзССР
Н 24460
5

Э
№2

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1965

Редколлегия:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. ОЙБЕК *(бош муҳаррир)*, ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари: В. И. ЗОҲИДОВ, Ю. СУЛТОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, филология фанлари докторлари: Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ, Ф. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, В. В. РЕШЕТОВ, И. О. СУЛТОНОВ, А. П. ҚАЮМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари кандидатлари: Д. АШУРОВА, Б. Ж. ЖУРАЕВ, О. У. УСМОНОВ, С. ҚОСИМОВ *(масъул секретарь)*.

ТЎЛҚИН РАСУЛЕВ

БАДИИЙ ОБРАЗ ВА ОБРАЗЛИ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР

Маълумки, мажозий ифодалар кўпинча образли тасвирий восита номи билан юритилади.

Мажоз миллий тилда маънонинг кўчиши ёки номнинг алмашиниши орқали пайдо бўладиган семантик ҳодисадир.

Бадиий асарларда мажоз турли хил поэтик функцияларни бажаради. Айниқса, унинг бадиий образ яратишдаги роли диққатга сазовор.

Бироқ ўзбек адабиётида маҳорат масалалари етарли даражада ўрганилмаган, мажозий ифодалар ҳақида эса адабиётнинг специфик хусусиятлари нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқотлар жуда кам.

Ана шу нуқтаи назар тақозосига кўра биз бу мақолада асосий образли тасвирий воситалар ва улардаги образлилик мазмуни, шунингдек, бу мазмуннинг бадиий образ тушунчасига алоқаси ҳақида айрим мунозарали мулоҳазаларимизни баён этишга ҳаракат қиламиз.

* *
*

Образлилик барча санъат асарлари учун специфик хусусият эканлиги фанда марксистик назария томонидан исботланган.

Бадиий адабиёт ҳам воқеликни образлар орқали, яъни «ўз ҳаётий формасида» (Чернишевский) акс эттира олиш хусусияти билангина ўзига хос нафосат ва гўзаллик касб этади.

«Ёзувчи — санъаткор сўз воситасида эмас, балки образлар воситасида ўйлашга ўрганиши лозим»— деб таълим беради А. М. Горький[1].

Демак, ёзувчининг ана шу «образлар воситасида ўйлаш» қобилиятини баҳолай билиши масаласи адабиётшунос учун асосий вазифаларнинг биридир.

Аммо шуни назарда тутиш лозимки, ҳозиргача танқидчиликда адабий асар бадиийлигининг ана шу асосий белгисига нисбатан ягона тушунча пайдо бўлган эмас. Кейинги даврларда «образлилик» мазмуни турли филологлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Баъзи моментларда эса, «образлилик»ни ёзувчи дунёқараши, воқеликни ўзлаштириш процессида намоён бўлувчи поэтик тасаввурлар системасидан сунъий равишда юлиб олиниб текшириш ҳоллари ҳам учраб қолмоқда. Кўпинча айрим тадқиқотчилар поэтик масалаларга фақат соф лингвистик қонунлар асосида ёндашадилар. Бунда улар бадиий асар образлилиги тушунчасини умумхалқ тилидаги образли сўз ва иборалар тушунчасидан фарқ қила билишни унутиб қўядилар. Натижада, бирор

[1] Архив А. М. Горького, т. VI, Госполитиздат, 1957, стр. 217.

муайян асар образлилиги ҳақида фикр юритилар экан, мазкур асар текстида учрайдиган мажозий маънодаги сўз ва иборалларнинг арифметик йиғиндиси тўпланилади-да, «бундай ифода воситалари..... автор томонидан ўқувчига мақсадни ўйноқи оҳангда етказиб бериш учун қўлланилган[2].... каби ёки «шоир тилида метафора китобхоннинг эстетик завқини уйғотиш, асар сюжетини ўстириш учун қўлланилади»[3]... сингари умумий хулосалар чиқарилади. Бироқ бизнингча, бундай текширишлар хатоликка олиб келиши мумкин. Чунки ҳар қандай талантдан: сиз ўз асарингиз тилини «ширадор», «образли», эмоционал, таъсирли қилиш учун қанча метафора ва метонимия ишлатасиз ёки қай турли ўхшатиш, сифатлашлар қўллайсиз?— деб сўраш фақат унинг олдида кулги бўлишдан бошқа нарса эмас.

Шундай экан, ҳар қандай мажозий ифодага образлилик функциясини юклайвериш назарий жиҳатдан тўғри эмас. Мажознинг амалий қиймати унинг конкрет адабий асардаги образлар системасига алоқадорлиги билан ўлчанади. Бу алоқадорлик эса ҳар турдаги мажозий ифоданинг ўз бадиий функциясига кўра белгиланиши лозим.

Мажозий ифодалар асосан икки турли кўчимлар натижасида ташкил топиши Европа ва Шарқ филологиясида жуда қадим замонлардан бошлаб қайд этиб келинади. Масалан, машҳур غياث اللغات нинг автори Муҳаммад Ғиёсиддин ибн Жалолиддиннинг мажоз ҳақида ўз замонаси учун ва ўзига қадар маълум бўлган кўпчилик тадқиқотчилар фикрини умумлаштириб ёзишича: «Агар (кўчим — **Т. Р.**) икки нарса ўртасида ўхшашликдан бошқа сабабият ё зарурият, ё шулар каби алоқа, боғланишлар бўлса, уни мажози мурсал (метонимия — **Т. Р.**) дейилади. Агар бу алоқа ёки боғланишлар ўхшашликдан келиб чиқса, уни истиора (метафора — **Т. Р.**) дейилади»[4].

Қўринадики, мажозлар метафорик ва метонимик группаларга бўлинадилар.

Биз образлилик функциясини фақатгина ўхшатиш асосида пайдо бўладиган (энг олий формаси метафора бўлган) мажозларгагина хос хусусият деб қараймиз. Агар Марк Фобий Квинтилиан метафорани «қисқартирилган ўхшатиш» деб аташини ҳисобга олсак, ўхшатиш ва метафора асосий образли тасвирий воситалар бўлиб, сифатлаш ва метонимиялар эса фақат ўз таркибларига ўхшатиш элементини қамраб олсаларгина шундай воситаларга айланадилар, деган хулосага келишимиз аниқ.

Ўхшатиш кишиларнинг нарса ёки ҳодиса ҳақидаги ўз тасаввурларини яққоллаштириш учун кураши жараёнида намоён бўлади. Бундай кураш айниқса ёзувчиларда кучли эканлиги маълум. Чунки ёзувчи

---

[2] Ж. Жўраева, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедиясининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1964, 4-сон, 64-бет.

[3] Ўша журнал, С. Тўрабекованинг „Ғ. Ғулом поэзиясининг бадиий тасвир воситалари" номли мақоласига қаралсин, 1960, 6-сон, 36-бет.

[4] Қаранг: غياث الّغات, 30-бет.

و بعضی از محققین این فن‌را چنین تصریح کرده‌اند که استعاره قسمی از مجازاست و مجازآنرا گویند که لفظی‌را درغیر معنی اصلی حقیقی اوبیک گونه علاقه و مناسبتی استعمال کنند اگر فیمابین علاقه امریت سوای تشبیه مثل سببیت یالزوم یاغیرذالک آنرا مجاز مرسل نامندواگر علاقه تشبیه است آنرا استعاره میگویند و حاصل استعاره آنست که مشبه‌را عین مشبه به ادعا نحایند

ҳаёт воқеликларини эстетик баҳолаш ниятида унга доимий эмоционал муносабат орқали ёндашади. У ўзини ҳаяжонлантира бошлаган фактларни мумкин қадар тўлароқ тасаввур этишга интилади.

Баъзан пайдо бўлаётган тасаввур шу тасаввурга яқин турган бошқа тасаввурни эслаб қиёс этиш туфайли ёрқинлашади.

Худди шу янги туғилган тасаввурнинг конкретлашишида уни қиёс этишга хизмат этадиган ёрдамчи тасаввур ўхшаш «образ»дир[5].

Агар шоир:

Неча асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчиққа ботиб,—
(Ҳ. Ҳ. Ниёзий)

деб ёзган бўлса, бунда у «неча асрлар» зулм, адолатсизлик ва қуллик «балчиғи»да хўрланган меҳнаткаш синфнинг эксплуатациядан холи моментдаги жисмоний қиёфаси (тасвирий предмет)ни кумуш (ёрдамчи образ)даги тиниқлик, тозалик ва жозибалиликка (белгига) қиёсан тасаввур қилган.

«Кумушдек тан» ўхшатишини образли тасвирий восита деб аталишида (ҳозирга қадар) ана шу ёрдамчи образ назарда тутилади. Бироқ ёрдамчи образни ўхшатишда ифодаланиши зарур бўлган бадиий образга тенглаштирмаслик лозим.

Ёрдамчи образ конкрет-ҳиссий тасаввурнинг оддий формаси. Бадиий образ эса умумий ва хусусийнинг ягона, конкрет-ҳиссий тасаввурда ифодаланувчи эстетик бирлигидир[6]. Ўхшатишда ўхшатилган объектларни эстетик баҳолаш натижасида келиб чиқадиган умумийлик тасвирий объектнинг хусусий аломатларини акс эттириши керак. Шундагина унда умумийлик билан тасвирий объект хусусийлигининг эстетик бирлиги — бадиий образ намоён бўлади.

Юқоридаги мисолимизда тасвирий объектнинг бадиий образи кумуш эмас, балки шу объект билан кумуш аломатлари умумлашмаси асосида ҳис қилинувчи, характерланувчи янги конкрет тасаввурдир.

Агар ўхшатиш эстетик баҳо натижалари бир хиллигидан келиб чиқмайдиган умумлашма асосига қурилган бўлса, сунъий безакка айланиб, бадиий образ ярата олмайди:

...Мунча гўзал терган гулларинг,
Лекин ўзинг жонли гулдаста.
(Пўлат Мўмин)

Келтирилган шеърий парчани ўқир эканмиз, лирик қаҳрамон ўз ёри жамолини қандайдир гулдаста тимсолида ҳис қилишига ишонмаймиз. Негаки, гулдаста билан инсон ҳеч вақт бирор жиҳатдан ўхшашликка, умумийликка эга эмаслиги маълум. Демак, автор ўзи эстетик баҳолаб, аниқ ҳис қилмаган мавҳум нарсани ўқувчига конкрет сифатида тақдим қилмоқчи бўлган. Ўхшамаган предметларни зўрма-зўраки ўхшатиш билан бадиий образ ўрнига сунъий «безак» ярата олган, холос.

Ўхшатишдаги бадиий образнинг тўлалиги ўхшашликнинг мантиқий кучига боғлиқдир. Қуйидаги шеърий мисраларда баъзи ўхшатишлар мантиқан етук эмаслиги туфайли образлар хиралашган:

Боғимда қизариб пишди олича:
Қизларнинг бўйнида қизил маржондай.
Қирмизи юлдузлар тўла осмондай
Ё тонг нурларидай яшнарди ол-ол,

---

[5] Қаралсин: Б. В. Томашевский, Стилистика и стихосложнения, Государственное учебно-педагогическое издательство Министерство просвещения РСФСР, Ленинградское отделение, Л., 1959, стр. 209.

[6] А н. Дрёмов, Художественный образ, Советский писатель, М., 1961, стр. 92.

Ёки тандир тўла чўғ — оташ мисол —
Жуда гўзал эди у шу холича.
(Жуманиёз Жабборов)

Шоир дарахтдаги олича мевалари ининг ол-ол яшнашини кўриб, тандир тўла чўғни кўз олдига келтириши етарли мантиқий асосга эга эмас. Албатта, бу ўринда ўхшатилган предметларда баъзи умумийлик аломатлари мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Олича ҳам қизил, чўғ ҳам қизил. Оличанинг қуёшда товланиши чўғнинг ловуллашини эслатиши мумкин. Автор ҳам худди шу хусусиятларни назарда тутган. Лекин мазкур контекстда «чўғ—оташ»нинг «тандир тўла» сифатлаши билан биргаликда келиши назарда тутилган ўхшашликка путур етказган. (Агар олича мевалари яшикда ёки токчада товланганда «тандир тўла чўғ — оташ мисол» бўла оларди).

Ҳассос шоирлар ўхшашликни мантиқий асосланишига алоҳида эътибор билан қарайдилар:

Қайғуриб кўп йиғламоқдин кўзларим бўлди шафақ,
Жола янглиғ кўз ёшим ҳар қатраси бир носқовоқ.
(Сўфизода)

Юзаки қараганда кўз ёши билан носқовоқ ўртасида ўхшашлик йўқдек кўринади. Лекин шоир яратган контекстдаги ўхшатиш кишини хаяжонлантирмай қўймайди. Чунки унинг қуйидагича мантиқий асоси бор:

1. Кўп йиғлайверган кишининг кўзи шафақдай қизариб кетишига ишонамиз.

2. Жуда кўп тўкилаётган кўз ёшининг «жола янглиғ» кўриниши ҳам ҳиссий ҳақиқатдан йироқ эмас.

3. Кўз ёшининг «жола янглиғ» дейилиши ундаги «қатра»ларнинг йириклигига ишорадир.

Демак, ёшнинг қизариб кетган кўздан томаётганлиги, унинг «жола янглиғ» йириклиги, бунинг устига томчининг носқовоққа шаклан жуда яқинлиги автор ўхшатишидаги муболаганинг ҳаётий эканлигини тасдиқловчи далиллардирки, улар ҳиссиётни тўла ифодалайдилар.

Ўзбек адабиётида ўхшатишларнинг турли формалари мавжуд[7]:

... Танам йўргакланган, муштим тугилган ,
Олтин рудасидай ишланмаган онг.
(Ғафур Ғулом)

Лола каби ёқут қадаҳ йўқ тубида дурд
Бир шиша май андоғки, ақиқи яман эрди.
(Навоий)

Биринчи мисолдаги «дай» қўшимчаси ва иккинчи мисолдаги «каби», «андоғки» сўзлари сингари ўхшатиш кўмакчилари билан яратилган ўхшатишларни классикларимиз «очиқ ташбеҳ» ёки «мутлақ ташбеҳ» деб атаганлар.

Гоҳо бирор предмет бошқа бир предметга кўмакчилар ёрдамисиз фақат маъно жиҳатдан таъкидланган ҳолда ҳам ўхшатилади:

Номанг етибон, топди кўнгул иззу шараф,
Ҳар лафзи бўлиб мурод дуррига садаф —
Ҳар сатри алам чирикининг дафъи учун,
Иқболи сипоҳидин чекибон бир саф.
(Навоий)

Бу тўртликда Навоий нома (мактуб) лафзини (сўзларини) мурод гавҳарининг садафига, нома сатрини бахт урдусининг сафига, ёпирилиб келган қайғуни ғам лашкарига ўхшатади.

[7] Биз баъзи ўхшатишлар ҳақидагина қисқача фикр юритиб, уларда ифодаланган бадиий образни аниқлашга ҳаракат қиламиз — Т. Р.

Классикларимиз томонидан «ёпиқ ташбеҳ» деб номланган бундай ўхшатишлар замонамиз поэзиясида ўчмас изларга эга:

. . . . . .

Ўзинг ахир нимасан,
Қоямисан, тоғмисан?
Ўзинг ахир нимасан,
Жаҳонмисан, боғмисан?

. . . . . .

Рангмисан, қуёшмисан,
Ҳаммасидан улуғсан!
Етук-етук сўзимни
Шаънингга айтгуликсан.

Ҳойнаҳой бир китобсан,
Минглаб қомусдан баланд.
Ҳойнаҳой Офтобсан,
Мен эса сенга фарзанд.

Ғ. Ғуломнинг «Она» номли шеъридан келтирилган бу парча «ёпиқ ташбеҳ»нинг ўзбек совет поэзиясидаги энг яхши намуналаридан биридир.

Шарқ поэзияси сирларини жуда яхши ўзлаштирган ҳассос шоир Ғафур Ғуломнинг ана шу мисраларидан фойдаланиб, ўхшатишнинг форс-тожик адабиётида «тафзили ташбеҳ» номига эга бўлган яна бир тури ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз. (У ўзбек классик адабиётида ҳам шундай ном билан аталган.) Бунда ёзувчи бирор предметни бошқа бир предметга ўхшатади, лекин уни ўхшатган предметидан афзалроқ эканини билиб, ўз ўхшатганидан қайтади ва мақсаддаги предметини ўзи ўхшатган предметидан устун даражада эканлигини таъкидлагандай ифодалайди:

Сарвромони ва лекин сарвро рафтор нест,
Моҳромони ва лекин моҳро гуфтор нест.
(Саъдий)

Шоир бу байтида ёрни сарв дарахтига ва ойга ўхшатган, бироқ сарвда рафтор (юриш), ойда гуфтор (нутқ) бўлмаганидан ўз ўхшатишидан қайтиб, ёрнинг уларга нисбатан тўкисроқлигига ишора қилган.

Ғафур Ғуломнинг юқорида биз келтирган шеърий парчасида ҳам муқаддас Она образи ўхшатишнинг ана шу формасида яратилган. Шоир буюк Онани тасвирламоқчи экан, уни қояга ҳам, тоққа ва боққа ҳам, жаҳонга, рангга ва ҳатто куёшга ҳам қиёс қилиб кўради. Лекин бари бир Она уларнинг ҳаммасидан улуғдир. Бу улуғлик мазмуни шу қадар чексизки, шоир уни таърифлашга ожиз қолгандай яна:

Ҳойнаҳой бир китобсан,
Минглаб қомусдан баланд.
Ҳойнаҳой Офтобсан...

дея хаёл суришга мажбур эканлигини англатади, бинобарин, образ авторнинг ўз тасвир предметига бўлган эмоционал муносабатини тўла ифодалайди. Ғ. Ғулом ривожлантирилган тафзили ташбеҳ орқали қиёс этилган ҳамма предметларда (оддий қоядан тортиб токи қуёшгача) буюк Она образининг турли-туман ўзига хос жилвалари акс этишига ишора қиларкан, образни ниҳоят даражада ўстириб, бебаҳо камолатга эриштира олган. Шоир тасаввурида она — бу ҳаёт, она — ана шу ҳаёт чашмаси — Офтоб — Ватан каби уйғунлашган умумлашмадир.

Демак, ҳақиқий санъаткор ижодида ўхшатиш хусусийлик билан умумийликнинг эстетик бирлиги сифатида намоён бўлади. Биз ўхшатишнинг бадиий функцияси дейилганда ана шу «бирлик»ни тушунамиз.

Бундай бадиий функция сифатлашнинг образли формаларида ҳам мавжуд.

Объектив оламдаги ҳар бир нарса ёки ҳодиса маълум даражада хусусий кўп томонламаликка, сифат ва белгиларга эгадир.

Ёзувчи ўз ғоявий позицияси, эстетик диди ва поэтик мақсадларига кўра тасвирий объектни баҳолаётганда унга хос бўлган объектив белгиларни ёхуд унга хос бўлмаган субъектив белгиларни бўрттириб тасвирлаши мумкин. Бундай тасвир кўпинча сифатлаш орқали амалга ошади.

Ҳақиқий бадиий сифатлашлар поэтик фикрнинг энг муҳим, характерли белгиларини, унинг етакчи хусусиятларини ўзида намойиш қила олади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ашула» шеърида шундай мисралар бор:

Асрлардир қора булут
Босган эди бахтингни.
Шарқингга чин қуёш чиқди,
Оч уйқудан кўзингни.

Шоир бу шеърида Шарқ меҳнаткашларининг асрлар давомида эзилишига сабаб бўлган эксплуатацион режимларни (ерни қуёшдан яширувчи) булутга ўхшатар экан, бу булут унга оддийгина бўлиб кўринмайди, аксинча, у турли мудҳиш оқибатларни (табиий офатларни) келтирувчи қора булутдир. Шеърнинг кейинги байтидаги қуёш ҳам илгари фақатгина умид ва орзуларда яшаш ҳуқуқига эга бўлган қуёш эмас, у ҳақиқатга айланган, Улуғ Октябрь революцияси яратган инсоний ҳаёт манбаи — чин қуёшдир; ҳар қандай қора булутларни парчалаб, зиё сочувчи янги бахт истиқбол қуёши — «Шўро» давридир.

Ташқи жиҳатдан примитив кўринган бу икки сифатлаш Ҳамза қалами туфайли ўқувчи учун ана шундай чуқур мулоҳаза ва мушоҳада юритиш сабабчисига айланган. Шоир ўз поэтик мақсадини жуда яққол гавдалантира олган.

Сифатлаш бадиий аниқловчидир. Бироқ уни тилимизда учрайдиган ҳар қандай грамматик аниқловчи билан тенглаштириб бўлмайди. Грамматик аниқловчи — муайян гап бўлаги. Сифатлаш эса турли гап бўлакларидан тузилиши мумкин.

Халқ тилида бадиий аниқловчининг хилма-хил элементлари учрайди.

Санъаткорнинг новаторлиги эса шу умумхалқ тилидаги сифатлаш формаларини мумкин қадар тўла ўзлаштирган ҳолда ривожлантира олишда, уларни асар контекстида янги маъно оттенкалари билан бойитиб, учрамаган фалсафий мушоҳадаларни ташувчи ёхуд таъкидловчи воситага айлантира олишда кўрнади. Чунончи, Ғ. Ғулом «Хотин» шеърида шундай ёзади:

Базмимда шулардек шаъмим бўлмаса,
Лабимда не лаззат берарди шароб.
Муттасил ҳамёза, ҳаёт бебўса —
Супурги тегмаган хонумон хароб.

Қандай чуқур поэтик фикр бу! Дарҳақиқат, «хотин зоти»нинг ҳаётда тутган ўрнини тушуниш учун бир дақиқа бўлсада усиз рўй берадиган аҳволни кўз олдимизга келтирайлик. Бу аҳвол ҳассос санъаткор тафаккурида атиги уч энг характерли белги орқали ўз ифодасини топган. Аммо бу белгиларнинг мазмуни жуда кенг. Масалан, «муттасил ҳамёза»ни олайлик. Уни ўқир эканмиз, биринчи галда, она сутидан маҳрум бўлгани учун очликдан муттасил тамшаниб эснаётган гўдак тақди-

рини ёки ҳаётда бирор «мунис», «меҳрибон», «жафокаш» ҳамроҳсиз руҳий тушкунликка юз тутган бошқа инсон тақдирини ва қолаверса шунга ўхшаш бошқа-бошқа «хароб»лик нишоналарини бирин-кетин эслаймиз. Шоир «бир кесак билан икки қарғани» ура билади.

Сифатлашнинг ҳар қандай кўринишига образли тасвирий восита қийматини юклайвермаслик керак. Масалан, **ола сигир, қизил гул, қора кўз, ёғоч каравот, олтин соат, катта оила** кабиларда аниқловчилар ўз аниқланмиши хусусиятларини аниқ эслатадиган конкрет тасаввур — образлар эмас.

Ола сигир ҳар хил бўлиши мумкин (қора ола, қизил ола, сариқ ола, йўл-йўл ола, танга ола ва ҳ. к.), ёғоч каравот, олтин соатларнинг эса бир неча турлари мавжуд. Бундай аниқловчилар абстракт ҳолатга эга бўлган умумий тушунчани ифодалайдилар. Улар ўз даврида конкретликка эга бўлганлар албатта. Лекин вақт ўтиши билан турли объектив ва субъектив сабаблар таъсири натижасида аниқлаётган предметлари билан тобора яқинлашиб, битта умумий тушунчага айлана бошлаганлар[8].

Агар нарса ва ҳодисалар хусусияти образ орқали аниқланса, сифатлаш образли тасвирий воситага айланган бўлади. Халқ тилида образли сифатлашлар жуда кўп: укки кўз, айиқ юриш, ғунча лаб, эчки соқол ва бошқалар.

Мазкур бирикмалардаги сифатловчилар сифатланмишнинг ўз белгиси бўлмай, балки шу белгини эслатадиган унга ўхшаш аломатларга эгалиги учун бошқа предметдан кўчирилган образ — белгидир.

Образли сифатлашлар ўз сифатланмиши белгисини фақат таъкидлабгина қолмай, уни тўла характерлай оладилар ҳам.

Конкрет мисолга мурожаат этайлик: «Зиёдулланинг укки кўзида совуқ шуъла йилтиллади» (Ҳамид Ғулом, «Машъал», 1-китоб, 117—118-бетлар).

Ўқувчи Зиёдулланинг кўзини тасаввур қилмоқчи бўларкан, аввало, у уккининг кўзидаги йилтироқлик, ваҳшийлик ва ҳ. к. аломатларни, қарашидаги совуқлик, ваҳималилик каби хусусиятларни кўз олдига келтиради. Бу аломатлар айни вақтда Зиёдулла кўзига кўчиб, унинг характерли белгисига айланган ҳолда гавдаланади. Бироқ бундан Зиёдулланинг кўзи укки кўзининг айнан ўзи экан, деган хулоса чиқармаслик лозим.

Уккининг кўзидаги хусусият ёрдамчи образ эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Зиёдулла кўзи аломатлари ҳақидаги тасаввур эса тамоман янги бўлади. У худди ўхшатишда эслаганимиздек, умумийликнинг (Зиёдулла билан укки кўзи аломатлари ўртасидаги) хусусийлик билан (Зиёдулла кўзига хос) эстетик бирлиги асосида ташкил топган бадиий образдир.

Англашиладики, образли сифатлашлар предмет белгисини фақат таъкидлабгина қолмай, балки шу белги ҳақида бадиий образ пайдо бўлишига сабаб бўладилар.

Мажознинг ўхшашсиз кўчимлар асосига қурилган формалари ҳам тилда мавжудки, уларни образли ифода деб бўлмайди.

Ўхшашсиз кўчимлар бир тушунчани шу тушунча билан қаттиқ боғланган унинг ўзига тегишли бўлган бошқа ном орқали ифода этиш ҳосилалари, яъни метонимиялардир.

Метонимия нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчани энг сиқиқ фор-

---

[8] Лингвистикадан маълумки, аниқловчи билан аниқланмишнинг бир-бирига қўшилиб кетиши янги тушунча — қўшма сўзни келтириб чиқаради.

мада ифода этишга имкон яратувчи[9] бадиий восита ҳисобланади. Чиндан ҳам бутун нарса ўрнига унинг бўлаги, бўлак ўрнига бутун, кўплик ўрнига бирлик, меҳнат натижаси ўрнига қурол, меҳнат натижаси ўрнига уни бажарган шахс кабиларнинг номини қўллаш орқали тўла фикр баён эта билиш ифодада сўз тежаш усулларининг бири демакдирки, бу нарса ҳар қандай талант стилини баҳолашда биринчи даражали аҳамиятга молик.

Албатта, биз ўз ишимизда ҳамма мажозий турлар ва уларнинг хилма-хил кўринишларини текшириб чиқмадик. Улар, шубҳасиз, жуда кўп.

Лекин шунга қарамай келтирилган фактларнинг ўзи ҳам мажознинг бадиий функцияси ҳақида айрим хулосаларга эга бўлишимизни таъминлайди. Улар қуйидагилар:

1. Мажоэнинг ҳар бир тури ўзига хос бадиий функцияга эга. Ҳар қандай мажозий ифодани образли тасвирий восита деб қараб бўлмайди.

2. Образли ифода билан бадиий образ тушунчаси алоҳида тушунчалардир[9].

Образли ифоданинг бадиий қиймати унда мавжуд бўлган бадиий образ қиймати нуқтаи назаридан ўрганилиши керак. Агар бу бадиий образ конкрет асардаги (бадиий) образлар системасининг таркибий қисми бўлолсагина, бадиий аҳамият касб этади.

3. Ўхшашсиз кўчимлар образлиликка эга эмаслар ва уларнинг бадиий функциялари ўхшашли кўчимлар функцияларидан фарқ қилади.

Образли кўчимларни бировга тақлидан қўллаш жимжимадорликни келтириб чиқаради, чунки улар хусусий ҳиссиётни ифодалайдилар.

Ўхшашсиз кўчимларда бу мумкин. Чунки метонимиялар умумий алоқадаги тушунчалар асосига қурилади.

---

[9] Мазкур хусусият метафорада айниқса кучлидир. Бироқ метафорик фикрий сиқиқлик образда намойиш этилгани учун жуда мураккаб хилма-хилликка эгаки, уни бу кичик мақолада ёритиш имкониятига эга эмасмиз — **Т. Р.**

[10] Бадиий образ терминининг мазмуни ҳақида ҳозирги адабиётшуносликда турли хил қараш мавжуд эканлигини таъкидлаган эдик. Биз бу ҳақдаги ўз мулоҳазамизни кейинги мақоламизда баён этамиз—**Т. Р.**

ТЎХТА БОБОЕВ

ОЙБЕК ИЖОДИ ВА БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Ўзбек совет адабиётида ўзига хос маҳорат мактаби яратган устоз санъаткор Ойбек ижоди кўп қиррали. У қатор романлари, повестлари, поэмалари ва шеърлари билан асосан катталар ёзувчиси сифатида шуҳрат қозонган. Аммо санъаткорнинг болаларга атаб ёзган бадиий асарлари ҳам оз эмас. Ўзбек совет болалар адабиётининг олтин фондига қўшилган «Шаҳарча болаларига», «Шоирнинг болалиги», «Кўчадан кетаркан...», «Болаликни эслаб», «Эсимда қолганлардан», «Хотирадан изларр», «Ёшлик хотираларидан» каби шеърлар; «Бобом», «Зафар ва Заҳро», «Ҳақгўйлар» номли поэмалар; «Қонли бармоқлар», «Мискин болалар» сингари ҳикоялар; «Болалик» повести ва «Суюкли қизлар ва ўғиллар», «Ўқиш-ўрганиш палласи», «Ҳурматли ўқувчиларим» каби публицистик мақолалар севимли ёзувчимиз Ойбек қаламига мансуб. Санъаткорнинг «Аҳмаджон боғбон», «Раҳмдил Турғун», «Қиш кечаси» каби қатор шеърлари эса мактаб ўқув программаларидан аллақачон мустаҳкам ўрин олган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ойбекнинг болаларга атаб ёзган асарларининг кўпчилиги муаллифнинг болалик хотираларидир. Лекин бундай асарлар шунчайики авторнинг болалиги ҳақидагина маълумот бериб қолмайди. Болалик хотиралари Ойбек ижодида «ҳаётни образли акс эттириш воситаларидан бири ҳисобланади ва шоирнинг мазкур ҳаётни қандай кўришини, дунёқарашини ифодалашга хизмат этади... Лирикада автобиографик фактлар, табиат ва жамият ҳаётининг бошқа ҳамма ҳодисалари ва воқеалари каби, образлилик касб этади, биографик ҳужжат доирасидан чиқиб, бадиий образ, поэтик умумлашма, эстетик-гоявий категория бўлиб қолади»[1].

Ойбек ўз болалик хотираларига бағишланган асарларида ўтмишда золимлар оёғи остида топталган болаликни ёш китобхон кўз ўнгида жонли гавдалантиради.

«Шоирнинг болалиги» шеърида муаллиф эски мактаб ҳаётини сатирик бўёқларда тасвирлайди:

Катта бир уй, қоронғу,
Ис босган, чангли, захкаш[2].

Ана шундай «қоронғу, ис босган, чангли, захкаш» уйда «гўдак, муртли аралаш» «таълим» олади. Бу ўринда шоир, биринчидан, «мактабхона»нинг яроқсизлигини таъкидласа, иккинчидан, «гўдак, муртли аралаш» ўқитилишининг аянчи эканлигини кўрсатади. Бунинг устига

[1] Ҳ. Ёқубов, Ғоявийлик ва маҳорат, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1963, 60-бет.
[2] Ойбек, Танланган асарлар, тўрт томлик (Биринчи том. Шеърлар, поэмалар), Тошкент, Ўзадабийнашр, 1957, 110-бет.

талабалар товушларининг борича бақиришиб, сабоқ ёдлайдилар... Домланинг зиқналиги, таъмагирлиги, инсофсизлиги ва шафқатсизлиги эса дард устига чипқон. Шу зайлда бегона тилда ўн йиллар давомида ўқиб, мактабдан илмсиз чиқиб кетганларнинг ҳисоби йўқлиги табиий бир ҳолдир.

Шоир эски мактабда зое кетган умри ва болалигига баҳо берар экан, ҳақли равишда шундай хулосага келади:

Эсиз... о, эсиз умрим,
Уриндим бир неча йил.
Нур кўрмай — сиёҳ дилим,
Болалик бўлди чил-чил...[3]

Ойбек «Шаҳарча болаларига» шеърида «нурсиз ва чексиз оғир» кечган ўз болалик даврини «қуёш ва бахт ҳамиша ёр бўлган» совет давридаги болаликка муқояса қилади. Шеърда муаллиф ўз болалиги кечган даврдаги ўйинлар — ит, хўроз уриштириш, ошиқ отиш, каптарбозлик, муштлашиш, «қўлларда қордан тўп — икки томон ёв» бўлиб жанг ўйнашдан бошқани билмаган, «мактаб йўли оғир» бўлган замондаги болалагини афсусланиб эслайди, болаликни «чил-чил» қилган социал муҳит устидан эстетик ҳукм чиқаради.

Шеърнинг иккинчи қисмида автор совет давридаги қувноқ ва бахтли болаликни олқишлайди. Шоир айтганидек, ўтмишдаги забун болаликдан совет болалиги тубдан фарқ қилади: совет болаларининг хизматида ёп-ёруғ янги мактаблар, китоб, радио, патефонлар... Буни эса ўтмишда болалар тушларида ҳам кўра олмаганлар. Совет замонасида «кийим, ҳатто, исмлар бошқа...»

Сумкада ҳафтияк эмас, ҳандаса,
Юрар фикрингизда қуёш системи.
Дунё тўлқинларин сиз муҳокама
Қиласиз, кўзлайсиз фан чўққисини[4].

Шоир бахтиёр совет болаларини мана шундай ҳаяжонли ва эҳтиросли мисраларда шарафлайди. Чиндан ҳам, шоир айтганидек, «ҳозир болаларимиз дунёнинг энг бахтиёр болалари бўлдилар. Улар учун етук одам бўлишга, ўсишга, порлоқ келажакка ҳамма йўллар очиқ...»[5]

Ойбекнинг «Эсимда қолганлардан», «Ёшлик хотираларидан», «Онамни эслаб», «Хотирадан излар» каби шеърларида ҳам худди шу мавзу янада чуқурлаштирилган. «Бобом» поэмаси эса бу мавзудаги шоирнинг шеърий асарлари орасида алоҳида ўрин тутади.

«Бобом»да ўтмишдаги забун болалик билан совет давридаги қувноқ болалик лиро-эпик планда муқояса қилинади, болаларимизга чинакам бахт, ёрқин ҳаёт ва кексаларимизга иззат-ҳурмат, қадр-қиймат, фаровон турмуш бахш этган жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, барча моддий ва маънавий бойликларни яратувчи қудратли куч — меҳнаткаш халқ олқишланади; ёшларимизни Совет Ватанининг етук фарзандлари бўлиб етишишга даъват этилади.

Санъаткорнинг «Болалик» повести ўзбек совет адабиёти, жумладан, болалар адабиёти хазинасига қўшилган қимматбаҳо ҳисса бўлди. Автобиографик пландаги бу асарни ўқиган ҳар бир китобхон халқимиз тарихидаги бурилиш нуқталар — 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати, 1917 йилги буржуа-демократик революцияси ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси тасвирини кўради, муайян давр садосини тинг-

[3] Ўша асар, 111-бет.
[4] Ўша асар, 85-бет.
[5] Ойбек, Ўқиш-ўрганиш палласи, «Ленин учқуни», 1 июль 1946 йил.

лайди. Шуниси характерлики, асардаги персонажларнинг кўпчилиги болалар. Асар марказида ҳам ёш бола — Мусавой (бўлажак ёзувчининг ўзи) образи туради. Асардаги воқеа-ҳодисалар, персонажлар бош қаҳрамон Мусавой тилидан баён қилинади, унинг дунёқараши, ички кечинмалари орқали берилади.

«Болалик»да Мусавой, Аъзам, Турғун, Ҳожи, Аҳмад каби китобхон хотирасида сақланиб қоладиган бир қатор болалар образлари мавжуд. Адиб асардаги персонажларни қанчалик умумлашма образ даражасига кўтаришга интилган бўлса, уларни шунчалик индивидуал томонларини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилган. Ўтмишдаги забун болаликни муаллиф ана шундай болалар образлари воситаси билан кашф этган. Зулм ва қабоҳат, очлик ва қашшоқлик, тенгсизлик ва адолатсизлик, жабр-зулм ҳукм сурган бир пайтдаги — революциягача бўлган даврдаги болаликни эпик планда бадиий тадқиқ этар экан автор «бизнинг болалик ҳаётимиз бўш, бемаъни, зериктиргич, қайғу-аламга тўла бир ҳаёт бўлган» деган ҳаққоний хулосага келади. Ҳатто, ёзувчи ўтмишдаги болаларнинг тирикчилиги, ўйинлари, эски мактабларнинг яроқсизликлари, қисқаси, ўтмишнинг қатор фожиаларини кўрсатиш орқали ҳам юқоридаги фикрини далиллайди.

Шундай қилиб, Ойбек ўз болалик хотираларида ўтмишдаги забун болаликни бадиий ифодалаш орқали ёш китобхонларни «ёшлик чоғлариданоқ, ҳатто, ўйинларда ҳам онгли ва онгсиз равишда ўтмишга интилишдан узил-кесил воз кечиш»га чақиради ва шу мақсадда «болалар кўз ўнгида ўтмиш жараёнини намоён эта»ди[6].

Ойбек хорижий Шарқ мавзуидаги асарларининг баъзиларини жажжи китобхонларга бағишлаган. «Зафар ва Заҳро» поэмаси ана шундай асарлари жумласига киради.

«Зафар ва Заҳро»да автор покистонлик меҳнаткаш болаларнинг аянчли, аниқроғи, қулларча ҳаёт кечираётганлигини кўрсатади.

Қичик ёшдаги болаларга мўлжалланиб ёзилган «Қонли бармоқлар» ва «Мискин болалар» ҳикоялари Ойбекнинг болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятларини пухта ўзлаштириб олган етук санъаткор эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

«Қонли бармоқлар» ҳикоясининг бош қаҳрамони эндигина тўққиз ёшга тўлган Алидир. Али ҳокимлар томонидан қамоққа олинган—тинчлик учун астойдил курашган, ватанпарвар кишининг фарзанди. Оила бошлиғи қамоққа олингач, касалманд она билан кўчага ташланган Али тирикчилик учун ноиложликдан «бахшиш» чилик—тиланчилик йўлига киради. «Сил билан, йўқчилик билан, ғам билан ҳамиша курашиб келган она» эса бевақт оламдан ўтади. Отадан ҳам, онадан ҳам ажралиб қолган Али етимлик, дарбадарлик, очлик, «бахшиш» чилик гирдобига ғарқ бўлади. Мана Покистонда тинчлик ва эрк учун курашган софдил, ватанпарвар кишилар қисмати! Ёзувчи биргина Алилар оиласи мисолида Покистонда тинчлик ва демократия учун курашувчилардан шафқатсиз равишда қонли ўч олинаётганлигини, Покистон ҳокимларининг жирканч қиёфалари — жаллодона ҳаракатларини очиб ташлаган.

Ёзувчининг хизмати шундаки, у қаҳрамон характерини, унинг интеллектуал оламини очишда ҳикоядаги ҳар бир деталь ва воситадан моҳирона фойдаланган; қаҳрамонни ёш китобхон кўз ўнгида жонли кишидек ҳаракат қилишини таъмин этган. Фикримизнинг исботи учун ҳикоядан, лоақал, биргина эпизодни олиб кўрайлик:

«Ойнали кенг-ковул магазинлар, катта дўконлар ва қутичадай дўкончалар ёнида айланиб юрган» Алини тасодифан дўкондорлардан бири хизматга буюриб қолади.

[6] М. Горький, Адабиёт ҳақида, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1962, 223-бет.

Мана шу эпизод:

«— Бери кел! — дея қичқирди дўкондор, бақалоқ, соч-соқоли сариқ. **Бола ҳангу манг бўлиб қолди ва қўрқа-писа дўкон томон борди.**

— Ҳа, товба, нега анграясан, — дўкондор жаҳл аралаш деди. — Мана бу яшикларни бўшат.

— **Ростданми?** — дея тушунқирамай сўради бола.

Дўкондорнинг «ҳа» деган товушини эшитгач, **бола узун хўрсинди, жилмайди.** Қир, калта куйлагининг енгларини шимариб ишга тушди».

Шу эпизоддаги Алининг хатти-ҳаракатларига диққат қилайлик: дўкондор Алини хизматга буюрар экан «бола ҳангу манг бўлиб қолади». Ҳа, шундай ҳоли ночор бўлиб турган бир пайтда унга иш топилиб қолиши, «бахшиш»чилар ибораси билан айтганда, чинакам омад. Чунки хизмат, ҳар қанча машаққатли бўлса-да, унинг хизмат ҳақиси — «бахшиш»и бўлади. Тиланчи бола ва унинг ўлим тўшагида ётган оч онаси эса ана шу «бахшиш»га муҳтож. Шунинг учун Али дўкондорнинг бундай «мурувватти»дан ўзини йўқотиб қўяй дейди, тўғрироғи, тасодифан келган омадга ишонгиси келмайди. Алининг «қўрқа-писа дўкон томон бориши» ва «ростданми?» дея сўраши, ниҳоят дўкондордан «ҳа» жавобини эшитгач, кўнгли тинчиб — тасодифий омадга ишониб, «узун хўрсиниб» ва, ҳатто, «жилмайиб» қўйишининг боиси ана шу. Ёзувчи Алининг хатти-ҳаракатларини унинг ички дунёсига — руҳий кайфиятларига шу қадар уйғун ва табиий қилиб чизиб берган. Бу эса муаллифнинг қаҳрамон психологиясига чуқур кириб борганлигини, санъаткорлигини кўрсатади. Чиндан ҳам мана шундай сиқиқ, бўёқдор картиналар яратиш ва ҳаётни шундай воситалар орқали китобхон кўз ўнгида гавдалантириш — чинакам санъаткорлик намунасидир.

Аввало шуни қайд этмоқ лозимки, Ойбекнинг катталар учун ёзилган асарлари билан болаларга бағишланган асарлари ўртасида услубий яқинлик, умумийлик бор. Масалан, «Қутлуғ қон» романи билан «Болалик» повести ўз тасвир объекти ва кўтариб чиқилган масалалари билан бир-бирига жуда яқин туради, тўғрироғи, бир-бирини тўлдиради, бойитади. Ҳар иккала асар ҳам китобхонни ўзбек халқининг Октябрь инқилоби арафасидаги ҳаёти билан таништиради, инқилоб ҳаётий зарурият сифатида юз берганлигини ва у ҳаётимизда янги давр — чинакам эрк ва бахт қарор топадиган даврга асос солганлигига тўла ишонтиради. Ойбек болалар учун ёзган асарларида, жумладан «Болалик» да ҳам катта социал масалаларни акс эттирганлигидан бундай асарларини катталар ҳам зўр қизиқиш билан ўқийдилар, ундан эстетик озиқ оладилар. Бундай асарларнинг болалар учун ёзилганлигини кўпинча пайқамайсан киши. Бу — болалар учун маҳорат билан ёзилган асарларгагина хос бўлган хусусиятдир. Бу ҳақда улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский: «Болалар учун ёзингиз, лекин шундай ёзингизки, сиз ёзган китобни катталар ҳам маза қилиб ўқийдиган бўлсин. Ўқиганда ҳам ўз ёшликларининг нашъали йилларини эслаб ҳузур қиладиган бўлсин»[7], деб ёзганида тамомила ҳақ эди.

Яна бир умумийлик шундаки, Ойбек болаларга аталган асарларида ҳам, катталарга деб ёзилган бадиий полотноларида ҳам ҳаётни қатъий реалистик принциплар асосида тасвирлайди. Аммо Ойбекнинг болалар ва катталарга аталган асарлари ўртасидаги услубий тафовутларни ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Бундай тафовут, биринчидан, асарлардаги қаҳрамонларнинг ёши, савияси, тушунча доирасида кўзга ташланади. Болаларга аталган асарларида у турмуш воқеа-ҳодисаларини,

---

[7] В. Г. Белинский. Собр. соч. в трех томах, т. 1, М., Гослитиздат, 1948, стр. 540.

социал масалаларни содда ва равон услубда (ҳаётдаги оқ-қорани бир-биридан ажратиб, ёрқин ва бўёқдор қилиб кўрсатади) таҳлил этадики, бу болаларнинг дидлари ва билим савияларига тўла мос бўлиб тушади.

Ана шундай тафовутларни асарнинг сюжет йўналишида, композицион қурилишида, бадиий-тасвирий воситаларнинг ишлатилишида, автор ва персонажлар тиллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай асарларда эса Ойбекнинг болалар адабиётининг спецификаси, талаб ва имкониятларини ҳисобга олганлиги яққол кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек болалар адабиётини бойитишда катта хизмат қилган моҳир санъаткорлардан биридир. У ана шу хизматлари эвазига Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Ойбек ўтган йили «Болалик» повести учун Ҳамза мукофотининг лауреати бўлди. Бу — адибнинг болаларга бағишлаб ёзилган асарларининг эстетик-тарбиявий қиймати катта эканлигининг ёрқин намунасидир.

———

В. А. АБДУЛЛАЕВ
филология фанлари доктори, профессор
Б. ВАЛИХЎЖАЕВ
филология фанлари кандидати, доцент

«МАЖОЛИСУН-НАФОИС» ТИПИДАГИ БИР ТАЗКИРА ҲАҚИДА

(Мутрибий ва унинг «Тазкиратуш-шуаро»си)

Алишер Навоий бадиий меросининг қардош адабиётлар тараққиёти учун ўйнаган роли нисбатан батафсил ёритилган бўлса-да, аммо унинг илмий мероси, хусусан адабиётшуносликка доир асарларининг, жумладан, «Мажолисун-нафоис»нинг XVI—XX асрлар орасида яратилган тазкираларга кўрсатган ижобий таъсири масаласи ҳали етарли ва тегишинча текширилган эмас. Бу соҳада қилинган айрим ишлар эса катта проблемани ёритишга киришишнинг бошланиши сифатида муҳимдир.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» номли асари Шарқ адабиётидаги тазкирачилик традицияси заминида пайдо бўлиб, ўз навбатида бу традицияни бойитган, ривожлантирган таснифлардандир. Зеро «Мажолисун-нафоис» яратилгунга қадар форс-тожик тилида ёзилган «Лубобул-албоб», «Тазкираи Давлатшоҳи» ва Жомий «Баҳористон»нинг бир қисми умумий-тарихий тазкирачилик типидаги асарлар бўлиб, улар бир неча асрнинг шоир ва адиблари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олар эди. Умумий-тарихий тазкирачилик традициясининг фазилатлари билан бир қаторда, уларда замондошларга кам эътибор бериш, ўтмиш шоир ва адиблари ҳақидаги кўпгина маълумотларнинг компилятив характерда бўлиши ёки ривоят ва афсоналарга асосланиши ҳолатлари ҳам сезилиб туради.

Ана шу нуқсонлардан бирини, яъни умумий-тарихий тазкираларда замондошларга кам эътибор бериш ҳолатини Алишер Навоий XV асрдаёқ тўғри сезиб, ўзининг асарини замондошларига бағишлади:

«Шикаста хотирга ва синуқ кўнгулга келдиким, бир неча варақ битилгай ва асар шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунғи шуарои акобир зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлиға қўшулғайлар»[1].

Шу туфайли Алишер Навоий ўзининг замондошларидан бўлган кўпгина шоир ва адиблар номини тарих майдонига олиб кирди. Шундай қилиб, тазкирачилик традицияси тарихида янги бир традиция маҳкам ўрнашиб қолди. Натижада, XV асрдан бошлаб тазкирачиликда икки традиция — умумий-тарихий тазкиралар ва замондошларга бағишланган тазкиралар традицияси параллел давом этиб келди.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис»ини ёзишда форс-тожик тилидаги тазкиралардан қанчалик баҳраманд бўлган бўлса, кейинчалик Навоий асарининг традициялари, ўз навбатида, тожик ва озарбайжон тилларида ёзилган тазкираларга ижобий таъсир кўрсатди.

XVI—XVII асрларда «Мажолисун-нафоис» типида яратилган тазкиралардан Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири-аҳбоб» (1566), Мутрибий-

[1] Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис. Илмий-танқидий текст, нашрга тайёрловчи С. Ғанкева, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1961, 3—4-бетлар.

нинг «Тазкиратуш-шуаро» (1604—1605), Мулло Содиқ Самарқандийнинг «Риёзуш-шуаро» (тахминан XVII асрнинг 40-йиллари), Малеҳо Самарқандийнинг «Музокирул-асҳоб» (1692), Содиқбек Афшорнинг «Мажмаул-хавос»ларини эслатиб ўтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Шулардан бири 1604—1605 йилларда Мутрибий томонидан Мовароуннаҳрда тузилган «Тазкиратуш-шуаро»дир. Бироқ асар авторининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир материаллар етарли эмас.

Мутрибийнинг бу тазкираси ва «Тарихи касира»да келтирилган айрим маълумотлар унинг кенг маълумотга эга эканлигини кўрсатади. Мутрибий ўз даврининг яхши шоири ва олими бўлиб қолмай, машҳур мусиқачиси ва мусиқшуноси бўлганлиги туфайли ҳам ўзига «Мутрибий» тахаллусини қабул қилган. Зотан, «Тарихи касира»даги қуйидаги сўзлар ҳам шундай гувоҳлик беради:

«Мавлоно Мутрибий, ки замзамаи мурғони зушнавои маониро дар қафаси қолиси лафз ба нағмоти довуди ба саи худовандони симоъ ва даръёбандагони замзама истимоъ мерасонид»[2].

(Мазмуни: Мавлоно Мутрибий шоирларнинг шеърларини ажойиб куйларга солиб, эшитувчиларга тақдим этарди, яъни ижро этарди.)

Мутрибийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти асосан Самарқанд ва Бухорода ўтди. У ўз даврининг машҳур олими ва шоири бўлмиш Ҳасан Нисорийдан таълим олган ва уни ўз устози деб билган. Шунинг учун Мутрибий Нисорий ҳақида доим меҳр-муҳаббат билан сўз юритади, унинг номини ҳурмат билан тилга олади.

«Тазкиратуш-шуаро» ва «Тарихи касира»да келтирилган айрим маълумотларга асосланиб, Мутрибий XVI асрнинг 50-йилларида туғилиб, XVII асрнинг 30-йилларида вафот этган, деб тахмин қилиш мумкин.

Мутрибийнинг бизгача етиб келган адабий мероси оз. Манбаларда унинг айрим ғазал, қитъалари борки, улар авторнинг яхшигина шеърлар ёзганидан далолат беради. Бундан ташқари, проф. А. Мирзоевнинг маълумотларига қараганда, Мутрибийнинг «Тарихи жаҳонгирий» деган асари ҳам бўлиб, у Британия музейида сақланади.

Мутрибийнинг бизни қизиқтирган масалага доир асари «Тазкиратуш-шуаро»дир. Бу асар узоқ вақт олимларимизга номаълум бўлиб келди. Ҳатто, С. Айний ҳам 1925 йилда ўзининг «Намунаи адабиёти тоҷик» асарини ёзаётганда, буни билмаган эди[3]. Фақат 1952 йилдагина «Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари» тўпламининг I томида бу асарнинг муфассал тавсифи берилди[4].

Шундан сўнг у Р. Ҳодизода[5], А. Мирзоев[6] ва бошқаларнинг илмий ишларида тилга олиниб, унинг катта илмий-тарихий аҳамияти таъкидланди. Бу асар ҳақида алоҳида мақолалар нашр эттирилди[7]. «Ўзбек ада-

---

[2] «Тарихи касира», СамДУ қўлёзмаси, инв. 176502.

[3] С. Айний, Намунаи адабиёти тоҷик, М., 1926, саҳ. 151.

[4] СВР, т. I, Ташкент, 1952, стр. 130—131.

[5] Р. Хади-заде, Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX века. Труды ИЯЛ АН ТаджССР, т. 56, изд. АН ТаджССР, 1956, стр. 10.

[6] А. Мирзоев, Оид ба баъзе масъалаҳои мероси адаби ва омута шудани он. ж. «Шарқи Сурх», 1959, № 4.

[7] Б. Валиходжаев, Мутриби и его «Тазкиратуш-шуаро». Материалы третьей объединенной научной конференции ученых г. Самарканда, Самарканд, 1961, стр. 182—185; Р. Муқимов, Б. Валихўҷаев, Чанд сухан оид ба як тазкира, ж. «Шарқи Сурх», 1961, № 9, саҳ. 150—154; Р. Муқимов, Б. Валихўҷаев, Оид ба як тазкираи аввали асри XVI ва муаллифи он. Алишер Навоий номидаги СамДУ асарлари, янги серия, № 114, Самарқанд, 1961, 5—18-бетлар; Б. Валихўжаев, XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қараашлари тарихидан. СамДУ асарлари, янги серия, № 138, Самарқанд, 1964, 123—142-бетлар.

биёти тарихи» дарслигида қисқа илмий ахборот берилди[8], чет эл шарқшуносларн асарларида ҳам Мутрибий тазкираси қайд қилинди[9]. Совет олимлари эса ўзларининг илмий асарларида XVI аср адабий муҳитини ёритишда ундан фойдаланмоқдалар[10].

Кейинги даврда Мутрибий тазкирасига нисбатан қизиқишнинг тобора кучайишига сабаб шуки, мазкур асар XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Самарқанд ва Бухородаги адабий муҳитни ўрганиш ва ёритишда, халқлар ва адабиётлар ўртасидаги ҳамкорлик тарихини текширишда муҳим ва қимматли манбалардан биридир. Шунинг билан бир қаторда, унинг тожик тилида ёзилгани ва унда Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»и традицияларининг давом эттирилганлигини назарда тутилса, бу манбанинг қиммати янада ошади.

Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си ўзининг қандай фазилатлари билан Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»и типида яратилган тазкиралар қаторидан ўрин олади?

Бу саволга жавоб бериш учун икки масала устида тўхталиб ўтиш маъқулдир:

1. Мутрибий асарининг композицион жиҳатдан «Мажолисун-нафоис»га муносабати.

2. Шоирлар биографиясини ёритиш ва ижодиётига баҳо беришда «Тазкиратуш-шуаро»нинг «Мажолисун-нафоис» принципларига муносабати.

Биринчи масала юзасидан қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

1. Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си Навоий асари каби замондош шоир ва адибларга бағишланганлиги. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи қуйидагиларни ёзади: «Хубтарин баён ва марғубтарин бурхоне, ки дидаро нур ва дилро сурур бахшад ибороти санчида ва истиорати писандидаи фусаҳои номдор ва шуарои олимикдор аст. Бас чун дар ҳар аср яке аз фузалон дахр асомин ин тоифаи киромини номиро дар ҳиттаи тасниф оварда ашъори дурарбор ва гуфтори шаккарнисори эшонро дар силка таълиф кашида нусхае ба ёдгории сафҳаи рўзгор гузашта. Ва аз чумлаи нусхаи машҳураи мўътабара яке тазкираи амири бо интибоҳ Давлатшоҳ аст ва дигаре «Мажолисун-нафоис»и амири кабир Алишер аст ва дигаре китоби олихитоб «Музаккири-аҳбоб»и Махдуми ва устодилғариқ... Ҳазрати Ҳасанхоҷа Нисории Бухорист... Бинобарин фақири ҳақир ...дар забт ва рабти асомии сомии шуарои муосир ва ғайр ҳам кўшида, натоиҷи абкори афкори... эшонро... аз ҳар боб эрод намуда, китобе сохт»[11].

(Мазмуни: Олиқадр шоирлар ва нозикбаён машҳур кишиларнинг синалган ва ёқимли сўзлари энг яхши иборалар бўлиб, улар кўзларга нур ва кўнгулларга шодлик-хурсандлик бағишлайди. Шунинг учун ҳар бир асрнинг донишмандлари бундай юксак ва ҳурматли кишилар номини китобларга киритдилар, уларнинг ширин сўзларидан мисоллар келтириб, дунёда ажойиб бир ёдгорлик қолдирдилар. Шундай мўътабар ва машҳур асарлардан бири амир Давлатшоҳнинг тазкираси, яна бири амири кабир Алишернинг «Мажолисун-нафоис»и ва яна бири машҳур устод Ҳасанхўжа Нисорий Бухорий ҳазратларининг «Музаккири-аҳбоб»идир. Шунинг туфайли бу фақир ҳам ўзига замондош бўлган шоирларнинг

[8] В. Абдуллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, II том, Тошкент, 1964.

[9] Ian Rypka, Dejiny perskè utadzikè literatury, Praha, 1963, 428-бет.

[10] М. Ю. Гули-заде, Лирика Физули. Автореферат диссертации на соискание ученой степ. док. филолог. наук, Баку, 1965; Имронов, Ион Ямини Фарюмади ва Ибн Ямини Шибирғони, ж. «Садои Шарқ», 1964, № 12.

[11] Мутрибий, Тазкиратуш-шуаро, ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв. 2253, 3—4-бетлар.

номларини зикр этувчи ва уларнинг турли хил асарларидан намуналар келтирувчи бир асарни яратди.)

Мутрибий бу ўринда Алишер Навоий тазкирасини мўътабар ва машҳур асар сифатида алоҳида қайд қилиш билан бирга, ўзининг унга нисбатан бўлган меҳру муҳаббатини таъкидлайди.

Мутрибий ўз асарида XVI аср иккинчи ярми ва XVII аср бошларида яшаб ижод этган 320 дан ортиқ сўз санъаткорлари тўғрисида маълумот беради. Шуниси муҳимки, аслан Шом, Ироқ, Машҳад, Гелон, Язд, Деҳли, Ҳамадон, Балх, Кобул каби шаҳарлардан бўлган шоирлар сони тазкирада 50 га яқин бўлса, 270 дан кўпроғи Ўрта Осиёнинг Ахсикат, Ўратепа, Марғилон, Андижон, Тошкент, Оҳангарон, Ҳисор, Кармана, Шаҳрисабз ва асосан Бухоро ҳамда Самарқанд каби шаҳарлариндандир.

Тазкирада зикр этилган шоирлар ўша даврдаги турли табақа вакилларидир. Унда шоҳ ва вазир, амалдор ва қозилар билан бир қаторда ҳунармандлар орасидан етишиб чиққан шоирларга, мадраса талабаларига кенг ўрин берилган.

Мутрибий шоирлар тўғрисида маълумот бераётганида «Мажолисун-нафоис» принципига асосланиб, ўзи кўрган ва суҳбатида бўлган шоирадиблар ижоди тўғрисида ишончли ва қимматли мулоҳазаларни баён этади.

2. Шоирларни жойлаштиришда Мутрибий асари ундан олдин яратилган тазкиралардан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, унда шоирлар абжад системасидаги тартиб билан ўринлаштирилгандир. «Мажолисун-нафоис» типидаги тазкирачилик традициясида бу янги ҳол, янги бир тартибдир. Чунки бу тартиб тахаллус бошланадиган ҳарфга қараб шоирларни тазкирадан тез топиб олишга катта қулайлик туғдирар эди. Шу нуқтаи назардан қараганда Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си Ўрта Осиё территориясида абжад системасидаги алифбо билан тузилган биринчи тазкира сифатида ҳам муҳимдир.

3. Мутрибий тазкирага киритилган ҳар бир шеър ёки шеърий парчанинг вазнини аниқлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, кириш қисмида бу тўғрида шундай ёзади: «Аз махсусоти роқими ин ҳуруф, ки бар ту илтифоти ҳеч мусаннифе дар ин фан бар он наёфта он аст, ки ҳар чо ғазале ё қасида ё ва амсоли он эрод намуда, асомии бухури онро бар аркони мавозини арўзӣ ба расми мансух бар ҳошияи китоб дар ҳамон маҳар марқум гардонида»[12].

(Мазмуни: Мазкур китобнинг ёзувчиси ўз асарига бошқа китобда учрамайдиган бир янгиликни киритди, яъни у асарда келтирилган ғазал, қасида ва шунга ўхшашларнинг аруз вазнидаги баҳрларини китобнинг ҳошиясида кўрсатди.)

Бундай ҳол, дарҳақиқат, бошқа тазкираларда учрамайди. Аммо, афсуски, Мутрибий бу ваъдасига охиригача амал қилмаган.

4. Тазкирада XVII асрнинг бошларидаги тарихий ҳодиса-воқеаларнинг баёни, айрим шеърий санъатларнинг изоҳи, «шеър» ва «шоир» сўзларининг луғавий маъноси, айрим географик справкалар, шеър ва шоирлик ҳақидаги мулоҳазалар ҳам келтирилган.

Юқоридагилардан кўринадики, Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си ўзининг композицион хусусиятлари билан «Мажолисун-нафоис» традицияларини давом эттириши билан бир қаторда, унга айрим янгиликлар киритиб, бу типдаги тазкираларнинг композицион жиҳатдан ҳам мукаммаллашиб борганини намойиш этади.

Иккинчи масала — шоирлар биографиясини ёритиш ва уларнинг ижодиётига баҳо беришда «Тазкиратуш-шуаро»нинг Алишер Навоий

[12] Мутрибий, ўша асар, ўша бет.

асари билан муносабати масаласи тўғрисида ҳам қуйида айрим мулоҳазаларни баён этиб ўтмоқчимиз:

«Тазкиратуш-шуаро»да номлари зикр қилинган шоир ва адибларнинг биографиясига доир маълумотларни келтириш ва уларнинг ижодиётига баҳо бериш, ўз муносабатини билдириш каби муҳим масалада Мутрибий асосан ўз даврининг илғор адабиётшуноси ва шеършуноси сифатида гавдаланади. Чунки у мазкур масалада ўзининг устозлари Алишер Навоий ва Ҳасан Нисорийлар позициясидан туриб фикр ва мулоҳаза юритади, ўз эстетикасидаги адабий ҳаётни нозиклик билан синчиклаб ўрганади. Натижада Мутрибий ўз устозлари каби шеърнинг мазмундорлиги, бадиий жиҳатдан пишиқлиги ва оригиналлиги нуқтаи назаридан, критериясидан келиб чиқиб шоирлар ижодиётига баҳо беради, уларни мақтайди ёки қоралайди.

Бунинг учун эса Мутрибий зикр қилинаётган шоирнинг характерли асари ёки байтларини келтиради. Шоирлар ижодидан намуналарни танлаётганда у Алишер Навоий каби бир-икки мисол орқали тилга олинган шоирлар ижодининг характерини белгилайди.

Мутрибийнинг ўз даври шоирлари ижодиётига бундай муносабатда бўлиши унинг ўша замондаги адабий процессда икки оқим, икки адабий йўналиш борлигини маълум даражада сеза олганидан дарак беради. Шу туфайли Мутрибий оригинал, мазмундор ва бадиий жиҳатдан пишиқ асарлар ижод этган Мушфиқий, Мардуми Бухорий, Бедилий Самарқандий, Ҳасан Нисорий, Фузулий каби шоирлар ижодиётига катта қизиқиш ва меҳр-муҳаббат билан ёндашади.

Жумладан, у XVI асрнинг кўзга кўринган шоири Мушфиқий ҳақида сўзлар экан, уни ўз даврининг мўътабар ва машҳур шоири, хусусан, ҳажвиётда ўз замонасининг тенги йўқ забардаст қаламкаши эканлигини ҳақли равишда юксак баҳолайди. Бундан ташқари, у Мушфиқий шоирдлари, унинг услубини давом эттирувчи шоирларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Масалан, шундай шоирлардан бири Мардуми Бухорий ҳақида қуйидагича ёзади: «Мардуми Бухорӣ — дар шеър шогирди мулло Мушфиқӣ буд. Ва забон бо аҳочии мардум бисъёр мекушуд. Ва ба чиҳати гармии хангома ҳикоёт, музҳикот бисъёр мегуфт ва мардумро меандонд... Ашъори малеҳ низ дорад ва ғазалро ачоиб хуб мегуфт»[13].

(Мазмуни: Мардуми Бухорий шеърда мулло Мушфиқийнинг шогирди эди. У кўпгина одамларни ҳажв қилган эди. Суҳбатни қизитиш мақсадида кўпгина ҳикоя ва латифа айтиб, одамларни кулдирар эди. Яхши шеърлари ҳам бор, хусусан, ғазални ажойиб тарзда битарди.)

«Тазкиратуш-шуаро»да фақат форс-тожик тилида ижод этган шоирларгина эмас, балки бошқа тилларда, жумладан, озарбайжон тилида асарлар яратган машҳур шоир ва мутафаккир Муҳаммад Фузулий ҳақида ҳам жуда яхши ва ҳаққоний фикрлар баён этилган.

Мутрибий Фузулийнинг озарбайжон тилидаги девонини мутолаа қилиб, ўз замонасининг энг кучли шоири, мазмундор ва бадиий жиҳатдан гўзал шеърларнинг муаллифи эканини алоҳида уқтиради, ўз даъвосининг исботи учун эса Фузулийнинг ўйнақи, равон ва гўзал маънони ифода этувч ғазалини мисол сифатида келтиради. Фузулий ижодиётига бундай баҳо беришда Мутрибий ўзининг билимдон ва донишманд шеършунос, адабиётшунос эканини яна бир карра исбот этади.

Мутрибийнинг Фузулий ҳақидаги маълумоти яна шунинг учун ҳам муҳимки, у Фузулий асарларининг, хусусан, озарбайжон ва форс-тожик тилидаги девонларининг XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларидаёқ Ўрта Осиё территорияларида кенг тарқалганини, адабиёт мухлислари

[13] Мутрибий, ўша асар, 148—149-бетлар.

уларни завқ-шавқ билан ўқиганлари ҳамда тарғибот қилганларини очиқ-ойдин исботлайди. Бу ўринда ҳам биз Мутрибий ва Алишер Навоий ўртасидаги яқин алоқани кўрамиз. Чунки Навоий «Мажолисун-нафоис»-ни озарбайжон шоири Қосим Анвар зикри билан бошлаб, унга нисбатан ўзининг меҳру муҳаббатини изҳор этган бўлса, Мутрибий ўз тазкирасида замондоши Фузулий ҳақида сўз юритади, унинг ижодиётини юксак қадрлайди.

Бундай ҳол, ўз навбатида, ўзбек, тожик ва озарбайжон халқлари ўртасидаги қадимий ва самимий адабий-маданий алоқалар изчил давом этганини кўрсатади ҳамда бу алоқалар тарихини ёритиш ишига катта ёрдам беради.

Шунинг билан бирга, тазкирада шаклпарастлик, тақлидчилик ҳамда плагиатлик билан шуғулланувчи шоирларнинг ижодиёти турли формада танқид қилинади. Бу жиҳатдан Афзалий, Ҳужумий, Алфий, Бурий каби тазкирада қайд қилинган шоирларга Мутрибийнинг муносабати характерлидир. Масалан, Мутрибий тазкирада Алфий Шомий зикрида тасвир номли формалистик санъат тўғрисида сўз юритиб, уни жиддий шеърий санъат эмас, балки ўйинчоқ деб билади. Бу билан тасвир санъати билан шуғулланувчиларни ҳам маъқулламайди. Шу билан бир қаторда, бировларнинг шеърини ўғирлаб, ўзиники қилиб юрувчи Ҳужумийни ҳам жуда зарофат билан танқид қилади; ўзини шоир деб тасаввур этувчи Афзалийнинг эса карикатуравий портретини чизиб беради ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси Мутрибийнинг ўз даври адабиётига устозлари нуқтаи назаридан ёндашиб баҳо берганини кўрсатади. Юқоридагилардан маълумки, Мутрибий шоирлар ижодига баҳо беришда айрим чегараланган томонларидан қатъи назар, асосан, илғор позицияда турган ва бу соҳада устозларининг анъаналарини давом эттирган.

Умуман олганда, Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си «Мажолисун-нафоис» типида яратилган тазкиралар циклидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки бундай тазкиралар цикли XV—XVII асрлар ўзбек ва тожик адабиётини кенг ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Зотан, XV—XVII асрлар мобайнидаги 1200 дан ортиқ шоирлар номи ҳам ана шу цикл орқали бизгача сақланиб қолган. Агар «Мажолисун-нафоис» XV асрдаги 450 дан ортиқ шоир ва адиб тўғрисида сўз юритган бўлса, Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири-аҳбоб»ида XVI асрнинг биринчи ярмидаги 250 қаламкаш зикр қилинган. Мутрибий тазкирасида эса XVI асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган 320 дан ортиқ санъаткор тилга олинса, Содиқий Самарқандийнинг «Риёзуш-шуаро»сида XVII асрнинг биринчи ярмидаги шоирлар тўғрисида маълумот берилган. Малеҳо ўз тазкирасида, асосан, XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган 160 дан ортиқ шоирлардан баҳс этади. Кўринадики, «Мажолисун-нафоис» типида яратилган тазкиралар ўзаро занжирдай боғланган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир давр адабий муҳитини ўрганишга кўмаклашади. Шунинг учун бундай тазкиралар, жумладан, Мутрибийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си, айрим камчиликларидан қатъи назар, адабиётимиз тарихини кенг ёритишда Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»и каби олимлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қила олади.

МУҲАММАДЖОН МАҲМУДОВ

МУҲАММАД ШАРИФ ШАВҚИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА

Муҳаммад Шариф Шавқий XIX асрнинг биринчи ярмида Зарафшон водийсида яшаб ижод қилган талантли шоирдир. Унинг туғилган йили (1200 ҳижрий—1785—1786 милодий) маълум бўлса-да, қаерда, қандай оилада туғилгани аниқ маълум эмас. Шоир баъзи шеърларида «Хоразмий» сўзини тахаллусига қўшиб ишлатган. Абдулҳамид Мажидийнинг ёзишича[1], Муҳаммад Шариф Қаттақўрғоннинг Алижон қишлоғида туғилган. Хоразмий тахаллусини эса Бухоронинг Говкушон мадрасасида бўлган бир мушоарада Нурали деган хоразмлик шоирдан «шаҳар бериш» шартига кўра ютуб олган[2]. Алижонлик 85 яшар Қўчқор Бойшаев эса бу фикрларни рад этади. У, 14 яшарлигида 107 яшар (1785 йилда туғилган) буваси Зубайда момо ва 98 яшар (1794 йилда туғилган) буваси Уста Мирзадан Муҳаммад Шарифнинг ёшлигида бу қишлоққа келиб қолганини, бу ерда унинг қариндош-уруғлари йўқлигини бир неча марта эшитганини ҳикоя қилади. Дарҳақиқат, шоирнинг «Тарки хонумон эттим, гўшада макон эттим» дейиши бечиз бўлмаса керак. Чунки Алижон қишлоғи ана шундай жойдир. Машаққатли кунларни бошидан кечирган шоирнинг бахтсиз ёри ва жафокаш ота-онасига бағишлаган марсия ва ғурбатномасида худодан мадад тилаб, хоразмлик эканини эсига олиши тасодифий бўлмаса керак, албатта. Шавқийнинг ғазалига мухаммас боғлаган Салоҳий (1875—1964) нинг айтишича, Муҳаммад Шариф асли урганчлик, яъни хоразмлик бўлган.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Шавқийнинг биографияси ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Унинг ҳаёти ва ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш Улуғ Октябрь революциясидан кейингина бошланди. А. Мажидий мақолаларидан сўнг шоир ижодига қизиқиш кучайиб, у, анталогия[3] ва хрестоматияларда[4] тилга олинди; диссертация[5] ёзилиб, мақолалар эълон қилинди[6], ниҳоят, ўзбек адабиёти

---

[1] Қаранг: А б д у л ҳ а м и д М а ж и д и й, Шавқий, Маориф ва ўқитғувчи» журнали, Тошкент, 1927, 12-сон.

[2] А. Мажидий Шавқий ҳақидаги дастлабки мақоласида («Шоир домла Шавқий», «Зарафшон» газетаси, № 68, 16 август 1923 йил) уни Алижон қишлоғининг сўфиси Муҳаммад Тоҳирнинг ўғли эканини, домла-имомлик билан кун кўрганини ёзган. Кейинги мақоласида эса Шавқий мазкур қишлоқда деҳқон Абулқосим оиласида туғилган ва деҳқончилик билан шуғулланган деб тузатиш киритган.

[3] С. А й н и й, Намунаи адабиёти тоҷик, М., 1925, саҳ. 349.

[4] О. Ш а р а ф у д д и н о в, Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, II том, Тошкент, 1945, 269-бет.

[5] Р. О р з и б е к о в, Шоир Шавқий Қаттақўрғоний ва унинг адабий муҳити, кандидатлик диссертацияси ва автореферати, Самарқанд, СамДУ, 1963.

[6] Р. О р з и б е к о в, А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг асарлари, янги серия, № 111, 115 (1961); 124, 127 (1963); «Фан ва турмуш», 1961, № 1; «Совет мактаби», 1963, № 1; «Ўзбек тили ва адабиёти», 1964, № 2.

тарихига киргизилди[7] ва танланган асарлари қисқа сўз боши билан кичик ҳажмда нашр қилинди[8]. Шавқийни кенг китобхонлар оммасига таништиришда шоир ва адабиётшунос А. Мажиднийнинг ташаббуси ҳамда унинг ижоди устида филологик аспектда катта иш олиб борган Р. Орзибековнинг хизматлари алоҳида тақдирлашга сазовордир. Бироқ шоирнинг ҳаёти ва ижодида ҳали ўрганилмаган, шунингдек кам ўрганилган томонлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, шоирнинг ижодий эволюциясини кўрсатувчи нодир ижтимоий-сиёсий асарлари — «Пой лачонем дар ин марҳала» рубоийси, халқ ҳаракати, феодал-диний реакция ҳақидаги «Хоксоронро насозад чуръати мавқум қум» ғазали, сарой ва сарой атрофидаги тамагир, разил шоирлар ҳақидаги «Фиреби золи чафопешаро хирад нахўрад»[9] каби шеърларисиз унинг адабиётимиз тарихидаги ўрнини етарли даражада тўғри белгилаб бўлмайди.

Санъаткорнинг асарларидан олинган штрихлар асосида унинг биографиясини тўлдириш ва ижодини чуқурроқ ёритиш ҳам алоҳида аҳамиятга эгаки, биз бу мақоламизда шу ҳақдаги баъзи бир мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз.

Муҳаммад Шарифнинг бошланғич маълумотни қаерда олгани номаълум. Мавжуд манбаларга кўра, у, мадрасада ажойиб таланти, кучли мустақил мутолааси, тиришқоқлиги туфайли араб-форс тилларини, ҳисоб, мантиқ, кофия, фиқҳ каби илмларни мукаммал эгаллаган; тибни ўрганган, адабиётга қизиқиб шеърлар ёзган.

Шоир ўттиз ёшида ўқишни тугатади. Ҳар томонлама билимга эга бўлган Муҳаммад Шариф марказда қолиб, илму маърифат равнақи учун хизмат қилишни орзу қилади. Аммо порахўрлик, таассуб ва жаҳолат авжига чиққан Бухорои «шариф»да унинг дардига малҳам бўладиган одам топилмайди. Бу ҳолдан ғазабланган шоир маданият душманларини қаттиқ фош қилади:

Урарлар аҳли мансаб эрталар чою палов оқшом,
Сену мендеклара ҳаргиз муяссар йўқ ғурунбоде!
Бу янглиғ фазл ила найлай чиқиб Қарнаб йўлин[10] тутмай:
Бухоро ичра мансаб топтилар ҳар зоғу калходе!
Расолар ҳолини билмак учун Шавқий савол этти,
Қани бир аҳли дониш то жавобин қилсун иншоде!?[11]

Шоир ноилож Алижонга келиб[12] бу ерда болаларни ўқитади[13], мактабдорлик ва имомлик қилиб кун кечиради; бўш вақтларида ижодий иш билан шуғулланади. Муҳаммад Шариф қишлоқда жуда фақирона

---

[7] В. А. Абдуллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, 1964, 146—159-бетлар.

[8] Шавқий, Шеърлар (нашрга тайёрловчи ва таржимон М. Маҳмудов), Тошкент, Ўзадабийнашр, 1964.

[9] Мазкур асарлар Шавқийнинг 1964 йилда чиққан «Танланган шеърлар» тўпламига киргизилган ва ўзбек тилига таржима қилинган.

[10] Қарнаб йўли — Эски Бухоро — Норпой, Қаттақўрғон йўли.

[11] Қўлёзма. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, инв. № 174, саҳ. 15.

[12] Шавқий Бухорода қололмагани ҳақида яна бундай деб ёзади:

«Партави иқболи шоҳи бар чабини ман натофт,
Солҳо чун соя будам бар таҳи деворҳо.
Ишқи Ширину чунуни Лайлиям омад ба арз,
Манзили худ кардаам дар домани кўхсорҳо».
(Қўлёзма, инв. № 1899, саҳ. 82).

[13] Қаранг: «Дебочаи девон», саҳ. 4, қўлёзма 1899, Тожикистон ФА Шарқшунослик шуъбаси; «Миръотал-мухтасар», саҳ. 34, қўлёзма 4634, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти.

яшаган. Буни шоирнинг «Оши ҳалол»[14] ва «Алижон бормағил...»[15] каби шеърларидан билиш мумкин.

Қарияларнинг айтишича, у, бир безори «фитнагар авбош»нинг хиёнати билан севикли хотинидан ажралган ва «маломатлар» туфайли, «тарки хонумон» этиб, ўғли Мирза Олим билан «гўшада» — Алижон қишлоғида ғарибона яшашга мажбур бўлган[16]. Шавқий узоқ муддат ёлғиз яшайди, кейин иккинчи марта уйланади. Бироқ бу қисқа муддатлик оиладавий турмуш унга яна ҳам бахтсизлик келтиради: иккинчи хотин «вафосиз»лик қилган ҳолда, Мирза Олимни заҳарлаб ўлдиради (1823). Шоир «уйланма» радифли мухаммасида ёмон аёл билан яшашнинг азобуқубатларидан шикоят қилади, уйланганига афсус-надоматлар қилиб, яна биринчи хотинини эслайди:

Вафосиз беҳаёларни юзини кўрмаган авло,
Жафосидин кўнгул ойинасин синдурмаган авло...
Агар Шавқий, муяссар бўлса, яхши бахт ўлуб, ёринг,
Ерилгай офтоби талъати бирлан шаби торинг,
Бўлур, албатта, ул миҳри рифожу равнақи коринг,
Агар юз қатла сўксанг, сабр билан бермас озоринг,
Анга сарф айлағил умрингни мажнунвор, уйланма.

Шоирнинг дарду аламлари тобора кўпая борди. Унинг севгили хотинига атаб ёзган «Намедонад касе ҳолам» («Ҳолимни бирор киши билмайди») номли марсиясида бахтсиз шоирнинг муҳаббат фожиаси зўр куч билан тасвирланган.

---

[14] А. Мажидий бу шеърнинг —

Подачиға дедимки:— Эй ўртоқ,
Сўз дурини қулоғинга тоқ.
Ўтлик-ўтлик ерда боқғил,
Давлатимдин тезагини ёқғил,—

мисраларини биринчи мақоласида:

Подачиға дедимки:— Эй ўртоқ,
Қамбағал молидур, билиб хўб боқ.
Ўтлик-ўтлик ерда элтиб боқғил,
Давлатимдин тезагини ёқғил, —

тарзида берганки, бизнингча парчанинг шу кейинги варианти ҳар жиҳатдан маъқул.

[15] Каттақўрғонда машҳур бу шеърий парчани А. Мажидий дастлабки мақоласида:

Хатирчи бормағил қаллошликдин,
Тилинг тишлаб ўларсан очлиқдин,

деб ёзган ҳолда, нима учундир, кейинги мақоласида уни —

Алижон бормағил қаллошликдин,
Тилинг тишлаб ўларсан очликдин,—

тарзида берган. Бизнингча, Каттақўрғонни севган, мадҳ этган ва умри асосан ўша ерда ўтган кишининг «Алижон бормағил» дейиши мантиққа тўғри келмайди. Вазнга ҳам «Алижон» эмас, «Хатирчи» кўпроқ мос келади.

[16] А. Мажидий дастлабки мақоласида Шавқийнинг —

«Наҳрипай, Каттақўрғон аҳли бўлган жумлага сарвар,
Хатирчи — айшу ишратхонаи шармандаи маҳшар», —

мисраларини изоҳлаб, шоир амир ҳокимларининг Хатирчидаги бузуқчиликларини фош қилади, дейди. Шавқийнинг «Хатирчи бормағил...», «Хатирчи — айшу ишратхона...» дейишидан унинг Хатирчи билан қандайдир алоқаси борлиги сезилиб туради. Шунга кўра, «Замона кулфатидин кўзда ёшлар қона айланди» деб шикоят қилган Муҳаммад Шарифнинг бошига оғир кунлар ўша ерда тушмадимикин, деган савол туғилади.

Шоирнинг Хоразмий сўзини ишлатиши ҳақида шуни айтиш мумкинки, Бухоро ва Хива хонлари ўртасидаги урушлар натижасида, ҳарбий асирлардан ташқари, баъзи бир қишлоқларнинг аҳолиси Зарафшон водийсига, жумладан Хатирчи — Нурота томонларига кўчирилган эди. Бундан ташқари, хонликдан норози бўлиб таъқиб остига олинган, очлик ва қашшоқлик азобида қийналган баъзи кишилар ҳам «тарки хонумон» этиб, дарбадарликда кун кўришга мажбур бўлганлар. Фикримизча, Муҳаммад Шарифлар оиласи ана шундай хоразмликлардан бўлса керак.

Қўчқор Бойшаевнинг айтишича, шоирнинг ҳаққоний сўзлари, ҳажвий асарлари ҳукмрон табақаларни ғазабга келтирган. Шунинг учун улар Шавқийга ҳар хил айблар қўядилар. Ниҳоят, ёқасидан бўғиб, мачитдан чиқариб ҳайдайдилар ва қишлоқдан чиқиб кетишини талаб қиладилар. Аммо қишлоқ меҳнаткашларининг талаби билан у яна ўз вазифасида қолдирилади.

Шавқий ўз даврининг катта илм эгаларидан эди. У араб грамматикасига оид «Рисолаи кофия ё миръотун-наҳв»[17] номли илмий асар ёзди. 1839 йилда қариб қолган устози Халифа Бозорнинг талаби билан мусулмончилик қонун-қоидаларининг қисқа мажмуаси — «Мухтасар виқоя»ни форс тилида 23 минг мисра билан шарҳлаб назм қилди ва унга «Қитоби миръот»[18] ёки «Миръотал-мухтасар» деган ном қўйди. Асарни тушуниш осон бўлсин деб унга «Ҳаллал-луғот»[19] номи билан 25 варақлик луғат ҳам илова қилди.

Истеъдодли шоир 1844 йилда уч тилда — ўзбек, тожик-форс ва араб тилларида девон[20] тузди. У классик адабиётнинг илғор традицияларини янги шароитда давом эттирди, ривожлантирди ва, шу билан бирга, замондош ҳамда ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир қилди.

Шоир Навоий, Фузулий ва Бедилни жуда ҳам севган ҳамда уларнинг ғазалларига мухаммас ва мусаддаслар боғлаган. Фузулий билан Бедилнинг таъсири шоирнинг тили ва бадиий приёмларида ҳам аниқ сезилади. Санъаткор одамларни ҳаётбахш шеърлари билан тўғри йўлга бошлашни, маъносиз, бирор мақсадга далолат этмайдиган сўзларни ишлатмасликни ўзининг шоирлик бурчи деб билди:

Ашъори жонфизо била, Шавқий, ҳидоят эт,
Тил узра олма муҳмал алфоз мухтараъ!

Дарҳақиқат, шоирнинг шеърларини ўқир эканмиз, унинг кишиларни олижаноб фазилатлар, мақсадлар томон ташвиқ этганини кўрамиз:

Будур насиҳатим сенгаким, илм касбин эт,
Солсанг сўзумга ўлтурубон бир нафас қулоғ!

Ёки:

Мудом пешаи худ рости бикун, Шавқй,
К-тири нолаи ту аз нишона рад нахўрад.

(Мазмуни:

Мудом тўғриликни касб қилгинки, Шавқий,
Нолангнинг ўқи нишондан четга чиқмасин.)

ва ҳоказо.

Шоир кишилардаги риёкорлик, такаббурлик, шахсиятпарастлик, халққа зиён етказиш каби ёмон хислатларни; нос чекиш, афюн, кўкнор истеъмол қилишдек ярамас одатларни қаттиқ қоралайди. Хасис бойларнинг, айниқса, халқни жаҳолатга томон судраётган ҳаромхўр-юлғич шайх-эшонларнинг қилмишларидан ғазабланади. Уларга қизилиштон, сийрати шайтон, гурги биёбон, ботини ёлғон, ўғри дуохон, сурати бежон, ҳайвон каби нисбатлар беради; амир айғоқчиларини тузалмайдиган моховга, сасиётган мумга ўхшатади.

---

[17] «Рисолаи кофия ё миръотун-наҳв», Тожикистон ФА Шарқшунослик шуъбасининг қўлёзмалар фонди, инв. 4634—II.

[18] «Китоби миръот», ўша фонд, инв. 1915—II.

[19] «Ҳаллал-луғот», ўша фонд, инв. 1915—I.

[20] Қўлёзма, инв. 1899, саҳ. 70. Шавқийнинг мукаммал девони ҳозир топилган эмас. Бироқ Тожикистон ФА Шарқшунослик шуъбасининг қўлёзмалар фондидаги 1899, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидаги 4634, 174, 1381, 1382, 1383-қўлёзмаларда, шунингдек яна бир қатор манбаларда шоирнинг анчагина шеърлари бор.

Шавқий ўз давридаги қўзғолонларга хайрихоҳлик билан қаради. Бироқ бу қўзғолонлар шафқатсиз бостирилди, реакция эса тобора кучайди[21]. Бундан ғазабланган шоир золим амирни огоҳлантириб ёзади:

Хоксоронро насозад чуръати мавқум қум![22]
Кай расад бар остину домани мазлум лум!
Ин қадар бар гўшмоли худ набояд сохтан:
Аз хари бебок охир мешавад маъдум дум!![23].

(Мазмуни:

Қамбағалларни талабдан қайтариш, қаттиқ жазолаш муросага келтирмайди!
Мазлумнинг (йиртиқ) енгу этагига таъна-маломат қилиб бўладими!
Бунчалик уни қийнаш, азоб бериш ярамайди,
(Чунки) ёмон эшак охир думидан ажралади!!)

Шоирнинг халқ қўзғолонларидан кутган умиди рўёбга чиқмади. У, феодал жамиятида «сахий» бойлар, «раҳмдил» хонларни ҳам тополмади. Амирни инсоф ва маърифатга чақириш йўлидаги ҳаракатлари натижа бермагач, унинг номини асарларидан чиқариб ташлади. Чунончи, шоир аввал:

Ашъорини шаҳлар кўруб, ийсори зар этсун,

деб ёзган бўлса, сўнгра уни —

Ашъорини донолар ўқуб, муътабар этсун[24],

деб тузатди. Хато йўлда адашиб юрган шоир, ниҳоят, ёзади:

Пой лачонем дар ин марҳала,
Сад дари меҳнат ба рухи мо яла.
Ком нашуд ҳосил дар ин домгоҳ,
Не зи ганй, не зи гадо, не зи шоҳ[25].

(Мазмуни:

Бу бир пас тушиб ўтиладиган манзилга қадам қўйсак,
Бизни юз азобу кулфат кутиб туради.
Дунё тузоқларидан қутқазиб олиб, тилагимизга
Бой ҳам, гадо ҳам, шоҳ ҳам етказолмади.)

Боши берк кўчага кириб азоб-уқубатлар чеккан шоирнинг нажот истаб, баъзан худо ва пайғамбарга мурожаат қилиши, тасаввуфона шеърлар ёзиши табиий эди, албатта. Чунки у, жамиятнинг тараққиёт қонунларини тушунмас ва ўша шароитда тушуниши мумкин ҳам эмас эди. Аммо шоир ижоди учун улар характерли эмас. Шоир ижодини безовчи асосий ғоявий мотивлар — озодлик, адолат, маърифат, инсонпарварлик, олижаноблик, халқлар дўстлиги, оптимизм, чин муҳаббат-дирки, санъаткор уларни зўр маҳорат билан ўзига хос услубда тараннум этди.

Шоирнинг бадиий ижодда реалистик йўлни тарғиб этиши аристократ-клерикал шоирларга ёқмади. Натижада, улар шоирни қаттиқ таъқиб этдилар. Бу ҳақда шоир:

---

[21] Қаттақўрғонда Амир Насрулло бир кунда 700 қўзғолончининг бошини кестирган. Қўзғолонлардан даҳшатга келган амир воқеанавислар қўйиб, ҳақсизликдан шикоят қилганларни шафқатсиз жазолаган. Шоир бу шеърида жабр-зулмни фош қилиш билан бирга, халқни амир айғоқчиларидан эҳтиёт бўлишга чақиради.

[22] Бу мисранинг охиридаги сўзлар «маъфум фум» тарзида ёзилган. Фикримизча, котибнинг хатоси билан асл нусхасидаги «мавқум қум» (موقوم قوم) «маъфум фум» (معفوم فوم) тарзида кўчирилган: «вов» (و) нинг учи «қоф» (ق) га тегиб, котибга «айн» (ع) бўлиб кўринган. «Маъфум фум» ҳеч қандай маънони билдирмайди.

[23] Қаранг: қўлёзма, инв. 1899, саҳ. 62, Тожикистон ФА Шарқшунослик шуъбасининг қўлёзмалар фонди.

[24] Шахсий қўлёзмадан.

[25] Қўлёзма, инв. № 1899, саҳ. 34.

Суруд соз-у, тааммул ба кор барки туро
Шиканҳи турраи айёми назми дад нахўрад[26],

(Мазмуни:

Қўшиқ ярат, лекин жуда ўйлаб иш қилгинки, сени
Йиртқич назм айёмининг бўрилари еб қўймасин), —

деб ёзди.

Шоирнинг тил ва услуби умуман жуда содда. Бироқ унинг ижодида бедилона образлар, ҳар хил маъно бериш мумкин бўлган мураккаб мажоз ва истеъмолдан чиққан сўзлар ҳам учрайди. Фикримизча, бу тасодифий бир ҳол бўлмай, шоирнинг «йиртқич» назм «бўрилари»дан ўзини ҳимоя қилиши натижасида келиб чиққан бир ҳол бўлса керак.

Санъаткор «Бир ошёнда тутмиш эди маскан икки зоғ» мухаммасида ростгўй шоирларнинг бошига тушган оғир кулфатлардан қаттиқ шикоят қилади:

Маҳжур Хисрави-ю, Музаффарда минг алам[27],
Яъқуб чўл арода гирифтори чўх ситам,
Музтар асири нашъа-ю Вола хароби ғам[28],
Шавқийни суҳбатини тополмай Хиромий ҳам,[29]
Ул унда доғ бўлди-ю, бул мунда бўлди доғ.

Шавқий классик шоирларнинг энг яхши ғазалларига мухаммас, мусаддаслар боғлаш билан чегараланмасдан, ўз замондошлари билан ҳам беллашиб, мушоара-мусобақаларда актив иштирок этган. Муайян мавзуда лириканинг энг яхши намуналарини яратиб, бошқаларга ўрнак кўрсатган, уларнинг хато ва камчиликларини тузатган. Чунончи, у «Мастин он наргиси шаҳло тамошо карданист» номли мухаммас-мувашшаҳи билан Умар исмли шоир устидан тўла ғалаба қозонганини ёзади:

Дар камолаш гашт қосир табъи нодони Умар,
Варна Шавқе дошт дар мадҳаш дилу қони Умар,
З-ин мухаммас метавон фаҳмид нуқсони Умар,
Он, ки мехоҳад нишони исми қонони Умар,
Аз сари ҳар банд ҳалли ин муаммо карданист.

(Мазмуни:

Умарнинг нодон табъи камолига етолмай, ожиз бўлиб қолди,
Йўқса Умарда уни жону дилдан мадҳ қилиш Шавқи (й) бор эди,
Бу мухаммасдан Умарнинг нуқсонини англаса бўлади,
Кимки Умар жонснининг исмини билмоқчи бўлса,
Ҳар банднинг бошидан (биринчи ҳарфини олиб) бу муаммони ҳал қилиши керак).

Шоир ижодида унинг шахсий ҳаётига оид жуда кўп моментлар борки, уларда меҳнаткаш халқнинг машаққатли ҳаёти, фикр-туйғулари ва порлоқ орзу-истаклари ҳаққоний ифодаланган. Шунинг учун ҳам улар ижтимоий аҳамиятга эга.

Шавқийнинг шеърлари таъсирчанлигидан ўзининг тириклигидаёқ халқ ҳофизлари томонидан куйга солиниб айтила бошлаган эди. Бундан руҳланган шоир:

Қаерда чангу рубоб ўлса, Шавқиё, базм эт,
Муғаннийларинг эрур нағмаси сўзунгга либос, —

деб ёзди.

Шоир асарларининг юксак қимматга эга эканлигини унинг замондошлари ҳам эътироф этганлар. Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ 1871 йилда

---

[26] Шавқий, қўлёзма, инв. 1899, Тожикистон ФА қўлёзмалар шуъбаси, саҳ. 55.

[27] Бу мисрадан шеърнинг Амир Насрулло вафотидан (1860) кейин ёзилгани англашилади.

[28] Амир Насрулло томонидан жазоланиб турган машҳур туғма кўр шоир Вола ночор нашаван бўлиб қолган.

[29] Салоҳийнинг айтишича, Хиромий ушбу шеърни олгач, келиб Шавқий билан Волани кўриб кетган.

тузган «Туҳфатул-аҳбоб фи тазкиратул-асҳоб» номли тазкирасида Шавқий ҳақида ёзади: «... Марде буда кўҳансол, аз балдаи Каттақўрғон. Таҳсили улум карда, ба шеър гуфтан шавқи тамом дошта. Дар арабӣ ва туркӣ ва форсӣ шеъри бисёре гуфта ва девоне тамом карда. «Мухтасар виқоя» ро шарҳи манзум мумо-илайҳ намуда. Мо на нигори ўродидаем. Аз одамони дидагӣ истимоъ афтод, ки марди хушсўҳбат, некумуҳовира буда, ашъораш ҳам дар ниҳояти зебоӣ ва дар илми луғат ҳам салиқаи тамом дошта. Дар санаи як ҳазору ду саду ҳафтоду ҳашт марҳум шуд»...[30]

Таржимаси:

«...Бир қари киши экан, Каттақўрғон шаҳридан. Илм таҳсил қилган; шеърни зўр эҳтирос билан ёзган. Араб, турк ва форс тилида кўп шеърлар айтган ва девон тамом қилган. «Мухтасар виқоя»ни мазкур шарҳлаб назм этган. Биз унинг ўзини кўрмаганмиз. Кўрганлардан эшитишимизча, хушсуҳбат, жуда улфат киши экан; шеърлари ҳам ғоят нафис ва луғат илмига ҳам жуда қобилиятли экан. 1278 йилда вафот этган...»

Мирсиддиқ Ҳашмат ҳам XIX аср охирида тузган «Тазкиратуш-шуаро» номли тазкирасида Шавқийни форс-турк адабиётининг балоғатга етган вакили, луғат ва шаръия илмларини билувчи сифатида тавсифлайди.

Шавқий 1861 йил кузида Алижон қишлоғида вафот этди. Унинг жасади Алижон ва Абулқосим қишлоғи ўртасидаги Абдураҳмон ота мазорига дафн қилинган. Шоирнинг қабр тошига ёзилган ёдгорлик сўзлар ҳам Возеҳ ва Ҳашмат айтган фикрларни тасдиқлайди. Тошнинг устки қисмида: «Ҳозал марқаду Муҳаммад Шариф — нозимул-«Виқоя»[31] деб ёзилган. Тошнинг икки томонига тўрт байтдан саккиз байт шеър битилган:

Саманди табъи ӯ аз бод чолок,
Ғубори назмро бурда бар афлок.
Ба майдони фасоҳат рахши ақлаш
Рабуда гӯи шавқ аз маркази хок.
Ба наҳву сарфу мантиқ беназире,
Ба илми ҳандаса буд соҳибидрок.
Хирад к-аз чидду чаҳдаш гуфт тарих:
Нишимангоҳи чирмаш тоқи афлок.

(Мазмуни:

Табъининг чопқир оти шамолдан тезки,
Назм чангларини кўкларга учиради.
Фасоҳат майдонида ақлининг жилоси
Шавқ тўпини тупроқ орасидан ҳам тортиб олади.
Наҳву сарфу мантиқда тенги йўқ,
Ҳандаса илмида жуда идроклидир.
Ақл жуда уриниб тарих айтди:
Жасадининг ўрни фалаклар тоқидир.)

Умуман айтганда, Муҳаммад Шариф Шавқий прогрессив фикрлари, бадиий юксак асарлари билан ўзбек ва тожик адабиётининг ривожланишига, ижтимоий-эстетик фикр тараққиётига муайян ҳисса қўша олган мўътабар шоирлардандир.

---

[30] «Туҳфатул-аҳбоб...», тошбосма, Ўзбекистон ССР ФА ШИ, инв. № 11318, саҳ. 150.

[31] Ушбу қабр «Виқоя»ни назм этган Муҳаммад Шарифники.

ҲАМИД СУЛАЙМОН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ФОРС ТИЛИДАГИ ПОЭТИК МЕРОСИ ТАДҚИҚОТИДАН

Алишер Навоий форсий шеърлар тўплами «Девони Фоний»нинг ҳақиқий қўлёзма манбалари ҳақида

معنی شیرین‌و رنگینم بترکی بیحداست

Маънийи ширину рангинам ба турки беҳадаст,

فارسی هم لعل‌و درهای ثمین جون بنگری

Форсий ҳам лаълу дурҳои самин чун бингари.

گوییا در راست بازار سخن بگشاده‌ام

Гўйиё дар рост бозори сухан бикушодаам,

یک طرف دکان قنادی‌و یک سو زرگری

Як тараф дўкони қаннодию як сў заргари[1].

(„Девони Фоний", 33-қитъа)

Улуғ мутафаккир, гениал санъаткор Алишер Навоий яратган улкан поэтик мероснинг катта қисмини унинг فانی **Фоний** тахаллуси билан форс-тожик тилида яратган ўн икки минг мисрадан ортиқ шеърлари ташкил қилади. Афсуски, шоирнинг мазкур шеърларидан тартиб этилиб ديوان فانی **«Девони Фоний»** номи билан шуҳрат қозонган ва «Хазоинул-маоний» таркибидаги тўрт ўзбекча девон ёнига бешинчи хазина бўлиб қўшилган бу мўътабар асарнинг бирорта ҳам нусхаси ҳозиргача совет кутубхоналарида бўлмаган. Эндиликда «Девони Фоний»нинг ҳақиқий қўлёзма нусхалари чет эл кутубхоналаридан топилиши билан буюк шоир қолдирган поэтик мерос тўлиқ тикланди дейиш мумкин. «Девони Фоний» кашф этилиши билан биз Навоийнинг икки «Хамса»сига эга бўлдик, десак арзийди. Булардан бири шоир достонларидан ташкил топган эпик асарлар «Хамса»си бўлса, энди иккинчиси унинг девонларидан уюшган лирик асарлар «Хамса»сидир. «Девони Фоний» чин маъноси билан шоирнинг юксак маслаклари, беқиёс маҳорати, халққа бўлган муҳаббат ва садоқатини намойиш қилувчи умуминсоний аҳамиятга молик асарларидан биридир.

Ўрта ва Яқин Шарқда яшовчи туркий халқлар форс-тожик халқлари билан узоқ замонлардан буён яқин муносабатда бўлиб келганлар. Туркий халқлар оиласидан бўлган ўзбеклар билан форс-тожик халқи ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, моддий ва маданий яқинлик,

---

[1] Туркий тилда ранг - баранг ширин маъноли шеърларим беҳаддир,
Агар қарасанг, форсий шеърларим ҳам бебаҳо лаълу гавҳардир.
Гўё сўз бозорида дўкон очибман,
Бир томонда қандолат дўконию бир томонда заргарлик.

урфу одатлардаги муштараклик кўп асрли тарихга эгадир. Самимий дўстлик, меҳнат ва ижоддаги доимий ҳамкорлик ўзбек ва форс-тожик халқларига ота-бободан қолган муқаддас мерос бўлган, бу — ҳар қанча фахрланса арзийдиган анъанадир. Икки халқ ўртасидаги бу хил муносабатлар ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ўзбек адабиётининг тараққиётига зўр ижобий таъсир кўрсатган.

Энг қадимий замонлардан XX асргача деярли барча ўзбек ёзувчи ва шоирлари—Бадр Чочий, Хоразмий, Лутфий, Навоий, Бобир, Машраб, Огаҳий, Нодира, Ҳозиқ, Муқимий, Фурқат ва бошқалар икки тилда ижод этганлар. Ўзбек халқининг икки тилда эркин гаплашиб, эркин ижод этиш қобилиятидан фахрланиб, Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида шундай ёзган эди: «Туркнинг улуғидан кичикига дегинча ва навкаридин бекига дегинча сарт тилидан (форс тили маъносида — **Ҳ. С.**) баҳраманддурлар, андоққим уз хурд аҳволига кўра айта олурлар, балки баъзи фасохат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар, ҳатто турк шуарасиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар»[2].

Адабиётимиз тарихида, бир вақтда икки тилда қалам тебратиб, ўлмас асарлар яратишда мислсиз маҳорат кўрсатган шахс яна улуғ Алишернинг ўзи бўлди. Унинг форс-тожик тилида яратган асарларидан энг йириги — форсий шеърлар тўплами «Девони Фоний» фикримизнинг равшан далилидир. Форсий шеърлари учун Фоний тахаллусини қабул қилгани тўғрисида «Лисонут-тайр»да шоирнинг ўзи шундай ёзган:

Форсий назм ичра чун сурдим қалам,
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.
. . . . . .
Файз етгач ул маонийдин манго,
Топти билгу назм «Фоний»дин манго.
. . . . . .
Мунда Фоний бўлмоқ иш бўлмас маром,
«Фоний» андин топти назмим эҳтимом[3].

Қўлёзма манбалар («Муҳокаматул-луғатайн», «Макоримул-ахлоқ», Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси, «Абушқа» луғати ва бошқалар) ва илмий тадқиқотларда (С. Айний, А. Саъдий, А. А. Семёнов, Е. Э. Бертельс ва бошқалар) ҳозиргача Навоийнинг форс тилида жуда кўп шеърлар ёзгани ва бу шеърларни «Девони Фоний» исми остида бир китобга жам қилгани ҳақидаги қисқа хабардан бошқа ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Чет эл шарқшунослари ва адабиётшунослари гарчи «Девони Фоний»нинг ҳақиқий нусҳаларига эга бўлсалар ҳам шоирнинг форсий меросини ўрганиш билан шуғулланмаганлар. Навоий форсий шеърларини излаш, текшириш ва аниқлашда совет олимларидан Садриддин Айнийнинг жиддий уринишлари ҳам кутилган натижаларга олиб келмади. Бу тўғрида мазкур мақола автори ўз фикрларини биринчи дафъа 1961 йилда эълон қилган эди[4].

I

Дарҳақиқат, ҳозиргача Навоийнинг форс-тожик тилида яратган бадиий меросидан китобхон оммасининг маҳрумлиги адабиётимиз тарихида ҳамон катта камчилик бўлиб келган. Бу ўн икки минг мисрадан ортиқ меросниг илмий тадқиқот доирасига кирмай келиши эса улуғ устод

---

[2] Алишер Навоий, Муҳокаматул-луғатайн, Тошкент, Ўздавнашр, 1940, 18-бет.
[3] Навоий, Лисонут-тайр, Л., ГПБ, № 55, 84*а* варақ.
[4] Хамид Сулейман, Текстологическое исследование лирики Алишера Навои, часть вторая — К проблеме установления подлинности персидских стихов Навои (автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук, Ташкент, изд. АН УзССР, 1961).

Навоий даҳоси, дунёқараши, порлоқ ғоялари, санъати ва маҳорати ҳақида тўлиқ билим ва тасаввур ҳосил қилишга имкон бермас эди.

Навоийшунослиқда бу мушкил аҳволни маълум даражада бартараф қилиш ниятида шоирнинг форс-тожик тилидаги асарларини биринчи бўлиб жиддий ўрганишга киришган шахс давримизнинг атоқли адиби ва олими, шарқ адабиётининг машҳур билимдони ҳам тадқиқотчиси Садриддин Айний бўлган. Совет Иттифоқи кутубхоналарида «Девони Фоний»нинг биронта ҳам асл нусхаси бўлмаслигига қарамай, профессор Айний турли қўлёзма девон, тазкира, баёзлардан Навоийнинг форсий шеърларини излаш ва аниқлашга киришади. Совет матбуотида «Девони Фоний» ҳақидаги биринчи маълумот профессор Айнийнинг 1926 йилда босилган «Намунаи адабиёти тоҷик» китобида берилган, унда Алишер Навоийнинг «Туҳфатул-афкор» қасидасидан намуна сифатида 18 байт эълон қилинган эди[5].

1930 йиллар охирида Айний Навоийнинг форсий шеърларини қидиришга астойдил киришади. У биринчи бўлиб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган, асосан محمد محسن فانی کشمیری **Муҳаммад Мухсин Фоний Кашмирий** номли шиор шеърларидан ташкил топган, девоннинг уч нусхасини (инв. №№ 914, 916, 3343) синчиклаб текшириб чиқади. Оқибатда Фоний Кашмирий девонининг мазкур уч нусхасидан Айний 97 ғазал, 2 қитъа, 4 рубойини мазмуни, тили, услуби ва вазнига қўра Алишер Навоийники деб ажратади, булар ёнига шоирнинг бошқа асарларида ҳамда турли қўлёзма манбаларида учраган форсий шеърларини қўшиб, Алишер Навоийнинг форсий шеърларидан кичик бир тўплам тузади. Айний тузган бу тўплам ўз ичига 140 та шеърни олган (I. қасида — 1, II. ғазал—97, III. мусаддас — 1, IV. соқийнома — 1, V. таркиббанд (марсия)—1. VI. қитъа—2, VII. рубоий—14, VIII. алоҳида лирик парчалар—5, IX. тарих—3, X. муаммо—15). Жамъи бўлиб Айний тўпламига кирган ўн лирик жанрдаги шеърларнинг умумий ҳажми 711 байтдан иборатдир[6].

Садриддин Айний шу тўпламнинг асосий қисмини ташкил қилган 97 ғазални ўзининг «Алишер Навоий» монографиясининг ўнинчи бобида кенг таҳлил қилиб, Алишер Фонийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, санъати ва бадиий маҳорати тўғрисида назарий хулосалар ҳам чиқарган эди. Кейинчалик Айний тўплаган мазкур шеърлардан бошқа олимлар ҳам ўз диссертация ва китобларида фойдаланиб, Навоий форсий шеърлари ҳақида мулоҳазалар юритиб, ўз концепциялари билан майдонга чиқа бошлайдилар.

Фақат Алишер Навоий «Девони Фоний»сининг ҳақиқий нусхалари қўлимизга кирганидан сўнггина профессор Айний тадқиқотларидан чиқарилган хулосаларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин ёки яқин эмаслигини узил-кесил аниқлаш мумкин бўлди. Француз шарқшуноси Е. Блоше нашр қилдирган шарқ қўлёзмалари каталогидан[7] фойдаланиб, биз Париждаги француз Миллий кутубхонаси қўлёзма фондида сақланаётган «Девони Фоний»нинг икки қўлёзмаси микрофильмини олишга муяссар бўлдик (инв. №№ 285, 1345). **Биз қўлга киритган ҳар икки қўлёзма**

---

[5] ص. عینی، نمونهٔ ادبیات تاجک، چاپخانهٔ نشریات مرکزی خلق اتحاد جماهر شوروی سوسیالستی، مسکو، ۱۹۲۶.

[6] С. Айний, Алишер Навоий, Душанба, нашриёти Давлати Тоҷикистон, 1948, саҳ. 181 — 182.

[7] Blochet, E. Catalogue dela collection de manuscrits orientaux arabes, persans et turcs, formee par M. Charles Schefe, Paris, 1900.

Алишер Навоийнинг ўзи форсий шеърларидан тартиб этган тўплами «Девони Фоний»нинг асл нусхалари бўлиб чиқди. Бу ондаги севинчимизни тасаввур қилиш қийин, албатта. Қаршимизда улуғ санъаткорнинг нуроний **сиймоси** тириклигин қад кўтаргандек эди. Биз дарҳол Айний эълон қилган шеърларни «Девони Фоний»нинг Париж нусхалари билан бирма-бир муқойиса қилганимизда Айний тўпламидаги кўпчилик шеърлар, шу жумладан 97 ғазалдан 91 тасининг Навоийники эмаслиги аниқланди. Аммо шундай натижаларга қарамай, Навоий форсий меросини излаш ва ўрганишда Садриддин Айнийнинг маълум ҳисса қўшганини мақола автори чуқур ҳурмат билан алоҳида эътироф этади.

Садриддин Айний ўз асарларида совет кутубхоналаридаги «Девони Фоний» қўлёзмаларининг сони тўртта эканини гапирган эди. Биз олиб борган текширишлар натижасида совет фондларидаги «Девони Фоний» қўлёзмаларининг яна учтаси топилиб жамъи еттитага борди. Булардан бештаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, иккитаси эса Тожикистон ССР Фанлар академияси қўлёзма фондларида сақланади[8].

Тошкент ва Душанбада сақланаётган бу еттита қўлёзма XIX асрда Бухоро ва Хевада ёзилган, мазмун эътибори билан Фоний Қашмирий, Фоний Шерозий ва шунга ўхшаш бизга маълум бўлмаган бошқа «Фоний»лар шеърларидан тартиб этилган **компелятив девонлардир.** Бир девоннинг етти нусхасидан иборат бўлган бу қўлёзмалардаги 796 шеърдан 6 ғазалгина Навоийга тааллуқлидир.

II

1948 йили профессор Евгений Эдуардович Бертельс ўзининг «Навоий» монографиясида Навоийнинг форс-тожик ижоди ҳақида фикр юритар экан: «Персидские стихи его были объединены в диван. К сожалению, рукописи этого дивана в наших книгохранилищах отсутствуют»[9], деб ёзган эди. Орадан ўн йил ўтгач, 1957—1958 йилларда Навоий қўлёзма меросини тўплаш ва ўрганиш муносабати билан биз Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларнинг академия ва университет қўлёзма фондлари билан бирма-бир танишиб чиқдик. Шунингдек, Иттифоқимиздаги жуда кўп бошқа кутубхоналар ва шахсий коллекцияларни ҳам кўздан ўтказдик. Профессор Е. Э. Бертельс фикрлари яна бир бор тасдиқланди — ҳеч ерда Навоий шеърларидан тузилган «Девони Фоний»нинг асл қўлёзмаси топилмади. Биз излашни давом эттирдик. Шарқ қўлёзмалари тавсифи берилган ажнабий тиллардаги каталогларни текширишга киришдик. Натижада чет эл каталогларидан Париж, Туркия ва Теҳрон кутубхоналарида Навоийга нисбат берилган «Девони Фоний»нинг бешта қўлёзма нусхаси борлиги маълум бўлди[10].

«Девони Фоний» ҳақиқий қўлёзмаларининг очилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида ва адабиётимиз тарихида зўр ҳодиса бўлди.

«Девони Фоний»нинг Париж, Туркия ва Теҳронда сақланаётган беш қўлёзма нусхаларини муқойиса қилиш натижасида маълум бўл-

---

[8] Тошкент, ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. №№ 1041/VI, 916, 3343/III, 914/II 1926; Душанба, ТожССР Фанлар академияси Шарқшунослик шуъбаси, №№ 956, 272.

[9] Е. Э. Бертельс, Навои, стр. 103

[10] Blochet, E. Catalogue de la collection de manuscripts orientaux arabes, persans et turcs formee par M. Charles Schefer. Paris, 1900, p. 73;

ابن یوسوف شیرازی، فهرست کتاب خانهٔ مدرسهٔ عالی سپهسالار، جلد دوم، کتب ختی فارس و عربی و ترکی در چاپخانهٔ مجلس، تهران، ۱۳۱۸.

Agah Sirri Levend. Türkiye kitaplıklarindaki Nevai yazmalari, Turk Dili Arastirmalari Yilligi (Belleten), Ankara, 1958 sah. 185—186.

дики, бу қўлёзмаларнинг ҳаммаси формал тавсифи, таркиби, мазмуни, лирик жанрлари, қолаберса, композицияси жиҳатидан битта девоннинг ўзидир. Бу беш қўлёзманинг ҳаммасидаги ғазаллар

ای خاک سر کوی تو کشتن هوس ما
برپای سکت بوسه زدن ملتمس ما

байти билан бошланади. Бошқача қилиб айтганда, буларнинг ҳаммаси гениал **Алишер Навоий — Фонийнинг форс-тожик шеърларидан тузилган тўплами «Девони Фоний» нинг асл нусхаларидир.** Бу қўлёзмаларнинг бир-биридан ягона фарқи уларнинг турли ҳажмда бўлишидагина, холос[11].

Чет эл фондларидаги бу беш қўлёзма Навоийнинг ҳақиқий «Девони Фоний» тўплами эканининг исботи учун қуйидаги далилларни келтирамиз:

1. Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да ўз асарлари ҳақида маълумот берар экан, «Девони Фоний» тўғрисида шундай ёзган:

«Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким жамъи сухан адолар ва назмперолар назарида мустаҳсан ва матбуъдир, тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеъриға татаббуъ воқиъ бўлубдур. Ва баъзи ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Саъдий қуддиса сирраҳуғаким, ғазал таври мухтариъдур. Ва баъзи Мир Хисравғаким ишқ оташкадасининг шуъла ангезидур, ва дард ғарибхонасининг ашкрези. Ва баъзи ҳазрати Махдум нурайнғаким камол авжининг меҳри ламъидур. Ва мазкур бўлғон азизлар ҳолатининг жамъики бу девон халойиқ орасида шоеъдур ва рузгор аҳлининг табълари ул сари рожиъ. Ва анда кўп турлик дилкаш адолар ва дилпазир маъно-лар воқеъдурки тафсили бу фақирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм аснофидин мисли муқаттаот ва рубоийёт ва маснавий ва тарих ва луғаз ва ул жумладин беш юзга яқин муаммо...». Бу парчада шоир кўрсатган: а) ғазаллар Ҳофиз, Саъдий, Жомий ва бошқа шоирлар шеърига жавобан татаббуъ ва тавр йўлида ёзилгани; б) девоннинг халқ орасида шуҳрат қозонгани; в) девоннинг жанр таркибида ғазаллардан ташқари қитъалар, рубоийлар, маснавий (таркиббанд — **Ҳ. С.**), тарих, луғз ва муаммолар борлиги ҳақидаги маълумотларни юқоридаги беш қўлёзма тўлиқ равишда тасдиқлайди.

2. Беш нусханинг ҳаммасига бошқа манбалардан бизга аниқ маълум бўлган Навоийнинг форс-тожик шеърлари кирган: а) „Муҳокаматул-луғатайн“да номлари санаб ўтилган олти қасиданинг ҳаммаси (1. روح القدس „Руҳул-қудс“, 2. عين الحيات “Айнул-ҳаёт“, 3. تحفة الافكار „Туҳфатул-афкор“, 4. قوت القلوب „Қувтул-қулуб“, 5. منهاج النجات „Минҳожул-нажот“, 6. نسيم الخلد „Насимул-хулд“) „Девони Фоний“-нинг Париж (№ 285), Туркия (№№ 1952, 3850) нусхаларида мавжуд; б) Жомий вафотига ёзилган марсия; в) Жомийга жавобан ёзилган „кошки“ радифли мусаддас; г) Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад вафотига ёзилган тарихлар беш қўлёзманинг ҳаммасида бор.

---

11 „Девони Фоний“ устида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг баъзи натижалари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан ҳар йили Навоийга атаб ўтказиладиган илмий сессияларда мазкур мақола муаллифи томонидан ўқилган докладларда тўрт мартаба баён қилингандир (қаранг: Навоий сессияси материалларининг стенограммалари — 1. „Девони Фоний“ нинг икки мўътабар Париж қўлёзмалари ҳақида“, 1961 й.; 2. “Навоий форсий қасидаларининг ижодий тарихига оид“, 1962 й.; 3 „Навоийнинг форсий рубоийлари“, 1963 й.; 4. „Девони Фоний“ ғазалларининг социал мазмуни ҳақида“, 1964 й.

3. Навоийнинг машҳур биографи Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» асарида шоирнинг форсий асарларидан мисол сифатида келтирган уч тарих ва икки муаммоси «Девони Фоний»нинг ҳамма беш нусхасига кирган.

4. Навоий „Муҳокаматул-луғатайн"да айтган تتبع خواجه حافظ татаббуъи Хожа Ҳофиз, تتبع جامی татаббуъи Жомий, در طور مخدم дар таври Махдум, تتبع میر حسرو татаббуъи Мир Хусрав, تتبع شیخ سعدی татаббуъи Шайх Саъдий, مخترع мухтараъ сингари юзлаб сарлавҳалар „Девони Фоний"нинг ҳамма беш нусхасидаги ғазалларда мавжуд.

5. «Муҳокаматул-луғатайн»да Навоий «Девони Фоний»га кирган шеърларнинг ҳажмини «...олти мингдин абъёти адади кўпрақдур...» деб хабар берган эди. «Девони Фоний»нинг биз тиклаган автор редакциясидаги шеърлар ҳажми 6197 байт, яъни 12394 мисраъ чиқди. Асарнинг бу реал ҳажми билан Навоий хабар қилган ҳажмларнинг деярли бир хилда бўлиши фикр-мулоҳазаларимизнинг яна бир равшан далили бўла олади. Шу хилда мисоллардан яна ўнлаб кўрсатишимиз мумкин. Ўйлаймизки, келтирган далиллар етарли исбот кучига эгадир.

«Девони Фоний»нинг беш қўлёзмаси ичида энг мукаммали ва уникал нусхаси 285-инвентарь номерли Париж нусхаси бўлганидан биз мазкур қўлёзмани ўз тадқиқотларимиз учун таянч нусха сифатида қабул қилдик. Бу нусха 933—1526-1527 йил Хуросонда пухта каллиграфик настаълиқ хатида ғоятда саводли хаттот томонидан зўр эътибор билан кўчирилган қўлёзмадир. Котиб номи кўрсатилмаган. Бу нусхада етишмаган алоҳида шеър ва тушиб қолган байтларни 1345-инвентарь номерли иккинчи Париж қўлёзмасидан олиб тўлдирдик. Оқибатда, «Девони Фоний»нинг тикланган, автор редакцияси қуйидагича аниқланди:

Дебоча دیباچه	V қитъа قطعه 72
I қасида قصیده 6	VI рубоий رباعی 73
II ғазал غزل 554	VII тарих تریخ 16
III мусаддас مسدس 1	VIII муаммо معما 373
IV таркиббанд ترکیب‌بند 1	IX луғз لغز 9

«Девони Фоний»нинг асосий қисмини ташкил қилган 554 ғазалнинг кўпчилиги, **мавзу, вазн, қофия, ҳатто кўп вақт ўхшатилмиш ғазал лексикасини** сақлаган ҳолда форс-тожик шоирлари ғазалларига шеърий жавоб бўлиб, Навоийгача шарқ поэзиясида традицияга айланган تتبع **татаббуъ** (ўхшатма) ва طور **тавр** (йўл) услубида яратилган ўзига хос юксак бир оригинал санъатдир. «Девони Фоний»нинг ҳар бир ғазали қайси шоирнинг ғазалига жавобан ёзилгани ёки Алишер Фонийнинг ўз томонидан янги мавзуларда ижод этилганини кўрсатувчи сарлавҳалар деярли 554 ғазалнинг ҳаммасига шоир томонидан қўйиб чиқилган. Бу сарлавҳаларни, Навоий форсий ғазалиётининг барча моҳиятини очиб ташлашга ёрдам берувчи энг муҳим тадқиқот калидларидан бири дейиш мумкин.

«Девони Фоний» ғазалларидан қанчаси кимларга шеърий жавоб услубида яратилгани қуйидагича:

1. حافظ شیرازی Ҳофиз Шерозийга-237, II. امیر حسرو دهلوی Амир Хусрав Деҳлавийга-33, III. عبد الرحمن جامی Абдураҳмон Жомийга-52, IV. شیخ سعدی Шайх Саъдийга-25, V. مولانا کاتبی Мавлоно Котибийга-5, VI. مولانا شاهی Мавлоно Шоҳийга-5, VII. کمال خوجندی Камол

Хўжандийга - 4, VIII. حسینی Ҳусайнига (Ҳусайн Бойқаро)-2,IX. امیر وفایی Амир Вафоийга-2, X. خواجه اسمت Хожа Исматга-2, XI. انوار قاسم Анвор Қосимга-1, XII. خواجه اوهد Хожа Уҳдга-1, XIII. سیفی ترک Сайфи Туркга-1, XIV. خواجه حسن Хожа Ҳасанга-1, XV. خواجه سلمان Хожа Салмонга-1, XVI. امیر سهیلی Амир Суҳайлийга-1, XVII. مولانا آرفی Мавлоно Орифий га-1, яна 19 ғазалга تتبع بعضی عزیزان = „Татаббуъ баъзи азизон“, تتبع از ظرفان زمان „Татаббуъ аз зурафони замон“ каби сарлавҳалар қўйилган.

„Девони Фоний“даги иккинчи туркум ғазаллар Алишер Фонийнинг мустақил мавзуларда янгидан яратган шеърларидир. Бу ғазалларга шоир уч хил сарлавҳа қўйган: 1. مخترع Мухтараъ-97, II. اختراع Эхтироъ-8, III. در بی‌وفا اهل زمان Дар бевафои аҳли замон (аҳли олам)-5.

Биздаги нусхаларда 26 ғазал сарлавҳаси тушиб қолган, 16 ғазал сарлавҳалари шубҳали бўлгани учун жамъи бўлиб девондаги 42 ғазалнинг сарлавҳасини ҳозирча аниқлай олмадик.

Қўлёзма манбаларга асосланиб айтилган фикр ва мулоҳазалардан шундай хулоса чиқариш мумкин: а) Навоийнинг форс-тожик тилидаги меросини ўрганиш соҳасидаги узоқ замонлар давом этиб келган турли қийинчиликлар, ҳар хил тахмин ва чалкашликларга энди узил-кесил чек қўйилди; б) қўлёзмаларни қиёсий текшириш натижасида Тошкент ва Душанба фондларидаги еттита «Девони Фоний» нусхалари Навоийга алоқасиз бўлиб, улар асосан Муҳаммад Мухсин Фоний Қашмирий ва бошқа Фоний тахаллусидаги шоирлар шеъридан тартиб этилган компилятив девонлар экани маълум бўлди; в) улуғ санъаткорнинг ўлмас ғоялари мўъжизакор санъатининг ҳозиргача бизга маълум бўлмаган нодир намуналарини ўз ичига олган, Навоий меросида янги бир дунё кашф этган «Девони Фоний»нинг бешта ҳақиқий қўлёзмалари — Париж, Туркия ва Теҳрон нусхалари қатъи аниқланди ва шулар асосида автор редакциясига яқин бўлган тўлиқ варианти тикланди; г) Алишер Фонийнинг ҳозиргача жамоатчиликка маълум бўлмаган ўн икки минг мисрадан ортиқ форс-тожик тилида яратган улкан меросининг асли текстлари эски ва янги графикада нашрга тайёрланиб, китобхон оммаси ва илм аҳлига тақдим этилди[12].

---

[12] «Девони Фоний»нинг бир оз қисқартирилган варианти ўзбекча насрий таржимаси билан Навоий асарлар тўпламининг бешинчи томи сифатида (икки китобда) «Тошкент» Давлат бадиий адабиёт нашриёти томонидан нашр қилинмоқда, аммо мукаммал илмий нашри эса Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида уч томда чиқади.

В. А. ЕСЕНГАЛИЕВА

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА «ҚИЛМОҚ», «БЎЛМОҚ» ТИПИДАГИ СЎЗЛАР ИШТИРОКИДА ЯСАЛГАН СОСТАВЛИ ФЕЪЛЛАР

(Туркий тиллардаги составли феъллар ва уларнинг ривожланишида рус тилининг роли масаласига доир)

Составли феъллар от ва кўмакчи феъллар бирикувидан ҳосил бўлади ва улар феълларнинг аналитик йўл билан ясалувчи бошқа типларига қараганда (масалан, турғун феъл бирикмаларига нисбатан) туркий тилларда анча кенг ривож топган. Бундай типдаги ясалиш туркий тилларда қадимдан шаклланган модель бўлиб, бошқа турдаги янги феъллар учун ҳам характерлидир.

Составли феъллар туркий тиллар лексикасидан салмоқли ўрин олади, шунинг учун ҳам составли феълни ташкил қилган компонентларнинг структурал-грамматик ва лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш ғоят муҳим илмий аҳамият кашф этади.

Составли феълнинг биринчи компоненти от категориясига (асосан от ва сифатга), бошқа тилдан олинган феълнинг инфинитив формасига ва, шунингдек, онда-сонда бутун сўз бирикмасига алоқадор бўлмоғи мумкин. Туркий тиллар *қылмақ (етмек, ясамақ, истеу, уармак, айламақ)* ва *болмақ (олмак)* каби кўмакчи феъллар составли феъларнинг иккинчи компоненти бўлиб кела олади.

Составли феъларнинг элементлари синтактик муносабат планида тарихан тўлдирувчи+феъл кесим тарзида бўлган. Даврлар ўтиши билан кўп такрорланиш туфайли, феъл компонентларининг лексик маъноси заифлашиб, абстракцияланиш қонунига мувофиқ аста-секин йўқолган. Шунинг натижасида бундай феъллар кесим сифатида қўлланиш функциясини йўқотиб, ҳаракатнинг оддий белгисига, сўз ясашнинг бир воситасига, феъллик морфемасига айланган. Улар ўз грамматик маъносига кўра фъел ясовчи аффикслар тенг бўлиб қолган ва грамматикализация натижасида составли феълни ташкил қилган икки компонент ҳам бир бутун лексик маънони ифодалай бошлаган, бошқача қилиб айтганда, составли феъллар дастлаб ихчам феъл бирикмалари сифатида шаклланиб ривожлана борган ва кўринишда асл форма сақланган бўлса-да, аста-секин феълнинг алоҳида шаклини ифодаловчи сўзга айланган. Составли феъларда кўмакчи феъларгина грамматик жиҳатдан ўзгаради, демак, составли феълнинг ясалиши билан аффикслар ёрдамидаги ясалишнинг принципи бир хилдир. Фарқ шундаки, биринчи ҳолатда сўз ясаш аналитик йўл билан, иккинчисида — синтетик йўл билан содир бўлган.

Проф. А. Н. Кононов ўзбек тилидаги составли феъллар ҳақида қуйидагиларни ёзади: *«қилмоқ||этмоқ* сўзлари воситаси билан ясалган қўшма феъллар «-ла», «-лан» аффикслари ёрдамида ясалган дублетлар-

га эгадир»[1]. *Тасдиқ қилмоқ—тасдиқламоқ, тамом қилмоқ—тамомламоқ; соз қилмоқ — созламоқ*[2]. А. И. Исқақовнинг қозоқ тилига нисбатан баён этган мулоҳазаси ҳам диққатга сазовордир. Унинг фикрича, кўмакчи-феъллар асосан отлар билан бирикади, шунинг билан бир қаторда худди шу отларга айрим аффикслар қўшилиб феъл ясалиши мумкин: *курмет қыл — қурметте, ен сал-ендет- (қўшиқ айт-)*[3]. Бу фикр барча туркий тилларга нисбатан ҳам тааллуқлидир.

«От+қилмоқ» типидаги составли феъларга умумий характеристика бериш ва уларнинг лексик-грамматик хусусиятларини аниқлашдан аввал иккита масалани уқиб олмоғимиз зарур: 1. Компонентлар орасидаги ички боғланиш ва ўзаро таъсирий муносабатнинг характери (яъни бутун бир семантик структуранинг шаклланиш принципи); 2. Уларнинг структурал-грамматик хусусиятлари.

Составли феъларнинг от компоненти ўз лексик маъносини сақлайди, кўмакчи феъл (масалан, қыл-) от компонентини феъллаштиради, уни «ҳаракатга айлантиради». Шунга кўра от+феъл типидаги составли феъл ясалганда компонентлар маъносида кескин ўзгариш юз бермайди, балки ўзига хос йўл билан аналитик феъл формаси ясалади холос (компонентлар текст ичида кўчма маъно кашф этиши мумкин, албатта). Бу жиҳатдан улар бир бутун сўзга баробар бўлиб, бир бутун семантикага эгадир. Шу билан бирга, от+қыл- типидаги составли феъллар компонентлари маълум мустақилликка эга бўлган турғун бирикмалардан фарқланади.

Составли феъларнинг структурал-грамматик хусусиятларини ўрганганимизда, биринчи навбатда, улардаги даража, ички-ташқи синтактик алоқага киришув характери эътиборни жалб қилади.

Мазкур составли феъллар бошқа отлар билан бирикканда тўғри тўлдирувчи ва феъл кесимдир (*ўзб. машинани ремонт қилмоқ*), сифат билан бирикканда — кесимнинг феъл қисми ва предикатив бўлакдир.

Туркий тилларда *қыл-* сўзи воситаси билан ясалган составли феъларнинг кўпчилиги аниқлик даражасидаги феъл бўлиб, ўз ташқи синтактик алоқалари жиҳатидан ўтимли феъл сифатида рўёбга чиқади ва тўғри объект талаб қилади. Шу билан бир қаторда, айрим ҳолларда шаклан ўтимли ҳисобланган ўрта даражадаги феъл ўтимсиз феъл вазифасида ҳам келиши мумкин (сўнгги ҳолат улар кўчма маъно кашф этганда учрайди).

Составли феъларнинг ўтимлилик ва ўтимсизлик хусусияти от компонентининг лексик маъносига боғлиқдир. Агар от компоненти ҳаракат номини, ҳаракат объекти ва ҳаракат равишини ифодаласа, составли феъл ўтимли бўлади: қум. *коллекция этмек,* туркм. *мумия этмек.* Бу мисоллардаги *этмек* феълининг функцияси туркий тиллардаги «-ла» аффиксининг функциясига тенгдир. Агар составли феълнинг от компоненти процессни, ҳаракат предметини, натижасини, ҳолатини билдирса, составли феъл ўтимсиз бўлади: қирг. *партизандык қылуу,* ўзб. *жонглёрлик қилмоқ,* тот. *администраторлык иту,* бошқ. *гастроллек иту* ва ш. к.

Составли феъларнинг компонентлари семантик жиҳатдан ўзаро маҳкам боғланган бўлса, улар ташқи синтактик алоқага киришув имкониятига эга бўлади ва тўғри объект билан бирикаверади (тўғри объект ола билади) ва, аксинча, ўзаро бирикиш заиф бўлса, лексикализация процесси ҳали тугаб етмаган ва сўз бирикмаси компонентлари муста-

---

[1] А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 260.

[2] А. Н. Кононов, ўша асар, 260-бет.

[3] А. И. Искаков, Морфологическая структура слова и именные части речи в современном казахском языке, Алма-Ата, 1964, стр. 88 (А. Д.Д.).

қилликни сақлаган бўлади, гапда улар янги объект билан бирикма ҳосил қилолмайди.

От компоненти. Туркий тилларда, қайд қилиб ўтганимиздек, от, сифат, тақлидий сўзлар, олмош, араб тилидан олинган масдар ва сифатдош формалари, рус ва чет тилларидан кирган инфинитив формаси составли феъларнинг биринчи компоненти бўлиб кела олади: ққ. *қан етув,* ўзб. *умид қилмоқ,* қоз. *қурмет қылу,* гагауз. *йардым етмää* каби.

От+қилмоқ типидаги янги ясалган составли феъларда барча туркий тиллар бўйича асосан от биринчи компонент бўлиб келади. Шунингдек, айрим туркий тилларда (тотор, бошқирд, қумиқ, қирғиз, чуваш, караим, гагауз, озарбайжон, турк тилларида) чет тилдан олинган феълнинг инфинитив формаси жуда сийрак — сифат биринчи компонент бўлиб келади.

Составли феълнинг от компонентига «-лик‖лық» аффиксининг қўшилиб келиши ҳам мумкин. Э. В. Севортян бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Мазкур формалар касб, машғулот, бирор нарсага, ғояга мойиллик, ижтимоий ва хизмат функцияси жиҳатдан шахсни характерлаб бериш мақсадида ясалади»[4]. Айрим туркий тилларда худди ана шу функцияни адо этиш учун «-чилик‖чылық» аффиксидан ҳам фойдаланилади: қум. *қуллуқ этмек* (хизмат қилмоқ), *балықчылық этмек;* ўзб. *кустарчилик қилмоқ, бригадирлик* ‖ *бригадирчилик қилмоқ.*

Айрим морфологик қисмларга бўлинмайдиган абстракт маъноли отлар+кўмакчи феъл типидаги ясалиш нисбатан кам учрайди: ўзб. *атака қилмоқ, акт қилмоқ;* қум. *саботаж этмек,* чув. *гипноз ту,* хак. *ревизия эдерге* ва ш. к.

Кўмакчи феъл вазифасида келувчи *қилмоқ* феъли ҳар қандай от билан ҳам бирикавермайди (эркин бирикма ҳақида гап кетаётгани йўқ). Составли феълнинг кўмакчи компоненти бўлиб келган феъл асосан абстракт маъноли отлар билан бирикади. Конкрет маънони ифодаловчи от билан кўмакчи феълнинг бирикуви жуда сийрак учрайди (қиёс қилинг: ўзб. т е л е ф о н қ и л м о қ), учраганлари ҳам тўлдирувчи+кесим хусусиятини ҳали тугал йўқотиб юбормаган бўлади, ёки мазкур феъл билан бир қаторда кўмакчи вазифасида бошқа феъллар ҳам параллел ишлатиларади (қиёс қилинг: ўзб. *телефон қилмоқ, телефон қоқмоқ, телефон урмоқ* ва ш. к.). Фикримизча, *телефон қилмоқ, консерва қилмоқ* типидаги бирикувлар объектив боғланиш чегарасидан чиққан эмасдир. Туркий тилларда от+қилмоқ типидаги составли феъл ясашда *қилмоқ* феълининг универсаллиги ҳақидаги фикрни мавжуд фактлар тасдиқламайди[5].

Рус тили ва у орқали бошқа тиллардан кирган от компонентига «-лик», «-чилик» аффиксларини, кўплик кўрсаткичини қўшиш мумкинлиги ва бошқа бир қатор хусусиятлар аста-секин кўмакчи феъларни «-ла», «-лан», «-лаштир» каби аффикслар билан алмаштиришга кенг йўл очади (қиёс қилинг: ўзб. тилида *печатламоқ,* лекин *печать қўймоқ, печать босмоқ* — объектив боғланишдир): *баланс қилмоқ — балансламоқ, ремонт қилмоқ — ремонтламоқ каби.* Худди шундай ҳодиса араб ва тожик-форс тилларидан олинган абстракт маъноли отларда ҳам рўй берган. Ўзига хос «танлаш» процесси ҳали ҳозиргача ҳам давом этмоқда: ўзб. *лаънат қилмоқ — лаънатламоқ, маҳкам қилмоқ — маҳкамламоқ, таъмин қилмоқ — таъминламоқ, ҳурмат қилмоқ — ҳурматламоқ* ва ш. к.

Юқорида қайд қилганимиздек, туркий тилларда рус, поляк, француз тилларидан кирган феъларнинг инфинитив формаси ҳам составли феъл-

[4] Э. В. С е в о р т я н, Соотношение грамматики и лексики..., стр. 311.
[5] Н. К. Д м и т р и е в, Строй тюркских языков, М., 1962, стр. 585.

нинг биринчи (от) компоненти бўлиб кела олади. Қараим тилида украин ва поляк тилларининг инфинитив формаси шу мақсадда ишга солинади. Русча инфинитив форма + қилмоқ‖этмоқ айрим туркий тилларида норматив ҳолга келиб қолган: тот. *бомбардировать етү, калибровать етү*; қум. *идеализировать этмек, социализировать этмек;* бошқ. *бронировать етеу, гравировать етеу;* қирғ. *компостировать этүү, диктовать қылуу,* чув. *графировать ту, дравпировать ту,* ққ. *контролировать этув;* французча инфинитив + etmek: idealize etmek (фр. idealiser феълидан) , amorti etmek (фр. amortir феълидан) ; озар. *диктә этмәк.*

Чет тиллардан олинган феълнинг инфинитив формаси *қилмоқ* ‖ *этмоқ* феъллари билан бирикиб келуви, мисоллардан кўринадики, айрим туркий тилларда адабий тил нормаси тусига кирган. Лекин шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, баъзи адабий тиллар учун инфинитив + қилмоқ типидаги ясалиш норма сифатида ишлатилмаса ҳам, сўзлашув тилида анча кенг тарқалган: қоз. *звонить ету*, уйғ. *редактировать этмәк*, ўзб. *звонить қилмоқ, опаздать қилмоқ, виступать қилмоқ, обсуждать қилмоқ* ва ш. к. *Звонить қилмоқ* типидаги составли феъллар айниқса зиёлилар тилида шу қадар кенг қўлланиладики, эҳтимол, вақти билан бундай типдаги ясалишлар ҳам мазкур тилларда адабий норма сифатида тенг ҳуқуқли грамматик формага айланар.

Феъл компоненти. Энг қадимги туркий тиллар ёдномаларидаёқ *қилмоқ* ўтимли феъли (қисман *этмоқ*) бош келишикдаги айрим отлар билан бирикиб ўз конкрет маъносини йўқотиб, умумлашган — абстракт маъно кашф этаборгани маълум. *Қилмоқ* ‖ *этмоқ* феъли бошқа мустақил феъларга нисбатан борган сари яккаланиб, ўз мустақиллигини йўқота борган. Даврларнинг ўтиши билан от билан кўмакчи феъл ўртасидаги синтактик муносабат — объект ва феъл кесимлик хусусият йоқолади ва аста-секин кўмакчи феъл вазифасида келган *қилмоқ* сўзи бирор от билан бирикиб, предикативликни ифодаловчи формал кўрсаткичга айланади. Шунинг натижасида от + қилмоқ типидаги бирикма бошқа отни бошқарув қобилятини кашф этади, лексикализациялашган бутун бир феъл тушунчасини ифодалаб, ўтимли семантикага эга бўлади. Қадимги ёдномалардан мисоллар: *бай қыл-, киши қыл-, йоқ қыл-, анут қыл-* (тайёр қил-) каби.

Ҳозирги уруғдош тилларда *қилмоқ, этмоқ, бўлмоқ* феъларини кўмакчи феъл функциясида қўллаш доираси бошқа типдаги кўмакчи феъларга нисбатан анча кенгдир. Масалан, *қилмоқ, этмоқ, бўлмоқ* феъларининг семантикасини *кўрмоқ, чиқмоқ, тортмоқ, келмоқ, юбормоқ* каби кўмакчи вазифасида қўлланилувчи феъллар семантикаси билан чағиштириш кифоядир[6].

Шундан келиб чиқадики, „кўмакчи феъларнинг маъноси қанчалик кенг бўлса, составли феъллар шунчалик лексикализация ҳодисасига яқин туради, бу типдаги феъл ясалиши эса анча изчил ва системали характерга эга бўлади; кўмакчи феъларнинг маъноси қанчалик тор бўлса, составли феъллар кўпроқ турғун бирикмага мойил бўлади ва бу типдаги ясалиш изчил, системали бўлмайди, хусусий характерга эга бўлади“.[7]

Ҳозирги замон туркий тилларда *қилмоқ* феъли билан маънодош бўлган бир қатор феъллар стилистик синоним сифатида ишга солинади. Составли феъларни ясашда қуйидаги ҳаракат феъларидан фойда-

---

[6] А. И. Искаков, Морфологическая структура слова..., стр. 88.
[7] А. И. Искаков, ўша асар, 88-бет.

ланилади: қоз. *қылу, жасау, ету, истеу (режиссерлық ету, шпиондық истеу)*; ўзб. *қилмоқ, этмоқ, ясамоқ* (сўнггиси жуда кам ишлатилади); бошқ. *яҳау, итеү*; қум. *этмек*; караим. *этмек;* ққ. *етув, қылув;* қирғ. *қылуу;* уйғ. *қил-, эт;* туркм. *этмек*, (*кылмак* — сийрак); озар. *этмәк*; чув. *ту-*, тув. *кылыр*, хак. *эдерге-*, гагауз. *етмää*. Усмонли турк тилида кўмакчи феъл сифатида *etmek, уартак* феъллари ишлатилади, *kiltak, buyurtak* феъллари эса мазкур иккита феълнинг синоними сифатида ишга солинади. Шу нарса диққатга сазоворки, усмонли турк тилида *kiltak* феъли ўз лексик маъносини йўқотган ва кўмакчи феъл вазифасида жуда ҳам кам учрайди.

Барча туркий тилларда асосан иккита феъл (*қил-, эт-*, қозоқ тилида эса тўртта — *қылу, ету, жасау, истеу*) составли феъларнинг иккинчи компоненти бўлиб келади. Лекин рус ва чет тилларидан кирган феълнинг инфинитив формаси туркий феъл билан бирикканда фақат *қил-, эт-* феъллари учрайди. Бунинг бош сабаби шундаки, масалан, рус тилидан олинган инфинитив формасининг туркий тиллар заминидаги феъллик семантикаси анча заифлашгандир. Бу ҳақда Н. К. Дмитриев ёзади: „Тотор тили учун русча инфинитивнинг феъллик маъноси деярли сезилмайди“[8]. Бу фикрнинг адолатли эканлигини тасдиқловчи бир қатор фактлар мавжуд. Биринчидан, инфинитив формасининг *қилмоқ* типидаги феъллар билан бирикиб, составли феъл ясалишининг ўзи сўзловчи инфинтив формасини от сифатида уққанлигига аниқ ишора қилиб турибди (қиёс қилинг: *телефон қилмоқ — звонить қилмоқ*). Иккинчидан, тотор ва бошқирд тилларида русча инфинитив формаси билан фақат *ет-* кўмакчи феъли бирикади. Бошқа кўмакчи феъларга нисбатан бу феълнинг маъноси анча абстракт ва умумлашган эканлиги маълум нарса, бу эса ўз қаторида составли феълнинг от қисмини (инфинитив) ташкил қилган сўзнинг ортиқ абстракт — умумлашган семантикага эга эканлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, инфинитив + туркий феъл типидаги бирикувни умуман от + феъл типидаги бирикувга тенглаштириб бўлмайди, чунки биринчисининг семантикаси иккинчи типдаги бирикувга нисбатан анча умумлашган ва абстрактдир. Яна бир қизиқ мисол: бошқирд тилида от + феъл типидаги бирикувда фақат *яҳау* кўмакчи феъли, инфинитив + феъл типидаги ясалишда фақат *итеү* кўмакчи феъли ишлатилади. Бу факт туркий тилларда рус инфинитиви ҳаракат маъносини ҳали тугал йўқотмаганлигидан ва ўз семантикаси эътибори билан ўта абстракт эканлигидан дарак беради. Лекин бу нарса қайд қилинган бирикувда инфинитив ўз феъллик хусусиятини сақлаган, деган ҳукмни чиқаришга имкон бермайди, акс ҳолда бунинг сингари ясалишнинг (инфинитив + феъл) юзага келиши мутлақо мумкин бўлмас эди.

Ўзбек тилидаги *қилмоқ* феълида абстракт маъно кучлидир, шунинг учун ҳам сўзлашув тилида от + феъл типидаги бирикмада асосан *қилмоқ* сўзи ишлатилади, *этмоқ* феъли эса бу вазифада *қилмоқ* феълининг стилистик синонимидир. Рус инфинитиви + феъл типидаги бирикувларда асосан *қилмоқ* сўзи кўмакчи вазифасини адо этади (сўзлашув тилида): *звонить қилмоқ, опоздать қилмоқ, обсуждать қилмоқ* каби.

***Бўлмоқ* феъли билан ясалган составли феъллар.** *Қилмоқ* феъли маълум маънода *бўлмоқ* кўмакчи феълига қарши қўйилган. *Бўлмоқ* феъли от билан бирикиб, ўтимсиз феъл ясайди, иккинчиси эса — ўтимли феъл ясайди. Ўзб. *таъмин қилмоқ — таъмин бўлмоқ, акт қилмоқ — акт бўлмоқ, штраф қилмоқ — штраф бўлмоқ* каби.

---

[8] Н. К. Дмитриев, Строй тюркских языков..., стр. 585.

Қилмоқ феъли от компонентига актив ҳаракат маъносини беради, *бўлмоқ* феъли эса, от компоненти билан бирикиб,ҳолат белгисини ифодалайди. Проф. А. Н. Кононов ўзбек тилидаги *бўлмоқ* феъли ҳақида ёзади: „Бўлмоқ феъли акт, процесс, ном, ҳаракат натижасини ёки белгини, сифат ёки хусусиятни ифодаловчи сўзлар билан бирикиб, медио — пассив маъноли ўтимсиз феъл ясайди"[9]: *ғарқ бўлмоқ, мубтало бўлмоқ, мажбур бўлмоқ* ва ш. к. Демак, *бўлмоқ* сўзи ёрдамида умум ўзлик ва мажҳул маъноли ўтимсиз составли феъллар ясалади: бошқ. *суфлер болыу,* қирғ. *дезертир болуу,* ўзб. *банкрот бўлмоқ, национализация бўлмоқ,* уйғ. *демоблизация бўлмоқ* ва ш. к.

Бўлмоқ кўмакчи феъли ҳам *қилмоқ* сингари ўз дублетларига эга бўлмоғи мумкин: қирғ. *социалистик болуу — социализациялануу,* чув. *панкрут пул — панкрутлан* — ва ш. к.

Инфинитив + *бол*-феъли моделининг хакас тилидаги варианти жуда қизиқдир. Бу тилда *командовать эдерге* ўрнида *командовать поларға* бирикуви қўлланади. Яна мисоллар: *асфальтировать поларға, бомбить поларға, компостировать поларға;* ҳатто *нумироваться поларға, шифроваться поларға.*

Бу хилдаги бирикувлар хакас тилидаги янги феъларнинг барча лексик-семантик группасида учрайди ва ўрта ҳисоб билан 53,3 процентни ташкил қилади. Бу факт *қил-, бол*-типидаги кўмакчи феъллар ўз мустақилликларини йўқотиб, фақат ясовчи аффиксларга тенг бўлиб бораётганлигини кўрсатиб берувчи ёрқин далилдир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур кўмакчи феъллар ўта абстракт маъно кашф этиб, борган сари улардаги лексик маъно хиралашиб, структур ролни — сўз ясаш вазифасини адо эта бошлаган ва функцияси эътибори билан сўз ясовчи аффиксларга тенг бўлиб қолаётир.

Бўлмоқ феъли компонент бўлиб келган составли феъллар ҳам ҳозирги туркий тилларда анча маҳсулдор ясалишдир, лекин бу усул билан *қилмоқ* феълининг иштирокида ясалган турига қараганда анча каммаҳсулдир.

Шундай қилиб, ҳозирги замон туркий тилларда янги типдаги феъллар икки усул билан ясалади: 1. Аналетик йўл билан ва 2. Синтетик йўл билан. Синтетик йўл билан сўз ясашда қуйидаги аффикслардан фойдаланилади: 1)-лаштир; 2)-ла; 3)-лантир (фонетик вариантлари билан)[10].

Аналетик усул билан феъл ясашда қуйидагилар иштирок қилади: 1) бош келишикдаги от + қилмоқ типидаги феъллар; 2) жўналиш келишигидаги от + феъл; 3) бош — тушум келишигидаги от + феъл 4) билан кўмакчиси билан бириккан от + феъл; 5) творительный падежда келган от + феъл (асосан қозоқ тилида); 6) рус тилидан олинган феълнинг инфинитив формаси + феъл; 7) рус тилидан олинган феълнинг инфинитив формаси + бўлмоқ феъли; 8) француз тилидан кирган инфинитив формаси + феъл; 9) чиқиш келишигида келган от + феъл; 10) ўрин келишигида келган от + феъл; 11) бош келишикда келган от + бўлмоқ феъли (грамматик воситалар бу ерда маҳсулдорлиги камаяборишн тартибида берилган).

Синтетик усул билан феъл ясашда энг маҳсулдор усул „-лаштир" ва „-ла" аффикслари билан ясалган усул эканлиги аниқланди. Аналетик усулда сўз ясашнинг энг маҳсулдор усули бош — тушум келишигидаги от + қилмоқ типидаги ясалиш эканлиги аниқланди.

---

[9]А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка... стр. 261 — 262.

[10]Туркий тилларда синтетик йўл билан янги феъл ясаш ва, шунингдек, аналетик йўл билан сўз ясашда от компонентининг турли келишикларда қўлланиши, кўмакчи билан бирга феъла бирикуви каби масалалар автор томонидан ёзилган айрим мақолаларда ёритилади. Журналга мўлжалланган кичик бир мақолада туркий тиллар ривожланишидаги бу муҳим масалаларни ёритиш имконияти бўлмади—*автор.*

М. БОТИРОВА

БИР МАЙЛ ФОРМАСИНИНГ БОШҚА МАЙЛ МАЪНОСИДА ҚЎЛЛАНИШИ

(Рус ва ўзбек тиллари материаллари асосида)

Феъл майлларининг қўлланиши модал маъно билан, сўзловчининг воқеа-ҳодисага бўлган муносабати билан характерланади. Рус ва ўзбек тилларида майл шаклларининг ишлатилиши, ифодаланиш усуллари ва англатган маънолари бу тилларнинг ўзига хос бой стилистик имкониятларга эгалигидан дарак беради. Шу нуқтаи назардан, феъл майлларининг кўчган ҳолда қўлланилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳодиса гапда қўшимча маъно оттенкаларини, нозик семантик майл муносабатларини ифодалашга хизмат қилади. Кўрсатилган хусусият буйруқ майлининг ишлатилишида ёрқин кўринади.

Буйруқ майли буйруқ ёки илтимос, огоҳлантириш, маслаҳат, истак сингари бир қатор экспрессив оттенкаларни англатади.

Рус тилида буйруқ майлининг бирлик формаси шарт майли шакли маъносида ишлатилиши мумкин. Бу ҳолатда у ундаш интонациясисиз фақат иккинчи кишигагина эмас, балки бошқа шахсларга ҳам қаратилган бўлади.

Акад. В. В. Виноградов таъкидлаганидек, «Отнесение формы повелительного наклонения 2-го лица к 3-му лицу может вносить значения пожелания, допущения, возможности. Значение повелительности в этом случае ослаблено; активная роль говорящего лица слабее, и повелительное наклонение сближается здесь с некоторыми значениями сослагательного наклонения»[1].

Феъл майлининг бу шакли хоҳиш-истак, имконият, зарурият каби маъноларни англатади. Масалан:

***Минуй** нас пуще всех печалей и барский гнев, и барская любовь* (Грибоедов).

Вот вы грешите, а начальство за вас ***отвечай*** (Слепцов).

Феъл майлининг мазкур формаси шарт эргаш гап ҳолатида ҳам учрай олади ва тахмин, фараз маъносини ифодалайди:

***Подай** я вам милостыню, — сказала она вдруг твёрдо, — и вы отомстите мне за неё потом ещё пуще* (Достоевский).

Бу маъно тўсиқсиз гапларда ҳам ана шундайдир:

Да отсюда, хоть три года ***скачи,*** *ни до какого другого государства не доедешь* (Гоголь).

Буйруқ майли шарт ва фараз қилинган ҳолатларни ифодалаш учун шарт майли билан биргаликда қўлланиши мумкин. Масалан:

. . . Ну ***растрать*** *ты казённые деньги,* ***проиграй*** *в карты, — всё б я тебя пожалела, а то выгнали свои же товарищи за мелкие гадости...* (А. Островский).

---

[1] См. В. В. Виноградов, Грам-ка рус. яз., Изд. АН СССР, т. I, М., 1953, стр. 502.

Буйруқ майли формаси билан ифодаланган маъно шарт майли ифодаловчи мазмундан тамоман ва кескин фарқ қилмайди. Бундай ҳолатда қатъий ва бевосита буйруқ мазмунини бермоқ ва шарт майли мазмунидан фарқ қилмоқ учун талаффуз (интонация) ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тўғри, бошқа бир ҳолатларда лексик воситалар, шартли фразалар (***как ни, хоть*** боғловчилари) ҳам бўлади. Бироқ улар ёрдамчи воситалар бўлиб, асосий ўринда эргаш гапнинг кўтаринки интонацияси туради. Рус тилида шарт майли формаси буйруқ майли маъносида ишлатилиши мумкин. Бунда ундаш мазмунини ифодалайди ва фақат иккинчи шахсга тегишли бўлади: *Ефим, ты бы* ***пошёл*** *к нему* (Горький).

Ўзбек тилида шарт майли шаклининг буйруқ ва истак маъносини ифодалаш учун ишлатилиши анча сермаҳсулдир. Шарт майлининг II шахс бирлик ва кўплиги ўзбек тилида буйруқ-истак англатиши учун қўлланганда, у „ёйиқ", яъни ***-чи*** юкламаси билан ва „йиғиқ", яъни ***-чи*** юкламасисиз ишлатилади. Одатда, шарт майлининг йиғиқ формаси илтимос оттенкасига эга бўлган буйруқ маъносини англатади. Масалан: *Уста... — Энди мақсадга келайлик: катталар билан* ***гаплашсангизда,*** *мени бошқа юмушга* ***ўтказсангиз*** (Ойбек).

Ёйиқ шарт формаси турли хил маъно оттенкаларини англатиш учун ишлатилади. Феъл майлининг бу формалари кўп ҳолатда рус тилидаги ***-ну...***, ***-ка, даже, же, уж*** юкламаларига эга бўлган буйруқ майли шаклини бериш учун қўлланади. Бунда шарт феъли буйруқ майлига жуда яқинлашади: буйруқ маъноси келиб чиқади (ташвиқ, қистов оттенкаси билан")[2]. Масалан: *Аввал, печга олов* ***ёқсанг—чи!—деб Григорийга буйруқ берди бувим.***

— ***Да,*** *ты* ***затопи*** *сначала печь — то! — приказала бабушка Григорию* (Горький).

Ўзбек тилида истак, илтимос, ундаш маънолари феълнинг ***-чи*** юкламасига эга бўлган II шахс ҳозирги-келаси замон шарт майли формаси орқали англатилади: — *Тузукроқ* ***қарасанг-чи,*** — *деди Сувонқул жиддийлик билан, — бўрон кўтарилиш хавфи бор* (Ш. Рашидов).

Посмотри *же получше, — сказал Суванкул серьёзно, — есть опасность, что поднимается буря.*

Кўринадики, рус тилидаги ***-чи*** юкламали шарт майли турли хил экспрессив-эмоционал маъно бериш хусусиятига эга бўлган буйруқ майли орқали берилади. Баъзан эса, русча шарт майли хусусиятлари ҳам сақланади. Масалан: — *Аввал бирор иложини* ***ўйласангиз-чи,*** *уриш бўлса қочмайди! — деди.* (Горький).

Вы, — говорит, — сначала ***подумали бы*** *что делать, а драться — потом!*

Шундай қилиб, шарт майлининг ҳозирги-келаси замондаги II шахс бирлик ва кўплик шакли ***-чи*** аффикси билан бирикканда турли хил оттенкаларга эга бўлади: а) буйруқ:

— ***Ўқи тошга тегиб сўз тополмаган Шокир Қулмуродга: — Энди уйқунинг мазаси бўлмайди, чойжўшингни қайнатиб бир чой дамласанг-чи,*** *— деди* (Айний).

Бу ўринда шарт ва буйруқ майллари маъно жиҳатдан шу даража яқинлашганларки, улар худди айнан буйруқ майлининг ўзига ўхшаб кетади.

---

[2] А. Ғ. Ғуломов, Феъл, Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1954, 52-бет.

б) истак-рағбат: — *Кампир... калласини қимирлатиб:* — *Ундан кўра ошхонани шундақа* ***ясатсанг-чи,*** — *дер эди* (Горький);

в) қатъий талаб оттенкаси: — *Виктор: Бунда кўп* ***ўралашмасангизлар-чи!*** — *деб қичқирар эди* (Горький);

г) илтимос: — *Янги чиқаётган ойга қараб ётган бир чол бошқаларга:* — *Биронта ашула* ***айтсанглар-чи,*** *жуда зерикдик-ку,* — *деди* (Айний);

е) илтижо қилиш: Муҳаббат опа ҳам қути учиб телбаланган ҳолда: — *Очиқ* ***айтсанг-чи,*** *қандай натижа ахир?* — *деб сўради* (Айний);

ж) кескин талаб қилмоқ (мажбур қилиш) оттенкаси: ***Тезроқ қимирласанг-чи,*** *жонинг борми?* (Ўзбекча-русча луғат).

Аксарият ҳолларда феълнинг шарт формаси илтимос, буйруқ сингари маъноларни англатади. Унга қўшилган ***-чи*** юкламаси эса нутқнинг фикр изҳор қилиш ва эмоционаллик кучини оширади.

Буйруқ ва шарт майллари ўзаро узвий алоқада бўлиб, бир-бирларига ўтиб туриш хусусиятларига эгадир.

Рус тилида шарт майллари бош гапда ҳаракатни амалга ошириш хоҳиши мавжуд бўлганда эргаш гапнинг бош гапга муносабатини ифодалайди. Бу, айниқса, бош гапда истак ва рағбат маъноларини ифодаловчи буйруқ майли формасида бўлганида ёрқин кўринади. Бу майл формаси учун хос хусусият шуки, у ***бы*** юкламаси ***что*** боғловчиси билан бирга келади ва бирга ёзилади.

— ***Внушайте*** *мужику,* ***чтобы*** *он постепенно научался отбирать у царя власть в свои руки* (Горький).

Мазкур форма ўзбек тилида буйруқ майлининг ***-син*** аффикси ёрдамида ясалган III шахс шакли орқали берилади: — *Мужикнинг миясига шуни қоқиб киргизингки, у аста-секин ҳукуматни подшо қўлидан ўз қўлига* ***олишни ўргансин.***

Ўзбек тилида кўп ҳолатда буйруқ майли формасининг шарт майли формаси вазифасида қўлланишини кўрамиз: ***У келсин (келса),*** *ўқиймиз.*

Рус тилида бўйруқ майли маъносида феълнинг аниқлик майли формалари ишлатилиши мумкин.

Бу тубандагичадир:

I шахс кўплик шакли буйруқ интонацияси билан талаффуз қилинади ва ҳаракатни бирга бажаришлик ниятини ифодалайди:

— *... Саша таинственно сказал мне:* — *Идём!* (Горький). Бордию, ундаш фақат бир кишига қаратилган бўлмаса, шу билан бирга мулойим муносабат ифодаланса, феълнинг I шахс кўплик шаклига ***те*** қўшимчаси қўшилади: — ***Приступимте*** *скорей к делу* (Тургенев).

Оғзаки нутқда феълнинг I шахс кўплик формаси рағбатлантириш маъносига эга бўлганда ***давай*** ва ***давайте*** юкламаларига эга бўлади ва илтимос, таклиф ҳамда маслаҳат тушунчаларини ифодалайди: ***Давай улетим*** (Пушкин).

Майлниг биргалик ҳаракатни англатувчи буйруқ формаси рус тилидагидан фарқли равишда ўзбек тилида аниқлик майли шакллари ёрдамида англатилади:

Юр, далага борамиз! — *Давай пойдем на поле!*

Шунингдек, бу маънода истак майлнинг I шахс кўплиги ҳам қўлланилади:

Қани, ***эшитайлик,*** *қизиқ масала!* (Ойбек)

Ну-ка, ***давайте послушаем,*** *интересный вопрос!*

Баъзан аниқлик феълнинг II шахс келаси замон формаси орқали, буйруқ интонацияси ёрдами билан айтилганда, рус ҳамда ўзбек тилларида, рус тили ва инфинитивдагидек, равшан бўлмаса ҳам сўзловчи бажарилишига қаттиқ ишонган буйруқ ва талаб маъносини англатилади:

Ты ***напишешь,*** *а потом* ***принесёшь...***
Сен ёзасан-да, кейин ***олиб келасан...***

Ўзбек тилида турли оттенкаларга эга булган буйруқ майли маъносини англатишда аниқлик майлининг келаси замондаги ҳар учала шахс формаси ишлатилади:

— *Буни шаҳарга* ***олиб борасизлар!...*** — *деди* (Айний).

Келаси замон маъносида қўлланган аниқлик майл шакллари тубандаги маъно оттенкаларига эгадир:

а) ҳаракатга ундаш: — *Бас, юринг, ҳавода* ***айланамиз!*** (Ойбек);

б) таклиф ва такаллуф: *Балли, юр, ўт ёқишга* ***борамиз,*** — *Муҳаммад Жамол уни панага тортди,* — *вазифанинг ярмисини бажардим, қолганини биргалашиб* ***тарқатамиз*** (Ойбек);

в) ярим буйруқ ва ярим илтимос: — *Тез ич,* ***кетамиз,*** *қўрқяпти биздан,* — *деди Али тажанг* (Ойбек).

— *Ҳозир* ***жўнайсан-да,*** *врачни тезлик билан* ***айтиб келасан;***

г) буйруқ: *Сен эртагаёқ* ***кетасан,*** *топширик шу!*

д) маслаҳат: *Яхшиси, далага юр, менинг бригадамда эл қатори* ***ишлай берасан*** (Ш. Рашидов).

Турли оттенкаларга эга бўлган буйруқ-истак маъноси аниқлик майлининг I шахс ўтган замон формаси орқали ифодаланади.

Рус тилида буйруқ майли маъносида ***пошёл! взяли!*** феъллари ишлатилади. Бунда ундаш интонацияси ёрдамида сўзловчи ва тингловчининг биргаликда тезда ишга киришиши маъноси англатилади.

Мазкур конструкция ***пойдём! побежимте!*** формаларининг синонимлари бўлиб, гапда улар олдидан ***ну*** юкламаси келади: — *Спешим. Нуте-с, пошли?* (Горький).

— *Девица... крикнула, взмахнув зонтиком:* ***Поехали!*** (Горький)

Кетдик формаси орқали ўзбек тилида ҳам сўзловчининг ўзи иштирок этган ҳаракатни бажаришга ундаш, рағбат қилиш, шайлантириш маънолари ифодаланади. Кўп ҳолда ***кетдик*** олдидан русча ундаш юкламаси вазифасига мос тушувчи ***қани*** сўзи келади:

Хурсанд машинага ўтириб:
— ***Қани, кетдик,*** — *деди шофёрга,* — *Фозилҳақ Азизулхон* (Ойбек).

Иш-ҳаракатни биргаликда бажаришга ундаш маъносини истак майлининг ***-лик*** қўшимчасига эга бўлган I шахс кўплик формаси ҳам ифодалайди:

Хўжайин менга:... Юр, пиво ***ичайлик,*** — *деб таклиф қилиб қолди* (Горький).

Рус тилида буйруқ майли маъносида феълнинг қатъий буйруқ тушунчасини англатувчи ноаниқ формаси ҳам ишлатилиши мумкин: *Встать! Молчать!*

Ўзбек тилидаги: *Ўрнингдан тур! Жим бўл!* иборалари кўрсатилган формаларга мос тушади.

Ўз навбатида, рус тилида феълнинг буйруқ шакли аниқлик майли ўрнида ишлатилади ва тубандаги маъноларни ифодалайди:

а) мажбурийлик: — *А служба у Гулявина...* каторжная. ***Сиди** в стальном душном трюме...* ***И не двинься*** (Лавренёв);

б) кутилмаган ҳаракат: ... *Ну и* ***надоумь*** *он меня...* (Тургенев).

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса англашиладики, рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам (ўзига хос хусусиятлари мавжуд ҳолда) феълнинг буйруқ майли формаси турли оттенкаларга эга бўлган ундаш, рағбат маъноларинигина ифодалаб қолмасдан, у шарт, аниқлик майллари функциясида ҳам қўлланилади ва турли хил мазмунга эга бўлади. Ўз навбатида функцияси ва маъносига кўра шарт ва аниқлик майллари ҳам буйруқ майлига яқинлашади ва кўчиб туради. Кўрсатилган барча грамматик воситалар, шу жумладан, ундаш интонацияси нутқимизнинг стилистик бўёқдорлигини, таъсирчанлигини ҳамда эмоционаллигини оширади.

МАҲФУЗА ТУРОБОВА

ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИГА ДОИР

(„Шайбонийнома“ материаллари асосида)

Ёрдамчи сўзлар ва уларнинг тарихи кенг ишланган соҳалардан бўлиб, бу соҳа бўйича бир қатор илмий ишлар мавжуд.

Лекин шунга қарамай, ҳар бир ёзма ёдгорлик алоҳида ўрганилар экан, уларда ёрдамчиларнинг ишлатилишидаги ўзига хос хусусиятлар ва айрим формалар учрайдики, улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади.

XVI асрнинг ёзма ёдгорлиги „Шайбонийнома“ асарида *бїрла* || *бїрлан* || *ilä* || *ilän*, *ўчўн* || *чўн*, *кібі*, *јаңлїг*, *сарї таба* || *тапа*, *арэ*, *їчра*, *ўзрä*, *соң*, *соңра*, *ајру*, *отру бурна*, *јараша*, *бэқа* каби кўмакчилар; *-оқ*, *ґїна* || *-ґїнä*, *-му*, *-лэ* || *lä*, *-дагї* || *тақї*, *бäлкі*, *гојэ*, *кэшкі*; *у* || *ў* || *ју* || *јў* каби юкламалар, *вäлэ* || *lэк* || *вäлэкін*, *аммэ*, *јоқса* || *јоқ эрса* || *јоқ болса*, *јэ...јэ...*, *на... на...*, *гэҳ гэҳї*, *чэ.. .чэ*, *häм... häм...*, *-кі* || *кім*, *äгäр*, *чў* || *чўн*, *гäрчі*, *тэкім* каби боғловчилар жуда кенг ишлатилган бўлиб, қуйида улардан айримларигагина алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. كيبى — ***кібі***, ينكليغ — ***јаңлїг*** кўмакчилари бир-бирининг синоними бўлиб, *кібі* ҳозирги замон ўзбек тилида „каби“ шаклида ишлатилади. *јаңлїг* эса кам қўлланилади. Бу ҳар иккала кўмакчи от ва олмошнинг бош келишик формасидан сўнг келиб, феълга боғланади. Булар икки хил маънони ифодалаш учун хизмат қилади:

1) ўхшашлик: *бардї фїръавн* ***кібі*** (49), *чїқтї парї* ***јаңлїг*** (30), *ҳар бїрї рустаму дастэн* ***јаңлїг*** (48), *бабїр* ***кібі*** *султэн* (50), *қуш* ***кібі*** *ајлиб эвэз* (169), *қалъа болса Самарқанд* ***кібі*** (50);

2) ҳолат: *лэф ајтїң бу* ***јаңлїг*** (36), *кім бу* ***јаңлїг*** *кїладур бізні банд* (148).

كيبى، ينكليغ — ***кібі***, ***јаңлїг*** кўмакчиларининг функцияси ҳолат маъносини ифодалашдан иборатдир, яъни ҳозирги замон ўзбек тилидаги *-дек*, *-дай* аффиксларининг функциясига тенг.

2. تاپا || تابا — ***таба*** || ***тапа***. Бу кўмакчи[1], қадимий ёдгорликларга хос бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайди. У туркий тиллардан татар, қозоқ тилларида сақланган. *Таба* || *тапа* отнинг жўналиш келишиги шаклига эргашиб, унинг маъноси ҳаракат йўналган томонни билдиришдир. Бу кўмакчи от ҳам олмош билан ифодаланган воситали тўлдирувчини феъл кесимга боғлайди: *јурубэн қош* ***таба*** *јэндї султэн* (38), *мэлїнї қош* ***тапа*** *кэлтўрдіläр* (37), *кімкі ҳандақ* ***тапа*** *қїлдї ґавґэ* (56).

---

[1] Бу кўмакчи XI аср ёдгорликлари—„Девону луғотит турк“ ва „Қутадғу билик“ асарларида кенг ишлатилган.

3. اوترو — ***отру***[2] ҳозирги замон ўзбек тилидаги „қарши“ ёрдамчисининг маъносида ишлатилади. Бу кўмакчи отнинг жўналиш келишиги формасидан кейин келиб феъла боғланади. Маъноси ҳаракатнинг маълум предмет ёки объектга томон йўналишини билдиради: *чэптїлар* барча *јајаққа* ***отру*** (56), *этланїб бэқїга* ***отру*** *бэрдї* (22).

4. بورنه — ***бурнэ*** ўзининг бажарган синтактик функциясига кўра ҳозирги замон ўзбек тилида „бурун“ кўмакчисининг вазифасини ўтаб ҳаракат номи ва олмошнинг чиқиш келишиги шаклига эргашиб, маъно жиҳатидан бир ҳаракатнинг иккинчи ҳаракатдан олдин содир бўлганини билдиради.

нэчä јїл хэн кэлїшїдїн ***бурнэ***,
қабл у разм їшїдїн ***бурнэ*** (78).
бзїдїн ***бурнэ*** *јїбардї ул хэн*,
їнїсїн мўлк бухараға равэн (29).

5. اوق — ***оқ***.[3] Бу юклама ҳозирги замон ўзбек тилидаги -оқ (ёқ) вазифасида ишлатилиб, асарда қуйидаги сўзлардан кейин қўшилиб келади:

а) отга: *јэрнї* ***оқ***, *јäхшіlік* ***оқ*** (120).
б) олмошга: *бзї* ***оқ*** (48).
в) феъла: *турдї* ***оқ*** (119).
г) равишдошга: *чэпа* ***оқ*** (130), *јуруј* ***оқ*** (164).
д) равишга: *тунла* ***оқ***, *саҳар* ***оқ*** (122).
е) боғловчига: *біlä* ***оқ*** (112).

Қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Аниқлик билдиради:

қаздїлар хэсїл ошул јэрнї ***оқ***,
қїлдїлар нэзїл ошул јэрнї ***оқ*** (120).

2. Қатъий чегара билдиради:

lэк хэн јэндї ошул јэрдїн ***оқ***,
кэlмäдї шähр эшігіґä јавуқ (65).

3. Икки ҳаракат кетма-кет жуда тез бажарилганини ифодалайди:

јэтґäч ***оқ*** *хазратїға арз эттїм* (100).
саҳар ***оқ*** *қалъа уза мїндїлар* (222).

6. У || *-лэ* || *-lä* юкламаси. Асар тилида бу юклама фақат феълдан сўнг ишлатилиб, қатъийлик, аниқлик маъносини ифодалайди:

тој бэшлаб келадурлэ оғлун.
ғамнї ташлаб келадурлэ оғлуқ (186).
јігіт оғлуқнї јэтїм эттїқлэ,
қајғу мўlкіодä муқім эттїқлэ (186).

У || *-лэ* || *-lä* юкламаси ўзбек тилининг бошқа ёдгорликларида, шунингдек „Қутадғу-билик“ каби қадимги манбаларда ҳам шу маъноларда учрайди.[4]

Маҳмуд Кошғарий *-ла* юкламасига алоҳида тўхтаб ўтган. У ёзади: „*-ла* — ўғузлар қилинган ишнинг аниқ ва қатъийлигини англатиш учун феъллар охирига қўшиб қўллайдиган таъкид қўшимчаси. Чунон-

---

[2] Бу кўмакчи ҳақида қаралсин: В. М. Насилов, Древне-уйгурский язык, М., 1963, стр. 91—92.

[3] Бу юклама „Девон“ да ҳам шу шаклда берилган. Қаралсин: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, I том, 73-бет.

[4] Қаралсин: С. Муталлибов, XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси, Тошкент, 1955, 33-бет. Ўша автор, Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк, Тошкент, 1959, 95-бет.

чи, *ол бордїла* — у албатта борди, унинг боргани ҳақиқатдир, *ол кэлдїлä* — у келди, унинг келгани аниқ. Бу ишнинг бўлганлигини билмагани учун, инкор қилаёзган тингловчига нисбатан қўлланади. Бошқа турклар буни билмайдилар"[5].

Бу юклама ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ишлатилмайди. Лекин Ўш, Андижон, Хоразм каби айрим шеваларда учраши қайд қилинган.[6]

Ў || *-лэ* || *-лä* юкламаси ҳозирги туркий тиллардан уйғур, хакас, шор, ойрот каби тилларда турлича вариантларда учрайди.[7]

7. داغی//تقی — *-дағї* || *тақї*.[8] Бу юклама маъно ва функциясига кўра ҳозирги замон ўзбек тилидаги „тағи"нинг асл шакли бўлиб, *ҳам*, *яна*, *да* каби ёрдамчилар вазифасида келади ва от сифат, олмош, феъла қўшилиб таъкидни билдиради:

ҳамза султэнға ***дағї*** *бэрдї хабар* (64),
сіз ***тақї*** *бэрїңїз андїн соқра* (36),
кі қуїїрақ ***тақї*** *сэлур эдї јол* (26)
бїр јїқїлдї ***дағї*** *анї јїқма* (191).

Бу юклама-***дағи*** шаклида баъзи ўзбек шеваларида ҳам учрайди[9].

8. ولی//ليك ***вälэ*** || ***lэк***. Бу — зидловчи боғловчи бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайди. Бу боғловчи эски ўзбек тилида ***вälэк*** ва тўлиқ ***вälэкін*** кўриниш ларига ҳам эга бўлиб, зидловчи маъносида ишлатилади, яъни мазмуни зид бўлган уюшиқ бўлакларни ва икки содда гапни бир-бирига боғлайди:

кöрмäдї ранж ***вälэ*** *тэптї ганж*,
тэптї ул дунјэда ганжї бэ ранж (24).
ул їчар турдї ***вälэкін*** *бїсјэр*,
ајладї вахм чэрікігä кэр (165).
шäһр эli бу хабардїн хушхэл,
lэк *хэннїң чэрікі фэрїғбэл* (62).

9. يه چه — *чэ... чэ...* Бу боғловчи форс тилига[10] хос (қиёсланг: ***че*** *сäваре* ***че*** *пийаде тäфавот нäмиконäд* — хоҳ отда, хоҳ пиёда — бари бир) бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тилида ва қадимги турк тилида

---

[5] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, III том, 231-бет.

[6] Қаралсин: И. Фармонов, Ошский говор узбекского языка, автореферат канд. дисс., Ташкент, 1960, стр. 16—17. Ўшавтор, Ўш шевасида *-ла* юкламаси, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", № 2, 1958, 45—47-бетлар; А. Маматов, *-ла* ва унинг Андижон шевасидаги хусусиятлари ҳақида, „Сборник научных трудов аспирантов Среднеазиатского Государственного университета им. В. И. Ленина", выпуск IV, Ташкент, 1958, стр. 253—260; Ю. Джуманазаров, Морфологические особенности Хазараспского говора узбекского языка, автореферат канд. дисс., Ташкент, 1961, стр. 22.

[7] Қаралсин: В. М. Насилов, Грамматика уйгурского языка, М., 1940, стр. 148—199; Э, Н. Наджип, Современный уйгурский язык, М., 1960, стр. 103; Н. П. Дыренкова, Грамматика хакасского языка, Абакан, 1948, стр. 120. Ўшавтор, Грамматика шорского языка, М.—Л., 1941, стр. 246. Ўшавтор, Грамматика ойротского языка, М.,—Л., 1940, стр. 222.

[8] Бу юклама боғловчи вазифасида ҳам келади. Қаралсин: Ғ. А. Абдураҳмонов, Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гаплар, докторлик дисс., Тошкент, 1960, 84-бет; Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк, III том, 246-бет.

[9] Қаралсин: Ш. Шоабдураҳмонов, Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962, 198-бет.

[10] Қаралсин: Персидско-русский словарь, М., 1953, стр. 652—653.

ишлатилмайди. Асар тилида эса тез-тез учрайди. Айирув маъносида ишлатилувчи ***хоҳ... хоҳ, на... на..., ё...ё*** боғловчилари ўрнида ишлатилиб, гапнинг уюшиқ бўлакларини бир-бирига боғлаб келади:

чун вілэјатға кірді султэн,
қілді јарлїғкі ***чэ*** *јахшї,* ***чэ*** *јаман* (174).
һәр моғулїкі қэлїб эрді тірік,
андїжэнда ***чэ*** *ушағу,* ***чэ*** *ірік* (170).
тэптї анїң кәрәмідін їнъэм,
чэ *јамэн, јахшї,* ***чэ*** *хэсу,* ***чэ*** *авэм* (3).
тўркмәндін ***чэ*** *сїғару* ***чэ*** *кібэр,*
қэлмадї қалъа ічіндә дїјэр (223).

10. كه-***кі*** — كيم-***кім*** боғловчиси.[11] Бу боғловчи ўзининг кўп функциялилиги билан бошқа боғловчилардан ажралиб туради. „Шайбонийнома“ да бу боғловчи қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Кесим эргаш гапни бош гапга боғлайди:

јїғдїлар шаҳр эліні јәксәр,
дэдїлар ***кім*** *будур эмдї хабар* (63).
јахшїрақ ул эдї ***кім*** *андақ шэһ,*
чўнкі өз хэлїдін эрді өгэһ (80).

2. Тўлдирувчи эргаш гапни бош гапга боғлайди:

энт ічтікі сэнї олтурмэн,
қабл тіғу сїјэсат көрмән (141).
ајладї ҳукм ***кім*** *қэтлансунлар,*
бір ај өтгәч чэрік этлансунлар (116).

3. Аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғлайди:

ол јэмэнлар ***кі*** *бу їш бэшладїлар,*
өзләрін шәһр ічігә ташладїлар (65).

4. Натижа эргаш гапни бош гапга боғлайди:

тэшлар ташладїлар ***кім*** *сорма,*
фїтналар бэшладїлар ***кім*** *сорма* (119).

5. Пайт эргаш гапни бош гапга боғлайди:

эмді ***кім*** *туштї самарқанд сэңә;*
назрїң тушмадї бір вақт мэңә (92).

-кі(***-кім***) боғловчиси ***тэкі(м), чўнкі(м), нэчәкі(м), әндәккі(м), андэккі(м), будуркі(м)*** каби кўпгина мураккаб боғловчилар составида ҳам учрайди.

11. چو، چون — ***чў, чў(н)*** боғловчиси. Бу боғловчи ҳозирги замон

---

[11] Бу боғловчининг тарихи ҳақида қаралсин: Г. А. Абдурахманов, Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка, автореферат докт. дисс., Ташкент, 1960 стр. 45—48. Алибек Рустамов, Ўзбек тилидаги ***-ки*** ‖ ***-ким*** боғловчисининг синтактик вазифаси, „В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг илмий асарлари“, „Ўзбек тили масалалари“, 1957, 182-бет; Ғ. Каримов, „Қутадғу-билик“ асарида ***-ки***(***ким***) боғловчисининг ишлатилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар, „Ўзбек тили ва адабиёти“, 1963, № 5, 53—60-бетлар.

ўзбек тилида ишлатилмайди. Асарда ***чў(н)*** боғловчиси бошқа ёдномаларда бўлгани каби[12] пайт эргаш гапни бош гапга боғлаб келади.

чўн *бу сöздін јана öтті бїр әј.*
болдїлар бәрлїқ әл барї гадәј (67).
хәкрәзї ***чў*** *чәрікдін толдї,*
әлдїраб оқ әта әлмас болді (45).

жән вафәға ***чу*** *бу їш болдї ајән,*
шәһрдін чәпқулаша чїқтї равән (34).

Юқорида кўриб ўтилган ёрдамчи сўзларнинг кўпчилиги ҳозирги замон ўзбек тилида ишлатилмайди, айримлари эса фонетик ўзгаришга учраб, шаклан ўзгарган ҳолда ишлатилади, айримлари эса ўзга тил элементи сифатида асар тилида кенг ишлатилган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида улар деярли учрамайди. Бу ҳол тилнинг узоқ йиллар давомида босиб ўтган тарихий йўли ва тараққиёти натижасидир.

---

[12] Қаралсин: F. А. Абдураҳмонов, кўрсатилган асар, 43—44-бетлар; Алибек Рустамов, Некоторые грамматические особенности языка „Махбубул-клуб" Алишера Навои", автореферат канд. дис., Ташкент, 1958, стр. 14; А. М. Щербак, Грамматика староузбекского языка М.—Л., 1962, стр. 209.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

филология фанлари доктори

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЎЗАК СТРУКТУРАСИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Филология фанлари доктори Ф. А. Абдуллаевнинг „Ўзбек тили ва адабиёти“ журналида (№ 3, 1965) мунозара йўли билан босилган „Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида“ номли мақоласида ўзбек тили тараққиётининг баъзи масалалари қисқача ёритилган бўлиб, автор қўйган бир қатор масалалар тўлдиришни, аниқлик киритишни, шунингдек автор назаридан четда қолган айрим масалаларни қўшишни талаб қилади.

Умуман туркий тилларда, шунингдек ўзбек тилида туб ёки тарихан қўшма („ясама“) ўзакнинг фонетик структураси ва унинг ривожи, ҳозирги ҳолати мунозарали масалалардан бўлиб жамоатчиликнинг муҳокамасига қўйишга лойиқдир. Ҳозирги замон ўзбек тили ва унинг шеваларида структура жиҳатидан ўзакнинг қуйидаги типлари учрайди.

V : у, *Тошк.* ɔ-(>ɔл-)[1].
CV : бу, шу, де- (*Тошк.* дъ), е-[йе-].
VC : ой, от, уй, ош, оч, уч.
CVC : тош, қуш, бор, кўл (*фарғ.* көл).
VCV : ака (*фарғ.* әкә || *тошк.* ɔкә), ука (*фарғ.* үкә).
VCC : ост, уст, арт- (*Фарғ.* әрт- ~ әрч-).
CVCC : мўрт, қайт-, шарт, тўрт.
CVCV : бола (*Қўқон.* бәлә), қора,
VCVC : ўтин, оғиз, ўрин, ўчоқ.
VCCV : олти, икки (*Фарғ.* еккъ), ўрта.
CVCVC : бўйин, қулоқ (*Тошк.* қулɔғ' || *Фарғ.* қулақ || қулаг).
VCCVC : айғир, олтин.
CVCCV : латта, катта (*Тошк.* кɔттә). қарға.
CVCCVC : байтал, яп роқ [йапроқ].

Келтирилган ўзак типларидан **VCV**, **VC**, **CVC** типлари туб ўзаклар бўлиб, **VCV**, **VCC**, **CVCC**, **CVCV**, **VCVC**, **VCCV**, **CVCVC**, **VCCVC**, **CVCCV**, **CVCCVC** типлари эса, ҳозирги замонда ўзак ва аффикс (< ўзак)ка ажралмайдиган, тарихан қўшма („ясама“) ўзакдир.

Проф. Н. А. Баскаков кўрсатишича, туркий тилларда ўзакнинг **CVC** типи қадимий бўлиб, ҳозирги кунда учрайдиган **CV** —, — **VC** ва — **V** — типидаги туб ўзаклар эса, шу **CVC** тип ўзакдан ривожланган[2].

---

[1] ɔ-[<ɔл-] Тошкент шевасида [м, с, г] ундошлари билан бошланадиган аффикслар қўшилганда ҳам сақланади.

[2] Қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, М., 1952, стр. 100—102. Қадимий ўзак ҳақида яна бир неча хил фикрлар бор. Қаранг: Б. М. Юнусалиев, Киргизская лексикология, I, Фрунзе, 1959; А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка, М. — Л., 1960, стр. 51; А. Зайончковский, К вопросу о структуре корня в тюркских языках, „Вопросы языкознания“, № 2, М., 1961; М. Миртожиев. Дастлабки омонимларнинг вужудга келиши, „Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари“, 4-китоб, Тошкент, 1962, 441—448-бетлар.

Бу фикр кўплаб фактик далиллар талаб қилишига қарамай диққатга сазовордир. Чунки ўзбек тили ва унинг шевалари материаллари, шунингдек, бошқа туркий тиллар материали уни маълум даражада тасдиқлайди. Ҳақиқатан ҳам ўзбек тили фактлари **CV** —, — **VC**, — **V** — тип туб ўзаклар **CVC** тип ўзакдаги ундошларнинг турли фонетик ҳодисаларга учрагани (товушларнинг тушгани), икки бўғинли „қотган" ўзаклар эса [туб ўзак охиридаги ундошнинг „ноаниқ" аффикс (< ўзак) бошидаги ундош билан сингишиб кетиб, бир товушга келиб қолгани ва шу асосда морфологик қайта бўлиниб, бўғин тузилишининг ўзгаргани ва ш. к.] туфайли пайдо бўлганини кўрсатади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ундош ва унлидан иборат бўлган туб ўзак жуда кам бўлиб, бу ўзаклар ҳам тарихан **CVC** тип ўзакдан ривожланганлиги.

CVC > **CV** — : де- (*Тошк.* дъ-), е -[й е-], бу, шу.

Бу икки феъл тусланганида факультатив [й] нинг ортиши [дейман (дей — ман) || *Тошк.* дъйман], ейман [йей-ман] || Тошк. йъйман], шунингдек, *бу*, *шу* олмошлари турланганда [н(< л)] нинг тикланиши (*бундан*, *шунга*, *бунда* каби) мазкур ўзакларнинг ҳам охирида ундош бўлган дейишга асос беради[3]. Қиёс қилинг: бу [< бул], шу (шул), *Тошк.* қэ- [қэл], ке- (< кел), қъ- (< къл), сэ- (< сэл), бэ (< бор).

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек шеваларида дифтонгларнинг манбалари ва ривожи ҳам бевосита қадимий ва ҳозирги ўзак структураси билан боғлиқдир.

Ўзбек тили шеваларида учрайдиган дифтонглар товушлар бирикмасидан[4] ёки сўзларнинг фонетик торайишидан вужудга келган бўлиб, улар сўз структурасидаги товушларнинг фонетик ривожи натижасида, тил тараққиётининг кейинги даврларида ҳосил бўлган ва товуш бирикмаларидан содда унлиларгача бўлган фонетик тараққиётда оралиқ ҳодиса сифатида сақланиб қолган. Яъни товушлар бирикмаси составидаги унли ўзи ёндош бўлган товуш элементини ўзида сақлаб қолгани туфайли дифтонглар вужудга келган. Уларнинг кейинги ривожи эса, айрим ҳолларда содда унли, айрим ҳолларда эса, унлига чўзиқлик берган: **CVC** > (**C**)**VC** > **WC** > **VC** : *жл.* вон > (в) он > уон || Уон > *йл.* он || *ад. орф.* ўн. Қиёс қилинг: *Чуваш.* вун || вунна.

Бир унлидан ташкил топган ўзаклар ҳозирги замон ўзбек адабий тилида бир-икки сўздагина учрайди. Шеваларда уларнинг ё олдида (*ҳу* каби), ё кетида (*ул* каби) ундошларнинг учраши, бундай ўзакларнинг тил тараққиётида **CVC** тип ўзаклардан ривожланганини кўрсатади.

CVC > — **V** — : у < ул < ҳул(?) || *жл.* вул. вол. (Қиёс қилинг: *Хоразм. Ҳазорасп.* ҳу ~ *ёқут.* уол ~ *Қорақалп.* Ол), э(< эр): экан эмиш (< эркан, эрмиш).

Ҳозирги тилимизда анчагина учрайдиган унли ва ундошдан иборат бўлган туб ўзаклар ҳам тарихан **CVC** тип ўзакка бориб тақалади.

CVC > — **VC** : йил > *Наманг.*, *Уйчи.* ъл (~ *озарб.* ил), *жл.* вон > Уон > *ад. орф.*, *тошк.* ўн, *жл.* джип (~ *озарб.* сап) > *ад.*

---

[3] Қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, М., стр. 1952, стр. 100.

[4] Кўпгина туркий тилларга оид адабиётларда *ий*, *уй*, *ой*, *ув*, *ов*... ва ш. к. товуш бирикмаларини дифтонг ҳисоблайдилар. Ўзбек тилида бундай бирикувлар дифтонг эмас, икки мустақил товушдан (фонемалар бирикмасидан) иборатдир. Дифтонгларнинг табиати ҳақида қаранг: E. Sievers, Grundzüge der Phonetik, Leipzig, 1893, s. 23; H. Sweet, A Primer of Phonetics, Oxford, 1906, s. 25; I. Vachek, Über die phonologische Interpretation der Diphthonge, 1933.

орф., йл. ип, jін ‖ ін (ДЛТ, I, 84) > ин (~ *озарб.* ува). *Фарғ.* йъг ‖ ъг ‖ jіг ‖ іг (ДЛТ., I, 82, 113) ~ *Тошк.* дув, бўл > *Қорабулоқ.* ол.

Бундай ўзаклар бошидаги ундош даврлар ўтиши билан ўз изларини йўқотган. Лекин шунга қарамай, у ўзаклар бошидаги ундош редукцияга учраб, тушиб қолган, бу тушган ундошлар позицион турғун бўлмаган [в], [й], [ҳ] каби ундошлар бўлган дейиш мумкин. Буни ўзбек тили ва унинг шеваларида, шунингдек бошқа туркий тилларда сақланиб қолган **CVC** (> — **VC**) тип ўзаклар ҳам исботлайди.

Масалан: *чуваш.* ват ‖ вут (*жл.* вот > Уот > *ад. орф.*, *Тошк.* ўт ‖ *Фарғ.* от), *чуваш.* виҫ (*ад. орф.*, *Тошк.* уч ‖ *Фарғ.* уч); *чуваш.* вон ‖ ванна (*жл.* вон > Уон > *ад. орф.*, *Тошк.* ўн ‖ *Фарғ.* өн); *чуваш.* вуҫа ‖ выҫа (*Тошк.*, *Фарғ.* ɔч). бўл- > ол- (Қорабулоқ), *жл.* вул ~ ул (> у) (‖ *Хоразм. Ҳазорасп.* ҳу); қиёс қилинг: *Тошк.* йэгэч ~ *Қорақалп.* ағаш, ҳўкиз ~ ўкиз, *Тошк.* ҳэвъч ~ *озарб.* овуч, йироқ > ироқ, (й)елак > элак, йиғла-*озарб.* ағла-, чўнгқай ~ тўнгқай > ўнгқа. Ёки **CVCVC** > **CWC** > **CV:C**: *Қорабулоқ.* тавуқ > тауқ > то:қ, *Хоразм.* савуқ > сауқ > су:қ. Қиёс қилинг: *қирғ.* таг > tow > too, баг > bow > боо, буг > buw > буу [**cvc** > **cw** > **v:**].

Ўзбек тили шеваларида учрайдиган дифтонгларда қандайдир қўшимча товушнинг бўлиши асосий унли ёнида қандайдир ундош бўлганини кўрсатади [ие[< йе], Уо [< во] ва ш. к.]. Бу эса ўз навбатида ҳозирги ўзбек тилида учрайдиган — **VC** ва **CV** — тип ўзакларнинг **CVC** тип ўзакдан ривожланганини кўрсатади.

Шу муносабат билан сўзларда ундошларнинг „ортиши" масаласи ҳам аниқлик талаб қилади. Маълумки, лингвистик адабиётларда ҳозирги кунда орттирилган деб ҳисобланадиган ундошлар аслида у морфемалар составида бор бўлиб, маълум позицияларда сақланиб қолгандир[5]. Улар баъзан бошқа товушларга ўтган, алмашган бўлишлари [*унга*, *шундан*, *бунда* (л > н)], баъзан эса, ассимиляция натижасида иккиланиб, экспрессив маъно бериш (эмфаза) учун сақланган бўлиши мумкин (эшшак < *ДЛТ.* ӗшjäк, ӗшкäк). Ўзбек тили ва унинг шеваларида икки бўғинли ўзаклар ҳам тарихан икки ўзакнинг комбинациясидан вужудга келган[6].

Ҳозирги кунда икки бўғинли „қотган" ўзакларда қадимий туб ўзак охири ва „ноаниқ" аффикс (> ўзак) бошидаги ассимиляцияга учраган ундош ўзакникими ёки аффикс (< ўзак) никими эканини аниқлаш қийин бўлса-да, ҳар ҳолда (тўқнашган ундошларнинг тарихан ассимиляцияга учрагани — иккиланганини ва даврлар ўтиши билан сингишиб, бир товушга келиб қолганини фараз қилмоқ мумкин.

CVC + CVC [ўзак + аффикс (< ўзак)] = **CVC₁ = C₂VC > CVC₁ C₁ VC** ёки **CVC₂C₂VC > CVC₁ VC** ёки **CVC₂VC**.

Буни қадимий морфологик состави аниқ бўлган айрим сўзлар ҳам кўрсатади.

Масалан (проф. А. Н. Кононов келтирган мисоллар ҳам берилди[7]):

$C_1 + C_2 = C_1 \leftarrow C_2 > C_1 C_1 > C_1$: кергак [> керрак] > керак (р + г — р ← г > рр > р), қулқақ ‖ қулхақ (*ДЛТ.*, I, 364) [> қуллақ] > қулоқ (л + қ ‖ л + х = л ← қ ‖ л ← х > лл > л), тамғақ (*ДЛТ.*, I, 435) [> таммақ] > томоқ (м + ғ = м ← г > мм > м), тарғақ [> таррақ] > тарақ (р + ғ-

---

[5] Бу ҳақда проф. А. Н. Кононов ҳам маълумот берган. Қаранг: „Грамматика современного турецкого языка", М. — Л., 1956, стр. 49.

[6] Қаранг: Н. А. Баскаков, ўша асар, 101—102-бетлар.

[7] Қаранг: „Грамматика современного узбекского литературного языка", М. —Л., 1960, стр. 44.

р ← г > рр > р), чекгич [> чеккич] > чекич (к + г = к ← г > кк > к), қиёс қилинг: ӘшјӘк (*ДЛТ.*) ~ ӘшкӘк (*ДЛТ.*) > [эшшак] > эшак. чӧмчӘ (*ДЛТ.*, I, 394) ~ чӧмич; ҳечам < ҳеч ҳам.

$C_1 + C_2 = C_1 \rightarrow C_2 > C_2$ $C_2 > C_2$: бирлан [> биллан] > билан (р + = р → л > лл > л), туклуг [> туллук] > тулук (~ *ДЛТ.*, тулуг) ~ тулку ‖ тулки (метатеза) (к ÷ л = к → л > лл > л). Қиёс қилинг: бирта > битта (р + т = р → т > тт). *чуваш.* тавлаш-[8] ~ *ўзб.* довлаш- [< таллаш-] > талаш- (в+л=в → л > лл > л).

Шунингдек, ҳозирги кунда қадимий туб ўзагини аниқлаш қийин бўлган биринчи бўғини очиқ икки бўғинли сўзлар ҳам худди юқоридагидек фонетик ҳодисага учраган ва қадимий туб ўзак охиридаги ёки „ноаниқ“ аффикс (< ўзак) бошидаги ундошдан бири ассимиляцияга учраган ва бир-бирига сингиб кетган бўлиши мумкин. Масалан (аниқланмаган, ассимиляцияга учраган ундош (?) белгиси билан кўрсатилди):

кӧм (?)ир [> кӧммир] > кӧмир (қиёс қилинг: *чуваш.* кăмрăк), тем(?) ир [> теммир] > темир, тақ (?)ир [> таққир] > тақир [~ татїр (*ДЛТ.* 342)], су(?)чук [> суччук] > сучук [~ *Тошк.* чучув ~ сӧчїк (ДЛТ., I, 387)], те(?)рак [> террак] > терак, бут(?)оқ [< бутток] > бутоқ (~ ДЛТ.: бутақ ‖ бутїқ), тут(?)ак[< туттак] > тутак (< тутгак) ‖ тутғақ ‖ тутқаг) ~ тутқа (метатеза). Қиёс қилинг: тушир (туш + ир) < туш + гир (Bang) ‖ туш+дир (Schott).

Тарихан „ясама“ бўлиб, замонлар ўтиши билан морфологик состави ўчиб кетган тил тараққиётининг ҳозирги даврида туб ўзак саналадиган, **VCV**, **VCC**, **CVCC**, **CVCV**, **VCCV**, **CVCVC**, **CVCCV** тип „қотган“ ўзаклар ҳам **CVC + CVC** [ўзак + аффикс (< ўзак)] дан ривожланган[9].

CVC + CVC > VCV: (?)ак(?) а (?)[10] > ака.
CVC + CVC > VCC: (?) ус (?!) т > уст.
CVC + CVC > CVCC: қай (?!) т > қайт.
CVC + CVC > CVCV: бол (?) а (?) > бола.
CVC + CVC > VCVC: (?)ўр(?)ин > ўрин.
CVC + CVC > VCCV: (?) ўрта (?) > ўрта.
CVC + CVC > CVCVC: бўй (?) ин > бўйин.
CVC + CVC > CVCCV: қарға (?) > қарға.

Бундай тип ўзакларнинг тарихий морфологик состави ҳозирги кунда аниқ бўлмагани учун улар бир туб ўзакдек ўқилади. Лекин шуни айтиш керакки, қадимий туркий ўзаклар фақат бир бўғиндан иборат бўлган бўлса, ҳозирги туб ўзак саналадиган сўзларнинг икки бўғинга ажралиши ҳам уларнинг тарихан ясама бўлганликларидан далолат беради[11]. Бу ўзакларнинг структурасини, ҳозирги тараққиёт даражасини илмий асосда тўғри ёритиш мавжуд туркий тиллар ва шевалар, ёзув ёдгорликлари материаллари асосида тарихий-қиёсий, этимологик текшириш ишлари олиб боришни талаб қилади.

Ниҳоят, шуни айтиш керакки, тилнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти, бойиб бориши жараёнида мавжуд ўзак моделларига ўхшатиб айрим сўзлар яратилган бўлиши мумкинки, энди бундай сўзлар **CVC + CVC** [ўзак + ўзак (> аффикс)] структурасига мос келмаслиги ҳам мумкин.

---

[8] „Материалы по чувашской диалектологии“, Чебоксары, 1960, стр. 99.

[9] Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, М., 1952, стр. 101—102.

[10] Қавс ичидаги ? белгиси ноаниқ ундошни, !белгиси эса, ноаниқ унлини кўрсатади.

[11] Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М. — Л., 1960, стр. 51. В. В. Решетов, Узбекский язык, I. Ташкент, 1959, стр. 290—294.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

Журналимизнинг 1964 йил 5-, 1965 йил 2-сонида Б. Имомовнинг ва 1965 йил 4-сонида М. Алиевнинг ўзбек совет драматургиясига оид мақолалари босилиб, уларда ҳозирги кунги драматургиянинг бир қатор актуал масалалари қўйилган эди.

Редакция ўзбек драматургиясининг аҳволи ва галдаги вазифалари муҳокамасини давом эттиради.

БЕРДИАЛИ ИМОМОВ

филология фанлари кандидати

ҒОЯВИЙЛИК, МАҲОРАТ ВА ТАНҚИД

(Драматургиямиз ҳақида баъзи мулоҳазалар)

Юксак ғоявийлик, санъаткорнинг бадиий тафаккури, ҳаётий фалсафаси унинг томонидан яратиладиган конкрет инсоний характерларда, муайян ижтимоий ҳаёт қирраларини ўзида жам этган бадиий образларда ўз ифодасини топади. Ёзувчининг кузатган ва олға сураётган ғояси қанчалик муҳим ва улуғвор бўлмасин, у индивидуаллашган, оригинал ва типик характерларда, ҳаётий, реал инсоний образлар психологияси ва кечинмаларида санъаткорона ифодаланмаса, қизиқарли тасвирланмаса ундай асарлар «ғоя, фикр ва образлар гўристони»[1]га айланиб қолади. Барча бадиийлик компонентларининг узвий бирлиги, ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги ҳам шундадир.

Ғоявийликни таъминлашда ёзувчининг билими, ҳаётий тажрибаси ва кузатишлари, уларни партиявий позициядан туриб аниқ-пухта идрок этиши, маҳорат билан акс эттириши ниҳоятда муҳимдир. Агар биз драматургиямизнинг кейинги йиллар тараққиётига разм солсак, унинг конкрет намуналарида муҳим ғоявий мақсадлар кучли инсоний характерларда, янги-янги новаторона бадиий-тасвирий воситаларда, турлича стиль ва жанрларда ифодалашга интилиш мавжудлигини кўрамиз. Бундай асарлар орасида «Мирзо Улуғбек» (Шайхзода), «Номаълум киши» (Иззат Султон), «Қонли сароб» (С. Азимов) каби трагедия ва драма намуналари алоҳида ажралиб туради.

Драматургиямиздаги ибратли ҳамда диққатга сазовор томонларни қайд этар эканмиз, ғоя ва характерларни очиш формаси, саҳна асарининг пойдеворини ташкил этувчи драматик конфликт табиатида янгича сифатлар — ғоя ва мақсад йўлида қаҳрамонлар кураши кўпроқ маънавий ҳамда ахлоқий аспектда содир бўлаётганлиги, борган сари чуқур руҳий коллизиялар формасида ҳам кўринаётганлигини таъкидлаш керак. Бунинг натижасида ҳаётий проблемаларга чуқурроқ кириб, уларнинг моҳиятини фалсафий теранликда очишга интилиш яққол сезилмоқда.

Аммо мамнуният билан драматургиямиз муваффақияти деб атайдиган чинакам санъат намуналаримиз бармоқ билан санарли даражада оз эканини эътироф этмасдан ҳам иложимиз йўқ. Ваҳоланки, ҳар йили кўплаб янги-янги пьесалар саҳналаштирилмоқда, нашр этилмоқда.

Шубҳасиз, аксар пьесаларимизда ғоявий жиҳатдан муҳим ва диққатга сазовор масалаларни ёритиш мақсад қилиб қўйилади. Бироқ олинган ғоявий проблемаларни эсда қоладиган инсоний характерлар қиёфасида қизиқарли ва таъсирли ифодалаш масаласида драматургларимиз

---

[1] Алексей Толстой, О литературе, М., 1956, стр. 174.

маҳорати етишмаганлиги важидан кутилган натижа келиб чиқмайди. Кейинги йилларда драматургларимиз сафи М. Бобоев, Шукрулло каби истеъдодли шоирларимиз ҳисобига ҳам бойиди. Шеъриятда ўз маҳоратларини намойиш этиб, китобхонлар муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган бу санъаткорларимиз яратган «Гўзаллик истаб...» (М. Бобоев), «Хатарли йўл» драмаларида, очиғи, авторларнинг поэзия жанрида кўринган маҳоратларини ҳис қилолмаймиз.

Ҳар иккала асарда ҳам бир-бирига яқин ғоявий проблемани ёритиш — инсон қалбининг гўзаллиги учун кураш, ана шу гўзалликка хунук доғ бўлиб тушувчи онгдаги қолоқ сарқитларни қоралаш мақсад қилиб олинган. Авторлар мақсадни ифодалашда айрим образларни ҳаётий, ишонарли чизишга, оригинал ситуациялар яратишга муваффақ бўлганлар. Лекин умуман олиб қараганда, асардаги мақсад маҳорат билан бадиийлаштирилмаган.

«Гўзаллик истаб...»нинг бундай бўлишига сабаб олинган мақсадни таъсирли ифодалашга хизмат этувчи драма конфликтининг оригинал характерлараро кучли кураши асосида бормаслигида, персонажларнинг бир-бирига нисбатан интрига—иғво юргизишлари ва найрангларига суянилганидадир. Жиддий ва муҳим ҳаётий зиддият, характерлар тўқнашуви интригалар ёрдамида юзага чиқса, кучайтирилса бошқа гап эди. Иғволар шунчалик кўпки, улар майдалашиб кетиб характерлар мантиқига зўрма-зўраки ёпиштирилади. Деҳқон Саломов ҳам, Нурмат Тоҳиров ҳам «ёмон туш кўрсам, Болтавойга тан» қабилида иш тутиб, Омон Қодировдан хавфсирайди, турли хил иғволар юргизади. Иккинчи даражали Қимё, Нуъмонжонларнинг қуроли ҳам иғво ва алдамчиликлардан иборат. Ҳатто, драматизмни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши зарур бўлган факт — қаллоб мухбир Насимжон Қамбар уюштириб, газетада бостирган ва Омон Қодиров уриб ёзилган мақола ҳам иғво билан туҳматдан иборат. Хуллас, асарда чинакам ҳаётий қарама-қаршиликлар ва характерлар тўқнашуви тўла амалга ошмаганлиги сабабли, образлар майда ва бачкана бўлиб қолган.

Ҳар бир инсон қалбида юз берадиган кечинма ва зиддиятлар такрорланмас даражада ҳар хил, қизиқарлидир. Лекин автор образлар характерини очишда ҳаётий, янги-янги характер ва ситуацияларга суянмай, бошқа асарларда таниш бўлган ҳолларни гавдалантиради. «Гўзаллик истаб...» тематика ва образлар характерига кўра Уйғуннинг «Сўнгги пушаймон» (1955—1961) драмасига жуда яқиндир. М. Бобоев характерларга хос хилма-хил шароитлар, оригинал психологик мотивлар топиш учун изчил курашмайди. Шу сабабли такрор ва ўхшашликларга дуч келамиз. Бир неча мисол: «Сўнгги пушаймон»да Роҳат ўзини ойнага солиб чиройлиман дея керилса, «Гўзаллик истаб...»даги Қимё ҳам ўзини ойнага солиб хиргойи қилади. Булар характер жиҳатидан ҳам жинсдошдир. «Сўнгги пушаймон»да Холдорова Қамоловга ўйнаш деб туҳмат қилинса, «Гўзаллик истаб...»да Саломов Нафисани илинтириш илинжида Қодиров уни имтиҳонда йиқитди, дея иғво юритади. Бу иғво ҳам асардаги драматик ҳаракатни, конфликтни кескинлаштирмайди. Бурхон сўзлаш манераси, ғаразгўйлиги, хуллас, характерига хос сифатлари билан «Гўзаллик истаб...»даги кафедра мудири, иғвогар Тоҳировга яқин қариндошдир. Шунингдек, ўжар профессор Бурхон Қаюм илмда баъзан лаборант Ҳосиятчалик бўлмаса, «Гўзаллик истаб...» даги аспирант Камол ўз ишида декан Саломов диссертациясидаги хатоларни тузатади. (Зиннат Фатхуллиннинг «Оби ҳаёт»ида ҳам шундай ўринлар бор.) Бу ерда гап юқоридаги фактларнинг ҳаётийлигига шубҳа билан қараш ёки ишончсизлиги устида эмас, аксинча, уларнинг ўхшашлиги ва бир қолип-

да такрорланиши хусусидадир. Мавжуд нуқсонлар табиий равишда «Гўзаллик истаб...» драмасида сезиларли из қолдирган.

«Хатарли йўл»нинг сюжети асосида бошдан-оёқ иғво формасидаги интрига ётади. Бадиий ижод тажрибаларидан маълумки, интрига реал ҳаётий заминда турса, ишонтирса, конфликтни уйғотувчи, кучайтирувчи, ривожлантирувчи куч, восита бўлиб хизмат қила олади. Бироқ автор Миржалолни иғвогар шахс сифатида зарур ҳаётий мантиқ билан, шубҳа туғдирмайдиган хатти-ҳаракатлар билан таъминлай олмаган. У ўзининг ишониш қийин бўлган бир иғвоси билан соф виждонли Абдусодиқнинг ички дунёсини ағдар-тўнтар қилиб юборадики, бунга асарда ишонтирарли асос, ҳаётий замин тайёрланмаган. Абдусодиқнинг жўнгина иғвога ишона бошлаши уни салобатли, ҳаётий образ сифатида ҳис этишга йўл бермайди. Бош масала ишончсиз бўлганлиги учун асардаги айрим ҳаётий ситуациялар, жонли образлар ўз мантиқини йўқотади.

Автор бош конфликт атрофидаги кучларни кучайтиришда, характерларнинг бош масала атрофида — иғвогарлик хатарли йўл эканини кўрсатиш борасида Бўривойдан ҳам яхши фойдаланиши мумкин эди. Бироқ у, муттаҳам, мунофиқ, ўтакетган устомон шахс сифатида ҳаётий ва жонли бўлса ҳам, бош линияга — Абдусодиқ билан Миржалол ўртасидаги кураш ўтини аланга олдиришга яхши боғланмайди, унга лозим даражада хизмат қилмайди. Бўривойда мантиқ юзаки, яъни у энг паст ва разил киши сифатида талқин этила туриб, негадир, автор уни Миржалолдан афзал қилиб кўяди: Бўривой ўғлини Миржалолга шогирд қилиб беришдан ор қилади. Эҳтимол, бу икки салбий персонаж бир мақсад йўлида ҳаракат қилишса, конфликт кучайиб, ғояни ишонарли ва таъсирли ифода этиш имконияти ошар эди.

Зиннат Фатҳуллиннинг «Оби ҳаёт», Туйғуннинг «Пилла ая», Уйғуннинг «Гирдоб» пьесаларида катта аҳамиятга эга бўлган ғоявий проблемалар олинган бўлса-да, авторлар ўз мақсадларини юксак бадиийликда, эмоционал таъсирчанликда амалга ошира олмаганлар.

Драматургларимизнинг юксак ғоявийлик ва чинакам санъаткорлик йўлидан боришларида мавжуд асарларга принципиал ёндашиш, уларни одилона ҳамда партиявий позициядан ҳаққоний баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу жиҳатдан олиб қараганда Т. Турсуновнинг «Энг муҳими — ғоявийлик ва юксак бадиийлик»[2] деган мақоласига лоқайд қараб бўлмайди. Автор унда драматургиямизнинг ютуқларини қайд этиш билан бир қаторда, мавжуд нуқсонлар хусусида ҳаққоний мулоҳазаларни ташвишланиб ўртага ташлайди. Унинг кўпчилик тезисларига ҳамфикр эканимизни таъкидлаш билан бирга, айрим асарларга билдирилган мулоҳазалар устида ўз қарашларимизни айтишни зарур кўрамиз.

Назир Сафаровнинг ишчилар ҳаётига, улар орасидаги зиёлиларга бағишланган «Кимга тўй, кимга аза» драмаси ғояси, мақсади, уни бадиий ифодалаш хусусияти жиҳатидан ўзига хос ютуқ ва нуқсонларга эга. Аммо Т. Турсунов виждонлиликни, инсоний ҳалоллик ва софликни улуғлаш каби катта ғоя билан суғорилган бу асарни пухта асосга эга бўлмаган, қарама-қарши мулоҳазалардан иборат танқидий фикрлар билан драматургнинг муваффақиятини ерга уради. Танқидчи ёзади: «Пьесада бир-бири билан ёнма-ён яшайдиган, манфаат ва интилишлари бир хил икки оила — рус ва ўзбек оилалари кўрсатилган. Совет воқелигининг энг муҳим жиҳатларидан бири шундадир»[3]. Жуда тўғри айтилган. Бироқ навбатдаги абзацдан бошлабоқ танқидчи юқоридаги фикрига зид келувчи гапни ўртага ташлайди: ёш рационализатор Ҳасан ихтиро

---

[2] «Ўзбекистон коммунисти», 1965, 1-сон.
[3] Шу журнал, 47-бет.

этган кашфиёт ўғриси, муттаҳам Саид Қамоловни фош этишни «фақат Қазаков — аллақачон пенсияга чиқиб кетган киши бажаради»[4]. Бунда Қазаков образининг иштироки асоссиз, ноҳаётий деган мантиқ бор. Бизнингча, Қазаков асар марказидаги фабуладан четда эмас. Чунки у ҳалол меҳнати туфайли пенсияга чиқса-да, халқ манфаати билан яшайди. Бундан ташқари, Қазаков янги шпинделни — ихтирони қабул этган рационализаторлик комиссияси аъзоларидан бири. Шу важдан ихтиронинг ҳақиқий автори, яратувчиси қирқ йиллик қадрдон қўшнисининг ўғли Ҳасан эканини эшитганида Қазаков жим туролмайди, адолатнинг юзага чиқиши учун курашади. Қазаков эътиборли, тажрибали, принципиал шахс бўлганлиги учун ҳам Камолов билан Ҳасан ўртасидаги жанжални бирёқлик қилиш учун шаҳар партия комитети тузган комиссия составига киритилади. Шунинг ўзи ҳам Қазаков билан боғли линияда, унинг плагиаторга қарши курашида, демак, бу образнинг асарда қатнашишида чуқур ҳаётийлик, реаллик, зарур даражада мантиқ кучи борлигини исботлайди. Қамоловга қарши фақат Қазаков эмас, аввало, Ҳасан ва Зуҳролар курашади. Тўғри, улар ўз ниятларини тезда амалга оширолмайдилар. Лекин Қамоловни фош этиш учун тузилган ва Қазаков ҳам киритилган комиссия тимсолида муттаҳамга қарши турган, давримизнинг илғор тенденциясини гавдалантирган ижобий кучлар мавжуддир.

Драмани Қазаков образисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки автор ғоясини амалга оширишда ҳал қилувчи юк Қазаков устига тушган. Айни чоқда у ўз қиёфаси, мақсадга етишдаги хатти-ҳаракатлари билан эсда қоладиган, ёрқин чизилган характердир. Шундай бўлгач, Қазаков ўрнида бошқа киши тасвирланиши керак эди, «Қазаковнинг ўрнини босган ва у билан тенглашадиган кишилар қаерда қолди?»[5] деган ўринсиз даъво билан чиқмай, драматургга ақл ўргатишдан сақланиб, ёзувчи олган образларнинг қанчалик ҳаётий, ишонарли ва асардаги ғоявий мақсадни ифодалашга хизмат қилган ёки қилмаганлиги устида чуқур ва одилона фикр юритиш зарур эди.

Сатирик асар бемақсад ва майнабозчиликдан, чуқур мазмундан маҳрум кулгига асосланмайди. Сатирик ёзувчи ўз асарида бирон бир иллат ва камчилик устидан кулиб, уни тузатиш ёки йўқ қилишга ундайди. Шунга кўра бадиий асарда маслаксиз, аҳмоқ ёки тентак, телба киши кулги объекти бўла олмайди. Кулги ақли расо, бироқ ўз мақсадини илғор тенденциялардан яшириб амалга оширишга интилувчи, ички чиркин дунёсини — асл ниятини пардалаб ўзини ҳақ, яхши, илғор қилиб кўрсатувчи шахс хатти-ҳаракатларида, унинг ички мазмуни билан ўрни, ташқи кўриниши, яъни формаси ўртасидаги зиддият ва номутаносиблик замирида пайдо бўлади. Шунинг учун дастлаб комик конфликтни яратишга асос берувчи комик инсоний характерларни ҳаётдан ола билиш керак. Комедия сюжетининг шаклланишида персонажларнинг адашишига, янглишишига, турли англашилмовчиликларга йўл қўйишларига асосланган кулдириш приёмларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо бундай ҳоллар фақат приём, ёрдамчи восита сифатида келиши ва асарнинг туб негизини ташкил қилмаслиги керак. Кейинги йилларда яратилган кўпгина комедиялар чинакам комик характерлардан маҳрум бўлган, телбанамо ҳаракатлар қилувчи персонажларга асосланган. Буни Ҳамза Умаровнинг «Ишқинг билан» асарида яққол кўрамиз.

«Ишқинг билан»да автор ўз олдига комсомол аъзоси Шукурнинг шаҳарга бориб, оз фурсатда сатанг — стилягага айланиши, камёб мол-

[4] Шу журнал, ўша бет.
[5] Шу журнал, ўша бет.

ларни холаси Нозик орқали қишлоқда соттириб, бебилиска пул ортти-риши ҳамда ишёқмас мешчан қиёфасига кириб қолишидан кулиш, уни кулги — танқид воситасида тузатишни мақсад қилиб қўйган. Қўйилган масала ҳаётий. Лекин у Шукур характеридаги коммунистик ахлоққа ёт томонларни фош этувчи, ҳақиқий аҳволдан, характер ҳамда воқеалар оқимидан табиий равишда етилиб-қуйилиб чиқувчи тўла маънодаги комик ситуациялар ярата олмайди. Бунинг ўрнига масхарабозлик ва карикатурадан, ғайри табиийлик ва уйдирмаликдан иборат ситуация ҳамда муносабатларни кўрсатади, кулгили ҳолатлар гўё зўрлаб, атайлаб ёпиштирилганга ўхшайди. Бунинг бош сабаби асарда бадиий-комик конфликтнинг йўқлигидадир.

Асарнинг бош салбий қаҳрамони Шукур ҳеч қандай курашни бошдан кечирмай, кулги қамчиси билан саваланмай, отаси қандай ва ким бўлганлигини Соҳиб отадан сўраб билгач, тузалади-қолади. Севгилиси Зебо билан топишади. Асосий салбий қаҳрамон Шукур ақалли бирор марта ҳам танқид этилувчи чинакам кулгили вазиятга туширилмайди. Шундай бўлгач, «Ишқинг билан»нинг нимаси комедия?

Конфликтсиз драматургия яратиш излари Шукур Саъдулланинг «Икки билагузук», Ҳамид Ғуломнинг «Ўғил уйлантириш» каби асарларида ҳам мавжуддир. Бироқ танқидчиларимиз бу ҳақда нечукдир сукут сақламоқдалар.

Театрларимиз спектакллари ва драматургиямиз намуналарининг республикамиздан ташқаридаги танқидчилар эътиборини тортиши қувончли ҳол, албатта. И. Василининанинг «Қишилар ва «эҳтирослар»[6] мақоласини ана шу жумлага киритиш мумкин.

Мақолада республикамиз театрларида қўйилаётган спектаклларимиз хусусида одилона айтилган асосли ва яхши фикрлар билан бирга, мутлақо келишиб бўлмайдиган, ҳақиқатдан узоқ ва айрим саҳна асарларимизни беҳуда камситадиган мулоҳазалар ҳам бор. Танқидчининг Абдулла Қаҳҳорнинг «Сўнгги нусхалар» ва Иззат Султоннинг «Номаълум киши» пьесалари асосида Ҳамза номли ўзбек академик драма театрида яратилган спектакллар хусусидаги фикрларига қўшилиш қийин. Рецензент «Сўнгги нусхалар»да ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг тез билиниб қолишига, характерлар мантиқига мос хатти-ҳаракатларнинг бўрттирилишига, ниҳоят, томоша залида томошабинларнинг камлигига асосланиб, бутун асар-спектаклни чиппакка чиқаради. Афтидан, автор асар мазмунини тушунмай (автор ўз мақоласида буни қисман эътироф этади), юзаки таассуротга берилиш натижасида шундай нотўғри хулосага келган бўлиши мумкин. Чунки бу спектакль кетаётганда бутун зал Абдулла Қаҳҳорга хос қаҳ-қаҳа, кулги завқи билан жўш урадики, бунинг бонси чин маънодаги комедиянинг ғоявий-бадиий пухта заминидадир.

Автор «Номаълум киши» спектаклини ундан ҳам пастга уришга интилади. Бу асар, романтик драмага мансублигига қарамай, воқеликдан, асримиз бошларидаги реал ва конкрет тарихий шароитдаги халқ ҳаётидан, унинг курашидан узилиб қолган эмас. Буни асар конфликтининг экспозициясида ҳоким синфлар вакили Саидғулом сўзларидаёқ аён кўрамиз.

И. Василинина ўз мақоласида асар фабуласини, ундаги образлар ҳолатини «Мураккаб бўлмаган романтик-шаблон фабула, саргузаштли стержень спектаклнинг асосидир»[7] деб таърифлаш билан драмани ерга

---

[6] И. Василинина, Люди и «страсти», ж. «Театр», 1965, № 5.
[7] Шу журнал, ўша сон, 73-бет.

уради ва унинг ҳаққоний миллий заминини кўрмайди. Бундан ташқари, танқидчи Ниёз умумлашма характердаги, ҳаётий заминга эга образлигини ҳам эътиборга олмай, унинг фаолиятини «ҳақиқатдан узоқ» деб қоралайди.

Автор ўз мақоласида асар қаҳрамонлари ҳаракатида ички кечинмалар етарли эмаслигини, айрим фетективга хос ҳолларни танқид этишда ҳақ бўлса-да, юқоридаги фикрларида бутунлай қоралашда ҳақ эмас: асарга хос романтик хусусиятни ҳам, унинг ҳаётий заминда турганлигини ҳам эътиборга олмай, тенденциоз фикрларни олға суради. Акс ҳолда, у бу асарнинг Тошкентда рус ва ўзбек театрларида саҳналаштирилишига афсусланмас эди. Бу асарнинг ўзбек саҳнасида 1963 йилдан бери муваффақият билан қўйилаётганлиги танқидчининг ноҳақлигини тасдиқлай олади.

Агар «Қонли сароб» конфликти икки дунё курашидан иборат, деб примитив тарзда талқин этиб, «бу курашда қайси дунё енгилиб, қайсиниси енгди?» деган сўроқни қўйсак жавоб олиб бўлмайди. С. Азимов социалистик дунёнинг, совет тузумининг ғолибкор, барқарор ҳамда энг прогрессив ва илғор табиатидан келиб чиқиб, уни чуқур ҳис этиб, бунга ишонмаган ва адашган-алданганларни, бу дунё душманларига эргашганлар тақдирининг қонли саробдан иборат ҳамда пуч эканлигини индивидуал инсоний образлар драмаси орқали кўрсатади.

Бадиий ижод тажрибасида шундай асарлар ҳам борки, уларда қарама-қарши характерлар олишуви бирдек изчил, планли ва бошдан-оёқ шиддат билан ечимга интилиш йўлидан бормайди, яъни характерлараро тўқнашувлар бирдан-бир ҳал қилувчи бош хусусият бўлмайди. А. Чеховнинг аксар саҳна асарларида, М. Горькийнинг айрим пьесаларида авторлар диққати марказида юз берган воқелик, шароит таъсирида қаҳрамонлар онгида, психологиясида пайдо бўлган кечинмалар биринчи навбатда туради.

«Қонли сароб» ва «Қотил» (Уйғун)даги конфликтларда Чехов ва Горький пьесаларига хос традициялардан ижодий фойдаланиш яхши самаралар берганлигини кўрамиз. Лекин айрим танқидий мулоҳазаларда бундай янгилик нишоналарини пайқамаслик, уларда амал-ҳаракат таг оқим («подводное течение») тарзида кечишини тан олмасликка интилиш, санъат асарини содда социологик нуқтаи назардан баҳолаш, бадиий конфликт билан ҳаётдаги, турмушдаги кураш ва қарама-қаршиликни тепла-тенг қилиб қўйиш тенденциялари учрамоқда. Шундай бўлгач, «Қонли сароб»даги конфликт «социалистик тузум қаҳрамонларининг бевосита эбрази киритилмаган бўлса ҳам, унинг асосий конфликти икки дунё курашидир»[8], дейиш санъат асарига содда социологизм нуқтаи назаридан қарашдир. Бу асар конфликти «Чапаев», «Ёш гвардия» каби асарлардагига ўхшаш бўлганида бошқа гап эди.

Б. Бикмуҳамметов, Н. Ҳудойбердиев, П. Шермуҳамедов ўртоқлар «Автор позицияси ва бадиийлик»[9] номли мақолаларида «Қонли сароб» даги Фиғоний тўғрисида, у асар бошидаёқ ўзининг оғир қисматини англаган «ўзи каби (?) соф виждонли одамларнинг эндиликда «ватангадо махлуқ» номини кўтариб юрганини чуқур англаб» (?!) етган деб талқин этадилар, ундан мумкин қадар ижобий томонлар ва бизнинг идеалимизга хос сифатлар топишга тиришадилар. Айни чоқда мунаққидлар ғоя ва характерларни бадиий акс эттириш формаси бўлмиш конфликтни персонажларнинг бир-бири билан курашидан иборат деб тушунадилар. Ахир, «Чайка», «Ваня тоға» ва «Тубанликда» каби пьесаларда ким кимга

---

[8] «Ўзбекистон маданияти», редакцион мақола, 17 март 1965 йил.
[9] «Ўзбекистон маданияти», 3 март 1965 йил.

қарши курашади? Шунинг натижасида улар Б. Ғуломовнинг эслатилган мақоласида «Қонли сароб»даги конфликт характерлараро изчил курашдан иборат эмас, деган фикрига қарши чиқадилар.

Масаланинг моҳиятига келганда шуни айтиш зарурки, Б. Ғуломов «Конфликт ва қаҳрамон»[10] номли мақоласида драматургиямиз конфликтидаги новаторлик хусусиятларини тўғри қайд этади. Аммо уларни конкрет анализ орқали кўрсатишда чалғиб кетади. Чунончи, унингча, бош конфликт ички кураш, коллизия шаклида бўлган ҳолда характерлараро тўқнашувнинг ҳам учраб туришини тан олмайди ёки бундай ҳолларнинг конфликт — кураш доирасига киритмайди. Иккинчидан, драматик асардаги изчил ва планли олишувлар билан аҳён-аҳёнда бўлиб турадиган (ички коллизияли асарда) ўткинчи тўқнашувлар, яъни конфликтдаги муайян моментлар ўртасидаги принципиал фарқни ажрата олмайди. Зотан, драматик конфликт айрим моментлардагина юзага чиқмайди, балки бутун асар давомида муайян шаклни олади.

Асарда Фиғоний ватанфурушлик қонли саробдан, шу алпозда қолиш хароб бўлишдан иборат эканлигини қадам-бақадам, аста-секин, воқеаҳодисалар таъсирида англай боради. У асар прологида ҳали ўзининг оғир қисматини тугал, аниқ, равшан ҳис этмайди: «ватангадо, махлуқ иснодини кўтарамиз шекилли? Ватанимдан елган Ҳайдар сабо шуни тақозо этгандек» дея ташвиш чекади, «чархи бебунёд, яна не кароматлар кўрсатур, сабр айламоқ»ликни ўзига маслаҳат беради, умри «ҳақ йўлдами, йўқса ноҳақ»[11] йўлларда турганлигини англаб етолмай, гаранг бир ҳолатда кўринади. Бироқ юқорида эслатганимиз уч танқидчининг Фиғоний прологда айтган сўзларни келтиришиб, уни «соф виждонли», ватангадолик «номини кўтариб юрганини чуқур англаб» етган киши тарзида бузиб, автор текстини ўзларича «таҳрир» этиб талқин этишларига ажабланасиз.

Фиғоний асарнинг бош қисмида эмас, ҳатто унинг ярмидан оққанида ҳам ўзининг қисматини тўла ҳис этмайди. Мана, кўринг: иккинчи саҳнада Шайх Абдулфотиҳнинг ватангадолар қилмишларини фош этиши мумкин бўлган ҳужжатларни куйдириш, уларнинг сир-асроридан хабардор «ноқобил туркистонликларни», яъни асирликдаги совет кишиларини йўқ этиш, «ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қолсин» деган фикрини ҳаммадан бурун Фиғоний «балли» дея маъқуллайди. Учинчи саҳнада ҳам ҳали у ўз маслакдошларидан юз ўгирмайди. Шу саҳна охирида «Мавлоно Фиғоний билан Аслзода Саидхоннинг Руссия колониализмини исбот этувчи асарларини зуд нашр айлаш», улар ташкилотининг иқтисодий қудратини тузатиш режалари ва тадбирларига ҳам қаршилик ёки норозилик билдирмайди, балки ўзини «сукут аломати ризо» қабилида тутади.

Тўққизинчи саҳнага етгандагина Фиғоний ҳаммаслакларидан нафратланади, улар яшаб келган муҳит «фаҳш қафас», «ёмон йўлдош, нодон сирдош фарқига бормасдан нечук одам» бўлганлигини чуқур ҳис этади, юракдан эзилиб, заҳарханда гаплар айтади, хонилар ташкилоти бошлиғи Мир Алихоннинг чиркин, ифлос ва пасткаш қиёфаси аён бўлгач, ғазаб ва нафрати ошади, ички, руҳий кечинмалари туғён уриб сиртга тепали — Мир Алихоннинг беномуссизлигини бетига айтади.

Шу вақтгача Фиғоний ҳам, бошқа ватангадолар ҳам бир-бирларига қарши асар бошидан охиригача планли равишда қатъий ва муттасил кураш олиб бормасаларда, улар ишлари юришмаганидан, содир бўлаётган ҳодисалардан изтироб, руҳий кечинма—кураш оташида қоврилиб, асар драматизмини кучайтирадилар.

---

[10] «Ўзбекистон маданияти», 19 декабрь 1964 йил.
[11] «Шарқ юлдузи», 1964 йил, 7-сон, 4-бет.

Конфликт ечимида Мир Алихон ва Аслзода Саидхон ашаддий ватан хоинлари эканликларига содиқ қолиб, империалистларга малай тушишни афзал кўрадилар. Фиғоний эса ўзида айрим инсоний фазилатлар сақлангани туфайли, айбига иқрор бўлишга, бўйин эгиб, совет элчихонасига келишга қарор қилади. Шайх Абдулфотиҳ эса бундай қилишдан қўрқиб, узалтга юз тутади. Юртолбек эса оғир жиноятлари туфайли ўзини ҳалок қилади. Агар асар конфликти ватангадоларнинг бир-бири билан олишуви характерига эга бўлганида бири иккинчисини енгиши лозим бўларди. Юртолбек эса, ўз пешонасига узган ўқни бошқага — «рақиби»га йўналтириши мумкин эди.

Уч танқидчи мақоласида «Фиғоний ватан, халқнинг ғамини деб (?) душманлар тарафига» ўтган, унинг яхши ҳаракатларини драматург улуғлайди, деган фикрни олға сурадилар. Бизнингча, асарда бунчалик эмас. Драматург аслида социалистик ватанимизни улуғлайди, Фиғонийнинг ўз маслакдошларидан юз ўгиришини, уларни фош этишини, ниҳоят, совет элчихонасига боришини маъқулласа-да, улуғламайди, айни чоқда келгусида унинг гуноҳини, эҳтимолки, кечириш учун ҳаётий замин тайёрлайди. Бу, драманинг перспективли давомига ишорадир. Драматург асар сўнггида бундай дейди: «... қонли сароб кўчаларида умрини кўкка совурган (Фиғоний ҳам шундайлардан — *Б. И.*), тиласин ким бўлмасин, ватангадолар савдосидан бир шингил ҳикоя кўз нурингиз тушган асар имонидир, азиз одам!» Бу билан автор асарда турли характер мантиқидаги, аммо бир тойфадагилар — ватангадолар савдосини очиб ташлаганлигини қайд этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш муҳимки, санъаткорларимиздан ғоявий-бадиий юксакликни талаб этиш билан бирга, танқидий фикрларимизнинг объектив, принципиал ва ҳаққоний бўлиши учун кураш биз — танқидчиларнинг бурчи эканини ҳам ҳеч қачон унутмаслик керак.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИДА САТИРА ВА ЮМОРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ВАҚТЛИ МАТБУОТНИНГ РОЛИ

(20-йиллар)

Ўзбек совет адабиётида бошқа жанрлар сингари сатира ва юморнинг ривожланишида ҳам вақтли матбуот, айниқса, «Муштум» ва «Машраб» журналлари алоҳида ўринни эгаллади. Бу журналлардан ташқари, шу даврда чиққан барча вақтли матбуот ўз саҳифаларида сатира ва юморга алоҳида ўрин бериб, тараққиётимизга ҳалақит берувчи барча иллатларни емириб ташлашда жанговар восталардан бўлган ҳажвчиликнинг ўсишига ёрдам берди.

Биз бу мақолада товламачи, иккі юзламачи, фирибгар кишиларни, дин аҳлларини ва совет ташкилотларига суқилиб кириб олган, қўй терисини ёпинган «бўрилар»ни фош қилишда катта ижобий роль ўйнаган «Муштум» журнали ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, «Муштум» 1923 йил 18 февралдан бошлаб «Туркистон», кейинчалик «Қизил Ўзбекистон» газетасига илова тариқасида чиқа бошлади. 1925 йилдан эса мустақил журнал сифатида нашр этила бошланди.

«Муштум» ўзининг дунёга келган кунидан бошлаб меҳнаткаш халқ манфаатлари учун хизмат қилди. Бироқ бу даврда бошқа матбуот органларида бўлгани каби, «Муштум»га ҳам Чўлпон каби миллатчи ёзувчилар суқилиб кириб олган эдилар. Улар журналнинг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой)га ҳам ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилдилар. Шунинг оқибатида «Муштум» саҳифаларида миллатчилик ғоялари билан суғорилган айрим шеърлар, ҳикоялар ва бошқа турдаги асарлар ҳам босилди. Бундан ташқари, унда ишловчи ходимлар турли имзолар билан ўз асарларини оммалаштириб, журнал саҳифаларини «банд» қилиб, унга кенг жамоатчиликни тортишга, хусусан, ёш қаламкашларга эътиборсизлик билан қарадилар.

«Муштум»нинг бу камчиликларини тугатиш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилди. Унинг редакцион коллегияси ўзгартирилди. Шунингдек, журнал почтасига тушадиган материалларга эътибор кучайтирилиб, ўсиб келаётган умидли қаламкашларнинг асарларига кенг ўрин ажратилди ва махсус консультациялар уюштирилди. Бу тадбирлар журналнинг мафкуравий жиҳатдан чиниқиши, унинг омма орасидаги обрў-эътиборининг ўсишига хизмат қилди.

«Муштум»нинг яхши томонлари тўғрисида сўз очганда,— деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор,— аввал мафкуравий ёғини олиш керак. Бу бобда, ҳеч мулоҳазасиз, у соғломлашди дея оламиз. Ундан кейин унинг тузилиши, иши тўғрисига келганда бирмунча муваффақиятга эришди. Янги бўлимлар очилди. Бунинг энг яхшиси «нашъали кулгилар хирмони»дир. Чиндан ҳам бунга қисқа, мазмунли ширин нарсалар тўпланади»[1].

«Муштум»га келган юзлаб хатларда журнални халқ ҳаёти билан янада яқинлаштириш, теварак-атрофдан келган материалларга эътиборни кучайтириш ва шунга ўхшаш турли тилак ва маслаҳатлар баён этилар эди. Бунга жавобан «Муштум» редакцияси журналхонларга қўплаб анкеталар юборади. Бу анкеталарда «Муштум» ўз ўқувчиларидан журнални янада яхшилаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш кераклиги ҳақида фикр ва маслаҳатлар олади. Журналхонлар ўз истак ва фикр-маслаҳатларини ифодалаб, редакцияга мурожаат қиладилар. Кўпгина хатларда «Муштум» кечаларини ўтказиб туриш зарурлиги таъкидланади.

«Муштум» фақат республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиё миқёсида ҳам танила боради ва бошқа республикаларда ҳам унинг мухлислари кўпаяди.

«Муштум» журналининг асосий штати катта эмас эди. Бу штат масъул муҳаррир Зиё Саид, секретарь Носир Саид ва рассом Рождественский лардан иборат эди, холос. Шунга қарамай, журнал атрофига уюшган активнинг ташаббускорлиги ва хизмати билан «Муштум» йирик ва мароқли матбуотга айланади, унинг тиражи 20-йилнинг охирида қарийб 25000 нусхага бориб етади.

Халқ ижодидан, унинг усулларидан фойдаланиш ижобий ҳодисадир. Аммо янги

---

[1] Абдулла Қаҳҳор, Ким нимадан завқ олади? «Қизил Ўзбекистон», 5 апрель 1929 йил.

ҳажвиётни яратиш ва ривожлантириш учун, шубҳасиз, сатира ва юмор янги вазифа ва мақсадга мувофиқ янги образлар ва янги формаларга эга бўлиб бориши лозим эди. Бунинг учун халқ ҳажвиётидан ижодий фойдаланиб, унинг энг яхши традицияларини давом эттириш ва ривожлантириш керак эди.

«Бизнинг кулгулигимизнинг ўз олдиға бирмунча тарихи бўлса ҳам, аммо янги ҳажвиётимиз ўзининг чин негизини ҳали сола олгон эмас... биз бу кунги ҳажвиётимизда кескинлик кўролмаймиз, «Муштум» ва «Машраб» каби кулки мажмуаларимиз ҳажвиётда унча чуқурлаша олмайдилар, бироқ шуни айтиш керакким, улар шу асосинг кетмонини чопқучи ва истиқбол ҳажвкашларининг ундовчисидирлар»[2].

«Муштум» ва бошқа ҳажвий журналларга кўплаб сатирик ва юмористик асарлар кела бошласа-да, лекин уларнинг сезиларли қисми ҳали бўш, хом ва туссиз эди. Бироқ шунга қарамай, ўзбек совет ҳажвиёти ўсишга томон бормоқда, унинг ижжмкорлиги кучаймоқда эди.

Йигирманчи йилларда яратилган сатира ва юморнинг тиғи дин ва хурофотга, дин аҳллари: уламолар, эшонлар, суфилар ва турли тонфадаги тақводорларга қарши қаратилган эди. Булардан ташқари, савдогарлар, давлат идораларига суқилиб кириб олган миллатчилар, порахўрлар ва бошқа хил «нусхалар» ҳам янги ҳажвиётнинг тиғидан ташқарида қолмадилар.

Дин ва шариат аҳлларини фош этишда адабиёт майдонига эндигина қадам қўйган ёш қаламкаш Комил Яшин ҳам «Муштум» журнали билан ҳамкорликда бўлади. Ўзининг ҳажвий шеърларида домла-имомларнинг кирдикорларини кўрсатиб, уларнинг афт-ангорларини очиб ташлайди: «Олғир» тахаллуси билан ижод этган шоир «Руҳонийларга бир ҳадям» номли сатирик шеърида руҳонийларни ташқи қиёфаси одам, аммо аслида «от тўрва соқолли шайтон» деб лаънатлайди:

Тўнингиз малла, ўн қадоқ салла,
Сиз ҳам бир инсон, феъларингиз
шайтон.
. . . . . .
Бас энди йўқол, от тўрва соқол,
Қорнингиз қўпол, наслингиз сопол...[3]

Ўзбек совет сатирасининг ўсишида Садриддин Айнийнинг ҳам хизмати катта бўлди. У турли темаларда бир қатор ҳажвий асарлар яратди. Айний «Баттол» имзоси билан ёзган ўзининг «Насиҳат» («Машраб», 1925 йил, 21-сон, 3-бет) шеърида маст бўлиб кўчама-кўча сангиб, безорилик қилиб юрган айрим шахсларни, ўз мансабидан фойдаланиб, давлат қонун-қоидаларини суйистъмол қилган ходимларни, турли кооперативларга жойлашиб олиб, халқ мулкини талон-торож қилган ўғриларни қаттиқ сатира қамчиси билан савалайди. Шу билан бир қаторда, у мурид овлаб бойлик орттириш йўлларини излаган эшонларни, диний маросимларни ҳам ҳажв қилади. Садриддин Айнийнинг антиклерикал ҳажвий асарларидан «Рамазон ойн» номли шеъри жуда характерлидир. Автор бу асарида рўзанинг реакцион моҳиятини очиб ташлайди. Рўза фақат дин аҳлларига, эшон, мулла, домлаларга қўл келишини қуйидагича ифодалайди:

Ўн олти соат оч юрдим, дебон қорни
ёрилгунча,
Бўғозийдан самондек тиққувчи
муллоларинг бордур.

Кўча бошида, масчит олдида,
мадраса саҳнида,
Хурофотларни пулга сотгучи
устоларинг бордур...[4]

Шуни айтиш керакки, Садриддин Айний бу шеърни Муқимийнинг «Шитоб айлаб юрарда нозу истиғноринг бордур» деб бошланадиган лирик асарига ўхшатма қилиб ёзиб, руҳонийларни ҳажв қилишда бундан усталик билан фойдаланган.

* *
*

Ўз мазмуни ва ғоявий йўналиши билан юқоридаги асарларга ўхшаш яна кўпгина сатирик асарлар 20-йиллар вақтли матбуоти саҳифаларида тез-тез пайдо бўла бошлади. Чунончи, Тўғрул Аъламов («Мулла ҳолвойтар» имзоси билан ёзилган)нинг «От тепсин» («Зарафшон» газетаси, 12 январь 1928 йил), Валломийнинг «Варасатул-анбиё» («Зарафшон» газетаси, 19 январь 1928 йил), Сўфизоданинг «Хуржун» («Муштум», 1925 йил, 2-сон), Кўсанинг «Муштум»га («Муштум», 1924 йил, 23-сон), Абдулла Қаҳҳорнинг («Норин шилпиқ» имзоси билан ёзган) «Ой куйганда» («Муштум», 1925 йил, 8-сон), «Омин, қани, Муштум оға, қўл кўтаринг!» («Муштум», 1924 йил, 18-сон), Саидаҳмадхўжа Сиддиқий (Гина-гина, Ажизий)нинг «Уламолар» (Машраб», 1926 йил, 38-сон), Фаҳриддин Рожи (Доғули) нинг «Қалайсиз эшон почча» («Машраб», 1924 йил, 5-сон), Абдулҳамид Мажидий (Абдутанбал)нинг «Ўргандим» («Машраб», 1926 йил, 32-сон), Жўра Аҳмаджонов (Бодринг)нинг «Эшонимнинг ҳасратлари» («Машраб», 1926 йил, 1-сон), Ҳожиолим Қобилов (Ҳазилкаш)нинг «Мен ҳам ўргандим» — Машрабга назира («Машраб», 1926 йил, 10-сон), Ҳожи Мўйин (Мулла Жумбул)нинг «Икки турли кен-

---

[2] Ж. (Абдулла Қодирий), 26-нчи йилда кулдиргучиларимиз, «Муштум», 1926 йил, 24-сон, 11-бет.

[3] Олғир, Руҳонийларга бир ҳадям, «Муштум», 1925 йил, 5-сон, 15-бет.

[4] Рўзадор (С. Айний), Рамазон ойн, «Машраб», 1925 йил, 20-сон, 7-бет.

таш» (Машраб, 1926 йил, 34-сон) асарлари ана шулар жумласидандир.

Йигирманчи йиллардаги сатира ва юмор жамиятни қайта қуришда катта ғов бўлган савдогарларни, миллатчилар, порахўрларни, хотин-қизлар озодлигига тўсиқ бўлган шахсларни, Шўроларга бўлган сайловларга суқилиб кириб қолган икки юзламачиларни ҳам аччиқ ва фош этувчи кулги остига олиб, уларга қарши халқнинг нафрат ва ғазабини ошириб борди.

Вақтли матбуот, сатира ва юмор халққа дўст ва душманни анниқроқ фарқ эта олишга катта ёрдам берди.

Совет сатириклари классик адабиётдаги (хусусан, Махмур шеърларидаги) «ўзини ўзи фош этиш» усулидан фойдаланиб, бойсавдогарлар, товламачилар устидан аччиқ кулдилар.

Йигирманчи йиллар сатира ва юморининг тиғи, асосан, порахўрлик, тамагирлик, хушомадгўйлик, муттаҳамгарчилик, мансабпарастлик, пиянисталик ва фоҳишабозликка қарши қаратилган эди. Абдулҳамид Мажидий (Абутанбал)нинг «Ёлғончи айғоқ» («Машраб», 1925 йил, 28-сон), Абдулваҳоб Шукуров (Кунжиков)нинг «Лаълига маржон» («Машраб», 1926 йил, 1-сон), «Эй додей» («Машраб», 1926 йил, 2-сон), Бектош (Чуғулхўжа)ларнинг «Тузатмак керак» («Машраб», 1924 йил, 5-сон) каби асарлари ана шулар жумласидандир.

Ҳожи Мўин (Мулла Жунбул) «Пора бер»! шеърида ўз виждонини сариқ чақага сотувчи порахўрларнинг маънавий қиёфасини очиб ташлайди:

Пулсиз ғовга, асло ўрин тутмайдир,
Еғлиқ жанжал, сира навбат кутмайдир,
Бўш даъволар бу дунёда бутмайдир,
Мойсиз кабоб томоғимдан ўтмайдир,
Ўғирлик қил, одам ўлдир, пора бер!
Элни йиғлат, мени кулдир, пора бер!...[5]

Сатира ва юморнинг янада ривожланишида «Муштум» журнали саҳифаларида очилган «Алиф лайло» боби алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу боб ҳақида «Муштум» редакцияси қуйдагича хабар берган эди:

«Муштум» журнали шу сонидан (1927 йил 2-сонидан — Қ. О.) бошлаб, ўз олдида «Алиф лайло» бобини очиб, ўқувчиларнинг ичагини узмакчи ва уларнинг олдида сухангулиқ, оғоз қилмоқчи. Бу боб бир томондан жаноби «Домулло Гулханий»нинг «Зарбулмасал»лари каби баъзи бир шўр тумшуқ «Пўнғқарға»ларни лисони ҳолга келтириб, табъи шарифингизга масаррат бахшида қилса, бир томондан турмуш ойнасида жилвагар бўлғон хунук манзараларни намоён айлаб, важҳи пуртабъингизни буруштириб қўяди. Лекин бу ичак узилди бобимиз ўзингиз кўрган «Алиф лайло» китоби каби дуру дароз бош оғриғи бўлмасдан, «Тилсими ҳайрат»лик вазифасини бажо қилғусидир»[6].

«Муштум» журнали саҳифасида очилган «Алиф лайло» боби ҳам жамиятдаги баъзи бир нопок ва виждонсиз кишиларни қаттиқ танқид қилиш билан бирга, йигирманчи йилларда сатирик прозанинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

* *
*

Биз юқорида 20-йиллар ўзбек сатирасининг ривожланишида вақтли матбуотнинг роли ҳақида айрим фактлар асосидагина фикр-мулоҳаза юритдик, холос. Бу муҳим масала эса янада кўпроқ фактик материаллар тўплаш, уларни ўрганиш, ғоявий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришни талаб этади.

Қобил Орипов

«ҚИЛЛАНМОҚ» ФЕЪЛИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ҲАҚИДА

Гап ***қўлламоқ*** феълининг мажҳул даража формасини қўллаш ҳақида бориши сарлавҳадан кўриниб турибди.

Аниқ даража билан ўзлик даражанинг ўзига хос хусусиятлари ўзбек тили грамматикасига оид ишларда, ҳатто мактаб грамматикасида ҳам жуда аниқ ва тушунарли тарзда баён қилинган. Ўрта маълумотга эга бўлган кишилар ҳам феълнинг бу икки даража формасидан қандай ҳолатда қайси бирини қўллаш масаласида деярли хато қилмайдилар. Лекин кейинги вақтларда (тахминан кейинги ўн йил давомида), нима учундир ***қўлламоқ*** феълининг аниқ даража формаси ўрнида нотўғри равишда мажҳул даража формасини қўллаш ҳоллари учрамоқда. Бу ҳодиса асосан газета ва журналлар саҳифаларида учрайди. Мисоллар келтирамиз: *Назарияни практикада ҳар томонлама ва бутун чоралар билан* ***қўлланиш керак*** («Қизил Ўзбекистон», 16 июнь 1961 йил). *Оғир ишларда хотин-қизлар меҳнатини* ***қўлланиш*** *тобора қисқартирилмоқда ва келажакда уларнинг оғир ишларни бажаришларига тамомила чек қўйилиши керак* («Қизил Ўзбекистон», 12 июль 1956 йил). *Студентлар илмий жамиятининг аъзолари химияни қишлоқ хўжалигида* ***қўлланиш*** *ва суғори-*

[5] Мулла Жумбул (Ҳожи Мўин), Пора бер! «Машраб», 1925 йил, 16-сон, 3-бет.

[6] «1001 кеча ҳикоясн», «Муштум», 1927 йил, 2-сон, 6-бет.

ладиган деҳқончиликни ривожлантиришга таллуқли бўлган турли масалаларни ишлаб чиқишга киришмоқдалар («Ёш ленинчи», 29 декабрь 1963 йил). *Республика Қурилиш министрлигига қарашли 160-трест бошқарувчиси А. А. Абдуҳамидов шу тўғрида гапириб трест ходимлари ўтган йили ленинградликлар ташаббусини* ***қўлланиб****, 48 квартирали учта уй биносини битказиб топширганликларини айтди* («Тошкент ҳақиқати», 3 март 1962 йил). *Фарғона пилачилари: меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив принципларини* ***қўлланмоқдалар*** («Қизил Ўзбекистон», 21 апрель 1962 йил). *Айрим шоирлар шеърият қонунларидан ижодий фойдаланмайдилар. Улар эски формаларни механик тарзда* ***қўлланиб****,сўзларни сунъий равишда қофияга солиш билан шуғулланадилар...* («Муштум», 4-сон, 1962 йил).

Бу факт матбуот ходимларига маълум бўлганидан ортиқча мисоллар келтириб ўтирмаймиз.

Юқоридаги мисолларда *қўлламоқ* феълини мажҳул даража формасида *(қўлланмоқ* формасида) қўллаш тамомила нотўғридир. Чунки ҳаракат эга билан ифодаланган шахс орқали бажарилганда шу ҳаракатни ифодаловчи фъел аниқ даражада бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс томонидан бажарилиши аниқ даража формаси орқали ифодаланади. Мажҳул даражадаги фъел эса эгадан англашилган шахс ёки предмет бошқанинг ҳаракатини ўзига қабул қилувчи эканлигини кўрсатади. Қиёсланг: *иморатни тиклади — иморат тикланди* (ким томонидандир); *асбобларни тайёрлади — асбоблар тайёрланди* (ким томонидандир).

Юқорида келтирилган мисолларнинг ҳаммасида ҳам ҳаракатнинг бажарувчиси эга орқали ифодаланган шахснинг ўзидир. Масалан, *«Фарғона пиллачилари... меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив принципларини қўлланмоқдалар»* гапида ҳаракатнинг бажарувчиси эга орқали ифодаланган шахслар *(пиллачилар)*дир. Шунга кўра бу гапда *«қўлламоқ»* феъли мажҳул даража формасида эмас, балки аниқ даража формасида ишлатилиши керак, яъни *«принципларини қўлланмоқдалар»* эмас, балки *«принципларини қўлламоқдалар»* бўлиши керак.

Айрим ўртоқларнинг айтишича, *қўлламоқ* феълининг русча *«поддерживать», «покровительствать»* маъноси билан *«употреблять, применять»* маъноларини ўзаро фарқлаш учун *«употреблять, применять»* маъносида бу феълни — *«қўлланмоқ»* формасида ишлатиш маъқул эмиш. Бироқ бу мутлақо нотўғри. Чунки тилимиздаги жуда кўп фъеллар кўп маънолидир. Лекин бу фъеллар нинг қандай маънони ифодалаши уларнинг даража формасини ўзгартиш орқали ифодаланмайди. Ҳар бир фъел қайси маънода қатнашишидан қатъи назар, уларнинг қандай даража формасида қўлланиши умумий қонун-қоидага кўра бўлади. Шунингдек, *«қўлламоқ»* феъли ҳам ҳар иккала маъносида аниқ ёки мажҳул даража формасида қўллана олади, бу билан унинг лексик маъносида ўзгариш бўлмайди. Қиёсланг: *ишда янги усулни қўллади — муҳокамада дўстини қўллади.*

Ҳаракатни бажарувчи шахс эга орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлганда *«қўлламоқ»* феълини бош даражада қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Афсуски, шуниси тўғри бўлишига қарамай, бу ҳодиса нисбатан жуда кам учрайди.

Қуйидаги икки мисолни қиёсласак, бажарувчи шахс эга орқали ифодаланган шахснинг ўзи бўлган ҳолларда *«қўлламоқ»* феълининг қайси формасини ишлатиш тўғри эканлиги аниқ сезилади.

«Коммунизм» колхози ўтган йил кузги-қишки даврда икки-уч марта запас суғориш ўтказди ва шу туфайли сув танқис бўлган шароитда ҳам, ана шу агротехника усулини ***қўлланмаган*** *қўшни колхозларга нисбатан икки баробар кўп ҳосил олди* («Қизил Ўзбекистон», 16 июнь 1956 йил). *Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда жуда катта муваффақиятларга эришгани, пахта етиштиришнинг прогрессив усулларини кенг* ***қўллагани****, пахта етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажаргани учун* области миз Ленин ордени билан мукофотланди («Ўзбекистон маданияти», 25 декабрь 1963 йил).

Иккала мисолда ҳам *«қўлламоқ»* феъли бир сўзни — *«усул»* сўзини — бошқариб келган. Иккала мисолда ҳам *«қўлламоқ»* феъли билдирган ҳаракатнинг бажарувчиси эга ифодалаган шахснинг ўзи. Шунга кўра кейинги мисолда *қўлламоқ* феълининг бош даража формасида қўлланиши тўғридир: буни ўзбек ўқувчиси дарров сезиб олади.

Хуллас, *«қўлламоқ»* феъли қайси маънода ишлатилишидан қатъи назар, уни аниқ ёки мажҳул даража формасида қўллашда умумий қонун-қоидага асосланиш керак. Агар ҳаракатнинг бажарувчиси эга ифодалаган шахснинг ўзи бўлса, аниқ даража формасида (*«қўлламоқ»* формасида); эга ифодалаган шахс бошқанинг ҳаракатини ўзига қабул қилувчи бўлса, мажҳул даража формасида (*«қўлланмоқ»* формасида) ишлатилиши керак. Қиёсланг: *Пахтачиликда бу усулни кенг қўллади — Пахтачиликда бу усул кенг қўлланди.*

А. Ҳожиев,
филология фанлари кандидати.

САЙРАМ ШЕВАСИ ҲАҚИДА

Ўзбек тили шева ва диалектлари классификацияси масаласида олимларимизнинг бир неча хил қарашлари бор.

Жумладан, проф. И. И. Зарубин ҳамма ўзбек шева ва лаҳжаларини 4 группага бўлиб, Сайрам шевасини Тошкент группасига тааллуқли эканини қайд қилган[1].

Ўзбек шева ва лаҳжаларини дастлаб ўрганганлардан яна бири машҳур тилшунос проф. Е. Д. Поливанов Сайрам шевасини биринчи қарашда метисация хусусияти асосида эронилашмаган ўғуз лаҳжалари ва шимолий ўзбек шевалари доирасига киритади[2]. Яна проф. Е. Д. Поливановнинг иккинчи хил таснифида (типларга ажратиб кўрсатган классификациясига) кўра, Сайрам шеваси Чиғатой диалекти группасининг биринчи қисмига — шимолий ўзбек шевалари типига киритилган.

Ўзбек шева ва лаҳжалари таснифида проф. Ғози Олим Юнусовнинг таснифи алоҳида ўрин тутади. Бу олимнинг таснифига кўра, бутун ўзбек шева ва лаҳжалари 3 асосий группага бўлиниб, Сайрам шеваси шу группанинг иккинчи — Турк-барлос группасининг Сайрам — Чимкент деб аталган қисмига киради[3].

Проф. К. К. Юдахиннинг биринчи таснифига кўра, Сайрам шеваси сингармонизмни сақлаш даражасига қараб ажратилган шевалар қаторидан жой олган бўлса[4], кейинчалик проф. К. К. Юдахин ўзбек тили шева, лаҳжаларини чуқурроқ ўрганиб тасниф қилган ишида унга шимолий ўзбек шевалари қаторидан жой беради[5].

Проф. А. К. Боровковнинг биринчи таснифида Сайрам шеваси жуда ўринли равишда «а» ловчи (сингармонизмни озмикўп сақлаган) шеваларнинг «й» ловчи группасига мансублиги қайд қилинган.

Бу олимнинг сўнгги (иккинчи) таснифида ўрта ўзбек диалекти группасидаги мустақил бир тип шева сифатида — Сайрам шеваси алоҳида қайд қилинган[6].

Проф. В. В. Решетовнинг ўзбек тили диалект ва шевалари тасниифи тарихий-лингвистик хусусиятларни эътиборга олиб ишланган. Бу жиҳатдан, олимнинг мазкур таснифи ўзбек тили шеваларини ўрганишда ва асосий хусусиятларини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Сайрам шеваси, проф. В. В. Решетовнинг таснифи бўйича, қорлуқ-чигил-уйғур диалекти доирасида шимолий ўзбек группасининг иккинчи шохобчаси (Туркистон — Чимкент шевалари) ичида кўрсатилган[7].

Шунинг билан бирга, проф. В. В. Решетов бу шохобча шеваларида, жумладан, Сайрам шевасида ўғуз элементларининг камайишини, баъзан эса йўқлигини ва, аксинча, қипчоқ элементларининг, айниқса, қозоқ тили элементларининг кўпайишини ҳақли равишда тўғри таъкидлайди. Биз мавжуд таснифларга ўз муносабатимизни билдиришдан аввал, Сайрам шевасининг асосий хусусиятларини қисқача қайд қилишни маъқул кўрамиз.

Шеванинг энг муҳим лингвистик хусусиятлари:

1. Сайрам шевасида 9 та унли фонема бор. Лаб ва танглай гармонияси жуда сезиларли ўзгаришга юз тутиб, сингармонизм қонуни бузилаётганлигига қарамай шевада контраст жуфт унлилар [*а — ə, ы — и*, у — *ү*, *о — ə*] мавжуд.

2. Шевада [а] унлиси барқарор. [ə] позицион вариант сифатида баъзан учрайди. Шуниси характерлики, бу товушнинг тарқалишида бошқа ўзбек шеваларига нисбатан ўзига хослик ҳам бор. Қуйидаги сўзларни қиёс қилинг: *дəла* (дала), *дəрвəзə* (дарвоза), *мəзə* (маза), *мəнқа* (манқа), *мəйəп* (майиб), *əнар* (анор), *əйəқ* (айиқ), *əтала* (атала).

3. [а] фонемасининг шевада [*е— ə*] га олмошинуви ҳам шеванинг муҳим хусусиятларидандир: *мегиз* (магиз), *дем* (дам), *мейли* (майли), *тен* (тан), *севəт* (сават).

4. Олд ва орқа қатор [*и — ы*] унлиларидан сўнг сўз орасида (биринчи бўғинда) бир [*ü*] орттириб талаффуз қилинади: *қыйз* (қиз), *дийд* (дид), *тийт* (тит), *тийтиб* (титиб), *шийш* (шим) каби.

5. Араб тилидан кирган сўзларда учрайдиган бўғиз товуши айн „ع“ бу шева вакиллари тилига сингмаган, шунинг учун у, ҳамиша ҳар қандай сўзда ҳам тушиб қолади. *бази* (баъзи), *вада* (ваъда), *нəлəт* (наълат), *нама* (наъма), *лали* (Лаъли), *меда* (меъда), *мақул* (маъқул), *алə* (аъло), *тамин* (таъмин), *мəрəке* (маъракa), *тана* (таъна).

6. Сўз орасида [*р*] ундошининг тушиб қолиши шева учун жуда характерлидир. *чақ* (чарх), *бек* (берк), *қоқ* (қурқ), *қоқ-мақ* (кўрқмоқ), *дарав* (дарров).

7. „ф“ товуши ўрнида ҳамиша [*п*]; [*ж*]

---

[1] Проф. И. И. Зарубин, Список народностей Туркестанского края, Л., 1925.

[2] Проф. Е. Д. Поливанов, Узбекская диалектология и узбекский литертурный язык, Ташкент, 1933.

[3] Проф. Ғози Олим Юнусов, Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба, Тошкент, 1936 (асар латин алифбесида).

[4] Проф. К. К. Юдахин, Материалы к звуковому составу чигатайского языка. («Культура и письменности Востока»), кн. IV, Баку, 1929.

[5] Проф. К. К. Юдахин, Узбекский язык, «Литературная энциклопедия», т. XI, М., 1939, стр. 495—496.

[6] Проф. А. К. Боровков, Вопросы классификация узбекских говоров, «Известия АН УзССР», № 5, 1953.

[7] Проф. В. В. Решетов, Узбекский язык, 1, Ташкент, 1959, стр. 68—75. Шу автор, Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 5.

ўрнида *[дж]* ишлатилади. (Бундан, албатта, *ёшлар, ўқимишлилар* мустасно).

8. Шевада [й] лашиш, Тошкент шевасига нисбатан ҳам кучлидир: *йар* (жар), *йўн* (юнг ‖ жун); *йанамак* (жўнамоқ). *йанлик* (жўнлик), *йилпангламоқ* (жилпангламоқ), *йарттаг* (жўрттага), *йиркимак* (жеркимоқ), *йур* (юр, Тошк. жур). Ҳатто „й“ лашишнинг кучлигидан баъзан „г“ билан бошланадиган сўзлар ҳам *[ў]* билан талаффуз қилинади. *йарянг* (гаранг), *йаримдар* (гаримдори) каби.

9. Ундош [п]нинг [в] ундошига кўчиши [*тэвуп* (топиб), *йавуп* (ёпиб)]; шунингдек [г] ундоши ўрнида [в] ундошининг келиши ҳам характерлидир. [*тавлық* (тоғлик), *савлық* (соғлиқ ‖ совлиқ), *йавлық* (ёглик), *жавлық* (жағлик)].

10. Сўз бошида унлидан аввал, баъзан сўз охирида икки унли орасида [х] ундошининг ортиши ҳам шева учун жуда характерлидир. *ҳарра* (арра), *ҳардак* (ўрдак), *ҳайвон* (айвон), *ҳудда* (улда), *муддаҳа* (муддао), *ҳаптамабел* (автомобиль).

11. [ч] ундошининг [ш] ундоши билан алмашиниши ҳам шевада мавжуд: *душ* (дуч), *мурш* (мурч), *кеш* (кеч), *амаш* (омоч), *чешван* (чачвон), *қырмаш* (қирмоч), *қарш* (қарич), *ҳавуш* (ҳовуч), *қулаш* (қулоч), *чышқан* (сичқон) кабилар.

12. Ўтган замон аниқ феълининг I шахс кўплиги аффикси (ад. орф-дик) шевада *-дық—тық, -дик — тик;* ўрни билан *-дуқ—дук*: *бардық* (бордик), *қалдық* (қолдик), *буздуқ* (буздик), *туздуқ* (туздик) *йаттык* (ётдик), *кардик* (кўрдик), *қайтқандық* (қайтган эдик), *кеттик* (кетдик), *қылардық* (қилар эдик), *йутувдуқ* (ютиб эдик), *болдуқ* (бўлдик).

13. Ҳозирги замон аниқлик феъли аффикси *-йатти* ‖ *йатты*.

Қиёс қилинг:

келйатти (келаётир ‖ келаяпти); *ағрыйатты* (оғриётир ‖ оғриянти), *барйатты-ман* (бораётирман ‖ бораяптиман), *кетмайттимиз* (кетмаётирмиз ‖ кетмаяпмиз).

14. Кўплик аффикси *-лар* (баъзан „*нар—нар*“); наманган типи *-дын — дин, -тын — тин*.

қардын (қордан), *тамдын* (томдан), *йидин* (уйдан), *эшикдин* (эшикдан), *аттын* (отдан), *йаттын* (ётдан); *сайдын* (сойдан), *орамдын* (ўрамдан), *қайдын* ‖ *кеттин* (қаердан), *шахтин* (шу ёқдан), *ахтин* (ана у ёқдан).

15. Ад. орф. *-ку* юкламаси шевада *қу — ғу*: *бардық - қу* (бордик - ку), *алдық - қу* (олдик - ку), *йаттық - қу* (ётдик - ку), *алдъ - ғу* (олди - ку), *турдъ - ғу* (турди - ку).

16. Равиш ясовчи (ад. орф. -дек) шевада *-дек — дақ, тек — тақ*: *алгундек* (ўлгиндек), *айдақ* (ойдек), *кундек* (кундак), *қушдақ* (қушдек), *бырдақ* ‖ *бырдек* (бирдек), *тамдақ* (томдек), *қурттек* (қуртдек), *аттақ* (отдек), *ундақ-мундақ* (ундек-мундек).

17. Ад. - орф. *-ган — кан* шевада ўзакнегизда [к] — [г] келган сўзлардан бошқа ҳолларга ҳамиша *-ған — қан*: *йумған* (юмган), *турған* (турган), *барған* (борган), *боған* (бўлган), *аған* (олган), *йаққан* (ёқкан), *бақкан* (боққан), *аваған* (олиб олган).

18. Адабий тилдаги I, II шахс бирлик кишилик олмошлари *мен, сен*; Сайрам шевасида, худди Тошкент шевасидагидек, *ман, сан*.

Бу фактлар проф. В. В. Решетовнинг тарихий-лингвистик классификациясида Сайрам шевасининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси шимолий ўзбек шевалари группасининг Туркистон — Чимкент шевалари орасидан тўғри ўрин олганлигини тасдиқлайди. Шунинг билан бирга, марҳум проф. А. К. Боровкновнинг таснифи доирасида „а“ ловчи ўзбек шеваларининг „й“ ловчи группасига тааллуқли шева эканлиги ҳам равшан кўринади.

С. Зуфаров

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

«ИСМИНГИЗНИНГ МАЪНОСИ НИМА?» ҲАҚИДА

Қиши исмларининг маъносини билиш ҳар кимни ҳам қизиқтиради. Чунки халқимизда мавжуд исмларнинг ҳаммасининг ҳам ўзига хос маънолари бор; уларда қадим замонлардаги турмуш-шароитлар, урф-одатлар маълум даражада акс этган, улар орқали ўтмишдаги ижтимоий ҳаёт ҳақида ҳам баъзи нарсаларни тасаввур қилишимиз мумкин.

Гарчи ҳозирги асрда ижтимоий онг анча ривожланган бўлса ҳам, ўтмишдаги исмларнинг баъзилари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда агар болага Эшонқул деб от қўйиладиган бўлса, албатта, киши ўтмишдаги эшон ва унинг қулини кўз олдига келтирмайди, балки шу номдаги машҳур ё таниқлироқ киши бўлса, ё агар унчалик таниқли бўлмаса ҳам, унинг ҳулқ, феъл-атвори маъқул бўлган бўлса, ўшанга ўхшасин деб у исм қўйилади. Ҳатто илгарилари бола йўқолгач, унинг белгиси бўлмаса, топиш қийин бўлгани сабабли, кишилар болаларига от қўйишганда қофиядор сўзларни қидирганлар (чунончи, Баҳодир, Жаҳонгир ёки Бахтиёр, Оллоёр, Дониёр), ёки ҳар бир болага «қул», «абди» каби сўз қўшиб атаганлар, бу иш баъзан қийин аҳволни бирмунча енгиллаштирган. Агар ҳозир Абдураҳмон деб исм бериладиган бўлса, ўтмишдагига ўхшаб «раҳмдил тангрининг қули» деган маънода қўйилмайди, балки бу исм кўп бўлганлиги, халқимиз ўртасида жуда ўзлашиб кетганлиги, эслаб қолиш ўнғай бўлгани учун қўйилади, холос. Демак, ҳозирги кундаги кўп исмлар фақат ўзининг дастлабки маъносини назарда тутибгина қўйилмайди, балки маълум сабабларга кўра бу исмнинг кишига ёқиб қолганлиги учун қўйилади.

Аммо ҳозирги мавжуд исмларимизнинг анча-мунчаси бошқа тиллардан кирганлиги учун уларнинг қандай маъно англатиши одамларга тушунарсиз бўлиб қолмоқда, чунки кўп ҳолларда ерли халқ бу исмларни ўз талаффузларига мослаб, анча соддалаштириб юборганлар, баъзи исмларнинг туси ўзгарган, бошқа маънодаги сўзга тўғри келиб қолган; ҳатто бу исмларнинг аслини топиш ҳам бирмунча қийинлашган. Шу жиҳатдан баъзи исмларнинг қайси тилдан келиб чиққанлигини ҳам дарҳол пайқаб бўлмайди.

Шу жиҳатдан қараганда, «Фан» нашриётининг ташаббуси билан чиққан «Исмингизнинг маъноси нима?»[1] китобини тавсиялаб керак. Китобда 1310 та исм келтирилиб, буларга ҳоли қудрат шарҳ-изоҳ берилган, уларнинг маъноларини тушунтиришга ҳаракат қилинган; кўп исмлар маънолари тўғри изоҳланган, улар кишиларга у ёки бу исмларнинг мазмунини тушунтиришга хизмат қилиши мумкин. Китобга Д. Абдураҳмонов «Ўзбек тилидаги киши отлари ҳақида» деган сарлавҳали сўз боши ёзган. Сўз бошида ҳам автор анча-мунча меҳнат қилгани кўриниб турибди, кўп мулоҳазалари ўринли.

Биз бу ерда китобчанинг яхши томонини қисқача қилиб эслатиб ўтдик, холос. Ҳеч шак-шубҳасиз, китоб ўзининг ижобий роли ни ўйнаши керак, ўйнайди ҳам; бу асар келажакда дурустроқ китоб бўлиб чиқишига туртки бўлиши мумкин; кишиларимиз бундай китобларга жуда чанқоқ, қизиқиб қарайди, унинг қўлма-қўл бўлиб кетгани, китоб магазинларида тезда тарқалиб, баъзиларнинг топа олмаганига ҳам шу қизиқиш сабаб бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Лекин шундай қизиқиш билан ўқиладиган китоб ҳамма томондан пухта, ўқувчини ҳар томонлама қондирадиган, шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган бўлиши керак. Бироқ унда турли-туман хатолар, нотўғри изоҳлар жуда кўп.

Биз бу мақолада шулар ҳақида фикр юритамиз.

Бизнингча, киши исмларининг маъноларини изоҳлашда, дастлаб, унинг этимологиясига эътибор бериш керак эди. Негаки, қандай исм бўлмасин, унинг асл луғавий маъносини, қайси сўздан ясалганини билмай туриб, уни тўғри тушуниш қийин. Китобчада баъзан бунга эътибор берилган

---

[1] Я. М. Менажиев, Х. А. Азаматов, Исмингизнинг маъноси нима? Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964, 84 бет.

бўлса, аксари ўринларда бунга эътибор берилмаган, кўп ҳолларда кўчма маъноси берилган. Иўқса, «одам»нинг китобда берилган изоҳи — «инсон»лигинн ёки «кимё»нинг «химия»лигини ким билмайди дейсиз. Афсуски, китобча кўпгина хатолар билан чиққан. Бу хатоларга ким томонидан йўл қўйилганлигини тақшириндан кўра, уларни йўл-йўлакай тузатиб кетиш ақлга мувофиқроқдир.

Чунончи, «Авлиё» сўзи «валий» сўзининг кўплигидир. «Валий» яқинлик (албатта, худога нисбатан яқинлик деб тасаввур қилинади) ёки ҳукм юритишни англатади. «Валий» сўзи тақводорликда худога яқин киши дегани, «Волий» эса ҳукмдор, ҳоким деган маънони англатади. Китобда эса «Авлиё-қул» исмининг маъносини «Авлиё» ва «қул» деб келтириб қўя қолинган, унинг ички маъноси очилмаган.

«Асом» тутқич маъносида, Асомуддин — дин тутқичи демакдир. Лекин авторлар уни араб тилидаги «исм» сўзининг кўплиги (асоми)дан деб қабул қилиб, янгилиш фикр юритадилар (25-б.) Ҳеч маҳал кишига «Исмлар» деб от қўйилармикин! Шу исмнинг бошқачароқ, яъни «Исомуддин» шаклида ёзилган жойида (38-б.) бунга тўғри изоҳ берилган. Араб тилидаги «баҳо» сўзи гўзаллик, кўрк, нур, равшанлик, деган маънони англатади, «Баҳоуддин» — дин кўрки, дейилиши керак эди, китобда эса «дин баҳоси» (27-б.) деб нотўғри изоҳланган. «Бойқобил» бойликка қобиляти бўлиш, уста бўлиш маъносида, китобчада эса «қабули мўл»(?) деб берилган.

«Жуман» сўзи асли арабча бўлиб, хазина, қиммат-баҳо нарса деган маънони англатади, лекин бу исм китобда келтирилгандай ўзбекча эмас ва у «суст» деган маънони (34-б.) англатмайди, ҳатто бу маъно унга мос эмас. «Дилоро» исмидаги «оро» зийнат, безак деган маънода, авторлар келтиргандай «ахтарувчи» (32-б.) деган маънода эмас. Дилоро — кўнгилга оро — безак берувчи маъносида. Китобда келтирилган «Бахт», «Барно» (27-б.), «Занжир» (35-б.), «Сарвар» (60-б.) исмлари арабча эмас, тожикча. «Ойдин» (52-б.), «Ойсулув» (53-б.), «Тўқсон» (65-б.), «Қилич» (78-б.) каби исмлар асли арабча бўлмай, соф ўзбекчадир. «Зариф» (35-б.), «Омон» (54-б.), «Райҳон» (56-б.), «Фаттоҳ», «Фитрат» (67-б.) каби сўзлар асли тожикча эмас, арабчадир. Бобозариф, Бобомурод, Боймақом каби исмлардаги иккинчи сўз арабча, лекин китобда келтирилгандек тожикча эмас. Қишиларга исм қўйишда «мақом» сўзи қўшилса, ҳеч маҳал «оҳанг», «куй» деган маънони назарда тутиб атамайдилар, балки жой, ўрин деган маънода атайдилар. «Боймақом» дейилса, бой ўрнини эгаллайдиган деган маъно англашилади.

«Иқлим» сўзи араб тилида ишлатилса ҳам, аммо у араб тилга юнончадан кирган. Китобда бу сўз арабча деб берилган. «Антиқа» сўзи ҳам китобда келтирилгандек (25-б.) арабча эмас, балки латинчадан араб тилига ва улар орқали бизнинг тилимизга кирган. «Марям» исми ҳам худди шундай латинчадир.

«Кимё» сўзи ҳам авторлар келтирганидек (40-б.), арабча эмас, асли юнончадир. «Кубаро» (катта, улуғ «кабир»нинг кўплигидир) деган сўз «катта хотинлар» деб берилган (41-б.). Қишиларга «Маҳдий» деб исм қўйилганда, тўғри йўлдан элтувчи — ҳидоят этувчи, тўғри йўлга туширилган, деган маънони кўзда тутилади. Шу сабабдан «Маҳдий» исми ҳеч маҳал, китобда келтирилгандай, «бешикка хос» деган маънони англатмайди (45-б.). Маҳдий сўзининг илдизи «ҳадо» бўлиб, «бешик» сўзининг илдизи «маҳада»дир. Муҳтий» (47-б.) исмининг ҳам бешикка даҳли йўқ. Ушбу китобга тақриз ёзган Э. Бегматов («Ўқитувчилар газетаси», 1 апрель 1965 йил) эса бу сўз маъносини танқид қилиб, «худо томонидан юборилган» деган маънони беради. Бу мутлақо нотўғри.

«Маҳжуб»нинг асл лугавий маъноси ҳижобланган, пардаланган, ёпилган, бекилган, хаёли, номусли, лекин «инсофли» эса бу сўзнинг кўчма маъноларидан бири бўлиши мумкин, холос. Ундан кейин «ҳ» китобда кўрсатилгандай (45 б.) қаттиқ эмас, балки юмшоқдир.

«Аго» (оғо) сўзини олайлик. Бу сўзни китоб авторлари арабча, деб, унга «жаноб» маъносини берадилар. Биз бу сўзни арабча десак, араблар уни туркий тиллардан кирган хорижий сўз деса, бу сўз ўз маконини қаердан топди энди?! Миср олими Аҳмад Исо бу сўзни шундай шарҳлайди: «Аго — туркча сўз бўлиб, туғишган ака, бошлиқ, жаноб ва бошқа маъноларни англатади».

«Шод» сўзи ўзбекча эмас, тожикча. Модомики, одамлар «Мелик» (ёки Малик) деб от қўйишар экан, уни китобда келтиргандай, «Мулк» деган маънода қўйишмайди (45-б.), аслида Малик — мулкдор, подшоҳ маъносидадир.

«Нор» сўзи тожик тилида (анор маъносида) ҳам, араб тилида ҳам бор. Бу сўзнинг иккала тилдаги маъноларини авторлар бир жойга олиб — тожикча деб ёзганлар. «Нор»нинг арабчадаги маъноси олов, оташиндир. Китобчада «Норбек»ни оташин ҳукмдор, «Норбиби»ни оташин аёл, «Нормурод»ни оташин истак, «Нортош»ни олов тош деб изоҳлаб, бу ердаги «нор» сўзига араб тилидаги маънони берганлар. Баъзан оташин деган маънода шарҳланган. «Норбой» ўзбекча деб, «Нормуҳаммад» ўзбекча-арабча деб изоҳланган. Нега «Норбек» исми арабча-ўзбекча бўлади-ю, «Норқул» исми фақат арабча бўлади?! Боланинг юз-кўкрагида бўлган «анор» белгисига қараб ҳам бундай исм берилиши халқ орасида мавжудку.

«Нуқра» сўзи гарчи форс-тожик тилида жуда кўп ишлатилиб, ўзлашиб кетган бўлса ҳам, лекин ҳал чиқиши нуқтаи назаридан арабча бўлиб, кулча кўмишга нуқра дейилади. Китобда эса бу сўз тожикча бўлиб келган (52-б.).

Китобча баъзан ўқувчини шундай чалкашликка судрайдики, таажжубда қоласан, киши. Қари кишини форс-тожик тилида

«Пир» дейишади. Бу сўзни китобда авторлар тожикчадан олинганини айтиб туриб, «Пирназар» деганда «Пир» сўзи ўзбекча бўлиб қолган. «Пирнафас» эса тожикча, ваҳоланки, «нафас» араб тилида кирган сўздир. «Рўзи» (кун) — асли тожикча бўлатуриб, тожикча-ўзбекча дейилган.

«Халифа» исми «халафа» феълидан олиниб, бировнинг кетидан бориш, бировнинг ўрнини олиш, кетида қолиш каби маъноларни англатади. Шунинг учун ҳам «Халифа» сўзининг асли маъноси «руҳоний бошлиқ» эмас, балки ўринбосардир. Тожикчадан кирган «худо» сўзи китобда гоҳ тожикча, гоҳ ўзбекча бўлиб қолган. Худойберган, Худойқул — ўзбекча, Худойназар — ўзбекча-арабча, Худойберди — тожикча-ўзбекча дейилади. Бир сўзнинг ўзида қанча чалкашлик! «Хушвақт»ни тожикча-арабча деб келтириб туриб, «Хушбахт»ни ўзбекча-арабча деб келтиришган. Иккала сўздаги «хуш» бир хил маънони билдиради-ку. «Пирниёз»даги «ниёз» арабча дейилиб (56-б), Хўжаниёз»даги «ниёз» ўзбекча дейилган (70-б.). Арабча-тожикчадан тузилган «Хайрижаҳон» — арабча (68-б), «Синдор» (61-б.), «Хўжанафас» — тожикча (70-б.) дейилган. «Ширин» — тожикча дейилиб, ўша бетнинг ўзида келган «Ширинбону», «Ширинжон» исмлари ўзбекча дейилган (72-б.). «Шаҳло» тожикча бўлмай, арабчадир. Мовий, кўк кўзли эркакларни араблар «Ашҳал» дейишади, кўзлари ўшандай хотин-қизларни «Шаҳло» дейишади. Китобчада бу исм «Катта гўзал кўзлар» деб берилган. Гарчан, бу маъно катта ғалат бўлмаса-да, бу сўз замиридаги асл маънони англатолмайди. «Шаъбон» китобда келтирилгандек, халқ эмас (72-б.), балки қамарий ойларнинг саккизинчисидир. Кишилар «Қутбия» деб от қўйишса, қутб юлдузига нисбатан порлоқ деган маънода қўйишади. Лекин бу исм маъносини «Қутбга хоз қиз» (79-б.) деб бўлмайди.

Қизиқки, бу китобчадаги бирмунча камчиликларни танқид қилиб чиққан Э. Бегматов ҳам арабчадан кирган сўзлар этимологиясини билмаганлигидан уннинг ички маъносига эътибор бермайди, чунончи, «Қаримқул» исмига берилган маънони танқид қилар экан: «карим—худо», яъни худонинг қули (Абдукарим) демакдир, деб «тузатади». Гап бу ерда исмлар маъноси ҳақида кетаяпти. Худонинг сифати тарзида ишлатиладиган ҳар бир исмнинг (Раҳмон, Раҳим, Раззоқ, Карим ва ҳ. к.) ҳам ўз маъноси бор. Ана шу маъноларни очиб бериш керак. Карим—каромати, саховати деган маънони билдиради.

Ундан ташқари, илгарилари саводхон кишиларни «Мирза» дейишган. Шу жиҳатдан «Элмирза» исмининг маъноси — элнинг билимдони эмас, саводхони деб берилса тўғрироқ бўларди. «Омил» сўзининг асл маъноси — ишчи, кўчма маъноси уста; «санам» — бут, кўчма маъноси гўзал («Ойсанам»га қаранг, 53-б.) бўлади. «Парпи» — илон чаққанда ё санчиққа ишлатиладиган дори — маъданнинг кўмири, уни ҳатто «илонтош» ҳам дейишади, китобда эса «доривор ўсимлик томири» дейилган (55-б.). «Олмос»—китобда айтилгандек, арабча эмас (53-б.), балки араб тилига юнон тилидан кирган сўздир. «Аброр» ҳам форсча, ё тожикча эмас, балки арабчадир. Аброр бир сўзининг кўплиги бўлиб, итоатли, саховатли, виждонли деган маънода.

Бировга «Тўла» деган исм қўйилса, китобда келтиргандай (65-б.) «тўламоқ» феъ-лининг буйруқ формасидан эмас, балки тўла-тўкис, камчиликсиз, комил деган маънони назарда тутадилар. «Аслам» деган исм «саломатлироқ» маъносида эмас (25-б.), балки бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ маъносида бўлиши керак. «Алим» деб исм қўйишда бош ҳарф «Алиф» бўлмай, балки «айн» бўлган сўз бўлиши керак. Бунда «Алим» билаҒон, доно деган маънони англатади. Лекин авторлар келтирган исм — Алим — алам етказадиган сўзининг исм бўлиши мумкин эмас.

Китобчада «Абди»сўзининг кетига илова қилинган сўзлар билан тузилган бирмунча исмлар изоҳлари ва бошқа анча-мунча исмлар ҳам анчагина мулоҳаза талаб, кўриб чиқишни тақозо қилади.

«Қиём» сўзининг маъноси турғун, тик туриш, кўчма маъноси—барҳаётдир, лекин китобда келтирилгандек (78-бет.) «мураббо», «ширин» эмас, «Файзулло» исмига «худонинг мўллиги» (?) деб маъно берилган (67-б). Бу маънони автор ва редакторлар бирозгина ўйлаб кўришганмикан?! Ислом эътиқодида «худонинг мўллиги», бошқачароқ қилиб айтганда, «кўплиги» деган ибора ишлатиб бўлганми?! Қачондан бери «файз» сўзи ёқимлилик, «файзи» фаровонлик деган маънони англатадиган бўлиб қолди?! Нега «фарид» — ягона, «фарида»—марварид донаси ёки сийрак деган маънони англатади?! Ахир буларнинг илдизи бир-ку.

Китобда итальянча ёки латинча дейиш ўрнига негадир римча дейилади (3, 16-бетлар), «банот» сўзи «банат» (27-б.), «дўстон» сўзи «дўстан» (33-б.), «носиҳ» сўзи «носих», «обо» эса «аба» (20-б.) каби янглиш ёзилган.

Сўз бошида Д. Абдураҳмонов худонинг минг бир оти бўлмаслиги ҳақида ўз мулоҳазасини билдирган, унда тангри исмларидан келтирилган намуналарда «ё» ҳарфини қўшмай ёзиш керак эди. Чунки ҳеч маҳал исм «Ёмалиқ», «Ёазиз», «Ёжаббор» шаклида ёзилмайди (12—13-бетлар).

Умидимиз шу: авторлар бу айтилган мулоҳазалар асосида дурустроқ фикр юритишса, яна бошқа бизга маълум бўлиб, бу ерда ёзилмаган мавжуд камчиликлар ўзларига ҳам сезилиши турган гап. Авторлардан китобни янада кенгайтириб, янада чуқурроқ, илмий тус бериш-ларини, китобга кирмай қолган, лекин тушуниш қийин бўлган бошқа кўп исмларни ҳам йиғиб, мукаммал китоб қилиб чиқаришларини кутамиз.

Абдусодиқ Ирисов,
филология фанлари кандидати.

ОЛИМЛАР

МАЪРИФАТ ЖАРЧИСИ

Машҳур олим, меҳрибон устоз, атоқли тилшунос, йирик шарқшунос, тарихчи, ўткир адабиётчи, этнограф, СССР ва ЎзССР Фанлар академияларининг корреспондент аъзоси, проф. А. К. Боровковни ўзбек халқи яхши билади.

1943 йилдан бери ўрта мактабларда ўзбек тили грамматикаси фани шу олим (А. Ғуломов, З. Маъруфов, Т. Шермуҳамедовлар билан) яратган дарслик асосида ўтилади. Унинг раҳбарлигида тузилган русча-ўзбекча (беш томлик, 1955), ўзбекча-русча (бир томлик, 1959) луғатлар кенг жамоатчилик учун энг зарур қўлланмадир. Унинг асарларидан, илмий маслаҳатларидан Ўзбекистон ижтимоий фанлари вакилларининг деярлик ҳаммаси баҳраманд.

Александр Константинович 1904 йил Тошкент шаҳрида туғилди. 14 ёшида кўмир конига ишга кирди ва айни чоқда ўқишни ҳам давом эттирди. 20 ёшида Ўрта Осиё Давлат музейининг илмий ходими, САГУ (ҳозирги ТошДУ)даги медицина ва қишлоқ хўжалик факультетларининг ўзбек тили ўқитувчиси бўлиб ишлади, айни вақтда Шарқ факультетида ўқиди. Ўқишни тугатгач, Ленинграддаги Тил ва тафаккур институтига аспирант бўлиб кирди ва Шарқшунослик институтида ўзбек ва уйғур тилларидан дарс берди. Аспирантурани тугатгач, Шарқшунослик институтида ассистентлик вазифасида ишлайди. Александр Константинович шу институтда доцент, кейин профессорлик унвонини олди.

Илмий фаолиятининг биринчи ўн йилидаёқ у этнограф («Игры узбекских детей Дорвоз») ва тарихчи («Несколько общих замечаний об источниках по истории туркмен в XVI—XIX вв.», «История царствования Алла-Кули-хана»), ўзбек («Узбекский литературный язык»), қорақалпоқ («Об очередных вопросах изучения каракалпакского языка»), қорачай-булғор («Карачаева-булгарский язык», «Очерки карачаево-балкарской грамматики»), уйғур («Учебник уйгурского языка», «Уйгурско-русский словарь») тиллари мутахассиси, тилшунос-файласуф («Новое учение о языке») ва назариячи («Природа турецкого изофета»), нозик дидли турколог («О частях речи в языках тюркской системы») сифатида танилади.

1937 йил Партия олимни кадрлар тайёрлаш учун Тошкентга сафарбар қилди. У аввал ТДПИ да Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1943 йилда профессорлар Е. Э. Бертельс, В. М. Жирмунский, Н. А. Кононовлар билан САГУ филология факультетининг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академиясини ташкил қилишда Александр Константиновичнинг хизмати катта бўлди. Академия ташкил бўлиши билан корреспондент аъзо қилиб сайланди. Араб графикасидан латин, кейинчалик рус графикасига ўтишни марксча-ленинча принцип билан тўғри ҳал қилишда олимнинг асарлари («Изменение в области узбекской лексики и новый алфавит», Ўзбек тилининг янги орфография проекти», «Новый узбекский алфавит», «Ўзбек орфографиясига доир», «Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар») катта роль ўйнади.

1945 йилда Боровковга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. Шу йили уруш тамом бўлгач, Партия МҚнинг қарорига кўра, Боровков Ленинградга қайтди. У ўз фаолиятининг иккинчи ўн йиллигини ҳам ўзбек тили ва адабиётига («Узбекское языкознание», «Материалы для истории узбекской литературы XVI—XIX вв.»), унинг ташкил топиши ва ривожланиши процессига («Очерки по истории узбекского языка», «Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг.»), ўзбек диалектологиясига («Вопросы для собрания материалов по узбекским говорам»), улуг Навоийнинг тили ва ижодига («Алишер Навои», «Навои и Джами в народном переданий») бағишлади. Бу даврда турк тиллари системасидаги бошқа тиллар ҳам унинг эътиборидан четда қолмади («Заметки по полях русско-киргизского словаря», «Ўрта Осиё халқларининг маданиятида уйғурларнинг тутган ўрни»).

У баъзи мақолаларида ўзбек тилини, унинг тарих ва диалектологиясини ўрганишнинг проблемаларини белгилаб берса («За передовое языкознания», «По поводу «иранизация» узбекского языка», «Вопросы

классификации узбекских говоров»), баъзиларида бу проблемаларни қандай текшириш кераклигини кўрсатар эди («Очерки истории узбекского языка», «Агглютинация и флексия в тюркских языках», «Таджикско-узбекское двуязычие...», «К вопросам фонетического анализа стихов Навои»).

Совет туркология фани ва маданиятидаги хизмати учун Партия ва Ҳукуматимиз проф. Боровковни 1949 йилда «Ҳурмат белгиси», 1953 йилда Ленин ордени ва медаллар билан мукофотлади. 1958 йилда эса СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси қилиб сайланди.

1950—1960 йилларда Александр Константинович ўзбек тили тарихи билан янада чуқурроқ шуғулланди. Чиғатой тили луғатлари асосида қадимги лексикографияни ўрганиш бобида проф. Боровковнинг тенги йўқ эди, деб ёзилиши жуда тўғри. У Навоийнинг асарларига ёзилган энг қадимги луғатлардан Толе Имоний Хиротийнинг «Бадойиул-луғат»ини илмий анализлари билан нашрга тайёрлади. Профессорнинг «XII—XIII аср Ўрта Осиё тилининг тафсири» турк тилларининг қўлёзмалари жуда кам. Бу қўлёзма ўрганиш жиҳатидан жуда қийин бўлган XII—XIII аср тили учун калитдир. Ҳаётининг охирги пайтларида тайёрлаган йирик асарларидан бири Замахшарийнинг «Муқаддуматул адаб» луғатидир.

Александр Константинович меҳрибон, юмшоқ кўнгил раҳбар эди.

Унинг ёнига ташвиш, илмий томондан иккиланиш билан борган киши умидларга тўлиб, ўзига ишонч ҳосил қилиб, янги куч ва ғайрат билан бахтиёр қайтар эди.

Александр Константинович Боровковнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳамда инсоний фазилатларини кичик бир мақолада баён қилиш мумкин эмас. Уни кенг ёритиш лозим.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, у Ўзбекистонда туғилиб ўсган, бутун ҳаёти ва фаолиятини Ўзбекистон фани ва маданиятига бағишлаган машҳур, камтарин олим эди.

Александр Константиновичнинг илмий меросини нашр қилиш ўзбек ижтимоий фанларини, айниқса, ўзбек филологиясини янада бойитади. Бу эса кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

С. Отамирзаева,

филология фанлари кандидати.

РЕЖАЛАР

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИ СЕКТОРИДА

Институтимизнинг Ўзбек совет адабиёти сектори ўзбек адабиётининг муҳим, актуал масалалари устида иш олиб бормоқда.

1964 йилда авторлар коллективи СССР Фанлар академиясининг А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг Совет адабиёти сектори билан биргаликда Москвада «Наука» нашриётида чиқариш учун рус тилида бир томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни тайёрлаган эди. Қўпйиллик илмий ишлар маҳсули бўлган бу асар кенг адабий-илмий жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинди ва авторлар томонидан айрим ўринлари ва баъзи боблари қайтадан ишланди. Яқин кунларда асар нашрга топширилади.

Шаҳсан мен бу «Тарих»да «30-йиллар ўзбек совет адабиёти» боби, «Ойбек ижоди», «Ғафур Ғулом ижоди», «Ҳамид Олимжон ижоди»га доир адабий портретлар билан қатнашдим. Шу кунларда 1963 йилда Ойбек лирикаси ҳақида «Ғоявийлик ва маҳорат» номи билан босилиб чиққан китобнинг давоми бўлган «Улкан адиб маҳорати» номли асар устида иш олиб бормоқдаман.

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан халқ шоири Ғафур Ғулом тўғрисида С. Мамажонов, С. Айнийнинг бадиий маҳорати тўғрисида Н. Раҳимов ҳам катта монографик илмий асарлар ёзаяптилар.

Ўзбек совет адабиёти секторининг илмий тадқиқот ишлари икки муҳим вазифани бажаришга қаратилган. Биринчиси, совет адабиётининг чинакам илмий тарихини яратиш бўлса, иккинчиси, унинг йирик вакиллари ижодини ўрганишни давом эттириш ва янги-янги номлар ижодини илмий текшириш ҳамда адабий жанрларнинг ривожланиш тарихи юзасидан йирик илмий асарлар яратишдир.

Биринчи вазифани бажаришга секторнинг катта ва кичик илмий ходимларидан тортиб то лаборантларигача жалб қилинган. Улар уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратиш ишига киришдилар.

Иккинчи вазифа секторнинг бир қанча катта илмий ходимлари зиммасига юклатилган. Улардан Б. Имомов, Б. Ғуломов, Т. Собировлар ўзбек совет драматургияси жанрининг тараққиёти хусусиятлари ва проблемалари бўйича йирик монографиялар яратиш устида ишламоқдалар. Бундай йирик илмий ишларни Н. В. Владимирова, С. Мирвалиев, А. Аброров, М. Султонова, Ҳ. Қурбонова ва И. Мирзаевлар ҳам олиб бормоқдалар.

Шубҳасиз, ўзбек совет адабиётининг уч томлик тарихи ва юқорида тилга олинган қимматли илмий монографиялар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва доҳий Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига Ўзбек совет адабиёти сектори илмий ходимларининг муносиб совғалари бўлади.

Ҳомил Еқубов,

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбек совет адабиёти секторининг мудири.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Кейинги йилларда инглиз, немис ва француз тилларини қиёсий ўрганиш лингвистика соҳасидаги актуал масалалар даражасига кўтарилмоқда. Республикамизда инглиз тилини ўзбек тили билан қиёсий ўрганишга оид бир қанча илмий ишлар қилинди. Бунга Ҳ. С. Барноҳўжаева, Ҳ. Ҳ. Ҳайдаров ва Х. Бойқўзиевларнинг кандидатлик диссертациялари мисол бўла олади. Лекин олиб борилаётган бу илмий ишлар инглиз ва ўзбек тилларининг бутун аспектларини қамраб ололмайди. Бунинг учун кўп илмий кузатишлар ўтказмоқ даркор.

Дарҳақиқат, инглиз тилини ўзбек тили билан қиёсий ўрганиш ва илмий асосда кузатиш, бизнинг фикримизча, назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Назарий моҳияти шундан иборатки, икки тилни кузатиш процессида фонетик, грам-

матик ва лексик хусусиятлар аниқланади ва типик ҳоллар ажратилади.

Амалий томони шундан иборатки, биринчидан, инглиз тилида яратилган оригинал илмий, техникавий ва адабий асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши мумкин бўлади. Иккинчидан, ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларида инглиз тилини она тили ёрдами билан ўрганиш имконияти янада ошади.

Шу йилнинг 4—13 июлларида СССР Фанлар академияси Чет тиллар кафедраси томонидан уюштирилиб, Новосибирск шаҳрида ўтказилган XIII илмий-методик сессияда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори Федот Петрович Филин ўз докладида чет тилларни она тили билан қиёсий ўрганишнинг амалий ва назарий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Чет тиллар кафедраси 1964—1965 йиллардан бошлаб, инглиз ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш проблемалари устида илмий текшириш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳ. Ҳайдаров «Инглиз ва ўзбек тилларида эргашган қўшма гаплар» темасида докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

Бу диссертация чет эл ва совет олимларининг «Эргашган қўшма гаплар» ҳақидаги фикрларини, инглиз ва ўзбек тилларидаги эргашган қўшма гапларнинг хусусиятларини ва бир-бирига бўлган муносабатларини ҳамда бу типдаги гапларни инглиз ва ўзбек тилларига таржима қилиш масалаларини илмий асосда ҳал қилиб беришга бағишланган.

Қафедра аспиранти Ш. Абдураҳмонов «Инглиз ва ўзбек тилларида аниқловчининг структурал анализи» кандидатлик диссертацияси устида ишлаётир.

Бу диссертацияда инглиз ва ўзбек тилларидаги аниқловчининг форма ва маънолари, аниқловчининг гапдаги функциялари ва уни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш услублари устида олиб борилган илмий ишлар баён қилинади.

Қафедра аспиранткаси Р. Жапақова «Инглиз ва қорақалпоқ тилларида отнинг лингвистик анализи» темасида кандидатлик диссертацияси ёзаётир.

Қафедра старший ўқитувчиси М. Носирова «Инглиз ва ўзбек тилларида сўроқ гапларнинг тузилиш принциплари» кандидатлик диссертацияси устида ишлашга киришди.

Ҳ. Ҳ. Ҳайдаров,

Ўзбекистон Фанлар академияси Чет тиллар кафедрасининг мудири, филология фанлари кандидати.

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

АДАБИЁТШУНОСЛИККА ОИД КАНДИДАТЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ

Халқ яратган маданий бойликларни ўрганиш, унинг ижодий чашмаларидан ишларини баҳраманд қилиш ҳар бир тадқиқотчининг шарафли бурчидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида филология фанларининг адабиётшунослик соҳаси бўйича институтнинг бир группа аспирант ва илмий ходимлари кандидатлик ишлари олиб бормоқдалар.

Шу йил ёки яқин йилларда ҳимоя этилажак мазкур диссертациялар фақат ўзбек адабиётшунослигининг муҳим ва актуал у ёки бу проблемаларини ўз ичига олибгина қолмасдан, рус ва қорақалпоқ адабиётларини ҳам қамрайди. Бу эса адабиётшунослик фанини ҳар томонлама кенг ва атрофлича текширишга имкон беради.

Институтнинг аспиранти Босим Саимов «Асқад Мухтор романларида сюжет ва композиция» деб номланган кандидатлик ишини ёзиб тугатди.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий асарнинг сюжет ва композиция масалалари ҳали етарлича ўрганилган эмас. 1965 йилда ҳимоя этилиши керак бўлган мазкур диссертацияда талантли ёзувчи Асқад Мухторнинг ҳикоя, очерк, повесть ва романлари мисолида бу проблема талқин қилинади ва санъаткорнинг маҳорати масаласи ёритилади.

Маълумки, кинодраматургияда қаҳрамон характерини яратиш адабиётшуносликнинг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан ҳисобланади. Аспирант И. Яхёевнинг шу йили ҳимояга тавсия этилиши лозим бўлган «Ўрушдан кейинги йиллар ўзбек кинодраматургиясида ижобий қаҳрамон проблемаси» деган иши мазкур масалага бағишланган. Бу масала ўзбек кинодраматургиясининг қатор материаллари аспектида ёритилади ва кейинги йилларда яратилган бир қанча фильмлар таҳлил қилинади.

Миртемир ўзбек шеъриятида ўзига хос овозга эга бўлган санъаткор шоирдир. Ҳулкар Олимжонованинг «Миртемирнинг поэтик маҳорати» деб номланган кандидатлик иши шу йили ҳимояга топширилиши керак. Автор ушбу ишда шоирнинг ижодини ўзбек совет поэзиясининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўрганади.

Институтнинг кичик илмий ходими Мамасодиқ Ҳусаиновнинг шу йили ҳимояга тавсия этиладиган «Ўзбек совет бадиий публицистикаси» (1945—1965 йилларда бадиий публицистик мақолалар аспектида) номли кандидатлик диссертациясида автор публицистика назарияси ва унинг ўзбек адабиётидаги баъзи жанр намуналари, уларнинг умумий ғоявий-бадиий ва тематик йўналиши, халқ қаҳрамонлигининг бадиий ифодаланиши проблемасини. ёритишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Унда Ойбек, Ғ. Ғулом, Ш. Рашидов, А. Қаҳҳор, В. Зоҳидов, Зулфия, А. Мухтор каби қаламкашларнинг социалистик давр ва халқнинг яратувчилик фаолияти, шунингдек, реакцион буржуазия идеологиясининг фош этилишига оид мақолалари таҳлил этилади.

Бундан ташқари, Институтнинг кичик илмий ходими Тошпўлат Аҳмедовнинг 1965 йилда ўзбек классик адабиёти бўйича ҳимоя қиладиган кандидатлик ишида («Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони») автор Лайли ва Мажнун тўғрисидаги ривоятнинг пайдо бўлиши ва унинг кейинги тадрижий тараққиёти тўғрисида чуқур мулоҳаза юритиш билан бирга, асосан, Алишер Навоийнинг мазкур темада ёзган достонини ҳам тематик, ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Институтнинг аспирант ва кичик илмий ходимларидан Шерали Турдиев («Ўзбек совет адабиётида кичик прозанинг шаклланиши»), Х. Ҳакимова («Ўрушдан кейинги йилларда яратилган ўзбек комедияларида конфликт»), Тўхта Бобобев («50-йиллар ўзбек совет прозасида ижобий қаҳрамон проблемаси»), Р. Камолова («Қуддус Муҳаммадий ижоди»), Х. С. Алихўжаева («Навоийнинг «Муншоат»и»), М. Умаров («А. Навоийнинг форс тилидаги лирикасининг асосий ғоявий хусуситлари»), шоир Рўзи Қодирий («Янги уйғур поэзиясининг шаклланиши ва ривожланишида совет адабиётининг ғоявий таъсири») ва бошқаларнинг ўзбек совет ва классик адабиёти бўйича кандидатлик диссертациялари ҳам 1965 йилда ҳимояга топширилиши керак.

1966 йилда аспирантлардан У. Муҳитдинов («Ўзбек совет поэмаларида конфликт

проблемаси». 1953—1965 йиллар), Ҳ. Мухторова («Шоир Маъданнинг ҳаёти ва ижоди») ва Тўлқин Расулев («Ўзбек совет поэзиясида истиоравий образлар»)ларнинг кандидатлик ишлари ҳимоя этилади.

Атоқли олим, талантли драматург Иззат Султон ижоди ҳар томонлама ўрганилишга лойиқдир. Аспирант Ўткир Шокиров («Иззат Султон драматургияси»)нинг 1967 йилда ҳимояга тақдим этиладиган ишида драматург ижоди ёритилади.

Рус совет адабиёти билан шуғулланаётган аспирант Л. Разумова 1966 йилда ёқлаши лозим бўлган кандидатлик ишида («Ўзбекистонлик рус шоирларнинг ижоди») рус шоирлари А. Иванов, Р. Галимов, В. Липко, В. Костиря, С. Сомова ва бошқаларнинг Совет Шарқи темасига бағишланган асарлари батафсил таҳлил қилинади.

Институтнинг кичик илмий ходими Ли Вилорийнинг «М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романининг бадиий хусусиятлари» деган кандидатлик диссертациясида ёзувчининг ўзига хос бадиий стили, қаҳрамонлар характерининг очилиши, шунингдек, Шолохов традицияларининг корейс адабиётида социалистик реализмнинг шаклланишида ўйнаган роли кўрсатилади. Мазкур иш 1965 йили ҳимоя қилиниши керак.

Аспирант ва кичик илмий ходимлардан Т. М. Собирова («С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» романи»), П. Мирзаҳмедова («Л. Н. Толстойнинг 50-йиллардан кейинги ғоявий-бадиий позициясининг эволюцияси») ва З. Умарбекова («Лермонтов таржималари ўзбек тилида») ларнинг кандидатлик диссертациялари ҳам шу йили ҳимояга топширилади.

Институтда Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётини ўрганиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Аспирант Ғ. Ғуломов «Шекспирнинг «Отелло» трагедияси таржимаси ўзбек тилида» деган кандидатлик диссертациясида Шекспир драмаларининг ўзбек тилига ағдарилиши ҳақида фикр юритади.

1965 йилда фольклористика бўйича ҳам Институтнинг аспирант ва илмий ходимларидан Т. Очилов («Маматкарим Полвон» достонининг тарихий асослари»), А. Тожимуродов («Қорақалпоқ халқ қўшиқлари»), С. Шодиева («Ислом шоир репертуаридаги «Сохибқирон» достонида поэзия»), З. Ҳусаинова («Ўзбек халқ топишмоқлари»), О. Боқиев («Ўйғур халқ қўшиқлари»)лар кандидатлик ишларини ёзиб тугаллаб, ҳимояга тақдим этадилар.

Бу тадқиқот темалари ўзбек адабиётшунослигининг ривожланишида ёш олимларнинг қўшаётган ҳиссалари катта эканлигини кўрсатади.

Суръат Абдукаримов,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

МУНДАРИЖА

Т. Расулев. Бадиий образ ва образли тасвирий воситалар 5
Т. Бобоев. Ойбек ижоди ва болалар адабиёти 13
В. А. Абдуллаев, Б. Валихўжаев. «Мажолисун-нафоис» типидаги бир тазкира ҳақида 18
М. Маҳмудов. Муҳаммад Шариф Шавқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида . 24
Ҳ. Сулаймон. Алишер Навоийнинг форс тилидаги поэтик мероси тадқиқотидан 31
В. А. Есенгалиева. Туркий тилларда «қилмоқ», «бўлмоқ» типидаги сўзлар иштирокида ясалган составли феъллар 38
М. Ботирова. Бир майл формасининг бошқа майл маъносида қўлланиши . 44
М. Туробова. Эски ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг ишлатилишига доир . 49

Муҳокама ва мунозара

Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек тилида ўзак структурасининг баъзи масалаларига доир 54
Б. Имомов. Ғоявийлик, маҳорат ва танқид 58

Илмий ахборот

Қ. Орипов. Ўзбек совет адабиётида сатира ва юморнинг ривожланишида вақтли матбуотнинг роли 66
А. Ҳожиев. «Қўлланмоқ» феълининг ишлатилиши ҳақида 68
С. Зуфаров. Сайрам шеваси ҳақида 70

Танқид ва библиография

А. Ирисов. «Исмингизнинг маъноси нима?» ҳақида 72

Олимлар

С. Отамирзаева. Маърифат жарчиси 75

Режалар

Ҳ. Ёқубов. Ўзбек совет адабиёти секторида 77
Ҳ. Ҳ. Ҳайдаров. Инглиз ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш масалалари 77

Илмий ҳаёт ва хроника

С. Абдукаримов. Адабиётшуносликка оид кандидатлик диссертациялари 79

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

№ 5

1965

Нашриёт муҳаррирлари: *М. Қосимов ва С. Абдукаримов*
Техмуҳаррир *Р. Рузиева*

Р06000. Теришга берилди 12/VIII-65 й. Босишга рухсат этилди 8/X-65 й. Формати 70×108¹/₁₆=2,5 қоғоз л. 6,85 босма л. Уч. нашриёт л. 5,9 Нашр. № 1577/65. Тиражи 8615 Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан" нашриёти босмахонаси, 12-Висскогольт кўчаси, 21. Заказ 1040.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396

R 481
1965 /6

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

1965

6

Ф.№2

ФАН
НАУКА

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

Восьмой год издания

6

НОЯБРЬ—ДЕКАБРЬ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «НАУКА» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ—1965

R 481

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Саккизинчи йил чиқиши

6

Экз. № 2

НОЯБРЬ—ДЕКАБРЬ

ГБ УзССР
Д-Н 24460
6

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ—1965

Редколлегия:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. ОЙБЕК *(бош муҳаррир)*, ЎзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари: В. И. ЗОҲИДОВ, Ю. СУЛТОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, филология фанлари докторлари: Ғ. А. АБДУРАҲМОНОВ, Ф. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, В. В. РЕШЕТОВ, И. О. СУЛТОНОВ, А. П. ҚАЮМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари кандидатлари: Д. АШУРОВА, Б. Ж. ЖУРАЕВ, О. У. УСМОНОВ, С. ҚОСИМОВ *(масъул секретарь)*.

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА

№ 6

1965 г.

Нашриёт муҳаррири *С. Абдукаримов*
Техмуҳаррир *Т. Ларионова*

Р10732. Теришга берилди 14/X-65 й. Босишга рухсат этилди 2/XII-65 й. Қоғоз 70×108 1/16 = 1,87 қоғоз л. — 5,13 босма л. Ҳис.-нашриёт л. 5,3. Нашриёт № 1630 Тираж 8665
Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан" нашриётнинг босмахонаси, 2-Високовольт кўчаси, 21. Заказ 1252.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

ОЙБЕК
ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

Қ. ОФАРИНОВ

ЁШ АВЛОДНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА ДРАМАТУРГИЯНИНГ РОЛИГА ДОИР

Эстетик тарбия умумкоммунистик тарбиянинг ажралмас бир қисмигина бўлиб қолмасдан, унинг деярли ҳамма формаларини ўз ичига олади. Зеро, эстетик тарбия киши маънавий қиёфасининг ҳамма томонларига — унинг ахлоқий қарашлари, ғоявий ўсиши, фалсафий фикрлари, психологияси ва характерига маълум даражада таъсир кўрсатади. Социалистик реализмнинг асосчиси М. Горький: «Эстетика — бу, келажакнинг этикасидир», — деб бежиз айтмаган.

Эстетик тарбия синтетик характерга эга бўлиши билан бирга, конкрет хусусиятга ҳам эгадир, яъни эстетик тарбиянинг конкрет форма ва воситалари мавжуд. Эркин ва озод коммунистик меҳнат, гўзал социалистик воқелик бизда эстетик тарбиянинг асосий манбаини ташкил этади.

Социалистик жамиятдаги эстетик тарбиянинг асосий мақсади ёш авлодни коммунистик эстетик идеаллар руҳида тарбиялаш, ундаги гўзалликка мансуб бўлган барча қобилият ва истеъдодларни гармоник тарзда ривожлантириш, Қ. Маркс айтганидек, «гўзаллик яратиш қонуни асосида» ижод ва меҳнат қилишни кундалик одат тусига айлантиришдан иборатдир.

Алоҳида эмоционал куч ва таъсирга эга бўлган адабиёт ва санъат эстетик тарбиянинг муҳим формаларидан биридир. Санъатнинг бошқа жанрлари сингари драма жанри ҳам ҳаётни, объектив воқеликни синтетик тарзда акс эттиради ва келажак кишиси — коммунизм қурувчиларнинг шаклланишида муҳим эстетик вазифани ўтайди.

Драма санъатининг ўзига хос эстетик имконият ва хусусиятлари мавжуддирки, улардан бири ривожланиш процессининг ички мазмунини ташкил этувчи ҳаракат, яъни янгиликнинг эскилик, илғорликнинг қолоқлик, гўзалликнинг хунуклик, яхшиликнинг ёмонлик билан тинимсиз кураши ҳамда табиат ва жамиятдаги воқеалар, ҳодисаларда мавжуд бўлган ички зиддиятларнинг ривожланиши, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, характерларининг бойлиги ва турли-туманлиги, уларнинг маънавий қиёфасининг шаклланиши, кескин драматик конфликтлар авторнинг бевосита аралашувисиз диалог ва монологлар орқали ифода этилишидир.

Драмада ўқувчи қаҳрамон билан юзма-юз учрашиб, у билан шахсий алоқада бўлади, персонажлар характерининг динамик ривожланиши унинг кўз олдида бевосита юз беради. Зотан, драма саҳна учун яратилади. Драма жанрида ёзилган ҳар бир асар саҳнада кўрингандагина унинг қаҳрамонлари жонланади. Ана шу жонланиш туфайли асардаги ҳар бир персонаж томошабинларга бевосита таъсир этади, натижада улар ҳаётда — воқеликда шундай образлар, характерлар бор-

лигига ишонч ҳосил қиладилар. Театр санъатининг ўзига хос эстетик кучи ҳам худди ана шундадир. Бироқ бундан драма жанрида ёзилган асарларни саҳнадагина кўриш керак экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Зеро, биз драма жанрида ёзилган асарларни фақат саҳнада кўриш билан кифояланиб қолмай, уни ўқиймиз ҳам. Аммо бадиий асарни ўқиш билан кўриш ўртасида катта тафовут мавжуд. Биз таъсир этиш формаларининг ҳар биттасидан турлича завқланамиз, эстетик таъсирланамиз.

Янги инсоннинг шаклланишида ва уни эстетик тарбиялашда драманинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ўқувчининг хаёлига, тасаввурига ва фантазиясига кўпроқ таъсир этиш, унинг ички дунёсига кириб бориш учун алоҳида эмоционал йўл топишдан иборатдир.

Марксча-ленинча эстетика назарияси нуқтаи назаридан олиб қараганда, бадиий асарнинг қиймати халқнинг юрагида қанчалик узоқ яшай олиши, гўзалликка муҳаббат туғдира олиши, унинг шу кундаги эстетик талаб ва эҳтиёжларига жавоб бера олиши билан белгиланади. Бу жиҳатдан халқ традицияси характерида ёзилган «Шоҳи сўзана» комедияси чинакам халқчил, ҳаётий ҳақиқатни акс эттирган реалистик асар бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга. Совет ёшларининг типик вакилларидан бўлмиш Деҳқонбой, Ҳафиза, Қўзиев, Салтанат ва бошқа ижобий қаҳрамонларнинг китобхонлар учун тарбиявий эстетик аҳамияти уларнинг фақат ички ва ташқи кўринишларининг гўзаллигида бўлибгина қолмасдан, балки уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари, ҳаёт режаларининг гўзаллиги ва олижаноблигида ҳамдир. Гўзаллик асар қаҳрамонларининг ҳар бир хатти-ҳаракатларида: уларнинг ахлоқий-эстетик қарашларида, бир-бирларига бўлган муносабатларида, муҳаббатларида, изланишларида, орзу-умидларида ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Ҳар бир асарда қаҳрамоннинг юксак инсоний фазилати ҳамда ҳаёт поэзиясини ташкил этувчи бош эстетик ғоя бўлади. Бу, воқеалар ва характерларнинг мантиқий ривожланиши процессида ўқувчига ойдинлашиб боради. Масалан, «Шоҳи сўзана» комедиясидаги персонажлардан бири Ҳамробибининг тили билан айтганда, «Худонинг ўзи ҳам юз ўгирган» ерларга бориш, асрлар бўйи «сув-сув» деб ётган чўл-биёбонларни «оқ олтин» водийсига айлантириш, табиатнинг стихияли кучларини инсон хоҳишига бўйсундириш билан ажойиб мўъжизалар яратиш романтикаси ва уни амалга ошириш учун кураш комедиянинг бош эстетик ғояси ҳисобланади ва шу ғоянинг ўзи ижобий қаҳрамонларнинг инсоний фазилатларини, юксак гражданлик бурчини, ҳаёт поэзиясини ташкил этади. Зотан, совет адабиёти ва санъатининг, жумладан, драманинг асосий эстетик қонуни ҳаётни революцион йўналишда тўғри акс эттириш, халқимизнинг онги, характери ва психологиясида юз бераётган янги коммунистик сифатларни бадиий бўёқларда чуқур очиб бериш ва шу билан китобхонларнинг сезги ва онгларига эмоционал таъсир этиш, уларни коммунизмнинг гўзал ахлоқий-эстетик идеалларига садоқат руҳида тарбиялашда партияга ёрдам беришдан иборатдир.

Санъатнинг эстетик кучи унда бадиий образларнинг мавжудлигидадир. Бадиий образда санъаткорнинг дунёқараши, воқеликка бўлган эстетик муносабати, ахлоқий-эстетик идеали мужассамланган бўлиши керак.

Бинобарин, драма жанрида ёзилган ҳар бир бадиий асар юксак гўзалликнинг намунаси бўлган коммунизм ахлоқий-эстетик принципларини ўзида мужассамлантириши, тарихий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширишда, «гўзаллик яратиш қонуни асосида» ижод қи-

лишда фаол қатнашаётган илғор ва мўъжизакор кишилар образини яратиши лозим. Ана шундай маънавий гўзаллик ва олижаноблик намунаси қилиб гавдалантирилган образларнинг яратилиши давр талабидир.

Даврнинг мазкур талабига, китобхон ва томошабинларимизнинг ўсиб келаётган эстетик эҳтиёж ва бадиий дидларига мос бўлиб тушган образлардан бири, шубҳасиз, Уйғуннинг «Ҳуррият» пьесасидаги Ҳуррият образидир.

Драманинг асосига қўйилган янгилик билан эскилик, илғорлик билан қолоқлик, яхшилик билан ёмонлик, гўзаллик билан хунуклик ўртасидаги кескин курашни ва бу ҳаётий конфликтнинг ривожланиши ва ечилишини Ҳуррият образисиз тасаввур қилиш қийин. Умуман, драма санъатининг ўзига хос хусусиятларидан бири яна шундаки, унда конфликт ғоявий мазмун ва бадиий шаклнинг асосий манбаини ташкил этади ҳамда драматик образнинг ўқувчига эмоционал эстетик таъсир этиш кучини оширишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳуррият образининг бой ички дунёси, характери, психологияси, яхши фазилатлари ва хатти-ҳаракатларининг ўсишига хизмат қилувчи барча драматик воқеалар, ҳаётий ситуациялар, пьесанинг сюжет чизиқлари ва фобуланинг мантиқий ривожланиши авторга драматик конфликтни бошидан охиригача чуқур, ўткир қилиб, изчиллик билан олиб боришига имконият туғдирган.

Ҳуррият образининг характерли белгилари шундаки, у меҳнатни севади, коллективни ҳурматлайди. Унда қайноқ ҳаёт ичида жавлон уриб меҳнат қилиш, инсоннинг куч-қудрати билан олижаноб ишларни амалга ошириш, ҳаётимизга зеб берувчи гўзалликларни яратиш истагининг зўрлиги ҳар бир китобхонни қувонтиради, уни ўзига асир қилади. Ҳурриятдаги бу фазилатлар тасодифий бир нарса эмас, албатта. Зеро у, замоннинг талаби билан майдонга чиққан образдир. Асар персонажларидан бири бўлмиш Холбойнинг тили билан айтганда, «меҳнатда ва курашда чиниққан» ва шу туфайли инсоннинг қадр-қимматини яхши англай оладиган, унинг меҳнатига тўғри баҳо бера оладиган илғор замондошларимизнинг типик вакилидир. Халққа хизмат қилиш, унинг талаб ва эҳтиёжларини биринчи планга қўйиш Ҳурриятдаги янги коммунистик хусусиятларнинг мезонидир.

Бадиий асарда образ қанчалик пухта ишланса, унинг ўқувчига эстетик таъсир этиш кучи ҳам шунчалик кучли бўлади. Китобхон ҳиссиётларининг бойиб бориши, фалсафий-эстетик фикрлашининг ва дунёқарашининг барқарор бўлиши кўп жиҳатдан асар қаҳрамонларига боғлиқдир.

Умуман, адабиёт ва санъат воситаси билан ёш авлодни ғоявий-эстетик тарбиялаш коммунистик тарбиянинг деярлик ҳамма формалари билан узвий равишда боғланган бўлиб, жуда мураккаб ва кўпқирралик бир процессдир, чуқур диалектик характерга эгадир. Драманинг ҳаёт диалектикаси, характерларнинг бойлиги, зиддиятларнинг чуқурлиги ва бу драматик конфликтларни ўзига хос синтетик тарзда акс эттириш қобилияти эстетик тарбия ва эстетик идеалнинг синтетик характерига жуда мос бўлиб тушади. Бу эса адабиёт ва санъат, жумладан, драма ҳаётни акс эттириш жиҳатидан ҳам, ўқувчининг фикр ва сезгиларига эмоционал эстетик таъсир этиш жиҳатидан ҳам коммунистик тарбиянинг синтетик формаси демакдир.

Ёш авлодни адабиёт ва санъат воситаси билан эстетик тарбиялаш учун санъаткорларимиз ўз асарларида совет кишиларининг ҳозирги кундаги ҳаётини чуқур акс эттириш, олижаноб идеалларни амалга оширишга қаратилган эркин ва озод меҳнатни мадҳлаш, ҳар қандай

эскилик, қолоқлик ва ёмонликка қарама-қарши ўлароқ, янгилик, илғорлик ва яхшиликнинг афзалликларини кўрсатиб бериш, чин гўзалликни куйлаш, ҳақиқий замондошларимиз — коммунизм қурувчиларнинг бадиий образларини яратиш учун интиладилар. Бу жиҳатдан Одил Ёқубовнинг «Чин муҳаббат» драмаси китобхонларимизнинг санъатга бўлган талабларига жавоб бера оладиган даражадаги асарлардан биридир.

«Чин муҳаббат» ва ундаги қаҳрамонларнинг катта тарбиявий аҳамияти шундаки, драматург мазмундор, китобхонларни улуғ ишларга чорлай оладиган гўзал муҳаббат ва меҳнатни куйлайди ҳамда бу куйнинг янграш садолари остида ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва ахлоқий пландаги масалаларни ҳам поэтик ҳал қила олади. Шунинг учун ҳам биз, дадиллик билан, автор муҳаббат, меҳнат ва чин дўстликнинг бирбири билан узвий боғлиқлигини коммунистик эстетик идеал ва ахлоқ позициясидан туриб, замон талабига мос равишда акс эттира олган, деб айта оламиз.

Муҳаббатга янгича ахлоқий муносабатда бўлиш, меҳнатни севиш ва улуғлаш, гўзаллик намуналарини ижтимоий ҳаётдан излаш, янгилик ва илғорликка интилиш каби ҳоллар драмадаги ижобий қаҳрамонларнинг ҳаёт пафосини ташкил этади.

Инсон ўз меҳнати билан, меҳнат инсон билан гўзал деганларидек, ҳақиқий севги ҳам меҳнат, катта мақсад ва бахт учун кураш процессида туғилади ва синовдан ўтади. Улуғ яратувчилик идеали билан яшаётган ва меҳнат қилаётган қаҳрамонлар — Олимжон, Муқаддас, Рустам ва Зулфиялар ўртасида туғилган севгининг чинлиги, гўзаллиги, бойлиги ва сермазмунлиги улар ўз олдиларига қўйган мақсадларининг бирлиги, одиллиги ва олижаноблиги билан ҳамоҳангдир.

«Чин муҳаббат» драмасидаги севгининг гўзаллиги, унинг китобхонларни юксак эстетик руҳда тарбиялашдаги аҳамияти шундаки, у асар қаҳрамонларининг ҳаёти, кураши ва меҳнати билан, мураккаб фикр, ҳиссиёт ва фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ғоят мураккаб ситуация ва шароитларда, муносабат ва хатти-ҳаракатларда намоён бўлади, ўқувчини чин севгининг, ҳақиқий вафодорликнинг эгаси бўлишга чақиради. Зотан, севиш ва севилиш — бу, кураш, янги ҳаёт қуриш, мазмундор яшаш, халқ, ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш демакдир.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунисиз ҳаётда ривожланиш бўлмаганидек, драмада ҳам конфликтсиз, кескин драматик ҳолатлар ва коллизиясиз китобхоннинг эстетик дидини оширадиган, нозик ва латиф ҳиссиётни уйғотадиган, гўзалликка ундайдиган, ҳаётда юз берадиган турли-туман воқеаларни чуқур, кенг ва атрофлича идрок қилишга ўргатадиган ва, умуман, унинг борлиққа бўлган эстетик муносабатини оширадиган характерлар ва хатти-ҳаракатларнинг бўлишини тасаввур қилиш қийин. Шу эстетик нуқтаи назардан олиб қараганда, И. Султоннинг ўзбек совет драматургиясининг кейинги йиллар ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган «Имон» драмаси характерлидир.

Бу драманинг ўзига хос қиймати ва ёшларимизнинг юксак эстетик руҳда тарбиялашдаги аҳамияти шундаки, унинг автори совет даврида ўзбек зиёлиларининг маънавий дунёсида шаклланаётган гўзал коммунистик характерни, кундалик турмушимиздан тобора мустаҳкам жой олаётган ажойиб гўзалликлар, юксак эстетик ҳиссиётга монанд ва завқ уйғотадиган улуғвор ахлоқий принципларни бадиий образлар орқали ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бу йўлда катта муваффақиятни қўлга киритган. Драма китобхон ёки томошабинда ҳар қандай қаллоблик ва қалбакиликка, текинхўрлик ва ўғриликка қарши

нафрат, адолатлик ва ростгўйликка, олижаноб инсонийлик ва самимийликка, поклик ва виждонийликка муҳаббат уйғотади. У фисқ-фужурни, лаганбардорлик ва тилёгламаликни, бузғунлик ва макр-ҳийлани қоралайди, ҳақиқий дўстлик ва ўртоқликни, инсоний ҳурмат ва иззатни ва, умуман, чин гўзалликка мансуб бўлган яхши фазилатларни улуғлайди.

Кўринадики, драма ҳам, бошқа адабиёт ва санъат турлари сингари, ёш авлодни ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим воситалардан бири сифатида хизмат қилмоқда.

Демак, эстетик тарбиянинг муваффақиятлари адабиёт ва санъат воситаси билан бадиий бўёқларда ҳозирги даврнинг муҳим масалалари, илғор замондошларимизнинг ёрқин образлари, уларнинг бой маънавий дунёси, ички кечинмалари, юксак инсоний фазилатлари, қалбининг гўзаллиги ва ахлоқий поклигини акс эттирилиши билан узвий боғлиқдир. «Одамлар,— деб ёзган эди М. Горький,— оҳангдор қилиб басталанган товушларни, ёрқин бўёқларни яхши кўрадилар, атрофларидаги нарсаларни аслидан кўра ҳам соз, безакли қилишни севадилар. Санъат ўз олдига яхши нарсалар янада яхши бўлсин учун ошириб кўрсатишни, одамларда душманга, ёмонликка нисбатан нафрат туғдириш, бузуқ мешчанлик яратган, ҳаётда мавжуд бўлган ярамасликларни йўқ қилиб ташлаш ҳиссини уйғотиш учун уни бўрттириб кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Санъат асосида бефарқ санъатга қарши кураш ётади. Бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки инсон фотография аппарати эмас, у борлиқни «суратга олмайди», балки ё тасдиқлайди, ё бўлмаса уни ўзгартиради, вайрон қилади». Лекин хом-хатала, бадиий ва композиция жиҳатдан бўш пьесаларнинг ҳам газета ва журналларимизда нашр қилиниб турилиши ва уларнинг театрларимиз саҳналарида «муваффақиятли» ўйналаётганлигининг сабаби нимада?

Фикримизча, бундай драмаларда жўшқин ҳаётимизнинг нафаси сезилмайди, илғор замондошларимизнинг бой ва кўпқиррали руҳий кечинмалари, ички дунёси етарли очиб берилмайди. Бунинг устига, яна кўпинча калтабин, калта ўй, манфаат доираси фақат шахсий хатти-ҳаракатлари билан чекланган кишилар ижобий қаҳрамон сифатида тасвирланади, китобхоннинг эътибори майда-чуйда нарсаларга, ҳаётимизнинг типик хусусиятларидан маҳрум бўлган воқеаларга жалб этилади. Даъвомизнинг исботи учун «Икки билагузук» пьесасининг бош қаҳрамони Машрабни олиб кўрайлик. Унинг на ички дунёсида, на ташқи қиёфасида ва на хатти-ҳаракатида, одамлар билан муносабати-ю муомаласида, на партия ва халқ берган билимга ҳурмати ва иззатида гўзаллик аломатлари кўринади. Жонажон колхози, қишлоғи ҳамда дўстларининг йўлланмаси ва маслаҳати билан Тошкент консерваториясини «муваффақиятли» битирган Машраб ўз қишлоғига қайтиб боришни ва у ерда бадиий санъаткорлар тўгарагига раҳбарлик қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аксинча, агар у ўз қишлоғидан келган «бир гўзал»ни кўриб, унга «ошиқи беқарор» бўлиб қолмаганда эди, уни на ўртоқларининг, на меҳрибон онанинг илтимос ва илтижолари эрита оларди.

Ана шундай «замондошларимиз» ҳам баъзи драматургларимизнинг асарларида бош қаҳрамон сифатида гавдалантирилмоқда. Ажойиб воқелигимиз, ширин ҳаётимизнинг революцион ўзгариши ва етакчи йўналишида, мўъжизакор кишиларимизнинг беҳисоб бой ва кўп қиррали руҳий оламида, уларнинг олижаноб интилишларида мужассамланаётган ва ўз ифодасини топаётган гўзаллик баъзи қалам аҳилларимиз томонидан жуда тор тушунилмоқда. Натижада, воқеликка бўлган эстетик муносабат пассивлашмоқда. Бу эса санъаткорларимиздан коммунизм кишисини эстетик тарбиялай оладиган катта асарлар яратишни тақозо этади.

А. ИБРОҲИМОВ

XVI АСР АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДАГИ АЙРИМ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Ўзбек адабиёти тарихи программасига киритилган, лекин асари тўлиқ нашр этилмаган, ҳаёти ва адабий ижоди етарли даражада ўрганилмаган XVI аср ёзувчиларидан бири шоир Мажлисийдир.

Мажлисийнинг бизгача етиб келган бирдан-бир достонининг номи мавжуд адабиётларда турлича ёзилмоқда. Жумладан, „Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси"[1]нинг II томи ва „Ўзбек адабиёти"[2]нинг III томида достоннинг номи „Қиссаи Сайфулмулук" ёзилган бўлса, Н. М. Маллаевнинг „Ўзбек адабиёти тарихи"[3] дарслигида, шунингдек, 1924 йилда нашр этилган „Татар адабиёти тарихи" II томининг 131-саҳифасида „Қиссаи Сайфулмулк" тарзида ёзилган. Табиийки, бу масалани тўғри ҳал этиш учун Мажлисий достонининг мавжуд қўлёзма нусхалари ва Қозон, Тошкент босмаларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Мавжуд қўлёзма нусхаларда ҳам, Қозон ва Тошкентда нашр этилган нусхаларда ҳам бу достон, асосан, «قصهٔ سیف الملك» („Қиссаи Сайфулмалик") шаклида ёзилган. Яъни охирги „мулук" ёки „мулк" сўзи араб алифбосида уч ҳарф билан ёзилган. Худди араб алифбосида уч ҳарф билан ёзилган «علم» („илм") сўзини «علوم» („улум") тарзида ўқиш ва ёзиш хато бўлганидек, «ملك» „малик" сўзини ҳам «ملوك» „мулук" тарзида ёзиш ва ўқиш хато бўлади. Чунки араб тилида кўпликда келган «فنون» („фунун"), «قلوب» („қулуб") сингари сўзларда „вов" «و» „(в—у) ёзилиши шарт бўлганидек, «ملك» („малик") сўзини ҳам «ملوك» („мулук") ёзиш ва ўқиш учун лом билан коф ўртасида вов—„в—у" ҳарфи бўлиши шарт, акс ҳолда, уни «ملوك» („мулук") тарзида ўқиб бўлмайди.

Демак, араб графикаси асосида уч ҳарф билан ёзилган «ملك» „малик" сўзини „мулук" ёзиш ва ўқиш нотўғридир.

Демак, ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси маҳзуфи аруз ва зарб вазнида ёзилгани сабабли, уч ҳарфдан иборат бўлган бу сўзни „мулк" ёки „малак" тарзида ўқиш ва ёзиш ҳам хатодир. Бу вазннинг схемаси эса:

мафоийлун мафоийлун фаулун

---

[1] „Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси", Тошкент, Ўздавнашр, 1945, 56-бет.

[2] „Ўзбек адабиёти", III том, Тошкент, Ўзадабийнашр, 1959, 178-бет.

[3] Н. М. Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, „Ўрта ва олий мактаб" нашриёти, 1963, 706-бет.

шаклида бўлади. Масалан:

„Қўйиб Сайфулмалик отини онинг,
Кўриб, яхши билиб зотини онинг“.

Агар юқорида келтирилган мисралардаги „Сайфулмалик“ни „Сайфулмулк“ шаклида ёзилса, вазн бузилади. Чунки „Сайфулмалик“ тўрт бўғин, яъни икки узун, бир қисқа ва бир узун (- -V-) бўғиндан иборат бўлса, „Сайфулмулк“ уч узун (- - -) бўғиндан иборатдир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, нашр этилган „Қиссаи Сайфулмалик“лардан фақат биттасигина—Шаҳобиддин ибн Абдулазизнинг 1909 йилда ака-ука Каримийлар томонидан Қозонда, Каримия матбаасида нашр этилган нусхасигагина «سيف الملوك حكايتى»(„Сайфулмулук ҳикояти“) деб сарлавҳа қўйилган ва «ملك» („малик“) сўзи «ملوك» („мулук“) тарзида тўрт ҳарф билан битилган, холос. Қолган ҳамма нусхалар эса, «ملك» („малик“) шаклида уч ҳарф билан ёзилган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, „Сайфулмулук ҳикояти“даги айрим образлар номининг ўхшашлигини ҳисобга олмаганда, унинг Мажлисий достони билан ғоявий мазмун жиҳатидан ҳам, сюжет жиҳатидан ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз ана шу юқорида баён қилинган мулоҳазаларга асосланиб, биринчидан, араб графикасидаги уч ҳарфдан иборат бўлган бу сўзни „мулук“ ўқиш мумкин эмаслигини, иккинчидан, у сўзни „мулк“ деб ўқиш мумкин бўлса ҳам, вазнга тўғри келмаслигини, учинчидан, сўзнинг мазмуни „мулук“ ёки „мулк“ни эмас, балки „малик“ ёзишни талаб этганини ва, тўртинчидан, филология фанлари доктори Ҳ. Т. Зарифов таъкидлаганидек, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам „Сайфулмалик достони“ деб юритилишини назарда тутиб, мазкур достоннинг номини „Қиссаи Сайфулмалик“ тарзида ёзиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик.

Ҳозирги мавжуд адабиётларда Мажлисийнинг „Қиссаи Сайфулмалик“ достони Қозон ва Тошкентда бир неча бор нашр этилганлиги ёзилган бўлса-да, лекин қандай ва қачон нашр этилганлиги аниқ айтилмаган. Хрестоматия ва антология тузувчилардан, балки, буни талаб ҳам қилинмас. Аммо илмий тадқиқот ишларида ва дарсликларда мавжуд маълумотлар текширилиб, аниқлаб берилиши лозим. Дарслик олдига қўйилган бу талабни ҳис этган Н. М. Маллаев олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун ёзган „Ўзбек адабиёти тарихи“да „Қиссаи Сайфулмалик“нинг нашр этилган йилларини беришга интилган бўлса ҳам, лекин унинг бу ҳақда берган маълумотларида баъзи чалкашликлар учрайди. Масалан, дарсликда:

„У („Қиссаи Сайфулмулк“) биринчи марта 1883 йилда Қозонда нашр этилади. Китобга эҳтиёж кўп бўлганидан бўлса керак, 15 йилдан кейин 1896 йилда яна ўша ерда иккинчи мартаба нашр қилинади“[4], деб ёзилган. Ҳолбуки, достоннинг биринчи мартаба нашр этилиши ҳақида „Татар адабиёти тарихи“нинг 131-саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз:

«قصيهٔ سيف الملك بزده بيك ئيرته باسيلغان كتابلردەن آنيڭ برنچى مەرتبه ١٨٠٧ يلدا اوق باسيلووى بو كتابنيڭ ئيلكوان ئوك بيك ئوقلغان ئەسەر بولغانلغن كورسەته...»

---

[4] Н. М. Маллаев, ўша асар, 707-бет.

Юқоридаги жумладан маълум бўладики, „Қиссаи Сайфулмалик“ биринчи мартаба 1883 йилда эмас, балки 1807 йилда нашр этилган экан.

Бундан ташқари, достоннинг Қозонда нашр этилган яна 2 нусхаси борки, улардан бирининг хотимасида:

«بو كتابنيك باصماسينه ايزن و يريلدى...لازم اولان نسخه‌لر امضا محكمه‌سينه اظهار اولسون. غازان مای 22 روسيه‌نيك 1849 سنده...»

деб ёзилган бўлса, иккинчисида:

«بو كتابنيك باسمه‌سينه ايزن بيريلديكيم... لازم‌اولان نسخه‌لر تفتيش محكمه‌سينه اظهار قيلنسون... 18 آغوست روسيه‌نيك 1883 يلده...»

деб ёзилган.

Модомики, „Қиссаи Сайфулмалик“нинг 1807 йилдаги биринчи нашридан кейин 22 май 1849 йилги ва 18 август 1883 йилги нашрлари ҳам мавжуд экан, демак, достоннинг иккинчи нашри, автор айтганидек, 15 йилдан кейин 1896 йилда эмас, балки 42 йилдан сўнг, 1849 йилда нашр этилган, дейишга тўғри келади. Достоннинг 1883 йилги нашри эса, автор айтганидек, „Қиссаи Сайфулмалик“нинг биринчи нашри бўлмай, балки учинчи нашри бўлиши керак.

„Ўзбек адабиёти тарихи“ дарслигида „Қиссаи Сайфулмалик“нинг Тошкент босмаси ҳақида қуйидагилар ёзилган:

«1916 йилда эса, «Қиссаи шаҳзода Сайфулмулк ҳикояти» (?) номи остида «Лайли ва Мажнун», «Шаҳзода Карам ва Аслхон» асарлари билан бирга Тошкентда Порцев босмахонасида нашр қилинади... 1916 йилги Тошкент нашрида достоннинг тексти бирмунча қисқартириб юборилган ва кўпгина эпизодлар насрий баён тарзида берилган».

Ҳақиқатда эса, Н. М. Маллаев келтирган худди шу тўпламда достоннинг номи «Қиссаи шаҳзода Сайфулмулк ҳикояти» эмас, балки «Достони Сайфулмалик», «Шаҳзода Карам ва Аслхон» эмас, «Ҳикояти Карам ва Аслхон» деб ёзилган. Шунингдек, ушбу тўпламда уч асар эмас, 4 асар бўлиб, «Ҳикояти Саъд Ваққос» ёзилмай қолгани каби, «Достони Сайфулмалик» Мажлисий достонининг туркман тилига қисқартириб қилинган таржимаси эканлиги ҳам таъкидланмаган.

Булардан ташқари, 1914 йилда Саййид Гарайнинг шеър билан ёзган қозоқ тилидаги «Қиссаи Сайфулмалик» достони ҳам Қозонда нашр этилган. Бу достон сюжет жиҳатидан ҳам, ғоявий мазмуни жиҳатидан ҳам Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмалик» достонига жуда яқин. Мажлисий достонининг қозоқ халқи орасида кенг тарқалишини кўрсатадиган далил бўлгани учун, дарсликда Саййид Гарай таржимаси ҳақида ҳам маълумот берилса яхши бўлар эди.

Маълумки, ҳозирга қадар Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмалик» достони тўлиқича нашр этилмаган. Фақат 1945 йилда тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг II томида достондан парчалар берилган. Худди шу парчалар 1959 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти»нинг III томига ҳам киритилган.

Бироқ шу берилган парчалар ҳам қисқартирилган ҳолда нашр этилган. «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги Мажлисийга бағишланган боб ҳам ана шу қисқартириб нашр этилган парчалар асосида ёритилганки, бунинг натижасида бир қанча чалкашликлар ва хатолар содир бўлган. Масалан, Асвад (қора) дев асоратидан Сайфулмалик қутқариб олган қиз отасининг номи билан аталган: «Бу қиз Сарандил шоҳининг

қизи Рабиалмулк бўлиб»..., «Рабиалмулк девнинг жони денгиз тубида эканлигини айтибди...» «Рабиалмулкни озод қилган йигитни излаб...»[5] каби жумлаларда қизнинг номи қайта-қайта Рабиалмулк, деб ёзилган. Ҳолбуки, Рабиалмулк қизнинг номи эмас, балки қизнинг отасининг номидир. Ҳатто дарсликда: «Соид билан Рабиалмулк ҳам бир-бирини севиб қолган эканлар...» деб ёзилади.

Ҳақиқатда эса, қизнинг номи Рабиалмулк бўлмай, балки Маликадир. Бу ҳақда 1883 йилда нашр этилган «Қиссаи Сайфулмалик»нинг 63-бобида — «Малика Бадиулжамол бирлан сут эмгонини ҳикоят қилгони» бобида очиқ-ойдин айтилган:

«Отам оти — Рабиалмулк, билгил
Эрур тахт эгаси, шоҳи Сарандил.
Менинг отим — Малика, бу жаҳонда,
Ўзум мунда ва, лекин кўнглим онда».

Бу боб аслида 40 байтдан иборат бўлиб, уни жуда ҳам қисқартириб (40 байтдан 16 байтгина олинган) нашр этилгани учун, юқоридаги байтлар тушиб қолган.

«Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида Шаҳбол ибн Шаҳрух мамлакатининг номи ҳам Фатина, деб нотўғри кўрсатилган:

«Сайфулмулк ёрининг дарагини топади. (?) У Фатина шаҳрининг шоҳи Шаҳболнинг қизи Бадиулжамол экан»[6]. Ёки: «Бахтиёр севгучилар вақт-вақти билан Фатина ва Сарандилга бориб, у ерда қолган ота-оналарининг ҳам кўнглини хушлар эканлар»[7].

Ҳақиқатда эса, Сайфулмалик ёрининг дарагини топган ҳам эмас, Бадиулжамолнинг мамлакати Фатина шаҳри ҳам эмас.

Тўғри, «Қиссаи Сайфулмалик»да Фатина шаҳри тилга олинади, ҳатто, достонда: «Шаҳзода Фатина шаҳрига юзланиб, кемалари ғарқ бўлгони», деган сарлавҳа ҳам бор, лекин бундан: Шаҳболнинг шаҳри Фатина экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Эҳтимол, дарслик автори Фағфури Чин томонидан Сайфулмалик шарафига берилган зиёфатда Сайфулмаликнинг Шаҳбол мамлакатини сўраб берган саволига жавоб қайтарган мўйсафиднинг қуйидаги сўзларига асослангандир:

Вале бир пир бу шаҳнинг ҳазратина,
Деди: «Шаҳре эрур, оти — Фатина.
Эшитибманки, хўб наққошлар бор,
Жаҳонгашта ҳикоятфошлар бор.
Деди шаҳзодаким: «Неча, йироқдур?»
— «Улуғлар дерки, бир йиллик йироқдир»[8].

Бироқ бу сатрлар Шаҳбол шаҳри Фатина эканини кўрсатмайди, балки бу сатрлардан: «Эшитишимга қараганда, Фатина деган шаҳар бўлиб, у ерда яхши наққошлар ва жаҳонгашта ҳикоятфошлар бор (Шаҳбол шаҳри қаерда эканлигини ўшалардан сўраб билиш керак), деган маъно келиб чиқади.

Ҳақиқатда эса, Шаҳбол мамлакатининг номи Фатина эмас, балки Шаҳристони Сиймин бўлиб, уни боғи Эрам деб ҳам аталади:

«Анинг маъвоси Шаҳристони Сиймин,
Лақаб боғи Эрам эрди ва лекин»[9].

Ёки:

«Анинг оти Бадиъдир бинти Шаҳбол,
Ери онинг Эрам боғи будир ҳол»[10].

---

[5] Н. М. Маллаев, ўша асар, 709-бет.
[6] Н. М. Маллаев, ўша асар, 708-бет.
[7] Н. М. Маллаев, ўша асар, 709-бет.
[8] «Ўзбек адабиёти», III том, 196—197-бетлар.
[9] ШИ, инв. № 3425-рақамли қўлёзма.
[10] «Ўзбек адабиёти», III том, 214-бет.

Бадиулжамолнинг юрти Эрам боғи эканлигини 1916 йилда нашр этилган туркман тилидаги «Достони Сайфулмалик»да ҳам таъкидлаб ўтилган:

«Отасининг оти подшоҳ Шаҳбол,
Жойи Эрам боғидир қадди ниҳол.
Ерни исмин десам, ул — Мадҳалжамол,
Сайфулмалик айдар, ёзу баҳорим».

Юқоридаги фактлардан кўринадики, Шаҳбол мамлакатининг номи Фатина эмас, балки Шаҳристони Сиймин ёки Эрам боғи экан.

Бизнингча, дарсликда учраган бу чалкашликлар, биринчидан, Мажлисийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти етарли даражада ўрганилмаганлиги, иккинчидан, «Қиссаи Сайфулмалик»нинг тўлиғича нашр этилмаганлиги ва, учинчидан, шоир ижодини унинг оригинал асари асосида эмас, балки достондан қисқартириб нашр қилинган парчалар асосида ёритишга интилишнинг натижаси бўлса керак.

XVI аср ўзбек адабиёти намояндаларидан бири Муҳаммад Солиҳнинг ҳаёти ва ижоди озми-кўпми ўрганилган бўлса ҳам, лекин унинг ижоди муносабати билан Алишер Навоий томонидан келтирилган:

«نیم آشفته کر پوشیر کا کل ماه تابانش
چه‌غم از تیره‌گی‌شب چوباشر صبح پایا نش»[11]

байти Навоий асарлари[12] III томида:

«Ним ошуфта гар пушид кокули моҳи тобонаш,
Чи ғам аз тийраги шаб, чу бошад субҳи поёнаш» —

тарзида ғалат ёзилган ва: «Ярим паришон кокили ёрқин ойни беркитган экан, кеча қоронғилигидан нима ғам бор, кечанинг охири тонгга айланади-ку», деб нотўғри таржима қилинган.

Шунингдек, «Ўзбек адабиёти тарихи»[13] да ҳам бу матлаъ:

«Ним ошуфта гар пушид кокули моҳи тобонаш,
Чи ғам аз тийрагийи шаб, чу бошад субҳи поёнаш» —

шаклида ёзилган ва:

«Ярим паришон кокули ёрқин ой (юзи)ни беркитган экан, туннинг қоронғулигидан нима ғам бор, зероки туннинг охири тонгга айланади-ку», деб нотўғри таржима ҳам қилинган. Ҳақиқатда эса бу матлаъ:

«Наям ошуфта, гар пушид кокул моҳи тобонаш,
Чи ғам аз тийрагийи шаб, чу бошад субҳи поёнаш» —

тарзида ёзилиши ва:

«Агар (гўзалнинг) кокиллари унинг ёрқин ойдек (юзини) ёпган экан, (бундан) паришон эмасман, туннинг қоронғулигидан нима ғам, чунки унинг охири тонг бўлади-ку», деб таржима қилиниши лозим эди.

Бу хатолик араб алифбосида уч ҳарф билан ёзилган «نیم» — «наям» (эмасман) сўзини «ним» (ярим) тарзида ўқиш ва ёзишдадир. Ана шу бир сўзнинг нотўғри ўқилиши, биринчидан, байтнинг маъносига путур етказган бўлса, иккинчидан, байт вазнини ҳам бузган. Чунки бу байт ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани солимул аркон вазнида ёзилганки, унинг схемаси:

мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун

---

[11] «Мажолисун-нафоис», ШИ инв. № 5289, 127-бет.
[12] Навоий, III том, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 115-бет.
[13] Н. М. Маллаев, ўша асар, 682-бет.

бўлади. Масалан:

Наям ошуф та, гар пуши д кокул мо ҳи тобонаш,
мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун
Чи ғам аз тий рагийи шаб, чу бошад суб ҳи поёнаш.
мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун

Аммо юқорида айтиб ўтилган ҳар икки китобда ҳам «наям» (эмасман) сўзи «ним» (ярим) ёзилгани учун байтнинг биринчи мисраи бу вазнга тушмагани каби, байтнинг мазмунига ҳам ҳалал етган. Шунингдек, «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида байтнинг иккинчи мисраидаги «чу» боғловчиси «чун» шаклида ёзилгани учун, иккинчи мисра ҳам бу вазнга тушмайди.

Демак, Алишер Навоий келтирган бу байтнинг биринчи сўзи «ним» (ярим) эмас, балки «наям» ёки «ниям» (эмасман) бўлиши керак экан.

Ф. А. АБДУЛЛАЕВ

филология фанлари доктори

ҚАРНОҚ ШЕВАСИНИНГ ФОНЕТИКАСИДАН

Қарноқ қишлоғи Туркистон шаҳаридан 32 *км* шимолга жойлашган. Қарноқ шевасида олти мингга яқин аҳоли сўзлашади. Қишлоқдан 12 *км* шимолий шарқда — шахтёрлар шаҳри Кентовда яшовчи аҳолининг ўн процентга яқинини (6—7 минг) ўзбеклар ташкил қилади, шундан икки мингдан кўпроғи Қарноқ қишлоғидан кўчиб бориб ўрнашгандир.

Маълумки, Қарноқ жуда қадимги замонларда ҳам йирик аҳоли пункти эди. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, „Қарноқ ўғуз шаҳарларидан бири"[1]. Қишлоқ қарияларининг берган маълумотига кўра, руслар келмасдан илгари бу ер мусулмон маданиятининг марказларидан бири эди: 4 мадраса, 18 мачити бўлиб, қалъанинг тўрт томони баланд деворлар билан ўралган, тўртта қопқаси бўлган.

Агар проф. Е. Д. Поливановнинг йўл-йўлакай айтган икки оғиз сўзини ҳисобга олмасак, Қарноқ шеваса ҳақида бирор жиддий гап айтилганича йўқ. Е. Д. Поливанов ўзининг айрим ишларида Қарноқ қишлоғи аҳолисининг тилини Манкент ва Қорамурт шевалари билан бирга еттинчи тип қишлоқ шеваларига — Туркистон — Чимкент шеваларининг кучли таъсирига учраган группага киритади [2]. Афсуски, автор Қарноқ шеваси ва унинг характерли белгилари ҳақида бирор маълумот келтирмайди[3].

Қарноқ шеваси, ҳеч шубҳасиз, ўғуз лаҳжасига хос бўлган бир қатор специфик хусусиятларга эга, шунинг билан бирга, уни ўғуз группа шеваларидан фарқлайдиган муҳим кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Шевадаги мавжуд фарқни, биринчи навбатда, унинг ўз тарихий ривожи натижаси деб изоҳлаш керак бўлади. Шунингдек, қишлоқда то ҳозиргача сақланиб келаётган **арғин, найман, қатағон, кенагас** каби қипчоқ этнонимларининг, шунингдек, **оқмон, қоромон, қорахон** каби ўғуз-туркман уруғ-қабила номларининг мавжуд бўлиши Қарноқ шевасининг тарихий шаклланиши анча мураккаб эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, қўшни қозоқ тилининг таъсири ҳам шеванинг тарихий шаклланишида жуда муҳим роль ўйнаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Бу таъсир шевага структур жиҳатдан сезилари ўзгариш киритмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда шеванинг ўзидаги мавжуд қипчоқ элементларининг (айниқса, фонетикада) кўпайишига кўмаклашганлигини инкор қилиб бўлмайди.

---

[1] Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, I том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960, 439-бет.

[2–3] Проф. Е. Д. Поливанов, Материалы по грамматике узбекского языка, вып. I, Введение, Ташкент, 1935, стр. 26.

Шеванинг айрим фонетик хусусиятларини кўриб ўтайлик:

1. Қарноқ шеваси туркий тилларнинг қадимги унлилар системасини анча яхши сақлаб қолган ўғуз шевалари группасига киради. Шеванинг вокализм состави 9 унли фонемадан иборат, унда унлиларни қарши қўйиш қонуниятига қатъий риоя қилинади.

Шевадаги мавжуд унлиларни қуйидаги схемада очиқ кўриш мумкин:

	тил олди		тил ўрта		тил орқа	
	лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган
тор унлилар	и(ь)	ү	(ы)		ъ	у
ўрта кенг унлилар	е	ө				о
кенг унлилар	(є) ə		(ä)[4]		а	

2. Унлилар характеристикасида ўзбек тилининг бошқа ўғуз шеваларидан кескин фарқ қиладиган хусусият қайд қилинмади. Фақат тор унлилардан [и — ь] ва [ү] фонемаларининг қипчоқ шеваларидагидек орқароқда (тил ўртасига мойил)[5] талаффуз этилишини қайд қилиб ўтиш зарур: *ил-, бил-, йулун, бугун* каби сўзлар шевада *ьл, бьл, йулӯн, бугүн* сингари „қаттиқроқ" айтилади. Бошқа сўз билан айтганда, масалан, Хоразм ўғуз шеваларига хос бўлган „юмшоқлик" мазкур унлиларнинг талаффузида қайд қилинмади.

3. Ўғуз шевалари учун специфик товуш бўлган [є] унлиси шевада ўз физиологик хусусиятини деярли йўқотган ва тил олди кенг [ə] товушига тенглашиб қолган. Аёллар нутқида мазкур унли [ə] товушига нисбатан айниқса биринчи ёпиқ бўғинда сезиларли даражада фарқлидир. Маълумки, проф. Е. Д. Поливанов Иқон шеваси учун [є] белгисини умуман тил олди кенг унлини ифодалаш мақсадида қўллаган (бўғиннинг очиқ-ёпиқлиги ва унли товушнинг қайси бўғинда келишидан қатъи назар: *кєлдьлєр нє—келдиларми?*)[6].

4. [ə] унлисининг биринчи бўғинда ишлатилиши доираси қарлуқ ва қипчоқ группа шеваларига нисбатан анча кенг; адабий тилимизда биринчи бўғинда келадиган [е] фонемаси барча ўғуз шеваларидагидек Қарноқ шевасида ҳам тил олди кенг [ə] унлисига мос келади: *мəн, сəн, кəп-, тəп-, əгəр, кə-//кəл-, тəмьр, кəльн, тəзəк, əмчəк, тəкшьр-, сəп-, кəс-* ва ш. к.

[ə] унлисини қўллашда умуман ўғуз группа шеваларида қайд қилинган бир хусусиятни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур: [ə] унлиси сонорлардан [л], [р] ҳамда тил ўрта [й] ундоши билан ёндош бўлиб келганда кўп вақт [е] товушига ўтган: *ел, еллү:, йел, йер, е:т//ейт-, йезнə, йе-, тер-, сел, йеккə, бе* [*бер-, е:р*], *ертə, йетть, йетмьш, йет-, йем, йесьр* ва ш. к. Шунингдек, мазкур ўзгариш систематик бўлмаса ҳам [ч], [ш], [ж] ундошлари билан қўшни бўлиб келганда юз берган: *чет, мечьт, ечкь* [*əчкь*], *е:шь* (дугона), *беш, теш, шерк, шерьп* (Шариф), *кеч, кечə, межльс* [*мейльс*] *межбур* каби. Лекин

---

[4] Қавс ичига олинган белги фонеманинг вариантини ифодалайди.

[5] И. А. Батманов, Фонетическая система современного киргизского языка, Фрунзе, 1946, стр. 28.

[6] Е. Д. Поливанов, Фонетическая система говора кишлака Икан, „Известия АН СССР", сер. VII, Отделение гуманитарных наук, Л., 1929, стр. 528. Кейинги кузатишлар проф. Е, Д. Поливановнинг бу фикрини тасдиқламади (Иқонда е[є] мослиги биринчи бўғиндагина учрайди, қолган позицияларда ҳар вақт кенг [ə] унлиси қайд қилинди).

территориядаги барча ўғуз шеваларида *де-* (*демоқ* феъли). Сўнгги мисолдаги ўзгариш айрим феъл формаларида келадиган [й] товушининг (равишдош кўрсаткичининг) таъсири билан содир бўлган деб ўйлаймиз: *дейдь, дейатър, деймə* (дейман) каби (Хоразм ўғуз шеваларида *дє//дə-*, лекин *дейəн, дьйатър, дьйжəк*). Бу факт академик В. Радловнинг қадимги [ə] унлиси ə > е > и тарзида ривожланган, деган фикрини яна бир карра тасдиқлайди[7].

5. Шеванинг унлилар состави бирламчи деб аталган чўзиқ унлилар ҳисобига ортади — барча қисқа унли фонемалар ўз чўзиқ жуфтига эга: и:, е:, ү:, у:, ө:, о:, ы:, ə: а:. Демак, шевада сифат ва миқдор жиҳатдан бир-бирларидан фарқли бўлган ўн саккизта мустақил унли фонема бор. Мисоллар келтирамиз:

и: *и : з, ти : зə, ти : ш, и : к* (дуг), *и : с, ни : гə, и : ш, и : рьк, ти : рьк*;

ү: *кү : з, тү : н, сү : т||сү^{й}т, тү : б, тү : ш, кү : нч* (бурчак);

у: *ту : з, му : з, у : ш* (лампа), *у* : (пойдевор), *ту : т, у : ч; у : зън*;

ө: *ө : р* (тепалик), *сө : кь* (супа), *ө : т, тө : р, кө : гүрт, бө : бəк*;

о: *мо : йън, хо : жа, то : тъ* (опа), *о : т* (олов), *то : ғай, ко : й, бо : й*;

е: *е : р* (эрта, барвақт), *е : шь* (дугона), *е : рьнчəк, те : рəк*;

ъ: *қъ : з* (тўғрироғи қъ^{й}з), *қъ : н* (қин), *йақъ : н, дъ : ғ* (хафалик);

ə: биргина *тə : тə* (дадажон) сўзида қайд қилинди;

а: *а : йа* (ойи), *а : ға, ба : ба, ча : ға, ба : ла, ба : зар, ха : тън, қа : ғун* (қовун), *а : ла, ха : на, а : даш, ба : дам, йа : ръ* (ярим), *а : т* (исм), *қа : бақ, а : ч, са : ч, а : ғач, қа : бъқ, са : въқ, са : ман* (биринчи бўғинда чўзиқ [а :] унлиси келадиган сўзларнинг миқдорини бир неча марта кўпайтириш мумкин).

Хоразм ўғуз шеваларида қисқа ва чўзиқ унли фонемалар миқдори ўн еттита[8]. Иқон шеваси учун ўн саккизта унли қайд қилинган[9].

Чўзиқ унлиларнинг ишлатилишида бир хусусиятни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ зарур. Хоразм ўғуз шеваларида чўзиқлик асосан от категориясидаги сўзларда учрайди, феъл туркумидаги сўзларда унинг тарқалиши ниҳоятда чекланган. Ҳатто, чўзиқликка эга бўлган унлиси бор отлардан феъл ясалганда ҳам унлининг чўзиқлиги заифлашади ва оддий чўзиқликка эга бўлган унлига тенг бўлади. Қарноқ шевасида эса (умуман Чимкент области территорисига тарқалган ўғуз шеваларида) феъл туркумидаги сўзларда ҳам биринчи бўғиндаги унлининг (айниқса очиқ бўғиндаги унлининг) миқдорий нисбати оддий чўзиқликдаги унлига қараганда бир ярим марта кўпдир: *са : ғънъп, қа : ладъ, а : раладъқ, а : дашсаң — кəп бьлан а : даш, йа : нама* (ёнаман), *ба : рама* (бораман), *а : тадъм, ча : лъ̆бам* йъқадъ, *а : въ̆нъ қа : дъ, қа : ш қа : райдъ* каби.

Қарноқ, Иқон, Қорабулоқ типидаги шеваларда грамматик формалардаги унлиларнинг чўзилиши қайд қилинмади. Лекин Манкент —

---

[7] В. Радлов, О языке куманов (по поводу издания куманского словаря), СПб. 1885, стр. 25.

[8] Ф. А. Абдуллаев, Чўзиқ унлиларнинг табиати тўғрисида, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1959, 3-сон, 28-бет.

[9] Е. Д. Поливанов, кўрсатилган асар, 528-бет. (проф. Е. Д. Поливанов келтирган мисоллар ичида иккиламчи чўзиқ унлиси бор сўзлар ҳам мавжуд — *келди*: *дьм* мисолидаги чўзиқлик *келди — едим* формасининг қисқариши натижасида юзага келган, ўша асар, 528-бет).

Қорамурт типидаги шеваларда эса айрим грамматик формаларда ҳам унли товуш одатдагидан чўзиқроқ талаффуз этилганини кузатдик. Масалан, Қрнқ.: *кə : дьмь; Иқн.: кє : дь нє; Мнкнт.: кəдьми:, навват йохму:ʔ ки : р бо : ди:;* Қрмрт.: *қъш мавсуми:, өлумьни : бе : су ача : майди:* каби.

Чўзиқ унлиларнинг от категориясига (кенг маънода) алоқадор бўлган сўзларнинг биринчи бўғинида ишлатилиш доираси феъл туркумидаги сўзларга нисбатан анча кенгдир. Икки туркумда ҳам чўзиқ унлиларнинг табиати ҳақида баён этилган фикр бу шеваларга нисбатан ҳам ўз кучини сақлаб қолади (маънони фарқлаш *ат — а : т, от — о : т, өт — ө : т* каби; биринчи бўғин вокализмини турғун сақлашга интилиш).

Агар чет тиллардан олинган (асосан араб ва тожик тилидан кирган) сўзлардаги чўзиқликни қиёс қилиб кўрсак, қоидага хилоф келадиган мисолни деярли учратмаймиз: *а : дам, ба : дам, ба : зар, да : ръ, ка : са, ба : ла, ҳа : шъқ* (ар. عاشق *āшық*), *ме : рап, му : м, ха : лъ* (ар. خالى *хāлӣ — бўш*), *ша : х, ха : на* ва ш. к. Кўринадики, шеванинг ўзида *а : ға, ха : тън, қа : бақ, а : даш, а : т* каби мисоллардаги биринчи бўғинда чўзиқлик бўлмаганда, бошқа тилдан олинган сўзларда ҳам чўзиқлик сақланмаган бўларди. Марказий ўзбек шеваларида келтирилган мисолларнинг биринчи бўғинида унлилар оддий чўзиқликка эга эканлигини эслаб ўтсак кифоя.

6. Иккиламчи чўзиқлик ўз характери ва қўлланиш чегарасига кўра бошқа ўзбек шеваларидан кескин фарқланмайди. Шева учун характерли бўлган баъзи мисолларни келтириш билан чекланамиз.

Маълумки, иккиламчи чўзиқлик асосан уч хил йўл билан туғилади:

1. сўз ўртаси ва охиридаги ундош товушларнинг тушуви натижасида; 2. бошқа тилдан кирган сўзлар ўртасида қатор келган унлилардан бирортасининг тушуви натижасида; 3. элизия натижасида, яъни сўз бирикмасини ҳосил қилган икки компонент оралиғидаги унлиларнинг тўқнашуви натижасида. Сўз ўртасида бутун бир бўғиннинг тушуви натижасида ҳосил бўлган чўзиқлик ўз характери эътибори билан биринчи типга киради.

Биринчи тип чўзиқликка мисоллар:

[л] тушади: *қа:дъ, а:дъ, кəдь||кəдь, бо:дъ, қа:са, са:саңыз* каби;

[р] тушади: *бе:дь, төт* (*төрт* варианти ҳам бор), *ба:дъм*;

[г] тушади: *би:з, и:н* (эгин — эгни), *ти:дь, и:дь* (эгди);

[қ], [к] тушади: *айу:, азу:, еллү:*, лекин *тьрь, таръ, саръ;*

[й] тушади: *е:т||е^{й}т- (айтмоқ* феъли), *е:дəйьн, тү:мə||тү^{й} мə.*

Сўз ичида бутун бир бўғин тушади: *ше:дə (шу + йер + дə), бе:дə, е:дə* каби.

Эскида араб тилидан кирган сўзларда келадиган айн (ع) ундош товуши тушади: *ма:қул, та:на, мə:нь, йə:нь, нə:лət* каби.

Араб ва тожик тилидан кирган сўзларда келадиган [ҳ] товуши тушади: *төмət, мө:р, сө:бət, ме:р, зə:р, кө:нə* каби. Спорадик равишда [ҳ] ундошининг сақланиши ҳам қайд қилинди.

Иккинчи тип чўзиқликка мисоллар: *сə:т, сə:дət, мə: млə, ита:т, та:м, қана:т* каби.

Учинчи тип чўзиқликка мисоллар: *қара:т, а:ғи:нь, апүкə, ала:— майдъ, ата:на, өзьқа:л* (ўзингга ол), *алто:ғул* ва ш. к.

7. Шевада 22 та ундош фонема бор: б, в, г, ғ, д, ж, з, й, к, қ, л, м, н, ң, п, р, с, т, х, ҳ, ч, ш.

Ундошлар системасидаги айрим хусусиятларни келтирамиз:

а). Сўз бошида келган жарангли [б] фонемаси шевада кенг унли товушлар олдидан сезилар-сезилмас жарангсизлашади, тор унлилар олдидан бу хусусият кучаяди ва овоз жуда заифлашади: *бухар* (Бухоро), *бьр, бътақ*||*пътақ, бьчән*||*пьчән, бьч-*||*пьч-, бъкън, бутун*||*путун*, лекин *пьшьк, пьчақ, путулкә, пътьр- (битирмоқ феъ лидан)*; Хоразм ўғуз шеваларида: *бьч-, бечән, бу:дақ*, лекин *пьшьк, пъ чақ*.

Сўз бошида айрим ўғуз шевалари учун хос бўлган б > в > о (ноль) ўзгариши (*бўлмоқ* феълида) Қарноқ шевасида қайд қилинмади, ҳар қандай ҳолатда ҳам [б] сақланади: *мөт оғул тукәл* **болса**, *төпәдәгьнь өндьрдь, алтоғул а:ла* **болса**, *авъздағънъ алдъ радъ* (мақол); *кьшь йуртъда султан* **боғунча**, *өз йуртыңда ултан* **бол** (мақол).

Икки унли ўртасида ва сонор товушлар билан ёндош бўлиб келганда [б] ундошидаги лабланиш хусусияти анча кучсизланади, лекин овозодрлиги тўла сақланади: *қа:бақ, та:бан, қабъз* (қўлтиқ), *кубь, ба:ба, тобълдърқ* (ўсимлик), *ту:бьдә, гурбәк, гула:бъ* (қовун турлари), *урбақ, са:бън, сәбәт, сәбәб, кәбаб, қабат, а:бат, са:бақ, абъсън*; худди шу позицияда жарангсиз [п] келадиган сўзлар ҳам анча бор: *көпур, апа, топъқ, төпә, тапар* (бачадон), *тәлпәк, сапақ* (банд), *чопақ* (пўчоқ), *кәпьш, қапърға*||*қабърға* ва ш. к.

Сўз ўртасида б||в ҳодисаси жуда сийрак учрайди: *тувақ* (ўчоқ тепасига ёпиладиган лой қопқоқ), *қавъқ* (1. қовуқ; 2. пуфак).

Қипчоқ шеваларига хос бўлган п > б типидаги позицион ўзгариш мунтазам тусга кирган эмас. Фақат қозоқлар ичида кўпроқ бўлган шахслар нутқидагина *көп — көбь* сингари ўзгариш қайд қилинди. Одатдаги система бошқа ўғуз шеваларидагидек: *көп — көпь, көпәй —, өп — өпьбалдъ, чөп — чөпьдьн* каби.

Сўз бошида б||м мослиги унча кенг тарқалган эмас: *мойън, мурун, му:з* (Хоразм ўғуз шеваларида *бу:з*), *мурът, мъ лжың* (эзма), *махмал* (ар. مخمل); *бу* кўрсатиш олмоши турловчи ва айрим форма ясовчи аффикс олганда одатда б>м: *мунуң, муңа, мунда, мундън, мундай* каби.

б). Диққатга сазовор фонетик ҳодисалардан яна бири ғ>в ўзгаришидир. Бундай ўзгариш маълум система тусига кирган. Сўз ўртаси ва охирида қайд қилинган ғ>в қарлуқ ва ўғуз группа шеваларига хос бўлмаган хусусият, демак, мазкур шевадаги бу ҳодисани қипчоқ элементининг салмоғи анча кучли эканлиги билан изоҳлаш керак бўлади. Қозоқ тилининг таъсири эса ана шу қонуний процессни (ғ>в ўзгаришини) кучайишига кўмаклашганлиги шубҳасиз: *қа:р* **йавъп** *тур, атънъ* **сувардъ**, *съй ъ рън* **тувдъ мъ?** *йаврын, бель* **авръмаган**, **тувушқаннар** *кәп кетть,* **авъздағънъ** *алдърар,* **тувръ** *сөйлә, йернь* **авдарън** *таштадъ,* **тавға** *қа:р чушть, балаң* **авръса** *дохтурға бар* ва ш. к. Ҳатто, тожик тилидан кирган *ба:ғ* сўзида ҳам шу хилда ўзгариш юз берган: *иккь атадын кәлатқан* **бавлар** *қуруп кетть, су: жағдайъ авър болдъ.* „Хатыннар **ба:ғ** *дейдь, әркәклар* **бав** *дейдь*“ жумласи ортиқча изоҳ талаб қилмаса керак.

Шу билан бир қаторда қўшиқ, мақол, топишмоқ ва эртакларда кўп вақт мазкур позицияда [ғ] ундоши сақланади: *зақча булбул болъб* **баға** *йарашмас, кьйькдьн өзгәсь* **таға** *йарашмас* (мақол).

в). Сўз бошида [т] ва [к] ундошлари шевада жарангсиз ҳолича қолади, шу хусусият билан Чимкент областидаги ўғуз группа шева-

лари Хоразм ўғуз шеваларидан кескин фарқ қилади. Бу йирик фонетик ҳодиса, проф. Е. Д. Поливанов айтганидек, „чиғатой“ шеваларининг (қарлуқ шеваларининг — **А. Ф.**) таъсири билан содир бўлганми (яъни жарангли [д], [г] қайта жарангсизлашган)[10] ёки мазкур шеваларда к>г, т>д процесси кучли фактор таъсирида ривожланмай қолганми — буни тарихий-диалектологик текширишлар аниқлаб берар. Ҳозирча ўғуз шеваларига хос бўлган айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз: *дор* (балиқ тутадиган тўр, умуман *тўр:дор тақйа, дор қа:бақ*), *доппъ, дамба* (тамба); сўз ўртасида: *е:дәмә||ейдәмә* (айтаман), *а:дың ни* (отинг нима), *а:дамақ* (атамоқ), *а:даш* (1. отдош; 2. дўст), к||г мослигида ҳам худди шундай. Сўз бошида к>г тарзида ўзгариш *гүндә* (кунда, занжир) каби айрим сўзларда, шунингдек, *шүгүн, угун*, каби бирикмаларда қайд қилинди холос.

Сўз охиридаги [к] ундошидан сўнг эгалик аффикси келганда қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаларидагидек к>г тарзида ўзгаради: *әшәк — әшәгь, төшәк —төшәгьм* каби. Индивидуал ҳолатда *сөгәмь?* (сўкадими?) каби ўзгариш ҳам учрайди, лекин сўнгги ўзгариш мунтазам характерга эга эмас (қипчоқ лаҳжасида *сөгәмә, көгәрдь* мисолларини чоғиштиринг). Лекин қ>ғ тарзидаги ўзгариш умуман унли товуш билан бошланган аффикслар олдидан озми-кўпми система тусига кириб қолган: *а:ғъб, баратър, қа:ғълъп, чүшть, та:ғъбаптъ, йъғълъп қа:дъ, ағар су*: каби. Аёллар тилида [қ] жарангсиз ҳолича қолаверади. Бу жиҳатдан ([к] ва [қ] ундошларининг [г] ва [ғ] товушларига позицион ўтиши жиҳатидан) Қарноқ шеваси Хоразм ўғуз шеваларидан ҳам, Чимкент области территориясидаги Қорамурт шевасидан ҳам фарқланади.

[қ] ундоши сўз бошида ўзгаришсиз қолади, лекин сўз ўртасида, айниқса [т], [ч], [ш] ундошлари олдидан одатда қ>х: *чъхтъ, ахшам, ахча, вахт, йохтур, махта, сахта-* (сақла-), *охта-* (ўқла-) каби.

г). Шевада ғ>й, г>й тарзида ўзгариш ҳам қайд қилишга арзийдиган фонетик ҳодисадир: *байла-, бьйдәй, съйър* (Хоразм ўғуз шеваларида *съғър* — сигир, шевада *съғър* — буқа, ҳўкиз); *түймә, үйрән-, ийрь, тьймә, түйба:дъ* (тугиб олди), *тьйьдә, бийьз [би:з]*, лекин *ки:гьз* (кигиз).

д). Шевада ч>ж тарзида содир бўладиган ўзгариш худди Хоразм группа шеваларидагидек. Бундай ўзгариш айниқса икки унлининг оралигида содир бўлади: *уч — ужъ* (бирор предметнинг учи), *а:жъқ-* (лекин *а:ч*); адабий тилдаги *әгачи* сўзи Қарноқ ва Иқонда *әкәжь*, Туркистонда *әкәчь* , Чимкентда *егәчь*; тартиб сон формасини ясовчи „-нчи||-инчи“ аффиксида ҳам ч>ж: *бьрьнжь, онунжь, елльнжь* каби.

Шевада ж||й мослиги ҳам айрим сўзларда қайд қилинди: *жағдай, жүгән, жүн, жүр, жьр* (қўшиқ) каби. Мисолни қиёс қилинг: *кьмьң йерьнь йерләсән, шунуң жьрьнь жьрләйсә* (мақол). Мисолдан кўринадики, шева фонетикасида ж||й ҳодисаси жуда сийрак учрайди ва *жағдай, жьр, жьрлә*-каби сўзлар, ҳеч шубҳасиз, қозоқ тилидан кирган сўзлардир.

е). От категориясидаги сўзларда „-ла||-лә“ аффикси ёрдамида феъл ясалганда аффикс составидаги [л] товуши жарангсиз [т], [ч], [қ], [ш], [п] каби ундошлар олдидан кўп вақт [т] товушига ўтади. Ўзбек тилидаги мисолларда кам учрайдиган бу ҳодиса (*истади* аслида *из+ла+ди*; *сиқтади* аслида *сиғ+ла+ди* тарзида бўлган), шубҳа-

---

[10] Е. Д. Поливанов, Материалы по грамматике узбекского языка.... стр. 25—26.

сиз, қозоқ тилининг таъсирида ривожланган бўлиши керак: *баштадъ, қаштадъм, ти:штэбалдъ, күштэби:штэтть, қаптадъ, эптэдь, та:-мъмнъ ақтаб бердь*; жарангли [л] ва [з] ундошларидан кейин одатда [д]: *и:здэдьм, көздэб йүр* (кўзлаб юрибди), *боздадъ м, қолдадъ, алдадыңнар* (аслида *ал+ла+ды* бўлган). Лекин мазкур ўзгаришлар ҳали мунтазам тусга кирганича йўқ.

ж). Ёйиқ [л] товушининг бурун ундошларига сингиши ассимиляциянинг энг кенг тарқалган туридир. Бу фонетик ҳодиса ўзбек тилининг қипчоқ шеваларига (айниқса желашган турига) хос хусусият бўлиб, территориядаги қарлуқ шеваларида, шунингдек Хоразм территориясидаги қипчоқ ва ўғуз шеваларида бу қадар кенг тарқалган эмас[11]. Айрим мисолларни келтирамиз:

нл||нн: *төмэннэрдэ, эркьнньк, қоқаннъқ, аганнар, кэгэннэр, күнньк;*

цл||цн: *таңнай, маңнай, оңнаба:дъ* (ўнглаб олди), *кэңньгь, аңнъқ;*

мл||мн: *а:дамнар, кьмнэр, тамнар, шумнъ қ, бүйумнэр, йүзумнэр*[12].

з). Хоразм ўғуз шевалари ҳамда, умуман, қипчоқ шевалари группасида кўпгина сўзлар охиридаги [к] ва [қ] ундошларининг тушуви маълум бир система тусига кириб қолган. Чимкент областидаги ўзбек шеваларида бу фонетик ҳодиса жуда сийрак учрайди. Қарноқ шевасида мазкур ундошларнинг тушуви 5—6 сўздагина қайд қилинди: *саръ май, азу:ти:ш, айу:, еллу:||еллү, тьрьлык* (лекин *ти:рык*), *и:рь қойу:||қойу* каби.

Ундошлардан [л] ва [р] товушларининг тушуви кўпроқ *қал-, ал-, сал-, бол, бер-* феълларининг айрим тусланиш формаларида, шунингдек *ба:р* (мавжуд) сўзида қайд қилинди. Буйруқ формасида: *а, са, қа, бе;* феълнинг шарт формасида: *аса, қаса, бе:сэ, саса;* ўтган замон содда феъли формасида: *а:дъм, қа:дық, бо:дъ* каби.

Бурун ундошларидан [н] товуши кўпроқ сўз охирида тушади: *барама, бараса* (бораман, борасан), *алсу, кьмьң, қъ:зъса? кьмьң оғлуса? берэсэмь, бермэйсэмь? ни:гэ ураса? ундъ ке* (ундан кейин), *боға соң, аға йоқ* ва ш. к.

Сўз ичида ва икки сўзнинг оралиғида айрим товушларнинг, ҳатто бутун бўғинларнинг тушиб қолиш ҳодисаси кўп мартаба қайд қилинди.

---

[11] Проф. В. В. Решетов, Узбекский язык, I, Фонетика, Ташкент, 1959, стр. 259; Ф. А. Абдуллаев, Урганч шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари, „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", I том, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1957, 308-бет.

[12] К. К. Юдахин, Некоторые особенности карабулакского говора, „Ўзбек диалектологиясидан материаллар", I том, 41-бет.

К. МЕЛИЕВ

филология фанлари кандидати

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ВА УЙҒУР ТИЛЛАРИДА *-ГУДЕК* АФФИКСИ ОРҚАЛИ ЯСАЛГАН ФЕЪЛ ФОРМАСИ

-Гудек қўшма аффикси ҳозирги замон ўзбек тилида **-гудек** (*йўқлагудек*), **-гудай** (*мақтагудай*); уйғур тилида **-ғудәк** (*барғудәк*), **-гудәк** (*кәлгудәк*), **-қудәк** (*қачқудәк*), **-кудәк** (*кәткудәк*) каби фонетик вариантларда учрайди; **-гу**—ҳаракат номи, **-дек** эса форма ясовчи аффиксдир. Бу қўшма аффикс ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида феъл ўзак-негизларига қўшилиб келиб, сифатдошнинг ўхшатиш формасини ясайди. Мазкур тилларда бу сифатдош формаси адабий тилга нисбатан жонли тилда кўпроқ ишлатилади. Мазкур форма ҳақида, ҳозирги замон туркий тилларида махсус илмий текшириш ишлари олиб борилмаганлигидан, грамматикаларда ҳар хил фикрлар учрайди. Масалан, баъзи авторлар[1] бу формани сифатдош, баъзилари[2] равишдош десалар, айримлари[3] эса равиш деб беради.

Бу форма ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари билан турланмаслиги жиҳатидан равишдошга ўхшайди. Лекин у ўзининг асосий семантик ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан феълнинг сифатдош формасига киради. Ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида бу форма гапда асосан аниқловчи ва баъзан кесим ҳол вазифаларида келиб, қуйидаги маъноларни ифода қилади:

1. Гапда аниқловчи вазифасида келиб, предмет белгисини феъл ўзак-негизларидан англашилган маънога ўхшатиш, қиёс қилиш йўли билан ифода қилади.

Масалан, ўзбек тилида:

..., ҳавас ***қилгудек*** *рўзғор тутади* („С. Ўзб."). *Ҳў, ана, қичқирса* ***овоз етгудек*** *жойда ҳалиги отлиқ яна кўринди* (Анорбоев)... *ўзи учун,* ***тарих бўлғидай*** *бир иш қидирар эди.* (Ғ. Ғулом). *Қўш ўғил ўстирибди, тоғни* ***талқон қилгудай****, Чўлни гул, саҳроларни боғу* ***бўстон қилгудай*** („Ўзб. м.").—*Лекин ишдан кейин бундоқ ёзилай десанг* ***боргудек*** *жой йўқ* („С. Ўзб.").

Уйғур тилида:

...униқ титилип кәткән юз-көзлири ***һәйран қалғудәк*** *әһвалда еди* (30). *Яқ, мәндин көңли* ***ағриғудәк*** *һеч иш өткән йоқ* (Ғ.) *..., униңға* ***йәткүдәк*** *қиғ вә қара топа тәйярлиди* („К. туғи"). *Уларниңму әнди ейтип* ***бәргүдәк*** *вақиәлири бар еди* („К. туғи").

---

[1] Н. А. Баскаков, Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. I, М., 1952, стр. 437; К. Мелиев, Имена действия в современном уйгурском языке, М., 1964, стр. 33; Алтай тилдин грамматиказы, Горно-Алтайск, 1959, стр. 189; Татар теле һәм диалектологиясе мәсьәләре, Казан, 1959, стр. 88.

[2] А. К. Боровков, Учебник уйгурского языка, М., 1935.

[3] А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 286.

2. Гапда равиш ҳоли вазифасида келиб, иш-ҳаракат ёки ҳолат белгисини феъл ўзак-негизидан англашилган маънога ўхшатиш, қиёс қилиш йўли билан ифода қилади.

Масалан, ўзбек тилида:

Тўймайди ҳеч қачон, у аслида очкўз—офат, ***Еб қўйгудек*** *тикилар қилмас эсанг саҳоват* („Муштум"). *Қулоқни* ***кар қилгудек*** *гувиллаб эсаётган шамол...* („Қ. Ўзб.")... *боши гиламга* ***теккудай*** *эгилиб таъзим қилди* (Боту).

Уйғур тилида:

... йезидики диханларға яман ***тәсир бәргүдәк*** *чатақ чиқмиған еди* (F.). *У Совет-Иран ихтисадий вә техникилиқ һәмкарлиғиниң* ***көрүнгүдәк*** *дәрижидә жанлиниватқанлиғини тәкитлиди* („К. туғи"). *Мән Никитинларниң йери* ***сетилғудәк*** *дәп аңлидим* („Хр.").

3. Гапда миқдор-даража ҳоли вазифасида келиб, белгининг белгисини феъл ўзак-негизидан англашилган маънога ўхшатиш, қиёс қилиш йўли билан ифода қилади.

Масалан, ўзбек тилида:

Шу чоғ „дада!" деган юракни ***эзгудек*** *ҳаяжонли нидо янгради* („Қ. Ўзб."). *... ерга* ***судралгудай*** *узун чопон кийган...* (Боту). *Тухум қўйса* ***кўрингудай*** *текис далаларда... ғўзалар қуёш нурини эмяпти* („Т. ҳақ.").

Уйғур тилида:

... вә шу заман қулақни ***ярғудәк*** *қуруқ аваз билән гүлдүрмама гүлдүрлиди* („ШАС".). *Әмди көнүлгә* ***арам бәргүдәк*** *чирайлиқ нахша ейтиш мүмкүнму, йоқ* (F.). *Өнә ашу жүрәкләрни* ***езиватқудәк*** *дәртлик нахша ейтиватқан жигит қанчилик һосул алидекин?* (F.)

4. Гапда кесим вазифасида келиб, умуман бўлиб турадиган ёки бўладиган бирор иш-ҳаракат ёки ҳолатни бирор нарсага ўхшатиш ва унга тахмин ёки гумон билан қараш каби маъноларни ифодалайди. Бу ҳолда бу форма шахс-сон қўшимчалари билан тусланиб, ҳозирги-келаси замонни билдириб келади.

Масалан, ўзбек тилида:

Кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хахолаб кулишишлари саройни кўкка ***кўтаргудек*** (А. Қодирий). *Уларнинг уст-бошлари яхши. Кўпгина ёш ота-оналар ҳавас қилса* ***қилгудай...!*** *конфет ҳам олиб келибди. Бирам ширинки, тилингни* ***ёргудай*** („С. Ўзб.")

Уйғур тилида[5].

... һәр күлгәндә униң ағзидин дәстә-дәстә гүлләр етилип ***чүшкүдәк*** (Муфт.).—*йоқ,* ***зәриккүдәк әмәс,***—*деди* („Хр".). *У йәрдә чирайлиқ әйнәклик қачиларға селип сатқудәк* („ШАС".)..., *чунки чүшүмдә сизму мениң билән биллә* ***жүргүдәксиз*** („К. туғи.").

5. Бу форма бош келишикда « ***бол*** » ёрдамчи феълининг аниқлик ва шарт майли формалари билан бирикиб келиб, феълнинг махсус модал формасини ясайди. Бу ҳолда бу форма маълум бир замонда бирор ҳодиса ё ҳолатга ўхшатилган ва бажарилиши тахмин, гумон қилинган иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифода қилади.

Масалан, ўзбек тилида:

Унинг товушидан қулоқлар ***ёрилгудай*** *бўлади* (Ойбек). *Арапшонинг кўзлари косасидан* ***чиқиб кетгудай бўлиб*** *қаттиқ ғазабланди* (Боту). *Шу гаплар* ***қўзғалиб қолгудек бўлса,*** *шкода нима*

---

[4] Қаранг: К. Мелиев, Имена действия в современном уйгурском языке, М., 1964, стр. 33—34; В. М. Насилов, Грамматика уйгурского языка, М., 1940, стр. 113.

деб жавоб бераркин?! („Муштум“). *У... „катта ўғрини қўлга туширдим“ деб борган жойдаги одамни қоғоз билан* ***кўмиб юборгудек бўлади*** („Қ. Ўзб.“). *Парникда ишловчи колхозчилар суюниш ўрнига сочларини* ***юлгудек бўлдилар*** („Т. ҳақ.“).

Уйғур тилида:

У ҳапа болуп ***жиғлиғудәк болди*** (Т. А). *Маңа дәрс* ***бәргудәк бопсән-дә, техи?!*** (F.) ..., *һәр сәпәр йеңиш билән тамамлинидиған һужумниң батурлиғи* ***һәйран қалғудәк болар еди*** („Хр.“).

6. Ҳозирги замон уйғур тилида бу форма «***емиш***» модал юкламаси билан бирга келиб, ўтган замонда бўлиб ўтган бирор иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бирор нарсага ўхшатиш ёки унга тахмин билан қараш тўғрисида эшитилганлик маъносини ифода қилади.

Масалан:

—*Хусусән мениң бүгүнки чүшүмни яхшилиққа жорушқа тиришиң, чүнки чүшүмдә сизму мениң билән биллә* ***жүргүдәкмишсиз*** („К. туғи“). ... *бу дәрәхтә һетте адәмниң башлири әмәс, бәлки яш пәри қизлар* ***өскүдәкмиш*** („Уйғ. ч.“).

7. Ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида бу формадан лексикализация йўли билан маънода дифференциялашиб, равишга кўчган ёки кўчиб бораётган ***„ўлгудек“, „дегудек“*** каби сўзларни ҳам учратиш мумкин. Бу сўзлар гапда асосан равиш ёки миқдор-даража ҳоллари вазифасида келади.

Масалан, ўзбек тилида:

Қиз иккови бир-бирини ***ўлгудай*** *яхши кўргандан кейин айириш маҳол!* (Ҳамза). —*Ўзига* ***ўлгудек*** *бино қўйган экан-да, Ваҳоб акангиз* („Т. ҳақ.“). *У* ***ўлгудек*** *шилқим киши эди. Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб,* ***ўлгудек*** *ҳоргани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради* (Ойбек).

Уйғур тилида:

... *тамакиниң исини* ***өлгүдәк*** *яман көрудиған қери мамайға арам бәрмәтти* (Ш. М.). ... *буларниң һәммиси* ***дегүдәк*** *чоң-чоң балилар еди* („К. туғи.“).

Демак, юқоридаги фактлардан кўринадики, ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида феълнинг **-гудек** аффикси орқали ясалган формаси ўзининг семантик ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан сифатдош экан.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

30—Гулустан, зулум очуқи, Ташкэнт, 1935.
„К. туғи“—„Коммунизм туғи“ (газета).
„С. Ўзб “—„Совет Ўзбекистони“ (газета).
„Т. ҳақ.“—„Тошкент ҳақиқати“ (газета).
„Ўзб. м.“—„Ўзбекистон маданияти“ (газета).
Т. А.—Мөмун һәмрай, Толқунлар арисида, Ташкэнт, 1934.
„Хр.“—„Эдэбият хрестоматияси“, иккинчи бөлүм, Ташкэнт, 1938,
Ш. М.—Шолохов, Ечилган боз, Ташкэнт, 1935.
„ШАС“—„Шинжаң әдәбият сәнъити“ (журнал).
„Уйғ. ч.“—„Уйғур халқ чәчәнлири“, Алмута, 1960.
„Қ. Ўзб.“—„Қизил Ўзбекистон“ (газета).
F.—Зунун Қадирий, Гунчәм Бейжин, 1957.

Т. АЛИҚУЛОВ

ФУНКЦИЯДОШЛИК ҲОДИСАСИГА ДОИР

Функция ўхшашлигига кўра маъно кўчиши метафора, метонимия ва синекдоха ҳодисаларига нисбатан унчалик кенг тарқалмаган. Шунинг учун бўлса керак, тилшуносликка доир кўпгина манбаларда бу ҳодиса бошқа тил ҳодисалари сингари кўчма маъноларни вужудга келтирувчи восита сифатида санаб кўрсатилса,[1] айрим манбаларда тилга олинмайди[2]. Кўчма маъноларнинг функция ўхшашлигига кўра вужудга келиш ҳодисаси ҳақида бундай икки хил қараш, мазкур ҳодиса у ёки бу тилда нисбатан кам ёки кўпроқ ишланганлигидан, ёки бутунлай ишланмасдан эътибордан четда қолганлигининг натижасидир.

Функциядошлик ҳодисаси ҳақида ўзбек тилида маълумотлар жуда оз. Асосан, С. Усмонов ва О. Азизовлар бу ҳақда биринчи марта умумий тўхталиб ўтганлар[3].

Я. Д. Пинхасов ўзининг «Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси» номли ишида метафора, метонимия ва синекдоха ҳодисалари ҳақида ўзбек тилида биринчи марта маълумот берган. Аммо бу асарда функциядошлик ҳодисаси негадир тилга олинмаган[4].

Маълумки, функциядошлик ҳодисасига кўра нарса ёки ҳодиса номи фан ва техника, саноат ва қишлоқ хўжалиги, умуман, жамиятнинг турли соҳаларининг тараққий этиб бориши натижасида вужудга келадиган бошқа бирор янги нарса ёки ҳодисани ифодалаш учун қўлланади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Н. Я. Марр ва унинг шогирдлари функциядошликка абсолют қонуният деб қарар эдилар. Гарчи маънолар бошқа усул билан кўчган бўлса ҳам, уларни функциядошлик ҳодисасига тақаб, унга ортиқча баҳо бериб юборган эдилар. Масалан, Н. Я. Марр шундай дейди: «Сўз маънолари шакл жиҳатидан эмас, материал жиҳатидан эмас, техника жиҳатидан эмас, балки дунёқараш ва жамоатчилик талабига кўра, функция жиҳатидангина вужудга келгандир»[5].

---

[1] Қаранг: Р. О. Шор, Н. С. Чемоданов, Введение в языковедение, М., 1945, стр. 79; Л. А. Булаховский, Введение в языкознание, ч. II, М., 1953, стр. 60; И. В. Арнольд, Лексикология современного английского языка, М., 1959, стр. 160; А. А. Реформатский, Введение в языкознание, М., 1960, стр. 55 ва бошқалар.

[2] Қаранг: Э. Б. Агаян, Введение в языкознание, Ереван, 1960, стр. 220; Е. Бердимуротов, Очерк лексикологии современного каракалпакского литературного языка, автореферат канд. дисс., Ташкент, 1964, стр. 8 ва бошқалар.

[3] Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулев, Ҳозирги замон ўзбек тили, Тошкент, 1962, 24-бет; О. Азизов, Тилшуносликка кириш, Тошкент, 1963, 61-бет.

[4] Я. Д. Пинхасов, Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси, Тошкент, 1960, 14—15-бетлар.

[5] Н. Я. Марр, Избранные работы, III, М.—Л., 1934, стр. 59.

Биз функция ўхшашлигига кўра маъно кўчиришни инкор этмаймиз, чунки функциядошлик тилдаги мустақил лексик маъноларни юзага келтирувчи бошқа ҳодисалар билан бир қаторда туради. Шунинг учун ҳам бу ҳодиса кўпгина манбаларда турли маъноларнинг ҳосил бўлиш йўлларининг бир тури сифатида кўрсатиб ўтилади[6]. Аммо бу ҳодисага юқоридаги каби ортиқча баҳо бериб юбориш асло ярамайди, чунки маъно кўчиши мумкин бўлган ҳодисалар сифатида энг аввал метафора, метонимия, синекдохани ва улардан кейингина функциядошлик ҳодисасини кўрсатиш мумкин.

Бу фикрни ҳар бир ҳодиса учун йиғилган тил фактлари ҳам исботлайди.

Функциядошлик ҳодисасида предметлардаги ташқи ёки ички ўхшашликка эмас, балки икки предметнинг айнан бир функция, вазифа бажаришига кўра бирининг номи иккинчисига ўтади.

Рус тилшуносларидан В. Поржезинский рус тилидаги **перо** сўзи ҳақида гапириб, унинг икки маъноси мавжудлигини (қушнинг пати ва ёзув қуроли) кўрсатар экан, «агар биз дастлабки пайтларда ёзув қуроли сифатида қўлланганини билмаганимизда, мазкур маъно ўзгариши бизга ончалик тушунарли бўлмасди»[7],— деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам, масалан, рус тилидаги «мануфактура» сўзининг, аслида, латин тилидан ўтганлиги ҳамда дастлаб «қўл билан бажариладиган нарса» маъносида қўлланганлигини билмай туриб, унинг функционал семантика ҳодисасига кўра кўчган «механизациялашган тўқимачилик корхонаси» маъносини тушуниш мумкин бўлмасди.

Функционал семантика ҳодисасини тўғри тушунмоқ учун, мазкур предмет дастлабки даврларда жамият ёки инсон ҳаётида қандай роль ўйнаганлигини, унинг қандай функция бажарганлигини аниқлаш лозим. Масалан, «тугма» сўзи «Девону луғотит турк»да XI асрда «тугиладиган нарса, боғич» маъносида қўлланган[8]. Кейинчалик эса, фан, техника ва саноат тараққиёти туфайли суяк, садаф, металл, пластмасса ва шу кабилардан одатда думалоқ шаклда, ясси қилиб тайёрланган илгак ҳам тугма деб атала бошланган.

Дастлабки «боғич» маъносидаги **тугма** сўзи билан, ҳозирги лексикамизда қўлланадиган **тугма** сўзи ўртасида биринчи қарашда ҳеч қандай муносабат йўқдек туйилади. Аслини олганда эса, бу ҳар икки предмет айнан бир функцияни адо этади.

Ўқ сўзи дастлаб «ёй — камоннинг отиладиган қисми» маъносида қўлланган. Кейинчалик эса, милтиқ, наган каби қуроллардан отилиб чиқадиган сочмаларни ҳам шу ном билан атала бошлаган. Масалан, *Бир хотин нақ зинага чиққан пайтда, ўқ уни ерга учирди* (Ойбек, Қутлуғ қон). *Немислар ўқ чиқармасдан жадаллаб келмоқда эди* (А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз).

Замбарак, тўп ёки катюша каби оғир ҳарбий қуроллар вужудга келгач, улардан отилиб чиқадиган снарядни ҳам бажарган функция ўхшашлиги туфайли **ўқ** деб атаганлар. Масалан, *Ишчилар ва инженер-техник ходимлар фронтга кўпроқ... **замбарак ўқи**... ясаб беришда куч ва вақтларини аямадилар («Қизил Ўзбекистон»). Мулла Обиддан ўттиз*

---

[6] Қаранг: С. А. Джафаров, Лексика современного озербайджанского языка, автореферат докт. дисс., Баку, 1959, стр. 10; Е. М. Галкина-Федорук, Современный русский язык, Лексика, М., 1954, стр. 55 ва бошқалар.

[7] В. Поржезинский, Введение в языковедение, изд. III, М., 1913, стр. 144.

[8] Маҳмуд Қошғарий, Девону луғотит турк, уч томлик, I том (таржимон ва нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати С. М. Муталлибов), Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960, 460-бет.

метрча нарига бир катта ***тўп ўқи*** *тушиб, қаттиқ товуш чиқариб ёрилади* (А. Қодирий, Обид кетмон).

Маълумки, **қўл** сўзи биринчи навбатда одам елкасидан бошланиб, беш панжа билан тугайдиган органни билдиради (бу — **қўл** сўзининг биринчи, бош маъносидир). Шу бош маънодан синекдоха йўли билан кўчиб, **қўл** сўзи **бармоқ, панжа** маъносида кенг қўлланади: ***Беш қўл*** *баравар эмас* (Мақол). *Қурилиш участкасида... иш тўхтаб, ишчилар кўп вақт* ***ўрта қўл*** *топар ўйнаб ўтиришади* («Муштум»). Шуниси қизиқки, юқорида келтирилган **қўл** товуш комплексининг синекдоха йўли билан юзага келган «бармоқ», «панжа» маъносидан **қўл** сўзининг яна бир янги маъноси вужудга келган.

Октябрь революциясигача кўпчилик халқ оммаси бутунлай саводсиз бўлгани учун бирор расмий ҳужжат ёки қоғозга имзо чекиш ўрнига, ўз бармоғига сиёҳ суртиб, уни босар эди. Шу бармоқнинг изи — имзо вазифасини ўтагани учун уни **қўл,** яъни **имзо** деб атаганлар. Бу маъноннинг юзага келиши ҳам тил қоидалари асосида бўлиб, метонимия йўли билан пайдо бўлгандир. **Қўл** сўзининг метонимия йўли билан кўчган мазкур маъносидан ўз навбатида қалам ёки ручка билан чекиладиган имзо маъноси ажралиб чиққан.

Шуни айтиш керакки, бу икки нарса (бармоқ билан босилган имзо билан ёзув қуроли орқали чекилган имзо) ўртасида ички ёки ташқи кўриниши жиҳатидан ҳеч қандай ўхшашлик йўқ. Лекин у фақат бир томондан, яъни функция ўхшашликлари туфайли **қўл** деб юритилган, бошқача айтганда, ручка ёки қалам орқали чекилган имзо бармоқ орқали босилган шакл вазифасини ўтагани учун ҳам у шундай ном билан аталган. **Қўл** товуш комплексининг функция ўхшашлигига кўра юзага келган маъноси ҳозирги тилимизда жуда кенг қўлланади. Масалан, *Хўжабеков — раис, Саидғози унинг* ***қўл*** *остида юрган бир кичкина одам: у қил деганини қилган, қўй деганини қўйган. Барча ҳужжатларда Хўжабековнинг* ***қўли*** (С. Анорбоев, Оқсой шалолалари). *Энди ўша ариза шаҳарга борса, Охунбобоевга айтиб, менинг* ***қўлимни*** *ўчиртириб қўй* («Қаҳрамонлар», тўплам).

Сиёҳ сўзи аслида форсча бўлиб, қора демакдир. Аммо бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ёзиш учун ишлатиладиган суюқлик маъносида қўлланади. ~~Агар~~ биз тарихий фактларга мурожаат қилар эканмиз, қадимги вақтларда ёзиш учун қора рангли суюқликдан фойдаланилганлигини кўрамиз. Революциядан олдинги қарийб барча қўлёзма асарларнинг қора сиёҳда ёзилганлиги ҳам бу фикрни исботлайди. Кейинчалик эса, сиёҳ гунафша, кўк, қизил, қора, умуман қайси рангда бўлишидан қатъи назар, бажарадиган функцияси бир хил, яъни ёзиш учун ишлатилишга кўра ўша дастлабки ном (сиёҳ) билан юритилаверган.

Умумхалқ тилида кенг қўлланувчи «челак» маъносидаги **пақир** сўзининг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, қизиқ ҳодисанинг гувоҳи бўламиз.

Пақир — тожикча-форсча сўз бўлиб, аслида **мис** демакдир[9]. Билишимизча, дастлабки вақтларда челаклар одатда мисдан ясалганлиги учун, метонимик йўл билан маъно кўчиш қонуниятига кўра **пақир** деб юритилган. Бунда бир предметдан бошқа бир янги предмет вужудга келган ва дастлабки предмет номи кейингисини ифодалаш учун ҳам қўллана бошлаган.

Лекин давр ўтиши билан челакларни мисдан эмас, балки темир, тунукадан ҳам ясай бошлаганлар. Аммо умумхалқ тилида қадимдан

---

[9] Қаранг: А. К. Боровков, Лексика среднеазиатского тефсира XII—XIII вв., М., 1963, стр. 317.

қўлланиб келаётган **пақир** сўзи темир ва ҳоказолардан ясалган челакни ифодалаш учун ҳам сақланиб қолган. Бундай ном кўчишига икки предмет бажарган функциянинг айнан бирлиги, ўхшашлиги сабаб бўлган.

Ўзбек халқи ҳаётидан шу нарса маълумдирки, авваллари кўмиб ёндириш йўли билан ўтиндан махсус равишда тайёрланган ёқилғини **кўмир** деб атар эдилар. Кейинчалик эса, ер қатламида табиий йўл билан ҳосил бўлган қаттиқ ва қора рангли ёқилғини ҳам халқ **кўмир** номи билан юрита бошлади. Бу икки хил нарсанинг бир ном билан юритилишига сабаб ҳам, уларнинг бажарадиган вазифасининг айнан бир хиллигидир.

Функциядошлик ҳодисаси учун юқорида келтирилган тил фактларидан шу нарса сезиладики, бу йўл билан маъно кўчиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, метафора, метонимия ва синекдоха каби бошқа тил ҳодисаларидан фарқ қилади.

Биринчидан, бунда бирор предмет, нарса номи иккинчи предмет, нарса ёки ҳодисага кўчар экан, маънолар метафора, метонимия, синекдоха ҳодисаларидаги сингари поэтик ва лингвистик турларга бўлинмайди, функциядошлик йўли билан кўчган маънолар фақат мустақил маъно бўлиб, яхлит, алоҳида тушунча ифодалайди. Чунки функциядошлик йўли билан бир предмет номи иккинчисига ўтганда, бутунлай бошқа-бошқа тушунча ифодаловчи икки предмет намоён бўлади.

Иккинчидан, функциядошлик ҳодисаси — бошқа тил ҳодисалари, айниқса, метафора сингари — кўп қатор маъноларни вужудга келтирмайди. Бу ҳодисага кўра, бош сўздан одатда бир, айрим ҳолларда эса фақат икки маъно ажралиб чиқади, холос.

Учинчидан, функциядошлик ҳодисасининг бошқа тил ҳодисаларидан энг муҳим фарқи шундаки, бунда бирор янги маъно вужудга келгач, мазкур маънони вужудга келтирган бош сўз, давр ўтиши билан истеъмолдан чиқа бошлайди ва, ҳатто, бутунлай қўлланмай ҳам қолади (масалан, **тугма, пақир** сўзларининг дастлабки бош маъноси ҳозирда сақланмаган). Чунки функциядошлик ҳодисасига кўра юзага келган янги маъно билан шу маънони вужудга келтирган бош сўзнинг ҳар иккиси, юқорида айтиб ўтилганидек, бутунлай бошқа-бошқа тушунчаларни ифодалайди. Шунинг билан бирга, бош сўздан ажралиб чиққан сўнгги маъно фан, техника, умуман жамиятнинг борган сари тараққий этиб бориши, инсон онгининг тобора такомиллашуви туфайли вужудга келадиган бирор янги предмет ёки нарсани ифодалаш учун қўллана бошлайди.

Ўз-ўзидан маълумки, айнан бир функция бажарувчи икки предметнинг жамият учун кўпроқ фойда келтирадиган, қулайроқ, афзалроқ турига эҳтиёж катта бўлиб, замон талабига жавоб бермайдиган эски нарсаларга унчалик ҳожат сезилмайди. Шунинг учун ҳам бу ҳодисага кўра кўчган янги маънолар сақланиб, бош сўз одатда қўлланмай қолади. Юқорида келтирилган тил фактларининг барчаси бу фикрни исботлайди.

Бундан кўринадики, функциядошлик ҳодисасига кўра бирор мустақил маъно вужудга келганда, мазкур маънони вужудга келтирувчи бош сўз ё нисбатан кам қўлланувчи сўзга айланади, ёки бутунлай қўлланмайдиган бўлиб, истеъмолдан чиқиб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, бизнингча, метафора, метонимия ва синекдоха ҳодисалари билан бир қаторда, функциядошлик ҳодисаси ҳам кўчма маъноларни вужудга келтирувчи восита сифатида қаралиши керак. Функциядошлик ҳодисаси полисемантик сўзларнинг вужудга келишида ўзига хос ўрин тутади.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

ТУРСУН СОБИРОВ

филология фанлари кандидати

ДРАМАТУРГИЯ ВА ТЕАТР

Маълумки, драматургия ва театр санъати ўз имкониятлари ва омма билан сўзлашиш манераси эътибори билан коммунистик идеологиянинг жанговар отрядларидан биридир. Драматургия ва театр халқ учун, замон учун хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳол бадиий ижоднинг биринчи даражали бурчидир. Бу муқаддас бурчни бажариш учун, энг аввало, театрлар репертуарининг изчиллигига, тўғри танланишига, драматургиямизда вужудга келаётган асарларнинг ғоявий-бадиий савиясига жиддий эътибор бериш талаб қилинади.

Ўзбек драматургиясининг ҳозирги аҳволи, чунончи, унинг ютуқ ва камчиликлари адабиётшунослар ва театршунослар эътиборини ўзига жалб этиши лозим. Чунки бу борада эришган муваффақиятларимиз ва йўл қўйган нуқсонларимизни бекаму кўст таҳлил қилиб олиб, янги истиқбол сари дадил қадам ташлашимиз зарур.

Шу жиҳатдан қараганда, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг драматургия масалаларини кўздан кечириш мақсадида ўз саҳифаларида мунозара ва муҳокамага ўрин бериши — таҳсинга лойиқ ишдир. Ўзбек драматургиясининг баъзи масалалари ҳақида Бердиали Имомов, Муҳсин Алиев мазкур журналда ўз мақолалари билан қатнашдилар. Уларнинг диққат-эътиборини партия XX съездидан сўнгги ўзбек драматургиясининг аҳволи масалалари ўзига тортади. Драматик ижоднинг ҳозирги даврига мурожаат этиш, китобхонлар ва томошабинлар томонидан эътироф этилган пьесаларни таҳлил қилиш — фойдадан холи эмас, албатта.

Фикримизча, Б. Имомов, М. Алиев мақолаларида драматургия назарияси ва практикасига оид ижобий фикрлар мавжуд. Аммо авторлар ўз эътиборларини кўпроқ матбуот ва адабиётшуносликда озмиқўпми ўз баҳосини олган ва жамоатчилик томонидан ғоявий-бадиий қиммати белгиланган асарларни таҳлил қилишга қаратадилар. Бу ўринда «Ҳуррият», «Имон», «Қонли сароб», «Тошболта ошиқ», «Кимга тўй, кимга аза», «Мирзо Улуғбек» сингари пьесаларни кўзда тутамиз. Бундай асарлар ҳақида қайта-қайта фикр юритиш улар тўғрисидаги баҳони янада пухта ва аниқ қилишга ёрдам бериши мумкин. Бунга қарши эмасмиз, аммо драматургиямизда юз бераётган умумий аҳволни атрофлича кузатмаслик ҳоллари бизни таажжублантиради. Б. Имомов ўзининг «Ғоявийлик, маҳорат ва танқид»[1] деган мақоласида: «Конфликтсиз драматургия яратиш излари Шукур Саъдулланинг «Икки билагузук», Ҳамид Ғуломнинг «Ўғил уйлантириш» каби асарларида ҳам мавжуддир. Бироқ танқидчиларимиз бу ҳақда нечукдир сукут сақламоқ-

[1] «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 5-сон.

далар» деган фикрни олға суради. Мақола автори номлари зикр этилган асарлар ва бошқалар ҳақида фикр юритиш лозим деган тўғри хулосага келади-ю, аммо ўзи ҳам нима учундир бу ғоят зарур вазифани четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

Бизнингча, адабий ва театр танқидчилиги олдида турган энг муҳим вазифа — ўз вақтида ҳар бир асарга принципиал муносабат билдиришдир. Шу жиҳатдан қараганда танқидчилигимиз маълум даражада оқсаётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам биз драматургиямизнинг ҳозирги аҳволи ҳақидаги ўз мулоҳазаларимизни қисқача бўлсада баён этишни истар эдик.

Республикамиз театрлари репертуарига назар ташлар эканмиз, сўнгги йилларда театр санъати соҳасида маълум ютуқларга эришганлигимиз очиқ сезилиб туради. Ҳамза театри саҳнасида қўйилган «Шубҳа», «Қотил», «Номаълум киши», «Қонли сароб», «Сарвиқомат дилбарим», шунингдек, Муқимий театри томошабинларга тақдим этган «Кимга тўй, кимга аза», Хоразм область театрининг «Шикоятга ўрин йўқ» спектакллари бунинг гувоҳидир. Шуниси муҳимки, сўнгги йилларда яратилаётган спектакллар ичида ҳам драматик, ҳам саҳна жиҳатидан анча пухта ишланган асарлар мавжуд бўлиб, улар драматургия ва театр санъатимиз тараққиётига қўшилган ижобий ҳиссалардир.

«Қонли сароб», «Қотил», «Сарвиқомат дилбарим» сингари спектакллар ғоявий мазмунининг теранлиги, бадиий қимматининг юксаклиги билан бир қаторда режиссурасининг оригиналлиги, мукаммаллиги билан, шунингдек, артистлар ижросининг етуклиги, таъсирчанлиги билан томошабинларнинг диққат-эътиборига, ҳурмат ва олқишига сазовор бўлди. Шунинг билан бирга, улар санъаткорларимиз ҳақиқий ижодий изланиш йўлидан дадил борсалар драматургия ва театр тараққиёти соҳасида янгидан-янги ютуқларга эришишимиз мумкин ва муқаррар эканлигини яққол намойиш қилди.

Афсуски, эришаётган муваффақиятларимиз билан бир қаторда ҳали ишимизда жиддий нуқсонлар ҳам мавжуддир. Улар ҳақида индамаслик ёки хас-пўшлаб ўтиш замон талабларига лоқайд қарашнинг худди ўзгинасидир.

Кейинги пайтларда драматик асарлар, спектакллар олдига қўйилиши лозим бўлган талаб анча сусайтириб юборилаётганлиги натижасида ғоявий-бадиий жиҳатдан пишиб етилмаган, на адабиётга, на санъатга бирор янгилик қўшолмайдиган пьесалар саҳналаримиздан ўзига ўрин эгаллаб келмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида Ф. Хўжаевнинг «Булутлар тарқалса» (Ҳамза театри), Рамз Бобожоннинг «Зуҳранинг мактублари» (Муқимий театри) каби пьесаларини қайд этиш кифоядир. Бу асарларда совет воқелиги кўп жиҳатдан бузиб кўрсатилган.

Жамоатчилик давримиз руҳига ёт бўлган бундай асарларга қарши кескин кураш олиб борди, уларда йўл қўйилган ғоявий хато ва нуқсонларни аёвсиз равишда фош этиб ташлади. Бундай пьеса ва спектакллар-нинг театрларимиз репертуаридан чиқариб ташланганлиги — жамоатчиликнинг драматургия ва театрнинг ғоявий соғломлиги, бадиий етуклиги учун олиб борган ҳаққоний курашининг самарасидир.

Драматургия ва театр соҳасига назар ташлар эканмиз, давримиз талаблари даражасига кўтарила олмайдиган ғоявий-бадиий жиҳатдан суюқ ва сийқа асарларнинг саҳнамиздан кенг ўрин эгаллаб келаётганлиги таажжубли ҳолдир.

Ҳамид Ғуломнинг «Ўғил уйлантириш» (Муқимий театри), Я. Маматхоновнинг «Мели хобону Наби товон» (Фарғона область театри), Енғин Мирзанинг «Бир ғунча очилгунча» (Хоразм область театри) каби

пьесалари драматургия ва театрларимизнинг сўнгги йиллардаги маҳсули бўлсалар ҳам, аммо уларда давримиз руҳи, халқимизнинг яратувчилик қудрати ўз ифодасини топа олган эмас.

Бадиий ижоднинг асосий вазифаси — кенг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашда юксак даражада яратилган бадиий образлар, фалсафий-ахлоқий умумлашмалар ёрдами билан партияга яқиндан ёрдам кўрсатишдан иборат.

Афсуски, юқорида қайд этилган асарларда мана шу руҳ, мана шу эҳтирос, мана шу пафос кўзга ташланмайди. Аксинча, улуғ замонамизда яшаётган оддий кишилар даражасига кўтарила олмаган «образ»лар юқори дидли, фаросатли томошабинларнинг ғашини келтиради. Улуғ М. Горький сўз санъаткорларига ҳар гал мурожаат этганда, адабий факт оддий фактдан тамомила устун туради; у ўзида юзлаб фактларни умумлаштиради ва ёзувчи тафаккурининг нури билан янада жилоланади, деб таълим берар эди.

«Ўғил уйлантириш», «Мели хобону Наби товон», «Бир ғунча очилгунча» каби спектаклларни кўрганда томошабин таажжубланиши шубҳасиз. Уларда акс этган воқеалар, яратилган «образ»лар қайси жиҳати билан адабиёт ва санъат тараққиётига ҳисса қўша олади ёки ижтимоий ва шахсий ҳаётда қандай роль ўйнайди, деб ўз-ўзига сўроқ беради ва салбий жавоб олади.

Ҳамид Ғуломнинг «Ўғил уйлантириш» пьесаси тема эътибори билан зарур асар. Унда эскилик сарқитлари мавжуд бўлган шароитда барча соҳалар каби ўғил уйлантириш бобида ҳам жуда кўп қийинчиликлар келиб чиқаётганлиги танқид қилинмоқчи бўлади. Авторнинг мақсад ва ўз олдига қўйган вазифасининг нақадар олижаноб эканлиги равшан. Афсуски, бу яхши ният — ниятлигича қолган, у асарда акс эттирилган воқеаларда ва иштирок этган образлар фаолиятида ўз ифодасини топа олмаган.

Пьесада марказий ўрин эгаллаши лозим бўлган бош масала — ўғил уйлантиришдаги эскича урф-одатларнинг зарарли моҳиятини фош қилиш, шу муносабат билан томошабинларни янгича социалистик урф-одатларга риоя қилишга даъват этиш ёзувчининг диққат-эътиборидан тушиб қолади. Асарнинг кўп қисмини Норхўжанинг тантиқ, бемаъни ўғли — Бозорхўжанинг институтга кириш, ичкиликбозлик, йўқолиб қолиш воқеалари эгаллайди. Спектаклнинг бош қаҳрамонлари сифатида ҳаракат қилишлари зарур бўлган Аҳмадали ва Нишонанинг тақдири, ўз бахт-саодати учун эскиликка қарши аёвсиз кураши ёрдамчи воқеаларнинг соясида қолиб кетади. Бугина эмас, томошабин на Аҳмадали, на Нишонанинг бирор жиддий тўсиққа учраётганлигини ҳам ҳис этиш имкониятига эга эмас. Улар фақат автор кўнглида мавжуд бўлган, аммо ҳали асарга кўчмаган қаршиликкагина «дуч» келадилар. Саҳнада эса қўл ушлашиб, бемалол учрашаверадилар, бошлашиб юра берадилар. На Нишонанинг отаси Норхўжанинг, на онаси Хадичанинг жиддий эътирозига рўбарў келадилар.

Эскиликка қарши кураш темасининг ўзи эскилик билан янгилик ўртасидаги муросасиз курашни акс эттиришни талаб қилади. Пьесада эса на конфликт, на ҳақиқий кураш бор. Айрим-айрим, бир-бирига узвий боғланмаган эпизодлар, авторнинг истаги бўйича ҳаракат қилувчи «образ»лар спектакль ғоясини тўлиқ ифодалашга, томошабинларда қаламга олинган тема ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам В. Г. Белинский ўз вақтида «...фақат узвий нарсагина ўз замиридан ривож топади ва фақат ўз замиридан ривож топган нарсагина айрим-айрим қисмлари мутаносиб равишда бирга қўшил-

ган ва умумий бир нарсага бўйсундирилган мукаммал ва алоҳида шаклдан иборат бўлади...»[2] деб ёзган эди.

Мана шу нуқтаи назар билан «Мели хобону Наби товон», «Бир ғунча очилгунча» асарларини кўздан кечирар эканмиз, уларнинг адабиёт ва санъат талабларидан йироқ эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Драматургия ва театр санъатида мавжуд бўлган бундай аҳвол — театр танқидчилигининг савияси билан ҳам боғлиқдир. Айрим мақолалар, тақризларни мустасно қилганда, бизда театр танқидчилигининг аҳволи оғир, савияси паст.

Театр танқидчилигининг принципиал партиявий позицияда туриш ўрнига «Зуҳранинг мактублари» спектакли ва пьесаси ҳақида эълон қилинган, ғоявий-сиёсий чалкашликларга йўл қўйилган мақола ва тақризлар ғоят характерлидир. Биз бу ўринда Туроб Тўланинг «Лўли қиз қиссаси», Ю. Карасевнинг «В Московском и Ташкентском», А. Қаюмовнинг «Драматургия, театр ва ҳаёт», Б. Ғуломовнинг мақола ва тақризларини назарда тутаяпмиз.

Рамз Бобожон «Зуҳранинг мактублари»да социалистик мусобақа масаласини кўтариб чиқиш ва шу орқали совет кишилари характерини чизиб беришни мақсад қилиб олади. Кўриниб турибдики, мақсад ёмон эмас, аммо унинг бадиий ифодаланиши қўпол ғоявий хатоларга олиб келган. Пьесада «Янги йўл» колхозида ишловчи бир гуруҳ лўлилар социалистик мусобақа натижаларини текшириш учун қўшни ўзбек колхозига яширин йўл билан келадилар. Авторнинг таъбирича, улар ишни тўғри йўл билан эмас, балки «лўлича» йўл билан бошлайдилар.

Пьесада социалистик мусобақани автор ўйлаганча тасвирлаш тўғридан-тўғри совет воқелигини бузиб кўрсатиш ва жамоатчиликни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Асарда йўл қўйилган мана шу хато жамоатчилик фикри билан тасдиқ этилгандан сўнг спектакль саҳнадан олиб ташланган эди. Шунга қарамай, мақола ва тақриз авторлари ўзларининг субъектив фикрлари билан жамоатчилик фикрини йўққа чиқаришга, ғоявий жиҳатдан давримиз руҳига ёт фикрларни тарғиб этувчи асарни қўллаб-қувватлашга, қандай восита билан бўлмасин, унга йўл очишга интилдилар. «Ўзбекистон маданияти» газетасининг бундай мақола ва тақризларга ўз саҳифасидан алоҳида ўрин бериб қўйиши, кишини таажжублантиради.

Кейинги пайтларда театрларимиз репертуарида Шукрулланинг «Хатарли йўл», З. Фатхуллиннинг «Ёшликда берган кўнгил...» пьесалари асосида яратилган спектакллар пайдо бўлди. Бу асарлар ҳақида ҳам матбуотда бирмунча фикрлар баён қилинди. «Ўзбекистон маданияти» газетасида босилган М. Қўшжонов ва Б. Ғуломовнинг «Хатарли йўл», М. Қодировнинг «Ёшликда берган кўнгил...» спектакллари ҳақидаги тақризлари абстракт равишда ёзилган. Ҳар икки спектакль асоссиз равишда мақталади, уларнинг ғоявий-бадиий қиммати сохталаштирилади.

«Хатарли йўл», «Ёшликда берган кўнгил...» пьесалари Уйғун драматургиясида мавжуд бўлган тема ва образлар («Навбаҳор», «Шубҳа») ни қайта такрорлайди. Бу спектакларга ёзилган мазкур тақризларни ўқиб чиққач, уларнинг муваффақияти нима-ю, нуқсони нималиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида Б. Имомов, М. Алиевнинг айрим драматик асарлар ҳақида билдирган мулo-

---

[2] В. Г. Белинский, Мақолалар, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, 153-бет.

ҳазалари юзасидан ҳам баъзи фикрларни айтишга тўғри келади. Б. Имомовнинг «Партия XX съездидан кейинги йиллар ўзбек драматургияси»[3], М. Алиевнинг «Партия XX съездидан кейинги драматик асарлар маҳсули»[4] сарлавҳали мақолаларида М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси ҳақида фикр юритилиб, унда тарихий давр тўлатўкис кўрсатилади, деган тезис олдинга сурилади. Бу ўринда авторлар асарнинг қайси варианти ҳақида фикр юритаётганларини очиқ айтмайдилар. Ғап журналда босилган адабий вариант ҳақидами ёки Ҳамза театрида қўйилган саҳна варианти устидами, билиб бўлмайди. Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи драматургия секциясида, Ҳамза театри бадиий советида ўтказилган муҳокамада пьеса ва спектаклнинг энг асосий нуқсони унда акс эттирилган даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни атрофлича кўрсатиб бера олинмаслигида, деб қайд этилган эди; улуғ мутафаккир, адолатли ҳукмрон Улуғбекнинг энг ашаддий ғоявий душмани — Хўжа Аҳрор вали асар воқеаларидан четда қолган эди. Шунинг учун ҳам пьесада юзага келган кучли драматизм зиндон саҳнасидан сўнг анчамунча сўниб борарди. Бу ҳолни пайқаган катта санъаткор М. Шайхзода «Улуғбек юлдузи сценарийсида шу тахлитдаги нуқсонларни бартараф қилишга жиддий киришди.

М. Алиев ўз мақоласида Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» пьесасидаги кўп ижобий томонларни тўғри қайд қила туриб, асардаги баъзи масалалар ҳақида нотўғри хулоса чиқаришга журъат этади. «Асарда,— деб ёзади у, — ижобий қаҳрамон йўқ, зотан бу асарга ижобий қаҳрамон киритиш ҳам пьесанинг ғоявий йўналишига путур етказар, мазмунига ҳам, шаклига ҳам мос тушмас эди»[5]. Авторнинг бу хилдаги фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки пьесада мавжуд бўлган образлардан: Ақиқанинг тақдири ва унинг ҳақиқат ва озодлик учун курашининг биргина ўзи пьесада ижобий қаҳрамон мавжудлигини ва бўлиши зарурлигини яққол кўрсатиб турибди. Ақиқа — покиза ва мусаффо қалб ва иффат эгаси. Аммо унинг бу қимматбаҳо инсоний фазилатлари ватанпурушлар томонидан арзон баҳога, чор-ночор турмуш кечириш учун қурбон этилади. Асар композициясининг мураккаблиги туфайли қийин воситалар йўли билан пьесага киритилган Муяссар образи — салбий қаҳрамонми?! Йўқ! Автор имконияти борича ўз асарига ижобий кучларни киритишга ва улар орқали салбий кучнинг мунофиқлигини фош этишга ҳаракат қилган. Бу жиҳатдан драмадаги Фиғоний образи ва унинг такомили ҳақида жиддий ўйлаб кўриш, мулоҳаза билдириш танқидчилигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Адабий ва театр танқидчилиги ишимиздаги ютуқларни фахр билан тарғиб қилиш билан бирга, мавжуд бўлган хато ва нуқсонларга ҳам дадил ва муросасиз муносабатда бўлиши лозим. Танқидчиликнинг диққат марказида ҳамиша М. Горькийнинг «Санъатнинг қиммати сон билан эмас, сифат билан ўлчанади»[6], шунингдек ёзувчига «Танқидчилик нимадир ўргатиши керак»[7] деган қимматли фикрлари туриши лозим.

Ўзбек драматургияси ва санъати олдида катта вазифалар турибди. Шу вақтга қадар замонавий темада саҳнамизда қўйилиб келаётган «Ишқинг билан», «Икки билагузук», «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш», «Ёшликда берган кўнгил», «Мели хобону Наби товон», «Бир ғунча очилгунча» каби музикали драма ва комедиялар замон ва халқ талабига жавоб бера олмайди.

---

[3] «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 2-сон.
[4] Шу журнал, 1965, 4-сон.
[5] Шу журнал, ўша сон, 8-бет.
[6] М. Горький, Мақолалар, Тошкент, Ўзадабиётнашр, 1962, 290-бет.
[7] Шу китоб, 329-бет.

Ҳозирги кундаги адабиётшунослигимизда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири, шубҳасиз, комедия жанрининг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишдир. Биз «Замонавийлик ва ўзбек совет драматургияси»[8] сарлавҳали мақоламизда: «... комедия асарлари яратиш соҳасида йўл қўйилаётган жиддий ва асосий нуқсонлардан бири — ҳар қандай драматик асарни ҳам комедия деб аташ одати ҳанузгача давом этиб келаётганлигидир. Ҳамид Ғуломнинг «Фарғона ҳикояси», Рамз Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» пьесаларини тўғридан-тўғри комедия деб атайдилар. Ваҳоланки, бу асарлар ўзларида комедия жанрига хос бўлган кўп компонентларга эга эмаслар. Улардаги баъзи комик ҳолатлар драмада ҳам, трагедияда ҳам бемалол учраши мумкин. «Тоға-жиянлар» пьесасидаги Соқижон билан Боқижон ўртасидаги комик муносабатлар асарга қувноқлик ва хушчақчақлик бағишлайди, холос. Ёки «Фарғона ҳикояси»даги Кичкинахўжа Қаттахўжаев билан Маҳмудхон ўртасидаги ҳазиломуз мусоҳабалар бу пьесани комедия дейишга асос бўла оладими?! Йўқ, улар асарни комик элементлар билан бойитишга ёрдам беради, холос», деган мулоҳазаларни олдинга сурганмиз.

Назаримизда, фақат ёзувчилар ўртасидагина эмас, балки адабиётшунослар орасида ҳам комедия жанрининг ўзига хос жанрий хусусиятларини тўла ҳисобга олмовчи кишилар топилиб қоладиган ўхшайди. Бу жиҳатдан, Бердиали Имомовнинг «XX съезддан кейинги йиллар драматургияси» сарлавҳали мақоласида «янгилик» ахтаришга уриниб билдирган фикрлари характерлидир. Авторнинг таъкидлашича, асар қаҳрамони Меҳмонхўжаев «...кишиларни англашга, уларнинг сўзига эътибор беришга, ким ҳақ, ким ноҳақлиги ҳамда у ишнинг сифати тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур бўлади. Шулар асарнинг комедиялигини таъминлайдиган бош омилдир»[9].

Комедия жанрининг назарий масалалари етарли ва пухта ишлаб чиқилмаганлиги ўзбек драматургиясида комик асарларнинг сон ва сифат жиҳатидан камол топишига салбий таъсир кўрсатиб келаётир.

В. Г. Белинский адабиёт ва санъат жанрлари орасига Хитой деворини қўймоқчи бўлган кишилар устидан кулган эди. Бу ҳол воқеа ва характер талабидан, санъаткорнинг ижодий манерасидан келиб чиқиб, бир жанрнинг ўзида бошқа жанрлар элементларини ташиб юриш мумкин эканлигини тасдиқлайди. Адабий жанрлар тарихий давр ва адабий жараён таъсири остида ривожланиши ўз-ўзидан табиийдир. Бу фикрни айтиш донолик аломати эмас. Энг муҳими шундаки, аввало, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат, бу масаладаги бош омил нимада кўринади — шуларнинг фарқига етиб олишдир. «Тоға-жиянлар» пьесасининг қадр-қимматини тўлиқ эътироф этган ҳолда, биз бу асарни комедия эмас, балки драма деб атадик. Чунки Б. Имомов қайд этган гаплар асарни комедия деб аташ учун бош омил бўла олмайди. Бунга сабаб, асар замирида ётган воқеалардаги комик ҳолат ҳам, бош қаҳрамонлар характеридаги комик табиат ҳам асосий ўринни эгалламаслигидир.

Юқорида баён қилинган фикрлардан ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари комедия жанрининг назарий масалалари билан жиддий шуғулланишлари лозим, деган хулоса келиб чиқади.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларида драматик конфликт бобида ҳам бирмунча фикрлар билдирилди. Улар ҳақида мунозара ва муҳокамага киришиш бизнинг галдаги вазифамиздир.

---

[8] «Шарқ юлдузи», 1963, 9-сон.
[9] «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 2-сон, 11-бет.

МУҲОКАМА ВА МУНОЗАРА

С. Ф. АКОБИРОВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИДА ҚЎШМА СЎЗЛАР

Сўнгги вақтларда ўзбек лексикографлари орасида қўшма сўзларни, қўшиб ёки ажратиб ёзилишидан қатъи назар, луғатларда содда сўзлар қатори алфавит тартибида бериш зарур, деган фикр майдонга келди. Бу ҳақда А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзларнинг берилиши масаласи», деган махсус мақоласи ушбу журналнинг шу йилги 2-сонида муноза́ра тарзида эълон қилинди[1].

«Мақола»да «қўшма сўзлар масаласи кўпчилик туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида назарий жиҳатдан тўла ўрганилмаган»лиги эътироф этилгани ҳолда, бу масала изоҳли луғат тузиш процессида йўл-йўлакай ҳал бўлиб кетадиган анчаики бир практик масала қилиб қўйилади.

«Мақола» автори туркий тиллар луғатларида қўшма сўзларнинг ўз компонентларидан бири мақоласида (яъни уяда) берилишини «чалкашлик» ҳисоблаб, бунинг «асоси... биринчидан, бу тилларнинг кўпчилигида... қўшма сўзларнинг чегараси (қўшма сўзнинг сўз бирикмасидан ва содда сўздан фарқи) аниқ белгилаб олинмаганлигида, иккинчидан, туркий тиллар орфографиясида шу вақтга қадар ҳал этилмаган масалалардан бири қўшма сўз масаласидир», деб таъкидлайди. Айни замонда изоҳли луғат тузувчиларидан қўшма сўз билан сўз бирикмасини фарқлаб беришни талаб қилади. Ваҳоланки, қўшма сўзлар билан махсус шуғулланган тилшунослар ҳам бу масалага ҳали етарли аниқлик кирита олганлари йўқ. Буни «Мақола» авторининг ўзи ҳам эътироф этади. «Шу вақтгача нашр этилган имло луғатларида, — деб ёзади у,— қўшма сўзларни сўз бирикмалари билан аралаштириб юбориш ҳолатлари бор. Имло луғатларида, ҳатто, баъзи сўз бирикмалари ҳам қўшма сўзлар қаторига киритилиб, уларни қўшиб ёзиш тавсия этилади».

Б. Мадалиевнинг ўзбек тилидаги қўшма сўзларга бағишланган махсус диссертациясида қўшма сўзлар имлосининг четлаб ўтилиши сабаби ҳам қўшма сўз билан сўз бирикмасини чегаралашнинг қийинлигида бўлса керак. Ниҳоят, А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар» номли махсус иши нашр этилгандан кейин ҳам қўшма сўзлар имлосидаги чалкашликлар бартараф бўлди, деб айтиш жуда қийин.

Янги имло қоидалари жорий этилгандан кейинги имло луғатларига келсак, уларда, ҳатто, асрлар бўйи ишлатилиши натижасида ҳозир бир сўз ҳолига келган **ойболдоқ, ойболта, оқсоч, оқсоқол, оқсуяк, оққуш, номозшомгул, шакарпалак, қизилўнгач, баргикарам, дуторбўйин, итбалиқ**[2] сингари қўшма сўзларнинг берилишида ҳам изчиллик йўқлиги сезилиб туради. Чунончи, С. Иброҳимов ва М. Раҳмоновнинг 1956 йилда нашр этилган «Ўзбек адабий тилининг имло луғати»да **қовунқоқи** — қўшиб ёзилган, **шафтоли қоқи** — ажратиб ёзилган, **олма қоқи** (ёки **олмақоқи?**) — берилмаган. С. Иброҳимовнинг 1962 йили нашр қилинган «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати»да эса, **қовунқоқи** — қўшиб ёзилган, **олмақоқи, шафтолиқоқи** — берилмаган; **бўтакўз, дуторбўйин** — қўшиб ёзилган, **кўй кўз** — ажратиб ёзилган; **хуснбузар** — қўшиб ёзилган; **ишёқмас** ажратиб ёзилган; **сарвиқомат** (ёки **сарви қомат?**), **заҳа кўз** (ёки **заҳакўз?**) — берилмаган ва ҳ. к.

Ҳозирги кунда ўзбек тили сўз бирикмаларининг янгидан-янги типлари билан узлуксиз бойиб бормоқда. Улар негизида ўзбек тилида кўплаб қўшма сўзлар юзага келмоқда. Чунончи, **сўз боши, уч бурчак, кўп ёқли, олов қалбли, чўл қувар, умум Европа, кўп станокчи, авто пойга, авиа чана, ишлаб чиқариш** ва ҳ. к. Бундай сўзлар, кўпинча, текширувчилар эътиборидан четда қолади, имло луғатларига киритилмайди. Ваҳоланки, илмодаги чалкашликлар, асосан, шу типдаги сўзлар билан боғлиқ. Масалан, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1964 йил 2 октябрь сонида **кўп, минг, килограммчи** сўзларидан тузилган бирикма **кўпминг килограммчи** тарзида ёзилган, **фото элемент, ультра бинафша** ажратиб ёзил-

[1] Бундан кейин текстда ушбу мақолани қисқача «Мақола» деб юритамиз.

[2] Мисоллар «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати»дан олинган, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1962.

ган. Худди шу типдаги **кўпмингчи, ультрақизил** сўзлари Ф. Абдуллаевнинг «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида»[3] номли мақоласида қўшиб ёзилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбек тилида композиция йўли билан сўз ясаш доираснинг тобора кенгайиб бориши туфайли ўзбек тилшунослигини қўшма сўзларнинг чегарасига, имлосига оид масалалар алоҳида актуаллик касб этади. Изоҳли луғат, айниқса, нормативлуғат, бу масалаларни четлаб ўта олмайди. Лекин буларни илмий асосда чуқур ўрганиш ўрнига изоҳли луғатда қўшма сўзларни эмпирик равишда қайд этиш билан чекланиш масалага юзаки қараш бўлур эди.

Хуллас, қўшма сўзлар билан боғлиқ бўлган масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмай туриб, уларни объектив ҳал этиш қийин. Шундай текширишлар натижасида қўшма сўзларнинг махсус имло луғати яратилиши керак. Бусиз изоҳли луғатда қўшма сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш ҳақидаги талаб қўшма сўзлар имлосини янада чалкаштиришдан, ўринсиз тортишув ва мунозаралардан бошқа натижа бермайди.

Дарҳақиқат, «Имло луғати»[4] да **уч бурчак, сўз боши, ишлаб чиқариш** кабиларнинг йўқлиги шу типдаги бирикмаларни қўшма сўз ҳисобламаслик учун асос бўла оладими? Ёки, аксинча, **иш ёқмас, қўй кўз, бир жинсли** кабиларнинг берилиши ва ажратиб ёзилиши, **еб тўймас, тек турмас, борса келмас, тепса тебранмас, эчки соқол, қирғий бурун, кўп ўринли, уч хонали** каби сўзларни ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар деб қараш ҳуқуқини бера оладими? У ҳолда нима учун шу луғатнинг ўзида **дуторбўйин** қўшиб ёзилган?

Мазкур «Имло луғати»да **бир мири** ажратиб ёзилган. Агар шунга кўр-кўрона эргашиб, **бир мири** қўшма сўз ҳисобланса, изоҳли луғатда **бир пул, уч пул, тўққиз пул, бир пақир** кабиларни ҳам бош сўз қилиб бериш керак бўлади. Ваҳоланки, булар қўшма сўз эмас (таққосланг: **бир тийин, икки танга, уч сўм** ва ҳ. к.).

Изоҳли луғат тузиш процессида бундай муаммолар ҳар қадамда учрайди. Бинобарин, изоҳли луғатда қўшма сўз билан сўз бирикмасини фарқлаб бериш ҳақидаги талаб тузувчиларни чалғитишдан бошқа нарса эмас. Умуман олганда, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни бош сўз сифатида қайд этиш изоҳли луғат вазифасига кирмайди ҳам. Биз бу ўринда А. А. Оруджовнинг «Қўшма сўз типларини ўрганиш лексикографнинг иши эмас, албатта, унинг вазифаси аввало бундай сўзларнинг компонентлари қўшилиб, бир сўз ҳолига келганми, йўқми?— ана шуни аниқлаш билан чекланади»[5], деган фикрига батамом қўшилишамиз. Шунинг учун ҳам, изоҳли луғатда фақат бир сўз ҳолига келган қўшма сўзларни бош сўз қилиб бериш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблаймиз. Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни сўз бирикмалари қатори уяда бериш бош сўзнинг бошқа сўзлар билан бирикиш ва қўшма сўз ясаш хусусиятини кўрсатиш нуқтаи назардан ҳам қулайдир.

Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш принципи, ҳатто сўзлар жуда чеклаб танланган тақдирда ҳам, луғатнинг ҳажмини ғоят кенгайтириб юборади, чунки тилда қўшма сўзлар беҳад кўп. Бу ҳол айниқса тузилаётган луғат учун муҳимдир, чунки, луғатнинг ҳажми чекланган ҳолда, қўшма сўзлар ҳисобига луғат мақолаларининг сонини ошираверишу ларнинг ички имкониятларини камайтиради.

Қўшма сўзлар компонентларидан бири мақоласи ичида берилганда, ҳамма қўшма сўзларни келтириш ва изоҳлаш шарт эмас, чунки, биринчидан, қўшма сўзларнинг маъноси кўпинча компонентлари маъносидан англашилади, иккинчидан, кўпчилик қўшма сўзлар терминдир ва уларни изоҳлаш филология луғатининг вазифасига кирмайди. Масалан, **чумчуқ** мақоласи ичида **ер чумчуқ, дала чумчуқ** каби терминлардан бирортаси берилмаса ҳам, «Луғат»нинг сифатига путур етмайди. Бундай терминларни тушунтириш терминология луғатининг вазифасидир.

Бош сўзи иштирокида ясалган **иш боши, карвон боши, сўз боши, бош сўз** кабиларга келсак, бу сўзлар қўшиб ёзилгани тақдирда ҳам, «Луғат»га маълум асосларда танлаб киритилган бўлур эди. Дарҳақиқат, **кам** сўзи иштирокида ясалган ва жорий имло қоидаларига мувофиқ қўшиб ёзиладиган **камсув, камгап, камтуз** каби сўзларни олайлик. Бундай сўзлар тилда беҳисоб кўп. Агар уларнинг ҳаммаси олинаверса, «Луғат»да туб сўзларга ўрин қолмайди. Бундай сўзлардан «Луғат»га кенг қўлланиладиганлари (**камгап, камҳафсала**) ёки маъноси компонентлар маъносидан англашилмайдиганлари (**камдийдор**) киритилса, кифоя.

Ҳозирги замон лексикографиясида ҳамма ясама сўзларни ҳисобга олиш учун турли восита ва усуллар мавжуд. Чунончи, **кам** сўзининг мақоласида бош сўзнинг қўшма сўз ясаш функцияси алоҳида кўрсатилса, **камтуз, камгап, камсув** каби сўзларни бош сўз қилиб беришга эҳтиёж қолмайди. Бундай усуллардан кенг фойдаланиш луғат мақолаларини ҳам, луғатларнинг ўзини ҳам ихчамлаштиради.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, «Мақола»да изоҳор қилинган мулоҳазалар-

---

[3] Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 3-сон, 49-бет.

[4] Бу ўринда ва бундан буён «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати» кўзда тутилади.

[5] А. А. Оруджев, Теоретическое обоснование к толковому словарю азербайджанского языка, автореферат докторской диссертации, Баку, 1962, стр. 22.

ни асослаш учун, баъзан, ҳақиқатга хилоф далиллардан фойдаланилган. Чунончи, тузилаётган луғат қўлланмасида **бош-оёқ, уст-бош, кийим-бош** каби жуфт сўзлар компонентларидан бирининг мақоласида берилади, деган қоида йўқ[6]. Шунингдек, бу луғат ўзбек тилининг умумий филологик луғати бўлгани учун, тилнинг барча фразеологик бойлигини акс эттириш вазифасини ҳам қўймайди. Бинобарин, луғат мақолалари «Луғат»дан фойдаланишни қийинлаштирадиган даражада катта бўлиб кетади, деган даъвони ўринли деб бўлмайди.

Ўзбек тилида кўпгина қўшма сўзларнинг компонентлари айни замонда эркин ёки барқарор сўз бирикмаси ҳам ясайди. С. Иброҳимов ва М. Раҳмоновнинг «Ўзбек адабий тилининг имло луғати»да **оқсоқол** ва **оқ соқол**, **оқсов** ва **оқ соч** кабиларнинг алоҳида-алоҳида берилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу ҳақда А. Ғуломовнинг «Ўзбек тили морфологиясига кириш» номли ишида қуйидагиларни ўқиймиз: **«оқ** (сифат) ва **қовун** (от) сўзларининг қўшилиши қовуннинг маълум бир тури маъносини беради ва қўшма сўз бўлади (оқ тусдаги ҳамма қовун оқ қовун дейилавермайди), **қорақурт** (бир хил заҳарли ҳашаротнинг оти). Қора рангдаги ҳамма ҳашарот **қора қурт** бўлавермайди, у ҳолда сўз бирикмаси билан ифодаланади: **қора қурт** (қора тусдаги ҳамма қурт), **қуштили** (бир хил овқатнинг номи), **томорқа** (маълум ер участкаси)»[7].

Ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар изоҳли луғатда алфавит тартибида берилган тақдирда бундай сўзларнинг эркин ёки барқарор бирикма сифатидаги маъноларини ҳисобга олиш керакми ёки йўқми, деган савол туғилади. Агар «керак» деб қўйилса, қўшма сўз мақоласида компонентлардан бирининг мақоласи маълум даражада тақрорланади. Агар «кераги йўқ» деб қўйилса, у ҳолда «Луғат»нинг профили ноаниқлашади, яъни у умумий филологик, терминологик ва фразеологик луғатларнинг қандайдир қоришмасига айланиб қолади, чунки бу ҳолда қўшма сўзнинг фақат терминологик ёки фразеологик маъноси асос қилиб олинади.

Энди «Мақола»да қўйилган талабни асослаш учун келтирилган далилларни олсак, уларнинг бирортасини ҳам асосли деб бўлмайди. Юқорида бу далиллар ҳақида қисман гапирилди. Энди уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиз.

1. «Мақола» авторининг фикрича, қўшма сўзларни уяда бериш луғатдан фойдаланишни қийинлаштиради. Аксинча, бу, юқорида айтиб ўтилганидек, луғатни ихчамлаштиради ва ундан фойдаланишни осонлаштиради. Қўшма сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилганда эса, луғатнинг ҳажми кенгайиб, ундан фойдаланиш қийинлашади. Бундан ташқари, **иш боши, карвон боши, минг боши, лашкар боши** ва ҳ. к. ларнинг бошқа-бошқа ҳарфлардагина эмас, бошқа-бошқа томларга ўтиб кетиши ҳам луғатдан фойдаланишни қийинлаштиради.

Иккинчидан, **иш боши, карвон боши, жўра боши** каби сўзларни алфавит тартибида бош сўзлар сирасидан қидириш учун луғатдан фойдаланувчи уларнинг қўшма сўз эканлигини олдиндан билиши керак. Ҳолбуки, луғатхонларнинг асосий кўпчилиги учун **иш боши** ва ш. к. лар қўшма сўзми, сўз бирикмасими, номалўм ва ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Луғатхон луғатдан деярли ҳамма вақт ёлғиз сўзни (шу жумладан, қўшиб ёзиладиган қўшма сўзни) қидиради, сўнгра шу ёлғиз сўз мақоласи ичида бирикмаларини учратади.

2. «Мақола» авторининг фикрича, нормативлуғат қўшма сўзни сўз бирикмасидан ажратиб бериши, бунинг учун ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилиши керак. Маълумки, адабий тил нормалари қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлаш билан белгиланмайди, бинобарин, бу норматив луғат вазифасига кирмайди. Адабий тил нормаларини белгилаш, демак, бу ўринда, бирикмаларинг (хоҳ улар ажратиб ёзиладиган қўшма сўз бўлсин, хоҳ сўз бирикмаси бўлсин) умумий адабий тилда бир хил ёзилиши, тушунилиши ва ишлатилишини таъмин этиш демакдир.

3. «Мақола» авторининг қўшма сўзлар имлосидаги ўзгаришлар турли даврларда чиқарилган луғатларда қўшма сўзларнинг берилишида хилма-хилликларга сабаб бўлади, деган фикрига эътироз билдириш қийин. Лекин ўзбек имлочиларининг ва лексикографларининг вазифаси имлода ҳам, лексикографияда ҳам барқарор традицияларг яратишдир. Бинобарин, ўзбек тилида қўшма сўзлар орфографиясида ўзгаришлар юз бериб турар экан, бунга тезда барҳам бериш лозим. Бунинг учун имлочилар ўртасида юзага келган мунозара ва тортишувларни изоҳли луғатга зўрмазўраки кўчириб авжлантириш ўрнига, қўшма сўзлар билан асослироқ шуғулланиш зарур.

4. «Мақола»да «қўшма сўзларни луғатда бериш уларнинг ажратиб ёки қўшиб ёзилишига қараб иш кўриладиган бўлса,... туркий тиллар изоҳли луғатларида қўшма сўзларнинг берилишида ҳар хиллик келиб чиқади», дейилади. Ўйлаймизки, бу даъво мақола авторининг «қўшма сўзларнинг айримларини қўшиб, айримларини ажратиб ёзишни тавсия этиш фақат практик нуқтаи назардан бўлади (яъни у субъектив ҳодиса)», деган тасаввурларга асосланган. Ҳақиқатда эса, қўшма сўз компонентларининг бириниб, бир сўз ҳолига келиши ҳар

---

[6] Қаранг: «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма», Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964, 1-боб, 50—67-параграфлар.

[7] А. Ғуломов, Ўзбек тили морфологиясига кириш, Тошкент, 1953, 15-бет.

бир конкрет тилнинг тараққиёт қонуниятлари билан боғлиқ. Туркий тиллардаги бу қонуниятларда умумийлик йўқ эмас, албатта. Лекин ҳамма тилларда улар айнан бир хил деб ҳам бўлмайди. Чунончи, озарбайжон тилида **эл — қўл, уз — юз** ва **јујан — ювувчи** элементларидан тузилган элузујјан сўзида бу элементлар ўзаро жуда яхши бирикиб бир сўз ҳолига келган; **палтарасан, чәкмисләр, тозсорон** сўзлари ҳам озарбайжон тилида худди шундай сўзлардандир[8]. Ўзбек тилидаги уларга мос **қўл-юз ювадиган, пальто осадиган, оёқ кийими тозаловчи, чанг сўрувчи** бирикмалари қўшма сўз эмас ва ўзбек тилининг қонуниятларига кўра ҳеч вақт бир сўз ҳолига келмайди. Бундай мисолларни ҳамма туркий тиллардан келтириш мумкин. Масалан, турк тилида ҳатто **борэтмақ, йўқэтмақ, сәбрэтмақ** каби қўшма феъллар ҳам бир сўз ҳолига келган[9], бошқа туркий тилларда бу ҳодиса ҳозирча йўқ.

Кўрамизки, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш билан туркий тиллар луғатларида бир хилликка эришилмайди. Чунки бир тилда қўшма сўз деб қараладиган бирикма бошқа тилда сўз бирикмаси деб қаралади ёки бир тилда бирикиб, бир сўз ҳолига келган элементлардан бошқа тилда худди шундай қўшма сўз ясаб бўлмайди. Бунинг устига, «Қўшма сўзларнинг имлоси барча туркий тилларда бир хил эмас»[10]. Сабаби шуки, «Кўпгина туркий тилларда қўшма сўзлар имлосида ягона принцип йўқ»[11].

Бинобарин, туркий тиллар луғатларида қўшма сўзларнинг берилишида бир хилликка эришмоқ учун шу тилларда қўшма сўзларнинг ясалишидаги умумийликни ва ҳар бир конкрет тилга хос хусусиятларни аниқлаш, шу асосда туркий тилларда қўшма сўзларнинг имлосида мумкин қадар бир хилликка эришиш йўлларини излаш лозим.

5. «Мақола»да «Айнан бир сўзнинг қатнашуви билан ясалган қўшма сўзларнинг баъзисини (қўшиб ёзиладиганларини) луғатда бош сўз сифатида бериб, айримларини (ажратиб ёзиладиганларини) бош сўз сифатида бермаслик кулгили ҳодисадир», дейилади. Бу даъво лексикография объектини нотўғри тушунишга асосланган. Озарбайжон тили изоҳли луғатининг назарий асослари устида узоқ йиллар ишлаган ва шу темада докторлик диссертацияси ёқлаган А. А. Оружевнинг ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар лексикография объекти эмас[12], деган хулосага келиши буни жуда яхши тасдиқлайди.

6. Ниҳоят, «Мақола»да қўйилган талабни асослаш учун уялаш системаси лексикографияда қораланган[13], дейилади. Ҳақиқатда эса, «Бу система, камчиликларидан ташқари, шундай катта афзалликка эгаки, у айрим сўзлар ўртасидаги боғланишларни кўрсатади, бу боғланишлар англаб олинмаса, бутун бир системани ташкил этувчи лексика ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди»[14]. Ҳатто, энг қатта луғатларда ҳам уялаш принципидан фойдаланилади. Масалан, рус тилининг ўн етти томлик академик луғатида **-о, -ъи, -ски** аффикслари ёрдамида ясалган равишлар тегишли сифат мақолалари ичида берилади[15]. Уялаш принципидан у ёки бу мақсадда бир қатор бошқа луғатларда ҳам фойдаланилган[16]. С. И. Ожеговнинг бир томлик «Рус тили луғати»да алфавит ва уялаш принципларидан биргаликда фойдаланилмаганда эди, ҳозирги замон рус адабий тилининг бой актуал лексикасини бир томлик луғатда акс эттириб бўлмас эди. Ўзбек тилининг тузилаётган луғатига келсак, бу луғат С. И. Ожеговнинг «Рус тили луғати»га яқин ва унда уялаш айрим ҳолларда ўринлигина эмас, балки мутлақо зарурдир. Масалан, равишдош ва сифатдошлар, асосан **-моқ** шакли тегишли феъл мақоласи ичида берилади. Шунингдек, қўшма феъллар (масалан, **қўл қўймоқ, азоб чекмоқ**), қўшма равишлар (масалан, **объектив равишда, тезлик билан**) ва ҳ. к. уяда берилади. Бу ҳол ўзбек лексикографиясида традиция бўлиб қолган ва янги имло қоидалари жорий этилганга қадар ҳеч вақт эътирозга учрамаган. Ҳозир ҳам қўшма сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш талабини қўйганда, аввало, отларни кўзда тутадилар, чунки қўшма сўзлар имлосидаги ўзгаришлар, асосан, қўшма отлар билан боғлиқ. Қўшма феъллар, қўшма равиш ва бошқалар янги имло қоидалари жорий этилмасдан олдин ҳам ажратиб ёзилар эди. Қўшма сўзларни алфавит тартибида жойлаштириш принципини амалга оширишда изчиллик бўлиши учун булар ҳам истисно қилинмаслиги керак эди.

Ниҳоят шуни ҳам айтиш керакки, «Мақола»да изоҳ қилинган фикрлар етарли

---

[8] Қаранг: А. А. Оруджев, кўрсатилган автореферат, 22-бет.

[9] Шу автореферат, 23-бет.

[10] «Мақола», 69-бет.

[11] Е. И. Убрятова, Вопросы графики орфографии языков народов СССР, пользующихся алфавитами на русской основе, сб. «Вопросы терминологии», М., 1961, стр. 96.

[12] Қаранг: А. А. Оруджев, кўрсатилган автореферат, 22-бет.

[13] Қаранг: «Мақола», 70-бет.

[14] Т. В. Зайцева, Словарь современного русского литературного языка, «Лексикографический сборник», вып. II, М., 1957, стр. 170.

[15] Қаранг: Шу луғатнинг IV томига берилган сўз боши, М.— Л., 1955, III—IV бетлар.

[16] Бу ҳақда А. П. Евгенеевانинг ўн етти томлик рус тили луғатининг IV томи муҳокамасида сўзланган нутқига қаралсин, ж. «Вопросы языкознания», 1956, № 5, стр. 103.

фактик материал билан асосланмаган. Унда далилсиз даъволар ҳам учрайди. (Масалан, «ажратиб ёзилувчи қўшма сўзларни... уялаш ...фақат тузувчининг манфаати юзасидангина қилинади» бу «Тузувчининг манфаати нуқтаи назардан қарамаганда, ...ҳеч қандай ижобий аҳамиятга эга эмас, аксинча, у салбий ҳодиса ҳисобланади», «Бир вақтда қўшиб ёзилиши қонунлаштирилган қўшма сўзларни кейинчалик (маълум практик нуқтаи назардан) ажратиб ёзилиши қонунлаштирилиши мумкин ва, аксинча, бир вақтлар ажратиб ёзилган қўшма сўзларни кейинчалик қўшиб ёзиш тавсия этилиши мумкин» ва ҳ. к.). Кўрамизки, «Мақола» автори имло қоидаларини истаган вақтда истаганча (практик нуқтаи назардан?) ўзгартиравериш мумкин, деб ўйлайди. Шу муносабат билан имлочилардан қўшма сўзлар имлосидаги бошбошдоқликка қачон чек қўйилади, деб сўрашга ҳақлимиз.

Изоҳли луғат тузувчиларнинг «манфаатига» келсак, уларнинг бирдан-бир мақсади — пухта лексикографик традициялар яратиш ва адабий тил нормаларини мустаҳкамлашдир. Қўшма сўз имлосига оид тортишув ва мунозараларнинг изоҳли луғатда давом эттирилиши бу вазифани бажаришда ва, умуман, изоҳли луғат яратишда тузувчиларга халал беради, уларни бу асосий вазифалардан чалғитади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали изоҳли луғатда қўшма сўзларнинг берилиши ҳақидаги мунозарани бошлаб жуда фойдали иш қилган. Бу мунозара қўйилган масаланинг ижобий ҳал этилишига катта ёрдам беради, деб умид қиламиз.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

МУХТОРХОН АҲМАДХОН ЎҒЛИ

(1894—1920)

Ҳаётлик давридаёқ номи тилларда достон бўлиб кетган кишилар тарихда жуда кўп. Бундай кишилар яшашнинг маъноси — эл-юртга хизмат қилишда, деб билганлар, ўз билимларини, ҳаётий тажрибаларини, куч-қувватларини, талант-қобилиятларини инсониятнинг энг эзгу-ниятларини амалга оширишга сарф қилганлар. Шунинг учун ҳам улар, ҳаёт каби мангу, баҳор каби гўзал, навқиронларлар. Бундай кишилар ҳақида халқ қўшиқлар тўқийди, куйлар яратади.

Коросконлик Мухторхон Аҳмадхон ўғли шундай кишилар жумласидандир.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Андижон областига махсус илмий командировка уюштириб, Мухторхон шахсига оид бир қанча қимматли материаллар тўплади. Мазкур ишда адабиётшуносликда ҳали маълум бўлмаган талантли шоир ва ҳофиз Мухторхон Аҳмадхон ўғли ҳақида баҳс юритилади.

Фарғона водийсида халқ тилида ёд бўлиб кетган машҳур «Келмас Коросконнинг суви» шеъри шу кунгача фольклор асари ҳисобланиб келинар эди. Унинг айрим намуналари 1940—50 йилларда фольклорчилар (филология фанлари кандидатлари М. Афзалов, М. Алавия ва бошқалар) томонидан ёзиб олинган, аммо бу текст тўла эмас эди. Биз ана шу қўшиқнинг мукаммалроқ текстини қўлга киритиш мақсадида бир неча бор Фарғона водийсида бўлдик. Қидиришлар, изланишлар натижасиз бўлмади. «Келмас Коросконнинг суви» қўшиғининг 150 дан ортиқ мисрасини қўлга киритдик. Улар орасида қуйидаги мисралар диққатимизни ўзига тортди:

Нозимидир Мухтор ғариб,
Сув бўйлабон қолдим ҳориб,
Шаҳрим Короскондир ажиб,
Келмас Коросконнинг суви.

Хўш, Мухторхон ким? Аниқланишича, Мухторхон истеъдодли шоир ва талантли ҳофиз бўлган. У деҳқонлар манфаати йўлида курашган, уларнинг оғир ҳаёт кечиришларини назмга солган, ҳамқишлоқларини маърифатли қилишга интилган киши бўлган[1].

Мухторхон 1894 йилда Наманган уезднинг Коросқон қишлоғида қашшоқ деҳқон оиласида туғилади. Замондошларининг айтишича, Мухторхонлар оиласининг турарга уйлари ҳам бўлмаган, бировларникида ижарада яшаганлар. Унинг отаси Аҳмадхон жуда камбағал бўлишига қарамасдан илмга қизиққан, илму фан аҳлларини ҳурматловчи кишилардан бири бўлган. У Мухторхонни қишлоқдаги яккаюягона мактабга ўқишга беради.

Отаси вафот этгач, Мухторхон ўқишни ташлашга, ишлаб онаси ва олти ука-сингилларини боқишга мажбур бўлади. Бойлар эшигида деҳқон, қарол, мироб бўлади. Шундай қилиб, бўлажак шоир ёшлигидан бошлабоқ ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўради. Мухторхон ўз устида қунт билан ишлайди, классик адабиётимиз намояндаларининг, айниқса Навоий, Турди, Махмур ва демократ шоир Муқимийнинг баёзларини машаққатлар билан топиб мутолаа қилади, уларга эргашиб ижтимоий ҳаётдаги етишмовчиликларни, камчиликларни сатира қамчиси билан саваловчи шеърлар ярата бошлайди.

«Унинг қўлида арабча ёзилган китобларни кўп кўрар эдим, қўлига тушган китобни қўймай ўқир эди, деб хотирлайди шоирнинг укаси Аброрхон Аҳмедов. (Бу киши ҳозир Андижон область, Янгиқўрғон районидаги Қизилработ совхозининг

[1] Мухторхон Аҳмадхон ўғлининг ҳаётини ўрганишда, адабий меросини тўплашда бизга шоирнинг дўстлари ва ҳамқишлоқлари Улуғхўжа қори Бахри ўғли, Тўра Умар ўғли, Сотиболди Набижон ўғли, Хумайхўжа Убайдулла ўғли, Мулла Абдулла Азизхўжаев, Отахон ака, Неъматилла ота, шунингдек ўқитувчилардан М. Азизов, М. Юнусов, Р. Исҳоқов, Э. Мамакаев, Ш. Мусаев ва, айниқса, ўзбек адабиётининг зўр ихлосманди, ҳаваскор шоир Маҳмуджон Маъмуров ва бошқалар жуда катта ёрдам бердилар. Бу ўртоқларга самимий ташаккур айтишни бурчимиз деб биламиз — *М. М.*

2-бўлимида яшайди, пенсионер.) Бир куни Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идан ўқиб берди ва дарров фикримни сўради. Мен жавоб беролмай қизардим. Шунда акам: «Китобни севиш керак, бу ақлингни пешлайди», деди».

Мухторхон учун мактаб ҳам, муаллим ҳам ҳаётнинг ўзи бўлди, турмуш бўлажак санъаткорни кишиларни севишга, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга ўргатди, кишиларнинг бахт-саодати йўлида кураш олиб боришга чорлади. Шунинг учун у ёшлигиданоқ жафокаш халқининг дардида ёнди, қувончига қувонди, унга атаб шеърлар яратди, куйлар тўқиди. Афсуски, у навқирон кетди. Бошлаган поэмасининг биринчи қисмини тугата олди, холос. Битилган саҳифалар қонига бўялди. Шоир ижодий режаларининг, пешланган мисраларининг, пардозга солган куйларининг ниҳоясига етмай, ярим йўлда қолишига озодлик душманлари — босмачилар сабаб бўлди.

Мухторхоннинг асарлари, айниқса, ҳажвий шеърлари, хуш овози, халқ ва янги тузум йўлидаги курашлари Чатқол этакларида ин қурган босмачиларга, қўрбоши Омонгача етиб боради. Омон қўрбоши Коросконга кечаси бостириб келиб, қишлоққа ўт қўяди, зўрлик билан Мухторхонни олиб қочади, ўзига ашулачи қилмоқчи бўлади, қўл остидаги йигитларни мактаб қўшиқлар битишни талаб қилади.

Мухторхоннинг қочишга уринишлари зое кетади. Кейинча қочишга ҳам муваффақ бўлади. У қишлоққа келгач, қизил аскарлар билан биргаликда босмачиларга қарши жангларда иштирок этади, Омон қўрбоши яширган қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат омборларини қўлга олишда маълум роль ўйнайди.

Бундан ғазабга келган Омон қўрбоши Мухторхон ва яна икки коросконликни ушлаб олади. Воқеани ўз кўзлари билан кўрган кишиларнинг айтишларича, қўллари орқасига боғланган ва қонга бўялган, қамчи зарбидан юз-кўзлари шишиб, таниб бўлмас ҳолга келган шоир ўлимини қўшиқ айтиб кутиб олган экан.

Омон қўрбоши аввал Мухторхоннинг тилини кестирган, кўзини ўйдирган, қулоқбурнини қирқтирган, сўнгра бошини танасидан жудо эттирган.

Халқ зўр қайғу билан шоир жасадини тошлар орасидан олиб, туғилиб ўсган қишлоғи Коросконга дафн қилган. Машъум воқеа юз берган пайтда Мухторхон атиги йигирма олти баҳорни кўрган эди.

Мухторхон қисқа, лекин сермазмун ҳаёт кечирди. У лирик, юмористик, сатирик шеърлар яратди. Шоирнинг ижодида 1914—1915 йилларда яратган «Қелмас Коросконнинг суви» асари алоҳида ўрин тутади. Асарда Короскон қишлоғи тасвири орқали ўтмишда сувсизликдан хароб, вайрона ўлка фожиаси, қишлоқ деҳқонларининг аянчли ҳаёти ифодаланади.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин Ўрта Осиё қишлоқларида сув масаласи энг оғир проблемалардан бири эди. Аҳоли яшайдиган кўп қишлоқлар сувсизликдан чўл-биёбонларга айланган эди. Шундай қишлоқлардан бири — Короскон эди. Қишлоқда аҳоли кўп ва зич жойлашган бўлишига қарамасдан, сув оз, экин яхши битмас эди, ҳовузлардаги қуртлаган, сасиган сувни истеъмол қилинганда турли хил касалликлар келиб чиқарди. Сув эгалари бойлар, мироблар билан меҳнаткашлар ўртасида тўқнашувлар одат тусига кирган эди. Сув учун кураш — ҳаёт учун кураш бўлиб, кўпинча қон тўкилишга олиб келарди. Меҳнаткаш деҳқон орасидан чиққан Мухторхон қишлоғида бўлаётган фожиали воқеалардан четда туролмади. У, қишлоқ бойлари ва мироблари бўлган чексиз нафратини шеърларга солди. Мухторхоннинг «Келмас Коросконнинг суви» номли лиро-эпик достони шулар жумласидандир. Қўлимиздаги мавжуд парчаларга қараб, шоирнинг бу асарига революциядан аввалги ҳаётдаги энг муҳим тема — сувсизлик воқеасини тасвирлаган достон дейишга журъат этдик. Зотан, шоирнинг ўзи ҳам бир ўринда асарини «Сувнома» деб атайди.

Фикримизча, шоир қишлоқдаги мироблар нинг (улар 20 дан ортиқ бўлган) ҳар бирига атаб ҳажвий шеърлар яратган, сўнгра уларни жамлаб, достон ҳолига келтирган.

Достон шеър тузилиши, мисраларнинг оҳангдорлиги, тилининг соддалиги, қофияланиш системаси, халқ оғзаки ижодига яқинлиги, ҳаётни реалистик акс эттиришига кўра ўзбек демократ шоири Мукимийнинг машҳур «Саёҳатнома»сидек катта эътиборга лойиқ.

Мухторхон достонинг кириш қисмидаёқ ўз қишлоғининг ҳақиқий картинасини яратади:

Бордир Короскон ерлари,
Сув тегмаган шудгорлари,
Арз қилар чоракорлари,
Келмас Коросконнинг суви.

Қуртлаб кетди барча ҳовуз,
Сув бермайди бой беномус,
Сузгучлари бир парча бўз,
Келмас Коросконнинг суви.

Устимизда йиртиқ алак,
Сув тегмайин бўлдик ҳалак,
Ариқлари тарак-тарак,
Келмас Коросконнинг суви.

Асар давомида Мухторхон Муқимий йўлидан бориб, ўз қишлоғидаги бой, амалдор, савдогар ва улар қўлидаги хасис, қонхўр, жоҳил, уришқоқ мироб боши ва мироблариинг манфур образларини яратади.

Диққатга сазовор томони шундаки, кичик бир деталь орқали уларнинг хусуматларини, феъл-атворларини очиб ташлайди.

Чунончи, қишлоқнинг бойи ва котиби:

Султон Саид қишлоқ бойи,
Юз бешинчи ичиш чойи,
Қақшаб ётар Чортоқ сойи,
Келмас Қоросконнинг суви.

Нойибидир Шабадал қозоқ,
Эчки фуруш, Исом чиноқ,
Таърифига етмас саноқ,
Келмас Қоросконнинг суви.

Қишлоқ бойи гумашталари, мироб боши ва миробларнинг камбағал деҳқонлар бошига ҳисобсиз кулфатлар келтирганликлари дадиллик билан фош этилади:

Мироб боши бўлди Толиб,
Пулни олиб ёнга солиб,
Ариқлари қуриб қолиб,
Келмас Қоросконнинг суви.

Қишлоқ миробларни порахўрликда, халқни талашда мироб бошидан қолишмаганлар; мана, улардан бири:

Биринчиси мироб Саидумар,
Қафсон олиб ерга кўмар,
Сув деб борсанг, пул деб сўкар,
Келмас Қоросконнинг суви.

Сув сўраган деҳқонлардан пора олишда мироблар Саидумардан қолишмайди, балки ундан ортиб тушадилар:

Учинчиси Мирабдулла,
Яна кимдан айлай гина,
Элу юртга қилар ҳийла,
Келмас Қоросконнинг суви...

Ёки:

Бешинчиси Шафзал мироб,
Ит ҳам ундан афзал мироб,
Оҳ, ҳаммани қилди хароб,
Келмас Қоросконнинг суви.

Бой, амалдор ва мироб бошиларнинг зулм ва зўравонликларини маъқуллаган, бу йўлда уларга фатволар берган дин аҳлари ҳам Мухторхоннинг назаридан четда қолмайди. Дин номидан иш юритувчилар «Тўхтасин исмли кишини тошқин сувга босилса, сув тўхтайди, офатнинг олди олинади», деб фотиҳа тортганлар. Шу тариқа сел кунлари катта сой бўйидаги алиш (тўғон)ларга ўнлаб Тўхтасинларни тириклайин ташлаб, уларнинг бекордан-бекорга ўлиб кетишларига сабабчи бўлганлар. Шоир дин аҳлларининг ўзларини шунчаки эй кўзига художўй кишилар қилиб кўрсатишлари, аслида эса айширатга берилган нопок ва нонсоф кишилар эканликларини, ичишлари доим бўза, ўйинлари қарта-қоғоз бўлганлигини очиб ташлайди:

Йилда келар бир ой рўза,
Уйида сақлар доим кўза,
Ифтор қилар ичиб бўза,
Келмас Қоросконнинг суви.

Ўйнашлари қарта-қоғоз,
Умрида ўқимас намоз,
Гап десангиз баланд парвоз,
Келмас Қоросконнинг суви.

Шундай қилиб, шоирнинг тасвирлашича, қишлоқнинг мироб бошиси порахўр, миробларн юртни сўрувчи қурт, бўлар-бўлмасга жанжал қилувчи бадфеъл ва жоҳил, дин аҳллари эса бўзахўр ва қарта ўйновчи қиморбозлардир.

Мухторхон ҳамқишлоқ деҳқонларни сувни миробларгдан ялиниб-ёлбориб олишни эмас, балки қатъий талаб қилишни айтади:

Чоракорлар талаб қилинг,
Келсин Қоросконнинг суви.

Достоннинг хотимасида шоир ўзини сувсизликдан қуриган дарахтга, чанқоқликдан ҳориган кишига ўхшатади. «Сув тегмайин қолдим ҳориб», дейди у. Кунданкунга харобалашаётган қишлоғини кўрган шоир пичоқ бориб суякка етганлигини ошкора қилади:

Мироб боши кийди беқасам,
Урди миробини қасам,
Бошимни олиб кетмасам,
Келмас Қоросконнинг суви.

Достоннинг қаҳрамони сувсизликдан тинкаси қуриган, эккан экинлари қовжираган жафокаш халқ. Шоир ана шу халқнинг аҳволига ачинади, қайгуради, аммо уни очиқдан-очиқ курашга чорлай олмайди, чорлай олмас эди ҳам. Достон шундай якунланади:

Бўлди тамом сув қиссаси,
Ҳаддин ошиб эл ғуссаси,
Қуриди деҳқон ғўзаси,
Келмас Қоросконнинг суви.

Мухторхон янги тузумни ёқлаб, бир қатор шеърлар («Омон пўстак», «Ҳой золим») битганлигини айтадилар. Аммо шоирнинг бундай асарлари ҳозирча топилгани йўқ.

Шоир ўзининг сатирик ва юмористик шеърларида революциядан олдинги ҳаётдаги нуқсонлардан, камчиликлардан заҳарҳандалик билан кулади. Уша даврдаги медицинанинг ёмонлигидан турли касалликлар туфайли халқ фарзандларининг бекордан-бекорга ўлиб кетишидан афсусланади. «Безгак», «Пашшалар» ва бошқа шеърлари бунга мисол бўла олади.

Мухторхон бир қанча лирик ғазаллар ҳам ёзган. Уларда ҳаётда мавжуд бўлган реал ёр куйланади. Унинг лирикасида ёр образи ўзининг вафодорлиги, инсонийлиги ва бошқа олижаноб хусусиятлари билан ажралиб туради.

Шоир севгилисига мурожаат қилар экан, биринчи галда садоқатли бўлишга, севгига етишда астойдил ҳаракат қилишга, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга чақиради. Шоирнинг лирик шеърлари содда, тушунарли, равон тилда ёзилган бўлиб, ўзининг бадиийлиги, мусиқийлигига кўра характерли. Уларнинг кўпчилиги халқ томонидан куйга солиниб, ашула қилиб айтилиб юрилиши бежиз эмас.

Мухторхон ҳозиржавоб шоир, шунингдек, халқ ичида танилган уста қўшиқчи — ҳофиз бўлган. У, Навоий, Фузулий, Муқимийнинг, шу жумладан, ўзининг ғазалларини куйга солиб, йиғинларда кишиларни мамнун қилган. Мухторхон шеъридан бирида ариқларда сувлар оқиб, бутун қишлоқ баҳор либосига ўралишини, кишилар тўқ ва маъмур яшашлигини орзу қилган эди. Шоир орзу қилган вақт, замон етиб келди. Қоросқон қишлоғи гуллаб-яшнаётган социалистик қишлоқлардан бирига айланди. «Келди Қоросконнинг суви» қўшиғи ҳам буни айтиб турибди:

Қоросконда бордир ҳовуз,
Атрофида ўйнар товус,
Суви шакар, қувонамиз,
Келди Қоросконнинг суви.

Ўртасидан ўтди канал,
Сутдек суви — таъми асал,
Сув бобида йўқдир масал,
Келди Қоросконнинг суви.

Ариқ суви лим-лим оқар,
Мироблари элга ёқар,
Сув очинг деб эшик қоқар,
Келди Қоросконнинг суви.

Шоир Мухторхон Аҳмадхон ўғли ҳақидаги бу кичик мақола унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, шеърларини топиб оммалаштириш йўлида қилинган биринчи уринишдир. Бу соҳада ҳали жуда мураккаб ва қийин вазифалар турибди. Шоирнинг ҳаёт йўлини мукаммал тиклаш, асарларининг қўлёзмаларини қўлга киритиш, унинг адабиётимиз тарихида тутган ўрнини белгилаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Малик Муродов,

филология фанлари кандидати.

САЙФИ САРОЙИ

Узбек адабиёти тарихида Сайфи Саройи номи билан танилган шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган. Биз шу дамгача 1926 йилда Истамбулда «Турк адабиёти намуналари»[1] китобида босилган «Кўнгул» деган бир ғазали ва «Шоирлар таърифида» деган маснавийси бўйича унинг ҳақида сўз юритган эдик[2]. Туркий халқлар ва уларнинг тилларини ўрганишга маълум даражада ҳисса кўшган европалик баъзи олимлар ўзбек тили ва адабиёти тарихини ўрганишга ҳам эътибор берган бўлсалар-да, бироқ катта санъаткор бўлган шоир Сайфи Саройи улар эътиборидан четда қолиб келган. Қўлимизда мавжуд бўлган форсий ва туркий тазкираларнинг бирортасида ҳам унинг ҳақида маълумот берилган эмас.

Шоир Сайфи Саройи ҳақида ўзининг «Турк адабиёти тарихи»[3] китобида дастлаб маълумот берган киши турк олими, Истамбул университетининг собиқ профессори Муҳаммад Фуод Купрулузодадир. Бундан сўнгги маълумот профессор Фитрат қўлида сақланган, ҳозиргача бизга номаълум бўлиб турган «Гулистони шуаро» тазкирасида бор. Шунингдек, Венгрия шарқшунос олими Туре Южеф «Миллий татаббулар мажмуаси»[4]да Сайфи Саройининг «Гулистони бит туркий» асари борлиги ҳақида маълумот берган.

Булардан ташқари, адабиётшунос олим Ҳоди Зарифовнинг «Навоий замондошлари»[5] китобида ва Солиҳ Қосимовнинг шоир Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си юзасидан ёзилган кандидатлик диссертациясида[6] ҳам Сайфи Саройининг забардаст ўзбек шоири эканлиги, Хоразмий, Қутб каби шоирлар билан бир замонда яшаганлиги ҳақида гапирилган. Сайфи Саройининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан айни вақтда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида шоирнинг ҳаётига оид адабий материалларни, XIV аср шоирларининг қўлёзма девонини ва Сайфи Саройи томонидан ёзилган «Гулистони бит туркий» асарини, шунингдек, Мисрда яшаган шоирларнинг девонини кўриб чиқишга муяссар бўлиндики, булар бизга шоир ҳақида кенг кўламда фикр юритишимизга имкон берди. Биз шоир

[1] «Турк адабиёти намуналари» 1-жилд, Истамбул, 1926, ЎзФА Шарқшунослик институти, инв. № 1753, 53-бет.

[2] Қаранг: Проф. Фитрат, Узбек адабиёти намуналари, Самарқанд, 1928, 89-бет.

[3] Муҳаммад Фуод Купрулузода, Турк адабиёти тарихи, Истамбул, 1926, 372—373-бетлар, ЎзФА Шарқшунослик институти, инв. № 11777.

[4] «Миллий татаббулар мажмуаси», 133-бет, Ўз ФА Шарқшунослик институти, инв. № 8814.

[5] Ҳ. Т. Зарифов, Навоий замондошлари, Тошкент, 1948.

[6] С. Қосимов, Хоразмийнинг ижодий фаолияти, кандидатлик диссертация, ЎзССР ФА кутубхонаси, инв. № РД-89, 59-бет.

ҳақида ана шу янги материаллар асосида маълумот берамиз.

Сайфи Саройи XIV асрнинг сўнгги чорагида яшаб ижод этган. Профессор Фитрат қўлида сақланган, ҳозирча бизга маълум бўлмаган «Гулистони шуаро» тазкирасида берилган маълумотга кўра, у «Гулистони бит туркий» асарини ёзиб тугаллагандан 5 йил сўнг, яъни 75 ёшда вафот қилган. Демак, унинг бу асари 1391 йилда ёзилган бўлса, шоир шундан 5 йил ўтгач, 1396 йилда вафот қилган. Шоир асарини ёзиб тамомлаганда 70 ёшда бўлган. Шунга асосан уни 1326 йилда туғилган, деб айтиш мумкин. Демак, Сайфи Саройи 1326 йилда туғилиб, 1396 йилда вафот қилган.

Шоир Сайфи Саройи олдин айтганимиздек[7]—[8], Олтин Ўрда давлатининг марказий шаҳри бўлмиш Саройдан эмас, балки у, Хоразмнинг Сариқамишидан (илгари қамишли юрти деб айтилган — Н. Д.) бўлса керак. Негаки, шоир Сарой билим олиш учун келган жойи эканлиги ҳақида бир тўртликда шундай баён қилади:

«Қамишли юрт менинг тувган элимди,
Билинг, ғурбатга келтирган билимди.
Келиб бўлдим Саройда шеър фидойи
Саройнинг шоири, элнинг гадойи»[9].

Бу тўртлик яна шундан дарак берадики, Сайфи сарой шоири бўлиб турган. Қашшоқлик ва юқсулликда, сарсон-саргардонликда ҳаёт кичирган. Бундан ташқари, унинг шоирлик лақаби шаҳарга нисбат қилиб эмас, сарой шоири эканлигига нисбат қилиб берилган, деб айтиш ҳам мумкин. Фикримизча, «сайф» сўзи қиличдан олиниб, «саройи» саройдан олиниб, «Сайфи Саройи» дейилгани аниқроқдир. Чунки шоир ўзини «саройнинг қиличи» демоқчи бўлган бўлса керак. Шунингдек, давлат ишлари билан шуғулланган табақани ҳам «саройи» деб айтилган. Ҳатто ҳозир ҳам Фарғона томонда «саройилар», деб аталмиш уруғ-аймоқлар бор. Шунга кўра ҳам шоирнинг лақаби Сарой шаҳрига мансуб эмас. Унинг «Тутар» деган ғазалидаги бир ўхшатиш ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди:

«Бу малак мажнун киби доим
фироқинда тутар,
Бу отим Сайф ўлдуғу чунми қаро
қинда тутар»[10].

Демак, номини «қилич» маъносида ишлатган шоирнинг яшаб, ижод этган даври Ўзбекхон ўғли Гинибек ва Жонибекларнинг ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Маълумки, бу давр ўзаро урушларнинг авжига чиққан, шунинг натижасида кўп шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлган давр эди. Шундай шароитда яшаган шоир, албатта, бир жойда қарор топмаган. Шунинг учун ҳам у:

«Ўсиб тупроғим узра найзалар, мен —
эвдан айрилдим,
Ватандан бенишон ўлдимда, ўзга юрта
эврилдим.
Нечун менга фалак жавр айлади қандай
гуноҳим бор?
Илоҳо айла кам жабринг, мен элга
содиқ ул эрдим»[11],—

деб фарёд қилади.

Сайфи Саройи ўз умрида кўп мамлакатларни саёҳат қилган. У, туркий ҳамда форс, араб тилларини яхши билган. Ўз замонасининг забардаст шоири бўлган Саккокий ҳам у ҳақда:

«Дашт элидин Ҳожи тархонга
етишса бу ғазал,
Тарк этар ҳар байтига осуда
дунёсин Сарой»[12],—

дейди.

Сайфи Саройи ўзбек тилида шу тилнинг кўп нозикликларини қамраб олган, соф, гўзал, равон қасида, ғазал ва байтлар, рубойилар, маснавийлар ёзган. Унинг ғазаллари ранг-баранглиги, тилининг равонлиги, образларининг қуймалиги билан ҳар томонлама оригинал характерга эгадир. Унинг ҳозир бизга маълум бўлган асарлари тузилиш ва ифодаси жиҳатидан шоирнинг илғор фикрли эканлигидан дарак беради.

Шоир Сайфи Саройи ўзининг бутун ижоди давомида бадиий асарнинг мундарижаси учун курашган. У ўз шеърларида мазмун бирлигини биринчи ўринга қўяди, баъзи формалист шоирлар томонидан шаклнинг мазмундан устун қўйилишига қарши чиқади, лекин шакл мукаммаллигини санъатнинг жуда муҳим белгиси, деб ҳисоблайди. Бадиий ғоя учун курашган Сайфи Саройи «Шоирлар таърифида» деган бир маснавийсида ўзини: «Жаҳон орифларининг хокипойи» деб аташ билан бирга, шеъриятда фақат шаклга эътибор бериб, ғояни унутувчи шоирларни ҳажв қилади.

Сайфи Саройи ўз ғазалларида ер гўзалларини таърифлаш орқали ҳаёт гўзаллигини намойиш қилади. Дунёвийлик ғоясини олға суради. Унинг «Кўнгул», «Топулмас ҳусн мулкинда», «Қамар юзунгдан», «Кўринур», «Ул юзи ой», «Тутар», «Эрур» каби ғазаллари фикримизнинг шоҳидидир.

---

[7]—[8] Қаранг: «Фан ва турмуш», 1962, 19-бет.

[9] Қўлёзма, баёз Қоҳира, 1763. Қўқон районидаги Ленин колхозининг аъзоси Камолхон Султоновнинг шахсий кутубхонаси.

[10] «Гулистони бит туркий»нинг фото нусхаси, 359—360-бетлар.

[11] Қўлёзма, баёз, Қоҳира, 1763, 48-бет. Камолхон Султоновнинг шахсий кутубхонаси.

[12] «Девони Саккокий», ЎзФА Шарқшунослик институти, инв. № 8814, 3-бет.

Сайфи Саройи ғазалларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бадиий соддалик билан ёзилган, оригинал ўхшатишлар, сўз ўйинлари, мажоз ва истиоралар билан безатилган. Намуна учун тубандаги ғазалини кўрайлик:

«Дилбаримнинг зулфи — сунбул,
чеҳраси гулзор эрур,
Бўйина ошиқ санувбар, юзина гул, зор эрур.
Оғзи фистуқ, кўзи тонсуқ, ўзи мушфиқ ёр эрур,
Ҳуснинг жови Хитоу Чин ичинда бор эрур.
Асли олчин, сўзлари чин, кўзлари боноз эрур,
Минг яшар ҳар ким дудоғи шарбатин тортар эрур.
Ишқининг элчисина кўнглум мунаққашвор эрур,
Зулфина тушган кўнгулларнинг мақоми дор эрур.
Неча ким ишқи ўти бу жон ичинда бор эрур,
Қаҳрабо узра кўзимда дам-бадам бор эрур.
Шаҳд сўзи, ориф ўзи, воқифи асрор эрур,
Васл бўстонида хуш ошиқларин асрор эрур.
Васфина Сайфи Саройининг иши ашъор эрур,
Андин ўзга байни ошиққа намак ашъор эрур»[13].

Айниқса, Эроннинг улуғ шоири шерозлик Саъдий «Гулистон»ининг эркин таржимаси «Гулистони бит туркий» асари Сайфи Саройининг санъатда юксак ва дунёқарашда ўткир фикрли шоир бўлганлигини кўрсатиб туради. У, шу асари орқали ўз замонасига нисбатан илғор фикрларни кенг халқ оммасига тарқатган. Баъзи тарихий манбаларнинг хабар беришича, Сайфи Саройининг асари ҳам Саъдий «Гулистон»идек ўша давр мактабларида ўқиш китоби сифатида қўлланган. Асарнинг 1553 йилда ёзилган ягона нусхаси Голландия Лейден университетида 355-инвентар рақами билан сақланмоқда. 1954 йилда биринчи марта бу китобнинг фото нусхаси Туркияда нашр қилинган. Анқара шаҳрида уни «Гулистон таржимаси» деб аталган. Китобнинг нашрига профессор Фаридун Нафисий кириш сўзи ёзган, аммо дунёнинг бирор бошқа мамлакатида бу китоб ҳозиргача текстологик жиҳатдан тўлиқ ишланиб, нашр этилган эмас.

Асарнинг ҳозирда Голландия Лейден университетида сақланмоқда бўлган 1391 йилда ёзилган қўлёзма нусхаси энг қадимги ягона нусхадир. У 372 саҳифадан иборат бўлиб, 357-бетигача ҳикоятлар ёзилган, 357-бетдан 372-бетгача шоирнинг ва шоир замондоши бўлган Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Умар, Аҳмадхожа ал Басрий, Хоразмий, Абдулмажид, Туғлихожа, Ҳусан ўғли каби шоирларнинг бир тоқим шеърлари битилган. Сайфи Саройининг шеърлари ҳар бир шоирнинг шеъридан сўнг: «Ул вазн ва ул қофияда Сайфи Саройи айтур» деган сарлавҳа билан юқоридаги шоирларнинг ҳар бир шеъридан сўнг келтирилган. Бунда биз шоирнинг 12 шеърини кўрамиз.

Сайфи Саройи золим шоҳлар ҳукмронлигидаги ҳаёт ва дунёнинг тартибсизлигини, адолатсизликларни, ноҳақ уруш-талашларни реалистик равишда ёзган ва замонаси тартибсизлигига қарши ўзининг илғор қарашларини баён қилган; шоир баҳорни тасвирлаш орқали ҳаёт гўзаллигини куйлайди:

«Яна кийди янги ашъори хилъат,
Безониб боғу бўстон тавсий зийнат.
Бутоқлар олди бўстондан яна бож,
Чечаклардан ўруниб ҳар бири тож.
Бинафша бўйнин эгди гулга қарши,
Ажиб анбар кўзин сунбулга қарши.
Бўлуб мутриб гулистонларда булбул,
Қилур минг турли нағма бирла ғулғул»[14].

Сайфи Саройи, замоннинг жафочи бўлиб қолганлигига сабаб ҳукмрон табақаларнинг инсофсизлигида, ахдларида бевафо эканликларида, ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай ёмонликлардан қайтмасликларида, деб тўғри тушунган. Шунинг учун ҳам у ўз юрагига:

«Тортиб замона хўбларининг жаврини мудом,
Кўрдингми ҳеч бирида булардин вафо кўнгул?!»[15]

деб хитоб қилиб, алам билан оҳ урган.

Гарчи Сайфи Саройида:

«Тилар бўлсанг насиб олмоқ саодат кимёсидин
Қаноат гўшасин тутқил, кечиб дунё сафосидин»[16].
«Ямонлиқ қилған эрга экулик қил,
Қопар ит оғзина луқма отодур»[17].

Ёки:

«Бунда доим эгулик этган киши
Жаннат ичинда тамошадур иши»[18],—

каби суфилик фикрларини баён қилувчи сатрларни учратсак-да, бироқ у, аксарият ўринларда, бу дунёдан бошқа дунёнинг бўлмаслиги ҳақида тўғри тушунча бериб, ёрғуликдан баҳра олишга чақиради. Шунинг билан Сайфи Саройи аввалги мистик фикрларига тўғри тушунчасини қарши қўяди:

[13] «Гулистони бит туркий»нинг фото нусхаси, 360-бет.

[14] Ўша нусха, 3-бет.
[15] Ўша нусха, 365-бет.
[16] Ўша нусха, 129-бет.
[17] Ўша нусха, 322-бет.
[18] Ўша нусха, 355-бет.

«Хабарсизман у дунё жаннатидин,
Увурмам юз элминнинг раҳматидин.
Инонмам бўлгучи дорул вафоя,
Еруғлик баҳрасин топмоқ кифоя[19].

Инсонларнинг дўстликда, аҳлликда, бирбирларига ёрдам қилиб яшашлари Сайфи Саройининг қалбида чин истак бўлган:

«Етганича кучунг кўнгул ёбқил
Ким халойиқ сенга дуо қилғай.
Тушган эр ҳожатин раво қилсанг,
Ҳақ сенинг ҳожатинг раво қилғай»[20].

«Гулистони бит туркий» асаридаги ҳикоятлар Саъдий «Гулистон»идек, шоир дунёқарашини англатишда, ўз замонасига нисбатан илғор ғоялар тарқатишда катта аҳамиятга эга бўлган ҳикоятлардир. Бу ҳикоятларда ислом дунёқарашидан фарқ қиладиган фикрларни ҳам кўрамиз. Кишиларга ахлоқий тарбия бериш — Сайфи Саройининг асосий мақсади бўлган. Халқ, Ватан, маърифат, дўстлик — булар шоир ижодининг тема негизидир. Шунинг учун ҳам унинг ҳикоятларидан подшоларга халқ ҳаётини яхшилашда донишмандлар томонидан кўрсатилган йўл-йўриқлар катта ўрин олган. Сайфи Саройининг бу асарида донишмандларнинг тадбирларигина эмас, меҳнаткаш халқнинг юрагидаги сўзлар ҳам ўз ифодасини топган. Буни тубандаги афоризмларда ҳам кўриш мумкин: «Умр меҳнат билан поёна келди», «Тамиз улким, суҳбат тутиб букилмас», «Қуюб кет сен ҳар ерга бир ёдгор, сўнгра қолгунча тўла олтин табоқ», «Одамий нечу дегайим ман анго, сурати инсон вале ҳайвон ҳимол».

Сайфи Саройи ғазаллари ва «Гулистони бит туркий» асарининг тили ҳам ўзига хос маълум бир хусусиятга эгадир. Бу ҳақда «Гулистони бит туркий» китобининг асли қўлёзмаси ҳошиясига ҳали автори аниқланмаган:

«Саройи Сайфни ориф жаҳон ичра
кўрунг фони
Сифотин юракдан оқтур қони.
Анинг шеърининг иншосин беканмас
ким бўлур бўлса,
Магар ақли анинг йўқтур ёхуд танида
ҳам жони»[21],—

деган қитъа битилмишки, Сайфи Саройи ижодини ўрганишда унинг катта аҳамияти бор. Қитъада, Сайфи Саройини тақдирламаган одамнинг ё ақли йўқ, ёхуд танида жони йўқ, деб таърифланади. Бу қитъа ким томонидан ёзилганлиги аниқланса, масала янада ойдинлашган бўлар эди.

Умуман олганда, шоир Сайфи Саройи ўзининг 16 дан ортиқ ғазали, 20 га яқин байти, қитъалари, рубоийлари ва «Гулистони бит туркий» асари билан адабиёт тарихидан ўзига хос ўрин олишга муносиб шоирдир. Унинг «Гулистони бит туркий» асарини турк олимлари ва Ғарбий Европанинг шарқшунослари таржима асар деб, унинг ярим оригиналлигини инкор этиб келмоқдалар. Бизнингча, бу асар Сайфи Саройининг ярим оригиналликка эга бўлган асаридир.

Насрулло Даврон,

ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

АЛИШЕР НАВОИЙ «НАВОДИРУН-НИҲОЯ» ДЕВОНИНИНГ МУЪТАБАР ҚЎЛЁЗМАСИ ҲАҚИДА

Маълумки, Навоий ижодиётида унинг лирикаси катта ўрин тутади, шоир ўзининг бутун ҳаёти давомида адабиётнинг бошқа жанрлари билан бир қаторда лирик шеърлар ёзиш билан кўп машғул бўлди. Унинг бу лирик асарлари автор томонидан бир неча девонларга тўпланди. Шоирнинг мана шундай девонларидан бири — унинг биринчи девони — «Бадоеулбидоя» (1482/83)дан кейин тузилган «Наводирун-ниҳоя» (1486) дир. Аммо шоирнинг бу девони яқин кунларгача Совет Иттифоқининг ёки чет эл фондларининг бирортасида аниқланмаганидек, Навоий лирик ижодиётига бағишланган илмий асарларда ҳам у ҳақида маълумот берилган эмас эди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳ. С. Сулаймонов томонидан Навоий лирик меросини Совет ва чет эл фондларидан тўпланган бой қўлёзмалар асосида кўп йиллик қиёсий текшириш натижасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 1995-инвентар рақам билан сақланаётган асар шоирнинг «Наводирун-ниҳоя» девони эканлиги аниқланди. Бу қўлёзма «Наводирун-ниҳоя»нинг дунё фондидаги ягона уникал нусхасидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир таърифи билан айтганда, «Котиблар шоҳи» ҳисобланган Султон Али қаламига мансуб бўлган бу қўлёзма Навоий комитети томонидан 1936 йилда Абдул Ҳамид Мажидий қўлидан сотиб олинган. Девон Хива хонлари саройида сақланиб келган бўлса керак.

[19] Қўлёзма, баёз, Қоҳира, 1763, 14-бет. Ҳамолхон Султоновнинг шахсий кутубхонаси.

[20] «Гулистони бит туркий»нинг фото нусхаси, 365-бет.

[21] Ўша нусха, 1-бет.

«Наводирун-ниҳоя», инв. № 1995, Тошкент, УзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, формати 25×16,5, 205 варақ, текст икки қаторда, бир саҳифада 14 йўлдан байт жойлашган. Султон Али Машҳадий томонидан настаълиқ хатида кўчирилган. Наввотранг, ипаклик, ялтироқ Хуросон қоғози. Асосий текст қора, сарлавҳалари ранглги сиёҳ ва олтин сувида ёзилган. Олдинги икки саҳифа (1*б*—2*а*) ҳаворанг бўёқ ва олтин сувидан нозик ишланган, лекин жуда уринган франтиспис билан банд. 186*б* варақда ғазаллардан сўнг бошқа жанрларнинг бошланганини ифодаловчи рангли лавҳа бор. Алфавит бўйича байт охири у ёки бу ҳарф билан тугалланадиган ғазаллар группаси охирида фақат олтиндан нозик ўсимлик орнаментлари чизилган (14*б*, 25*а*, 28*б*, 32*б*, 35*б*, 35*б*, 43*а*, 67*б*, 75*а*, 83*а*, 93*б*, 94*б*, 96*а*, 98*а*, 205*а* варақлар). «Наводирун-ниҳоя»нинг ғазаллари XV аср Ҳирот мактабига хос ёрқин, шўх фондаги 6 миниатюра билан безатилган (96*а*, 73*а*, 97*а*, 114*а*, 157*а*, 171*а*). Қўлёзманинг I-саҳифасида (1*а* варақ) ўнг томондан сулс билан ёзилган доира шаклидаги шарқ муҳри бор.

201*б* ва 202*а* варақларда, ҳошияларнинг 3 ерида кўринишича, XIX асрга хос тўғарак шарқ муҳри мавжуд. Муҳрдаги ёзув ўчирилгани учун ўқиб бўлмайди.

Ғазаллар тугаган 185а варақда котиб томонидан қуйидаги байт битилган:

Биавниллоҳул маликул мажид,
Тугонди девони жадид.

Гарчи қўлёзманинг кўпгина саҳифаларида намдан, сувдан жигарранг доғлар ҳосил бўлган бўлса ҳам, текст жуда яхши ўқилади, лекин қўлёзманинг ўзи кўп тутилганлиги туфайли эскирган (тўзиган).

Кўпгина саҳифаларда ҳошияда ғазаллар ёзилган. Асли муқоваси йўқолган. Ҳозирги муқова XIX асрга хос тўқ қўпол теридан ишланган.

Девоннинг мундарижаси:

Девон 10368 мисрадан иборат.

I. Ғазаллар 628 (1*б*—185*а*).

биринчи ғазалнинг бошланиши:

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш
киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн
ўлуб шайдо.

Девоннинг охири:

Жонима пайваста новак отқоли
Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур.
(205*а* варақ)

II Мустазод — 3 (186*б* — 188*б*)
III Таржеъбанд — 3 (188*а* — 198*б*)
IV Қитъа — 5 (198*б* — 199*б*)
V Рубоий — 46 (199*б*—204*а*)
VI Чистон — 1 (204*б*)
VII Муаммо — 6 (204*б*) — 2
VIII Туюғ — 1 (205*а*)

Колофон:

«كتبه العبد المزنب سلطان علی
مشهدی غفرلله له بدار السلطنة
هراة براسم خزانه میرزا اسلطان
حسین».

«Пойтахт шаҳар Ҳиротда камина қул Султон Али Машҳадий Султон Ҳусайн хазинаси учун кўчирдим».

«Наводирун-ниҳоя»даги шеърлар кейинчалик «Хазоинул-маоний» девонларига шоир томонидан тақсимланади. «Наводирун-ниҳоя» девонидаги 3 ғазал (25, 33, 267) «Хазоинул-маоний» таркибидаги девонларнинг ҳеч бирига кирган эмас.

Бу нодир асар XV аср каллиграфия санъатининг ажойиб намунаси сифатида ҳам текширишга лойиқдир.

М. Раҳматуллаева.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

СИНОНИМЛАР ЛУҒАТИНИ МУКАММАЛЛАШТИРАЙЛИК

Лексикологиянинг у ёки бу соҳаси бўйича луғат тузиш жуда ҳам қолоқ соҳалардан ҳисобланади. Биз ўзбек тили лексикасининг тараққиёт процессини яхшироқ тасаввур этиш ва осонроқ тушуниш учун пишиқ ишланган тарихий ва этимологик луғатларга эга бўлишимиз керак. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида эса луғатларнинг унисн ҳам, буниси ҳам юзага чиққан эмас. Ҳатто, лексиканинг ҳозирги ҳолатини ўзида тўла акс эттирувчи луғатлар ҳам тузилмаган. Лексиканинг айрим соҳалари бўйича луғат тузиш иши эса ўзбек тилшунослигидаги энг қолоқ соҳадир.

Омоним ва синоним сўзларнинг луғатини тузишда Элбек дастлабки текширишларни олиб борган. У ўттизинчи йилларнинг бошларида омоним ва синоним сўзларнинг луғатини тузишга киришади. 1934 йилда омоним сўзларнинг қисқача луғати «Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати» номи билан босмадан чиқади. Автор луғатнинг кириш қисмида синоним сўзларнинг луғатини ҳам босмага тайёрлаганлигини қайд этади. Лекин унинг босмадан чиқканлиги бизга маълум эмас.

1939 йилдан бошлаб С. Иброҳимов синоним сўзлар луғатини туза бошлайди. Унинг бу соҳадаги ишлари «Қисқача изоҳли синоним луғати» номи билан «Совет педагогикаси» журналининг 1939 йил 6-сони ва 1940 йил 1—2-сонларида босилиб чиқди.

А. Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати»[1] ана шундай луғатлардан бири ҳисобланади. Автор мазкур «Луғат»ни тузишга киришиб жуда яхши иш қилган. Бу китобхонларнинг айни муддаосидир.

А. Ҳожиевнинг «Луғат»и кириш ва асосий қисмдан иборат. Унинг кириш қисмида синонимлар ва унинг луғати ҳақида мулоҳазалар юритилади. Автор ўзбек тилидаги синонимларнинг таърифи ҳақида гапириб, уларни «бир хил маъноли, айнан бир тушунчани ифодаловчи сўзлар» деб қарайди. Шунинг учун ҳам яқин маънони билдирувчи сўзларнинг синоним бўлишига қарши чиқади. У ёки бу синонимик қаторга кирувчи сўзларнинг хусусиятлари, улардан қайси бирининг доминанта бўлиши каби масалалар ҳам луғатда ўз ифодасини топган.

А. Ҳожиев «Луғат»да барча синоним сўзларнинг рўйхатини бериш билан бирга, уларнинг маъноларини очиб бериш, берилган фикрларни тасдиқлаш учун кўплаб иллюстратив материаллар келтиради.

«Луғат»да ана шундай яхши томонлар билан бирга, хато ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Биз қуйида луғатнинг савиясини оширишга қаратилган баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтамиз.

А. Ҳожиев, синонимларнинг таърифи ҳақида мулоҳаза юритиб, бирдан ортиқ сўзларнинг ўзаро синоним бўлиши учун айнан бир тушунчани шу сўзларнинг ҳаммаси ҳам тўла ифодалаши керак (10-бет) дейди. Синоним сўзлар тушунчани тўла, айнан ифодалайдиган бўлса, у ҳолда синонимларнинг жузъий томони ҳақидаги фикр ўз кучини йўқотмайдими?

«Луғат»да *қарамоқ, боқмоқ* (10- ва 205-бетлар) сўзлари бир синонимик группага киритилади ва улар *кўз ташламоқ, кўз тикмоқ, назар ташламоқ* маъносини билдириши айтилади. Модомики, *қарамоқ, боқмоқ* синонимлари *кўз ташламоқ, кўз тутмоқ, назар ташламоқ* маъноларн билан бирлашган экан, у ҳолда буларни ҳам ушбу синонимик қаторга киритиш лозим. Шунингдек, автор *разм солмоқ, кўрмоқ, кўздан кечирмоқ, термилмоқ, мўраламоқ, ўқраймоқ, кузатмоқ* кабилар ҳақида қанча мулоҳаза юритмасин, улар ўз мулоҳазалигича қолган. Бизнингча, уларнинг ҳаммасини бир синонимик группага киритиш мақсадга мувофиқдир: *қарамоқ, кўрмоқ, боқмоқ, разм солмоқ, кўз ташламоқ, кўз тикмоқ, кузатмоқ, кўзи тушмоқ, термилмоқ, мўраламоқ, ўқраймоқ, бақраймоқ* каби. Масалан, *қарамоқ* ва *термилмоқ* бир синонимик қаторни ташкил этишига қуйидагича мисол келтириш кифоя. *Шу гаплардан кейин узоқ пауза қилди. Бир қаради, бир президиумдагиларга термилди* («Муштум», 1964 йил, 5-сон, 2-бет).

[1] А. Ҳожиев, Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1963, 262-бет.

А. Ҳожиев «Луғат»нинг 9-бетида ўзбек тилида синонимлар масаласи махсус текшириш объекти бўлгани йўқ. Бу ҳақда айрим мақолаларнигина учратиш мумкин, деб С. Усмонов, И. Қўчқортоев ва С. Исомуҳаммедовларнинг учта мақоласини тилга олади, холос. Автор бу ўринда ҳақли эмас. Чунки ушбу темада профессор К. К. Юдахин раҳбарлигида С. Исомуҳаммедова кандидатлик диссертацияси ёзди. Бу махсус иш эмасми?! Юқоридаги Ҳожиев келтирган учта мақоладан ташқари, яна бир қанча ишлар эълон қилинган ва улар билан ҳамма тилшуносларимиз таниншдир. Автор, шунингдек, Ф. Камолнинг «Ўзбек тили лексикаси масаласи» (1953), А. Боровков, З. Маъруфов, И. Абдуллаев ва Шермуҳаммедовларнинг «Ўзбек тили дарслиги» (1-қисм), коллектив авторларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957), С. Муталлибовнинг «Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк» (1959) ҳамда коллектив авторларнинг «Русча-ўзбекча луғат» (1950) кабилардаги материалларни ҳисобга олиши зарур эди. «Луғат»нинг 11-бетида «Бир ўзакдан ясалган сўзлар синоним бўлмайди (?!) дегани ҳолда *ажрамоқ, ажралмоқ* (25-бет), *зўрғаэўрғатдан, базўр* (28-бет), *атай, атайин, атайдан* (29-бет), *жўртта, жўрттага* (29-бет), *қуймоқ, қуйинмоқ* (30-бет), *аянч, аянчли* (31-бет), *тўла-тўлиқ* (33-бет), *бетоқатланмоқ, тоқатсизланмоқ* (37-бет), *бетинчланмоқ, тинчсизланмоқ* (37-бет), *нишон, нишона* (38-бет), *фойдасиз, бефойда* (40-бет), *қайта, қайтадан* (43-бет), *батамом, тамомила, тамоман, тамом* (44-бет) кабилардан синонимик қаторларни белгилайди. Бундай қарама-қарши фикрлар луғатнинг 49, 52, 54, 59, 61, 62, 64, 65, 69, 74, 75, 76, 79, 82, 83, 87, 104, 109, 122, 123, 125, 126, 127 ва унинг сўнгги саҳифаларида ҳам учраб туради.

Автор ўзининг фикрига ўзи қарши чиқиб, оддий бир фонетик ўзгариш билан қўлланувчи сўзларни ҳам синоним сўзи қаторига киритаверади. Масалан, *сўзламоқ, сўйламоқ* (49—88-бетлар), *баравар, баробар* (148-бет), *нишон, нишона* (38-бет), *доим, доимо* (55-бет) кабилар, авторнинг таъбирича, бир-бирига нисбатан синоним сўзлар ҳисобланар эмиш. Наҳотки, бир кичик фонетик ўзгариш билан сўзлар бир-бирига нисбатан синоним ҳисобланса! Агар биз бундай деб муҳокама қиладиган бўлсак, у ҳолда синонимик қаторларнинг сони чегарасиз бўлиб кетади. Чунки бундай фонетик ўзгаришлар ўзбек тилида жуда кўпдир.

«Луғат»нинг 17-бетида *қидирмоқ, ахтармоқ, изламоқ, истамоқ,* 70-бетида эса *изламоқ, қидирмоқ, ахтармоқ, истамоқ* деб, икки жойда икки хил доминанта белгилайди. 17- ва 70-бетларда *истамоқ* сўзи қайта-қайта диалектал сўз деб такрорланганлигига қарамасдан, унинг қайси диалектга хослиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди.

А. Ҳожиев китобнинг 19-бетида «Луғат»га фақат мустақил сўзлар киритилди. Ердамчи сўзлар, ундовлар, модал сўзлар киритилмади, деб алоҳида қайд қилади. Бироқ «Луғат»ни варақлаганимизда, *аввал, илгари, олдин, бурун, кейин, сўнг, ост, таг, ён* каби кўмакчи сўзлар; *оҳ, дод* сингари ундов сўзларни учратамиз. Эҳтимол, автор юқоридаги кўмакчилар ва ундовлар ҳақида бошқачароқ мулоҳазададир.

Автор *кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ, тиржаймоқ, иржаймоқ, хафаламоқ, қаҳқаҳламоқ, хихиламоқ, пиқилламоқ, қиқилламоқ* кабиларни бир синонимик группа киритишга қарши чиқади. Бизнингча, уларнинг ҳаммасини бир синонимик қаторга киритавериш мумкин. Улар ичида *кулмоқ* сўзини доминанта деб белгилаш керак. Маълумки, синонимларни ўрганишда осондан қийинга, соддадан мураккабга қараб борилади. Шунга кўра, даставвал, *бош, юз, ўрток, кулмоқ, ўлмоқ, йиғламоқ, қарамоқ, осмон, катта, ўқитувчи, мувваффақият, ғам, севги, ашула, план, агитация, пропаганда, самолёт* каби сўзлар синонимик луғатда ўз аксини топиши керак эди. Афсуски, уларнинг кўплари луғатга киритилмаган. Юқоридаги сўзларнинг кўплари энг қадимги вақтларда ҳам синонимликни ташкил этган. Масалан, «Девону луғотит турк»да *йиғламоқ* ва *сихтамоқ*. Алишер Навоийда эса, *йиғламоқ, сиқтамоқ, синграмоқ, инграмоқ, йиғламсинмоқ, ўқурмоқ, иничкирамоқ* сўзлари бир синонимик қаторни ташкил этганлиги қайд этилган.

А. Ҳожиев, нима учундир, энг актив қўлланиладиган сўзларни «Луғат»га киритмаган. Масалан, *муқаддам* сўзини *аввал, илгари, олдин, ўрин, қадим* группасига, *баҳодир* ва *қаҳрамон* сўзларини *ботир, жасур, довюрак, қўрқмас* группасига, *гурбат* сўзини *жанжал, ғалва, тўпалонг, можаро, ғавғо, машмаша* группасига, *мўйсафид* сўзини *кекса, қари* группасига, *граждан* сўзини *одам, киши, инсон, кимса,* башар группасига, *аёл* ва *турмуш ўртоғи* сўзларини *хотин, рафиқа, ястиқдош* группасига, *обида* сўзини *эсдалик, ёдгор, хотира* группасига киритиш лозим эди.

Шуни айтиш керакки, А. Ҳожиев «Луғат»ни тайёрлашда анчагина ютуққа эришган. Буни табриклаш керак, албатта. Лекин «Луғат»да кўпгина хато ва нуқсонлар ҳам борки, бизнингча, уларнинг ҳисобга олиниши, авторнинг ўзи қайд этганидек, кейинчалик ишнинг муваффақиятли бажарилиши ва мукаммал ҳолга келиши учун катта ёрдам берса керак, деб ўйлаймиз.

У. Т. Турсунов, профессор,

Н. Ражабов, доцент.

ОЛИМЛАР

ВИКТОР ВАСИЛЬЕВИЧ РЕШЕТОВ

РСФСР Педагогика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор В. В. Решетов совет тилшунослик фанининг ривожига катта ҳисса қўшган йирик тилшунос-турколог олим ҳамда моҳир педагог сифатида фақат республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам машҳурдир.

Виктор Васильевич Решетов 1910 йил 10 (23) март куни Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ёшлигидан бошлаб туркий халқлар (хусусан ўзбеклар) орасида яшаши ва улар билан яқин муносабатда бўлиши унинг айрим туркий тилларни (шу жумладан ўзбек тили ва унинг шеваларини) бутун позиклиги билан мукаммал билиб олишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам у 1926 йилда Тошкентдаги мактаблардан бирини тугатгач, Ўрта Осиё Давлат университети Шарқ факультетининг туркология бўлимига ўқишга кирди ҳамда уни муваффақият билан тамомлади.

Виктор Васильевичнинг меҳнат фаолияти 1929 йилдан бошланди. У университетнинг 2 курсида ўқиб юрган пайтидаёқ билимдон, актив студент сифатида танилди ва 1929 йилда САГУ ишчилар факультетига (рабфакка) ўқитувчи қилиб тайинланди. Ўша пайтдан (1929 йилдан) бери В. В. Решетов Тошкентдаги олий ўқув юртларида (университетда, пединститутда, чет тиллар педагогика институтида) ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири, факультет декани бўлиб ишлади.

В. В. Решетов 1934 йили САГУдан ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети ҳузуридаги Фанлар комитетининг Тил ва адабиёт институтига ишга ўтди.

В. В. Решетовнинг 1934 йилда нашр этилган биринчи илмий иши ўзбек тили лексик составини аниқлашга бағишланди. (Лексический состав современной узбекской прессы, Сб. «Проблемы языка», 1, Ташкент, 1934.). Автор бу асарида вақтли матбуот лексикасини ўрганиб, ўша даврдаги ўзбек тили лексик составида туб ўзбек сўзлари қаторида бошқа лексик қатламларнинг қанчалик ўрин тутганлигини биринчи марта белгилаб беради.

Бу даврларда В. В. Решетов ўзбек ва рус мактаблари учун дарсликлар, ўзбек тили ўқитувчилари учун қўлланмалар ёзди. Мазкур дарслик ва қўлланмалар 1934—1937 йилларда қайта-қайта нашр қилиниб, кўп йиллар давомида стабиль дарсликлар сифатида фойдаланилди.

В. В. Решетов 1940 йилда «Ўзбек тилининг Марғилон шеваси» темасида кандидатлик диссертациясини, 1952 йилда эса «Тошкент областининг қурама шевалари» деган темада докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ижодий ишни кичик илмий ходимликдан бошлаган олим кейинчалик А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, илмий секретарь, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва, ниҳоят, директорлик лавозимларида ишлади.

1959 йили РСФСР Педагогика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ва президиум аъзоси қилиб сайланди. 1960 йилдан 1964 йилга қадар у РСФСР Педагогика Фанлар академиясининг миллий мактаблар институтида директор ҳамда «Русский язык в национальной школе» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

В. В. Решетов 1963 йили республикамизда янгидан ташкил этилган Рус тили ва адабиёти педагогика институтига ректор қилиб тайинланди.

В. В. Решетовнинг илмий фаолияти жуда серқирра бўлиб, унинг ижодида дарсликлар, қўлланмалар билан бир қаторда ўзбек тилшунослигининг барча аспектлари юзасидан кузатишлар, икки тилли (ўзбекча-русча, русча-ўзбекча) луғатлар, ўзбек тили фонетика, морфология ва лексикасининг айрим назарий масалаларини ёритишга бағишланган асарлар ҳам катта ўрин тутади.

Олимнинг 1946 йилда ёзган «Ҳозирги замон ўзбек тили» асари ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган ҳолда олий мактаб студентлари ва ўқитувчилари учун қўлланма бўлиб келмоқда.

Ўзбек тилининг илмий грамматикасини яратишда ўз ҳиссасини кўшган бу йирик тадқиқотчи, айниқса, ўзбек шева ва диалектларини ўрганиш соҳасида жуда кўп

ишлар қилдики, булардан айримлари қуйидагилардир: «Ўзбек тилининг Наманган шеваси ҳақида» (Сб. академику В. А. Гордлевскому, Москва, 1953), «Ўзбек адабий тилига асос бўлган диалект тўғрисида» (ВЯ, 1, Москва, 1955), «Ўзбек халқ шеваларининг ўрганилиши» («Ўзбек диалектологиясидан материаллар», I, Тошкент, 1957), «Ўзбек миллий тилининг вужудга келишида таянч диалект» (Сб. «Вопросы диалектологии тюркских языков», Баку, 1958), «Ўзбек тили диалектларини монографик ўрганиш» («Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, 1-сон), «Ўзбек диалектологияси» (Ш. Шоабдурахмонов билан ҳамкорликда ёзилган дарслик, Тошкент, 1962) ва бошқалар. Хуллас, ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида проф. Е. Д. Поливанов, К. Қ. Юдахин, А. Қ. Боровковлар қаторида В. В. Решетовнинг ҳам жуда катта ҳиссаси бор. В. В. Решетов ўзбек тилшунослигида муҳим назарий ва практик масалаларни ҳал қилишда ёрдам берадиган бир қатор шаҳар шеваларини ўрганиш натижасида мазкур шеваларнинг адабий тилга бўлган муносабатларини аниқлади ва ҳозирги замон ўзбек адабий тилига асос бўлган таянч шеваларни белгилаб берди.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, проф. В. В. Решетов ранг-баранг ўзбек шеваларини тадқиқ қилиш учун рус графикаси асосидаги ўзбек фонологик транскрипциясини ишлаб берди, ўзбек шевалари атласини тузиш масалалари билан ҳам шуғулланди, ўзбек шевалари бўйича 49 та диалектологик карта тузди.

В .В. Решетовнинг Тошкент воҳасидаги қурама шеваларини тадқиқ қилишга бағишланган капитал асарида қурамаликларнинг генезиси аниқланган ва уларнинг тил хусусиятлари атрофлича ёритилган.

В. В. Решетовнинг 1959 йили босилиб чиққан «Ўзбек тили» (1-қисм) асари тилшунослигимизда алоҳида қимматга эга. Ўзбек тили фонетикасига бағишланган бу илмий тадқиқот иши назарий ва практик аҳамияти жиҳатидан фақат ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки совет туркологиясида ҳам эътиборга сазовордир. Бу ишда авторнинг ўзбек фонетикаси юзасидан узоқ йиллик кузатишлари адабий тил ва шева хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда системалаштириб берилган.

В. В. Решетов илмий тадқиқот ишларини педагогик ишлари билан узвий равишда боғлаб олиб бормоқда. Ў ўзининг 35 йиллик педагогик фаолияти давомида моҳир педагог сифатида кўплаб миллий кадрлар, шогирдлар тайёрлади.

Виктор Васильевичнинг бевосита раҳбарлиги ва расмий оппонентлигида 85 киши фан кандидати ва фан доктори деган илмий даражага эга бўлдики, буларнинг кўпчилиги туркий халқларнинг, асосан, ўзбек халқининг вакилларидир. Ҳозирги кунда проф. В. В. Решетов раҳбарлигида 14 аспирант кандидатлик ҳамда Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Туркманистондаги фан кандидатларидан 5 киши докторлик диссертациялари устида самарали илмий иш олиб бормоқда.

В. В. Решетов олий ўқув юртларида ва илмий текшириш муассасаларида ишлаш пайтида (1934 йилдан 1964 йилгача) 122 та асар ёзган ва нашр қилдирган. Бундан ташқари, тилшуносликнинг турли масалаларига бағишланган 27 та тўплам ва монографиялар ҳам В. В. Решетов таҳририда нашрга тайёрланган.

КПСС аъзоси бўлган олим педагогик, илмий тадқиқот ва раҳбарлик ишлар билан бир қаторда жамоат ишларига ҳам актив иштирок қилмоқда. Тошкент шаҳар Ижроия Комитетининг депутати ва Тошкент шаҳар Октябрь райкомининг аъзоси бўлган В. В. Решетов ўзи ректор бўлган Рус тили ва адабиёти институтида, жамоатчилик асосида, «Умумий тилшунослик» кафедрасини бошқармоқда ҳамда институтнинг миллий группаларида ўқиётган студентлар учун зарур бўлган дарсликларни ёзишда актив қатнашмоқда.

В. В. Решетовнинг кўп йиллик ва самарали илмий педагогик фаолияти Ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланди. У «Меҳнат Қизил байроқ» ва «Ҳурмат белгиси» орденлари, «Шавкатли меҳнати учун» медали ҳамда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советларининг бир неча Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. 1960 йил ЎзССР Маориф Министрлиги уни «ЎзССР халқ маорифи аълочиси» значоги билан тақдирлади. ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан олимга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берилди.

Биз проф. В. В. Решетовга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва совет тилшунослигининг равнақи йўлида қилаётган самарали меҳнатига катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ш. Шоабдурахмонов, А. Ишаев.

СОБИРЖОН ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори Собиржон Иброҳимович Иброҳимовнинг ҳаёти тасвир этилган биографиясини варақлар эканмиз социалистик қурилиш соҳасида чин совет кишисига хос фидокорона меҳнат қилиш, доим олдинга интилиш, чексиз ғайрат ва ташаббускорлик намуналари кўз олдимизда намоён бўлади.

Ўз замонасининг прогрессив кишиси бўлган, араб, форс ва рус тилларини мукаммал билган андижонлик зиёли онласида 1905 йил 21 декабрда дунёга келган Со-

биржон ака бошланғич маълумотни ўз отаси Иброҳимжон Тошматовдан олди. 1916 йили Андижонда рус-тузем мактабида, 1918—20 йилларда эса Тошкентдаги босмахона ходимлари курсида ва педагогика техникумида ўқиди, босмахонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади.

Октябрдан кейинги ички курашлар бартараф этилиши билан халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун бошланиб кетган қизғин кураш Собиржон акани ҳам ўзига тортди. Ў, 1923 йиллан бошлаб Олтинкўл волостида, сўнгра Андижонда ўқитувчилик, шаҳар революцион комитетида, кейинча Олтинкўл район Ижроия Комитетида секретарлик вазифаларида ишлаб совет тузумини мустаҳкамлаш, саводсизликни битириш, совет маорифи ва хотин-қизларни озод қилиш йўлида ҳормай-толмай иш олиб борди.

1926—28 йилларда атоқли тилшунос олимлардан профессор Е. Д. Поливанов, профессор Ғози Олим ва Абдулла Алавийлар Андижонга лингвистик экспедиция билан борганларида Собиржон ака улар билан қишлоқ ва шаҳарларда бирга бўлди, уларнинг тадқиқот усулларини қизиқиб ўрганди. Бу олимларнинг топшириқлари бўйича Андижон ва унинг атрофидаги турли касб эгалари билан суҳбатлашиб, халқ терминларини ва шева материалларини тўплай бошлади. Шу билан Собиржон ака ўзбек тилшунослиги соҳасига биринчи қадамни қўяди.

1928 йили Собиржон ака Самарқанддаги Педагогика академиясига ўқишга киради, аммо оилавий сабаблар билан ўни битирмай, 1929 йили матбуот ишига ўтиб кетади. Ўша йили «Маориф ва ўқитғувчи» журналида Собиржон аканинг «Сарой қишлоқ шевасининг фонетикавий тузилиши» номли биринчи илмий мақоласи босилиб чиқади. Матбуот соҳасида аввал «Қизил Ўзбекистон» газетасида, сўнгра Ўзбекистон Давлат нашриёти ҳамда Ўзбекистон Партия нашриётларида адабий муҳаррир бўлиб ишлади.

1933 йили Ўзбекистон Фанлар комитети Собиржон Иброҳимовни Партия нашриётидан чақириб олиб, Ўзбекистон маданий қурилиш илмий текшириш институтига илмий ходимлик ишига юборади. 1934 йилда Ўзбекистон Тил ва адабиёт институти ташкил этилиши билан Собиржон ака бу институтга ишга ўтади. Бу ерда илмий ходим ва марказий янги алифбе ва терминология комитетида адабий тил бўлимининг мудири бўлиб ишлайди. Собиржон ака ўшандан бери А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида узлуксиз ишлаб келмоқда.

Собиржон ака шу Институт қучоғида ўтган 30 йилдан ортиқ вақт ичида ўзбек филологиясининг имло, орфография, лексикология, лексикография, диалектология, классик адабиёт ва фольклор соҳаларида баракали меҳнат қилди. Ўнинг айниқса касб-ҳунар (профессионал) лексика соҳасидаги илмий тадқиқотлари ғоят тақдирлашга сазовордир.

Фарғона водийси ипакчилари лексикасини текширишга бағишланган монографик иши учун Собиржон ака 1950 йилда филология фанлари кандидати деган илмий даражани олишга сазовор бўлди. У бу соҳадаги тадқиқотини янада кучайтирди. Керамика ва металлсозлик касбларидан 30 га яқин тармоқнинг терминларини тўплаб, луғатини тузди ва улар устида лингвистик тадқиқот ўтказди. Унинг бу соҳадаги илмий ишлари йирик монография тарзида Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти томонидан босиб чиқарилди (бу монографиянинг I китоби 1956, II ва III китоблари 1959 йили нашр этилган). Собиржон аканинг бу йирик тадқиқотлари 1961 йили филология фанлари доктори деган олимлик даражасини олиш учун хизмат қилди.

Собиржон аканинг касб-ҳунар лексикаси соҳасидаги ишларининг тулшунослигимиз учун аҳамияти ғоят катта. Бошқирдистон Давлат университетининг профессори Ж. Кийикбоевнинг таъбирича, Собиржон ака бу ишлари билан тулшуносликда очилмаган қўриқни очган. Унинг бу иши кўпчилик туркологларнинг диққатини жалб этди.

Марҳум профессор А. К. Боровков Собиржон аканинг илмий ишларига юксак баҳо бериб, зўр қувонч билан: «С. Иброҳимов касб-ҳунар лексикасини текшириш ишларида ўзига издошлар топди» деган эди. Ҳақиқатан ҳам С. Иброҳимов ўзбек тилшунослигида «Касб-ҳунар лексикаси» деган янги бир соҳани вужудга келтирган олимдир: унинг тадқиқот методини ўзига хос янги бир мактаб дейиш мумкин. Ўзбекистонда бир қанча илмий ходимлар ва аспирантлар Собиржон аканинг бевосита раҳбарлиги остида ёки унинг илмий ишлари таъсирида халқ хўжалигининг турли тармоқларига хос профессионал лексикани ўрганиб, илмий ишлар яратдилар ва бу соҳадаги илмий текшириш ишларини давом эттириб, ривожлантирмоқдалар.

Шу кунларда Собиржон ака ўзбек тили изоҳли луғатини тузиш ва таҳрир этишда актив иштирок этмоқда, айни бир вақтда Андижон шевасига доир катта бир илмий ишни тамомлаб нашрга топширди.

Маданий фронтдаги хизматлари учун С. Иброҳимов Ҳукуматимиз томонидан бир неча бор тақдирлангандир. Уни СССР Олий Совети Президиуми икки марта медаль билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми эса икки марта Фахрий ёрлиқ билан мукофотлаган.

Биз қадрдон Собиржон акамизни 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин юрақдан табриклаймиз ва ўзбек филологиясининг янада ривожланиши йўлида тобора катта илмий муваффақиятлар қозониши учун унга узоқ умр ва мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Насим Маматов.

РЕЖАЛАР

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАЛАРИДА

Андижон Давлат педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраларининг аъзолари ўқув-тарбия ишлари билан бирга, кейинги 3—4 йил ичида илмий ва илмий методик ишларни ҳам бирмунча жонлантирдилар.

Ўзбек тили кафедрасининг аъзоси, доцент Р. Расулов «Ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзларнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёти» темасида докторлик диссертациясини ёзиб тамомлаш арафасида турибди. Старший ўқитувчи И. Зиёева «Ўзбек тилида жўналиш келишиги» темасида кандидатлик диссертациясини тугатди. Ўқитувчи А. Турғунов «Балиқчи шевасининг хусусиятлари» устида ишламоқда.

Доцент А. Маҳмудов «Ўзбек тили унлилари» (экспериментал-фонетик текшириш) ҳақидаги монографиясини тамомлади.

Мазкур монография «Фан» нашриётида нашр этилади. Ҳозир автор «Ўзбек адабий тилининг фонемалар системаси тўғрисида» экспериментал-фонетик иш олиб бормоқда. Бу ишда унли ва ундош товушларнинг акустик, физиологик, психологик, тил хусусиятлари ва уларнинг ўзаро чатишиш системасининг математик ифодаси аниқланади.

Ўзбек тили кафедра мудири, доцент А. Маҳмудов раҳбарлигида тарих-филология факультетининг студентлари Б. Иминов, Э. Дадахўжаев Андижон шаҳар шева унлиларининг рентгенограмма маълумотларининг статистикасини аниқлаб чиқдилар. Т. Еқубов ўзбек тили товушларининг бирин-кетин келиши ва уларнинг қонуниятларини бадиий асар материаллари асосида ёритиб беради.

Адабиёт кафедрасининг мудири, доцент Ҳ. Раззоқов «Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор» (Фарғона материаллари асосида) деб аталган докторлик диссертациясини ёзиб тамомлади. Унинг раҳбарлигида адабиёт кафедраси халқ оғзаки ижодини ўрганиш юзасидан анчагина ишлар қилди.

Старший ўқитувчи Қ. Азизов «Миртемир поэзияси» темасида кандидатлик диссертациясини ёзиб тугаллади. Филология фанлари кандидатлари Н. Қобулов ва Ғ. Мусина сиртдан ўқувчилар учун «Ўзбек совет адабиётидан конспектив курс» китобини ёзишга киришдилар.

Филология фанлари кандидати Р. Алиев «Сайқалийнинг ҳаёти ва ижоди» ҳақида монография тайёрлади. У ҳозир «Ўзбек достончилиги» (ёзма ёдгорликлар асосида) темасида илмий иш олиб бормоқда.

Кафедра аъзолари Институт нашр қилаётган «Илмий асарлар» тўпламида актив қатнашиш билан бирга, республика миқёсидаги турли илмий тўплам ва журналларда ҳам иштирок этмоқдалар.

Булардан ташқари, кафедраларда ҳар йили Андижон области атрофидаги шева ва халқ оғзаки ижоди материалларини ўрганиш, уларни ёзиб олиш мақсадида студентлар билан бирга илмий экспедицияларга бориб турилади. Бу экспедицияларда эртак, қўшиқ, мақол, матал каби халқ оғзаки ижодидан намуналар ёзиб олинади.

Т. Еқубов,

Ф. Маҳмудова.

ИЛМИЙ ҲАЁТ ВА ХРОНИКА

ФОЛЬКЛОРИСТЛАР ЙИҒИНИ

Кўп миллатли мамлакатимизда халқ ижодиёти тараққиётида бутунлай янги, олий босқич бўлган совет фольклори турли формаларда давом этмоқда. Халқимизнинг совет давридаги ижодининг характерли хусусиятларини тадқиқ қилиш, унинг умуман фольклордаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш фольклористиканинг зарурий вазифаларидандир. Шу жиҳатдан, 1965 йил 6—10 июлда Бурят АССРнинг пойтахти Улан-Удэ шаҳрида Сибирь халқлари совет фольклорини ўрганишга бағишлаб ўтказилган иккинчи конференция муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Конференцияда 21 та доклад ва ахборот тингланди. Бу илмий йиғин филология фанлари доктори Л. Е. Элиасовнинг «Совет фольклори халқни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим воситадир» деган доклади билан бошланди. Социалистик жамият тараққиётининг барча этапларида меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялашда халқ оғзаки ижоди муҳим роль ўйнади. Докладда бу ҳақда батафсил тўхтаб ўтилди.

Филология фанлари доктори А. И. Уланов бурят совет фольклорининг тараққиёти, унинг асосий жанрлари ва характерли хусусиятларини таҳлил қилди. Унинг кузатишича, бурят халқининг ҳозирги замон ижоди, бир томондан, традицион фольклордан, иккинчи томондан, ёш бурят совет адабиёти тажрибасидан фойдаланиш орқали ривожланмоқда. Социализм шароитида фан, маориф ва маданиятнинг ривожланиши, бадиий ҳаваскорлик даражасининг ўсиши, у ёки бу жанрга нисбатан эстетик талабнинг кучайиши халқ ижодиётини адабиётга яқинлаштирмоқда. Бунинг натижасида, А. И. Улановнинг кўрсатишича, оғзаки поэтик ижод социалистик реализм санъати бўлиб бормоқда.

Ҳозирги замон фольклори проблемаларини атрофлича ечиш учун индивидуал ижод масалаларини қараб чиқиш, унинг коллектив ижодда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш ҳам муҳим ўринда туради. Филология фанлари доктори, профессор В. М. Сидельников Сибирдаги халқ ижодчиси Е. И. Чичаева ижоди мисолида ана шу масалаларни ёритди. Шунингдек, илмий ходим Р. А. Шерхунаевнинг «Аполлон Тороев репертуарида совет фольклори» доклади ҳам халқ достончиси (улигерши)ни ижодчи сифатида ўрганиш масаласини ёритишда муҳим қимматга эга. Докладда А. Тороевнинг «Ленин — багша», «Арман ва Дурман» улигер-поэмалари анализ қилиниб, индивидуал ижод билан боғлиқ масалалар кўтарилади.

Доклад ва ахборотларнинг каттагина қисми совет фольклорининг ҳозирги составы, айрим жанрлар ривожи, уларнинг тарқалиш ва яшаш шароитларини ёритишга бағишланди. Бу жиҳатдан, филология фанлари кандидати М. Г. Воскобойниковнинг «Совет узоқ Шимолидаги кичик халқларнинг янги фольклорида прозаик жанрлар», илмий ходим И. З. Ярневскийнинг «Оғзаки ҳикоя (устный рассказ) ва унинг совет фольклорида ўрни», филология фанлари кандидати Г. У. Эргиснинг «Совет даврида яқут қўшиқлари тараққиёти», аспирант М. Н. Мельниковнинг «Ҳозирги халқ поэзияси айрим жанрларининг хусусиятлари ва уларнинг яшаш формалари ҳақида», филология фанлари кандидати Н. А. Каргаполовнинг «Ҳозирги турист қўшиқлари» деган темаларда қилган докладлари характерлидир.

Айрим докладларда у ёки бу халқ оғзаки поэтик ижодининг совет даврида тўпланиши, ўрганилиши, унинг ҳозирги аҳволи масалалари ёритилди. Филология фанлари кандидати Т. С. Тюхтеневнинг «Совет даврида олтой фольклорининг тўпланиши ва ўрганилиши», илмий ходим П. Е. Ефремовнинг «Долган халқ оғзаки ижодининг ҳозирги аҳволи», филология фанлари кандидати К. Калзаннинг «Тува совет фольклори ҳақида» каби докладлари ана шулар жумласидандир.

Филология фанлари кандидати С. С. Каташ олтой фольклорида В. И. Ленин образининг яратилиши тўғрисида, филология фанлари кандидати М. П. Хомонов бурят совет мақоллари, маталлари ва ҳикматли сўзларида бадиий-тасвирий воситалар ҳақида фикр юритди; филология фанлари кандидати Е. В. Баранникова бурят халқ ижодидаги антиклерикал фольклорни таҳлил қилди; аспирант Л. А. Соловьева

ўз докладини Сибирь ёзувчилари асарларидаги совет фольклори материаллари анализига бағишлади.

Конференцияда И. В. Гутаров (Минск), Ҳ. Ҳ. Ермуҳаммедов (Қозон), У. Нурмагамбетова (Олмаота), Ҳ. Т. Зарифов (Тошкент), М. П. Хамаганов (Улан-Удэ) каби йигирмага яқин олим сўзга чиқди. Филология фанлари доктори Ҳ. Т. Зарифов ўз нутқини замонавий эпос ва айрим жанрлар тақдири масаласига бағишлади. У ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, традицион эпосдан муҳим ҳолатлар билан фарқ қилувчи янги, совет эпоси яратилганлигини ўзбек материаллари асосида таҳлил қилди. Бир қатор халқларда яратилган бундай асарларни асосли равишда ўрганиш умуман эпос проблемасини атрофлича ҳал қилишга имкон беришлигини таъкидлади.

Конференция қарорида совет фольклори турли формаларда давом этаётганлиги, уни тўплаш, ўрганиш муҳим вазифалардан эканлиги таъкидланди. Шунингдек, конференция материалларини нашр этишга, фольклор ва фольклористика масалаларини ёритувчи бир илмий журнал ташкил қилишга қарор қилинди.

Конференция юксак илмий савияда ўтди. Унинг материаллари фақат Сибирь халқлари ижодинигина эмас, балки Ватанимиздаги барча миллатлар фольклорини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Т. Мирзаев.

ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

Шу йил 20—21 сентябрда Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида талантли ёзувчи, адабиётшунос олим, академик Мусо Тошмуҳаммедович Ойбекнинг туғилганига 60 йил ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти У. О. Орипов табиатнинг фусункорлиги ва ёқимлилигидан дилларда завқшавқ дарёси мавж уриб турган бир вақтда атоқли ёзувчимиз Ойбекнинг юбилей тантанасини очиқ деб эълон қилади.

Бугун шонли тўйи ўтаётган улуғ адибимиз, ноёб талант эгаси Ойбекнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ўзининг мазмуни, фазилати ва натижаси билан бизга серунум, сермаҳсул олтин кузни эслатмоқда. Ҳа, ёзувчини майин, олтин водийдан эсган шабадалар ҳам дилини хушнуд этиб, қутламоқда.

Мусо Тошмуҳаммедовични ўз коллективлари номидан Тил ва адабиёт институти директори Қ. Х. Хоназаров, Фалсафа институти директори М. Х. Хайруллаев, Тарих ва археология институтининг директор ўринбосари Ҳ. Зияев, Шарқшунослик институти директори С. Азимжонова, Экономика институти директори О. Б. Жамоловлар қизғин табриклайдилар.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан филология фанлари кандидати Ҳ. И. Ёқубов ёзувчининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида қимматли фикрлар айтиб, жўшқинлик билан поэтик ижод намуналарининг таъсирли жойларини мароқ билан тараннум этади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳ. С. Сулаймонов Ойбекнинг тарихий романи «Навоий» ҳақида тўхталиб, Алишер Навоийнинг буюк сиймосини гавдалантирган ёзувчининг ижодини илмий равишда мукаммал таҳлил этади. Фалсафа институтининг илмий ходими Қ. Самадовнинг «Ойбек—сўз устаси» деган докладида сўз санъаткорининг бадиий маҳорати алоҳида қайд этилади.

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими М. Ҳусаинов «Ойбек публицистикаси» устида фикр юритар экан, тингловчилар диққатини жалб эта олди. У, ёзувчи бақувват публицистик асарлар ёзганлигини, ўзбек бадиий публицистикасини ривожлантиришда катта ҳисса қўшганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Шу Институтнинг илмий ходими Рўзи Қодирийнинг «Ойбек—Шарқий Туркистонда» деб аталган докладида Ойбекнинг уйғур революцион-демократик янги адабиётига кўрсатган таъсири ва Зиё Самадий, Лутфулла Муталлиб, Зуннун Қодирий, Билол Азизийларнинг шаклланишида ўйнаган роли ҳақида атрофлича фикр юритилади.

«Ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг ривожланишида Ойбекнинг роли» ҳақида филология фанлари доктори И. О. Султонов қизиқарли доклад қилди.

Докладчи, ёзувчининг ёркин истеъдод ва чуқур билими акс этган ажойиб роман ва повестлари, ҳикоя, очерк, адабий-танқидий мақолалари, илмий-оммабоп асарлари Ўзбекистонда социалистик реализм адабиёти, марксча-ленинча адабиётшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади.

Шунингдек, сессияда Институтнинг илмий ходимларидан Т. Бобоевнинг «Ойбек ва болалар адабиёти», Г. Ғафурованинг «Кўп миллатли совет адабиётида Ойбек ижодининг тутган ўрни», филология фанлари кандидати О. Собировнинг «Ойбек асарларида фольклор образлари ва мотивлари» деган докладлари ҳам мароқ билан тингланди.

Филология фанлари кандидати Ж. Шарипов «Ойбек бадиий таржима устаси» темасида доклад қилиб, Ойбек томонидан санъаткорона қилинган таржималар туфайли ўзбек ўқувчилари Пушкиннинг даҳосини, Гомернинг улуғворлигини, Дантенинг фош этиш кучини, Белинскийдаги фикр теранлигини, Гётенинг фалсафий мушоҳадаларини, Горькийнинг салобатини, яна қолаверса, кўплаб бошқа сўз усталари-

нинг истеъдод ва маҳоратини ёрқин ҳис қилишини таъкидлайди.

Икки кун давом этган сессияда ёзувчи ижодини ҳар томонлама қамраб олган ўн тўртта сермазмун доклад тингланди.

Сўз санъатининг уста наққоши, академик ёзувчи Ойбекка бағишланган бу сессиянинг охирида адибга Институт коллективи томонидан ўзбек миллий кийими бўлмиш тўн ва қизларнинг меҳр, самимий севги-муҳаббатлари ипак қатмлари орасига олинган чуст дўппи ва атлас қийиқча, буюк ҳурмат рамзи бўлган қучоқ-қучоқ гуллар тақдим этилди.

Ойбек ўзига кўрсатилган юксак эҳтиромларга самимий ташаккур билдириб, сессия қатнашчиларига қарата шундай деди (қуйида ёзувчининг нутқини тўлиқ келтирамиз):

«АЗИЗ ДЎСТЛАРИМ!

Менинг чексиз миннатдорлигимни, ташаккуримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Йигирма йил мобайнида Сиз билан ижод меҳнатини бирга чекиб, ижод шодлигини бирга тотиб келганимга беҳад мамнунман, ғоят хурсандман. Сизнинг менга кўрсатган ҳурматингиз, самимиятингиз шу тобда юрагимга дарё-дарё нур ағдарди, ҳисларим, туйғуларим қирғоғи йўқ. Менга бағишланган бу бахт, бу қувонч, бу эъзозингизга ҳар қанча ташаккур айтсам камдир.

Мунаввар Академиямизнинг кўп илм соҳибларининг қанча азиз вақтлари ва меҳнатлари самараси бўлган нутқлари мени ғоят ҳаяжонга солди. Тил, адабиётчилар, шарқшунослар, тарихчилар, файласуфлар ва академия аъзолари, президент ҳам вице президентлар — барчангизга бутун юрагимнинг муҳаббатини, самимиятини бағишлайман.

Ҳалқимизнинг маданияти, маърифати, илм-фани йўлида кўрсатган иждиҳодингиз, фаолиятингиз, саботингиз чексиз мадҳга сазовордир.

Буюк йўлимизда биз билан бирга бораётган юрагимизнинг кучи ва қуввати, умид ва орзуларимизни қалбимиздан, қўлимиздан олиб олга борувчи ёшлар бизнинг бахтимиздир. Илм хазинасининг калити ҳамиша ёшларники. Замон ўтиши, асрлар кечиши билан олимлар илм хазинасини қўлдан қўлга топширурлар ва ҳар бир олим ўз ҳиссасини, ўз юрак қатрасини илм-фан денгизига қўшгани туфайли бахт касб этади.

Илм-фан, санъат-адабиёт халқ бошига қуёш кўтарур, ҳаётни мунаввар этур; булар оғир, сермеҳнат талаб этувчи соҳалардир. Лекин фидокорона меҳнат мўъжизалар яратишини биз яхши биламиз. Бу қуёшдай равшандир. Бунинг учун ёш бўғимлар, ёш дўстларимга ёлғиз айтадиган сўзим — буюк ирода, соф виждон, чидамли меҳнат билан илм чўққисига, илм булоғининг қаърига йўл очасиз. Меҳнат ила ижод ҳамиша биргадир. Улуғ Ленин даҳосининг бошлаган йўлидан коммунизмга етажакмиз».

Фарида Иўлдошева.

«ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИ 1965 ЙИЛГИ СОНЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

Янги режалар. III. 5.

И. Абдуллаев. X аср Бухорода ёзилган васфий шеърлар ҳақида. III. 25.
Ф. А. Абдуллаев. Қарноқ шевасининг фонетикасидан. VI. 16.
В. А. Абдуллаев, Б. Валихўжаев. «Мажолисун-нафоис» типидаги бир тазкира ҳақида. V. 18.
Дўстмурод Абдураҳмонов. Диалектал лексикага экскурс. I. 43.
Муҳсин Алиев. Партия XX съездидан кейинги драматик асарлар маҳсули, VI. 5.
Т. Алиқулов. Синекдоха йўли билан полисемияларнинг вужудга келиши ҳақида. III. 30.
Т. Алиқулов. Функциядошлик ҳодисасига доир. VI. 26.
Ж. Амонтурдиев. Кесимнинг структурасига кўра классификацияси. IV. 38.
Немат Аҳмедов. Ўзбек адабий тили ва шева хусусиятлари. III. 36.
А. Аҳмедов. Махсус интонацияли сўроқ гапларнинг структураси. III. 39.
Тўхта Бобоев. Ҳозирги ўзбек прозасида замондошларимиз образлари. III. 7.
Тўхта Бобоев. Ойбек ижоди ва болалар адабиёти. V. 13.
М. Ботирова. Бир майл формасининг бошқа майл маъносида қўлланиши. V. 44.
Осим Боқиев. Уйғур халқ байтлари ҳақида. I. 18.
В. А. Есенгалиева. Туркий тилларда «қилмоқ», «бўлмоқ» типидаги сўзлар иштирокида ясалган составли феъллар. V. 38.
Акром Иброҳимов. Хожа ҳаёти ва ижоди ҳақида баъзи бир мулоҳазалар. IV. 22.
А. Иброҳимов. XVI аср адабиётини ўрганишдаги айрим чалкашликлар VI. 10.
Б. Имомов. Партия XX съездидан кейинги йиллар ўзбек драматургияси. II. 5.
А. Маҳмудов. Ўзбек адабий тили унлиларининг спектрал анализи. IV. 45.
М. Маҳмудов. Муҳаммад Шариф Шавқийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида. V. 24.
К. Мелиев. Ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида -гудек аффикси орқали ясалган феъл формаси. VI. 23.
М. Мирзаев. Бухоро диалектининг морфологик хусусиятларига доир. II. 33.
Т. Мирзаев. «Алпомиш» нашрининг ўзбек достончиларига таъсири. II. 12.
Т. Мирзаев. «Алпомиш» достонининг ғоявий йўналиши ҳақида. III. 21.
Г. Б. Окунь. Чет эл ёзувчилари Ўзбекистон ҳақида. IV. 16.
Қ. Офаринов. Ёш авлодни эстетик тарбиялашда драматургиянинг ролига доир. VI. 5.
Тўлқин Расулев. Бадиий образ ва образли тасвирий воситалар. V. 5.
А. Расулов. Ёш қаҳрамон характерининг шаклланиши. I. 12.
Ҳамид Сулаймон. Алишер Навоийнинг форс тилидаги поэтик мероси тадқиқотидан. V. 31.
Сойибжон Туляков. Наманган шаҳар шевасида феъларнинг тусланиши. II. 39.
Маҳфуза Туробова. Эски ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг ишлатилишига доир. V. 49.
С. Усмонов. Сўзнинг морфематик ва функционал анализи ҳақида. I. 38.
М. Б. Финкельштейн. Қаратқичли бирикмалар — русча атрибутив бирикмаларнинг ўзбекча ифода усули сифатида. IV. 50.
Жуманиёз Шарипов. Қутб Хоразмий ва Сайф Саройининг таржималари ҳақида. II. 47.
Ж. Шарипов. Таржима тарихининг баъзи бир назарий масалалари. IV. 28.
Ш. Шоабдураҳмонов. Етакчи ўзбек шаҳар шеваларининг классификацияси масаласи. I. 33.
Ш. Шукуров. -дуқ формаси тарихидан. II. 25.
Рўзи Қодирий. Ўзбек совет поэзиясида уйғур халқи ҳаётининг акс этиши. IV. 12.
И. Қўчқортоев. Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратишига доир. IV. 56.

М. Қўшжонов. Поэмадан романга. I. 5.
А. Ҳайитметов. Навоийнинг текстологик тадқиқотлари ва уларнинг тақдири ҳақида. I. 23.
Муҳаммаджон Ҳакимов. Мақол терминлари ҳақида. II. 18.

Муҳокама ва мунозара

Ф. Абдуллаев. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида. III. 46.
С. Ф. Акобиров. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар. VI. 36.
Бердиали Имомов. Ғоявийлик, маҳорат ва танқид. V. 58.
Турсун Собиров. Драматургия ва театр. VI. 30.
Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек тилида ўзак структурасининг баъзи масалаларига доир. V. 54.
Ш. Шукуров. Ўзбек адабий тилининг ривожланиши масаласига доир. IV. 63.
А. Ҳожиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзларнинг берилиши масаласи. II. 67.

Илмий ахборот

Л. Абдуллаева. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида баъзи мулоҳазалар. I. 62.
Тошпўлат Аҳмедов. Навоий «Лайли ва Мажнун» достонининг сюжет масаласига доир. III. 55.
Э. Бегматов. Антрополексемалар ҳақида. II. 63.
Э. Бегматов. Ономастик сўз ясаш масалаларига доир. III. 53.
Н. Даврон. Сайфи Саройи. VI. 44.
Б. Жўраев. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. IV. 68.
Ж. Жўраева. Феъл майллари классификациясига доир. II. 61.
С. Зуфаров. Сайрам шеваси ҳақида. V. 70.
Эътибор Иброҳимова. Шоир Ниёзий. II. 54.
Назира Каримова. Навоий — меҳнат куйчиси. I. 48.
А. Мадаминов. Шоир Узлатнинг ҳаёти ва ижодига оид янги манбалар. I. 64.
У. Мирзакаримова. «Қиссасул анбиё» тилида сон. I. 55.
Марғуба Мирзааҳмедова. Ҳасан Нисорий ва унинг «Музаккирул-аҳбоб» тазкираси. IV. 70.
Малик Муродов. Мухторхон Аҳмадхон ўғли. VI. 41.
Олтой. Ҳамза билан учрашганда. II. 65.
Қобил Орипов. Ўзбек совет адабиётида сатира ва юморнинг ривожланишида вақтли матбуотнинг роли. V. 66.
Холид Расулов, Маҳбуба Қодирова. Ҳакимхон Маъсумхон ўғли. I. 51.
М. Раҳматуллаева. Алишер Навоий лирикасида «юз» сўзининг ишлатилишига доир. I. 58.
М. Раҳматуллаева. Алишер Навоий «Наводирун-ниҳоя» девонининг мўътабар қўлёзмаси ҳақида. VI. 47.
И. Суяров. Ўзлик олмоши ҳақида. I. 60.
Ҳайдарали Узоқов. Тилшуносликка оид илмий тадқиқот темалари. I. 68.
О. Қосимхўжаева. Роқимнинг девони. II. 58.
А. Ҳожиев. «Қўлланмоқ» феълининг ишлатилиши ҳақида. V. 68.

Танқид ва библиография

Абдусодиқ Ирисов. «Исмингизнинг маъноси нима?» ҳақида. V. 72.
У. Т. Турсунов, Н. Ражабов. Синонимлар луғатини мукаммаллаштирайлик. VI. 49.
М. Ҳақбердиев, Ш. Шукуров. «Наводирул-вақое» ўзбек тилида. III. 59.

Олимлар

А. Исмоилов. Айюб Ғуломов. IV. 75.
С. Отамирзаева. Маърифат жарчиси. V. 75.
Ш. Шоабдураҳмонов, А. Ишаев. Виктор Васильевич Решетов. VI. 51.
С. Қосимов. Олим Шарафуддинов. IV. 74.
Насим Маматов. Собиржон Иброҳимов. VI. 52.

Режалар

Т. Ёқубов, Ф. Маҳмудова. Андижон Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраларида. VI. 54.
Раҳмат Мажидий. Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти сектори ишлари. IV. 77.
Ҳ. Ёқубов. Ўзбек совет адабиёти секторида. V. 77.
З. Маъруфов. Луғат секторида. IV. 77.
Ҳ. Ҳ. Ҳайдаров. Инглиз ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш масалалари. V. 77.

Илмий ҳаёт ва хроника

Суръат Абдукаримов. Янги шоир. IV. 79.
С. Абдукаримов. Адабиётшуносликка оид кандидатлик диссертациялари. V. 79.
Талъат Абдужабборов. Устод Садриддин Айний. IV. 78.
Н. Даврон. Навоий ижодига бағишланган илмий конференция. III. 61.
Фарида Йўлдошева. Халқ ёзувчиси. VI. 56.
М. Мирзаева. Бирлашган илмий сессия. II. 73.
Т. Мирзаев. Фольклористлар йиғини. VI. 55.
В. В. Решетов. Атоқли турколог олим. III. 63.
Ҳайдарали Узоқов. Адабиётшуносликка оид тадқиқот темалари. II. 71.
Ҳ. Узоқов. Тилшуносликка оид кандидатлик темалари. III. 64.
Ҳ. Шамсиева. Ҳамзашунослар конференцияси. III. 62.

МУНДАРИЖА

Қ. Офаринов. Ёш авлодни эстетик тарбиялашда драматургиянинг ролига доир 5
А. Иброҳимов. XVI аср адабиётини ўрганишдаги айрим чалкашликлар 10
Ф. А. Абдуллаев. Қарноқ шевасининг фонетикасидан 16
К. Мелиев. Ҳозирги замон ўзбек ва уйғур тилларида *-гудек* аффикси орқали ясалган феъл формаси 23
Т. Алиқулов. Функциядошлик ҳодисасига доир 26

Муҳокама ва мунозара

Т. Собиров. Драматургия ва театр 30
С. А. Акобиров. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар . . . 36

Илмий ахборот

М. Муродов. Мухторхон Аҳмадхон ўғли 41
Н. Даврон. Сайфи Саройи 44
М. Раҳматуллаева. Алишер Навоий «Наводирун-ниҳоя» девонининг мўътабар қўлёзмаси ҳақида 47

Танқид ва библиография

У. Т. Турсунов, Н. Ражабов. Синонимлар луғатини мукаммаллаштирайлик 49

Олимлар

Ш. Шоабдураҳмонов, А. Ишаев, Виктор Васильевич Решетов . . 51
Н. Маматов. Собиржон Иброҳимов 52

Режалар

Т. Ёқубов, Ф. Маҳмудова. Андижон Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраларида 54

Илмий ҳаёт ва хроника

Т. Мирзаев. Фольклористлар йиғини 55
Ф. Йўлдошева. Халқ ёзувчиси 56
«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали 1965 йилги сонларининг мундарижаси . 58

Баҳоси 30 т.

Индекс
75396